

ШАЙХ  
МУҲАММАД СОДИҚ  
МУҲАММАД ЮСУФ

*Шафсири  
Ҳилол*

*ТУЗАТИЛГАН ВА ҚЎШИМЧА ҚИЛИНГАН*

*ИККИНЧИ НАШР*

*1 ЖУЗ*

*Аллоҳ таолонинг каломи тафсири ҳақидаги ушбу камтарона уринишни қиблагоҳим Муҳаммад Юсуф ҳожи ва онажоним Собира хоним Тилакберди қизи раҳматуллоҳи алайҳимоларга бағишлайман. Ҳаққ таолодан у зотларни мағфират айлаб, жойларини жаннатдан қилишини тилаб дуолар қиламан. Муҳтарам ўқувчилардан отамиз ва онамиз ҳақларига дуолар умидидаман.*

*Муаллиф.*

***Ш и о р и м и з:***

Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби асосида пок ақийда ва мусаффо Исломга интилиш, Қуръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маърифат таратиш, салафи солиҳ — улуғ мужтаҳидларга эргашиш, кенгбағирлик ва биродарлик руҳини тарқатиш.

Дийний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш.

**БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ****ИККИНЧИ НАШР МУҚАДДИМАСИ**

Аллоҳ таолога Ўз мақомига мос ҳамду санолар бўлсин. Пайғамбаримизга мукамал ва батамом саловоту дурудлар бўлсин. Роббил олабийннинг риояси ила, бир неча йиллик ожизона уриниш самараси ўлароқ, ушбу тафсир охиригача нашр этилди. Биринчи нашрда ўз шароити ҳисобга олинган ва маълум шароитлар ўз таъсирини ўтказган эди. Ана ўшандоқ шароитларда «Тафсири Ҳилол»нинг нашр этилиши ва тарқалишида ҳисса қўшган барча азизларга чин қалбдан ўз ташаккурларимизни изҳор қиламиз. Аллоҳ таоло уларнинг барчаларига ўзлари ният қилгандан ҳам кўра яхшироқ ажру савоб ва мақому мартабалар ато этсин.

Мана, Аллоҳ таолонинг тавфиқи ила «Тафсири Ҳилол»нинг иккинчи нашрини ҳам сиз муҳтарамларга тақдим этмоқдамиз. Бу нашрни тайёрлашда аввалги тажрибалар, кўпчиликнинг фикр-мулоҳазалари ва ўқувчиларнинг тайёргарлиги ҳисобга олинди. Сезиларли даражада қўшимчалар киритилди. Умуман, ҳар тарафлама қўлдан келганича яхшилашга ҳаракат қилинди. Муқаддима ва тафсирга оид маълумотлар охирга сурилди. Шу билан бирга, бу иш мукамалдир, дейиш даъвосидан йироқмиз. Баркамоллик Аллоҳ таолонинг Ўзигагина хосдир.

Мазкур омиллардан келиб чиқиб, «Тафсири Ҳилол»нинг иккинчи нашри асос деб эътибор қилиниши муҳтарам ўқувчиларга билдирилади. Ушбу сатрларда бир яхшилик топсалар, Аллоҳдан, камчилик ва хато топсалар, муаллифдан, деб билишлари сўралади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ёрдам кўрсатганларга беҳад ташаккурлар изҳор қилиш билан бирга, Аллоҳ таолодан уларга икки дунё саодатини сўраб дуо қилиб қоламан.

*Муҳаммад Соғиқ Муҳаммад Юсуф*



## ФОТИҲА СУРАСИ

*Маккада нозил бўлган, 7 оятдан иборат.*

Бу суранинг бир неча номи бўлиб, шулардан бири «Фотиҳа», яъни, «очувчи» деганидир. Чунки, Қуръони Карим ушбу сура ила очилади. «Фотиҳа» сураси жуда ҳам фазилатли сура бўлиб, бу ҳақда бир қанча ривоятлар келтирилган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадиси шарифда:

«Убай ибн Каъб Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларида «Фотиҳа» сурасини ўқидилар, шунда ҳазрат:

«Менинг жоним тасарруфида бўлган Зот билан қасам ичаманки, Тавротда ҳам, Инжилда ҳам, Забурда ҳам, Фурқонда (Қуръонда) ҳам бунга ўхшаш туширилмаган», дедилар.

«Фотиҳа» сураси оятларининг тафсирига киришишдан олдин, Қуръони Каримга оид энг машҳур икки истилоҳ: оят ва сура сўзларининг луғавий ва истилоҳий маънолари ила танишиб олсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

«Оят» сўзининг бир неча луғавий маъноси бор:

1. «Мўъжиза».

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида: «Бани Исроилдан сўрагин, Биз уларга қанча очиқ-ойдин оят — мўъжиза берган эканмиз», деган.

2. «Белги-аломат».

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида: «Албатта унинг мулкининг оят — белгиси, сизларга Роббингиздан ичида сакина бор тобут келишидир», деган.

3. «Ибрат».

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида: «Албатта, бунда оят — ибрат бордир», деган.

4. «Ажойиб иш».

Аллоҳ таоло «Муъминун» сурасида: «Ва Биз Ибн Марямни ва унинг онасини оят — ажойиб иш қилдик», деган.

5. «Бурҳон, далил».

Аллоҳ таоло «Рум» сурасида: «Осмонлару ернинг яратилиши ва тилларингизу рангларингизнинг турли бўлиши Унинг оят — далилларидадир», деган.

6. «Жамоат».

Арабларда, қавм ояти — жамоаси билан чиқди, деган гап бор.

7. Қуръон ояти.

Уламолар истилоҳида эса, оят — Қуръон сурасига кирган, бошланиши ва тугаши белгили сўзлар тоифасидир.

Шу билан бирга, Қуръони Каримнинг ҳар бир ояти юқоридаги луғавий маъноларни ўз ичига олган бўлади. Ҳа, Қуръони Каримнинг ҳар бир ояти: мўъжиза, ибрат, ажойиб иш, белги-аломат, ҳарф ва сўзлар жамоаси ва Аллоҳ таолонинг қудрати далилидир.

Қуръони Каримнинг ҳар бир ояти, унинг аввали ва охири ҳақидаги илмни Аллоҳ таолодан Жаброил алайҳиссалом ўрганган. У кишидан Пайғамбар алайҳиссалом, у зотдан эса, мусулмонлар ўрганганлар.

Қуръони Каримдаги энг қисқа оят «Йаасийн» бўлиб, икки ҳарфдан иборатдир.

Энг узун оят эса, «Бақара» сурасидаги «Қарз олди-берди» оятидир.

Оятларни бир-биридан ажрата билиш, уларнинг бошланиш ва тугаш жойларини англаб етиш маъноларини яхши тушуниб етишга ва бошқа бир қанча ишларда ёрдам беради.

Қуръони Каримда оят сўзи кўплаб такрорланган. Оят сўзи баъзи бир жойларда юқорида зикр қилинган маъноларнинг ҳаммасини, иккинчи бир жойда икки-учтасини, учинчи жойда эса, фақат биттасини ифода этиб келган. Ушбу нозик фарқни англаб етилгандагина маъно тўғри тушунилади.

«Сура» сўзи луғатда қўрғон, манзил ва шараф маъноларини англатади.

Уламоларимиз истилоҳида эса, сура — Қуръон оятларининг бошланиши ва тугаши белгиланган мустақил тоифасидир.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, Қуръон оятларининг қўрғон ила ўралгандек бир тоифасига сура дейилади.

Қуръони Каримдаги энг қисқа сура «Кавсар» сураси бўлиб, уч оятдан, энг узун сура «Бақара» сураси бўлиб, 286 оятдан иборатдир.

## АЪУУЗУ БИЛЛАҲИ МИНАШ ШАЙТОНИР РОЖИЙМ

**Қувилган Шайтон ёмонлигидан Аллоҳ паноҳини сўрайман.**

Шайтон Аллоҳга исён қилиб, Одам Атога қуллуқ қилмай гуноҳкор бўлгани учун, Аллоҳ уни лаънатлаган, ҳузуридан қувган ва раҳматидан узоқ қилган. Мазкур маънолар барчаси «рожийм» сўзида ўз ифодасини топган. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда:

**«Агар Қуръон ўқисанг, шайтонир рожийм ёмонлигидан Аллоҳ паноҳини сўрагин»,** деган.

Шунинг учун, ҳар бир Қуръон ўқувчи киши қироатни,

**«Аъузу биллаҳи минаш шайтонир рожийм»** билан бошламоғи лозим, акс ҳолда, гуноҳкор бўлади.



**1. Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

**Меҳрибон ва раҳимли Аллоҳнинг номи ила бошлайман.**

Аллоҳ таоло ўз китобини «Бисмиллаҳ» билан бошлагани мусулмонларга ҳам ўрнак, улар ҳам доим ўз сўзларини ва ишларини «Бисмиллаҳ» билан бошламоқлари лозим.

Пайғамбар алайҳиссалом ўз ҳадисларидан бирида:

**«Эътиборли ҳар бир иш «Бисмиллаҳ» билан бошланмас экан, унинг охири кесикдир»,** деганлар. Яъни, унинг баракаси бўлмайди, охирига етмайди.



**2. Барча мақтов, шукрлар оламларнинг тарбиячиси Аллоҳга бўлсин.**

Оламларни яратгани учун ҳам, уларнинг тарбиячиси бўлгани учун ҳам, улардаги барча жонзотларга ҳаёт, ризқи рўз берувчи бўлгани учун ҳам, Аллоҳ барча ҳамду саноларга сазовордир.




**3 .У Роҳман ва Роҳиймдир.**

«Роҳман» сифати фақат Аллоҳга хос бўлиб, барчага — кофирга ҳам, мўминга ҳам меҳрибон ва неъмат берувчи маъносини англата-

ди. Роҳман сифатини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч кимга нисбатан ишлатиб бўлмайди.


«Роҳийм» сифати эса, хосроқ бўлиб, қиёмат куни фақат мўминларга раҳим қилувчи маъносини англатади ва Аллоҳдан ўзгаларга, жумладан, Пайғамбар алайҳиссаломга нисбатан ҳам ишлатилади.

«Аллоҳнинг хулқи билан хулқланинглар!» деган асарга асосланиб, уламоларимиз, бу оятни ўқиган ҳар бир киши раҳимли бўлишга уринмоғи лозим, дейдилар.



#### 4. У қиёмат кунининг подшоҳидир.

Ушбу ояти каримада қиёмат куни Явмиддин деб номланган. Дин сўзи арабчада ҳисоб, жазо, мукофот маъноларини билдиради. Явмиддин — қиёмат кунида барча бандалар қайта тирилтирилиб, ҳисобкитоб қилинади. Яхшига мукофот, ёмонга жазо берилади. Бу оятни ўқиганда қиёматни эслаб, ўша даҳшатли кунда фақат Аллоҳнинг Ўзи ҳукм чиқариши, ўша ерда уялиб қолмасликни ўйлаб, унга тайёргарлик кўришга аҳд қилинади.



#### 5. Фақат Сенгагина ибодат қиламиз ва фақат Сендангина ёрдам сўраймиз.

Бизда «ибодат» деганда, фақат намоз ўқиш, рўза тутиш, зикр, Қуръон қироати каби нарсалар тушуниладиган бўлиб қолган. Тўғри, булар улкан ибодатлар, лекин, аслида, Аллоҳга манзур бўлган ҳар бир иш ибодатдир. Демак, инсон ўз ҳаётида Аллоҳнинг айтганини қилиб юрса, ибодатда юрган бўлади. Аллоҳ ҳалол ризқ топ, деб буюрганми, демак, ҳалол ризқ топиш ҳаракатида юрганлар ибодатда бўладилар. Албатта, ҳалол ризқ топиш ибодат экан, деб бошқа фарз, вожиб ва суннат амалларни тарк қилинмайди. Масалан, намоз ва рўзани тарк қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Хулласи калом, «Иййаака наъбуду» «фақат Сенинг айтганингни қиламиз» маъносини англатади. Бу эса, банд тарафидан Аллоҳга берилган улкан ваъдадир. Аллоҳ таоло барчамизни ушбу ваъданинг устидан чиқадиганлардан қилсин.

«Иййаака настаъийн» ҳам худди шундай, фақат Аллоҳдангина ёрдам сўраш маъносини англатади. Одатда, бирор ишга қаттиқ ури-

ниб, кучи етмай қолган тақдирда ёрдам сўрашга араблар «истиъона» сўзининг турли кўринишларини ишлатадилар. Ушбу ояти каримада «Иййаака настаъийн» дейилиши ҳам, ўзимиз имкони борича ҳаракат қилиб, имконини топа олмай қолганимизда, фақат Сендангина ёрдам сўраймиз, деган маънони билдиради. Ҳаракат қилмай, дангаса бўлиб ётиб олган ҳолда, бировдан ёрдам сўралмайди. Мулоҳаза қилсангиз, иккала ишда ҳам — ибодат қилишда ҳам ва ёрдам сўрашда ҳам бирлик эмас, кўплик лафзи ишлатилияпти, бу эса, Исломда жамоатчилик, кўпчилик билан бўлиш руҳини акс эттиради.



### 6. Бизни тўғри йўлга ҳидоят қилгин.

Ҳидоятга — тўғри йўлга бошлаш, луғатда бирор нарсага лутф билан йўллаб қўйишга айтилади. Уламолар наздида, шундай ҳидоятга — йўлга бошлаш бир неча даражали бўлар экан:

а) Аллоҳ инсонга қўшиб яратган туйғуларнинг ҳидояти — йўл кўрсатиши. Мисол учун, чақалоқнинг биров ўргатмаса ҳам онасини эмиши, хавф яқинлашганда кўзини юмиши, қорни очганда йиғлаши ва ҳоказолар ана шу ҳидоятлар жумласига киради. Буни илмий тилда «туғма инстинкт» дейилади. Лекин бу тоифадаги ҳидоят инсоннинг барча талабларини қондира олмайди. Улар фақатгина баъзи бир эҳтиёжларни қондириши мумкин, холос.

б) Инсон аъзоларининг ҳис қилиши ҳидояти — йўл кўрсатиши: ҳидлаш, эшитиш, кўриш, ушлаб кўриш каби сезгилар орқали маълум бир нарсаларга ҳидоят топса бўлади, лекин булар ҳам кифоя қилмайди, ҳаммалари маълум бир чегарагача ярайди, холос. Мисол учун, кўз маълум узоқликдаги ва маълум катталикдаги нарсаларнинг гина кўра олади. Баъзида эса, ҳис қилиш аъзолари хато қилиши ҳам мумкин. Мисол учун, катта тезликда кетаётган кишига қизил чироқ яшил бўлиб кўриниши ҳаммага маълум. Кўриниб турибдики, иккинчи тоифадаги ҳидоят биринчи тоифадаги ҳидоятдан устун ва тўлароқ бўлса ҳам, инсонни икки дунё бахт-саодати ила таъминлашга мутлақо етишмайди. Энди, ундан ҳам мукамалроқ ҳидоят борми, деган савол пайдо бўлади. Бу саволга, ҳа, ундан ҳам мукамалроқ ҳидоят бор, у — ақл ҳидоятидир, деб жавоб берилади.

в) Ақл ёрдамида инсон юқорида зикр қилинган воситалар ожиз қолган нарсалардан ҳидоят топади, уларнинг хатосини тузатади. Масалан: сувда бирор нарсанинг аксини синган ҳолатда кўриш мумкин, бу кўзнинг хабари, лекин ақл акси сувда шундай кўринаётган



нарсанинг аслида бутун, тўғрилигига ҳидоят қилади. Касал одамга ширин таом ҳам нордон туюлиши мумкин, лекин ақл у таом аслида ширин эканини билдиради.

«Демак ҳамма нарсани ақл орқали ажратиб, саодат йўлини топиб кетса бўлар экан-да?» деган савол туғилади. Кўпчилик «Ҳа!» – деб жавоб ҳам беради. Лекин мусулмонлар «Ақл ҳам тўла ҳидоятга қодир эмас, дунёга назар солинг: ҳамма ақлни ишга солиб турли йўлга киряпти ва ҳамма ўзиникини тўғри деб, даъво қилади. Лекин ҳаммалари бир-бирларига хилоф иш қиладилар. Кўпинча ақлга ор бўладиган нарсаларни ҳам қонун-қоида қилиб олаверадилар. Шунинг учун, ақлнинг ўзи инсонни икки дунё бахти-саодати йўлига етарли даражада ҳидоят қила олмайди. Ақлнинг устидан ҳам ҳукмини ўтказувчи ҳидоят бор», дейишади. У эса, тўртинчи – энг олий даражадаги ҳидоятдир.

г) Илоҳий – диний ҳидоят. Инсонни яратган Аллоҳ уни икки дунё саодатига эриштирувчи йўлни ҳам билади. Шунинг учун, бандаларига диний кўрсатмалар юбориб, уларни тўғри йўлга солиб туради. Бу кўрсатмаларнинг сўнггиси Ислоmdir.

Шунинг учун ҳам, мусулмонлар ушбу ояти каримани намозларида доимий равишда ўқиб, Аллоҳ таолодан ҳидоят сўраб, ўзлари эришган Ислоm ҳидоятида бардавом қилишини тилаб турадилар.

صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ ﴿٧﴾

**7. «Ўзинг неъмат берганларнинг йўлига (бошлагин), ғазабга дучор бўлганларнинг йўлига эмас, адашганларникига ҳам эмас».**

«Ўзинг неъмат берганлар»дан мурод – Пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳ бандалардир.

«Ғазабга дучор бўлганлар»дан мурод – яҳудийлардир.

Яҳудийларнинг ғазабга дучор бўлишларининг сабаблари кўп, жумладан, уларнинг анбиёларни ўлдиришлари, Аллоҳга берган аҳдларига вафо қилмасликлари ва ҳоказолар. Лекин уларнинг Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлишларининг энг катта сабаби – билганларига амал қилмасликлари. Аллоҳ уларга илм берган, улар эса, била туриб илмга амал қилмаганлар. Демак, яҳудийлар йўл қўйган хато-ни такрорламаслик керак.

«Адашганлар»дан мурод – насронийлар.

Насронийларнинг «адашганлар» бўлишларининг ҳам бир қанча сабаблари бор. Энг асосийси – улар мақсадга эришиш йўлида Аллоҳ кўрсатган йўлни эмас, ўзлари топган йўлни танлаганлар, яъни Ийсо Пайғамбар олдиларида ўзларини айбдор деб билиб, уни рози қила-

миз деб, Аллоҳ айтмаган ибодатларни ва ишларни, ақийдаларни ўзларича жорий қилганлар. Бу ҳам нотўғри йўл. Демак, оятнинг маъноси: «Эй Аллоҳ, бизни ўтган анбиёю авлиё, азизларнинг йўлидан бошлагин, яҳудий ва насронийлар йўлидан бошламагин», деганидир.

Бу сура оятлари оз бўлишига қарамай, улкан маъноларни ўз ичига олган, шунинг учун ҳам, «Уммул Қуръон» – «Қуръоннинг онаси» деб номланади. Унда Аллоҳ таолога мақтов, унинг сифатлари, қиёмат куни эгасилиги, ибодат, ихлос, дуо, ёлвориш, яхши умматларнинг зикри ва ёмон йўлдан юрганларнинг оқибати нима бўлганлиги зикр қилинади.

Шунинг учун ҳам, намознинг ҳар бир ракъатида «Фотиҳа» сурасини ўқишга буюрилган, уни такрор-такрор ўқиб турилади. Ўқиганда маъносини тадаббур – мулоҳаза қилиб ўқилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Буюк ватандошимиз имом Насайй машҳур саҳобий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси қудсийда (*ҳадиси қудсий оят билан ҳадис ўртасидаги мартабага эга ривоят, унинг маъноси ва лафзи Аллоҳ тарафидан бўлади, лекин ожиз қолдириш, мўъжизалик хусусияти йўқ*) Аллоҳ таоло айтади:

«Намозни Ўзим билан бандам орасида иккига бўлганман, бандам нимани сўраса, бераман. Агар у (банда): «Алҳамду лиллаҳи роббил алабийн» деса,

Аллоҳ: бандам менга ҳамд – шукр айтди», дейди.

Банда: «ар-Роҳманир Роҳийм», деса,

Аллоҳ: «Бандам менга сано – мақтов айтди», дейди.

Банда: «Малики явмиддин», деса,

Аллоҳ: «Бандам мени улуғлади», дейди.

Банда: «Иййаака наъбуду ва иййаака настаъийн», деса,

Аллоҳ: «Бу мен билан бандам орасидаги нарса, бандам нимани сўраса, бераман», дейди.

Агар банда: «Иҳдинас сиротал мустақийм, сироталлазийна анъамта алайҳим ғойрил мағзуби алайҳим валаз зооллийн», деса,

Аллоҳ: «Бу бандамга хос, сўраганини бердим», дейди.



## БАҚАРА СУРАСИ

*Мадийнада нозил бўлган. 286 оятдан иборат.*

«Бақара» сўзи сигир маъносини англатади. Сураи каримада Аллоҳ таоло Бани Исроилга сигир сўйишга фармон бергани ҳақидаги қисса ҳам ўрин олган бўлиб, ном шундан олингандир.

Бу сура Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккаи Мукаррамадан Мадийнаи Мунавварага ҳижрат қилганларидан кейин тушган биринчи сурадир.

Албатта, бошқа суралар каби, бу сура ҳам бирданига, яъни, оятлари кетма-кет тушмаган, балки турли ҳолатларда, турли вақтларда нозил бўлган. Орада бошқа сураларнинг ҳам оятлари тушиб турган. Қачон бирор оят ёки бир неча оят тушса, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзлари ўша тушган оятларнинг ўрни, қайси суранинг қайси оятидан кейин, қайси оятидан олдинлигини ҳам айтиб берганлар.

Ушбу сураи карима бир неча мавзуларни муолажа қилади. Лекин ҳамма мавзулар ҳам бир масала атрофида жамланади. У ҳам бўлса, яҳудийларнинг Исломга бўлган муносабатлари, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга ва янги Ислом жамоасига қилган қаршиликлари масаласидир. Шунингдек, яҳудий ва мунофиқларнинг ҳамда мушрикларнинг Исломга қарши олиб борган душманликлари, бунинг муқобилида ёш Ислом жамиятининг шаклланиши, ер юзиде Аллоҳнинг халифаси бўлиш учун тайёрланиш жараёнлари ҳикоя қилинади.

Мадийнаи Мунавварада нозил бўлган бошқа суралар каби, «Бақара» сураси ҳам мусулмонлар ўз ижтимоий ҳаётларида муҳтож бўлиб турган қонун-қоида ва тузумларни муолажа қилади.

Бу сура кўплаб шариат ҳукмларини, ақийда, ибодат, муомала, ахлоқ, оила, талоқ, идда, рўза, қасос каби масалаларни ўз ичига олган.

Суранинг аввалида мўминлар, кофирлар ва мунофиқларнинг сифатлари ҳақида сўз кетади. Иймон, куфр ва нифоқнинг ҳақиқати баён қилинади. Саодат аҳли билан бадбахтлар солиштирилади. Сўнгра, инсоннинг яратилиши, Одам алайҳиссаломнинг халқ этилиши ва ўша вақтда бўлиб ўтган ишларнинг қиссаси келади.

Сураи каримада аҳли китоблар, хусусан, яҳудийлар (Бани Исроил) ҳақида батафсил сўз кетади. Чунки, улар Мадийнаи Мунавварада мусулмонлар билан бирга яшар эдилар. Шунинг учун ҳам, Қуръони Карим мусулмонларни яҳудийларнинг макр-ҳийлалари, хиёнатлари, алдамчиликлари ва бузуқ табиатларидан хабардор қилади. Уларнинг Ислом учун хатарли ва зарарли эканликларини тушунтиради. Суранинг учдан бирдан кўпроғи шу масалага оиддир.

Мусулмонлар ўз жамиятларини эндигина қура бошлаганлари учун, сурада уларга илоҳий ҳаёт тарзи ўргатилган. Ибодат ва муомала масалалари, жумладан: рўза, ҳаж ва умра, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилиш, оила, талоқ, бола эмизиш, идда, мушрикка аёлларга уйланиш ҳаромлиги ва бошқа масалалар баён қилинган.

Сураи каримада, яна, рибохўрликка – судхўрликка катта эътибор берилган, унинг ҳаромлиги ва оқибати ёмонлиги таъкидланган. Сўнгра, қиёмат куни даҳшатлари зикр қилинади. Ва ниҳоят, сура охирида мўминларни тавба қилишга, Аллоҳга доимо тазарруда бўлишга чақириқ келади.

Имом Аҳмад келтирган ривоятда Абу Умома қуйидагиларни айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Қуръонни қироат қилинлар, у қиёмат куни ўз аҳлига шафоатчидир, икки нурни сочувчини – «Бақара» ва «Оли Имрон»ни ўқинг, улар қиёмат куни бошга соя солувчи булут бўлиб келадилар. «Бақара»ни ўқинлар, уни олмоқлик барақадир, уни тарк қилмоқлик ҳасратдир. Сеҳргарлар унга қодир бўла олмайдилар» – деганларини эшитдим.

Имом Термизий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Уйларингизни қабрга айлантирманглар. Сураи «Бақара» ўқилган уйга шайтон кирмайди», деганлар.

Имом Ибн Ҳиббон Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, Пайғамбар алайҳиссалом:

«Ҳар нарсанинг саноми – кўзга кўринган жойи бўлади. «Бақара» сураси Қуръоннинг саномидир. Ким уни ўз уйида кечаси ўқиса, уч кеча шайтон кирмайди. Ким уни кундузи ўқиса, уч кун шайтон кирмайди», деганлар.

Имом Доримий ривоят қиладиларки, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Ким сураи «Бақара»дан ўн оятни – аввалидан тўрт оят, оятул курсий ва ундан кейинги икки оят ва охиридан уч оятни кечаси ўқиса, ўша уйга шу кечаси шайтон кирмайди», деганлар.

Имом Насаий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз алайҳиссалом бир жойга кўп сонли кишиларни юборишдан аввал уларга Қуръон ўқитиб кўрдилар. Улардан ҳар бири Қуръонни қанча билса, шуни ўқиди. Уларнинг ичида энг ёш йигитнинг олдига келиб,

«Эй фалончи, сен Қуръондан қанча биласан?» – дедилар. У:

«Фалон, фалон сураларни ва «Бақара» сурасини биламан», – деди. У зоти бобаракот:

«Бақара» сурасини биласанми?» – деб сўрадилар. Йигит:

«Ҳа», – деди. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Боравер, сен уларга амирсан», – дедилар...

Имом Бухорий ривоят қиладилар:

«Усайд ибн Ҳузайр розияллоҳу анҳу кечаси «Бақара» сурасини ўқиётган эди. Яқинида оти боғлиқ турар эди. Бирдан от типирчилаб қолди. Қироатдан тўхтаган эди, от ҳам тўхтади. Яна ўқиган эди, от ҳам типирчилади. Ўғли Яҳё яқинида ухлаб ётарди. От босиб олмасин деб, бориб уни қўлига олди ва бошини осмонга кўтарди. Тонг отгандан сўнг ҳодисани Пайғамбар алайҳиссаломга сўзлаб берди. У киши:

«Ўқи, эй, Ибн Ҳузайр», – дедилар. У бўлса:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Яҳёни босиб олмасин, деб кўрқдим, унинг яқинида эди. Бошимни кўтариб, унинг олдига бордим. Осмонга қарасам, булутга ўхшаш нарса, ичида чироққа ўхшаган нарсалар ҳам бор. Уларни кўрмай деб, чиқиб кетдим», – деди. Пайғамбар алайҳиссалом:

«У нималигини биласанми?» – дедилар. У:

«Йўқ» – деди. У зоти бобаракот:

«Улар сенинг овозингга келган фаришталар, агар тонг отгунча ўқийверганингда, одамлар уларга назар солса бўларди. Улар беркинмасдилар», – дедилар.

Абу Убайд ривоят қилишларича:

«Бир одам намозда «Бақара» ва «Оли Имрон» сураларини ўқибди. Намозини тугатганидан кейин ҳазрати Каъб розияллоҳу анҳу унга:

«Бақара» билан «Оли Имрон»ни ўқидингми?» – дебдилар. У:

«Ҳа» – дебди. Шунда у киши:

«Менинг жоним тасарруфида бўлган Зот билан қасамки, бу икковида у билан дуо қилса мустажоб бўладиган Аллоҳнинг исми бор», – дебди. Ҳалиги одам:

«Менга ўргатиб қўйинг», – дебдилар. Ҳазрати Каъб:

«Йўқ, ўргатмайман, унинг хабарини сенга айтсам, ўзингни ҳам, мени ҳам ҳалок қиладиган дуо қилиб қўймагин», – дебдилар.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ.



#### 1. Алиф. Лаам. Мийм.

Қуръони Каримнинг йигирма тўққиз сураси юқоридагига ўхшаш ҳарфлар билан бошланган. Бу ҳарфларга турлича номлар берилган: баъзилар «Ҳуруфул муқаттаот» — кесик ҳарфлар десалар, бошқалар «Ҳуруфул ҳижои» — алифбо ҳарфлари дейдилар, учинчилари эса, «Фавотухус сувар» — сураларни очувчилар, дейдилар.

Бу ҳарфларга турлича ном берилганидек, баъзи сураларнинг улар ила бошланишидан кўзланган мурод ҳақида ҳам ҳар хил фикрлар айтилган. Бу ҳақда махсус баҳслар ҳам бор. Баъзи уламолар бу ҳарфларнинг сирини Аллоҳга ҳавола этадилар, бошқалари: «Бу — Аллоҳ билан Пайғамбар алайҳиссалом ўрталаридаги сир», дейдилар. Бошқа бирлари эса, уларга ўзларича маъно йўйганлар.

Ихтилофнинг асосий сабаби — улар ҳақида на Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзларидан, ва на саҳобаи киромлардан бирорта ҳам ривоят йўқлигидир. Шубҳасиз, улар бу ҳарфлардан мурод нималигини яхши билганлар, шунинг учун ҳам, бир-бирларидан сўрамаганлар ва ривоят қилмаганлар. Саҳобаи киромларнинг одатлари — билмаган нарсаларинигина сўрадилар. Улар улуғ зотлар бўлиб, елкаларида Ислом динини бутун дунёга тарқатишдек улкан масъулият ётганини тўлиқ тушунар эдилар ва асосий эътиборни шунга қаратдилар. Билган нарсалари ҳақида тортишувларга тоқатлари ҳам, вақтлари ҳам йўқ эди.

Кўпгина тафсирчилар, айниқса, тафсирчиларнинг кейинги авлоди, баъзи сураларнинг мазкур ҳарфлар ила бошланиши, арабларга: «Қуръон сизлар ишлатиб юрган «алиф», «лаам», «мийм»га ўхшаш ҳарфлардан тузилган, қўлларингиздан келса, сизлар ҳам шунга ўхшаш нарса тузинглар-чи», деган маънони билдиради, деганлар.

Аввал эслатганимиздек, Қуръони Карим нозил бўлаётган даврда араблар ўзларининг сўз усталиклари билан фахрланар эдилар. Шоирлар, сўз усталари мўътабар шахслар ҳисобланардилар. Доимо шеърдан, ваъзхонликдан мусобақалар ўтказиб туриларди. Ҳатто ғолиб шоирларнинг шеърлари Каъбаи Муаззама деворига осиб қўйиларди. Қуръони Карим уларнинг нозик жойларидан тутиб: «Агар

сўз устаси эканлигингиз рост бўлса, ўзингиз ишлатиб юрган оддий ҳарф-лардан тузилган Қуръонга ўхшаш нарсани келтиринг-чи», деди.

Бу худди тупроқнинг мисолига ўхшайди. Оддий тупроқдан кимдир лой қилиб фишт қуяди, кимдир сопол идишлар ясайди. Ва ҳоказо. Лекин Аллоҳ таоло ушбу оддий тупроқдан инсонни яратди, унга жон киргизди. Шунга ўхшаб, араб алифбосининг оддий ҳарфларидан араб сўз усталари шеър тўқийдилар, ваъзхонлик қилиб одамларни қойил қолдирадилар, аммо Аллоҳ таоло ўша ҳарфларнинг айна ўзида ҳамма-ҳаммани ожиз қолдирувчи Қуръонни нозил қилди!

ذٰلِكَ الْكِتٰبُ لَا رَيْبَ فِيْهِ هُدًى لِّلْمُتَّقِيْنَ

## 2. Бу китобда шак-шубҳа йўқ, у тақводорларга ҳидоятдир.

Яъни, Қуръони Карим шундай китобки, унинг ҳақлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Унда ҳамма нарсани очиқ-ойдин, аниқ-равшандир.

Қуръони Каримнинг яна бир сифати «**тақводорларга ҳидоятдир**». Ҳидоят — мақсадга эриштиргувчи йўлни лутф билан кўрсатишдир. Тақводорлар эса, уқубатга элтгувчи нарсалардан сақланган шахслардир. Демак, Қуръони Карим ҳидоятдан баҳраманда бўлиш учун тақводор бўлиш керак экан. Тақвосиз қалбга Қуръони Карим ҳидоят солмайди. Кимки Қуръони Каримдан ҳидоят олибди-ми, демак унда тақво бор экан.

Кейинги оятда мазкур тақводорларнинг сифатлари келади:

الَّذِيْنَ يُؤْمِنُوْنَ بِالْغَيْبِ وَيُقِيْمُوْنَ الصَّلٰوةَ وَمِمَّا رَزَقْنٰهُمْ يُنْفِقُوْنَ

## 3. Улар ғайбга иймон келтирурлар, намозни тўқис ўқирлар ва Биз уларга берган ризқдан нафақа қилурлар.

Ушбу оятда Қуръон ҳидоятдан баҳраманда бўла оладиган тақводорларнинг сифатларидан учтаси саналган:

Биринчиси — «**ғайбга иймон келтирурлар**».

Абул Олия ғайбга иймон келтиришнинг тафсирида: «Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига, қиёмат кунига, жаннатига, дўзахига, мулоқотига, ўлимдан кейинги ҳаётга ва қайта тирилишга ишонишдир», деган эканлар.

Имом ал-Ҳоким Амр ибн Шуайбдан ривоят қиладиларки, бир куни Пайғамбаримиз алайҳиссалом саҳобаи киромларига:

«Сизнингча кимнинг иймони ажойиб?» — дедилар. Саҳобалар:

«Фаришталарники», — дедилар. У зот:

«Улар Роббиларининг олдида туриб, иймон келтирмасалар, қандай бўлади?» – дедилар. Саҳобалар:

«Пайғамбарларники», – дедилар. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Уларга ваҳий тушиб туриб, иймонга келмасалар, қандай бўлади?» – дедилар. Саҳобалар:

«Бизники», – дедилар. У зоти бобаракот:

«Мен ораларингизда туриб, иймон келтирмасаларингиз, қандай бўлади?» – деб туриб, сўнгра ўзлари жавоб қилдилар:

«Мен учун халойиқнинг ичида иймони ажойиби сизлардан кейин саҳифалардаги китобга иймон келтирган қавмлардир», – дедилар.

Ҳақиқатан, ғайбга иймон келтириш билан инсон ҳайвондан ажраб туради. Чунки, ҳис қилиш аъзолари ёрдамида уларга моддий таъсир этувчи нарсаларни идрок қилиш билан ишониш ҳайвонларда ҳам бор. Ғайбга иймон келтириш туфайли инсон ўзини ўраб турган ҳиссий дунёдан чексиз уфқли, кенг оламга чиқади.

Иккинчиси – **«намозни тўқис ўқирлар».**

Яъни, Аллоҳга ибодат қиладилар. Бандага қул бўлишдан озод бўлиб, бандаларнинг Парвардигорига қул бўладилар. Намоз орқали банда Аллоҳ таолога боғланади. Ҳаётида ерга қапишиб юришдан юқори нарсани топади. Шунингдек, бошқа улкан яхшиликларга эришади.

Учинчиси – **«Биз уларга берган ризқдан нафақа қилурлар».**

Тақводор мўмин-мусулмон одамнинг эътиқоди бўйича, унинг қўлидаги мол-дунё Аллоҳ берган ризқ, ўзи яратган нарса эмас. Шунинг учун ҳам, тақводор инсон Аллоҳ берган ризқдан ўзининг заифҳол, муҳтож биродарларига садақа қилади. «Садақа» сўзининг тасдиқ маъноси бор, мол-дунёсини сарфлаб садақа қилишда эътиқоддаги маънонинг, яъни, яхшилиқ қилиш маъносининг тасдиқи бор. «Нафақа» эса, умумий сўз бўлиб, закот, хайри-эҳсон, садақа каби маъноларни англатади.

وَالَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْكَ وَمَا أُنزِلَ مِنْ قَبْلِكَ وَبِالْآخِرَةِ هُمْ يُوقِنُونَ ﴿١٠٠﴾

#### **4. Ва улар сенга ва сендан олдин нозил қилинган нарсага иймон келтирарлар ва охиратга аниқ ишонарлар.**

Демак, тақводорларга оид навбатдаги тўртинчи сифат – Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилинган Қуръони Каримга ва у кишидан олдин туширилган самовий китобларга иймон келтириш. Бу нарса тақводорларнинг, Ислому умматининг буюк сифатларидан бири бўлиб, бошқа ҳеч бир умматда йўқдир. Чунки, Ислому умматидан бошқа ҳеч бир уммат Аллоҳдан нозил бўлган барча китобларга бирдек ий-



мон келтирмаган. Ислом уммати Аллоҳ туширган барча ки-тобларга бирдек иймон келтиради.

Бу ҳол эса, аслида башариятнинг китоблари ва Пайғамбарлари бир экани аломатидир.

Бешинчи сифат – «**охиратга аниқ ишонарлар**».

Яъни, ҳеч шак-шубҳа қилмай ишонадилар. Охиратга ишониш инсонни тор дунёдан кенг дунёга чиқаради. Унинг ҳаёти имтиҳонларга тўла бу беш кунлик дунё билан тугамаслигини билдиради. Келажакнинг узоқ эканини, ниҳоясиз яшаш олами бор эканини билдиради.

Ушбу беш сифат инсоният учун ниҳоятда зарур сифатлар бўлиб, ким шуларни ўзида мужассам қилса, Қуръон ҳидоятдан тўла баҳраманд бўлади. Қуръон ҳидоятдан баҳраманд бўлган эса, икки дунё саодатига эришади. Шунинг учун ҳам, келаси оятда мазкур беш сифатга соҳиб бўлганлар эришадиган натижанинг эълони келяпти:

أُولَئِكَ عَلَىٰ هُدًى مِّن رَّبِّهِمْ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٥٠﴾

**5. Ана ўшалар, Роббиларидан бўлган ҳидоятдадирлар ва ана ўшалар, ўшаларгина нажот топгувчилардир.**

Ким нажот топишни истаса, ўзида тақводорлик сифатларини мужассам қилишга уринсин.

Юқоридаги оятларда Қуръон ҳидоятига сазовор бўлиш учун сабаб бўладиган тақводорлик сифатлари баён этилган бўлса, келаси оятларда уларнинг зидди бўлмиш ҳидоятдан наф олмайдиган осийларнинг сифатлари зикр қилинади:

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا سَوَاءٌ عَلَيْهِمْ ءَأَنذَرْتَهُمْ أَمْ لَمْ تُنذِرْهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٥١﴾

**6. Албатта, куфр келтирганларга қўрқитасанми-қўрқитмайсанми – барибир, иймон келтирмаслар.**

Яъни, қўрқитсанг ҳам, қўрқитмасанг ҳам, кофирларга фойдаси йўқ, улар барибир иймон келтирмайдилар. Чунки:

خَتَمَ اللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ وَعَلَىٰ سَمْعِهِمْ وَعَلَىٰ أَبْصَارِهِمْ غِشَاوَةٌ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿٥٢﴾

**7. Аллоҳ уларнинг қалблари ва қулоқларини муҳрлаб қўйган ва кўзларида парда бор. Ва уларга улкан азоб бордир.**

Кофирларнинг ўз қилғиликларига яраша, нобакорликлари жазосига Аллоҳ уларнинг қалбларини муҳрлади, ҳидоят таъсир қилмайдиган бўлди. Қулоқларига муҳр босди, ҳидоятни эшитмайдиган бўлдилар. Кўзларига парда туширди, ҳидоят йўлини кўрмайдиган бўлдилар. Энди, қиёматда уларга улкан азоб бўлади.

Ибн Аби Ҳотим Ибн Амрдан ривоят қилишича, саҳобалар Пайғамбар алайҳиссаломга:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, биз Қуръонни ўқиб бир нарсани орзу қиламиз, яна Қуръонни ўқиб ноумид бўлгандек бўламиз», дедилар. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Сизларга жаннат аҳли ва дўзах аҳлининг хабарини берайми?» — дедилар. Саҳобалар:

«Ҳа», — дедилар. Шунда у зоти бобаракот:

«Алиф. Лом, Мийм...» дан «...муфлиҳуун» гача ўқидилар-да:

«Булар аҳли жаннатлар», — дедилар. Саҳобалар:

«Биз улардан бўламиз, деган умиддамиз», дейишди. Сўнгра, Пайғамбар алайҳиссалом «Инналлазийна кафаруу...» дан то «азабун азийм» гача ўқидилар ва:

«Мана булар аҳли дўзахлар», — дедилар. Саҳобалар:

«Бизлармас-а?» — дейишган эди, Пайғамбар алайҳиссалом:

«Ҳа!» — дедилар.

Бу оятларда аввал мўминларнинг, кейин кофирларнинг васфи келди, келаси оятларда учинчи тоифа бўлмиш мунофиқларнинг васфи бошланади. Мунофиқларнинг хатари улкан, чунки уларнинг ҳақиқий башаралари кўпчиликка аён эмас. Шунинг учун, Аллоҳ гапни узоқдан бошлаб, уларнинг бир неча сифатларини таъриф қилади.

وَمِنَ النَّاسِ مَن يَقُولُ ءَامَنَّا بِاللّٰهِ وَيَأْتِيهِمُ الْيَوْمَ الْآخِرِ وَمَا هُم بِمُؤْمِنِينَ ﴿٨٠﴾

**8. Ва Одамлардан, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирдик, дейдиганлари бор. Ҳолбуки, улар мўмин эмаслар.**

Мунофиқларнинг бош сифатлари ушбу оятда зикр қилинмоқда. Улар Аллоҳга иймон келтирдик, қиёмат кунига иймон келтирдик, мўмин бўлдик, деб мўмин кишига лозим бўлган икки буюк эътиқодни айтишади. Аслида эса, улар на Аллоҳга ва на қиёмат кунига ишонишмайди.

Демак, қалбида йўқ нарсани бор деб кўрсатиш мунофиқликдир.

Ушбу оятда улар ақийда масаласининг аввали бўлмиш Аллоҳга иймонни ва сўнги бўлмиш охиратга иймонни даъво қилишди, шу билан гўё ақийда бобида ҳамма нарсага ишонамиз, демоқчи бўлишди.

يُخَدِّعُونَ اللَّهَ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَمَا يَخْدَعُونَ إِلَّا أَنفُسَهُمْ وَمَا يَشْعُرُونَ ﴿٩﴾

**9. Улар Аллоҳни ва иймон келтирганларни алдамоқчи бўларлар. Ва ҳолбуки, сезмасдан ўзларини алдарлар.**

Яъни, мунофиқлар қалбларида иймон бўлмаса ҳам, ёлғон даъво ила Аллоҳни ва мўминларни алдамоқчи бўладилар. Лекин бундан кимга фойда, кимга зарар? Зарар ўзларига-ку. Демак, улар сезмаган ҳолда ўзларини алдамоқдалар. Чунки, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳамма нарсани билиб турувчи Зот, Уни алдаб бўлмайди. Мўминларнинг ҳимоясини эса, Аллоҳ таоло Ўз зиммасига олган. Шунинг учун ҳам, ушбу оятда «Аллоҳни ва мўминларни», деб уларни Ўзи билан бир сафга қўймоқда.

Демак, мўмин-мусулмонларга душманлик Аллоҳга душманлик билан тенг.

Хўш, мунофиқлар нега бундай қиладилар? Чунки:

فِي قُلُوبِهِمْ مَّرَضٌ فَزَادَهُمُ اللَّهُ مَرَضًا وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ بِمَا كَانُوا يَكْذِبُونَ ﴿١٠﴾

**10. Уларнинг қалбларида касал бор. Аллоҳ касалларини зиёда қилди. Ва уларга ёлғон гапирганлари учун аламли азоб бор.**

Демак, мунофиқларнинг қалбларида мараз-касалик бор. Уларнинг ичи бузуқ. Касал ўзига касални чақиради, деганидек, уларнинг қалблари касал бўлгани учун, Аллоҳ таоло ҳам уларнинг касалини зиёда қилиб қўйган. Улар, қалбларида йўқ нарсани бор деб даъво қилганликлари учун, оқибатда аламли азоб ила азобланадилар.

Ўтган уч оятда мунофиқликнинг ҳақиқати ва сабаблари кўрсатилган эди, энди уларнинг уч хил ҳолати зикр этилади.

Биринчиси:

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ لَا تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ قَالُوا إِنَّمَا نَحْنُ مُصْلِحُونَ ﴿١١﴾

**11. Ва агар уларга, ер юзида фасод қилманг, дейилса, биз фақат ислоҳ қилувчилармиз, дерлар.**

Мунофиқлар ўз табиатларидан келиб чиқиб, ер юзида фасод ишлар – кофирлик, гуноҳ, бузуқлик, зулм қиладилар. Агар уларга бу номаъқул ишлари эслатилиб, «ер юзида фасод қилманг», дейилса, улар мазкур номаъқул ишлардан қайтиш тугул, балки баланддан келадилар ва:

«**Биз фақат ислоҳ қилувчилармиз**», дейдилар. Яъни, қилаётган фасодларини ислоҳ — яхшилик деб даъво қиладилар.

Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳи Салмони Форсий розияллоҳу анҳудан ривоят қилишларича, у киши ушбу оятни ўқиб туриб, бу оятнинг аҳли ҳали-ҳануз келганлари йўқ, деган эканлар.

Аммо бизнинг вақтимизга келиб, улар ер юзини босиб кетдилар. Исломдан хабарлари йўқ, қалбларида иймондан заррача ҳам йўқ, қилган ишлари дину диёнатга, мўмин-мусулмонларга қаршилиқдан бошқа нарса эмас-ку, лекин, мен мусулмонман, Қуръонни ўқиб чиқдим, Каъбани зиёрат қилдим, у қилдим-бу қилдим, деб ўзини ислоҳчи сифатида эълон қилади.

Аммо уларнинг гаплари пуч. Аллоҳ ҳаммасини кўриб-билиб туради. Уларнинг асл баҳосини У зотнинг Ўзи беради.

﴿۱۲﴾ **أَلَا إِنَّهُمْ هُمُ الْمُفْسِدُونَ وَلَكِن لَّا يَشْعُرُونَ**

**12. Огоҳ бўлинг, улар, фақат улар фасодчилардир, лекин сезмаслар.**

Иккинчи ҳол:

﴿۱۳﴾ **وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ ءَامِنُوا كَمَا ءَامَنَ النَّاسُ قَالُوا أَنُؤْمِنُ كَمَا ءَامَنَ السُّفَهَاءُ أَلَا إِنَّهُمْ هُمُ السُّفَهَاءُ وَلَكِن لَّا يَعْلَمُونَ**

**13. Ва агар уларга, одамлар иймон келтирганидек, иймон келтиринглар, дейилса, «Эси пастлар иймон келтирганидек иймон келтирамизми?» дерлар. Огоҳ бўлинг, улар, фақат улар эси пастлардир ва лекин ўзлари билмаслар!**

Ояти кариманинг маъносидан кўришиб турибдики, мунофиқлар мутакаббир, одамлардан устунликни яхши кўрадиган, ёлғон обрў қозонишга уринадиган бўладилар. Шунинг учун ҳам, улар ўзларини баланд тутиб, иймон келтирганларни «эси пастлар» дейишади.

Аслида, инсониятнинг гули иймон келтиради. Мўминлар одамларнинг энг яхшиси ҳисобланадилар. Иймонсиз инсон эса, ҳайвондан баттардир. Мунофиқларнинг қалблари маразга, кибр-ҳавога тўла бўлганлиги учун ўзларини баланд оладилар ва мазкур гапларни айтадилар. Кейинги пайтларда мунофиқлик сифатидаги кишилар жуда кўпайди. Улар диндорликни ақли пастликдан деб биладилар. Уламо-ларга, иймон йўлида ҳаётларини бағишлаган кишиларга турли айб-

лар тақайдилар, ҳақоратлайдилар. Лекин Аллоҳ таоло барча нарсани кўриб, билиб турувчи Зот, кимнинг ким эканини Ўзи яхши билади, одил ва ҳақиқий баҳони ҳам Ўзи беради:

**«Огоҳ бўлинг, улар, фақат улар эси пастлардир ва лекин ўзлари билмаслар!»**

Иймон – эси борларгина мушарраф бўладиган олий неъматдир. Мўминларни эси паст деган мунофиқларни, шунинг учун, Аллоҳ билимсизликда айблади. Яъни, уларнинг билими, ақли йўқ.

Учинчи ҳол:

وَإِذْ أَلْقُوا الَّذِينَ ءَامَنُوا قَالُوا ءَامَنَّا وَإِذَا خَلَوْا إِلَىٰ شِيَاطِينِهِمْ قَالُوا إِنَّا مَعَكُمْ إِنَّمَا

نَحْنُ مُسْتَهْزَءُونَ ﴿١٤﴾

**14. Улар иймон келтирганларни учратсалар, иймон келтирдик, дерлар, шайтонлари билан холи қолганда эса, биз сизлар биланмиз, фақат истехзо қияпмиз, холос, дерлар.**

Ушбу оятдан билинадики, мунофиқлар иккиюзламачи, кўрқоқ ҳам бўлишади. Мўминлар даврасига кириб қолсалар, биз ҳам мўмин-муслмонмиз, отам фалончи эди, бобом писмадончи эди, мен дин учун у қилдим, бу қилдим, келажақда яна кўп ишлар қилмоқчиман, деб кўкракка уради. Бор имкониятларини ишга солиб, мўминлар ишончини қозонишга уринади. Аммо, дилидаги ҳақиқатни айтишга кўрқоқлик қилади. Ўз тоифасига, шайтонларига йўлиққанда эса, аслини ошкор этади: уларнинг таъна-дашноларини кутмасданоқ, аслида биз сизлар билан биргамиз, мўминлар билан учрашганимизнинг боиси эса, уларни бир масхара қилдик-да, дейишади. Ҳозирда бу тоифадаги инсонларнинг жуда кўпайган вақти. Айниқса, кўп амалдорлар, дунёнинг кетидан қувганлар худди шу тоифага айланишган.

Мунофиқлар: «Мўминлар устидан куляпмиз», дейишади-ю, лекин ўзларининг ҳолларидан хабарлари йўқ. Чунки, ким кимнинг устидан кулишини Аллоҳнинг Ўзи яхши билади.

اللَّهُ يَسْتَهْزِئُ بِهِمْ وَيَمُدُّهُمْ فِي طُغْيَانِهِمْ يَعْمَهُونَ ﴿١٥﴾

**15. Аллоҳ уларни истехзо қиладир ва тувёнларида довдирашларига қўйиб берадир.**

Аслида, истехзо, макр-ҳийла каби ишларни Аллоҳга нисбат бериб бўлмайди. Булар бандаларнинг сифатлари, уларнинг ишлари.

Бинобарин оятдаги «истеҳзо қиладир» иборасини, истеҳзоларининг жазосини беради, деб тушуниш лозим.

Улар шунча гуноҳларни қилсалар ҳам, Аллоҳ таоло уларни тек қўйиб қўяди, балки ҳар бир гуноҳидан кейин уларга берадиган неъматини зиёда қилиб қўяди. Улар эса, туғёнларида давом этадилар. Натижада, аламли азобга дучор бўлишлари учун далил ва ҳужжат кўпаяди. Охири бориб, икки дунё бадбахтлигига учрайдилар.

Эндиги ояти каримада уларга охирги баҳо берилади:

أُولَٰئِكَ الَّذِينَ اشْتَرُوا الضَّلَالَةَ بِالْهُدَىٰ فَمَا رَبِحَت تِّجَارَتُهُمْ وَمَا كَانُوا مُهْتَدِينَ ﴿١٦﴾

**16. Ана ўшалар залолатни ҳидоятга сотиб олганлардир. Ва тижоратлари фойда келтирмади ҳамда улар ҳидоят топганлардан бўлмадилар.**

Ушбу оятда Аллоҳ таоло мунофиқлар ҳидоятни қўйиб, залолат — адашиш йўлини ихтиёр қилганликларини илоҳий таъбирлар билан баён қилмоқда. Агар улар хоҳласалар, ҳидоят қўлларига теккан эди, ундан фойдаланиб юрсалар бўлар эди. Пайғамбар алайҳиссалом бошқалар қатори уларни ҳам даъват қилган эдилар. Аммо улар ҳидоятни бой бериб, залолатни танладилар. Яъни, ҳидоятга залолатни сотиб олдилар. Аммо уларнинг бу тижорат-савдолари фойда келтирмади. Шу билан бирга, улар ҳидоятда — тўғри йўлда юрувчилардан бўлмадилар.

Мунофиқлар ҳақида яна кўплаб оятлар келади. Уларни, иншо-аллоҳ, ўз ўрнида ўрганамиз. Ҳозир Пайғамбар алайҳиссалом уларни қандай васфлаганлари хусусида бир-икки мисол келтирайлик.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Мунофиқнинг белгиси учдир: гапирса ёлғон гапиради, ваъда берса, сўзида турмайди ва омонатга хиёнат қилади», деганлар.

Имом Бухорий Ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда:

«Тўрт нарса бор, кимда улар бўлса, тўлиқ мунофиқ бўлади. Кимда улардан бир хислат бўлса, уни ташлагунча, нифоқнинг хислатларидан бири у кишида туради. У омонатга хиёнат қилади, ёлғон гапиради, аҳд қилса, алдайди ва тортишса, фожирлик қилади», дейилган.

Қатода розияллоҳу анҳу мунофиқнинг васфида:

«У ахлоқи бузуқ, тилидагини дили инкор этади, амали хилоф қилади, эрталаб бир ҳолатда, кечқурун бошқасида, кечқурун бир ҳолатда, эрталаб бошқасида бўлади, шамолда тебранган кема сингари тебраниб туради», деганлар.

Имом Молик: «Пайғамбар алайҳиссалом давридаги мунофиқ — ҳозирги кунда зиндикдир», деганлар.

Яна оятлар тафсирига қайтамиз. Аллоҳ таоло мунофиқларнинг ҳақиқатини баён қилиб бўлгач, уларнинг гаплари ва ўзларини тутишларидан намуна келтиргач, уларни янада яхшироқ фош қилиш учун иккита ўхшатиш келтиради.

Биринчи ўхшатиш:

مَثَلُهُمْ كَمَثَلِ الَّذِي اسْتَوْقَدَ نَارًا فَلَمَّا أَضَاءَتْ مَا حَوْلَهُ ذَهَبَ اللَّهُ بِنُورِهِمْ  
وَتَرَكَهُمْ فِي ظُلُمَاتٍ لَا يُبْصِرُونَ ﴿١٧﴾

**17. Улар, мисоли, ёққан ўти энди атрофини ёритганида, Аллоҳ нурларини кетказиб, қоронғу зулматларда қолдирган кишиларга ўхшарлар. Улар кўрмаслар.**

Ушбу ояти карима зарбулмасал усулида мунофиқларнинг васфларини янада аниқлаштирамоқда. Мисол шулки, бир одам олов ёқди. Ёққан олови энди атрофини ёритган пайтда, Аллоҳ таоло у оловнинг нурини кетказиб, ўт ёққан киши яна қоронғу зулматлар ичиде қолди. Ҳақиқатан ҳам, мунофиқлар кофирларнинг зидди ўлароқ, аввал бошдан Ислом даъватини эшитдилар. Ислом-иймон калималарини нутқ қилдилар, ҳатто яхшигина қулоқ осдилар, иймон келтирдик, дедилар, ибодат ҳам қилдилар. Кейин эса, ҳаммасини ташлаб, инкор қилиб, куфр, нифоқ, шак-шубҳа зулматларида қолиб кетдилар. Ҳозирги пайтда ҳам худди шу ҳолга тушганлар ва тушаётганлар оз эмас.

صُمُّوكُمْ عَمِّي فَهُمْ لَا يَرْجِعُونَ ﴿١٨﴾

**18. Улар қар, соқов, кўрдирлар. Бас, улар қайтмаслар.**

Ўзларидан ўтган мунофиқлик оқибатида улар яхшилиқни эшитмайдиган қар, гапира олмайдиган соқов ва кўрмайдиган кўр бўлиб қолганлар. Энди улар нифоқ йўлидан қайтмайдилар.

Иккинчи ўхшатиш:

أَوْ كَصَيْبٍ مِّنَ السَّمَاءِ فِيهِ ظُلُمَاتٌ وَرَعْدٌ وَبَرْقٌ يَجْعَلُونَ أَصْنَعَهُمْ فِيءَ إِذَا نَهَمَ مِّنَ  
الصَّوْعِقِ حَذَرَ الْمَوْتِ وَاللَّهُ مُحِيطٌ بِالْكَافِرِينَ ﴿١٩﴾ يَكَادُ الْبَرْقُ يَخْطَفُ أَبْصَارَهُمْ كُلَّمَا

أَضَاءَ لَهُمْ مَشَوْا فِيهِ وَإِذَا أَظْلَمَ عَلَيْهِمْ قَامُوا وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَذَهَبَ بِسَمْعِهِمْ وَأَبْصَرِهِمْ  
 إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٢٠﴾

**19. Ёки худди осмондан ёмғир ёғиб, қоронғу босиб, момақалдироқ ва чақмоқ чаққанда, яшиндан қочиб, панжаларини қулоқларига тиқиб, ўлимдан эҳтиёт бўлаётган одамга ўхшарлар. Ва Аллоҳ кофирларни ўраб олувчидир.**

**20. Чақмоқ уларнинг кўзини олиб қўяй дейди. Ёришган пайтда юришар, қоронғи бўлса, тўхташар. Агар Аллоҳ хоҳласа, уларнинг кўзу қулоқларини кетказур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.**

Аллоҳ таоло ушбу икки оятда мунофиқларнинг ҳайратлари, иккиланишлари ва умумий руҳий ҳолатларини момақалдироқ бўлиб, чақмоқ чақиб, осмонни зулмат босиб, қаттиқ ёмғир ёққанда кўчада қолган бечора одамга ўхшатади. У, қўрққанидан даҳшатга тушиб, яшиндан қутулмоқчи бўлади, панжаларини қулоқларига тиқиб, шу мени ўлимдан сақлайди, деб турибди.

Улар куфр ва нифоқ зулматидадирлар: чақмоқ чаққан пайтдаги ёруғдан фойдаланиб бир-икки қадам боса оладилар, чақмоқдан кейин яна қоронғуда туриб қоладилар.

Уламоларимиз, бу оятдаги ёмғирдан мурод — Ислом дини. Чунки ёмғир ерни тирилтирганидек, Ислом ҳам қалбларни тирилтиради. Зулмат — мунофиқларнинг қалбларидаги шак-шубҳа. Момақалдироқ — динда кофиру мунофиқларга ваъда қилинган азоб ва иқоблар ҳақидаги хабарлар. Чақмоқ эса — уларнинг қалбидаги сақланган инсоний туйғулар. Яшин — уларга етадиган балолардир, деганлар.

Имом Аҳмад Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтадилар:

«Қалблар тўрт хил бўлади: мусаффо бўлиб, чироғдек нур сочадиган; филофга солиниб, филофи боғланган, тўнтарилган ва ўзгарувчан. Мусаффо қалб мўмин кишининг қалбидир, унинг нури бор. Филофли қалб — кофирнинг қалбидир. Тўнтарилган қалб — ҳақиқий мунофиқнинг қалбидир. Ҳамма нарсани билиб туриб инкор қилади. Ўзгарувчан қалбда эса, иймон ҳам бор, нифоқ ҳам бор. Ундаги иймон худди тоза сувдан фойда оладиган ўсимликка ўхшайди. Ундаги нифоқ қон аралаш йиринг оқиб турган ярага ўхшайди. Икковидан қайсиси бошқа тарафдан ғолиб келса, қалбга ҳам ғолиб келади».

Ўтган оятларда турли тоифадаги инсонларнинг васфини кўрдик. Энди келадиган оятда башариятга умумий нидо қилиниб, ушбу васф-



ларнинг ичидаги яхши, манфаатли, соф, тўғри, нажотли васфга эр-  
гашишга даъват этилади.

يَا أَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿٢١﴾

**21. Эй одамлар, сизларни ва сиздан олдингиларни яратган Роб-  
бингизга ибодат қилинг. Шоядки, тақводор бўлсангиз.**

Ушбу оятда умумбашарга қарата нидо этилмоқдаки, сизларни ярат-  
ган тарбиякунадаларингиз улуғ Аллоҳга ибодат қилинглар! Сизлар-  
ни яратишда У ягона бўлган, энди ёлғиз Ўзига ибодат қилишингизга  
ҳақлидир. Ибодатдан мақсад — шоядки, тақводор бўлсаларингиз.

الَّذِي جَعَلَ لَكُمْ الْأَرْضَ فِرَاشًا وَالسَّمَاءَ بِنَاءً وَأَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجَ بِهِ مِنَ  
الثَّمَرَاتِ رِزْقًا لَكُمْ فَلَا تَجْعَلُوا لِلَّهِ أَنْدَادًا وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٢٢﴾

**22. У сизларга ерни тўшаб, осмонни бино қилган ва осмондан  
сув тушириб, у билан сизларга меваларни ризқ қилиб чиқарган  
Зотдир. Билиб туриб Аллоҳга бошқаларни тенглаштирманг.**

Ерни Аллоҳ инсон учун яшашга осон қилиб тўшаб қўйганининг  
маъноси, ер инсон ҳаётига зарур барча қулайликларни ўзида мужас-  
сам қилган бир масканга айлантирилганлигидир. Лекин одам боласи  
бу қулайликлар ичра яшаб, кўзи ўрганиб қолганидан, унга эътибор  
бермайди. Ердаги мавжуд нарсалардан бирортаси йўқолиб қолса, бу  
ҳолат бузилиб, ер юзида ҳозиргидай фароғатда яшаб бўлмас эди.

Осмоннинг бино — том қилиб қўйилиши ҳам худди шундай. Бу  
улкан бинонинг тузилиши озгина ўзгаришга учраса, унинг остида  
инсоннинг яшаши қийинлашиб қолиши турган гап.

Осмондан сув туширилиши эса, Аллоҳнинг қудрати сифатида Қур-  
ъони Каримда тез-тез такрорланадиган мисолдир. Аллоҳнинг бу неъ-  
матини эсга олиб туриш учун ҳам бу мисол кўп келтирилади. Чунки,  
сувсиз ҳаёт йўқ. Аллоҳ бермаса, уни ҳеч ким ўзи ярата олмайди.  
Демак, инсонни яратган Аллоҳ экан, инсоннинг қулай яшаши учун  
ерни тўшак, осмонни бино, ёмғирни ризқ қилган ҳам Аллоҳнинг Ўзи-  
дир. Шундай бўлгач, инсон билиб туриб Аллоҳга бошқаларни тенг-  
лаштирмаслиги лозим. Эътиқодда ҳам, ибодатда ҳам ягона Аллоҳ-  
нинг Ўзини дейиши керак. Унга ҳеч кимни, ҳеч нарсани ҳеч қачон  
тенглаштириб бўлмайди. Аллоҳга бошқани тенглаштириш бут-санам-  
ларга сиғиниш суратида, Аллоҳдан бошқадан бирор нарсани умид

қилиш билан, бошқа бирор шахс ёки кучдан қўрқиш билан, наф ёки зарар Аллоҳдан бошқадан келади, деб эътиқод қилиш билан бўлади.

Улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинадики, у киши айтибдилар:

«Тенглаштириладиганлар ширқдир. У, қоронғу кечада, қора тош устида қумурсқа ўрмалагандан ҳам махфийроқдир. У, Аллоҳ билан ва сенинг ҳаётинг билан, эй Фалончи, ва менинг ҳаётим билан қасам, дейиш орқали ҳам юзага келади. Манави ит ё ғоз бўлмаганида, бизникига ўғри кирарди, дейиш билан ҳам юзага келади. Бир одамга Аллоҳ хоҳласа ва сен хоҳласанг, деса ҳам, Аллоҳ ва Фалончи бўлмаганида, дейиш билан ҳам юзага келади. Бунинг ҳаммаси ширқдир».

Ҳадисда айтилишича, бир киши Пайғамбар алайҳиссаломга:

«Аллоҳ хоҳласа ва сиз хоҳласангиз», деганида, у зоти бобаракот:

«Мени Аллоҳга тенглаштирасанми?» деган эканлар. Бу масалада жуда ҳам хушёр бўлишимиз керак.

Мушриклар Муҳаммад алайҳиссаломнинг Пайғамбарликларига шубҳа қилиб, шак келтирганларидек, яҳудийлар ва мунофиқлар ҳам шак келтирардилар. Шунинг учун, Қуръони Карим уларнинг барчасига нидо қилиб, очиқ-ойдин ҳужум қилади:

وَإِنْ كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِّمَّا نَزَّلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا فَأْتُوا بِسُورَةٍ مِّمَّنْ مِثْلِهِ ۖ وَادْعُوا  
شُهَدَاءَكُمْ مِّنْ دُونِ اللَّهِ ۖ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٦٦﴾

**23. Ва агар бандамизга туширган нарсамизга шакинги бўлса, унга ўхшаш бир сура келтиринг ва рост сўзловчилардан бўлсангиз, Аллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринг.**

Яъни, Биз бандамиз Муҳаммад алайҳиссаломга туширган Қуръонга сизнинг шак-шубҳангиз бўлса, бу Аллоҳдан эмас, Муҳаммад ўзи тўқиб олган, демоқчи бўлсангиз, ушбу Қуръон сураларига ўхшаш битта сураи ўзингиз келтиринг-чи?! Ва бу ишга Аллоҳдан бошқа гувоҳларингизни келтиринг, улар сизнинг ростгўйлигингизга гувоҳлик берсинлар. Чунки, Аллоҳ Ўз бандаси Муҳаммад алайҳиссаломнинг содиқлигига Ўз гувоҳлигини бериб бўлди.

Ушбу оят тушган пайтда қилинган чақириқ ҳозиргача, бундан сўнг қиёматгача ҳам бардавомдир. Қанчадан-қанчалар Қуръонга ўхшаш нарса келтираман деб, уриниб-уриниб, қўлидан ҳеч нарса келмай ўтиб кетди. Ҳозирги кунгача Қуръон ўзининг инсон сўзидан устунлигини очиқ-ойдин намоён этиб келмоқда ва шундай бўлиб қолади ҳам. Чунки, Аллоҳ таоло келаси оятда бунинг ваъдасини бериб қўйган:

فَإِنْ لَّمْ تَفْعَلُوا وَلَنْ تَفْعَلُوا فَاتَّقُوا النَّارَ الَّتِي وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ أُعِدَّتْ لِلْكَافِرِينَ ﴿٢٤﴾

**24. Бас, агар қила олмасанглар, ҳеч қачон қила олмайсизлар ҳам, ёқилғиси одамлар ва тош бўлган, кофирлар учун тайёрланган ўтдан қўрқинглар.**

Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг,

«**ҳеч қачон қила олмайсизлар ҳам**», дейиши улкан мўъжизадир.

Одатда, бир тараф иккинчи тараф билан тортишиб, уни мот қилмоқчи бўлганида, ўзидаги энг кучли хусусиятни юзага чиқариб рақибни енгмоқчи бўлади. Шу билан бирга, мазкур хусусиятдан озгина бўлса ҳам рақибда борлигини билса, шарманда бўлмай деб, ортиқча мақтанмасдан, ҳадиксириб туради. Ушбу тортишувда эса, дунёнинг ҳаммаси тўпланиб келганда ҳам Қуръон сураларидан биттасига ўхшаш сурани ҳеч қачон келтира олмаслиги таъкидлаб айтилмоқда. Қуръоннинг кичик сураси уч оятли бўлиб, қисқа сура ҳисобланади. Ушбу оятда ҳеч бўлмаса, ана шу уч оятли кичик сурага ўхшаш сура келтириш талаби бор. Агар У ҳақиқий илоҳий калом бўлмаганида, бу даражада очиқ, ожиз қолдирувчи сўз айтмаган бўлар эди. Иккинчи тарафдан, мана, минг тўрт юз йилдан ошдики, ҳеч ким бу чақириқни рад қила олмаяпти. Қайтага, арабларнинг ўзи ҳам ўз тилларида ожизлашиб кетди ва кетмоқдалар.

Қуръони Каримнинг илоҳий китоблигига шак-шубҳа билдирувчилар бу даъволарини ҳеч қачон тасдиқлай олмайдилар, тасдиқлай олмасликлари аниқ ҳам. Демак, дўзахдан қўрқсинлар. Иймон келтирсинлар. У дўзахнинг ёқилғиси одамлардан ва тошлардан бўлади. Одамлар ўзлари ёнаверса, азобнинг алами унча баян бўлмай қолади деб, янада қаттиқ иситиш учун, тош ҳам ташлаб қўйилган. Бу дўзах кофирлар учун тайёрлаб қўйилгандир. Қуръонни инкор қилувчилар эса, айни кофирлардир.

Кофирларга шундай қаттиқ азоб бўлиб турган бир пайтда мўмин-мусулмонлар жаннатда роҳат-фароҳатда бўладилар. Уларнинг саодатли ҳолларини келаси оят баён қилади:

وَبَشِّرِ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أَنَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ كُلَّمَا رُزِقُوا مِنْهَا مِنْ ثَمَرَةٍ رِزْقًا قَالُوا هَذَا الَّذِي رُزِقْنَا مِنْ قَبْلُ وَأُتُوا بِهِ مُتَشَابِهًا وَلَهُمْ فِيهَا أَزْوَاجٌ مُطَهَّرَةٌ وَهُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿٢٥﴾

**25. Иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилганларга, улар учун остидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар борлигининг башоратини бер. Қачонки уларнинг мевасидан баҳраманда бўлсалар, бундан аввал ҳам ризқланган эдик, дерлар. Уларга ўхшаш нарсалар берилгандир. Уларга у ерда покиза жуфтлар бор ва улар у ерда абадий қолурлар.**

Ушбу ояти каримада Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Ўз Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб қилиб, иймон келтирган ва солиҳ амал қилганларга башорат – суюнчилик хабар беришни буюрмоқда. Демак, дарахтлари остидан анҳорлар оқиб турувчи жаннатга кириш учун иймон келтириш, яъни, Аллоҳга, Пайғамбарга, Қуръонга ва иймон келтириш лозим бўлган бошқа нарсаларга иймон келтириш ҳамда амали солиҳларни, яъни, Қуръон ва суннатда яхши деб таърифланган ишларни қилиш зарурдир.

Аҳли жаннат фақат жаннатга кириш билан кифояланиб қолмайдилар, балки у ерда турли ноз-неъматларга сазовор бўладилар. Жумладан:

**«Қачонки уларнинг (яъни жаннатларнинг) мевасидан баҳраманда бўлсалар, бундан аввал ҳам ризқланган эдик, дерлар. Уларга ўхшаш нарсалар берилгандир».**

Яъни, бу дунёда баҳраманда бўлган меваларига ўхшаш мевалар берилгандир. Аммо бу ўхшашлик фақат исми ва шаклида, жаннат меваларининг таъми эса, бошқа. Шаклининг ўхшашлиги шунинг учунки, банди бу дунёда тотиб юрган лаззатли неъматни жаннатда ҳам кўрса, севинади. Таъмини тотганда эса, кутганидан зиёда лаззатли экани аён бўлади.

Улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Жаннатдаги нарсаларнинг бирортаси бу дунёникига ўхшамайди, фақат исми ўхшаши мумкин», деганлар.

Яна,

**«уларга у ерда покиза жуфтлар бор».**

Ҳар жиҳатдан покиза жуфтлар бордир. Чунки жаннат хурлари алоҳида яратилгандир. Ушбу неъматларнинг лаззати ва ҳузурбахшлигининг зиёдалиги уларнинг бардавомлигида ҳамдир. Шунинг учун ҳам, оятда айтилганидек,

**«улар у ерда абадий қолурлар».**

Ўтган оятларда Аллоҳ таоло мунофиқ ва кофирларнинг ҳақиқий ҳолини баён қилиш учун олов ёққан одамни ва ёмғирда қолган одамни зарбулмасал қилиб келтирди. Шунингдек, бошқа сура ва оятларда ҳам ушбу услубни ишлатиб, жумладан, ўргимчакни ва пашшани мисол қилади. Кофир ва мунофиқлар бундай

мисол келтиришдан ҳам бир нуқсон топмоқчи бўлишади. Қуръон борлиқни яратган Аллоҳнинг каломи бўла туриб, бунда пашша, ўргимчак каби, улар назарида арзимас туюлган жонзотларнинг зикр этилиши истехзоларига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Оқибатда, улар турли гап-сўзлар тарқатишган. Жумладан: «Аллоҳ бу мисолни келтиришдан нимани ирода қилади?» дея бошлашган.

Улуғ тобеъийлардан Қатода розияллоҳу анҳу деганларки:

«Аллоҳ Ўз китобида пашшани ва ўргимчакни зикр қилганда залолат аҳли: «Аллоҳ буни зикр этиб, нимани ирода қилди?» дейишган ва Аллоҳ қуйидаги оятни туширган:

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحْيٰٓءُ أَنْ يَضْرِبَ مَثَلًا مَّا بَعُوضَةً فَمَا فَوْقَهَا ۗ مَا الَّذِينَ ءَامَنُوا فَيَعْلَمُونَ أَنَّهُ الْحَقُّ مِنْ رَبِّهِمْ ۗ وَأَمَّا الَّذِينَ كَفَرُوا فَيَقُولُونَ مَاذَا أَرَادَ اللَّهُ بِهَذَا مَثَلًا ۖ يُضِلُّ بِهِ كَثِيرًا ۖ وَيَهْدِي بِهِ كَثِيرًا ۖ وَمَا يُضِلُّ بِهِ إِلَّا الْفَاسِقِينَ ﴿٢٦﴾﴾

**26. Албатта, Аллоҳ чивин ёки ундан устунроқ нарсани мисол келтиришдан уялмас. Иймон келтирганлар, албатта, у Роббиларидан келган ҳақлигини билурлар. Аммо куфр келтирганлар: «Аллоҳ бу мисолдан нимани ирода қилди?» – дерлар. У ўша билан кўпчиликни залолатга кеткизар ва кўпчиликни ҳидоятга солар. У ўша билан фақат фосиқларнигина залолатга кеткизар.**

Кофирлар ва мунофиқлар истехзо қилиш ўрнига ақлни ишлатганларида эди, Аллоҳ таолонинг чивин ёки пашша сингари жуссаси кичик нарсаларни мисол қилиб келтириши ожизликдан бўлмай, балки улкан қудратдан далолат эканини билар эдилар. Чунки, коинотни яратган Аллоҳ таоло ўша қудрати ила чивинни ҳам, ҳатто ундан кичик нарсаларни ҳам яратгандир. Моҳият нарсанинг жисмида эмас, балки ундаги ҳаётдадир. Хўп, ана, чивин шунчалик арзимас нарса бўлса, унга Аллоҳдан бошқа ким ҳам ҳаёт ё жон бера олади? Дунёдаги барча кучлар тўпланиб, Аллоҳ яратган бирорта улкан жуссали ҳайвонни ярата олмаганларидек, битта чивинни ҳам ярата олмайдилар. Зарбулмасалдан мақсад кишилар қалбини синаш, уларни имтиҳон қилишдир. Одамлар эса, бундай зарбулмасалдан кейин икки хил муносабатда бўладилар:

1. Иймон келтирганлар зарбулмасалдан ибрат ва ваъз-насиҳат оладилар, Аллоҳнинг қудратига яна бир бор қойил қоладилар. Ҳамда

зарбулмасал Роббиларидан келганини, унинг ҳақлигини биладилар. Иймонлари янада зиёда бўлади.

2. Куфр келтирганлар эса, Аллоҳнинг нуридан, иймондан бебаҳра бўлганликлари учун, бу улкан ҳақиқатни англаб-тушуниб етмайдилар. Аллоҳ таолога нисбатан беодоблик қиладилар.

**«Аллоҳ бу мисолдан нимани ирода қилди?»** – дерлар.

Беодобларча берилган бу саволга оятнинг ўзида очиқ-ойдин жавоб бор:

**«У ўша билан кўпчиликни залолатга кеткизар ва кўпчиликни ҳидоятга солар».**

Демак, зарбулмасал – синов: у ҳар кимга ҳар хил таъсир қилади. Эси бор одам ундан фойда олиб, иймони мустаҳкамланади. Ақли шайтоннинг қўлида бўлганлар эса, уни масхара қилиб, куфрида яна чуқур кетади. Куфрида чуқур кетадиганлар фосиқлардир. Одатда, «фосиқ» деб гуноҳ ишларни қилган мусулмонларга айтилади. Фисқ сўзи, уламолар истилоҳида, гуноҳи кабира қилиб ёки кичик гуноҳларда бардавом бўлиб, Аллоҳнинг амридан чиқишдир. Қуръони Каримда эса, мавзуга қараб, кофир ва мунофиқларни ҳам баъзан фосиқ дейилади.

Келгуси оятда ўша фосиқ – кофиру мунофиқларнинг сифатлари зикр қилинади:

الَّذِينَ يَنْقُضُونَ عَهْدَ اللَّهِ مِنْ بَعْدِ مِيثَاقِهِ وَيَقْطَعُونَ مَا أَمَرَ اللَّهُ بِهِ أَنْ يُوصَلَ  
وَيُفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ أُولَئِكَ هُمُ الْخَاسِرُونَ ﴿٢٧﴾

**27. Улар Аллоҳнинг аҳдини боғланганидан сўнг бузадиган, Аллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни кесадиган, ер юзида фасод қиладиган зотлардир. Ана ўшалар ютқазувчилардир.**

Ушбу оятда Аллоҳ кофир ва мунофиқларнинг учта катга сифатини келтирган.

Биринчи сифат:

**«Аллоҳнинг аҳдини боғланганидан сўнг бузадиган...»**

Яъни, ҳар бир банданинг Яратган билан боғлаган аҳди бор. Кофир ва мунофиқлар ўша аҳдни бузиш билан бошқалардан ажраб туради. Бу аҳд кўп нарсаларда боғланган, жумладан:

а) ҳар бир банда яратилиш чоғида Аллоҳ унинг табиатига диндорликни солган, кофир ва мунофиқлар ўша табиатга хилоф чиқадилар;

б) Аллоҳ таоло одам боласини Ўзининг ердаги халифаси қилган, улар бу аҳдни бузиб, халифаликка хиёнат қиладилар;

в) ҳар бир шариат келганда, Аллоҳ Ўзидан бошқага сиғинмаслик аҳдини олган бўлса ҳам, кофир ва мунофиқлар хиёнат қиладилар. Шунингдек, фосиқлар, яъни, кофир ва мунофиқлар ҳаётларида Аллоҳнинг шариатига амал қилиш, унинг кўрсатган йўлидан юриш каби нарсаларга боғланган аҳдларини бузадилар.

Иккинчи сифат:

«**Аллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни кесадиған...**» Аллоҳ кўп нарсаларни, жумладан, қариндошлик алоқаларини боғлашга, инсоний алоқаларни боғлашга, иймон ва диндошлик алоқаларини боғлашга... ва ҳоказо ишларга буюрган. Фосиқ – кофир ва мунофиқлар ушбу алоқаларни ҳам кесадилар.

Учинчи сифат:

«**Ер юзида фасод қиладиган...**»

Фасоднинг тури жуда кўп. Жумладан, юқоридаги икки сифат ҳам ер юзини фасодга тўлдирадиган сифатлардан ҳисобланади. Аммо энг катта фасод борлиқни яратувчи Зот бўлмиш Аллоҳ таоло кўрсатган йўлни тарк этиб, бошқача яшашга ҳаракат қилишдир. Ҳамма фасод шундан келиб чиқади.

Мазкур сифатлар нима натижага элтади? Шундай сифатдаги кишилар, албатта, ютқазадилар. Бу дунёларини ҳам, у дунёларини ҳам ютқазадилар.

«**Ана ўшалар ютқазувчилардир.**»

Келаси оятда кофирлар ҳақида учинчи шахс сифатида гап юришдан бевосита уларнинг ўзларига хитоб қилишга ўтилади.

كَيْفَ تَكْفُرُونَ بِاللَّهِ وَكُنْتُمْ أَمْوَاتًا فَأَحْيَاكُمْ ثُمَّ يُمِيتُكُمْ ثُمَّ يُحْيِيكُمْ  
ثُمَّ إِلَيْهِ تُرْجَعُونَ

**28. Аллоҳга қандай куфр келтирасизлар? Ва ҳолбуки, жонсиз эдингиз, У сизга жон берди, сўнгра жонингизни оладир ва яна тирилтирадир ва сизлар Унга қайтажаксизлар.**

Ушбу оятда кофирлик нақадар ёмон нарсa эканлиги очиқ-ойдин далиллар билан исбот қилинмоқдаки, заррача ақли бўлган одам бу далиллардан сўнг мўмин бўлмай иложи йўқ. Ҳар бир инсон ўйлаб кўрса, бир вақтлар жонсиз эди, ҳаётнинг асари йўқ эди, ўлик ҳукмида эди. Бир вақт келиб унда жон пайдо бўлди,

ҳаёт асари кирди. Хўш, бу жонни унга ким берди? Жавоб битта: унга жонни Аллоҳ берди. Аллоҳ берган жон билан тирик туриб, Аллоҳни қандай инкор этасан? Қандай қилиб унга куфр келтирасан?!

Ҳаётда инсон балки унга жон қаердан келганини ўйлашга кўп ҳам рағбат қилмас, лекин оятда эса солинаётган ишга — «**сўнгра жонингизни оладир**»га тан бермай иложи йўқ. Дунёнинг энг ақл-лисиман деган кофир ҳам ўлим олдида ноилождир. Абдий яшаб қолмаслигини билади, ўлимга бош эгади. Хўш, бир куни барибир Аллоҳ жонингни олар экан, қандоқ қилиб Аллоҳни инкор этасан, қандоқ қилиб унга куфр келтирасан?!

Сўнгра, Аллоҳ яна инсонни қайта тирилтиради. Бу иш қиёмат кунда амалга оширилади. Кофирлар бу босқичга ишонмай, тортишадилар. Лекин ҳужжат-далиллар уларнинг бу қайсарликлари ҳам беҳуда эканини кўрсатади. Жумладан, инсонни йўқдан бор қилиб, жон ато этган Аллоҳ барчанинг жонини яна ўзига қайтариши жуда ҳам осондир. Шундай экан, қандай қилиб улар Аллоҳни инкор этадилар, унга куфр келтирадилар?!

Оятнинг охирида:

**«Ва сизлар Унга қайтажаксизлар»**, дейилади.

Аллоҳга қайтиш ҳақ экан, қандай қилиб улар Аллоҳни инкор этадилар, унга куфр келтирадилар?!

Келгуси ояти каримада Аллоҳ таолонинг ўлган одамларни қайта тирилтиришга қодир эканлигини исботловчи васфлари зикр қилинади.

هُوَ الَّذِي خَلَقَ لَكُمْ مَّا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا ثُمَّ أَسْتَوَىٰ إِلَى السَّمَاءِ فَسَوَّاهُنَّ  
سَبْعَ سَمَاوَاتٍ وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿١٠٩﴾

**29. У сизлар учун ер юзидаги барча нарсани яратган Зот. Сўнгра осмонга юзланди ва уларни еттита қилиб тўғрилади. Ва У ҳар бир нарсани билувчи Зотдир.**

Ер юзидаги барча нарсанинг инсон учун яратилгани ҳақидаги хабар инсонни улуғлашдир. Модомики, бу дунёдаги ҳамма нарсани Аллоҳ инсон учун яратган экан, демак, инсон ҳамма яратилганларнинг улуғидир. Ер юзида инсондан улуғ махлуқ йўқ. Инсон Аллоҳнинг ер юзидаги халифаси. Махлуқотлардан бирортаси инсондан устун бўлиши мумкин эмас. Ҳамма нарсалар инсон учун, инсоннинг саодати учун бўлиши керак.



Аллоҳ дунёдаги жамики нарсаларни инсонга ҳадыя этган экан, инсон ҳам, ўз навбатида, ўша неъматларни берган Зотга шуқр қилиб яшамоғи лозим.

Ҳол шундай экан, қандай қилиб улар Аллоҳни инкор этадилар ва унга куфр келтирадилар?! Аллоҳ таоло дунёдаги жамики нарсаларни йўқдан бор қилиб яратган экан, ўлган инсонни қайта тирилтира олмасмиди?!

Оятнинг охирида:

**«Ва У ҳар бир нарсани билувчи Зотдир»**, деб таъкидланмоқда. Ҳақиқатан шундай. У кофирларнинг ишларини ҳам билиб турибди. Улар У Зотдан кўрқмайдиларми?! Нималарига ёки кимларига ишониб Аллоҳни инкор этадилар ва унга куфр келтирадилар?!

Келаси оятларда Аллоҳнинг амрига бўйсунмаслик ва қайтарганидан қайтмасликнинг оқибатини баён қилиш учун Одам алайҳиссаломнинг қиссаси келтирилади. Қиссанинг тафсилига киришишдан аввал, умуман, Қуръони Каримдаги қиссалар нима, ундан қандай мақсадлар кўзланганини қисқача тушуниб олишимиз керак. Чунки, бундан кейин қиссалар кўп келади. Шунинг учун, умумий тушунча зарур.

Қуръони Каримда қиссалар турли жойларда ва турли муносабатлар билан келади. Ўрнига ва мавзуга қараб, қисса ҳам ўзгариб туради. Баъзиларга такрор бўлиб туюлган қиссалар, аслида, ҳар жойда алоҳида ўзгача маъно билдиради ва турли мақсадларда ишлатилади.

Пайғамбарлар қиссаси иймон йўлидаги тинимсиз курашнинг узоқ йўлини акс эттирувчи баёнотдир. Ўтганлар ҳаётида иймон учун кураш қандай борганини, оқибат нима бўлганини билиш келажак авлод учун ибрат бобида ниҳоятда муҳимдир. Шу боисдан ҳам, Аллоҳ таоло Пайғамбарлар қиссаларига алоҳида эътибор беради ва Қуръони Каримда улардан йигирма бешталарининг қиссаларини келтиради. Бу ўринда биринчи инсон ва биринчи Пайғамбар бўлмиш отамиз Одам алайҳиссаломнинг қиссалари баён этилади:

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَكِ إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً قَالُوا أَتَجْعَلُ فِيهَا مَنْ يُفْسِدُ فِيهَا وَيَسْفِكُ الدِّمَاءَ وَنَحْنُ نُسَبِّحُ بِحَمْدِكَ وَنُقَدِّسُ لَكَ قَالَ إِنِّي أَعْلَمُ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٣٠﴾

30. Эсла, вақтики Роббинг фаришталарга: «Мен ер юзида халифа қилмоқчиман», – деди. – Улар: «Унда фасод қиладиган, қон тўкадиган кимсани қилмоқчимисан? Ва ҳолбуки, биз Сенга тас-

**бих, ҳамд айтиб ва Сени улуғлаб турибмиз», – дедилар. У: «Мен сиз билмаганни биламан», – деди.**

Ушбу оятдан маълум бўляптики, Аллоҳ таоло Одамнинг Ўзининг ер юзидаги ўринбосари – халифаси бўлишини ирода этган экан. Демак, инсонга улкан ишонч билдирилган, у улуғ Аллоҳнинг халифаси бўлишдек олий мақомга лойиқ кўрилган. Бундай марҳаматнинг ўзига яраша буюк масъулияти ҳам бор. Инсон шуни англаган ҳолда, уни халифа қилиб қўйган Зотнинг топшириқларини бажармоғи, яратган Зот муносиб кўрган олий мақомга доғ туширмасликка ҳаракат қилмоғи керак.

Фаришталарнинг:

**«Унда фасод қиладиган, қон тўкадиган кимсани қилмоқчимисан?»** деган гапларидан маълум бўладики, улар ўзларигагина маълум йўл билан инсон ер юзида фасод, бузғунчилик қилиши ва қон тўкишини билишган, айна чоғда, улар фаришталик табиати билан, ўзлари айтиб турган тасбиҳу ҳамдларни ва қилиб турган улуғлашларни ушбу махлуқотларнинг яратилиш мақсади, деб билишган. Аммо Аллоҳнинг илми бошқа, фаришталар буни билмайдилар.

**«Мен сиз билмаганни биламан»,** деди Аллоҳ таоло.

Яъни, одамлардан баъзиларининг бузғунчилик қилиши ёки қон тўкиши ер юзида халифа яратиш иродасига тўсиқ бўла олмайди. Шунингдек, фаришталарнинг тасбиҳ ва ҳамд айтиб, Аллоҳни ҳамisha улуғлаб туришлари ҳам улардан бошқа мавжудотни яратишдан тўса олмайди.

وَعَلَّمَ آدَمَ الْأَسْمَاءَ كُلَّهَا ثُمَّ عَرَضَهُمْ عَلَى الْمَلَائِكَةِ فَقَالَ أَنْبِئُونِي بِأَسْمَاءِ هَؤُلَاءِ  
 إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٣١﴾

**31. Ва У Одамга исмларнинг барчасини ўргатди, сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилди. Кейин: «Агар ростгўйлардан бўлсангиз, аनावиларнинг исмларини менга айтиб беринг», – деди.**

Аллоҳ таоло одамни Ўзининг ер юзидаги халифаси қилаётган пайтда унга улуғ бир сирни берганлиги ушбу оятдан билиниб турибди. У ҳам бўлса, одамга исмларнинг барчасини ўргатишидир. Яъни, инсон ўзини ўраб турган барча ашёларнинг белгиси сифатида исмни, маънони ишлатади. Ҳис қилинадиган, жисмга эга бўлган нарсаларни фаҳмлаш учун нутқий рамзларни ишлатиш қудрати инсон ҳаётида энг улуғ қудратлардан бири ҳисобланади. Акс ҳолда, бировга тоғни тушунтирмоқчи бўлсанг, уни тоғнинг олдига олиб

бориб, айлантириб кўрсатишдан ўзга чора бўлмасди. Агар Аллоҳ таоло инсонга ушбу қобилиятни бермаганида, ер юзида ҳаётни та- саввур қилиш қийин бўлар эди.

Ривоятларда келишича, бунинг исми от, буниси туя, манави қуёш, бу эса, юдуз, деб ҳатто кичкина нарсаларгача ўргатилган. Яъни, одамнинг ер юзида халифа бўлишининг асосий сабабларидан бири — илм олишга истеъдодининг борлигидир. Ҳозирда инсон илми ила борлиқнинг сирларини кашф этаётгани ҳам ўшанда берилган қоби- лият натижасидир.

Аллоҳ таоло одамга исмларнинг барчасини ўргатгандан кейин уларни фаришталарга рўбарў қилди ва ер юзида фасод қилувчи ва қон тўкувчи кимсани яратасанми, деган даъволаринг рост бўлса, ушбу нарсаларнинг исмларини менга айтиб беринглар, деди. Фа- ришталар у нарсаларга исм қўйишдан ожиз қолдилар ва ўз ожиз- ликларини тан олиб:

قَالُوا سُبْحٰنَكَ لَا عِلْمَ لَنَا اِلَّا مَا عَلَّمْتَنَا اِنَّكَ اَنْتَ الْعَلِيْمُ الْحَكِيْمُ ﴿٣٢﴾

**32. Улар: «Эй пок Парвардигор! Бизда Сен билдиргандан бош- қа илм йўқ. Албатта, Сенинг Ўзинг билувчисан ва ҳикматли Зот- сан», – дедилар.**

Фаришталар бу ерда юксак одоб мисолини кўрсатдилар. Билма- ган нарсаларини, сўзсиз, билмаймиз, деб айтдилар. Билмаган нарса- сини тан олиб, вақтида «билмайман» дейиш ҳам катта одоб, ҳам катта илм ҳисобланади.

Шунда Аллоҳ таоло Ўзининг ер юзидаги халифаси — одамнинг фазлини изҳор қилиш учун:

قَالَ يٰۤاٰدَمُ اَنْبِئْهُمْ بِاسْمَائِهِمْ فَلَمَّ اَنْبَأَهُمْ بِاسْمَائِهِمْ قَالَ اَلَمْ اَقُلْ لَكُمْ اِنِّيْٓ اَعْلَمُ غَيْبَ السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِ وَاَعْلَمُ مَا تُبْدُوْنَ وَمَا كُنْتُمْ تَكْتُمُوْنَ ﴿٣٣﴾

**33. «Эй Одам, буларга у нарсаларнинг исмларини айтиб бер», – деди. Уларга ўша нарсаларнинг исмларини айтиб берган чоғи- да, «Мен сизларга осмонлару ернинг гайбини биламан ва сизлар беркитмагану беркитган нарсаларни ҳам биламан демабмидим», – деди.**

Шу билан Одамнинг фаришталардан устунлик тарафи намоён бўлди. У ҳам бўлса, илм-маърифат. Инсон ер юзида фасод қилиши,

қон тўкиши ҳам мумкин, неъмат илоҳий бўлмиш илмни ўз ўрнида ишлатиб, фаришталардан устун бўлиши ҳам мумкин.

Ушбу мавқифда, хусусан, одамнинг фазли фаришталар кўз олдига намоён бўлгандан кейин Аллоҳ таоло фаришталарга қуйидаги фармонни берди:

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِآدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ أَبَىٰ وَاسْتَكْبَرَ وَكَانَ مِنَ الْكَافِرِينَ ﴿٣٤﴾

**34. Эсла, фаришталарга: «Одамга сажда қилинлар!» деганимизни. Бас, сажда қилдилар, магар Иблис бош тортди, мутакаб-бирлик қилди ва кофирлардан бўлди.**

Фаришталарга саждани буюриб, Аллоҳ Одамга улкан мартаба ато этди. Аммо бу сажда ибодат учун эмас, балки Одамни – Аллоҳнинг улуғ ижодини табриклаш маъносида эди.

Фаришталар дарҳол сажда қилдилар, чунки уларнинг фитратида Аллоҳнинг амрига исён қилиш хусусияти йўқ. Фақат Иблис сажда қилмади. Ушбу иборадан келиб чиқиб, баъзилар: «Иблис аслида фаришталардан эди, аммо амрга итоат этмай, одамга сажда қилмагани учун уларнинг сафидан чиқарилган», дейишади. Аслида ундай эмас. Иблис асли жиндан бўлган, бу ҳақда оят бор. Қолаверса, Қуръони Карим оятида айтилганидек, фаришталарда Аллоҳнинг амрига исён қилиш табиати йўқ. Шундан, Аллоҳ таоло фаришталарни Одамга сажда қилишга буюрган пайтда Иблис ҳам ўша жойда ҳозир бўлган, деб хулоса қилса бўлади.

Иблис билан инсон орасида душманлик шундан бошланади. Бу душманлик яхшилик вакили ила ёмонлик вакилининг курашига айланди.

Бунинг тафсилотини қиссанинг давомини васф қилувчи келгуси ояти карималарни ўрганиш давомида билиб оламиз.

وَقُلْنَا يَا آدَمُ اسْكُنْ أَنْتَ وَزَوْجُكَ الْجَنَّةَ وَكُلَا مِنْهَا رَغَدًا حَيْثُ شِئْتُمَا وَلَا تَقْرَبَا هَذِهِ الشَّجَرَةَ فَتَكُونَا مِنَ الظَّالِمِينَ ﴿٣٥﴾

**35. Ва: «Эй Одам, сен ўз жуфтинг ила жаннатда маскан топ. Унда нимани хоҳласаларингиз, енлар, ош бўлсин ва мана бу дарахтга яқин келманлар, бас, у ҳолда золимлардан бўласизлар», – дедик.**

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Одамга яна бир бор улуғ марҳамат қилди: жуфти Ҳаво билан унга жаннатдан жой ато этди ва у ерда фароғатда яшашини таъминлади.

**«Мана бу дарахтга яқин келманглар»**, деганидан, уларга ҳамма нарсадан тановул қилишга рухсат бўлган-у, фақатгина битта дарахтдан тановул қилишга рухсат бўлмагани маълум бўлади. Бу — инсон ҳаётида ман қилинган нарсалар намунаси. Аллоҳ таолонинг инсонга баъзи нарсаларни ман қилиши — иродани мустаҳкамлаш учундир. Агар ман қилиш бўлмаса, инсон билан ҳайвоннинг орасида фарқ қолмайди. Инсон ўзига жон, ақл, илм берган Аллоҳга аҳду паймон қилган, ўша аҳду паймонга вафо қилиши учун унга сабр-матонат, ирода керак, бу нарсалар эса, ман қилиш билан ҳосил бўлади. Сабр-матонатли, иродали кишилар Аллоҳ ман қилган нарсалардан ўзларини сақлаб турадилар. Ҳавои нафсига банда бўлганларнинг эса, ҳайвондан фарқи йўқ. Улар ман қилинган нарсадан ўзларини тийиб тура олмайдилар.

Аллоҳ таоло жаннатдаги ҳамма меваларга рухсат бериб, фақат биттагина дарахт мевасини ман қилганидек, бу дунёда ҳамма нарсаларга рухсат бериб, фақат саноқли нарсаларни — инсоннинг ўзига зарарли нарсаларни ман қилган.

Ман қилинган дарахт қайси дарахт эканлиги ҳақида узундан-узоқ тортишишлар бўлган. Ҳар ким ўзи билган дарахтнинг номини айтган ва ушбу гапни тасдиқлаш учун далил ва ҳужжатлар келтиради. Аммо тўғриси айтганда, бировга ўша дарахтнинг исмини билиш билан фойда ёки билмаслик билан зарар етмайди. Агар уни билиш зарур бўлса, Аллоҳ Қуръонда ёки Пайғамбаримиз ҳадисларида айтган бўлур эди.

Аллоҳ таоло оятнинг охирида,

**«Ва мана бу дарахтга яқин келманглар, бас, у ҳолда золимлардан бўласизлар»**, дедик», демоқда.

Шундан кўринадикки, шариатнинг амридан чиқишлик зулм экан. Зулм эса, катта гуноҳ. Ким Аллоҳнинг айтганида юрмаса, у кимса золимлардандир.

فَأَزَلَّهُمَا الشَّيْطَانُ عَنْهَا فَأَخْرَجَهُمَا مِمَّا كَانَا فِيهِ وَقُلْنَا اهْبِطُوا بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ  
وَلَكُمْ فِي الْأَرْضِ مُسْتَقَرٌّ وَمَتْنَعٌ إِلَىٰ حِينٍ

**36. Шайтон уларни ундан оздирди ва бўлган нарсаларидан чиқарди. Ва Биз: «Баъзингиз баъзингизга душман бўлиб тушинг-**

**лар, сизларга ер юзида қароргоҳ ва бир муддат ҳузур қилиш бордир», – дедик.**

Шайтон Одам Ато билан Момо Ҳавони қандоқ қилиб йўлдан оздиргани бошқа оятларда баён қилинган. Бу ерда суранинг умумий йўналишига қараб, фақат «**шайтон уларни ундан оздирди**», адаштирди, деб қўйилмоқда.

Оятнинг давомида:

**«Ва бўлган нарсаларидан чиқарди»**, дейилмоқда.

Бизнинг тилимизда бу жумла тўмтоқроқ чиқмоқда. Лекин Қуръон матнида жуда ҳам мўъжизакор жумладир. Баъзи таржимонлар, жаннатдан чиқарди, деб таржима қилишган. Лекин матндаги маъно айнан «икковлари бўлган нарсдан» сифатида келган. Бунда маъно умумийлашади. Жаннатдан, неъматдан, ҳузур-ҳаловатдан чиқарди... деяверса бўлади.

Шайтон васваса қилди, Одам аҳдини унутди, ифво қаршисида заифлашди, бўлар иш бўлди. Шунда илоҳий ҳукм чиқди:

**«Баъзингиз баъзингизга душман бўлиб тушинглар».**

Шундан буён инсон билан шайтон орасидаги душманлик бошланди ва бу душманлик қиёматгача давом этажак. Аллоҳ уларга ер юзини қароргоҳ қилиб берди ва бир муддат – то қиёматгача бунда қоладилар.

Одам ўзига келди, хатосини тушунди, тавба қилди. Бу қандоқ бўлгани бошқа оятларда баён этилган. Келаси оятда эса, қиссанинг ушбу мақомга муносиб қисми зикр қилинади:

فَنَلَقَىٰ آدَمُ مِنْ رَبِّهِ كَلِمَاتٍ فَتَابَ عَلَيْهِ إِنَّهُ هُوَ التَّوَّابُ الرَّحِيمُ ﴿٣٧﴾

**37. Бас, Одам ўз Роббисидан сўзларни қабул қилиб олди, кейин У Зот унинг тавбасини қабул қилди. Албатта, У тавбани қабул қилувчи ва раҳимли Зотдир.**

Тафсирчиларимиз, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло шу пайтда Одам алайҳиссаломга илҳом орқали маълум сўзларни берди, Одам алайҳиссалом уларни қабул қилиб олиб айтди, шундан кейин Аллоҳ унинг гуноҳидан кечди, деб тушунтирадилар. Момо Ҳаво ҳам гуноҳ содир этилишида Одам Ато билан бирга бўлишига қарамай, бу мақомда зикр қилинмаганининг сабаби – у киши Одам алайҳиссаломга эргашганлиги учун Одамнинг зикри билан кифоя қилинди. Уламоларимиз, Одам алайҳиссалом Аллоҳ таолодан қабул қилиб олган калималар кейинроқ келадиган: «Роббана заламнаа анфусана» дея бошланувчи ёлбориш калималари эди, деганлар. Оятнинг охирида Аллоҳ таолонинг тавбани қабул қилувчилик сифати:

«Албатта, У тавбани қабул қилувчи ва раҳимли Зотдир», деб зикр қилинишидан ўша сўзларда тавба ўз аксини топганлиги билиниб турибди.

قُلْنَا اهْبِطُوا مِنْهَا جَمِيعًا فَمَا يَأْتِيَنَّكُمْ مِنِّي هُدًى فَمَنْ تَبِعَ هُدَايَ فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ  
وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٢٨﴾

**38. Биз: «Ундан ҳаммангиз тушинг. Бас, Мендан сизга ҳидоят келажак. Ким Менинг ҳидоятимга эргашса, уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар», – дедик.**

Яъни, Аллоҳ таоло:

«**Ҳаммангиз жаннатдан тушинг**», – деди.

Бу фармоннинг яна бир такрорланиши, таъкид учундир.

«**Бас, Мендан сизга ҳидоят келажак**».

Аллоҳдан бандаларига келадиган ҳидоят Пайғамбар ва илоҳий китоблардан иборат бўлади. Демак, Аллоҳ ҳидоятга йўлашини, Пайғамбар ва китобларини юбориб туришини аввал, бошданоқ айтиб қўйган. Одамлар ушбу илоҳий ҳидоятга бўлган муносабатларига қараб турли мартабаларга бўлинади.

«**Ким Менинг ҳидоятимга эргашса, уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар**».

Яъни, Ким Аллоҳнинг ҳидоятига – Пайғамбарига ва китобига эргашса, уларга келажакда ҳеч қандай хавф-хатар йўқ ва улар аввал бўлиб ўтган ишлардан хафа ҳам бўлмайдилар.

Ҳидоятга эргашмаганларнинг ҳолини келаси оят баён қилади:

وَالَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿٢٩﴾

**39. Ва куфр келтирган ҳамда оятларимизни ёлғонга чиқарганлар эса, улар дўзах эгаларидир, улар унда абадий қоладилар.**

Аллоҳнинг ҳидоятига эргашмаганларни Аллоҳ таоло лўнда қилиб, куфр келтирганлар, деб қўя қолган. Уларнинг эришадиган оқибатлари аниқ: улар дўзахга тушадилар ва ўша ерда абадий қоладилар.

Эътибор қилинса, мазкур қиссада жуда кўп ибратлар бор, айримлари зикр қилиб ўтилди. Уламоларимиз яна бошқа ибрат ва ҳикматларни санашган. Ҳаммасини келтирамиз десак, гап чўзилиб кетади.

Охирги оятларда Аллоҳ таоло ҳидоят юбориши, унга ким эргашса, нажот топиб, ким куфр келтирса, дўзахга тушиши айтилди. Ке-

ласи оятларда Бани Исроилга нидо қилинади. Бу қавмга ўтмишда ҳидоят тушган, Пайғамбар юборилиб, илоҳий китоб нозил қилинган эди. Бунинг устига, Бани Исроил қавмидан баъзилари Қуръон тушаётган жойда – Мадийнаи Мунавварада мусулмонлар билан бирга яшар эдилар. Улар арабларнинг Авс ва Хазраж деган қабилаларига: «Яқинда охирзамон Пайғамбари чиқади, у Пайғамбарнинг бундай-бундай сифатлари бор, ўша Пайғамбарга иймон келтирамиз-да, сиз арабларнинг додингизни берамиз», дейишарди.

Муҳаммад алайҳиссалом Пайғамбар бўлганларида, яҳудийлар айтиб юрган сифатларни шу кишида кўриб, араблар иймон келтирдилар, аммо яҳудийлар ўзлари иймон келтирмадилар.

Пайғамбар алайҳиссалом бошлиқ мусулмонлар Мадийнаи Мунавварага ҳижрат қилиб, ерлик мусулмонлар билан дўст-биродар бўлиб, янги жамият қуриб яшай бошладилар. Натижада, яҳудийлар аҳли китоблик, маданийлик, иқтисодий юксаклик ва бошқа жиҳатдан афзалликларини йўқотдилар. Кечагина уларнинг оғзига қараб турадиган Авс ва Хазраж араблари бугун ўзлари янги илоҳий китоб (Қуръон) аҳлидан бўлиб, яҳудийларга гап ўргатадиган бўлиб қолдилар. Буни кўтаролмаган яҳудийлар янги динга, Пайғамбарга ва унга эргашганларга қарши турли душманликлар қила бошладилар. Аслини олганда, Мадийна яҳудийлари биринчи бўлиб мусулмон бўлишлари керак эди. Чунки, улар бу ишнинг бўлишини аввалдан яхши билар эдилар. Бу ҳақда гапириб ҳам юрар эдилар.

Қуйидаги оятлар ана ўша ҳолатларни эслатиб, уларга хитоб қилади:

يٰۤاَيُّهَا بَنِي إِسْرَائِيلَ اذْكُرُوا نِعْمَتِيَ الَّتِي أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَأَوْفُوا بِعَهْدِي أَوْفٍ بِعَهْدِكُمْ وَإِيَّيَ

فَارْهَبُونِ

**40. Эй Бани Исроил, сизга берган неъматларимни эсланг ва Менга берган аҳдингизга вафо қилинг. Мен ҳам сизга берган аҳдига вафо қилурман. Ва Мендангина қўрқинг.**

«Бани Исроил» дегани, Исроил фарзандлари, демакдир. Яъқуб алайҳиссаломнинг лақаблари «Исроил» бўлган. Аллоҳ таолонинг:

«**Сизга берган неъматларимни эсланг**», дейишидан, ҳаммага берган неъматларидан Бани Исроилга ҳам бергани, аммо буларга бошқалардан устун неъматларни ҳам берганини тушуниш керак. Бу неъматлар келажак оятларда зикр қилинади. Бошқалардан ортиқ неъматларга сазовор бўлганлар кўпроқ шукр қилишлари лозим эди.

**«Менга берган аҳдингизга вафо қилинг».**



Бани Исроилнинг Аллоҳга берган аҳдлари кўп, улар келажак оят ва сураларда зикр қилинади. Ўша аҳдлардан бири, улар Аллоҳ таолодан келадиган ҳидоятга эргашишлари керак эди. Ушбу оятлар тушаётган пайтдаги Аллоҳ таолодан келган ҳидоят эса, Муҳаммад алайҳиссалом ва Қуръони Каримдир. Демак, Бани Исроил аҳдига вафо қилганида, уларга эргашмоғи лозим эди.

**«Мен ҳам сизга берган аҳдига вафо қиламан»** дегани — гуноҳларингизни мағфират қилиб, жаннатга киритаман, деганидир.

**«Ва Мендангина қўрқинг».**

Мендан бошқадан қўрқманг.

Келгуси ояти карималарда Аллоҳ таолонинг Бани Исроилга қарата қилаётган нидоси давом этади.

وَأَمِنُوا بِمَا أَنْزَلْتُ مُصَدِّقًا لِمَا مَعَكُمْ وَلَا تَكُونُوا أُولَٰ كَافِرِينَ ۗ وَلَا تَشْتَرُوا بِعَابَتِي  
ثَمَنًا قَلِيلًا وَإِنِّي فَأْتِقُونَ ﴿٤١﴾

**41. Ва сиздаги нарсани тасдиқловчи қилиб туширган нарсамга иймон келтиринг. Унга биринчи куфр келтирувчи бўлманг. Менинг оятларимни оз баҳога сотманг ва Мендангина тақво қилинг.**

Аллоҳ таоло Бани Исроилга қилаётган хитобида давом этиб, уларни Қуръони Каримга иймон келтиришга чақирмоқда:

**«Ва сиздаги нарсани тасдиқловчи қилиб туширган нарсамга иймон келтиринг».**

Оятда Қуръони Карим яҳудийларда бор нарсани, яъни, Тавротни тасдиқловчи, деб васф қилинапти. Ҳақиқатан, Қуръон илоҳий китоблар силсиласининг охиридир. Аввалги самовий китоблар ҳам, Қуръони Карим ҳам Аллоҳ тарафидан келгандир. Қуръон сўнгги китоб бўлгани учун ўзидан аввалгиларни, жумладан, Тавротни ҳам тасдиқловчи бўлиб келган. Шу билан бирга, инсониятга яхшилик йўлини кўрсатувчи бўлиб келган. Шундай экан, Бани Исроил биринчилардан бўлиб Қуръонга иймон келтириб, Исломга кириши зарур. Уларни Аллоҳ:

**«Унга биринчи куфр келтирувчилардан бўлманг»**, деб Қуръонга куфр келтиришдан қайтаряпти. Қаранг, бир оятнинг ўзида ҳам иймон келтиришга буйруқ, ҳам куфр келтирмасликка амр бор!

Бани Исроил қадимдан мол-дунёга ўч бўлганлигидан Аллоҳ таоло уларнинг табиатларига мос лафз ишлатган:

**«Менинг оятларимни оз баҳога сотманг».**

«Оз баҳо» деб мол-дунё назарда тутиляпти. Бани Исроилнинг

катталари ёлғон фатволар бериб, турли диний хизматлар эвазига мол-дунё тўплашар эди. Бундан бошқа, молу дунё тўплаш илинжида амалга оширадиган ишлари ҳам бор эди. Улар, Ислонни қабул қилсалар, ўшандай дунёвий манфаатлардан маҳрум бўлиб қолишдан қўрқдилар. Улар мусулмон бўлсак, раҳбарлик, мансабдорликдан ажраб қоламиз, дедилар. Иймон олдида дунёнинг ҳаммаси ҳам бир пулга тенг келмаслигини билмадилар.

«... ва Менгагина тақво қилинг», дейди Аллоҳ таоло оятнинг охирида. Бунинг маъноси – Мендан шундай қўрқингки, бу қўрқинч сизни амрни бажо келтирадиган, қайтаргандан қайтадиган қилсин, деганидир.

Ўтган азизлардан Толқ ибн Ҳабиб тақвони бундай таърифлаганлар: «Тақво – Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиб, унинг нури ила Унга тоат қилмоқлик ва Аллоҳнинг азобидан қўрқиб, унинг нури ила қайтарган ишларни тарк қилмоқликдир».

Кейинги оят ҳам Бани Исроилга хитобдир:

وَلَا تَلْبِسُوا الْحَقَّ بِالْبَاطِلِ وَتَكُنْهُوا الْحَقَّ وَأَنْتُمْ تَعْمُونَ ﴿٤١﴾

#### 42. Ҳақни ботилга аралаштирманг ва ўзингиз билиб туриб ҳақни беркитманг.

Яҳудийлар ўзларининг узоқ тарихлари давомида доимо ҳақни ботилга аралаштириб келганлар. Шу билан бирга, улар доимо ҳақни беркитиб келганлар. Бу хусусда ҳали кўпгина оятлар ўқиймиз. Улар бу ишлари ила фитна қўзиб, инсонлар ўртасида низо чиқариб юрадилар.

«Ҳақни ботилга аралаштириш» жумласидан, Ислоннинг ҳақ экани ойдинлашади. Буни яҳудийлар ҳам билишади. Билиб туриб, унга яҳудийликни аралаштириб юборишади.

Шунингдек, «билиб туриб ҳақни беркитиш» деганда Муҳаммад алайҳиссаломнинг Пайғамбарликлари ҳақ эканини, Қуръони Карим ҳақ эканини билиб туриб, уни беркитишлари ҳам киради.

Кейинги оятда Аллоҳ таоло иймон карвонига қўшилишга, сафда туришга, фарз бўлган ибодатларни адо қилишга буюради.

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَارْكَعُوا مَعَ الرَّاكِعِينَ ﴿٤٢﴾

#### 43. Намозни тўкис адо қилинг, закот беринг ва рукуъ қилувчилар билан рукуъ қилинг.

Яъни, эй Бани Исроиллар, мусулмонлар ўқийдиган намозни сиз ҳам мусулмон бўлиб ўқинг, улар молларининг закотини берганидек, сиз ҳам беринг ва жамоат намозларида қатнашиб, рукуъ қилувчилар билан бирга рукуъ қилинг.

Сўнгра, яҳудийларнинг, хусусан, уларнинг диний олимларининг, одамларни иймонга, яхшиликка чақираиб туриб, ўзлари ўша чақирикча амал қилмаётганлари фош этилади ва инкор қилинади. Бу умумий қоида бўлиб, ҳаммага тегишлидир.

﴿أَتَأْمُرُونَ النَّاسَ بِالْبِرِّ وَتَنْسَوْنَ أَنْفُسَكُمْ وَأَنْتُمْ نَتْلُونَ الْكِتَابَ أَفَلَا تَعْقِلُونَ﴾

#### **44. Одамларни яхшиликка чорлаб туриб, ўзингизни унутасизми? Ҳолбуки, китобни тиловат қиляпсиз-ку. Ақлни ишлатмайсизми?!**

Маълумки, яҳудийлар ва хусусан уларнинг диний олимлари аҳли ширк бўлган арабларни самовий динга, янги келадиган Пайғамбарга эргашишга, китобга амал қилишга, Аллоҳга берган аҳдларига вафо қилишга ва бошқа кўпгина яхшиликларга чорлар эдилар. Вақти етиб, Аллоҳ Қуръони Каримни тушириб, Муҳаммад алайҳиссаломни охирамзон Пайғамбари қилиб юборганда, араб мушрикларидан кўплари иймон келтирдилар, аммо яҳудийлар ўзларини унутиб, кофир бўлдилар. Аслини олганда, улар иймонга аввалроқ киришлари керак эди. Чунки улар Аллоҳ таоло томонидан туширилган Таврот китобини тиловат қилиб турардилар. Унда эса, сўнгги Пайғамбар келиши тўғрисида хабар бор эди. Китобни, яъни, илоҳий китобни тиловат қилиб, одамларни яхшиликка чорлаб туриб, ўзини унутиш ақлдан эмас эди. Шунинг учун, Аллоҳ таоло ояти карима охирида:

«**Ақлни ишлатмайсизларми?!**» дея хитоб этиб, уларни ақлсизларга тенглаштиряпти.

Аввал айтиб ўтганимиздек, бу ояти каримадаги хитоб фақат Бани Исроилга хос эмас, балки ҳаммага тегишлидир. Айтганига амал қилмайдиган дин уламолари ҳар бир уммат учун катта офатдир. Эътиборни жалб қиладиган, диний тус берадиган кийим кийиб олиб, чиройли-чиройли сўзларни танлаб, ширали овоз ила амри маъруф, наҳйи мункар қилиб, аммо айтганига ўзи амал қилмайдиганлар ҳар бир жамиятдан топилади. Айниқса, динни ўзларига касб қилиб олганлар хавфли. Улар эгаллаб турган мақомларини бой беришдан қўрқиб, ҳар қандай пасткашлик қилишга тайёрлар. Уларнинг офати ҳаммага уради. Касофати умумийлашади. Дин номидан, Аллоҳни, иймонни аралаштириб яхшиликка чақирадиган, лекин ўзи унга хилоф иш тутадиганлар кишиларнинг қалбларидаги ҳис-туйғуларини оёқос-

ти қиладилар, фикрларини остин-устин қилиб, қалбларида ақийда ёққан шуълани ўчириб, иймон нуруни кеткизадилар. Шунинг учун ҳам, илмига амал қилмайдиганларнинг бу дунёю у дунёда азоб-уқубатлари улкан бўлади.

Имом Аҳмад Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилган ҳадиси шарифда:

«Аллоҳ таоло қиёмат куни саводсизларни уламоларни ҳимоя қилмаган нарсалардан ҳимоя қилади», дейилган. Баъзи ривоятларда:

«Аллоҳ илмсиз кишини етмиш марта мағфират қилганда, олимни бир марта мағфират қилади», дейилган.

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Қиёмат куни бир кишини дўзахга келтириб ташланади, шунда қорнидаги нарсалар ташқарига отилиб чиқади, у дўзахда ўз қорнидан чиққан нарсалар атрофида худди тегирмонни айлантирадиган эшак сингари айланиб юради. Дўзахилар уни ўраб олиб:

«Эй фалончи, сенга нима мусийбат етди? Бизга амри маъруф, наҳйи мункар қилмаганмидинг?» - дейишади. Шунда у:

«Сизларни яхшиликка чорлар эдим-у, ўзим қилмас эдим, ёмонликдан қайтарар эдим-у, ўзим қилардим», дейди», деганлар.

Имом Аҳмад Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ривоят қиладилар:

«Исро кечасида лаблари оловдан бўлган қайчилар билан қирқилаётган кишиларнинг олдидан ўтдим. «Анавилар кимлар?» деб сўрадим. «Умматингдаги аҳли дунё ваъзхонлар. Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларини унутганлар ва ҳолбуки китобни ўқирдилар, ақлни ишлатмайдиларми?» дейишди». Аллоҳ шундай оқибатдан Ўзи сақласин.

Айтганига амал қилиш, ақийдага мувофиқ юриб-туриш осон иш эмас. Бунинг учун сабр-матонат, тиришқоқлик керак. Энг муҳими — доимо Аллоҳ таолога боғлиқ бўлишлик талаб этилади. Шу боисдан ҳам, келажак оятда Бани Исроилни алоҳида ва ҳаммани омматан сабрга, Аллоҳга боғлиқ бўлишга чақирилади:

وَأَسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ وَإِنَّهَا لَكَبِيرَةٌ إِلَّا عَلَى الْخَاشِعِينَ

**45. Сабр ва намоз ила ёрдам сўранг. Ва албатта, у нафси синиқлардан бошқаларга жуда катта ишдир.**

Биз, ёрдам сўранг, деб таржима қилган ибора араб тилида «истаъийну» деб келган. Бу сўзнинг маъноси бир ишга уриниб туриб, яна қўшимча ёрдам сўрашни англатади. Демак, мусулмон киши ҳар бир ишга астойдил уринади ва шу уриниш билан бирга, Аллоҳдан

ёрдам сўрайди. Сабр ҳам, кўпчилик хаёл қилганидай салбий маънода, яъни, нима бўлса ҳам сабр қиялман, деб жим-ҳаракатсиз туриш эмас, балки Аллоҳнинг айтганини бажариш жараёнида дуч келадиган машаққатларни енгишдаги сабрдир. Энг бош сабр ҳавои нафси, роҳат-фароғатни, мансабни тарк қилиб, Аллоҳнинг айтганига юришга чидамдир.

Намоз эса, бандани Аллоҳга боғлаб турувчи нарса бўлиб, инсон намоз орқали қувват, матонат, чидам ва бардошга эришади. Пайғамбар алайҳиссалом қачон бошларига қийин иш тушса, намоз ўқишга шошилар эдилар.

Келаси оятда юқорида мадҳ этилган нафси синиқ кишиларнинг сифатлари келади:

الَّذِينَ يُظُنُّونَ أَنَّهُمْ مُلَاقُوا رَبِّهِمْ وَأَنَّهُمْ إِلَيْهِ رَاجِعُونَ ﴿٤٦﴾

**46. Улар албатта Роббиларига рўбарў бўлишлари ва албатта Унга қайтиб боришларига ишонган зотлардир.**

Ушбу ишонч, яъни, бир кун келиб Яратганга рўбарў бўлишга очиқ-ойдин ишониш, охиратда Парвардигорнинг ҳузурига албатта қайтиб борилишига очиқ-ойдин ишониш инсонни сабрга чақиради, тақво қилишга, Аллоҳнинг айтганига юришга чорлайди.

Келаси оятдан яна Бани Исроилга нидо янгиланади:

يَبْنَئِي إِسْرَائِيلَ أَذْكُرُوا نِعْمَتِيَ الَّتِي أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَأَنِّي فَضَّلْتُكُمْ عَلَى الْعَالَمِينَ ﴿٤٧﴾

**47. Эй Бани Исроил, сизга берган неъматларимни ва Мен сизларни оламлардан афзал қилиб қўйганимни эсланг!**

Ўша пайтларда Пайғамбарлар, илоҳий китоблар ва бошқа афзалликлар Бани Исроилга берилган эди. Лекин улар бу неъматларга шукр этмадилар, аҳдга вафо қилмадилар. Шундан сўнг Аллоҳ уларни лаънатлади, ғазаб қилди ҳамда уларга хорлик ва зорликни раво кўрди.

Бу оятда уларнинг афзал бўлганликларини эслатишдан мақсад — Исломни кўрсалар, иймон йўлига юрсалар, яна ўша афзалликларга қайтиб эришишлари мумкинлигини эслатишдир.

وَاتَّقُوا يَوْمًا لَا تَجْزِي نَفْسٌ عَنْ نَفْسٍ شَيْئًا وَلَا يُقْبَلُ مِنْهَا شَفَعَةٌ وَلَا يُؤْخَذُ مِنْهَا عَدْلٌ وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ ﴿٤٨﴾

**48. Бир жон бошқа жондан ҳеч нарсани адо қила олмайдиган, ундан шафоат қабул қилинмайдиган, ундан тўлов олинмайдиган ва уларга ёрдам берилмайдиган кундан қўрқинг.**

Ушбу ояти каримада таърифланган кун – қиёмат кунидир. У кунда ҳар бир жон ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Аллоҳнинг қонуни – шу. Ҳар ким қилганига яраша тортади. Адолат ҳам шу-да ўзи.

У кунда иймонсизлар ва яхши амал қилмаган кимсалар ҳақидаги шафоатлар ҳам қабул қилинмайди. Орага тушадиган зот топилмайди. У кунда иймонсизлардан ва яхши амал қилмаганлардан тўлов ҳам олинмайдигани, улар уни тўлаб қиёматнинг азобидан қутулиб қолсалар.

У кунда иймонсизлар ва яхши амал қилмаганлар ўзларига ёрдам берадиган ёрдамчини топа олмайдилар.

Келаси оятларда Аллоҳ таоло Бани Исроилга берган неъматларини бирма-бир эслатиб, улар бу неъматларни қандай кутиб олганларини ҳам баён қилади:

وَإِذْ نَجَّيْنَاكُمْ مِنْ آلِ فِرْعَوْنَ يَسُومُونَكُمْ سُوءَ الْعَذَابِ يُدَبِّحُونَ أَبْنَاءَكُمْ وَيَسْتَحْيُونَ نِسَاءَكُمْ وَفِي ذَلِكُمْ بَلَاءٌ مِنْ رَبِّكُمْ عَظِيمٌ ﴿٤٩﴾

**49. Сизни ёмон азобларга солиб, ўвилларингизни сўйиб, қизларингизни тирик қолдираётган Фиръавн аҳлидан қутқарганимизни эсланг. Ана ўшанда Роббингиздан улуғ синов бордир.**

Фиръавн – қадимги Миср подшоҳининг лақаби. Яъни, ким Мисрга подшоҳ бўлса, Фиръавн бўлар эди. Аслида ота-онаси томонидан қўйилган исми бошқа бўлади. «Фиръавн аҳли» дегани, Фиръавннинг одамлари демакдир. Оятда келган «ёмон азоблар» ибораси Фиръавн уларни доимо азоб-уқубатда ушлаб турганига далолатдир. Масалан, Бани Исроилда туғилган ўғил болаларни ўлдириб, қизларни тирик қолдириш ҳам улкан бир азоб. Шу билан бирга, оятда ўша ишлар Аллоҳнинг бир синови эканлиги айтиб ўтиляпти. Бадаларнинг бошига оғир кунлар тушиши имтиҳон ва синовдир. Қийин аҳволда қолган одам Аллоҳнинг синовидан ўтаётганини ўзи билса, машаққати зое кетмайди. Ундан фойда олади. Қийинчилик осон туюлади, осон енгиб ўтади. Вақтинчалик машаққат бу дунё ишларида тажриба, ибрат ва охират учун савоб тўплаш мавсуми бўлади. Чунки қийинчиликдаги одам доимо Аллоҳга тазарруъ қилиб, сабр ила кушойишни кутади.

Бани Исроилга ҳам қийинчилик, азоб-уқубатдан кейин нажот келган:

وَإِذْ فَرَقْنَا بِكُمْ الْبَحْرَ فَأَنْجَيْنَاكُمْ وَأَغْرَقْنَا آلَ فِرْعَوْنَ وَأَنْتُمْ نَنْظُرُونَ ﴿٥٠﴾

**50. Ва денгизни ёриб, сизни қутқариб, сизнинг кўз олдингизда Фиръавн аҳлини ғарқ қилганимизни эсланг.**

Мазкур ҳодиса Маккада нозил бўлган оятларда батафсил баён қилинган. Бу ўринда эса, суранинг умумий ҳолатига мувофиқ Бани Исроилга Аллоҳ берган неъматлар қаторида бир оятда қисқагина зикр қилиняпти.

Бани Исроилни Мусо алайҳиссалом Мисрдан олиб чиқиб кетаётганларида, Фиръавн одамлари билан қувиб келиб қолади. Шунда Аллоҳ денгизни иккига бўлиб йўл очади ва Бани Исроил ўтиб оладилар. Ортларидан Фиръавн одамлари билан тушганда, Аллоҳ уларни ғарқ қилади.

Бу кун Бани Исроил учун маълум ва машҳур кундир.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Пайғамбар алайҳиссалом Мадийнаи Мунавварага келганларида яҳудийлар Ошуро куни рўза тутаётган эканлар. Буни кўриб:

«Рўзасини тутаётган кунларингиз қандай кун?» – деб сўрадилар. Улар:

«Бу кун, яхши кун, бу кунда Аллоҳ таоло Бани Исроилни душманидан қутқазган кун. Мусо алайҳиссалом Ошуро рўзасини тутганлар», – дейишди. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Сиздан кўра Мусога биз яқинроқмиз», – дея ўша куннинг рўзасини тутдилар ва тутишга буюрдилар.

Кейинги оятлар Бани Исроилликлар Мисрдан чиққанларидан сўнг нима бўлганини эслатади:

وَإِذْ وَعَدْنَا مُوسَىٰ أَرْبَعِينَ لَيْلَةً ثُمَّ اتَّخَذْتُمُ الْعِجْلَ مِنْ بَعْدِهِ وَأَنْتُمْ ظَالِمُونَ ﴿٥١﴾ ثُمَّ عَفَوْنَا عَنْكُمْ مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٥٢﴾

**51. Ва Мусо билан қирқ кечага ваъдалашганимизни, у (кетгани)дан сўнг золим бўлган ҳолингизда бузоқни (худо) тутганингизни эсланг!**

**52. Ўшандан кейин сизни афв этдик. Шоядки, шукр қилсангиз.**

Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг амрига мувофиқ Бани Исроилни Мисрдан қутқариб олиб чиқдилар. Сўнгра, Жаноби Ҳақ ўз Пайғамбари ила роз айтишга ваъдалашди. Мусо алайҳиссалом ваъдага биноан келишилган жойга кетишлари билан Бани Исроил бу-

зоқни худо деб тан олдилар, уни илоҳ тутдилар. Бу қисса «Тоҳа» сурасида батафсил келган. Бу ерда эса, уларга бир эслатма тарзида ва шундан кейин ҳам раҳим қилиб уларни афв этгани улўф бир неъмат эканини ёдга солиш мақсадида қисқача зикр этилди. Айни чоғда, уларга Фиръавннинг азобидан қутқазган Аллоҳга ва Унинг Пайғамбари Мусога итоат этмай, бузоқни худо қилиб олишлари ўзларига зулм экани ҳам эслатилмоқда.

وَإِذْ آتَيْنَا مُوسَى الْكِتَابَ وَالْفُرْقَانَ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿٥٣﴾

**53. Шоядки, ҳидоят топсангиз деб, Мусога китобни ва фурқонни берганимизни эсланг.**

Бу ҳам Бани Исроилга берилган улўф неъматлардандир. Уларга Пайғамбар этиб юборилган Мусо алайҳиссаломга китобнинг (яъни, Тавротнинг) ҳамда фурқоннинг (яхши билан ёмон, ҳақ билан ботилни ажратувчи шариатнинг) берилиши ҳақиқатдан ҳам улкан неъматдир. Буларни беришдан кўзлангани — шоядки, Бани Исроил ҳидоят топса, тўғри йўлга юрса, деган мақсаддир.

Лекин буларнинг табиати аслида бузуқ эди, тўғри йўлга юришмади. Энди қаттиқроқ чора кўрилмаса, булар тuzалмайдигандай эди.

وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِقَوْمِهِ يَلْقَوْنِي بِتِلْكَ الْأَنْفُسِ الَّتِي ظَلَمْتُمْ أَنْفُسَكُمْ بِاتِّخَاذِكُمُ الْعِجْلَ فَتُوبُوا إِلَى بَارِيكُمْ فَاقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ ذَلِكَ خَيْرٌ لَكُمْ عِنْدَ بَارِيكُمْ فَنَابَ عَلَيْكُمْ إِنَّهُ هُوَ النَّوَّابُ الرَّحِيمُ ﴿٥٤﴾

**54. Мусонинг ўз қавмига: «Эй қавмим, албатта, сиз бузоқни (худо) тутишингиз ила ўзингизга ўзингиз зулм қилдингиз. Энди сизни бор қилувчи Зотга тавба қилинг, ўзингизни ўзингиз ўлдингиз, шундоқ қилмоғингиз, сизни бор қилувчи Зот ҳузурда сиз учун яхшидир. Бас, У тавбангизни қабул қилди. Чунки У тавбани кўплаб қабул қилувчи ва раҳимли Зотдир», деганини эсланг.**

Бузоқни худо деб тутиш инсон учун, унинг ақли учун нақадар улкан ор бўлишига қарамай, Бани Исроил табиатидаги бузуқликдан келиб чиқиб, шу ишни ўзига эп кўрди ва бу билан ўзига ўзи зулм қилди. Энди қиёматгача бу ор уларга айб бўлиб қолади.

Ушбу ояти кариманинг аввалида Мусо алайҳиссалом Бани Исроилнинг ёдига мазкур нобакорликларини солмоқдалар:



**«Эй қавмим, албатта, сиз бузоқни (худо) тутишингиз ила ўзингизга ўзингиз зулм қилдингиз».**

Шундай катта айбни ҳам Аллоҳ Ўз фазли ила кечириб юбориши мумкин. Шунинг учун, Мусо алайҳиссалом ўз қавмини бор қилувчи Зотга тавба қилишга чақиряптилар:

**«Энди сизни йўқдан бор қилувчи Зотга тавба қилинг, ўзингизни ўзингиз ўлдилинг, шундоқ қилмоғингиз сизни йўқдан бор қилувчи Зот ҳузурида сиз учун яхшидир».**

Биз «йўқдан бор қилувчи Зот» деб таржима қилган ибора матнда «Бориъ» деб келган. Бу Аллоҳнинг сифатларидан бири бўлиб, «Махлуқотларни тафовутдан холи қилиб ярагунчи Зот» деган маънони билдиради. Бани Исроил томонидан содир этилган гуноҳ ҳаддан ташқари катта бўлгани учун, унинг тавбаси ҳам ўзига яраша оғир бўлмоқда, у ҳам бўлса — ўзларини ўзлари ўлдириш. Бу — ҳар ким ўзини ўлдириши, дегани эмас, балки Бани Исроил қавми аъзолари бир-бирларини ўлдиришидир. Аниқроғи, ривоятларда келганидек, бузоққа ибодат қилмаганлар унга ибодат қилганларни ўлдиришидир. Бани Исроилга ўхшаш табиати бузуқ қавмларнинг тарбияси учун шунга ўхшаш қаттиқ чоралар зарур. Улар мазкур ишни қилдилар. Яъни, ўзларини ўзлари ўлдирдилар. Шундан сўнггина Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул этди.

**«Бас, У тавбангизни қабул қилди. Чунки У тавбани кўплаб қабул қилувчи ва раҳимли Зотдир».**

Бу ҳам Аллоҳ таолонинг Бани Исроилга берган улкан неъматидир.

Бу оятдан, гуноҳни ким қилишидан қатъиназар, жазосиз қолмаслигини билиб оламиз.

Аллоҳ таоло қанчалик меҳр қилмасин, қанчалик афв этмасин, Бани Исроил барибир Бани Исроил экан: хамиртуруши бузук, бу халқ қачон ва қаерда бўлмасин, доимо фиққу фасодни қўзиб юради. Ҳаддидан ошиб, турли йўлларга киради. Улар яна хато қилдилар. Бу нарсани Аллоҳ таоло уларга қуйидаги оятларда эслатади:

وَإِذْ قُلْتُمْ يَا مُوسَىٰ لَنْ نُؤْمِنَ لَكَ حَتَّىٰ نَرَىٰ اللَّهَ جَهْرَةً فَأَخَذَتْكُمُ الصَّاعِقَةُ وَأَنْتُمْ

نُنظَرُونَ ﴿٥٥﴾

**55. «Эй Мусо, Аллоҳни очиқ-равшан кўрмагунимизча сенга ишонмаймиз», деганингизни, шунда сизни ўзингиз назар солиб турганингизда яшин урганини эсланг.**

Шунчалик воқеалар бўлиб ўтгандан сўнг ҳам Бани Исроилнинг ақли кирмади. Улар Мусо алайҳиссаломнинг кўплаб мўъжизалари-

ни кўриб туриб, у киши сабабидан Фиръавн зулмидан қутулиб туриб ҳам:

**«Эй Мусо, Аллоҳни очиқ-равшан кўрмагунимизча сенга ишонмаймиз»,** дедилар.

Яъни, Бизга Аллоҳнинг Ўзини кўрсатмасанг, сенинг Пайғамбарлигингга ишонмаймиз, дейишди. Бани Исроил моддапараст бўлганидан ўзлари ҳис қиладиган нарсага ишониб, бошқа нарсаларни инкор этадиган бўлиб қолишган эди. Уларнинг узоқ муддат Фиръавн зулми остида хор бўлиб яшашлари ҳам табиатларини бузиб қўйган эди. Узоқ вақт хор бўлиш одамни шунақа пасткаш қилиб қўяди. Киши табиатидаги бор яхшиликларни ҳам йўқ қилиб юборади ва унда қулларга хос хислатни пайдо қилади. Бу ҳолат эса, зулм остида бўйин эгиб юриш, зулм кўтарилганда ҳовлиқиш, неъмат ва яхшилик етганда кибр-ҳаво қилишдан иборатдир. Ҳозирги замонда ҳам узоқ вақт зулмда хор-зорликни ўзига эп кўриб юрган халқларда шу хислат кўриляпти.

Бани Исроилнинг бу шаккоклиги учун Аллоҳ таоло муносиб жазолади:

**«шунда сизни ўзингиз назар солиб турганингизда яшин урганини эсланг».**

Яъни, Бани Исроилликларни ўзлари қараб турган ҳолда яшин уриб, ҳалок бўлдилар.

Аллоҳ таоло раҳмати кенг Зот, яна уларга раҳим қилиб, уларни қайта тирилтирди:

ثُمَّ بَعَثْنَاكَ مِنْ بَعْدِ مَوْتِكَ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٥٦﴾

**56. Сўнгра, ўлимингиздан кейин қайта тирилтирдик, шоядки, шукр қилсангиз.**

Бу қисса ҳам ўрни билан батафсил келади. Ҳозир фақат қисқа эслатма ила кифояланиляпти.

Аллоҳ таоло уларни қайта тирилтирибгина қўймади. Балки, яна қўшимча марҳаматлар кўрсатди.

وَوَظَلَّلْنَا عَلَيْكُمُ الْغَمَامَ وَأَنْزَلْنَا عَلَيْكُمُ الْمَنَّاءَ وَالسَّلْوَىٰ كُلُّوا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَمَا ظَلَمُونَا وَلَكِنْ كَانُوا أَنْفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿٥٧﴾

**57. Ва булутни устингиздан соя солдириб қўйдик, сизга манн ва беданани туширдик. Ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг**

**покларини енглар. Бизга зулм қилмадилар. Лекин ўзларига зулм қилардилар.**

Ўша вақтда Бани Исроил қақроқ чўлда, қуёш қиздириб турган маконда эдилар. Маълумки, ҳаво исиб, қуёш қиздириб берса, чўл жаҳаннамга айланиб кетади. Ана ўшандай ҳолатда Аллоҳ таоло Бани Исроилга Ўзининг навбатдаги неъматини ато қилди.

**«Ва булутни устингиздан соя солдириб қўйдик, сизга манн ва беданани туширдик. Ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг покларини енглар».**

Ривоятларда келишича, Аллоҳ таоло мазкур жазирама саҳрога бир булутни юборган экан, у келиб Бани Исроилнинг бошига соя солиб турибди. Шу билан улар роҳат ва фароватга эга бўлибдилар. Аллоҳ уларга таом ва шароб учун осмондан манн ва бедана туширибди. «Манн» нима эканлиги тўғрисида тафсирчиларнинг таърифлари кўп.

Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳининг айтишларича, «Манн шундай нарсаки, унинг ўзини еса, таом ва ширинлик бўлади, сувга қўшиб ичса, ичимлик бўлади. Бошқа нарсаларга қўшса ҳам бўлаверади».

Уларни туширгандан кейин, Аллоҳ таоло уларга:

**«ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг покларидан енглар»**, деди. Гапнинг боришига қараганда, Бани Исроил бундай ҳолга ҳам шукр қилмаган кўринади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло оятнинг охирида:

**«Бизга зулм қилмадилар. Лекин ўзларига зулм қилардилар»**, демоқда.

Аллоҳ таоло Бани Исроилга яна бошқа неъматларни ҳам берган, уларни келгуси оятларда эслатади ва бу қавмнинг табиатидаги янги қирраларни баён этади:

وَإِذْ قُلْنَا ادْخُلُوا هَذِهِ الْقَرْيَةَ فَكُلُوا مِنْهَا حَيْثُ شِئْتُمْ رَغَدًا وَأَدْخُلُوا الْبَابَ سُجَّدًا  
وَقُولُوا حِطَّةٌ نَغْفِرْ لَكُمْ خَطِيئَتَكُمْ وَسَنَزِيدُ الْمُحْسِنِينَ ﴿٥٨﴾

**58. «Ушбу қишлоққа кирингиз ва унинг хоҳлаган жойида енглар, еганингиз ош бўлсин ва эшикдан таъзим билан, ҳиттатун, деб киринг, сизнинг хатоларингизни мағфират қиламиз ва яхшиларга зиёда қиламиз», деганимизни эсланг.**

Аввал бир неча бор такрорланганидек, бу ҳодисалар баёни бошқа сураларда батафсил келади, ҳозир қисқача эслатиляпти. Ушбу оятда,

«Ушбу қишлоққа кирингиз», деган жумладаги «қишлоқ»дан му-  
род — Қуддуси шарифдир. Узоқ замонлар Мисрда ватангадо бўлиб  
юрган Бани Исроилга Аллоҳ таоло ватан ато қилиб, «Ушбу қиш-  
лоққа кирингиз», деяпти. Бунинг устига яна:

«**Хоҳлаган жойингизда еб-ичинглар, еганларингиз ош бўлсин**»,  
деб катта марҳамат кўрсатяпти.

Шу билан бирга, қандай ҳолда кириш лозимлигини ҳам ўргат-  
япти:

«**эшиқдан таъзим билан, ҳиттатун, деб киринг**», яъни, одоб  
билан, «ҳиттатун» деган сўзни айтиб киринг, дейилди. «Ҳиттатун»  
дегани — афв эт, гуноҳимни кеч, деган маънони англатар экан.

Бундан кўринадики, Аллоҳ неъмат ато қилганда, албатта шукр  
етиш керак. Шукр ҳам сўз билан, ҳам амал билан бўлиши лозим.

Бани Исроил агар қишлоққа сажда ила, гуноҳларини кечишини  
сўраб, Аллоҳ ўргатган сўзни айтиб кирсалар, У Зот уларга мағфират  
ваъда қилди.

«**Сизнинг хатоларингизни мағфират қиламиз ва яхшиларга  
зиёда қилиб берамиз**», деди.

Хўш, Бани Исроил бунга жавобан нима қилди?

فَبَدَّلَ الَّذِينَ ظَلَمُوا قَوْلًا غَيْرَ الَّذِي قِيلَ لَهُمْ فَأَنْزَلْنَا عَلَى الَّذِينَ ظَلَمُوا رَجْزًا  
مِّنَ السَّمَاءِ بِمَا كَانُوا يَفْسُقُونَ ﴿٥٩﴾

**59. Бас, зулм қилганлар уларга айтилган сўзни бошқасига ал-  
маштирдилар. Биз зулм қилганларга фисқ қилаётганлари учун  
осмондан азоб туширдик.**

Табиатига бузғунчилик ўрнашиб кетган Бани Исроил яна буз-  
ғунчилик қилди. Аллоҳ таоло ўргатган «ҳиттатун» сўзи ўрнига бош-  
қа сўзни алмаштириб айтдилар. Алмаштирган сўзлари қайси сўз  
эканини аниқ билишимизга Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳисса-  
ломдан ривоят қилинган ҳадис ёрдам беради.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қила-  
диларки, Пайғамбар алайҳиссалом:

«Бани Исроилга, эшиқдан таъзим қилиб, ҳиттатун, деб киринг-  
лар, дейилган эди. Улар думбалари билан судралиб, сўзни алмашти-  
риб, ҳаббатун фи шаъратин, деб кирдилар», дедилар.

Ушбу ҳадисдан маълум бўладики, улар ҳам амалда, ҳам сўзда  
хилоф қилганлар. Сажда (таъзим) қилиб киринглари, дейилса, дум-  
балари билан судралиб кирганлар. «Ҳиттатун» деб айтинглар, де-

йилса, «ҳаббатун фи шаъратин» дейишган. Уларнинг бу ишлари ҳам зулм, ҳам фисқ – Аллоҳнинг амридан чиқиш эди. Шунинг учун, Аллоҳ таоло уларга осмондан азоб туширди. Ушбу икки оятда ўтган таълимотлардан биламизки, Бани Исроилнинг қилмишларидан бири Аллоҳнинг амрини ўзидек бажармасдан, бузиб бажаришдир.

Келаси оятда Аллоҳ Бани Исроилга берган неъматларидан яна баъзисини эслатади:

﴿وَإِذِ اسْتَسْقَىٰ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ فَقُلْنَا اضْرِبْ بِعَصَاكَ الْحَجَرَ فَانفَجَرَتْ مِنْهُ اثْنَتَا عَشْرَةَ عَيْنًا قَدْ عَلِمَ كُلُّ أُنَاسٍ مَّشْرِبَهُمْ كَلُوا وَاشْرَبُوا مِنْ رِزْقِ اللَّهِ وَلَا تَعْتُوا فِي الْأَرْضِ مُفْسِدِينَ﴾

**60. Мусо ўз қавмини сероб қилишни сўраганида, «Ҳассанг билан тошни ур!» деганимизни эсланг. Бас, ундан ўн икки булоқ отилиб чиқди. Ҳар қабила ўз сувини билди. Аллоҳ берган ризқдан еб-ичинглар. Ер юзида бузғунчилик устига бузғунчилик қилманглар.**

Бани Исроил юқорида зикр қилинган қақроқ чўл – саҳрода турганда Мусо алайҳиссалом Аллоҳга дуо қилиб, ўз қавми Бани Исроилни сероб қилишини, сув беришини сўради. Шунда Аллоҳ у кишининг дуосини ижобат қилди ва:

«Ҳассанг билан тошни ур!» деди.

Яъни, «Эй, Мусо, қўлингдаги ҳассанг билан тошни ур», деб буюрди. Мусо алайҳиссалом тошни урган эдилар:

**«Бас, ундан ўн икки булоқ отилиб чиқди. Ҳар қабила ўз сувини билди».**

Яъни, Мусо алайҳиссалом асолари билан урган тошдан ўн иккита булоқ отилиб чиқди. Бани Исроил ўн икки қабиладан иборат эди, ҳар қабилага биттадан булоқ бўлиб, ҳар ким ўз сувига эга бўлди.

Энди Бани Исроил осмондан тушган манн ва беданани еб, тошдан чиқадиган сувни ичадиغان бўлишди. Шунинг учун, оят охирида

**«Аллоҳ берган ризқдан еб-ичинглар»,** дейилмоқда.

Бундай пайтда Аллоҳга шукр қилиб, роҳат-фароғатда, яхшилик билан яшаш керак. Ёмонликлардан узоқ бўлиш керак. Оятнинг охирида Аллоҳ таоло Бани Исроилга яна бир бор:

**«Ер юзида бузғунчилик устига бузғунчилик қилманглар!»** деб тайинламоқда.

Улар эса:

وَإِذْ قُلْتُمْ يَا مُوسَى لَنْ نَصْبِرَ عَلَىٰ طَعَامٍ وَاحِدٍ فَادْعُ لَنَا رَبَّكَ يُخْرِجْ لَنَا مِمَّا تُثْمِتُ  
 الْأَرْضُ مِنْ بَقْلِهَا وَقِثَّيَاهَا وَفُؤُومِهَا وَعَدَسِيهَا وَبَصَلَهَا قَالَ أَلَسْتَبْدِلُوكَ الَّذِي هُوَ  
 أَدْنَىٰ بِالَّذِي هُوَ خَيْرٌ أَهَيِّطُوا مَصْرًا فَإِنَّ لَكُمْ مَّا سَأَلْتُمْ وَضُرِبَتْ عَلَيْهِمُ الذِّلَّةُ  
 وَالْمَسْكَنَةُ وَبَاءُوا بِغَضَبٍ مِّنَ اللَّهِ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ كَانُوا يَكْفُرُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ  
 وَيَقْتُلُونَ النَّبِيَّيْنَ بِغَيْرِ الْحَقِّ ذَٰلِكَ بِمَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ ﴿٦١﴾

61. «Эй Мусо, бир хил таомга ҳеч чидай олмаймиз, Роббингга дуо қил, бизга ерда ўсадиган нарсалардан – сабзавот, тарра, саримсоқ, мош, пиёз чиқариб берсин», деганингизни эсланг. У: «Яхши нарсани паст нарсага алмаштиришни сўрайсизларми? Бирорта шаҳарга тушинг, сўраганингизни албатта топасиз», деди. Уларга хорлик ва мискинлик ёзилди ва Аллоҳнинг ғазабига лойиқ бўлдилар. Бу, Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлари, Набийларни ноҳақ қатл этганлари учундир. Бу, исёнга кетганлари ва ҳаддан ошганлари учундир.

Маълумки, Аллоҳ таоло Бани Исроилга осмондан манн ва бедана гўштини таом қилиб тушириб берган эди. Улар ҳеч қандай машаққатсиз дунёдаги энг олиймақом таомларни хоҳлаганларича ер эдилар. Лекин пасткаш табиат шу ерда ҳам пасткашлик қилди. Бани Исроилликлар Мисрда Фиръавн азоби остида хор-зор бўлиб юрган пайтдаги мош, саримсоқ каби таомларни қўмсаб қолдилар.

Пайғамбарлари Мусо алайҳиссаломдан Аллоҳга дуо қилиб, бодринг, саримсоқ, мош, пиёз каби сабзавотлар сўраб беришини талаб қилдилар. Улар:

«Эй Мусо, бир хил таомга ҳеч чидай олмаймиз, Роббингга дуо қил, бизга ерда ўсадиган нарсалардан – сабзавот, тарра, саримсоқ, мош, пиёз чиқариб берсин», дедилар. Мусо алайҳиссалом:

«Яхши нарсани паст нарсага алмаштиришни сўрайсизларми? Бирорта шаҳарга тушинг, сўраганингизни албатта топасиз», деди».

Яъни, манн ва бедана каби олиймақом, яхши таомларни мош, бодринг, пиёз каби паст нарсаларга алмаштиришни сўрайсизларми? Сиз сўраётган нарсаларни хоҳлаган шаҳарга бориб топсаларингиз бўлади-ку? дедилар. Шундан сўнг:

«Уларга хорлик ва мискинлик ёзилди ва Аллоҳнинг ғазабига лойиқ бўлдилар».

Яъни, Бани Исроилга хорлик ва мискинлик ёзилди ва улар Аллоҳ-

нинг ғазабига лойиқ бўлдилар. Уламоларимизнинг айтишларича, бу иш Мусо алаҳиссаломдан кейинги тарихларида рўй берган. Нима учун уларга бундай хорлик раво кўрилди, деган саволга ояти карима:

**«Бу, Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлари, Пайғамбарларни ноҳақ қатл этганлари учундир. Бу, исёнга кетганлари ва ҳаддан ошганлари учундир»,** деб жавоб қилмоқда.

Ояти кариманинг ушбу парчасида Бани Исроилнинг жиноятларидан тўрт хили зикр қилинмоқда:

1. Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлари.
2. Пайғамбарларни ноҳақ қатл этганлари.
3. Исёнга кетганлари.
4. Ҳаддан ошганлари.

Ушбу хилдаги жиноятларни содир этганлари учун Бани Исроилга хорлик ва мискинлик ёзилди ҳамда улар Аллоҳнинг ғазабига лойиқ бўлдилар.

Ҳеч бир уммат ўз тарихида Бани Исроилчалик қаттиқ куфрга кетмаган, тажовузкорлик қилмаган ва ҳидоятни инкор этмаган. Улар ўзларининг бир қанча Пайғамбарларини ўлдирдилар, сўйдилар ва арра билан арралаб ташладилар. Бу эса, ҳақ йўлга чақириб келган зотларга нисбатан қилинган энг ашаддий тажовузкорлик ҳисобланади. Уларнинг кофирлиги энг ёмон кофирлик, уларнинг тажовузкорлиги энг ёмон тажовузкорлик ҳисобланади.

Аммо, уларнинг даъволари оламни тутар эди. Улар: дунёда фақат бизгина тўғри йўлда юрибмиз, бошқалар адашувда, биз Аллоҳнинг танлаб олган бандаларимиз, бошқалар биз учун эшак, дейишади. Фақат бизгина қилган ишга савоб оладиган халқмиз. Фақат бизгина Аллоҳнинг фазли етади, дейишади.

Келаси оятда Куръони Карим уларнинг бу даъволари бекор, айтаётган гаплари ёлғон эканлигини баён этади. Аллоҳга бўйинсунишга бориб тақаладиган иймоннинг асли бир, ақийданинг асли бир эканини тушунтиради. Аллоҳнинг фазли баъзи бир ирқларгагина хос эмас, балки иймон келтириб, амали солиҳ қилган барчага баробар эканини англатади.

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَالَّذِينَ هَادُوا وَالصَّالِحِينَ مَنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ  
الْآخِرِ وَعَمِلَ صَالِحًا فَلَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٥٦﴾

**62. Албатта, иймон келтирганлар, яҳудий бўлганлар, насоролар ва собийлардан, қайсилари Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон кел-**

**тирса ва яхши амалларни қилса, ўшаларга Роббилари ҳузурида ажрлар бордир. Уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар.**

Ояти каримадаги «иймон келтирганлар»дан мурод мусулмонлардир.

«Яҳудий бўлганлар» — Бани Исроилдир. Яҳудийнинг икки тоифаси бор: биринчиси — Аллоҳга қайтган, иккинчиси — Яҳудонинг фарзандлари.

«Насоролар» деганда эса, Ийсо алайҳиссаломга иймон келтирганлар тушунилади. Улар у кишига ёрдам берганлари учун «насоро» (ёрдам берувчилар), деб ном олганлар.

«Собийлар» деб, Пайғамбаримиз келишларидан олдин араб мушрикларидан бир гуруҳи ўз қавмларининг буту санамларга сиғинишларини ёқтирмай, ўзлари янги ақийда ахтариб, охири, Иброҳим алайҳиссалом динида юрамиз, деб қавмларидан ажраб чиққан кишиларга айтилади. Бу номни уларга мушриклар берган, яъни, оталарининг динидан бурилганлар, деганидир.

Ояти карима юқорида зикр қилинганлардан ким Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтириб, яхши амалларни қилган бўлса, ўша ажр олади, олдинда уни хавф-хатар кутмайди, ўтган ишларга хафа бўлмайди, деган тушунчани бермоқда. Яъни, ажр олиш учун, қиёматда хавфда қолмаслик учун, бўлиб ўтган ишлардан хафа бўлмаслик учун бирор ирққа мансублик шарт эмас. Балки иймону яхши амал бўлса, кифоядир.

Албатта, бу ҳукм Муҳаммад алайҳиссалом Пайғамбар бўлиб келгунларича бўлган муддатга тааллуқлидир. У зоти бобаракот Пайғамбар бўлганларидан сўнг ҳамма у кишига иймон келтириши шарт. Ким у кишига иймон келтирмаса, кофир бўлади ва азоб-уқубатга лойиқ кўрилади. Ажру савобдан маҳрум қолади.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Муҳаммад алайҳиссалом:

«Менинг нафсим қудрат қўлида бўлган Зот ила қасамки, ушбу умматдан бирор киши — яҳудийми, насронийми, мен ҳақимда эшитса-ю, менга юборилган нарсага иймон келтирмаса, дўзах аҳлидан бўлади», деганлар.

Келгуси оятда яна Бани Исроилда ўтган ҳодисалар эслатилади:

وَإِذَا أَخَذْنَا مِيثَاقَكُمْ وَرَفَعْنَا فَوْقَكُمُ الطُّورَ خُذُوا مَا آتَيْنَاكُمْ بِقُوَّةٍ وَاذْكُرُوا مَا فِيهِ  
لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿٦٣﴾

**63. Аҳду паймонларингизни олганимизни ва устингизга Турни кўтарганимизни, «Биз сизга берган нарсани қувват билан олинг**



**ва ундаги нарсани эсланг, шоядки, тақводор бўлсангиз»,** (дегани-мизни) **эсланг.**

Оятда қайси аҳд-паймон назарда тутиляпти? Унинг тафсилоти бошқа сура ва оятларда келади. Бу ерда фақат эслатиб ўтиляпти. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу устларига кўтарилган Тур тоғи масаласини ойдинлатиб, «Улар тоат қилишдан бош тортганларида, Тур тоғини бошлари устида кўтарган», деганлар.

Оятда:

**«Биз сизга берган нарсани қувват билан олинг ва ундаги нарсани эсланг, шоядки, тақводор бўлсангиз»,** дейилмоқда.

Яъни, Тавротни маҳкам тутинг, унда келган ҳукм, ваъз, насиҳат ва кўрсатмаларни доимо эсланг, уларга амал қилинг, агар шундай қилсангиз, тақводор бўлишингиз мумкин, дейиляпти. Хўш, Бани Исроил аҳду паймонида собит турдимиз? Аллоҳ берган Тавротни маҳкам тутиб, ундаги нарсаларни эслаб, амал қилдимиз? Бу саволнинг жавоби келгуси оятда зикр этилади.

ثُمَّ تَوَلَّيْتُمْ مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ فَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ لَكُنْتُمْ مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴿٦٤﴾

**64. Сўнгра, ўшандан кейин юз ўгирдингиз. Сизга Аллоҳнинг фазли бўлмаганида, албатта ютқазганлардан бўлардингиз.**

Яъни, ўтган оятда зикр этилган ишлардан кейин аҳду паймонни унутиб, орқага қайтдингиз. Шунда ҳам Аллоҳ сизларга раҳим қилди, азобига олмади ва тавба қилишни кўнгилларингизга солиб, йўл кўрсатди. Акс ҳолда, ютқазганлардан — ҳалок бўлганлардан бўлар эдингизлар.

Бундан кейин келадиган оятлар Бани Исроилга хиёнатларини, аҳдга вафо қилмасликларини ва бошқа кирдикорларини яна бир бор эслатади.

وَلَقَدْ عَلِمْتُمُ الَّذِينَ اعْتَدَوْا مِنْكُمْ فِي السَّبْتِ فَقُلْنَا لَهُمْ كُونُوا قِرَدَةً خَاسِئِينَ ﴿٦٥﴾

**65. Батаҳқиқ, сизлардан шанба куни тажовузкорлик қилганларни билдингиз. Биз уларга: «Қувилган, хор-зор маймунга айланинг», — дедик.**

Шанба куни ҳаддан ошганларнинг қиссаси бошқа оятларда келади. Шанба куни ҳаддан ошган яҳудийлар Ийла номли жойнинг яҳудийлари эдилар.

Шанба Бани Исроилнинг муқаддас кунидир. Улар ўша куни дам олиб, фақат ибодат билан машғул бўлиб, дунёни ёдга олмасликка

аҳду паймон беришган. Аллоҳ таоло уларни синаш учун худди ўша куни, яқинларидаги сув ҳавзасида балиқни кўпайтириб қўйди. Бошқа кунлари балиқ унча кўп кўринмас эди. Яҳудийлар қаерда бўлсалар ҳам, қачон бўлса ҳам яҳудийликларини қиладилар. Ушбу масалада ҳам улар хиёнат қилдилар, ҳийла ўйлаб топдилар. Шанба куни балиқ кўпайганда, уларни денгиздан ажратиб олиш учун ҳовузлар қилиб, ўшаларга кирган балиқларни қамаб олиб, бошқа куни овлайдиган бўдилар.

Ўшандан кейин Аллоҳ таоло уларни ҳайвонларнинг ичида энг пасткаши, тутуриғи йўғи, орсизи бўлмиш маймунга айланишга ва хор-зорликда, қувилган ҳолда яшашга амр берди. Баъзи уламоларимиз таъкидлашларича, албатта, бу маъно шаклан маймун бўлишни тақозо қилмайди, балки маймунсифат хулқ-атвор ва табиатга эга бўлишни ҳам билдиради. Бу ҳодиса ажойиб бир ҳодисадирки, қанча ибрат олинса, шунча оз.

فَعَلْنَهَا كَلًّا لِّمَابَيْنَ يَدَيْهَا وَمَا خَلْفَهَا وَمَوْعِظَةً لِّلْمُتَّقِينَ ﴿٦٦﴾

**66. Биз бу (ҳодиса)ни унинг олдидагиларга ва кейинидагиларга ва тақводорларга мавъиза қилдик.**

Ушбу хабарлардан Бани Исроилнинг яна икки ахлоқини билиб олса бўлади.

1. Кўп таъкидлашга қарамай, ўзларига тушган ваҳийдан, илоҳий кўрсатмалардан юз ўгириш.

2. Буйруқ ва қайтариқларга юзаки амал қилган бўлиб, аслида хилоф иш тутиш.

Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Яҳудийлар қилган ишни сизлар қилманглар, Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳар хил ҳийлалар билан ҳалол ҳисобламанглар», дейдилар.

Эндиги келадиган оятларда Аллоҳ таоло Бани Исроилга алоқадор машхур «Бақара» – сигир ҳодисасини эслатиб ўтади. Ушбу сураи қариманинг номи ҳам шундан олинган.

وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تَذْبَحُوا بَقَرَةً قَالُوا أَنْتَ خَدُّنَا هُزُؤًا قَالَ أَعُوذُ بِاللَّهِ أَنْ أَكُونَ مِنَ الْجَاهِلِينَ ﴿٦٧﴾

**67. Мусо ўз қавмига: «Аллоҳ сизга сигир сўймоқни буюрмоқда», деганини эсланг. Улар: «Бизни масхара қияпсанми?» – деди-**

лар. У: «Жоҳиллардан бўлишимдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман», – деди.

Мусо алайҳиссаломдек улуғ Пайғамбар – Бани Исроилни Фиръавн азобидан қутқарган, ҳамма яхшиликларга сабаб бўлган зот яҳудийларга:

**«Аллоҳ сизга сизга сизга сўймоқни буюрмоқда»,**

деб, уларга Аллоҳнинг сизга сўйишга амр этганини етказганларида, «Хўп бўлади, Аллоҳ буюрган бўлса, бош устига», дейиш ўрнига,

**Улар: «Бизни масхара қиляпсанми?» – дедилар.**

Бунақа беодоблик ва шаккокликни фақат Бани Исроил каби табиати бузуқ халқ қила олади. Бу гап Мусо алайҳиссаломга оғир ботди. Аллоҳнинг номидан одамларни масхара қилиб бўладими? Буюк Пайғамбар Аллоҳ айтмаган гапни «айтди» дея оладими? Уларнинг бу гапи ҳам Аллоҳга, ҳам Унинг Расулига нисбатан беҳурматлик бўлиши билан бирга, Мусо алайҳиссаломга нисбатан туҳмат ҳам эди. Шунинг учун ҳам, у киши:

**«Жоҳиллардан бўлишимдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман», – дедилар.**

Шундан сўнг Бани Исроил, хўп, деб бориб бир сизирни топиб сўйса, Аллоҳнинг амрини бажарган бўлар эди. Лекин уларнинг бузуқ табиати, фасод босган тафаккурлари бунга йўл қўймади. Улар яна бир шумликни бошладилар:

قَالُوا ادْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّنْ لَنَا مَا هِيَ قَالَ إِنَّهُ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ لَا فَارِضٌ وَلَا بِكْرٌ عَوَانٌ  
بَيْنَ ذَلِكَ فَأَفْعَلُوا مَا تَأْمُرُونَ

**68. Улар: «Роббингга дуо қил, унинг қандай эканини баён қилиб берсин», – дедилар. У: «У Зот, қари ҳам, ёш ҳам бўлмаган, икковининг ўртасидаги сизир, деяпти. Бас, буюрилган нарсани бажаринг», – деди.**

Бани Исроил яна беодоблик қилди: Роббимиз демай,

**Роббингга дуо қил**, дедилар. Шу биланоқ Аллоҳга эътиқодлари йўқлигини намоиш қилдилар:

**«Улар: «Роббингга дуо қил, унинг қандай эканини баён қилиб берсин», – дедилар».**

Шу услуб ила сўйилиши лозим бўлган сизирнинг сифати қандай бўлишини сўрашди. Мусо алайҳиссалом одоб билан яна Аллоҳнинг сўзини уларга етказдилар:

«У Зот, қари ҳам, ёш ҳам бўлмаган, икковининг ўртасидаги сигир, деяпти», – дедилар. Ҳамда мураббий сифатида уларга, энди бошқа нарсаларни сўраб ўтирманглар, дегандек қилиб:

«Бас, буюрилган нарсани бажаринг», – дедилар.

Бани Исроил бошда индамай, хоҳлаган сигирни сўйса, бўларди, савол бериб ўзига қийин қилиб олди. Чунки, энди ўрта ёш сигирни топиш керак бўлди. Бошқаси қабул бўлмайди. Шундан ибрат олиб, ўз Пайғамбарларининг иккинчи насихатларига амал қилиб, айтилган сигирни топиб сўйса, масала ҳал эди, аммо Бани Исроил яна яхудийлигига борди.

قَالُوا ادْعُ لِنَارِكَ يَبِينُ لَنَا مَا لَوْ نُهَا قَالَ إِنَّهُ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ صَفْرَاءُ فَاقِعٌ  
لَوْنُهَا تَسُرُّ النَّاظِرِينَ

69. Улар: «Роббингга дуо қил, унинг рангини баён қилиб берсин», дедилар. У: «У Зот, ранги сап-сарик, қараганларни хурсанд қиладиган сигир, деяпти», – деди.

Шундай қилиб, улар яна ўзларига қийинчиликни кўпайтириб олдилар. Энди қари ҳам эмас, ёш ҳам эмас – ўрта ёш, ранги сап-сарик, кўрганни хурсанд қиладиган сигирни топиб сўйишлари лозим бўлиб қолди. Хўш, улар шундай сигирни ахтаришга тушишдими? Йўқ, яна савол беришди:

قَالُوا ادْعُ لِنَارِكَ يَبِينُ لَنَا مَا هِيَ إِنْ الْبَقَرُ تَشَبَهَ عَلَيْنَا وَإِنَّا إِنْ شَاءَ اللَّهُ لَمُهْتَدُونَ

70. Улар: «Роббингга дуо қил, унинг қандай эканини бизга баён қилиб берсин, сигир бизга ноаниқ бўлиб қолди, биз, инша-аллоҳ, албатта, ҳидоят топувчимиз», – дедилар.

Бани Исроил Аллоҳ таолонинг амрини дарҳол бажаришга одатланмаган, нобакор қавмлиги аввалдан маълум эди. Аммо бу сафар ҳаммасидан ўтиб тушди. Улар дастлаб Мусо алайҳиссаломдан сигир сўйиш ҳақидаги Аллоҳнинг амрини эшитишлари билан, инкор тариқасида «Бизни масхара қиляпсанми?» дедилар. Амр иккинчи бор такрорланганда, сўйилиши лозим бўлган сигирнинг умумий сифатини сўрашди. Сигирнинг умумий сифати баён қилиб берилиб, амри илоҳий учинчи марта такрорланганда эса, унинг ранги ҳақида савол беришди. Сўйилиши лозим бўлган сигирнинг ранги ҳам очиқ-ойдин баён этиб берилгандан сўнг ҳам амрни бажаришга ўтмай яна

савол беришди. Келгуси ояти каримада Бани Исроилнинг охирги саволига жавоб ва қиссанинг хотимаси зикр этилади.

قَالَ إِنَّهُ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ لَا ذَلُولٌ تُثِيرُ الْأَرْضَ وَلَا تَسْقِي الْحَرْثَ مُسَلَّمَةً لَا شِئَةَ فِيهَا  
 قَالُوا لَئِن جِئْتَ بِالْحَقِّ فَذَبْحُوهَا وَمَا كَادُوا يَفْعَلُونَ ﴿٧١﴾

**71. У:** «У Зот, ўша сигир минилмаган, ер ҳайдаш, экин суғоришда ишлатилмаган, айблардан саломат, аралашган ранги йўқ, дейпти», – деди. Улар: «Ана энди ҳақни келтирдинг», – дедилар. Бас, уни сўйдилар. Сал бўлмаса, қила олмасдилар.

Қайта-қайта сўрайверганлари эвазига қари ҳам эмас, ёш ҳам эмас, ўрта ёш, ранги холис сап-сарик, кўрганни хурсанд қиладиган чиройли, ер ҳайдаш ёки суғоришда ишлатилмаган, айблардан саломат, ранги бир хил, бошқа ранг ҳеч аралашмаган сигирни топиб сўйишга буюрилдилар ва уни қийналиб-қийналиб топиб сўйдилар.

Хўш, шу билан Аллоҳнинг амрини адо этдиларми? Аллоҳ нима учун уларни сигир сўйишга буюрган эди ўзи? Бу саволларга жавоб кейинги оятларда келади.

Қуръони Каримда бадийий услубнинг турли хиллари ишлатилган бўлиб, ушбу қиссада воқеанинг бошланиши охирга сурилган ва бу билан ўқувчи ва эшитувчиларнинг эътиборини жалб қилиш, қиссанинг таъсирчанлигини ошириш ва яна оддий инсоннинг ақли етиши қийин бўлган бошқа кўпгина ҳикматлар кўзланган. Асосий сабабларидан бири эса – бу жойда Аллоҳ таоло Бани Исроилнинг жиноятларини бир-бир эса солаётибди. Шу руҳ қиссанинг ушбу шаклда келишини тақозо этади. Яъни, бунда уларнинг жиноятлари иккита эканлиги кўринди. Биринчиси, Аллоҳнинг амрини истехзо қилиб, уни адо қилишга шошилмаётганлари бўлса, иккинчиси одам ўлдирганликларидир. Аксинча бўлганида, битта жиноят қилганга ўхшаб қолар эдилар.

Аслида, воқеа бундай бўлган эди. Бани Исроил қавмидан кимдир бировни ўлдириб қўяди. Ким ўлдирди, деган савол пайдо бўлади. Шунда биринчи тараф айбни иккинчи тарафга қўяди ва ўзидан жиноятни инкор этади. Иккинчи тараф ҳам, ўз навбатида, айбни биринчи тарафга қўяди ва ўзини айбсиз кўрсатади. Аксига олиб, воқеанинг тепасида ҳеч ким бўлмаган, гувоҳ йўқ. Аллоҳ таоло сирни фош қилиш учун ўлдирилган шахсни гапиртирмоқчи бўлди ва Бани Исроилга бир сигир топиб сўйишга ва ўша сўйилган сигирдан бир бўлак олиб, ўликни уришга буюрди. Шунда ўлик Аллоҳнинг ирода-

си билан тирилиб туриб, қотил ким эканини айтиб бериши лозим эди.

Энди Қуръони Карим қиссанинг аввалини бошлайди:

وَإِذْ قَاتَلْتُم نَفْسًا فَادَرَأْتُم فِيهَا وَاللَّهُ مُخْرِجٌ مَّا كُنْتُمْ تَكْتُمُونَ ﴿٧٢﴾

**72. Бир жонни ўлдириб қўйиб, у ҳақида ихтилофга тушганингизни эсланг. Аллоҳ сиз беркитган нарсани чиқаргувчидир.**

Ҳа, Бани Исроил ўз ичидан бир одамни ўлдириб, айбни бири-бирига афдариб, босди-босди қилиб, қотилликни беркитиб юбормоқчи бўлган эди. Жиноятчи қавм ишни ўз қаричи билан ўлчаган эди. Улар устиларида ҳар бир нарсани билувчи, ҳар бир нарсага қодир – Алийму Қодир сифатига эга Зот – Аллоҳ таоло турганидан ғофил эдилар. Мана, энди Ул Зот Бани Исроилга айбларини юзларига солиб, бўлиб ўтган ишларни улар инкор қила олмайдиган тарзда айтиб бермоқда. Аллоҳ таоло уларга хитоб қилиб:

**«Бир жонни ўлдириб қўйиб, у ҳақида ихтилофга тушганингизни эсланг»,** демоқда.

Яъни, сизлар бир одамни ўлдириб қўйдингиз. Сўнгра, буни сен ўлдирдинг, мен ўлдирганим йўқ, қабилида иш тутиб, қотилни яширмоқчи, азобдан сақлаб қолмоқчи бўлдингиз. Лекин:

**«Аллоҳ сиз беркитган нарсани чиқаргувчидир».**

Яъни, Аллоҳ сиз беркитиб, биров билмасин, деб уринган ҳар бир нарсани юзага чиқарувчи, ошкор қилувчидир. Жумладан, ушбу қотилликни содир этган шахсни ҳам. Сиз ўзаро ихтилоф қилиб, тан олмай беркитиб юбормоқчи бўлсангизда, барибир, Аллоҳ қотил ким эканини юзага чиқарувчидир. Бу ишнинг қандоқ бўлганини билмоқчи бўлсангиз, у жуда ҳам осон бўлган:

فَقُلْنَا أَضْرِبُوهُ بَعْضُهَا كَذَلِكَ يُحْيِي اللَّهُ الْمَوْتَى وَيُرِيكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٧٣﴾

**73. «Бас, уни у(сигир)нинг баъзи жойи билан уринг», – дедик. Аллоҳ худди шундай қилиб ўликларни тирилтирур ва оят – аломатларини сизга кўрсатур. Шоядки, ақл ишлатсангиз.**

Қотилни аниқлаш учун ўлдирилган шахсни тирилтириш керак эди. Бунинг учун эса:

**«Бас, уни у(сигир)нинг баъзи жойи билан уринг», – дедик».**

Яъни, ўликни сўйилган сигирнинг баъзи жойи билан уришни талаб этдик.

Шу ўринда: Аллоҳ ҳар нарсага қодир Зот, ўша ўликни шартта тирилтириб қўяверса бўлмасмиди? Сигир сўйдириб, унинг баъзи жойи билан ўликни урдиришнинг нима ҳикмати бор? — деган савол пайдо бўлади. Жавоб шулки: аввало, сигир Бани Исроилнинг одати-га кўра, қурбонликка сўйиладиган ҳайвон эди, шунинг учун бошқа ҳайвон эмас, айнан сигир ихтиёр этилди. Иккинчидан, улар сигирни худо қилиб олиб, унга ибодат ҳам қилишган эди. Ҳолбуки, улар сифинишаётган нарса оддий бир ҳайвондир. Шуни билдириб қўйиш учун, уни сўйишга амр этилди. Қолаверса, сўйилган ҳайвоннинг бир бўлаги ҳам жонсиздир, у билан ўлик урилса, тирилиб кетиши ёлғиз Аллоҳнинг қудратига далолатдир. Бу рамз бир восита холос, аслида инсон ўликка қандай қилиб жон кирганини билмайди, билолмайди ҳам. Аллоҳ ўликни қандай қилиб тирилтиришини кўрсатиб қўйди, холос. Чунки Бани Исроил ҳам ўлгандан сўнг тирилишни инкор қилар эди. Битта ўликни тирилтириб, уларга кўрсатиб қўйди ва:

**«Аллоҳ худди шундай қилиб ўликларни тирилтирур»,** деб танбеҳ берапти. Ўликни тирилтириш ҳақиқати нимадан иборат эканини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди, бу илоҳий мўъжиза. Аллоҳ ушбу мўъжизасини Бани Исроилга кўрсатди. Агар хоҳласа, яна бошқа мўъжизаларни ҳам кўрсатаверади:

**«... ва оят – аломатларини сизга кўрсатур».**

Эски тафсирларимизнинг баъзиларида ўша сигир парчаси қайси парча эди: думими ёки бошқа жойими, деб узундан-узоқ тортишилган. Аммо айрим уламолар: «Бунинг аҳамияти йўқ, керак бўлса, Аллоҳнинг Ўзи айтар эди. Аллоҳ айтмаган ва баҳс қилишни буюрмаган ишни баҳс қилиб, вақтни, ақлни бекорга сарфлашнинг нима кераги бор», дейишган. Шу гап — жуда тўғри гап.

Бўлиб ўтган ҳодисалар Бани Исроилнинг қалбини ларзага солиши, уларни тақвога чорлаши лозим эди. Лекин аксинча бўлди:

ثُمَّ قَسَتْ قُلُوبُكُمْ مِّنْ بَعْدِ ذَلِكَ فَهِيَ كَالْحِجَارَةِ أَوْ أَشَدُّ قَسْوَةً وَإِنَّ مِنَ الْحِجَارَةِ لَمَا يَتَفَجَّرُ مِنْهُ الْأَنْهَارُ وَإِنَّ مِنْهَا لَمَا يَشْقُقُ فَيُخْرِجُ مِنْهُ الْمَاءَ وَإِنَّ مِنْهَا لَمَا يَهْبِطُ مِنْ خَشْيَةِ اللَّهِ وَمَا اللَّهُ بِغَفِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٧٤﴾

**74. Сўнгра, шундан кейин қалбларингиз қаттиқ бўлди, улар тошдек ёки тошдан ҳам қаттиқ. Ва ҳолбуки, тошларнинг баъзиларидан анҳорлар отилиб чиқадир, баъзилари ёрилиб, ундан сув**

**чиқадир ва баъзилари Аллоҳдан қўрққанидан қулаб тушадир. Ва Аллоҳ қилаётган ишларингиздан ғофил эмас.**

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Бани Исроилнинг охирги ҳодисадан кейинги ҳолатини васф қилмоқда. Шунча мўъжиза кўрган инсон, ким бўлишидан қатъиназар, қалби эриб, Аллоҳга бўлган эътиқоди зиёда бўлиши керак эди. Аммо Бани Исроилнинг қалблари қаттиқ бўлди. Қаттиқ бўлганда ҳам, тошдек қаттиқ, балки, тошдан ҳам қаттиқ бўлди.

Чунки шунча қаттиқ бўлса ҳам, ҳатто тошларнинг баъзиларидан анҳорлар отилиб чиқади. Мусо алайҳиссалом Аллоҳнинг амрига биноан асолари билан, тошни урганларида, ўн икки булоқ отилиб чиққанини Бани Исроилнинг ўзи кўрди-ку! Ўша булоқларни ҳар бир қабила биттадан бўлиб олиб сув ичди-ку! Баъзи тошлар ёрилиб, ундан сув чиқишини ҳам Бани Исроил кўрган-ку! Ҳатто тошлардан айримлари Аллоҳдан қўрққанидан қулаб ҳам тушади. Хусусан, Тур тоғига Аллоҳ таоло тажалли қилганида, у титилиб кетганини Бани Исроил ўз кўзи билан кўрган-ку! Уларнинг қалблари тошдан ҳам қаттиқ бўлганидан, шунчалик мўъжизаларни кўриб туриб ҳам тақво йўлига, иймон йўлига юрмадилар. Бу ҳоллари бадбахтликнинг аломатидир.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Аллоҳнинг зикрисиз гапни кўпайтирманглар, чунки Аллоҳнинг зикрисиз гапни кўпайтириш қалбни қаттиқ қилади. Одамларнинг Аллоҳдан энг узоғи қалби қаттиғидир», деганлар.

Имом ал-Баззар Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда:

«Тўрт нарса бадбахтликдандир: кўзнинг қуруқлиги, қалбнинг қаттиқлиги, орзу-ҳаваснинг узунлиги ва дунёга ҳирс қўйиш», дейилган.

Бани Исроилнинг қалби тошдан-да қаттиқ бўлиб, ундан бирор томчи ҳам яхшилик томмайдиган даражага бориб қолганлигини баён қилган Аллоҳ таоло эндиги оятларда яҳудийларнинг иймонга келишидан, Исломни қабул этишидан умидвор бўлиб юрган мўминларга мурожаат қилади. Сура бошлангандан бери энди биринчи бор мўмин-мусулмонларга бевосита мурожаат қилинмоқда:

﴿أَفَنظَمُونَ أَنْ يُؤْمِنُوا لَكُمْ وَقَدْ كَانَ فَرِيقٌ مِّنْهُمْ يَسْمَعُونَ كَلِمَ اللَّهِ ثُمَّ

يُحَرِّفُونَهُ مِن بَعْدِ مَا عَقَلُوهُ وَهُمْ يَعْلَمُونَ﴾



**75. Уларнинг иймон келтиришларини тамаъ қиласизларми? Ва ҳолбуки, улардан бир гуруҳлари Аллоҳнинг каломини эшитар эдилар ва сўнгра уни тушунганларидан кейин, билиб туриб бузар эдилар.**

Бу ояти каримада мусулмонларга қилинаётган хитобдан ўша пайтда баъзи ихлосли мўминлар, яҳудийлар иймонга келиб қолсалар керак, деган орзуда бўлганларини кўрсатади. Албатта уларнинг бундоқ тамаъ қилишларига асос бор эди. Улар билан Мадийнада бирга яшаб келаётган яҳудийлар, илоҳий китобга эга халқ сифатида, яқинда охирзамон Пайғамбари чиқиши, улар ул Пайғамбарга биринчи бўлиб иймон келтиришлари ҳақида тинмай гапирар эдилар. Арабларнинг кўплари яҳудийлардан васфини эшитган пайғамбар — Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни кўришлари билан иймонга келдилар. Энди эса, яҳудийларнинг ўзлари ҳам иймонга келишини тамаъ қилишаётган эдилар. Аллоҳ таоло оятнинг аввалида уларнинг мазкур ҳолатларини васф этиб:

«Уларнинг иймон келтиришларини тамаъ қиласизларми?» демоқда.

Яъни, эй мусулмонлар, сизлар, яҳудийларнинг иймон келтириб, мўмин-мусулмон бўлишларидан умидвор бўляпсизларми?

Агар сизларда шундоқ умидворлик ҳақиқатан бўлса, билиб қўйингки, иш сиз ўйлагандек эмас, ҳол бошқача.

**«Ва ҳолбуки, улардан бир гуруҳлари Аллоҳнинг каломини эшитар эдилар ва сўнгра уни тушунганларидан кейин, билиб туриб бузар эдилар».**

Бундай одамларнинг иймон келтиришларига умид қилиб бўлмайди. Чунки иймон ўзига яраша поклик, мусаффолик, нурни қабул қилиб олишга истеъдод талаб қилади. Аммо яҳудийларда бу нарсага яқинлик ҳеч сезилмаяпти. Уларнинг энг яхши вакиллари бўлмиш диний олимларики, Аллоҳнинг каломини эшитиб, уни тушуниб етгандан сўнг, билиб туриб бузсалар, қолганлари нима ҳам қилар эди?!

Келаси ояти каримада мазкур нобакор қавмнинг васфи давом этади.

وَإِذْ الْقَوْمَ الَّذِينَ آمَنُوا أَفَلَا يَعْلَمُونَ إِذْ أَخْلَا بِعَصُفِهِمْ إِلَى بَعْضِ قَالُوا أَلَمْ نَحْمَدِكُمْ إِذْ آمَنُوا بِاللَّهِ

فَتَحَّ اللَّهُ عَلَيْكُمْ لِيُحَاجُّوكُمْ بِهِ عِنْدَ رَبِّكُمْ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٧٦﴾

**76. Улар иймон келтирганларни учратсалар, иймон келтирдик, дерлар. Баъзилари баъзилари билан холи қолсалар уларга:**

**«Аллоҳ сизга очган нарса ҳақида Роббингиз ҳузурида ҳужжат талашишлари учун гапиряпсизми? Ақлни ишлатмайсизми?» дерлар.**

Шунақа сифат эгаларининг иймонга келишидан умидвор бўлиш мумкинми? Улар иккиюзламачи қавмдир.

**«Улар иймон келтирганларни учратсалар, иймон келтирдик, дерлар».**

Яъни, мазкур иккиюзламачи қавм мусулмонлар билан учрашиб қолганда, иймонга келдик, Муҳаммад алайҳиссаломга уммат бўлдик, дейишади. Чунки Тавротда у киши ҳақларида башоратлар бор ва яҳудийлар у зотнинг Пайғамбар бўлиб келишларини кутаётган эдилар. Аллоҳ таоло ўша Пайғамбар туфайли бизни душманларимизга фолиб қилади, дейишар эди. Аммо:

**«Баъзилари баъзилари билан холи қолсалар, уларга: «Аллоҳ сизга очган нарса ҳақида Роббингиз ҳузурида ҳужжат талашишлари учун гапиряпсизми? Ақлни ишлатмайсизми?» дерлар».**

Яъни, яҳудийлар ўзлари бир-бирлари билан ёлғиз қолганларида, ўз ичларидан ҳақиқатни ошкор қилганларни сўка бошлар эдилар. Улар: Аллоҳ сизга очган нарсаларни, яъни, Муҳаммад алайҳиссаломнинг Пайғамбарликлари ҳақ эканини мусулмонларга айтиб қўясизларми? Ахир унда, қиёмат куни булар Аллоҳнинг ҳузурида бу гапни ўзимизга қарши ҳужжат қилиб келтиришади-ку, дейишарди. Бузуқ табиатлари уларни Аллоҳнинг сифатларини билишдан тўсганлиги худди шу гапларидан намоён бўлади. Улар ўзларича, бу гапларни мусулмонларга айтсак, ўзимизга қарши ҳужжат бўлиб қолади, айтмасак, ҳужжат бўлмайди, деб ўйлашади. Хўш, улар нима учун бундоқ қиладилар? Ёки...

أَوْ لَا يَعْلَمُونَ أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا يُسْرُونَ وَمَا يُعْلِنُونَ ﴿٧٧﴾

**77. Аллоҳ уларнинг сир тутгану ошкор қилган нарсаларини албатта билишини англамайдиларми?**

Зикр қилинган бу ҳол яҳудийларнинг диний олимларига оид. Авом халқнинг ҳоли келаси оятда баён қилинади.

وَمِنْهُمْ أُمِّيُونَ لَا يَعْلَمُونَ الْكِتَابَ إِلَّا أَمَانِي وَإِنَّهُمْ إِلَّا يُظُنُّونَ ﴿٧٨﴾

**78. Уларнинг ичида китобдан бехабар, хомхаёлдан бошқани билмайдиган омийлар бор. Улар фақат гумон қиладилар холос.**

Яъни, яҳудийлар ичида Тавротдан беҳабар, унда нима гап борлигини билмайдиган, саводсиз омилар ҳам бор. Ўша омиларнинг билгани фақат хомхаёл, холос. Улар турли нарсаларни гумон қилиб, ўша гумонларига ишониб юраверадилар. Бу омиларнинг шундай ҳолга тушиб қолишига нима сабаб? Асосий сабабларидан бири — залолатга кетган уламолар. Ўшалар оми халқнинг китобдан беҳабар қолишига, хомхаёлларга берилиб, гумондан бошқани билмай қолишига сабаб бўлганлар. Ўшандоқ нобакор диний раҳбарларнинг ҳолатларини қуйидаги оят фош қилади:

فَوَيْلٌ لِلَّذِينَ يَكْتُمُونَ الْكِتَابَ بِأَيْدِيهِمْ ثُمَّ يَقُولُونَ هَذَا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ لِيَشْتَرُوا بِهِ  
ثَمَنًا قَلِيلًا فَوَيْلٌ لَهُمْ مِمَّا كَتَبَتْ أَيْدِيهِمْ وَوَيْلٌ لَهُمْ مِمَّا يَكْسِبُونَ ﴿٧٩﴾

**79. Китобни ўз қўли билан ёзиб, сўнгра уни арзон баҳога сотиш учун: «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан», дейдиганларга ҳалокат бўлсин! Уларга қўллари билан ёзган нарсаларидан ҳалокат бўлсин! Уларга топган фойдаларидан ҳалокат бўлсин!**

Ояти карима зикр қилган «арзон баҳо» ҳақида Имом Ҳасан Басрий:

«Арзон баҳо — дунё ва унинг нарсаларидир» деган эканлар. Дунёга молу бойлик, мансаб ва бошқалар киради.

Ушбу ояти каримада инсон томонидан содир этиладиган энг улкан жиноятлардан бири ҳақида сўз кетмоқда. Бу ояти каримада дунё тарихидаги энг улкан жиноятлардан бирини содир этган нобакорга дуои бад бўлмоқда.

**«Китобни ўз қўли билан ёзиб, сўнгра уни арзон баҳога сотиш учун: «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан», дейдиганларга ҳалокат бўлсин!»**

Молу дунё, мансабу амал, айшу ишрат ва ҳузур-ҳаловот йўлида, билиб туриб, дин аҳкомларини бузадиган аҳли жаҳолатнинг васфи будир! Ундоқ жоҳиллар ўзларига диний илмларни билиш нисбатини берадилар. Улар кишиларга диний таълим бериш, дин аҳкомларини баён қилиб бериш даъвосини қиладилар. Бошқа кишилар, хусусан диний илмлардан беҳабарлар ёки етарли илми бўлмаганлар эҳтиёжлари тушганда ана ўша диний илм соҳибчилигини даъво қилиб юрган шахсларга мурожаат қиладилар. Бундоқ пайтда ҳақиқий диний олим Аллоҳнинг ҳукмини тўғри ҳолда айтиб беради. Сохта диний олим эса, вазиятга қарайди. У ўзининг дунёвий манфаатини ҳамма нарсдан устун қўяди. У ўзига фойда етиши учун Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол дейиши ёки аксинча, Аллоҳ

ҳалол қилган нарсани ҳаром дейиши турган гап. Шундоқ қилиб, динни бузадилар. Натижада, барча томон расво бўлади. Шунинг учун ҳам, оятда ундоқ кишиларга ҳалокат тилаб дуои бад қилинмоқда. Ҳа:

**«Уларга қўллари билан ёзган нарсаларидан ҳалокат бўлсин! Уларга топган фойдаларидан ҳалокат бўлсин!»**

Яҳудийлар ана шундоқ қавм эдилар. Уларнинг омилари динларини ўрганмай, хомхаёллар билан юрар эдилар. Уларнинг олимлари эса, динни арзон баҳога сотар эдилар.

Омилари ва олимларининг ҳоли бундай бўлган қавмнинг иймонга келишидан умидвор бўлса бўладими?! Тафсирчи олимларимиз оятлар Бани Исроил ҳақида тушган бўлса ҳам, ҳаммага тегишлидир, деганлар. Ҳозирги кунда мазкур сифатларнинг кўплари «муслмонман» деб гердайиб юрганларда ҳам мавжудлиги кишини даҳшатга солади.

Келгуси оятда яҳудийларнинг хомхаёлларидан яна бири келтирилади ва унга жавоб ҳам қилинади:

وَقَالُوا لَنْ نَمَسَّنَا النَّكَارُ إِلَّا أَيَّامًا مَعْدُودَةً قُلْ أَتَّخَذْتُمْ عِنْدَ اللَّهِ عَهْدًا فَلَنْ يُخْلِفَ اللَّهُ عَهْدَهُ ۖ أَمْ تَفُؤُونَ عَلَى اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٨٠﴾

**80. Ва улар: «Бизга (дўзах) ўти ҳеч тегмас, тегса ҳам санокли кунларгина тегадир», – дедилар. Сен: «Аллоҳдан аҳд олдингизми? Зотан, Аллоҳ аҳдига ҳеч хилоф қилмас. Ёки Аллоҳнинг номидан билмаган нарсангизни гапиряпсизми?» – деб айт.**

Ҳамма балонинг боши шунда. Уларнинг бузуқ ақийдалари, хомхаёллари бўйича, нима қилсалар ҳам, қанча гуноҳ ишласалар ҳам дўзахга тушмайдилар ёки тушсалар ҳам, фақат санокли кунларгагина тушадилар. Сўнгра, жаннатга кирадилар. Шунинг учун, улар ҳеч нарсадан қўрқмайдилар.

Хўш, улар бу гапни қаердан олдилар? Ёки бу ҳақда Аллоҳдан аҳду паймон олганларми? Дўзахга фақат санокли кунларгагина тушиб, сўнгра жаннатга чиқишлари ҳақида Аллоҳ ваъда берганми?

Ваъда берган бўлганида шундай бўларди, чунки, шубҳасиз, Аллоҳ ҳеч аҳдига хилоф қилмайдиган Зотдир.

Ёки Аллоҳнинг номидан ўзлари билмаган нарсани гапиряптиларми?

Эндиги оятда уларнинг бу даъволарига Исломнинг умумий қоида-си асосида қатъий жавоб келади:

بِكُلِّ مَنْ كَسَبَ سَيِّئَةً وَأَحَاطَتْ بِهِ خَطِيئَتُهُ فَأُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿٨١﴾

**81. Йўқ! Ким гуноҳ қилса ва уни хатолари ўраб олган бўлса, ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.**

Демак, иш хомхаёл билан, ҳар кимнинг ўзича айтган гапи билан битмас экан. Ким дўзахий, ким жаннатий бўлишининг қатъий илоҳий ўлчови бор экан. Ушбу ўлчовга биноан, ким яҳудийларга ўхшаб гуноҳ ишларни очиқ қилса ва унинг хатолари кўпайиб қолган бўлса, ўша дўзахга тушади. Ва унда абадий қолади.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Кам эътибор бериладиган кичик гуноҳлардан эҳтиёт бўлинглар, чунки улар бир одамда тўпланса, уни ҳалок қилади», деганлар.

Жаннатга ҳам хомхаёл билан, бирор қавм ёки халқнинг вакили бўлиш эътибори билан эмас, балки иймон ва амали солиҳ билан кирилишини келаси оят баён қилади:

وَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿٨٢﴾

**82. Ва иймон келтириб, яхши амалларни қилганлар, ана ўшалар жаннат эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.**

Демак, жаннатга кириб, унда абадий қолиш учун Бани Исроилдан бўлиш шарт эмас экан, балки иймон керак экан. Иймон бўлганда ҳам ҳақиқий иймон лозим. Номига, хўжақўрсинга бўлган иймон эмас. Кўплар мусулмонликни даъво қилади. Аммо мусулмон киши қилиши лозим бўлган бандалик бурчини ҳам бажармайди. Шу билан бирга, нақд жаннатнинг тўридан жой олишни даъво қилади. Ушбу оятда, худди бошқа оятлардаги каби, ўша қабилдаги кишиларга ҳам раддия бор. Чунки жаннат эгаси бўлиб, унда абадий қолиш бахтига сазовор бўлиш учун иймон ва яхши амаллар шарт қилинмоқда. Иймон – Ислом ақийдаси талаб қилган иймондир. Яхши амаллар эса – Ислом дини қилишга буюрган амаллардир.

Ҳақиқий иймон кишини шариат кўрсатган яхши амалларни қилишга, қайтарган ёмон амаллардан қайтишга чорлайди. Шундан келиб чиқилса, бунинг аксини қиладиган одамларни ҳақиқий иймон эгаси деб бўладими?

Кейинги оятларда Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларга яҳудийларнинг кирдикорларини яна ҳам кўпроқ фош қилади.

Маълумки, аввалги оятларда Аллоҳ Бани Исроилдан аҳду паймон олганини умумий тарзда айтиб ўтган эди. Энди ўша аҳду паймон қилинган нарсалардан баъзилари алоҳида зикр этилади:

وَإِذْ أَخَذْنَا مِيثَاقَ بَنِي إِسْرَائِيلَ لَا تَعْبُدُونَ إِلَّا اللَّهَ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَذِي  
الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَقُولُوا لِلنَّاسِ حُسْنًا وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا  
الزَّكَاةَ ثُمَّ تَوَلَّيْتُمْ إِلَّا قَلِيلًا مِّنْكُمْ وَأَنتُمْ مُّعْرِضُونَ ﴿٨٣﴾

**83. Бани Исроилдан Аллоҳдан бошқага ибодат этмайсиз, ота-онага, қариндошларга, етимларга, мискинларга яхшилик қиласиз, одамларга яхши гаплар айтинг, намозни қоим қилинг, закот беринг, деб аҳду паймон олганимизни эсланг. Сўнгра, озгинангиздан бошқангиз юз ўгириб, ортга қараб кетдингиз.**

Мулоҳаза қилинса, Аллоҳ таоло Бани Исроилдан аҳду паймон олган ишлар Ислом дини ҳам буюрган ишлардир. Шундан ҳамма самовий динларнинг бирлиги келиб чиқади. Тавҳид ақийдасининг асоси – Аллоҳдан бошқага ибодат қилмаслик – аҳду паймон олинган ишларнинг бошида саналаяпти. Ота-онага яхшилик қилиш ҳар бир фарзанднинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Қариндошларнинг қариндошлик ҳаққи бор, уларга ҳам яхшилик қилиш лозим. Етимлар – боқувчисиз қолган ёш болалардир. Жамиятда уларнинг ҳам ҳаққи бор. Шунингдек, мискинлар ҳам турли сабабларга кўра, ҳаёти ноқулай ҳолларга тушиб қолган шахслардир, уларга ҳам яхшилик кўрсатиш инсоннинг инсонийлик бурчи ҳисобланади.

Оятдаги «**Одамларга яхши гаплар айтинг**» жумласини тафсир қилиб, Имом Ҳасан Басрий: «Яхши гап – амри маъруф, наҳйи мункар, ҳилму афв, кечирим ва ширин сўзлардан иборатдир», деганлар.

Намозни қоим қилиш, яъни, ҳамма амалларини жой-жойига қўйиб адо этиш ҳамма самовий динларда ҳам асосий ибодатлардан ҳисобланади.

Имом Бухорий ва имом Муслим ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилган ҳадисда у киши Пайғамбар алайҳиссаломдан:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, қайси амал энг афзалдир?» деб сўраганларида, у зоти бобаракот:

«Ўз вақтида ўқилган намоз», деб жавоб берган эканлар. Шунингдек, закот ҳам улуғ молиявий ибодатлардан ҳисобланади.

Аллоҳ таоло мазкур амалларни бажаришга Бани Исроилдан аҳду паймон (таъкидланган ваъда) олган бўлишига қарамай, улар ўз одат-

лари бўйича, бу аҳд-паймондан юз ўгирдилар ва қасддан ортга қараб кетдилар.

وَإِذْ أَخَذْنَا مِيثَاقَكُمْ لَا تَسْفِكُونَ دِمَاءَكُمْ وَلَا تُخْرِجُونَ أَنْفُسَكُمْ مِنْ دِيَارِكُمْ ثُمَّ أَقْرَرْتُمْ وَأَنْتُمْ تَشْهَدُونَ ﴿٨٤﴾

**84. Сизлардан бир-бирингизнинг қонларингизни тўкмайсиз ва диёрингиздан чиқармайсиз, деб аҳду паймонингизни олганимизни эсланг. Сўнгра, гувоҳлик бериб туриб иқрор бўлдингиз.**

Бани Исроил Аллоҳ таолога берган аҳду паймон бўйича, яна, улар бир-бирларини ўлдирмасликлари ва баъзилари баъзиларини ўз диёрларидан ҳайдаб чиқармасликлари лозим эди. Шунга ўзлари иқрор бўлган эдилар. Демак, аҳду паймон ихтиёрий ва рози бўлган ҳолда боғланди. Энди унга амал қилиш керак бўлади. Яхудийлар қандай амал қилдилар?

ثُمَّ أَنْتُمْ هَؤُلَاءِ تَقْتُلُونَ أَنْفُسَكُمْ وَتُخْرِجُونَ فَرِيقًا مِنْكُمْ مِنْ دِيَارِهِمْ تَظَاهَرُونَ عَلَيْهِمْ بِالْإِثْمِ وَالْعُدْوَانِ وَإِنْ يَأْتُوكُمْ أَسْكَرَى تَفْأَدُوهُمْ وَهُوَ مُحْرَمٌ عَلَيْكُمْ إِخْرَاجَهُمْ أَفْئُتُومِنُونَ بَعْضُ الْكُفْبِ وَتَكْفُرُونَ بِبَعْضٍ فَمَا جَزَاءُ مَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ مِنْكُمْ إِلَّا خِزْيٌ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ يُرَدُّونَ إِلَىٰ أَشَدِّ الْعَذَابِ وَمَا اللَّهُ بِغَفِيلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٨٥﴾

**85. Сўнгра, сиз ўзингизни ўзингиз ўлдирасиз ва бир гуруҳингизни диёридан чиқарасиз ҳамда уларга қарши гуноҳ ва душманлик йўлида ёрдам берасиз. Агар улар асир бўлсалар, қутқариб оласиз. Ва ҳолбуки, уларни чиқариш ҳаром эди. Ёки китобнинг баъзисига иймон келтириб, баъзисига куфр келтирасизми?! Сизлардан ўшандоқ қилганларнинг жазоси бу дунёда фақат расво бўлишликдир, қиёмат кунида эса, энг шиддатли азобга қайтари-лурлар. Аллоҳ қилаётганингиздан ғофил эмас.**

Мадийнаи Мунаввара араблари, аввал айтганимиздек, икки қабилага — Авс ва Хазраж қабилаларига бўлинган эди. Улар ширк аҳли бўлиб, жаҳолатда эдилар ва жоҳилият аҳли сифатида тез-тез бир-бирлари билан урушиб турар эдилар. Мадийнаи Мунаввара яхудий-

лари эса, уч қабила бўлиб, Бани Қайниқоъ қабиласи арабларнинг Хазраж қабиласи билан дўст эди. Бани Назийр ва Бани Қурайза эса, Авс қабиласи билан дўст эди. Агар араблар бир-бирлари билан урушиб қолсалар, ораларидаги дўстлик келишувига биноан, яҳудийлар ҳам ҳар қайсиси ўзи дўст бўлган қабила тарафида туриб урушга чиқар эдилар. Натижада, яҳудийлар бир-бирларини ўлдирар, диёрларидан ҳайдаб чиқариш ҳоллари юз берар эди. Булар эса, оятда таъкидланган аҳду паймонни бузишдир. У аҳду паймон Тавротда ёзилган, яҳудийлар уни ўқиб туришади, ҳукмини билишади. Араблар жоҳилият аҳли эканлиги, самовий китобдан, илоҳий кўрсатмадан умуман беҳабар эканликлари бўлаётган урушларда улар учун узрдир. Аммо самовий китоб эгаси бўлиб, Мусо алайҳиссаломдек улуғ Пайғамбарга уммат бўлатуриб, яҳудийларнинг бир-бирларини ўлдириб ва диёрларидан чиқаришга қандай узрлари бўлиши мумкин? Ахир, улар доимо аҳли китоб эканликлари билан мақтаниб юрадилар-ку!? Шунинг учун ҳам, агар Тавротга мувофиқ бирор иш қилсалар, дарров фахрланишга ўтадилар. Жумладан, мазкур урушлар тўхтаб қолганда, яҳудий асирларни товон тўлаб озод қилиб олар эканлар. Аҳволни тушунган баъзи одамлар:

«Кечагина булар билан урушиб турган эдингиз, бутун нимага товон тўлаб асирликдан озод қилиб оляпсиз?» деб сўраса, улар:

«Тавротда Бани Исроилдан қўлга тушганини кўрсанг, албатта, олиб озод қил, деб айтилган, шунга амал қилдик», дейишар экан. Аслида эса, Тавротда ўша қўлга тушганни диёрдан чиқариш, унга қарши урушиш ҳам ҳаром қилинган, лекин у тўғрида оғиз очмас эканлар.

Шунинг учун ҳам, оятда: «Агар улар асир бўлсалар, қутқариб оласиз. Ва ҳолбуки, уларни чиқариш ҳаром эди», дейилди.

Уларнинг бу иши Тавротнинг баъзи жойига иймон келтириб, баъзи жойига куфр келтиришдан бошқа нарса эмас.

Ҳолбуки, Аллоҳ таоло ҳамма нарсадан хабардордир.

Кишини даҳшатга соладигани шулки, яҳудийларнинг бунақа қабиҳ сифатлари ўзини мусулмон деб юрган кишилар орасида ҳам тарқалиб бормоқда.

Сўнгра, мусулмонларга ва бутун инсониятга яҳудийларнинг ҳақиқати баён қилинади:

أُولَئِكَ الَّذِينَ اشْتَرُوا الْحَيَاةَ الدُّنْيَا بِالْآخِرَةِ فَلَا يُخَفِّفُ عَنْهُمْ الْعَذَابُ وَلَا هُمْ

يُنصَرُونَ ﴿٨٦﴾



**86. Ана ўшалар дунё ҳаётини охиратга сотиб олганлардир. Улардан азоб енгиллатилмас ва уларга ёрдам ҳам берилмас.**

Охиратни сотиб, дунёни олиш яҳудийларнинг энг катта сифатларидан бўлиб, уларнинг машғулотлари ўзи шудир.

Уларнинг фикри-зикрлари, саъю кўшишлари фақатгина бу дунё матоҳи учун бўлганидан, бу дунёда баъзи мақсадлари — беш кунлик ҳою-ҳавасга эришишлари мумкин. Аммо у дунёда:

**«Улардан азоб енгиллатилмас ва уларга ёрдам ҳам берилмас».**

Бу, Аллоҳ таолонинг ваъдасидир. У Зот ҳеч ваъдасига хилоф қилмайди. Яҳудийлар ўз қилмишлари туфайли охиратларини куйдирдилар. Нафақат охиратларини, балки икки дунёларини хароб айладилар. Ушбу оятдаги таҳдид эса, ҳаммасидан ўтиб тушди. Ўзларидан кўрсинлар.

Юқоридаги оятлардан маълум бўладиги, улар Аллоҳга берган аҳду паймонларига амал қилмайдилар, аммо араб мушрикларига берган аҳдларига риоя этадилар. Бундан яна бир кирдикорлари очилади — улар ўта ҳийлакор ва эҳтиёткордирлар. Ўзлари иккига бўлиниб, икки араб қабиласига «дўст» бўлиб олишган. Улардан қай бири ғолиб келса, ўшанинг ёнига ўтиб олиш учун олдиндан замин тайёрлаб қўйишган. Улар доимо шундай қилишади. Яъни, яҳудийлар доимо дунёвий манфаатларини илоҳий кўрсатмалардан устун қўйишади.

Келгуси ояти каримада Бани Исроилнинг кирдикорларини фош қилиш давом этади.

وَلَقَدْ آتَيْنَا مُوسَى الْكِتَابَ وَقَفَّيْنَا مِنْ بَعْدِهِ بِالرُّسُلِ ۚ وَآتَيْنَا عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ  
الْبَيِّنَاتِ وَأَيَّدْنَاهُ بِرُوحِ الْقُدُسِ أَفَكُلَّمَا جَاءَكُمْ رَسُولٌ بِمَا لَا تَهْوَى أَنْفُسُكُمْ اسْتَكْبَرْتُمْ  
فَفَرِّقَا كَذَبْتُمْ وَفَرِّقَانِ قُلُوبُكُمْ

**87. Ва батаҳқиқ, Мусога китобни бердик ва унинг ортидан Пайғамбарларни кетма-кет юбордик. Ва Ийсо ибн Марямга равшан(мўъжиза)ларни бердик ва уни Руҳул Қудус билан қўлладик. Ҳар қачон Пайғамбар сизнинг ҳавои нафсингизга ёқмайдиган нарса келтирса, мутақаббирлик қилиб, баъзиларини ёлғончига чиқариб, баъзиларини ўлдираверасизми?!**

Ушбу ояти каримадан кўриниб турибдики, Бани Исроил фақат Муҳаммад алайҳиссаломга эмас, балки Мусо алайҳиссаломдан ке-

йин кетма-кет келган ҳамма Пайғамбарларга ҳам душманлик муносабатида бўлган эканлар. Аллоҳ таоло ўша ҳақиқатни уларга эслатиб:

**«Ва батаҳқиқ, Мусога китобни бердик ва унинг ортидан Пайғамбарларни кетма-кет юбордик»**, демоқда. Бани Исроилга юборилган Пайғамбарларнинг охиргилари Ийсо ибн Марям алайҳиссаломдирлар.

**«Ва Ийсо ибн Марямга равшан(мўъжиза)ларни бердик ва уни Рухул Қудус билан қўлладик»**, дейди Аллоҳ таоло ва Ийсо алайҳиссаломни очиқ-ойдин мўъжизалар ҳамда Рухул Қудус ила қўллаб-қувватлаганини ҳам эслатмоқда. Аллоҳ таоло у кишини ўликни тириштириш, кўр туғилганларнинг кўзини очиш, пес туғилганларни даволаш каби равшан мўъжизалар билан ва Рухул Қудус — Жаброил фаришта билан қўллаб-қувватлади. Бани Исроил эса, у зотга нисбатан қўлидан келган барча ёмонликларни қилди. Иш шунга бориб етдики, улар у зотни ўлдиришга ҳаракат қилишди. Яҳудийлар ушбу икки улул азим Пайғамбар - Мусо ва Ийсо алайҳиссаломлар ўртасида келган Пайғамбарларнинг баъзиларини (Закариё ва Яҳё алайҳиссаломга ўхшаганларни) ўлдирдилар, қолганларини ёлғончига чиқардилар.

Ояти каримадан мазкур Пайғамбарлар келтирган нарсалар Бани Исроилнинг ҳавои нафсига хуш ёқмагани маълум бўлади. Орада уларнинг хоҳишига мос нарса келиб қолса, қабул қилишади. Аллоҳнинг айтганини қиялмиз, деб мақтаниб ҳам қўйишади. Пайғамбар келтирган нарса уларнинг хоҳишларига мос келмаса: «Сен ёлғончисан, Аллоҳнинг номидан ўзинг хоҳлаган нарсани айтяпсан, бизни ўз хоҳишингга мажбур қилмоқчисан», деб тухмат қилишади. Баъзан, ҳатто ўзларига Аллоҳ таоло томонидан пешво этиб юборилган Пайғамбарларни ўлдиришгача боришади.

Аллоҳ таоло мусулмонларга Ўзининг каломи илоҳийсида Бани Исроилнинг бу қилмишларини ўртак бўлсин, мусулмонлар ҳам уларнинг хатосини такрорлаб, яҳудийлар учраган бало-офатларга учрамасин, деб баён қилмоқда. Мусулмонлар албатта бундан тегишли хулоса чиқармоқликлари лозим. Чунки яҳудийларга хос бу манфур касаллик Ислом оламида ҳам тарқалиб бормоқда. Аллоҳнинг каломига, Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатига чақирган ҳақгўй уламолардан қанча-қанчалари қатл этилди, қамалди, қанчадан-қанча ҳақгўй уламолар ёлғончига чиқарилди, қораланди, айбсиз айбланди ва айбланмоқда, бундай ишлар ҳануз давом этмоқда. Ул азизларнинг бирдан-бир айблари — Аллоҳнинг амрини бузмай, одамларнинг, хусусан, нобакорларнинг ҳавои нафсига тўғри келмаса-да, тўғрилигича етказганларидир.

Шуни унутмаслик керакки, Аллоҳнинг шариати кишиларнинг ҳавои нафсларига мослашиш учун эмас, балки уларнинг устидан ҳоким бўлиб, тўғри, илоҳий йўлга солиш учун келган.

Юқоридаги оятда яҳудийларнинг ўтган Пайғамбарларга муносабатлари баён қилингандан сўнг, энди, янги динга — Исломга ва Аллоҳнинг Расули Муҳаммад алайҳиссаломга муносабатлари қандоқ бўлгани баёни келади:

وَقَالُوا قُلُوبُنَا غُلْفٌ ۚ بَلْ لَعَنَهُمُ اللَّهُ بِكُفْرِهِمْ فَقَلِيلًا مَّا يُؤْمِنُونَ ﴿٨٨﴾

**88. Ва улар: «Қалбимиз ғилофланган», дейишар. Йўқ, ундай эмас, куфрлари сабабли Аллоҳ уларни лаънатлаган. Бас, озгинагина иймон келтирурлар.**

Яҳудийлар Исломга даъват қилинганларида:

«**Бизнинг қалбимиз ғилофланган**», янги даъват кирмайди, янги даъватчини қабул қилмайди, деб айтишар эдилар. Аллоҳ таоло ушбу оятда уларнинг бу гаплари ёлғон эканини фош этиб, ҳақиқатни баён қилмоқда. Ҳақиқат нима? Ҳақиқат шулки:

«**куфрлари сабабли Аллоҳ уларни лаънатлаган**».

Яъни, улар аввалдан куфр келтириб, иймондан қочиб юрганлари учун Аллоҳ уларни лаънатлаб, раҳматидан қувиб, ҳидоят неъматидан маҳрум этган. Шу сабабдан улар иймонга кела олмайдилар. Агар мабодо келсалар ҳам:

«**Бас, озгинагина иймон келтирурлар**».

Қуръони Каримнинг ушбу жумласи мўъжиза бўлиб чиқди. Ҳали ҳануз яҳудийлар юқоридаги Қуръоний васфга мос бўлиб турибдилар.

Ҳозир келадиган ояти каримада яҳудийларнинг Қуръони Каримга ва Муҳаммад алайҳиссаломга нисбатан ўзларини қандоқ тутганлари яна ҳам очиқроқ баён қилинади.

وَلَمَّا جَاءَهُمْ كِتَابٌ مِّنْ عِنْدِ اللَّهِ مُصَدِّقٌ لِّمَا مَعَهُمْ وَكَانُوا مِن قَبْلُ يَسْتَفْتِحُونَ عَلَى الَّذِينَ كَفَرُوا فَلَمَّا جَاءَهُمْ مَا عَرَفُوا كَفَرُوا بِهِ فَلَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الْكَافِرِينَ ﴿٨٩﴾

**89. Уларга Аллоҳнинг ҳузуридан ўзларидаги нарсани тасдиқловчи китоб келганда, ва ҳолбуки, кофирларга қарши (ундан) ёрдам кутардилар. Бас, қачонки уларга ўзлари билган нарса келганда, унга куфр келтирдилар. Кофирларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин.**

Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қиладиларки, яҳудийлар Авс ва Хазраж қабилаларига қарши «яқинда бизнинг китобларимиз хабарини берган Пайғамбар чиқади, биз унга иймон келтириб, сизларнинг устингиздан ғалаба қозонамиз», дер эдилар. Аллоҳ таоло Пайғамбарни араблар ичидан танлаб юборгач эса, улар у кишига куфр келтирдилар. Бу қилмишлари ила яҳудийлар ўзларининг аввалги гапларини инкор қилдилар.

Шунда Муоз ибн Жабал, Башир ибн ал-Барраа ибн Маъруф ва Довуд ибн Саламалар уларга қарата:

«Эй яҳудийлар жамоаси, Аллоҳдан қўрқинглар! Мусулмон бўлинглар! Биз ширк аҳли бўлган давримизда бизга қарши у кишидан ёрдам топишингизни айтар эдингизлар. У кишининг Пайғамбар қилиб юборилиши хабарини берар эдингизлар. Сифатларини айтиб берар эдингизлар», – дедилар. Бунга жавобан Бани Назийр яҳудийларидан Салом ибн Мушкам :

«У биз билган нарсани олиб келди. Биз сизга айтган бу эмас», – деди.

Шундан кейин Аллоҳ таоло мазкур оятни нозил қилди:

**«Уларга Аллоҳнинг ҳузуридан ўзларидаги нарсани тасдиқловчи китоб келганда. . .»**

Яъни, яҳудийларга Аллоҳ таоло томонидан улардаги бор Тавротни тасдиқловчи китоб – Қуръон келганида ва Пайғамбар – Муҳаммад алайҳиссалом келганларида куфр келтирдилар.

**«қолбуки, кофирларга қарши (ундан) ёрдам кутардилар».**

Улар илоҳий китоби йўқ кофирлар – араб мушрикларидан энгилиб қолганларида, яқинда илоҳий китоб нозил бўлиб, охирзамон Пайғамбари чиқади, ўшанда унинг ёрдами ила биз сизни енгамиз, дер эдилар.

Худди ўзлари айтган китоб нозил бўлганда, худди ўзлари айтган Пайғамбар чиққанда эса, улар куфр келтирдилар.

**«Кофирларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин».**

Келгуси оятда яҳудийларнинг Исломга, унинг Пайғамбарига ва Китобига бўлган муносабатларининг махфий сабаби фош қилиб ташланади.

بِسْمَا أَشْتَرُوا بِهِءَ أَنْفُسَهُمْ أَنْ يَكْفُرُوا بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ بَعِيًّا أَنْ يُنَزَّلَ اللَّهُ مِنْ  
فَضْلِهِ عَلَى مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ فَبَاءُوا بِغَضَبٍ عَلَى غَضَبٍ وَلِلْكَافِرِينَ عَذَابٌ  
مُهِينٌ

**90. Улар ўзларини сотган нарса: Аллоҳ бандаларидан хоҳлаганига Ўз фазлидан туширганига ҳасад қилиб, Аллоҳ туширган нарсага куфр келтирмоқлик, қандоқ ҳам ёмон. Улар ғазабнинг устига ғазабни лозим тутдилар. Кофирларга хор қилувчи азоб бордир.**

Яҳудийлар Пайғамбарлик араблардан бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломга туширилганлигига ҳасад қилиб, иймон келтирмаганлар. Ҳолбуки, улар Тавротда зикри келган Пайғамбарнинг сифатларини, «ўзимиздан чиқади» деган ишончда, арабларга айтиб юрар эдилар...

Ояти карима уларнинг бу қилмишларини:

**«Улар ўзларини сотган нарса»**, деб атамоқда ва жуда ҳам ёмон иш, деб баҳоламоқда. Шунингдек, ояти карима Пайғамбарликнинг Муҳаммад алайҳиссаломга берилишини:

**«Аллоҳ бандаларидан хоҳлаганига Ўз фазлидан туширгани»**, деб таърифламоқда. Одамларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг бандалари, аммо Пайғамбарлик — Унинг фазли. Аллоҳ таоло Пайғамбарликни кимга беришини бандаларидан, хусусан, Бани Исроилдан сўраб ўтирмайди. Бандаларининг вазифаси — Аллоҳ хоҳлаб кимга Пайғамбарликни ато этган бўлса, ўша зотга иймон келтириш.

Аммо Бани Исроил иймон келтириш ўрнига, ҳасад қилдилар, Аллоҳ туширган Куръонга куфр келтирдилар. Ва бу ила:

**«Улар ғазабнинг устига ғазабни лозим тутдилар».**

Охиратда эса, хор қилувчи азобларга қоладилар. Чунки у кунда:

**«Кофирларга хор қилувчи азоб бордир».**

Келгуси ояти кариманинг биринчи қисмида яҳудийларни фош қилиш давом этиб, иккинчи қисмида бу иш уларга бевосита хитоб қилиш ила давом этади.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ آمِنُوا بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا نُوْمِنُ بِمَا أَنْزَلَ عَلَيْنَا وَيَكْفُرُونَ بِمَا  
وَرَاءَهُ وَهُوَ الْحَقُّ مُصَدِّقًا لِمَا مَعَهُمْ قُلْ فَلِمَ تَقْتُلُونَ أَنْبِيَاءَ اللَّهِ مِنْ قَبْلُ إِنْ كُنْتُمْ

مُؤْمِنِينَ ﴿٩١﴾

**91. Агар уларга: «Аллоҳ туширган нарсага иймон келтиринг», дейилса, «Бизга туширилган нарсага иймон келтирамиз», дерлар ва ундан кейинги нарсага куфр келтирарлар. Ҳолбуки, у улардаги нарсани тасдиқловчи ҳақдир. Айт: «Агар мўмин бўлсангиз, нимага илгари Аллоҳнинг Пайғамбарларини ўлдирдингиз?!»**

Бани Исроил кибрга ботган қавмдир, у ўзидан бошқани кўрмайди, тан олмайди. Шунинг учун, иймон ҳам келтирмайди. Шу ояти қари-мада Аллоҳ таоло уларнинг бир нозик жойларини фош этади:

**«Агар уларга: «Аллоҳ туширган нарсага иймон келтиринг», дейилса, «Бизга туширилган нарсага иймон келтирамиз», дерлар ва ундан кейинги нарсага куфр келтирарлар».**

Яъни, агар яҳудийларга: «Аллоҳ туширган нарса – Қуръонга иймон келтиринг», дейилса, улар: «Бизга туширилган нарсага – Тавротга иймон келтирамиз,» дейишади.

Шу жойда Қуръони Карим яҳудийларнинг энг устакорлик одатларидан бири – сўз ўйини қилишларини ажойиб услуб билан кўрсатмоқда. Улар,

**«Аллоҳ туширган нарсага иймон келтиринг»,** деган амрга очиқ-ойдин, биз унга иймон келтирмаймиз, деб жавоб беришгани йўқ, балки сўз ўйини қилиб,

**«Бизга туширилган нарсага иймон келтирамиз»,** деб, ўзларига иймон келтирганлик нисбатини бермоқдалар. Шу вақтнинг ўзида улар:

**«ундан кейинги нарсага куфр келтиришар».**

Яъни, Тавротдан кейин келган Қуръони Каримга куфр келтиришади. Хўш, уларнинг бу ишларини иймон келтириш деса бўлади-ми? Албатта, ундоқ, деб бўлмайди.

**«Ҳолбуки, у улардаги нарсани тасдиқловчи ҳақдир».**

Яъни, Қуръони Карим улардаги Тавротни тасдиқловчи ҳақдир.

Шу жойда Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга уларни шарманда қилувчи саволни ўргатади:

**«Айт: «Агар мўмин бўлсангиз, нимага илгари Аллоҳнинг Пайғамбарларини ўлдирдингиз?!»**

Яъни, улар ўзимизга туширилган нарсага иймон келтирамиз, деб айтишаётган бўлса, унда сўрагин-чи, нимага аввалги Пайғамбарларни ўлдиришди экан, дейди. Ахир, ўзларига келган Пайғамбарларни ўлдирган одамлар қандай қилиб ўзларига Аллоҳ туширган нарсага иймон келтирган бўлишади?!

Демак, Бани Исроилнинг даъвоси мутлақо ўринсиз. Улар баъзи Пайғамбарларни ўлдирибгина қолмай, ундан баттарроқ ишларни ҳам қилганлар, буни ҳам эсларига солиш лозим:

﴿وَلَقَدْ جَاءَكُمْ مُوسَىٰ بِالْبَيِّنَاتِ ثُمَّ اتَّخَذْتُمُ الْعِجْلَ مِن بَعْدِهِ وَأَنتُمْ

ظَالِمُونَ﴾

**92. Ва батаҳқиқ, Мусо сизларга равшан(мўъжиза)лар ила келди. Сўнгра, сиз ундан кейин золим бўлган ҳолингизда бузоқни (худо) тутдингиз.**

Ушбу оятда Бани Исроил даъвосининг ёлғонлигига энг катта далил келмоқда. Мусо алайҳиссалом уларга келган биринчи ва энг катта, улул-азм Пайғамбардирлар. Уларни Фиръавннинг зулмидан қутқазган шахс ҳам шу кишидир. Аини чоғда, Аллоҳ таоло у зотни ҳақиқий Пайғамбар эканликларини тасдиқловчи кўпгина равшан мўъжизалар билан юборди. Шуларни кўра-била туриб, Мусо алайҳиссалом Тур тоғига Аллоҳ билан роз айтишгани кетганларида, улар ўзларига бузоқни худо деб тутдилар. Бу эса, ниҳоятда катта зулм эди. Шундай ишни қилган қавмнинг, биз ўзимизга тушган нарсага иймон келтирамиз, деган даъвосига ишониб бўладими?

Аммо, уларнинг қилмиши шунинг ўзигина эмас, бундан бошқа жинойтлари ҳам кўп:

وَإِذْ أَخَذْنَا مِيثَاقَكُمْ وَرَفَعْنَا فَوْقَكُمُ الطُّورَ خُذُوا مَا آتَيْنَاكُمْ بِقُوَّةٍ  
وَأَسْمَعُوا قَالُوا سَمِعْنَا وَعَصَيْنَا وَأَشْرَبُوا فِي قُلُوبِهِمُ الْعِجْلَ بِكُفْرِهِمْ  
قُلْ يَسْمَأَيَا مُرُكُمْ بِهِ إِيْمَانِكُمْ إِنَّ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿٩٣﴾

**93. Сиздан аҳду паймонингизни олиб, устингизга Турни кўтариб: «Сизга Биз берган нарсани қувват билан тутинг ва тингланг», деганимизни эсланг. Улар: «Тингладик ва исён қилдик», дедилар. Куфрлари сабабли қалбларига бузоқ ўрнаштирилди. Айт: «Агар мўмин бўлсангиз, сизнинг иймонингиз қандай ҳам ёмон нарсага буюради!»**

Бани Исроилнинг хиёнаткорлиги, алдамчилиги ва бошқа кирди-корларини назарда тутган ҳолда Аллоҳ таоло улардан таъкидланган, ҳужжатлаштирилган аҳду паймон олган ва устиларига Тур тоғини кўтариб туриб:

**«Сизга Биз берган нарсани қувват билан тутинг ва тингланг»,** деб айтган эди. Иймони бор халққа шу етарли бўлиши керак эди. Аммо Бани Исроил нима қилди?!

**«Улар: «Тингладик ва исён қилдик», дедилар».**

Яъни, улар тилда «эшитдик», дейишди, аммо амаллари билан, «исён қилдик», дейишди. Яъни, тил бошқа, амал бошқа бўлди.

Уларнинг бузоқни худо тутишлари ҳам ўзларининг истакларидан бўлмай, балки куфрлари сабабли қалбларига Аллоҳ томонидан бузоқ ўрнаштирилганидандир. Ҳа,

**«Куфрлари сабабли қалбларига бузоқ ўрнаштирилди».**

Ушбу ҳолатларни баён қилгач, Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга:

**«Агар мўмин бўлсангиз, сизнинг иймонингиз қандай ҳам ёмон нарсага буюради?!»** деб айтишни ўргатади.

Дарҳақиқат, иймон ҳақиқий бўлса, унда иймон соҳибидан ҳеч қачон ёмон амал содир бўлмайди. Доимо яхшилик содир бўлади. Бани Исроилнинг «иймони» эса, Аллоҳни қўйиб, бузоққа ибодат этишга буюрди. Яҳудийларнинг даъволари ўринсиз эканини Аллоҳ таоло кейинги оятда яна бир ҳужжат билан исботлайди. Ўзининг охириги Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга уларни шарманда қилувчи савол беришни ўргатиб, дейдики:

قُلْ إِنْ كَانَتْ لَكُمْ الدَّارُ الْآخِرَةُ عِنْدَ اللَّهِ خَالِصَةً مِّنْ دُونِ النَّاسِ فَتَمَنَّوْا

المَوْتَ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٩٤﴾

**94. Айт: «Агар Аллоҳнинг ҳузурдаги охират ҳовлиси, бошқа одамларсиз холис сизга бўладиган бўлса, гапингизда ростгўй бўлсангиз, ўлимни орзу қилинг».**

Маълумки яҳудийлар: «Биз Аллоҳнинг танлаб олган халқимиз, фақат бизгина ҳидоятдамиз, фақат бизгина охиратда нажот топамиз, жаннатдан жой олиб, роҳат-фароҳатда бўламиз, бошқа халқларнинг жаннатдан насибаси йўқ», дейишарди.

Демак, мантиқан, ким жаннатга киришига аниқ-равшан ишонса, тезроқ ўлиб, у дунёга ўтишга ва шу билан ўша орзуига тезроқ етишга ошиқади. Рост-да, жаннатга кириши аниқ бўлса-ю, бу дунё қамоқхонасида азоб-уқубатга кўмилиб юраверса!... Ким истайди буни? Бу ҳолат саҳобалар ҳаётида яхшилаб тажрибадан ўтказилган. Пайғамбар алайҳиссалом жаннатнинг хабарини берганларида қўлида тутиб турган хурмони еб олишни кўп кўрганлари бўлган.

Хўш, яҳудийлар нима қилдилар? Улар жаннатга тезроқ етиш орзусида бирор иш қилдиларми? Йўқ!!!

وَلَنْ يَتَمَنَّوْهُ أَبَدًا بِمَا قَدَّمْتُمْ إِلَيْهِمْ وَاللَّهُ عَلِيمٌ بِالظَّالِمِينَ ﴿٩٥﴾

**95. Улар қўллари тақдим қилган нарсалар сабабидан, уни абадий, ҳеч-ҳеч орзу қилмаслар ва Аллоҳ зулм қилувчиларни билувчи Зотдир.**



Оятдаги «қўллари тақдим қилган нарсалар» жумласи «гуноҳлар» маъносида келгандир. Араб тилида бирор нарсанинг аҳамиятини бўрттириб кўрсатилмоқчи бўлинса, ушбу услуб ишлатилади.

Демак, яҳудийлар ўлимни орзу қила олмайдилар. Чунки улар ўзларининг гуноҳларини яхши биладилар. Ушбу гуноҳлар билан ҳеч-ҳеч жаннатга кириб бўлмайди. Ўлсалар, беш кунлик дунёнинг матосидан ажралиб қолишларидан қўрқиб, бу дунё ҳаётига маҳкам ёпишиб оладилар.

Ҳа:

وَلَنَجِدَنَّهُمْ أَحْرَصَ النَّاسِ عَلَى حَيَوٰةٍ وَمِنَ الَّذِينَ أَشْرَكُوا يَوَدُّ أَحَدُهُمْ لَوْ يُعَمَّرَ  
أَلْفَ سَنَةٍ وَمَا هُوَ بِمُزَحَّزَجَةٍ مِنَ الْعَذَابِ أَن يُعَمَّرَ وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِمَا يَعْمَلُونَ ﴿٩٦﴾

**96. Уларнинг ҳаётга энг ҳирс қўйган одамлар эканлигини биласан. Мушриклардан бирлари минг йил умр кўришни суядир. Аммо узоқ умр кўриши уни азобдан қутқармас. Ва Аллоҳ уларнинг қилаётганларини кўрувчидир.**

Яҳудийлар ҳаётга ва бу дунёга энг ўч, энг кўп ҳирс қўйган одамлар ҳисобланади. Қуръони Карим таъбирида «ҳаёт» сўзи ҳеч қандай сифат билан белгиланмаган. Яъни, номи ҳаёт бўлса бўлди. Хорзор бўладими, бошқа бўладими — бари бир, номига ҳаёт бўлса бўлди. Осмондан китоб туширилмаган, Аллоҳ томонидан Пайғамбар юборилмаган, бут-санамларни Аллоҳга ширк келтирувчи, аҳамиятсиз қавмларда (масалан, мушрикларда) ҳам ҳаётга ҳирс қўйиш бор. Ояти каримадаги:

**«Мушриклардан бирлари минг йил умр кўришни суядир».** жумласидан айни шу маъно кўзланмоқда. Яъни, улардан бирлари минг йил умр кўришни суяди, орзу қилади.

Бу унинг илоҳий таълимотлардан беҳабар эканлигидан келиб чиқади. У охиратга ишонмайди, шунинг учун бу дунёда кўпроқ яшашни хоҳлайди.

**«Аммо узоқ умр кўриши уни азобдан қутқармас».**

Қанча узоқ умр кўришларидан қатъиназар, кофир ва мушриклар азобга дучор бўладилар. Чунки

**«Аллоҳ уларнинг қилаётганларини кўрувчидир».**

Ана ўша кўргани асосида ҳисоб-китоб қилиб, ҳар кимга қилганига яраша жазо беради.

Аммо Бани Исроил-чи? Унга Аллоҳнинг кўплаб Пайғамбарлари келган, китоби тушган, охиратга ишонибгина қолмай, балки, охи-

ратда фақат бизгина жаннатга кирамиз, деб даъво ҳам қилишади. Шу билан бирга, улар бу дунё ҳаётига минг йил умр кўрмоқчи бўлган мушриклардан кўра ҳам ўчдирлар. Лекин ҳаммалари ҳам шуни яхши билиб қўйсинларки, узоқ умр кўриши уларни азобдан қутқармайди. Аллоҳ уларнинг қилаётганларини кўрувчидир. Ҳамда амалларга яраша охиратда азобни ҳам берувчидир.

Келгуси ояти каримада Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига яҳудийларга айтиш лозим бўлган гапларни ўргатишни давом эттиради.

قُلْ مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِجِبْرِيلَ فَإِنَّهُ نَزَّلَهُ عَلَيَّ قَلْبِكَ بِإِذْنِ اللَّهِ مُصَدِّقًا لِمَا بَيَّنَّتْ  
يَدِيهِ وَهُدًى وَبُشْرَىٰ لِلْمُؤْمِنِينَ ﴿٩٧﴾

**97. Жаброилга душман бўлганларга айт, албатта, Ул у(Қуръон-)ни сенинг қалбингга Аллоҳнинг изни билан, ўзидан олдингини тасдиқловчи ва мўминлар учун ҳидоят ва башорат қилиб туширди.**

«Жаброилга душман бўлганлар» — яҳудийлардир. Улар Жаброил фаришта алайҳиссаломни ўзларига душман ҳисоблашар эдилар. Бунга далил ўлароқ имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган бир суҳбатдан парча келтирамиз. Бир куни яҳудийлар Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом билан узоқ суҳбат қурган эдилар. Шунда улар:

«Ҳар бир Пайғамбарнинг хабар келтирадиган фариштаси бўлади. Бизга айт-чи, сенинг соҳибинг ким?», — дедилар. У киши:

«Жаброил алайҳиссалом», — дедилар. Улар:

«Жаброил урушни, жангни, азобни туширади, у — бизнинг душманимиз, агар раҳмат, ёмғир ва набототларни олиб тушадиган Микоил, деганингда, яхши бўларди», — дедилар.

Бани Исроилнинг бузуқлиги шу даражага етдики, улар ўзларига нима ёқмаса, ўшани душман тутишарди. Ҳолбуки, бу душманлик ўзларининг табиатлари бузуқлигидан келиб чиқар эди. Жаброил алайҳиссалом фаришталарнинг Пайғамбари, Аллоҳ таоло уни ваҳийга амин қилиб қўйган. Ҳамма Пайғамбарларга Аллоҳнинг ваҳийини етказди. Жумладан, Мусога ҳам, Муҳаммад алайҳиссаломга ҳам. Лекин яҳудийлар ўзларича ҳукм чиқариб, Жаброил душманимиз, Микоил дўстимиз, деб ажратиб олганлар. Аслида эса, икковлари ҳам Аллоҳнинг фаришталари. Аллоҳ Жаброил алайҳиссаломни ваҳийчи, Микоил алайҳиссаломни эса ёмғир ва набототларга вакил қилиб қўйган. Уламолар Жаброилнинг луғавий маъноси Абдуллоҳ (Аллоҳнинг бандаси) ёки Ходимуллоҳ (Аллоҳнинг хизматчиси) дейишган.

Аллоҳ таоло ушбу оятда Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб қилиб, Жаброилга душман бўлганларга айт, билиб қўйишсин, албатта, Жаброил Қуръонни сенинг қалбингга ўзидан олдинги нарсани, яъни, илоҳий китобларни, жумладан, яҳудийларнинг самовий китоби бўлмиш Тавротни ҳам тасдиқловчи, мўминларга ҳидоят йўлини кўрсатувчи, уларга жаннатнинг башоратини берувчи қилиб, Аллоҳнинг изни билан туширди, дейди.

Маънодан билиниб турибдики, яҳудийлар ўзларининг Қуръони Каримга, Исломга иймон келтирмасликларига ваҳийни Жаброил алайҳиссалом олиб келганлигини сабаб қилишяпти. Яъни, янги Пайғамбар Муҳаммадга Аллоҳнинг хабарини, Қуръонни, бизга душман бўлган Жаброил олиб келган бўлса, қандай қилиб биз унга иймон келтирайлик, дейишмоқчи. Бу уларнинг иймондан қочишга топган ҳисобсиз баҳоналаридан бири. Аллоҳ таоло ушбу оятда бу баҳоналари ҳам ботил эканини баён этмоқда. Аввало, Жаброил Қуръонни ўзидан олиб келгани йўқ, балки Аллоҳнинг изни билан олиб келди. Қолаверса, Қуръон яҳудийлардаги бор нарсани йўққа чиқараётгани йўқ, балки улардаги Тавротни тасдиқловчи бўлиб келмоқда. Шунингдек, Қуръон душманлик ёки нафрат қўзғатадиган нарса эмас, балки мўминларга ҳидоят ва жаннат башоратини келтирган илоҳий китобдир.

Демак, яҳудийларнинг даъволари сохта, кулгили ва ҳақиқатдан йироқдир. Бир фариштани ўзига душман билиб, бошқасини дўст тутишга, бир Пайғамбарни дўст билиб, бошқасига куфр келтиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِلَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَرُسُلِهِ وَجِبْرِيلَ وَمِيكَائِيلَ فَإِنَّ اللَّهَ عَدُوٌّ

لِلْكَافِرِينَ ﴿٩٨﴾

**98. Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, Пайғамбарларига, Жаброилга ва Микоилга душман бўлса, албатта, Аллоҳ кофирларнинг душманидир.**

Ҳақиқий мўмин барча фаришталарга бирдек иймон келтиради. Биттасига куфр келтирса, ҳаммасига куфр келтирган бўлади. Шунингдек, ҳақиқий мўмин Пайғамбарларнинг ҳаммаларига ҳам бирдек иймон келтиради. Улардан бирорталарини инкор этган одам кофир бўлади.

Ушбу оятда яҳудийларнинг кофирлиги ва Аллоҳнинг душмани бўлганликлари очиқланыпти. Шу кофирликлари ва Аллоҳга душ-

манликлари боис, улар динлар ўртасида тафриқа солишади. Ҳатто фаришталарни, Пайғамбарларни фирқа-фирқага бўлишади.

Кейинги оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-саломга хитоб қилиб, у зотни ўзларига тушган ҳақ йўлда собит туришга чорлайди:

وَلَقَدْ أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ آيَاتٍ بَيِّنَاتٍ وَمَا يَكْفُرُ بِهَا إِلَّا الْفَاسِقُونَ ﴿٩٩﴾

### 99. Батаҳқиқ, сенга равшан оятларни туширдик, уларга фақат фосиқларгина куфр келтирур.

Қуръони Карим оятларини Аллоҳ таоло очиқ-ойдин, равшан қилиб туширган, уларни инсоф билан ўрганган ҳар бир инсон албатта иймон келтиради. Фақат, фосиқ ва табиати бузуқларгина куфр келтиришади. Яҳудийлар ҳам ўша фосиқлардандир.

Кейинги ояти каримада яҳудийлар фосиқликларининг энг машҳур қирраларидан бири — аҳдга вафо қилмасликлари ҳақида сўз кетади.

أَوْ كَلِمَاعٍ عَاهَدُوا عَاهِدًا نَبَذَهُ فَرِيقٌ مِّنْهُمْ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿١٠٠﴾

### 100. Ҳар қачон аҳд қилсалар, улардан бир гуруҳи уни бузаверадими?! Йўқ! Уларнинг кўплари иймон келтирмаслар.

Яҳудийларнинг аҳдни бузувчи халқ эканлиги аввалги оятлар ила собит бўлган эди. Ушбу оятда уларнинг яна бир жиҳатлари фош этилмоқда. Яъни, улар тарқоқ фикрли одамлар ҳамдир. Бирларининг бошқалари билан иши йўқ; ҳавои нафси хоҳласа, аҳду паймонларини бузаверадилар. Ҳамиша шундай. Аллоҳга Тур тоғи тагида қилган аҳдларини ҳам буздилар.

Пайғамбар алайҳиссалом Мадийнаи Мунавварага дастлаб келганларида яҳудийлар очиқ душманлик қилиб турганларига қарамай, улар билан аҳднома тузган эдилар.

Яҳудийлар охириги замон Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга берган аҳд-паймонларини ҳам буздилар.

Кейинги оятда яҳудийларнинг аҳдни бузишларига яна бир мисол келтирилади:

وَلَمَّا جَاءَهُمْ رَسُولٌ مِّنْ عِنْدِ اللَّهِ مُصَدِّقٌ لِّمَا مَعَهُمْ نَبَذَ فَرِيقٌ مِّنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ كِتَابَ اللَّهِ وَرَاءَ ظُهُورِهِمْ كَأَنَّهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٠١﴾

**101. Улардаги нарсани тасдиқлаб, Аллоҳнинг ҳузуридан уларга Пайғамбар келса, китоб берилганлардан бир гуруҳи, худди билмагандек, Аллоҳнинг китобини ортларига қараб отдилар.**

«Аллоҳнинг китоби» Таврот бўлиши мумкин, чунки унда Муҳаммад алайҳиссаломнинг Пайғамбар бўлиб келишлари башорати бор. Тавротнинг башоратини тан олмаганларини «китобни орқаларига қараб отиш» деб васф этилмоқда. Айни чоғда, у китоб Қуръони Карим ҳам бўлиши мумкин, чунки яҳудийлар уни ҳам қабул қилмадилар. Оятнинг яҳудийларни «китоб берилганлар» деб сифатлаши ҳам, уларнинг бу қилмишларининг қабоҳатини оширади: улар Аллоҳдан келган ваҳийга, илоҳий китобга эга бўлатуриб, шундай қилишди. Агар мушрик бўлиб, жоҳил халқ бўлганларида ҳам бошқа гап эди, деган мулоҳаза пайдо бўлади.

Инсон ўзи энг ёмон кўрган нарсани «ерга тушгандан кейин ҳам, кўзимга кўринмасин», деб орқасига отади. Яҳудийларнинг Таврот ва Қуръонга бўлган муносабатлари шунга ўхшатилмоқда. Хўш, улар бу илоҳий ҳидоятларни қўйиб, нимага эришдилар, нимага эргашдилар?

وَاتَّبِعُوا مَا تَتْلُوا الشَّيْطَانُ عَلَىٰ مُلْكِ سُلَيْمَانَ وَمَا كَفَرَ سُلَيْمَانُ وَلَٰكِنَّ الشَّيْطَانَ كَفُرًا يُعَلِّمُونَ النَّاسَ السِّحْرَ وَمَا أُنزِلَ عَلَى الْمَلَكَيْنِ بِبَابِلَ هَارُوتَ وَمَرْوَتَ وَمَا يُعَلِّمَانِ مِنْ أَحَدٍ حَتَّىٰ يَقُولَا إِنَّمَا حُفَّتْ غِيَابَتُنَا فَأَلْهَمْنَا فِتْنَةً فَلَا تَكْفُرُ ۗ فَيَتَعَلَّمُونَ مِنْهُمَا مَا يُفَرِّقُونَ بَيْنَ الْمَرْءِ وَزَوْجِهِ ۗ وَمَا هُمْ بِضَارِّينَ بِهِ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ وَيَنعَلِمُونَ مَا يُضُرُّهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ ۗ وَلَقَدْ عَلِمُوا الْمَنَاسِكَةَ الَّتِي كَانُوا يَكْفُرُونَ ۗ

**102. Ва Сулаймон подшолигида шайтонлар тиловат қилган нарсага эргашдилар. Сулаймон куфр келтиргани йўқ. Лекин шайтонлар одамларга сеҳрни ўргатиб, кофир бўлдилар. Ва Бобилда Ҳорут ва Морут номли икки фариштага тушган нарсага эргашдилар. Икковлари ҳатто: «Биз фитна – синов учунмиз, кофир бўлмагин», демасдан олдин ҳеч кимга ўргатмасдилар. Бас, икковларидан эрхотиннинг ўртасини бузадиган нарсани ўрганишар эди. Ва улар уила Аллоҳнинг изнисиз бирор кишига зарар етказувчи эмасдилар. Ва улар зарар келтирадиган, фойда келтирмайдиган нарсани ўрганурлар. Ва батаҳқиқ, биладиларки, уни сотиб олган кишига**

**охиратда насиба йўқ. Агар билсалар, ўзларини сотган нарса қан-доқ ҳам ёмон!**

Демак, яҳудийлар Аллоҳнинг китобини худди билмагандек ортларига ирғитиб юбориб, Сулаймон алайҳиссалом подшоликлари ҳақида шайтонлар айтиб юрадиган нарсага эргашиб кетдилар. Маълумки, Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга ҳам Пайғамбарлик, ҳам подшоликни берган эди. Шу билан бирга, у кишига бутун ҳайвонларнинг тилини ўргатиб, жинларни хизматларида ҳозир у нозир қилиб қўйган эди. Бу илоҳий мўъжизалар у кишининг Пайғамбар эканликларини тасдиқлаш учун берилган эди. Мазкур мўъжизалар ҳақидаги оятлар бошқа жойларда келган, ўрни билан алоҳида ўрганилади. Ҳозир мавзуга алоқадор томони шулки, Аллоҳ Сулаймон алайҳиссаломга берган мазкур мўъжизаларни кўриб, одамлардан баъзилари иймонга келди, иймонлиларнинг иймонлари мустаҳкамланди. Аммо кофирлар, душманлар ва шайтонлар: «Сулаймон сеҳргар, у ўз сеҳрининг кучи билан турли ҳайвонлар ила муносабатда бўлмоқда, жинларни ишлатмоқда, деган гапларни тарқатишди. Бундай миш-мишни тарқатишда яҳудийлар қавми айниқса жонбозлик кўрсатган эди. Шунда Аллоҳ таоло Пайғамбарларга берган мўъжизалар билан сеҳрнинг фарқини амалий суратда кўрсатиш учун Бобилга Ҳорут ва Морутни юборди. Улар хоҳлаганларга сеҳр ўргатиш билан вазифаланган эдилар. Аммо сеҳр ўргангани келганларга аввал:

**«Биз фитна – синов учунмиз, кофир бўлмагин», демасдан олдин ҳеч кимга ўргатмасдилар».**

Яъни, «Биз фитна учун, одамларни синаш учун юборилганмиз, сеҳрни ўрганган кофир бўлади, сен ҳам уни ўрганиб кофир бўлма», деган маънода огоҳлантиришар эди. Келган одам бу гаплардан кейин қайтиб кетса кетди, кетмаса, кофир бўлишини билиб туриб ҳам, ўрганавераман, деса, ўргатишар эди. Мана шунинг ўзидан Пайғамбарлик мўъжизаси билан сеҳр ўртасидаги энг катта фарқ намоён бўлади. Пайғамбарлик мўъжизаси илоҳий неъмат бўлиб, фақат Аллоҳ томонидан берилади. Сеҳр эса, ўргатувчидан ўрганса бўладиган, ёмонликка ишлатиладиган бир нарсадир. Шундай қилиб, мўъжиза нимаю сеҳр нима – кишиларга амалда кўрсатилган экан. Ушбу ояти карима мазкур масалани муолажа қиларкан, Сулаймон сеҳргар бўлган, деган даъвога,

**«Сулаймон куфр келтиргани йўқ»,** деган жавоб келмоқда. Шундан англашиладики, сеҳр куфрга тенглаштирилмоқда. Бу маънони

**«Лекин шайтонлар одамларга сеҳрни ўргатиб, кофир бўлдилар»,** деган жумла янада таъкидламоқда.

Бу ишлар Бобил номли юртда бўлгани ҳам айтилмоқда. Ҳамда Ҳорут ва Морут исмлари ҳам зикр қилинмоқда:

**«Ва Бобилда Ҳорут ва Морут номли икки фариштага тушган нарсага эргашдилар».**

Ҳорут ва Морутлар кимлиги тўғрисида тафсирчилар турли фикрларни айтганлар. Лекин бу фикрларнинг ҳаммаси ҳам ишончли манбага асосланмаганлигини уламоларимиз алоҳида таъкидлаганлар. Шунинг учун, оятдаги ибораларнинг таркибидан, бу икки исм эгалари фаришта бўлган, деб айтганларнинг фикри қувватлироқ чиққан. Аллоҳ таоло инсонларни хоҳлаган усулда, хоҳлаган воситалар ила синаб кўради, бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ.

Кофирликни ҳам бўйнига олиб сеҳрни ўрганганлар нимага ишлатишади бу сеҳрларини?

**«Бас, икковларидан эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсани ўрганишар эди».**

Демак, улар сеҳрни яхшилик учун ўрганмас эканлар. Улар сеҳрни ёмон нарсага ишлатишар экан. Аммо:

**«улар у ила Аллоҳнинг изнисиз бирор кишига зарар етказувчи эмасдилар».**

Ушбу жумлада дунёдаги ишларнинг бориши ҳақидаги исломий тасаввур ўз аксини топган. Яъни, дунёда нима иш содир бўлса, барчаси Аллоҳнинг изни билан содир бўлади. Тўғри, Аллоҳ ҳар бир ишнинг юзага чиқиши учун сабабларнинг вужудга келишини шарт қилган. Аммо ўша сабаблар ҳам Аллоҳнинг изни билан таъсир қилади. Илми калом уламолари бу маънони тушунтириш учун оловни мисол қилишади. Оловни пахтага тутсанг, пахта куюди. У оловдаги куйдириш хусусияти туфайли куюдимми ёки ўзидаги куйишга бўлган қобилият туфайли куюдимми? Чунки оловда куймайдиган нарсалар ҳам бор-ку. Хулласи калом, ҳаммаси Аллоҳнинг изни билан бўлади. Агар Аллоҳ таоло хоҳласа оловдан куйдириш хусусиятини олиб қўяди. У зот куйдиришга изн бермаса, олов ҳеч нарсани куйдира олмайди. Мисол учун, Иброҳим алайҳиссаломни мушриклар катта гулханга ташлаганларида, Аллоҳ таолонинг амри ила у олов Иброҳим Пайғамбарни куйдирмаган.

Шунингдек, сеҳргарлар ҳам сеҳрни қилишаверади. Аммо Аллоҳнинг изни бўлмаса, ҳеч кимга зарар етказа олмайдилар.

Ояти каримадаги,

**«Ва улар зарар келтирадиган, фойда келтирмайдиган нарсани ўрганурлар»** жумласи сеҳр фақат зарарли нарса эканини тасдиқлайди. Бу эса, яҳудийларнинг сеҳрни мақтаб айтадиган гапларига раддиядир. Шу билан бирга, сеҳрни ўрганган, уни ёмонликка ишлатганларга охиратда ҳеч қандай насиба қолмайди.

**«Ва батаҳқиқ, биладиларки, уни сотиб олган кишига охиратда насиба йўқ».**

Буни уларнинг ўзлари ҳам яхши биладилар. Сеҳр тўғрисидаги ушбу ояти карима ва бошқа унга тегишли матнлар асосида уламо-лар узоқ тортишганлар. Ҳатто алоҳида китоб ёзганлар ҳам бор. Бу тортишувлар: «Сеҳр нима? Унинг ҳақиқати ҳақида нима деймиз? Сеҳрда нарсаларнинг табиати ўзгарадими ёки одамларнинг кўзига кўриниш ўзгариб, ўзи асл ҳолида қоладими?» — мана шу масалалар устида бўлган. Аммо сеҳр ёмон нарса эканлиги, уни ўрганиш мусулмон одам учун мумкин эмаслиги ҳақида ихтилоф йўқ.

Тажриба шуни кўрсатадики, баъзи одамларда ғайриоддий хусусиятлар бўлади. Айниқса, ҳозирги кунда телепатия, магнит уйқуси, экстрасенс ва бошқа хусусиятлар ҳақида шов-шувлар кўпайган. Аммо илмий асосдаги аниқ хулоса йўқ. Баъзи шахсларда бош-қа кишиларга таъсир ўтказиш хусусияти борлиги аниқ. Сеҳр ҳам ўша нарсаларга ўхшаш бир ҳолат бўлиши мумкин. Ўша хусусият билан таъсир ўтказиб, эр билан хотинни ажратиб юбориш мумкиндир. Лекин бунақа ишларнинг барчаси Аллоҳнинг изни билан бўлишини унутмаслик керак.

Ояти кариманинг охирида уларнинг қилмишларига муносиб баҳо берилади.

**«Агар билсалар, ўзларини сотган нарса қандоқ ҳам ёмон!»**

Ҳолбуки, Бани Исроилга шайтонларнинг айтганига ишониб, сеҳр-гарларни улуғлаб, уларга ҳавас қилишдан бошқа яхши ишлар ҳам бор эди:

وَلَوْ أَنَّهُمْ ءَامَنُوا وَاتَّقَوُا الْمَثُوبَةَ مِنِّي لَخَيْرٌ لَّهُمْ لَو كَانُوا يَعْلَمُونَ ﴿١٠٣﴾

**103. Агар улар иймон келтириб, тақво қилганларида, гар билсалар, Аллоҳнинг ҳузуридаги савоб яхши эди.**

Лекин улар иймон келтириш ўрнига куфр келтирдилар, тақво қилиш ўрнига фосиқлик қилдилар. Шунинг учун ҳам, энди уларга Аллоҳнинг ҳузуридаги савоб ўрнига иқоб бўлади.

Келгуси ояти каримада иймон келтирганларга Пайғамбар алай-ҳиссаломга қандоқ муомала қилишни таълим бериш орқали яҳудийларнинг яна бир кирдикорлари фош этилади.

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَقُولُوا رَاعِنَا وَقُولُوا انظُرْنَا وَاسْمَعُوا  
وَاللَّكْفَرِينَ عَذَابُ أَلِيمٌ ﴿١٠٤﴾



**104. Эй, иймон келтирганлар! «Роъина» деманглар, «унзурна» денглар ва тингланглар. Ва кофирларга аламли азоб бўлур.**

Ўтган оятларда мўмин-мусулмонларга кўпгина дарслар берилди. Бани Исроил билан бўлган муносабатлар айтиб ўтилди. Бу оятда эса, биринчи бор мўмин-мусулмонларга:

«**Эй, иймон келтирганлар**», дея хитоб қилиняпти. Айни чоғда, яҳудийларнинг мусулмонларга, Исломга қарши олиб борадиган ҳийла-найранглари, кирдикорларини фош қилишда давом этилмоқда.

**«Роъина» деманглар, «унзурна» денглар ва тингланглар.**

Ушбу ояти кариманинг маъносини тўлиқ ва аниқ тушуниш учун, у тушгунча бўлиб ўтган ҳодисаларни ҳамда қўштирноқ ичидаги у икки сўзнинг маъноларини яхшилаб ўрганиб чиқиш керак.

Имом Абу Баракот Насафий ривоят қиладиларки, саҳобаи киромлар ўрганиши лозим бўлган нарсаларни сабоқ олсалар, Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассаломга: «Роъина», яъни, кузатиб туринг, тушуниб, ўзлаштириб олайлик, дейишар экан. Аммо пасткаш яҳудийлар мусулмонларни таҳқирлаш учун шу ҳолатдан ҳам фойдаланишибди.

Улар ўзларининг иброний тилларида худди «роъина» каби талаффуз этиладиган, лекин сўкиш, масхара маъносида ишлатиладиган сўзни Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келганда айтадиган бўлишибди. Сиртдан, худди саҳобаи киромларга ўхшаб, кузатиб туринг, қараб туринг, деган бўлишади-ю, аслида, ниятлари у кишини сўкиш, масхара қилиш бўлади. Шунда Аллоҳ таоло мусулмонларга «роъина» сўзини шу маънодаги «унзурна» билан алмаштиришни буюрди. Яъни, бизни риоя қилиб туринг, ўрнига, бизга назар солинг, деган иборани ишлатишга амр қилди.

Мазкурлардан билиниб турибдики, кофирлар, хусусан, яҳудийлар мусулмонларга қарши қўлларидан келган барча ёмонликни қилишга тайёрлар. Мусулмонлар буни унутмасинлар.

Эй мусулмонлар, яна шуни яхши билингки,

مَا يَوَدُّ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَلَا الْمُشْرِكِينَ أَنْ يُنَزَّلَ عَلَيْكُمْ مِنْ خَيْرٍ مِنْ رَبِّكُمْ وَاللَّهُ يَخْتَصُّ بِرَحْمَتِهِ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ ﴿١٠٥﴾

**105. Аҳли китоб ва мушриклардан бўлган кофирлар сизларга Роббингиздан яхшилик туширилишини ёқтирмаслар. Ва ҳолбуки, Аллоҳ Ўз раҳматини кимга хоҳласа, ўшанга хос қиладир. Аллоҳ улуғ фазл эгасидир.**

Исломий истилоҳда «аҳли китоб» деб, Аллоҳдан самовий китоб тушган қавмларга айтилади. Яъни, яҳудийлар (аҳли Таврот) ва насоролар (аҳли Инжил) назарда тутилади. Аҳли Забур ҳозирда қолмаган.

«Мушриклар» эса, китоби йўқ, Аллоҳнинг шериги бор, деган ақийдадаги кишилардир.

Ояти кариманинг таъкидлашича, ўша кофирларнинг ҳаммаси — аҳли китоби ҳам, мушриклари ҳам мўмин-мусулмонларга яхшиликини раво кўрмайдилар. Бу оятдаги «яхшилик»дан мурод — ваҳийдир. Кофирлар қанча ҳасад қилсалар ҳам, ёқтирмасалар ҳам, барибир,

**«Аллоҳ Ўз раҳматини кимга хоҳласа, ўшанга хос қиладир».** Ваҳийни, илоҳий китобни Муҳаммад алайҳиссаломга хос қилишни хоҳлабдимиз, шуни рўёбга чиқаради.

Ояти кариманинг сўнгидаги

**«Аллоҳ улуғ фазл эгасидир»** жумласидан билиниб турибдики, Пайғамбарлик ва ваҳий улуғ фазллардан экан.

Маълумки, яҳудийларнинг Исломга, мусулмонларга қарши фитналарида энг яхши кўрган услублари турли миш-мишлар тарқатиш, ақийдага ва шариатга футур етказадиган шубҳали гапларни тўқиб чиқариш эди. Аввалги оятлардан ҳам бу табиатларини кўрдик. Аллоҳ таоло бузилиб, издан чиққан инсон жамиятинининг ижтимоий касалликларини худди оғир касални усталик билан даволаётган табиб каби даволайди. Табиб асосий касалликни даволашдан олдин атрофдаги майда касалларга вақтинчалик дорилар бериб туриб, кейинчалик, фурсати келганда, асосий дорини ишга солгандай, Аллоҳ таоло жоҳилият дардларини даволашда олдин бир ҳукмни жорий қилиб туриб, вақти етганда уни амалдан қолдириб, ўрнига асосий ҳукмни жорий этар эди. Буни «наسخ» дейилади. Ислом шариатида насх борлигини билган яҳудийлар ўз одатларича фитна қўзиб, висир-висир гап тарқата бошладилар.

Улар: «Муҳаммадни кўряпсизларми, бугун шерикларига бир ишни буюрса, эртага ундан қайтариб, бошқасига буюряпти. Бугун бир гапни айтса, эртага ундан тоняпти», деб гап тарқатдилар.

Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги оятни туширди. Бу оятда Аллоҳнинг аввалги оятда зикр қилинган улуғ фазли намоён бўлди. Чунки насх ҳам Унинг фазлидан бўлиб, бандаларга энгилик учундир.

﴿ مَا نَنْسَخْ مِنْ آيَةٍ أَوْ نُنسِهَا نَأْتِ بِخَيْرٍ مِّنْهَا أَوْ مِثْلَهَا أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴾ ﴿۱۷﴾ أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ لَهُ مُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا لَكُمْ مِّنْ دُونِ اللَّهِ مِن وَّلِيٍّ وَلَا نَصِيرٍ ﴿۱۷﴾

**106. Оятлардан биронтасини насх қилсак ёки унутдирсак, ундан яхшисини ёки унга ўхшашини келтирурмиз. Аллоҳ ҳар нарсага қодир эканини билмадингми?**

**107. Албатта, осмонлару ернинг мулки Аллоҳники эканини ва сизларга Аллоҳдан ўзга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам йўқлигини билмадингми?**

«Насх» сўзи луғатда ўзгартириш, бекор қилиш маъносини билдиради. Шариат таърифида эса, бир шаръий ҳукмнинг ундан кейин келган шаръий далил билан бекор қилинишига айтилади. Тушуниш учун оддий бир мисол келтирадиган бўлсак, кўпчилик бўлар-бўлмасга Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига кириб, бекорчи гаплар билан у зотнинг вақтларини олишаверганидан сўнг, Аллоҳ таоло оят тушириб, ким Пайғамбар алайҳиссалом билан ҳузурларида ёлғиз қолиб гаплашмоқчи бўлса, гаплашишдан олдин садақа қилишга буюрди. Одамлар бу орқали Пайғамбар алайҳиссаломнинг қимматли вақтларини бекор ўтказмаслик лозим эканлигини англаб бўлганларидан сўнг, бошқа оят тушириб, аввалги ҳукм бекор қилингани эълон этилди.

Ушбу ояти карималарда Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодир эканлиги таъкидланган. Ана шу қудрати ила хоҳлаган оятни насх қилади, хоҳлаганини унутдиради. Бу хоҳишни яҳудийлар чегаралай олмадилар. Шунингдек, осмонлару ернинг мулки Аллоҳники, жумладан, қайси оятни насх этиш, қай бирини унут қилиш ҳам У Зотнинг Ўзининг мулки, Ўзи билади.

Юқоридаги оятларда хитоб мўминларга қаратилган бўлиб, унда огоҳлантириш ва эслатиш бор эди. Яҳудийларнинг фитначилик билан тарқатган гаплари баъзи мўмин-мусулмонларга таъсир қилиб, Пайғамбар алайҳиссаломга турли бўлган-бўлмаган саволлар беришга ҳам уриниб қолганларида, Аллоҳ таоло қуйидаги оятни туширди:

أَمْ تُرِيدُونَ أَنْ تَسْأَلُوا رَسُولَكُمْ كَمَا سُئِلَ مُوسَىٰ مِنْ قَبْلُ ۗ وَمَنْ يَتَّبِعِ  
الْكُفْرَ بِالْإِيمَانِ فَقَدْ ضَلَّ سَوَاءَ السَّبِيلِ ﴿١٠٨﴾

**108. Ёки Пайғамбарингиздан, бундан аввал Мусодан сўралганидек, савол сўрашни хоҳлайсизми?! Ким иймонни куфрга алмаштирса, батаҳқиқ, тўғри йўлдан адашган бўлур.**

Маълумки, яҳудийлар билиб туриб, қасддан турли саволларни беришар эди. Пайғамбарлари Мусо алайҳиссаломдан бўлган-бўлмаган нарсаларни ҳам, чегарадан чиққан саволларни ҳам сўрайверар эдилар. Улар, Аллоҳни кўрсат, осмондан таомнинг фалондақасини

тушир, сигирни қанақасига сўямиз, каби саволларни кўп беришган эди. Ўтган оятларда ўша саволлари охири бориб бошларига етганининг хабари ила танишиб ўтдик.

Аллоҳ таоло мусулмонларни ўша яҳудийларга ўхшаб ғаразли саволлар беришдан қайтармоқда:

**«Ёки Пайғамбарингиздан, бундан аввал Мусодан сўралганидек, савол сўрашни хоҳлайсизми?!»** демоқда. У Зот бу билан, Пайғамбар алайҳиссаломдан Мусо алайҳиссаломдан Бани Исроил сўраган нарсаларга ўхшаш нарсаларни сўрашнинг ёмонлигини баён қиляпти. Айни вақтда Аллоҳ таоло бу ишни иймонни куфрга алмаштириш, деб атаяпти:

**«Ким иймонни куфрга алмаштирса, батаҳқиқ, тўғри йўлдан адашган бўлур».**

Ушбу маънони қувватлаб келган ҳадисларнинг бирида Пайғамбаримиз алайҳиссалом, деди-деди гаплардан, молу дунёни зое қилишдан ва кўп савол беришдан қайтарганликлари айтилади.

Ушбу кўрсатмаларга саҳобаи киромлар жуда қойиллатиб амал қилганлар.

Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳу :

«Баъзи нарсаларни Расули акрам алайҳиссалоту вассаломдан сўрай олмай, йил ўтиб кетарди. Аъробийлар келиб сўраб қолса эди, деб турар эдик», дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳобаларидан яхшироқ қавми кўрмадим, у кишидан фақат ўн иккита савол сўрашган, барчаси Қуръонда келган...», деганлар.

Кўп саволнинг оқибати нима бўлишини аввал ўтган оятларда Бани Исроил тажрибасида кўрдик. Ушбу оятда эса, бу иш - иймонни куфрга алмаштириш, деб баҳоланди. Савол бериб-бериб, Бани Исроилнинг эришган натижаси шу бўлди. Энди улар ифво қилиб, гап ўргатиб, мўмин-мусулмонларнинг ҳам ўзларига ўхшашини хоҳлашлари ҳақида сўз кетади..

وَدَّ كَثِيرٌ مِّنْ أَهْلِ الْكِتَابِ لَوْ يَرُدُّونَكُمْ مِن بَعْدِ إِيمَانِكُمْ كُفَّارًا  
حَسَدًا مِّنْ عِنْدِ أَنفُسِهِمْ مِّن بَعْدِ مَا بَيَّنَّ لَهُمُ الْحَقُّ فَاعْفُوا وَاصْفَحُوا حَتَّى يَأْتِيَ اللَّهَ  
بِأَمْرٍ ۗ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿١٠٩﴾

**109.** Аҳли китоблардан кўплари уларга ҳақ равшан бўлганидан кейин, ўзларича ҳасад қилиб, сизларни иймонли бўлганин-

**гиздан кейин кофирликка қайтармоқчи бўлурлар. Аллоҳнинг амри келгунча афв этинг, кечиримли бўлинг. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.**

Ояти каримадан кўриниб турибдики, аҳли китоблар, хусусан, яҳудийлар бизнинг иймонли бўлиб, ўз динимизга амал қилиб ҳаёт кечиримизни кўра олмайдилар. Уларга ҳақ равшан бўлган: мусулмонлар ўз динларига амал қилсалар, дунёда булардан бахтли одам бўлмайди. Уларга яна равшан бўлганки, мусулмонлар ўз динларига амал қилсалар, дунёни эгаллайдилар, ҳаммага устоз бўладилар. Ҳа, бу ҳақиқат уларга равшан бўлган. Улар бу ҳақиқатни тушуниб етганларидан кейин ўзларича ҳасад қиладилар.

**«Аҳли китоблардан кўплари уларга ҳақ равшан бўлганидан кейин, ўзларича ҳасад қилиб, сизларни иймонли бўлганингиздан кейин кофирликка қайтармоқчи бўлурлар».**

Ҳасад, хусусан, мусулмонларга қарши ҳасад қилиш уларнинг динларида йўқ, Пайғамбарларининг кўрсатмаларида, илоҳий китобларида йўқ. Улар ўз ичларидан ҳасад қиладилар, мусулмонларни кўра олмайдилар. Нима қилиб бўлса ҳам, мусулмонларни динларидан чиқариб, кофирликка қайтаришга ҳаракат қиладилар. Бу ҳақиқат, айниқса, ҳозирги пайтда янада намоён бўлмоқда. Дунё кофирлари бир бўлиб, турли имкониятларни ишга солиб, мусулмонларни динларидан узоқлаштириш учун тинмай ҳаракат қилмоқдалар. Чунки улар, агар мусулмончилик йўлга қўйилса, бутун дунё Исломга кириб, улардан юз ўгиришини тушуниб етганлар.

Энди ушбу ҳақиқатни ўзини мусулмон ҳисоблаб юрганлар ҳам тушуниб етсалар эди!...

Оятда мусулмонларга, Аллоҳнинг амри келгунча афв этиш, кечиримли бўлишга чақириқ бор.

**«Аллоҳнинг амри келгунча афв этинг, кечиримли бўлинг. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир».**

Бу, пасткашларга тенг бўлмасликка, ёмонликка ёмонлик, ҳасадга ҳасад ила муқобала этмасдан, ўзини юқори тутишга чақириқдир. Ушбу жумладаги «Аллоҳнинг амри»дан мурод нималиги ҳақида тафсирчилар турли таъвийллар айтганлар. Баъзилари фатҳ ва ғалаба, баъзилари қиёмат куни, яна бошқалари уруш қилишга рухсат, деганлар. Мақомга қараб, буларнинг ҳар бирини ҳам ишлатса бўлади.

Оятнинг охирида келган

**«Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир»**, жумласидан кўриниб турибдики, Аллоҳ таолонинг Ўзи бир чора кўриши муқаррардир.

Келаси оятда Жаноби Ҳақ мусулмонларга Ўз амрларини давом эттиради:

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَمَا تُقَدِّمُوا لِأَنفُسِكُمْ مِنْ خَيْرٍ تَجِدُوهُ عِنْدَ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿١١٠﴾

**110. Намозни қоим қилинг, закот беринг, ўзингиз учун қилган яхшиликларни Аллоҳнинг ҳузурида топарсиз. Албатта, Аллоҳ қилаётганингизни кўрувчидир.**

Оят кофирлар билан тенглашмай, уларни афв этиб, уларга нисбатан кечиримли бўлиб, унинг ўрнига фойдали ишлар билан – қиёматда манфаат берадиган намоз ўқиш, закот бериш каби бадан ва мол ибодатлари ила машғул бўлишга чақирмоқда. «Намозни қоим қилинг» жумласи «Намоз ўқинг» дегандан бир қанча кучли ифодадир. Намоз худди бино қилиш, турғазиш лозим бўлган нарсаю, ўшани тўла адо этиш зарурлигини англатади.

«... ўзингиз учун қилган яхшиликлар» бирикмасидан биламизки, демак, инсон нимаики яхшилик қилса, фойдаси ўзигадир ва савобини топажақдир.

Келгуси ояти каримада душманларнинг нобакорлигидан яна бир намуна ва унга раддиянинг қандоқ бўлиши ҳақида сўз кетади.

وَقَالُوا لَنْ يَدْخُلَ الْجَنَّةَ إِلَّا مَن كَانَ هُودًا أَوْ نَصْرِيًّا تِلْكَ أَمَانِيُّهُمْ قُلْ هَاتُوا بُرْهَانَكُمْ إِن كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿١١١﴾

**111. Ва улар: «Жаннатга яҳудий ва насронийлардан бошқа ҳеч ким кирмас», – дедилар. Бу уларнинг хом хаёллари дир. Сен: «Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжатингизни келтиринг», – деб айт.**

Кейинроқ келадиган оятларнинг хабарига кўра, аслида, яҳудийлар: «Жаннатга яҳудийлардан бошқа ҳеч ким кирмайди», деганлар. Насронийлар ҳам: «Жаннатга насронийлардан бошқа ҳеч ким кирмайди», деганлар. Иккала қавмнинг ҳам даъвоси бир хил бўлгани учун бу оятда уларнинг гапларини қўшиб, бирга келтирилмоқда.

**«Ва улар: «Жаннатга яҳудий ва насронийлардан бошқа ҳеч ким кирмас», – дедилар».**

Аммо ҳар икки тоифанинг ҳам гапи хом хаёлдан бошқа нарса эмас.

**«Бу уларнинг хом хаёллари дир».**

Уларнинг ҳеч бирида айтаётган гапини, яъни ўзининг жаннатга киришини тасдиқловчи ҳужжат – далил йўқ. Шу ҳақиқатни тасдиқлаш учун Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига хитоб этиб:

«Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжатингизни келтиринг», деб айт», демоқда.

Хўш, жаннатга кимлар киради ўзи? Улар айтаётгандек, фақат яҳудий ёки насроний бўлганларми?

بَلَىٰ مَنْ أَسْلَمَ وَجْهَهُ لِلَّهِ وَهُوَ مُحْسِنٌ فَلَهُ أَجْرُهُ عِنْدَ رَبِّهِ ۖ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿١١٢﴾

**112. Йўқ! Кимки яхшилик қилган ҳолида юзини Аллоҳга топширса, унга Робби ҳузурида ажр бордир. Уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар.**

Аллоҳ таолонинг ҳузурида қабул бўладиган амалнинг иккита шарти бор экан.

Биринчи шарт: киши юзини Аллоҳга топширган бўлиши керак. Яъни, бутун вужуди ила Аллоҳга ихлос қилган бўлиши керак.

Иккинчи шарт: қилган иши шариатда тўғри деб топилган амал бўлиши керак. Оятдаги «**яхшилик қилган ҳолида**» жумласидан мурод – шу.

Демак, ҳам маънавий, ҳам моддий тарафдан фақат Аллоҳ учун бўлган иш ўз эгасини мукофотга етказади. Аввало,

**«Робби ҳузурида ажр бордир».**

Яна уларга келажақда хавф йўқ ва улар бўлиб ўтган ишлардан афсусланмайди.

**«Уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар».**

Булар Аллоҳнинг ваъдаларидир ва муҳаққақ, шундай бўлгусидир.

Кофирларга эргашмасликка бўлган чақириқнинг сабабларидан яна бири:

وَقَالَتِ الْيَهُودُ لَيْسَتِ النَّصْرَىٰ عَلَىٰ شَيْءٍ وَقَالَتِ النَّصْرَىٰ لَيْسَتِ الْيَهُودُ عَلَىٰ شَيْءٍ وَهُمْ يَتْلُونَ الْكِتَابَ ۗ كَذَلِكَ قَالَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ مِثْلَ قَوْلِهِمْ ۗ فَاللَّهُ يَحْكُمُ بَيْنَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِيمَا كَانُوا فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ﴿١١٣﴾

**113. Яҳудийлар: «Насронийлар арзимас нарсададирлар», дедилар. Насронийлар: «Яҳудийлар арзимас нарсададирлар», дедилар. Ва ҳолбуки, улар китоб тиловат қилурлар. Шунингдек, бил-**

майдиган кимсалар ҳам уларнинг гапига ўхшаш гап айтдилар. Бас, қиёмат куни ораларида Аллоҳ улар ихтилоф қилган нарса ҳақида ҳакамлик қиладир.

Кофирлар мусулмонларга нисбатан қилган турли-туман даъволаридан ташқари, ўзаро бир-бирларига нисбатан ҳам даъволар қилар эдилар. Жумладан, оятда келганидек,

**Яҳудийлар: «Насронийлар арзимас нарсададирлар», дедилар».**

Яъни, яҳудийлар: «Насронийлар ҳеч нарсага арзимайдилар, улар эътиқод қўйиб амал қилаётган нарсалари ҳеч нарса эмас», деб уларни камситишса, ўз навбатида:

**«Насронийлар: «Яҳудийлар арзимас нарсададирлар», дедилар».**

Яъни, насронийлар ҳам яҳудийларга нисбатан худди шундай муносабатда бўлар эдилар.

**«Ва ҳолбуки, улар китоб тиловат қиладилар».**

Уларнинг иккаласи ҳам аҳли китоб саналадилар: яҳудийлар Тавротни, насронийлар Инжилни ўқийдилар.

Самовий китоб эгаси бўлмаган халқлар тўғрисида оятда:

**«Шунингдек, билмайдиган кимсалар ҳам уларнинг гапига ўхшаш гап айтдилар», дейилмоқда.**

Яъни, уларни илоҳий таълимотларни «билмайдиган кимсалар» деб аталяпти. Аммо улар ҳам яҳудий ва насронийларнинг гапларига ўхшаш гапларни айтадилар, яъни, мушриклар яҳудийлар ва насоролар ҳақида, булар, иккаласи ҳам ҳеч нарсага арзимади, дейдилар. Албатта, иш уларнинг гапига қараб бўлмайди.

**«Бас, қиёмат куни ораларида Аллоҳ улар ихтилоф қилган нарса ҳақида ҳакамлик қиладир».**

Улар тортишишган масаланинг ҳақиқий ҳукмини Аллоҳ таоло қиёмат куни Ўзи чиқаради.

Фақат, унутмаслик керакки, кофирлар ким бўлишларидан қатъи-назар, бир-бирлари билан қанчалик тортишмасинлар, мусулмонларга қарши курашда бир бўлиб оладилар.

Келаси оятда кофирларнинг яна бир кирдикорлари фош этилади. Шу билан, уларга эргашиш мумкин эмаслиги яна бир бор тасдиқланади:

وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّن مَّنَعَ مَسْجِدَ اللَّهِ أَنْ يُذْكَرَ فِيهَا اسْمُهُ وَسَعَىٰ فِي خَرَابِهَا أُولَٰئِكَ مَا  
 كَانَ لَهُمْ أَنْ يَدْخُلُوهَا إِلَّا خَائِفِينَ لَهُمْ فِي الدُّنْيَا خِزْيٌ وَلَهُمْ فِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ  
 عَظِيمٌ



**114. Аллоҳнинг масжидларида Унинг исми зикр қилинишини ман этган ва уларни бузишга ҳаракат қилгандан ҳам золироқ одам борми? Ана ўшалар у жойларга фақат қўрққан ҳолларидагина киришлари керак эди-ку! Уларга бу дунёда хорлик бордир ва уларга охирада улуғ азоб бордир.**

Ушбу ояти карима таъбирига кўра, дунёда масжидларда Аллоҳнинг исми зикр қилинишини ман этган ва масжидларни бузишга ҳаракат қилган шахслардан золироқ одам йўқ. Бу улкан ҳақиқатдир.

**«Аллоҳнинг масжидларида Унинг исми зикр қилинишини ман этган ва уларни бузишга ҳаракат қилгандан ҳам золироқ одам борми?»**

Кофир, динсиз бўлишликнинг ўзи улкан зулм. Аммо ўзининг кофир бўлгани етмаганидек, бошқаларни масжидга кириб ибодат қилишдан ман этиш ундан ҳам катта зулм. Масжидларни бузиш, уларни хароб қилиш зулм устига зулмдир.

Бундай чексиз зулму ситамларни мусулмонлар тарих давомида жуда кўп тортдилар. Энг кейинги даврда худосиз жаллодлар дунёда ҳеч ким қилмаган гуноҳни қилиб, куфр асосида давлат қуриб, динни «афюн» деб эълон қилганлари етмаганидек, бутун халқни — етти пуштидан буён мусулмон бўлиб келаётган халқни Аллоҳнинг масжидларида ибодат қилишдан тўсдилар. Ибодат қилганлари, Аллоҳнинг китобини ўрганганлари учун қийнаб ўлдирдилар, қувғин қилдилар, тўлаб бўлмайдиган солиқлар солдилар.

Мазкур худосиз кофирлар ўн минглаб масжидларни, ояти карима таъбири билан айтганда, «Аллоҳнинг масжидларини» буздилар, хароб қилдилар. «Хароб» сўзи бузишдан кўра умумийроқ маънони беради. Масжидда намоз ўқилмаса ҳам унинг хароб бўлганидир. Худосиз кофирлар бузилмай қолган масжидларни шу йўл ила хароб этдилар. Ибодатхоналарни омборларга, турли куфр идораларига, ароқ сотадиган дўконларга, босқинчи кофирларнинг яшаш жойларига, ҳатто чўчқахоналарга айлантирдилар. Самар-қанд ва Бухорога ўхшаш қадимий шаҳарлардаги масжидлар ҳожатхоналарга айлантирилди. Инсоният ўзининг узун тарихида кўпгина қийинчиликларни бошидан ўтказган, аммо бунга ўхшаш ваҳшийликни кўрмаган!

Ўша кофирлар, динсизлар ҳам одам эдилар, улар ҳам Худонинг бандаси эди. Уларнинг ҳам ақли бор эди.

**«Ана ўшалар у жойларга фақат қўрққан ҳолларидагина киришлари керак эди-ку!»**

Тафаккур қилиб ўйласа, бандаликни бўйнига олиб, одамларни ибодатдан тўсиш ўрнига ўзлари ҳам уларга қўшилиб ибодат қилишлари лозим эди. Масжидларни бузиб хароб қилиш ўрнига уларга тавозуъ

билан, қўрққан ҳолларида кириб, Аллоҳнинг зикрини қилмоқликлар керак эди. Шу ғояда яратилган эди улар ҳам. Ҳа, шундай бўлиши керак эди. Аммо тескари бўлди, улар ўзлари ибодатга кирмагани етмагандек, соф иймонли мўмин-мусулмонларнинг ўз Роббиларига ибодат қилишларини ҳам кўра олмадилар. Мўминларни Аллоҳнинг ибодатидан ман этиб, шайтоннинг ибодатига мажбур қилишди.

Мўмин-мусулмонлар ўз маблағлари, меҳнатлари, ҳунарлари билан Аллоҳ учун қурган масжидларини бузиб, омборхона, ароқхона, бузуқхона ва бошқа «...хона»ларга айлантирдилар. Шундай ишларни қилиб, энди ҳеч нарса бўлмагандай кетаверадиларми?! Йўқ! Аллоҳ таоло ушбу оятнинг ўзида уларнинг оқибати нима бўлишини айтиб қўйган:

**«Уларга бу дунёда хорлик бордир ва уларга охиратда улкан азоб бордир»**

Улуғ Аллоҳнинг сўзи ростдир. Дарҳақиқат, тарих гувоҳдирки, масжид бузганлар, одамларни ибодатдан ман қилганлар бу дунёда ҳам ҳаловат топмаганлар, сўнг хор бўлиб ўлганлар. Ундайларни яқин ўтмишимиздан кишилар номма-ном билишади. Ҳолбуки, бу дунёдаги қийинчиликлар қиёматда тортадиган азоблар олдида ҳеч нарса эмас.

Кофирлар доимо қўлларидан келган ёмонликларни қилаверадилар. Улар масжидларда Аллоҳнинг исмини зикр қилишдан одамларни қайтариб, Аллоҳнинг масжидларини хароб этишга ҳаракат қилишади. Аммо шундай жабру зулмга қарамай, мусулмонларнинг Аллоҳга ибодат қилишга имконлари бор. Чунки,

وَلِلَّهِ الْمَشْرِقُ وَالْمَغْرِبُ فَأَيْنَمَا تُولُوْا فَوَجْهُ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ وَسِعَ عَلَيْهِ

**115. Машриқу мағриб Аллоҳникидир, қаёққа қарасангиз, Аллоҳнинг юзи бор. Албатта, Аллоҳ кенг қамровли, билувчи Зотдир.**

Бутун ер юзи – мағрибу машриқ мусулмонлар учун масжид қилинган. Чунки ер юзи Аллоҳ таолоники. Унга ибодат қилмоқчи бўлган одам ҳар жойда қилаверса бўлаверади.

Кофирлар масжидга киришни ман қилса ёки уни бузиб юборса, Аллоҳга ибодат қилиш имкони тугаб қолмайди. Қайси жойда ибодат қилсангиз ҳам, Аллоҳ - Ҳозир, ибодатни қабул қилувчи Унинг Ўзи. У раҳмати-қамрови кенг, ҳамма нарсани билувчи зотдир, бандаларининг барча ишларини қамраб олади ва билиб туради.

Ушбудан маълум бўладики, ҳукумат масжидни ёпиб қўйди, ибодатни ман қилди, деган баҳона ила ибодатсиз юрмоқчи бўлганлар мутлақо нотўғри иш қиладилар.

Барча тоифа кофирларга эргашмасликка амрнинг сабабларидан яна бири қуйидаги оятда баён қилинади:

وَقَالُوا اتَّخَذَ اللَّهُ وَلَدًا سُبْحٰنَهُۥٓ بَلْ لَّهُ مَا فِي السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِ كُلُّ لَّهُ قٰنُوْنٌ  
 بَدِيْعُ السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِ وَاِذَا قُضِيَ اَمْرٌ اَفَا نَمٰيْقُوْلُ لَّهُ كُنْ فَيَكُوْنُ

**116. Улар: «Аллоҳ фарзанд тутди», дерлар. У покдир. Албатта осмонлару ердаги барча нарсалар Уникидир. Ҳамма Унга бўйсунувчидир.**

**117. У осмонлару ерни пайдо қилувчидир. Бирор ишни қилмоқчи бўлганида, унга: «Бўл!» деса, бўлаверади.**

Кофирларнинг Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога нисбатан қилган энг катта беодобликлари, тухматлари шуки –

**«Улар: «Аллоҳ Ўзига фарзанд тутди», дерлар».**

Аллоҳ таолонинг Ўзи бу тухматни ҳадиси қудсийларидан бирида «сўкиш» деб баҳолаган.

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом:

«Аллоҳ таоло, одам боласи мени ёлғончи қилди, шуни қилмаса бўларди. Одам боласи мени сўқди, шуни қилмаса бўларди. Мени ёлғончи қилгани – уни қандай бўлса шундай қилиб қайта тирилтира олмайди, деб ўйлайди. Мени сўқгани – боласи бор, дейиши. Мен хотин ёки бола олишдан покдирман, деб айтди», деганлар.

Кофирлар ушбу ояти каримада келганидек, «Аллоҳ ўзига фарзанд тутди», дейдилар.

Бу оятлар тушаётган пайтда мусулмонлар билан юзма-юз тўқнашиб турган уч тоифа кофирларнинг барчаси ҳам улкан жиноятга бориб, Аллоҳга тухмат қилишарди: Яҳудийлар:

«Узайр - Аллоҳнинг ўғли», дейишарди; Насоролар:

«Ийсо Масих - Аллоҳнинг ўғли», дейишарди; кофирларнинг учинчи гуруҳи бўлмиш мушриклар:

«Фаришталар - Аллоҳнинг қизлари», дейишарди.

Ҳозирги замон мусулмон уламоларидан шайх Абул Ҳасан Надавий ҳазратлари бу ояти кариманинг улкан мўъжизаси ҳақида қуйидаги маънони ёзганлар. Оятда: «Улар: «Аллоҳ Ўзига фарзанд тутди», дерлар», дейиляпти. Бу жумладан Аллоҳнинг насли бор, яъни, ундан фарзанд туғилди, деган маъно келиб чиқмайди. Ўзидан туғилмаган шахсни асранди фарзанд қилиб олди, деган маъно чиқади.

Тарихни яхшироқ ўрганиб кўрилса, диний маҳзабларга чуқурроқ назар солинса, насоро мазҳабларидан баъзилари: «Ийсо Аллоҳнинг тутинган, асранди ўғли», деб эътиқод қилишар экан. Қуръони Карим илоҳий китоб бўлмаганида, бу нозик тарафларни ким биларди?!

Кофирларнинг бу бўхтонига қарши оятнинг давомида ва кейинги оятда Аллоҳ таоло бешта раддия билан жавоб қилмоқда:

**«У покдир. Балки осмонлару ердаги барча нарсалар Уникидир. Ҳамма Унга бўйсунувчидир. У осмонлару ерни пайдо қилувчидир. Бирор ишни қилмоқчи бўлганида, унга: «Бўл!» деса, бўлаверадир».**

1. «Субҳонаҳу» сўзининг ўзи, Аллоҳ пок бўлди, юқори бўлди, уларнинг айтганлари бекор, деган маъноларни англатади. Шунинг учун ҳам, биз уни: «У пок бўлди», деб тушунсак ҳам бўлади.

2. **«Балки осмонлару ердаги барча нарсалар Уникидир».**

Яъни, ҳамма нарсага эга бўлиб турган зотнинг фарзандга ҳожати бўлармиди?

3. **«Ҳамма Унга бўйсунувчидир».**

Яъни, ҳамма Аллоҳнинг бандасидир, фарзанди эмас. Ҳамма Унга бўйсуниб турганда, Унинг фарзандга ҳожати қолармиди?!

4. **«У осмонлару ерни пайдо қилувчидир».**

Яъни, уларни йўқдан пайдо қилувчи Зот. Осмонлару ернинг нималигини инсон ҳалигача тўла англаб етгани йўқ. Аллоҳ эса, уларни йўқдан бор қилган. Шундай улуғ Зот, албатта, фарзандга ҳожатмандликдан пок ва юқоридир.

5. **«Бирор ишни қилмоқчи бўлганида, унга: «Бўл!» деса, бўлаверадир».**

Яъни, Аллоҳ фаришталарни яратишними, Узайр ё Ийсо алайҳиссаломларнинг дунёга келишлариними – нимани ирода қилса, «Бўл!» дейди. Ва айтганидай бўлади. Тамом. Бошқа гапга, ҳар хил тахмину бўхтонларга ҳожат йўқ.

Исломий тасаввурдан бошқа тасаввурлар ва фалсафаларнинг катта хатоси Холиқ (яратувчи) билан махлуқ (яратилмиш) орасидаги фарқни тушунмасликдадир. Ислом назарияси бўйича, махлуқлар тамом бошқа, Холиқ тамом бошқадир. Холиқнинг асло ўхшаши йўқ, Уни тасаввурга сиғдириб ҳам бўлмайди, махлуққа қиёсан таърифланмайди ҳам. Яъни, Аллоҳнинг хотини ҳам, фарзанди ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ҳозирги кунда «Аллоҳнинг фарзанди бор» деган эътиқодга асосланувчи динга ишонувчилардан кўплари динларини тарк этмоқда. Баъзи мазҳабларнинг бошлиқлари бу эътиқоддан воз кечишни таклиф этмоқдалар.

Кофирларга эргашмасликнинг сабабларидан яна бирини қуйидаги ояти каримадан билиб оламиз:

وَقَالَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ لَوْلَا يُكَلِّمُنَا اللَّهُ أَوْ تَأْتِينَا آيَةٌ كَذَلِكَ قَالَ الَّذِينَ  
 مِنْ قَبْلِهِمْ مِثْلَ قَوْلِهِمْ تَشَبَهتْ قُلُوبُهُمْ قَدْ بَيَّنَّا الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يُوقِنُونَ ﴿١١٨﴾

**118. Билмайдиган кимсалар:** «Аллоҳ биз билан гаплашса эди ёки мўъжиза келса эди», дейишди. Улардан олдингилар ҳам уларнинг сўзига ўхшаш гапирган эдилар. Қалблари ўхшаш бўлди. Батаҳқиқ, Биз яхши билувчи қавмларга мўъжизаларни баён қилганмиз.

Ояти карима тушаётган даврда мушриклар шундай дейишган бўлса, улардан олдин яҳудийлар ҳам шунга ўхшаш гапларни ўз Пайғамбарларига айтганлар. Жумладан, Мусо алайҳиссаломга: «Аллоҳни кўзимизга кўрсат», дейишган. Турли-туман мўъжизалар кўрсатишни талаб қилишган.

Ҳозирги куннинг кофирлари ҳам кўпинча мана шунақа талаблар қўйишади. Қайси замон кофирлари бўлишидан қатъиназар, уларнинг қалблари ўхшаш, шунинг учун ҳамиша улардан ўхшаш гаплар чиқади.

Аслини олганда эса, Аллоҳ таоло илми, инсофли, идрокли одам учун ҳар қадамда мўъжизаларини баён қилиб қўйган.

Ўтган оятларда Аллоҳ кофирларнинг нотўғри гаплари ва ишларини, уларнинг яширин ва ошкора душманликларини, бундай кишиларнинг иймонга келишидан умид йўқлигини баён қилди, энди бевосита Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб қилиб, у кишининг вазифаси чегараларини, яҳудий ва насоролар билан бўладиган кураш ҳақиқатини тушунтиради:

إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ بِالْحَقِّ بَشِيرًا وَنَذِيرًا وَلَا تُسْئَلُ عَنْ أَصْحَابِ الْجَحِيمِ ﴿١١٩﴾

**119. Албатта, Биз сени ҳақ билан суюнчли хабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Ва дўзахийлар ҳақида сўрал-массан.**

Аллоҳ таоло ушбу оятда бир неча масалаларни баён қилмоқда:

1. Бир Пайғамбар келган, унинг вазифаси — мўмин-мусулмонларга суюнчли хабар бериш, кофир-фосиқларни дўзах азобидан огоҳлантириш. У зот — Муҳаммад алайҳиссаломдирлар.

2. У Пайғамбарни Аллоҳ таолонинг Ўзи юборган.

Мукофот ёки жазони Аллоҳнинг Ўзи беради.

Муҳаммад алайҳиссалом кофирларнинг куфрига жавобгар эмаслар, уларнинг қилмишларидан сўралмайдилар.

Демак, Пайғамбар алайҳиссалом ҳақ билан келганлар, бошқа гапга ўрин йўқ. Аввалги оятларда зикр қилинган шак-шубҳага, мўъжиза талаб қилишларга ҳам ўрин йўқ. Гапни кесиб гапирганда, шундан бошқа гап йўқ. Ҳақ билан келган Пайғамбар алайҳиссаломнинг вазифалари — яхши амал қилган мўминларга Аллоҳ томонидан бўладиган савоб, юқори даража ва жаннати наъиймнинг башоратини, суюнчли хабарини бериш ва кофирларни, гуноҳкорларни азобуқубатдан ва дўзахдан огоҳлантириш. Шундан кўриниб турибдики, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Пайғамбарликлари тузатувчи, тўғриловчи Пайғамбарликдир.

Оятда: «**Ва дўзахийлар ҳақида сўралмассан**», дейилишига кўра, Пайғамбар алайҳиссаломнинг даъвату огоҳлантиришларидан кейин ҳам кофир ҳолида қолганлар дўзахга тушадилар; улар нимага иймонга келмадилар, деб Пайғамбардан сўралмайди. Ҳар бир кофир ўзи учун жавоб бераверади.

Модомики, мусулмонлар ҳақда эканлар, уни маҳкам тутиб, олға қадам ташламоқлари лозим. Бошқаларнинг гап-сўзларига эътибор бермаслик керак, чунки уларнинг нияти бузук:

وَلَنْ تَرْضَىٰ عَنْكَ الْيَهُودُ وَلَا النَّصَارَىٰ حَتَّىٰ تَتَّبِعَ مِلَّتَهُمْ قُلْ إِنَّ هُدَىٰ اللَّهِ هُوَ الْهُدَىٰ وَلَئِنَّ

أَتَّبَعْتَ أَهْوَاءَهُمْ بَعْدَ الَّذِي جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ مَا لَكَ مِنَ اللَّهِ مِنْ وِليٍّ وَلَا نَصِيرٍ ﴿١٢٠﴾

**120. Сендан яҳудийлар ҳам, насронийлар ҳам уларнинг миллатига эргашмагунингча ҳеч-ҳеч рози бўлмаслар. «Албатта, Аллоҳнинг ҳидояти ҳақиқий ҳидоятдир», деб айт. Агар сенга келган илмдан кейин ҳам уларнинг ҳавои нафсларига эргашсанг, сени Аллоҳдан (қутқарувчи) дўст ҳам, ёрдамчи ҳам йўқдир.**

Сураи кариманинг аввалидан бери келаётган оятлардан ҳам, ҳаётий тажрибалардан ҳам маълумки, кофирлар мусулмонларни ўз ҳолларига қўймайдилар. Улар Исломга қарши турли жабҳаларда душманлик ишларини тинимсиз олиб борадилар. Табиийки, ҳадеб тўхтовсиз душманлик одамнинг жонига тегади. Охири, нима қилсам рози бўласан, деб юбориш ҳам мумкин. Ушбу ояти карима уқдирмоқдаки,

**«Сендан яҳудийлар ҳам, насронийлар ҳам уларнинг миллатига эргашмагунингча ҳеч-ҳеч рози бўлмаслар».**

Яъни, яҳудий ва насронийларни рози қиламан деб, овора бўлма, қачонки уларнинг миллатига — динига эргашсанггина, сендан рози бўлишади. Бошқа ҳолда уларга ҳеч қачон ёқмайсан.

Тарихда ҳам, ҳозирда ҳам яҳудийлар ва насронийлар бир-бирлари билан тортишиб, келишмай юрадилар. Аммо мусулмонларга қарши бир жабҳа бўлиб олишади. Уларни Исломдан чиқаришга уринишади. Мусулмонлар баъзан уларнинг розилигини топамиз деб, турли мурасага ҳам боришади. Кошки фойда берса. Чунки яҳудий ва насронийларнинг олий мақсадлари муросасозлик эмас. Бу муаммони ҳал этишнинг йўли битта — уни Аллоҳ кўрсатяпти:

**«Албатта, Аллоҳнинг ҳидояти ҳақиқий ҳидоятдир, деб айт»**, деб ўргатяпти У Зот Ўз Пайғамбарига. Қисқа ва аниқ: Аллоҳнинг ҳидояти — ҳақиқий ҳидоятдир. Бошқа ҳеч қандай ҳидоят бўлиши мумкин эмас. Гап тамом. Фикрни бошқа ёққа бурмаслик керак. Бошқа тарафнинг розилигини топишга ҳаракат қилишга ҳожат йўқ. Шунингдек, муросасозликка ҳам ҳеч қандай ўрин йўқ. Чунки муросасозликнинг — бошқаларнинг розилигини топишга уринишнинг охири ҳалокат билан тугайди:

**«Агар сенга келган илмдан кейин ҳам уларнинг ҳавои нафсларига эргашсанг, сени Аллоҳдан (қутқарувчи) дўст ҳам, ёрдамчи ҳам йўқдир».**

Мусулмонларга Аллоҳ томонидан берилган илм, Қуръон, ҳақиқий ҳидоят бўлса-ю, улар бошқаларнинг розилигини топиш учун ўшаларнинг ҳавои нафсларига эргашсалар... Бундан катта хато ва зулм борми?!

Ҳавои нафсига берилганларнинг ҳамда уларга эргашганларнинг оқибати ёмонлигини кўрдик. Хўш, энди нима қилиш керак? Кимлар иймон йўлидан юриши мумкин? Куфр келтирганларга нима бўлади? Бу саволларга жавоб кейинги оятда келмоқда:

الَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ يَتْلُونَهُ حَقَّ تِلَاوَتِهِ ۗ أُولَٰئِكَ يُؤْمِنُونَ بِهِ ۗ وَمَنْ يَكْفُرْ بِهِ ۗ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْخٰسِرُونَ ﴿١٢١﴾

**121. Биз китоб берганлардан уни ўрнига қўйиб тиловат қиладиганлари, ана ўшалари унга иймон келтирадир. Ким унга куфр келтирса, ана ўшалар ўзлари ютқазганлардир.**

Агар яҳудийлар ҳақиқий Тавротни инсоф билан, ўрнига қўйиб ўқисалар, Муҳаммад алайҳиссаломга иймон келтириш зарурлигини тушуниб етадилар. Насронийлар ҳам Инжилни бузмасдан, инсоф

билан, ўрнига қўйиб ўқисалар, Муҳаммад алайҳиссаломга иймон келтириш зарурлигини англаб етадилар. Кимки Қуръони Каримни инсоф билан, ўрнига қўйиб ўқиса, унга иймон келтириш зарурлигини тушуниб етади. Бу улкан ҳақиқатни ушбу ояти кариманинг биринчи жумласидан тушуниб оламиз.

**«Биз китоб берганлардан уни ўрнига қўйиб тиловат қиладиганлари, ана ўшалари унга иймон келтирадир.»**

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу «ўрнига қўйиб тиловат қилиш»ни: «Ҳалол деганини ҳалол билиб, ҳаром деганини ҳаром билиш; Аллоҳ қандай туширган бўлса, шундай ҳолда ўқиш, маъноларини бузмаслик, ўзича нотўғри таъвийл қилмаслик», деб таъвийл қилганлар.

Шу ва шунга ўхшаш шартларга амал қилиб, инсоф билан тиловат этганлар иймонга келиб, икки дунё саодатига эга бўладилар. Кимки кофир бўлса, икки дунёда ютқазади.

**«Ким унга куфр келтирса, ана ўшалар ўзлари ютқазганлардир.»**

Аллоҳ таолонинг китобига куфр келтирганлар ютқазмасалар, ким ютқазар эди.

Эндиги оятларда суранинг бошида Бани Исроилга келган нидо охирги марта яна бир бор уларнинг эсларига солинади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اذْكُرُوْا نِعْمَتِيْ الَّتِيْ اَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَاِنِّيْ فَضَّلْتُكُمْ عَلٰى الْعٰلَمِيْنَ ﴿٦٢﴾

**122. Эй Бани Исроил, сизга берган неъматларимни ва Мен сизларни оламлардан афзал қилиб қўйганимни эсланг!**

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло Бани Исроилга аввалги оятларда қилган эслатмаларини умумлаштирмоқда. Юқорида ўтган оятларда, уни эсланг, буни эсланг, деб, ҳар оятда биттадан неъмат зикр қилинган эди. Энди эса:

**«Эй Бани Исроил, сизга берган неъматларимни... эсланг!»** деб ҳамма неъматларни бирдан эслатилмоқда. Шу билан бирга, Бани Исроилга яна алоҳида эътибор бўлганлигини ҳам эслатиб:

**«Мен сизларни оламлардан афзал қилиб қўйганимни эсланг!»** деб айтилмоқда.

Ушбу жумлада зикр қилинган, «Бани Исроилни оламлардан афзал қилиб қўйишлик» — ўша даврга хосдир. Яхудийларнинг ўзлари даъво қилганларидек, бу дунёю у дунёнинг абадий афзаллиги эмас. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло маълум муддат уларни оламлардан афзал қилиб қўйди. Лекин яхудийлар ўз нобакорликлари ила сийлашнинг



тенги эмасликларини кўрсатдилар ва Аллоҳ таолонинг лаънатига учрадилар.

Шундоқ бўлса ҳам, Аллоҳ таолонинг даргоҳи кенглигидан, яна бир бор уларни қиёмат кунидан қўрқишга, ўзларини ўнглаб олишга ундамоқда.

وَاتَّقُوا يَوْمًا لَا تَجْزِي نَفْسٌ عَنْ نَفْسٍ شَيْئًا وَلَا يُقْبَلُ مِنْهَا عَدْلٌ وَلَا تَنْفَعُهَا شَفَعَةٌ وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ ﴿١٢٣﴾

**123. Бир жон бошқа жондан ҳеч нарсани адо қила олмайдиган, ундан шафоат қабул қилинмайдиган, ундан тўлов олинмайдиган ва уларга ёрдам берилмайдиган Кундан қўрқинг!**

Сураининг аввалидан ушбу жойигача аҳли китоблар ва мушриклар билан тортишувлар ҳақидаги оятлар келди. Ҳар тоифа ўзининг ҳақлигини исбот қилишга уриниб кўрди. Деярли ҳаммалари ўзларини тўғри фаҳмлаб, бошқаларини камситишга уринди. Ҳаммаси ўзининг насл-насаби зўр эканлиги билан фахрланди. Уларнинг фахрланишларига тарихан қарайдиган бўлсак, ҳаммалари Аллоҳнинг буюк Пайғамбари Иброҳим алайҳиссалом насли эканлигидан, ҳаммалари у зотнинг динига мансублигидан ғурурланишлари кўрилади. Яҳудийлар Иброҳим алайҳиссаломнинг кичик ўғиллари Исҳоқ алайҳиссаломга авлод бўладилар. Аввалги барча Пайғамбарлар у кишининг наслдан. Бани Исроил шундан фахрланиб юради. Араб мушриклари эса, Иброҳим алайҳиссаломнинг катта ўғиллари Исмоил алайҳиссаломдан тарқалганлар. Улар Иброҳим алайҳиссалом Исмоил алайҳиссалом билан бирга қурган Байтуллоҳга эга эканликлари билан фахрланадилар. У зотга мансублиklarини ўзларига катта обрў деб биладилар. Демак, икки тараф ҳам Иброҳим алайҳиссаломни ўзининг катта бобоси ҳисоблайди. Ўзларини у кишининг давомчилари деб санайдилар. Хўш, ушбу даъволари тўғрими?! Ана ўша саволга жавоб кейинги оятларда келади.

Аввалги оятларда Аллоҳ таоло томонидан илоҳий кўрсатмани қабул қилиб олиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш орқали икки дунё бахт-саодатига эга бўлишлари кўзда тутилган мусулмонларга худди шунга ўхшаш кўрсатмаларни қабул қилиб олиб, уларга амал этмай, Аллоҳнинг лаънатига учраган яҳудийларнинг қиссаси ўрناк учун келтирилган эди. Эндиги оятларда Аллоҳдан келган ҳидоятни ёлғиз бир киши бўлса ҳам қандай маҳкам тутиши лозимлиги Иброҳим алайҳиссалом мисолларида кўрсатилади.

﴿وَإِذِ ابْتَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ رَبُّهُ بِكَلِمَاتٍ فَأَتَمَّهُنَّ قَالَ إِنِّي جَاعِلُكَ لِلنَّاسِ إِمَامًا قَالَ وَمِنْ ذُرِّيَّتِي  
 قَالَ لَا يَنَالُ عَهْدِي الظَّالِمِينَ﴾

**124. Иброҳимни Роббиси калималар ила синаб кўрганда, у уларни батамом адо этганини эсла! У зот: «Мен, албатта, сени одамларга имом қилмоқчиман» – деди. У: «Зурриётимдан ҳамми?» – деди. У зот: «Золимлар аҳдимга ҳеч қачон эриша олмаслар», – деди.**

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни синаган «калималар» ҳақида тафсирчиларимиз турлича фикрлар билдирганлар. Хулоса шуки, бу калималар буйруқ ва қайтариқлар мажмуасидир. Яъни, Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни бир қанча ишларга амрлар қилди ва бир қанчаларидан қайтарди. Иброҳим алайҳиссалом вафодор банд сифатида у калималарни кам-кўстсиз адо этдилар. Мукофот тариқасида Аллоҳ таоло у кишига:

**«Мен, албатта, сени одамларга имом қилмоқчиман»,** – деди. «Имом» сўзи пешво, олдиндаги, бошловчи шахс маъноларини билдиради. Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни одамларга пешво, бошлиқ, раҳнамо қилмоқчи эканини билдирди. Шу пайтда Иброҳим алайҳиссаломнинг инсонлик табиатлари ўзини кўрсатди: оддий бир инсон сифатида болалари, набиралари, зурриётларини ўйладиларда:

**«Зурриётимдан ҳамми?»** – дедилар. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бу саволга бевосита жавоб бермади, балки умумий қоидани айтди:

**«Золимлар аҳдимга ҳеч қачон эриша олмайдилар», – деди».**

«Золимлар» кимлар?

Зулм, золимлик турлича бўлади. Куфр, ширк ва гуноҳ ишлар қилиш билан, диний кўрсатмалардан чиқиш билан ўзига ўзи зулм қилиш ҳам золимлик, ўзга кишиларга нисбатан адолатсиз муносабатда бўлиб зулм қилиш ҳам золимликдир.

Жумладаги «аҳд» сўзи имомликка ваъда маъносида келяпти. Имомлик эса, намоздаги имомликдан тортиб, то Ислом юрти раҳбарлигигача бўлган масъулиятли ишдир. Шундан келиб чиқилса, дин нуқтаи назаридан, золимлар мусулмонларга пешволикка лойиқ эмаслар. Бу ишда наслу насаб, молу дунё ёки бошқа дунёвий сабаблар эътиборга олинмайди. Ислом ўлчовига кўра, яъни, илоҳий ўлчов бўйича, фақат иймон, тақво, амали солиҳларгина эътиборлидир. Иброҳим алайҳиссаломдек улуғ Пайғамбарнинг зурриётларига ҳам насл-насаблари фойда бермас экан, бошқаларга йўл бўлсин.

Иброҳим алайҳиссаломга ва у кишининг солиҳ амалли зурриётларига имомлик ваъда қилинган оятдан кейин, имомликнинг қўри-нишларидан бири ҳақида — Байтуллоҳ ва унга тегишли ишлар тўғрисидаги оятлар келади:

وَإِذْ جَعَلْنَا الْبَيْتَ مَثَابَةً لِّلنَّاسِ وَأَمْنًا وَاتَّخِذُوا مِن مَّقَامِ إِبْرَاهِيمَ مُصَلًّى وَعَهِدْنَا إِلَىٰ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ أَن طَهِّرَا بَيْتِيَ لِلطَّائِفِينَ وَالْعَاكِفِينَ وَالرُّكَّعِ السُّجُودِ ﴿١٢٥﴾

**125. «Уй»ни одамлар учун масаба ва омонлик жойи қилганимизни эсла. Ва Иброҳимнинг мақомини намозгоҳ тутинг. Ва Иброҳим ва Исмоилга: «Уйимни тавоф қилувчилар, муқим турувчилар, рукуъ ва сажда қилувчилар учун поклаб қўйинглар», деб амр қилдик.**

Оятдаги «масаба» сўзи Қуръони Каримнинг мўъжизалигига, ҳамда араб тилининг бойлигига далолат қилади. Тилимиздан бу сўзнинг айнан маъносини бера оладиган сўзни топа олмай, ўзини ёзиб қўйдик. Масаба — одамлар қайта-қайта келиб тўймайдиган жой, деганидир. Каъбатуллоҳга неча бор келса ҳам, одам ҳар гал тўймай қолавериши, яна келгиси келаверишининг боиси ҳам шу ояти карима шарофати билан бўлса керак.

**«Уй»ни одамлар учун масаба ва омонлик жойи қилганимизни эсла».**

Аллоҳ бу ерни омонлик юрти ҳам қилиб қўйган, ким бу ерга келса, омон бўлади. Ҳанафий мазҳаби уламолари: «Жиноятчи Байтуллоҳга кириб олса, уни тутиб жазолаб бўлмайди», дейишган.

Маълумки, араб мушриклари ҳам, биз Иброҳим алайҳиссаломнинг набираларимиз, деб фахрланишар эди. Хўш, улар бу муқаддас даргоҳнинг ҳурматини жойига қўйдиларми? Йўқ, улар Исломга қарши турдилар, мусулмонларни ҳайдаб чиқардилар, омонлик йўригини оёқости қилиб, уларни хавф-хатар остига қўйдилар, кўпларини ўлдирдилар ёки ўлдирмоқчи бўлдилар.

**«Ва Иброҳимнинг мақомини намозгоҳ тутинг.»**

Иброҳим алайҳиссаломга келинлари — Исмоил алайҳиссаломнинг хотинлари, Байтуллоҳни қуришда иштирок эта туриб, бир тош узатган эдилар, у киши ўша тош устида туриб Каъбатуллоҳни қурганлар. Шунда ўша тошга оёқ излари тушиб қолган. Шу тош ҳозирда ҳам мавжуд. «Мақоми Иброҳим» шу тош ва унинг атрофидир. Ривоятларда келишича, Иброҳим алайҳиссалом Байтуллоҳни қуриб бўлганларидан сўнг, ўша ерда намоз ўқиганлар. Мусулмонларга Аллоҳ

таоло ўша жойни намозгоҳ қилиб олишни буюрмоқда. Шунга бинноан, тавофдан кейин ҳамиша ўша ерда икки ракъат намоз ўқилади.

Имом Муслим ибн Ҳажжож раҳматуллоҳи алайҳи Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки:

«Расулуллоҳ алайҳиссалом Ҳажарул Асвадни истилом қилиб, уч марта тез (паҳлавон юриш билан) ва тўрт марта оддий юриш билан тавоф қилдилар. Сўнгра, мақоми Иброҳимга ўтиб, «Ваттахизуу мим-мақоми Иброҳима мусалло»ни ўқидилар ва у жойни ўзлари билан Каъбанинг орасида қолдириб намоз ўқидилар».

Иброҳим алаҳиссаломнинг набирасиман, деяётган мушриклар Байтуллоҳга буту санамларини ўрнатиб, уларга чўқинар эдилар. Аллоҳ таоло эса:

**«Ва Иброҳим ва Исмоилга: «Уйимни тавоф қилувчилар, муқим турувчилар, рукуъ ва сажда қилувчилар учун поклаб қўйинглар», деб амр қилдик»,** демоқда.

Яъни, Байтуллоҳни атрофдан келиб тавоф қилувчилар, муқим турувчилар, рукуъ ва сажда қилувчилар учун поклаб қўйишни буюрган эдик, демоқда. Бу эслатма араб мушрикларининг бундай муқаддас байтни маънавий нажас бўлмиш уч юз олтишдан ортиқ бут билан, ширк ақийдаси билан ифлос қилганликлари нақадар ёмон иш эканини кўрсатади.

Яна Иброҳим алайҳиссалом ва Байтуллоҳ ҳақидаги сўз давом этади.

وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّ اجْعَلْ هَذَا بَلَدًا آمِنًا وَارْزُقْ أَهْلَهُ مِنَ الثَّمَرَاتِ مَنْ آمَنَ مِنْهُمْ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ قَالَ وَمَنْ كَفَرَ فَأُمْتِعْهُ قَلِيلًا ثُمَّ أَضْطَرُّهُ إِلَىٰ عَذَابِ النَّارِ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ ﴿١٢٦﴾

**126. Иброҳимнинг: «Роббим, буни омонлик юрти қилгин ва аҳлидан Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирганларини мевалар ила ризқлантиргин»,** деганини эсла. У: **«Ким куфр келтирса, озгина ҳузур бахш этаман, сўнгра дўзах азобига мажбур қиламан ва у қандай ҳам ёмон жой!»** – деди.

Ушбу оятда иккинчи марта, энди Иброҳим алайҳиссалом тилларидан, Байтуллоҳнинг омонлик маскани бўлиши хабари келяпти. Аммо, одобли, сермулоҳаза Пайғамбар Иброҳим алайҳиссалом аввалги дарсдан сабоқ олиб, Аллоҳнинг мукофотини бу гал ҳаммага эмас, балки мўминларгагина сўрамоқдалар.

**«Роббим, буни омонлик юрти қилгин ва аҳлидан Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирганларини мевалар ила ризқлантиргин»,** демоқдалар.

Аллоҳ таоло эса, бундай масалаларга оид асосий қонидани эслатиб қўймоқда. Асосий қонидани эса, ўзгармасдир:

«У: «Ким куфр келтирса, озгина ҳузур бахш этаман, сўнгра, дўзах азобига мажбур қиламан ва у қандай ҳам ёмон жой!» – деди».

«Озгина ҳузур» кофирлар учун бу дунёда бериладиган зоҳирий ҳузурдир. Сўнгра эса, охирада уларни дўзах азоби кутади.

وَإِذْ يَرْفَعُ إِبْرَاهِيمُ الْقَوَاعِدَ مِنَ الْبَيْتِ وَإِسْمَاعِيلُ رَبَّنَا تَقَبَّلْ مِنَّا إِنَّكَ أَنْتَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴿١٢٧﴾ رَبَّنَا وَاجْعَلْنَا مُسْلِمِينَ لَكَ وَمَنْ ذُرِّيَّتَنَا أُمَّةً مُسْلِمَةً لَكَ وَأَرِنَا مَنَاسِكَنَا وَتُبْ عَلَيْنَا إِنَّكَ أَنْتَ التَّوَّابُ الرَّحِيمُ ﴿١٢٨﴾ رَبَّنَا وَابْعَثْ فِيهِمْ رَسُولًا مِّنْهُمْ يَتْلُو عَلَيْهِمْ آيَاتِكَ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَيُزَكِّيهِمْ إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿١٢٩﴾

127. Иброҳим билан Исмоил «Эй Роббимиз, биздан қабул эт, албатта, Сенинг Ўзинг эшитувчи, билувчи Зотсан», деб байтнинг пойдеворларини кўтараётганини эсла.

128. «Роббимиз, икковимизни Ўзингга мусулмон бўлганлардан қил ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга мусулмон уммат қил, бизга ибодатларимизни кўрсат, тавбамизни қабул эт. Албатта, Сенинг Ўзинг тавбаларни кўплаб қабул этувчи, раҳимли Зотсан.»

129. «Роббимиз, уларга ўзларининг ичидан уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, китобни ва ҳикматни ўргатадиган, уларни поклайдиган Пайғамбар юбор. Албатта, Сенинг Ўзинг азиз ва ҳикматли зотсан.»

Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилган узун қиссада, жумладан, шу иборалар ҳам бор:

«Иброҳим: «Эй Исмоил, Аллоҳ менга бир иш буюрди», – деди.

Исмоил: «Роббингиз буюрган ишни адо этинг», – деди.

У: «Сен ёрдам берасанми?» – деди.

Исмоил: «Ёрдам бераман», – деди.

Иброҳим: «Аллоҳ менга мана шу ерга уй қуришни буюрди», – деб кичик тепалик ва унинг атрофини кўрсатди. Ана ўшанда Байтуллоҳнинг пойдеворини кўтара бошладилар. Ўғил тош таширдилар, ота қураддилар».

Юқоридаги оятлар Байтуллоҳнинг қурилиш жараёнини жонлантириб, кўз олдимизга олиб келади.

Ота-бола Пайғамбарлар Аллоҳ таолонинг амрига бўйсуниб, дарҳол иш бошладилар. Қалблари тўла тақво ила:

**«Эй Роббимиз, биздан қабул эт, албатта, Сенинг Ўзинг эшитувчи, билувчи Зотсан»,** деб илтижо айлаб, дуо қилдилар.

Бу жуда улкан мақомдир. Салафи солиҳлардан Вухайб ибн ал-Вард раҳматуллоҳи алайҳи ушбу оятни ўқиганларида йиғлаб туриб:

«Эй Роҳманнинг халили! Роҳманнинг байтининг пойдеворларини кўтариб турибсан-у, яна қабул бўлмай қолармикан, деб қўрқяпсанми?!» — деган эканлар. Улкан қалблар, етишган шахслар ана шундай ҳассос бўладилар.

Иброҳим ва Исмоил алайҳимассалом Байтуллоҳни қурар эканлар, фурсатни қулай билиб, кўнгилларидаги бошқа дуоларни ҳам қилиб олдилар:

**«Роббимиз, икковимизни сенга мусулмон бўлганлардан қил...»**

Ўзлари мусулмон бўла туриб, яна шу дуони қиляптилар. Ҳидоятда бардавом бўлиш учун Аллоҳдан ёрдам умиди. Бутун борлиғи ила Аллоҳга таслим бўлишдан ажрамаслик умиди. Ва улар, шу билан бирга, ўзларига насиб бўлган иймон неъматидан зурриётлари ҳам баҳраманд бўлишини тиламоқдалар:

**«ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга мусулмон уммат қил»,** демоқдалар.

Ақийда иши муҳим иш, у мўмин инсон учун энг аҳамиятли масаладир. Шунинг учун, аввалги оятларда аҳли ҳарамга ризқ сўраган ота-бола Пайғамбарлар энди зурриётларига Аллоҳдан иймон-ислом сўрамоқдалар.

Улар яна Аллоҳдан:

**«Бизга ибодатларимизни кўрсат, тавбамизни қабул эт»,** деб сўраяптилар.

Биз «ибодатларимизни» деб таржима қилган сўз арабчада «манасикана» дейилган. «Маносик» сўзи аслида ибодат маъносини англатса ҳам, урфда ҳаж ибодатлари маъносида ишлатилади. Шунинг учун, бу дуода, мана, Сенинг уйингни қуряпмиз, энди уни ҳаж қилишни ҳам Ўзинг ўргат, деган маъно бўлади. Дуонинг охирида Аллоҳнинг уларни умидвор қилган сифатлари ҳам қўшиб айтиляпти:

**«Албатта, Сенинг Ўзинг тавбаларни кўплаб қабул этувчи, раҳимли Зотсан».**

Учинчи оятда Иброҳим ва Исмоил алайҳимассалом Аллоҳ таоло томонидан катта неъмат— зурриётларига ўз ичларидан Пайғамбар юборишини сўрамоқдалар.

**«Роббимиз, уларга ўзларининг ичидан уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, китобни ва ҳикматни ўргатадиган, уларни поклайдиган Пайғамбар юбор».**

Ўша Пайғамбар уларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб беради. Китобни, яъни, Аллоҳнинг китобини ўргатади. Ўқишни, маъноларини, унга амал қилишни ва унга тааллуқли бошқа нарсаларни ўргатади. Ҳикматни ҳам ўргатади. «Ҳикмат»нинг маъноси — ҳар бир нарсани ўз жойига қўйиш демақдир. Уламоларимиз «ҳикмат»дан мурод — Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатлари, деганлар. Мазкур Пайғамбарнинг вазифаларидан бири — уларни поклашдир. Яъни, ширк, куфр ва ёмон одатлардан поклашдир.

Аллоҳ таоло Иброҳим ва Исмоил алайҳимассаломнинг дуоларини кўп асрлардан сўнг истижобат қилиб, Муҳаммад алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юборди. У киши Иброҳим ва Исмоил алайҳимассаломнинг зурриётларидан бўлиб, дуодаги барча сифатлар у кишида мужассам.

Чин дилдан қилинган дуо, албатта, қабул бўлади. Лекин қабул қилувчи Зот қачон хоҳласа, ўшанда қабул қилади. Одамлар буну тушунмай шошилади, ноумид бўлади, холос. Хўш, ўзини Иброҳим алайҳиссаломнинг меросхўрлари деб фахрланиб юрган яҳудийлар, насронийлар ва араб мушриклари шунча гапдан кейин нима дейдилар?! Тўғри, ҳаммалари Иброҳим алайҳиссаломнинг зурриётларидирлар. Аммо Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари Исмоил алайҳиссалом билан бирга Байтуллоҳни қураётганларида, «Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирган» зурриётларигагина ризқ ва барака сўраб дуо қилдилар. Бошқаларга эмас. Улар яна:

«Икковимизни ўзингга мусулмон бўлганлардан қилгин», деб дуо қилдилар. Яҳудий ё насроний ёки мушрик қилгин, деб эмас. Улар:

«Зурриётимиздан ҳам ўзингга мусулмон уммат қилгин», деб дуо қилдилар. Бундан бошқага эмас. Улар бутун оламлар Роббидан илтижо ила сўраган Пайғамбар ҳам (Муҳаммад алайҳиссалом) келди. Энди у кишига иймон келтириш лозим. Булар ҳаммаси Иброҳим алайҳиссаломга эргашганларнинг энг бирламчи иши бўлиши лозим.

Чунки:

وَمَنْ يَرْتَبُّ عَنْ مِلَّةِ إِبْرَاهِيمَ إِلاَّ مَنْ سَفِهَ نَفْسَهُ وَلَقَدْ اصْطَفَيْنَاهُ فِي الدُّنْيَا وَإِنَّهُ فِي  
الْآخِرَةِ لَمِنَ الصَّالِحِينَ ﴿١٣٠﴾

**130. Ўзини эси паст санаганларгина Иброҳимнинг миллатидан юз ўгирур. Албатта, Биз уни бу дунёда танлаб олдик ва, албатта, у охиратда солиҳлардан бўлгай.**

Миллатнинг маъносидиндир. Ким ўзини аҳмоқ, эси паст санаса-

гина, Иброҳим алайҳиссаломнинг динидан юз ўгириб, бошқа тарафга қараб кетади. Чунки икки дунёнинг саодатини кўзлаган одам у кишига эргашиши керак эди. Яратувчи Зот Иброҳимни икки дунё саодатига мушарраф этган. Уни бу дунёда танлаб олиб, Пайғамбар қилди. Охиратда эса, у зот солиҳ, бахтиёрлардан бўлажак, унга эргашганлар ҳам, албатта, ушбу бахтларга муяссар бўлади.

Нима учун Иброҳим алайҳиссалом бундай улкан бахтга эришдилар?

إِذْ قَالَ لَهُ رَبُّهُ أَسْلِمَ قَالَ أَسْلَمْتُ لِرَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٣١﴾

**131. Чунки Робби унга: «Мусулмон бўл!» деганида, у: «Оламларнинг Роббига мусулмон бўлдим», – деди.**

Улуғ Роббидан нидо келганида, Иброҳим алайҳиссалом иккиланмадилар, ўйланиб турмадилар, балки дарҳол амрни қабул этдилар:

**«Оламларнинг Роббига мусулмон бўлдим», – деди».**

«Ислом» сўзида бўйсунуш, тоат, ихлос маънолари бор. Демак, Иброҳим алайҳиссаломнинг динлари, миллатлари – Ислом. Иброҳим алайҳиссалом ўзлари мусулмон бўлишлари билан кифояланиб қолмадилар, балки ушбу Ислом миллатини маҳкам тутишга васият қилдилар. Ўша васият кейинги оятда келади:

وَوَصَّى بِهَا إِبْرَاهِيمُ بَنِيهِ وَيَعْقُوبُ يٰبَنِيَّ إِنَّ اللَّهَ اصْطَفَىٰ لَكُمْ الدِّينَ فَلَا تَمُوتُنَّ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ ﴿١٣٢﴾

**132. Иброҳим ўша(миллат)ни болаларига васият қилди. Яъқуб ҳам: «Эй болаларим, албатта, Аллоҳ сизларга динни танлади, сизлар мусулмон бўлмасдан туриб ўлмасиз», – деди.**

Иброҳим алайҳиссалом ва у кишининг набиралари Яъқуб алайҳиссалом ҳам ўз фарзандларига васият қилиб:

**«Эй болаларим, албатта, Аллоҳ сизларга динни танлади», – дедилар.** Демак, бу дин – Аллоҳ ихтиёр қилган дин. Бошқа нарсага юз тутишга ўрин йўқ.

**«...сизлар мусулмон бўлмасдан туриб ўлмайсиз», – деди».**

Мусулмон бўлиб яшаб, мусулмон бўлиб ўлишга ҳаракат қилишдан бошқа йўл йўқ.

Иброҳим алайҳиссаломнинг меросхўримиз, деяётган араб мушриклари ва Яъқуб алайҳиссаломнинг фарзандлари – Бани Исроил нимага бошқа ёқда юрибдилар?!



أَمْ كُنْتُمْ شُهَدَاءَ إِذْ حَضَرَ يَعْقُوبَ الْمَوْتُ إِذْ قَالَ لِبَنِيهِ مَا تَعْبُدُونَ مِن بَعْدِي  
 قَالُوا نَعْبُدُ إِلَهَكَ وَاللَّهُ أَبَايَكَ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ إِلَهًا وَجِدًا وَنَحْنُ لَهُ  
 مُسْلِمُونَ ﴿١٣٣﴾

**133. Ёки Яъқубга ўлим ҳозир бўлиб, у ўз болаларига: «Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?» деганида, улар: «Сенинг Илоҳингга ва оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқларнинг Илоҳига, ёлғиз Илоҳга ибодат қиламиз ҳамда биз Унга мусулмон бўлувчимиз», деганларида гувоҳ бўлганмисиз?!**

Яъқуб алайҳиссаломга ўлим вақти етганда атрофларида видолашиш учун йиғилиб, жимгина бош эгиб турган авлодларига васият қилиб:

«Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?» – деб сўрадилар. Ўлимдан аввал у зотнинг фикрларини ишғол қилиб турган бирдан-бир ташвиш дину диёнат, ақийда ташвиши эди. Болаларини шунинг учун атрофларига тўпладилар. Ушбу масалада хотирларини жам қилиб кетмоқчи эдилар. Болаларининг ҳам жавоблари тайёр экан. Дарҳол:

**«улар: «Сенинг Илоҳингга ва оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқларнинг Илоҳига, ёлғиз Илоҳга ибодат қиламиз ҳамда биз Унга мусулмон бўлувчимиз», – дейишди.**

Исмоил алайҳиссалом Яъқуб алайҳиссаломга амаки бўлсалар ҳам, ота дейишди, чунки амаки ҳам гоҳида ота ўрнида ҳисобланади.

Улар, ёлғиз илоҳга ибодат қиламиз, дейишди. Бани Исроилга ўхшаб, «Узайр Аллоҳнинг ўғли», деб худога ширк келтирмадилар. Насронийларга ўхшаб, «Ийсо Аллоҳнинг ўғли» ёки «Аллоҳ учтанинг учинчиси», демадилар. Араб мушрикларига ўхшаб, Лот, Уззо ва бошқа бутларни Аллоҳга шерик қилишмади ёки «фаришталар Аллоҳнинг қизлари» демадилар. Ҳам бошқа динларни эмас, айнан Исломни айтдилар, биз Унга мусулмон бўлувчимиз, - дедилар.

تِلْكَ أُمَّةٌ قَدْ خَلَتْ لَهَا مَا كَسَبَتْ وَلكُمْ مَا كَسَبْتُمْ وَلَا تُسْأَلُونَ عَمَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٣٤﴾

**134. Улар бир уммат эди, ўтиб кетдилар. Уларга ўзлари касб қилганлари бўлади. Сизларга ўзингиз касб қилганингиз бўладир. Уларнинг қилган амалларидан сиз сўралмассиз.**

Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва уларга эргашганлар бир уммат эдилар. Умрларини яшаб ўтиб кетдилар. Тирикликларида нима амал

қилган бўлсалар, уларга ўша амаллари ҳисоб қилинади. Яхши амаллар бўлса, мукофотини, ёмон амаллар бўлса, жазосини оладилар.

Худди шунингдек, сизларга ҳам ўзингиз қилган амалларга қараб мукофот ёки жазо берилади. Улар қилган ишлардан сизлар сўралмайсизлар, ўзлари жавоб беради. Шунинг учун, бекорга тортишиб юрмай, вақтни ғанимат билиб, яхши амалли мўмин-мусулмонлар сафида бўлишга ҳаракат қилинглр.

Энди келадиган оятларда ўша вақтда яшаб турган аҳли китобларнинг баъзи даъволари рад этилади. Уларнинг барча ҳужжат ва далиллари пуч экани фош қилинади. Уларнинг саркашлиги ва Ислом ақийдасининг оддий ва табиий эканлиги баён этилади.

وَقَالُوا كُونُوا هُودًا أَوْ نَصَارَى تَهْتَدُوا قُلْ بَلْ مِلَّةَ إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ

**135. Улар: «Яҳудий ёки насроний бўлинг, ҳидоят топасиз», дерлар. «Балки, Иброҳимнинг ҳаниф миллатига (динига) эргашамиз ва у мушриклардан бўлмаган», деб айт.**

Яҳудий ва насронийларнинг гапи битта: униси: яҳудий бўлинг, ҳидоят топасиз, деса, буниси: насроний бўлинг, ҳидоят топасиз, дейди. Бунга жавобан эса, Аллоҳ Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга:

**«Балки, Иброҳимнинг ҳаниф миллатига (динига) эргашамиз ва у мушриклардан бўлмаган», деб айт», демоқда.**

Яъни, яхшиси ҳаммамиз – сизлар ҳам, биз ҳам Иброҳим алайҳиссаломнинг ҳаниф миллатига эргашайлик, дейишни буюрмоқда. «Ҳаниф» дегани, барча ботил динларни ташлаб ҳақ дин томон бурилишни англатади. Иброҳим алайҳиссаломнинг динлари ана шундай дин бўлган. Яҳудийлар ҳам, насронийлар ҳам ўзларини у зотнинг зурриётларидан, у кишига эргашганлардан эканликларини ҳаммага пеш қилишмоқда. Демак, даъволари ҳақ бўлса, ўша боболари Иброҳим алайҳиссаломнинг динига – ҳаниф дин бўлмиш Исломга эргашсинлар. Чунки, «У (яъни, Иброҳим алайҳиссалом) мушриклардан бўлмаган». Яҳудийлар эса, Узайр Аллоҳнинг ўғли, деб ширк келтиришмоқда. Насоролар эса, Ийсо Аллоҳнинг ўғли, деб ширк келтирмоқдалар.

Қуйидаги оятда Аллоҳ таоло Ислом умматига хитоб қилиб ушбуларни таъкидлайди: Аллоҳдан келган ҳамма динлар бирдир, Иброҳим алайҳиссаломдан бошлаб Ийсо алайҳиссаломгача ҳаммаларига ишониш лозим ва ҳамма мусулмон бўлиши шарт:

قُلُوبًا أَمْثَلًا بِاللَّهِ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْنَا وَمَا أُنزِلَ إِلَىٰ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ  
وَأَلْسَابَاطٍ وَمَا أَوْتِيَ مُوسَىٰ وَعِيسَىٰ وَمَا أُوتِيَ النَّبِيُّونَ مِن رَّبِّهِمْ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ

مِّنْهُمْ وَنَحْنُ لَهُ مُسْلِمُونَ ﴿١٣٦﴾

**136. Айтинглар:** «Аллоҳга ва бизга туширилган нарсага, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, асботларга туширилган нарсага, Мусо ва Ийсога берилган нарсага ва Пайғамбарларга Роббиларидан берилган нарсага иймон келтирдик. Уларнинг орасидан бирортасини фарқламасмиз ва биз Унга мусулмонлармиз».

Аллоҳ таоло мусулмонларга, Аллоҳга ва Қуръонга иймон келтирамиз, деб айтинглар, демоқда. Айни чоғда, Аллоҳ таоло томонидан бошқа Пайғамбарларга туширилган нарсаларга ҳам иймон келтирамиз, денглр. Жумладан, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб алайҳиссаломларга туширилган нарсаларга иймон келтирамиз. Бу рўйхатда асботлар ҳам саналган. «Асбот» сўзи «сибт»нинг кўплиги, «сибт» эса, набира маъносини билдиради.

Қуръони Каримда зикри келган «асботлар»дан мурод — Яъқуб алайҳиссаломнинг ўн икки нафар ўғлидан тарқалган зурриётлари. Демак, мусулмонлар уларнинг Пайғамбарликларига ҳам иймон келтиришлари лозим.

Улул-азм Пайғамбарлардан бўлган Мусо алайҳиссаломга тушган Тавротга, Ийсо алайҳиссаломга тушган Инжилга иймон келтириш лозим. Шунингдек, номлари зикр қилинмаган бошқа Пайғамбарларга туширилган нарсаларга иймон келтириш лозим. Мусулмонлар эълон қилиши лозим бўлган яна бир гап:

**«Уларнинг орасидан бирортасини фарқламасмиз»,** дейишдир. Яъни, ҳаммаларига баробар иймон келтирамиз, бирорталарини ажратмаймиз.

Пайғамбарларни бирдай кўриш, уларга бирдек иймон келтириш ва уларни тенг эъзозлаб, ҳурмат қилиш мусулмон умматининг асосий қоидасидир. Шунга кўра, бу уммат барча илоҳий шариатларнинг меросхўри бўлди. Чунки мазкур Пайғамбарларнинг барчасига тушган дин Ислом бўлган. Шунинг учун ҳам, бу уммат ҳамманинг олдида баралла қилиб: «Биз Унга (яъни, ягона Аллоҳга) мусулмонлармиз», деб эълон қила олади.

Мусулмон умматининг йўли ҳақ, бошқалар ҳам уларга ўхшасинлар. Бу улкан ҳақиқатни кейинги оят таъкидлайди:

فَإِنْ ءَامَنُوا بِمِثْلِ مَا ءَامَنْتُمْ بِهِ فَقَدْ ءَاهْتَدَوْا ۗ وَإِنْ تَوَلَّوْا فَإِنَّمَا هُمْ فِي شِقَاقٍ  
فَسَيَكْفِيكَهُمُ ٱللَّهُ وَهُوَ السَّمِيعُ ٱلْعَلِيمُ ﴿١٣٧﴾

**137. Агар сиз иймон келтирганга ўхшаш иймон келтирсалар, батаҳқиқ, ҳидоят топарлар. Ва агар юз ўгирсалар, бас, албатта, улар хилофдан бошқа нарсада бўлмаслар. Аллоҳ сенга улар (ёмонлиги)дан кифоя қилур. Ва У эшитувчи, билувчи Зотдир.**

Парвардигори Оламнинг Ўзи гувоҳлик бериб, ким мусулмонлар иймон келтирган нарсаларга иймон келтирса, ҳидоятда бўлишини, ким ундан юз ўгирса, ихтилофда, уруш-жанжалда, қийинчиликда бўлишини таъкидламоқда.

**«Агар сиз иймон келтирганга ўхшаш иймон келтирсалар, батаҳқиқ, ҳидоят топарлар. Ва агар юз ўгирсалар, бас, албатта, улар хилофдан бошқа нарсада бўлмаслар».**

Мўмин-мусулмон киши уларнинг ихтилофи, уруш-жанжалларига эътибор қилмасдан, ўзининг йўлида собитқадам бўлмоғи керак. Аллоҳ таоло уни кофирларнинг ёмонлигидан асрайди. Ўзи кифоя қилади.

**«Аллоҳ сенга улар(ёмонлиги)дан кифоя қилур. Ва У эшитувчи, билувчи Зотдир».**

Мўмин-мусулмон инсон ўз эътиқодида мустаҳкам турганидан, Аллоҳ юборган ҳаққа ноил бўлганидан фахрланмоғи, Аллоҳ мўмин бандаларига мувофиқ кўрган аломат ва белгилар ила ер юзида ажралиб юрмоғи лозим. Ахлоқининг гўзаллигини, амалларининг чиройлилигини кўрган кимса ҳайрат ичра ҳавас қилсин. «Ким экан бу одам?» деб сўраганида, «Кўрмаяпсанми, бу одам мусулмон-ку!» дейиладиган бўлсин.

صِبْغَةَ ٱللَّهِ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنْ ٱللَّهِ صِبْغَةً ۗ وَنَحْنُ لَهُ ٱعْبِدُونَ ﴿١٣٨﴾

**138. Аллоҳнинг бўёғини (лозим тутинг). Аллоҳнинг бўёғидан чиройлироқ бўёқ бергувчи ким бор?! Ва биз Унга ибодат қилувчилармиз.**

Ушбу оятдаги «бўёқ» калимаси рамзан динни англатади. Бирор нарсага чирой берилмоқчи бўлса, унга бўёқ суркалади. Инсонни гўзал қилиб кўрсатадиган нарса эса, диндир. Ҳақиқий диндор шахсда унинг аломатлари яққол кўзга ташланиб туради. Шу маънода, инсон агар гўзал бўлиш учун турли бўёқлардан — дин ва тузумлар-

дан бирини танлаши лозим бўлса, нимани танлаши керак? Албатта, ҳеч қандай гап-сўзсиз, Аллоҳнинг буёғини (динини) тутиши лозим. Чунки Аллоҳнинг буёғидан (динидан) ўзга чиройлироқ бўёқ йўқ!

Ояти карима охирида Аллоҳнинг сўзларига бевосита мўмин-мусулмон бандаларининг сўзлари улаб юбориляпти:

**«Ва биз Унга ибодат қилувчилармиз»,** деяпти мўминлар. Бу ҳол мусулмонлар учун улкан шарафдир. Аллоҳ таоло Ўзининг ўғитига мўмин-мусулмонларнинг эътирофларини бирга қўшиб баён қилмоқда.

Келаси оятда аввалги мавзу давом эттирилиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ғайридинларга айтишлари лозим бўлган гаплар ўргатилади.

قُلْ أَتَحَاجُّونَنَا فِي اللَّهِ وَهُوَ رَبُّنَا وَرَبُّكُمْ وَلَنَا أَعْمَلُنَا وَلَكُمْ أَعْمَلُكُمْ وَنَحْنُ لَهُ

مُخْلِصُونَ ﴿١٣٩﴾

**139. Айт: «Биз билан Аллоҳ ҳақида тортишасизми?! Ва ҳолбуки, У бизнинг Роббимиз ва сизнинг Роббингиз, бизнинг ўз амалларимиз бор, сизнинг ўз амалларингиз бор. Ва биз Унга мухлисмиз».**

Бу ояти карима яҳудий ва насронийларга ва ўзларини ҳақ биллиб, Исломни тан олмаётган яна бошқаларга раддиядир. Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга уларга:

**«Биз билан Аллоҳ ҳақида тортишасизми?!** деб айтишни ўргатяпти. Яъни, Аллоҳ ҳақида биз билан тортишасизларми? Унинг зоти, ҳидояти, кимни Пайғамбар қилиб танлаши хусусида тортишиб, ҳужжат суриштирасизларми?

**«Ва ҳолбуки, У бизнинг Роббимиз ва сизнинг Роббингиз, бизнинг ўз амалларимиз бор, сизнинг ўз амалларингиз бор.»**

Яъни, ҳаммамиз Унга бандамиз. У Зот бизнинг ҳам, сизнинг ҳам Роббимиздир. У бутун оламларнинг Робби сифатида нимани хоҳласа, шуни қилади. Бизнинг амалларимиз бошқа, Роббимиз ўшаларга қараб ҳукмини чиқаради; сизнинг амалларингиз бошқа, Роббимиз ўшаларга қараб ҳукмини чиқаради. Ҳар кимнинг қилган иши унинг белгиси ҳисобланади. Талашиб-тортишиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

**«Ва биз Унга мухлисмиз.»**

Биз мусулмонлар Аллоҳга мухлисмиз. Ҳолис Ўзига иймон келтирамиз, холис Ўзига ибодат қиламиз, холис Ўзидан ёрдам кутамиз. Ушбу ҳолатимиз ҳам ҳеч қандай тортишув, ҳужжат ё солиштирувчини талаб қилмайди.

Масала ойдин бўлди. Тортишувларга чек қўйилди. Ора очди қилинди. Шу боисдан ҳам, келаси оят бу мавзуни бутунлай тарк этиб, бошқа масалада сўз очади:

أَمْ نَقُولُ إِنَّ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطَ كَانُوا  
هُودًا أَوْ نَصَارَى قُلْ ءَأَنْتُمْ أَعْلَمُ أَمِ اللَّهُ وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ كَتَمَ شَهَادَةً عِنْدَهُ مِنَ اللَّهِ  
وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿١٤٠﴾

**140. Ёки: «Албатта, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва асботлар яҳудий ва насроний бўлган», дейсизларми?! «Сизлар билимдонроқми ёки Аллоҳми?» дегин. Ҳузурдаги Аллоҳдан бўлган гувоҳликни беркитган кимсадан ҳам золимроқ одам борми?! Ва Аллоҳ қилаётган ишларингиздан гофил эмасдир.**

Яҳудийларнинг, фақат яҳудий бўлганларгина ҳидоят топади, деган даъволарига ва насронийларнинг, фақат насронийларгина ҳидоятдадир, деган даволарига қарши яна битта кучли раддия келяпти. Уларни ожиз қолдирадиган савол бериляпти.

**«Ёки: «Албатта, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва асботлар яҳудий ва насроний бўлган», дейсизларми?! «Сизлар билимдонроқми ёки Аллоҳми?» дегин».**

Хўш, яҳудий ва насронийлар бу саволга нима деб жавоб қилдилар? Улар Иброҳимни, Исмоилни, Исҳоқни, Яъқубни ва асботларни яҳудий ёки насроний дейин десалар, ҳамма, жумладан, улар ўзлари ҳам яхши биладиларки, «яҳудий» ва «насроний» деган исмлар мазкур Пайғамбар алайҳиссаломлардан неча замонлар кейин пайдо бўлган.

Агар уларнинг яҳудий ҳам, насроний ҳам бўлмаганларини тан олайин десалар, унда, фақат яҳудий ва насронийларгина ҳидоятдалар, деган даъволарини қандай тушуниш мумкин?!

Хуллас, яҳудийлар ҳам, насронийлар ҳам бу саволга жавоб беришдан ожиздирлар. Бу савол қаршисида тил тишлашдан бошқа чоралари қолмайди.

Аллоҳ таоло худди шу услубда Пайғамбар алайҳиссаломга ўргатиб: **«Сизлар билимдонроқми ёки Аллоҳми?» дегин»,** дейди.

Бу савол яҳудий ва насронийларни баттар мот қилади, чунки улар асло, биз Аллоҳдан кўра билимдонроқмиз, дея олмайдилар. Аксини, яъни, Аллоҳ биздан билимдонроқ, десалар, унда Аллоҳнинг сўзларига ишонишлари шарт: Аллоҳ ўтган барча Пайғамбарларни

яхудий демаган, насроний демаган, балки уларнинг мусулмон бўлганларини қайта-қайта таъкидлаган. Уларга тилларини тишлаб жим қолишдан ўзга чора йўқ.

Сўнгра, уларнинг энг катта айбларидан яна бири фош этилади:

**«Ҳузуридаги Аллоҳдан бўлган гувоҳликни беркитган кимсдан ҳам золироқ одам борми?»**

Албатта, йўқ. Ҳаммани яратган, ҳамманинг Робби бўлган Аллоҳнинг Ўзи гувоҳликка раво кўрса-ю, у ношукр банда бу гувоҳликни ўрнида адо этмай беркитса, албатта у энг катта золим бўлади-да. Ўша золимлар кимлар экан ўзи? Яҳудий ва насронийлар. Аллоҳ таоло уларни кўпгина ишларга, жумладан, Муҳаммад алайҳиссаломнинг охирзамон Пайғамбари эканликларига гувоҳлик беришга масъул этган эди. Аммо улар Таврот ва Инжилни бузиб, бу гувоҳликни беркитдилар. Энг золим одамларга айландилар. Ҳолбуки,

**«Аллоҳ қилаётган ишларингиздан ғофил эмасдир».**

Ҳа, албатта, Аллоҳ таоло уларнинг қилаётган ишларидан ғофил эмас. У Зот барча нарсани билиб турибди. Вақти келганда ҳисобкитобини қилади.

Аввалги Пайғамбарлар билан ҳозирги яҳудий ва насронийлар орасида ер билан осмонча фарқ борлиги баён қилиб бўлинганидан кейин, Иброҳим алайҳиссалом ва у кишининг зурриётлари ҳақидаги оятларнинг сўнгида келтирилган оят яна бир бор такрор этилади:

تِلْكَ أُمَّةٌ قَدْ خَلَتْ لَهَا مَا كَسَبَتْ وَلَكُمْ مَا كَسَبْتُمْ وَلَا تُسْئَلُونَ عَمَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٤١﴾

**141. Улар бир уммат эдилар, ўтиб кетдилар. Уларга ўзлари касб қилганлари бўлур. Сизларга ўзингиз касб қилганингиз бўладир. Уларнинг қилган амалларидан сизлар сўралмассиз.**

Бу, зарур маънони таъкидлаш борасида ўзига хос Қуръоний услубдир.

Ҳозиргача келган оятларда бошқа диндагилар билан ақийда масаласида тортишув, ҳужжат солиштирув бўлиб келди. Тўғрироғи, яҳудий ва насронийлар, гоҳида мушриклар ақийда бобида қўзиган турли фитна ва миш-мишларга жавоб келди, уларнинг даъволари асоссиз экани исботланди. Айни чоғда, мусулмонлар жамоаси Ислом ақийдасини мустаҳкамлашга, унда собитқадам бўлишга ўргатилди.

Ўша даврда амалий масалаларда ҳам тортишувлар бўлган, кофирлар турли фитналар қўзғаган эдилар. Буларга эндиги оятларда жавоблар келади. Шундоқ қилиб, мусулмонлар жамоасининг ҳар

жиҳатдан чиниқиб, жамоа сифатида шаклланиш жараёнида уларни тарбиялаб бориш йўлга қўйилади.

Аввалги оятларда қайси дин ҳақ экани ҳақида тортишув кечди. Дини Ислоннинг ҳақлиги ҳақида ҳукм бўлди. Иброҳим алайҳиссаломга ким яқинроқ экани суриштирилиб, баҳонада Каъба қурилиши ҳам ҳикоя этилди.

Энди келадиган оятларда қайси қибла афзаллиги, қаёққа қараб намоз ўқиш кераклиги ва бошқа масалалар муолажа қилинади. Бу муолажалар яҳудийларнинг қибла ҳақидаги қўзиган фитна гапларига раддия сифатида келади.

Маълумки, Пайғамбар алайҳиссалом Меърожга чиққанларида, намоз фарз бўлди. Шундан буён мусулмонлар Каъбаи Муаззамага қараб намоз ўқиб юрганлар. Пайғамбаримиз ҳижрат қилиб, Мадийнаи Мунавварага келганларидан сўнг, Байтул Мақдисга қараб намоз ўқиш бошланди. Бу ҳолат ўн олти ёки ўн етти ой давом этди. Байтул Мақдисга қараб намоз ўқиш Аллоҳнинг Қуръонда келмаган амри ила бўлган. Сўнгра, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло махсус оят тушириб, яна Каъбаи Муаззамани қибла этди.

Ояти карималарни ўрганиш давомида бу жараён билан яқинроқ танишамиз.

﴿ سَيَقُولُ السُّفَهَاءُ مِنَ النَّاسِ مَا وَلَّيْتُمْ عَنْ قِبْلَتِكُمْ الَّتِي كَانُوا عَلَيْهَا قُلْ لِلَّهِ الْمَشْرِقُ وَالْمَغْرِبُ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴾

**142. Одамлардан эси пастлари:** «Буларни қиблаларидан нима юз ўгиртирди экан?» дерлар. Сен: «Машриқу мағриб Аллоҳники, кимни хоҳласа, ўшани тўғри йўлга бошлайдир», деб айт.

Ушбу ояти карима келажакда рўй берадиган муҳим бир ишнинг хабарини бермоқда. Вақти етиб, Аллоҳнинг амри ила қибла Байтул Мақдисдан Каъбаи Муаззамага ўзгартирилганда, яъни, мусулмонлар аввалги қиблани қўйиб бошқасига юз ўгирганларида:

**«Одамлардан эси пастлари:** «Буларни қиблаларидан нима юз ўгиртирди экан?» дерлар».

Одамлардан эси пастлари – яҳудийлардир. Улар мусулмонларнинг Байтул Мақдисга юзланиб намоз ўқишдан Каъбага юзланиб намоз ўқишга ўтганларини кўрганларида, буларни қиблаларидан нима юз ўгиртирди экан, дейдилар. Аллоҳ таолонинг бундай кўнгилсиз гаплар бўлишини аввалдан билдириб қўяётганининг бир боиси бўлғуси ёмон таъсирни кесишдир. Чунки огоҳланган одам ундай саволга тайёрла-



ниб туради. Мусулмонларга озор бериш, динлари, Қуръонлари ва Пайғамбарларига нисбатан уларнинг ишончларини сусайтириш, қалбларига ғулғула солиш яҳудийларнинг одатларидир. Шу одатларига кўра, қибла ҳақида ҳам агар фитна қилишса, уларга қандай жавоб бериш лозимлигини Аллоҳ таолонинг Ўзи ўргатмоқда:

**«Машриқу мағриб Аллоҳники, кимни хоҳласа, ўшани тўғри йўлга бошлайдир», деб айт».**

Демак, жами оламларнинг эгаси Аллоҳ қайси тарафни хоҳласа, ўша тарафни мартабада улўроқ қилиб қўяди. Одамлардан ҳам, кимни хоҳласа, ўшани тўғри йўлга бошлаб, ҳидоятга солади. Аллоҳнинг Ўзи ихтиёр қилиб, Каъбани қибла этган экан, демак, шундай бўлғусидир.

Ушбу қибланинг ихтиёр этилиши Ислому умматининг улкан сифатига мос эди, кейинги оят шунга ишоратан мусулмонларга хитоб бўлиб келади. Ҳамда у қиблани вақтинча буришнинг ҳикматини баён қилади:

وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِنَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَيَكُونَ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا وَمَا جَعَلْنَا الْقِبْلَةَ الَّتِي كُنْتَ عَلَيْهَا إِلَّا لِنَعْلَمَ مَنْ يَتَّبِعِ الرَّسُولَ مِمَّنْ يَنْقَلِبُ عَلَى عَقْبَيْهِ وَإِنْ كَانَتْ لَكَبِيرَةً إِلَّا عَلَى الَّذِينَ هَدَى اللَّهُ وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُضِلَّعَ إِيمَانِكُمْ إِنَّ اللَّهَ بِالنَّاسِ لَرَءُوفٌ رَحِيمٌ ﴿١٢٤﴾

**143. Шунингдек, сизларни одамлар устидан гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбар сизларнинг устингиздан гувоҳ бўлиши учун ўрта миллат қилдик. Сен аввал юзланган қиблани, фақат, ортга бурилиб кетадиганлар ким-у, Пайғамбарга эргашувчилар ким эканини билиш учунгина қилганмиз. Гарчи бу иш Аллоҳ ҳидоятга солганлардан бошқаларга оғир бўлса ҳам. Аллоҳ иймонингизни зое қилмас. Албатта, Аллоҳ одамларга меҳрибон ва раҳимлидир.**

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада мусулмонларни ўрта уммат қилганини эълон қилмоқда. Биз «ўрта» деб таржима қилган сўз арабчада «васат» деб келган, у яхши, ўрта, марказ ва адолатли маъноларини англатади. «Ўрта» маънода кўпроқ ишлатилгани учун таржимага шу маъно ихтиёр қилинди. Ўртани яхши дейилаётганига боис шуки, четлар чет бўлгани учун ҳам ҳар хил таъсирларга кўп учрайди ва бузилиш эҳтимоли кўпроқ. Аммо ўрта бузилмай, яхши ҳолича қолади. Ўртага адолат маъноси берилишининг сабаби эса,

«ўрта» атрофларга нисбатан бир хил туради, бирор томонга оғиб, адолатни бузмайди.

Оятдан «худди сизлар ўзларингиз ўрта уммат бўлганингиз учун қиблаларингизни ҳам шундоқ қилдик», деган маъно чиқади.

Ушбу ояти карима тушган пайтда одамлар билмаган маълумотлар ҳозирда аён бўлди. Яъни, Қуръони Каримнинг баъзи оятларидаги маънони мулоҳаза қилган мусулмон жуғрофия олимлари илмий изланишлар олиб бориб, мусулмонларнинг қибласи бўлмиш Маккаи Мукаррама ер юзидаги қуруқликнинг маркази, ўртаси эканини аниқладилар. Орадан ўн тўрт аср ўтиб кашф этилган бу илмий ҳақиқат асосида қиблани аниқлайдиган асбоб ҳам яратилди. Демак, ояти карима, сиз ўзингиз ўрта уммат бўлганингиз учун қиблангизни ҳам ўрта қибла қилдик, деган маънони беради.

**«Шунингдек, сизларни одамлар устидан гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбар сизларнинг устингиздан гувоҳ бўлиши учун ўрта миллат қилдик.»**

Демак, Ислом умматининг ўрта уммат бўлишининг яна бир сабаби – одамлар устидан гувоҳ этиб танланганида экан. Ислом уммати ўрта, яхши, адолатли уммат бўлгани учун бошқа умматларнинг яхши амалларига ўртада туриб адолат ила гувоҳлик беради. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом эса, ўз умматларига гувоҳлик бердилар. Ушбу гувоҳлик қандай бўлишини тасаввур қилиш учун бир-икки ривоятлар билан танишамиз.

Имом Аҳмад Абу Зуҳайр ас-Сақафийдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Сизлар яхшиларингизни ва ёмонларингизни билиб олсангиз бўлади», – дедилар. Саҳобалар:

«Қандоқ қилиб, эй Аллоҳнинг Расули?» – дедилар. У зот:

«Мақтов ёки ёмонлаш сўзлари билан, сизлар Аллоҳнинг ердаги гувоҳларисиз», – дедилар.

Демак, адолатли, ҳақиқий, тақводор мусулмонларнинг гувоҳлиги бежиз эмас. Ундоқ сифатларга эга бўлган мусулмонлар «яхши» деган одамлар яхши бўладилар, «ёмон» деган одамлар ёмон бўладилар.

Ҳофиз ибн Мурдавайҳи ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом:

«Қиёмат куни мен умматим билан тепалиқдан халойиққа қараб тураман. Ҳар бир кимса биздан бўлишни орзу қилади. Қайси Пайғамбарнинг уммати уни ёлғончига чиқарса, биз Роббисининг фармонини адо этганига гувоҳлик берамиз», деганлар.

Имом Аҳмад Абу Саид розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом айтганлар:

«Қиёмат куни Нух чақирилиб: «Етказдингми?» — деб сўралади. У: «Ҳа», — дейди. Сўнг, унинг қавми чақирилади ва уларга: «Сизга етказдимми?» — дейилади. Улар: «Бизга огоҳлантирувчи ҳам, бирор киши ҳам келгани йўқ», — дейишади. Шунда Нухга:

«Сенга ким гувоҳлик беради?» — дейилади. У:

«Муҳаммад ва унинг уммати», — дейди. «... ва шунингдек, сизни ўрта уммат қилдик...» деганининг маъноси — шу. Ўрта — адолатли деганидир. Сизлар чақириласизлар ва унга етказганлиги ҳақида гувоҳлик берасизлар, сўнгра, мен сизларга гувоҳлик бераман».

Уламоларимиз «ўрта уммат»нинг яна кўп ва улкан маънолар англатишини кенг ва батафсил баён қилганлар. Ислом уммати ҳақиқатда тўла маънода ўрта умматдир. Ўрта деганда, яхшилик ва афзаллик маъноси ҳам, мўътадил ва адолатли маъноси ҳам ва ниҳоят ҳиссиётда ўрталик маъноси ҳам тушунилаверади.

Ислом уммати эътиқод ва тасаввурда ўрта, адолатли ва афзал уммат ҳисобланади. Бошқа баъзи умматларга (масалан, ийсавийларга) ўхшаб, руҳий тарафга оғиб кетмайди. Ёки яна бошқаларга (масалан, мусавийларга) ўхшаб, фақат моддий нарсаларгагина эъти-мод қўймайди. Балки, инсон табиатига қараб, ҳам руҳий, ҳам мод-дий жиҳатга ўртача, адолатли ва энг афзал муносабатда бўлади.

Ислом уммати тафаккур ва ҳис-туйғу бобида ҳам ўрта, адолатли ва афзал умматдир. Билиб олган нарсасинигина маҳкам тутиб, ундан бошқа маърифат ва тажрибаларни рад қилиб юборадиганлардан эмас. Ёки, аксинча, дуч келганнинг ортидан эргашиб, тақлид қилиб ҳам кетавермайди. Балки, мўътадиллик билан, ўз қоидаларига тўғри келган илмий изланиш ва тажриба орқали, бошқалар эришган ютуқларни ҳам эътироф этиб, улардан фойдаланади.

Ислом уммати тартиб-интизомда ҳам ўртача, адолатли ва афзал умматдир. Унда ҳаёт фақат ҳис-туйғу, виждон ва одоб-ахлоқ орқали тартиб-интизомга солинмайди. Ёки, худосизлар тузумидагидек, фақат қонун, куч ишлатиш, турли жазо ва жосуслик идоралари орқали тартиб-интизомга солинмайди. Балки, инсоннинг маънавий тарбиясини кучайтириб, одоб-ахлоқ, тақво, ҳалоллик масалаларини онги, ақли ва виждонига сингдириш билан бирга, ҳукми ҳам ишга солади. Чунки, ҳамма ҳам руҳий-виждоний йўл билан тузалиб қолмайди.

Ислом уммати алоқа ва боғланишларда ҳам ўрта, адолатли ва афзал умматдир. Худосизлар тузумидаги каби эмас, яъни, жамият шахсининг ҳуқуқларини поймол қилмайди. Капиталистик тузумлар каби эмас — шахс жамиятнинг ҳуқуқларини поймол қилмайди. Бал-

ки, алоҳида шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифалари бор, айна чоғда, жамиятнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифалари бор.

Ислом уммати макон жиҳатидан ҳам ўрта уммат ҳисобланади. Унинг қибласи, бошқача айтганда, диний маркази ернинг киндигига жойлашган. Шарқу ғарб, шимолу жанубнинг ўртасида.

Ислом уммати замон жиҳатидан ҳам ўрта уммат ҳисобланади. Аллоҳ таоло инсоният униб-ўсиб, болалик, ўсмирлик ва ёшлик даврларини бошидан ўтказганидан сўнг, вояга етганда, Исломни юборган. Энди қариб, қиёмат қоим бўлгунча бу уммат ўрталик ҳолида унга гувоҳ бўлиб туради.

Ислом уммати ўрта умматлиги учун барча одамларга гувоҳлик беради ва уларнинг ўртасида адолат ўрнатади. Ҳақни ботилдан ажратади. Бу умматга барча ишларда унинг Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссалом гувоҳлик берадилар.

Ояти каримадаги кейинги жумла қибланинг ўзгартирилиши ҳикматини баён қилади:

**«Сен аввал юзланган қиблани, фақат, ортга бурилиб кетадиганлар ким-у, Пайғамбарга эргашувчилар кимлигини билиш учун қилганмиз».**

Аллоҳ таолонинг илми чексиз, ҳамма нарсани бўлишидан аввал билади. Оятдаги «билиш» одамларга оиддир. Яъни, ортга бурилиб диндан чиқиб кетадиганлар ким, Пайғамбарга эргашувчилар ким эканини сизлар билиб-ажратиб олишларингиз учун қиблани аввал Байтул Мақдис томонга қилган эдик, деган умумий маънода айтиляпти бу гап.

Аввал эслатилганидек, намоз фарз бўлганидан кейин мусулмонлар Каъбаи Муаззамага қараб намоз ўқир эдилар. Пайғамбаримизнинг ҳижратларидан сўнг Аллоҳ таолонинг хусусий амри ила қибла Байтул Мақдисга томон бурилди. Ушбу бурилишда катта ҳикмат борлигини уламоларимиз мулоҳаза қилишган. Исломда ҳар бир нарса холис Аллоҳ учун бўлиши керак. Қалбда фақат Аллоҳга ихлос бўлиши, Исломдан бошқа ҳеч бир нарсага — на қиблага, на миллатга, на ерга, на тарихга ихлос ва тобелик қолмаслиги керак.

Араблар эса, жоҳилият даврларида кўпгина нарсаларга ихлос қўйиб, ўша нарсалар билан фахрланиб юрар эдилар. Уларда фахр уйғотадиган нарсаларнинг гултожиси Байтуллоҳ эди. Араблар Байтуллоҳ уларнинг ватанида жойлашганлиги, Иброҳим алайҳиссаломнинг даврларидан бери атрофдан одамлар шу Байтуллоҳни ҳаж қилишга келишлари билан керилишар эди. Каъбаи Муаззама бизнинг мулкимиз, шунинг учун биз бошқалардан юқори турамиз, деб билишарди. Бошқа халқлар ҳам шу қабилда ўйлашар эди. Натижада, Байтуллоҳ «байтулараб»га — Аллоҳнинг уйи эмас, арабларнинг уйи-

га айланиб қолган эди. Уни ақийда асосида эмас, балки таассуб, тарафкашлик асосида ҳурматлашадиган бўлиб кетган эдилар.

Ана шу тарафкашлик асосида, бу Пайғамбар бизнинг Каъбага қараб намоз ўқимоқда, уни ҳурмат қилмоқда, шунинг учун унга эргашамиз, дейдиганлар ҳам бўлиши мумкин эди. Бундай хато тафаккурлардан, тарафкашликлардан ва бошқа нарсалардан қутулиб, жоҳилият нопокликларидан пок бўлган ҳолда, фақат ақийда асосида Байтуллоҳни эъзозлашга кишиларни тайёрлаш учун қибла вақтинча Байтул Мақдисга бурилди. Шунда миллатчилик, тарафкашлик асосида Пайғамбарга эргашганлар, ҳақиқий ақийда асосида, Аллоҳга таслим бўлиб эргашганларидан ажраб қолади. Ҳамда мусулмонларнинг қалблари, тафаккурлари, тасаввурлари нолайиқ нарсалардан покланади. Исломига бирор қизиққан нарсаси туфайли эмас, балки Аллоҳ учун кирганлар, ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳатто қибла ўзгарганда ҳам, Пайғамбар алайҳиссаломга сўзсиз эргашадилар.

Албатта, ҳис-туйғуга, маънавий қадриятларга, урф-одатларга боғлиқ нарсани тарк этиш осон эмас. Аммо Аллоҳнинг ҳидояти билан унга ишонган одамларгина қийналмайдилар. Шунинг учун ҳам, оятда:

**«Гарчи бу иш Аллоҳ ҳидоятга солганлардан бошқаларга қийин бўлса ҳам»,** дейилди.

Ҳа, албатта, Аллоҳга иймони йўқ, ҳидоятга тушмаган одамларга жуда ҳам қийин бўлади. Улар Аллоҳга ишонмасликлари туфайли одамлардан, уларнинг гап-сўзларидан қўрқадилар. Одатлардан қўрқадилар. Мансабдорлардан ва бошқа нарсалардан қўрқадилар. Фақат мустаҳкам иймони борларгина Аллоҳнинг айтганини қилиб, бошқаларни ташлайдилар.

Аллоҳ таоло маълум муддат қиблани Каъбадан Байтул Мақдисга кўчирганининг бир ҳикмати шудир. Бу амрга итоат этган Пайғамбаримиз бошлиқ мусулмонлар сўзсиз ўша томон юзланиб намоз ўқидилар.

Одатдагидек, яҳудийлар иғво-фитна гапларни тарқата бошладилар. «Муҳаммаднинг дини ҳақ бўлса, ота-боболарининг муқаддас уйи – Каъбага қараб намоз ўқийвермасдан, нима учун бизнинг қибламиз Байтул Мақдисга қараб намоз ўқийди, бу ҳам унинг динидан бизнинг динимиз афзал эканининг далили-ку», дейишди.

Пайғамбар алайҳиссалом Аллоҳнинг буйруғини бажарадилар, яҳудийларнинг гапларига эътибор бермайдилар. Шу ҳолда ўн олти ой ёки ўн етти ой Байтул Мақдисга қараб намоз ўқилди. Сўнгра, биз ўрганаётган ва ундан кейинги оятлар нозил бўлиб, қибла Каъбаи Муаззамага қаратилди. Яҳудийлар яна гап тарқатишди. «Булар-

нинг қибласи Каъба бўлса, унда Байтул Мақдисга қараб ўқиган намозлари нима бўлди? Байтул Мақдисга қараб намоз ўқиб туриб, қибла ўзгармасдан аввал ўлиб кетганларнинг ҳоли нима бўлади?» каби саволлар билан мусулмонларнинг бошларини айлантира бошладилар. Ифво ва фитна гаплар давом этаверса, ҳар қандай одамга таъсир қилади. Яҳудийларнинг висир-висирлари Мадийнаи Мунавварада ҳар тарафдан тарқалавериб, баъзи мусулмонларга таъсир ўтказган бўлса керакки, мусулмонлар ичида ҳам ўзаро шундай саволларни сўрай бошладилар. Ҳатто баъзилари Пайғамбар алайҳиссаломга ҳам шу саволни бердилар.

Ушбу оятнинг **«Аллоҳ иймонингизни зое қилмас»**, деган қисми худди ўша саволга жавоб бўлиб келди. Модомики, иш Аллоҳнинг амрига мувофиқ бўлган экан, демак, Байтул Мақдисга қараб ўқилган намозларни ҳам Аллоҳ қабул қилади.

Эътибор берилса, гап-сўз, ифво-фитна намоз ҳақида, аммо уларга жавоб бўлиб тушган оятда **«Аллоҳ иймонингизни зое қилмас»**, дейиляпти, намоз ўрнига иймон қўйиляпти. Чунки Аллоҳнинг ҳузурда намоз иймондан, иймон намоздан иборатдир. Ушбу оят бунинг ёрқин далилидир. Иймону Исломдан кўкрагига уриб, оғиз тўлдириб гапирадиган баъзиларга намоздан гапирсангиз, бўйнидан боғлаб сўйгани олиб борилаётгандек мўлтириб қарайди. Шунини яхши билиш керакки, Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтганларидек, мўмин билан кофирнинг ўртасида намоз бор. Яъни, намози йўқ одам кофир бўлиб қолишидан қўрқсин.

Аллоҳ Ўзининг йўлида юрганларга доимо раҳим-шафқат қилади, иймонларини зое кетказмайди. Чунки:

**«Албатта, Аллоҳ одамларга меҳрибон ва раҳимлидир».**

Байтул Мақдисга қараб намоз ўқиётган даврда мусулмонлар фитна-ю таъналардан қанча озор чеккан бўлсалар, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳам кўнгиллари баттар хижил эди. Бошқа мусулмонлар қатори Каъбаи Муаззаманинг қибла бўлишини у киши ҳам хоҳлар эдилар. Тез-тез самога юзланиб, шу ҳақда тасдиқловчи ояти карима тушиб қолишини кутардилар. Аммо юксак одоб соҳиби бўлганларидан, бевосита дуо қилиб ёки бошқа бирон йўл билан бу ишнинг ҳал этилишини Аллоҳдан очиқ-ойдин сўрамасдилар. Ушбу масалани Аллоҳнинг Ўзи ечишини орзиқиб кутар эдилар. Кўплаб ривоятларда келишича, худди шундай пайтлари Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил этиб, Масжидул Ҳаромни, яъни, Каъбаи Муаззамани қибла қилганини эълон қилади. Шу билан бирга, мусулмонларни яҳудийларнинг фитнасидан огоҳлантиради. Уларнинг макр-ҳийлалари зимнидаги ҳақиқий омилларни очиб ташлайди:

قَدْ نَرَى تَقَلُّبَ وَجْهِكَ فِي السَّمَاءِ فَلَنُوَلِّيَنَّكَ قِبْلَةً تَرْضَاهَا فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرَ  
 الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوَلُّوا وُجُوهَكُمْ شَطْرَهُ وَإِنَّ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ  
 لَيَعْلَمُونَ أَنَّهُ الْحَقُّ مِنْ رَبِّهِمْ وَمَا اللَّهُ بِغَفِلٍ عَمَّا يَعْمَلُونَ ﴿١٤٤﴾

**144. Гоҳо юзингнинг осмонга тез-тез бурилганини кўрурмиз. Бас, албатта, сени ўзинг рози бўлган қиблага қаратурмиз. Юзингни Масжидул Ҳаром томон бур. Қаерда бўлсангиз ҳам, юзингизни у томон бурингиз. Албатта, китоб берилганлар уни Роббиларидан бўлган ҳақ эканини билурлар. Ва Аллоҳ уларнинг қилаётган амалларидан ғофил эмасдир.**

Ояти кариманинг аввалидаги жумла васфига кўра, демак, Пайғамбар алайҳиссалату вассалом Каъбаи Муаззаманинг қибла қилиб берилишини кутиб юрганлар. Каъбага нисбатан чексиз муҳаббат, бунинг устига яҳудийларнинг ортиқча гап-сўзлари ва бошқа омиллар таъсирида у кишининг осмонга тез-тез қараб, шояд, ваҳий келиб, қибланинг ўзгарганидан хабар берса, дея кутишларини Аллоҳнинг Ўзи кўриб турганлиги баён этилмоқда.

**«Гоҳо юзингнинг осмонга тез-тез бурилганини кўрурмиз».**

Албатта, Аллоҳ таоло бу ишни кўриб-билиб турганидан, вақтисоати келганда Каъбанинг қибла бўлганини эълон этди.

**«Бас, албатта, сени ўзинг рози бўлган қиблага қаратурмиз. Юзингни Масжидул Ҳаром томон бур. Қаерда бўлсангиз ҳам, юзингизни у томон бурингиз».**

Мақсад Каъба бўлса ҳам, Масжидул Ҳаромнинг, яъни, Каъбаи Муаззама атрофидаги масжиднинг зикр қилинганидан, уламолар: намоз ўқувчи киши айнан Каъбага қараши шарт эмас, балки ўша томонга қараса ҳам жоиз, дейишган.

Ер юзининг турли бурчакларида истиқомат этувчи мусулмон умматни ягона қибла жамлайди. Ватанлари, турган жойлари, ранглари, тиллари, шакллари, жинслари, ёшлари, ижтимоий ҳолатлари турли-туман бўлишига қарамай, намоз пайтида ягона қиблага юз ўтирадилар. Бир қиблага қараш уларнинг бир тан, бир жон эканининг, мақсадлари, тутган йўллари бир эканининг, Роббилари, китоблари ва Пайғамбарлари бир эканининг рамзидир.

Ушбу рамз, Исломнинг бошқа рамзлари каби, мусулмонларни бошқалардан ажратиб туради. Мусулмон миллати ўзига мустақил, афзал, Аллоҳнинг йўлидан юрган миллат. Шунинг учун, ҳар бир нарсда мустақил экани билиниб туриши керак. Залолатда юрган-

ларга тобеъ бўлиб қолмаслик зарур. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло мусулмонларни бошқаларга тақлид қилишдан, уларнинг одатлари, шиорлари ва рамзларини олишдан қайтарган. Инсон руҳ ва жасаддан иборат бўлгани учун, унда руҳий-маънавий нарсаларга зоҳирий шаклларни рамз қилиб олиш майли бор. Инсондаги ҳис-туйғу ўзининг моддий рамзига эришгандагина таскин топади. Ана шунда кўнги тўлади. Худди ичи билан таши бирлашгандек бўлади. Исломда мана шу асосда ибодатга тааллуқли барча ҳолатлар йўлга қўйилган. Фақат ният билан ёки ичда баъзи ояту дуоларни ўқиш билан кифояланиб қолмасдан, балки ҳар бир ибодатнинг ўзига яраша шакли, ҳаракати, рамзи борки, ўшаларга амал қилиш керак. Намозда қиём, рукуъ, сажда, салом; ҳажда ихром, талбия, тавоф, саъйи, вуқуф, тош отиш, қурбонлик сўйиш ва бошқалар ана ўшандай рамзларга киради.

Бундай исломий шиор ва рамзларнинг боши бўлмиш Каъбаи Муаззама намозда ҳам, ҳажда ҳам марказий ҳиссий рамз ҳисобланади. Намоз ер юзининг қайси бурчагида ўқилишидан қатъиназар, ушбу Каъбага қараб ўқилиши шарт. Ҳатто агар бирор киши сафардами, чўлу саҳродами юрганда Каъбанинг қайси тарафдалигини билолмай қолса, ижтиҳод қилиб, бир тарафни «қибла» деб жазм этиб, намозни бошлайди.

Ҳажда ҳам мусулмон ер юзининг қаеридан келган бўлишига қарамай, ният билан келиб, ушбу азиз Байтуллоҳнинг атрофида айланиб тавоф қилмагунча ҳажи ҳаж бўлмайди.

Аллоҳ таоло мусулмон умматини энг афзал уммат қилиш билан бирга, бу умматнинг қибласини ҳам энг афзал қибла қилиб қўйган - Ернинг киндигида! Қуруқликнинг қоқ марказида. Ер куррасининг энг муқаддас ва муборак жойида. Барча Пайғамбарларнинг отаси, халилурроҳман Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳнинг амри ила бино қилган Каъбанинг мусулмон миллати учун қибла қилиниши бу умматга улкан шарафдир. Бу мартабанинг улуғлигини, бу мақомнинг улуғлигини нафақат аҳли китоблар, балки бошқалар ҳам яхши биладилар. Аммо ҳасадларини ичда сақлайдилар. Бу ҳақда ояти каримада:

**«Албатта, китоб берилганлар бунинг Роббиларидан бўлган ҳақ эканини билурлар»,** деб баён қилинмоқда.

Яҳудий ва насронийларнинг илоҳий китоблари Таврот ва Инжилда ва бошқа диний масдарларида бу ҳақда маълумотлар бор. Улар қиблани Каъбаи Муаззамага буриш Аллоҳдан бўлган ҳақ эканлигини яхши биладилар.

Бир вақтлар насроний дини роҳибларидан бўлиб, кейин Аллоҳнинг инояти ила ҳидоят топиб, Исломга мухлис бўлиб, унга даъват



қилувчилардан бирига айланган биродаримизнинг таъкидлашича, насроний динининг бош канисаларидан биридаги қибла ҳам Каъбаи Муаззамага қараган экан.

Лекин аҳли китоблар, хоссатан яҳудийлар қибланинг Каъбаи Муаззамага қараб ўзгаришидан турли ифво ва фитна гаплар келтириб чиқардилар. Мусулмонларни чалғитишга уриндилар. Ҳолбуки, **«Аллоҳ уларнинг қилаётган амалларидан ғофил эмасдир».**

Аҳли китобларнинг душманлиги далил ва ҳужжатнинг етишмовчилигидан эмас, балки бошқа нарсадан эканлигини келаси оят баён қилади:

وَلَيْنَ آتَيْتَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ بِكُلِّ آيَةٍ مَا تَبِعُوا قِبْلَتَكَ وَمَا أَنْتَ بِتَابِعٍ قِبْلَتِهِمْ  
وَمَا بَعْضُهُمْ بِتَابِعٍ قِبْلَةَ بَعْضٍ وَلَيْنَ آتَبَعْتَ أَهْوَاءَهُمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَكَ مِنَ  
الْعِلْمِ إِنَّكَ إِذًا لَمِنَ الظَّالِمِينَ ﴿١٤٥﴾

**145. Агар китоб берилганларга барча ҳужжатларни келтирсанг ҳам, сенинг қибланга эргашмаслар. Сен ҳам уларнинг қибласига эргашувчи эмассан. Ва улар бир-бирларининг қибласига эргашувчи эмаслар. Агар сенга келган илмдан кейин ҳам уларнинг ҳавои нафсларига эргашсанг, унда, албатта, золимлардан бўлурсан.**

Ушбу ояти каримада аҳли китобларнинг табиати, феълидаги муҳим нуқта тушунтириляпти:

**«Агар китоб берилганларга барча ҳужжатларни келтирсанг ҳам, сенинг қибланга эргашмаслар».**

Уларга ҳужжат-муҳжат керак эмас, уларнинг Исломга нисбатан душманликлари далил ва тушунчанинг етишмаслигидан эмас, балки билиб, тушуниб туриб қилинаётган душманликдир. Аҳли китоблар қибланга эргашмайдилар, дейилишидан ҳам қибла бутун бошли дин ва миллатнинг рамзи эканлиги кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам:

**«Сен ҳам уларнинг қибласига эргашувчи эмассан»,** дейилмоқда.

**«Ва улар бир-бирларининг қибласига эргашувчи эмаслар»,** деган жумладаги «улар» «Аҳли китоб» деган умумий ном остига бирлашган яҳудий ва насронийлардир. Улар Исломга қарши душманликлари туфайли бирга туюлсалар ҳам, ўзаро зиддиятлари ҳам ниҳоятда кучлидир. Табиийки, ҳақиқий қибланинг эгаси уларнинг қибласига ҳеч қачон эргашмайди.

Мусулмонлар бу ҳақиқатни яхши тушуниб олмоқлари лозим.

Яҳудийлар ҳеч қачон насронийларнинг қибласига эргашмайди, ораларида доимий душманлик ҳукм суради. Шунингдек, насронийлар ҳам яҳудийларга душмандирлар. Камига турли яҳудий фирқалари бир-бирлари билан доимий душманликдадирлар. Насроний фирқаларининг ўзаро душманлиги ҳақида сўз очмаса ҳам бўлади. Улардаги ҳар бир мазҳаб ўзини алоҳида дин ҳисоблайди. Шундай бўлгандан кейин, қандай қилиб улар бир-бирларининг қиблаларига эргашсинлар?!

Ҳамма нарса очиқ ва равшан. Тўғри йўлни ҳам, илмни ҳам Аллоҳнинг Ўзи берган. Шундан кейин ҳам бошқаларнинг ҳавои нафсига эргашган одам, албатта, зулм қилган бўлади.

**«Агар сенга келган илмдан кейин ҳам уларнинг ҳавои нафсларига эргашсанг, унда, албатта, золимлардан бўлурсан»**, дейишининг боиси ҳам — шу.

Хўш, нима учун аҳли китоблар Муҳаммад алайҳиссаломга иймон келтирмаяптилар? Ёки улар у зотни танимаётганмиканлар? Йўқ!!! Ундоқ эмас!

الَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ يَعْرِفُونَهُ كَمَا يَعْرِفُونَ آبَاءَهُمْ وَإِنَّ فَرِيقًا مِنْهُمْ لَيَكْفُرُونَ  
الْحَقَّ وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿١٤٦﴾

**146. Китоб берилганлар уни худди болаларини танигандек танирлар. Ва, албатта, улардан бир гуруҳлари билиб туриб ҳақни беркитарлар.**

Инсон ўз боласини ҳаммадан яхши танийди. Чунки бола унинг жигарбанди, унда ўзининг қони, ҳис-туйғулари ва бутун вужуди аксини топган. Баъзи ҳолларда боланинг ўзи у ёқда турсин, ҳидидан ҳам танийди. Шунга қиёсан зарбулмасал қилиб айтиляптики,

**«Китоб берилганлар уни худди болаларини танигандек танирлар».**

Чунки уларнинг муқаддас китоблари Таврот ва Инжилда охирзамон Пайғамбари ҳақида очиқ-ойдин хабарлар келган. Яҳудийлардан инсофлилари ўша хабар асосида Пайғамбар алайҳиссаломга иймон келтириб, саҳобалик бахтига муяссар бўлганлар.

Ўшалардан бири Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳу:

«Мен уни ўғлимдан ҳам яхши танийман», деганлар. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу:

«Нима учун?» деб сўраганларида,

«Муҳаммаднинг Пайғамбар эканлигига менинг ҳеч шубҳам йўқ, аммо ўғлимнинг онаси хиёнат қилган бўлиши мумкин», деганлар. Шунда ҳазрати Умар у кишининг бошларидан ўпганлар.

**«Ва, албатта, улардан бир гуруҳлари билиб туриб ҳақни беркитарлар.»**

Лекин аҳли китоблардан бир гуруҳлари ҳақни билиб туриб, ҳасад қилишиб, беркитадилар. Шу жумладан, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақ Пайғамбар эканликлари ва қибла ҳақидаги илми ҳам. Улардаги мавжуд ҳасад доимо ўзини кўрсатиб туради.

Аҳли китоб ҳақидаги ушбу баъндан кейин Пайғамбар алайҳиссаломга хитоб қилинади:

الْحَقُّ مِنْ رَبِّكَ فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ الْمُمْتَرِينَ ﴿١٤٧﴾

**147. Бу ҳақ Роббингдандир, ҳеч-ҳеч шак қилувчилардан бўлма.**

Пайғамбар алайҳиссалом умрлари давомида илоҳий масалаларда бирор марта шак-шубҳага тушмаганлар. Шундай бўлса ҳам, Аллоҳ у зотга хитобан:

**«... ҳеч-ҳеч шак қилувчилардан бўлма»,** деяпти.

Бу нарса у кишининг умматларига, мусулмонларга кучли таъсир қилиш учундир. Қачон ва қаерда бўлишларингизга қарамасдан, яҳудий ва бошқа бузғунчиларнинг ботил афсоналарига ишониб, шак-шубҳага бориб қолманглар, Роббиларингдан келган ҳақни — Қуръонни, Исломни маҳкам тутинглар, дея танбеҳ берилмоқда.

وَلِكُلِّ وِجْهَةٍ هُوَ مُوَلِّيهَا فَاسْتَبِقُوا الْخَيْرَاتِ أَيْنَ مَا تَكُونُوا يَأْتِ بِكُمْ اللَّهُ جَمِيعًا إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿١٤٨﴾

**148. Ҳар кимнинг юзланадиган тарафи бор. У ўшанга боқадир. Яхшиликларга шошилинг. Қаерда бўлсангиз ҳам, Аллоҳ сизларни жамлайдир. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.**

Гап бу ерда фақат ибодат пайтида қараладиган томон ҳақида эмас, балки умумий ҳолат ҳақида кетмоқда. Ҳар кимнинг ўз танлаган йўли бўлиб, у бошқаларни ҳам шу йўлга юритмоқчи бўлади. Жумладан, аҳли китоблар турли услуб ва амаларни ишга солиб, сизларни ўз йўлларига юритмоқчи бўладилар. Уларга эътибор берманглар. Ўз йўлларингизни маҳкам тутиб, яхшиликларни кўпроқ қилишга ошиқинглар. Чунки, иймонли инсон икки дунёда ҳам яхшиликларининг ҳажмига қараб мукофот олади.

Қани, бу дунёда ҳар ким ўз қибласига юзланиб, ҳар ким ўз ибодатини қилиб юраверсин-чи, охиратда, барибир, Аллоҳ ҳисоб-китоб учун барчани бир ерга жамлайди. Бунга шак-шубҳа йўқ. Чунки:

**«Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир».**

Иш шундай бўладиган бўлса:

وَمِنْ حَيْثُ خَرَجْتَ فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَإِنَّهُ لِلْحَقِّ مِنْ رَبِّكَ وَمَا  
 اللَّهُ بِغَفِيلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿١٤٩﴾

**149. Қаердан чиқсанг ҳам, юзингни Масжидул Ҳаром томон бур. Ва, албатта, бу Роббингдан бўлган ҳақдир. Ва Аллоҳ сиз қилаётган нарсадан ғофил эмасдир.**

Ва Аллоҳ сиз қилаётган амаллардан ғофил эмасдир. Аввал ҳам шу амр келган эди. Аммо бу сафар аҳли китобларни аралаштирмасдан, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзларига хос амр бўлмоқда. Ва бу, Аллоҳ таоло томонидан бўлган ҳақ экани, Аллоҳ таоло ҳамма ишдан хабардорлиги яна бир бор таъкидланмоқда.

Келаси оятда ушбу амр яна бошқа ғаразда — аҳли китобнинг ҳужжатини ботил қилиш, бошқа Ислом душманларининг қибла ҳақидаги гап-сўзлари ҳам асоссиз эканини исботлаш учун учинчи бора такрорланади:

وَمِنْ حَيْثُ خَرَجْتَ فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوَلُّوا  
 وُجُوهَكُمْ شَطْرَهُ لِئَلَّا يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَيْكُمْ حُجَّةٌ إِلَّا الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْهُمْ فَلَا تَخْشَوْهُمْ  
 وَأَخْشَوْنِي وَلَا تَمَنَّوْا نِعْمَتِي عَلَيْكُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١٥٠﴾

**150. Ва қаердан чиқсанг ҳам, юзингни Масжидул Ҳаром томон бур. Қаерда бўлсангиз ҳам, юзингизни у томонга буринг. Одамларда сизга қарши ҳужжат бўлмаслиги учун. Улардан зулм қилганларидан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар. Ва сизга неъматимни батамом этиш учун, шоядки, ҳидоят топсангиз.**

Ушбу оятнинг илк жумласидаги амр —

**«Ва қаердан чиқсанг ҳам, юзингни Масжидул Ҳаром томон бур» —**

Пайғамбар алайҳиссаломга тааллуқли бўлса, кейин Ислом умматига, мусулмонларга хитоб қилиниб:

«Қаерда бўлсангиз ҳам, юзингизни у томонга бурунг», деб буюрилмоқда. Кейин эса, бу ишнинг ҳикмати баён қилинмоқда:

**«Одамларда сизга қарши ҳужжат бўлмаслиги учун».**

Агар қибла Каъбага қаратилмаганда, одамлар орасида Исломога, мусулмонларга қарши турли-туман гап-сўзлар, ҳужжат ва далиллар кўпаяр эди. Пайғамбар алайҳиссалом ва мусулмонлар қаерда бўлсалар ҳам, юзларини Масжидул Ҳаромга – Каъбаи Муаззамага ўтирсалар, бу муқаддас жойнинг собит қибла бўлиб қолганлиги душманларнинг оғзини беркитади, ҳужжатларини йўққа чиқаради. Шунда ҳам яна душманликда давом этаверадиганлари, албатта, золимлардан бўлади. Аллоҳ мусулмонларни огоҳлантириб демоқдаки,

**«Улардан зулм қилганларидан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар».**

Яъни, уларнинг орасида зулм қиладиганлари бор, аммо улардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар. Улар ҳам ожиз бир бандадирлар, у золимлардан қўрқиб, Аллоҳнинг айтганини тарк қилиш керак эмас. Ёлғиз Аллоҳнинг Ўзидан қўрқиш керак. Ҳамма иш Унинг қўлида.

Золимларнинг ҳеч нарсага арзимаслиги, Аллоҳ таолодангина қўрқиш зарурлиги таъкидлангандан сўнг, бу ишлар барчаси Аллоҳдан бир неъмат эканига ишорат этилади. Неъматни тугал адо этиш хабари ила Аллоҳ таоло умидворликни янада ўстиради:

**«Ва сизга неъматимни батамом этиш учун, шоядки, ҳидоят топсангиз».**

Келгуси оят Аллоҳ берган неъматлар ичида энг улуғларидан бирини эслатади:

كَمَا أَرْسَلْنَا فِيكُمْ رَسُولًا مِّنكُمْ يَتْلُوا عَلَيْكُمْ آيَاتِنَا وَيُزَكِّيكُمْ وَيُعَلِّمُكُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَيُعَلِّمُكُم مَّا لَمْ تَكُونُوا تَعْلَمُونَ ﴿١٥١﴾

**151. Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиладиган, сизларни поклайдиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Пайғамбар юбордик.**

Эътибор қилинса, ушбу оятда Байтуллоҳни бино қиладиганларида Иброҳим алайҳиссалом қилган дуонинг айнан ўзи келмоқда. Демак, ўша машҳур дуони ижобат этиб, Муҳаммад алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юбориш ҳам Каъбаи Муаззамани қибла қилишдан олдинги улуғ неъмат ҳисобланар экан.

Ояти каримада:

«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан... Пайғамбар юбордик», дейилиши мусулмон уммати учун катта бахт ҳисобланади. Оятдаги васф шундайки, худди Аллоҳ таоло мусулмонлар билан алоҳида қолиб, уларга ўзи берган неъматлар, фазлларни бирма-бир санаб бераётганга ўхшайди:

Биринчидан, ўзингиздан танлаб Пайғамбар юбордим.

Иккинчидан, у Пайғамбар сизларга оятларимни тиловат қилиб беради.

Учинчидан, сизларни поклайди. Аллоҳ ирода қилмаса, сизларни ким поклаши мумкин эди, ахир!

Тўртинчидан, у Пайғамбар сизларга китобни – Қуръонни ўргатади.

Бешинчидан, ҳикматни ўргатади.

Олтинчидан, билмайдиган нарсаларингизни ўргатади.

Мазкур ишларнинг барчаси Аллоҳнинг улуғ неъматларидир. Аллоҳдан бошқа ҳеч ким бундай неъматларни ато эта олмайди.

فَاذْكُرُونِي أَذْكَرْتُكُمْ وَأَشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُونِ ﴿١٥٢﴾

**152. Бас, Мени эслангиз, сизни эсларман. Ва Менга шукр қилингиз, куфр қилмангиз.**

Ушбу оят ўзи қисқа бўлишига қарамай, олам-олам маъно касб этади. Аллоҳ таоло Ўзи яратган, ҳаёт ва ризқ ҳамда бошқа керакли нарсаларни берган бандаларига:

«Мени эслангиз», демоқда.

Хўш, Аллоҳ бу ожиз бандаларининг эслашига муҳтожми? Йўқ, у беҳожат Зот. Ҳамма муҳтожлик бандаларда. Лекин бу амр бандаларга яхшилик етиши учундир. Улар Аллоҳни зикр қилиб эслашлари ила Аллоҳ таоло уларни зикр қилишига, эслашига эришадилар. Аммо зикр билан зикрнинг фарқи бор, албатта. Ҳеч нарсага арзимайдиган ожиз банданинг эслаши қайда-ю, оламларнинг Парвардигори бўлган Аллоҳ таолонинг эслаши қайда! Банда қандай, қачон ва қаерда эслайди? Аллоҳ-чи?

Имом Бухорий Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ривоят қилган ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло:

«Эй одам боласи! Агар Мени ўзинг эсласанг, Мен ҳам сени Ўзим эслайман, агар кўпчилик ичида эсласанг, Мен сени фаришталар ичида эслайман», деган.

**«Ва Менга шукр қилингиз, куфр қилмангиз».**

Шукр қилиш неъмат берувчи Зотга мақтов сўзларини айтиш ва неъматни уни берган Зотнинг розилиги учун ишлатиш билан бўлади. Аммо, тили билан шукр деса-ю, амали билан Аллоҳнинг айтганидан бошқани қилса, куфрони неъмат қилган бўлади. Мўмин-мусулмон доимо Аллоҳни зикр этиб, унга шукр қилгандагина, иши олға босади.

Энди келадиган оятларда зикр, шукр ва куфрнинг турли ҳолатлари баён қилинади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا اسْتَعِيْنُوْا بِالصَّبْرِ وَالصَّلٰوةِ اِنَّ اللّٰهَ مَعَ الصّٰبِرِيْنَ ﴿١٥٣﴾

**153. Эй, иймон келтирганлар! Сабр ва намоз ила мадад сўранглар. Албатта, Аллоҳ сабрлилар биландир.**

Ислом умматига Аллоҳ таоло улкан масъулиятни — бутун дунёни илоҳий йўлга даъват этишни юклаган. Бу жуда ҳам машаққатли иш. Бундай улкан масъулиятни адо этиш учун камида шундай улкан сабр керак бўлади. Шу боис, Аллоҳ ушбу оятда мўмин бандаларини сабр-тоқатга чақирмоқда.

Қуръони Каримда сабрга даъват кўп такрорланади. Чунки, Аллоҳга тоатда ҳам, гуноҳдан сақланиш, йўлдаги тўсиқларни енгиш учун ҳам, заифлик келиб қолганда ҳам, ҳавои нафсни жиловлаш учун ҳам сабр керак ва ҳоказо. Ўтган уламоларимиздан бирлари сабрни умумий тарзда учга бўлганлар:

Биринчиси: Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан ва гуноҳлардан сақланишга сабр.

Иккинчиси: тоат ва қурбат ҳосил қилиш учун сабр.

Учинчиси: етадиган мусийбат ва қийинчиликларга сабр.

Демак, мўмин-мусулмон банда мазкур қийинчиликларни енгиш учун катта миқдордаги сабрга эга бўлиши керак. Аммо ҳамма нарсанинг чегараси бўлганидек, гоҳида сабр ҳам тугаши, сусайиши мумкин, бундай ҳолатда намоз ёрдамга келади. Намоз битмас-туганмас ёрдамчи, кучга-куч, қувватга-қувват бахш этувчи, қалбга мадад берувчи, сабрга-сабр қўшувчи, сокинлик ва хотиржамлик манбаидир. У ожиз, заиф одамни қувват ва ёрдамнинг асл манбаи бўлмиш Аллоҳ таолога боғловчи воситадир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом қачон бир ишдан ташвишга тушсалар, намоз ўқишга шошилар эдилар. Шу боис, Аллоҳ таоло қи-йинчилик ва машаққатлар остонасида турган Ислом умматини сабрга ва намозга чақирмоқда. Ва ортидан:

**«Албатта, Аллоҳ сабрлилар биландир»,** деб таъкидламоқда.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссолату вассалом ҳадисларидан бирида:

«Мўминнинг иши ажойиб, Аллоҳ унга нимани қазо қилса ҳам, яхшилик бўлади. Хурсандлик етса, шукр қилади — яхши бўлади. Мусийбат етса, сабр қилади — яхши бўлади», деганлар.

Имом Термизий ривоят қилган бошқа бир ҳадисда, одамларга аралашиб, уларнинг озорларига сабр қилган мусулмон уларга аралашмайдиган ва озорларига сабр қилмайдиган мусулмондан яхшидир, деганлар.

Мадийнаи Мунавварада Пайғамбар алайҳиссалом атрофларида бирикиб, алоҳида хусусиятларига эга бўлган жамият қурган мусулмонлар ўзларига етган улуғ неъматни — Аллоҳнинг динини, Ислонни дунёга тарқатиш учун узоқ ва машаққатли кураш олдида турганликлари эътиборидан Қуръони Карим уларни бу ишга руҳий-маънавий томондан тайёрлаш учун бўлғуси қийинчиликларга қандай муносабат этиш йўлларини кўрсатади.

وَلَا تَقُولُوا الْمَنُ يُقْتَلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَمْوَاتٌ بَلْ أَحْيَاءٌ وَلَكِن لَّا تَشْعُرُونَ ﴿١٥٤﴾

**154. Аллоҳнинг йўлида қатл бўлганларни «ўликлар» деманг. Балки улар тирикдирлар, лекин сиз сезмасиз.**

Мўмин-мусулмонлардан баъзилари Аллоҳ йўлида, унинг сўзини Ўзи муносиб бўлган олий мақомга етказиш учун, ҳақ динини бошқа ботил ва бузилган динлардан устунликка эриштириш учун бўлган ҳаракатларда қатл этиладилар. Шунда улар одамлар кўзида гўё ўладилар. Аммо Аллоҳ таоло ушбу оятда уларни ўликлар демасликка амр қилмоқда.

**«Аллоҳнинг йўлида қатл бўлганларни «ўликлар» деманг».**

Демак, уларнинг ўлими зоҳирий ўлим, бошқа одамларнинг кўзига ўлим бўлиб кўринади, холос.

**«Балки улар тирикдирлар, лекин сиз сезмасиз».**

Аслида, ушбу оятда таъкидланганидек, улар тирикдирлар, аммо уларнинг тирикликларини биз сезмаймиз. Уларнинг ҳаётлигини Аллоҳнинг Ўзи билади. Чунки инсон ҳаёт ва ўлимнинг ҳақиқатини англаб етиши мумкин эмас. У зоҳирга қараб, ҳаракатдагини «ҳаёт», ҳаракатсизини «ўлик» деб ҳукм чиқараверади. Аммо шаҳидларни, Аллоҳнинг йўлида жонини қурбон қилганларни Аллоҳ тирик деяптими, демак, улар тирик бўладилар. Шунинг учун ҳам, уларни бошқа ўликлар сингари ювилмайди. Чунки ўлик баданини поклаш учун ювилади. Шаҳидлар ўзлари пок, улар тирикдирлар. Ҳам шаҳидларга



ўликларнинг кийими – кафан кийдирилмайди, қайси кийимда шаҳид бўлсалар, ўшанда дафн этиладилар.

Шаҳидлик олий мақом, унга эришиш осон эмас. Урушга кирган ҳамма ҳам шаҳид бўлавермайди.

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шариф бу масалани ойдинлатади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан:

«Шижоат билан урушга кирган одам Аллоҳнинг йўлида урушган бўладими, тарафкашлик учунми ёки риё учунми?» деб сўралганда, у зоти бобаракот: «Ким Аллоҳнинг сўзи олий бўлиши учун урушга кирса, Аллоҳнинг йўлида урушган бўлади», деганлар.

Шаҳидликнинг олий мақомлиги, шаҳидларга бериладиган мартабалар ҳақида кўплаб ҳадислар келган. Мисол тариқасида биттасини келтирамыз.

Ҳазрати Анас розияллоҳу анҳудан ривоят этилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Шаҳиддан бошқа жаннатга кирганлардан бирорта одам қайтиб чиққиси келмайди. Унга ер юзида ҳеч нарса йўқ. Шаҳид бўлса, жаннатда кўрган эҳтиром ва икромдан сўнг, яна дунёга қайтиб ўн марта ўлдирилишини орзу қилади», деганлар.

وَلَنَبْلُوَنَّكُمْ بِشَيْءٍ مِّنَ الْخَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِّنَ الْأَمْوَالِ وَالْأَنْفُسِ وَالثَّمَرَاتِ وَبَشِيرِ

الصَّابِرِينَ ﴿١٥٥﴾ الَّذِينَ إِذَا أَصَابَتْهُمُ مُصِيبَةٌ قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ ﴿١٥٦﴾

**155. Албата, Биз сизларни бир оз қўрқинч ва очлик билан, мол-мулкка, жонга, меваларга нуқсон етказиш билан синаймиз. Ва сабрлиларга башорат бер.**

**156. Улар мусийбат етганда: «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва, албатта, биз Унга қайтувчимиз», дерлар.**

Катта масъулият қийинчиликларини кўтара олиш учун турли синовлардан ўтиш керак. Қийинчиликларда, синовларда одам тобланади. Ушбу оятда ўша синовлардан баъзилари саналгандир.

**«Албата, Биз сизларни бир оз қўрқинч ва очлик билан, мол-мулкка, жонга, меваларга нуқсон етказиш билан синаймиз».**

«Қўрқинч» деганда душмандан бўладиган хавф-хатар туйғуси тушунилади. Қаҳатчилик ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган очарчилик ҳам Аллоҳ таолонинг бир нави синовидир. Шунингдек, мол-мулкка: ўғри олиши, офат етиши ёки золимларнинг тажовузи туфайли нуқсон етказиб; жонга: турли хасталиклар билан, яқин

кишиларнинг, ёр-биродар ва шерикларнинг ўлими, касаллиги билан нуқсон етказиб; меваларга: офат етказиш, баракасини кетказиш билан нуқсон етказиш ила синаб кўрамиз, дейди Аллоҳ таоло. Бошга шундай синов келган, мусийбат етган баъда нима қилса яхши бўлади? Бу ҳақда Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб қилиб кўрсатма бермоқда:

**«Ва сабрлиларга башорат бер. Улар мусийбат етганда: «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва, албатта, биз Унга қайтувчимиз», дерлар».**

Демак, мусийбат етганда мусулмон киши сабрли бўлиши ва Жаноби Ҳақнинг Ўзи ўргатган дуони қилиши керак. Бу дуо Қуръон тилида:

«Иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун», деб талаффуз этилади. Буни айтишни қисқача «истиржоъ» дейилади. Эътибор қилинса, истиржоъда улкан маъно ётибди.

**«Албатта, биз Аллоҳникимиз»,** яъни, барчамиз, бор-будимиз Аллоҳники, ҳақиқий эга Унинг Ўзи. Нимани, қачон, қандай тасарруф қилишни Ўзи билади.

**«Ва, албатта, биз Унга қайтувчимиз»,** яъни, эртами-кечми, ба-рибир, Унга қайтишимиз бор. Бизга етиб турган мусийбат ҳам Унинг Ўзидан. Биз сабр қилишимиз лозим ва шундай қиламиз ҳам. Шу боис, истиржоъга кўп-кўп савоблар ваъда қилинган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал қилган ривоятда Умму Салама онамиз дейдиларки:

«Бир куни Абу Салама Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳузурларидан келди-да, Пайғамбар алайҳиссаломдан бир гап эшитиб жуда хурсанд бўлдим, у киши:

«Мусулмонлардан бирига мусийбат етганда истиржоъ айтса ва сўнгра «Аллаҳумма ажирни фи мусийбати вахлуф ли хойромминҳа» (маъноси: эй Аллоҳ, менга мусийбатимда ажр бергин ва унинг ўрнига яхшироғини бергин) деса, айтгани бўлади», дедилар, деб айтди. Буларни мен ёдлаб олдим. Абу Салама вафот этганида, истиржоъ айтдим ва ҳалиги дуони ўқидим. Сўнгра, ўзимча, менга Абу Саламадан яхшироқ эр қайда, дедим.

Иддам чиққандан сўнг Расулulloҳ келиб киришга изн сўрадилар. Тери ошлаб ўтирган эдим, қўлимни ювиб, киришларига изн бердим. У кишига ичига хурмонинг юмшоқ қобиғи тўлатилган тери ёстиқ бердим. Ўтирганларидан сўнг, менга уйланмоқчи эканликларини айтдилар. У киши гапларини тугатгач, мен:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, сизга рағбат қилмаслигим мумкин эмас, лекин мен жуда рашкчи аёлман, сизга ёқмайдиган нарса мендан содир бўлиб, Аллоҳнинг азобига дучор бўлмай, деб қўрқаман. Сўнгра,

ёшим катта бўлиб қолди, бунинг устига, болаларим бор», – дедим. Расулуллоҳ алайҳиссалом:

«Сен айтган рашкни Аллоҳ тезда кетказади. Ёш тўғрида гапирсанг, менинг ҳам ёшим бир ерга бориб қолди. Болаларинг бўлса, улар менинг ҳам болаларим», – дедилар... Аллоҳ менга Абу Саламининг ўрнига ундан яхши зотни – Расулуллоҳни берди».

Имом Термизий Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Аллоҳ таоло: «Эй, ўлим фариштаси, сен бандам фарзандининг, кўзи қорачиғининг, қалби самарасининг жонини олдингми», – дейди. Фаришта, ҳа, дейди. Аллоҳ, у нима деди, деб сўрайди. Фаришта, сенга ҳамд ва истиржоъ айтди, дейди. Шунда Аллоҳ таоло, жаннатда унга бир уй бино қилинлар ва «Ҳамд уйи» деб номланлар, дейди», деганлар.

Бошқа бир ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Бирортангизнинг оёқ кийими ипи узилса ҳам, истиржоъ айтсин», дейдилар.

Демак, каттаю кичик ҳар бир кўнгилсиз ҳодисада сабр керак. Кўзининг қорачиғи, жигарбанди, боласи ўлганда ҳам, оёқ кийимининг ипи узилганда ҳам. Мусийбат етгандан кейин дарҳол истиржоъ айтиб, сабр қилиш керак, ҳамма нарса Аллоҳники ва бари Аллоҳга қайтади, деган эътиқодни маҳкам тутиш керак.

Юқорида зикр этилган машаққатларнинг, шаҳидликнинг, Аллоҳ йўлида қатл этилишнинг, хавфу хатарга, очликка учрашнинг, молу жонга ва меваларга нуқсон етиб зарар кўришларнинг ва уларга сабр қилиб, истиржоъни айтиб, унинг маъносини ақийда этиб яшашнинг мукофоти келаси оятда зикр қилинади:

أُولَئِكَ عَلَيْهِمْ صَلَوَاتٌ مِّن رَّبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُهْتَدُونَ ﴿١٥٧﴾

### **157. Ана ўшаларга Роббиларидан саловотлар ва раҳмат бор. Ана ўшалар ҳидоят топганлардир.**

Бу улкан тарбиянинг ёрқин мисолидир. Шунча синов ва машаққатларга мукофот қилиб ғалаба, нусрат ва бошқа нарсалар эмас, Аллоҳнинг саловотлари, меҳри, шафқати ҳамда раҳмати ваъда қилинмоқда! Шунинг учун, мўминлар доимо Аллоҳнинг розилигини кўзлаб иш қилишлари лозим бўлади. Бу дунёда ҳосил бўладиган баъзи бир натижалар охирги мақсад бўлиб қолмаслиги керак. Ҳатто ақийданинг ғолиб келиши ҳам юқорида айтилган мукофотнинг ўрнини боса олмайди.

Келаси оятда Аллоҳ таолонинг зикри, ибодати, яъни, «саъйи» ҳақида сўз кетади. Бу ҳам сабр-чидам талаб қиладиган ибодатдир.

Жоҳилият пайтида Сафо тепалигига «Асоф» номли, Марва тепалигига «Ноила» номли бутлар қўйилган бўлиб, одамлар саъйи қилиб бориб, ўша ерга етганларида уларни улуғлашар эди. Ислом дини келиб ширкка қарши ўт очганда, янги мусулмонлар Сафо ва Марва ўртасида саъйи қилиш ҳам ширк ишлардан деб ўйлаб, саъйи қилмай қўйдилар. Аллоҳ таоло бу тасаввурни тўғрилаб, ҳақиқатни баён этиб, ушбу оятни нозил қилди:

﴿إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِن شَعَائِرِ اللَّهِ فَمَنْ حَجَّ الْبَيْتَ أَوْ اعْتَمَرَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَن يَطَّوَّفَ بِهِمَا وَمَن تَطَوَّعَ خَيْرًا فَإِنَّ اللَّهَ شَاكِرٌ عَلِيمٌ﴾

**158. Албатта, Сафо ва Марва Аллоҳнинг (динининг) белгиларидандир. Ким Байтуллоҳни ҳаж ёки умра қилса, икковлари ўртасида саъйи қилиш гуноҳ эмас. Ким яхшиликни холисона қилса, бас, албатта, Аллоҳ шукр қилувчи ва билувчидир.**

Мусулмонлар таҳвид ақийдаси асосида тарбияланганлари учун ширкнинг ҳар қандай кўринишига қарши бўлганлар. Асли Иброҳим алайҳиссаломга Аллоҳ ўргатган Сафо ва Марва тепаликлари орасида саъйини ҳам тепаликлар устига мушриклар ўрнатган бутлар туфайли тарк этишган. Ўзларича ижтиҳод қилиб, жоҳилиятга тааллуқли ҳар бир нарсдан ажралиб чиқиб, соф исломий руҳга, исломий ҳаётга ўтишга ҳаракат қилишган. Аммо, Аллоҳ таоло ушбу оятда уларнинг хатосини тузатмоқда, мушриклар ўрнатган бутларни ҳисобга олмаганда, Сафо билан Марва тепаликлари ўртасида қилинадиган саъйи Аллоҳ динининг белгиси, ҳаж ва умра ибодатининг бир қисми эканини баён этмоқда.

**«Албатта, Сафо ва Марва Аллоҳнинг (динининг) белгиларидандир.»**

Сафо билан Марва ўртасида саъйи қилишликнинг Каъбаи Муаззамага бевосита алоқаси борлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Саъйи доимо Байтуллоҳни тавоф қилгандан кейин бўлади. Алоҳида саъйи ибодати йўқ.

Оятда Аллоҳ таоло:

**«Ким Байтуллоҳни ҳаж ёки умра қилса, икковлари ўртасида саъйи қилиш гуноҳ эмас»,** дейди.

Ушбу оят ҳужжат бўлиб шариятимизда Сафо ва Марва тепаликлари ўртасида саъйи қилиш вожиб амал деб белгиланган. Оятда

саъйи қилиш вожиб бўлади, дейиш ўрнига, «Саъйи қилиш гуноҳ бўлмайди», дейилишининг боиси шуки, аввал айтганимиздек, иккала тепалиқда бут борлиги учун, саъйи қилиш мушрикларнинг иши, гуноҳ бўлади, деб ўйлаб мусулмонлар саъйи қилмай қўйган эдилар. Шунинг учун, Аллоҳ таоло гуноҳ бўлмайди, саъйи қилинглари, демоқда.

Бу ҳодисадан яна бир ибрат шуки, билиб-билмай ҳамма нарсани эскидан қолган деб бекорга чиқаравермаслик, Аллоҳнинг ҳукмини суриштириш керак экан.

Сафо ва Марва тепалиқлари орасида биринчи бор саъйи қилган инсон Иброҳим алайҳиссаломнинг хотинлари, Исмоил алайҳиссаломнинг оналари Биби Ҳожар онамиздирлар. Аллоҳнинг амрига биноан у кишини гўдак фарзандлари Исмоил билан Иброҳим алайҳиссалом ҳозирги Масжидул Ҳаромнинг ўрнида қолдириб кетганлар. Ёш гўдак билан ёлғиз қолган Ҳожар онамиз ўзларидаги сув тамом бўлгандан сўнг, сув излаб Сафо тепалигига чиққанлар. Қаттиқ иссиқда Марва томонда сув кўринган, югуриб саъйи қилиб борсалар, сароб бўлиб чиққан. Шу тарзда, нажот истаб икки тепалиқ ўртасида етти бор бориб келганлар. Охири қарасалар, йиғлаб ётган Исмоилнинг товонлари остидан сув чиқиб, оқиб кетмоқда. Югуриб бориб, қўллари билан сувнинг йўлини тўсиб: «Зам-зам!» деганлар. Бу «тўхта-тўхта» деганидир. Шунинг учун ҳам, Сафо ва Марва ўртасида саъйи қилаётган киши ўзини хокисор тутиб, Ҳожар онамиз каби, Аллоҳдан астойдил нажот кутиб ҳаракат қилмоғи лозим.

Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган узун ҳадисда, жумладан, Расулуллоҳ Байтуллоҳни тавоф қилиб бўлганларидан кейин Ҳажарул Асвад рукнига қайтиб бориб, уни истилом қилдилар, сўнгра Сафо эшигидан «иннас-Сафа вал Марвата мин шаъаириллоҳи»ни ўқиб чиқдилар ва Аллоҳ бошлаганидан бошлайман, деб саъйига киришдилар, дейилади.

Оятнинг охирида:

**«Ким яхшиликни холисона қилса, бас, албатта, Аллоҳ шукр қилувчи ва билувчидир»,** дейилмоқда.

Аллоҳнинг шукр қилувчилик сифати дарров диққатни ўзига тортади. Чунки, аслида, шукрни банда қилиши лозим. Бу оятда эса, Аллоҳ ўзини шукр қилувчи, деб таърифлаяпти. Бу, банданинг оз қилган амалига ҳам кўп савоб бериш билан уни мукофотлайди, деганидир.

Келаси оятда сабр талаб қиладиган ишлардан яна бири – Аллоҳнинг туширган оятларини беркитмаслик ҳақида, беркитганларга бериладиган жазолар ҳақида сўз кетади:

إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنزَلْنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ وَالْهُدَىٰ مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَّاهُ لِلنَّاسِ فِي الْكِتَابِ  
 أُوتِيكَ يَلْعَنُهُمُ اللَّهُ وَيَلْعَنُهُمُ اللَّعِينُونَ ﴿١٥٩﴾

**159. Албатта, Биз нозил қилган равшан оятларни ва ҳидоятни одамларга китобда баён қилиб берганимиздан кейин беркитганларни – ўшаларни Аллоҳ лаънатлайдир. Ва лаънатловчилар лаънатлайдир.**

Ушбу оятлар нозил бўлаётган пайтда яҳудий ва насронийлар Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом, Қуръони Карим ва Ислом ҳақида Аллоҳ таоло Таврот ва Инжилда баён қилиб берган ҳақиқатни беркитаётган эдилар. Ана ўшалар ва уларга ўхшаганларнинг барчалари, ким ва қаерда бўлишидан қатъиназар, Аллоҳ китобларида – Забур, Таврот, Инжил ва Қуръонда баён қилиб берган оятларни ва ҳидоятни беркитсалар, Аллоҳ таоло уларни лаънатлайди. Яъни, ғазаб ва зажр билан қувлайди, ҳайдайди. Камига бошқа барча лаънатловчилар ҳам лаънатлайдилар. Яъни, фаришталар, мўминлар, инсужин – лаънатлашга қобилияти бор ҳамма-ҳамма лаънатлайди. Ушбу ҳукм остига ҳақни билиб туриб айтмайдиган, нимадир сабабга кўра беркитадиган барча одамлар ҳам киради.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилишларича, у киши:

«Агар Аллоҳнинг китобида бир оят бўлмаганида, ҳеч кимга ҳеч нарса гапирмас эдим», деган эканлар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ушбу оятни кўзда тутганлар.

Шу зотдан ривоят қилинган бошқа бир ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Ким бир илмдан сўралса-ю, уни беркитса, қиёмат куни оловдан бўлган юган билан юганланади», деганлар.

Ушбу оят ва ҳадисларни ҳужжат қилиб, уламолар Ислом ҳақидаги илмларни тарқатишнинг вожиблиги, беркитишнинг эса, ҳаромлиги ҳақида фатво чиқарганлар.

Ояти каримада Аллоҳдан келган ҳар бир илмни беркитувчиларга қаттиқ жазо белгиланади. Лекин баъзан ҳар хил сабаблар билан бу гуноҳга йўл қўйилса, кейин ҳақиқатга қайтмоқчи бўлганларга эшик батамом ёпилган эмас. Балки умид эшиги очиқ. Юқоридаги оят белгилаган жазодан қутулиб қолиши мумкин бўлганларни келаси оят баён қилади:

إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا وَأَصْلَحُوا وَبَيَّنُّوا فَأُولَٰئِكَ أَتُوبُ عَلَيْهِمْ وَأَنَا التَّوَّابُ الرَّحِيمُ ﴿١٦٠﴾

**160. Магар тавба қилиб, аҳли солиҳ бўлиб, баён қилганларнинг, ана ўшаларнинг тавбасини қабул қилурман. Ва Мен тавбаларни кўплаб қабул қилувчи ва раҳимлидирман.**

Аллоҳдан келган ҳақиқатни беркитиш жуда ҳам катта гуноҳ эканини билишимиз учун оятдаги гапларни тадаббур қилиб кўрайлик. Бу гуноҳнинг ёмонлигини билгач, тавба қилишнинг ўзигина унинг қабулига кифоя эмас экан. Балки тавбадан кейин аҳли солиҳлардан бўлиб, яхши ишларни қилиб ва аввал бузган нарсаларини тузатиб ҳамда одамлардан беркитган нарсаларини баён қилиб-тушунтириб берганларидан сўнггина уларнинг тавбасини қабул қилишини Аллоҳ таъкидлаяпти.

**«Магар тавба қилиб, аҳли солиҳ бўлиб, баён қилганларнинг, ана ўшаларнинг тавбасини қабул қилурман».**

Оятнинг охирида Аллоҳ таоло Ўзининг тавбаларни кўплаб қабул қилувчи, раҳимли Зот эканини эслатиб, кишиларни умидвор бўлишга ундамоқда.

**«Ва Мен тавбаларни кўплаб қабул қилувчи ва раҳимлидирман.»**

Аллоҳ раҳимли бўлмаганида, ҳақиқатни яширган одамларнинг гуноҳини ҳеч кечмас эди. Аммо, Аллоҳ раҳимли экан, деб, ким нимани хоҳласа, қилавермайди. Аллоҳнинг раҳимлилиги гуноҳида бардавом бўлган, ўлгунча куфрни маҳкам тутганларга жорий бўлмаслигини кейинги оят баён қилади:

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَمَاتُوا وَهُمْ كُفَّارًا أُولَٰئِكَ عَلَيْهِمْ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ  
أَجْمَعِينَ ۖ خَالِدِينَ فِيهَا لَا يُخَفَّفُ عَنْهُمْ الْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنظَرُونَ ﴿١٦٢﴾

**161. Албатта, куфр келтирган ва кофирлик ҳолида ўлганларга – ана ўшаларга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва одамларнинг – барчанинг лаънати бўлмай.**

**162. Унда абадий бўлурлар. Улардан азоб енгиллатилмас. Ва уларга назар ҳам солинмас.**

Бундай ҳолга тушишларига ўзлари сабабдирлар. Вақтни бекор ўтказдилар. Фурсат борида тавба қилиб, ўзларини ўнгласалар бўларди. Аммо улар бундай қилмадилар, ўлгунларича куфрда бардавом бўлдилар, шунинг учун уларга ҳар қанча лаънат бўлса, шунча оз.

**«Албатта, куфр келтирган ва кофирлик ҳолида ўлганларга – ана ўшаларга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва одамларнинг – барчанинг лаънати бўлмай».**

Шу билан бирга, улар барчанинг лаънатида абадий қолурлар. Уларга берилган Аллоҳнинг азоби ҳеч қачон енгиллатилмайди. Уларга Аллоҳ назар ҳам солмайди.

**«Унда абадий бўлурлар. Улардан азоб енгиллатилмас. Ва уларга назар ҳам солинмас».**

Чунки қийноқда турган одамга олий мақомдан назар солинса, бизга ҳам назар тушди-ку, деб руҳий лаззат олиши мумкин.

Модомики ҳақиқатни беркитиш шунчалик гуноҳ экан, беркитилиши мутлақо мумкин бўлмаган энг илк ҳақиқат нима? Буни келаси оят очиқлайди:

وَإِلَهُكُمْ إِلَهٌُ وَاحِدٌ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ

**163. Ва илоҳингиз бир илоҳдир. Роҳман ва Роҳийм бўлмиш Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқдир.**

Ушбу оятда Ислом ақийдасининг бош масаласи — Аллоҳнинг ягоналиги асосий қоида сифатида илгари сурилмоқда. Ҳеч қачон Аллоҳнинг борлигига шубҳа бўлмаган. Доимо Унинг зоти ва сифатлари ҳақида тортишувлар бор эди. Унинг махлуқотлар билан алоқаси ҳақида ҳам тортишувлар кечган. Фақат коммунистларгина илоҳнинг йўқлиги ҳақида сафсата сотдилар. Аллоҳнинг борлигини инкор этдилар. Коммунистик тузум авжига чиқиб, бутун дунёни эгаллаймиз, деб жар солиб турган бир пайтда замондош олимларимиздан бирлари: «Аллоҳнинг борлигини инкор қилиш бармоқдаги томири йўқ бегона ўсимтадир, шак-шубҳасиз тезда йўқолиб, асари ҳам қолмайди», деб ёзган эди. Тўғри чиқди, коммунистлар ҳам, уларнинг ғоялари ҳам, жумладан, Аллоҳнинг борлигини инкор этиш ҳам йўқ бўлиб кетмоқда.

Тангрининг ягоналиги ақийдаси асосида бошқа тасаввурлар ҳам ҳақиқий шаклни оладилар.

Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадисда, Аллоҳ таолонинг исми аъзами «Ва илаҳукум илаҳун ваҳидун», яъни, «Ва илоҳингиз бир илоҳдир» ҳамда «Алиф лаам мийм. Аллоҳу ла илаҳа илла ҳу», яъни, «Алиф лаам мийм. Аллоҳки, ундан ўзга илоҳ йўқдир» оятларидан биридадир, дейилган.

Сўнгра, Аллоҳ таоло Ўзининг ягоналигига борлиқдан далиллар келтира бошлайди:

إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَأَخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَالْفُلْكِ الَّتِي تَجْرِي فِي



الْبَحْرِ بِمَا يَنْفَعُ النَّاسَ وَمَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ السَّمَاءِ مِنْ مَّاءٍ فَأَحْيَا بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا وَبَثَّ فِيهَا مِنْ كُلِّ دَابَّةٍ وَتَصْرِيفِ الرِّيْحِ وَالسَّحَابِ الْمُسَخَّرِ بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ لآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴿١٦٤﴾

**164. Албатта, осмонлару ернинг яратилишида, кечаю кундузнинг алмашиб туришида, одамларга манфаатли нарсалари ила денгизда юриб турган кемада, Аллоҳнинг осмондан сув тушириб, у билан ўлган ерни тирилтириши ва унда турли жондорларни таратишида, шамолларни йўналтиришида, осмону ер орасидаги итоатгўй булутда ақл юритувчи қавмлар учун белгилар бор.**

Ушбу оятларда зикр қилинган ҳолатларни доим кўриб, уларнинг ичида яшаб юрамиз. Шу қадар кўникиб кетганмизки, алоҳида эътибор бермай қўйганмиз. Ҳолбуки, буларнинг ҳар бири Аллоҳ таолонинг борлигига катта бир далилдир. Мисол учун,

**«осмонлару ернинг яратилишида»**ги ҳақиқатларни бир ўйлаб кўрайлик. Дарҳақиқат, инсоф билан, ақлни жойига қўйиб, бир ўйлаб кўрайлик-чи: осмонлару ерни ким яратган? Осмонларнинг чегарасини ҳали биров чегаралаб билгани йўқ. Ундаги бор нарсалар, ҳамма-ҳаммасини ким яратган? Аллоҳнинг борлигини инкор қилаётган худосизларми? Ёки бошқа бирорта яратувчи борми? Осмонлару улардаги улкан сайёраларни қўйинг, энг яқин осмондаги энг кичик сайёра бўлмиш ерни олиб кўрайлик. Уни ким яратган, ундаги инсон ва жонзотлар ҳаётига зарурий нарсаларни ким мослаштирган? Ҳавосини, сувини ва ҳоказоларни ким ҳозиргидек қилиб қўйган? Аллоҳнинг борлигини инкор қилаётган худосизларми ёки яна бирорта бошқа яратувчи борми?

**«... кечаю кундузнинг алмашиб туришида.»**

Ҳар куни икковлари алмашиб туради. Бири узайса, иккинчиси қисқаради. Биз уларни бошимиздан ўтказиб, умримизнинг ҳисобини шу кеча ва кундузлар ила ўлчаймиз, аммо уларнинг шундай алмашиб туришини ким жорий қилгани ҳақида ўйламаймиз. Кечанинг ўзига хос қанчадан-қанча хусусиятлари бор, кундузнинг ўзига хос қанчадан-қанча хусусиятлари бор. Агар улар бўлмаса, ер юзида ҳаёт бўлиши қийин.

**«...одамларга манфаатли нарсалари ила денгизда сузиб юрган кемада...»**

Буни кемага тушганлар яхши билишади. Кемада сафар қилган инсон, денгиз ўртасида, мовий рангли чексиз сувликда, бўронлару

довуларда қолган инсон Аллоҳнинг қудратига қойил қолади. Уни фақат Аллоҳнинг Ўзи қудрати ила сақлаб турганига ишонч ҳосил қилади.

**«Аллоҳнинг осмондан сув тушириб, у билан ўлган ерни тирилтириши ва унда турли жондорларни таратишида...»** ҳам ақлни ишлатганлар учун улкан аломат-белгилар бор.

Агар Аллоҳ осмондан сув туширмаса, ерни тирилтирмаса, ер юзида ҳаёт бўлиши мумкинмиди? Ана шу қудратини эсга солиш учун, баъзи диёрларга бир муддат сув туширмай қўйса, ўсимликлардан тортиб ҳайвонлар ва ниҳоят одамларгача ҳалокатга учрашининг хабари бизларга тез-тез етиб турибди-ку, шунда ҳам ўзимизга хулоса чиқариб олмаймиз.

**«Шамолларни йўналтиришида, осмону ер ўртасидаги итоаткор булутда ҳам ақл юритувчи қавмлар учун...»**

Аллоҳнинг ягоналиги ҳақида кўпдан-кўп белгилар бор. Бу шамол ва булутларнинг борлиқда Аллоҳ жорий қилган қоидаларга итоат этиши, ўзига юклатилган вазифани сўзсиз бажариши, улардан келадиган манфаат ёки зарар... буларнинг тасарруфотини ягона яратувчи ва бошқарувчи Аллоҳ қилмаса, ким қилади?!

Ушбу аломатларни кўра-била туриб, улардан мўл фойдаланиб туриб, яна Аллоҳни инкор этадиган инсон, агар уни инсон деб аталса, заррача ҳам ақли йўқ инсон бўлади.

Лекин на чора, дунёда ақлни ишлатмайдиган, Аллоҳнинг ягоналигини тан олмайдиганлар ҳам бор экан. Буни келаси оят баён қилади:

وَمِنَ النَّاسِ مَن يَتَّخِذُ مِن دُونِ اللَّهِ أَنَدَادًا يُحِبُّونَهُمْ كَحُبِّ اللَّهِ وَالَّذِينَ آمَنُوا أَشَدُّ حُبًّا لِلَّهِ وَلَوْ يَرَى الَّذِينَ ظَلَمُوا إِذْ يُرُونَ الْعَذَابَ أَنَّ الْقُوَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًا وَأَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعَذَابِ

**165. Одамлар ичида Аллоҳдан ўзга тенгдошларни тутадиганлар ва уларни Аллоҳни севгандек севадиганлар бор. Иймон келтирганларнинг Аллоҳга муҳаббатлари қаттиқдир. Зулм қилганлар азобни кўрган чоғларида, албатта, барча қувват Аллоҳга хослигини ва, албатта, Аллоҳнинг азоби шиддатли эканини билсалар эди!**

Ҳа, Аллоҳнинг ягоналигини тан олмайдиган, унга ширк келтирадиганлар ҳам бор. Улар Аллоҳга ширк қилган ўша бут ва санамларини худди Аллоҳни севгандек севадилар, уларга муҳаббат қўядилар.

Ушбу оят тушган пайтларда Аллоҳга ширк тутилган нарсалар буту санамлар, тошу дарахт ёки ҳайвон ва бошқа содда ашёлар эди, бугунга келиб булар қаторига яна шахслар, жамият ёки фирқалар ҳам қўшилди.

Ҳа, «Одамлар ичида Аллоҳдан ўзга тенгдошларни тутадиганлар ва уларни Аллоҳни севгандек севадиганлар бор».

Аmmo ҳақиқий иймонли инсонлар бор муҳаббатларини Аллоҳ таолонинг Ўзига қаратганлар ва бу муҳаббатлари жуда ҳам кучлидир. Қалбларида Аллоҳдан бошқанинг муҳаббатига ўрин йўқ.

**«Иймон келтирганларнинг Аллоҳга муҳаббатлари қаттиқдир.»**

Ояти кариманинг давомида Аллоҳга ширк келтирувчиларнинг ҳоли нима бўлиши баён этилади.

**«Зулм қилганлар азобни кўрган чоғларида, албатта, барча қувват Аллоҳга хослигини ва, албатта, Аллоҳнинг азоби шиддатли эканини билсалар эди!»**

Яъни, Аллоҳга ширк келтириб, ҳаққа ва ўзларига зулм этган мушриклар қиёмат куни азобни кўрган чоғларида, албатта, барча қувват Аллоҳга хослигини ва, албатта, Аллоҳнинг азоби шиддатли эканини билсалар эди, зулм қилиб, ширк келтирмас ва Аллоҳга тенг қилгани нарсаларини Аллоҳни севгандек севмас эдилар:

إذ تَبَرَّأَ الَّذِينَ اتَّبَعُوا مِنَ الَّذِينَ اتَّبَعُوا وَأَوَّاءَ الْعَذَابِ وَتَقَطَّعَتْ بِهِمُ الْأَسْبَابُ  
 وَقَالَ الَّذِينَ اتَّبَعُوا لَوْ أَنَّا كُنَّا نَدْرِكُهُمْ لَسَخَّطْنَا لَهُمْ عَنَّا كِسْفَ الْبَارِئِ لَئِن يَدْعُنَا فَيَسْأَلُنَا عَنَّا كِبَارَهُمْ كَذَّبْنَا بِكُفْرِهِمْ إِنْ أَدْعُونَا فَنُنَادِيهِمْ يُرِيبُهُمْ اللَّهُ  
 أَعْمَلَهُمْ حَسْرَتٍ عَلَيْهِمْ وَمَا هُمْ بِخَارِجِينَ مِنَ النَّارِ

**166. У пайтда пешволар (ўзларига) эргашганлардан тонарлар ва улар азобни кўрарлар, уларнинг боғланишлари кесилур.**

**167. Ва эргашганлар: «Қани энди бизга бир ортга қайтиш бўлса эди, биздан тонганларидек, биз ҳам улардан тонар эдик», дерлар. Шундай қилиб, Аллоҳ уларга амалларининг ўзларига ҳасрат бўлганини кўрсатур. Ва улар дўзахдан чиқувчи эмаслар.**

Қиёматдан бир кўриниш: ҳамма ўзи билан овора, биров билан бировнинг иши йўқ. Пешволар, бошлиқлар, бу дунёда бошқаларни ўз ортидан эргаштириб юрганлар ўзларига эргашганлардан тонадилар. Ҳа,

**«У пайтда пешволар (ўзларига) эргашганлардан тонарлар...»**

Чунки ўзининг иши чатоқ бўлиб турганда, бошқанинг ташвиши ортиқча бўлади уларга.

**«ва улар азобни кўрарлар, уларнинг боғланишлари кесилур».**

Азобни кўргач, уларнинг ораларидаги барча боғланишлар, алоқалар, яқинликлар кесилади. Ёруғ дунёда Аллоҳга эмас, бошлиқларига муҳаббат қўйиб, уларга эргашиб, уларнинг айтганинигина қилганлар ҳам у пайтда итоаткорликни, пешволаридан қўрқишни йиғиштириб қўйиб:

**«Қани энди бизга бир ортга қайтиш бўлса эди, биздан тонганларидек, биз ҳам улардан тонар эдик», дерлар».**

Яъни, қани энди, у дунёга яна бир боргина қайтсак, пешволаримиз биздан ҳозир тонганларидек, биз ҳам улардан тонар эдик, дейдилар. Лекин бунинг иложи йўқ.

**«Шундай қилиб, Аллоҳ уларга амалларининг ўзларига ҳасрат бўлганини кўрсатур.»**

Яъни, Аллоҳ таоло уларга Ўзига хос ажойиб услуб билан, ўзларининг қилган ишлари ўзларига ҳасрат бўлиб қайтганини кўрсади.

**«Ва улар дўзахдан чиқувчи эмаслар.»**

Улар энди дўзах оташида абадий қолажақлар.

Юқорида ўтган оятларда Аллоҳ таоло Ўзининг ягоналигини, яратувчилигини, унга ширк келтирганларга азоб муқаррар эканини баён қилди, энди келаси оятларда Ўзининг бандаларига ризқ берувчи эканини, ҳалолу ҳаромнинг ҳукмини ҳам Ўзи чиқаришини таъкидлайди:

يَأَيُّهَا النَّاسُ كُلُّوْا مِمَّا فِي الْأَرْضِ حَلَالًا طَيِّبًا وَلَا تَتَّبِعُوا خُطُوَاتِ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ

**168. Эй одамлар! Ер юзидаги нарсалардан ҳалол-покларини енглар. Ва шайтон изидан эргашманглар, чунки у сизларга очиқ душмандир.**

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло фақат мўминларни эмас, балки барча одамларни ҳалол-пок нарсаларни ейишга даъват қиляпти. Аллоҳ таоло ер юзидаги ноз-неъматларни бандалари учун яратган, уларнинг ҳалол-покларидан ейишга умумий рухсат бермоқда. Ҳалол-пок неъматларни номма-ном санаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, улар кўп. Ҳаром, нопок нарсалар жуда ҳам оз, кези келганда уларни санаб ўтилади.

«Ҳалол» сўзи луғатда «ечилган» маъносини билдиради. Чунки ҳалол нарсадан ман қилиш тугуни ечилган бўлади. Ейдиган нарса-

нинг ҳалол бўлишига Ислом динида катта аҳамият берилади. Жумладан, ушбу оятда ҳам бу нарса алоҳида таъкидланмоқда.

Ўтган аҳли солиҳларимиздан Саҳл ибн Абдуллоҳ:

«Нажот уч нарсада – ҳалол ейиш, фарзларни адо этиш ва Пайгамбар алайҳиссаломга эргашишдир», деганлар.

Ояти каримада ҳалол-пок ризқларни ейишга зид қилиб шайтоннинг изидан эргашиш қўйилмоқда. Яъни, шайтоннинг йўлида юрганларгина ҳалол-пок емайдилар, деганидир бу. Шайтон инсонларга ҳалол едирмаслик билан уларни Аллоҳнинг итоатидан чиқаради. Шайтоннинг етовига тушиб қолган нодон инсон эса, ҳалол-ҳаромни фарқламай, нақадар улкан гуноҳ қилаётганини ўзи билмайди, ҳатто ҳис этмайдиган даражага тушади. Унга ҳаромни емасликни насиҳат қилсангиз, «Нима бўпти есам?» дейди. Мана шу ҳоли унинг шайтон етовига эканига далилдир.

Келаси оят шайтоннинг душманлигини янада кенгайтириб тушунтиради:

إِنَّمَا يَأْمُرُكُمْ بِالسُّوءِ وَالْفَحْشَاءِ وَأَنْ تَقُولُوا عَلَى اللَّهِ مَا لَا نَعْلَمُونَ ﴿١٦٩﴾

**169. Албатта, у сизларни ёмон ва фаҳш ишларга ҳамда Аллоҳга қарши билмаган нарсангизни гапиришингизга буюрадир.**

Аллоҳ таоло ўтган оятда «Эй, одамлар!» деб бошлаган оммавий нидосини бу оятда давом эттириб, шайтоннинг одамларга душманлигидан уч хилини эслатмоқда:

«**Албатта, у сизларни...**» Яъни, шайтон сизларни...

«**ёмон**» – нима ёмон нарса бўлса, шариатда «ёмон» дейилган, урфда «ёмон» дейилган ва ақл ҳам «ёмон» дейдиган ишларга буюради. Яна у сизларни

«**фаҳш**» – уят, айб ишларга буюради.

«**ҳамда Аллоҳга қарши билмаган нарсангизни гапиришингизга буюрадир**».

Аллоҳ таолога, Унинг динига қарши ўзингиз билмаган нарсаларни гапиришга амр қилади.

Аллоҳ таоло рост айтади. Дарҳақиқат, дину диёнатсиз, иймону исломсиз шахсларнинг ишлари ва гапларига яхшилаб назар солган одам бу ҳақиқатни дарҳол тушуниб етади. Ундоқ шахслар шайтонга малай бўлиб қоладилар. Ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормайдилар. Дунёдаги барча ёмонликларни тап тортмай қилаверадилар. Фаҳш ишларни: зино, уятсизлик ва беҳаёликни ўзларига фахр биладилар. Ундоқ шахслар Аллоҳ таоло, дин ва шариат ҳақида оғизларига келганини бўғизларига ютмай гапираверадилар.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا أَلْفَيْنَا عَلَيْهِ ءِآبَاءَنَا أَوَلَوْ كَانَتْ  
ءِآبَاءُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ شَيْئًا وَلَا يَهْتَدُونَ ﴿١٧٠﴾

**170. Уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага эргашигиз», дейилса, улар: «Йўқ, биз оталаримизни нимада топсак, шунга эргашамиз», дерлар. Оталари ҳеч нарсага ақли етмаган ва ҳидоят топмаган бўлсалар ҳам-а?!**

Шайтоннинг изидан эргашганлар Аллоҳ нозил қилган Қуръонга ва Ислом ҳукмларига эргашишдан бўйин товлаб, ота-боболаридан қолган нарсаларга эргашишни афзал билишади. Бу ақлсизликдан бошқа нарса эмас. Аллоҳнинг амри турганда ундан бошқа нарсага ҳам эргашиладими? Қолаверса, ота-боболари ким ўзи? Эҳтимол, ақлсизликлари оқибатида хато йўлларда юрган одамлардир улар? Балки, ҳидоят топмай, залолатда қолган одамлар бўлгандирлар?

وَمَثَلِ الَّذِينَ كَفَرُوا كَمَثَلِ الَّذِي يَنْعِقُ بِمَا لَا يَسْمَعُ إِلَّا دُعَاءً وَنِدَاءً صُمُّوا بِكُمْ عَمَى  
فَهُمْ لَا يَعْقِلُونَ ﴿١٧١﴾

**171. Куфр келтирганлар мисоли худди қичқирқ ва сасдан бошқа нарсани эшитмайдиганларга бақираётганга ўхшайди. Улар кар, соқов ва кўрдирлар. Улар ақл ишлатмаслар.**

Ушбу оятдаги ўхшатиш ҳақида тафсирчилар ва араб тили олимлари узоқ баҳслар қилишган, ундан қоидалар ишлаб чиқаришган. Чунки бу оятда нозик ишоралар кўп бўлиб, уни таржимада айнан акс эттириш амри маҳолдир. Кўпчиликнинг фикри шундайки, Аллоҳ таоло бу ояти каримада кофирларни чорва ҳайвонларига, Пайғамбарларни уларни ҳайдаб юрувчи чўпонга ўхшатади.

Чўпон чорваларни хавф-хатардан сақлаш, уларни фойдали ерларга бошлаш учун овоз чиқариб чақиради, нидо қилади, аммо чорвалар овозни эшитади-ю, саснинг маъносини тушунмайди.

Худди шунга ўхшаб, кофирлар ҳам Пайғамбарларнинг чақирғини, нидосини эшитадилар, лекин уни англаб етмайдилар, унга амал қилмайдилар. Овозлари чиқса ҳам, улар бу масалада соқовдирлар; кўзлари очиқ бўлса ҳам, ҳақиқат ўлчовида кўрдирлар; қулоқлари эшитса ҳам, ҳақиқатда кардирлар. Чунки, уларнинг ақллари йўқ.

Келгуси оят эса, чақирқни эшитиб, уни англайдиган, унга амал қиладиган, кўзи, қулоғи очиқ, ақлини ишлатадиган мўминларга хитоб қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُلُوا مِن طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَاشْكُرُوا لِلَّهِ إِن كُنتُمْ إِيَّاهُ  
تَعْبُدُونَ ﴿١٧٢﴾

**172. Эй, иймон келтирганлар! Сизларга ризқ қилиб берганимиз пок нарсалардан енглар ва Аллоҳга шукр қилинглр, агар Унга ибодат қиладиган бўлсаларингиз.**

Аллоҳ мўмин бандаларига пок нарсаларни ризқ қилиб берганини ва улардан еб лаззатланган бандалар ризқ берган Зотга – Аллоҳга шукр келтиришлари зарурлигини англатмоқда. Демак, нопок нарсалар ризқ эмас. Мўмин инсон Аллоҳнинг амрига биноан доимо пок нарсани ейди. Бу илоҳий амр унинг фойдаси учундир. Пок озуқа ила озуқаланган инсон соғ-саломат бўлади. У пок нарсалардан озуқа олгани учун беморликлардан холи бўлади. Пок таом ила озуқаланиш имкони улкан неъматдир. Шунинг учун, пок таомни яратган Зотга, пок таомнигина истеъмол қилишга амр этган Зотга шукр қилиш мўмин инсоннинг бурчидир.

Ояти кариманинг охиридаги

«агар Унга ибодат қиладиган бўлсаларингиз» жумласидан Аллоҳнинг амрига мувофиқ пок нарсалар ила таомланиш ва унинг шукрини қилиш ҳам ибодат эканлигини билиб оламиз.

Ўтган оятда ризқ қилиб берилган пок нарсалардан ейишга амр қилингандан сўнг, энди келадиган оятда мўмин инсон учун емоқ ҳаром қилинган нарсалар зикр этилади.

إِنَّمَا حَرَّمَ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةَ وَالدَّمَ وَلَحْمَ الْخِزْيِرِ وَمَا أَهَلَ بِهِ لِغَيْرِ اللَّهِ فَمَن  
أَضْطَرَّ غَيْرَ بَاغٍ وَلَا عَادٍ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٧٣﴾

**173. Албатта, У зот сизларга фақат ўлимтикни, қонни, чўчқанинг гўштини ва Аллоҳдан бошқага сўйилганни ҳаром қилди. Кимки мажбур бўлса-ю, зулм қилмай, ҳаддан ошмай (еса), унга гуноҳ бўлмас. Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимлидир.**

Ушбу ояти каримада мусулмонларга ҳаром қилинган нарсалардан тўрт хили зикр этилмоқда.

Биринчиси – ўлимтик. Яъни, Аллоҳ таоло ҳалол қилган ҳайвонлардан ўзи ўлиб қолганининг гўшти ҳаром бўлади. Соғ инсоний табиат ўлимтикни хоҳламаслиги ҳаммага маълум. Ўлимтикни билиб туриб ейиш учун инсонлик табиатидан чиқиш керак. Бунинг усти-

га, ҳайвон оғир касаллик етмаса, ўзидан-ўзи ўлмайди. Касаллик билан ўлган ҳайвондаги турли иллатлар ва микроблар унинг бутун гўштига тарқалиб кетади. Тиб илми бунга ўхшаш ҳикматларни кўплаб кашф этган. Биз билмаган яна қанча ҳикмати бор.

Иккинчиси – қон. Яъни, ҳайвонни сўйганда оққан қонини тўплаб олиб истеъмол қилиш ҳам ҳаромдир. Сўйилган ҳайвонларнинг томирларида қолган қонлар ҳаром эмас. Сўйилган ҳайвонларнинг бўғзидан оққан қонни ҳам соф инсоний табиат инкор этади. Тиббий нуқтаи назардан қараганда ҳам, ҳайвон сўйилганда ундаги мавжуд барча микроблар, касалликлар ва бошқа зарарли иллатлар қон билан чиқиб кетади, уларни тўплаб, тановул қилиш кони зиён. Аллоҳ таоло инсонга зарар келтирадиган нарсаларнинг барчасини ҳаром қилади.

Учинчиси – чўчқанинг гўшти. «Гўшти» дейилганидан ёғи ёки бошқа жойи ҳалол экан-да, деган фикр келмаслиги керак. Чўчқа буткул ҳаром. Ўлимтик, қон каби у ҳам нажас – ифлос бўлгани учун ҳаром.

Қолаверса, чўчқа табиати бузуқ, ифлос ҳайвон, нима кўринса еяверадиган махлуқ. Соф табиат эгалари ундан нафрат қиладилар.

Ейилган озуқа инсон вужудига сингиб, ўз таъсирини ўтказади. Масалан, баъзи дориларни ичсангиз, Аллоҳ у моддаларга берган хусусият туфайли танадаги оғриқ қолади, баъзилари истеъмол қилинса, асаб ўрнига тушади ва ҳоказо. Шунингдек, баъзи овқатлар иссиқдигингизни ошириб юборса, бошқаси совуқдигингизни оширади. Хулоса шуки, тановул қилинган озуқалар инсонга ҳар жиҳатдан таъсир ўтказади.

Тажрибалиларнинг таъкидлашича, дунёда эркаги урғочисини қизғанмайдиган бирдан-бир ҳайвон чўчқа экан. Балки шу боисдандир, чўчқа гўшти кўп истеъмол қиладиган халқларнинг эркаклари аёлларини қизғанмайдилар, бу масалада иффат ва номус нималигини билмайдиган даюсларга айланиб қолганлар.

Тиб олимлари чўчқа гўштида қон-томир ва юрак касалликларни тарқатувчи моддалар борлигини ҳам аниқлашди. Яна бошқа кўпгина зарарлари ҳам аён бўлди. Бу ҳақда ҳатто ўзлари чўчқа гўштини истеъмол қиладиган халқларнинг вакиллари, Қуръон ва Исломдан беҳабар кишилар илмий ишлар қилдилар, алоҳида китоблар ҳам ёздилар.

Тўртинчиси – Аллоҳдан бошқанинг номини айтиб сўйилган ҳайвоннинг гўшти. Аввалги айтган ўлимтик, қон ва чўчқа гўштлирининг ҳаромлиги улардаги мавжуд нажосат ва моддий зарарлар эътиборидан эди. Аммо, Аллоҳдан бошқанинг номи айтиб сўйилган ҳай-



вон гўштининг ҳаром бўлишида ул эътибор мутлақо йўқ, балки бошқа эътибор бор.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, таомларнинг ҳалол-ҳаромлигини белгилашда инсоннинг амалига қараб ҳукм чиқариладиган фақат бир ҳолат бор, у ҳам бўлса, гўштини Аллоҳ ҳалол қилган ҳайвонларни сўйиш чоғидир. Бошқа таомларда бу ҳолат мезон бўлмайди. Мисол учун, нонни ким ёпади, бисмиллоҳ айтадимиди-айтмайдими, барибир ҳалол бўлади. Шунингдек, мевалар ва сабзавотлар ва бошқа озиқ-овқатларнинг ҳукми ҳам инсоннинг амалига боғлиқ эмас.

Ҳайвонни сўяётганда эса, сўювчи шахсга, унинг ниятига ва сўйиш услубига қаралади. Сўювчи ҳайвонни Аллоҳдан бошқанинг номини айтиб сўйса, гўшт ҳаромга айланади. Бу ерда моддий эмас, балки маънавий-руҳий ҳолат эътиборга олинган. Инсонни яратиб унга жон ато этган Зот Аллоҳ таолодир. Худди шунингдек, сўйиладиган ҳайвонни ҳам яратиб, унга ҳам жон ато қилган Аллоҳ таолонинг Ўзидир. У Зот бир махлуқига (инсонга) бошқа баъзи махлуқларини (айрим ҳайвонларни) сўйишга ва гўштга айлантириб фойдаланишга рухсат берди. Бу ишни амалга ошириш пайтида бир неча шартга риоя этишга буюрди.

Аввало, ҳайвонни сўйиб жонини чиқариш пайтида шу жонни берган Зотни эслаш. Агар у ҳайвонга жон ато қилган Аллоҳни қўйиб, бошқанинг номи зикр этилса, маънавий жиноят содир бўлган бўлади. Бу эса, қалб, руҳ ва виждон поклигига зиддир. Демак, маънавий нажосатдир. Шунинг учун, маънавий нажосатга айланган бундай гўшт ҳам ҳаром ҳисобланади. Аллоҳ таоло жон берган ва мўминларга ҳалол этилган ҳайвонларни сўйганда гўшти ҳам ҳалол бўлиши учун, ҳайвонни Аллоҳнинг исмини айтиб, «Бисмиллаҳи, Аллоҳу акбар», деб сўймоқ лозим. Кейин қассоб эътиқодли одам, яъни, Ислом ақийдасидаги ёки аҳли китоб — яҳудий ёки насроний ақийдасидаги киши бўлиши керак. Ва ҳайвонни шариат ҳукмига мувофиқ сўйиш лозим.

Ҳайвонни сўйишда Ислом шариатининг ҳукми бундай: томоғидан сўйиб, бўйнидаги йўғон қон томирларининг иккиси ёки биттаси, ҳалқуми ва қизил ўнгачи кесилиши керак. Шу шартларга кўра сўйилган ҳайвон гўшти ҳалол бўлади. Бўлмаса,

**«Албатта, У зот сизларга фақат ўлимтикни, қонни, чўққанинг гўштини ва Аллоҳдан бошқага сўйилганни ҳаром қилди»,** деган Аллоҳ таолонинг каломига биноан ҳаром бўлади.

Лекин айрим истисно ҳолларда, «ҳаром» саналган мазкур нарсалардан тановул қилишга рухсат берилган.

**«Кимки мажбур бўлса-ю, зулм қилмай, ҳаддан ошмай (еса), унга гуноҳ бўлмас. Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимлидир».**

Масалан, дейлик, бир одам оч қолди, ўлим хавфи туғилди, мазкур ҳаром нарсалардан бошқа ейдиган нарса йўқ, шундай ҳолдагина ўлмай қолиш учун еса, бўлади. Фақат, ояти каримада таъкидланганидек, зулм қилмай, ҳаддан ошмай еса, унга гуноҳ бўлмайди. Мутлақо заруратсиз, қийинчилик бўлмаса ҳам еса, ўзига зулм қилган бўлади. Еган пайтида тўйиб, керагидан ортиқ еб юбориши эса, ҳаддан ошишга киради. Уламоларимиз: «Ўлим хавфида қолган одам ушбу нарсалардан ўлмай қоладиган даражада ейишига рухсат ушбу оятдан олинган», дейишади.

Аммо, «Бу ҳаром нарса, ўлсам ҳам емайман!» дея қайсарлик билан ўлиб кетган инсон гуноҳқори азим бўлади.

Ўтган азизлардан Масруқ раҳматуллоҳи алайҳи: «Ким мажбур бўлса-ю, емай-ичмай ўлиб кетса, дўзахга киради», деганлар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинадики, Саъд ибн Аби Ваққос розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз алайҳиссаломга:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, дуо қилинг, Аллоҳ мени дуоси қабул бўладиганлардан қилсин», — дедилар. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Эй Саъд, таомингни ҳалол қил, дуоси қабул бўладиган бўласан. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зот билан қасамки, бир одам ҳаром луқмани қорнига ташласа, Аллоҳ унинг дуосини қирқ кунгача қабул қилмайди. Қайси банданинг гўшти ҳаромдан ва рибодан ўсса, унга дўзах муносибдир», — дедилар.

Аллоҳ таоло ушбу ва бошқа оятларда мусулмонларга ҳалол ва ҳаром нарсалар ҳақида ҳукмлар туширганида, яҳудийлар ўз одатларига биноан, яна турли гаплар тарқатдилар. Бизда бу ҳалол эди, Тавротда бу ҳақда бундоқ дейилган эди, дея мусулмонларни шакшубҳага тушириб, фитна қўзидилар.

Келаси ояти каримада ана ўшалар ҳақида сўз кетади.

إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ الْكِتَابِ وَيَشْتُرُونَ بِهِ ثَمَنًا قَلِيلًا أُولَٰئِكَ مَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ إِلَّا النَّارَ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يُزَكِّيهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٧٥﴾

**174. Албатта, Аллоҳ китобда туширган нарсани беркитганлар ва уни озгина баҳога сотганлар, ана ўшалар қоринларига олов-**

**дан бошқа нарсани емаслар, уларга Аллоҳ қиёмат куни гапирмас ва уларни покламас. Уларга аламли азоблар бор.**

Уламоларимиз Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, у киши:

«Ушбу оят яҳудийларнинг Каъб ибн Ашраф, Молик ибн ас-Сойф ва Ҳаййи ибн Ахтобга ўхшаш бошлиқлари ҳақида тушган. Улар ўзларига эргашганлардан ҳадялар олар эдилар. Муҳаммад алай-ҳиссалом Пайғамбар этиб юборилганларидан сўнг, мазкур манфаатлардан маҳрум бўлишдан қўрқиб, у киши ҳақидаги ҳақиқатни беркитдилар», — дедилар.

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада уларни:

**«Албатта, Аллоҳ китобда туширган нарсани беркитганлар ва уни озгина баҳога сотганлар»,** деб васф қилмоқда.

Демак, яҳудийлар ҳалол, ҳаром ҳақида ҳар қанча сафсата сотсалар ҳам, энг ёмон ҳаромни ўзлари ер эканлар. У ҳам бўлса, Аллоҳ ўз китобида туширган ҳақиқатни беркитиш эвазига мол-дунё топар, Аллоҳнинг хабарини озгина баҳога сотар эканлар. Аввалги оятларда гап таом ҳақида кетгани учун бу оятда ҳам топган мол-дунёни емоқлик маъносида гапириляпти,

**«Ана ўшалар қоринларига оловдан бошқа нарсани емайдилар»,** дейиляпти. Уларнинг азоби шу билан тугамайди,

**«уларга Аллоҳ қиёмат куни гапирмас ва уларни покламас. Уларга аламли азоблар бор».**

Яъни, қиёмат куни Аллоҳ таоло томонидан уларни хурсанд қилдиган гаплар бўлмайди, уларга ҳеч қандай марҳамат қилинмайди. Уларнинг дод-войлари тингланмайди. Яна, қиёмат куни Аллоҳ таоло уларни покламайди, яъни, гуноҳларини кечирмайди. Натижада, уларга ҳар жиҳатдан азоб бўлади.

Уларнинг ҳолини келаси оят қуйидагича таърифлайди:

أُولَٰئِكَ الَّذِينَ اشْتَرُوا الضَّلٰلَةَ بِالْهُدٰى وَالْعَذَابَ بِالْمَغْفِرَةِ فَمَا أَصْبَرَهُمْ

عَلَى النَّارِ ﴿٧٥﴾

**175. Ана ўшалар адашувни ҳидоятга, азобни мағфиратга сотиб олганлардир. Дўзах ўтига қандоқ чидайдилар-а?!**

Ушбу ояти каримада васф асосида ҳақиқатни беркитган (кофир бўлган) яҳудий ва насронийларнинг ишини агар бозордаги савдо-сотик мисолида тушунтирилса, улар ўзларига нақадар зулм қилаётганларини билса бўлади. Худди қимматбаҳо олтинни бир тийинга

қиммат жезга алишгандек, улар ҳидоятни сотиб, эвазига залолат-адашувни оладилар, шундай бебаҳо мағфиратни қўллари билан бериб, ўрнига азобни сотиб оладилар. Бундан зарарли савдо-сотик бўлмаса керак. Ҳа, модомики қўлларидаги ҳидоят ва мағфиратни ўз ихтиёрлари билан топшириб, ўрнига ўзлари хоҳлаб залолат ва азобни оляптиларми, энди маза қилиб дўзах ўтига чидайверсинлар.

ذٰلِكَ بِاَنَّ اللّٰهَ نَزَلَ الْكِتٰبَ بِالْحَقِّ وَاِنَّ الَّذِيْنَ اٰخْتَلَفُوْا فِي الْكِتٰبِ لَیْ شِقَاقٍ بَعِيْدٍ ﴿١٧٦﴾

**176. Бунинг сабаби, албатта, Аллоҳ китобни ҳақ билан нозил қилган эди. Китоб хусусида ихтилоф қилганлар эса, тубсиз тортишувдадирлар.**

Қўлларидаги ҳидоят ва мағфиратни бой бериб, қаттиқ азобга дучор бўлишларининг сабаби:

«Аллоҳ китобни ҳақ билан нозил қилган эди», улар ўшал китобни тан олмадилар. Ҳолбуки, бу ҳақ китобга амал қилиб, бахт-саодатда яшасалар бўлар эди. Аммо улар Аллоҳнинг китоби хусусида ихтилоф қилдилар, тубсиз талашув ва туганмас ихтилоф гирдобига тушиб қолдилар. Оқибатда мазкур азобларга дучор бўлдилар. Ҳа,

**«Китоб хусусида ихтилоф қилганлар эса, тубсиз тортишувдадирлар».**

Аллоҳнинг китоби ҳақида ихтилоф қилган ҳар бир умматнинг ҳоли шундай бўлади.

Кейинги оятда яхшиликнинг асосий қоидаси баён қилинади. Ким шунга амал қилса, яхшилик қилган бўлади. Ихтилофга ўрин қолмайди:

﴿لَيْسَ الْبِرَّ اَنْ تُولُوْا وُجُوْهَكُمْ قِبَلَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَلٰكِنَّ الْبِرَّ مِّنْ ءَاْمَنَ بِاللّٰهِ وَالْيَوْمِ  
الْآخِرِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالْكِتٰبِ وَالنَّبِيِّنَ وَاَتَى الْمَالَ عَلَىٰ حُبِّهٖ ذَوِي الْقُرْبٰى  
وَالْيَتٰمٰى وَالْمَسْكِيْنَ وَاَبْنَ السَّبِيْلِ وَالسَّآئِلِيْنَ وَفِي الرِّقَابِ وَاَقَامَ الصَّلٰوةَ وَاَتَى الزَّكٰوةَ  
وَالْمَوْفُوْتِ بَعْدِهِمْ اِذَا عٰهَدُوْا وَالصّٰبِرِيْنَ فِي الْبَآْسَاءِ وَالضَّرَآءِ وَحِيْنَ الْبَآْسُ اُوْلٰئِكَ  
الَّذِيْنَ صَدَقُوْا وَاُوْلٰئِكَ هُمُ الْمُتَّقُوْنَ ﴿١٧٧﴾﴾

**177. Яхшилик юзингизни машриқ ёки мағриб томонга буришингизда эмас. Лекин яхшилик ким Аллоҳга, охират кунига, фа-**

ришталарга, китобга, Пайғамбарларга иймон келтирса ва яхши кўрган молини қариндошларга, етимларга, мискинларга, ватангадоларга, тиланчиларга, қул озод қилишга берса, намозни қоим қилса, закот берса; Аҳд қилганда аҳдига вафо қилувчилар, камбағаллик, қийинчилик пайтида ва шиддат вақтида ҳам сабр қилувчиларга хосдир. Ана ўшалар содиқ бўлганлардир. Ана ўшалар тақводорлардир.

Одатда одамлар яхшилик матлуб эканлиги ҳақида ихтилоф қилмайдилар. Яхшилик нима эканлиги ҳақида ихтилоф қиладилар. Ҳар ким ўзининг йўлини яхши деб тушунади. Яхшилик маъносига ўзича таърифлар келтиради, чегаралар қўяди, белгилар белгилайди. Улар кўпинча яхшиликни белгилашда ақлларини, ота-боболаридан қолган урф-одатларни, ўзлари яшаб турган жамиятдаги ўлчовларни тушунадилар. Бирлари яхшилик деб тушунган нарсани бошқалари мутлақо ёмонлик деб тушунишлари ҳам мумкин. Демак, яхшиликнинг ҳақиқатини мазкур ҳоллардан устун тургувчи жиҳат белгилаши керак.

Ислом динида яхшилик – Аллоҳ яхши деган нарсалардир. Уларнинг нима экани ушбу оятда тўлиқ таърифлаб берилган. Келинг аввал ояти каримани батафсил ўрганайлик. Оятнинг бошида Аллоҳ таоло:

**«Яхшилик юзингизни машриқ ёки мағриб томонга буришингизда эмас»,** деб, яхшилик маълум бир ҳаракат ёки гап-сўзларни ўзича қилиш ва айтиш билан бўлиб қолмаслигини таъкидламоқда. Сўнгра эса, яхшилик нималигини таърифлашга ўтиб:

**«Лекин яхшилик ким Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобга, Пайғамбарларга иймон келтирса ва яхши кўрган молини қариндошларга, етимларга, мискинларга, ватангадоларга, тиланчиларга, қул озод қилишга берса, намозни қоим қилса, закот берса; Аҳд қилганда аҳдига вафо қилувчилар, камбағаллик, қийинчилик пайтида ва шиддат вақтида ҳам сабр қилувчиларга хосдир»,** демоқда.

Бу ояти каримада яхшилик бир неча қисмга бўлинмоқда:

1. Иймон.

**«...ким Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобга, Пайғамбарларга иймон келтирса...»**

Аллоҳга, Унинг борлигига, сифатларига, исмларига, ягоналигига, тарбияқунанда эканлигига, илоҳлигига иймон келтириш. Охират кунига, яъни, қиёмат қўпишига иймон келтириш, фаришталарга, уларнинг сифатларига иймон келтириш, китобга, яъни, Аллоҳ таоло томонидан бандаларни ҳидоятга бошлаш учун туширилган илоҳий-

самовий китобларга иймон келтириш. Аллоҳ таоло юборган Пайғамбарларнинг бирортасини ҳам қўймасдан ҳаммасига иймон келтириш.

Ушбу иймон келтиришлар яхшиликнинг боши ва асосидир. Бусиз, яъни иймонсиз ҳеч қандай яхшилик бўлиши мумкин эмас. Чунки, кимнинг Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, Пайғамбарларга иймони йўқ бўлса, ундан яхшилик чиқмайди. Чиқса ҳам, доимий бўлмайди. Бирор сабабга боғлиқ бўлади. Ўша сабаб тугаса, яхшилиги ҳам тугайди.

2. Молу дунёсидан нафақа қилиш.

**«...яхши кўрган молини қариндошларга, етимларга, мискинларга, ватангадоларга, тиланчиларга, қул озод қилишга берса...»**

Яхши кўрган молдан қариндош-уруғларга; боқувчисидан ажраб қолган етимларга, яъни, боқувчисиз қолган, балоғат ёшига етмаган ёш болаларга; мискинларга, яъни, еб-ичиш ва яшаш учун етарли маблағи, даромади йўқ кишиларга; ватангадоларга, яъни, ватанидан узоқда нафақасиз қолган одамларга; тиланчиларга, яъни, ўзида яшаш учун моддий имконияти йўқлигидан мажбур бўлиб бошқалардан моддий ёрдам сўраганларга; қул озод қилишга, яъни, хўжаси билан маълум миқдор маблағ эвазига озодликка чиқишни келишиб қўйган қулларга бериш. Мол беришни одат қилган одам ҳирс, заифлик, бахиллик сиртмоғидан озод бўлади. Мол-дунёга қулликдан озод бўлади. Бу юксак инсоний фазилатдир. Фақат юксак инсоний фазилатлар соҳибигина мазкур тоифадаги кишиларга ҳолис ёрдам беради. Бу ишни қилган инсон ҳақиқий яхшиликни қилган бўлади.

3. Намоз ўқиш.

**«...намозни қоим қилса...»**

Фарз намозларни ўз вақтида, рукуъ, сажда ва бошқа арконларини жойига қўйиб, хушуъ-хузуъ билан яхшилаб ўқиш. Намозда инсон ҳам сирти, ҳам ичи — буткул борлиги билан Аллоҳга юзланади. Унда инсоннинг жисми ҳам, ақли ҳам, руҳи ҳам ҳаракатга келади. Намоз ўқимаган одам Аллоҳ таърифлаган яхшиликни қилмаган бўлади.

4. Закот бериш.

**«...закот берса...»**

Мусулмонларнинг бой-бадавлатлари молларидан маълум миқдорини ҳақдор биродарларига молиявий ибодат сифатида берадилар. Бу иш мол эгасига Аллоҳ томонидан фарз қилинган. Шу фарзни адо этадиган одам яхшилик қилувчидир.

5. Аҳдига вафо қилиш.

**«...Аҳд қилганда аҳдига вафо қилувчилар...»**

Аҳдига вафодорлик мусулмонликнинг, иймоннинг кўзга кўринган белгиларидан бўлиб, Қуръони Каримда қайта-қайта такрорлангандир. Ким аҳдига вафо қилса, Аллоҳ таърифлаган яхшиликдан насибадор бўлган бўлади.

6. Сабр қилиш.

**«...камбағаллик, қийинчилик пайтида ва шиддат вақтида ҳам сабр қилувчилар...»**

Фақирлик, бечоралик пайтида, касаллик, беморлик вақтида, уруш, душманлар билан тўқнашув пайтида инсон машаққатларга учрайди. Шундай ҳолларда сабр қилиш лозим.

Сабрлилик ҳам иймонли, мусулмон кишиларнинг алоҳида олий ва зарурий сифатларидан ҳисобланади. У ҳақда аввалги оятлар тафсирида батафсил сўз юритилди. Демак, турли қийин ҳолатларда сабр қилувчилар Аллоҳ таърифлаган яхшилик соҳибларидан бўлар экан.

Оятнинг охирида мазкур олиймақом сифатларга эга бўлганларни:

**«Ана ўшалар содиқ бўлганлардир. Ана ўшалар тақводорлардир»,** деб таърифланмоқда.

Абу Зарр Фифорий розияллоҳу анҳу Пайғамбар алайҳиссаломдан, иймон нима, деб сўраганларида, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ушбу оятни тиловат қилганлар. Кейин яна қайта сўраганларида, яна шу оятни тиловат қилганлар.

Шундай қилиб, Аллоҳ битта оятда эътиқод асосларини, жон ва мол ибодатларини бирлаштириб, бир-биридан ажрамайдиган қилиб, уларнинг ҳаммасига «яхшилик» деб сарлавҳа қўйибди. Шунинг учун ҳам, ушбу унвон остига дохил бўлиб, унга амал қилганларни Аллоҳ таоло «Ана ўшалар содиқ бўлганлардир. Ана ўшалар тақводорлардир», деб таърифламоқда.

Ҳа, ўшалар иймонида, исломида содиқ бўлганлардир.

Ана ўшалар ақийдасида, амалида содиқ бўлганлардир.

Ана ўшалар Аллоҳнинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтган тақводорлардир.

Ўтган азизларимиздан Суфёни Саврий ушбу оятни ўқиб туриб: «Яхшиликнинг барча тури шу оятдадир», деганлар. Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳи: «Ким шу оят билан сифатланса, Ислонинг барча соҳаларига кириб, яхшиликнинг бошидан тутган бўлади», деганлар.

Бундан кейин келадиган ўттизта оятда гўёки юқоридаги «яхшилик» ояти шарҳ қилинади. Бу оятда мадҳ этилган тақводорларнинг сифатлари батафсил келтирилади. Тақво сўзи ва унинг муродифлари тез-тез такрорланиб туради.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْلِ الْحُرِّ بِالْحُرِّ وَالْعَبْدُ بِالْعَبْدِ وَالْأُنثَىٰ  
بِالْأُنثَىٰ فَمَنْ عَفِيَ لَهُ مِنْ أَخِيهِ شَيْءٌ فَأْتِبَاعُهُ بِالْمَعْرُوفِ وَأَدَاءُهُ إِلَيْهِ بِإِحْسَانٍ ذَلِكَ تَخْفِيفٌ مِّنْ  
رَّبِّكُمْ وَرَحْمَةٌ فَمَنْ أَعْتَدَىٰ بِعَدَاكُم فَاعِدْهُ بِذَلِكَ فَهُوَ عَذَابُ أَلِيمٌ ﴿١٧٨﴾

**178. Эй, иймон келтирганлар! Сизга ўлдирилганлар учун қасос фарз қилинди: ҳурга ҳур, қулга қул, аёлга аёл. Кимга ўз биродаридан бир нарса афв қилинса, бас, яхшилик ила сўралсин ва адо этиш ҳам яхшиликча бўлсин. Бу, Роббиларингиздан енгиллик ва раҳматдир. Ундан кейин ким душманлик қилса, унга аламли азоб бор.**

Аллоҳ таоло мўмин бандаларига улар эшитсалар суюнадиган сифатларини айтиб,

«**Эй, иймон келтирганлар!**» деб нидо қилмоқда. Мўмин ўзининг иймонлилик сифатини бевосита Аллоҳдан тинглаётгани унга бир жиҳатдан қанот бахш этса, иккинчи жиҳатдан, модомики, Аллоҳ иймонлиларга алоҳида мурожаат этяптими, демак, кетидан муҳим бир ҳукм тушиши мумкин, дея ихлос ва зийраклик ила сергак тортади. Бу оятда ўшандай ҳукмлардан бири келган:

**«Сизга ўлдирилганлар учун қасос фарз қилинди...»**

Яъни, қасддан одам ўлдирганлардан қасос олиш фарз қилинди. Араб тилида «қасос» сўзи бировнинг қилган ишига ўхшаш иш қилишга айтилади. Хусусан, биров юриб ўтган йўлдан изма-из юриш, маъносини англатади. Қасддан одам ўлдирганни ҳам, ўзи қандай қилиб ўлдирган бўлса, шундай қилиб ўлдирилади.

Қасос олиш Исломдан олдинги жоҳилият даврида ҳам бўлган, аммо уларда адолатсиз равишда, тарафкашлик руҳида бўлган. Мисол учун, «Улар биздан бир кишини ўлдирса, биз улардан ўнтасини ўлдириб қасос оламиз, улар бизнинг қулимизни ўлдирибди, биз улардан ҳур кишини ўлдириб қасос оламиз, улар биздан аёл кишини ўлдирибди, биз улардан эркак кишини ўлдириб ўч оламиз», қабилада эди. Бу ояти каримада Аллоҳ таоло қасос олишда адолат бўлишни, ҳаддан ошмасликни уқдириб,

**«ҳурга ҳур, қулга қул, аёлга аёл», деб тушунтирмоқда.**

Лекин, ояти каримага биноан, одам ўлдирган шахсни қасос учун албатта ўлдириш шарт эмас, балки ўликнинг эгалари кечиб юборса, ўлдирмай қўйиб юборса, ўрнига хун пули олса ҳам бўлади. Бунда ўлик эгаси ҳақини яхшилик билан сўраши лозим, айбдор тараф ҳам уларнинг ҳақини яхшилик билан адо этиши зарур:

**«Кимга ўз биродаридан бир нарса афв қилинса, бас, яхшилик ила сўралсин ва адо этиш ҳам яхшиликча бўлсин».**



Модомики, ўликнинг эгалари мардлик қилиб, жиноятчи қотилни афв этиб, уни ўлдиришни талаб қилмадиларми, охиригача мард бўлиб, хун пулини ҳам уруш-жанжалсиз, яхшиликча, розилик ва мулойимлик билан сўрасинлар. Жиноятчи ёки унинг одамлари ҳам нариги тарафга етган мусийбат, жудолик ва қалб жароҳатини унутмай, уларнинг кўнгилларига таскин бериб, фирромлик қилмай, кечга сурмай, хунни яхшилик билан адо этсин.

Ислом ҳар бир нарса яхшилик билан бўлишини қарор топтиради. **«Бу, Роббиларингиздан енгиллик ва раҳматдир».**

Қасос ўрнига хун пули олишни жорий қилиш ҳам Парвардигори Олам томонидан берилган енгиллик ва раҳимлилик эканини унутмаслик керак.

**«Ундан кейин ким душманлик қилса, унга аламли азоб бор».**

Шунинг учун, душманлик қилмасдан шариат чегарасида юриш лозим.

Эй, иймон келтирганлар!

وَلَكُمْ فِي الْقِصَاصِ حَيَوةٌ يَا أُولِي الْأَلْبَابِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ

**179. Сизларга қасос олишда ҳаёт бор. Эй, ақл эгалари! Шояд-ки, тақводор бўлсангиз.**

Бу ояти карима қасоснинг шариатга киритилишининг ҳикмати-ни баён қилмоқда. Демак, қасос олишда кишилар учун ҳаёт бор экан. Қасос қалбдаги нафратни қондириш эмас, балки олий мақсад — ҳаёт учун экан. Қасос олиш йўлга қўйилса, инсон ҳаётини сақлаб қолишда катта иш қилинган бўлади. Чунки, ҳар бир одам бошқа бировни ўлдирса, қасосига ўзининг ҳам ўлдирилишини билади ва ҳеч қачон одам ўлдиришга қўл урмайди. Бир кишининг ҳаётига қасд қилишлик, умуман, ҳаётга қасд қилиш билан баробардир. Жиноятчи бир кишининг ҳаётига қасд қилса, умуман, ҳаётга қасд қилган бўлади.

Шунинг учун, бунинг жинояти кучли бўлиб, қасос олинади. Қасос олиш ҳақидаги ҳукмнинг ўзи жиноятчини ҳушига келтириб қўяди. Оз сонли қотиллардан қасос олиш, кўплаб бегуноҳ кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолади. Пайғамбар алайҳиссаломнинг даврларида ушбу ҳукм жорий қилиниши билан одам ўлдириш тўхтаб қолгани ёки йўқ даражада камайиб кетгани ҳам шундан. Қаерда бу ҳукм жорий этилса, ўша ерда омонлик бўлади, кишилар ҳаёти хотиржам кечади. Бу ҳукм жорий қилинмаган жойда, ҳукумати қанчалик кучли бўлса ҳам, омонлик йўқ.

Қасос ҳукмини жорий этиш ҳам тақвонинг бир шартидир. Чунки, Аллоҳнинг амрини бажариш тақводандир.

Кейинги оятда мўминларга яна бир муҳим ҳукм – ўлим олдидан васият қилиш ҳукми баён қилинади. Эй, иймон келтирганлар:

كُتِبَ عَلَيْكُمْ إِذَا حَضَرَ أَحَدَكُمُ الْمَوْتُ إِن تَرَكَ خَيْرًا الْوَصِيَّةَ لِلْوَالِدَيْنِ وَالْأَقْرَبِينَ  
بِالْمَعْرُوفِ حَقًّا عَلَى الْمُتَّقِينَ ﴿١٨٠﴾

**180. Сизларга, бирортангизга ўлим келганда, агар у бойлик қолдираётган бўлса, ота-онаси ва яқинларига тўғрилик билан васият қилиш тақводорларнинг бурчи сифатида фарз қилинди.**

Демак, ўлим олдидан васият қилиш ҳам фарз экан. Тақвонинг бир шарти экан. Агар ўлаётган одам мол-мулк қолдирадиган бўлса, ўша молнинг кимга қанчаси берилишини васият қилмоғи лозим. Бу васият ота-она ва яқин кишиларга бўлади. Бу ояти карима мерос ҳақидаги оятдан аввал тушган, кейинчалик мерос ояти тушиб, васият қилмаса ҳам, ўлгандан қолган мол мерос сифатида яқин кишиларга бўлиб берилиши баён қилинди. Ўша оятда кимга қанча тегиши ҳам айтилди. Ота-она меросхўрлар қаторига кирдилар. Ушбу эътибордан, энди, ўлим келган одам, отамга молимдан мунча берилсин, онамга бунча берилсин, деб васият қила олмайди. Шунингдек, мерос оятида ҳақлари баён қилинган бошқа яқинларига ҳам. Аммо мерос оятида зикр қилинганлардан бошқа кишиларга васият қилса бўлади. Бу эса, касб қилиб мол-дунё топган кишининг хайр-эҳсон қилишига, баъзи яқинларига силаи раҳм кўрсатишига, ижтимоий кафолатга риоя этишига шароит туғдиради. Бу йўл билан меросхўрнинг ҳақлари ҳам ҳимоя қилинган.

Имом Бухорий қилган ривоятда Саъд розияллоҳу анҳу:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, менинг молим бор, меросхўрим биттагина қизим, молимнинг учдан иккисини васият қилсаммикан?» деганларида, Пайғамбар алайҳиссалом:

«Йўқ», деб жавоб берганлар. У киши:

«Ярмини-чи?» деганларида, У зот яна:

«Йўқ», деганлар. Саъд розияллоҳу анҳу :

«Учдан бирини-чи?» деганларида,

«Учдан бири майли, учдан бири ҳам кўп», деганлар.

Ушбу ҳадисдан ҳужжат олиниб, учдан бирига васият қилишга рухсат берилган. Агар ундан кўпига васият қилса ҳам, фақат учдан бири ҳисоб қилинади. Эътибор берилса, бу тарз васият қилишни ояти карима, тақводорлар бурчи, деб атамоқда.

Кейинги оятда васиятни ўзгартирганларнинг гуноҳи ҳақида сўз кетади:

فَمَنْ بَدَّلَهُ بَعْدَ مَا سَمِعَهُ فَإِنَّمَا إِثْمُهُ عَلَى الَّذِينَ يُبَدِّلُونَهُ إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ

**181. Ким уни эшитгандан сўнг ўзгартирса, бас, гуноҳи фақат ўзгартирганларнинг ўзига бўладир. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир.**

Яъни, ўлаётган одамнинг васиятини эшитган одам, у ўлгач, унинг васиятини ўзгартириб, мол-дунёсининг васиятга мувофиқ тақсимланмаслигига сабаб бўлса, гуноҳкорлардандир. Гуноҳ васият қилувчи ёки васият қилинган кишига эмас, балки ўша ўзгартирувчининг ўзига бўлади. Аллоҳ эшитувчи ва билувчи Зотдир.

Васиятни фақат бир ҳолатда ўзгартирса бўлади. Буни келаси оят баён қилади:

فَمَنْ خَافَ مِنْ مَوْصٍ جَنَفًا أَوْ إِثْمًا فَأَصْلَحَ بَيْنَهُمْ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ إِنَّ اللَّهَ عَفُورٌ رَحِيمٌ

**182. Кимки васият қилувчидан тойилиш ёки гуноҳ содир бўлишидан қўрқса, бас, уларнинг орасини ислоҳ қилса, унга гуноҳ бўлмас. Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир.**

Биз «тойилиш» деб таржима қилган сўз ояти каримада «жанафан» дейилган. Бу сўз хато қилиб ҳақдан бурилишни билдиради. Яъни, билмасдан нотўғри иш қилиб қўйишни билдиради. «Гуноҳ» эса, билиб туриб ҳақсизлик қилишдир. Демак, васият қилувчи билибми-билмайми нотўғри васият қилган бўлса, унинг васиятини бузган одам бундан аввалги оятда келгани каби гуноҳкор бўлмайди. Мисол учун, бир одам молининг учдан бири миқдоридан кўпини васият қилиб юборса, васияти фақат учдан бирига ўтади, қолганига амал қилмаган одам гуноҳкор бўлмайди.

Эътибор берилса, қасос ҳукмида ҳам, васият ҳукмида ҳам тақво алоҳида таъкидланади.

Энди келадиган рўза ҳукмида ҳам тақвога эътибор берилади. Чунки рўза тутишнинг ўзи тақвонинг олий даражаси ҳисобланади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ

**183. Эй, иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақводор бўлсаларингиз.**

Бу ояти каримани ҳам Аллоҳ таоло:

**«Эй, иймон келтирганлар!»** деб мўминларга маҳбуб нидо билан бошламоқда. Муҳим ва машаққатли ишни таклиф қилишдан олдин ўзи яхши кўрган ва унинг учун ҳар қандай машаққатни ҳам бўйнига олишга тайёр турган сифатни эслаб қилинган нидо эшитувчида бўлажак ишга ғайрат билан киришиш руҳини уйғотади. Аллоҳ таоло ҳам мусулмонларга рўзанинг фарзлигини амр этишдан олдин уларга:

**«Эй, иймон келтирганлар!»** деб нидо қилмоқда.

Оят маъносидан келиб чиқиб рўза янги ибодат эмаслигини, балки барча динларда қадимдан бор ибодат эканлигини тушунамиз. Чунки унда:

**«Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди»,** дейилмоқда.

Динлар тарихини ўрганиб чиққан уламолар таъкидлашича, барча динларда, ҳатто илоҳий бўлмаган динларда ҳам рўза ибодати бор экан. Лекин уни адо этиш турлича бўлган. Баъзи динларда маълум овқатлардангина ўзини тийиб юришни рўза деб тушунилади. Мисол учун, насороларда ҳайвондан чиққан озуқа маҳсулотларидан ўзини тийиб юришни рўза дейилади. Уларнинг рўзаси муддати қирқ кун бўлади. Насронийларнинг турли мазҳабларида рўза турлича бўлади.

Исломда рўза – ҳақиқий илоҳий маънони касб этган ибодатдир. Рўза араб тилида «савм» дейилиб, луғатда, ўзини тийиш маъносини билдиради. Шариатда эса, Рамазон ойида тонг отгандан қуёш ботгунча ният билан, ейиш-ичишдан ва шаҳвоний амаллардан ўзини тийиб туришга айтилади. Ояти кариманинг сўнгида Аллоҳ таоло:

**«Шоядки, тақводор бўлсангиз»,** деб рўзадан кўзланган асосий мақсадни ҳам баён қилиб қўймоқда. Демак, рўза ҳам тақво йўллари билан биттаси экан. Рўза тутган шахс қалбида тақво руҳи уйғониши керак. Агар ким рўза тутса-ю, қалбида тақво ҳисси уйғонмаса, у одам ҳақиқий рўза тутмаган бўлади. Рўза ҳавои нафснинг ноўрин қўзғалишларини йўлга солишга, тўғрилашга, шаҳватни жиловлашга, қорин талабларини ҳам изга солишга хизмат қилади. Рўза нафс балосидан қутулиб, Аллоҳнинг тоатига холис ажраб чиқишга ёрдам беради. Кимки иймон ва эътиқод билан рўза тутса, Аллоҳ таоло ўша бандани «тақво» деб номланувчи, икки дунё саодатига элтувчи бахтга муяссар қилади.

Бу ояти каримада рўза фарз қилинганлигининг хабари келди. Аввалги умматларда йил бўйи, ярим йил рўза тутишлар ҳам бўлгани учун эшитувчида «Рўзанинг муддати қанча?» деган савол туғилади. Келаси оят шу саволга жавоб беради:

أَيَّامًا مَّعْدُودَاتٍ فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ مَّرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِنْ أَيَّامٍ أُخَرَ وَعَلَى الَّذِينَ يُطِيقُونَهُ فِدْيَةٌ طَعَامِ مِسْكِينٍ فَمَنْ تَطَوَّعَ خَيْرًا فَهُوَ خَيْرٌ لَهُ وَأَنْ تَصُومُوا خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١٨٤﴾

**184. Саноқли кунлар.** Сизлардан ким бемор ёки мусофир бўлса, бас, саноғини бошқа кунларда тутадир. Уни қийналиб тутадиганлар зиммасида бир мискин таоми фидя бордир. Ким яхшиликни ўз ихтиёри ила қилса, ўзи учун яхшидир. Агар билсангиз, рўза тутмоғингиз сиз учун яхшидир.

Яъни, рўза фарз қилинган кунлар «саноқли кунлар»дир. Рўза тутишнинг ўзига яраша машаққати бор. Шунинг учун, Аллоҳ таоло беморлик ва мусофирлик туфайли бир оз қийинчиликда турган бандаларига, машаққат устига машаққат бўлмасин деб, енгиллик берди:

**«Сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саноғини бошқа кунларда тутадир».**

Яъни, бемор тузалгандан сўнг, мусофир сафардан қайтгандан сўнг, неча кунни тутмаган бўлса, ўшанча кун қазо рўза тутади. Уламоларимиз беморлар сафига ҳомиладор ва эмизадиган аёлларни ҳам қўшганлар. Ҳомиладор аёл неча кун рўза тутмаган бўлса, туққанидан кейин шунча кун қазо рўза тутади. Эмизадиган аёл ҳам боласини кўкрақдан ажратгандан сўнг қазо рўза тутади.

**«Уни қийналиб тутадиганлар зиммасида бир мискин таоми фидя бордир.»**

Яъни, ёшлари улуғ бўлиб, рўза тутишга ярамай қолган кишилар тутилмаган ҳар бир кунлик рўза ўрнига бир мискинни тўйғазадилар. Бу эса, ўзи яшаб турган диёрнинг ўртача таоми ҳисобида бўлади. Буни «фидя бериш» дейилади.

Уламоларимиз ушбу тоифага тузалмайдиган, сурункали касали бор кишиларни ҳам қўшганлар. Уларнинг касаллари рўза тутишга қўймайди. Қазосини тутади, дейилса, тузалишларидан умид йўқ.

**«Ким яхшиликни ўз ихтиёри ила қилса, ўзи учун яхшидир.»**

Ким, савобни кўпроқ оламан деб, бир кишигамас, икки, уч ки-

шига ёки ўртача эмас, олий даражадаги таомларни берса, ўзи учун яхшидир.

**«Агар билсангиз, рўза тутмоғингиз сиз учун яхшидир.»**

Бошқа ибодатлар каби рўза ҳам, аввало, бу ибодатни адо этувчи шахсларга яхшилик келтиради. Жаннатга кириш, олий мақомларга эришиш, ироданинг кучли бўлиши, раҳим-шафқат сифатининг кучайиши, тақво ҳиссининг уйғониши, соғлик ва саломатлик ҳамда бошқа кўплаб биз билган-билмаган яхшиликларга рўза тутиш орқали эришилади.

Келгуси оятда юқорида зикр қилинган «саноқли кунлар»нинг вақти тайин қилинади ва ўша вақтнинг фазли ҳамда рўзанинг бошқа ҳукмлари баён қилинади.

شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ  
وَالْفُرْقَانِ فَمَن شَهِدَ مِنْكُمُ الشَّهْرَ فَلْيَصُمْهُ وَمَن كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ فَعِدَّةٌ  
مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمُ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ الْعُسْرَ وَلِتُكْمِلُوا الْعِدَّةَ  
وَلِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَاكُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿١٨٥﴾

185. Рамазон ойи, унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят фуқрондан иборат очиқ баёнотлар бўлиб Қуръон туширилгандир. Сиздан ким у ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин. Ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саноғини бошқа кунлардан тутадир. Аллоҳ сизларга енгилликни хоҳлайди ва сизларга қийинликни хоҳла-мас. Саноғини мукамал қилишингиз ва сизни ҳидоятга бошлаган Аллоҳни улуғлашингиз учун. Шоядки, шукр қилсаларингиз.

Аввалги оятда рўза «саноқли кунлар» фарз қилингани айтилган эди, бу оятда ўша «саноқли кунлар «Рамазон ойи» экани баён қилин-япти. Айни чоғда, Рамазон ойининг фазли ҳам зикр этиляпти.

**«Рамазон ойи, унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят фуқрондан иборат очиқ баёнотлар бўлиб, Қуръон туширилгандир.»**

Рамазон ойи йил ичидаги энг афзал ой ҳисобланади. Унинг фазли ҳақида кўплаб ҳадиси шарифлар, улуғ уламоларнинг сўзлари, мадҳлар, шеърлар айтилган, китоблар битилган. Лекин бу ҳақдаги таърифларнинг гултожиси Роббил Олабийннинг Ўз каломида айтган мадҳидир. Бу мадҳ турли оятларда келган. Ушбу оятдаги таъриф Рамазони шарифнинг энг улкан фазилатлари ҳақидадир. Яъни:

**«Унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят фуқрондан иборат очиқ баёнотлар бўлиб Қуръон туширилгандир.»**

Аллоҳ таоло Ўзининг абадий мўъжизаси, қиёматгача инсониятга ҳидоят бўладиган китоби Қуръони Каримни тушириш вақти қилиб Рамазони шариф ойини ихтиёр қилганининг ўзи бу ойнинг фазилатини юксакка кўтарган. Энди эса, нур устига нур, фазилат устига фазилат қўшиб, рўза ибодатини ҳам шу Рамазон ойида тутишни фарз қилмоқда.

**«Сиздан ким у ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин.»**

Ким ушбу Рамазон ойига соғ-саломат етса, рамазоннинг янги ойи шоҳиди бўлса ёки Рамазон ойи бошланганининг хабари унга етса, рўзасини тутсин. Бу фармон умумийдир, лекин одамларда янги, умумий фармон бўлди, ким бўлишидан қатъиназар, ҳамма рўза тутиши фарз экан, деган фикр пайдо бўлмасин учун ушбу ҳукмдан истисно қилинганлар яна бир бор зикр этилмоқда:

**«Ким бемор ёки сафарда бўлса, саноғини бошқа кунлардан тутади».**

Сўнгра, рўза тутиш фарзига муҳаббатни ошириш учун:

**«Аллоҳ сизларга энгиликни хоҳлайди ва сизларга қийинчиликни хоҳламас»,** дейди.

Доимо бандаларга энгиликни хоҳлаш ва уларни оғир машаққатли таклиф остида қолдирмаслик – Ислом динининг асосий ва улкан қоидасидир. Ислом шариати осонликка бино қилинган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом саҳобалардан Муоз ибн Жабал ва Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳумоларни Яманга юбораётиб, башоратли сўзлар айтишлар, нафрат қўзғатадиганини айтманглар, энгилаштиринглар, қийинлаштирманглар, деганлар.

Ушбу рўза тутиш ибодатида ҳам Аллоҳ таоло энгилик йўлини тутганини эслатмоқда. Ҳаммага рўза тутиш фарз, деса, Аллоҳнинг ҳаққи бор, ҳеч ким эътироз билдира олмайди. Аммо у меҳрибон Зот, бемор ва мусофирлар ўз вақтида тутмасалар майли, кейин тутиб берадилар, деди. Шунингдек, муддатни бир ой эмас, икки, уч, балки ундан ҳам кўпроқ ойларни фарз қилса бўларди. Бир ойнигина фарз қилиши ҳам энгиликдандир. Аллоҳ таоло амр қилган ибодатни сўзсиз бажариш ҳар бир банданинг бурчи. «Нима учун? Фойдаси борми, бўлса нимада?» каби саволларни беришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Лекин шундай бўлса ҳам, баъзан иймон қувватланиши учун, илоҳий фармонларнинг мўъжизакорлигини тасдиқлаш учун баъзи маълумотлар зикр қилинади. Қуръон, Ислом, рўза каби ҳақиқатлардан беҳабар ёки хабардор бўлса ҳам, бу ҳақиқатларни қайсарлик ила тан олмай келаётган ҳатто ғайридин тиб олимлари ҳам узоқ илмий изланишлари, тажрибалари давомида динимиз буюрган амалларнинг инсон ҳаётига нақадар фойда эканини билвосита

тасдиқламоқдалар. Жумладан, ҳар бир инсон соғ-саломат бўлиши учун, бир йилда ҳеч бўлмаса бир ой ихтиёрий оч қолиши керак, деган хулосага келдилар.

Узр сабабли рўза тута олмаганлар ажру савобдан бебаҳра қолмасинлар деб, Аллоҳ таоло рўзанинг қазосини тутишни жорий қилди. Рўза тутиш ибодати Аллоҳни улуғлаш, унга шукр келтиришга арзийдиган ибодатдир.

**«Сановини мукамал қилишингиз ва сизни ҳидоятга бошлаган Аллоҳни улуғлашингиз учун. Шоядки, шукр қилсангиз!».**

Ҳа, Исломдаги ибодатларни фарз қилиб, бандалик бурчини адо этишга, гуноҳларни ювишга, ажр-савоб олишга шароит яратиб берган Аллоҳ таолони тинмай улуғлаб, унга доимо шукр қилиш керак. Ҳар бир фарз ибодат бандада Аллоҳ бошлаган ҳидоятнинг қадрига етиш ҳиссини кучайтириши керак.

Келаси оятда гап дуо ҳақида кетади. Кейин яна рўза ҳақида давом этади. Бунини уламоларимиз, рўза ойида, унинг охирида кўплаб дуо билан машғул бўлишга ишора, деб тушунганлар:

وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِي عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ أُجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِ  
فَلْيَسْتَجِيبُوا لِي وَلْيُؤْمِنُوا بِي لَعَلَّهُمْ يَرْشُدُونَ

**186. Агар бандаларим сендан Мени сўрасалар, Мен, албатта, яқинман. Дуо қилгувчи дуо қилганда, ижобат қилурман. Бас, Менга ҳам ижобат қилсинлар ва иймон келтирсинлар. Шоядки, тўғри йўлни топсалар.**

Ибн Аби Ҳотим ривоят қилишларича, бир аъробий (сахролик араб) келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Роббимиз яқинми муножот қилсак ёки узоқми нидо қилсак?!» деганида, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом сукут сақлаб туриб қолганлар. Шунда Аллоҳ таоло: «Агар бандаларим сендан Мени сўрасалар», оятини нозил қилган экан.

Бу оятда Аллоҳ таоло Ўз бандаларига яқин эканлигини баён қилмоқда. Ҳадис имомлари Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда ҳам шу маъно бор. У киши айтадиларки,

«Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом билан ғазотда эдик. Тепаликка чиқсак ҳам, пастликка тушсак ҳам, баланд овоз билан такбир айтиб борар эдик. У зот бизга яқинлашиб келдилар-да:

«Эй одамлар, ўзингизга раҳим қилинг. Сиз карга ёки ғойибга дуо қилаётганингиз йўқ, балки эшитувчи, кўрувчи Зотга дуо қиляп-



сиз. Сиз дуо қилаётган зот сизга минган уловингизнинг бўйнидан ҳам яқин», – дедилар».

Мулоҳаза қилинса, оятда бандалар Расулуллоҳ алайҳиссалоту вас-саломдан келиб, Аллоҳ таоло ҳақида сўраяптилар.

**«Агар бандаларим сендан Мени сўрасалар, Мен, албатта, яқинман.»**

Жавоб эса, бевосита Аллоҳдан бандаларига бўлмоқда. Одатдаги-дек, уларга айт, деб Пайғамбар алайҳиссаломни восита қилинмаяпти. Шу нозик нуқта ҳам Аллоҳнинг Ўз бандаларига яқин турганлигини кўрсатади. Худди шу маъно кейинги жумлада ҳам бор:

**«Дуо қилгувчи дуо қилганда ижобат қилурман».**

Дуосини эшитаман, ҳисобга оламан, эмас, «ижобат қиламан». Бу ҳам бандаларни Аллоҳга кўпроқ дуо қилишга қизиқтиради. Аллоҳ таоло томонидан шундоқ яқинлик, ҳозиржавоблик бўлиб турганда, бандадан ҳам шунга яраша ҳаракат бўлиши керак. Улар ҳам Аллоҳнинг чақириғига «лаббай» деб жавоб бериб, унга иймон келтириб, итоат қилмоқликлари лозим:

**«Бас, менга ҳам ижобат қилсинлар, иймон келтирсинлар».**

Бандалар ижобат қилиб иймон келтирсалар, кимга фойда бўлади? Баъзи ҳолларда одамлар буни тўғри тушуна олмай қоладилар. Аллоҳ таоло ушбу оятда Аллоҳнинг даъватига истижобат қилиш, иймонга келиш банданинг ўзига фойда келтиришини таъкидлайди:

**«Шоядки, тўғри йўлни топсалар».**

Ҳожатларнинг барчасини Аллоҳ таолодан сўраш, Унга ҳамиша илтижода бўлиш мўмин банданинг доимий ишига айланиши керак. Дуо ибодатларнинг мағзи ҳисобланади. Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан дуо ҳақида кўплаб ҳадислар келган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абу Саид розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда у зот:

«Мусулмон одам гуноҳ ва қариндошларига ёмонлик қилмай туриб дуо қилса, унга Аллоҳ уч ҳислатдан бирини беради: Сўраган нарсасини тезда беради. Ёки охиратга сақлаб қўяди. Ёки сўралган нарса миқдоридagi ёмонликни ундан қайтаради», деганлар.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан имом Аҳмад ривоят қиладиларки, Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Қалблар идишга ўхшайди. Баъзилари баъзисидан кўпроқ жойлаштиради. Агар Аллоҳдан бирор нарса сўрайдиган бўлсангиз, ижобат бўлишига қаттиқ ишониб сўранг. Ғофил қалб билан дуо қилган банданинг дуосини Аллоҳ қабул қилмайди», дедилар.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Агар банда шошилмаса, дуосига ижобат бўлади. Дуо қилдим, қабул бўлмади, демасин», деганлар.

Дуонинг қабул бўлишига шартлар, одоблар, махсус вақтлар бор. Хусусан, рўза тутган кишининг дуоси мақбулдир.

Имом Абу Довуд Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Рўза тутувчига ифтори пайтида ижобат бўладиган дуо бор», деганлар.

Яна рўза ҳукмларини баён қилувчи оятга қайтилади:

أُحِلَّ لَكُمْ لَيْلَةَ الصِّيَامِ الرَّفَثُ إِلَى نِسَائِكُمْ هُنَّ لِبَاسٌ لَكُمْ وَأَنْتُمْ لِبَاسٌ لَهُنَّ  
 عَلِمَ اللَّهُ أَنَّكُمْ كُنْتُمْ تَخْتَانُونَ أَنْفُسَكُمْ فَتَابَ عَلَيْكُمْ وَعَفَا عَنْكُمْ فَالْكَانَ  
 بِشِرْوَاهُنَّ وَأَبْتَعُوا مَا كَتَبَ اللَّهُ لَكُمْ وَكُلُوا وَاشْرَبُوا حَتَّى يَتَبَيَّنَ لَكُمُ الْخَيْطُ الْأَبْيَضُ مِنَ  
 الْخَيْطِ الْأَسْوَدِ مِنَ الْفَجْرِ ثُمَّ أَتَمُوا الصِّيَامَ إِلَى الْيَلِّ وَلَا تَبَشِّرُوهُنَّ وَأَنْتُمْ عَاكِفُونَ فِي  
 الْمَسَاجِدِ تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ فَلَا تَقْرُبُوهَا كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ آيَاتِهِ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ  
 يَتَّقُونَ

**187.** Сизларга рўза кечасида хотинларингизга яқинлик қилиш ҳалол қилинди. Улар сизга либосдир, сиз уларга либосдирсиз. Аллоҳ сизнинг ўзингизга ҳиёнат қилаётганингизни билди, тавбангизни қабул этди ва сизларни афв этди. Энди уларга яқинлашаверинг ва Аллоҳ сизга ёзган нарсани талаб қилинг. Тонг пайтида оқ ип қора ипдан ажрагунча еб-ичаверинг. Сўнгра, рўзани кечасигача батамом қилинг. Масжидларда, эътикофдалигингизда уларга яқинлик қилманг. Булар Аллоҳнинг чегараларидир, унга яқинлашманг. Аллоҳ одамларга Ўз оятларини шундоқ баён этадир. Шоядки, тақво қилсалар.

Рўза тутиш янги фарз қилинган даврда ифтордан кейин рўза тутган одам ухлаб қолсаю, кейин уйғонса, унга емоқ, ичмоқ ва хотинига яқинлик қилмоқ мумкин бўлмай қолар эди. Ансорийлардан Қайс ибн Сарма исмли киши кундузи рўза тутиб, хурмо боғида ишлаб чарчаб, ифтор пайтида хотини ҳузурига келиб:

«Таоминг борми?» — дебди. Хотини:

«Йўқ, ҳозир бориб бирон нарса топиб келаман», — деб чиқиб кетибди. Кундузи ишлагани учун Қайс чарчаб ухлаб қолибди. Хо-

тини келиб, эрининг ухлаб ётганини кўриб «шўринг қурисин» деб-дию уйғотмабди. Эртасига куннинг ярмида Қайс розияллоҳу анҳу ҳушидан кетиб йиқилибди. Бу ҳодиса Пайғамбаримиз алайҳиссаломга етибди. Сўнгра, Аллоҳ таоло:

**«Сизларга рўза кечасида хотинларингизга яқинлик қилиш ҳалол қилинди»**, деб бошланувчи оятини нозил қилди. Шу билан рўза кечасида, яъни кун ботгандан кейин то тонг отгунча муддат орасида таом ейиш ва аёлига яқинлик қилиш ҳалол қилинди. Шу билан бирга, Аллоҳ Исломда эркак киши билан унинг хотинининг алоқаси фақат жинс масаласи эмас, балки ундан анча катта масала эканини англатиш учун:

**«Улар сизга либосдирлар, сиз уларга либосдирсиз»**, деди. Одатда либос тўсиш, сақлаш ва зийнат учун ишлатилади. Шунингдек, Исломда эру хотин бир-бирларининг айбларини тўсадилар, бир-бирларини ёмонликдан сақлайдилар ва бир-бирларини зийнатлайдилар.

Кейин эса, бандаларининг кўнглида нима кечаётганини ҳам билиб туришининг хабарини беради:

**«Аллоҳ сизнинг ўзингизга хиёнат қилаётганингизни билди, тавбангизни қабул этди ва сизларни афв этди».**

Ушбу жумлада зикр этилган хиёнат, рўза кечасида кўнгилдан ўтган аёлга яқинлик қилиш ҳақидаги истакдан иборат. Айрим ривоятларда келишича, баъзилар бу ишни қилган эканлар. Нима бўлса ҳам, Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул қилиб, гуноҳларини афв этди. Шу билан бирга, кўнгилларидан ўтган истакка йўл берди, рухсат қилди:

**«Энди уларга яқинлашаверинг ва Аллоҳ сизга ёзган нарсани талаб қилинг».**

Яъни, энди рухсат бўлди. Сиз хотинларингизга яқинлик қилиб, Аллоҳ ёзган нарсани — фарзандни талаб қилинг. Рўза кечасида аёлларга яқинлик қилишга рухсат берилиши билан бирга, еб-ичишга ҳам рухсат берди:

**«Тонг пайтида оқ ип қора ипдан ажрагунча еб-ичаверинг».**

Имом Бухорий Адий ибн Хотимдан ривоят қиладиларки, у киши:

«Тонг пайтида оқ ип қора ипдан ажрагунча еб-ичаверинг, деган оят нозил бўлганда, битта оқ, битта қора ипни олдим-да, ёстиғим остига қўйдим, уларга қараб-қараб туриб оқи қорасидан ажраганда оғзимни беркитдим. Тонг отиб кундузи бўлганда Расулуллоҳ ҳузурларига бориб, қилган ишимни айтиб бердим. У киши:

«Ундоқ бўлса, ёстиғинг кенг экан-да, у гап кундузнинг оқи билан кечанинг қораси ҳақида эди», — дедилар».

Бу пайтни фаҳри содиқ дейилади ва ёруғликнинг уфқда тарқалишини билдиради.

Келаси жумлада хотинига яқинлик истисно қилинган ҳолат зикр этилади:

**«Масжидларда, эътикофдалигингизда уларга яқинлик қилманг».**

«Эътикоф» сўзи бир нарсани лозим тутиш маъносини билдиради. Шариатда эса, масжидда, Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш ниятида, ибодатни лозим тутишга айтилади. Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассалом Рамазони шарифнинг охириги ўн кунлигида эътикоф ўтирар эдилар. Эътикоф ўтирган одам иложи борича масжиддан чиқмай ибодат билан машғул бўлади. Унда банд, Аллоҳ учун ҳамма нарсдан ажраб чиқади. Шунинг учун, аёлларга яқинлик қилишдан ҳам ўзини тияди.

**«Булар Аллоҳнинг чегараларидир, унга яқинлашманг.»**

Ушбу зикр қилинган нарсаларнинг барчаси Аллоҳ таолога боғлиқ нарсалар, унинг чегараларидир. Аллоҳ уларга яқинлашмасликка буюрмоқда, чунки чегарага қанча яқинлашилса, чегарани бузиш эҳтимоли шунча кўпаяди.

**«Аллоҳ одамларга Ўз оятларини шундоқ баён этадир. Шоядки, тақво қилсалар.»**

Эътибор берадиган бўлсак, рўза ҳақидаги оятлар тўпининг биринчисиди ҳам тақвога урғу берилган эди. Энди ушбу тўпдаги охириги оятда ҳам тақвога урғу берилмоқда. Ҳа, рўзанинг сонсиз-саноксиз фойдалари ичида унинг рўзадорда тақво ҳиссини мустаҳкамлаши биринчи ўринда туради.

Энди рўза ҳақидаги оятлар тамом бўлиб, Аллоҳ таоло мўминларга молиявий алоқаларни ҳам ҳалол, пок равишда олиб бориш зарурлиги тўғрисида кўрсатмалар беради. Тақво нафақат Аллоҳ таоло билан банд орасидаги муомалаларда, балки банд билан банд орасидаги муомалаларда ҳам бўлиши зарурлигини таъкидлайди.

Эй, иймон келтирганлар!

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ وَتُدْلُوا بِهَا إِلَى الْحُكَّامِ لِتَأْكُلُوا فَرِيقًا مِّنْ  
أَمْوَالِ النَّاسِ بِالْإِثْمِ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١٨٨﴾

**188. Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Билиб туриб одамларнинг молларидан бир қисмини ейшингиз учун ҳокимларга гуноҳкорона ташламанг.**

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло мусулмонларни бир-бирларининг молини ботил – ҳаром йўл билан емоқдан қайтармоқда.

Ушбу ояти каримани тушунтириш учун Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Бу дегани – бир одам қарздор бўлади, лекин ўзига қарши ҳужжат йўқлигидан фойдаланиб, у молни олганидан тонади. Бировнинг молини ҳаромдан еб, гуноҳкор бўлаётганини билиб туриб, ҳокимга арз қилади», деган эканлар. Гўё ҳоким ҳукм қилса, гуноҳ гуноҳликдан тушиб, ҳаром мол ҳалолга айланиб қоладигандек. Ҳолбуки, ҳокимнинг ҳукми ила ҳалол ҳаром бўлиб қолмайди ёки аксинча бўлмайди. Балки айнан ҳамма нарсани кўриб билиб турувчи Аллоҳнинг ҳукми билан ҳалол ёки ҳаром бўлади. Ҳоким ҳамма нарсани кўра олмайди, била олмайди. У сиртдан кўрганига, талашаётганларнинг гапига, уларнинг ҳужжатига қараб ҳукм чиқаради.

Имом Бухорий Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Мен бир одамман, холос. Талашганлар ҳузуримга келадилар. Баъзилари бошқаларидан кўра ҳужжатини яхшироқ кўрсатвориши, мен эса, унинг фойдасига ҳукм қилишим мумкин. Кимга бир мусулмоннинг ҳақидан ҳукм қилиб берсам, у дўзах ўтидан бир бўлакдир. Хоҳласа олиб, хоҳласа қолдириб кетсин», деганлар.

Зоҳирга қараб ҳукм чиқаргани учун ҳоким гуноҳкор бўлмайди. Имом Қуртубий: «Оятдаги «ботил йўл билан емаслик»ка ҳаромнинг барча турлари: қимор, алдамчилик, ҳаром нарсаларни сотиб мол топишлик, ҳаром касбларни қилиб мол топишлик ва бошқалар кирди» деганлар.

Шу ерга келганда, сурадаги ояти карималар ёш мусулмон жамиятини илоҳий йўлда тарбиялаб боришда янгича услуб қўллай бошлайди. Мусулмонларнинг турли саволларига жавоб беришни бошлайди. Табиийки, бу саволларнинг келиб чиқишига ўзига яраша сабаблар бор эди.

Аввало, мусулмонлар жоҳилиятнинг барча асоратларини тарк этиб, Исломи деб номланган янги илоҳий умматга аъзо бўлаётганларини чуқур тушуна бошладилар. Аввалги эътиборсизлик, бепарволикни йиғиштириб, мусулмон деган буюк номга муносиб бўлишга астойдил ҳаракат қила бошладилар. Шунинг учун, ўзлари ҳар бир нарсада Аллоҳнинг таълимини, ҳукмини билишга қизиқиб қолдилар. Ҳақиқий мусулмон бўлиб яшаш учун аввал ҳар бир иш ва ҳолнинг ҳукмини билиб олиш лозим эди, албатта.

Шу билан бир пайтда, мусулмонлар ичида яшаб турган яҳудийлар, мунофиқлар ва мушриклар исломий ҳукм, ақийда ва тузумлар-

га шубҳа туғдириш ниятида турли гап-сўзлар тарқатишарди. Табиийки, бу ғаразли ҳужумларни мусулмонлар имконлари борича қайтарар эдилар. Имконлари бўлмаса, ўзларича ҳал қилиш иложини топа олмасалар, раҳбарлари, йўлбошчилари Муҳаммад алайҳиссаломга савол билан мурожаат қилар эдилар. Шундай пайтларда мўминларнинг қалбларига ишонч ва сокинликни солиш учун, улар ҳақ йўлида эканини баён қилиш учун саволларга жавоб беришга Қуръони Карим аралашар эди.

Маълумки, рўза Пайғамбаримиз ҳижратларининг иккинчи йилида фарз бўлди. У ҳақдаги оятларни бундан олдин ўргандик. Шариат ҳукмига асосан рўзани тутиш ҳам, очиш ҳам ҳилолга – янги ойга боғлиқ. Рамазон ойининг ҳилолини кўриб рўза тутиш бошланади, кейинги ойнинг ҳилолини кўриб рўза тутиш тугайди, ийди Рамазон бўлади. Ҳамма аҳқомлар ҳилолга боғлиқ. Шунинг учун, ҳозирги кунимизда ҳам Рамазон яқинлашган сари одамларнинг ҳилол ҳақидаги савол сўровлари кўпаяди. Худди шунингдек, ўша пайтда ҳам, хусусан, рўзанинг фарзлиги ҳақидаги биз ўрганган аввалги оятлар тушгандан сўнг ҳилол ҳақида саволлар кўпайган. Одамлар келиб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Ҳилол нима учун халқ қилинган?» деб сўраганлар. Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги ояти каримани туширган:

﴿يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْأَهْلِ قُلْ هِيَ مَوَاقِيتُ لِلنَّاسِ وَالْحَجِّ وَلَيْسَ الْبِرُّ بِأَنْ تَأْتُوا الْبُيُوتَ مِنْ ظُهُورِهَا وَلَكِنَّ الْبِرَّ مَنِ اتَّقَى وَأَتُوا الْبُيُوتَ مِنْ أَبْوَابِهَا وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾

**189. Сендан ҳилоллар ҳақида сўрарлар. Улар одамлар ва ҳаж учун вақт ўлчовидир, деб айт. Яхшилик уйларнинг орқасидан киришингизда эмас, лекин яхшилик ким тақводорлик қилса, шундадир. Ва уйларга эшикларидан кириш. Аллоҳга тақво қилинг. Шоядки, нажот топсангиз.**

Ушбу ояти каримада зоҳиран гўё бир-бири ила боғлиқ бўлмаган икки масала ҳақида сўз юритилган. Биринчиси – ҳилоллар, янги ойлар ҳақида бўлса, иккинчиси – уйларга эшиқдан кириш ҳақида. Бу масалалар ҳақида ҳукм тушганининг ҳам ўзига яраша сабаблари бор, аввал ўша сабабларни тушунмагунча, оятнинг маъносини ҳам англаб етиш қийин бўлади.

Ҳилолларга боғлиқ сабаблар аввал айтиб ўтилди. Яна шуни қўшимча қилса бўладикки, одамлар ҳилолларнинг нима учун яра-

тилганини ўз воқеликларидан келиб чиқиб сўрадилар. Қуръони Карим ҳам уларнинг воқеликларига мослаб, саволга яраша жавоб тариқасидагина жавоб қилди:

**«Улар одамлар ва ҳаж учун вақт ўлчовидир»**, дейиш билан кифояланди. Ой нега ва қандай яратилган? Нима учун аввал кичик бўлиб, кейин тўлишади ва яна орқага қайтади? Осмондаги қуёш мажмуасидаги сайёралар орасида қандай ўрин тутаяди? Яна қандай вазифаларни адо этади? каби илмий масалалар қўзғалмади. Чунки бу масалалар Қуръони Каримнинг вазифаси эмас. Тушунтирилган тақдирда ҳам, ўша вақтдаги одамлар буларни тушунишга тайёр эмасдилар. Агар бунга ўхшаш соф илмий муаммолар ҳақида сўз кетганида, назарий баҳслар кўпайиб, шубҳали саволлар сони баттар ортар эди. Ҳолбуки, Қуръони Карим фалак, кимё ёки жуғрофия китоби эмас. У инсониятни икки дунё саодатига бошловчи ҳидоят китобидир. У мазкур илмларни ишлатувчи инсонни тўғри йўлга солишни ўзига вазифа қилиб олган китоб. Демак, Қуръони Карим ўша илмлардан ҳам ва бошқа барча нарсадан ҳам устун турувчи китобдир. Шу боисдан, одамлар ҳилоллар ҳақида сўрашганида, «улар одамлар ва ҳаж учун вақт ўлчовидир», дейиш билан кифояланган.

Ҳажга боғлиқ улуғ рукнлар кунини ва яна бошқа вақтларни аниқлаш учун, албатта, ҳилолга қаралади ва вақт унинг чиқишидан белгиланади. Демак, ҳаж ва ҳилолда ўзаро боғлиқлик бор. Шу боғлиқлик туфайли ҳилол ҳақида жавоб тушган оят ҳажга боғлиқ яна бир масалани ҳам ойдинлаштиради.

Имом Бухорий ва имом Муслимлар саҳиҳ китобларида ал-Баро розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, у киши:

«Ансорийларда (мадийналик мусулмонларда) ҳаждан қайтиб келганда уйнинг эшигидан кирмаслик одати бор эди. Улардан бир киши ҳаждан қайтганда уйининг эшигидан кирибди. Бу иши унга айб қилгандек қаралишига сабаб бўлибди. Шунда: **«Яхшилик уйларнинг орқасидан киришингизда эмас...»** ояти тушди», деганлар.

Бу ҳақда тўлароқ маълумот қуйидагичадир: ансорийларнинг тушунчасига кўра, ҳаж қилиб гуноҳидан покланиб уйига қайтган одам, ҳаждан қайтиб уйига биринчи киришида гуноҳкорлик қилиб юрган пайтида кириб юрган эшиқдан кирмай, уйнинг орқасидан дарча очиб кириши яхшилик эди. Улар шу тасаввурларга амал қилишарди. Иттифоқо, улардан бирлари ҳаждан келиб, уй орқасидан дарча очиб эмас, балки тўғри эшиқдан кирибди. Бу иш бошқаларга айб бўлиб кўринибди. Табиийки, бу эски одат хусусида мусулмончиликнинг ҳукми нима бўлар экан, деган савол пайдо бўлади. Оят ўша бўлиши эҳтимол тутилган саволга жавоб тариқасида ва бўлиб ўтган ҳодисага баҳо бериш бўлиб келган:

**«Яхшилик уйларнинг орқасидан киришингизда эмас, лекин яхшилик ким тақводорлик қилса, шундадир».**

Демак, яхшилик баъзи бир ишларга ўзича ҳар хил сифатлар бериб адо этиш билан эмас, балки тақво асосида, яъни, Аллоҳнинг буюрганини қилиб, қайтарганидан қайтиш билан ҳосил бўлар экан.

Ояти каримадан билиниб турибдики, шариатда кўрсатилмаган иш билан Аллоҳга қурбат ҳосил бўлмайди, бунга, яхшиси, уринмаслик керак. Қайси иш яхши ва савобли эканини билмоқчи бўлган одам фарз, вожиб, суннат амалларга қарасин, агар унга ўхшашини топса, яхши бўлади.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтиладики:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хутба айтаётиб, қарасалар, бир киши офтобда тик турибди. У киши ҳақида сўраганларида, «У Абу Исроил, офтобда тик туришни, ўтирмаслик ва сояга чиқмасликни ва рўза тутишни назр қилган», - дейишади. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: «Айтинглар, гапирсин, сояга чиқсин, ўтирсин ва рўзасини охирига етказсин», - дедилар».

Бу ҳолатда Расули акрам алайҳиссалом вассалом шариатда ибодат ҳисобланган рўзани давом эттиришга, савоб берилмайдиган бошқа ишларни эса, тўхтатишга буюрдилар. Мусулмонлар ўзларича «тақводорлик» деб турли ишларни ўйлаб чиқаравермасликлари керак. Афсуски, одамлар бу ҳақда тўлиқ тушунчага эга бўлмаганликлари сабабли ҳар хил хатоларга йўл қўядилар.

Юқорида ўтган оятларда Аллоҳ таоло рўзага боғлиқ ҳукмларни баён этди. Кейин келадиган оятларда ҳажнинг ҳукмларини баён қилади. Рўза ойидан кейин ҳаж ойлари бошланади.

Аммо рўза ва ҳаж ҳақидаги ҳукмлар орасида — ҳозир келадиган оятларда ҳаж ойларида уруш масаласи баён қилинади.

Маълумки, Пайғамбаримиз алайҳиссалом бошчиликларидаги мусулмонлар Байтуллоҳни зиёрат қилмоқчи бўлиб, ихромга кириб, ният ила йўлга чиққанларида, ушбу масалага дуч келишди ва қийналишди. Мушриклар уларга қарши уруш қилмоқчи бўлдилар. Бундай ҳолатда нима қилиш керак? Ушбу саволга қуйидаги оятлар жавоб беради:

وَقَاتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ الَّذِينَ يُقْتُلُونَكُمْ وَلَا تَعْتَدُوا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ  
 الْمُعْتَدِينَ ﴿١٩٠﴾



**190. Сизга уруш қилаётганларга қарши Аллоҳнинг йўлида уруш қилинг. Ва тажовузкор бўлманг. Албатта, Аллоҳ тажовузкор бўлганларни хуш кўрмас.**

Аллоҳ таоло ушбу оятда мусулмонларга ўзларига қарши урушаётганлар билан Аллоҳнинг йўлида жанг қилишни амр қилмоқда:

**«Сизга уруш қилаётганларга қарши Аллоҳнинг йўлида уруш қилинг».**

Бу ерда икки нарсага алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Биринчиси – қарши урушаётганлар билан жанг қилиш. Яъни, қарши урушмаётганларга тегмаслик. Иккинчиси – Аллоҳнинг йўлида жанг қилиш. Бошқа йўлда эмас.

Жангу жадал, одатда, одамни тавозиндан чиқариб, тажовузкор бўлишга олиб келади. Урушнинг қийинчилигини бошидан ўтказган одам баъзи ҳолатларда тажовузкорликни ҳам оддий ҳолат деб тушунади. Аллоҳ таоло ўшандай тажовузкорлик мусулмонларга умуман тўғри келмаслигини англашиб:

**«Ва тажовузкор бўлманг. Албатта, Аллоҳ тажовузкорларни хуш кўрмас»**, демоқда. Урушдаги тажовузкорлик – душманни қийнаб ўлдириш, ўлгандан сўнг аъзоларини кесиш, аёл кишилар, ёш болалар, қари одамларни ўлдириш, ҳайвонларни бекорга ўлдириш ва дарахтларни ҳожатсиз кесиш каби ишлардан иборатдир.

Имом Муслим Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Аллоҳнинг йўлида ғазот қилинг. Ким Аллоҳга куфр келтирса, уни қатл этинг. Ғазот қилинг, ҳаддан ошманг, алдамчилик қилманг. Қийнаб ўлдирманг. Болаларни ва ибодатхоналарда ибодат қилаётганларни ўлдирманг», деганлар.

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу айтадиларки,

«Ғазотлардан бирида Пайғамбар алайҳиссалом ўлдирилган аёл кишини кўриб, ачиндилар ва аёл кишиларни, ёш болаларни ўлдиришни ман қилдилар».

Уламоларимиз: «ўлдирилиши ман қилинган бу шахслар мабодо мусулмонларга қарши урушда иштирок қилсалар, ҳолат ўзгаради ва уларни ҳам ўлдириш жоиз бўлади» деганлар.

وَأَقْتُلُوهُمْ حَيْثُ ثَفَّفْنَاهُمُ وَأَخْرَجُوهُمْ مِّنْ حَيْثُ أَخْرَجْنَاكُمْ وَالْفِئْنَةُ أَشَدُّ مِنَ الْقَتْلِ وَلَا تَقْتُلُوهُمْ  
عِنْدَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ حَتَّى يُقْتَلُوا فِيهِ فَإِنْ قَتَلْتُمُوهُمْ فَاقْتُلُوهُمْ كَذَلِكَ جَزَاءُ الْكٰفِرِينَ ﴿١٩٠﴾

**191. Уларни топган ерингизда қатл қилинг. Ва сизларни чиқарган жойдан уларни ҳам чиқаринг. Фитна – қатл этишдан ҳам ёмонроқдир. Масжидул Ҳаром олдида сизга қарши урушмагунларича, сиз урушманг. Агар урушсалар, бас, сиз ҳам урушинг. Кофирларнинг жазоси шундай.**

Мусулмонларга қарши уруш очганларни қаерда бўлса, ўша ерда ўлдиришга буюрилмоқда:

**«Уларни топган ерингизда қатл қилинг. Ва сизларни чиқарган жойдан уларни ҳам чиқаринг».**

Мусулмонлар ўзларини хор қилишга, камситишга йўл қўймайдилар. Ким уларга қарши уруш очса, урушадилар ва ким диёрларидан чиқарса, уларни ҳам ўша жойдан чиқарадилар.

Уруш ёмон нарса, лекин шароит мажбур қилгач, урушга кирмай иложи йўқ. Мусулмонларни урушга мажбур қиладиган энг муҳим омиллардан бири – динларига монеълик қилинишидир. Кишиларни динидан қайтаришни Қуръони Карим «фитна» деб атайти ва уни одам ўлдиришдан ҳам ёмонроқ иш деб баҳолайди:

**«Фитна – қатл этишдан ҳам ёмонроқдир».**

Инсон учун динидан қайтиш, диний амалларни бажаришдан бебаҳра бўлиш ўлимдан кўра ёмонроқдир. Ислолда виждон эркинлигига шундай назар билан қаралади.

Уруш ҳамма жойда ҳам мумкин эмас, хусусан, Масжидул Ҳаромда уруш қилиб бўлмайди. Ушбу мақомда Масжидул Ҳаром дейилганда фақат Каъбаи Муаззама атрофидаги масжид тушунилмаслиги керак. Қуръони Каримда «Масжидул Ҳаром» ибораси бир неча маънода ишлатилади. Бу оятда «ҳарам» маъносида келмоқда. Ҳарам эса, Маккаи Мукаррама шаҳри атрофида белгиланган махсус чегара ила ўралган, шаҳар ва унинг атрофидаги маълум жойларни ўз ичига олган минтақадир. Бу ҳудуд, Пайғамбаримиздан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, Аллоҳ таоло осмонлару ерни яратган кунда ҳаром қилинган. У Аллоҳнинг ҳурмати ила қиёмат кунигача ҳаромдир: дарахти кесилмайди, ўсимлиги юлинмайди, ҳайвонлари овланмайди ва уруш қилиб бўлмайди.

Бу ҳукм жоҳилият вақтида ҳам жорий қилинар эди. Бир-бирлари билан доимо уруш қилиб юрадиган араб қабилалари ҳам ҳарам ҳудудида ўз душманларини кўриб қолса, унга тегмасди. Аммо мушриклар ушбу одатни бузиб, Пайғамбаримиз алайҳиссалом бошчиликларидаги мусулмонлар умрага келганларида йўлларини тўсдилар. Улар билан урушмоқчи бўлдилар. Ўз-ўзидан: «Бундай ҳолатда мусулмонлар нима қилиши керак?» деган савол пайдо бўлди. Оятда ушбу саволга жавоб келмоқда.

«Масжидул Ҳаром олдида сизга қарши урушмагунларича, сиз урушманг. Агар урушсалар, бас, сиз ҳам урушинг. Кофирларнинг жазоси шундай».

فَإِنْ أَنْهَوْا فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿١٥٢﴾

**192. Агар тўхтасалар, албатга, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимлидир.**

Агар улар мусулмонларга қарши уруш ва фитна қилишдан тўхтасалар, куфрда бўлишликдан тўхтасалар, Аллоҳ уларни мағфират қилади ва раҳим кўрсатади. Аммо уруш ва фитнадан тўхташнинг ўзигина мағфират ва раҳимга муяссар қилмайди. Куфрдан, динга қарши фитна қилишдан тўхташлари керак.

وَقَاتِلُوهُمْ حَتَّى لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ الدِّينُ لِلَّهِ فَإِنْ أَنْهَوْا فَلَا عُدْوَانَ إِلَّا عَلَى الظَّالِمِينَ ﴿١٥٣﴾

**193. Фитна бўлмаслиги ва дин Аллоҳга бўлиши учун улар билан жанг қилинг. Агар тўхтасалар, золимлардан бошқаларга душманлик йўқ.**

Бу оятларда келган «фитна» сўзининг маъноси аввал ҳам айтиб ўтилди, яъни, кишиларни диндан қайтариш, динга қарши ҳаракат қилиш фитнадир. У қатл этишдан ҳам ёмонроқдир. Ушбу ояти карима мусулмонларни урушга киришга мажбур қиладиган сабабларни баён қилмоқда, фитна бўлмаслиги учун ва дин Аллоҳга бўлиши учун, дейилмоқда.

**«Фитна бўлмаслиги ва дин Аллоҳга бўлиши учун улар билан жанг қилинг.»**

Демак, мусулмонлар инсониятга ёмонликни раво кўриб, одамларни диндан қайтариб, уларга Аллоҳ берган яхшиликдан тўсатганларга қарши урушга кирар эканлар.

**«Агар тўхтасалар, золимлардан бошқаларга душманлик йўқ.»**

Зулмдан, куфрдан қайтсалар, уларга душманлик йўқ. Аввал урушни кимлар билан, сўнг қайси маконда қилишликнинг баёни келди. Ҳарам ҳудуди уруш қилиб бўлмайдиган макон эканлиги айтилиб, у ерда ноилож қолгандагина урушиш мумкинлиги айтилди. Энди эса, уруш қилиб бўлмайдиган замон ҳақида сўз кетади:

الشَّهْرُ الْحَرَامُ بِالشَّهْرِ الْحَرَامِ وَالْحُرُمَتُ قِصَاصٌ فَمَنْ أَعْتَدَى عَلَيْكُمْ فَأَعْتَدُوا عَلَيْهِ بِمِثْلِ مَا أَعْتَدَى عَلَيْكُمْ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ مَعَ الْمُتَّقِينَ ﴿١٥٤﴾

**194. Ҳаром ойга ҳаром ой. Ҳаром қилинган нарсаларда қасос бор. Ким сизга душманлик қилса, сиз ҳам унга шунга ўхшаш душманлик қилинг. Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда, билингки, албатта, Аллоҳ тақводорлар биландир.**

Ояти каримадаги «Аш-шаҳрул-ҳарому» деб келган таъбирни «ҳаром ой» деб таржима қилдик. «Ҳаром ой» дегани уруш ҳаром қилинган ой, деганидир. Аллоҳ таоло Ҳарами шариф ҳудудини тинчлик-омонлик макони қилиб қўйганидек, зулқаъда, муҳаррам ва ражаб ойларини тинчлик-омонлик замони қилиб қўйди. Ушбу ойларда уруш қилиб бўлмайди. Жоҳилият аҳли ҳам бу ҳукмга қаттиқ риоя қилар эдилар. Улар йил давомида турли баҳоналар топиб бир-бирлари билан қирпичоқ бўлиб урушсалар ҳам, (уруш) ҳаром қилинган ойлар келиб қолса, таққа тўхтаб қолар эдилар. Ҳатто ўша ойларда отаси ёки боласини ўлдирган одам олдидан ўтса ҳам, унга тегмасдилар. Аммо мушриклар Пайғамбар алайҳиссалом бошлиқ мусулмонлар Мадийнаи Мунавварадан зул-қаъда ойида — уруш ҳаром қилинган ойда умрага келганларида, уларнинг йўларини тўсдилар ва уруш қилмоқчи бўлдилар. Ушбу ояти карима уларнинг тарадудларига жавоб бўлиб келди.

**«Ҳаром ойга ҳаром ой»**, яъни, ким уруш ҳаром қилган оининг ҳурматини бузса, унга бу ой берган ҳурматлар бекор қилинади. Агар у бу ойни ҳурмат қилмай уруш бошласа, унга қарши уруш қилинади.

**«Ҳаром қилинган нарсаларда қасос бор»**, яъни, ҳаром қилинган нарсани ким қандай бузса, ўшанга яраша жазоси берилади, ундан қасос олинади.

Мусулмонларга қарши уруш очиб, ҳаром қилинган нарсани бузиб тажовузкорлик қилганлардан ўч олинади. Аммо, ўч олишда маълум чегара бўлиб, мусулмонлар ундан чиқмайдилар. Қилган душманлигига яраша жавоб қилинади, ошириб юборилмайди ёки камайтириб қўйилмайди:

**«Ким сизга душманлик қилса, сиз ҳам унга ўхшаш душманлик қилинг».**

Албатта, бу ишларни амалга ошириш қийин, айниқса, душманлик қилиб аччиқни чиқарган одам билан бўладиган муомалада. Шунинг учун ҳам, тақво зарур. Аллоҳдан қўрқадиганларгина бундай улкан ишни амалга оширишлари мумкин. Шунинг учун ҳам, оятнинг охирида:

**«Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда, билингки, албатта, Аллоҳ тақводорлар биландир»**, демоқда.

Эътибор берадиган бўлсак, нафақат Аллоҳга ибодат қилганда ёки одамлар билан муомала қилганда, балки, душман билан уриша-

ётганда ҳам тақво зарур экан. Аллоҳ таоло уруш ҳақидаги ояти каримани ҳам тақвога амр қилиш билан якунламоқда.

Аллоҳ таоло мусулмонларга жиҳодни, Аллоҳнинг йўлида кофирларга қарши урушни фарз қилганда, улар шавқ-завқ билан жиҳодга чиқдилар. Улар ўзлари улов топиб, қурол топиб, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа керакли нарсаларни топиб, жиҳодга чиқишар ва шаҳид бўлишга ошиқишарди. Ҳеч ким мужоҳидларга қурол, озиқ-овқат ёки бошқа нарсаларни топиб бермас эди. Шу билан бирга, камбағал мусулмонлар жиҳодга чиқишга молу пуллари йўқлигидан зорланишиб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг олдларига келиб, уларни ҳам жиҳодга олиб боришни сўрашар эди. Бу ишларнинг ҳаммасига пул-мол керак эди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло келаси оятда Аллоҳнинг йўлида нафақа қилишга амр қилмоқда:

وَأَنْفِقُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا تُلْقُوا بِأَيْدِيكُمْ إِلَى التَّهْلُكَةِ وَأَحْسِنُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ ﴿١٩٥﴾

**195. Ва Аллоҳнинг йўлида нафақа қилинг. Ўзингизни ҳалокатга дучор қилманг. Эҳсон қилинг, албатта. Аллоҳ эҳсон қилувчиларни хуш кўради.**

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло мусулмонларни Ўзининг йўлида пул-мол нафақа қилишга амр қилмоқда.

**«Ва Аллоҳнинг йўлида нафақа қилинг.»**

Бунга жиҳод учун ҳам, бошқа хайрли ишлар учун ҳам нафақа қилиш киради.

**«Ўзингизни ҳалокатга дучор қилманг»** жумласида бир неча хил маъно бор.

Бири: Аллоҳнинг йўлида нафақа қилмай, ўзингизни ҳалокатга дучор қилманг. Яъни, бахиллигингиз ҳалокатга сабаб бўлмасин, дегани.

Яна бир маъноси: ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Бир киши ўзининг ўлимига ўзи сабаб бўлса, ўзини ўзи ўлдирди, дейилади. Шунга ўхшаган бўлмасин, дегани.

Имом Олусий, ушбу оятдан ўлимга сабаб бўладиган нарсага бормаслик чиқади, деганлар. Оятнинг охирида жиҳод ва нафақа билан кифояланиб қолмасдан эҳсон даражасига кўтарилишга амр бўлади.

**«Эҳсон қилинг, албатта, Аллоҳ эҳсон қилувчиларни хуш кўради».**

Эҳсоннинг ҳақиқий маъносини эса, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Эҳсон — Аллоҳга уни кўриб тургандек ибодат қилишингдир. Агар кўрмасанг, у сени кўриб тургандек ибодат қилишдир», деб таърифлаганлар.

Ушбу ояти карималар уруш ҳақида тушган биринчи оятлар ҳисобланади. Бунгача Аллоҳ таоло мусулмонларга урушга рухсат бермаган, балки сабр қилиб туришга даъват қилган эди.

Ислом – тинчлик дини, лекин зарурат туғилганда қоидаларини риоя қилган ҳолда урушга киришга рухсат берган. Бу масалада дўсту душманлар орасида турли тушунмовчиликлар тарқалиб ва ўрнашиб кетган. Душманлар Исломни урушдан иборат деб тушунадилар. Уларнинг фикрича, мусулмон бўлган одамга жиҳод – кофирларга қарши уруш фарз бўлади. Ҳар бир мусулмон кўзига кўринган кофирни ўлдириши фарз ҳисобланади. Улардан: «Бу гапни қаердан олдингиз?» – деб сўралса, Қуръонда: «Уларни (яъни, кофирларни) топган ерингизда қатл қилинг», деган оят бор», дейдилар. Дўстлар эса, Ислом тинчлик дини, урушга рухсат бермайди, фақат биров уруш қилиб қолсагина, ўзини ҳимоя қилиш учун урушга рухсат берган, дейишади. Улар бу гапларига Аллоҳ таолонинг: «Сизга уруш қилаётганларга қарши Аллоҳнинг йўлида уруш қилинг», деган оятини келтирадилар. Аслини олганда, икки томон ҳам тўғри фикрда эмаслар. Маълумки, Қуръони Карим турли масалаларни алоҳида бобларга бўлиб муолажа қилмаган. Балки бир сурада турли мавзулардаги оятлар, бир мавзуга оид оятлар эса, бир неча сураларда тарқоқ келади. Бу, Қуръонга хос илоҳий услуб. Бу услубни шариат аҳкомларини, араб тилини ва бошқа кўплаб илмларни ўзлаштириб, маълум даражага етгандагина тўлиқ тушуниш мумкин. Бир оятнинг бир бўлаги, ярми ёки бутун оятнинг маъносидан ҳукм чиқариб, бир мавзудаги масалани ҳал қилиб бўлмайди. Балки, шу мавзудаги ҳамма оятларни ва саҳиҳ ҳадисларни яхшилаб ўрганиб чиқиб, сўнгра бирор фикр айтиш мумкин.

Жиҳод ҳақидаги оятларнинг барчасини ўрганиб чиққандан сўнг маълум бўладикки, Исломда жиҳод ҳукми шароитга қараб ўзгариб туради. Дунёда фитна бўлмаслиги учун, Аллоҳ динининг устун бўлиши учун қилинадиган жиҳод фарзи кифоя ҳисобланади. Бунда дунё бўйича Исломни тарқатиш, Аллоҳнинг дини йўлидаги ғовларни йўқотиш учун жиҳод қилинади. Кимки Ислом даъвати йўлига тўсиқ бўлмаса, эрки ўзи билан – хоҳлаган динига эътиқод ва амал қилверсин. Аммо тўсиқ бўлиб, мусулмонларга душманлик қилса, у билан уруш қилинади.

Агар душманлар бирор мусулмон юртига уруш қилиб, бостириб кирсалар, жиҳод ҳамма мусулмонларга фарзи айн бўлади. Ҳамма урушга чиқмоғи зарур бўлади.

Баъзи бир ҳолатлар бўладикки, унда уруш қилиш билан қилмаслик тенг бўлиб қолади.

Яна бир ҳолатларда тинчлик учун ҳаракат қилиш зарур бўлади. Буларнинг ҳукми бошқа оятларда баён қилинади.

Шу ерга келганда мусулмонлар Пайғамбар алайҳиссалом билан ҳажга келганларида мушриклар уларга қарши уруш ҳаром қилинган ойда ва жойда уруш қилмоқчи бўлганлари сабаби ила нозил бўлган ояти карималар тамом бўлади. Энди бевосита ҳаж ва умра ҳақида сўз кетади.

وَأَتِمُّوا الْحَجَّ وَالْعُمْرَةَ لِلَّهِ فَإِنْ أُحْصِرْتُمْ فَمَا اسْتَيْسَرَ مِنَ الْهَدْيِ وَلَا تَحْلِقُوا رُءُوسَكُمْ حَتَّىٰ يَبْلُغَ الْهَدْيُ مَحَلَّهُ فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ مَّرِيضًا أَوْ بِهِ أَذًى مِّن رَّأْسِهِ فَفِدْيَةٌ مِّن صِيَامٍ أَوْ صَدَقَةٍ أَوْ نُسُكٍ فَإِذَا أَمِنْتُمْ مِّن تَمَنَعٍ بِالْعُمْرَةِ إِلَى الْحَجِّ فَمَا اسْتَيْسَرَ مِنَ الْهَدْيِ فَمَنْ لَّمْ يَجِدْ فَصِيَامٌ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ فِي الْحَجِّ وَسَبْعَةً إِذَا رَجَعْتُمْ تِلْكَ عَشْرَةٌ كَامِلَةٌ ذَلِكَ لِمَنْ لَّمْ يَكُنْ أَهْلُهُ حَاضِرِي الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَعَلِمُوا أَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ ﴿١٩٦﴾

196. Аллоҳ учун ҳаж ва умрани тугал адо этинг. Агар ушланиб қолсангиз, муяссар бўлганича қурбонлик қилинг. Қурбонлик ўз жойига етмагунча, сочингизни олдирманг. Сиздан ким бемор бўлса ёки бошида озор берувчи нарса бўлса, рўза тутиш ёки садақа бериш ёхуд қурбонлик сўйиш ила тўлов тўласин. Агар тинч бўлсангиз, ким умрадан ҳажгача ҳузур қилган бўлса, муяссар бўлган қурбонликни қилсин. Ким топмаса, уч кун ҳажда, етти кун қайтганингизда – ҳаммаси ўн кун тўлиқ рўза тутсин. Бу аҳли Масжидул Ҳаромда яшамайдиганлар учундир. Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда, билингки, албатта, Аллоҳ иқоби шиддатли зотдир.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло ҳаж ва умрани Ўзи учун тугал адо этишга буюрмоқда.

**«Аллоҳ учун ҳаж ва умрани тугал адо этинг».**

«Ҳаж» сўзи луғатда улуғ нарсани қасд қилишга ишлатилади. Ислом шариатида эса, ҳаж – махсус маконда, махсус амаллар билан махсус ибодатни адо этишдир.

Махсус замон.

Ҳаж фақат махсус вақтда адо қилинади. Хусусан, унинг бош руқни – Арафотда туриш зулҳижжа ойининг тўққизинчи куни бўлиши шарт. Бошқа вақтда ҳар қанча турса ҳам ҳаж ҳисобланмайди.

Махсус макон.

Ҳаж ибодатини адо этиш учун Аллоҳ томонидан ирода қилинган маконлар: Масжидул Ҳаром, Арафот, Муздалифа, Мина каби жойлар — махсус макондир. Бошқа жойларда бу ибодатларни адо этиш мумкин эмас.

Махсус амаллар.

Бунда ихром, Каъбани айланиб тавоф қилиш, Сафо ва Марва орасида саъйи қилиш, Арафотда туриш, Муздалифада тунаш, шайтонга тош отиш каби амаллар кўзда тутилган.

Бу ибодат аҳли аёлининг ҳожатидан ортиқча етарли маблағи бор, соғлом, омонликдаги хотиржам мусулмонга умрида бир марта фарз бўлади.

Умра эса, луғатда «зиёрат ва ободлик» маъносини билдиради. Исломи шариатида эса, Байтуллоҳни тавоф қилиб, Сафо билан Марва ўртасида саъйи қилиб бажариладиган махсус зиёратга айтилади.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло ҳаж ва умранинг фарзларини, шартларини тугал, бенуқсон қилиб, Аллоҳ учун адо этишга амр қилмоқда.

Шу билан бирга, ҳаж ёки умрани ният қилиб ибодатни бошласангиз, охирига етказинг, деган маъно ҳам бор. Бу амри илоҳийга биноан, ҳаж ёки умрани ният қилиб ихромга кирган ҳар бир мусулмон уни охиригача тугал қилиб адо этишга уринади. Лекин инсоннинг иродасидан ташқари ҳолатлар ҳам содир бўлиши мумкин. Касаллик ориз бўлиши, ёки Пайғамбар алайҳиссалом бошчиликларидан Байтуллоҳни ҳаж қилишга келаётган мусулмонларни мушриклар тўсгани каби, йўлни душман тўсиши мумкин. Ундай ҳолатда нима бўлади?

Оятда бу саволга жавобан:

**«Агар ушланиб қолсангиз, муяссар бўлганича қурбонлик қилинг»,** дейилмоқда.

Шариати исломияда ҳожи ёки умрачининг душман ёки касаллик ёхуд бошқа сабабга кўра ибодатни адо эта олмай қолишига «эҳсор» дейилади.

Биз «қурбонлик» деб таржима қилган сўз оятда «ҳадйи» деб келган. «Ҳадйи» ҳадя сўзининг жами бўлиб, ҳаж ёки умрага чиққан одам ўзи билан бирга қурбонлик қилиш учун олиб чиққан қўй, эчки, мол ёки туядан иборат ҳайвонга айтилади. Ўша пайтда Байтуллоҳ зиёратига чиққан одам бу ҳайвонлар қурбонликка аталганини билдириш учун бўйнига хурмонинг пўстлоғидан аломат — белги ҳам осиб қўяр эканлар. Буни кўрган одамлар у ҳайвонга тегмас, йўқолиб қолса ҳам, Ҳарамга боргунча юраверар экан.

Демак, эҳсор бўлган (ушланиб қолган) киши ҳадйи (қурбонлик) қилар экан. Албатта, ният билан чиққан ҳожи ёки умрачи ибодатини Аллоҳ таоло айтганидек тугал бажариши керак эди. Аммо эҳсор



туфайли ниятини амалга ошира олмай қолди. Аллоҳ меҳрибон, бандаларига енгилликни хоҳлайди. Ушланиб қолганлар ўзлари муяссар бўлган қурбонликни қилиб, сочларини олдирсалар, улар ҳам ибодатларини тугал қилган ҳисобланадилар. Шунинг учун ҳам, бу амалларни худди ибодатни тугал адо қилаётган ҳожи ёки умрачи каби адо этишга амр бўлмоқда:

**«Қурбонлик жойига етмагунча сочингизни олдирманг».**

Ҳанафий мазҳаби бўйича, эҳсор туфайли тутилиб қолган киши қурбонликни бошқалар орқали юборади ва унинг Ҳарамда сўйилгани ҳақидаги хабар келгунча сочини олдирмай, ихромдан чиқмай туради. Айтилган амрни бажарганда, у ҳам ибодатини тугал адо этган ҳисобида ажр олади.

Олтинчи ҳижрий йилда мусулмонлар Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом раҳбарликларида ният қилиб, ихромга кириб ҳади олиб келганларида, мушриклар уларнинг йўлларини тўсиб, ибодатдан ман қилишган. Ҳудайбия номли жойда Пайғамбаримиз ўзлари билан етаклаб келган қурбонликларини сўйиб, сочларини олдирганларидан кейин, саҳобалар ҳам шундай қилганлар ва ҳаммалари орқаларига қайтганлар. Фатҳ сурасида бу ҳақда тўлиқ хабар келади.

Ҳаж ёки умрани тугал адо этганлар ҳам, эҳсор туфайли ушланиб қолганлар ҳам, қурбонликни жойига етказиб сўйгандан сўнг, сочини олдириб ёки қисқартириб ихромдан чиқадилар. Буни билгандан сўнг, мабодо ихромдаги одам сочини олдиришга мажбур бўлиб қолсачи, деган савол пайдо бўлди. Бунга жавоб оятда:

**«Сиздан ким бемор бўлса ёки бошида озор берувчи нарса бўлса, рўза тутиш ёки садақа бериш ёхуд қурбонлик сўйиш ила тўлов тўласин»,** деб келмоқда.

Биров сочини олдирмаса бўлмайдиган бир касалга чалинди ёки бошига бит тушиб кетди, яра чиқиб қолди. Шунга ўхшаш ҳолларда сочини қурбонлик сўйишдан олдин олдиради-да, хоҳласа уч кун рўза тутати ёки олтига мискинга овқат беради, хоҳласа, бир сўйиш сўйиб, тўлов тўлайди. Буни шариатда фидя бериш дейилади.

Имом Бухорий Каъб ибн Ужра розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, у киши:

«Расулуллоҳнинг ҳузурларига мени кўтариб олиб боришди, бит юзимга сачраб тушиб турар эди. У зот алайҳиссалом:

«Сени бу ҳолга тушиб қолган деб ўйламовдим, қўйинг борми?» — дедилар. Мен:

«Йўқ», — дедим. У киши:

«Уч кун рўза тут ёки олтига мискинга таом бер. Ҳар бир мискинга ярим соъ бер, сўнг сочингни олдир», — дедилар.

Сўнг ҳажнинг бошқа ҳукми баён қилинади:

**«Агар тинч бўлсангиз, ким умрадан ҳажгача ҳузур қилган бўлса, муяссар бўлган қурбонликни қилсин».**

Яъни, эҳсор бўлмаса, душман йўлингизни тўсмаса, тинч-омон бориб ибодатни тугал адо этилса, умрадан сўнг ихромдан чиқиб, оддий ҳолатдаги каби, ҳамма нарсалардан манфаатланиб ҳузур қилиб юрса, муяссар бўлган қурбонликни қилсин. Буни шариатда «таматтуъ» дейилади ва луфатда фойдаланиш, маза, ҳузур қилиш маъноларини англатади. Унда ҳаж қилмоқчи бўлган одам ихромга кираётган пайтда аввал умрани ният қилади.

Маккаи Мукаррамага келиб, Байтуллоҳни тавоф қилиб, Сафо ва Марва орасида саъйини адо этгандан сўнг ихромдан чиқади. Ҳаж вақти келгунча ихром ман қилган нарсалардан фойдаланиб, ҳузур қилиб юриши мумкин бўлади.

Ҳаж вақти — зулҳижжанинг саккизинчи куни келганда, ҳажни ният қилиб ихромга киради ва ибодатларни адо этишга бошлайди. Бир сафарда икки ибодатни адо этгани, орада умрадан сўнг ҳажгача ихром ман қилган нарсалардан фойдалангани, ҳузур қилгани учун муяссар бўлганича қурбонлик қилади.

**«Ким сўйгани қурбонлик топмаса, уч кун ҳажда, етти кун қайтганингизда — ҳаммаси ўн кун тўлиқ рўза тутсин.»**

Демак, таматтуъ қилган одамнинг сўйгани қурбонлиги йўқ бўлса, у камбағал бўлса, уч кун ҳажда — умрага ихром боғлагандан то ийди қурбон бўлган кунигача бўлган муддатда рўза тутади. Уламолар, арафа кунидан аввалги уч кун бўлса яхши бўлади, дейишган. Ҳаждан қайтгандан кейин етти кун тутиб, ҳаммаси бўлиб ўн кун рўза тутиш керак.

**«Бу аҳли Масжидул Ҳаромда яшамайдиганлар учундир»**, яъни, таматтуъ ва унга боғлиқ нарсаларни қилиш ҳаммага ҳам буюрилмаган. Ҳарам ҳудудида яшайдиганларга таматтуъ мумкин эмас.

Аввалги ишлар баёнида таъкидланганидек, ҳаж ва умрада ҳам қалбларни тақвога буюрилмоқда:

**«Ва Аллоҳга тақво қилинг, ва билингки, албатта, Аллоҳ иқоби шиддатли Зотдир».**

Сўнгра, яна ҳаж аҳкомларини баён қилишда давом этилади:

الْحَجُّ أَشْهُرٌ مَّعْلُومَةٌ ۖ فَمَنْ فَرَضَ فِيهِنَّ الْحَجَّ فَلَا رَفَثَ وَلَا فُسُوقَ وَلَا جِدَالَ فِي الْحَجِّ ۗ وَمَا تَفَعَّلُوا مِنْ خَيْرٍ يَعْلَمُهُ اللَّهُ ۗ وَتَكْوَدُوا فَإِنَّ خَيْرَ الزَّادِ  
التَّقْوَىٰ وَاتَّقُونِ يَا أُولِيَ الْأَلْبَابِ ﴿١٩٧﴾

**197. Ҳаж маълум ойлардир. Кимки уларда ўзига ҳажни фарз қилса, ҳажда шаҳвоний нарсалар, фисқ ва жанжал йўқдир. Нима яхшилик қилсангиз, Аллоҳ уни биладир. Озуқа олинг, энг яхши озуқа тақводир. Менга тақво қилинг, эй, ақл эгалари!**

Демак, ҳаж доим бўлавермас экан, уни адо этиш учун маълум вақт, маълум ойлар бор экан.

**«Ҳаж маълум ойлардир.»**

Ҳаж ойлари – шаввол ва зулқаъда ойлари тўлиқ, зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунидир. Мана шу пайтда ҳажни ният қилиб ихромга кирса бўлади. Албатта, зул-ҳижжа ойининг ўнинчи куни, яъни қурбон ҳайити куни бундан мустаснодир.

**«Кимки уларда ўзига ҳажни фарз қилса, ҳажда шаҳвоний нарсалар, фисқ ва жанжал йўқдир.»**

Ўзига ҳажни фарз қилиш – ҳажни ният қилиб, ихромга кириш деганидир. Демак, ундай одамга шаҳвоний ишлар, яъни, жинсий яқинлик ва унинг ҳақидаги гап-сўзларни сўзлаш ва шунга ўхшаш нарсалар мумкин бўлмайди. Яна ҳажда;

Фисқ – катта-кичик гуноҳ ишларни қилиш;

Жанжал – одамлар билан талашиб-тортишиш ва сўкишиб, аччиқ чиқариш каби ишлар ҳам мумкин эмас. Чунки, ҳаж қилувчи инсон улуғ мақомга эришган бўлади. У дунёнинг ҳаммасидан юз ўгириб, ажраб, Аллоҳга юзланади, Роббул Олабийнинг уйини зиёрат қилгани чиққан бўлади. Шу боис, олий даражадаги одоб билан одобланиши зарур. Ҳамма ёмон нарсаларни тарк этиб, яхши ишларни кўпроқ қилиши лозим. Чунки:

**«Нима яхшилик қилсангиз, Аллоҳ уни биладир».**

Шу билан бирга, ҳажга кетаётган одамга ҳам руҳий, ҳам моддий озуқа билан озуқаланиб олиш тавсия қилинади ва руҳий озуқа муҳим эканлиги таъкидланади:

**«Озуқа олинг, энг яхши озуқа тақводир».**

Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, у киши:

«Яман аҳли ҳажга озуқа олмай келишар, биз таваккал қилувчилармиз, дейишар эди. Маккага келгандан сўнг одамлардан тиламчилик қилишга тушишарди», деганлар.

Бошқа бир ривоятда яманликлар: «Аллоҳнинг уйини ҳаж қилмиз-у, бизни оч қўярмиди», дейишар экан. Бу, албатта, ҳар бир нарсага тайёргарлик кўриб юришга буюрадиган Ислом таълимотига хилофдир. Ҳам, ҳажини Аллоҳга миннат қилишга киради. Шунинг учун ҳам, оятда Аллоҳ таоло ҳам руҳий, ҳам моддий озуқа билан озуқаланиб олишга амр қилмоқда:

«Озуқа олинг, энг яхши озуқа тақводир. Менга тақво қилинг, эй, ақл эгалари!»

لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَبْتَغُوا فَضْلًا مِنْ رَبِّكُمْ فَإِذَا أَفَضْتُمْ  
مِنْ عَرَفْتُمْ فَأَذْكُرُوا اللَّهَ عِنْدَ الْمَشْعَرِ الْحَرَامِ وَاذْكُرُوهُ كَمَا  
هَدَىٰكُمْ وَإِنْ كُنْتُمْ مِنْ قَبْلِهِ لَمِنَ الضَّالِّينَ ﴿١٩٨﴾

**198.** Сизга ўз Роббингиздан фазл исташингизда гуноҳ йўқдир. Арафотдан қайтиб тушганингизда, Аллоҳни Машъарул Ҳаромда зикр қилинг. Илгари адашганлардан бўлсангиз ҳам, сизни ҳидоятга бошлагани учун Уни зикр қилинг.

Оятда зикр қилинган «фазл» сўзи ризқ, касб маъносини англатади. Одамлар ўртасида «Ҳажга борган киши тижорат билан ёки бошқа бирор касб билан шуғулланса бўлмайди» деган тушунча бор эди.

Имом Насафий ривоят қилишларича, бир қавм: «Ҳаммолик ва тожирлик қилган одамнинг ҳажи ҳаж бўлмайди», деган гапни тарқатганида шу оят нозил бўлган экан. Шунга ўхшаш маънолар бошқа ривоятларда ҳам келган.

Имом Аҳмад қилган ривоятда Абу Умома айтадиларки:

«Абдуллоҳ ибн Умардан: «Биз кирага ишлаймиз, ҳаж қилсак бўлардимми?» деб сўрасам,

«Байтуллоҳни тавоф қилиб, Арофатда вуқуф қилиб, тош отиб, сочингизни олдирасизми?» — деди.

«Албатта» — дедик. У киши:

«Бир одам Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб, сен ҳозир мендан сўраган нарсани сўраган эди, жавоб бермай турдилар. Сўнг Жаброил: «Сизга ўз Роббингиздан фазл исташингизда гуноҳ йўқдир», деган оятни олиб тушди», — дедилар.

Имом Бухорий қилган ривоятда Абдуллоҳ ибн Аббос:

«Укоз, Мажална, Зул-Мажозлар жоҳилият бозорлари эди. Ҳаж мавсумида савдо қилиш гуноҳмикан, деб иккиланиб қолганларида, Аллоҳ тарафидан «Сизга ўз Роббингиздан фазл исташингизда гуноҳ йўқдир», деган оят нозил бўлган», дейдилар.

Ибн Жарирнинг ривоятларида, Абу Солиҳ ҳазрат Умардан:

«Эй, мўминларнинг амири! Ҳажда тижорат қилармидингиз?» — деб сўраганида у киши:

«Тирикчиликларим ҳаждан бўларди-да», — деб жавоб берган эканлар.

Айни чоғда, уламолар, кимки ҳаж ва тижоратни ният қилса, тижорат нияти устун бўлса, ҳажнинг савоби қолмайди, деганлар. Демак, олдин тижорат, кейин ҳаж бўлиши керак эмас. Ҳажга астойдил ҳаракат қилиб, орада бўш вақтларда тижорат қилса бўлаверади. Ҳалол йўл билан ризқ талаб қилиш ҳеч айб бўлмайди.

Ризқ талаб қилиш ҳақидаги гаплардан кейин бевосита ҳаж ибодатларининг баёни келиши ҳам бежиз эмас.

**«Арафотдан қайтиб тушганингизда Аллоҳни Машъарул Ҳаромда зикр қилинг».**

«Арафот»нинг луғатдаги маъноси ҳақида ҳазрати Али ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда айтилишича, Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга Ҳазрати Жаброил алайҳиссаломни юбориб ҳажни ўргатган. Арафотга келганларида: «Арафта?» (яъни, «Танидингми?») деб сўраган экан. Чунки бундан аввал ҳам бир марта келган эканлар. Шундан «Арафот» деб номланиб қолган экан. Маъноси – билиш, таниш дегани.

Арафотда туриш ҳажнинг бош ибодати, рукни ҳисобланади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Ҳаж Арафотдан иборатдир», деганлар. Арафотнинг чегараси ичида ҳожи арафа куни завождан бошлаб шу куннинг шомигача бўлган муддатда бир оз бўлса ҳам турмаса, ҳажи ҳаж бўлмайди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом видолашув ҳажини қилганларида, пешинни ўқигандан сўнг, қуёш ботгунча турганлар. Арафотдан қайтиб тушиш қуёш ботгандан сўнг бошланади. Оятда «Аллоҳни Машъарул Ҳаромда зикр қилинг», дейилмоқда. Машъарул Ҳаром эса «Муздалифа деганидир. «Машъар» – очиқ аломат дегани. Муздалифанинг бу ном билан аталиши ҳарам ҳудудида бўлганидандир. Муздалифанинг маъноси «яқинлашиш» бўлиб, ҳожилар у ерга тушганларида Байтуллоҳга яқинлашадилар. Ҳожилар шом ва хуфтон намозларини қўшиб Муздалифада ўқийдилар. Ҳанафий мазҳабига кўра, Муздалифада ҳайит куни фаждан кейин бир лаҳза бўлса ҳам туриш вожибдир. Пайғамбаримиз алайҳиссаломату вассалом ҳам ўз ҳажларида Муздалифада бир азон икки иқома билан шом ва хуфтон намозларини қўшиб ўқиганлар. Сўнгра, фаждар-гача ёнбошлаб, тонг отгандан сўнг бомдодни ўқиб, кейин туяларини миниб Машъарул Ҳаромга келганлар ва қиблага қараб дуои такбирлар қилганлар. Тонг ёришгандан сўнг юриб кетганлар.

Аллоҳ таоло мусулмонларга Машъарул Ҳаромда Ўзини зикр қилишга буюрмоқда, уларни ҳидоятга бошлагани учун зикр қилмоқ ила шукр келтиришга амр этмоқда.

**«Илгари адашганлардан бўлсангиз ҳам, сизни ҳидоятга бошлагани учун Уни зикр қилинг».**

Илгари мусулмонлар Исломдан олдинги ҳаётлари билан мусулмон бўлганларидан кейинги ҳаётларини солиштириб кўриб, бу улуғ неъматларни тушуниб етар эдилар ва уни берган Аллоҳга шукр қилар эдилар. Ҳозирги кунда ҳам янги мусулмон бўлганларнинг кўплари фақат мусулмон бўлганларидан кейингина ўзларини ҳақиқий инсон деб ҳис қилаётганларини айтиб, уларни ҳидоятга бошлаган Аллоҳга шукр айтмоқдалар. Асли мусулмон бўлиб келаётганлар эса, мусулмонмас кишиларни кўриб, уларнинг залолат ботқоғида тортаётган азобларини билиб, ўзларини ҳидоятга бошлаган Аллоҳга шукрлар айтадилар.

Инсон илоҳий таълимотдан узоқлашганда турли номаъқулчиликларни қилади. Жумладан, ўзини мақташ, мутакаббирлик қилиш, бошқалардан устун қўйишни эп кўради. Жоҳилият даврида Қурайш қабиласи бошқа араблардан ўзларини юқори тутишар, улардан ажраб турадиган баъзи имтиёзларни ўзларига раво кўришарди. Ҳаж қилишганда бошқаларга қўшилмасдан, Арафотда ҳам алоҳида туришар эди. Арафотдан қайтиб тушишда ҳам айрим бўлиб, одамлардан бошқа жойда имтиёзли бўлиб туришарди.

Ҳаж ибодатидаги кўпгина нотўғри нарсаларни тўғрилагани каби, Қуръони Карим бу ноўрин ишни ҳам тўғрилаб, дейдики:

ثُمَّ أَفِيضُوا مِنْ حَيْثُ أَفَاضَ النَّاسُ وَأَسْتَغْفِرُوا لِلَّهِ إِنَّ اللَّهَ عَفُورٌ

رَحِيمٌ

**199. Сўнгра, одамлар қайтиб тушган жойдан тушинглар. Ва Аллоҳга истиғфор айтинглар. Албатта, Аллоҳ мағфиратли, раҳимли Зотдир.**

Ислом тенглик динидир. Бу нарса, айниқса, мусулмонларнинг йиллик умумий йиғилиши бўлмиш ҳажда яққол кўзга ташланади. Унда кишилар барча имтиёзлардан, белгилардан ва аломатлардан ажралиб чиқадиладар. Ҳатто кийимларидаги имтиёзлар ҳам билинмаслиги учун тикилган кийимларни ечиб ташлаб, авратларини тўсадиган икки парча мато билан кифояланадилар. Бировдан бировнинг ҳеч қандай фарқи қолмайди. Подшоҳ ҳам, гадой ҳам, ёш ҳам, қари ҳам, кучли ҳам, кучсиз ҳам, бой ҳам, камбағал ҳам ихромда, бош яланг, Аллоҳнинг ҳузурида ўзини хор тутади. Демак, шундоқ бўлса, Қурайш қабиласининг ёки бошқа кишининг ўзини юқори тутиши, Арафотда одамлардан имтиёзли бўлиб алоҳида туришлари ҳеч тўғри келмайди. Улар ҳам барча билан баробар туришлари ва одамлар қайтиб тушган жойлардан тушишлари керак.

**«Сўнгра, одамлар қайтиб тушган жойдан тушинглар.»**

Шу билан бирга, аввал ўзларидан ўтган гуноҳлар, адашиб-улоқишлар учун Аллоҳга истиғфор айтиб, гуноҳларини кечиритишни сўрашлари керак:

**«Ва Аллоҳга истиғфор айтинглар. Албатта, Аллоҳ мағфиратли, раҳимли Зотдир.»**

Аллоҳ таоло ҳажда юрган бандаларини истиғфор айтишга буюрмақда. Ҳаж қилдим, гуноҳим ювилди, деб ғурурга кетмасин. Мана шундай улуғ мақомда ҳам ўзида камчилик сезсин. Истиғфор айтиш улкан бахту саодатга ҳам эриштиради. Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассалом: «Ким истиғфор айтишни ўзига лозим тутса, Аллоҳ унинг мушкулини кушойиш қилади, оғирини енгил қилади ва ўзи ўйламаган томондан ризқ беради», деганлар.

Имом Насафий ривоят қилишларича, жоҳилият даврида одамлар ҳаж амалларини бажариб бўлгандан сўнг, Мино билан тоғнинг орасига туриб олиб, ота-боболарининг фазилатларини санар эдилар ва машҳур кунлар ҳамда уларда бўлиб ўтган ишларни эслар эдилар.

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Жоҳилият аҳли ҳаж мавсумида отам кишиларга таом берар эди, тўловини тўлар эди, деб оталарининг ишларидан бошқа нарса-ни зикр қилмас эдилар. Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссалату вассаломга оят туширди», дейдилар. Қуйидаги оят ўша оятдир:

فَإِذَا قَضَيْتُمْ مَنَاسِكَكُمْ فَاذْكُرُوا اللَّهَ كَذِكْرِكُمْ آبَاءَكُمْ أَوْ أَشَدَّ  
ذِكْرًا فَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَقُولُ رَبَّنَا آءَانَا فِي الدُّنْيَا وَمَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ  
خَلْقٍ ﴿٢٠﴾

**200. Ибодатларингизни тугатганингизда, Аллоҳни оталарингизни эслагандек, балки ундан ҳам кучлироқ эсланг. Одамлардан баъзилари: «Роббимиз бизга бу дунёда бергин», дейдир ва унга охиратда насиба йўқдир.**

Ота-боболарининг қилган ишлари билан фахрланиш, мақтаниш бекорчи, қўлидан бир иш келмайдиганларнинг иши. Исломи дини эса, мусулмонлар елкасига бутун дунё бахти учун курашиш масъулиятини юклаган. Шунинг учун ҳам, ҳаж ибодатларини адо этиб бўлгандан сўнг, ота-боболарни эмас, уларга бундай улкан масъулиятни юклаган Аллоҳ таолони эслаш ва ундан ёрдам, яхшиликларни сўрашга амр бўлмоқда:

**«Ибодатларингизни тугатганингизда, Аллоҳни оталарингизни эслагандек, балки ундан ҳам кучлироқ эсанг».**

Аллоҳни эслаган одам, албатта, Ундан бирор нарса сўрайди. Лекин сўраш ҳар хил бўлади:

**«Одамлардан баъзилари: «Роббимиз бизга бу дунёда бергин», дейдир.»**

Яъни, фақат бу дунёнинг нарсаларини сўрайди. Жумладан, ҳажга келган қавмлардан баъзилари: «Эй Аллоҳ, бу йилни ёмғирли қилгин, яхши болалар туғиладиган йил қилгин», деб дуо қилар эканлар. Аллоҳ таоло ундай кишиларнинг ишлари нотўғри эканини баён қилиб:

**«...ва унга охиратда насиба йўқдир»,** дейди.

Кейинги оятда эса, ҳажда Аллоҳни зикр этгандан кейин қилинадиган дуони ўргатади:

وَمِنْهُمْ مَّنْ يَقُولُ رَبَّنَا إِنَّا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةٌ وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةٌ وَقَنَا

عَذَابَ النَّارِ ﴿٦٠﴾

**201. Ва улардан баъзилари: «Роббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилиқни, охиратда ҳам яхшилиқни бергин ва бизни дўзах олови азобидан сақлагин», дейдир.**

Бу дуо — мусулмонларнинг дуоси. Улар Аллоҳ таолодан икки дунёнинг яхшилигини сўрайдилар. Чунки Исломи дини икки дунёнинг ободлигига чақиради. Динсизу худосизларга ўхшаб, фақат бу дунёнинг ҳой-ҳавасини сўрамайдилар. Ёки баъзи тоифаларга ўхшаб, фақат охиратни ўйлаб, бу дунёни эсдан чиқармайдилар.

Бу дуода юксак одоб ҳам ёрқин кўриниб турибди. Сўраладиган нарсани тайин қилиб номини айтмасдан, умумий қилиб «яхшилиқ» деб айтилмоқда. Аллоҳ таолонинг Ўзи «яхшилиқ»нинг нималигини яхши билади.

Имом ибн Касир: «Ушбу дуо дунёдаги барча яхшилиқларни ўзида жамлаб, ёмонликларни четлатган», деганлар.

Ибн Мурдавайҳ Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Байтуллоҳнинг бурчагидан ҳар ўтганимда, «Омин» деб турган фариштани кўрдим. Унинг ёнидан ўтсангиз, «Роббана атина фидуня ҳасанатан ва фил охирати ҳасанатан ва қийна азабан-наар»-ни ўқинглар», деганлар.

Бу дуо Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалоту вассаломнинг кўп қиладиган дуолари эди.



Ибн Аби Ҳотим Абу Толутдан қилган ривоятда: «Анас ибн Молик ҳузурда эдик. Собит у кишига:

«Биродарларингиз дуо қилишингизни сўрашяпти», — деди. Анас ибн Молик «Роббана атина...»ни ўқидилар. Бир муддат гаплашиб ўтирдилар. Туришмоқчи бўлишганда:

«Эй Абу Ҳамза, биродарларингиз туришмоқчи, уларни бир дуо қилсангиз», — деди. Шунда Анас ибн Молик:

«Сизларга ишларни майдалаб беришимни хоҳлайсизми?! Агар Аллоҳ сизга бу дунё ва охиратнинг яхшилигини бериб, дўзахнинг азобидан сақласа, яхшилиқнинг ҳаммасини берган бўлади-ку», — деди.

أُولَئِكَ لَهُمْ نَصِيبٌ مِّمَّا كَسَبُوا وَاللَّهُ سَرِيعُ الْحِسَابِ ﴿٢٠٢﴾

**202. Ана ўшаларга қилган касбларидан насиба бор. Ва Аллоҳ тез ҳисоб қилувчидир.**

Яъни, Роббиларидан икки дунёнинг яхшилигини ва дўзах оловининг азобидан сақлашни сўраб, ўшанга мос амал қиладиган мўмин-мусулмонларга қилган касбларидан насиба бордир. Уларнинг насибалари ҳисоб-китобини тўғрилаб бериш Аллоҳ таоло учун осондир. Чунки У Зот ҳисобни тез қилувчи Зотдир.

Сўнгра, ҳажнинг охирги амаллари баён қилинади:

﴿ وَادْكُرُوا اللَّهَ فِي أَيَّامٍ مَّعْدُودَاتٍ فَمَنْ تَعَجَّلَ فِي يَوْمَيْنِ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ وَمَنْ تَأَخَّرَ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ لِمَنِ اتَّقَىٰ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَعْلَمُوا أَنَّكُمْ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٢٠٣﴾

**203. Аллоҳни саноқли кунларда эсланг. Бас, ким икки кундан кейин шошилиб, кетса, унга гуноҳ йўқ. Ким кечикиб қолса, унга гуноҳ йўқ. Тақво қилувчилар учун. Аллоҳга тақво қилинлар ва билинларки, сиз албатта Унга тўпланурсиз.**

«Саноқли кунлар»дан ҳайит кунидан кейинги уч кун назарда тутилган. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос: «Саноқли кунлар — ташриқ кунларидир», деганлар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Арафа, қурбонлик ва ташриқ кунлари биз аҳли Ислоннинг байрами — емоқ, ичмоқ кунларидир», деганлар. Шундан чиқадики, арафа ва қурбон ҳайити кунлари ташриқ кунлари қаторига кирмайди.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло саноқли кунларда, яъни, ташриқ кунларида ўзини эшлашга, зикр қилишга буюрмақда.

**«Аллоҳни саноқли кунларда эсланг».**

Икристима розияллоҳу анҳудан ривоят қилинадики: «Саноқли кунларда Аллоҳни эсланг», дегани ташриқ кунларида фарз намозларидан кейин «Аллоҳу акбар», «Аллоҳу акбар», деб такбир айтинг, деганидир».

Аммо ҳажда бўлганда бундан мурод шайтонга тош отиш бўлади. Ҳар бир тошни отишдан олдин «Бисмиллаҳи, Аллоҳу акбар», дейди. Ҳар куни уч жойга еттитадан йигирма битта тош отади. Ҳайитдан кейинги икки кунда тош отиб, шошилиб Минодан кетса, гуноҳ бўлмайди.

**«Бас, ким икки кундан кейин шошилиб кетса, унга гуноҳ йўқ.»**

Агар ихтиёр қилиб, учинчи кунга қолиб, тош отса ҳам, гуноҳ йўқ:

**«Ким кечикиб қолса, унга гуноҳ йўқ».**

Кейин бошқа ибодатлар қатори ҳаж ҳам тақво жойи эканини, ҳаждаги тўпланиш қиёматдаги тўпланишни эслатиши зарурлигини зикр қилади:

**«Аллоҳга тақво қилинлар ва, билинларки, албатта, сиз Унга тўпланурсиз».**

Ўтган оятларда қалбни поклайдиган, тақводор қиладиган рўза, садақа ва ҳаж каби ибодатлар зикр қилинди. Одамлардан баъзилари фақат бу дунёни кўзлашлари ва уларга охиратда насиба йўқлиги ва баъзилари икки дунёда ҳам Аллоҳдан яхшилиқ кутишлари айтиб ўтилди. Келаси оятларда адашиб шайтон йўлидан юрганларга ва ҳидоят топиб, Роҳманнинг йўлида юрганларга мисол келтирилади. Шу билан бирга, шайтонга эргашмаслик таъкидланади:

وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يُعْجِبُكَ قَوْلُهُ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيُشْهَدُ اللَّهَ عَلَىٰ مَا فِي قَلْبِهِ ۗ وَهُوَ

أَلَدُّ الْخِصَامِ ﴿٢٠٤﴾

**204. Одамлар ичида дунё ҳаётидаги гапи сени ажаблантирадиганлари бор. У қалбидаги нарсага Аллоҳни гувоҳ ҳам қилади. Ҳолбуки, у ашаддий хусуматчидир.**

Бу ояти карима мазкур икки тоифадан бирининг — ёмонларнинг, шайтон йўлида юрадиганларнинг, мунофиқларнинг сифатини баён қилишни бошлайди. Бир хил одамлар борки, бу дунёнинг ишларидан гапирса, чиройли сўзи, ширинсуханлиги, ўзини мухлис қилиб кўрсатиши, фақат яхшилиқдан, муҳаббатдан, пок-лик ва тақводан лоф уриши билан сени ажаблантиради. Боз устига, таъсирни кучайтириш, янада чуқурроқ ишонч ҳосил қилиш учун қалбадаги нар-

сага Аллоҳни гувоҳ қилиб, қасам ҳам ичади. Ўзининг Исломга, Аллоҳга, пайғамбарга бўлган муносабатини тўлиқ муҳаббат деб ишонтирмоқчи бўлади. Аслини олганда эса, у, Аллоҳга, пайғамбарга ва Исломга қарши энг ашаддий хусуматчидир. Душманларнинг душманидир. Бу инсоннинг усти бошқа, ичи бош-қа, сиртида ёлғонни, алдамчиликни ва тилёғламаликни ўринлатиб, суҳбатдошини ажаблантиради. Аммо у суҳбатдошининг олдидан қайтиб кетса-чи?

وَإِذَا تَوَلَّى سَعَى فِي الْأَرْضِ لِيُفْسِدَ فِيهَا وَيُهْلِكَ الْحَرْثَ وَالنَّسْلَ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ  
الْفُسَادَ

**205. Ва бурилиб кетганда, ер юзида фасод учун ва экин ва наслни ҳалок қилиш учун ҳаракат этадир. Ва ҳолбуки, Аллоҳ фасодни хуш кўрмас.**

Ундоқ шахснинг қиладиган иши айтган гапининг тамоман акси. Чиройли гапларни гапириб ҳаммани ажаблантириб қўйиб, бурилиб бориб фасодни — дунёда бор ёмонликни қилади. Экин ва наслни, яъни, бутун наботот ва жонзотни йўқ қилишга ҳаракат қилади, уринади. Чунки инсон шаклидаги бу мунофиқ махлуқнинг вужуди ҳикду ҳасадга, макру фасодга тўлгандир. Аллоҳ эса, бундайларни ҳеч-ҳеч хуш кўрмайди.

Келаси оят мазкур мунофиқнинг белгиларига яна ҳам аниқлик киритади:

وَإِذَا قِيلَ لَهُ اتَّقِ اللَّهَ أَخَذَتْهُ الْعِزَّةُ بِالْإِثْمِ فَحَسْبُ جَهَنَّمَ وَلَيْسَ الْمُهَادُ

**206. Агар унга, Аллоҳдан қўрққин, дейилса, уни кибру ҳавоси гуноҳга етаклар. Жаҳаннам унга етарлидир. У қандай ҳам ёмон ўрин-а?**

У мунофиққа ваъз-насиҳат қилсанг, қулоғига илмайди. Аллоҳни эслатсанг, кибр ила ўзини юқори тутади. Гуноҳи, хатоси ва камчиликлари билан гердаяди. Аллоҳдан уялмайди ҳам. Ҳолбуки, яқиндагина: «Қалбимдаги нарсага Аллоҳ гувоҳ», деб қасам ичаётган эди. Бунақа инсонга жаҳаннам етарли, кифоя қилади. Жаҳаннам қандай ҳам ёмон ўрин-а?!

Имом Фахриддин Розий ривоят қиладиларки, ал-Аҳнас ибн Шарийқ исми сирти силлиқ, ичи фасод мунофиқ бор экан. Бир куни Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига келиб, мусулмончили-

гини сиртидан чиройли қилиб кўрсатиб, сизга муҳаббатим бор, деб қасам ичибди. Сўнгра, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳузурларидан чиқиб, мусулмонларнинг экинзори ва туялари олдидан ўтибди. Экинзорга ўт қўйиб, туяларни ўлдирибди. Шунда Аллоҳ юқоридаги оятни нозил қилган экан.

Ибн Жарир Тобарий қилган ривоятда Навфул Баколий: «Мен ушбу умматдаги баъзи одамларнинг сифатини Аллоҳ нозил қилган китобда топдим. Улар дунё учун ҳийлага динни ишлатадилар. Тиллари асалдан ширин, қалблари ачитқидан ҳам аччиқ. Одамларга қўй терисини ёпиниб кўринадилар. Қалблари бўрининг қалбидан ҳам ёмон. Аллоҳ таоло: «Ҳали менга журъат қилишяптими? Мени деб ғурурга кетишяптими?! Ўз нафсим билан қасам ичаманки, уларга ҳалимни ҳам ҳайрон қолдирадиган фитнани юбораман», дейди», деган эканлар.

Имом Қуртубий: «Бу гапни Қуръонда тадаббур қилиб кўрсам, мунофиқлар экан. «Одамлар ичида дунё ҳаётидаги гапи сени ажаблантирадиганлари бор», деган оятда топдим», деган эканлар.

Бу бир хил тоифа одамлар намунаси бўлса, келаси оятда бунга қарши тоифа одамлар намунаси келтирилади:

وَمِنَ النَّاسِ مَن يَشْرِي نَفْسَهُ ابْتِغَاءَ مَرْضَاتِ اللَّهِ وَاللَّهُ رَءُوفٌ بِالْعِبَادِ

**207. Ва одамлардан Аллоҳнинг розилигини тилаб жонини сотадиганлар бор. Ва Аллоҳ бандаларга меҳрибондир.**

Бу – ҳақиқий мухлис мўминнинг васфи. Унинг ягона мақсади – Аллоҳнинг розилигини топиш. Бу йўлда у ҳамма нарсани сарфлашга, ҳатто жонини беришга ҳам тайёр. Фақат, Аллоҳ таолонинг розилигини топса, бўлди. Ушбу сифат эгаларининг оят тушаётган пайтдаги намуналаридан бири Суҳайб ар-Румий розияллоҳу анҳу бўлганлар.

Имом Фаҳриддин Розий ривоят қиладиларки, Суҳайб ар-Румий Мадийнаи Мунавварага ҳижрат қилиб жўнаганида, Қурайш мушрикларидан бир гуруҳи у кишини қайтармоқчи бўлиб ортидан борибди. Шунда у киши уловидан тушиб, ўқдонидаги ўқларни тизиб қўйиб, камонни қўлларига олибди-да:

«Эй Қурайш аҳли, менинг ичингизда энг мерганлардан бири эканимни яхши биласизлар-а?! Аллоҳга қасамки, ўқдондаги ўқ тугамагунча, биттангиз ҳам менга яқинлаша олмайсиз! Сўнгра, қиличим билан, қўлимда қанчаси қолса, шунчаси билан чопаман. Кейин нимани истасангиз, қилаверасиз!» – деди. Улар:

«Сен бизнинг юртимизга келганинда ҳеч нарсанг йўқ гадо эдинг, ҳозир эса, кўплаб мол-дунёга эга бўлдинг», – дедилар. Суҳайб:

«Молимнинг қаердалигини айтиб берсам, ўз йўлимда кетавераманми?» – деди. Улар, ҳа, деган эдилар, у моли Макканинг қаерида эканини айтиб берди. Мадийнага келиб Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига кирди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом уни кўришлари билан:

«Савдо фойда келтирди, эй Суҳайб! Савдо фойда келтирди, эй Суҳайб!» – дедилар. Бир оз туриб Аллоҳ: «Ва одамлардан Аллоҳнинг розилигини тилаб жонини сотадиганлари бор», деган ояти каримани нозил қилди.

Мусулмонларнинг аввалги авлодида шу оят васф қилган сифатга эга инсонлар жуда ҳам кўп чиқди. Шу боисдан, улар қисқа муддат ичида дунёни адолатга тўлдирдилар. Кейин ҳам мусулмонлар ичида ушбу сифат эгалари доим бўлиб келган. Фақат, уларнинг кўплиги ёки озлигига қараб Аллоҳ таоло Ислому умматига ғалаба ёки мағлубиятни битган. Ҳозирги пайтда мусулмонлар Суҳайб ар-Румий каби фидойиларга жуда-жуда муҳтожлар.

Юқоридаги оятлар икки тоифа одамларни ёнма-ён қўйиб сифатлаб берди. Мунофиқлар тоифасининг тили бошқа, дили бошқа. Улар, хусусан, мусулмонлар орасида Ислому садақат ҳақида лоф уради. Қиладиган иши эса, бузғунчиликдан иборат. Қуръони Карим бизни улар сафида бўлишдан қайтаради.

Иккинчи тоифа - мухлис мўминлар тоифаси бўлиб, Аллоҳнинг розилигини топиш учун ҳатто жонларини беришга тайёрлар. Қуръон кишиларни тарбиялаб, Аллоҳ учун жон фидо қилиш даражасига етказгандан сўнг, уларнинг ушбу мақомига мос ишга таклиф қилади:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا ادْخُلُوا فِي السَّلَامِ كَآفَّةً وَلَا تَتَّبِعُوا خُطُوَاتِ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ

**208. Эй, иймон келтирганлар! Ислому тўлиғича кириш. Ва шайтоннинг изидан эргашманг. Албатта, у сизга очиқ душмандир.**

Маълумки, Ислому Аллоҳга бўйсунуш маъносини билдиради. Бу ҳолатда оятнинг умумий маъноси: «Аллоҳга бутун борлигингиз ила бўйсунинг», дегани бўлади. Яъни, Аллоҳга бўйсунуш тўлалиғича бўлсин. Тили билан бўйсуниб, дили билан бўйсунмасдан ёки бадани билан бўйсунмасдан қолиш керак эмас. Хулласи калом, бўйсунуш тўлалиғича, ҳамма томондан бўлиши керак.

Исломнинг маъноларидан яна бири — тинчлик. У ҳолда оятнинг умумий маъноси, тинчликка тўлиғича кириш, дегани бўлади. Тинчликка тўлиғича кириш эса, Исломни татбиқ қилиш билан бўлади. Исломда тинчлик инсон қалбининг тинчлигидан бошланади. Фақат банда ва Парвардигор, борлиқ ва охират ҳақидаги Ислом ақийдаларигина ҳар бир инсон қалбига тинчликни солиши мумкин. Сўнгра, қалбдаги бу тинчлик оилага кўчади. Ислом оила тинчлиги учун зарур бўлган барча чораларни ишга солади. Оилалардаги тинчлик қўни-қўшни, қариндош-уруғлар орасига кўчади. Исломда қўни-қўшнилари, қариндош-уруғлари билан тинч яшаш йўл-йўриқлари батафсил кўрсатиб қўйилган. Сўнгра, бу тинчлик жамиятга ўтади. Ҳар бир жамият ўзаро тинчликда яшаш учун нималар қилиши лозимлиги ҳам Исломда белгилаб қўйилган. Давлат миқёсида тинч яшашга эса, қалби тинч, оиласи тинч, қўни-қўшни, қариндош-уруғи тинч, жамияти тинч бўлганда эришилади. Исломда давлат билан фуқаролар орасидаги тинч-тотувлик асослари ҳам, давлатлараро тинч-тотувлик йўл-йўриқлари ҳам мукамал йўлга қўйилган. Охири келиб, Ислом кўзлаган тинчликда бутун дунё тинчлигига эришилади. Унда барча қалблар тинч, оилалар тинч, қўни-қўшнилари тинч, қариндош-уруғлари тинч, жамиятлари тинч, давлатлари тинч, ҳайвонот, наботот ва бутун борлиқ тинч бўлади. Иншааллоҳ.

Исломнинг машҳур маъноларидан бири Муҳаммад алайҳиссаломга Аллоҳ туширган диндир. Бу ҳолатда оятнинг умумий маъноси — «Ислом динига тўлиғича кириш» бўлади. Ислом инсоннинг ҳаётини тўлиғича қамраб олган диндир. Инсоннинг онадан туғилиб, қабрга киргунгача бўлган даврдаги ҳар бир нафаси ва ҳаракати Исломнинг ихтоси доирасидадир. Исломга тўлиғича кириш — оралиқ даврда, яъни, ҳаёти давомида бутунлигича мусулмонча яшаш демақдир. Инсоннинг туғилишидан тортиб то озқаланиши, тарбияланиши, вояга етиши мусулмонча бўлиши керак. Балоғат ёшига етганда, дин таклиф қилган барча нарсаларга тўлиқ амал қилиши лозим. Инсон ўзининг шахсий, оилавий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий ва яна ҳаётининг бошқа соҳаларида Исломга амал қилгандагина, Ислом буюрган ҳамма нарсага юриб, у қайтарган ҳамма нарсадан қайтгандагина унга тўлиқ кирган бўлади. Шундагина бахт-саодатга эришади. Халқимиз орасида бугун кўпларимиз нима қиляпмиз? Номларимизга, насл-насабимизга қараса, ҳамма мусулмон. Кимлиги суриштирилса, мен мусулмонман, дейди. Аммо, ўзи ғайри муслимларнинг ишини қилиб юради. Кейин: «Нимага мусулмон бўлсак ҳам, ишимиз юришмаяпти?» деб нолийти. Динга, Аллоҳга тухмат қилади. Кўраётган кўргилликлари ўзи мусулмон бўла туриб Исломда яшамаётганининг оқибат-

ти эканини ўйлаб ҳам кўрмайди. Ҳолбуки, айб ўзида, омадсизликларини Исломдан кўришга ҳеч бир мусулмоннинг ҳаққи йўқ. Ислом бир-бирини тўлдириб келувчи турли тузум ва амалларнинг мажмуасидир. Намоз ўқиб туриб, закотни инкор қилса, бўлмайди. Ақийдани мусулмонча қилиб туриб, оилада христианча яшаса, бўлмайди. Ҳамма-ҳаммаси мусулмонча бўлиши керак.

Оятнинг охири Исломдан бошқа йўлга юришлик шайтоннинг изидан эргашишлик эканини ва у очиқ душман эканлигини таъкидлаяпти:

**«Ва шайтоннинг изидан эргашманг. Албатта, у сизга очиқ душмандир».**

Демак, Исломга тўлалигича кирилмаганда шайтоннинг изидан эргашилган бўлар экан. Ҳаётнинг қайси соҳасида Исломга амал қилинмаса, ўша ишда шайтоннинг изидан эргашилган бўлар экан.

Кейинги оятда ушбу баёноддан сўнг ҳам бошқа йўлга мойил бўлишнинг оқибати тушунтирилади:

فَإِنْ زَلَلْتُمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتْكُمْ الْبَيِّنَاتُ فَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٠٩﴾

**209. Агар очиқ баёнодлар келгандан кейин ҳам тойилсангиз, билингки, албатта, Аллоҳ азиз ва ҳикматлидир.**

Шунчалик тушунтиришлар, ҳужжат, далиллар келгандан кейин ҳам Исломга тўлиғича кирмасдан, йўлдан тойиб, бошқа ёққа кириб кетсангиз, билиб қўйингки, Аллоҳ Ўзининг азиз (яъни, қувватли, қудратли ва ғолиб) сифати ила сизни азобига олса, ҳолингиз чатоқ бўлади. Ҳам, Аллоҳ ҳикматлидир. Борлиқни ҳикмат билан яратган. Ўзи яратган борлиқда Ўзи яратган инсон бахтли яшаши учун йўл кўрсатувчи таълимотларни ҳам ҳикмат билан Ўзи туширган. Бандаларини Исломга тўлиғича киришга амр қилиши ҳам айни ҳикмат.

Келаси оятда Исломга кирмасдан, тойиб, шайтон изидан кетганлар ҳақида сўз кетади:

هَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا أَنْ يَأْتِيَهُمُ اللَّهُ فِي ظُلَلٍ مِنَ الْغَمَامِ وَالْمَلَائِكَةُ وَقُضِيَ الْأَمْرُ وَإِلَى اللَّهِ تُرْجَعُ الْأُمُورُ ﴿٢١٠﴾

**210. Улар Аллоҳ ва фаришталар сояли булутларда келиши ҳамда ишнинг тугашидан бошқага интизор бўлмаяптилар, шеклли?! Ва барча ишлар Аллоҳга қайтажак.**

Очиқ-ойдин баёнотлар, ҳужжат ва далиллар келгандан кейин ҳам Исломга юрмай, шайтоннинг изидан юришларидан улар худди қиёматни интизор бўлиб кутаётганга ўхшайди. Иш тугаб, ҳамма нарса охирига етадиган кунни кутаётганга ўхшайди. Акс ҳолда, ҳамма нарса аниқ бўлган бўлса ҳам, нима учун Исломга кирмай турибдилар? Нима уларнинг йўлини тўсаяпти? Улар билиб қўйсинларки,

**«барча ишлар Аллоҳга қайтажак».**

Кейин Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломга хитоб қилиб, бор ҳақиқатни кўра-била туриб ҳам Исломга кирмаётган Бани Исроил қавмидан уларга очиқ-ойдин ҳужжат ва далиллар келганини сўрашни буюради:

سَلِّ بَنِي إِسْرَائِيلَ كَمَا آتَيْنَاهُمْ مِنْ آيَةٍ بَيِّنَةٍ وَمَنْ يُدِلْ نِعْمَةَ اللَّهِ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتْهُ فَإِنَّ  
اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ

**211. Бани Исроилдан уларга қанча оятларни берганимизни сўра. Кимки ўзига келган Аллоҳнинг неъматини ўзгартирса, бас, албатта, Аллоҳ иқоби шиддатли Зотдир.**

Аллоҳнинг кўрсатган йўли қолиб, бошқа йўлга юрган, қайта-қайта ҳужжат, далил, мўъжизалар сўраб, улар кўрсатилганидан кейин ҳам залолатда давом этиб, охири лаънатга учраган қавм Бани Исроил бўлади.

«Оят» сўзи Қуръон оятидан бошқа маъноларни ҳам, жумладан, белги, ишора, мўъжиза, ҳужжат, далил маъноларини ҳам анг-латади. Шу маънода,

**«Бани Исроилдан уларга қанча оятларни берганимизни сўра»**, деганда, мўъжиза, ҳужжат ва далиллар назарда тутилган. Бани Исроилга Аллоҳ таоло уларнинг талабига биноан қўлаб мўъжиза, ҳужжат-далилларни берган. Жумладан, Мусо алайҳиссалом қўлларини қўлтиқларига тикиб олсалар, кўрган одам хурсанд бўладиган даражада ошпоқ бўлиб чиқар эди. Ҳассаларини ерга ташласалар, илон бўларди. Фиръавн аскарлари билан қувиб келганида, Бани Исроил қочиб ўтиб олиши учун денгиз суви иккига айрилиб, ораси қуруқ йўл бўлиб турган. Мусо алайҳиссалом ҳассалари билан харсанг тошни урганларида, ўн иккита булоқ отилиб чиққан. Шунингдек, қаттиқ иссиқда уларнинг бошидан булут соя солиб турган. Осмондан таом учун манн ва салво тушган ва бошқалар.

Ушбу оятнинг келтирилишидан ким Бани Исроилга ўхшаб, Исломга Аллоҳ айтгандай тўлиғича кирмаса, улар каби бало-офатларга



гирифтор бўлади, деган маъно чиқади. Шунинг учун ҳам, оятнинг иккинчи ярмида:

**«Кимки ўзига келган Аллоҳнинг неъматини ўзгартирса, бас, албатта, Аллоҳ иқоби шиддатли Зотдир»,** дейилмоқда.

Аллоҳ берган иймон ва илм неъматларини ўзгартирганлар, Исломга тўлиғича кирмай юрганлар Аллоҳнинг азобига учрайди. Бу азоб турли кўринишда бўлади. Ҳозирги кунда бошимизга ёғилаётган турли-туман мусийбатлар, бало-офатлар ва мушкулотлар ўша азобларнинг айрим кўринишларидир.

Инсоният Исломга қанчалик яқинлашса, унга қанча амал қилса, шунчалик бахтли-саодатли бўлиб боради. У қанчалик Исломдан узоқлашса, унга оз амал қилса, бахти-саодати шунча камайиб, бахтсизлиги кўпаяди.

Бундай таҳдидли танбеҳдан кейин кофирлар билан мўминларнинг ҳоли, уларнинг орасидаги фарқ, инсон қадрининг ўлчов-меzonи ҳақида гап кетади:

زَيْنَ لِلَّذِينَ كَفَرُوا الْحَيَاةَ الدُّنْيَا وَيَسْخَرُونَ مِنَ الَّذِينَ آمَنُوا وَالَّذِينَ اتَّقَوْا فَوْقَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَاللَّهُ يَرْزُقُ مَنْ يَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴿١١٦﴾

**212. Куфр келтирганларга бу дунё ҳаёти зийнатланди ва улар иймон келтирганларни масхара қилурлар. Ва ҳолбуки, қиёмат куни тақво қилганлар улардан устундир. Аллоҳ кимни хоҳласа, беҳисоб ризқ берур.**

Кофирларнинг Аллоҳ йўлига юрмасликларининг сабаби дунё ҳаётининг зийнатидир. Уларнинг бирдан бир мақсади, фикри-зикри ва орзу-умиди — шу беш кунлик дунёнинг ҳой-ҳаваси, зийнатидир.

**«Куфр келтирганларга бу дунё ҳаёти зийнатланди.»**

Кофирлар ҳаётнинг маъносини шунда деб тушунадилар. Иймонсиз бўлганлари учун ҳайвоний тасаввур ва чегарадан ташқарига чиқа олмайдилар. Мўмин киши учун эса, бу дунёнинг зийнати ҳақир ва аҳамиятсиз нарса ҳисобланади. Улар дунё ҳой-ҳавасига ўч бўлишни ўзларига ор ҳисоблайдилар.

Шунинг учун ҳам, кофирлар иймон келтирганларни масхара қиладилар.

**«...ва улар иймон келтирганларни масхара қилурлар».**

Улар ҳар нарсани ўз қаричлари билан ўлчаб, мўминларни бу дунё зийнатига ўч бўлмаганлари учун масхара қиладилар.

**«Ва ҳолбуки, қиёмат куни тақво қилганлар улардан устундир. Аллоҳ кимни хоҳласа, беҳисоб ризқ берур».**

Ҳақиқий ҳаёт — охират ҳаёти келган чоғда эса, ҳамма нарса ўз ўрнига тушади. Ўшанда, яъни қиёмат кунида мўминлар, тақво қилганлар кофирлардан устун бўладилар. Ризқи рўзга келадиган бўлсак, уни Аллоҳ таоло кимга хоҳласа, беҳисоб беради. Ризқ берувчи унинг Ўзи. Мўминга ҳам, кофирга ҳам бераверади.

Одамларнинг кофир ва мўминга бўлиниши, уларнинг ҳаётга бўлган муносабати зикр қилингандан сўнг, бу ишларнинг келиб чиқиш тарихи ва сабаби баён этилади:

كَانَ النَّاسُ أُمَّةً وَاحِدَةً فَبَعَثَ اللَّهُ النَّبِيِّنَ مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ وَأَنْزَلَ مَعَهُمُ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِيَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ فِي مَا اختلفُوا فِيهِ وَمَا اختلف فِيهِ إِلَّا الَّذِينَ أُوتُوهُ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتْهُمْ الْبَيِّنَاتُ بَغْيًا بَيْنَهُمْ فَهَدَى اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا لِمَا اختلفُوا فِيهِ مِنَ الْحَقِّ بِإِذْنِهِ ۗ وَاللَّهُ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴿٦٦﴾

**213. Одамлар бир миллат эдилар. Бас, Аллоҳ хушхабар ва огоҳлантириш берувчи набийларни юборди ва уларга одамлар ўртасида улар ихтилоф қилган нарсаларда ҳукм қилиш учун ҳақ китоб туширди. У тўғрисида ихтилофни очиқ ҳужжатлар келгандан сўнг, кимга берилган бўлса, ўшаларгина ҳаддан ошиб қилдилар. Иймон келтирганларни ҳақ тўғрисида ихтилоф қилган нарсаларида Аллоҳ Ўз изни ила ҳидоятга соладир. Аллоҳ кимни хоҳласа, тўғри йўлга бошлайдир.**

Аслида, инсон Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳамда уларнинг фарзандларидан иборат бир уммат эди. Бир оиланинг аъзолари эдилар. Аста-секин кўпайиб бордилар. Уларнинг кўпайишлари билан бирга, фикр-мулоҳазалари ҳам, ихтилофлари ҳам кўпая борди. Чунки ҳар кимда ўз табиати бор, ўз ақли бор, ўз қизиқиши бор. Ҳар ким ўз шароити ва ҳолатидан келиб чиқиб фикр баён қилади. Ҳар кимнинг фитратидаги хусусият — бу. Чунки, ер юзининг обод-лигини Аллоҳ шу турли-туманлик, шу тортишувларга боғлиқ қилиб қўйган. Ҳамманинг фикри, табиати, истаги бир хил бўлганида эди, ер юзи обод бўлмасди...

Демак, одамлар ўртасида хилоф, келишмовчилик чиқди. Ҳар ким ўзини ҳақ деб билмоқда. Бундай вазиятда ким ҳақ эканлигини қаердан биламиз? Одамларнинг ўзларига қўйсак, ҳар ким ўзиникини маъ-

қуллайди. Ва ихтилоф яна ҳам кучаяди. Агар улардан бир гуруҳларини танлаб олиб, ўша танланганларга топширсак, улар ҳам одам. Ҳар қанча ақлли бўлсалар-да, барибир, уларда ҳам бошқа одамлардаги заифликлар бор. Бир кунмас бир кун адашади. Заифлиги тутиб, бир тарафга ён босади. Ёки ҳамма нарсани қамраб олувчи илмга эга бўлмайди. Нафси заифлик қилиб пора олиши мумкин. Ўз қавми чегарасидан чиқа олмай қолиши мумкин ва ҳоказо минглаб сабаблар борки, улар бу йўлда тўсиқ бўлиб, ишни бузиши аниқ.

Демак, «Бундай ихтилофнинг қайсиси тўғри, қайси чегарагача ихтилоф қилса бўлади?» каби саволларга жавоб бериш учун ихтилоф қилаётганлардан устун турувчи, инсондаги бор заифликдан таъсирланмайдиган, ҳамма нарсани қамраб олувчи илм эгаси, ҳеч нарсага ҳожати тушмайдиган, беками кўст, тамаъдан холи, нуқсонсиз, баркамоллик сифатига эга бир зот керак бўлади. Ана ўша зот Аллоҳ таолонинг Ўзи! У ҳамма нарсани билувчи Зот, шунинг учун ҳам Ўзи яратган бандалари ихтилоф қилган ва қилаётган масалалар ҳақида қандай ҳукм чиқаришни Ўзи билади.

**«Бас, Аллоҳ хушхабар ва огоҳлантириш берувчи набийларни юборди ва уларга одамлар ўртасида улар ихтилоф қилган нарсаларда ҳукм қилиш учун ҳақ китоб туширди».**

Аллоҳ юборган Пайғамбарларнинг биринчи вазифаси мўминларга хушхабарларни ва кофиру осийларга огоҳлантиришни етказишдир.

Мўминларга савоб, ажр ва жаннатнинг хушхабарини етказадилар. Кофирларга эса, азоб, уқубат ва жаҳаннамнинг хабарини бериб, огоҳлантирадилар.

Шу билан бирга, энг муҳими – одамлар ўртасида улар ихтилоф қилган нарсаларда ҳақ китоб билан ҳукм қилиб, ҳақни ҳаққа, ботилни ботилга ажратадилар. Адолатли ҳукм чиқарадилар. Ҳақ китобнинг ҳукми ҳақ бўлади. Бошқа ҳеч қандай нарса, ҳеч кимнинг ҳукми ҳақ бўла олмайди.

Ҳамма Пайғамбарлар бир дин билан, ҳақ китоб билан келганлар. Ҳар Пайғамбар ўз қавмига, ўз даврига мос шарият билан келган.

Ҳақ китоб Аллоҳнинг бандалари орасида адолат билан ҳукм қилиб турса ҳам, одамлар ўзларидаги айб туфайли йўлдан озиб, турли мусийбатларга дучор бўлиб турадилар. Чунки ҳавои нафсилари уларга ёлиб келиб, бепарволик қилиб, турли ифволарга учраб, Аллоҳ туширган ҳақ китобдан узоқлашиб, унинг таълимотларига амал қилишдан бош тортадилар. Ҳасад, тамаъ, ҳирс ва ҳавои нафс уларни Аллоҳ туширган ҳақ китоб ҳақида ҳам ихтилофга солади.

**«У тўғрисида ихтилофни очиқ ҳужжатлар келгандан сўнг, кимга берилган бўлса, ўшаларгина ҳаддан ошиб қиладилар».**

Яъни, ўша ҳақ китоб тўғрисида ҳамма ҳам ихтилоф қилгани йўқ, у кимга берилган бўлса, ўшаларгина бу китобнинг ҳақлигига, тўғрилигига очиқ-ойдин ҳужжатлар келгандан сўнг, ҳаддан ошиб, ҳасад, тамаъ, ҳирс ва ҳавои нафс туфайли ихтилоф қилдилар. Ихтилоф қилмаслик учун эса, иймон керак, фақат иймонгина ҳақ китоб тўғрисида ихтилоф қилдирмайди, омон сақлайди.

**«Иймон келтирганларни ҳақ тўғрисида ихтилоф қилган нарсаларида Аллоҳ Ўз изни ила ҳидоятга соладир».**

Аллоҳнинг ҳидоятига муяссар бўлган иймонли кишиларга ҳавои нафс, ҳасад, тамаъ, ҳирс каби ёмон сифатлар ёт, улар ҳақ китоб ҳақида ихтилоф қилмайдилар ва уни ўзларининг дастури, адолатли ҳаками, йўлбошчиси қилиб олиб, тўғри йўлда юриб, бахт-саодат сари олға қадам ташлайдилар. Бундай тўғри йўл ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

**«Аллоҳ кимни хоҳласа, тўғри йўлга бошлайдир».**

Кимда истеъдод бўлса, хоҳиш ва уриниш бўлса, ўшани тўғри йўлга бошлайди.

Аллоҳ ирода қилган тўғри йўл Исломга тўлиғича кириш билан бўлади. Бу эса, осон иш эмас. Буни амалга ошириш учун шайтоннинг изидан юрганлар, ҳасад, тамаъ, ҳирс ва ҳавои нафс туфайли ҳақ китоб тўғрисида ихтилофга тушганлар билан бўладиган тўқнашувларда ғолиб келиш керак. Улардан бўладиган зулм ва душманликларга чидаш керак. Яна кўпгина машаққат ва қийинчиликларга дош бериш лозим. Келаси оятда ана шулар ҳақида, мусулмонларга ибрат учун ўтган умматлар тажрибасидан сўз кетади.

أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ وَلَمَّا يَأْتِكُمْ مَثَلُ الَّذِينَ خَلَوْا مِنْ قَبْلِكُمْ مَسَّتْهُمُ  
الْبَأْسَاءُ وَالضَّرَّاءُ وَزُلْزِلُوا حَتَّى يَقُولَ الرَّسُولُ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ مَتَى نَصُرَ اللَّهُ أَلَا نَنْصُرُ  
اللَّهِ قَرِيبٌ

**214. Сиздан аввал ўтганларга келганга ўхшаш нарса сизларга келмасдан туриб, жаннатга кирамиз, деб ўйладингизми? Уларни бало ва мусийбатлар тутган ва ларзага туширилганлар. Ҳаттоки, Пайғамбар ва у билан иймон келтирганлар: «Аллоҳнинг нусрати қачон бўладир?» деганлар. Огоҳ бўлинглар, албатта, Аллоҳнинг нусрати яқиндир.**

Ушбу ояти каримадаги савол Пайғамбар алайҳиссалом ва мусулмон кишиларга қаратилган. Улар Исломга тўлиғича киришга, Аллоҳ

туширган ҳақ китобга амал қилиб тўғри йўл – сироти мустақиймда собит қадам бўлишга ҳаракат қилиб туришганда, аввал ўтган мўминларнинг тажрибасига ишора қилиб, улар тортган қийинчиликларни булар ҳам тортиши шартлиги ва усиз жаннатга кириб бўлмаслиги ишора қилинмоқда.

**«Сиздан аввал ўтганларга келганга ўхшаш нарса сизларга келмасдан туриб, жаннатга кирамиз, деб ўйладингизми?»**

Демак, жаннатга кириш осон эмас, иймон, Исломни оғизда эълон қилиб қўйиш билангина бўлавермайди. Жаннатга киришнинг бир шarti – аввалги умматлардан унга киришга ҳақдор бўлганларга юборилган оғир синовларни бошдан ўтказиш зарур.

Хўш, аввал ўтган умматлар нималарга дучор бўлибдилар?

**«Уларни бало ва мусийбатлар тутган.»**

Ҳақни юзага чиқариш йўлида улар турли синовлардан, имтиҳонлардан ўтганлар, душманларнинг тажовузига, уруш-сўқишига, озорларига чидаганлар, очлик, қийноқ ва муҳтожликларга учраганлар. Улар тортган қийинчиликлар шу даражага етганки, иймонли бўлишларига, бу синовлар уларга обрў келтиришини аввалдан билишларига қарамасдан,

**«Ҳаттоки, Пайғамбар ва у билан иймон келтирганлар: «Аллоҳнинг нусрати қачон бўладир?» деганлар».**

Азоб-уқубатнинг ҳаддан ошиб кетганидан улар шундай дейишга мажбур бўлганлар. Қалбларни ларзага солувчи синовлар пайтида ҳам иймонида собит қолувчилар,

**«Огоҳ бўлинглар, албатта, Аллоҳнинг нусрати яқиндир».**

Демак, банда ўз амали, сабри, матонати билан ҳақдор даражасига етганда, Аллоҳ унга Ўз нусратини беради.

Хаббоб ибн ал-Арт розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда у киши дейдилар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, бизга нусрат сўрасангиз-чи, Аллоҳга дуо қилсангиз-чи», – дедик. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Сизлардан олдин ўтганларнинг баъзиларини бошининг қоқ ўртасидан арра солиб, оёғидан арралаб чиқиб кетсалар ҳам, динларидан қайтмаган эди. Гўштларини темир тароқ билан тараб, суякларидан ажратиб олсалар ҳам, динларидан қайтмаган эди. Аллоҳга қасамки, Аллоҳнинг Ўзи бу ишни батамом қилади. Ҳали улов минган одам Санъодан Ҳазирмавтгача ҳеч нарсадан қўрқмай, Аллоҳдан ва қўйини бўри еб қўйишидангина қўрқиб борадиган ҳам бўлади. Лекин сизлар шошқалоқлик қияпсизлар», – дедилар».

Рум подшоси Ҳерақл Абу Суфёндан Пайғамбар алайҳиссалом ҳақларида сўраган саволлари ичида:

«У билан уруш қилдиларингизми?» деган савол ҳам бор эди. Абу Суфён:

«Ҳа», — деди. Ҳерақил:

«Ораларингиздаги уруш қандай кечди?» — деди. Абу Суфён:

«Гоҳ ундай-гоҳ бундай, баъзида у енгди, баъзида биз енгдик», — деди. Ҳерақил:

«Ўзи, ҳақиқий Пайғамбарларнинг иши шунақа бўлади: синалиб-синалиб, оқибатда ғолиб келадилар», — деди.

Демак, сабр қилиш, ҳаракат қилиш керак экан.

Исломга тўлиғича киришдан, Аллоҳ туширган ҳақ китобга амал қилишдан олдин баъзи нарсаларни билиб олиш керак, шунинг учун келаси оятларда Пайғамбар алайҳиссаломга олти савол берилади ва унга жавоб ҳам келади.

Биринчи савол инфоқ — молу дунёни нафақа қилиш ҳақида:

سَأَلُونَكَ مَاذَا يُنْفِقُونَ قُلْ مَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ خَيْرٍ فَلِلْوَالِدَيْنِ وَالْأَقْرَبِينَ وَآلَتِمَى  
وَالْمَسْكِينِ وَابْنِ السَّبِيلِ وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ ﴿١٦٥﴾

**215. Сендан нимани нафақа қилишни сўрарлар. «Нафақа қилган яхшилигингиздан ота-оналарга, яқин кишиларга, етимларга, мискинларга ва ватангадоларга бўлсин. Қандай яхшилик қилган бўлсангиз, албатта, Аллоҳ уни билувчидир», деб айт.**

Савол нимани нафақа қилиш ҳақида бўлган эди:

**«Сендан нимани нафақа қилишни сўрарлар».**

Жавоб эса, кимларга нафақа қилишни ҳам баён этипти:

**«Нафақа қилган яхшилигингиздан ота-оналарга, яқин кишиларга, етимларга, мискинларга ва ватангадоларга бўлсин».**

Демак, яхшиликни нафақа қилинар экан.

Қуръони Каримда хайр, яхшилик сўзи кўпинча мол-дунё маъносида ишлатилган. Бу жойда ҳам худди шу маънони англатмоқда.

Нафақага лойиқлар ичида бекорга ота-онани биринчи зикр қилинаётгани йўқ. Инсон табиати ўзи шуни тақозо қилади. Ўзидан кейинги биринчи ҳақдор ота-онаси бўлади. Ота-онасини муҳтож қўйиб, улардан бошқаларга нафақа қилишдан нима фойда бор? Шунингдек, яқин кишилар, қариндошлар ҳақдорлик жиҳатидан бошқалардан устунлар ва ҳоказо. Нафақа қилиш худди шу тартибда бўлиши лозимлиги Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадисларида ҳам зикр қилинган.

Имом Муслим Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, Пайғамбаримиз алайҳиссалом бир кишига:

«Садақа қилишни ўзингдан бошла, ортиб қолса аҳлингга қил, агар аҳлингдан ҳам ортиб қолса, қариндошларингга қил, агар қариндошларингдан ҳам ортиб қолса, улардан бошқаларга ва ҳоказо», деган эканлар.

Нафақа қилиш бандадан, унинг савобини бериш, тақдирлаш Аллоҳдан. Чунки,

**«Қандай яхшилик қилган бўлсангиз, албатта, Аллоҳ уни билувчидир».**

Гап Исломга тўлиғича кириш ҳақида бораётгани учун, бу ишнинг энг муҳим омилларида бири бўлмиш уруш, жиҳод ҳақида ҳам оят келади:

كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ وَهُوَ كُرْهُ لَكُمْ وَعَسَى أَنْ تَكْرَهُوا شَيْئًا وَهُوَ خَيْرٌ لَكُمْ  
 وَعَسَى أَنْ تُحِبُّوا شَيْئًا وَهُوَ شَرٌّ لَكُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ

**216. Сизга ёқмаса ҳам, жанг қилишингиз фарз қилинди. Шоядки, ёқтирмаган нарсангиз сиз учун яхши бўлса. Ва шоядки, ёқтирган нарсангиз сиз учун ёмон бўлса. Аллоҳ биладир, сиз билмас-сиз.**

Аллоҳ таоло бандаларининг ҳамма ҳолатларини яхши билади. Уларнинг жангни ёқтирмасликларини ҳам билади. Инсоннинг табиати шундоқ: машаққатни, қийинчиликни ёқтирмайди. Лекин Ислом одамларга ёқадиган нарсаларни эмас, балки уларга фойда бўладиган, икки дунёда бахт – саодат келтирадиган амалларни тақлиф қилади:

**«Сизга ёқмаса ҳам, жанг қилишингиз фарз қилинди».**

Инсонга ёқмайдиган жанг, нафақа каби нарсалар аслида ўзи учун яхши бўлади. Шунингдек, урушга бормай уйда ўтириши каби ўзига яхши кўринган нарсалар аслида унинг учун ёмонлик бўлиши мумкин.

**«Шоядки, ёқтирмаган нарсангиз сиз учун яхши бўлса. Ва шоядки, ёқтирган нарсангиз сиз учун ёмон бўлса».**

Бундай ишларнинг оқибатини Аллоҳ билади, банда билмайди.

**«Аллоҳ биладир, сиз билмас-сиз».**

Модомики, Исломга тўлиғича кириш учун баъзан уруш қилишга ҳам тўғри келар экан, ҳаром қилинган ойларда уруш қилса нима бўлади, деган савол ҳам туғилади:

يَسْأَلُونَكَ عَنِ الشَّهْرِ الْحَرَامِ قِتَالٍ فِيهِ قُلْ قِتَالٌ فِيهِ كَبِيرٌ وَصَدٌّ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ  
 وَكُفْرٌ بِهِ وَالْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَإِخْرَاجِ أَهْلِهِ مِنْهُ أَكْبَرُ عِنْدَ اللَّهِ وَالْفِتْنَةُ أَكْبَرُ مِنَ  
 الْقَتْلِ وَلَا يَزَالُونَ يَقْتُلُونَكُمْ حَتَّى يَرُدُّوكُمْ عَنْ دِينِكُمْ إِنِ اسْتَطَعُوا وَمَنْ يَرْتَدِدْ  
 مِنْكُمْ عَنْ دِينِهِ فَيَمُتْ وَهُوَ كَافِرٌ فَأُولَئِكَ حَبِطَتْ أَعْمَالُهُمْ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ  
 وَأُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿٢١٧﴾

217. Сендан ҳаром ойда уруш қилиш ҳақида сўрарлар. «Унда уруш қилиш катта гуноҳ. Аллоҳнинг йўлидан тўсиш, Унга куфр келтириш, Масжидул Ҳаромдан тўсиш, унинг аҳлини ундан чиқариш Аллоҳнинг ҳузурда энг катта гуноҳдир. Фитна ўлдиришдан каттароқдир», деб айт. Улар агар қодир бўлсалар, сизларни динингиздан қайтаргунларича сизга қарши уруш қилаверадилар. Сиздан кимки диндан қайтиб, кофир ҳолида ўлиб кетса, ана ўшалар бу дунёю охирада амали ҳабата бўлганлардир. Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолгувчилардир.

Ушбу ояти кариманинг нозил бўлиши ҳақида бир неча ривоятлар келган бўлиб, қиссанинг мухтасари қуйидагичадир:

Пайғамбаримиз алайҳиссалоту вассалом Абдуллоҳ ибн Жаҳш розияллоҳу анҳуни саккиз нафар муҳожир саҳобийлардан иборат жангчи гуруҳга бошлиқ қилиб юборганлар. Шу билан бирга, Абдуллоҳ ибн Жаҳшга хат бериб, уни икки кун юргандан сўнг очишга буюрганлар. Вақти келиб хатни очса, унда: «Ушбу мактубни ўқиганингдан сўнг, Макка билан Тоиф орасидаги Ботни нахла деган жойгача юриб бор. Ўша ерда Қурайш қабиласини кузатасан ва бизга хабарини берасан. Шерикларингдан бирортасини ўзинг билан боришга мажбур қилма», деган гаплар ёзилган экан. Бу Бадр урушидан аввал эди. Абдуллоҳ ибн Жаҳш розияллоҳу анҳу мактубни ўқиб кўриб: «Эшитдик ва итоат қиламиз», дедилар. Ке-йин шерикларига қараб:

«Мени Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам Ботни нахлага бориб, Қурайшни кузатиб, у кишига хабарини олиб боришимни буюрдилар. Сиздан бирортангизни ҳам мажбур қилишимдан қайтардилар. Сиздан ким шаҳид бўлишни хоҳласа, мен билан юрсин, ким ёқтирмаса, ортига қайтсин. Мен Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларини бажариш учун бораман», — дедилар. Шерик-



ларининг ҳаммаси ҳам битта қолмай бордилар. Ҳижознинг йўлига юриб кетдилар, бир ерга етганларида Саъд ибн Аби Ваққос ва Утба ибн Ғазвонларнинг туялари йўқолиб қолиб, уларни излаймиз деб, Абдуллоҳ ибн Жаҳш розияллоҳу анҳунинг гуруҳидан ажраб қолдилар. Қолган олти киши юриб кетдилар. Жангчи гуруҳ Ботни нахлага етганда Қурайшнинг тижорат ортилган карвони ўтиб қолди. Карвонда Амр ибн ал-Ҳазрабий ва яна уч киши бор эди. Жангчи гуруҳ Амр ибн ал-Ҳазрабийни ўлдириб, икки кишини асир олди, бир киши қочиб кетди. Карвон ўлжа қилиб олинди. Улар ўша кунни жумадул охир ойининг охириги куни деб ҳисоблашган эдилар. Кейин маълум бўлишича, Ражаб ойининг биринчи куни экан. Жангчи гуруҳ ўлжани ва икки асирни олиб Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига келишган эди, у зот: «Мен сизларни уруш ҳаром қилинган ойда уруш қилишга амр қилмаган эдим», – дедилар ва ўлжа ҳамда икки асирни олишдан бош тортдилар. Шундан сўнг, бу гуруҳ одамларнинг назаридан қолди. Мусулмон биродарлари уларга қўпол муомала қила бошладилар. Кўпчилик, булар ҳалокатга учради, деб ўйлади.

Қурайш эса: «Муҳаммад ва унинг саҳобалари уруш ҳаром қилинган ойнинг ҳурматини оёқости қилдилар, у ойда қон тўқдилар, молдунёни тортиб олдилар, одамларни асир қилдилар», деб гап тарқатдилар.

Пайтни пойлаб турган яҳудийлар дарҳол турли-туман ифво бўлганлар чиқара бошладилар.

Жуда ҳам ноқулай ҳолат вужудга келди. Қадимдан бу ойлarda ҳеч ким уруш қилмасди. Бировни асир олмасди. Ўлжа ҳам олмасди. Исломда ҳам бу қоида амалда эди. Бирдан бундай иш бўлди. Ҳамма ҳайрон. Шунда Аллоҳ таоло ушбу ояти каримани тушириб гапни кесди ва Ўзининг ҳақ ҳукмини чиқарди. Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига хитоб қилиб дедик:

**«Сендан ҳаром ойда уруш қилиш ҳақида сўрарлар. Унда уруш қилиш катта гуноҳ... деб айт».**

Бу ояти карима ҳам ҳаром ойда уруш қилишнинг ҳаром эканини таъкидламоқда. Тўғри, бу ойда уруш қилиш катта гуноҳ, лекин:

**«...Аллоҳнинг йўлидан тўсиш, Унга куфр келтириш, Масжидул Ҳаромдан тўсиш, унинг аҳлини ундан чиқариш Аллоҳнинг ҳузурда янада катта гуноҳдир. Фитна ўлдиришдан каттароқдир...»**

Ўйлаб қаралса, зикр этилган бу бузғунчилик ишлар айна Қурайшнинг ишларидир. Уларнинг мусулмонларга қарши қилган бу ишлари одам ўлдиришдан кўра каттароқ гуноҳдир.

Қурайшнинг ўзи ҳеч қонун-қоидага риоя этмасди, муқаддас тушунчаларни бемалол оёқости қиларди. Аллоҳ таоло Ислом динини

юборганида ҳам одамларни Аллоҳнинг йўлидан тўсдилар ва Аллоҳга куфр келтирдилар. Энг катта гуноҳ шу эмасми? Энди бўлса, мусулмонларни ҳаром ойни беҳурмат қилишда айблашмоқда.

Ҳеч қандай муқаддасликнинг ҳурматини қилмайдиган Қурайш Масжидул Ҳаром аҳли бўлган мусулмонларни ўлдириб, қийноқ-азобга олиб, охири ҳаммаларини ҳайдаб чиқардилар. Мусулмонлар ҳижрат қилишга мажбур бўлдилар. Энди бировни уруш ҳаром қилинган ойни ҳурмат қилмасликда айблайдиган бўлиб қолишибдими?! Ўзларининг ишлари одам ўлдиришдан кўра каттароқ гуноҳ-ку.

Кофирларнинг иши кишиларни иймондан қайтариш, Аллоҳнинг йўлидан қайтариш ва куфрга юргазишдир, буни фитна деб аталади.

**«Фитна ўлдиришдан каттароқдир...»**

Сўнгра, ояти карима кофирларнинг Ислом умматига бўлган доимий адоватини баён қилиб, айтадики:

**«Улар агар қодир бўлсалар, сизларни динингиздан қайтаргунларича сизга қарши уруш қилаверадилар».**

Яъни, кофирлар мусулмонларга қарши ҳар бир фурсатдан фойдаланишга уринадилар. Мақсадлари — нима қилиб бўлса ҳам, мусулмонларни Исломдан қайтариш. Кофир ким бўлишидан, қаерда яшашидан ва қачон бўлишидан қатъиназар, ушбу ишини қилаверади. Уларнинг мусулмонларга қарши олиб борадиган урушлари ҳар хил, турли-туман, лекин мақсад битта, у ҳам бўлса — мусулмонларни диндан қайтариш. Лекин мусулмонлар сабр қилишлари, чидашлари, таслим бўлиш ҳақида ўйламасликлари керак. Аллоҳ кўрсатмасин, мабодо диндан қайтиб қолсалар, икки дунёнинг ҳасратига учрайдилар. Чунки, Аллоҳ диндан қайтиб кофир ҳолида ўлиб кетганларнинг бу дунёю охиратда амали ҳабата бўлишини айтяпти.

**«Сиздан кимки диндан қайтиб, кофир ҳолида ўлиб кетса, ана ўшалар бу дунёю охиратда амали ҳабата бўлганлардир.»**

Оятдаги «ҳабата» сўзини бошқаларга ўхшаб, «беҳуда бўлди», «ботил бўлди» ёки «бекор кетди» деб таржима қилинмади. Чунки бу ибораларнинг ҳеч қайсиси «ҳабата» сўзидаги маънони тўлиқ акс эттира олмайди. «Ҳабата» сўзи, аслида, бирор ҳайвоннинг кўп овқат еганидан қорни шишиб ёрилиб ўлганини билдиради. Яъни, еган овқати унга озуқа бўлмай, аксинча, ёрилиб ўлишига сабаб бўлди.

Диндан қайтган муртад ҳам худди шундай ҳолга тушади. Қилган амаллари диндан қайтгани учун ҳабата бўлади. Мусулмон киши ҳар қандай шароитда динини маҳкам тутиши керак. Ҳар қандай азоб, ҳар қандай уқубат уни диндан қайтара олмаслиги керак. Сабр қилса, оқибати яхши бўлади: ёки шаҳид бўлиб ўлади, ёки нусратга эришади. Аммо, Аллоҳ кўрсатмасин, диндан ҳақиқатда

қайтадиган бўлса, оқибати ёмон бўлади: дунёю охиратда амали ҳабата бўлади.

Бу дунёда Ислом давлати уни муртад бўлганининг жазосига ўлдиради, у дунёда жаҳаннамда абадий қолади:

**«Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолувчилардир».**

Ушбу ояти карима тушгандан кейин Пайғамбаримиз алайҳиссолату васаллам мазкур икки асирни ва ўлжани қабул қилдилар. Ҳаманинг кўнгли ўрнига тушди. Муслмонлар, айниқса, Абдуллоҳ ибн Жаҳш розияллоҳу анҳу ва у кишининг жангчи гуруҳи аъзолари хурсанд бўлдилар. Чунки, улар, ҳодиса бўлиб ўтгандан кейин, гуноҳ иш қилиб қўйибмиз, деб ҳижолатда эдилар. Ушбу ояти карима тушгач, уларда умид учқунлари чарақлади. Ибн Исҳоқ ривоят қилишларича, бу оят тушгандан кейин Абдуллоҳ ибн Жаҳш ва унинг шериклари ажру савобдан умидвор бўлиб қолишди ва Пайғамбаримиз алайҳиссолату васалламдан: «Бошқа бир ғазотда мужоҳидларнинг савобини олишдан умидвор бўлсак бўладими?» деб сўрашган эди, Аллоҳ таоло қуйидаги оятни туширди:

إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَالَّذِينَ هَاجَرُوا وَجَاهَدُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أُولَٰئِكَ يَرْجُونَ رَحْمَتَ اللَّهِ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٢١٨﴾

**218. Албатта, иймон келтирганлар, ҳижрат қилганлар ва Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилганлар—ана ўшалар Аллоҳнинг раҳматини умид қиладилар. Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли зотдир.**

Ҳукм умумий: ким бўлишидан қатъиназар, иймон келтирса, мўминлик сифатига эришса, динию диёнатини сақлаб қолиш ниятида ҳижрат қилса, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилса, улар Аллоҳнинг раҳматидан умид қиладилар. Аллоҳнинг раҳмати уларга бўлмаса, кимга бўлар эди!

Келгуси ояти каримада янги саволлар: хамр, қимор ва нимани нафақа қилиш ва уларга бериладиган жавоблар ҳақида сўз кетади.

﴿يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ قُلْ فِيهِمَا إِثْمٌ كَبِيرٌ وَمَنْفَعٌ لِلنَّاسِ وَإِثْمُهُمَا أَكْبَرُ مِنْ نَفْعِهِمَا وَيَسْأَلُونَكَ مَاذَا يُنْفِقُونَ قُلِ الْعَفْوَ كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ تَتَفَكَّرُونَ ﴿٢١٩﴾﴾

**219. Сендан хамр ва қимор ҳақида сўрарлар. Сен: «Иккисида катта гуноҳ ва кишилар учун манфаат бор ва гуноҳлари нафларидан каттадир», деб айт. Ва сендан нимани нафақа қилишни сўрарлар. Сен: «Ортиқчасини», деб айт. Аллоҳ шундоқ қилиб сизга Ўз оятларини баён қилади. Шоядки, тафаккур қилсангиз.**

Оятдаги «хамр» сўзини ичкилик, ароқ ёки вино деб таржима қилмадик. Чунки «хамр» сўзи умумий бўлиб, истеъмол қилган кишининг ақлини тўсувчи, яъни, бир оз бўлса-да таъсир ўтказувчи барча нарсага айтилади. Бунинг ичига барча спиртли ичимликлар ҳамда наша, қорадори, кўкнори ва бошқалар ҳам киради.

**«Сендан хамр ва қимор ҳақида сўрарлар.»**

Демак, Пайғамбар алайҳиссаломдан хамр ва қимор ҳақида сўрашган. Исломга тўлиғича кириш жараёнида бундай савол бўлиши, албатта, зарур эди. Ислом инсон ҳаётининг ҳамма тарафларидан қамраб олган, мусулмонлар тасаввурига янгича ўйлаш ҳиссини солган эди. Одамлар жоҳилият қоидаларидан, одатларидан тез қутулиб, исломий қонунларга тезроқ амал қилишга шошилишар эди. Ислом жиҳод, намоз каби нарсаларгагина эмас, ундан бошқа ишларга ҳам, масалан, озиқ-овқатнинг ҳалол-поқ бўлишига, касбнинг поклигига, мол-дунёни ҳалол йўл билан топишга ва уни жойини топиб нафақа қилишга ҳам эътибор беради. Чунки, булар инсоният ҳаётидаги энг муҳим ҳолатлар ҳисобланади.

Дунёда адолат ўрнатиш, ер юзида Аллоҳнинг халифаси бўлиш вазифаси юклатилган шахс ароқхўр ёки қиморбоз ва молини ноўрин сарфлайдиган бўлиши мумкинми? Албатта, йўқ. Ҳолбуки, хамр ичиш, қимор ўйнаш ва ноўрин нафақа қилиш ҳоллари жоҳилият вақтида кишилар ҳаётига сингиб кетган эди. Хамрсиз ҳаётни тасаввур қила олмас эдилар. Шунингдек, қимор ва нотўғри мол сарфлаш ҳам кенг тарқалган эди. Мусулмонлардан баъзилари ўзларидаги пок ҳис-туйғу таъсирида бу ишларнинг ўнгланиши лозимлигини ҳам ҳис қилар эдилар.

Ҳазрати Умар ибн Ҳаттоб розияллоҳу анху:

«Эй Аллоҳ, бизга хамр ҳақида шифо бўлувчи баён бергин», деб дуо қилиб юрар эдилар.

Аллоҳ таоло кишилар ҳаётига сингиб кетган ароқхўрлик илатини аста-секин муолажа қилишни ирода қилди.

Аввал, «Хурмо ва узумларнинг мевасидан маст қилувчи нарса ҳамда яхши ризқ оласизлар», деб «Наҳл» сурасида маст қилувчи нарсани яхши ризққа қарама-қарши қўйди. Кўпчилик хамр яхши эмас экан, деб ичишни ташлади.

Кейин ҳазрати Умар бошлиқ бир гуруҳ мусулмонлар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, хамр ҳақида бизга фатво беринг, бу ақлни кетказувчи, молни тортиб олувчи нарса», – дедилар. Аллоҳ таоло «Бақара» сурасидаги биз ўрганаётган ушбу оятни туширди.

Кейинроқ Абдурроҳман ибн Авф розияллоҳу анҳу уйларида меҳмондорчилик уюштирдилар, у ерда ичиб маст бўлишди. Намозда имомлари Кафируун сурасини хато қилиб ўқиди. Шунда Аллоҳ таоло: «Маст ҳолингизда намозга яқинлашманг», деган оят туширди. Яна кўпчилик ичмай қўйди.

Бир муддат ўтгандан кейин Атабон ибн Молик зиёфат бердилар. Ичиб ўтириб, маст бўлиб жанжал чиқди, муштлашув бўлди. Шунда Аллоҳ таоло хамрни бутунлай ҳаром қилувчи оятни нозил қилди. Буларнинг барчаси ўрни келганда, иншааллоҳ, ўрганилади.

Хамр ва қимор ҳақидаги саволга жавоб беришни Аллоҳ таоло Пайғамбар алаҳиссаломга:

**«Сен: «Иккисида катта гуноҳ ва кишилар учун манфаат бор ва гуноҳлари нафларидан каттадир», деб айт»,** деб ўргатмоқда. Хамрнинг ҳам, қиморнинг ҳам катта гуноҳ эканлиги аввалдан таъкидланмоқда. Шу билан бирга, ўша вақтдаги кишиларнинг эътиқоди бўйича, манфаатлари ҳам борлиги эслатиб ўтилмоқда. Хамр сотиб пул топишни улар манфаат деб тушунишган. Шунингдек, қиморда пул ютишни, ундан одамларга чўтал беришни ҳам манфаат деб тушунишган. Лекин бунга ўхшаш манфаатлари уларнинг гуноҳи олдида ҳеч нарса эмаслиги ҳам уқдирилмоқда. Хамрнинг жамиятга, шахсга, давлатга ва инсониятга келтирадиган зарари ҳозиргидек кўзга яққол кўринмаган бўлса керак. Эслашимиз керакки, ақлни тўсувчи ҳар бир нарсага хамр дейилади. Унинг номи турлича бўлиши мумкин, пиводан тортиб морфи ва бошқа-лари ҳам, ҳаммаси ҳаром.

Қиморнинг ҳукми ҳам шундай: осонлик билан, меҳнат қилмай, ошиқ ёки карта ўйнабми ёки бошқача номланган ўйинлар ўйлаб чиқарибми, одамларнинг пулини олиш ҳаром. Ҳозирги пайтда қиморнинг ҳам хамрга ўхшаб тури кўпайиб кетди. Инсониятга катта зарар келтирмоқда, уларнинг барчаси ҳаром.

Учинчи сўралган нарса нафақа ҳақида, тўғрироғи, нафақанинг миқдори ҳақида бўлди. Топган молу дунёни ўз ўрнига, тўғри сарфлаш нақадар зарурлигини ҳозир ҳамма ҳам тушуниб қолди. Турлитуман, ҳаром-ҳариш сарф туфайли нафақат шахслар, балки давлатлар, халқлар мусийбатга учрайди. Бу оятда хайр-эҳсон, нафақа, садақага ҳам ўзидан ортганини ишлатиш уқдириляпти:

**«Ва сендан нимани нафақа қилишни сўрарлар. Сен: «Ортиқчасини», деб айт».**

Демак, инсон аввал ўзига, аҳлига керагини ишлатиб, ортиб қолганини нафақа қилиши керак экан.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда ай-тиладики, бир киши:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, менда бир динор бор», дебди. У зоти бобаракот:

«Ўзингга сарфла», дебдилар.

«Яна бошқаси бор», дебди. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Оилангга сарфла», дебдилар. У:

«Яна бошқаси бор», дебди. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Болангга сарфла», дебдилар. Ҳалиги одам:

«Яна бошқаси бор», деган экан, Пайғамбар алайҳиссалом:

«Ўзинг биласан», дебдилар.

Ўзидан ортиб қолган мол-дунёни кўпчилик манфаати учун ишлатиш орқали мусулмонлар жамиятида ижтимоий тенглик рўёбга чиқади: муҳтожларга ёрдам уюштирилади, жамиятнинг бошқа зарур эҳтиёжлари ҳам қопланади.

Ояти кариманинг охирида:

**«Аллоҳ шундоқ қилиб сизга Ўз оятларини баён қилади. Шояд-ки, тафаккур қилсангиз», дейилади.**

Демак, керакли нарсаларни Аллоҳ баён қилиб берган, тафаккур қилиб, ўша баёндан фойдаланиш банданинг иши. Қандай тафаккур ҳақида сўз бораётгани кейинги оятнинг аввалидан маълум бўлади:

فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الَّتِي مَلَئَتْ قُلُوبَهُمْ حَيْرٌ وَإِنْ تُخَالِطُوهُمْ  
فَاِخْوَانُكُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ الْمُفْسِدَ مِنَ الْمُصْلِحِ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَأَعْنَتَكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ  
حَكِيمٌ

**220. Бу дунё ва охират ҳақида. Сендан етимлар ҳақида сўрарлар. Сен: «Уларга ислоҳ қилиш яхшидир», деб айт. Агар уларнинг (молларини) аралаштириб юборсангиз, бас, биродарларингиз. Аллоҳ бузғунчини ҳам, ислоҳчини ҳам билади. Агар хоҳласа, Аллоҳ сизларни қийинчиликка соларди. Албатта, Аллоҳ азиз ва ҳикматли Зотдир.**

Демак, бу оятларни баён қилиб беришдан Аллоҳнинг мақсади — бандалар бу дунё ва охират ҳақида тафаккур қилишлари учун экан. Инсоннинг ҳаёти ҳам бу дунёга, ҳам охиратга тегишли бўлгандан кейин иккиси ҳақида тафаккур қилиши зарур. Фақат бу дунёни

ўйлашнинг ўзи кифоя эмас, бунда инсон ҳаёти ҳақида тўғри тасаввур пайдо бўлмайди. Мусулмон инсон ўзининг барча ишларида, хусусан, мол-дунё нафақа қилиш бобида ҳам бу дунё, ҳам у дунё ҳақида тафаккур қилади.

Оятнинг давомида яна ижтимоий, инсоний алоқалар ва мол-дунё сарфи ҳақида сўз кетади. Масалан, боқувчисиз қолган етим болалар жамиятда алоҳида эътиборга сазовор аъзолардир, эндиги савол ана ўшалар ҳақида бўлмоқда.

**«Сендан етимлар ҳақида сўрарлар»**, деяпти Аллоҳ таоло. Ва жавобдан маълум бўладигани, савол етимларга бўладиган муомала, уларнинг мерос олган молларига қандай муносабатда бўлиш ҳақида экан. Чунки оятда:

**«Уларга ислоҳ қилиш яхшидир, деб айт»**, дейиляпти.

Етимларга ислоҳ (яхшилиқ) қилишда хайри барака бор. Етимларга яхши қараш ҳар бир жамиятдаги ижтимоий тенгликнинг муҳим омилларидан биридир. Шунинг учун ҳам, Исломда бу масалага алоҳида эътибор берилган.

Қуръони Каримда ушбу масала бўйича бир қанча оятлар келган, жумладан, «Анъом» сурасида: «Етимларнинг молига яқин келманг...»; «Нисо» сурасида: «Албатта, етимларнинг молини зулм ила еювчилар қоринларига оловдан бошқани емайдилар ва тезда дўзахга кирадилар». Ва ҳоказо.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтишларича, бу икки оят туширилгандан кейин етимларни ўз кафолатига олган кишилар, етимларнинг ҳаққини еб қўймайлик деб, уларнинг овқатларини ҳам, ичимликларини ҳам алоҳида қилиб қўйишган экан. Ҳатто етимдан бирор овқат ортиб қолса, ўзи емаса, бузилиб кетса ҳам, биров емайдиган бўлибди. Бундай қийин ҳолни Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга зикр қилишганида, Аллоҳ таоло: «Сендан етимлар ҳақида сўрайдилар», оятини нозил қилган экан.

Бу оятда етимнинг молини унинг тарбиясини зиммасига олган одам ўз молига аралаштириб юборишига рухсат берилмоқда:

**«Агар уларнинг (молларини) аралаштириб юборсангиз, бас, биродарларингиз».**

Яъни, етимларнинг молларини ўз молингизга аралаштириб юборсангиз бўлаверади, чунки улар ҳам сизларнинг биродарингиз. Сизлар уларга раҳим-шафқат қилиб ўз тарбиянгизга олдингиз. Энди уларнинг молини еб қўйиб, азобга дучор бўлмайлик, деб ўзингизни машаққатга солишнинг ҳожати йўқ. Сизда уларнинг молини ейиш нияти бўлмаса, бас.

**«Аллоҳ бузғунчини ҳам, ислоҳчини ҳам билади.»**

Етимларнинг молини еб бузғунчилик қилганларни Ўзи билиб жазолайди. Уларнинг молини ўз молига аралаштирса ҳам, емай тақво қилганларни эса, мукофотлайди.

Тушунтириш учун айтиш керакки, етим — отасидан айрилган, балоғат ёшига етмаган ёш ўғил-қизлардир. Бу оятда гап ўша етимнинг отасидан ёки бошқа қариндошларидан мерос қолган моли, бошқа кишилардан ҳадя, садақа ёки бошқа мақсадда берилган моллар ҳақида кетяпти. Ўша молларни етимга қараб туришни ўз зиммасига олган одам ўз молига, еб юбормаслик шарти билан, аралаштириб юборишига енгиллик яратиш мақсадида рухсат берилляпти. Бу ҳам Аллоҳнинг меҳрибончилиги, акс ҳолда

**«Агар хоҳласа, Аллоҳ сизларни қийинчиликка солар эди».** Бундай рухсатни бермаса, етимнинг молдан хавотирда қийналиб юраверар эдингиз.

**«Аллоҳ шундоқ қилиб сизга Ўз оятларини баён қилади. Шояд-ки, тафаккур қилсангиз.»**

Ҳа, дарҳақиқат Аллоҳ азиз, ғолиб, нима қилса, қўлидан келади. Бандаларини қийинчиликка солишга, амрига хилоф қилсалар, иқоб қилишга қодир. У — ҳикмат эгаси, бандаларига беҳикмат амр қилмайди.

Исломга тўлиғича кириш жараёнидан мақсад — намунали, фозил жамият қуришдир. Бундай юқори савияли жамият эса, юқори савияли, мустаҳкам оилаларсиз қурилмайди. Шунинг учун, Исломда оилага алоҳида ва катта эътибор берилади. Оилани пок асосда қуриб, пок асосда собит бўлиш масаласи Қуръони Каримнинг кўпгина сураларида турли томонлардан муолажа қилинади. Ушбу ўринда Исломга тўлиғича кириш ҳақида сўз бораркан, бунинг муҳим омилларидан бўлмиш оила ва унга тегишли масалаларда бир неча оятлар келган:

وَلَا تَنْكِحُوا الْمُشْرِكَةَ حَتَّىٰ تُؤْمِنَ ۖ وَلَا أُمَّةً مُّؤْمِنَةً خَيْرٌ مِّنْ مُّشْرِكَةٍ وَلَا  
 أَعَجَبْتُمْ ۖ وَلَا تَنْكِحُوا الْمُشْرِكِينَ حَتَّىٰ يُؤْمِنُوا ۚ وَلَعَبْدٌ مُّؤْمِنٌ خَيْرٌ مِّنْ مُّشْرِكٍ وَلَا  
 أَعَجَبْتُمْ ۚ وَأُولَٰئِكَ يَدْعُونَ إِلَى النَّارِ وَاللَّهُ يَدْعُوا إِلَى الْجَنَّةِ وَالْمَغْفِرَةِ بِإِذْنِهِ ۗ وَيُبَيِّنُ  
 ءَايَاتِهِ ۗ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ ﴿٢١١﴾

**221. Мушрика аёлларни иймон келтирмагунларича никоҳингизга олманг. Шубҳасиз, мўмина чўри мушрикадан, гар у сизни**



**ажаблантирса ҳам, яхшидир. Ва мушриклар иймонга келмагунларича, уларга никоҳлаб берманг. Шубҳасиз, мўмин қул мушриктан, гар сизни ажаблантирса ҳам, яхшидир. Анавилар дўзах ўтига чақирарлар. Аллоҳ эса, Ўз изни ила жаннатга ва мағфиратга чақирар ҳамда одамларга Ўз оятларини баён қиладир. Шоядки, эсга олсалар.**

Никоҳ инсоний алоқалар ичида энг муқаддас ва аҳамиятлисидир. Бу алоқа одам боласининг кўплаб хоҳиш-истакларига жавоб беради. Никоҳдаги икки шахс бир-бирига энг яқин шахслар ҳисобланади. Бу ҳолга эришиш аввало қалбларнинг бирлашмоғини, қалбларнинг бирлашмоғи эса, ақийда бирлигини тақозо этади. Чунки ҳар бир инсоннинг ҳаётгий йўлини белгилайдиган ўлчов диний нуқтаи назари бўлади. Шу боисдан, Исломда ақийдасида бузуқ аёлларга уйланиш, мушрик эркакларга турмушга чиқиш ман қилинади.

**«Мушрика аёлларни иймон келтирмагунларича никоҳингизга олманг.»**

Мусулмон эркак Ислом ақийдасидан ўзга ақийдадаги мушрика аёлга уйланиши мумкин эмас. Лекин у аёл ўз динини тарк этиб, Ислом динига кириб, мўмина бўлса, шундан кейин уйланса бўлади. Бу ҳукмдан яҳудий ва масиҳий динидаги аёллар мустасно. Улар ўз динларида турсалар ҳам, мусулмон эркак уларга уйланса бўлади. Бошқа оятлар муносабати ила бу масалани яна ўрганармиз, иншааллоҳ.

Мушрика аёлларга уйланишни ман қилгандан кейин Аллоҳ таоло аёлларнинг қайсиси ўзининг ҳузурида яхши эканлигини баён қилмоқда:

**«Шубҳасиз, мўмина чўри мушрикадан, гар у сизни ажаблантирса ҳам, яхшидир».**

Аллоҳнинг ҳузурида аёл кишининг яхши-ёмонлигини ўлчашдаги бош мезон унинг иймонидир. Агар аёл киши чўри бўлса ҳам, мўмина бўлса, бас, бошқа ҳар қандай аёлдан яхшидир. Тўғри, мушрика аёл ўзининг озодлиги, ҳусни-жамоли, шакли-шамоили, молудунёси, насли-насаби ва яна қандайдир жиҳатлари билан эркакларни ажаблантириши, уларга ёқиши мумкин. Лекин мушрикалиги, иймонининг йўқлиги, Аллоҳга ширк келтириши ҳамма нарсадан ёмон. Ундай мушрика аёлдан чўри бўлса ҳам, хунук бўлса ҳам, камбағал бўлса ҳам, насли-насаби гўё паст бўлса ҳам, мўмина аёл яхшидир. Қалбдаги иймони уни юқори даражаларга олиб чиқади.

Шунингдек, мўмина аёлларнинг мушрик эркакларга турмушга чиқишлари, уларга никоҳланишлари қатъиян ман қилинади:

**«Ва мушриклар иймонга келмагунларича никоҳлаб берманг».**

Яъни, мўминаларни уларнинг никоҳига берманг. Муслима-мўмина аёллар мусулмон динидаги эркакдан бошқа эркакка турмушга чиқишлари мутлақо мумкин эмас. Агар у эркак Исломга кириб, мўмин бўлсагина, рухсат бўлади.

Ҳатто эркак яҳудий ёки масиҳий динида бўлса ҳам, муслима аёлнинг унга никоҳланиши ҳаром. Фақат мусулмон эркак бўлиши шарт. Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассалом: «Биз аҳли китобнинг аёлларига уйланамиз, улар бизнинг аёлларимизга уйланмайдилар», деганлар.

Худди аёлларга ўхшаб, эркаклар фазлининг ўлчови ҳам иймондир:

**«Шубҳасиз, мўмин қул мушрикдан, гар у сизни ажаблантирса ҳам, яхшидир».**

Яъни, эркак киши қул бўлса ҳам, мўмин бўлса, бас, бошқа иймонсиз эркаклардан яхшидир...

Эркак бўлсин, аёл бўлсин, иймонсизлиги, мушриклиги жуда ёмон, улар билан ким алоқада бўлса, хусусан, никоҳ каби муқаддас ва нозик алоқада бўлса, касофати уради. Урганда ҳам, энг ҳассос нуқтада – ақийда бобида уради ва инсон ўз турмуш ўртоғига эргашиб, диндан чиқиб кетиш хавфи бор. Шунинг учун, оятда:

**«Анавилар дўзах ўтига чақирарлар»**, дейилади.

Анавилар (мушриклар) ўзи билан бирга бўлганларни мушрикликка, бу дегани, дўзах ўтига чақирадилар.

**«Аллоҳ эса, Ўз изни ила жаннатга ва мағфиратга чақирар ва одамларга Ўз оятларини баён қиладир. Шоядки, эсга олсалар».**

Шунинг учун, Аллоҳ таолонинг баён қилиб берган оятларига амал қилиб яшаш керак.

Кейинги оятда оила қурган ҳар бир эркак ва аёл билиши лозим бўлган ҳайз масаласини муолажа қилади:

وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الْمَحِيضِ قُلْ هُوَ أَذَى فَأَعْتَزِلُوا النِّسَاءَ فِي الْمَحِيضِ وَلَا تَقْرَبُوهُنَّ  
حَتَّى يَطْهَرْنَ فَإِذَا تَطَهَّرْنَ فَأْتُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ أَمَرَكُمُ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ التَّوَّابِينَ وَيُحِبُّ  
الْمُتَطَهِّرِينَ

222. Сендан ҳайз ҳақида сўрарлар. Сен: «У кўнгилсиз нарсадир. Ҳайз чоғида аёллардан четда бўлинг. Уларга пок бўлмагунларича яқинлашманглар. Агар пок бўлсалар, уларга Аллоҳ амр қилган жойдан келинг. Албатта, Аллоҳ тавба қилувчиларни севади ва покланувчиларни севадир», деб айт.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қиладилар:

«Яҳудийлар уларнинг аёллари ҳайз кўрса, бирга овқатланмай ва бирга ётмай қўяр эдилар. Саҳобалар Пайғамбар алайҳиссаломдан бу ҳақда сўрадилар. Ва Аллоҳ таоло «Сендан ҳайз ҳақида сўрайдилар» оятини туширди. Шундан кейин Пайғамбар алайҳиссалом: жинсий алоқадан бошқа ҳамма нарсани қилсангиз бўлади, дедилар».

**«Сендан ҳайз ҳақида сўрашлар.»**

Ҳанафий мазҳаби уламолари ҳайзни бундай таърифлайдилар: Тўққиз ёшдан элик беш ёшгача бўлган, касал ёки ҳомиладор бўлмаган аёл жинсига мансуб инсоннинг раҳмидан чиқадиган қондир. Ҳайзнинг энг оз муддати уч кечаю уч кундуз, энг кўпи ўн кечаю ўн кундуздир. Ҳайзнинг энг оз муддатидан оз, энг кўп муддатидан кўп ёки аёл кишининг одатидан ортиқ келадиган қон истиҳоза, дейилади.

Демак, одамлар ҳайз ҳақида сўрадилар. Жавоб оятда қуйидагича келди:

**«У кўнгилсиз нарсадир.»**

Яъни, ҳайз нопок, кўнгилга ёқмайдиган, озор берадиган нарсадир. Шунинг учун

**«ҳайз чоғида аёллардан четда бўлинг»,** яъни, уларга жинсий яқинлик қилманг.

Ҳайзи тўхтаган аёл ғусл қилгандан кейин пок бўлади. Агар ғуслга узрли бўлса, таяммум қилади. Шундан кейин унга жинсий яқинлик қилса бўлади. Ҳанафий мазҳабида ўн кунлик ҳайз кўрган аёлга ҳайзи тўхташи билан яқинлик қилса бўлади. Ўн кундан оз муддат ҳайз кўрган аёлга эса, ҳайзи тўхтаб ғусл қилганидан кейин ёки агар ғусл қилмаса, бир намознинг вақти ўтгандан кейин яқинлашишга рухсат берилган.

**«Агар пок бўлсалар, уларга Аллоҳ амр қилган жойдан келинг»,** дегани олд тарафдан яқинлик қилинг, орқадан эмас, деганидир.

**«Албатта, Аллоҳ тавба қилувчиларни севади ва покланувчиларни севадир»,** дейилиши бу ҳукми билмаган чоғларида мазкур йўл-йўриққа хилоф иш қилган бўлса, тавба этсин, бундан кейин доимо покликка, айниқса ҳайз масаласида, алоҳида эътибор берсин, деганидир.

نَسَاؤُكُمْ حَرْثٌ لَّكُمْ فَاتُوا حَرْثَكُمْ أَنِّي شِئْتُمْ وَقَدِّمُوا لِأَنفُسِكُمْ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَاعْلَمُوا  
أَنَّكُمْ مُلْقَوَةٌ وَبَشِّرِ الْمُؤْمِنِينَ ﴿٢٢﴾

**223. Аёлларингиз экинзорларингиздир. Бас, экинзорингизга хоҳлаганингизча келинг. Ўзингиз учун (яхшилиқ) тақдим қилинг. Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда, билингки, албатта, Унга рўбарў келувчисиз. Мўминларга башорат бер.**

Эр-хотин орасидаги ҳассос ва нозик алоқа Қуръони Карим оятларида ўзига хос услуб билан тасвирланади. Аввалги оятлардан бирида эр-хотинни бир-бирига нисбатан кийим – либос деб таъриф қилинган эди. Бу оятда эса, аёллар экинзорга ўхшатиляпти. Экинзорга уруғ ташланса, ҳосил униб чиққанидек, аёлга эркақдан тушган уруғликдан фарзанд униб чиқишига ишоратан:

«**Аёлларингиз экинзорларингиздир**», дейилмоқда.

Модомики, улар экинзор эканлар,

«**Бас, экинзорингизга хоҳлаганингизча келинг**».

Яъни, хоҳлаган вақтингизда, хоҳлаган ҳолатингизда жинсий яқинлик қилинг. Айни чоғда, мақсад, кўзланган гоё эсингиздан чиқмасин:

«**Ўзингиз учун (яхшилиқ) тақдим қилинг**».

Аллоҳдан қўрқиш, унга тақво қилиш ёдингиздан қўтарилмасин.

«**Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда, билингки, албатта, Унга рўбарў келувчисиз.**»

Демак, эҳтиёт ва ҳушёр бўлиш керак. Оятнинг охирида Аллоҳга рўбарў келганда мўминларга яхшилиқ бўлишини таъкидлаб:

«**Ва мўминларга башорат бер**», дейиляпти.

Энди эса, оилавий, қариндошлиқ ва умуман инсоний алоқаларда учраб турадиган баъзи бир ҳолатларни муолажа қилишга ўтилади.

وَلَا تَجْعَلُوا اللَّهَ عُرْضَةً لِأَيْمَانِكُمْ أَنْ تَبَرُّوا وَتَتَّقُوا وَتُصَلِّحُوا بَيْنَ  
النَّاسِ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿١٧٤﴾

**224. Аллоҳга ичган қасамларингизни яхшилиқ қилиш, тақво қилиш ва одамлар орасини ислоҳ этишингизга тўсиқ қилманг. Аллоҳ эшитувчи, билувчи Зотдир.**

Ушбу оятнинг тафсирида Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ва бошқа азизлар:

«Қасамингни яхшилиқ қилишингга тўсиқ қилма, қасамингнинг каффоратини бергинда, яхшилиқ қилавер», деганлар.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким қасам ичса ва қасам ичган нарсасидан яхшироқ ишни кўрса, қасамига каффорат бериб, яхши ишни қилаверсин», деганлар.

Баъзилар, фалон ишни қилмайман, деб қасам ичиб қўяди. Кейин, бу савобли ишни нимага қилмаяпсан, дейилса, қасам ичганман, деб баҳона қилади. Бу оятда мана шу масалага ойдинлик киритил-япти.

Аслини олганда қасам ичиш яхши иш эмас. Жиддий, ўзини билган одам керак ишни қасам ичмай ҳам қилаверади. Мабодо, қасам ичиш лозим бўлиб қолса ҳам, бу қасам яхшилик амалга ошиши учун бўлиши керак. Аммо, Аллоҳ таоло номи ила қасам ичишни яхшилик, тақво ва одамлар орасини ислоҳ қилишдек эзгуликларга тўсиқ этиб олиш мутлақо дуруст эмас. Мусулмонларнинг Исломга тўлиқ киришлари жараёнида жоҳилиятдан мерос бўлиб қолган шунга ўхшаш ишларни тўғри йўлга солишга ҳам эътибор берилади.

Кейинги оятда қасам ҳам ҳар хил бўлиши ва уларнинг ҳаммасида ҳам каффорат бериш лозим эмаслигининг баёни келади:

لَا يُؤَاخِذُكُمُ اللَّهُ بِاللَّغْوِ فِي أَيْمَانِكُمْ وَلَكِنْ يُؤَاخِذُكُمْ بِمَا كَسَبْتُمْ قُلُوبِكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ حَلِيمٌ ﴿٢٢٥﴾

**225. Аллоҳ сизларнинг беҳуда қасамларингиз учун тутмас. Лекин қалбдан касб қилганингиз учун тутадир. Ва Аллоҳ мағфиратли, раҳимли Зотдир.**

«Беҳуда қасам» деганда ўйлаб-ўйламай, тил ўрганиб қолганидан ичиладиган қасамга айтилади. Айниқса, арабларда қасам лафзи осон чиқади, кўп ишлатилади. Туркий халқларда ҳар нарсага «худо урсин» деяверишга ўхшайди.

Бир куни Пайғамбаримиз саҳобалардан бирлари билан йўлда юриб борар эдилар. Ов қилаётган кишилар олдидан ўтиб қолишди. Шунда: «Аллоҳга қасамки, урдим». «Аллоҳга қасамки, хато қилдим», деган овозлар эшитилди. Пайғамбар алайҳиссалом билан бирга кетётган киши:

«Қасамхўр бўлишдими?» – деб сўради. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Йўқ, овчиларнинг қасами беҳуда бўлади. Каффорат ҳам, уқубат ҳам йўқ», – дедилар.

Қасам уч хил бўлади:

Биринчиси – беҳуда қасам. Бу, аввал айтганимиздек, тил ўрганиб қолиб, ҳуда-беҳудага қасам ичавериш. Бундай қасамга каффорат йўқ, гуноҳ ҳам бўлмайди. Лекин мусулмонлик одоби бўйича, қасам ичмаслик лозим. Бошқа оятда кўп қасам ичиш кофирларнинг иши эканлиги келган.

Иккинчиси – ғамус қасам. Яъни, билиб туриб ёлфондан қасам ичиш. Бундай қасам катта гуноҳ бўлиб, истиғфор ва тавбани талаб қилади.

Учинчиси – мунъақида. Яъни, ният билан боғланган қасам. Келажакда бир ишни қилиш ёки қилмасликни ният этиб, қасд билан қасам ичиш. Бундай қасамни амалга ошира олмаса, каффорат бериши лозим бўлади.

Энди умумий ишлардаги қасамдан эр-хотинликка тааллуқли ишдаги қасамга (ийлаага) ўтилади:

لِّلَّذِينَ يُؤَلُّونَ مِنْ نِسَائِهِمْ تَرَبُّصُ أَرْبَعَةِ أَشْهُرٍ فَإِنْ فَاءُوا فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿٢٢٦﴾ وَإِنْ عَزَمُوا الطَّلَاقَ فَإِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٢٧﴾

**226. Хотинларидан ийлаа қилганлар учун кутиш тўрт ойдир. Агар қайтсалар, бас, албатта, Аллоҳ мағфиратли, раҳимли Зотдир.**

**227. Ва агар талоқни қасд қилсалар, бас, албатта, Аллоҳ эшитувчи, билувчи Зотдир.**

Ийлаа – эр кишининг ўз хотинига яқинлик қилмасликка қасам ичишидир. Исломдан аввалги жоҳилият даврида одамлар хотинидан аччиғи чиқса ёки уни жазоламоқчи бўлса, ийлаа қилиб, унга жинсий яқинлик қилмасликка қасам ичиб қўяр экан. Шу билан бирикки йил ёки ундан ҳам кўпроқ бепарво юраверар экан. Аёл бечора азобда қолар экан. Хотин бўлиб, хотин эмас ёки боши очиқ ҳам эмас. Бу иш, албатта, аёл учун руҳий, маънавий ва асабий тарафдан азобдир. Унинг аёллик ҳурматини оёқости қилиш, эр-хотинлик ҳаётини бузиш, оилани парчалашдан иборатдир.

Шу билан бирга, бунда баъзи бир нотўғри ҳолатларни тўғри-лашга, ҳар ким ўзини-ўзи синаб олишига фурсат ҳам бор. Шунинг учун ҳам, Исломда ийлаани бутунлай бекор қилмасдан, балки маълум доирада чегаралаб қўйилган. Бунда ҳам эркакнинг, ҳам аёлнинг ҳақ-ҳуқуқлари эътиборга олинган:

**«Хотинларидан ийлаа қилганлар учун кутиш тўрт ойдир».**

Шу билан эркакларнинг қасам туфайли аёлига яқинлик қилмай юришининг энг узун муддати чегараланди. Бу муддат – тўрт ойдир. Кези келганда айтиб ўтиш керакки, қасам ичмасдан, бош-қа узрли сабабларга кўра яқинлик содир бўлмаса, бу ҳукмга кирмайди.

Ийлаанинг узоқ вақти айнан тўрт ой бўлишининг ҳикмати шуки, аёл киши эрсиз шу муддатга сабр қила олади. Бундан ўтиб кетса, чидай олмаслик эҳтимоли бор.

Ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу халифалик вақтларида кечаси бировга билдирмасдан айланиб, одамларнинг ҳолларидан хабар олиб юриб, бир ҳовлида аёл кишининг ҳижрон ҳақида байт айтганини эшитиб қолибдилар. Суриштирсалар, у аёлнинг эри Ислом лашкарлари билан жиҳодга кетган экан. Сўнгра, ҳазрати Умар одам юбориб, қизлари Ҳафса онамиздан:

«Аёл киши эрсиз қанча сабр қилади?» – деб сўрабдилар. У киши:

«Тўрт ой» – деб жавоб берибдилар. Буни билгандан кейин Ҳазрати Умар ҳеч кимни аскарликда тўрт ойдан кўп ушлаб турмасликка фармон берганлар.

Тўрт ой ичида эр ҳам ўйлайдиганини ўйлаб, бир қарорга келиб олган бўлади. Кейин бу масалани бир ёқлик қилса бўлади.

**«Агар қайтсалар, бас, албатта, Аллоҳ мағфиратли, раҳимли Зотдир».**

Яъни, эрлар хотинларига қайтиб, оилавий ҳаётларини давом эттириб кетсалар, Аллоҳ мағфиратли Зот, олдинги ўтган хатоларни кечиради ва раҳимли зот, раҳим қилиб қайтишига рухсат беради.

**«Ва агар талоқни қасд қилсалар, бас, албатта, Аллоҳ эшитувчи, билувчи Зотдир».**

Яъни, тўрт ой ўтгандан кейин агар қайтишни эмас, талоқни ирода қилсалар, Аллоҳ эшитиб, билиб турибди, «ийлаа»си талоққа айланади. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи мазҳаблари бўйича, тўрт ой ўтиши билан ражъий талоқ тушади. Эрнинг талоқ қилиши шарт эмас.

Энди талоқ ва унга тегишли нарсалар ҳукмини баён қилувчи оятлар келади:

وَالْمُطَلَّقَاتُ يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ ثَلَاثَةَ قُرُوءٍ وَلَا يَحِلُّ لَهُنَّ أَنْ يَكْتُمْنَ مَا خَلَقَ اللَّهُ فِي أَرْحَامِهِنَّ إِنْ كُنَّ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَبِعَوْلِهِنَّ أَحَقُّ بِرِدِّهِنَّ فِي ذَلِكَ إِنْ أَرَادُوا إِصْلَاحًا  
وَلَهُنَّ مِثْلُ الَّذِي عَلَيْهِنَّ بِالْمَعْرُوفِ وَلِلرِّجَالِ عَلَيْهِنَّ دَرَجَةٌ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٢٨﴾

228. Талоқ қилинган аёллар уч қуръу кутарлар. Агар Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирган бўлсалар, улар учун Аллоҳ раҳмларида халқ қилган нарсани беркитишлари ҳалол бўлмас. Ўшанда эрлари уларни, агар ислоҳни ирода қилсалар, ўзларига қайтариб олишга ҳақлироқдирлар. Ва яхшилик ила уларнинг бурчлари муқобилида ҳақлари ҳам бордир. Ва эркакларга улардан устун даража бордир. Аллоҳ азиз ва ҳакимдир.

Ушбу ояти каримадаги ҳукм эри билан бирга яшаган, ҳайз кўрадиган ва талоқ қилинган аёлларга оиддир. Никоҳдан сўнг қўшилиб бирга яшамай туриб талоқ қилинган аёлларнинг ҳукми «Азҳоб» сурасида келади. Шунингдек, ҳайз кўрмайдиган аёлларнинг ҳукми «Талоқ» сурасида келади.

Таржимада «қуръу» сўзини айнан олдик. Чунки бу сўзни араб тилидан бошқа тилга таржима қилишнинг умуман иложи йўқ. Биргина шу оятнинг ўзида у бир-бирига зид иккита маънони англатади. Қуръу, бир маънога кўра, ҳайзни англатса, иккинчи маънога кўра, унинг тескарисини – ҳайздан покланиш маъносини англатади. Тафсирчиларимиз ҳам, фикҳий мазҳаблар бошлиқлари имомларимиз ҳам бу масалада иккига бўлинишган.

Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи қуръуни, ҳайз, деб тунтирганлар. Шунга биноан, ояти каримадаги:

**«Талоқ қилинган аёллар ўзларича уч қуръу кутарлар»**, жумласининг маъноси уч ҳайз кутадилар - Демак, эри билан бирга яшаган ҳайз кўрадиган аёлни эри талоқ қилса, у аёл ўзича идда санаб уч ҳайз кўргунча ўтиради. Шу муддат ичида иддадаги аёл нима қилиши керак бўлса, шуни қилади.

Оятдаги «ўзларича» сўзининг маъноси – биров мажбур қилмаса ҳам, бошқа эрга тегиш рағбати бўлса ҳам, талоқ қилган эрдан ўч олиш имкони бўлса ҳам, ўзлари кутадилар, деганидир.

Шу билан бирга, талоқ қилинган аёллар

**«Агар Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирган бўлсалар, улар учун Аллоҳ раҳмларида халқ қилган нарсани беркитишлари ҳалол бўлмас».**

Чунки бу иш иддани аниқ ҳисоблаш учун керак. Ҳалол-ҳаромни белгилашга хизмат қилади. Уларнинг раҳмларида (бачадонларида) Аллоҳ халқ қилган ҳайз ёки ҳомилани ўзларидан бошқа одамлар билиши қийин, шунинг учун бу нарсани аёллар ўзлари беркитмасдан айтишлари лозим ва зарур. Бу ишга ниҳоятда аҳамият бериш кераклиги учун ва рағбатларини ошириш мақсадида ояти карима орага иймонларини қўшиб, «Агар Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирган бўлсалар», демоқда.

Аёл киши ражъий талоқдан идда ўтирган пайтда эри уни қайтариб олишга ҳақлидир.

**«Ўшанда эрлари уларни, агар ислоҳни прода қилсалар, ўзларига қайтариб олишга ҳақлироқдирлар».**

Яъни, эрда орани ислоҳ қилиш – ярашиш истаги бўлса, бўлди, хотинини қайтариб олаверади. Ҳаттоки хотини норози бўлса ҳам.

Талоқ қилиниб, идда ўтирган аёлларнинг ўзига яраша ҳақ-ҳуқуқлари ҳам бор:



**«Ва яхшилик ила уларнинг бурчлари муқобилида ҳақлари ҳам бордир».**

Талоқ қилинган аёлнинг бурчи идда ўтириш ва Аллоҳ унинг раҳмида халқ қилган нарсани беркитмасликдан иборатдир. Унинг ҳаққи эса, эри унга зарар келтирмаслиги ва нафақа бериб туришидир.

**«Ва эркакларга улардан устун даража бордир.»**

Яъни, ушбу муолажа қилинаётган масалада эрнинг даражаси хотиндан кўра юқоридир. У талоқ қилгандан сўнг хоҳласа, қайтиб олади, хоҳламаса, олмайди. Хотин эса, хоҳласа-хоҳламаса, эрнинг истасига бўйсунуши керак. Эркак қайтиб оламан деса, аёл қайтмайман, дея олмайди, мабодо, шундоқ деса ҳам, гапининг эътибори йўқ бўлади. Бу ҳам бўлса, оилани бузилишдан сақлаб қолишга бир омилдир.

**«Аллоҳ азиз ва ҳақимдир.»**

Ким Унинг айтганидан чиқса, жазосини беради. Ва У зотнинг ҳар бир ҳукми ҳикматдан холи эмас.

الطَّلُقُ مَرَّتَانِ فَإِمْسَاكُكُمْ مَعْرُوفٍ أَوْ تَسْرِيحٌ بِإِحْسَنٍ وَلَا يَحِلُّ لَكُمْ أَنْ تَأْخُذُوا  
مِمَّا آتَيْتُمُوهُنَّ شَيْئًا إِلَّا أَنْ يَخَافَا أَلَّا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ فَإِنْ خِفْتُمْ أَلَّا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ فَلَا  
جُنَاحَ عَلَيْهِمَا فِيمَا افْتَدَتْ بِهِ تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ فَلَا تَعْتَدُوهَا وَمَنْ يَتَعَدَّ حُدُودَ اللَّهِ فَأُولَئِكَ هُمُ  
الظَّالِمُونَ

**229. Талоқ икки мартадир. Сўнгра, яхшиликча ушлаб қолиш ёки яхшиликча қўйиб юбориш. Сизга уларга берган нарсангиздан бирор нарсани олиш ҳалол бўлмас, магар икковлари Аллоҳнинг чегараларида тура олмасликдан қўрқсалар (бўлур). Бас, агар икковларининг Аллоҳнинг чегараларида тура олмаслигидан қўрқсангиз, хотин берган эвазда икковларига гуноҳ йўқдир. Ушбулар Аллоҳнинг чегараларидир. Бас, улардан тажовуз қилманг. Ва ким Аллоҳнинг чегараларидан тажовуз қилса, бас, ўшалар, ана ўшалар золимлардир.**

Яна қайтиб ярашиб, оилавий турмушни қайтадан бошлаб кетиш мумкин бўлган талоқ икки марта бўлади:

**«Талоқ икки мартадир».**

Яъни, бир марта талоқ қилса, қайта ярашса бўлади, иккинчи марта талоқ қилса, яна ярашса бўлади. Ундан кейин яна талоқ қилса, ярашиб бўлмайди.

Бундан олдинги оятда талоқ қилинган аёлни уч қуръу кутишга берилган амрдан кўзланган мақсадларнинг бири ҳам — шу. Бу муддат ичида эркак ўз ишига пушаймон қилиб, ярашмоқчи бўлса, марҳамат, аёли кутиб турибди, ярашиб олсин, оила бузилмасин. Мабодо, иккинчи марта яна шундай ҳолат юзага келиб қолса, майли, инсончилик, яна ярашсин. Аммо шунча ишлардан кейин яна бир бор талоқ қилса, бу эркак субутсиз одам эканлиги маълум бўлади. Унга хотинни ўйин қилишга йўл қўйилмайди, бечора аёлни азоблашнинг олди олинади ва қайта ярашишга рухсат берилмайди. Бунинг ҳукми келгуси оятда баён қилинади. Бу ерда эса, иккинчи талоқдан

**«Сўнгра, яхшиликча ушлаб қолиш ёки яхшиликча қўйвориш»** тавсия қилинмоқда.

Ислонда ҳар бир нарсани яхшилик билан қилиш шиори бор. Талоқ, ажралиш — хунук иш, кўнгилсиз ҳодиса, лекин Қуръони Карим шуни ҳам яхшилик билан ҳал этишни амр қиляпти. Уруш-жанжалсиз, яхшилик билан ажраб кетиш кераклигини тушунтиряпти. Жуда иложи топилмаса, шундай қилинади. Аслида эса, оятда айтилганидек, «яхшиликча ушлаб қолиш»га, оилани бузмасликка ҳаракат қилиш керак.

Талоқ сонининг бундай чеклаб қўйилиши ҳам, аслида, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учундир. Ислондан аввал, талоқнинг чегараси йўқ эди. Эр киши хотинини хоҳлаганча талоқ қилиб, хоҳлаганича қайтариб олаверар эди. Баъзи табиати бузук кишилар бу ҳолатдан аёлларни азоблаш, уларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш йўлида фойдаланар эдилар. Бир куни асли мадийналик ансорий кишилардан бири хотинидан аччиғи чиқиб:

«Аллоҳга қасамки, сени ўзим билан ҳам олмайман, ажрашмайман ҳам!» — дебди. Аёл:

«Қандоқ қилиб?» — деб сўрабди. Эркак:

«Аввал талоқ қиламан, идданг тугай деганда, қайтариб оламан, сўнг яна талоқ қиламан, яна қайтариб оламан ва ҳоказо», — дебди. Бу гап Пайғамбар алайҳиссолату вассаломга етганда, Аллоҳ таоло «Талоқ икки мартадир» оятини нозил қилган экан. Шундан аниқ кўриниб турадики, талоқнинг сонини чегаралаш аёлларнинг ҳаққини ҳимоя қилиш учун бўлган.

Маълумки, оиланинг бузилиши турли келишмовчиликлар келтириб чиқаради. Жумладан, ажралиш пайтида эркакларнинг хаёлига келадиган дастлабки саволлардан бири — мен бу аёлга уйланиш чоғимда маҳрига мол-дунё берган эдим, энди ҳам хотиндан, ҳам мол-дунёдан ажраб қоламанми, деган саволдир. Воқелиқда ҳам бу савол бўлиб туради. Бунга оятда:

**«Сизга уларга берган нарсангиздан бирор нарсани олиш ҳалол бўлмас»,** деган ҳукм билан жавоб берилган. Маҳрни эр ўзи рози бўлиб, соф кўнгилдан берган. У аёлнинг ҳаққи. Талоқни ҳам ўзи рози бўлиб қиляпти, уни ҳеч ким мажбурлаётгани йўқ. Аёл киши учун оиласининг бузилиши, эридан ажралиш катта мусийбат, унинг устига маҳрини ёки унинг бир қисмини олиб қолиш мусийбат устига мусийбат бўлар эди.

Агар аёл эри билан туришни хоҳламай, ўз ихтиёри билан ажрашни талаб қилса, унда истисно тариқасида, эр маҳрни қайтариб олиши мумкин бўлади:

**«Магар икковлари Аллоҳнинг чегараларида тура олмасликдан қўрқсалар (бўлур)».**

Яъни, бундай ҳолда эр берган маҳрининг ҳаммасини ёки бир қисмини қайтариб олса бўлади.

Аллоҳнинг чегараларида тура олмасликдан қўрқиш ҳолати хотин киши эри билан яшай олмайдиган даражага бориб, ўзи ажралмоқчи бўлганида вужудга келади. Яъни, ажралишга хотин киши томонидан ҳаракат бўлади. Исломда аёл кишига бундай ҳуқуқ берилган.

**«Бас, агар икковларининг Аллоҳнинг чегараларида тура олмаслигидан қўрқсангиз, хотин берган эвазда икковларига гуноҳ йўқдир.»**

Яъни, бу шундай ҳолатки, мабодо, эр-хотин иккови бирга яшашда давом этса, шариат ҳукми бузилиб, гуноҳкор бўлишлари ҳавфи туғилади: хотин киши ажрашни қаттиқ талаб қилмоқда. Шунда аёл ўз розилиги билан маҳрининг ҳаммасини ёки бир қисмини қайтариб берса, икковларига гуноҳ бўлмайди. Бу ишни шариатда хулуъ дейилади.

Исломдаги биринчи хулуъ Собит ибн Қайс билан унинг хотини ўртасида бўлган.

Имом Молик ибн Анас ўзларининг «Муватто» номли китобларида ривоят қиладиларки, Ҳабиба бинти Саҳл ал-Ансорий Собит ибн Қайс ибн Ғаммосга теккан эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни тонг чоғида ташқарига чиқсалар, қоронғида Ҳабиба бинти Саҳл турган экан.

«Бу аёл ким?» — дебдилар. У:

«Мен Ҳабиба бинти Саҳлман, мен билан Собит ибн Қайс бирга яшай олмайдиганга ўхшаймиз», — деди. Унинг эри Собит ибн Қайс келганида, Пайғамбар алайҳиссалом:

«Мана бу Ҳабиба бинти Саҳл Аллоҳнинг хоҳлаганича айтадиган гапини айтди», — дедилар. Шунда Ҳабиба:

«Эй Аллоҳнинг Расули, ҳамма берган нарсаси менда турибди», — деди. Расулulloҳ алайҳиссалом Собитга:

«Ундан берган нарсаларингни ол», — дедилар. Худди шу ҳодисанинг тафсилотини тўлдирган бошқа ривоятлардан билиб оламизки, жумладан, Ҳабиба бинти Саҳл Расулуллоҳ алайҳиссаломга:

«Мен уни динида ёки хулқида айблай олмайман, лекин Исломда куфр келтиришдан қўрқаман», деган. (Яъни, диний амрларнинг эр ҳақидагисини бажара олмай гуноҳкор бўлишдан қўрқаман.) У яна:

«Пардани кўтариб қарасам, бир гуруҳ одамлар билан келаётган экан, назар солсам, у ҳаммасидан қора ва пакана экан, энг хунути ҳам шунинг ўзи экан», деган. Шунда эри:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, мен унга энг яхши молим, боғимни берган эдим, агар менга боғимни қайтариб берса, майли», деган. Пайғамбар алайҳиссалом Ҳабибага:

«Нима дейсан?», — дедилар. У эса:

«Хоҳласа, зиёда ҳам бераман», — деди. Шунда Расулуллоҳ уларнинг орасини ажратиб қўйдилар.

Оилавий ишларда талашиб-тортишиш, турли ихтилофли ҳолатлар кўплаб учраб турганлигидан оятнинг охирида Аллоҳдан қўрқиш — тақво қилиш қайта-қайта такрорланади.

**«Ушбулар Аллоҳнинг чегараларидир. Бас, улардан тажовуз қилманг. Ва ким Аллоҳнинг чегараларидан тажовуз қилса, бас, ўшалар, ана ўшалар золимлардир».**

Хулуъ — аёлларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун очиб берилган яхши йўлдир. Баъзи тушунмаган кишилар «Исломда аёлларнинг ажрашга ҳаққи йўқ», дейишларининг ноўринлиги шундан кўриниб турибди. Аёл киши эри билан турмуши давом этишига кўзи етмай қолса, қозига арз қилиб, хулуъ билан ажраб кетса, бўлаверади. Ушбу ҳолатларни Ҳазрати Умар даврларида бўлиб ўтган бир ҳодиса ҳам тасдиқлайди.

Ҳазрати Умар олдиларига эрига қарши чиққан бир хотинни олиб келишибди. У зот аёлни ахлат тўпланган уйга қамаб қўйишни буюрибдилар. Вақти келиб, аёлни олдириб келибдилар ва, ҳолинг қалай, деб сўрабдилар. Аёл бўлса:

«Эрга текканимдан бери, фақат сиз қамаб қўйган куни роҳат қилдим», дебди. Ҳазрати Умар аёлнинг эрига қараб:

«Шуни исирғасини олиб бўлса ҳам, хулуъ қил», деган эканлар.

Энди икки марта талоқдан кейин ярашиб бирга яшаб юрган эр ўз хотинини учинчи марта талоқ қилса, нима бўлиши ҳақида сўз кетади.

فَإِنْ طَلَّقَهَا فَلَا تَحِلُّ لَهُ مِنْ بَعْدِ حَتَّى تَنْكِحَ زَوْجًا غَيْرَهُ فَإِنْ طَلَّقَهَا فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا أَنْ

يَتَرَجَعْنَ إِذَا ظَنَّنَّ أَنْ يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ وَتِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ يُبَيِّنُهَا لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿١٢٠﴾

**230. Бас, агар яна талоқ қилса, бундан кейин у аёл, токи бошқа эрга тегиб чиқмагунча, унга ҳалол бўлмас. Агар у ҳам талоқ қилса, гар Аллоҳнинг чегараларида туришга ишонсалар, бир-бирларига қайтсалар, гуноҳ бўлмас. Ушбулар Аллоҳнинг билган қавмларга баён қилаётган чегараларидир.**

Бу ояти карима аввалги оятнинг давомидир. Аввалги оятда «Талоқ икки мартадир. Сўнгра, яхшиликча ушлаб қолиш ёки яхшиликча қўйвориш», дейилган эди. Икки марта талоқ қилгандан кейин ярашиб, бирга яшаб, ҳаёт кечириб юрган киши

**«Бас, агар яна талоқ қилса, бундан кейин у аёл, токи бошқа эрга тегиб чиқмагунча, унга ҳалол бўлмас».**

Яъни, агар аввалги иккита устига яна бир бор талоқ қилса, жами учта бўлади. Уч талоқ бўлгандан кейин аёл талоқ қилган эркакка ҳалол бўлмайди. Эру хотин бўлиб яшашлари мумкин эмас. Фақат бир йўл бор, у ҳам бўлса, у аёл бошқа эрга тегса-ю у эр билан эрхотин бўлиб ҳаёт кечириб юрганда, иккинчи эр вафот этиб қолса ёки талоқ қилса, шундан кейингина яна аввалги эри билан қайта турмуш қурса, бўлади.

**«Агар у ҳам талоқ қилса, гар Аллоҳнинг чегараларида туришга ишонсалар, бир-бирларига қайтсалар, гуноҳ бўлмас»**, дейилишининг маъноси — шу.

Мазкура аёл иккинчи эрга ҳеч қандай шарт қўймай, оддий ҳолатда, бардавом ҳаёт кечириш ниятида никоҳланиши керак. Кейинчалик мабодо, аввал айтганимиздек, у вафот этса ёки талоқ содир бўлиб қолса, шундагина биринчи эрга қайта никоҳланиши мумкин.

Бу масалада ҳар ким кўнглига нима келса, шуни қилиб кетавериши ярамайди. Бу жуда муҳим ва катта эътибор лозим бўлган ишдир:

**«Ушбулар Аллоҳнинг билган қавмларга баён қилаётган чегараларидир».**

Сўнгра, келаси ояти каримада талоқ қилувчи эркакларга кўрсатмалар берилиб, бу ишни яхшилик билан амалга ошириш зарурлиги таъкидланади:

وَإِذَا طَلَّقْتُمُ النِّسَاءَ فَبَلَّغْنَ أَجْلَهُنَّ فَأَمْسِكُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ أَوْ سَرِّحُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ وَلَا تَمْسِكُوهُنَّ ضَرَارًا لِّلْعُنْدِ وَأَمَّنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَقَدْ ظَلَمَ نَفْسَهُ وَلَا تَتَّخِذُوا آيَاتِ اللَّهِ هُزُوًا

وَأَذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَمَا أَنْزَلَ عَلَيْكُمْ مِنَ الْكِتَابِ وَالْحِكْمَةِ يَعِظُكُمْ بِهِ وَاتَّقُوا اللَّهَ  
وَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿٢٣١﴾

231. Хотинларни талоқ қилганингизда, муддатлари охирига етганда, уларни яхшилик билан ушлаб қолинг ёки яхшилик билан қўйворинг. Уларни тажовуз учун, зарар етказиш юзасидан ушлаб турманг. Ким ўшандоқ қилса, шубҳасиз ўзига зулм қилади. Аллоҳнинг оятларини ҳазил билманг. Аллоҳнинг сизга берган неъматини ва ваъз этиб туширган китоби ва ҳикматини эсда тутинг. Аллоҳга тақво қилинг ва билингки, албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир.

Аввалги оятлардан аёл киши талоқ қилингандан кейин ҳам то иддаси чиққунча эрининг ихтиёрида туришини билдик. Иддаси чиққандан кейин эса, эрга берилган бу имтиёз ўз кучини йўқотади. Иддаси охирига етганда нима қилиш керак? Ояти карима кўрсатма бермоқдаки,

**«Хотинларни талоқ қилганингизда, муддатлари охирига етганда, уларни яхшилик билан ушлаб қолинг ёки яхшилик билан қўйворинг».**

Яъни, ундай ҳолда икки ишдан бирини қилинг.

Биринчиси ва зарури: «уларни яхшилик билан ушлаб қолинг». Эру хотин бўлиб яна яхшилик билан оилавий турмушни давом эттиринг. «Яхшилик билан» дегани хотинга таъна қилиб, уни уриб-сўкиб, миннат қилиш йўли билан бўлмасин, деганидир.

Иккинчиси ва ночорликдан бўладигани – қўйиб юбориш. Модомики, талоқдан сўнг иддаси чиққач ҳам ярашиш нияти йўқ бўлса, унда ажрашсинлар. Аммо, бу ҳам яхшилик билан бўлгани яхши.

**«Уларни тажовуз учун, зарар етказиш юзасидан ушлаб турманг.»**

Тажовуз учун, хотинни қийнаш мақсадида ушлаб туришнинг қандай бўлишини юқорида келтирилган мисолдан кўрдик. Ислом бундай зулмни хотинлар елкасидан олиб ташламоқда. Эркаклар масъулиятни сезсинлар, хотинларни азоблашга ўтмасинлар. Агар улардан:

**«Ким ўшандоқ қилса, шубҳасиз, ўзига зулм қилади».**

Чунки, у одам шу иши билан ўзини ўзи Аллоҳнинг иқобига тутган бўлади.

**«Аллоҳнинг оятларини ҳазил билманг.»**

Балки, унга жиддий қаранг. Оилавий масала, талоқ ва унга тегишли ишлар ниҳоятда жиддий бўлмаганида, Аллоҳ таоло уларни

Қуръон оятлари қилиб туширмас эди. Исломда оилавий ҳаётга, талоқ масаласига ниҳоятда жиддийлик билан қаралади.

Талоққа ноиложликдан рухсат берилган, чораси қолмаган ҳолда ишлатиш учун уни ҳалол қилинган. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Аллоҳнинг энг ёмон кўрган ҳалоли — талоқдир, унга Роҳманнинг Арши ларзага келади», деганлар.

Оила масаласи жуда муҳим масала бўлганидан бу бобда умуман ҳазилга рухсат йўқ.

Имом Термизий Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалому вассалом:

«Уч нарсанинг жиддийси ҳам жиддий, ҳазили ҳам жиддий: никоҳ, талоқ ва (талоқдан) қайтиш», деганлар. Яъни, бу ишларда бирор гапни айтиб ёки қилиб, кейин, ҳазиллашувдим, деб бўлмайди.

Мусулмонлар учун ҳаётни ҳазил фаҳмлашга, ўзини масъулиятсиз сезишга ҳеч йўл йўқ. Аллоҳ таоло бу умматнинг елкасига ер юзида ўзининг халифаси бўлишдек улкан масъулиятни юклаган. Шунинг учун, ҳазилни йиғиштириб, масъулиятсизликни бир ёққа қўйиб:

**«Аллоҳнинг сизга берган неъматини ва ваъз этиб туширган китоби ва ҳикматини эсда тутинг».**

Аллоҳнинг улуғ неъматини — Исломни дин ва Муҳаммад алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юборишидир. Ваъз этиб туширган китоби — Қуръони Карим. Ҳикмат — Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатлари. Бу нарсаларни доимо эсда тутиш, улар асосида илоҳий кўрсатмаларга амал қилиб яшашгина инсонга бахт келтиради, шу жумладан, оилавий ҳаётда ҳам.

Ояти кариманинг охирида Аллоҳ, мусулмонларнинг қалбларини яна бир бор уйғотиб:

**«Аллоҳга тақво қилинг ва билингки, албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир»**, дейди.

Юқоридаги ояти каримада талоқдан кейин эр-хотин ўзаро яхшилик билан ярашиб ёки ажрашиб кетиши ҳақида сўз кетди. Аммо баъзи ҳолатларда бу масалага қариндош-уруғлар ҳам аралашиб қоладилар. Улар эр-хотинни яраштириш учун аралашсалар, бош устига. Лекин гоҳида улар ярашиш йўлига тўсиқ бўлган ҳоллар ҳам учраб туради. Келаси ояти каримада ушбу масаланинг ҳукми баён қилинади.

وَإِذَا طَلَّقْتُمُ النِّسَاءَ فَبَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ فَلَا تَعْضُلُوهُنَّ أَنْ يَنْكِحْنَ أَزْوَاجَهُنَّ إِذَا تَرَاضُوا بَيْنَهُمْ  
بِالْمَعْرُوفِ ۗ ذَٰلِكَ يُوعِظُ بِهِ ۗ مَنْ كَانَ مِنْكُمْ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ۗ ذَٰلِكُمْ أَزْوَاجُ لَكُمْ وَأَطْهَرُ  
وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿١٢٢﴾

**232. Хотинларни талоқ қилганингизда, муддатлари охирига етганда, яхшилик билан ўзаро рози бўлишиб, эрларига қайта никоҳланишларини ман қилиб, қийинлаштирманг. Ушбу ила сизлардан Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирганлар ваъзланади. Шундоқ қилишингиз сиз учун тозароқ ва покроқдир. Ва Аллоҳ биладир, сиз эса билмассиз.**

Имом Термизий ривоят қиладиларки: Маъқал ибн Ясар розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг даврларида синглисини мусулмонлардан бир кишига эрга берди. Эру хотин бир муддат бирга яшашди. Кейин эр хотинини бир талоқ қўйиб, идда ичида унга қайтмади. Иддаси чиқиб кетди. Кейин икковлари ҳам афсус қилиб, эр хотинга, хотин эрга муҳаббат қилди. Ва бошқа совчилар қатори эр ҳам совчи қўйди. Шунда Маъқал ибн Ясар унга:

«Пасткашнинг ўғли пасткаш! Сени ҳурмат қилиб, синглимни берган эдим, сен бўлса уни талоқ қилдинг. Аллоҳга қасамки, у сенга абадий қайтмайди», деди. Сўнгра, Аллоҳ таоло эрнинг хотинга, хотиннинг эрга ҳожатини билиб, «Хотинларни талоқ қилганингизда, муддатлари етганда...» деб бошланиб, «...сиз эса билмассиз», деб туговчи оятни нозил қилди. Маъқал ибн Ясар розияллоҳу анҳу ояти каримани эшитишлари билан:

«Парвардигорнинг сўзини эшитдик ва итоат қиламиз», – дедилар-да, куёвни чақириб: «Синглимни сенга никоҳлаб бераман ва сени ҳурмат қиламан», дедилар.

Тушуниб олиш учун эслатиб ўтиш лозимки, талоқ бир ёки иккита бўлиб, ражъий – қайтиш мумкин бўлган талоқ бўлса, идданинг ичида эр хоҳлаган пайтида қайтиб олиши мумкин. Бунда қайта никоҳ қилишининг ҳожати йўқ. Эр: «Сени қайтариб олдим», деса ёки шунга ўхшаш гапларни айтса ёки у ер, бу ерини ушласа ва ҳоказолар билан оилавий ҳаётлари қайтадан бошланиб кетаверади. Аммо эр қайтмасдан туриб иддаси чиқса, талоқ «боин» талоққа айланади, никоҳни янгилаш зарур бўлади. Бунда эса, хотин имтиёзга эга бўлади. Хоҳласа, эр билан қайта ярашади, хоҳламаса, ярашмайди. Оятнинг тушишига сабаб бўлган ҳодисада идда чиқиб талоқ «боин»га айланган, хотин эри билан қайта ярашмоқчи – бунга шарият йўл беради. Лекин акаси тўсиқ бўлмоқда. Шунинг учун, оятдаги хитоб аёлларнинг ишбошиларига қаратилган:

**«Хотинларни талоқ қилганингизда, муддатлари охирига етганда, яхшилик билан ўзаро рози бўлишиб, эрларига қайта никоҳланишларини ман қилиб, қийинлаштирманг».**

Бу ҳам Аллоҳнинг бандаларига меҳрибонлиги. Маълумки, инсон қалби ўзгарувчан бўлади. Бугун бировни ёмон кўриб, қўлидан кел-



ган барча ёмонликни қилишга тайёр турса ҳам, эртага ўша одамни яхши кўриб, унинг учун ҳамма нарсага ҳозир туради. Бу ҳолат, айниқса, оилавий ҳаётда – эру хотин ўртасида янада ёрқин намоён бўлади. Эр-хотин бир-бири билан келишмай, иш талоқ даражасига бориб етса, идда даврида бир-биридан жудоликда яшаб, қадрларига етишиб, ҳар ким ўз хатосини тушуниб, шеригининг яхшиликларини эслаб, бирдан қайтиб ярашмоқчи бўлса, қандоқ яхши! Иложи борица оилани бузмай сақлаб қолишга ҳаракат қилиш керак. Бу ҳолда қариндошлар ишни қийинлаштириб, қайта ярашишларига монеъ бўлмасликлари керак.

Шунинг учун ҳам, оятда ўртага иймонни солиб, мусулмонларнинг рағбатлари бу ишга қўзғатилмоқда:

**«Ушбу ила сизлардан Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирганлар ваъзланадилар. Шундоқ қилишингиз сиз учун тоза-роқ ва покроқдир. Ва Аллоҳ биладир, сиз эса билмассиз».**

Оилада талоқ содир бўлганида, орадаги фарзанд, жумладан, эмицикли гўдакларнинг ҳоли нима бўлади? Ота-оналарнинг бирга яшашларининг имкони бўлмаса, гўдак фарзанднинг кафолатли ҳақ-ҳуқуқи бўлиши керак. Келаси оятда шу ҳақда сўз кетади:

﴿ وَالْوَالِدَاتُ يُرْضِعْنَ أَوْلَادَهُنَّ حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ لِمَنْ أَرَادَ أَنْ يُنْمِ الرِّضَاعَةَ وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ لَا تُكَلَّفُ نَفْسٌ إِلَّا وُسْعَهَا لَا تُضَارَّرُ وَالِدَةٌ أَوْ يَوْلَادٌ وَلَا مَوْلُودٌ لَهُ يَوْلِدُهُ وَعَلَى الْوَارِثِ مِثْلُ ذَلِكَ فَإِنْ أَرَادَا فِصَالًا عَنْ تَرَاضٍ مِّنْهُمَا وَتَشَاوُرٍ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا وَإِنْ أَرَدْتُمْ أَنْ تَسْتَرْضِعُوا أَوْلَادَكُمْ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِذَا سَلَّمْتُمْ مَا آتَيْتُم بِالْمَعْرُوفِ وَانفُوا اللَّهَ وَعَلِمُوا أَنَّ اللَّهَ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴾

233. Ким эмицишни батамом қилишни ирода қилса, оналар фарзандларни тўлиқ икки йил эмизурлар. Уларни яхшилаб едириб, кийинтириш отанинг зиммасидадир. Ҳеч бир жонга имкондан ташқари таклиф бўлмас. Она ҳам, ота ҳам боласи сабабидан зарар тортмасин. Меросхўрга ҳам худди шундоқ. Агар ўзаро рози бўлиб, сўздан ажратишни ирода қилсалар, икковларига гуноҳ бўлмас. Агар фарзандларингизга эмизувчи талаб қилишни ирода қилсангиз, берадиганингизни яхшилик билан аввалдан топширсангиз, гуноҳ бўлмас. Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда, билингки, Аллоҳ қилаётганингизни албатта кўриб турувчидир.

Фарзанд Аллоҳ берган улуғ неъматдир. Ота-она бу неъматга шукр қилишлари лозим. Шукрнинг асосийси – фарзандни неъмат берувчи зот бўлмиш Аллоҳнинг розилигини қозонтирадиган қилиб тарбиялашдир. Тарбия эса, эмизишдан бошланади. Бу ишда ота-онанинг келишмовчиликлари, ораларининг бузилиши узр бўла олмайди. Катталарнинг жанжали туфайли мурғак гўдак зарар тортмаслиги, унга Аллоҳ берган ҳақ-ҳуқуқлар поймол қилинмаслиги керак. Гўдакнинг ҳақларидан бири ва оналарнинг энг мўътабар вазифаси фарзандни икки йил эмизишдир. Янги тувилган гўдак жисми ва руҳининг ўсишига онасининг сутидан афзал озуқа йўқ. Боланинг суяги онанинг сути билан шаклланади, шунингдек, унинг бошқа тарафлари, руҳий ривожланишига ҳам она сути зарур озуқа ҳисобланади. Ушбу озуқанинг муддати тўлиқ икки йил бўлиши керак. Бу Қуръоний ҳақиқатни адашган инсоният минг тўрт юз йилдан кейин тушуниб етди. Ҳозирги пайтда илмий текширишлардан сўнг, гўдак бола учун энг яхши озуқа онанинг сути ва уни тўлиқ икки йил эмизиш керак, деган гапни айтишмоқда. Мусулмонларга Аллоҳнинг Ўзи буни Қуръони Каримда айтиб қўйган.

**«Ким эмизишни батамом қилишни ирода қилса, оналар фарзандларни тўлиқ икки йил эмизурлар».**

Оналар фарзандларини икки йил эмизар эканлар, албатта, оталарига ҳам ўзига яраша вазифа юклаган. Улар: онаси билан ажралиб кетганман, деб ўзини четга олиб туришга ҳақлари йўқ, балки:

**«Уларни яхшилаб едириб, кийинтириш отанинг зиммасидадир».**

Бу ишни яхшилаб адо қилиш керак, номига эмас. Аммо ҳаддан ҳам оширмайди:

**«Ҳеч бир жонга имкондан ташқари таклиф бўлмас».**

Яъни, бу нафақа ишида ҳам, отанинг иқтисодий ҳолига қаралади. Унинг имконидан ташқари, ортиқча таклиф қилинмайди. Демак, она болани эмизсин, ота уни боқиб, кийинтирсин, ҳаммаси имконига яраша бўлсин:

**«Она ҳам, ота ҳам боласи сабабидан зарар тортмасин».**

Онанинг боласи сабабидан зарар тортиши – эр томонидан унга емоқ-ичмоқ ва кийинмоққа нафақа берилмаслиги ёки оз берилиши. Шунингдек, эмизишга қўймасдан болани ундан тортиб олиш каби ишлар. Боласи сабабидан отанинг зарар кўришига онанинг қўполлиги, ҳаддан ташқари кўп нафақа сўраши, бола сабабли турли ёмонликлар қилиши киради.

**«Меросхўрга ҳам худди шундоқ.»**

Ояти кариманинг ушбу жумласидаги «меросхўр» кимнинг меросхўри эканлиги ҳақида тафсир уламолари икки хил фикр айтган-

лар. Баъзилари отанинг меросхўри деса, қолганлари боланинг меросхўри, деганлар. Мабодо, ота вафот этиб, фарзандига нисбатан ўз бурчини адо эта олмаса, унда унинг меросхўрларидан бири бу бурчни адо этадилар. Ундан қолган меросни олишга ҳақли бўлганидек, ундан қолган фарзанднинг нафақасига ҳам бурчлидир. Меросхўрга ҳам худди отага бўлган муносабатда бўлинади. Имкондан ортиқ нарса таклиф қилинмайди ва бола сабабидан зарар етказилмайди ва ҳоказо. Боланинг меросхўри деганда, мабодо бола вафот этса, унинг меросини оладиган шахс, дегани бўлади.

**«Агар ўзаро рози бўлиб, келишиб, сутдан ажратишни ирода қилсалар, икковларига гуноҳ бўлмас».**

Яъни, агар ота билан она ўзаро маслаҳат қилиб, рози бўлиб, икки йилдан оз ёки кўп муддатда болани сутдан ажратмоқчи бўлсалар, гуноҳи йўқ, ўзларининг ишлари - қилаверадилар. Фақат боланинг фойдасини кўзласалар бўлди.

Шу билан бирга, турли ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Мисол учун, она эмизишга қодир бўлмай қолиши мумкин ёки эмизишдан бош тортиши мумкин. Ундай ҳолатда:

**«Агар фарзандларингизга эмизувчи талаб қилишни ирода қилсангиз, берадиганингизни яхшилик билан аввалдан топширсангиз, гуноҳ бўлмас».**

Бу иш отанинг вазифаси ҳисобланади. У ўз боласига эмизувчи аёл топади ва унга хизмат ҳақини олдиндан бериб қўйса, гуноҳ бўлмайди. Хизмат ҳақини аввалдан олган аёл болани яхшироқ парваришлаши мумкин.

Оятнинг охирида яна бир бор тақвога, Аллоҳдан қўрқишга даъват қилинади. Бу эса, мазкур масаланинг ғоят муҳим эканига далилдир:

**«Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда, билингки, Аллоҳ қилаётганингизни албатта кўриб турувчидир».**

Яна тақвога чақириқ. Исломий ҳаёт ўзининг барча соҳаларида тақвога боғлиқлиги ушбу ояти карималар тўпида яққол зоҳир бўлиб турибди. Ҳатто болани эмизиш, тарбия қилиш бобида ҳам тақво билан иш тутиш таъкидланмоқда.

Юқорида ўтган оилавий ҳаётга бағишланган ояти карималарда кимни турмуш ўртоғиликка ихтиёр қилиш, оилада қандоқ яшаш, маҳр, талоқ, хулуъ, идда, қайта ярашиш, эр-хотин ишига қариндошлар аралашуви, ота-она ажрашганда болани эмизиш масаласи кабилар муолажа қилинди. Аммо эр-хотиннинг бир-бирларидан жудо бўлишлари фақат талоқ ёки хулуъ билан бўлмайди. Гоҳида эр-хотиннинг ажрашишига ўлим ҳам сабаб бўлади. Келаси ояти каримада

эр вафот этиб, хотин ортидан қолганда жорий бўладиган ҳукмлар ҳақида сўз кетади.

وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذُرُونَ أَزْوَاجًا يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا فَإِذَا  
بَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِي مَا فَعَلْنَ فِي أَنْفُسِهِنَّ بِالْمَعْرُوفِ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ  
خَبِيرٌ

**234. Сизлардан вафот этиб жуфтларини қолдирганларнинг аёллари ўзларича тўрт ой-у ўн кун кутарлар. Муддатлари етганда ўзлари ҳақида яхшилик билан қилган ишларида сизга гуноҳ йўқ. Аллоҳ қилаётган амалингиздан хабардордир.**

Исломдан олдинги даврда аёл зоти турли азоб-уқубатларга ва хорлашларга дучор эди. Жумладан, эри ўлгандан кейин ҳам у хорзор бўлар, ҳаққи поймол қилинар эди. Жоҳилият аҳлининг одатига биноан, эри ўлган хотиннинг устига эрининг қариндошларидан бири ридосини ташлаб қўйса, аёл бечора ўз-ўзидан ўша одамнинг мулкига айланиб қолар эди. Хоҳласа, ҳалиги одам уни ўзи хотин қилар, хоҳласа, бошқа эрга бериб, маҳрини олар ёки умуман сотиб юборар эди.

Эри ўлган хотинга энг ёмон кийимлар кийдирилиб, хароба уйга киритиб қўйилар эди. У бир йил давомида ювинмай, хушбўй нарса суртмай ўтирарди. Яна бошқа хурофотлар остида эзилар эди.

Ислом бу зулмни аёлнинг елкасидан кўтариб ташлади. Эри ўлган аёлнинг иддасини маълум муддатга чегаралаб қўйди:

**«Сизлардан вафот этиб жуфтларини қолдирганларнинг аёллари ўзларича тўрт ой-у ўн кун кутарлар».**

Бунинг ҳикмати кўп. Аввало, бу муддат ичида аёл раҳмининг (бачадонининг) ҳомиладан бўш ёки бўш эмаслиги билинади.

Иккинчидан, аёл киши ўз эрига бўлган ҳурмати, бирга яшаган ҳаётларининг ҳурмати сифатида аза тутади. Қолаверса, ўлган эри қариндошларининг синган кўнгилларига ҳам малҳам бўлади.

Идда ичида аёл киши пардоз қилиб ясанмайди, чиройли кийимларни киймайди. Лекин маълум рангли ёки шакли кийим кийиши ҳам шарт эмас.

Мўминларнинг онаси Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом «Аллоҳга ва охират кунига иймони бор аёлга ўлган киши учун уч кундан ортиқ аза тутиш ҳалол эмас. Магарам эрига тўрт ой-у ўн кун аза тутади», деганлар.

**«Муддатлари етганда ўзлари ҳақида яхшилик билан қилган ишларида сизга гуноҳ йўқ.»**

Яъни, иддалари чиққанидан кейин, у аёллар шариат йўли билан ўзларига совчи кутсалар, айб эмас. Демак, эри ўлганидан тўрт ой-у ўн кун ўтгач, хотини ясаниб, пардоз қилиб, эрга тегиш учун совчи кутса, ўзининг иши, ҳеч кимга гуноҳ бўлмайди. Уни бу ишдан тўсишга ҳеч кимнинг ҳаққи ҳам йўқ. Шариатнинг ҳукми – шу. Ҳаётда бундан бошқа ҳолларнинг учраб туриши эса, бидъат ёки хурофотдир. Хурофотдан сақланиш лозим. Чунки:

**«Аллоҳ қилаётган амалингиздан хабардордир».**

Иддада ўтирган аёлга нисбатан шариат кўрсатмаларидан бошқа йўл тутмаслик керак.

وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِيمَا عَرَّضْتُمْ بِهِ مِنْ خِطْبَةِ النِّسَاءِ أَوْ أَكْنَنْتُمْ فِي أَنْفُسِكُمْ  
عَلِمَ اللَّهُ أَنْتُمْ سَتَذْكُرُونَهُنَّ وَلَكِنْ لَا تُؤَاعِدُوهُنَّ سِرًّا إِلَّا أَنْ تَقُولُوا قَوْلًا مَعْرُوفًا  
وَلَا تَعْزِمُوا عُقْدَةَ النِّكَاحِ حَتَّى يَبْلُغَ الْكِنْدَبَ أَجَلُهُ وَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِي  
أَنْفُسِكُمْ فَاحْذَرُوهُ وَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ غَفُورٌ حَلِيمٌ ﴿١٢٥﴾

235. У аёлларга ишора ила совчилик қилишингиз ёки уни ўз ичингизда тутишингизда гуноҳ йўқ. Аллоҳ сиз уларни албатта эслашингизни биладир. Лекин улар билан хуфёна ваъдалашманг. Магар яхши гап гапирсангиз, майли. Идда ўз муддатига етмагунча, никоҳ боғлашни қасд қилманг. Ва билингки, Аллоҳ ичингиздагини албатта билади. Бас, Ундан огоҳ бўлинг. Ва билингки, албатта, Аллоҳ мағфиратли ва ҳалимдир.

Идда ўтирган аёлга бошқа эркак совчи қўйиши ёки никоҳ қилиб олиши ҳаром эканлигини, чунки у аёлда талоқ қилган эрининг тўла ҳаққи борлигини, бу ҳақ аёлнинг иддаси чиққунча собит туришини, эри унга қайтишга энг ҳаққи одам эканлигини ўтган оятлардан билдик.

Ушбу оятда эса, эри ўлгандан кейин идда ўтирган аёлга совчилик қилиш ҳақида сўз кетяпти. Аввало, бундай аёлга очиқдан-очиқ совчилик қилиш ҳаром, чунки у азада – идда ўтирибди. Ўлган эрининг ҳурмати бор, унинг қариндош-уруғларининг ҳам дардига дард қўшмаслик керак. Лекин ояти кариманинг кўрсатмасига кўра, эри ўлиб идда ўтирган аёлларга очиқ-ойдин эмас, ишора билан совчилик қилишда гуноҳ йўқ.

**«У аёлларга ишора ила совчилик қилишингиз ёки уни ўз ичингизда тутишингизда гуноҳ йўқ.»**

Ишора билан совчилик қилиш қанақа бўлади? Ишора билан совчилик қилиш, «бирорта муносиб аёл топилса, уйланмоқчи бўлиб юрибман, аёл киши бўлмаса, қийин бўлар экан», каби сўзлар билан ишора қилишдир. Ўтган азизлар ҳам шундай йўл тутишган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абдурроҳман ибн Сулаймондан, у киши эса, холалари Сукайна бинти Ханзаладан қилган ривоятда Сукайна айтадиларки: «Идда ўтирганимда олдимга Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али кириб:

«Менинг Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламга яқинлигимни, бобомнинг мендаги ҳаққини яхши биласан, Исломда қадимдан буён эканимни ҳам биласан», — деди. Мен унга:

«Эй Абу Жаъфар, Аллоҳ Ўзи сени кечирсин. Иддада ўтирсам-у, шунчалик олим одам бўлиб туриб, совчилик қиляпсанми?!» — дедим. У:

«Қачон ундай қилдим? Мен сенга Пайғамбар алайҳиссаломга яқинлигимнинг хабарини бердим, холос. Умму Саламининг эри Абу Салама вафот этганида, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам унинг олдига кириб, ўзларининг Аллоҳ ҳузуридаги мартабаларини сўзлаб ўтиравериб, қўлларига бўйра ботиб кетган, ўшани ҳам совчилик ҳисобланмаган», — деди».

Ушбу ҳодисалар ишора билан совчилик қилишга мисол бўла олади.

**«Уни ўз ичингизда тутишингизда ҳеч гуноҳ йўқ»,** деганда, совчилик ниятини ичда сақлаш назарда тутилгандир. Чунки:

**«Аллоҳ сиз уларни албатта эслашингизни биладир».**

Шунинг учун ҳам, совчиликни ўз ичида тутишни гуноҳ ҳисоб қилмайди. Лекин идда ўтирган аёл билан никоҳ ҳақида хуфёна ваъдалашишдан ман қилди:

**«Лекин улар билан хуфёна ваъдалашманг».**

Чунки бу бешармлик, ўлган эр хотирасига хиёнат ва иддани вожиб қилган Аллоҳ таолодан уялмасликдир.

**«Магар яхши гапирсангиз, майли.»**

Яъни, мункар, фаҳш ва Аллоҳнинг шариатига хилоф бўлмаган гапларни гапирилса, бўлаверади.

**«Идда ўз муддатига етмагунча, никоҳ боғлашни қасд қилманг.»**

Жумладаги «қасд» сўзига алоҳида урғу бериляпти. Бу дегани, идда ичида никоҳ қилиш у ёқда турсин, уни қасд қилишга ҳам рухсат йўқ, деганидир. Ким идда вақтида никоҳ қилса, унинг никоҳи бузилади. Оралари ажратиб юборилади.

**«Ва билингки, Аллоҳ ичингиздагини албатта билади. Бас, ундан огоҳ бўлинг.»**

Никоҳ, совчилик, талоқ ва идда каби шаръий ҳукмларнинг кўпи қалбга, ҳис-туйғуга бевосита боғлиқ ишлардир. Бунда доимо Аллоҳнинг чизган чизифидан юришга ҳаракат қилиш керак. Аллоҳ таоло банданинг ичида нималар кечаётганини ҳам билади. Одам боласи бундан ғофил бўлмасин. Ҳеч ким билмаса ҳам, Аллоҳ билади, Ундан огоҳ бўлсин.

Айни чоғда, авваллари билмасдан баъзи бир ишларни қилиб қўйган бўлса, умидсиз бўлмасин. Чунки Аллоҳ таолонинг Ўзи ушбу оятнинг охирида:

**«Ва билингки, албатта, Аллоҳ мағфиратли ва ҳалимдир»,** демоқда.

Келаси оятлар оилавий масалаларда янги бир масалани муолажа қилади. Бу «духул»дан аввалги талоқ.

Маълумки, ақди никоҳдан сўнг эркак ва аёл эру хотинга айланади. Шариатнинг ушбу бобдаги ҳукмлари икковларига жорий этила бошлайди. Хозиргача духулдан кейинги талоқ ҳақида гап кетди. «Духул» сўзининг маъноси киришни англатади. Шариатда эса, никоҳ қилингандан кейин кўевнинг келин олдига кириши, икковларининг ёлғиз қолишлари ва оилавий ҳаётни бошлашларига айтилади. Баъзи вақтларда никоҳдан кейин духул бўлмасдан аввал ҳам талоқ содир бўлади. Келаси оятлар ана ўша ҳолатни муолажа қилади:

لَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِن طَلَقْتُمُ النِّسَاءَ مَا لَمْ تَمْسُوهُنَّ أَوْ تَفْرِضُوا لَهُنَّ فَرِيضَةً وَمَتَّعُوهُنَّ عَلَى الْمَوْسِعِ قَدَرَهُ وَعَلَى الْمُقْتَرِ قَدَرُهُ مَتَّعًا بِالْمَعْرُوفِ حَقًّا عَلَى الْمُحْسِنِينَ

**236. Агар хотинларга қўл теккизмай туриб ёки уларни маҳрни аниқламай туриб талоқ қилсангиз, сизга гуноҳ бўлмас. Уларни бой борича, йўқ ҳолича яхшилик ила фойдалантиринг. Бу яхшилик қилувчилар бурчидир.**

Бу оятда никоҳдан кейин, маҳрни аниқламаган ҳолатда, духулдан олдин талоқ қилганда нима бўлиши ҳақида сўз кетмоқда. Аввало, шундай ҳолатда талоқ қилиш гуноҳ эмаслиги баён қилинди:

**«Агар хотинларга қўл теккизмай туриб ёки уларни маҳрни аниқламай туриб талоқ қилсангиз, сизга гуноҳ бўлмас».**

Чунки инсонгарчилик юзасидан турли ҳолатлар бўлиб туради. Албатта, бу талоқ келин учун, унинг аҳли учун оғир бўлади. Умид билан никоҳдан ўтиб, орзу-ҳавас билан янги турмушни кўзлаб тур-

ганида, оилавий ҳаётни бошламай туриб талоқ бўлиши катта мусийбат. Бунинг устига дўсту душман, ёру биродарларнинг олдида нима деган гап бўлади?! Ана шу ҳолатларни ҳисобга олиб, маҳр ҳам тайин бўлмагани учун, бу келинга фойда - «мутъа» деб номланган молиявий тақдирлаш беришни шариатда ушбу ояти карима асосида жорий қилинган.

Бериладиган мутъанинг миқдори куёв тарафга боғлиқ, имконига қараб кўпроқ нарса берса, яхши бўлади.

Ривоят қилишларича, Имом Ҳасан розияллоҳу анҳу мутъа учун ўн минг дирҳам берган эканлар. Қадим уламоларимиз ўз вақтларининг ўлчовида ҳисоблаб: бой бир хизматчи олиб беради, камбағал уч сидра кийим-бош берсин, деганлар. Шундай қилинса, келин тарафга енгил бўлади. Кўнгиллари таскин топади. Дўсту душманларнинг гап-сўзидан ҳам қутуладилар. Чунки шунчалик мол-дунё беришлик қизда айб йўқлигининг, йигит тараф уни ҳурмат қилишининг, аммо ноиложликдан ажралаётганлигининг аломати бўлади. Шу билан бирга, куёв тарафни ҳам қийнаб юбориш керак эмас. Оятда:

**«Уларни бой борича, йўқ ҳолича яхшилик ила фойдалантиринг»** дейиляпти.

Куёв тараф «яхшилик ила» ҳаракат қилиши керак. Шунингдек, келин тараф ҳам. Оятнинг охирида фойда бериш юқори мақом эканлиги:

**«Бу яхшилик қилувчилар бурчидир»**, деб яна бир бор таъкидланяпти.

Келаси ояти каримада иккинчи бир ҳолатни, духулдан олдин талоқ қилса-ю, аммо маҳри аниқланган ҳолатни муолажа қилинади:

وَإِنْ طَلَّقْتُمُوهُنَّ مِنْ قَبْلِ أَنْ تَمْسُوهُنَّ وَقَدْ فَرَضْتُمْ لَهُنَّ فَرِيضَةً فَنِصْفُ مَا فَرَضْتُمْ  
إِلَّا أَنْ يَعْفُوا أَوْ يَعْفُوَ الَّذِي بِيَدِهِ عُقْدَةُ النِّكَاحِ وَأَنْ تَعْفُوا أَقْرَبُ لِلتَّقْوَىٰ وَلَا  
تَنْسُوا الْفَضْلَ بَيْنَكُمْ إِنَّ اللَّهَ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٢٣٧﴾

237. Агар уларга қўл тегизмай талоқ қилсангиз ва маҳрни аниқлаб қўйган бўлсангиз, аниқланганнинг ярмини берасиз, магар аёл ёки никоҳ тугуни қўлида бўлган киши афв қилса, бермайсиз. Ва афв қилишингиз тақвога яқиндир. Орангиздаги фазилатни унутманг. Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб туривчи Зотдир.



Демак, духулдан олдин, маҳри аниқ келишилган ҳолда талоқ қилинса, келинга келишилган маҳрнинг ярми берилади:

**«Агар уларга қўл тегизмай талоқ қилсангиз ва маҳрни аниқлаб қўйган бўлсангиз, аниқланганнинг ярмини берасиз».**

Бордию духул бўлиб, эру хотин бўлиб яшашганида, аёл маҳрнинг ҳаммасини олар эди. Ундоқ бўлмагани учун ярмини олади. Бу – шариат қонуни, лекин Қуръони Карим кўнгиларга ҳам хитоб қилади:

**«Магар аёл ёки никоҳ тугуни қўлида бўлган киши афв қилса, бермайсиз».**

Яъни, талоқ қилинган аёл, мен ўз ҳаққим бўлган маҳрнинг ярмини олмайман, деса ёки келиннинг ўрнига валийси (уни Қуръони Карим: никоҳ тугуни қўлида бўлган киши, деб атамоқда) афв этса, куёв маҳрнинг ярмини бермай қўйса ҳам бўлаверади. Мусулмонлар доимо қўлидан келганда афв қилишни ўзларига лозим тутсалар, яхши бўлади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло уларга:

**«Ва афв қилишингиз тақвога яқиндир»,** демоқда. Ҳа,  
**«Орангиздаги фазилатни унутманг».**

Қонун баъзан инсоний фазилатларни намоён қилишга ҳам ўрин беради. Бу ҳам бўлса, тақвога қизиқтиришнинг бир йўлидир. Мусулмонлар ҳар қандай ҳолатга тушганларида ҳам ўз ораларидаги фазлни унутиб қўймасликлари лозим. Талоқ – эр-хотиннинг ажрашиши яхши нарса эмас. Лекин талоқ сабабидан бир-бирини ҳақорат қилиб, турли бўлмағур иш ва гап-сўзларни чиқариб юбормаслик зарур.

**«Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчи Зотдир».**

Ана ўша кўргани асосида ҳисоб-китоб қилади. Шунинг учун, ўзингизга ёқмаган талоқ масаласида ҳам шариат ҳукмига номувофиқ иш қилманг.

Ҳали оилавий масалалар тугамай туриб, ҳали талоқ, идда ва бошқа шу каби масалалар ҳақида сўз бораётганда, орадаги икки оятда намоз ҳақида амр келади. Бу, Қуръони Каримга хос услуб бўлиб, бир томондан намознинг аҳамияти янада таъкидланса, иккинчи томондан, юқорида келган никоҳ, талоқ, идда, совчилик, маҳр каби ишларга ҳам, худди намозга эътибор бергандек, эътибор бериш зарурлигини таъкидлаш учун шундай қилингандир. Бу нарса Исломга тўлиғича кириш борасида жуда муҳимдир. Кўп кишилар намозни ўз ўрнида ўқишади, намозсиз ҳаётни тасаввур қила олишмайди, лекин оилавий масалаларга эътиборсизлик қилишади. Бу эса, ҳалиги айтганимиздек, Исломга тўлиғича кириш қоидасига тўғри келмайди. Исломиё тасаввур бўйича, ибодат фақат намоз ва унга

ўхшаш диний амалларгагина хос эмас, балки Аллоҳнинг розилигини топиш учун қилинадиган барча фаолиятни ўз ичига олади.

حَافِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ وَالصَّلَاةِ الْوَسْطَىٰ وَقُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ ﴿٢٣٨﴾

**238. Намозларни ва ўрта намозни муҳофаза этинг. Ва Аллоҳ учун хушуъ ила қоим бўлинг.**

Намозларни муҳофаза этиш – уларни ўз вақтида, яхшилаб, кам-чиликсиз ўқиш маъноларини билдиради. «Ўрта намоз» ҳақида уламолар турли фикрларни айтганлар. Лекин далилларни солиштириб кўрган уламолар «ўрта намоз»дан мурод – аср намози, деганлар.

Имом Муслим қилган ривоятда Пайғамбаримиз алайҳиссалом «Аҳзоб» урушида: «Бизни ўрта намоз – аср намозидан машғул қилдилар. Аллоҳ уларнинг қалбларини ҳам, уйларини ҳам оловга тўлдирсин», деганлар.

**«Ва Аллоҳ учун хушуъ ила қоим бўлинг».**

Яъни, намозда Аллоҳни қўрқув билан, қалбни фақат унга боғлаган ҳолда зикр қилинг. Авваллари мусулмонлар намоз ичида баъзи зарур нарсаларни гапириб ҳам турар эканлар. Ушбу оят тушгандан кейин бундай нарсалар намозда батамом ман қилинган. Намозда фақат Аллоҳ эсланади, фақат Уни зикр қилинади.

فَإِنْ خِفْتُمْ فَرِجَالًا أَوْ رُكْبَانًا فَإِذَا أَمِنْتُمْ فَأَذْكُرُوا اللَّهَ كَمَا عَلَّمَكُم مَّا لَمْ تَكُونُوا تَعْلَمُونَ ﴿٢٣٩﴾

**239. Агар хавфда қолсангиз, юрган ва минган ҳолингизда, хотиржам бўлганингизда, билмаган нарсангизни қандоқ ўргатган бўлса, Аллоҳни шундоқ зикр қилинг.**

Намоз ҳақидаги гап бу ояти каримада ҳам давом этмоқда.

**«Агар хавфда қолсангиз»,** деган жумлада уруш, душман хавфи назарда тутилгандир. Агар шундай ҳол юзага келса, юрган ёки минган ҳолингизда ҳам намозни ўқинг. Ўз оёғингиз билан юриб ҳам, минган уловингиз устида туриб ҳам намоз ўқинг. Намозни ўқимай қолдиришга ҳеч қандай узр йўқ. Хавф кетиб, тинчлик бўлиб,

**«хотиржам бўлганингизда, билмаган нарсангизни қандоқ ўргатган бўлса, Аллоҳни шундоқ зикр қилинг».**

Одамлар кўп нарсаларни билмайдилар, Аллоҳ ўргатмаса ҳеч нарсани билмас эдилар. Шунингдек, Аллоҳ ўргатмаса, намоз ўқишни

ҳам билмасдилар. Хотиржам бўлганларида, Аллоҳ қандай ўргатган бўлса, шундоқ қилиб намоз ўқисинлар.

Сўнгра, яна олдинги мавзуга қайтиб, унга оид ҳукмларнинг охири зикр қилинади:

وَالَّذِينَ يُتَوَقَّاتُ مِنْكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَاجًا وَصِيَّةً لِأَزْوَاجِهِمْ مَتْنَعًا إِلَى  
الْحَوْلِ غَيْرِ إِخْرَاجٍ فَإِنْ خَرَجْنَا فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِي مَا فَعَلْنَا فِي أَنْفُسِهِمْ  
مِن مَّعْرُوفٍ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٤٠﴾

**240. Сизлардан вафот этганда жуфтларини қолдираётганлар хотинлари чиқмасдан бир йилгача фойдаланишини васият қилсинлар. Агар улар чиқсалар, ўз хусусларида яхшилик билан қилган ишларида сизга гуноҳ йўқ. Аллоҳ азиз ва ҳақим Зотдир.**

Вафот этган одам васият қилган бўлса, у аёл бир йилгача эрининг уйида унинг молидан сарфлаб яшаса бўлади.

**«Сизлардан вафот этганда жуфтларини қолдираётганлар хотинлари чиқмасдан бир йилгача фойдаланишини васият қилсинлар».**

Албатта, бундан ҳар бир мусулмон эр ўз ўлими олдидан хотинини бир йил ичида моддий таъминлаб туришни васият қилиши фарз ёки вожиб, деган маъно чиқмайди. Балки, бу маъно ўзаро марҳамат ва эҳтиром маъносида айтилгандир. Агар аёл киши ўзи хоҳласа, бир йил давомида эрига ва у билан бирга кечирган ҳаётига садоқат рамзи сифатида эрга тегмай ва уйдан чиқмай яшаши мумкин. Ана шундай ҳолатда эрнинг қариндошлари уни таъминлаб туришлари тавсия қилинади.

**«Агар улар чиқсалар, бас, ўз хусусларида яхшилик билан қилган ишларида сизга гуноҳ йўқ».**

Яъни, эри ўлгандан сўнг, бир йил уйдан чиқмай ўтиришни ният қилган аёллар бирор сабабга кўра, бир йил тўлмасдан аввал чиқсалар ва идда муддатлари битиб, ўз хусусларида яхшилик билан, шариат қонунлари асосида иш қилиб кетсалар, сизга гуноҳ йўқ.

**«Аллоҳ азиз ва ҳақим Зотдир».**

Унутманг, Аллоҳ азиздир, яъни, ҳеч ким унинг иродасига ғов бўла олмайдиган ғолиб Зотдир. Унинг амрига хилоф қилсангиз, иқобидан қочиб қутула олмайсиз. Аллоҳ ҳақим Зотдир, ҳар бир ҳукмни ҳикмат билан жорий қилади. Унинг ҳукмларига сўзсиз амал қилаверган ютади.

Аввал ўтган ояти карималарда духулдан олдин талоқ қилинган аёлларга «мутъа» – моддий фойда бериш ҳақида гапирилган эди. Келаси ояти каримада эса духулдан – эр-хотин бўлиб яшагандан кейинги талоқда ҳам, умуман, ҳар бир талоқда аёлга «мутъа» – фойда беришлик яхши иш эканлиги таъкидланади.

وَالْمُطَلَّقَاتُ مَتَّعٌ بِالْمَعْرُوفِ حَقًّا عَلَى الْمُتَّقِينَ

#### 241. Талоқ қилинган аёлларга фойда бериш тақводорлар бурчидир.

Ушбу ояти каримага биноан, барча талоқ қилинган аёлларга – духулдан аввалми ёки кейинми, маҳри аниқланганми ёки аниқланмаганми – моддий фойда бериш керак. Бу иш талоқдек кўнгилсиз ишдан кейин аёлларнинг кўнглини кўтариш, уларга яна бир бор ҳурмат билдиришдир. Ояти карима бу молиявий муомалани ҳам тақвога боғлаётгани эътиборга сазовордир.

كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ

#### 242. Аллоҳ шундай қилиб сизларга Ўз оятларини баён этадир. Шоядки, ақл ишлатсангизлар.

Мазкур оятлардан кўринадики, Аллоҳ ўзининг ҳукмларини дақиқ ва пишиқ баён қилади. Мақсад эса – шоядки, одамлар ақл ишлатиб, тадаббур қилсалар. Шоядки, бу ҳукмларнинг ҳикматларини тушунсалар. Булар Аллоҳнинг улуғ неъматини, бахт-саодат манбаи эканлигини тушуниб етиб, ушбу ҳукмларни ҳаётга татбиқ этиш орқали Исломга тўлиғича киришдек буюк мақсадга эришишга уринсалар.

Ушбу ўтган оятларга ақл ишлатиб қаралса, Исломда оилавий масалаларга нақадар катта эътибор берилганлиги маълум бўлади. Қуръони Каримда ҳатто намознинг баёни шунчалик батафсил келгани йўқ. Бундан ташқари бу масалалар баён қилинган деярли ҳар бир ояти карима: тақво қилинг, Аллоҳдан қўрқинг, огоҳ бўлинг, Аллоҳ белгилаган чегарадан тажовуз қилманг, бу яхшилиқ қилувчиларнинг бурчидир, каби иборалар билан тугайди. Бу ҳам мазкур масалалар қанчалик аҳамиятли эканлигига далолат қилади. Охири кўрган оятимизда айтилганидек, шоядки, мусулмонлар бу ишларга ақл юритсалар.

Аллоҳ таоло ўтган оятларда фозил жамият қуриш учун зарур бўлган мустаҳкам исломий оила ҳақида батафсил баён қилди. Энди

эса, мазкур фозил жамиятнинг ҳимояси учун жиҳод қилиш ва молу дунё сарфлашга чақирувчи оятларни келтиради. Бу муносабат ила ўтган умматларнинг тажрибасидан мисол келтиради. Бундан, фозил исломий жамиятни ҳимоя қилиш учун жиҳод, унга тайёргарлик ҳамда мол-дунё сарфлаш зарурлиги кўринади.

Аввал айтиб ўтилганидек, мусулмонлар билан қўшни бўлиб яшаб келаётган Бани Исроил қавми илоҳий китоб асосида жамият қурган бирдан-бир қавм эди. Аллоҳ таоло мусулмонлар ҳам Исломга тўлиғича кириш жараёнида Бани Исроил босиб ўтган йўлни босиб ўтиши муқаррарлигини яхши билар эди. Шунинг учун ҳам, ўтган умматлардан Қуръони Каримда қиссаси энг кўп келган қавм Бани Исроилдир. Келгуси оятлар тўпламида ҳам Бани Исроилнинг қиссаси келади. Лекин ундан аввал Қуръони Карим номаълум бир қавм тажрибаси ҳақида қисқагина, тушунарли қилиб эслатиб ўтади.

﴿الْم تَرَ إِلَى الَّذِينَ خَرَجُوا مِن دِيَارِهِمْ وَهُمْ أُلُوفٌ حَذَرَ الْمَوْتِ فَقَالَ لَهُمُ اللَّهُ مُوتُوا ثُمَّ أَحْيَاهُمْ إِنَّ اللَّهَ لَذُو فَضْلٍ عَلَى النَّاسِ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَشْكُرُونَ﴾

**243. Диёрларидан ўлимдан қочиб чиққан мингларча кишиларнинг (хабарини) билмадингми?! Бас, Аллоҳ уларга: ўлинг, деди. Сўнгра, уларни тирилтирди. Албатта, Аллоҳ одамлар устидан фазл эгасидир. Лекин кўп одамлар шукр қилмаслар.**

Қуръони Карим ушбу воқеа ҳақида ҳикоя қилар экан, у қавмнинг номини, қаерда яшаганини, шу ҳодиса қачон рўй берганини айтмайди. Сабабини Аллоҳнинг Ўзи билади. Албатта, номини айтмаслиги ҳам беҳикмат эмас. Балки, у ҳақда аниқ маълумотлар биз учун муҳим эмас, балки ҳодисадан ҳаётда ибрат олишимиз муҳимдир.

**«Диёрларидан ўлимдан қочиб чиққан мингларча кишиларнинг (хабарини) билмадингми?!»**

Демак, бир вақтлар катта бир қавм ўлимдан қочиб, диёрларини ташлаб чиққан эканлар. Ўлимдан қочишларининг сабаби турлича бўлиши мумкин. Балки, вабо тарқалган бўлса, шундан қочишгандир. Ёки душман билан жанг қилиш керак бўлса, урушда ўлиб кетмайлик, деб қочишгандир. Хуллас, ўлимдан қочиб чиқишгани аниқ. Қизиқ, ўлимдан ҳам қочиб бўладими? Модомики, ушбу қавм қочибди, кўрайлик-чи, нима бўлар экан?

**«Бас, Аллоҳ уларга: ўлинг, деди.»**

Қизиқ бўлди-ку! Бечоралар ўлимдан қочиб, узоқ ҳаёт кўриш умидида чиқишган эди. Мақсадларининг тескариси бўлди. «Ўлинг» деган бир оғиз сўз билан ўлиб қолишди. Демак, Аллоҳнинг қазои қадаридан қочиб бўлмас экан. Аллоҳдан ўзга қайтиб борадиган жой йўқ экан. Аллоҳнинг Ўзи хоҳлаган вақтида ўлдирад экан. Агар хоҳласа, ҳаётни ҳам беради:

**«Сўнгра, уларни тирилтирди.»**

Бу иш ҳам ибрат учун. Ўлим ҳам, ҳаёт ҳам Аллоҳнинг қўлида эканини билдириш учундир:

**«Албатта, Аллоҳ одамлар устидан фазл эгасидир. Лекин кўп одамлар шукр қилмаслар.»**

Яъни, ҳаётни бериб тирилтириш ҳам Аллоҳнинг бандаларига берган фазли. Жонни олиб, ўлдириш ҳам Аллоҳнинг фазли. Икковида ҳам одамларга фойда бор. Лекин кўп одам буни тушунмайди ва шукр қилмайди.

Модомики, ўлимдан қочиб қутулиб бўлмаса, қачон тирилтириб, қачон ўлдириш Аллоҳнинг қўлида бўлса, унда қўрқмасдан:

وَقَاتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٤٤﴾

**244. Аллоҳнинг йўлида жанг қилинг. Ва билингки, албатта, Аллоҳ эшитувчи ва билувчи Зотдир.**

Ўлимдан қўрқшингиз ва ҳаётни яхши кўришингиз сизни Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишдан тўсмасин.

**«Аллоҳнинг йўлида жанг қилинг.»**

Бу сизга Аллоҳ таолонинг амридир. Аллоҳ таолонинг амрини бажариш эса, сизнинг бурчингиздир.

**«Ва билингки, албатта, Аллоҳ эшитувчи ва билувчи Зотдир.»**

Жумладан, жиҳоддан қочганларнинг ҳам гап-сўзларини эшитиб, қилган ишларини кўриб туради.

Аллоҳнинг йўлида бўладиган жиҳод доимо сарф-ҳаражатни, фидокорликни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам, келгуси оятда Аллоҳнинг йўлида мол-мулк сарфлашга даъват келади:

مَنْ ذَا الَّذِي يُقْرِضُ اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا فَيُضْعِفُهُ لَهُ أَمْضَاعًا كَثِيرَةً وَاللَّهُ يَقْبِضُ وَيَبْصُطُ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٢٤٥﴾

**245. Аллоҳга яхши қарз берадиган ким бор?! Бас, токи унга берганини кўп марта кўпайтириб берса. Ва ҳолбуки, Аллоҳ (ризқни) тор қилур ва кенг қилур. Ва Унгагина қайтасизлар.**

Яхшилик йўлида, савоб касб қилиш мақсадида сарф қилинадиган маблағни, мол-мулкни «Аллоҳ таолога қарз бериш» деб аталмоқда.

**«Аллоҳга яхши қарз берадиган ким бор?!»**

Аллоҳнинг дини йўлига ким пул сарфласа, Аллоҳга яхши қарз берган бўлар экан. Қарз берган одам фурсати келганда берган маблағини тўлиғича қайтариб олади. Ундан ҳеч нарса камаймайди. Шунингдек, Аллоҳнинг йўлида пул-мол сарфлаган одамнинг ҳам маблағи камаймайди. Балки:

**«Бас, токи унга берганини кўп марта кўпайтириб берса».**

Яъни, Аллоҳ таоло унинг яхшилик йўлида сарфлаган молини бир қанча мартаба кўпайтириб беради. Бу дунёда молига мол қўшади, барака беради, бахт-саодат ва роҳат-фароғатга эриштиради. У дунёда эса, жаннатга киритиб, битмас-туганмас неъматлар ато қилиб, Ўзининг розилигини эълон қилади.

Ўлим ва ҳаёт Аллоҳнинг қўлида бўлганидек, ризқ ҳам Аллоҳнинг қўлидадир. Жангда қатнашган ўлиб қолавермаганидек, молини Аллоҳнинг йўлида сарфлаган киши ҳам камбағал бўлиб қолавермайди. Ҳаммаси Аллоҳнинг ихтиёрида:

**«Ва ҳолбуки, Аллоҳ (ризқни) тор қилур ва кенг қилур».**

Аллоҳ ризқни тор қиламан деса, нафақа қилмаган, Аллоҳнинг йўлида ҳеч нарса сарфламаган, ҳар тангани етти еридан тукканларникини ҳам тор қилиб қўяверади. Кенг қиламан деса, топганини Аллоҳнинг йўлида сарфлаётганларникини янада кенг қилаверади. Ҳар не бўлганда ҳам, бориладиган жой бир:

**«Ва Унгагина қайтасизлар».**

Бошқага қайтиш йўқ.

Ўтган азизларимиз ушбу ҳақиқатни тушуниб етганликларидан дунёга устоз бўлганлар. Мисол учун, улардан оддийгина бир киши Абу Даҳдоҳ розияллоҳу анҳуни олиб кўрайлик. Ибн Аби Ҳотим Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилишларича, «Аллоҳга яхши қарз берадиган ким бор?!» ояти нозил бўлганида, Абу Даҳдоҳ Ансорий:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ азза ва жалла биздан қарз сўраяптими?», — деди. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Ҳа, эй Абу Даҳдоҳ», — дедилар. Абу Даҳдоҳ:

«Қўлингизни беринг, эй, Аллоҳнинг Расули», — деди. У зоти бо-баракот қўлларини бердилар. Абу Даҳдоҳ:

«Мен Роббимга қўрғонимни қарз бердим», – деди. Унинг қўрғониди олти юз туп хурмоси ва хотин, бола-чақаси бор эди. У келиб: «Ҳой, Умму Даҳдоҳ!», – деб хотинини чақирди.

«Лаббай», деган жавобни эшитганда:

«Қўрғондан чиқ, мен уни Роббимга қарз бердим», – деди. У:

«Хўп», деб болаларини олиб чиқди.

Энди келадиган ояти карималарда Бани Исроилнинг Аллоҳ йўлида жиҳод қилишига боғлиқ қиссаси бошланади:

أَلَمْ تَرَ إِلَى الْمَلَائِكَةِ مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ مِنْ بَعْدِ مُوسَى إِذْ قَالُوا لِنَبِيِّ لَهُمْ أبعثْ لَنَا  
مَلِكًا نُقَاتِلْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ قَالَ هَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ  
أَلَّا تُقَاتِلُوا قَالُوا وَمَا لَنَا أَلَّا نُقَاتِلَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَقَدْ أُخْرِجْنَا مِنْ دِيَارِنَا وَأَبْنَائِنَا  
فَلَمَّا كُتِبَ عَلَيْهِمُ الْقِتَالُ تَوَلَّوْا إِلَّا قَلِيلًا مِّنْهُمْ وَاللَّهُ عَلِيمٌ بِالظَّالِمِينَ ﴿٧٤﴾

**246. Мусодан кейинги Бани Исроилдан бўлган аъёнларни билмадингми?! Вақтики ўз набийларига: «Бизга бир подшоҳ тайин қилгин, Аллоҳнинг йўлида уруш қилайлик», – дедилар. У: «Агар сизларга уруш фарз қилинса, урушмасаларингиз-чи?!» – деди. Улар: «Бизга нима бўлибдики, диёримиздан ва фарзандларимиздан жудо қилинсақ ҳам, Аллоҳнинг йўлида урушмасак», – дедилар. Уруш фарз қилинганда эса, озгиналаридан бошқалари юз ўгириб кетдилар. Ва Аллоҳ зулм қилувчиларни билувчидир.**

Ушбу ояти каримани Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломнинг қавмидан бўлган аъёнларни эслатиш билан бошламоқда.

**«Мусодан кейинги Бани Исроилдан бўлган аъёнларни билмадингми?!»**

Мусо алайҳиссалом вафот этиб кетганларидан кейин Бани Исроилнинг аъёнлари, катталари, ишбошиларидан бир гуруҳи

**«Вақтики ўз набийларига: «Бизга бир подшоҳ тайин қилгин, Аллоҳнинг йўлида уруш қилайлик», – дедилар».**

Яъни, у аъёнлар ўз Пайғамбарлари олдида келиб: «Бизга бир подшоҳ – бошлиқ тайин қилиб бер, унинг раҳбарлигида Аллоҳнинг йўлида урушмоқчимиз», дейишди. Бундоқ дейишларидан қалбларидан иймон ҳисси уйғониб турган пайти эканлиги билиниб турибди. Улар ўзларича, биз иймон эгаларимиз, ҳақ йўлдамиз, кофирлар ботилда, бизни Аллоҳнинг Ўзи қўллайди, деган фикрлари бор. Шунинг учун «Аллоҳнинг йўлида уруш» қилмоқчилар. Лекин қуруқ



хавас билан иш битмаслигини англаб етмайдилар. Бу ҳақиқатни Аллоҳдан бўлган ҳидоят туфайли Пайғамбарлари тушуниб етади. Шунинг учун:

**«У: «Агар сизларга уруш фарз қилинса, урушмасаларингизчи?!», – деди.**

Ҳозир кенгликда туриб, бир-бирингизга қизиқиб, бизга подшоҳ тайин қилгин, Аллоҳнинг йўлида уруш қилайлик, демоқдасизлар. Ҳақиқатан шу иш йўлга қўйилса, уруш фарзга айланади ва унда орқага қайтишнинг иложи қолмайди. Ортга қайтган гуноҳкор бўлади.

Бу мулоҳаза қизишиб турган тўдани янада қизитиб юборди. Урушга кириш қарорига олиб келган сабабларни зикр қилишди:

**«Улар: «Бизга нима бўлибдики, диёримиздан ва фарзандларимиздан жудо қилинсақ ҳам, Аллоҳнинг йўлида урушмасак?!» – дедилар».**

Яъни, қайтишга йўл йўқ. Урушмасак, нима деган одам бўламиз. Кофирлар бизни диёримиздан чиқарган, фарзандларимиздан жудо қилган бўлсалар.

**«Уруш фарз қилинганда эса, озгиналаридан бошқалари юз ўгириб кетдилар.»**

Аввалги қизиқиш, шижоат ва ҳавасдан асар ҳам қолмайди. Одам-зотнинг табиати шу – оломон ичида ақли ҳам оломон ақлига қўшилиб қолиб, бир-биридан шижоатли бўлиб, оғзига келганини гапирар-веради. Турли фидокорона таклифлар қилади. Бошига калтак тушганда эса, ҳаммаси ўзини қутқаришга тушиб қолади. Фақат, чуқур иймоний тарбия олганларгина собит қадам бўлиб қоладилар. Жамоатга раҳбарлик қилувчи шахслар ушбу ҳолатнинг ҳисобини яхши олишлари керак. Кўпчиликнинг қизиққанлигига алданиб қолмаслик керак.

**«Ва Аллоҳ зулм қилувчиларни билувчидир».**

Бошга иш тушганда ортга қараб қочадиганлар золим эканини шу оятдан биламиз. Аллоҳ таоло уларнинг зулмини билиб, муносиб жазоларини беради.

وَقَالَ لَهُمْ نَبِيُّهُمْ إِنَّ اللَّهَ قَدْ بَعَثَ لَكُمْ طَالُوتَ مَلِكًا قَالُوا أَنَّى يَكُونُ لَهُ  
الْمَلِكُ عَلَيْنَا وَنَحْنُ أَحَقُّ بِالْمَلِكِ مِنْهُ وَلَمْ يُؤْتِ سَعَةَ مِنَ الْمَالِ قَالَ إِنَّ اللَّهَ  
أَصْطَفَاهُ عَلَيْكُمْ وَزَادَهُ بَسْطَةً فِي الْعِلْمِ وَالْجِسْمِ وَاللَّهُ يُؤْتِي مَلَكَهُ  
مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٤٧﴾

247. Набийлари уларга: «Албатта, Аллоҳ Толутни сизга подшоҳ қилиб тайинлади», – деди. Улар: «У бизга қаёқдан подшоҳ бўлсин. Ундан кўра подшоҳликка биз ҳақлироқмиз. Қолаверса, унга кўпроқ мол ҳам берилмаган» – дедилар. У: «Албатта, уни Аллоҳнинг Ўзи сизларга танлади ва илмда, жисмда кенглигини зиёда қилди. Аллоҳ подшоҳлигини кимга хоҳласа, ўшанга беради. Ва Аллоҳ кенг қамровли ва билувчидир», – деди.

Бани Исроилнинг талабига биноан, уларнинг Аллоҳ йўлида қиладиган урушларига раҳбарлик қилиш учун подшоҳ ихтиёр қилинди.

**«Набийлари уларга: «Албатта, Аллоҳ Толутни сизга подшоҳ қилиб тайинлади», – деди».**

Шунда Бани Исроил ўзининг бузғунчилигини яна бир бор кўрсатди. Подшоҳ талаб қилган ўзлари эди, шу талаб инобатга олиниб, Толут уларга подшоҳ этиб тайинланганида, улар уни ризолик ила қабул қилишнинг ўрнига, Аллоҳнинг амрига исён қилишди. Аллоҳ тайин қилган Толутнинг подшоҳ бўлишини инкор этишди. Унинг подшоҳликка тайинланишини хато, деб эълон қилишди. Нега?

**«Улар: «У бизга қаёқдан подшоҳ бўлсин. Ундан кўра подшоҳликка биз ҳақлироқмиз. Қолаверса, унга кўпроқ мол ҳам берилмаган», – дедилар.**

Демак, Толутнинг подшоҳлар авлодидан эмаслиги уларнинг инкорига сабаб бўлган экан. Қолаверса, уларнинг фикри бўйича, подшоҳ бўладиган одамнинг мол-дунёси кўп бўлиши керак экан. Толутда бу ҳам йўқ. У қандай қилиб подшоҳ бўлади?

Бани Исроилнинг ушбу нотўғри мавқифига қарамай, набийлари Аллоҳ нима учун Толутни уларга подшоҳ қилиб тайинлаганини баён қилди:

**«У: «Албатта, уни Аллоҳнинг Ўзи сизларга танлади. Ва илмда, жисмда кенглигини зиёда қилди. Аллоҳ подшоҳлигини кимга хоҳласа, ўшанга беради. Ва Аллоҳ кенг қамровли ва билувчидир», – деди.**

Бани Исроилнинг Пайғамбари сабр билан, қизишмай, уларга ҳақиқатни тушунтиришга уринди. У айтдики, аввало, сиз инкор қилаётган Толутни подшоҳ қилиб Аллоҳнинг Ўзи танлади. Мен ёки бошқа бирор киши танлагани йўқ. Иккинчидан, Аллоҳ унинг илмда ва жисмда кенглигини зиёда қилиб қўйди. Подшоҳликка энг керакли нарсалар шулар. Сиз айтгандек, бой бўлиши эмас. Қолаверса, Аллоҳ подшоҳлигини кимга хоҳласа, ўшанга берди. Ўзи эга, Ўзи билиб тасарруф қилади. Сизлардан сўраб ўтирмайди.

**«Аллоҳ кенг қамровли ва билувчидир.»**

Ҳамма нарсани, шу жумладан, сиз билан бизни ва биз талаб қилган масалани ҳам қамраб олган. Ўзи билиб тасарруф қилади.

Лекин иккиланиб турган ва улкан ишга қадам қўйиш арафасидаги қавмнинг эҳтимолли шубҳаларини ҳам тарқатиб, ишончларини ошириш учун Толутнинг подшоҳлиги Аллоҳ таоло томонидан эканлигини тасдиқловчи мўъжиза нарсаларни ҳам айтиб ўтилади:

وَقَالَ لَهُمْ نَبِيُّهُمْ إِنَّ آيَةَ مُلْكِهِ أَنْ يَأْتِيَكُمُ التَّابُوتُ فِيهِ سَكِينَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَبَقِيَّةٌ مِّمَّا تَرَكَ آءَالُ مُوسَىٰ وَآءَالُ هَارُونَ تَحْمِلُهَا الْمَلَائِكَةُ إِن فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّكُمْ إِن كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ

**248. Набийлари уларга: «Албатта, унинг подшоҳлигининг белгиси сизларга Роббингиздан тобут келмоғидир, унда хотиржамлик ва Мусо ҳамда Ҳорун аҳлидан қолган қолдиқ бўлиб, фаришталар кўтариб келур. Агар мўмин бўлсаларингиз, албатта, бу нарсада сизларга белги бор», – деди.**

Толутнинг ҳақиқатда Аллоҳ томонидан тайин қилинган подшоҳ эканини Бани Исроилга исбот этиш учун уларга қойил қолдирадиган, одатдан ташқари, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайдиган бир мўъжиза содир этиляпти. Маълумки, Мусо алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин Йушаъ алайҳиссалом Бани Исроилга раҳбар бўлган эдилар. Ўша пайтда уларни муқаддас ерларидан ҳайдаб чиқарган душманлари бир қанча муқаддас нарсаларини ҳам тортиб олган эди. Мазкур тортиб олинган нарсалар ичида, жумладан, Бани Исроилга хос бир машҳур тобут – сандиқ ҳам бор эди. Мусо алайҳиссалом қачон урушга кирсалар, ўша тобутни ўз аскарларининг олдида боришини таъминлар эдилар. Шунда Бани Исроилнинг қалбига хотиржамлик тушиб, урушдан қочишмасди. Кейинчалик у тобутга Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломлардан қолган эсдалик – табаррукларни солиб қўйишган эди. Жумладан, мазкур тобутда Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга Тур тоғида берган лавҳалар, у кишининг ҳассалари, кийимлари, ковушлари, Ҳорун алайҳиссаломнинг саллалари каби нарсалар бор эди. (Уламоларимиз ушбуни Пайғамбарлардан қолган нарсаларни табаррук тутишга далилдир, деганлар.)

Пайғамбарлари: тобутни фаришталар кўтариб келиши Толутнинг подшоҳлигига белгидир, агар ҳақиқий мўмин бўладиган бўлсангиз, ушбу мўъжизанинг ўзи кифоя қилади, – деди.

Кейинги оятлардаги маънога қараганда, бу иш рўй бериб, Бани Исроилда ишонч ҳосил бўлганга ўхшайди:

فَلَمَّا فَصَلَ طَالُوتُ بِالْجُنُودِ قَالَ إِنَّ اللَّهَ مُبْتَلِيكُمْ بِنَهَرٍ فَمَنْ شَرِبَ مِنْهُ فَلَيْسَ مِنِّي وَمَنْ لَمْ يَطْعَمْهُ فَإِنَّهُ مِنِّي إِلَّا مَنِ اعْتَرَفَ غُرْفَةً بِيَدِهِ فَشَرِبُوا مِنْهُ إِلَّا قَلِيلًا مِّنْهُمْ فَلَمَّا جَاوَزَهُ هُوَ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ قَالُوا لَا طَاقَةَ لَنَا الْيَوْمَ بِجَالُوتَ وَجُنُودِهِ قَالَ الَّذِينَ يَظُنُّونَ أَنَّهُم مُّلاقُوا اللَّهَ كَم مِّن فِتْنَةٍ قَلِيلَةٍ غَلَبَت فِئَةٌ كَثِيرَةٌ بِإِذْنِ اللَّهِ وَاللَّهُ مَعَ الصَّابِرِينَ ﴿٢٥٢﴾

249. Толут аскар билан чиққанда: «Албатта, Аллоҳ сизни дарё билан синовчидир, ким ундан ичса, у мендан эмас. Ва ким уни тановул қилмаса, у, албатта, мендандир. Магар биров қўли билан бир ҳўплам ҳўпласа, майли», деди. Озгиналаридан бошқалари ундан ичдилар. У ва у билан бирга иймон келтирганлар у (дарё)-дан ўтганларида, улар: «Бугун бизда Жолут ва унинг аскарлари билан жанг қилишга тоқат йўқ», дедилар. Аллоҳга рўбарў бўлишга ишонганлар: «Қанчадан-қанча оз сонли гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан кўп сонли гуруҳларга ғолиб келган. Аллоҳ сабрлилар биландир», – дедилар.

Ва ниҳоят, Бани Исроилнинг жиҳоддан қочмай қолган одамларини Толутнинг Аллоҳ тайин қилган подшоҳ эканлигига ишонтирилгач, Толут улардан аскар тайёрлади. Сўнгра, жиҳод, уруш қилиш вақти етиб келди. Улар жўнадилар. Шунда Толутнинг ҳақиқий аскарбоши эканлиги намоён бўлди. У аскарларининг ҳолатини яхши биларди. Улар авваллари мағлубиятга учраб юрган, хорликка кўникиб қолган эдилар. Душман эса, кучли, ғалабага одатланиб қолган. Ундай душманга ғолиб келиш учун мустаҳкам иродага эга бўлиш керак. Шунинг учун, Толут ўз аскарларининг иродасини синаб кўрмоқчи бўлди. Шаҳардан чиққанларида, синов шартини эълон қилди.

«Толут аскар билан чиққанда: «Албатта, Аллоҳ сизни дарё билан синовчидир, ким ундан ичса, у мендан эмас. Ва ким уни тановул қилмаса, у, албатта, мендандир. Магар биров қўли билан бир ҳўплам ҳўпласа, майли», деди».

Йўлда бир дарё учрайди, ким иродаси кучли бўлиб, чанқоққа чидаб, унинг сувидан ичмаса, имтиҳондан ўтган бўлади. Толутнинг ҳақиқий аскарига айланади. Ким иродасизлик қилиб, дарёнинг сувидан ичиб олса, аскарликка қабул қилинмайди. Бир оз сувсизликка чидай олмаган одам жиҳоднинг машаққатларига чидай олмаслиги турган гап. Шу билан бирга, томоқни ҳўллаб олиш учун бир ҳўплам ичишга ҳам рухсат берди.

Юриб бориб дарёга ҳам етишди:

**«Озгиналаридан бошқалари ундан ичишди».**

Синовдан ўтиша олмади. Оғир ишга киришишдан олдин одамларни фақат оғзаки синов эмас, балки амалий синовдан ҳам ўтказиш зарурлиги шундан билинади. Биринчи амалий синовда Толутнинг аскари ҳам сараси сарага, пучаги пучакка ажради. Синовдан ўтмаганлар ажраб қолдилар.

Имом Бухорий Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда, у киши:

«Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг Бадр уруши куни қатнашган саҳобаларининг сони уч юз ўн неча киши – Толут билан дарёдан ўтган шерикларининг сонига тенг келганини гаплашар эдик; у билан фақат мўминларгина ўтган», деган эканлар.

**«У ва у билан бирга иймон келтирганлар у(дарё)дан ўтганларида улар: «Бугун бизда Жолут ва унинг аскари билан жанг қилишга тоқат йўқ», – дедилар.»**

Лекин иймондилар ичида ҳам заифлар пайдо бўлди. Душманга рўбарў келганда ўзларининг озлиги, душманнинг қувватли эканини сезиб, урушда қатнаша олмасликларини, тоқатлари йўқлигини баён қилишди. Улар вазиятни ўз тарозуларига солиб кўриб, ғолиб келишларига кўзлари етмади. Шунда ҳақиқий мўминлар, ҳамма нарсани илоҳий ўлчов билан ўлчайдиганлар юзага чиқдилар.

**«Аллоҳга рўбарў бўлишга ишонганлар: «Қанчадан-қанча оз сонли гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан кўп сонли гуруҳларга ғолиб келган. Аллоҳ сабрлилар биландир», – дедилар».**

Асл нарса ўзи оз бўлади. Ҳақиқий мўминлар ҳам оз бўладилар. Чунки улар хатарли сўқмоқлардан қийинчиликларни енгиб ўтиб, мақсадга етадилар, Аллоҳ танлаган муқарраб бандалар қаторига кирадилар. Бу ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Ундайлар Парвардигори Оламга рўбарў бўлишларига қатъий ишонадилар. Шунинг учун, ҳамма машаққатларни енгишга тайёр бўладилар. Ҳамма нарса «Аллоҳнинг изни билан» бўлишига ишонадилар. Шунинг учун, сонлари оз бўлса ҳам, қўрқмайдилар. Улар Аллоҳ сабр қилувчилар билан бирга эканлигини яхши биладилар. Аллоҳниг Ўзидан сабр тилаб, қўрқмай, кўп сонли ва қувватли душманнинг кўзига тик боқиб бораверадилар.

وَلَمَّا بَرَزُوا لِجَالُوتَ وَجُنُودِهِ قَالُوا رَبَّنَا أَخْرِغْ عَلَيْنَا صَبْرًا وَثَبَّتْ  
أَقْدَامَنَا وَأَنْصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ ﴿٢٥٠﴾

**250. Жолут ва унинг аскарларига рўбарў келганларида: «Роббимиз, бизга сабр тўккин, собитқадам қилгин ва кофир қавмларга қарши нусрат бергин», – дедилар.**

Улар душман билан тўқнашганларида, дуо қилиб, Аллоҳдан сўрайдиган нарсаларини сўрашга шошилдилар. Ўша пайт дуо қабул бўладиган пайт. Ҳақиқий мўминлар ҳар доим Аллоҳни эсан чиқармайдилар. Аллоҳнинг кўрсатмасига биноан керакли тадбирларни ишга соладилар ва ҳамма нарса қўлида бўлган Зотга ёлборадилар.

**«Роббимиз, бизга сабр тўккин»** иборасидан сабр худди тўкиладиган нарсадек тасаввур беради. Худди сувни тўккандек, бошидан тўкиб юборса, оқиб оёғига тушади. Сабр энг керакли нарса бўлганидан мазкур мўминлар уни аввал зикр қилишди.

**«Собитқадам қилгин»**–бу улуғ ишда қадамимиз тойилмасин, собит турсин. Бу ҳам Аллоҳнинг ёрдами билан бўладиган иш.

**«Ва кофир қавмларга қарши нусрат бергин.»**

Мўминларнинг орзуси – кофирлар устидан ғолиб чиқишдир. Уларнинг орзуси рўёбга чиқди.

فَهَزَمُوهُمْ بِإِذْنِ اللَّهِ وَقَتَلَ دَاوُدُ جَالُوتَ وَءَاتَاهُ اللَّهُ الْمُلْكَ  
وَالْحِكْمَةَ وَعَلَّمَهُ مِمَّا يَشَاءُ وَلَوْلَا دَفْعُ اللَّهِ النَّاسَ بَعْضَهُمْ بِبَعْضٍ  
لَفَسَدَتِ الْأَرْضُ وَلَكِنَّ اللَّهَ ذُو فَضْلٍ عَلَى الْعَالَمِينَ ﴿٢٥١﴾

**251. Бас, Аллоҳнинг изни билан уларни енгдилар ва Довуд Жолутни қатл этди. Сўнгра, Аллоҳ унга подшоҳлик ва ҳикматни берди ва хоҳлаган нарсасини ўргатди. Агар Аллоҳнинг баъзи (одам)ларни баъзиларига дафъ қилиши бўлмаса эди, ер юзи бузиларди. Лекин Аллоҳ оламлар устидан фазл эгасидир.**

Толут ва унинг аскарлари Жолут ва унинг аскарлари устидан ғалаба қозондилар. Бу ғалаба, албатта, Аллоҳнинг изни билан бўлди. Ҳеч бир нарса унинг изнисиз бўлмайди. Аллоҳ Ўз иродасини мўминлар орқали юзага чиқаради.

**«Бас, Аллоҳнинг изни билан уларни енгдилар ва Довуд Жолутни қатл этди.»**

Довуд Толут аскари ичида ёш йигит эди. Жолут эса, катта кучга эга бўлган подшоҳ, ҳамманинг қалбига даҳшат солиб турувчи аскарбоши эди. Аллоҳ таоло ушбу зolim подшоҳ ва аскарбошининг ёшгина йигитча қўлида қатл бўлишини ирода қилди. Бу билан одамларга, Аллоҳ хоҳласа, ҳар қандай жаббор бўлса ҳам, бир ёш йигит

унинг ўлимига сабаб бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Шу билан бирга, бу ишнинг ортида бошқа ҳикмат ҳам бор эди:

**«Сўнгра, Аллоҳ унга подшоҳлик ва ҳикматни берди ва хоҳлаган нарсасини ўргатди».**

Довуд Аллоҳнинг инояти билан Толутдан кейин Бани Исроилга подшоҳ бўлди. Унинг подшоҳлик даври олтин давр бўлди. Аллоҳ таоло унга подшоҳликка қўшиб ҳикматни, яъни, Пайғамбарликни ҳам берди. Шу билан бирга, унга уруш асбобларини ясашни ҳам ўргатди.

**«Агар Аллоҳнинг баъзи(одам)ларни баъзиларига дафъ қилиши бўлмаса эди, ер юзи бузиларди.»**

Яъни, кофирларни мўминлар билан дафъ қилиб турмаса, мўминларни кофирлар устидан ғолиб қилмаса, кофирлар ер юзини фасодга тўлғазиб юборадилар.

**«Лекин Аллоҳ оламлар устидан фазл эгасидир.»**

Шунинг учун, баъзиларини баъзиларига дафъ қилиб, ишни тўзатиб, тўғрилаб туради.

تِلْكَ آيَاتُ اللَّهِ نَتْلُوهَا عَلَيْكَ بِالْحَقِّ وَإِنَّكَ لَمِنَ الْمُرْسَلِينَ ﴿٢٥٢﴾

**252. Булар Аллоҳнинг оятларидир. Уларни сенга ҳақ ила тиловат қилурмиз. Ва, албатта, сен Пайғамбарлардандирсан.**

«Булар» — мингларча одамларни ўлдириш ва тирилтириш, тобутни фаришталар кўтариб келиши, оз сонли мўминларнинг кўп сонли кофирларнинг устидан ғолиб келиши ҳақидаги хабарларни ўз ичига олган оятлардир. Уларни Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига ҳақ ила ҳикоя қилиб бермоқда.

«**Ҳақ билан**» дегани — қандай бўлган бўлса, шундай, воқеъликдаги ҳодисанинг ўзини айтиб бермоқда, деганидир. Ушбу оятда Расулуллоҳ алайҳиссалату вассаломнинг Пайғамбарликлари ҳақ эканининг таъкиди ҳам бор. Чунки юқоридаги оятлар у кишининг ҳақиқий пайғамбар эканликларига ёрқин далилдир. Ҳеч бир китобни ўқимай, ҳеч кимдан дарс олмай, бундай хабарни айтиш фақат ҳақиқий Пайғамбарнинггина қўлидан келади.

Қуръони Карим Аллоҳнинг оятларидир, бошқа бировники эмас. Пайғамбаримизга бу оятларни Аллоҳнинг Ўзи ҳақ билан тиловат қилмоқда. Бошқа биров эмас. Шунинг учун, Қуръон оятларига ўзига яраша эътибор ила қараш керак.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақ Пайғамбарлардан эканликларининг баёнидан кейин энди Пайғамбарларнинг

мақомларини, баъзиларининг хусусиятларини, умматлари билан бўлган алоқаларини ва бошқа ҳолатларини умумий тарзда айтиб ўтилади:

﴿ تِلْكَ الرُّسُلُ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ مِنْهُمْ مَنْ كَلَّمَ اللَّهُ وَرَفَعَ بَعْضَهُمْ دَرَجَاتٍ ۚ وَآتَيْنَا عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ الْبَيِّنَاتِ وَأَيَّدْنَاهُ بِرُوحِ الْقُدُسِ ۗ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَقْتَلْنَا الَّذِينَ مِنْ بَعْدِهِمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتْهُمْ الْبَيِّنَاتُ وَلَكِنْ اخْتَلَفُوا فَهُمْ مِنْ عَامِنٍ وَمِنْهُمْ مَنْ كَفَرَ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَقْتَلُوا وَلَكِنْ اللَّهُ يَفْعَلُ مَا يُرِيدُ ﴾

**253. Булар Пайғамбарлар.** Уларнинг баъзиларини баъзиларидан фазллик қилдик. Улардан Аллоҳ гаплашгани бор ва баъзиларининг даражасини кўтарган. Ва Ийсо ибн Марямга оидин (мўъ-жиза)ларни бердик ва уни муқаддас руҳ билан қўлладик. Агар Аллоҳ хоҳлаганида, улардан кейин қолганлар ўзларига очиқ-ойдин баёнотлар келганидан сўнг урушмас эдилар. Лекин ихтилоф қилдилар. Улардан кимдир иймон келтирди, кимдир куфр келтирди. Агар Аллоҳ хоҳлаганида, урушмас эдилар. Лекин Аллоҳ нимани ирода қилса, шуни қилади.

Қуръони Каримнинг ҳар бир сўзидан, ҳар бир ҳарфидан катта-катта маънолар келиб чиқади. Бу ҳақиқатни кишилар тушуниб етишлари керак, холос. Ушбу ояти кариманинг аввалида «Булар» деган сўз келмоқда. Бу Пайғамбар алайҳиссаломларга нисбатан бўлган эҳтиром рамзидир. «Улар», «Анавилар» ёки шунга ўхшаш бошқа сўзларни ишлатмасдан, айнан

**«Булар Пайғамбарлар»,** дейилиши ҳурматга далолат қилади.

Ояти каримада Пайғамбарлар ва Пайғамбарликлар ҳақида умумий маълумот келмоқда. Шу билан бирга, баъзи Пайғамбарларнинг баъзиларидан фазли устун эканлиги ва ўша устунлик нимада эканлиги ҳам билдириб ўтилмоқда.

**«Уларнинг баъзиларини баъзиларидан фазллик қилдик.»**

Мазкур фазл Пайғамбар алайҳиссаломларни ўраб турган муҳитга боғлиқ. Мисол учун, баъзи Пайғамбарлар бир қабилага, бошқалари бир авлодга, яна бирлари бир умматга, баъзилари эса, барча умматлар ва барча авлодларга юборилган бўладилар. Шунингдек, бу фазллар Пайғамбарликнинг табиатига, унинг инсон ҳаётини қанчалик қамраб олишига ҳам боғлиқдир.

Ояти каримада мазкур ҳолга иккита мисол келтирилади:



**1) «Улардан Аллоҳ гаплашгани бор».**

Яъни, Пайғамбарлар ичида Аллоҳ у билан гаплашгани бор. Аллоҳ билан гаплашиш ҳақида сўз кетганда, албатта, Мусо алайҳиссалом ёдга тушадилар. Бу маъно озми-кўпми диндан хабардор барча кишиларга маълум. Қуръони Каримда бир неча бор такрорланган ҳақиқат. Мусо алайҳиссаломнинг лақаблари «Калиймуллоҳ»дир. Яъни, Аллоҳ ила сўзлашган, шунинг учун ҳам оятда у кишининг номлари айтиб ўтирилмади.

**«Ва баъзиларининг даражасини кўтарган.»**

Аллоҳ таоло Ўз ҳикмати ила баъзи Пайғамбарларининг даражасини кўтариб қўйган. Бу ҳам маълум ва машҳур.

**2) «Ва Ийсо ибн Марямга оидин(мўъжиза)ларни бердик ва уни муқаддас руҳ билан қўлладик».**

Қуръони Карим доимо Ийсо алайҳиссаломни оналари Биби Марямга нисбат бериб зикр қилади. Бу билан у кишининг инсон эканликларини таъкидлайди ва у зот ҳақидаги турли афсоналарнинг бекор эканлигини исбот қилади. У кишига берилган «ойдин (мўъжиза)лар» ҳақида ҳам кўплаб оятлар келган. Буларга у кишига туширилган «Инжил» китоби ва у кишига Аллоҳ берган бошқа турли мўъжизалар киради. «Муқаддас руҳ» деб таржима қилинган «Руҳул қудус»дан мурод Жаброил фаришта алайҳиссаломдир. У ваҳийга хизмат қилувчи, Аллоҳнинг ваҳийини Пайғамбарларга етказувчи фариштадир. Қайси Пайғамбарга Жаброил алайҳиссалом келсалар, катта қўллаш ҳисобланади.

Ояти каримада Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзларига хитоб бўлаётгани учун у зотнинг фазллари зикр қилинмади. Ҳамма Пайғамбарлар ичида Муҳаммад алайҳиссаломга назар соладиган бўлсак, у зот энг олий чўққида турадилар. Пайғамбарликнинг ҳамма нуқтаи назаридан қараганда, у зот ва у кишининг Пайғамбарликлари ҳаммадан устун туради. У кишининг Пайғамбарликлари барча авлодлар, барча умматлар ва халқлар учундир. У кишининг Пайғамбарликлари қиёмат кунига қадар бардавомдир. У кишининг Пайғамбарликлари тўлиқ, ҳеч қандай камчиликсиз ва кишиларга икки дунё саодатини берувчи Пайғамбарликдир. Шунинг учун ҳам, у кишидан кейин ваҳий келиши тўхтаган. Аллоҳ таоло бошқа ҳамма Пайғамбарларга берган фазилатларни жамлаб Муҳаммад алайҳиссаломга бергандир.

Шундай бўлса ҳам, Пайғамбаримиз алайҳиссалом Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда:

«Мени бошқа Пайғамбарлардан устун қўйманглар», – дейдилар.

Бу-нақадар улуғ камтарлик, буюк тавозуъ. Уламоларимиз ушбу оят ва ҳадисдаги маъноларнинг бир-бирига қарама-қарши эмасли-

гини таъкидлаб, оятда воқелиқдан хабар берилган, ҳадис Пайғамбар алайҳиссаломнинг камтарликларига, Пайғамбарларнинг фазлини белгилаш Аллоҳнинг иши эканлигига далолат, деганлар.

**«Агар Аллоҳ хоҳлаганида, улардан кейин қолганлар ўзларига очиқ-ойдин баёнотлар келганидан сўнг урушмас эдилар».**

Демак, пайғамбарлардан кейин қолган умматларнинг урушишлари ҳам Аллоҳнинг ирода, хоҳиши билан бўлар экан. Бу дунёда ҳеч нарса Аллоҳ таолонинг иродасидан четга чиқа олмайди. Инсонлардаги ақл, истеъдодлар турлича, ушбу турли-туманлик баъзи вақтларда ҳар ким ўзиникини тўғри деб билиб, ўз фикрини ўтказишга уриниши оқибатида ихтилофларга, ихтилофлар эса, урушга олиб келади. Бунинг ҳаммаси Аллоҳнинг хоҳиши билан бўлади.

**«Лекин ихтилоф қилдилар. Улардан кимдир иймон келтирди, кимдир куфр келтирди.»**

Ихтилоф кучайиб бориб, куфр ва иймон орасидаги ихтилоф даражасига етди. Иймон билан куфр юзма-юз бўлганида, уруш қилмаса бўлмайдиган даражага етган бўлади. Чунки, куфр билан ер юзи обод бўлмайди. Кишилар бахт-саодатга эришмайди. Кофир бўлиб туриб, пайғамбарларга эргашяпман, дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Иймон, эътиқод асосида уруш қилиш ҳам Аллоҳнинг иродаси билан бўлади. Бўлмаса:

**«Агар Аллоҳ хоҳлаганида, урушмас эдилар. Лекин Аллоҳ нимани хоҳласа, шуни қиладир».**

Унинг иродаси чегара билмайди.

Ушбу оятда ихтилоф ва уруш зикр қилинганидан сўнг, келаси оятда урушга доим ҳамроҳ, зарур бўладиган нарса — мол-мулк сарфлаш ва нафақа қилиш ҳақида даъват келади:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَنْفِقُوا مِمَّا رَزَقْنَاكُمْ مِّن قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَ يَوْمٌ لَا بَيْعٌ فِيهِ وَلَا خُلَّةٌ  
وَلَا شَفَعَةٌ وَالْكَافِرُونَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿٢٥٤﴾

**254. Эй, иймон келтирганлар! Сизга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан на олди-сотди, на ошна-оғайничилик ва на шафоатчилик йўқ Кун келмасдан олдин нафақа қилинг. Ва кофирлар — ўшалар золимлардир.**

Ушбу оятда Аллоҳ Ўз бандаларига яна уларга ёқадиган сифатлар ила:

**«Эй, иймон келтирганлар!»** деб хитоб қилмоқда. Бу сифат бандаларни Роббиларига боғлаб турадиган сифатдир. Чақириқ эса, мол-

дунё сарфлашга, нафақа қилишга қаратадир. Нафақа сўзининг моҳиятида уни қаяққа сарфлаш маъноси ҳам жо этилгандир. Яъни, Аллоҳ кўрсатган жойларга мол сарфлаш тушунилади. Шунинг учун бу ерда нимага нафақа қилиш масаласига алоҳида урғу берилмаган. Лекин нимадан нафақа қилиш эслатилмоқда:

**«Сизга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан».**

Демак, Аллоҳ таолонинг Ўзи берган нарсадан баъзи қисмини Ўзи кўрсатган жойга сарфланар экан. Ҳам нафақа вақти таъкидланяпти:

**«на олди-сотди, на ошна-оғайни ва на шафоатчилик йўқ Кун келмасдан олдин».**

Яъни, қиёмат бўлмасдан бурун нафақа қилиб қолинглар. Бундай имконият сизларда бугун бор. Чунки, қиёмат кунида савдо-сотик қилиб молу дунёни кўпайтиришга ҳожат қолмайди, ошна-оғайничилик асосида иш битириб бўлмайди, ўртага воситачиларни — шафоатчиларни қўйиб ҳам иш битирилмайди. Бу ерда кўпроқ кичик қиёмат — ўлим ҳақида сўз боряпти. Ким ўлса, унинг қиёмати қоим бўлади. Шунинг учун, ўлимдан олдин молу дунёни нафақа қилиб, кўпроқ савоб ишлаб олиш керак.

Пайғамбарлардан сўнг ихтилоф ва уруш бўлиши тўғрисидаги очиқ-ойдин баёнотлар ва иймондан сўнгра куфр келтирганлар ҳақидаги оятлардан кейин иймоний тасаввур қоидаларини ўзига жамлаган оят келади. Бу ояти карима «Курсий ояти» номи билан машҳур бўлиб, ушбу оятда келган ҳар бир сифатнинг ўзи умумий исломий тасаввурлардан бирига қоида бўлади:

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ لَا تَأْخُذُهُ سِنَّةٌ وَلَا نَوْمٌ لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا يَئُودُهُ حِفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ

255. Аллоҳ, Ундан ўзга илоҳ йўқ. У тирикдир ва қаййумдир. Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмас. Осмонлару ердаги нарсалар Уникидир. Унинг ҳузурида Ўзининг изнисиз ҳеч ким шафоат қила олмас. У уларнинг олдиларидаги нарсани ҳам, ортларидаги нарсани ҳам билур. Унинг илмидан ҳеч нарсани ихота қила олмаслар, магар Ўзи хоҳлаганини, холос. Унинг курсиси осмонлару ерни

**қамраган. У уларни муҳофаза қилишдан чарчамас. Ва У Алий ва Азим Зотдир.**

Ушбу ояти кариманинг биринчи жумласида келган сифат Аллоҳ таолонинг ягоналигини ҳеч шубҳасиз исбот қилади. Бошқа динларда пайдо бўлган нотўғри ақийдаларни ҳам тўғрилайди. Пайғамбарлардан кейин ихтилофга тушган умматлар Аллоҳнинг сифатларида ҳам ихтилоф қилишган. Мисол учун, христианлар (насоролар) Ийсо алайҳиссаломдан кейин бутунлай адашиб, Аллоҳнинг зоти ҳақида нотўғри ақийдага бордилар. Улар учлик назариясини яратиб, Аллоҳ уч зотнинг учинчисидир, деганлар. Бошқалар ҳам шунга ўхшаш ихтилофлар қилишган. Исломий тасаввур бўйича эса:

**«Аллоҳ, Ундан ўзга илоҳ йўқ».**

Аллоҳ ягона, дунёда фақат Аллоҳнинг Ўзигина ибодатга сазовор Зотдир. Яъни, бандалар фақат Аллоҳнинг айтганини қилиб яшамоклари, фақат Унинг Ўзигагина банд бўлмоқликлари керак. Фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина итоат қилмоқликлари, сиғинмоқликлари, бўйсунмоқликлари ва фақат Ундангина қўрқмоқликлари керак. Фақат Аллоҳнинг шариати, қонун-қоидалари, дастури асосида яшамокликлари керак.

**«У тирикдир ва қаййумдир.»**

Ягона Аллоҳнинг тириклиги Ўзигагина хос алоҳида ҳаёт бўлиб, бандалар ҳаётига ўхшаш бошқа масдардан берилган эмас. Бу ҳаёт азалий ва абадийдир. Бошланиш чегараси ҳам, тугаш чегараси ҳам йўқ. Аллоҳнинг тириклиги ҳеч бир жиҳатдан бандаларнинг ҳаётига ўхшамайди.

Аллоҳнинг «қаййум»лик сифатининг маъноси – Аллоҳ таборака ва таолонинг ҳар бир нарса устида турувчи эканлиги ва ҳар бир турувчи нарса Унинг сабабидангина туришидир. Шу билан Аллоҳнинг туриши бошқаникига ўхшамайди ва доимийдир. Бу сифат шу даражага етганки:

**«Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмас».**

Яъни, У доимо сергак, бир лаҳза ҳам Унинг туришлиги сусаймайди.

**«Осмонлару ердаги нарсалар Уникидир.»**

Осмонларда нимаики бўлса, ерда нимаики бўлса, ҳамма-ҳаммасининг эгаси Аллоҳдир. Бу эгалик умумий бўлиб, ҳеч нарсани четда қолирмайди. Бу эгаликни ҳеч бир нарса чегаралай олмайди.

**«Унинг ҳузурида Ўзининг изнисиз ҳеч ким шафоат қила олмас.»**

Бу ҳам улкан сифатлардан бўлиб, Аллоҳнинг ва банданинг мақомини баён қилиб беради. Бандаларнинг барчаси ким бўлишидан

қатъиназар, Аллоҳнинг ҳузурида бандалигини тан олиб туриб қоладилар. Бу бандаликни чуқур ҳис этиш шу даражага етганки, ҳатто ҳеч ким орага тушиб, бировга шафоатчилик қилишга ҳам журъат қила олмайди. Фақат Аллоҳнинг Ўзининг изни билангина, У берган изн чегарасидагина шафоат қила олади. Бу сифат ўтган оятдаги «... ва шафоатчилик йўқ» жумласидан истисно эканлигини билиб оламиз. Демак, умумий қоидага биноан шафоатчилик йўқ, аммо истисно тариқасида Аллоҳнинг изни билан баъзи кишилар шафоат қилишлари мумкин.

**«У уларнинг олдиларидаги нарсани ҳам, ортларидаги нарсани ҳам билур.»**

Бу сифат Аллоҳнинг илми шомил илм эканлиги ва У Зот ҳамма нарсани Ўзининг чексиз илми билан билиб туришини билдиради. Аллоҳ таоло бандаларнинг аввал қилган ишларини ҳам, шунингдек, ҳозир бўлаётган ва келажақда бўладиган ишларини ҳам билиб туради. Аллоҳ таолонинг илми чексиз ва ҳамма нарсани қамраб олган, шу жумладан, бандалари билган ва билмаган нарсаларни ҳам билди. Бандалар эса:

**«Унинг илмидан ҳеч нарсани ихота қила олмаслар, магар Ўзи хоҳлаганини, холос.»**

Демак, бандалар Аллоҳ билишларини хоҳлаган нарсаларнигина биладилар, холос. Инсон, «Илмнинг чўққисига чиқдим», деб жар солганда ҳам, Аллоҳ изн берган озгина илмга эришган бўлади, холос.

**«Унинг курсиси осмонлару ерни қамраган.»**

Одатда курси мулкка далолат қилади. Шунинг учун, ушбу жумлани баъзи уламоларимиз айтганларидек, Аллоҳнинг султони осмонлару ерни қамраб олган, деб тушунсак бўлади.

Аслида эса, курси ва унга тааллуқли нарсалар, бинобарин, ушбу жумла ҳақида уламоларимиз ўзларига етган далиллар асосида бир неча хил фикрлар айтганлар.

Жумладан, баъзи уламоларимиз курсини «илм» деганлар. Шунга биноан, мазкур жумланинг маъноси, Унинг илми осмонлару ерни қамраган, бўлади.

Буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ушбу жумла тафсирида: «Курси луғатда икки қадам маъносини англатади. Аршнинг миқдорини Аллоҳдан бошқа билмайди», деганлар.

Ушбу ва шунга ўхшаш бошқа ривоятларга асосланиб уламоларимиз: Курси Аршдан бошқа нарса, деганлар.

Ибн Жарир Тобарий Абу Зарр розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда Пайғамбар алайҳиссалом: «Аршнинг олдида Курси худди кенг ерга ташланган темир ҳалқага ўхшайди, холос», деганлар.

Ўтган уламоларимизнинг кўплари: «Курси Аршнинг олдига қўйиладиган поғонасимон нарса», деганлар.

Шуларга биноан, ақийда бўйича мутахассис уламоларимиз: «Биз Аллоҳнинг Арши ва Курсиси борлигига иймон келтирамиз. Бу икки нарса одамларнинг арши – тахти ва курсисига ўхшамайди. У иккисининг ҳажми, кайфияти ва сифатини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Бизнинг эса, уларни билишга ҳожатимиз йўқ. Агар ҳожатимиз бўлганида, Аллоҳнинг Ўзи баён қилиб берган бўларди», – дейдилар.

**«Уларни муҳофаза қилиш Уни чарчатмас.»**

Яъни, Аллоҳ таоло осмонлару ерни муҳофаза қилиб, тасарруф қилишдан чарчамайди. Бу иш Унга ҳеч қандай оғирлик қилмайди. Бу сифат Аллоҳнинг қудрати комил ва чексиз эканлигини кўрсатади.

**«Ва У Алий ва Азим Зотдир.»**

Аллоҳ ҳамма нарсадан юқори ва олийдир, Аллоҳ ҳамма нарсадан улуғдир.

Имом Муслим ва имом Аҳмад Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда, Аллоҳнинг китобидаги энг улуғ оят Курси ояти эканлиги таъкидланган.

Имом Насайй Абу Умомадан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Ким ҳар фарз намоздан кейин «Оятул Курсий»ни ўқиса, унинг жаннатга киришини фақат ўлим тўсиб туради, холос», деганлар. Яъни, ўлмагани учун жаннатга кирмайди, агар вафот этса, уни жаннатдан тўсадиган ҳеч нарса қолмайди, дегани.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қуйидаги ҳодисани ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени Рамазон закотини сақлашга вакил қилдилар. Биров келиб тўпланган егуликдан ҳовучлаб ола бошлади. Уни ушлаб:

«Ҳозир сени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бораман», – дедим. У:

«Мени қўйиб юбор, бола-чақам бор, жуда ҳам муҳтожман», – деди. Уни қўйиб юбордим. Тонг отганда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Ҳой, Абу Ҳурайра! Кечаги асиринг нима қилди?» – дедилар. Мен:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, жуда ҳам муҳтожлигидан, бола-чақасининг кўплигидан шикоят қилувди, раҳмим келиб, қўйиб юбордим», – дедим. У киши алайҳиссалом:

«Сенга ёлғон гапирган бўлиб, қайтиб келса-чи?» – дедилар. Пайғамбар алайҳиссаломнинг «қайтиб келса-чи», деганларидан унинг

яна келишини билдим ва пойлаб турдим. У келиб, яна егуликдан ҳовучлаб ола бошлади. Уни тутиб олдим ва:

«Сени Расулуллоҳнинг олдиларига олиб бораман», — дедим. У:

«Мени қўйиб юбор, бола-чақам бор, жуда ҳам муҳтожман», — деди. Раҳмим келиб, уни қўйиб юбордим. Тонг отганда, Пайғамбар алайҳиссалом:

«Ҳой, Абу Ҳурайра, кечаги асиринг нима қилди?» — дедилар. Мен:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, жуда ҳам муҳтожлигидан, бола-чақасининг кўплигидан шикоят қилувди, раҳмим келиб, қўйиб юбордим», — дедим. У киши алайҳиссалом:

«Сенга ёлғон гапирган бўлиб, қайтиб келса-чи?» — дедилар. Учинчи марта пойлаб туриб, яна ушлаб олдим ва:

«Энди уч марта бўлди, сени Расулуллоҳнинг ҳузурларига албатта, олиб бораман. Ҳар сафар қайтиб келмайман, деб яна келасан», — дедим. У:

«Мени қўйиб юборсанг, Аллоҳ сенга манфаат берадиган сўзларни ўргатиб қўяман», — деди. Мен:

«Улар қандай сўзлар?» — дедим. У:

«Кўрпангга кириб ётганингда, «Оятул курсий»ни ўқисанг, Аллоҳ тарафидан сени қўриқчи қўриб турадиган бўлади. Тонг отгунча сенга шайтон яқинлашмайди», — деди. Эртасига Расулуллоҳ алайҳиссалом:

«Ўзи ёлғончи бўлса ҳам, сенга рост гапирибди, — дедилар ва:

«Уч кундан бери ким билан гаплашаётганингни биласанми, эй, Абу Ҳурайра?» — дедилар. Мен, йўқ, дедим, у киши алайҳиссалом:

«Ўша шайтондир», — дедилар.

Исломий тасаввур қоидаларини баён қилиб бўлингандан сўнг, келаси оятларда мазкур тасаввур эгалари — мўминларнинг йўли қандоқ бўлиши зарурлиги баён қилинади:

لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ قَدْ تَبَيَّنَ الرُّشْدُ مِنَ الْغَيِّ فَمَنْ يَكْفُرْ بِالطَّاغُوتِ وَيُؤْمِنْ بِاللَّهِ  
فَقَدْ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ الْوُثْقَىٰ لَا انفِصَامَ لَهَا وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ

**256. Динга мажбур қилиш йўқ. Батаҳқиқ, ҳақ ботилдан ажради. Ким тоғутга куфр келтириб, Аллоҳга иймон келтирса, батаҳқиқ, узилмайдиган мустаҳкам тутқични ушлаган бўлади. Ва Аллоҳ эшитувчи, билувчи Зотдир.**

Ақийда, иймон масаласи инсон қалбига боғлиқ жуда ҳам нозик бир масаладир. Бу нарсани мажбур этиб, куч билан сингдириб бўлмайди. Балки, ҳар бир инсон баён қилинган нарсаларга тушуниб

иймон келтиргандагина мақсад ҳосил бўлади. Исломда ушбу қоидага қаттиқ риоя қилинади. Аллоҳ таоло Ўзи:

**«Динга мажбур қилиш йўқ. Батаҳқиқ, ҳақ ботилдан ажради»**, деб қўйган. Яъни, Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга Қуръони Каримни тушириб, Исломни жорий қилгандан сўнг, тўғри йўл нотўғрисида, ҳақ ботилдан ажради. Ҳамма нарса ўз ўрнини топди. Шундай бўлгандан кейин «Динга мажбур қилиш йўқ». Ҳар кимга Аллоҳ ақл берган, ўзига керак йўлни танлаб олсин.

Ушбу қоидага амал қилиниб, тарихда одамларни, бошқалар каби, Исломга мажбур қилиб киритиш бўлмаганидан, балки барча халқлар ўз ихтиёри, ишончи ва ақийдаси ила Исломни қабул қилганидан, бу дин қаерга борса, ўша ерда ўрнашиб қолди. Мажбурий йўл билан тарқатишга уринилган ақийда ва мафкуралар эса, бақосиз бўлди. Энг яқин мисол – коммунистик мафкура. Бу балони кишиларга тарқатиш учун бўлган ҳаракатдек кучли ва бардавом ҳаракат тарихда ҳеч кўрилмаган бўлса керак. Лекин озгина муддатдан сўнг коммунист раҳбарларнинг ўзи бу нарсани бошқалардан кўпроқ танқид қиладиган бўлиб қолишди.

Кишилар орасида «Динга мажбур қилиш йўқ» ояти каримаси билан жиҳодни бир-бирига зид, деб ўйлаб, ушбу ояти карима насх бўлган, амали бекор қилинган, дейдиганлари ҳам бор. Аммо, аслини олганда, ундай эмас. Жиҳод – Аллоҳнинг динига даъват қилиш учун бўлган ҳаракат. Мужоҳидлар қаршиларидаги одамлар иймонга келсалар, хурсанд бўладилар ва уларни ўз қардошлари, деб биладилар. Агар мусулмон бўлмасдан, ўз динида қолишни хоҳласа, даъватчиларнинг йўлини тўсмай, очиб қўйсалар, марҳамат, динга мажбур қилиш йўқ. Аммо, ўзи мусулмон ҳам бўлмаса, йўлни очмай мужоҳидларга тўсқинлик ҳам қилса, унда урушдан бошқа илож қолмайди.

«Динга мажбур қилиш йўқ» жумласига тегишли кўп тарқалган иккинчи тушунмовчилик ҳам бор. Ўзини мусулмон санаб юрган баъзи кишиларга мусулмонлик вазифасини бажариш зарурлиги эслатилса, дарҳол: «Динга мажбур қилиш йўқ», дейди. Бу – далилдан нотўғри фойдаланишдир. Рост, сен яҳудий ёки насроний бўлсанг, сени Исломга мажбур қилиш йўқ. Лекин сен мусулмонлик даъвосини қилиб турсанг-у, ўз мусулмонлик вазифангни бажармасанг, бўлмайди. Мусулмонлик вазифасини бажармаган шахсга нисбатан жазо чоралари кўрилади. Мисол учун, намозни олайлик. Уни инкор қилган одам кофир бўлади. Диндан қайтганнинг жазоси ўлим. Намознинг фарзлигини тан олиб, дангасалигидан ўқимаётган одам олдин огоҳлантирилади, сўнг қамалади ва охири ўлимга ҳукм қилинишгача етиб боради. Демак, бу оятни «динга олиб киришга мажбур қилиш



йўқ», деб тушунмоқ керак. Бу эса, инсоннинг ҳурмати, унинг ҳуқуқлари ҳимоясидир.

**«Батаҳқиқ, ҳақ ботилдан ажради.»**

Ҳақдан мурод – иймон, ботилдан мурод – куфрдир.

Сўнгра, оятда иймоннинг ҳақиқати яна ҳам равшанроқ баён қилинади:

**«Ким тоғутга куфр келтириб, Аллоҳга иймон келтирса, батаҳқиқ, узилмайдиган мустаҳкам тутқични ушлаган бўлади.»**

Тоғут «туғён»дан олинган бўлиб, Аллоҳ чизган чизиқдан чиқишга айтилади. Аллоҳнинг йўлидан бошқа йўлни «тоғут» дейилади. Тоғутнинг каттаси шайтондир. Дунёда куфр келтириш лозим нарса – тоғутдир. Иймон келтириш лозим Зот эса – Аллоҳдир. Шунинг учун, тоғутга куфр келтириб, Аллоҳга иймон келтириб, узилмайдиган мустаҳкам тутқични тутишга ҳаракат қилмоқ лозим.

**«Ва Аллоҳ эшитувчи, билувчи Зотдир.»**

У Зот тиллар нимани нутқ қилса, ҳаммасини эшитади. У Зот дилдан нима ўтса, ҳаммасини билади.

اللَّهُ وَلِيُّ الَّذِينَ ءَامَنُوا يُخْرِجُهُم مِّنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ وَالَّذِينَ كَفَرُوا  
أَوْلِيَآؤُهُمُ الطَّاغُوتُ يُخْرِجُونَهُم مِّنَ النُّورِ إِلَى الظُّلُمَاتِ أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ  
النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿٢٥٧﴾

**257. Аллоҳ иймон келтирганларнинг дўстидир. Уларни зулматлардан нурга чиқарур. Куфр келтирганларнинг дўстлари тоғутлардир. Уларни нурдан зулматларга чиқарурлар. Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадийдирлар.**

Биз оятда «дўст» деб таржима қилган ибора арабчада «валий» деб келган бўлиб, бу сиз билан бизнинг тушунчамиздаги «дўст»дан кўра кенгроқ тушунчани ифода қилади. Бу дўст, ишбоши, ҳамма керакли нарсаларни тайёрлаб, ишларни тўғри изга солиб турувчи ғамхўрдир.

**«Аллоҳ иймон келтирганларнинг дўстидир.»**

Яъни, ишбошиси, ғамхўридир. Шу боисдан ҳам:

**«Уларни зулматлардан нурга чиқарур».**

Иймон деб аталган нурга чиқаради. Аллоҳнинг йўли, Иймон йўли битта – нур йўлидир. Ундан бошқа ҳамма йўллар зулматдан иборатдир. Шунинг учун ҳам, оятда нурни бирликда, зулматларни кўпликда зикр қилинмоқда. Аллоҳнинг йўлидан бошқа ҳамма йўллар, қайси

ном билан аталишидан қатъиназар, зулматдир. Куфр зулмати, нифоқ зулмати, яҳудийлик зулмати, насоролик зулмати, коммунизм зулмати ва ҳоказо бошқа зулматлар. Аллоҳ таоло иймон йўлига юрганларни ушбу зулматларнинг барчасидан иймон нурига чиқаради. Иймонлиларнинг қаршисида бошқа тоифа ҳам бор, улар куфр келтирганлардир. Хўш, уларнинг ҳоли қандай экан?

**«Куфр келтирганларнинг дўстлари тоғутлардир.»**

Яъни, кофирларнинг ишбошилари, ғамхўрлари, Аллоҳнинг йўлидан бошқа йўлдагилардир. Тоғутнинг каттаси шайтондир. Шундай экан, тоғутлар ўзларига эргашганларга қандай дўстлик қиладилар?

**«Уларни нурдан зулматларга чиқарадилар.»**

Тоғутлар ўзларига эргашганларни иймон нуридан чиқариб, жоҳилият зулматларига киритадилар.

Аввал айтилганидек, зулматлар жуда ҳам кўп ва турли номлар билан аталадилар. Оқибат нима бўлади? Оқибатда:

**«Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадийдирлар.»**

Юқорида одамлар икки тоифага ажраб, айримлари кофир, айримлари мўмин бўлиб кетганлари баён қилинган эди.

Келаси оятларда уларнинг баъзи бир ҳолатларининг, хусусан, туғёнга кетган кофирларнинг Аллоҳнинг ва Унинг сифатларини инкор қилишларининг зикри келади:

أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ حَاجَّ إِبرَهِمَ فِي رَبِّهِۦٓ أَنۡ ءَاتَهُ اللّٰهُ الْمَلَكَ إِذۡ قَالَ إِبرَهِمُ رَبِّيَ  
الَّذِي يُحْيِيۦ وَيُمِيتُ قَالَ أَنَا أُحْيِيۦ وَأُمِيتُ ۗ قَالَ إِبرَهِمُ فَإِنَّ اللّٰهَ يَأْتِيۦ بِالشَّمْسِ مِنَ  
الْمَشْرِقِ فَأْتِ بِهَا مِنَ الْمَغْرِبِ فَبُهِتَ الَّذِي كَفَرَ ۗ وَاللّٰهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظّٰلِمِينَ ﴿٢٥٨﴾

258. Аллоҳ подшоҳлик бериб қўйгани сабабидан Иброҳим билан Роббиси ҳақида ҳужжат талашгани билмадингми? Иброҳим: «Менинг Роббим тирилтиради ва ўлдиради», деганда, у: «Мен тирилтираман ва ўлдираман», – деди. Иброҳим: «Албатта, Аллоҳ қуёшни Машриқдан чиқарур, бас, сен уни Мағрибдан чиқаргинчи», – деди. Бас, куфр келтирган лол қолди. Ва, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоятга солмас.

Ушбу ояти карима Иброҳим алайҳиссалом билан у кишининг даврларида ўтган бир ҳукмдор подшоҳнинг тортишувини ҳикоя қилади. Қуръони Карим одатдагидек, у подшоҳнинг исмини зикр қилмайди. Чунки ибрат унинг исмида эмас, балки тасарруфидадир. Тортишув Парвардигори Олам ҳақида бўлган. У кофир подшоҳ,

гапига қараганда, Аллоҳнинг борлигига шубҳа қилмайди, балки Унинг сифатларига шубҳа қилади. Хусусан, Оятул Курсийда зикр қилинган сифатларни инкор этади. Аммо, уни бундай тасарруфга олиб келган нарса нима? Нима сабабдан шунчалик даражада ноқобил бўлиб, Аллоҳнинг улул азим Пайғамбарларидан бўлган Иброҳим алайҳиссалом билан Парвардигори Олам ҳақида тортишди экан?

**«Аллоҳ подшоҳлик бериб қўйгани сабабидан...»**

Аслини олганда, Аллоҳ унга подшоҳлик, мулк берганига шукр қилиши керак эди. Лекин кофирлик ёмон нарса, шунинг учун кофирга султон, ҳукм, подшоҳлик берилса, ҳаддидан ошади, туғёнга кетади. Ҳатто худолик даъвосини қилади. Ўзининг ожиз банд эканини унутади. Унга неъматни ким берганини билмайди. Шукр қилиш ўрнига, ношукрлик қилади. Бу жуда ҳам ёмон иш. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло бу оят орқали Ўз Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга қилаётган хитобида ўша ҳолатни инкор қилиш маъноси ҳам бор.

**«Аллоҳ подшоҳлик бериб қўйгани сабабидан Иброҳим билан Роббиси ҳақида ҳужжат талашгани билмадингми?»**

Аллоҳ берган катта неъмат сабабидан Аллоҳнинг сифатларини инкор қилиб, Унга қарши чиқиш қандай ҳам ёмон иш! Ояти кариманинг кейинги жумлаларини ўргансак, бу ишнинг нақадар ёмон эканлиги янада намоён бўлади.

**«Иброҳим: «Менинг Роббим тирилтиради ва ўлдиради», деганда, у: «Мен тирилтираман ва ўлдираман», – деди».**

Кофир билан тортишувда Иброҳим алайҳиссалом «тирилтириш» ва «ўлдириш» Аллоҳ таолонинг иши эканини бежиз зикр қилмаганлар. Биз ожиз бандалар ҳар лаҳзада тирилтириш ва ўлдириш ҳолатининг гувоҳи бўлиб турамыз. Кимдир ҳаётга кириб келади, кимдир ҳаётни тарк этиб, ўлимга дучор бўлади. Бу жараён ҳар лаҳзада такрорланиб туради. Лекин ҳозиргача ҳаётнинг ва ўлимнинг ҳақиқатини ҳеч ким тушуниб етгани йўқ. Ҳаёт асари борлигини кўриб, бу тирлик, деймиз; ўлим аломати зуҳур этганини кўриб, бу ўлик, деймиз. Тирилтириш ва ўлдириш фақат Аллоҳ таолога боғлиқ сифат. Бу сифатга ҳеч ким, ҳеч қандай даражада яқин ҳам кела олмайди. Шунинг учун ҳам, Иброҳим алайҳиссалом ушбу сифатларни айнан кофир подшоҳ билан бўлган тортишувда зикр қилдилар. Бу гапни эшитган кофир подшоҳ: «...мен тирилтираман ва ўлдираман», деди».

Подшоҳлик қилиб, ўз халқи устидан ҳоким бўлиб турган одам иймонли, тақводор бўлмаса, туғёнга кетади. Ўзининг айтгани бўлиб турганини кўргандан кейин, ҳаддидан ошади. Фуқароларга маош беришга амр қилиб, мен ризқ беряпман, деб ўйлайди. Бировга мусийбатида кўмак берса, уни мен балодан сақлаб қолдим, дейди. Унинг

кофирлиги борган сари туғёнга олиб бораверади. Охири, ҳамма иш менинг ихтиёрим билан бўлади, демак, тирилтириш ва ўлдириш ҳам менинг ихтиёримда, дейишгача етиб боради. Худонинг сифатларини ўзига нисбат беради. Одатда, бундай кишилар туғёнга кетганлари сабабидан оқилона гапларга ҳам эътибор бермай, ўзларини оқилликда тенги йўқ ҳисоблаб қоладилар. Улар фақат пешоналари тўқиллаб қаттиқроқ нарсага урилгандагина бир оз ўзларига келадилар. Шунинг учун, Иброҳим алайҳиссалом кофир подшоҳга тириклик нимаю ўлим нима эканини майдалаб тушунтириб ўтирмасдан, тўғридан-тўғри пешонасига тўқиллатиб:

**«...албатта, Аллоҳ қуёшни машриқдан чиқаради, сен уни мағрибдан чиқаргин-чи?» – деди».**

Қуёшнинг машриқдан чиқиб мағрибга ботиши доимо такрорланиб турадиган жараёндир. Даврий муддати йигирма тўрт соатдир. Эътибор берилса, бу ҳол улкан мўъжизадир, Аллоҳнинг чексиз қудратига далилдир. Аллоҳ томонидан жорий этилган бу интизомни ким ўзгартира олади? Аллоҳнинг сифатларига шерикликни даъво қилиб, «Мен тирилтираман ва ўлдираман», деб айтиб, ҳаддидан ошаётган кофир подшоҳми? Агар қўлидан келса, даъвоси тўғри бўлса, мана, таклиф бўлди: Аллоҳнинг низомини бузсин-чи. Қуёшни мағрибдан чиқарсин-чи. Ҳолбуки:

**«Бас, куфр келтирган лол қолди».**

Чунки, таклиф қилинган нарсани амалга ошириш қўлидан келмайди. Жим қолишдан бошқа иложи йўқ. У нобакор очиқ-ойдин ишни тушуниб етмади. Таслим бўлиб, иймон келтириш ўрнига, куфр келтириб, талашиб-тортишишди. Адолат йўлида юрмай, зулмни ихтиёр қилди.

**«Ва Аллоҳ золим қавмларни ҳидоятга солмас.»**

Ўлим ва ҳаётнинг сир-асрори ҳақида сўз кетиб турганда, шу маънони таъкидлаш учун яна бошқа бир қисса келтирилади:

أَوْ كَالَّذِي مَرَّ عَلَى قَرْيَةٍ وَهِيَ خَاوِيَةٌ عَلَى عُرُوشِهَا قَالَ أَنَّى يُحْيِي هَذِهِ اللَّهُ بَعْدَ مَوْتِهَا فَأَمَاتَهُ اللَّهُ مِائَةَ عَامٍ ثُمَّ بَعَثَهُ قَالَ كَمْ لَبِثْتَ قَالَ لَبِثْتُ يَوْمًا أَوْ بَعْضَ يَوْمٍ قَالَ بَلْ لَبِثْتَ مِائَةَ عَامٍ فَانظُرْ إِلَى طَعَامِكَ وَشَرَابِكَ لَمْ يَتَسَنَّهْ وَانظُرْ إِلَى حِمَارِكَ وَلِنَجْعَلَكَ آيَةً لِلنَّاسِ وَانظُرْ إِلَى الْعِظَامِ كَيْفَ نُنشِزُهَا ثُمَّ نَكْسُوهَا الْحَمَامَ فَلَمَّا تَبَيَّنَ لَهُ قَالَ أَعْلَمُ أَنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿١٥٩﴾

259. Ёки шифтлари устига қулаган қишлоқдан ўтган кишига ўхшашни кўрмадингми? У: «Аллоҳ буни ўлимдан кейин қандай тирилтирур?» – деди. Бас, Аллоҳ уни юз йил ўлдирди, сўнгра, қайта тирилтирди. «Қанча ётдинг?», – деди. У: «Бир кун ёки бир куннинг баъзисича ётдим», – деди. «Балки, юз йил ётдинг, таомингга ва шаробингга назар сол, ўзгаргани йўқ ва эшагингга ҳам қара. Сени одамларга ибрат қилиш учун шундай қилдик. Ва суякларга назар сол, уларни қандоқ ҳаракатга соламиз ва уларга қандоқ гўшт кийгизамиз», – деди. Унга равшан бўлганда: «Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирлигини билдим», – деди.

Бу ояти каримада макон ва шахс аниқ кўрсатилмаган. «Шифтлари устига қулаган қишлоқ» ва бу «қишлоқдан ўтган киши» дейилган, холос. Чунки, аввал таъкидлаганимиздек, мақсад қайси қишлоқ эканини аниқлаш эмас, балки одамларни тўғри йўлга бошлашдир. Шунингдек, ўша қишлоқдан ўтган шахс ким эканлигининг ҳам аҳамияти йўқ.

**«Ёки шифтлари устига қулаган қишлоқдан ўтган кишига ўхшашни кўрмадингми?».**

Ўтган оятнинг давоми сифатида бу ояти каримада ҳам Пайғамбаримиз алайҳиссаломга хитоб бўлиб, Аллоҳнинг қудратига шак келтирган бир банданинг қиссаси келтирилмоқда.

Ўша банда ер билан яксон бўлиб, бирорта тик нарсаси қолмаган, шифтлари устига қулаган қишлоқдан ўтган экан. У ердаги вайронликни кўриб: Аллоҳ ўлганларни тирилтиради, дейишади, мана бу қишлоқ бошдан-оёқ хароб бўлибди, шифтлари устига қулаб тушибди,

**«Аллоҳ буни ўлимдан кейин қандай тирилтирур?» – деди»**

Демак, Аллоҳ таолонинг ҳар бир нарсага қодир эканига шубҳа билан қаради. Шунда Аллоҳ таоло унга ўлган нарсаларни қандай қилиб тирилтиришини тушунтириб ўтирмади-да, у банданинг ўзини тажриба қилиб қўя қолди:

**«Бас, Аллоҳ уни юз йил ўлдирди, сўнгра қайта тирилтирди».**

Бўлиб ўтган воқеани тушуниб етиш учун ҳалиги инсондан, у ўзига келгандан сўнг, савол сўралди, Аллоҳ унга:

**«Қанча ётдинг?» – деди».**

У одам ўзининг қанча ётганини қаердан билсин. Вақтни сезиш тирик, ҳаёт нашидасини суриб турган кишиларга хос хусусият. У бўлса, юз йил ўлиб ётди. Бунинг устига, ҳис-туйғу одамни алдайди ҳам. Шунинг учун:

**«У: «Бир кун ёки бир куннинг баъзисича ётдим», – деди».**

Ўзининг билганича жавоб берди. Ўзининг юз йил ўлиб ётиб, яна қайта тирилгани унга бир кун ёки бир кундан ҳам озроқ ётгандай

бўлиб кўринди. Бу ҳолати ўзига тасдиқлатиб олингандан сўнг, бўлган ишнинг ҳақиқати унга айтилди:

**«Балки юз йил ётдинг...»** дейилди.

Албатта, Аллоҳнинг сифатигаки шубҳа келтирган одам бу гапга ҳам шубҳа келтириши турган гап. Шунинг учун, бу хабардан сўнг, унинг юз йил ётганини исботловчи ҳиссий далиллар келтирила бошланди:

**«...таомингга ва шаробингга назар сол, ўзгаргани йўқ...»**

Демак, унинг юз йил ётганига ҳиссий далил таоми ва шароби экан. Юз йилдан бери ўзгармай турган экан. Эҳтимол, юз йилнинг ичида одамларнинг таом ва шароблари бошқача бўлиб кетгандир. Унинг таоми ва шаробини кўрганлар: бу қадимги таом ва шароб-ку, ота-боболаримиз даврида шундай таом ва шароблар истеъмол қилинар экан, дейдиган даражага етиб қолгандир.

Шунингдек, фақат таом ва шаробда эмас, балки унинг эшагида ва ўзида ҳам юз йил ётганига ҳиссий далил бор бўлса керак, шу боисдан:

**«...ва эшагингга ҳам қара. Сени одамларга ибрат қилиш учун шундай қилдик»,** дейилмоқда.

Кўпчилик тафсирчиларимиз: эшақдаги аломат кейинги жумладан билинади, дейдилар. Мазкур банда ўлганда, эшаги ҳам у билан қўшилиб ўлган экан. Аммо, эшагининг ўлими оддий ўлим бўлиб, бошқа ўлган жонзотларга нима жорий бўлса, унга ҳам жорий бўлиб, юз йилдан буён чириб, суяклари титилиб ётган экан. Энди эшакнинг эгасига хитоб қилиб:

**«Ва суякларга назар сол, уларни қандай ҳаракатга соламиз ва уларга қандай гўшт кийгизамиз», – деди».**

Ва эгасининг кўз олдида ўлган эшакнинг титилиб кетган суяклари тўпланиб, аввалги шаклига келтирилди, суякларга гўшт кийдирилиб, юз йил аввалги эшак ҳолига келтирилди. Бу иш қай тарзда, нима асосида бўлди – ҳеч ким билмайди. Аллоҳнинг қудрати билан бошқа мўъжизалар қандай юзага келса, бу иш ҳам шундай бўлди. Яқиндагина ҳаётнинг асари йўқ нарса бирдан қимирлаб, унда ҳаёт пайдо бўлганининг аломатини кўрсатгандагина унга жон ато этилганини тушунамиз. Бошқа ҳеч нарсани англаб ета олмаемиз. Илмнинг чўққисини эгалладик, деб жар солаётган олимлар ҳам, ҳар қанча уринмасинлар, ҳаёт ёки ўлимнинг сирини тушуна ва тушунтира олмай хуноблар. Ҳамма нарса Аллоҳнинг Ўзига қайтишига ишониб, тан беришдан бошқа илож қолмайди. Аввалида шифтлари устига қулаган қишлоқни кўриб, Аллоҳ буни ўлимидан кейин қандок тирилтиради, деган банда ҳам ўз бошидан ўтган тажриба, исбот ва далиллардан кейин тан бериб:

«Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирлигини билдим», – деди.

Кейинги оятда яна ўлим ва ҳаёт масаласи давом этиб, энди учинчи қисса келтирилади:

وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّ أَرِنِي كَيْفَ تُحْيِي الْمَوْتَىٰ قَالَ أُولَٰئِم تُوْمِن ۗ قَالَ بَلَىٰ وَلَٰكِن لِّيَطْمَئِنَّ قُلُوبِي ۗ قَالَ فَخُذْ أَرْبَعَةً مِّنَ الطَّيْرِ فَصُرْهُنَّ إِلَيْكَ ثُمَّ أَجْعَلْ عَلَىٰ كُلِّ جَبَلٍ مِّنْهُنَّ جُزْءًا ثُمَّ ادْعُهُنَّ يَأْتِينَكَ سَعْيًا وَاعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٦٠﴾

260. Эсла, Иброҳим: «Эй Роббим, менга ўликларни қандай тирилтиришингни кўрсат», деганда, У Зот: «Ишонмадингми?» – деди. У: Оре, лекин қалбим хотиржам бўлиши учун», – деди. У зот: «Қушдан тўртта олгин-да, ўзингга тортиб, кесиб майдала, сўнгра, улардан ҳар бир тоққа бўлакларини қўйгин, кейин уларни ўзингга чақир, ҳузурингга тезлаб келадилар», – деди. «Ва билгинки, албатта, Аллоҳ азиз ва ҳаким Зотдир».

Бу ояти каримада ҳам ўликни тирилтириш ҳақида савол берилмоқда. Аввалги оятларнинг бирида золим подшоҳ тирилтириш ва ўлдиришни мен қиламан, деб хато кетган бўлса, кейинги оятда бир банда ўлган қишлоқни Аллоҳ тирилтира олишига шубҳа қилган эди. Бу оятда эса, Аллоҳ таолонинг энг улуғ Пайғамбарларидан бири Иброҳим алайҳиссалом ўз Роббидан ўликларни қандай қилиб тирилтиришни кўрсатишини сўрамоқдалар.

«Иброҳим: «Эй Роббим, менга ўликларни қандай тирилтиришингни кўрсат», деганда...»

Бу савол мўмин банданинг ўз Роббининг қудратини кўриб қувониши, иймонига иймон қўшилиши учун бўлган саволдир. Ваҳоланки, Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таоло ўликларни тирилтира олишига асло шубҳа қилмас эдилар. У зотнинг бунга ишончлари комил эди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло:

«Ишонмадингми?» деб сўраганида:

«У: Оре, лекин қалбим хотиржам бўлиши учун», – деди».

Дилда ишонган нарсани кўз билан кўриб, Аллоҳ таолонинг қудратига қойил қолиб, мўмин банда ўз Роббининг мўъжизаларини кўриб маза қилгандек, роҳатланиб, кўнгли хотиржам бўлиши учун сўраганлар.

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломнинг қалбларидаги бу шавқни қондириш учун саволга амалий жавоб беришни ирода қилди ва бу тажрибада савол берувчининг ўзини ҳам иштирок эттирди.

**«Қушдан тўртта олгин-да, ўзинга тортиб, кесиб майдала, сўнгра, улардан ҳар бир тоққа бўлақларини қўйгин...»**

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга тўртта қуш олишни ва уларни майдалаб ташлашни буюрди. Ва яна у қушларни ўзинга торт, деди. Яъни, уларга яқиндан қараб, яхшилаб кўриб, таниб олишни амр этди. Қайси қуш қанақа, ранги қандай, қаноти, думи ва бошқа аломатлари қандай? Буларни таниб олишдан мақсад шуки, кесиб майдалаб ташланган қушлар қайта тирилтирилганда, аломатлари аввалги ҳолатларига мос келишини кўришдир.

Сўнгра, кесиб-майдаланган қушларнинг бўлақларини атрофдаги тоғларга сочиб юборишга, аралаштириб, ҳар жойларга тарқатишга амр қилди.

**«Кейин уларни ҳузуринга чақир»,** деди.

Шундай қилса, қушларнинг майдалаб ташланган бўлақлари қайтадан бирлашиб, асл ҳолига қайтиб, тирилган ҳолида тезлаб келишларини айтди.

Шу тариқа Иброҳим алайҳиссаломга вассалом ўз тажрибаларида Аллоҳ таоло ўликларни қандай қилиб тирилтиришини кўрдилар.

**«Ва билгинки, албатта, Аллоҳ азиз ва ҳақим Зотдир».**

У азизлигидан хоҳлаган ишини қилади, Унга ҳеч бир зот тўсиқ бўла олмайди. У ҳақим бўлганидан ҳар бир ишни ҳикмат билан қилади. Унинг беҳикмат иши йўқ.

Аввалги оятларда иймоний тасаввур қоидалари ва уларни мустаҳкамлаш ҳақида баёнлар бўлди. Энди эса, ижтимоий, иқтисодий қоидаларни баён этиш, шу орқали Исломга тўлиқ киришнинг бир босқичини амалга ошириш ҳақида сўз кетади. Келаси оятлар молу мулкни Аллоҳнинг йўлида сарфлаш, нафақа қилиш ҳақидаги баён билан бошланади:

مَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ كَمَثَلِ حَبَّةٍ أَنْبَتَتْ سَبْعَ سَنَابِلٍ فِي كُلِّ سُنْبُلَةٍ مِائَةٌ حَبَّةٌ وَاللَّهُ يُضْعِفُ لِمَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٦١﴾

**261. Молларини Аллоҳнинг йўлида сарфлайдиганларнинг ми-соли худди бир донга донга ўхшайдир. Ундан етти бошоқ ўсиб чиқади, ҳар бошоқда юзтадан дон бор. Ва Аллоҳ кимга хоҳласа, яна кўпайтириб берадир. Ва Аллоҳ қамраб олувчи ва билувчи Зотдир.**

Иқтисодий масала ҳар бир жамиятда муҳим ўрин тутаяди. Шунинг учун, Исломда бу масалага алоҳида эътибор берилади. Ҳар бир



жамиятда ижтимоий тенглик ҳукм суриши учун иқтисодий жиҳатдан етарли имконга эга шахслар ўзларининг бу соҳадаги ночор биродарларига молиявий ёрдам қилиб туришлари керак. Шу нуқтаи назардан Исломда фарз, вожиб қилинган закот, садақаи фитр каби молиявий ибодатлардан ташқари, имкони бор кишиларни ихтиёрий хайр-эҳсон қилиб туришга ҳам қаттиқ тарғиб қилинади. Бу ишнинг аҳамияти нечоғли эканини унинг Қуръони Каримда, «Аллоҳнинг йўлида мол сарфлаш», деб аталишиданоқ билса бўлади.

**«Молларини Аллоҳнинг йўлида сарфлайдиганларнинг мисоли худди бир дона донга ўхшайдир. Ундан етти бошоқ ўсиб чиқадир, ҳар бошоқда юзтадан дон бор».**

Демак, камбағал кишига молиявий ёрдам берган киши ёки жамоат фойдасига пул сарфлаган одам Аллоҳнинг йўлида мол сарфлаган бўлади.

Аллоҳнинг йўлида мол сарфлашнинг фойдаси ушбу оятда ажойиб услубда васф қилинмоқда. Сиртдан қараганда хайр-эҳсон қилган кишининг мол-дунёси камайганга ўхшайди. Аслида эса, худди ерга экилиб, ўзини фидо қилган бир донга ўхшайди. Ўша бир дона дон кейинчалик униб чиқиб кўпайганидек, хайр-эҳсон этилган мол ҳам бир неча чандон кўпайиб кетади. Уни Аллоҳнинг Ўзи кўпайтириб беради. Донни мисол келтиришдан мурод – Аллоҳнинг йўлида сарф қилинган битта нарса етти юзтага кўпайишига урғу беришдир. Аммо бу ҳам охирги чегара эмас:

**«Ва Аллоҳ кимга хоҳласа, яна кўпайтириб берадир».**

Демак, Аллоҳ таолонинг йўлида сарфланган бир дона молнинг савоби етти юз марта кўпайтирилиб берилиши ҳам охирги чегара эмас. Аллоҳ таоло хоҳласа, етти юздан яна неча чандонга кўпайтириб бераверади. Чунки:

**«Аллоҳ қамраб олувчи ва билувчи Зотдир».**

У Зот Ўз қамровидаги мулкидан қай бандасига қанча беришини Ўзи яхши билади.

Кейинги оятда Аллоҳнинг йўлида мол сарфлашнинг одоби, шартлари ҳақида сўз кетади.

الَّذِينَ يَنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ثُمَّ لَا يَتَّبِعُونَ مَا أَنْفَقُوا مَنًّا وَلَا أَذًى لَهُمْ  
أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٢٦٦﴾

**262. Аллоҳнинг йўлида молларини сарфлаб, сўнгра сарфлари кетидан миннат қилмай ва озор бермайдиганларнинг ажрла-**

**ри Роббилари ҳузуридадир. Уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар.**

Аллоҳнинг йўлида сарфланган молнинг савобини тўлиқ олишнинг шарти ҳам бор, у ҳам бўлса, мол сарфловчи миннат қилмаслиги ва молни олганларга озор бермаслиги керак.

Миннат қилишлик ёмон одат бўлиб, инсон қалбида оғир яра қолдиради. Берганни миннат қилган кишининг мақсади манманлик, бошқаларни менсимаслик, ўзини кўрсатиш, одамлар ўртасида обрў қозониш бўлади. Миннат қилиш туфайли мол сарфлаган киши молни олувчига озор етказиши мумкин. Одамлар ичида унинг обрўини тўкади. Инсоний қадр-қимматини пастлатади. Ҳолбуки, Ислолда мол-мулкни сарфлаб, нафақа қилишга тарғиб қилишдан мақсад камбағалларнинг кўнгилни кўтариш, уларни хурсанд этиш, бой биродарлари уларни ҳурмат қилишини сездиришдир. Шунинг учун ҳам, бу ояти каримада,

**«Аллоҳнинг йўлида молларини сарфлаб, сўнгра сарфлари кетидан миннат қилмай ва озор бермайдиганларнинг ажрлари Роббилари ҳузуридадир»,** дейилмоқда.

Тириклик вақтида молини Аллоҳнинг йўлида сарфлаган кишилар келажакларидан қўрқмасалар бўлаверади:

**«Уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар».**

Уларга ҳеч қандай хавф-хатар йўқ: фақирликнинг, ҳиқду ҳасаднинг, алданишнинг ва охират кунининг хавфи йўқ.

Яна улар молларини Аллоҳнинг йўлида сарфлаганлари учун ҳеч хафа бўлмайдилар.

﴿قَوْلٌ مَّعْرُوفٌ وَمَغْفِرَةٌ خَيْرٌ مِّنْ صَدَقَةٍ يَتْبَعُهَا أَذَىٰ وَاللَّهُ غَنِيٌّ حَلِيمٌ﴾

**263. Яхши сўз ва кечириш ортидан озор келадиган садақадан кўра яхшироқдир. Ва Аллоҳ ғаний ва ҳалим Зотдир.**

«Ортидан озор келадиган садақа»нинг кераги йўқ. Ундан кўра бир оғиз ширин сўз ва кечиримли бўлиш яхшироқдир. Бир оғиз бўлса ҳам, ширин сўз қалбнинг жароҳатига малҳам бўлади, кишининг кўнгилни кўтаради. Кечириш эса, ҳасад ва ёмонликни ювиб ташлаб, ўрнига муҳаббат ва дўстликни солади. Шундай экан, албатта, бу ишлар «ортидан озор келадиган садақадан кўра яхшироқ»-да.

**«Ва Аллоҳ ғаний ва ҳалим Зотдир».**

У бой – бировнинг садақасига муҳтож эмас. У ҳалимдир – бандалари ношукурлик қилсалар ҳам, уларнинг гуноҳини ўтиб, ризқларини бераверади.

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا بُطْلُوٓا۟ صَدَقَتِكُمْ بِالْمَنِّ وَالْأَذَىٰ كَالَّذِي يُنْفِقُ مَالَهُ رِثَاءَ  
 النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ ٱلْآخِرِ فَمَثَلُهُ كَمَثَلِ صَفْوَانٍ عَلَيْهِ تُرَابٌ فَأَصَابَهُ وَابِلٌ  
 فَتَرَكَهُ صَلْدًا ۖ لَا يَقْدِرُونَ عَلَىٰ شَيْءٍ مِّمَّا كَسَبُوا۟ ۗ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ  
 ٱلْكَافِرِينَ ﴿٢٦٤﴾

264. Эй, иймон келтирганлар! Садақаларингизни миннат ва озор бериш билан, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмаса ҳам, кишиларга риё учун молини нафақа қилганга ўхшаб, бекорга кетказманг. У мисоли устини тупроқ босган силлиқ бир тошга ўхшайдир. Бас, кучли ёмғир ёғса, силлиқ бўлиб қолади. Касб қилганларидан ҳеч нарсага қодир бўлмаслар. Ва Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоятга бошламас.

Ушбу ояти каримада садақадан кейин миннат қилиб, озор бериб, қилган яхшилигининг савобидан бебахра қолишлик ажойиб бадийи васф билан тасвирланяпти. Бу билан мусулмонлар қалбида бу ишнинг нақадар ёмон иш эканлиги жонли тасвир қилинмоқда. Оятнинг аввалида садақани миннат ва озор бериш билан ботил қилмасликка амр бўляпти. Кейин эса, агар шундай қилинса, риё учун садақа қилганга ўхшаб қолишининг баёни келяпти:

**«Эй, иймон келтирганлар! Садақаларингизни миннат ва озор бериш билан Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирмаса ҳам, кишиларга риё учун молини нафақа қилганга ўхшаб бекорга кетказманг».**

Демак, ортидан миннат ва озор келадиган садақа Аллоҳга ва охират кунига иймон туфайли эмас, балки риёкорлик учун садақа қилганга ўхшар экан. Ўз навбатида:

**«У мисоли устини тупроқ босган силлиқ бир тошга ўхшайди. Бас, кучли ёмғир ёғса, силлиқ бўлиб қоладир».**

Асли чатоқ бўлганидан, қилган яхши амали ўзига юқмайди. Риё учун қилган садақаси силлиқ, бетаъсир, қаттиқ тошнинг устига тўпланиб қолган озгина тупроққа ўхшайди. Ёмғир ёғса, ундан наф олиб, ўсимлик ўстиришнинг ўрнига, ювилиб оқиб кетади ва силлиқ, қаттиқ тош очилиб қолади. Бу тарз садақа қилувчилар:

**«Касб қилганларидан ҳеч нарсага қодир бўлмаслар».**

Яъни, ҳеч қандай савоб олмайдилар.

**«Ва Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоятга бошламас.»**

Энди бу васфнинг қарама-қаршиси — иймонли кишилар садақасининг васфи келади:

وَمَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ ابْتِغَاءَ مَرْضَاتِ اللَّهِ وَتَثْبِيتًا مِّنْ أَنفُسِهِمْ  
 كَمَثَلِ جَذِّهِمْ بَرَبَوْتِهِمْ وَأَصَابَهَا وَابِلٌ فَكَانَتْ أُمَّةً نَّارًا كَمَا يُضِيبُهَا وَابِلٌ  
 فَطُلَّ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٢٦٥﴾

**265. Молларини Аллоҳнинг розилигини истаб, ўзларидаги ишонч билан сарфлайдиганлар худди тепаликдаги боққа ўхшайдир. Унга қаттиқ ёмғир ёғса, мевасини икки баробар беради. Агар қаттиқ ёмғир ёғмаса, майдалаб ёққани ҳам бўлаверади. Ва Аллоҳ қилаётганларингизни кўриб турувчи Зотдир.**

Бу ҳақиқий мўмин кишининг васфи. У садақани риё учун эмас, Аллоҳнинг розилиги учун қилади. Унинг қалби силлиқ тошдек қотиб қолгани йўқ, балки иймон билан тўла, яхшилик умиди билан обод:

**«Молларини Аллоҳнинг розилигини истаб, ўзларидаги ишонч билан сарфлайдиганлар худди тепаликдаги боққа ўхшайдир».**

Боғнинг баҳавоси тепаликка жойлашгани бўлади.

**«Унга қаттиқ ёмғир ёғса, мевасини икки баробар беради.»**

Яъни, у ёққан ёмғирдан тўла фойдаланади. Тўла ишонч билан, Аллоҳнинг розилигини тилаб қилинган садақа ҳам шундай, эгасини кўп савобга эриштиради. У боғнинг меваси кўпайиши учун доимо қаттиқ ёмғир бўлиши шарт эмас.

**«Агар қаттиқ ёмғир бўлмаса, майдалаб ёққани ҳам бўлаверади».**

Ана ўша майдалаб ёққан ёмғир билан ҳам унинг меваси кўпаяверади. Шунингдек, мўмин банданинг риёсиз, миннатсиз ва озорсиз, ихлос билан қилган нафақаси оз бўлса ҳам, кўп ажр-савобга сабаб бўлаверади.

**«Ва Аллоҳ қилаётганларингизни кўриб турувчи Зотдир».**

Ким нима қияпти; ким риё учун садақа қияпти; ким Аллоҳнинг розилиги учун садақа қияпти — ҳамма-ҳаммасини кўриб турувчи Зотдир.

Келаси оят садақа ортидан келган миннат ва озор қандай қилиб унинг асарларини ювиб кетишини баён қилади:

أَيُّدٌ أَحَدِكُمْ أَنَّ تَكُونَ لَهُ جَنَّةٌ مِّنْ نَّجِيلٍ وَأَعْنَابٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ  
 لَهُ فِيهَا مِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ وَأَصَابَهُ الْكِبَرُ وَلَهُ ذُرِّيَّةٌ ضِعْفًا فَأَصَابَهَا إِعْصَارٌ فِيهِ  
 نَارٌ فَاحْتَرَقَتْ كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ تَتَفَكَّرُونَ ﴿٢٦٦﴾

**266. Сизлардан бирортангиз остидан анҳорлар оқиб турган хурмозор ва узумзор, турли мевали боғи бўлатуриб, ёши бир жойга етганда, заифҳол зурриёти бор пайтда унга ўтли бўрон келиб, ёниб битишини хоҳлайдими?! Аллоҳ сизларга шу тариқа Ўз оятларини баён қилур, шоядки, фикр юритсангиз.**

Аллоҳнинг йўлида қилинган садақа худди дарахтлари остидан шарқираб сувлар оқиб турган хурмозор ва узумзор, турли мевали боққа ўхшайди. Боғдан ҳаммага фойда – кўрган ҳам, кирган ҳам, еган ҳам хурсанд. Худди шунингдек, Аллоҳ йўлида қилинган садақа берганни ҳам, олганни ҳам, билганни ҳам хурсанд қилади. Ҳаммага ўз даражасида фойда етказади.

**«Сизлардан бирортангиз остидан анҳорлар оқиб турган хурмозор ва узумзор, турли мевали боғи бўлатуриб...»**

Ана шундай олиймақом боғу бўстони бор одам шу боғнинг ўтли бўронда куйиб тугагини, хусусан, ёши бир жойга етиб, қўлидан бир иш келмай қолган чоғида, унинг қўлига қараб турган заифҳол зурриётлари бор чоғида шундай бўлишини хоҳлайдими?

**«...ёши бир жойга етганда, заифҳол зурриёти бор пайтда унга ўтли бўрон келиб, ёниб битишини хоҳлайдими?!»**

Албатта, йўқ. Аллоҳ йўлида садақа қилган одам ҳам гўё ўшандай боғу бўстонга эришган бўлади. Садақаси кетидан миннат этса ва озор етказса, худди ўтли бўрон билан боғини куйдиргандек бўлади. Садақасининг савоби қолмайди.

**«Аллоҳ сизларга шу тариқа ўз оятларини баён қилади, шоядки, фикр юритсангиз».**

Шоядки, ўша фикр юритишингиз сизни ихлос билан, ҳеч қандай миннат ва озорсиз садақа қилишга чорласа.

Келаси оят садақанинг навлари ва садақа қилиш йўллари баён қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَنْفِقُوا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا كَسَبْتُمْ وَمِمَّا أَخْرَجْنَا لَكُمْ مِنَ  
الْأَرْضِ وَلَا تَيَمَّمُوا الْخَبِيثَ مِنْهُ تُنْفِقُونَ وَلَسْتُمْ بِآخِذِيهِ إِلَّا أَنْ تُغْمِضُوا فِيهِ وَاعْلَمُوا  
أَنَّ اللَّهَ عَنِّي حَكِيمٌ ﴿٢٦٧﴾

**267. Эй, иймон келтирганлар! Касб қилган пок нарсаларингиздан ва Биз сизларга ердан чиқариб берган нарсаларимиздан садақа қилинлар. Нопокни қасд этиб садақа қилманг. Ҳолбуки, уни ўзингиз ҳам олувчимассиз, магар кўз юмсангизгина оласиз. Ва билинги, албатта, Аллоҳ бой ва мақталган Зотдир.**

Маълумки, ўзи топган мол-мулкни садақа қилиб юбориш осон эмас. Ҳар бир одам ўзида кўпроқ мол-дунё бўлишини хоҳлайди. Садақа қилиш учун маълум даражада фидокорлик, ўзидан, нафсу ҳавосидан кечиш талаб этилади.

«Садақа» сўзи ҳам тасдиқлаш маъносини англатади. Молидан садақа қилувчи киши қалбидаги иймонини амалий жиҳатдан тасдиқлаган бўлади.

Шунинг учун ҳам, мол-мулкдан садақа қилишга тарғиб қилувчи оятни Аллоҳ таоло мўминларга маҳбуб сифат билан бошламоқда:

**«Эй, иймон келтирганлар!»** демоқда. Бу сифат билан нидо қилинганда, мўмин киши ҳар қандай оғирликни ҳам писанд қилмай адо этишга киришади.

Сўнгра, нималардан садақа қилиш кераклиги баён қилинмоқда:

**«Касб қилган пок нарсаларингиздан ва Биз сизларга ердан чиқариб берган нарсаларимиздан садақа қилинглр».**

Бу таъриф мўминларнинг қўлига тушадиган барча турдаги молу мулкни ўз ичига олади. Аввало, ўзлари касб қилиб топган ҳалол, пок ризқлари, сўнгра Аллоҳ ердан чиқариб берган зироатлар, конлар ва бошқалар.

Пок нарсадан садақа қилишга амр қилинди, лекин масала ниҳоятда аҳамиятли бўлганидан яна таъкидланмоқдаки:

**«Нопокни қасд этиб, садақа қилманг».**

Нопок дейилганда фақат ҳаромни тушунмаслик керак, балки паст, арзимаган, киши назарига илмайдиган нарсаларни ҳам тушуниш лозим. Қисқа қилиб айтганда, пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга, қабилда иш қилиш керак. Садақа бераётган киши ўзини садақани олаётган киши ўрнига қўйиб кўрсин. Берилса ўзи олмайдиган нарсани бировга ҳам садақа қилиб бермасин. Шунга ишоратан:

**«Ҳолбуки, уни ўзингиз ҳам олувчимассиз, магар кўз юсангизгина оласиз»**, дейилган.

Яъни, биров паст нарса берса, оласизми? Йўқ, олмайсиз. Олсангиз ҳам, кўзингизни юмиб, ижирганиб, ноилождан оласиз. Шундай экан, бошқага ҳам яхшисидан раво кўринг.

**«Ва билингки, Аллоҳ бой ва мақталган Зотдир».**

Аллоҳ бой бўлганидан кейин Унинг йўлида қиладиган садақангиз ўшанга ярашгудек бўлсин. Аллоҳ мақталган зотдир, йўлида садақа қилганларни У ҳам мақтайди.

Ушбу ояти кариманинг нозил бўлиши ҳақида ҳадис илми имомларидан Ибн Аби Ҳотим раҳматуллоҳи алайҳи саҳобалардан Баро розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, у киши: «Бу оят биз ҳақимизда тушган, — деганлар. - Хурмоларимиз бор эди. Ҳар бир

киши хурмосининг оз-кўплигига қараб олиб келиб, шингили билан масжидга осиб қўяр эди. Супа аҳлининг таоми йўқ эди. Улардан бирорталари оч қолса, ҳассаси билан қоқиб, ранг тортган ва пишиб етилган хурмоларни олиб ер эди. Яхшиликка рағбати йўқ баъзи кишилар бўлмағур, ёмон шингиларни ҳам осиб қўйишар эдилар. Шунда Аллоҳ таоло, «Нопокни қасд этиб садақа қилманг. Ҳолбуки, уни ўзингиз ҳам олувчимассиз, магар кўз юмсангизгина оласиз», оятини туширди. Бундан сўнг биздан ҳар биримиз ўзида бор хурмонинг энг яхшисини келтирадиган бўлди».

Садақа қилмаслик ёки нопок — паст нарсалардан садақа қилиш ўз эгасининг қалбида иймон сустигининг ва бирор шубҳа ёки касаллик борлигининг далолатидир. Бу ҳақиқатни келаси оят баён қилади:

الشَّيْطَانُ يَعِدُكُمُ الْفَقْرَ وَيَأْمُرُكُمْ بِالْفَحْشَاءِ وَاللَّهُ يَعِدُكُمْ مَغْفِرَةً مِّنْهُ وَفَضْلًا وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٦٨﴾

**268. Шайтон сизга фақирликни ваъда қиладир ва фаҳш ишларга буюрадир. Аллоҳ сизга Ўзидан мағфират ва фазлни ваъда қиладир. Ва Аллоҳ кенг қамровли, билувчи Зотдир.**

Шайтон бандаларни молингдан садақа қилсанг, фақир — камбағал бўлиб қоласан, деб қўрқитади. Ҳам у кишиларни фаҳшга — ёмон, гуноҳ ишларга, қизғанчиқликка, бахиллик ва молу дунёга ўч бўлишга буюради. Шайтоннинг гапига кирганлар фақирликдан қўрқиб бахил бўлиб, Аллоҳнинг йўлида садақа қилмай юраверадилар.

**«Аллоҳ сизга Ўзидан мағфират ва фазлини ваъда қиладир.»**

Ким Аллоҳнинг йўлида садақа қилса, Унинг гуноҳларини мағфират қилади ва бунинг устига, Ўзидан фазл ҳам беради.

**«Ва Аллоҳ кенг қамровли, билувчи зотдир.»**

Кенг қамровлиги туфайли бандаларига ҳам кенг ризқлар беради. Ўзининг йўлида садақа қилганларнинг ризқини яна ҳам кенг қилиб қўяди. Билувчилик сифати билан, ким садақа қияпти ва ким қилмаяпти — ҳаммасини билади.

Ҳамда у Аллоҳ:

يُؤْتِي الْحِكْمَةَ مَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُؤْتَ الْحِكْمَةَ فَقَدْ أُوتِيَ خَيْرًا كَثِيرًا وَمَا يَذَّكَّرُ إِلَّا أُولُو الْأَلْبَابِ ﴿٢٦٩﴾

**269. У кимни хоҳласа, ўшанга ҳикматни берар. Кимга ҳикмат берилса, унга кўп яхшилик берилган бўлар. Фақат ақл эгаларигина эсларлар.**

Ҳикмат билан тасарруф қилган инсон ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўйиб, қойиллатиб қилади. Садақада ҳам ҳаддидан ошмай, адолат билан иш юритади. Умуман, ҳикматли бўлишлик унга жуда кўп яхшилик келтиради. Бу ҳақиқатни ақл эгаларигина эслайдилар, тушуниб етадилар.

وَمَا أَنْفَقْتُمْ مِّنْ نَّفَقَةٍ أَوْ نَذَرْتُمْ مِّنْ نَّذْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ يَعْلَمُهُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ ﴿٢٦٩﴾

**270. Қилган нафақангизни ёки назрингизни Аллоҳ албатта биладир. Золимларга ёрдамчилар йўқдир.**

Мўмин киши Аллоҳ таоло унинг ҳар бир ҳаракати ва саканотини кўриб туришига албатта иймони комил. Нафақа ёки назрини Аллоҳ билишини таъкидлагани эса, ушбу савобли ишга мўмин кишини қизиқтириш учундир. Нафақа умумий мол сарфлашни англатиб, закот, садақаи фитр ёки ўз ихтиёри билан қилинган хайру эҳсонларни ҳам ўз ичига олади. Назр эса, бир муносабат билан банда ўзига вожиб қилиб олган молиявий мажбурият бўлиб, унинг миқдорини назр қилувчининг ўзи тайинлайди. Назр фақат Аллоҳ учун аталади. Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга аташ мумкин эмас. Демак, қилинган нафақа ва назрларни Аллоҳ таоло Ўзи билиб туради ва уларни қилувчиларга Ўзи билиб мукофотлар беради. Бундай яхшилик ишларни қилмайдиганлар эса, золимлар ҳисобланадилар.

**«Золимларга ёрдамчилар йўқдир.»**

Келаси оятда садақани махфий ёки ошкора қилиш ҳақида сўз кетади:

إِنْ بُدُوا الصَّدَقَاتِ فَنِعِمَّا هِيَ وَإِنْ تُخْفُوهَا وَتُوتُوهَا الْفُقَرَاءَ فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ وَيُكَفِّرُ عَنْكُمْ مِّنْ سَيِّئَاتِكُمْ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿٢٧٠﴾

**271. Садақани ошкора қилсангиз, қандоқ ҳам яхши. Агар махфий қилсангиз ва фақирларга берсангиз, бу сиз учун яхшидир. Сиздан гуноҳларингизни ювадир. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.**



Ушбу ояти каримада садақани ошкора қилиш ҳам, махфий қилиш ҳам мақталмоқда. Бу ҳақдаги бошқа оят ва шаръий далилларни жамлаб ўрганиб чиққан уламоларимиз хулоса қилиб айтадиларки, садақа фарз бўлса, уни ошкора қилиш яхши, чунки бу ҳолда Аллоҳнинг амрига тоат ошкора кўринади ва ҳақдор бўлмаган кишиларга ҳам мазкур садақадан тушиб қолиши мумкинлиги олди олинади. Агар садақа ихтиёрий бўлса, уни махфий қилингани яхши. Риёдан ва манманликдан узоқда бўлинади. Ояти каримада:

**«Садақани ошкора қилсангиз, қандоқ ҳам яхши»**, дейилганида фарз садақалар кўзда тутилган.

**«Агар махфий қилсангиз»**, дейилганида ихтиёрий садақалар кўзда тутилган.

**«... ва фақирларга берсангиз, бу сиз учун яхшидир.»**

Яъни, садақанинг энг ҳақдори камбағал-фақир кишилардир. Исломда садақанинг жорий қилиниши ҳам ўша тоифанинг ҳимояси ва ёрдами учун бўлган.

Садақа қилиш хоҳ ошкора бўлсин, хоҳ махфий бўлсин, доимо ўз эгасига фойда келтиради, унинг гуноҳлари ювилишига сабаб бўлади:

**«Сиздан гуноҳларингизни ювадир».**

Бу ваъда, ўз навбатида, кишиларнинг қалбини ларзага солади, тақво ҳиссини орттиради.

**«Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.»**

Ҳар бир амалингизга ўзига яраша мукофот ёки жазо беради.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ушбу ояти кариманинг тафсирида қилинган ривоятда у киши айтадиларки:

«Аллоҳ таоло ихтиёрий садақада махфийликни жорий қилган. Бу борада махфийси ошкорасидан етмиш марта кўп савобга эга бўлади. Фарз садақанинг ошкорасини махфийсидан йигирма беш марта афзал қилган».

Маълумки, одамнинг топган мол-мулкидан ўз ихтиёри билан бошқа кишиларга садақа қилиши осон эмас. Бунинг учун доимий равишда тарғибот олиб бориб, одамлар қалбидаги бахиллик, молга бўлган ҳирс ҳисларини йўқотиш керак бўлади. Иккинчидан, сахийлик даражасига етганларида риёкорликни йўқотиш учун ҳаракат қилмоқ лозим бўлади. Ҳаётий тажрибада ҳам мол сарфлашни йўлга қўйишдан кўра, риёдан қочишни йўлга қўйиш қийин эканлиги кўрилган. Кишиларда қилган садақасини, яхшилигини одамлар билишини хоҳлаш табиати кучли.

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло каломининг давомида бевосита Пайғамбар алайҳиссаломга хитоб қилиб, бу борадаги ҳақиқатларнинг аслини билдиради:

﴿لَيْسَ عَلَيْكَ هُدَاهُمْ وَلَا يَسْرُرُكَ وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ خَيْرٍ فَلِأَنْفُسِكُمْ وَمَا تُنْفِقُونَ إِلَّا ابْتِغَاءَ وَجْهِ اللَّهِ وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ خَيْرٍ يُوَفِّ إِلَيْكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تُظْلَمُونَ﴾

272. Уларни ҳидоятга солиш сенинг зиммангда эмас. Лекин Аллоҳ кимни хоҳласа, ҳидоятга бошлар. Нафақа қилган яхшиликларингиз ўз фойдангизга. Қилган нафақангиз фақат Аллоҳнинг юзини ишташ учундир. Нафақа қилган яхшиликларингиз ўзингизга тўлалигича қайтарилур. Сизларга зулм қилинмас.

Инсон қалбига боғлиқ иш ниҳоятда мураккаб ва нозикдир. Инсон қалбига ҳеч ким эгалик қила олмайди. Фақатгина оламларнинг ва қалбларнинг Робби Аллоҳ таолонинг Ўзигина эгалик қилади. Бу борада ҳатто Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом ҳам аралаша олмасликлари ушбу ояти каримада эслатиб ўтилмоқда:

«Уларни ҳидоятга солиш сенинг зиммангда эмас».

Шунинг учун, даъватингга қулоқ солишмаса, нафақа қилишга ҳаракат қилишмаса, сиқилма, ҳижолат бўлма, аччиғинг чиқмасин.

«Лекин Аллоҳ кимни хоҳласа, ҳидоятга бошлар.»

Бундай ишлар Аллоҳ таолонинг хоҳишига боғлиқ ишлардир. Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшани ҳидоятга бошлайди. Кимни хоҳласа, ўшани нафақа қилишга, хайру эҳсонга бошлайди. Бу нарсалар Аллоҳнинг ихтиёрисиз бўлмайди.

«Нафақа қилган яхшиликларингиз ўз фойдангизга.»

Сиртдан қараганда, нафақа қилган киши нафақа олган одамга фойда етказганга ўхшайди. Аслида эса, ҳамма фойда нафақа қилувчига бўлади. У, аввало, Аллоҳнинг амрини амалга оширади, иккинчидан, кўпдан-кўп савобга эга бўлади, охиратда жаннатга киради. Бу дунёда одамларнинг муҳаббатига, эҳтиромига сазовор бўлади, ризқи кенг бўлади. Яна бошқа кўпгина фойдалар борки, уларни Аллоҳнинг Ўзи билади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалоту вассаломдан ривоят қилинган ҳадислардан бирида: садақа балоларни рад қилади ва умрни зиёда қилади, дейилган.

«Қилган нафақангиз фақат Аллоҳнинг юзини ишташ учундир.»

Бу иш фақат мўмин кишига хос ишдир. Фақат мўмин кишигина Аллоҳнинг юзи, розилиги учун хайр-эҳсон қилади. Бошқалар риё учун, пора учун, баъзи бир кишиларнинг розилиги учун ва яна бошқа шунга ўхшаш ғаразлар учун нафақа қиладилар.

**«Нафақа қилган яхшиликларингиз ўзингизга тўлалигича қайтарилур. Сизларга зулм қилинмас.»**

Қанча нафақа қилган бўлсангиз, ҳаммасининг савобини тўла оласиз. Баъзисини камайтириб сизларга зулм қилинмайди.

Ибн Аби Ҳотим қилган ривоятда ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу :

«Пайғамбар алайҳиссалату вассалом авваллари аҳли Исломдан бошқага нафақа қилмасликка буюрар эдилар. «Уларни ҳидоятга бошлаш сенинг зиммангда эмас. Лекин Аллоҳ кимни хоҳласа, ҳидоятга бошлайди», ояти нозил бўлгандан кейин ҳаммага ҳам садақа қилаверишликка буюрдилар», деганлар.

Мусулмонмас кишиларга қилинадиган садақа ихтиёрий садақалардан бўлади. Фарз садақалар эса, фақат мусулмон кишиларга берилади.

Ушбудан маълум бўладикки, Ислом диний эркинликни эътироф этибгина қолмай, балки бошқа диндаги кишиларга яхшилик қилишга, молиявий ёрдам беришга ҳам мусулмонларни қизиқтиради.

Келаси оятда садақага ҳақдор тоифалардан баъзилари алоҳида таъкидлаб ўтилади:

لِّلْفُقَرَاءِ الَّذِينَ أُحْصِرُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ لَا يَسْتَطِيعُونَ ضَرْبًا  
فِي الْأَرْضِ يَحْسَبُهُمُ الْجَاهِلُ أَغْنِيَاءَ مِنَ التَّعَفُّفِ تَعْرِفُهُمْ بِسِيمَاهُمْ  
لَا يَسْأَلُونَ النَّاسَ إِلْحَافًا وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ خَيْرٍ فَبَاتَ اللَّهُ بِهِ عَلَيْهِمْ

**273.** (Садақа ва хайру эҳсонлар) Аллоҳнинг йўлида тутилган, ер юзида касб қилишга қодир бўлмаган, иффатлари туфайли билмаган киши уларни бой деб ўйлайдиган фақирларгадир. Уларни сиймоларидан танийсан, одамлардан хиралик қилиб сўрамаслар. Нафақа қилган яхшиликларингизни Аллоҳ албатта билгувчидир.

Бу ояти карима зикр қилган тоифадаги одамлар ўзларини Аллоҳ йўлида жиҳод қилишга бағишлаган кишилардир. Улар нафсларини жиҳод учун тутганлар, шу сабабдан касб қилишга ҳам имконлари йўқ. Аини чоғда, иффатлари, уятлари кучли бўлганидан ўзларининг ҳожатманд эканликларини яшириб юрадилар. Асл ҳолни билмаган одам уларни сиртларидан кўриб, бой деб ўйлайди.

«(Садақа ва хайру эҳсонлар) Аллоҳнинг йўлида тутилган, ер юзида касб қилишга қодир бўлмаган, иффатлари туфайли билмаган киши уларни бой деб ўйлайдиган фақирларгадир».

Нафақани худди ана ўшаларга қилиш керак. Улар ўзлари асл ҳолларини беркитсалар, одамлардан хиралик билан тиланмасалар, қандай қилиб топамиз уларни?

**«Уларни сиймоларидан танийсан.»**

Фаросати бор, мулоҳазали кишилар, мазкур фақирларни, агарчи улар ҳожатмандликларини билдирмасдан, кишилар кўзига бой бўлиб кўриниб юрсалар ҳам, таниб, ҳақиқатни билиб оладилар. Ўзларини ифбатли тутганликларининг ўзи нафақани уларга махфий қилишга ундайди. Нафақа бераман деб, бундай кишиларнинг ҳис-туйғуларини оёқости қилмаслик керак. Нафақа Аллоҳ учун қилинаётган бўлса, махфий тарзда қилингани маъқул.

**«Нафақа қилган яхшиликларингизни Аллоҳ албатта билгучидир».**

Савобини ҳам Ўзи билиб бераверади. Шунинг учун, ҳаммага кўрсатиб, гувоҳларни кўпайтириб садақа қилишга ҳожат йўқ. Сиз ихлос билан, Аллоҳ таолонинг юзини кўзлаб садақа қилаверинг, у ёғини Аллоҳ таолонинг Ўзи билади.

Зотан:

الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ بِالْإِخْلَافِ وَاللَّيْلِ سِرًّا وَعَلَانِيَةً فَلَهُمْ أَجْرُهُمْ  
عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ

**274. Кечасию кундузи молларини нафақа қиладиганларнинг ажрлари Роббилари ҳузуридадир. Уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар.**

«Кечасию кундузи» дейишдан мурод ҳамма вақт назарда тутилмоқда; «молларини» деган сўз замирида эса, ҳамма турдаги моллар ва ҳамма турдаги эҳсон қилувчиларга ишора бор.

**«Кечасию кундузи молларини нафақа қиладиганларнинг ажрлари Роббилари ҳузуридадир.»**

Уларнинг ажрлари энг олиймақом жойда – Роббилари ҳузурида эканлиги таъкидланмоқда. Бас, шундоқ экан, мўмин-мусулмонлар юқорида васф қилинган кишилардан бўлиш учун ҳаракат қилмоқлари лозим. Чунки:

**«Уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар».**

Ҳа, бундай кишиларга охиратда хавф йўқ ва бу дунёда қилган ишларига хафа ҳам бўлмайдилар.

Ислом тузуми, аввало, ишга қодир ҳар бир инсоннинг осонлик билан ҳалол ризқ топишини таъминлайди. Лекин инсон ҳаёти дои-

мо бирдек кечавермайди, турли фавқулодда ҳолатлар, кутилмаган ҳодисалар оқибатида баъзи кишилар ноқулай иқтисодий ҳолатга тушиб қоладилар. Бундай ҳолатлар садақа, хайр-эҳсон йўли билан муолажа қилинади. Ўта бой кишилардан маълум миқдордаги молу мулк закот сифатида фарз ҳукми ила олиниб, ҳақдорларга тарқатилади.

Сўнгра, ҳамма қодир бўлган кишиларни ихтиёрий садақа қилишга тарғиб қилинади.

Шу билан бирга, муҳтожларни ҳам одоб доирасидан чиқмаслик, юқоридаги оятда айтилганидек, хиралик билан одамлардан тиланчилик қилмасдан иффатли-қаноатли бўлишга чақирилади.

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи қилган ривоятда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтадиларки: Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом: «Бир - икки хурмо ёки бир-икки луқмани олиб қайтадиган мискин эмас, иффатли бўлиб турган мискиндир, хоҳласангиз, «Одамлардан хиралик билан сўрамайдилар», оятини ўқинг», – дедилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалоту вассалом: «Ким ўзида етарли нарса бўла туриб одамлардан тиланса, қиёмат куни тиланчилиги юзида тирналиш бўлиб келади», дедилар. Одамлар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, етарли нарса қанча?» – дедилар. У зоти бобаракот:

«Элик дирҳам», – дедилар.

Шундан келиб чиқиб, етарли нарсаси бор одамга тиланчилик қилиш ҳаром, деган ҳукм чиқарилган.

Садақа ҳақидаги оятлар тушганидан кейин молиявий муомалаларнинг яна бир тури, садақага қарама-қарши тури – рибо (судхўрлик) ҳақида сўз очилади.

Рибо (судхўрлик) бечораларнинг ночорлигидан фойдаланиб, уларнинг меҳнати эвазига бойлик орттиришдан иборатдир. Бир инсон ночор бўлиб, иш юритишга, оила тебратиб, бола-чақа боқишга сармояси қолмай, пулдор кишининг олдига ҳожатини айтиб борса, унга садақа ёки яхши қарз беришнинг ўрнига судхўрлик юзасидан муомала қилади. Яъни, мен сенга маълум муддатга маълум миқдор пул бераман, сен бу пулни бунча фоизга кўпайтириб берасан, дейди. Агар тайинланган муддатдан кеч қолса, яна устига фоиз қўшилади ва ҳоказо. Шундай қилиб, бир тоифа одамлар бошқаларнинг ночор ҳолидан меҳнатсиз бойлик орттириш учун фойдаланадилар. Рибохўрлик бор жамиятда ноҳақлик, иқтисодий зулм авжга чиқади. Оқибатда мол-мулк бир гуруҳ судхўрларнинг қўлига ўтиб қолиб, жамият уларнинг хоҳишига биноан яшашга мажбур бўлади.

Ислом жоҳилиятдаги номаъқул ишлардан ҳеч бирига қарши рибога қарши ўт очгандек, ўт очмаган. Қуръони Каримда бу ҳақда бир қанча оятлар келган. Жумладан, ҳозир ўрганиладиган оятларимиз ҳам:

الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الرِّبَا لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا الْبَيْعُ مِثْلُ الرِّبَا وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا فَمَنْ جَاءَهُ مَوْعِظَةٌ مِنْ رَبِّهِ فَانْتَهَى فَلَهُ مَا سَلَفَ وَأَمْرُهُ إِلَى اللَّهِ وَمَنْ عَادَ فَأُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ

**275. Рибони ейдиганлар** (қабрларидан) **фақат шайтон уриб, жинни бўлган кишидек довдираб турарлар.** Бундай бўлиши уларнинг, тижорат ҳам рибога ўхшаш-да, деганлари учундир. Ва ҳолбуки, Аллоҳ тижоратни ҳалол, рибони ҳаром қилган. Кимки Рибидан мавъиза келганда тўхтаса, аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳнинг ўзига ҳавола. Кимки, яна (рибога) қайтса, ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.

Бизнинг тилимизда «рибо» сўзи судхўрлик деб таржима қилиб келинган. Яхшироқ тушуниш, маънонинг Қуръони Каримдагига янада яқинроқ бўлиши учун айтиш керакки, араб тилида «рибо» сўзи зиёда бўлди, кўпайди маъносини англатади. Шариатда эса, қарз берувчи қарздордан маълум вақт муқобилига асл мол устига оладиган зиёда-рибодир. Ушбу тушунтиришдан кейин рибо сўзини истеъмол қилишга ижозат бергайсиз.

Рибонинг нақадар ёмон нарса эканини кишилар онгига аввал бошдан яхшилаб ўрнатиш мақсадида, ояти карима судхўрнинг қиёматдаги ҳолини баён қилиш билан бошланмоқда. Қиёматдаги ҳар бир одамнинг сиртқи ҳолидан иши қандоқ экани билиб олинади.

Худди ўша куни одамлар қабрларидан тураётганларида, судхўрлар албатта ўзларига хос бир ҳолатда турар эканлар. Уларнинг қабрдан туришларини кўрганлар биров танитмаса ҳам, анавилар судхўрлар, дер экан. Уларнинг бу ҳолини ояти карима қуйидагича васф қилади:

**«Рибони ейдиганлар** (қабрларидан) **фақат шайтон уриб, жинни бўлган кишидек довдираб турарлар».**

Яъни, уларнинг ўзларини тутишлари соғ-саломат, ақлли кишилар каби бўлмайди.

Одатда, жин уриб, ақдан озган кишилар тартибсиз ва нотўғри ҳаракат қиладилар. Довдираб, ўзини ҳар тарафга уриб, уят ишларни ҳам қилаверадилар. Ана ўша ҳолат судхўрларда ҳам бўлар экан.

Баъзи тафсирчиларимиз судхўрларнинг бу ҳолатлари фақат қиёмат кунига боғлиқ эмас, балки бу дунёда ҳам шундай бўлади, деганлар. Уларнинг бундай аянчли ҳолатга тушишларининг сабаби келгуси жумлада баён қилинади:

**«Бундай бўлиши уларнинг, тижорат ҳам рибога ўхшаш-да, деганлари учундир».**

Судхўрлар «Рибо – ҳалол», деб эътиқод қиладилар ва уни тижоратга ўхшатадилар. Тижоратда молиявий муомала ортидан фойда келганидек, судхўрликда ҳам фойда келади, деб ўйлайдилар. Боз устига, уларнинг: «Тижорат ҳам рибога ўхшаш-да» дейишларидан, рибо аслида ҳалол қилинган нарса, тижорат ҳам унга ўхшаб ҳалол қилинган, деган маъно келиб чиқмоқда. Ваҳоланки:

**«Аллоҳ тижоратни ҳалол, рибони ҳаром қилган».**

Чунки, тижоратда фойда кўришнинг ҳам, куйиб қолишнинг ҳам эҳтимоли бор. Тижоратда инсоннинг меҳнати, маҳорати, атрофдаги табиий ҳолатларнинг фойда кўриш ёки зарар тортишга таъсири бор. Савдогар фойда кўришга умид қилгани билан бир вақтда куйиб қолишни ҳам бўйнига олган ҳолда иш бошлайди. Меҳнат қилиб одамларга керакли молларни олиб келади, сақлайди ва бошқа хизматларни қилади.

Судхўр-чи? У ҳеч нарса қилмай, жойида ўтиради. Нима бўлишидан қатъиназар, фойда олиши муқаррар. Куйиб қолиш хавфи йўқ.

Мазкур сабабларга ва яна зикр қилинмаган бошқа сабабларга кўра, тижорат инсон ҳаётида қўлланишга ҳалол, судхўрлик эса ҳаром қилинган.

Ушбу ояти карималар тушаётган пайтда кўп молиявий муомалалар рибо асосида юритилар эди. Шунинг учун, ушбу ояти каримадан келиб чиққан ҳукмдан аввалги ишлар ўз ҳолича қолдирилди. Акс ҳолда, аввалги иқтисодий алоқаларнинг ҳаммасини қайта кўриб чиқишга тўғри келарди.

**«Кимки Роббидан мавъиза келганда тўхтаса, аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳнинг Ўзига ҳавола».**

Яъни, Аллоҳ рибонинг ҳукмини баён қилгандан кейин рибовий муомалалардан тўхтаса, эски ишлари ўзига, у муомалаларни қайта кўришга ҳожат йўқ. Ўтган даврдаги муомалалари Аллоҳга ҳавола: хоҳласа кечиб юборади, хоҳласа иқобига олади.

**«Кимки яна (рибога) қайтса, ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.»**

Рибонинг ҳаромлиги ҳақида Аллоҳ томонидан оят келганига ҳам қарамай, кимки яна рибога қайтса, ундай одам, албатта, дўзахий бўлади, дўзахий бўлганда ҳам, ундан ҳеч қайтиб чиқа олмай, абадий қоладиган дўзахий бўлади.

Келаси оятда судхўрликнинг касофати фақат охиратдагина эмас, балки бу дунёда ҳам уриши эслатилади:

يَمْحَقُ اللَّهُ الرِّبَا وَيُرِي الصَّدَقَاتِ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ كُلَّ كَفَّارٍ أَثِيمٍ

**276. Аллоҳ рибони доимо нуқсонга учратур ва садақаларни зиёда қилур. Ва Аллоҳ ҳар бир кофир, гуноҳкорни хуш кўрмас.**

Баңдалар пул-моллари зиёда бўлиши учун рибохўрлик қилишадди ва ўзларига келган фойдани санаб юришади. Аслини олганда, иши бунинг тескариси бўлади. Чунки:

**«Аллоҳ рибони доимо нуқсонга учратур».**

Судхўрнинг пули ҳисоб жиҳатидан кўп бўлса ҳам, Аллоҳ унинг баракасини кўтариб, егани ўзига юқмайдиган қилиб қўяди. Судхўрни турли касалликларга дучор қилади, тинчлигини, хотиржамлигини олади. Яна биз билмайдиган кўп бало-офатларга дучор қилади.

Шунингдек, сиртдан қараганда, садақа қилган кишиларнинг моли камайганга ўхшайди. Аслида эса, иш бунинг тескариси бўлади: Аллоҳ

**«садақаларни зиёда қилур».** Агар ҳисобда садақа қилувчининг моли ҳажми оз бўлса ҳам, Аллоҳ унга барака ато қилади, бало-офатлардан сақлайди, ўзини тинч, хотирини жам қилади.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи қилган ривоятда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Рибо гарчи кўпайса ҳам, оқибати, албатта, озайишга қайтади», деганлар.

Имом Муслим ва имом Термизийлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалому васалом:

«Ким ҳалол касбидан бир дона хурмо миқдорича садақа қилса, зотан Аллоҳ ҳалолдан бошқани қабул ҳам қилмайди, албатта, Аллоҳ уни ўнг қўли билан қабул қилади ва сизлар тойчоқни ўстирганингиздек, ўстириб, Уҳуд тоғича қилади», деганлар.

**«Ва Аллоҳ ҳар бир кофир, гуноҳкорни хуш кўрмас.»**

Шундан кўришиб турибдики, рибохўр бўлганлар кофир ва гуноҳкор ҳисобланар эканлар.

Судхўрларнинг ушбу нохуш ҳолатлари муқобилига келаси оятда мўмин-мусулмонлар ва уларнинг яхши амалларининг гўзал манзараси васф қилинади:



إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوُا الزَّكَاةَ لَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٢٧٧﴾

**277. Албатта, иймон келтирган, яхши амалларни қилган, намозни қоим қилиб, закот берганларнинг ажрлари Роббилари ҳузуридадир. Уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар.**

Ҳақиқий иймон эгаси бўлган кишилар доимо яхши амалларни қиладилар, хусусан, намозни вақтида яхшилаб адо этадилар. Иқтисодий соҳада эса, закот берадилар. Рибохўрлар одамларнинг пешона тери билан топган даромадларини ҳаром йўл билан ўзлаштириб олаётган бўлсалар, мўминлар ўзлари пешона тери билан топган ҳалол молларидан закот чиқариб одамларга шундай, еб кетарга берадилар. Қайтариб олиш ёки ўрнига бошқа нарса олиш умидлари ҳам йўқ. Уларнинг бирдан-бир умидлари:

«Албатта, иймон келтирган, яхши амалларни қилган, намозни қоим қилиб, закот берганларнинг ажрлари Роббилари ҳузуридадир», деган ваъдадир. Улар икки дунёда эминлик ва бахт-саодатда бўлулар. Чунки:

«Уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар».

Келаси оятларда мўминларни рибони тарк қилишга чақирилиб, оқибати эслатилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَا إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿٢٧٨﴾

**278. Эй, иймон келтирганлар! Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга тақво қилинг ва рибонинг сарқитини ҳам тарк қилинг.**

Ушбу оятдан кўриниб турибдики, Аллоҳ таоло рибодек нохуш, ҳаром нарсани йўқ қилишда, бошқа ҳолатларга ўхшаб, аввало, мусулмонларнинг руҳий-маънавий тарбиясига алоҳида эътибор берган.

Яна мусулмонлар учун маҳбуб бўлган

«Эй, иймон келтирганлар» деган хитоб ишлатилмоқда. Кетидан:

«Агар мўмин бўлсангиз», деб яна иймонни орага солмоқда ва ниҳоят,

«Аллоҳга тақво қилинг», деб тақводор бўлишга чақирмоқда. Охири келиб, рибонинг сарқитини ҳам тарк қилишга амр этмоқда.

Ислонда ҳукм юритишнинг энг таъсирчан йўли ташқи кучларни ишга солиш эмас, балки ҳар бир одамнинг қалбини ўзига кузатувчи қилиб қўйишдир. Худосиз тузумлар миршаб, жосус ва аскарларни

кўпайтириш билан ҳукмини юритишга уринсалар, Исломда кишиларнинг қалбларидаги тақводорлик ҳис-туйғусини кучайтиришга ҳаракат қилинади. Ҳар бир кишининг виждони ўзига қоровул бўлади.

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада мусулмонларни рибонинг ўзи у ёқда турсин, сарқитидан, қолдиғидан ҳам қайтармоқда. Бу маънони алоҳида таъкидлаш учун кейинги оятда гапнинг пўсткаласини очиқ-ойдин айтиб қўймоқда.

فَإِنْ لَّمْ تَفْعَلُوا فَأْذَنُوا بِحَرْبٍ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ ۗ وَإِن تُبْتُمْ فَلَكُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ  
لَا تَظْلِمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ

**279. Агар ундоқ қилмасангиз, Аллоҳ ва Унинг Расули томонидан бўладиган урушга ишонаверинг. Агар тавба қилсангиз, сармоянгиз ўзингизга, зулм қилмассиз ва сизга ҳам зулм қилинмас.**

Яъни, агар иқтисодий муомалаларингизда ўртадан рибони кўтариб, унинг сарқитларини тарк этмасангиз, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари сизга қарши қаттиқ уруш очади. Агар тавба қилиб, рибохўрликдан қайтсангиз, сармоянгизни оласиз, шунда сиз судхўрлик билан бировга зулм қилмаган бўласиз ва сизга ҳам зулм қилинмаган бўлади.

Ибн Ҳиббон ва бошқа ҳадис олимлари Зайд ибн Асламдан ривоят қилишларича, жоҳилият даврида Бани Сақиф ва Бани ал-Муғийра қабилалари ўртасида рибо асосида муомала бўлган экан. Исломга кирганларидан сўнг Бани Сақиф қабиласи Бани ал-Муғийрадан рибо олмасликларини илтимос қилибди. Бани ал-Муғийра ўзаро маслаҳатлашиб, Исломда бўлганимиздаги муомалалардан рибо олмаймиз, ундан аввалгисидан оламиз, дейишибди. Ўша пайтда Маккаи Мукаррамада бошлиқ бўлиб турган Итоб ибн Усайд розияллоҳу анҳу бу ҳақда Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассаломга хат ёзганларида:

«Эй, иймон келтирганлар! Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга тақво қилинг ва рибонинг сарқитини ҳам тарк қилинг. Агар ундай қилмасангиз, Аллоҳ ва Унинг Расули томонидан бўладиган урушга ишонаверинг...» оятлари нозил бўлди.

Пайғамбар алайҳиссалату вассалом бу ҳақида Итоб ибн Усайд розияллоҳу анҳуга хабар бердилар ва у кишини Бани ал-Муғийра рибохўрликни тарк қилмасалар, уларга қарши уруш қилишга буюрдилар. Хабар етганда, Бани ал-Муғийра: «Тавба қиламиз, рибонинг сарқитини тарк этамиз», — дедилар.

Пайғамбар алайҳиссалату вассалом Маккаи Мукаррамани фатҳ қилган кунларидаги хутбаларида жоҳилиятдаги барча риболарни

бекор қилганликларини, биринчи бўлиб амакилари Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоҳу анҳунинг риболарини қарздорлар бўйнидан туширганликларини эълон қилдилар.

Демак, Исломда рибо асосида молиявий алоқа олиб бориш мутлақо ҳаром қилинган. Ночор ҳолга тушиб, турмуш ўтказиш ёки иш юритиш учун сармоёга муҳтож бўлиб қолган шахс билан хайри-эҳсон ёки яхши қарз бериш ила молиявий алоқа олиб бориш лозим. Кейинги оятда ана ўша алоқалардан бири – қарзга оид ҳукмлар баёни келади.

وَإِنْ كَانَتْ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ وَأَنْ تَصَدَّقُوا خَيْرٌ لَّكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ

**280. Агар ночор бўлса, бойигунча интизор қилинг. Садақа қилмоғингиз, гар билсангиз, ўзингиз учун яхшидир.**

Мусулмонлик одоби, агар қарздор ночор бўлса, қарз берувчини сабр қилишга, қарздорни қийин-қистовга олмасликка, у ўзини ўнглаб олгунча кутиб туришга чақиради.

**«Агар ночор бўлса, бойигунча интизор қилинг.»**

Яъни, агар қарздор ночор бўлиб, сиздан олган қарзини вақтида тўлай олмаётган бўлса, у бойигунча сабр ила кутиб туринг. Буни мусулмон бўлмаган одамлар тушуниши қийин. Айниқса, моддапарастларга бу иш мусийбат бўлиб туюлади.

Ислом эса, ундан ҳам каттароқ одим ташлайди. Қарз берувчиларга:

**«Садақа қилмоғингиз, гар билсангиз, ўзингиз учун яхшидир»,** деб қарзнинг ҳаммасини ёки баъзисини кечиб юборишга тарғиб қилади.

Имом Тобароний Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом:

«Кимки Ўзининг соясидан бошқа соя бўлмаган кунда Аллоҳ уни Ўз соясига олишини хоҳласа, ночорга енгиллик туғдирсин ёки ундан кечиб юборсин», деганлар.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Одамларга қарз берадиган бир савдогар бор эди. Агар ночор кишини кўрса, хизматкорларига ундан кечиб юборинглар, шоядки, Аллоҳ биздан ҳам кечиб юборса, дер эди. Аллоҳ таоло ундан кечди», деганлар.

وَاتَّقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ تُوَفَّى كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿٢٨١﴾

**281. Аллоҳга қайтариладиган кунингиздан қўрқинг. Сўнгра, ҳар бир жон қилганига яраша тўлиқ оладур. Уларга зулм қилинмас.**

Бу оятда яна бир бор тақвога ва қиёмат кунидан қўрқишга даъват қилиняпти. Албатта, қиёмат кунидан ҳақиқий қўрқилгандагина юқоридаги ҳукмларга тўлиқ амал этилади. Чунки, у кунда ҳар бир жонга қилганига яраша тўлиқ жазо ёки мукофот берилади. Ҳеч кимга зулм қилинмайди. Ҳеч кимнинг қилган амали камайтириб ёки кўпайтириб қўйилмайди.

Қуръон илмлари билан шуғулланган уламолар ушбу ояти карима Аллоҳ туширган оятлар ичида энг охириги оят эканлигини баён қилганлар. Ибн Журайжнинг айтишларича, Пайғамбар алайҳиссалом ушбу ояти карима нозил бўлгандан сўнг тўққиз кун яшаганлар, холос.

Аммо, «Қуръон илмлари» номли нозик илмдан етарли хабарлари бўлмаган кўпгина кишилар Қуръони Каримнинг охириги нозил бўлган ояти ҳақида гап кетганда ноаниқликка йўл қўядилар. Улар видолашув ҳажи пайтида нозил бўлган «Бугунги кунда сизларнинг динингизни мукамал қилдим», деб бошланувчи ояти каримани Қуръони Каримнинг охириги нозил бўлган ояти, дейдилар. Бу оятдан кейин Пайғамбаримиз саксон бир кун яшаганлари аниқ.

Келгуси оятларда қарз одди-бердисининг ҳукмлари баён қилинади:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا تَدَايَنْتُمْ بِدِينٍ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى فَاكْتُبُوهُ وَلْيَكْتُبَ بَيْنَكُمْ كَاتِبٌ بِالْعَدْلِ وَلَا يَأْبَ كَاتِبٌ أَنْ يَكْتُبَ كَمَا عَلَّمَهُ اللَّهُ فَلْيَكْتُبْ وَلْيُمْلِلِ الَّذِي عَلَيْهِ الْحَقُّ وَلْيَتَّقِ اللَّهَ رَبَّهُ وَلَا يَبْخَسَ مِنْهُ شَيْئًا فَإِن كَانَ الَّذِي عَلَيْهِ الْحَقُّ سَفِيهًا أَوْ ضَعِيفًا أَوْ لَا يَسْتَطِيعُ أَنْ يُمْلَ لَهُ فَوَلْيُمْلِلْ وَلِيُّهُ بِالْعَدْلِ وَأَسْتَشْهِدُوا شَهِيدَيْنِ مِّن رِّجَالِكُمْ فَإِن لَّمْ يَكُونَا رَجُلَيْنِ فَرَجُلٌ وَامْرَأَتَانِ مِمَّن تَرْضَوْنَ مِنَ الشُّهَدَاءِ أَن تَضِلَّ إِحْدَاهُمَا فَتُذَكَّرَ إِحْدَاهُمَا الْأُخْرَىٰ وَلَا يَأْبَ الشُّهَدَاءُ إِذَا مَا دُعُوا وَلَا تَسْمَعُوا أَن تَكْفُرُوا بِهِ صَغِيرًا أَوْ كَبِيرًا إِلَىٰ أَجَلِهِ ذَٰلِكُمْ أَقْسَطُ عِنْدَ اللَّهِ وَأَقْوَمُ

لِلشَّهَادَةِ وَأَدْنَىٰ أَلَّا تَرْتَابُوا إِلَّا أَن تَكُونَ تِجَارَةً حَاضِرَةً تُدِيرُونَهَا بَيْنَكُمْ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَلَّا تَكُنُوبُوهَا وَأَشْهَدُوا إِذَا تَبَايَعْتُمْ وَلَا يُضَارَّ كَاتِبٌ وَلَا شَهِيدٌ وَإِن تَفْعَلُوا فَإِنَّهُ فُسُوقٌ بِكُمْ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَيَعْلَمَ اللَّهُ وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ

282. Эй, иймон келтирганлар! Маълум муддатга қарз олди-берди қилган вақтингизда, уни ёзиб қўйинг. Орангизда бир ёзувчи адолат билан ёзсин. Ҳеч бир ёзувчи Аллоҳ билдирганидек қилиб ёзишдан бош тортмасин. Бас, ёзсин ва ҳақ зиммасига тушган киши айтиб турсин, Роббига тақво қилсин ва ундан ҳеч нарсани камайтирмасин. Агар ҳақ зиммасига тушган киши эси паст, заиф ёки айтиб тура олмайдиган бўлса, унинг валийси адолат билан айтиб турсин. Эркакларингиздан икки кишини гувоҳ қилинг. Агар икки эр киши бўлмаса, ўзингиз рози бўладиган гувоҳлардан бир эр киши ва икки аёл киши бўлсин. Иккови (аёл)дан бирорталари адашса, бирлари бошқаларининг эсига солади. Ва чақирилган вақтда гувоҳлар бош тортмасинлар. Кичик бўлса ҳам, катта бўлса ҳам, муддатигача ёзишингизни малол олманг. Шундоқ қилмоғингиз, Аллоҳнинг ҳузурида адолатлироқ, гувоҳликка кучлироқ ва шубҳаланмаслигингиз учун яқинроқдир. Магар ораларингизда юриб турган нақд савдо бўлса, ёзмасангиз ҳам, сизга гуноҳ бўлмас. Олди-сотди қилганингизда, гувоҳ келтиринг ва ёзувчи ҳам, гувоҳ ҳам зарар торт-масин. Агар (аксини) қилсангиз, албатта, бу фосиқ-лигингиздир. Аллоҳга тақво қилинг. Ва Аллоҳ сизга илм берадир. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи зотдир.

«Ояти мудояна» — қарз олди-бердиси ояти номини олган ушбу ояти карима Қуръони Каримдаги энг узун оятдир. Ушбу ояти карима Қуръони Карим, Ислом дини инсон ҳаётининг барча томонларини қамраб олганига ёрқин мисолдир. Бу ояти каримани ўрганган одам, бошқа барча тузум ва жамиятлар ўзларининг асосий ҳужжатларида инсон турмушида тез-тез учраб турадиган қарз масаласига Қуръони Карим қанчалик аҳамият берганини англаб етади.

Энди бевосита ояти кариманинг тафсирига ўтайлик:

**«Эй, иймон келтирганлар! Маълум муддатга қарз олди-берди қилган вақтингизда, уни ёзиб қўйинг».**

Аллоҳ таоло бу ояти каримани ҳам мусулмон бандаларига маҳбуб

**«Эй, иймон келтирганлар!»** нидоси ила бошлаганидан унда келадиган амрлар, масалалар алоҳида эътиборга сазовор эканлигини билиб оламиз. Шу билан бирга, ушбу ояти кариманинг айтганига амал қилиб, қарз олди-берди қилганимизда ёзиб-ҳужжатлаштириб қўйишимиз зарурлигини англаб етамиз. Ояти кариманинг давомида мазкур ёзиб қўйиш қайси хилда бўлиши айтилади:

**«Орангизда бир ёзувчи адолат билан ёзсин».**

Демак, қарз олди-бердиси ҳақидаги ҳужжатни қарз олувчи ҳам, қарз берувчи ҳам ёзмайди. Балки, учинчи – холис бир шахс адолат билан ёзади.

Ушбу қарз ишига ўхшаш ишлар одатда ташвиш келтириши маълум. Шунинг учун, кўпчилик бундоқ бош оғриғи бўладиган ишга ёзувчи сифатида иштирок этишни истамайди. Ана шу ҳолни эътиборга олиб ояти кариманинг давомида:

**«Ҳеч бир ёзувчи Аллоҳ билдирганидек қилиб ёзишдан бош тортмасин», дейилади.**

Чунки, бу иш – савобли иш. Бу иш – Аллоҳ таолонинг амрига биноан бўлаётган иш. Мусулмонлар жамоатга керак ишларда ҳожатмандларнинг ҳожатини чиқаришга доимо тарғиб қилинадилар. Шунинг учун ҳам, ёзувчиликка таклиф этилган одам

**«Бас, ёзсин ва ҳақ зиммасига тушган киши айтиб турсин, Роббига тақво қилсин ва ундан ҳеч нарса камайтирмасин».**

Ояти карима «ҳақ зиммасига тушган киши» деганда қарз олувчини назарда тутган. Демак, ўртадаги киши келиб қарз олди-бердини ёзаётган вақтда матнни қарз олувчи айтиб туради. Аввало, қарз олаётганини эътироф қилади. Қарзнинг миқдорини, шартини ва муддатини айтади. Бу нарсаларни қарз берувчи айтиб турса, ўз фойдасига буриб юбормасин, деган эҳтиёт чораси туфайли шундай қилинади. Қарз олувчи муҳтож бўлиб тургани учун бундай қилмаслиги аниқроқ. Чунки, у муомаланинг тезроқ амалга ошишига муҳтож.

Шундай бўлса ҳам, ояти карима яна бир бор уни Роббига тақво қилишга ва ҳеч нарса камайтирмасликка даъват қилмоқда.

**«Агар зиммасига ҳақ тушган киши эси паст, заиф ёки айтиб тура олмайдиган бўлса, унинг валийси адолат билан айтиб турсин.»**

Яъни, қарз олаётган одам эси паст, молиявий ишлар тадбирини билмайдиган бўлса, заифлиги (ёши кичикдир ёки ўта кексадир, касалдир) туфайли ёки тилидаги айби, билмаслиги ва бошқа мавжуд айблар туфайли айтиб тура олмаса, унинг валийси адолат билан айтиб турсин. Чунки, валийлар бошқа ишларда ҳам ўз қарамоғидигиларнинг масъулиятини оладилар.

**«Эркакларингиздан икки кишини гувоҳ қилинг.»**

Молиявий олди-берди катта аҳамиятга эгадир, чунки бунда орага молу пул аралашади. Бундай ҳолда биров бошқанинг ҳақини еб кетишининг йўлини ҳар жиҳатдан тўсиш лозим. Бунда адолатли котибга ёздириб қўйиш билан кифояланмай, яна мусулмонлардан икки эркак кишини гувоҳ қилишга ҳам амр бўлмоқда. Исломда гувоҳликка доимо адолатли кишилар ўтиши зарур, бу нарса бошқа жойларда кўп таъкидлангани учун бу ерда қайта айтилмади. Аммо, барибир, бу шарт бекор бўлмайди. Чунки шариат ўлчовида адолатсиз бўлган кишининг гувоҳлиги қабул қилинмайди.

Гувоҳларнинг эркак киши бўлишини таъкидлашнинг ҳам ҳикмати бор. Ҳақиқий исломий жамиятда юқоридаги каби серташвиш, хархашали ва масъулиятли ишлар одатда эркаклар зиммасига юкланади. Исломда аёл киши мол-дунё ташвишини чекишдан умуман озод этилган. Қарз олди-бердиси, ёзиб қўйиш ва ҳоказо ишлар билан муслима аёллар безовта қилинмайди. Аммо, фаразан, гувоҳликка икки эр киши топилмай қолса, унда нима бўлади?

**«Агар икки эр киши бўлмаса, ўзингиз рози бўладиган гувоҳлардан бир эр киши ва икки аёл киши бўлсин.»**

Бу ерда гувоҳларнинг адолатли бўлишлари устига, яна бир муҳим шарт қўйилмоқда. Улар «ўзингиз рози бўладиган гувоҳлардан» бўлсин. Кейин бирор гап чиқиб қолгудек бўлса, гувоҳларга ишончим йўқ эди, гувоҳлар қарши томоннинг одами экан, каби гапларга ўрин қўймаслик учун шундай қилиш зарур.

«Икки эр киши бўлмаса, бир эр киши ва икки аёл киши бўлсин», дейилгани Ислом душманларига жуда қўл келиб, динимизга таъна тошларини отишларига сабаб бўлган. Душманлар, Ислом аёл кишини тўлиқ одам ўрнида кўрмайди, шунинг учун гувоҳликка ўтишда икки аёлни бир эркак билан тенглаштирган, деб даъво қилишади. Гувоҳлик ҳақида сўз кетаётганда мавзу қарз олди-бердиси эканлиги, муслима аёллар одатда бундай ишларда иштирок этмасликлари, шунинг учун ҳам эҳтиёт чораси тарзида шундоқ қилинганлигини ҳеч айтгилари келмайди. Балки яширадилар ва умумлаштириб, бу ҳукм ҳамма нарсага оиддир, деб айтадилар. Ҳолбуки, ояти кариманинг ўзи бундай тақсимотнинг сабабини очиқ-ойдин айтиб қўйган:

**«Бас, ёзсин ва ҳақ зиммасига тушган киши айтиб турсин, Роббига тақво қилсин ва ундан ҳеч нарсани камайтирмасин.»**

Одатда, аёл кишининг кўнгли бўш, таъсирчан, меҳри дарё бўлади. Оналик учун зарур бўлган бу сифатлар талашиб-тортишиш ва уруш-жанжалда тескари натижа бериб қолиши ҳам мумкин. Агар икки киши бўлсалар, бир-бирларига эслатиб, гувоҳликни адолат

билан адо этадилар. Айнан мана шу эътибордан қарз олди-бердисида икки аёл гувоҳ бўлиши шарт қилинган.

Шариатда шундай ишлар борки, унда мингта эркакнинг гувоҳлиги ўтмаса ҳам битта аёлнинг гувоҳлиги ўтади. Мисол учун, идда, туғиш, эмизиш каби масалалар. Буларда фақат аёлларнинг гувоҳлиги ўтади. Шу ҳукми ушлаб олиб, Исломи эркакларни одам ўрнида кўрмайди, чунки фалон-фалон ишларда уларнинг гувоҳликлари қабул эмас, дейилса, инсофданми? Демак, Исломи душманларининг юқоридегидек даъволари мутлақо ўринсиздир.

**«Ва чақирилган вақтда гувоҳлар бош тортмасин.»**

Бу - Аллоҳнинг амри. Бунга амал қилмаган инсон гуноҳқор бўлади. Ҳақиқатни, адолатни ҳимоя қилиш учун гувоҳликка ўтишлик улкан савоб ҳисобланади.

Имом Муслим ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда Пайғамбар алай-ҳиссалату вассалом:

«Сизларга энг яхши гувоҳ кимлигини айтиб берайми? Гувоҳлиги сўралмасдан туриб гувоҳлик берадиганлардир», деганлар.

**«Кичик бўлса ҳам, катта бўлса ҳам, муддатигача ёзишингизни малол олманг.»**

Яъни, қарз кичик миқдорда бўлса ҳам, катта миқдорда бўлса ҳам, вақтини аниқ қилиб, қачонгача олинганини айтиб-ёзиб қўйишни малол олманг. Кейин ёзиб қўярман, эслаб қолдим, шуни ҳам ёзиб ўтирадим, каби баҳоналар беҳуда эканлиги ушбу жумладан очиқ-ойдин кўриниб турибди. Бу таъкиддан кўринадики, нима бўлса ҳам ёзиб қўйиш лозим экан. Чунки, бу ишнинг фойдаси жуда ҳам катта, унинг ҳикматларини кейинги жумла баён қилмоқда:

**«Шундоқ қилмоғингиз Аллоҳнинг ҳузурида адолатлироқ, гувоҳликка кучлироқ ва шубҳаланмаслигингиз учун яқинроқдир.»**

Демак, қарз олди-бердисини ёзиб қўйиш жуда ҳам зарур экан. Қарзни ёзиб қўйиш Аллоҳнинг ҳузурида адолатлироқ, афзалроқ экан. Гувоҳлик сифатида ҳам оғзақисидан кўра кучлироқ экан. Ва ниҳоят, шундай қилинганда, шубҳага ўрин қолмас экан. Булардан маълум бўладики, қарзни ёзиб қўйиш тўғри иш, нозик ва дақиқ иш, ишончли иш ва хотиржамликни пайдо қилувчи ишдир.

Қарз маълум муддатга олинадиган бўлса, ҳукми шундай. Аммо юриб турган савдо ишлари бўлса, ёзиш шарт эмас. Чунки ҳамма нарса аниқ: мол олдида турибди, савдо тез-тез такрор бўлиб турадиган нарса, ҳар бирини ёзиш зарур бўлса, қийинлашиб кетади:

**«Магар ораларингизда юриб турган нақд савдо бўлса, ёзма-сангиз ҳам, сизга гуноҳ бўлмас.»**

Ёзиб борса, ўзининг иши, лекин ёзмаса, гуноҳ эмас. Бундан чи-



қадики, аввал зикр қилинган нарсаларни ёзмаса, гуноҳ бўлади.

**«Олди-сотди қилганингизда, гувоҳ келтиринг ва ёзувчи ҳам, гувоҳ ҳам зарар тортмасин».**

Савдо ишларига гувоҳ келтириш ҳақидаги ҳукми уламолар «ман-дуб» деганлар. Сотувчи билан харидор ўртасида баъзи келишмовчиликлар пайдо бўлиб қолса, гувоҳлар ҳақни ўрнатишда ўз гувоҳликлари билан ёрдам берадилар. Оятнинг аввалидан ҳозиргача ёзувчи ва гувоҳларга вазифа юкланиб келди. Уларга ушбу хизматдан қочмаслик қайта-қайта тайинланди. Мазкур жумлада эса, ёзувчи ва гувоҳларнинг ҳақлари ҳимоя қилинапти. Улар ёзувчилик ва гувоҳлик қилаётганларида зарар тортмасликлари зарур. Одатда, ёзувчи ва гувоҳлар савоб умидида вақт сарфлаб, меҳнат қиладилар. Лекин кўпинча бало ва туҳматларга ҳам қоладилар. Шунинг учун, уларнинг хотирини жам қиладиган, бу савобли ишга қизиқтирадиган ваъда шу ерда келмоқда:

**«Агар (аксини) қилсангиз, албатта, бу фосиқлигингиздир».**

Яъни, агар ёзувчи ва гувоҳга зарар келтирсангиз, фосиқлик қилган бўласиз, Аллоҳнинг амридан чиққан бўласиз.

Оятнинг сўнгида яна, Қуръони Каримнинг одати бўйича, кишининг виждонига, қалбига, асосий таъсир жойига хитоб қилинган:

**«Аллоҳга тақво қилинг. Ва Аллоҳ сизга илм беради. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи зотдир».**

Худди бошқа ишлардаги каби бу ишларда ҳам тақво муҳим омил ҳисобланади. Тақво бўлса, Аллоҳ илм ҳам беради. У фазли улуғ зотдир. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи зот, Ўзи билиб иш тутади.

Сўнгра, келаси оятда қарз олди-берди муомаласи ҳақидаги ҳукмга тўлдириш зикр қилинади:

﴿وَإِنْ كُنْتُمْ عَلَىٰ سَفَرٍ وَلَمْ تَجِدُوا كَاتِبًا فَرِهْنَ مَقْبُوضَةٌ فَإِنْ أَمِنَ بَعْضُكُم بَعْضًا فَلْيُؤَدِّ الَّذِي اؤْتُمِنَ أَمْنَتَهُ وَلْيَتَّقِ اللَّهَ رَبَّهُ وَلَا تَكْتُمُوا الشَّهَادَةَ وَمَنْ يَكْتُمْهَا فَإِنَّهُ آتَاهُ قَلْبُهُ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ﴾

283. Агар сафарда бўлсангиз ва ёзувчи топа олмасангиз, бас, қўлга олинадиган гаров бўлсин. Агар баъзингиз баъзингизга ишонсангиз, бас, ишонилган омонатни адо қилсин, Аллоҳга – Роббига тақво қилсин. Гувоҳликни беркитманг! Ким уни беркитса, унинг қалби гуноҳкордир. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингизни билувчи зотдир.

Аввалги оятда оддий ҳолатдаги қарз олди-бердиси ҳақида сўз кетган эди. Бу оятда эса, сафардаги қарз олди-бердиси ҳақида гапирилмоқда. Яъни, сафарда ўзига яраша қийинчиликлар, етишмовчиликлар бўлади. Баъзан қарз олишга тўғри келади. Аммо бундай пайтда муомалани ёзиб туришга одам топилмаса, нима қилинади? Ушбу ояти карима ана шундай ноқулай ҳолатдан чиқишнинг йўлини кўрсатмоқда:

**«Агар сафарда бўлсангиз ва ёзувчи топа олмасангиз, бас, қўлга олинадиган гаров бўлсин».**

Бу дегани – қарз олувчи қарз берувчига гаровга бир нарса берсин, деганидир. Ўша нарса қарзни эслатиб туради, тониб кетмаслигига сабаб бўлади.

**«Агар баъзингиз баъзингизга ишонсангиз, бас, ишонилган омонатни адо қилсин, Аллоҳга – Роббига тақво қилсин.»**

Яъни, ўртада ёзувчи бўлмаса ҳам, қарз берувчи ишониб қарз беради. Қарздор эса, қарз берувчига ишониб гаров беради. Бу ҳолатда икки тараф ҳам бир-бирига ишонади ва омонат қўяди. Икковлари ҳам омонатни адо этишлари, Аллоҳга – Роббиларига тақво қилишлари керак. Яна бир бор тақво эслатилмоқда, ҳамма ишларда тақво асос сифатида зикр қилиняпти. Кишиларда тақво ҳисси уйғотилгач, яна бир муҳим ишга диққат жалб этиляпти:

**«Гувоҳликни беркитманг! Ким уни беркитса, унинг қалби гуноҳкордир».**

Бу гувоҳлик қозининг ҳузуридаги гувоҳликдир. Яъни, қарз ёки тижорат ишларида гувоҳликдан қочиш ярамайди. Вақти келиб, мазкур ишда келишмовчилик чиқиб қолиб, тарафлар қозига мурожаат қилишса, албатта, қози гувоҳни чақиради. Шунда гувоҳликни беркитмаслик керак. Ким гувоҳликни беркитса, унинг қалби гуноҳкордир. Чунки, гувоҳлик ёки уни беркитиш қалбга боғлиқ ишдир.

**«Ва Аллоҳ қилаётган амалларингизни билувчи зотдир.»**

Шунга биноан жазо ёки мукофот беради.

Қарз ва савдо тўғрисидаги ушбу илоҳий таълимотларни ўрганиш давомида инсоният ўз бахт-саодатининг манбасини топа олмай адашиб юрганидан афсус қилинади. Бошқаларни қўйиб туринг-у, «мусулмонман» деб юрганлар ҳам аксар пайтларда қарз муомаласи юзасидан турли мушкулотларга дучор бўладилар. Улар Аллоҳ таолонинг амрига биноан иш тутмаганлари учун бир-бирларининг молларини ейдилар, уруш-жанжалларга кўмиладилар. Агар ушбу ояти каримага амал этишса, ҳеч қандай муаммо бўлмас эди.

Кейинги оятда ҳам инсон қалби доимо Аллоҳ билан бўлиши, Унинг ҳамма нарсанинг эгаси эканлигини ва ҳамма нарсага қодир

эканини сезиб, ҳис қилиб туриши лозимлигини таъкидлашда давом этилади:

لَلّٰهِ مَا فِي السَّمٰوٰتِ وَمَا فِي الْاَرْضِ وَ اِنْ تَبَدُّوْا مَا فِيْ اَنْفُسِكُمْ اَوْ تَخَفُوْهُ  
يُحَاسِبْكُمْ بِهٖ اللّٰهُ فَيَغْفِرُ لِمَنْ يَّشَآءُ وَيُعَذِّبُ مَنْ يَّشَآءُ وَاللّٰهُ عَلٰى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيْرٌ

**284. Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Агар ичингиздаги нарсаларни ошкор қилсангиз ҳам, махфий қилсангиз ҳам, сизларни Аллоҳ ҳисоб-китоб қиладир. Ва кимни хоҳласа, мағфират қилар, кимни хоҳласа, азоблар. Ва У ҳар бир нарсага қодирдир.**

Ушбу ояти карима Аллоҳ таолонинг баркамоллик сифтларини баён этиш билан бирга бандаларни баркамол сифатларга эга бўлган Зот – Аллоҳ таолога нисбатан ўзига яраша ихлос қилиш, У зотнинг амрларига бўйинсуниб, наҳйиларидан қайтишлари лозимлигини англатади.

**«Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир.»**

Борлиқ Аллоҳнинг мулкидир. Мулкида жараён этаётган ҳар бир ишдан У огоҳдир. Жумладан,

**«Агар ичингиздаги нарсаларни ошкор қилсангиз ҳам, махфий қилсангиз ҳам, сизларни Аллоҳ ҳисоб-китоб қиладир».**

Яъни, Аллоҳ таоло бандаларнинг яширин ниятларини ҳам, ошкора ишларини ҳам яхши билади. Ва ҳаммасини ҳисоб-китоб қилиб, банданинг номаи аъмолига ёзиб боради. Ўша ҳисоб-китоб асосида:

**«Ва кимни хоҳласа, мағфират қилар, кимни хоҳласа, азоблар».**

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассалом:

«Мўмин ўз Роббиси азза ва жаллага яқинлашади, ҳаттоки тегиб туради, бас, Аллоҳ уни гуноҳларига иқрор қилади.

«Мана буни баласанми?!» – деб сўрайди. Банда:

«Биламан, биламан, эй Роббим», – дейди. Шундай қилиб, Аллоҳнинг хоҳлаганича бўлади. Шунда Аллоҳ:

«Мен сенинг бу гуноҳларингни у дунёда беркитган эдим, бугунги кунда эса, мағфират қиламан», – дейди. Сўнгра, унинг китоби ўнг тарафдан берилади. Аммо кофир ва мунофиқларга эса, кўпчиликнинг ҳузурида: «Анавилар ўз Роббиларига ёлғон гапирганлар, зolimларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин», дейилади».

Ушбу ривоятлардан маълум бўладики, банданинг ичида сақланган нарсаларига, агар азму қарор қилмаган бўлса, Аллоҳ азобламас экан. Бу маъно, айниқса, кейинги икки оятда янада равшан бўлади.

Имом Аҳмад Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки:

«Пайғамбар алайҳиссалату вассаломга «Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳниқидир» ояти тушганда, бу Расулуллоҳнинг саҳобаларига оғир кўриниб кетди. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаламнинг олдиларига келиб, тиз чўкиб ўтирдилар ва:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, бизга тоқатимиздан ташқари амаллар тақлиф қилинди — намоз, рўза, жиҳод, садақа ва энди сизга ушбу оят ҳам тушди, бунга чидай олмаймиз», — дедилар. Расулуллоҳ алайҳиссалом:

«Сиздан аввалги икки китоб аҳли айтган гапни айтмоқчимисизлар? Эшитдик ва исён қиламиз, демоқчимисизлар? Аксинча, эшитдик ва итоат қилдик, эй Роббимиз, мағфиратингни сўраймиз ва қайтиб бориш сенгадир, денглар», — дедилар.

Одамлар бунга иқрор бўлиб, тиллари билан айтишганида, Аллоҳ таоло «Аманар-Расулу» лафзлари ила бошланувчи оятни туширди.

ءَامِنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ ۚ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ ءَامِنٌ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ ۚ وَكُتُبِهِ ۚ  
وَرُسُلِهِ ۚ لَا نَفَرَقَ بَيْنَ أَحَدٍ مِّن رُّسُلِهِ ۚ وَقَالُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا ۗ غُفْرَانَكَ رَبَّنَا  
وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ ﴿٢٨٥﴾

**285. Пайғамбар унга ўз Роббисидан туширилган нарсага иймон келтирди ва мўминлар ҳам. Барча, Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига иймон келтирди. Унинг Пайғамбарларининг бирорталарини ажратмаймиз. Ва эшитдик ва итоат қилдик, (эй Роббимиз), мағфиратингни сўраймиз ва қайтиб бориш Сенгадир, дедилар.**

Ушбу ояти карима ва кейинги оят иккалови ўзларида ушбу суранинг хулосасини мужассам қилгандир. Бу икки оятнинг ҳар бир сўзи улкан маъно англатади. Уларда ақийда, иймон хусусиятлари, банданинг ўз Роббиси билан бўладиган ҳоли, фарз қилинган амалларга муносабат ва бошқалар келган.

**«Пайғамбар унга ўз Роббидан туширилган нарсага иймон келтирди ва мўминлар ҳам.»**

Пайғамбарнинг иймонидай кучли иймон бўлмайди. Чунки, у тўғридан-тўғри Аллоҳдан қабул қилиб олинган иймондир. Оятда ўша иймонга мўмин бандаларнинг шерик қилиниши улар учун улкан шарафдир.

**«Барча, Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига иймон келтирди».**

Бу, қиёматгача инсониятнинг барчасига йўлбошчи бўладиган умматга хос иймондир.

Аллоҳга иймон келтириш исломий тасаввурнинг асосидир. У ҳаётий йўлнинг негизидир. Одоб, ахлоқ, иқтисод, сиёсат, хуллас, банданинг ҳар бир ҳаракати ва нафасининг ҳам асосидир.

Аллоҳга иймон келтиришнинг маъноси — Унинг илоҳликда, тарбиякунандаликда ва ибодатда ягона Ўзи ҳақдор эканини эътироф қилишдир. Инсоннинг қалбига, виждонига, ҳаётидаги ҳар бир ишига хўжайинлик ягона Аллоҳга хос, деб эътироф қилишдир. Бу ишларда Аллоҳга ҳеч қандай шерик йўқ.

Унинг яратувчиликда шериги йўқ. Ҳамма нарсани Ўзи яратган. Тасарруфотда ҳам Унинг шериги йўқ. Барча ишларни ягона Ўзи тасарруф қилади.

Унинг ризқ беришда шериги йўқ. Ҳаммага ягона Ўзигина ризқ беради.

Унинг фойда беришда шериги йўқ. Ҳаммага фойдани ягона Ўзигина беради.

Унинг зарарли нарсаларни халқ қилишда шериги йўқ. Ҳамма зарар етказувчи нарсаларни халқ қилишни ягона Ўзи амалга оширади.

Борлиқдаги каттаю кичик ҳар бир нарса Аллоҳнинг изни ва иродаси билан бўлади.

Унинг ибодатга ҳақдорликда шериги йўқ. Барча ибодат ва барчанинг ибодати ягона Аллоҳнинг Ўзигадир. Унинг итоатга ҳақдорликда ҳам шериги йўқ. Барча тоат ва барчанинг тоати ягона Аллоҳнинг Ўзигадир.

Унинг бандалар қалби ва виждонига хожа эканлигида ҳам шериги йўқ. Ҳамманинг қалби ва виждонига ягона Аллоҳнинг Ўзи хожадир.

Унинг бандалар ҳаётига раҳнамолик қилишда ҳам шериги йўқ. Ҳамманинг ҳаётий йўлини, қонунларини, иқтисодини, муомалаларини ягона Аллоҳ таолонинг Ўзи кўрсатиб беради. Шомил иймон, Аллоҳга иймон келтириш худди шуни тақозо қилади.

Аллоҳнинг фаришталарига иймон келтириш Аллоҳга иймон келтиришнинг ичида бор. Фаришталарга иймон келтиришга Аллоҳ буюрган. Шунинг учун ҳам, иймон келтириш лозим бўлган барча нарсалардан олдин Аллоҳга иймон мустаҳкам бўлиши керак, дейлади. Аллоҳнинг фаришталарига иймон келтириш ҳис этиш аъзолари таъсирига тушмайдиган, улардан юқори бўлган ғайб нарсаларга иймон келтиришнинг бир қисмидир. Инсонни яратган Аллоҳ унинг

табиатида ғайб нарсаларга қизиқиш борлигини билганидан, ушбу ғайбий нарсага – фаришталарга иймон келтиришга буюрган.

Ўзи билан доимо фаришта бирга юришига, яхши-ёмон барча ишларни ёзиб боришига ва фаришталарнинг бошқа хусусиятларига иймон келтирган одам фақат яхшилик қилиб, ёмонликдан четда бўлади. Бундай ҳис-туйғу эса, ҳар бир одам боласи учун зарурдир.

Инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган нарсалардан бири ҳам ғайбий нарсаларга, жумладан, фаришталарга ишонишдир. Бундай иймони бор инсон ҳис этиш аъзолари чегарасида тор жойда ўралиб қолмайди. Балки тасаввур доираси чексиз бўлади.

Аллоҳнинг китобларига иймон келтириш ҳам Аллоҳнинг Ўзига бўлган иймондан ўсиб чиқадиган иймондир. Илоҳий китобларга иймон келтиришга Аллоҳнинг Ўзи буюрган. Аллоҳга ишонган одам Ундан келган хабарларга ҳам ишониши керак.

Аллоҳнинг Пайғамбарларига иймон келтириш ҳам Аллоҳнинг Ўзига бўлган иймондан ўсиб чиқадиган иймондир. Пайғамбарларга иймон келтиришга Аллоҳнинг Ўзи буюрган. Аллоҳга ишонган одам Унинг Пайғамбарларига ҳам ишониши керак.

**«Унинг Пайғамбарларидан бирорталарини ажратмаймиз.»**

Яъни, Аллоҳ юборган барча Пайғамбарларга бирдек иймон келтирамиз. Бирорталарини ажратиб қўймаймиз. Шундай қилиб, мусулмон уммати ҳамма Пайғамбарликларнинг ягона ва охирги меросхўри бўлиб қолган.

Иймон неъматидек улуғ неъмат мусулмонларга насиб қилган. Бу иймон уларни икки дунё саодатига етказди.

**«Ва эшитдик ва итоат қилдик, (эй Роббимиз), мағфиратингни сўраймиз ва қайтиб бориш Сенгадир, дедилар».**

Буларни фақат Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига ва Пайғамбарларига ҳақиқий иймон келтирган кишиларгина айта оладилар.

Аллоҳ томонидан келган ҳар бир нарсани эшитиш, Аллоҳдан бўлган ҳар бир амрга итоат қилиш ҳақиқий мўминнинг ишидир.

Аллоҳдан келган ҳар бир хабарни эшитиб, ҳар бир амрга итоат қилиб туриб, яна мўмин киши ўзида нуқсон борлигини ҳис қилади ва:

**«Эй Роббимиз, мағфиратингни сўраймиз»,**

дейди. Эътибор қилинг-а, аввал эшитиш, кейин итоат қилиш ва ниҳоят, мағфират сўраш. Баъзи бир гумроҳлар эшитмайди ҳам, итоат қилмайди ҳам, лекин мағфиратни даъво қилади.

Мўмин кишининг бунчалик серташвиш бўлишига сабаб бор, чунки у қайтиб бориш Аллоҳнинг Ўзига эканлигини жуда яхши билади.

Банда эшитишга ва итоат қилишга доим тайёр тургани билан Аллоҳ таоло унинг тоат даражасини, нимага қодир у нимага қодир эмаслигини яхши билади ва унга тоқатидан ташқари таклиф қилмайди.

لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ رَبَّنَا لَا  
تُؤَاخِذْنَا إِنْ نَسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إِكْرَامًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى  
الَّذِينَ مِنْ قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ ۗ وَاعْفُ عَنَّا وَارْحَمْنَا إِنَّكَ  
مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ

286. Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмас. Фойдаси ҳам ўз касбидан, зарари ҳам ўз касбидан. Эй Роббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, (иқобга) тутмагин. Эй Роббимиз, биздан олдингиларга юклаганга ўхшаш оғирликни бизга юкламагин. Эй Роббимиз, бизга тоқатимиз етмайдиган нарсани юкламагин. Бизни афв эт, мағфират қил ва раҳим эт. Сен хожа-мизсан. Бас, кофир қавмларга бизни ёлиб қил.

Ҳамма нарсани дақиқ-дақиқларигача билувчи Аллоҳ ҳар бир жон ҳам нимага ярайдию нимага ярамайди — яхши билади. Бандаларига меҳрибонлигидан, имкони ва ҳаққи бўлса ҳам, ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди:

**«Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмас».**

Аллоҳнинг буйруқлари ва қайтариқлари банданинг имкони даражаси доирасида бўлади. Ана ўша таклифга амал қилишига қараб, бошқа ҳеч бир нарсага қарамасдан, банданинг жазоси ёки мукофоти белгиланади. Ҳар бир банданинг:

**«Фойдаси ҳам ўз касбидан, зарари ҳам ўз касбидан.»**

Охиратда ошна-оғайничлик, воситачилик, насли-насабига қараш ёки бошқа имтиёзлар ўтмайди. Ҳар бир шахс ўзи учун ўзи жавоб беради. Шундай экан, ҳар бир банда иймон-ихлос билан Аллоҳнинг амрини бажариши ва доимо унинг ўзига ёлбориб дуо қилиши зарур:

**«Эй Роббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, (иқобга) тутмагин».**

Мўмин банда бор имконини ишга солиб Аллоҳнинг фармониغا мувофиқ иш юритишга ҳаракат қилади. Бу борада кўпгина тўсиқларни енгиб, қийинчиликларга бардош беради. Лекин у фаришта

ҳам эмас, баъзи вақтларда билмасдан хато қилиб қўяди ёки баъзи нарсаларни унутиб, эсдан чиқаради. Шунинг учун ҳам, дуонинг аввал-бошида мазкур нарсалар учун азобга тутмасликни Аллоҳ таолонинг Ўзидан сўрамоқда. Аллоҳ таоло мўмин бандаларининг ушбу дуосини қабул этган.

Имом Тобароний ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Умматимдан уч нарса — хато, эсдан чиққан ишлар ва мажбур қилинганлик кўтарилди», деганлар.

**«Эй Роббимиз, биздан олдингиларга юклаганга ўхшаш оғирликни бизга юкламагин».**

Маълумки, Аллоҳ таоло аввал ўтган умматларга улар қилган осийликлари учун қийин-қийин таклифлар юборган.

Баъзиларига тавба қилиш учун ўзини ўлдиришни амр қилган бўлса, бошқаларга нажосатни кетказиш учун кийимини кесишни буюрган. Шунга ўхшаш оғир ишлар Ислом умматига ҳам бўлмаслиги сўралмоқда:

**«Эй Роббимиз, бизга тоқатимиз етмайдиган нарсани юкламагин».**

Мўминлар Аллоҳнинг амри қанчалик бўлса ҳам бажаришга доим тайёрлар. Лекин Аллоҳнинг раҳмати кенглигидан умидвор бўлиб, ўзларини кичик фаҳмлаб, бу дуони қилишмоқда.

**«Бизни афв эт, мағфират қил ва раҳим эт».**

Мўмин банда ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, бандалик бурчини тўлиқ адо эта олмаслигини яхши билади. Шунинг учун, доимо ўзига Аллоҳнинг афви, мағфирати ва раҳматини сўраб туради.

**«Сен хожамизсан. Бас, кофир қавмларга бизни ғолиб эт.»**

Ҳақиқатан, мўмин бандага Аллоҳнинг Ўзидан бошқа хожа йўқ. Ёрдамчи йўқ. Шунинг учун ҳам, мўминларнинг ҳаётларидаги энг муҳим нарсалардан бири — кофир қавмлар билан бўладиган курашда Унинг Ўзидан ғолибликка ёрдам сўралмоқда.

«Бақара» сурасининг охиридаги икки оят ҳақида бир қанча ривоятлар келган. Жумладан:

Имом Насайиб ибн Аббосдан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Расулуллоҳ алайҳиссалому вассалом Жаброил билан ўтирган эдилар. Юқоридан бир овоз эшитилди. Жаброил осмонга бурилиб қаради-да:

«Бу — осмоннинг эшикларидан бири, ҳеч очилмаган эди, бугун очилди», деди. Ундан бир фаришта тушди ва Пайғамбар алайҳиссалому вассаломнинг ҳузурларига келиб:



«Суюнчи, сендан аввалги Пайғамбарларга берилмаган икки нур сенга берилди, сураи «Фотиҳа» ва «Бақара» сурасининг охири. Улардан ўқиган ҳар бир ҳарфингга, албатта, (савоб ва жавоб) бериласан», — деди».

Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Сураи «Бақара»нинг охирги икки оятини ўқи, улар менга аршнинг остидаги хазинадан берилган», деганлар.

Бошқа бир ҳадисда: «Ким «Бақара» сураси охиридаги икки оятни бир кечада ўқиса, кифоя қилади», деганлар...



## ОЛИ ИМРОН СУРАСИ

*Мадийнада нозил бўлган. 200 оятдан иборат.*

«Оли Имрон» сураси Мадийнада нозил бўлган узун суралардан бири бўлиб, асосан диний ишлардан икки муҳим масалани муолажа қилади:

Биринчиси – Ақийда масаласи бўлиб, Аллоҳнинг ягоналигига ҳужжат ва далиллар келтирилади.

Иккинчиси – Шариат қонунлари масаласи, хусусан уруш ва Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилиш қонунлари ҳақида сўз юритилади.

Биринчи масала бўйича – Аллоҳ таолонинг ягоналигини ва Пайғамбарликнинг ҳақлигини, Қуръоннинг ҳақлигини исбот қилувчи оятлар келган. Шунингдек, аҳли китоблар Ислому, Қуръон ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳақларида тарқатган шубҳаларга раддиялар берилган.

«Оли Имрон» сурасида асосан аҳли китобларнинг насоро тоифаси ҳақида сўз юритилади. Уларнинг Масийҳ алайҳиссалом ҳақларида, у кишини илоҳ деб гумон қилишлари ва шунинг оқибатида Муҳаммад алайҳиссаломни ёлғончига чиқариб, Қуръонни инкор қилишлари ҳақида сўз боради. Сураи кариманинг деярли ярми ўшалар ҳақидаги оятлардан иборатдир. Ўша оятларда насоролар қўзиган шубҳаларга, хусусан, Биби Марям ва у кишининг ўғиллари Ийсо алайҳиссалом ҳақларидаги шубҳаларга очиқ-ойдин ҳужжат ва далиллар билан раддиялар келади. Мазкур далил ва ҳужжатларни келтириш жараёнида яҳудийларга нисбатан баъзи ишора ва киноялар ҳам қилиб ўтилади. Мусулмонларни аҳли китобнинг макр ва ҳийлаларидан ҳушёр бўлишга чақиради.

Иккинчи масала бўйича ҳаж ибодати, жиҳодга, рибога ва закотни ман қилувчиларга хос ҳукмлар зикр қилинади. Бадр, Уҳуд каби ғазотлар ҳақида батафсил сўз юритилиб, улардан олинган ибратлар баён этилади. Мусулмонлар Бадр ғазотида кофирлар устидан ғолиб келдилар, аммо Пайғамбар алайҳиссаломга бўйсунмасдан Уҳуд ғазотида мағлубиятга учрадилар ва таъналар эшитдилар. «Оли Имрон» сурасида ўша дарснинг ҳикматлари очилади. Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларнинг сафини қалби бузуқлардан тозалашни ирода этганлиги баён қилинади.

Шунингдек, сураи каримада нифоқ ва мунофиқлар ҳақида батафсил сўз юритилади ва улар Исломга ҳамда мусулмонларга зарар етказиш учун қандай уринишлари баён қилинади.

Сураинг охирларида осмонлару ернинг яратилишидаги ажойиботларни тафаккур ва тадаббур қилиб кўришга чақирилади. Пировардида эса, жиҳод ва мужоҳидлар ҳақида сўз кетади.

Имом Муслим ан-Навос ибн Самъон розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, у киши:

«Пайғамбар алайҳиссалату вассаломнинг «Қиёмат куни Қуръон ва унга амал қилган аҳлари келтирилганида, «Бақара» ва «Оли Имрон» суралари бош бўлиб келадилар» деганларини эшитдим», дебдилар.

Ушбу сураи кариманинг «Оли Имрон» деб ном олишининг сабаби — сура ичида Биби Марямнинг оталари Имрон ва у кишининг шарафли оилалари — Оли Имрон қиссаси келганидандир.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ.**

الم

### 1. Алиф. Лаам, Мийм.

Ҳижо ҳарфлари ҳақида «Бақара» сурасида батафсил тўхтаб ўтилгани учун диққатларингизни ўша саҳифаларга ҳавола қиламиз.

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ

### 2. Аллоҳ—Ундан ўзга илоҳ йўқ. У тирик ва қаййум зотдир.

Оятул Курсийда келганидек, ушбу ояти карима тавҳидни, Аллоҳнинг ягоналигини холис баён қилади. Аллоҳ таолодан ўзга бандаларнинг ибодатига сазовор ҳеч бир илоҳу маъбуд йўқдир. Аллоҳ доим тирикдир, ўлмайди. У қаййум — бандалари ишларининг тадбирида доимо қоим турувчидир. Бошқаларнинг туриши ҳам У зот биландир.

نَزَّلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ وَأَنزَلَ التَّوْرَةَ وَالْإِنجِيلَ ﴿١٠٣﴾ مِنْ قَبْلُ هَدَى  
لِلنَّاسِ وَأَنزَلَ الْفُرْقَانَ إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِ اللَّهِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ وَاللَّهُ عَزِيزٌ ذُو انْتِقَامٍ ﴿١٠٤﴾

**3. У сенга китобни ҳақ ила ўзидан аввалги нарсани тасдиқловчи қилиб туширди ҳамда Таврот ва Инжилни туширди.**

**4. Ундан олдин одамларга ҳидоят қилиб. Ва Фурқонни ҳам туширди. Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганларга шиддатли азоб бор. Аллоҳ азиз ва интиқом олувчи зотдир.**

Аллоҳ ягона бўлганидан, башариятни тўғри йўлга бошловчи, илоҳий китоблар туширувчи масдар ҳам ягонадир. Бу ҳақиқатни Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб орқали баён қилмоқда:

**«У сенга китобни ҳақ ила ўзидан аввалги нарсани тасдиқловчи қилиб туширди».**

Демак, Муҳаммад алайҳиссаломга тушган китобни ҳам Аллоҳнинг Ўзи туширган, китобларнинг тушиши башарият учун янгилик эмас, Қуръон ҳам аввалги тушган илоҳий китобларнинг давоми, холос. Ушбу ҳақиқатни бу китобнинг ўзидан аввалги китобларни тасдиқловчи қилиб туширилганлигидан ҳам билиб олса бўлади.

Аҳли китоблар — яҳудий ва насоролар Муҳаммад алайҳиссаломнинг Пайғамбарликларини ва у зотга туширилган Қуръонни инкор қилиб: «Биз ҳақиқий Пайғамбарга эргашганлармиз, биз ҳақиқий китоб эгаларимиз, бу масалани биз яхши биламиз, Муҳаммад Пайғамбар эмас, Қуръон Аллоҳнинг ҳузуридан тушган китоб эмас», деган маънодаги гапларни тарқатишган эди. Ушбу оят мазкур даъволарнинг таги пуч эканлигини исботлаб келмоқда. Шу боисдан ҳам, умум илоҳий китоблар ичида яҳудий ва насороларга туширилган китоблар алоҳида зикр этилмоқда:

**«...ҳамда Таврот ва Инжилни туширди. Ундан олдин одамларга ҳидоят қилиб».**

Ўз вақтида Таврот номли ва Инжил номли илоҳий китобларни ҳам Аллоҳнинг Ўзи одамларни ҳидоятга бошлаш учун туширган эди. Илоҳий китобларни туширувчи Зот битта — Аллоҳ, уларни туширишдан мақсад ҳам битта — одамларни ҳидоятга бошлаш. Бу ўринларда мақсад Қуръони Каримнинг илоҳий китоб эканини исботлаш бўлганидан, унинг шаънини улуғлаб, яна бир бор зикр қилмоқда:

**«... ва Фурқонни ҳам туширди».**

Фурқон, Қуръони Каримнинг сифати бўлиб, фарқловчи, ажратувчи деган маъноларни англатади. Чунки, у ҳақдан ботилни, яхшидан ёмонни фарқлаб, ажратиб берган китобдир. Ана шу китобни ҳам Аллоҳнинг Ўзи туширган. Яҳудий ва насороларнинг даъволари фирт ёлғон.

Сўнгра, Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганларга қаттиқ азоб бўлиши ҳақида қўрқинчли хабарлар келади:

**«Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганларга, ўшаларга шиддатли азоб бор».**

Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлар Муҳаммад алайҳиссаломга, Исломга, Қуръонга куфр келтирганлардан иборатдир. Демак, мазкур ҳақиқатларни инкор қилганлар, жумладан, яҳудий ва насороларга шиддатли азоб бор.

**«Аллоҳ азиз ва интиқом олувчи Зотдир».**

Мазкур кофирларга шиддатли азоб беришга, албатта, Аллоҳнинг қудрати етади. Чунки, У азиз – хоҳлаган ишини қила оладиган, биров ундан ғолиб кела олмайдиган Зот. Чунки, У Ўзига осий бўлганлардан интиқом олувчи Зот.

Шу билан бир қаторда, Аллоҳнинг бошқа камолот сифатлари ҳам бор:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَخْفَىٰ عَلَيْهِ شَيْءٌ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاءِ ﴿٥٠﴾

**5. Албатта, Аллоҳ, Унга ерда ҳам, осмонда ҳам ҳеч нарса махфий қолмайдиган Зотдир.**

Ояти карима Аллоҳнинг илми шомил эканлигини, ундан бирор нарса махфий қолмаслигини таъкидламоқда. Ҳақиқатан ҳам, Ўзи яратган нарсалардан баъзисини билмай қолиш Аллоҳга тўғри келмайдиган ҳолдир. Бу нарса Аллоҳнинг «қаййум» сифатига мутлақо зиддир. Бошқа сифатлари ҳам бундай эҳтимолни рад этади.

هُوَ الَّذِي يُصَوِّرُكُمْ فِي الْأَرْحَامِ كَيْفَ يَشَاءُ ۗ لَّا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٥١﴾

**6. У сизларни бачадонларда хоҳлаган сувратга соладиган Зотдир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У азиз ва ҳаким Зотдир.**

Бадаларнинг барчасини улар ҳали ҳеч кимнинг ёдида ҳам йўқ пайтларида оналарининг бачадонларида Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган сувратга солгандир.

**«У сизларни бачадонларда хоҳлаган сувратга соладиган Зотдир.»**

Бугунга келиб эса, ўша ожиз бадалардан баъзилари Парварди-горларининг оятларига куфр келтирмоқдалар, ҳолбуки, Аллоҳ:

**«Ундан ўзга илоҳ йўқ. У азиз ва ҳаким Зотдир».**

Яъни Аллоҳдан бошқа ибодатга лойиқ зот йўқ. Аллоҳга ибодатнинг боши эса, Қуръони Каримга, Муҳаммад алайҳиссаломга, иймон келтириш ва Ислом шариатига амал қилишдир. Аллоҳ хоҳлага-

нини қила оладиган азиз ва барча ишни ҳикмат ила қиладиган ҳаким Зотдир.

Юқорида Қуръони Каримни ҳам Таврот ва Инжилни нозил этган Зот иккисини тасдиқловчи қилиб туширгани, Аллоҳнинг ҳар нарсага қодир эканини таъкидловчи ояти карималар келганидан кейин, энди Қуръони Каримнинг ўзига хос, баъзи нобакорлар шубҳа қўзитган масалаларни муолажа этиш бошланади.

هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ مِنْهُ آيَاتٌ مُحْكَمَاتٌ هُنَّ أُمُّ الْكِتَابِ وَأُخْرُ مُتَشَابِهَاتٌ فَأَمَّا الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ زَيْغٌ فَيَتَّبِعُونَ مَا تَشَبَهَ مِنْهُ ابْتِغَاءَ الْفِتْنَةِ وَابْتِغَاءَ تَأْوِيلِهِ وَمَا يَعْلَمُ تَأْوِيلَهُ إِلَّا اللَّهُ وَالرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ يَقُولُونَ آمَنَّا بِهِ كُلٌّ مِنْ عِنْدِ رَبِّنَا وَمَا يَذَّكَّرُ إِلَّا أُولُو الْأَلْبَابِ ﴿٧﴾

**7. У сенга китобни туширган Зотдир.** Унда муҳкам–ойдин оятлар ҳам бор ва улар китобнинг аслидир ва муташобих оятлар ҳам бор. Қалбларида ҳидоятдан оғиш борлар фитна мақсадида ва уни таъвийл қилиш мақсадида ундан муташобих бўлганига эргашадир. Унинг таъвийлини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмас. Илмда собит бўлганлар эса: Унга иймон келтирдик, барчаси Роббимиз ҳузуридан дир, дерлар. Ва фақат ақл эгаларигина эсларлар.

Ушбу ояти каримада Қуръони Каримнинг оятлари иккига – муҳкам ва муташобихга бўлиниши ҳақида сўз кетмоқда. «Муҳкам» сўзи маҳкам, очиқ-ойдин, бошқа ёққа буриб бўлмайдиган, деган маънони англатади.

«Муташобих» сўзи эса, ўхшаш, бирини биридан ажратиш қийин, бир неча маъноларни англатадиган, деган маъноларни билдиради. Қуръони Карим оятлари ҳам муҳкам ва муташобихга бўлинади. Бунинг ўзи алоҳида бир илм бўлиб, Қуръон илмлари фани бўйича мутахассис уламолар буни махсус ўрганадилар. Биз ўрганаётган ояти карима худди шу мавзуда сўз юритмоқда. Бу ояти кариманинг аввалида юқорида зикр қилинган сифатларга эга бўлган Аллоҳ:

«У сенга китобни туширган Зотдир», деб Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб қилмоқда. Китобдан мурод – Қуръони Каримдир.

**«Унда муҳкам–ойдин оятлар ҳам бор ва улар китобнинг аслидир ва муташобих оятлар ҳам бор».**

Қуръони Каримда келган муҳкам – ойдин оятларнинг маънолари равшан, тушунилиши ҳам осон. «Улар китобнинг аслидир», яъни ўша муҳкам оятлар Қуръоннинг аслини ташкил қиладилар. Шу билан бирга, Аллоҳ ирода қилган ҳикмат учун Қуръонда муташобих –

бир-бирига ўхшаш маъноларни билдирадиган, турлича маънога буриш мумкин бўлган оятлар ҳам бор. Лекин булар жуда ҳам оз бўлиб, кишиларнинг иймонини синашга хизмат қиладилар.

**«Қалбларида ҳидоятдан оғиш борлар фитна мақсадида ва уни таъвийл қилиш мақсадида ундан муташобих бўлганига эргашадир».**

Демак, аслида эътиқоди бузуқ кишиларни фош қилишда муташобих оятлар иш берар экан. Қалбида марази бор, ҳидоятдан оған бундай кишилар ақийда ва шариятнинг нозик усулларини очиқ-ойдин баён қилиб берган муҳкам оятларни бир четга суриб қўйиб, ғойибдан эшитиш орқали собит бўладиган хабарларга, турли маъноларга далолат қиладиган муташобих оятларга фитна қўзиш, уни таъвийл қилиш мақсадида эргашар эканлар. «Таъвийл» сўзи бирор сўз ёки тушунчани сиртқи маъносидан бошқа маънога кўчириш, деган маънони англатади. Қалбларида ҳидоятдан оғиш бор бўлган мазкур кишилар муташобих оятларни ўзларига қурол қилиб олиб, фитна қўзиш учун ўз ҳавои нафсларига мувофиқ таъвийл қиладилар. Ва ҳолбуки, муташобих оятларнинг таъвийлини ҳамма ҳам билавермайди:

**«Унинг таъвийлини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмас».**

Муташобих оятларнинг ҳақиқий таъвилини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина билади. Шунинг учун, мўмин-мусулмон кишилар муташобих оятларнинг таъвийлига машғул бўлмасдан, уни Аллоҳ таолонинг ўзига ҳавола этишлари керак.

**«Илмда собит бўлганлар эса: унга иймон келтирдик, барчаси Роббимиз ҳузуридандир, дерлар».**

«Илмда собит бўлганлар» – бандалар ичида илмнинг олий даражасига етган уламолардир.

Улар илмда собит бўлганлари учун кўп нарсадан бохабар бўладилар ва шу боисдан ҳам: Муташобихга иймон келтирдик, барчаси (яъни, оятларнинг барчаси) – муҳками ҳам, муташоҳиби ҳам Роббимиз ҳузуридандир, дейдилар.

Дарҳақиқат, зўр олимлар ўзларининг илмий чегараларини аниқ тушуниб етадилар, Аллоҳнинг илми чегарасиз эканини яхши биладилар. Ҳамда ўрни келганда ҳеч иккиланмай, ўзларининг ожиз жойларини эътироф қиладилар. Аммо ҳақиқий илмдан бебаҳра, чаласавод кишилар эса, ўзлари билган озгина нарсани дунёдаги бор илм – шу, деб тушунадилар ва ундан бошқа ҳамма нарсани инкор этиб, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам овора қиладилар. Ушбу ҳақиқатларни:

**«...фақат ақл эгаларигина эсларлар».** Бундай нарсалардан ақл эгаларигина ваъз-насихат ва ибрат оладилар.

Мазкур ҳақиқатларни тушуниб етганларидан сўнг, Аллоҳ таолога ёлбориб дуо қилиб, қалбларини ҳақда собит қилишни ва ҳидоятдан оғдирмаслигини сўрайдилар:

رَبَّنَا لَا تُزِغْ قُلُوبَنَا بَعْدَ إِذْ هَدَيْتَنَا وَهَبْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً إِنَّكَ أَنْتَ الْوَهَّابُ ﴿٨﴾

**8. Эй Роббимиз, бизни ҳидоят қилганингдан сўнг қалбларимизни оғдирмагин ва бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат ато қилгин. Албатта Сенинг Ўзинг кўплаб ато қилувчисан.**

Илмда собит бўлган мўмин кишининг ҳоли шу — у ҳидоят нима эканини, қандай улуғ неъмат эканини жуда яхши тушунади. Шунинг учун, ҳидоятни берган Аллоҳга ёлбориб, қалбини ҳақ йўлига бошловчи ҳидоятдан оғдирмаслигини ўтиниб сўрайди.

**«Эй Роббимиз, бизни ҳидоят қилганингдан сўнг, қалбларимизни оғдирмагин ва бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат ато қилгин».**

Улар Аллоҳ таолонинг «Ваҳҳоб» — кўплаб ато қилувчи Зот эканлигини ҳам яхши биладилар ва Унинг Ўзидан раҳмат ато қилишини сўрайдилар:

**«Албатта Сенинг Ўзинг кўплаб ато қилувчисан».**

Улар ўз Роббиларининг барча халойиқни бир куни жамлаб, ҳисоб-китоб қилишини ҳам яхши биладилар ва шунинг учун У зотга бу ҳақда қуйидагича ёлборадилар:

رَبَّنَا إِنَّكَ جَامِعُ النَّاسِ لِيَوْمٍ لَا رَيْبَ فِيهِ إِنَّكَ اللَّهُ لَا يُخْلِفُ الْمِعَادَ ﴿٩﴾

**9. Эй Роббимиз, албатта, Сен одамларни келишига шубҳа йўқ кунда йиғувчисан. Албатта, Аллоҳ ваъдага хилоф қилмас.**

«Келишига шубҳа йўқ кун» — қиёмат кунидир. Аллоҳ таоло ўша кунда барча одамларни жамлаб, сўроқ-саволга тутиб, амалига яраша жазо ёки мукофот беришини ваъда қилган. Мўмин бандалар бу ишнинг албатта бўлишига қаттиқ ишонадилар. Чунки, Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмайди.

Юқорида ўтган оятлар мўминларнинг ҳолини, уларнинг дуосини зикр қилган бўлса, келаси оятлардан кофирлар ҳақида сўз бошланади. Улар молу дунёси ва бола-чақасининг кўплигидан ғурурга кетиб кофир бўлганликлари, лекин бу нарсалар уларга келган нохушликни бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам даф қила олмаслиги баён қилинади. Бунга Бадр уруши мисол келтирилади.



إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَنْ تُغْنِيَ عَنْهُمْ أَمْوَالُهُمْ وَلَا أَوْلَادُهُمْ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا وَأُولَئِكَ هُمْ وَقُودُ النَّارِ ﴿١٠﴾

**10. Албатта, куфр келтирганларнинг моллари ҳам, болалари ҳам улардан Аллоҳнинг азобини қайтара олмас. Ана ўшалар, ўзлари дўзахнинг ёқилғисидирлар.**

Одатда ҳимояга муҳтож одам бу дунёда мол-дунёсини, болаларини ишга солади. Кофирлар бу нарсани ўзгармас қоида деб тушунадилар. «Пулинг бўлса, чангалда шўрва» қабилида фикр ва иш юритадилар. Куфр ҳукм сурган жамиятда ҳаммадан кучли нарса пул бўлиб, пули бор одам хоҳлаган ишини қила олади, деган эътиқод бордир.

Лекин, агар Аллоҳ таоло бирор бандага азобни ирода қилиб қолса, уни на пули ва на болалари Аллоҳнинг азобидан қутқара олмайдилар:

**«Албатта, куфр келтирганларнинг моллари ҳам, болалари ҳам улардан Аллоҳнинг азобини қайтара олмас».**

Аксинча, баъзи вақтларда айнан молу дунёси ёки бола-чақаси бошига битган бало бўлади. Охиратдаги ҳоллари эса, ҳеч шак-шубҳасиз маълум:

**«Ана ўшалар, ўзлари дўзахнинг ёқилғисидирлар».**

Ҳа, молу дунёси, бола-чақаси кўплигидан ғурурга кетиб кофир бўлган шахслар охиратда дўзах оловига ёқилғи бўлишдан бошқага ярамайдилар.

Уларнинг ҳоли худди

كَذَّابٍ ءَالَ فِرْعَوْنَ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا فَآخَذَهُمُ اللَّهُ بِذُنُوبِهِمْ وَاللَّهُ شَدِيدُ الْعِقَابِ ﴿١١﴾

**11. Фиръавн аҳлининг ва улардан олдингиларнинг ҳолига ўхшар. Улар оятларимизни ёлғонга чиқардилар. Бас, гуноҳлари туфайли Аллоҳ уларни тутди. Ва Аллоҳ иқоби шиддатли Зотдир.**

Яъни, мол-дунёси ва бола-чақаси ғурурлантириб куфрга кетганларнинг ҳоли

**«Фиръавн аҳлининг ва улардан олдингиларнинг ҳолига ўхшар».**

Фиръавн қиссаси маълум ва машҳур, Қуръонда ҳам бир неча бор келган. Буни барча, жумладан, ушбу оятлар қаратилган, Муҳам-

мад алайҳиссаломнинг Пайғамбарликларини, Қуръони Каримнинг илоҳий китоблигини инкор этаётган насоро ва яҳудийлар ҳам яхши билади. Фиръавн ва унинг аҳлини ҳам молу дунё, мансаб, подшоҳлик ва дунёнинг бошқа ҳой-ҳаваслари ғурурга кетказган эди. Ва:

**«Улар оятларимизни ёлғонга чиқардилар».**

Яъни, улар Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарган эдилар.

**«Бас, гуноҳлари туфайли Аллоҳ уларни тутди.»**

Қилган гуноҳ ва исёнлари туфайли Аллоҳ таоло уларни Ўз азобига дучор қилиб, ҳалок этди.

**«Ва Аллоҳ иқоби шиддатли Зотдир.»**

Аллоҳ таолонинг иқоби кучли, шиддатлидир. Бас, шундай экан, ҳозирги кофирлар ҳам бундан ўрнак олиб ўзларини ўнгласинлар, акс ҳолда, аввалгиларига ўхшаб булар ҳам азобга дучор бўладилар.

Келаси оят Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб қилиб, ушбу ҳақиқатни кофирларга етказишни таъкидлайди:

قُلْ لِلَّذِينَ كَفَرُوا سِتْغَابُونَ وَتُحْشَرُونَ إِلَىٰ جَهَنَّمَ وَيَسَّ الْمِهَادُ

**12. Куфр келтирганларга: «Тезда мағлуб бўласизлар ва жаҳаннамга йивиласизлар, у қандоқ ҳам ёмон жой», деб айт.**

Куфрнинг оқибати икки дунёнинг мағлубиятидир. Ушбу оятда Аллоҳ таоло уларнинг бу дунёда тезда мағлуб бўлишлари, охиратда ҳам жаҳаннамга тўпланишлари хабарини бермоқда. Кофирларнинг бу дунёда мағлуб бўлишларига Бадр урушининг тажрибаси мисол қилиб келтирилмоқда:

قَدْ كَانَ لَكُمْ آيَةٌ فِي فِتْنِ الْتَقَاتِ فِئَةً تَقَاتِلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَأُخْرَى كَافِرَةٌ يَرَوْنَهُمْ مِثْلَيْهِمْ رَأَى الْعَيْنِ وَاللَّهُ يُؤَيِّدُ بِنَصْرِهِ مَن يَشَاءُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَعِبْرَةً لِّأُولِي الْأَبْصَارِ

**13. «Сизга тўқнашган икки фирқада ибрат бор эди. Бир фирқа Аллоҳнинг йўлида уришадир. Бошқаси кофирдир. Улар ўз кўзлари билан (душман) ўзларига икки баробарлигини кўриб турардилар. Ва Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшани Ўз нусрати ила қўллайдир. Албатта, бунда ақл эгалари учун ибрат бордир», деб айт.**

Маълумки, Бадр урушида мушрикларнинг сони мусулмонларнинг ададидан уч баробар кўп эди. Шунга қарамай, Аллоҳ таолонинг нусрати билан мусулмонлар ғолиб келдилар.

Бадр уруши тугаб, Мадийнага қайтиб боргандан кейин Пайғамбар алайҳиссалом яҳудийларни тўплаб:

«Эй, яҳудийлар жамоаси, менинг Пайғамбар эканимни билдингиз, Аллоҳ таоло Қурайшнинг бошига солган мусийбатни сизнинг ҳам бошингизга солмасдан олдин Исломга киринг!» деб хитоб қилдилар. Шунда яҳудийлар:

«Эй Муҳаммад, урушни билмайдиган Қурайшдан бир неча кишини ўлдирганингга мағрурланма. Аллоҳга қасамки, агар биз билан урушсанг, қандай эркаклар эканлигимизни биласан. Сен ҳали бизга ўхшаганга учраганинг йўқ», дейишган. Шунда Аллоҳ таоло юқоридаги икки оятни нозил қилган экан.

**«Сизга тўқнашган икки фирқада ибрат бор эди.»**

Яъни, Бадрда урушган икки гуруҳдан ибрат олсангиз бўларди.

**«Бир фирқа Аллоҳнинг йўлида урушадир.»**

Булар — мусулмонлардир.

**«Бошқаси кофирдир.»**

Булар — Қурайш мушриклари.

**«Улар ўз кўзлари билан (душман) ўзларига икки баробарлигини кўриб турардилар.»**

Кофирларнинг тушунчаси билан ҳукм чиқариладиган бўлса, сони кўп бўлган мушриклар албатта ғолиб чиқишлари лозим эди. Аммо, Аллоҳнинг ҳузурида бу ўлчов ўтмайди.

**«Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшани Ўз нусрати ила қўллайдир.»**

Оз сонли бўлсалар ҳам, Аллоҳ мўминларни қўлаб-қувватлади. Улар ўзларига нисбатан сони уч баробар кўп бўлган Қурайш мушриклари устидан ғолиб келдилар.

**«Албатта, бунда ақл эгалари учун ибрат бордир.»**

Агар ақл ишлатиб, Бадр урушидан хулоса чиқарилса, моддий қувват ҳамма нарсани ҳал қила олмаслиги маълум бўлади. Ғалаба лашкар сонининг ёки қуролнинг кўплигига боғлиқ эмас, балки Аллоҳнинг нусрати ва қўллашига боғлиқдир. Мусулмонлар ҳам бу ҳақиқатни унутмасликлари зарур.

Афсуски, ҳар вақт ҳам, ҳар ким ҳам бу улкан ҳақиқатни англаб етавермайди. Чунки

زُيِّنَ لِلنَّاسِ حُبُّ الشَّهَوَاتِ مِنَ النِّسَاءِ وَالْبَنِينَ وَالْقَنَاطِيرِ الْمُقَنْطَرَةِ مِنَ  
الذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ وَالْخَيْلِ الْمُسَوَّمَةِ وَالْأَنْعَامِ وَالْحَرْثِ ذَلِكَ مَتَاعُ الْحَيَاةِ  
الدُّنْيَا وَاللَّهُ عِنْدَهُ حُسْنُ الْمَبَاقِ ﴿١٤﴾

**14. Одамларга аёллардан, болалардан, тўп-тўп тилло ва кумушдан, гўзал отлардан, чорвадан, экин-тикиндан иборат шаҳватларнинг муҳаббати зийнатланди. Улар дунё ҳаётининг матоҳидир. Аллоҳнинг ҳузурида эса, ҳуснли қайтар жой бор.**

«Шаҳват» сўзи урфда жинсий маънода ишлатиб келинади. Аслида эса, шаҳват «иштаҳа» сўзидан олинган бўлиб, кўнгил тусаши, хоҳлашига айтилади. Ушбу ояти каримада одамларнинг кўнглига муҳаббати зийнатланган, иштаҳалари доим тортиб турадиган нарсалар ҳақида сўз кетмоқда:

**«Одамларга аёллардан, болалардан, тўп-тўп тилло ва кумушдан, гўзал отлардан, чорвадан, экин-тикиндан иборат шаҳватларнинг муҳаббати зийнатланди».**

Мазкур нарсалар рўйхатининг бошида аёллар турибди. Эркак кишида аёлга бўлган хоҳиш, истак бошқа зикр қилинган нарсаларга қараганда кўпроқ ва кучлироқдир. У ўша бошқа нарсаларни ҳам аёл йўлида сарфлайди.

Кейин аёлидан туғиладиган болалар зикр қилинмоқда. Ўзини билган ҳар бир инсон учун фарзанд жигарбанд, кўзининг қорачиғи, дилининг пораси ҳисобланади.

Сўнгра, тўп-тўп тилло ва кумушнинг зикри келмоқда. Молу дунё шаҳвати ҳам жуда кучли шаҳват. Инсон фақат моли бўлишинигина эмас, балки моли тўп-тўп бўлишини хоҳлайди. Молини кўпайтиришнинг ўзи катта шаҳватдандир. Шунинг учун ҳам, моли кўплар молсизлардан кўра кўпроқ бойлик тўплашга уринаётганини кўра-миз. Молга бўлган кучли шаҳватнинг сабаби – у бошқа шаҳватларга ҳам эриштирувчи восита эканлигидадир.

Ундан кейин гўзал отларнинг зикри келмоқда. От ўзида муҳаббатга сабаб бўлувчи кўпгина сифатларни жамлаган ҳайвондир. Доимо кишилар яхши отга эга бўлишни ўзларига обрў билганлар. (Ҳатто ҳозирги техник замонда ҳам милёнлаб долларга савдо бўлаётган отлар бор.) Аммо бу ерда умуман улов маъносида ҳам тушунилади. Атрофимизга қарайлик, биронта уловга эга бўлиш мақсадида инсон нималар қилмаётганини кўра-миз.

Шунингдек, одамларда туя, сигир, қўй каби чорва ҳайвонлари ва экин-тикинларга ҳам муҳаббат кучли. Ушбу нарсаларни ўзига мулк қилишга доимо ҳаракат қилишади.

Ояти каримада ушбу нарсаларнинг муҳаббати зийнатланди, дейилмоқда. Демак, бу муҳаббат инсоннинг асл табиатида бор экан. Бундай ҳолатнинг бўлиши табиий бир ҳол экан. Модомики, ушбу рағбатлар инсон табиатида бор экан, Аллоҳнинг Ўзи инсонни шундай яратган экан, бу нарсалар инсон ҳаётини муҳофаза қилишда,

унинг гўзал ва завқли кечишида хизмат қилмоғи лозим. Шунинг учун, Ислом дини мазкур нарсаларни ҳаром қилган эмас, балки, мубоҳ қилган. Бу нарсаларни ман қилишни эмас, тартибга солишни йўлга қўйган. Ислом кишиларни тарбия қилиб, шаҳват дарёсида ҳалок бўлмасликка чақиради. Инсон мазкур шаҳватларнинг қули бўлиб қолмаслиги керак. Балки, у уларнинг хожаси бўлиб, ўз тасарруфига олиши даркор.

Юқорида зикр этилган нарсалар ояти карима тушган вақт ва муҳитнинг шаҳватларидан намуналар, холос. Улардан бошқа яна кўп нарсалар бор. Лекин қанча бўлса ҳам,

**«Улар дунё ҳаётининг матоҳидир».**

Охиратники эмас, абадий ҳаётники эмас, дунёники.

**«Аллоҳнинг ҳузурида эса ҳуснли қайтар жой бор.»**

Бу жой – жаннати наъиймдир. Унда киши нимани иштаҳа қилса, ўша муҳайёдир.

Шунинг учун, дунёдан охиратни устун қўйиш керак. Кофирлар эса, дунё зийнати ортидан тушишади холос. Ким дунё зийнатига берилган бўлса, уни огоҳлантириш лозим. Шунинг учун:

﴿ قُلْ أَوْفُوا بِعَهْدِكُمْ بِخَيْرٍ مِّنْ ذَلِكُمْ لِلَّذِينَ اتَّقَوْا عِنْدَ رَبِّهِمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَأَزْوَاجٌ مُّطَهَّرَةٌ وَرِضْوَانٌ مِّنَ اللَّهِ وَاللَّهُ بَصِيرٌ  
بِالْعِبَادِ ﴾

**15. Сен: «Ўша нарсаларингиздан яхшироғининг хабарини берайми?! Тақво қилганларга Роббилари ҳузурида остидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар бор. Унда абадий қолурлар. Покиза жуфтлар ва Аллоҳ томонидан розилик бор. Ва Аллоҳ бандаларни кўриб турувчидир», деб айт».**

Ҳамма бу дунёнинг матоҳига ўзини уради. Ўшани деб кўплар гуноҳга ботади, диндан чиқади. Ҳолбуки, бу нарсалар шунча уринишга арзимайдиган нарсалардир. Беш кунлик дунёнинг ўткинчи орзу-ҳаваси, холос. Лекин бошқа тарафда ундан яхши, абадий неъматлар бор. Аллоҳ таоло ушбу оятда Пайғамбаримиз алайҳиссаломга хитобан:

**«Сен: «Ўша нарсаларингиздан яхшироғининг хабарини берайми?!» деб айт, деб буюрмоқда.**

Охират неъматлари бу дунё матоҳидан нақадар устун эканлиги шак-шубҳасиз ҳақиқатдир. Аммо охират неъматларининг яна бир

ўзига хос имтиёзи бор. У ҳам бўлса, уларнинг тақводор бандаларга хослигидир, бошқаларга насиб қилмаслигидир.

**«Тақво қилганларга Роббилари ҳузурида остидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар бор.»**

Бу дунёда экин-тикинларга, далаларидан чиқадиган маҳсулотларга рағбат, хоҳиш иштаҳа бўлган бўлса, у дунёда остидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар бор. У ерда истиқомат қилувчи қайси мева ёки маҳсулотни хоҳласа, ўша ҳозир бўлади. Бу дунёнинг экин-тикинлари вақтинчалик бўлса, у дунёники абадийдир:

**«Унда абадий қолурлар.»**

Бу дунёнинг матоҳлари ичида энг иштаҳа уйғотадигани аёллар ва болалар бўлса, у дунёнинг абадий неъматлари ичида

**«Покиза жуфтлар»** бор. Жаннат аҳлларига насиб этадиган бу жуфтлар турли ҳиссий ва маънавий нопокликлардан ҳолидирлар. Уларни Аллоҳ таоло аслида пок қилиб яратган. Уларнинг шу покликларининг ўзи ҳар қанча ҳавасга арзийди.

Бу дунё матоҳлари ичида чиройли отлар, чорва ва тўп-тўп тилло-кумушлар бошқа шаҳватларга етишишга восита ҳисобланар эди. Жаннатда воситага ҳожат йўқ. Аҳли жаннат нимани хоҳласа, ўша онда муҳайё бўлади.

Охират неъматлари ичида ҳамма матоҳдан, орзу-ҳавас қилинган барча нарсадан устун турадиган яна бир нарса бор. У ҳам бўлса:

**«Аллоҳ томонидан розилик бор.»**

Аллоҳнинг розилиги бу дунёнинг матоҳиё у дунёнинг неъматларини қўшганда ҳам, улардан устун туради.

**«Ва Аллоҳ бандаларини кўриб турувчидир.»**

Уларнинг қандай яратилганликларини, нималарни хоҳлашларини, уларга қандай муомала қилишни яхши билади.

Келаси оятдан бошлаб, юқоридаги ояти каримада ваъда қилинган жаннатга даъвогар бўладиган тақводорларнинг сифатлари очилади:

الَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا إِنَّنَا فَاغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ ﴿١٦﴾

**16. Улар: «Роббимиз, албатта, биз иймон келтирдик, бизнинг гуноҳларимизни мағфират қилгин ва дўзах азобидан сақлагин», дейдиганлардир.**

Ушбу дуонинг ўзидан уларнинг тақводорликлари билиниб турибди. Улар иймон келтирганликларини эълон қилиб, Парвардигорларидан гуноҳларини кечишини ва дўзах азобидан сақлашни

сўрашмоқда. Шундан дуонинг аҳамияти жуда ҳам улуғ эканини билиб олсак бўлади. Банда доимий равишда, барча нарсада Аллоҳ таолога ёлбориб турмаса, тақводор бўлиши амри маҳол.

Улар:

الصَّابِرِينَ وَالصَّادِقِينَ وَالْقَانِتِينَ وَالْمُنْفِقِينَ وَالْمُسْتَغْفِرِينَ بِالْأَسْحَارِ ﴿١٧﴾

**17. Сабр қилувчилар, содиқлар, доимий тоат қилувчилар, нафақа қилувчилар ва саҳарда истиғфор айтувчилардир.**

Ушбу сифатлар Ислом жамияти аъзоларининг ҳар бири учун зарурий сифатлардир.

**Сабр қилувчилик**да машаққатларга чидаш, иймон тақозо қиладиган ишларни амалга ошириш, Аллоҳнинг ҳукмини розилик билан қабул қилиш ва бошқа кўпгина фазилатлар бор.

**Содиқлик**да ўзи ишонган ҳақ билан иззатли бўлиш, заифликдан устун туриш маънолари бор.

Аллоҳга **доимий тоат қилувчилик**да эса, Парвардигори оламнинг ҳаққини адо этиш, бандалик вазифасини бажариш маънолари бор.

**Нафақа қилувчилик**да, мол сарфлашда сахийлик, молга сиғишиш дардларидан ҳалос бўлиш, одамлар ўртасида инсоний биродарлик бурчларини адо этиш маънолари бор.

**Саҳарда истиғфор айтувчилик** эса, энг гўзал ва соф чоғда Аллоҳ таолога дардини очиб солишдир.

Мазкур сифатларга эга бўлган одамлар учун барча нозу неъмат, роҳат-фароҳат устига Аллоҳ таолодан розилик ҳам бор.

Саҳар чоғида қалб мусаффо, руҳ тинч бўлади, у вақтда бедор бўлишнинг ўзи катта фазл ҳисобланади. Боз устига, у вақтда истиғфор айтиш юксак мартабаларга эриштиради.

Улуғ саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу кечаси намоз ўқиб бўлиб, хизматчиларидан: «Эй Нофеъ, саҳар кирдимиз?» деб сўрардилар. Агар Нофеъ, ҳа, деса, тонг отгунча дуо ва истиғфор билан машғул бўлар эдилар.

Суранинг аввалидан ҳозиригача Аллоҳнинг тавҳиди — ягоналиги ва Унинг ибодатга сазоворликда, бандалар устидан қоимликда ҳам ягона Ўзи ҳақдор эканлиги, илоҳий китоб ва Пайғамбарликларнинг ҳам манбаи бир эканлиги ва бу ҳақиқатларга одамларнинг муносабати ҳақида сўз борди. Эндиги оятларда эса, ўша ҳақиқатларнинг воқеликда, кишилар ҳаётида намоён бўлиши тўғрисида сўз кетади. Аввало, олдинги ҳақиқат яна бир бор таъкидлаб олинади.

شَهِدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَالْمَلَائِكَةُ وَأُولُو الْعِلْمِ قَائِمًا بِالْقِسْطِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ  
الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿١٨﴾

**18. Аллоҳ адолат ила туриб, албатта, Ундан ўзга илоҳ йўқлигига шохидлик берди. Фаришталар ва илм эгалари ҳам. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У азиз ва ҳақим Зотдир.**

Эътибор берилса, бу ояти карима суранинг энг аввалида зикр қилинган ҳақиқатни яна бир бор таъкидламоқда. Фақат, бу ерда ўша ҳақиқат ишонарли, рад этиб бўлмас гувоҳлар билан таъкидланмоқда. Бирор нарсанинг ҳақлигини исботлаш учун Аллоҳнинг гувоҳлигидан ҳам кучлироқ гувоҳлик борми! Бунинг устига, яна Аллоҳнинг муқарраб фаришталари ва илм эгаси бўлган бандалари ҳам гувоҳлик бериб турса, бу ҳақиқат ҳеч инкор этиб бўлмайдиган нарсага айланади!

Аллоҳ таоло ибодатга сазоворликда ягона, бандалар устидан адолат ила қоим бўлишлиқда ягона бўлиши билан бирга, «У азиз ва ҳақим зотдир» ҳам. Ҳар қандай ишни қила оладиган ғолиб, Унинг иродасини биров тўса олмайдиган Зотдир. У шундай зотки, ҳар бир ишни ҳикмат ила қилади.

Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Зубайр ибн Авом розияллоҳу анху:

«Арафотда Пайғамбар алайҳиссаломнинг «Шаҳидаллоҳу...» оятини ўқиб туриб, «Ва мен ҳам шунга шохиддурман, эй Роббим», деганларини эшитдим», дейдилар.

Ушбу оятда зикр қилинган ҳақиқатни – Аллоҳ таолонинг ибодатга сазоворликда ягона эканлигидан келиб чиқадиган натижани келаси оят зикр этади:

إِنَّ الَّذِينَ عِنْدَ اللَّهِ الْأَسْلَمُ وَمَا اخْتَلَفَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ إِلَّا مِنْ بَعْدِ مَا  
جَاءَهُمُ الْعِلْمُ بَغْيًا بَيْنَهُمْ وَمَنْ يَكْفُرْ بِآيَاتِ اللَّهِ فَإِنَّ اللَّهَ سَرِيعُ الْحِسَابِ ﴿١٩﴾

**19. Албатта, Аллоҳнинг ҳузуридаги дин Исломдир. Китоб берилганлар фақат уларга илм келгандан сўнг, ўзаро ҳасад қилишибгина ихтилоф қилдилар. Ким Аллоҳнинг оятларига куфр келтирса, бас, албатта, Аллоҳ ҳисобни тезда қилувчидир.**

Ибодатга сазоворлик ягона зотга хос бўлганидан кейин, дин юриши ҳам ягона зотнинг иши бўлиши керак-да. Ўша зотга сифиниш,



Унинг амрларига бўйсуниб, айтганларини қилиб яшаш услуби ҳам бир хил бўлиши керак. Шу боисдан:

**«Албатта, Аллоҳнинг ҳузуридаги дин Исломдир».**

Аллоҳнинг ҳузурида Исломдан бошқа дин йўқ. Яҳудий, насроний, буддий ёки яна бошқа ҳар хил динлар Аллоҳнинг ҳузурида эътиборини йўқотган динлардир. Уларга эътиқод ва амал қилганлар беҳуда юрибдилар.

Дунёда Аллоҳ ягона бўлганидан кейин, ақийда ҳам ягона бўлиши керак. У Ислом ақийдасидир.

Дунёда Аллоҳ ягона бўлганидан кейин, шариат ҳам ягона бўлиши керак. У Ислом шариатидир.

Дунёда Аллоҳ ягона бўлганидан кейин, дин ҳам ягона бўлиши керак. У Ислом динидир.

Ислом — бандаларнинг фақат Аллоҳга тўлиқ бўйсунушидир.

Ислом — бандаларнинг фақат Аллоҳ таолога тўлиқ ибодат қилишидир.

Ислом — бандаларнинг фақат Аллоҳ таоло кўрсатган йўлдан юришидир.

Ислом — бандаларнинг фақат Аллоҳ таолони ибодатга сазовор ягона зот деб тан олишидир.

Ислом — бандаларнинг фақат Аллоҳ таолони ўзлари устидан ягона қоим турувчи деб тан олишларидир.

Мусулмонлардан бошқалар бу ҳақиқатни тушуниб етмайдилар, ихтилоф қиладилар. Уларнинг ихтилофлари сабабини келаси жумла баён қилиб беради:

**«Китоб берилганлар фақат уларга илм келгандан сўнг, ўзаро ҳасад қилишибгина ихтилоф қилдилар».**

Аҳли китобнинг келишмовчилиги илмсизликдан, жоҳилликдан эмас. Уларга Аллоҳ томонидан илм келган эди. Улар Аллоҳнинг ягоналигини, ибодатга сазоворликда ҳам ягоналигини, бандаларнинг вазифаси нимадан иборат эканлигини яхши билар эдилар. Билиб туриб ихтилоф қилдилар.

Яҳудийлик ва масийҳийлик тарихини ўрганган олимлар, ҳатто, уларнинг ўз миллатларидан бўлган тарихчилар илмий баҳслардан сўнг шуни эътироф этишганки, бу икки диёнатдаги ихтилофлар ва мазҳабларнинг келиб чиқишига доир сиёсий тортишувлар ўзаро ҳасад ва сиёсий нуфузни ошириш мақсадида қилинган ҳаракатларнинг натижасидир. Демак, улар бу бузғунчиликларни билиб туриб, қасдан қилганлар. Шу боисдан ҳам:

**«Ким Аллоҳнинг оятларига куфр келтирса, бас, Аллоҳ ҳисобини тез қилувчидир», дейилмоқда.**

Аҳли китобнинг ўзаро ҳасад ва душманлик туфайли ихтилоф қилишлари «Аллоҳнинг оятларига куфр келтириш» деб баҳоланмоқда. Куфр келтирганларга эса, ҳисобни тез қилувчи сифатига эга бўлган Аллоҳ тезда жазосини беради.

Сўнгра, Аллоҳ таоло келаси оятда Пайғамбари Муҳаммад алай-ҳиссаломга аҳли китоб ва мушриклар билан орани очиқ қиладиган гапни ўргатиб, уларга гапни чўрт кесгин-да, очиқ-ойдин йўлингда бардавом бўлавер, дея буюрмоқда:

فَإِنْ حَاجُّوكَ فَقُلْ أَسَلْتُ وَجْهِيَ لِلَّهِ وَمَنِ اتَّبَعَنِ وَقُلْ لِلَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ وَالْأُمِّيِّينَ  
 ءَأَسَلْتُمْ فَإِنْ أَسَلْتُمْ فَقَدْ أَهْتَكُوا وَإِنْ تَوَلَّوْا فَإِنَّمَا عَلَيْكَ الْبَلْغُ وَاللَّهُ بَصِيرٌ  
 بِالْعِبَادِ

**20. Агар сен билан тортишсалар: «Мен юзимни Аллоҳга таслим этдим ва менга эргашганлар ҳам!» деб айт. Ва китоб берилганларга ва саводсизларга: «Исломга кирдингизми?» деб айт. Агар Исломга кирсалар, бас, батаҳқиқ, ҳидоят топдилар. Агар юз ўғирсалар, сенинг зиммангда етказиш, холос. Аллоҳ бандаларни кўриб турувчидир.**

Юз инсоннинг энг олий аъзоси ҳисобланади. Юзни Аллоҳга таслим қилиш эса, ўша юзнинг эгаси бутун вужудини Аллоҳга топширганини билдиради.

**«Агар сен билан тортишсалар: «Мен юзимни Аллоҳга таслим этдим ва менга эргашганлар ҳам!» деб айт».**

Пайғамбар алайҳиссаломки ўзларига ушбу йўлни танлабдилар, у кишига эргашган умматлари ҳам албатта шу йўлни танлайдилар. Бундан бошқа гап бўлиши мумкин эмас. Гап шу ерда кесилди. Хўш талашиб-тортишаётган аҳли китоблар (яхудий ва насоролар) ва китоби йўқлар (саводсиз мушриклар) бунга нима дейдилар?

**«Ва китоб берилганларга ва саводсизларга: «Исломга кирдингизми?» деб айт».**

Чунки, аҳли китоб бўлсин ёки аҳли китоб бўлмасин, улар ҳам Исломга киришлари керак, уларга даъват келган. Бошқа чора йўқ.

**«Агар Исломга кирсалар, бас, батаҳқиқ ҳидоят топдилар.»**

Ҳидоят топишнинг ягона йўли бор, у ҳам бўлса, Исломга киришдир. Бошқа йўллар тўғри эмас, ҳидоят бўла олмайди.

**«Агар юз ўғирсалар, сенинг зиммангда етказиш, холос.»**

Пайғамбар алайҳиссаломнинг бу борадаги вазифалари, зимма-

ларига юкланган мажбурият етказиб қўйиш — ҳидоят нима эканлигини, одамлар қайси йўлга юрсалар, нажот топишларини баён қилиш, холос.

**«Аллоҳ бандаларни кўриб турувчидир».**

Кўриб турганидан ҳар бир банданинг нима қилганини, қайси йўлга юрганини яхши билади. Ва амалига яраша жазо ёки мукофот беради.

Кейинги оятда Исломга кирмай юз ўгириб кетганларнинг оқибати нима бўлишининг баёни келади:

إِنَّ الَّذِينَ يَكْفُرُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَيَقْتُلُونَ النَّبِيَّاتِ بِغَيْرِ حَقٍّ وَيَقْتُلُونَ  
الَّذِينَ يَأْمُرُونَ بِالْقِسْطِ مِنَ النَّاسِ فَبَشِّرْهُمْ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿٦١﴾

**21. Албатта, Аллоҳнинг оятларига куфр келтирадиганлар, Пайғамбарларни ноҳақдан ўлдирадиганлар ва одамлардан адолатга буюрадиганларини ўлдирадиганларга аламли азобнинг башоратини бер.**

Мазкур машъум сифат эгалари қаторига Аллоҳ амрининг бирортасини бўлса ҳам инкор қиладиган бандаларнинг барчаси кирарди.

**«Албатта, Аллоҳнинг оятларига куфр келтирадиганлар...»**

Пайғамбарларни ноҳақдан ўлдириш билан асосан яҳудийлар машҳур бўлишган.

**«Пайғамбарларни ноҳақдан ўлдирадиганлар ва одамлардан адолатга буюрадиганларини ўлдирадиганлар...»** ҳар замон ва ҳар маконда етарлича топилади. Хусусан, бу масалада амри маъруф, наҳйи мункар қилувчи уламоларни ўлдирганлар кўзда тутиладилар.

Имом Ибн Аби Ҳотим ривоят қилган ҳадисда Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ розияллоҳу анҳу айтадиларки, мен:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, қиёмат куни қайси одамларга шиддатли азоб бўлади?» — дедим. У киши:

«Пайғамбарни ўлдирган одамга ва амри маъруф ва наҳйи мункар қилган одамни ўлдирган одамга», — дедилар. Сўнгра: «Албатта, Аллоҳнинг оятларига куфр келтирадиганлар, Пайғамбарларни ноҳақдан ўлдирадиганлар ва одамлардан адолатга буюрадиганларини ўлдирадиганларга аламли азобнинг башоратини бер», оятини ўқидилар. Ундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Абу Убайда, Бани Исроил эрталаб бир соатда қирқ учта Пайғамбарни ўлдирди. Шунда Бани Исроилдан бир юз етмиш киши

туриб, уларни ўлдирганларига амри маъруф ва наҳйи мункар қилдилар. Бас, ўша куни кечки пайтда уларнинг ҳам барчаларини ўлдиришди. Аллоҳ зикр қилганлар ўшалар», – дедилар.

Ояти каримада Пайғамбар алайҳиссаломга ўшандай қаттолларга «аламли азобнинг башоратини» беришга амр қилинапти. Қачонлиги, қаердалиги тайин қилинмаяпти. Демак, икки дунёда ҳам ва қачон Аллоҳ ирода қилганда у азоб келаверади.

أُولَئِكَ الَّذِينَ حَبِطَتِ أَعْمَالُهُمْ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَمَا لَهُمْ مِنْ  
تَنْصِيرٍ ﴿٢٢﴾

**22. Ана ўшалар, амаллари бу дунёю охиратда ҳабата бўлганлардир ва уларга ёрдам берувчилар йўқдир.**

Уларнинг иймонлари йўқлиги, Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлари туфайли баъзи қилган яхши ишлари ҳам бекор кетади. Уларга амаллари савоб ва нажот келтирмайди. Ҳамда уларнинг бошларига мушкул тушган пайтда ёрдамчилар йўқдир.

أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ أُوتُوا نَصِيبًا مِّنَ الْكِتَابِ يُدْعُونَ إِلَىٰ كِتَابِ اللَّهِ لِيَحْكُمَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ  
يَتَوَلَّوْا فَرِيقًا مِّنْهُمْ وَهُمْ مُّعْرِضُونَ ﴿٢٣﴾

**23. Китобдан насиба берилганларга қарамайсанми?! Ораларида ҳукм юритиш учун Аллоҳнинг китобига чақирилганларида улардан бир гуруҳлари юз ўгириб ортга қайтарлар.**

Ушбу оятдаги савол таажжуб учундир. Ундаги «Қарамайсанми?!» сўзи «Ажабланмайсанми?!» деган маънони англатади.

«Китобдан насиба берилганларга қарамайсанми?!» дегани – Аввалги илоҳий китобга аҳл бўлиб юрган одамларнинг қилаётган ишларидан таажжубланмайсанми?! деганидир. Уларнинг қайси ишлари бундай таажжубга сабаб бўлган экан?

**«Ораларида ҳукм юритиш учун Аллоҳнинг китобига чақирилганларида, улардан бир гуруҳлари юз ўгириб, ортга қайтарлар».**

Ўзлари аҳли китоб эканликлари билан фахрланиб юришади. Бизга Аллоҳнинг китоби тушган, унга амал қилиб, бахт-саодатга эришамиз, деб даъво қилишади. Лекин вақти келиб, Аллоҳнинг уларга туширган китоби асосида ораларида пайдо бўлган тортишувли масалада ҳукм чиқариш таклиф қилинса, бу таклифни қабул қилмай,

юз ўгириб кетадилар. Бу фақат назарий фараз эмас, балки амалда ҳам тасдиғи тажрибадан ўтган.

Ибн Исҳоқ ривоят қиладиларки, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Байтулмидрода бир гуруҳ яҳудийларни Аллоҳнинг динига чақирганларида, улардан Нўъмон ибн Амр ва Ҳарс ибн Зайд деганлари:

«Эй Муҳаммад, сен қайси диндасан?» – дедилар. У зот алайҳиссалом:

«Иброҳим миллати ва динидаман», – дедилар. Улар:

«Иброҳим яҳудий бўлган», – дейишди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Ундоқ бўлса, келинлар, шу масалани Тавротдан кўрайлик», деганларида, улар бош тортдилар.

Бошқа бир ривоятда келишича, яҳудийлардан бир киши бир аёл билан зино қилиб қўлга тушади. У вақтда Исломда зинокорни тошбўрон қилиш ҳукми тушмаган эди. Ҳалиги яҳудий эркак ва аёл зинокорлар обрўли кишилардан эди. Шунга эътиборан, енгиллик бўлиб қолса ажаб эмас, деб Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг олдиларига зинокорларни олиб келиб, ҳукм чиқаришни сўрашди. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Ўз китобларингиз билан ҳукм чиқараман», дедилар-да, икковини тошбўрон қилишга буюрдилар. Яҳудийлар: бундай ҳукм йўқ, деб инкор этишди. Шунда Тавротни олиб келинди. Яҳудийларнинг диний олими Ибн Суриё тошбўрон қилиш ҳақидаги амр ёзилган жойга қўлини қўйиб беркитди. Шунда яҳудийлардан иймонга келган улўф саҳобий Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳу бу ҳолдан Пайғамбар алайҳиссаломни огоҳ этди. Пайғамбар алайҳиссалом Ибн Суриёга:

«Қўлингни кўтар!» деган эдилар, кўтарса, тошбўрон қилиш ҳукми кўринди. Расулуллоҳ алайҳиссалом иккала зинокорни тошбўрон қилишга буюрдилар. Яҳудийлар норози бўлдилар.

Ботил динда туриб, бузилган китоб асосида ҳукм чиқаришдан бош тортадиганларга муносабат шунчалик бўлса, Исломдек ҳақ диндалигини даъво қилиб туриб, Аллоҳнинг охирги ва бузилмас китоби асосида ҳукм чиқаришдан бош тортганларнинг ҳоли нима бўлар экан?!

Кейинги оят уларнинг нега бундай тортишганининг сабабини баён қилади:

ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا لَنْ نَمَسَّنَا النَّارُ إِلَّا أَيَّامًا مَّعْدُودَاتٍ وَغَرَّهُمْ فِي دِينِهِمْ مَا كَانُوا

يَفْتَرُونَ ﴿٢٤﴾

**24. Бунинг сабаби–уларнинг: «Бизга саноқли кунлардан бошқа ҳеч ўт тегмас», деганларидадир. Тўқиган нарсалари уларни динларида адаштирди.**

Демак, мазкур аҳли китоблар Аллоҳнинг китоби асосида ҳукм юритишдан қўрқмасдан юз ўгиришлари қиёмат кунида аниқ ҳисоб-китоб бўлишига, амаллар зарра миқдорида бўлса ҳам ўлчаниб, ҳаммага қилганига яраша адолат билан жазо берилишига ишонмасликлари сабабидан экан.

**«Уларнинг: «Бизга саноқли кунлардан бошқа ҳеч ўт тегмас» деган сўзлари шуни кўрсатади.**

Демак, улар эътиқодлари бўйича, саноқли кунларгина дўзахда туриб, кейин ундан озод бўламиз, деб эътиқод қиладилар. Шундай бўлганидан кейин уларнинг фикрича, ўзини қийнаб Аллоҳнинг китоби бўйича ҳукм юритишдан фойда йўқ.

Хўш, бу эътиқодни улар қаердан олишган? Аллоҳдан хабар келганми? Пайғамбарларидан рухсат бўлдимми? Ёки бирор ишончли манбадан тасдиқ борми? Йўқ! Улар бу бузуқ эътиқодни ўзлари тўқиб олишган.

**«Тўқиган нарсалари уларни динларида адаштирди.»**

Акс ҳолда Аллоҳга, охиратга иймони бор одам Аллоҳнинг китоби асосида ҳукм юритишдан бош тортармиди?!

Аллоҳга ва охиратга иймони бор одам қиёматдаги ҳолатлар ҳақида бузуқ эътиқод қилармиди?!

Бу гаплар ўзларини мусулмон деб даъво қилиб, кўз-кўз қилиб юрган, аммо Қуръони Карим ҳукми асосида ҳаёт кечиритишдан бош тортаётганларга ҳам тегишлидир.

Агар кимки ушбу бузуқ эътиқод билан, Аллоҳнинг китоби асосида ҳукм юритишдан бош тортиб, бу дунёдан ўтиб кетса:

فَكَيْفَ إِذَا جُمِعْتَهُمْ لِيَوْمٍ لَا رَيْبَ فِيهِ وَوُفِّيَتْ كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا

يُظْلَمُونَ ﴿١٥﴾

**25. Унда, бўлишида шубҳа йўқ кунда уларни жамлаганимизда ва ҳар бир жон зулм қилинмасдан, қилганига яраша жазосини олганда, ҳоллари қандай бўладир?**

Ушбу ояти каримада зикр қилинаётган

**«... бўлишида шубҳа йўқ кун»**–қиёмат кунидир. Бу кунни ҳеч ким инкор қила олмайди. Ҳатто мазкур аҳли китоблар ҳам қиёматнинг бўлишига ишонадилар. Шунинг учун ҳам: «Бизга саноқли кунлардан бошқа ҳеч ўт тегмайди», дейишмоқда.

Қиёмат кунининг келишига шубҳа бўлмаганидек, ўша куни ҳар бир жон адолат билан, зулм қилинмасдан, қилганига яраша жазосини олишига ҳам шубҳа йўқ.

Ўшанда бу дунёда Аллоҳнинг оятларига куфр келтириб, Аллоҳнинг китоби ҳукми асосида яшашдан бош тортганларнинг ҳоли қандай кечади? Жавоб ҳаммага маълум.

Кейинги оятларда Аллоҳ Пайғамбар алайҳиссаломга ва барча мўминларга Ўзига юзланиб илтижо қилишни тавсия қилади.

قُلِ اللَّهُمَّ مَلِكُ الْمَلِكِ تُوتِي الْمَلِكِ مِنْ تَشَاءُ وَتَنْزِعُ الْمَلِكِ مِمَّنْ تَشَاءُ وَتُعِزُّ مَنْ تَشَاءُ وَتُذِلُّ مَنْ تَشَاءُ بِيَدِكَ الْخَيْرُ إِنَّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٢٦﴾ تُولِجُ اللَّيْلَ فِي النَّهَارِ وَتُؤَلِّجُ النَّهَارَ فِي اللَّيْلِ وَتُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَتُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَتَرْزُقُ مَنْ تَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴿٢٧﴾

**26. Сен:** «Эй барча мулкнинг эгаси Роббим! Хоҳлаган кишингга мулк берурсан ва хоҳлаган кишингдан мулкни тортиб олурсан, хоҳлаган кишингни азиз қилурсан, хоҳлаган кишингни хор қилурсан. Барча яхшилик Сенинг қўлингда. Албатта, Сен ҳар бир нарсага қодирсан.

**27. Кечани кундузга киритурсан ва кундузни кечага киритурсан, ўликдан тирикни чиқарурсан ва тирикдан ўликни чиқарурсан ҳамда хоҳлаган кишингга беҳисоб ризқ берурсан», деб айт.**

Улкан ва битмас-туганмас ҳақиқатни ичига олган ёлбориш, дилдан чиқиши лозим бўлган дуо! Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло борлиқни ўз тасарруфига олиб, тадбирини қилиб турувчи Зот эканини англаб етилганини баён қилувчи дуо! Аллоҳ таолонинг ибодатга сазовор ягона Зот эканини, бутун борлиқ, мавжудот устида ягона қоим Зот эканини билувчи шахснинг дуоси! Инсонга тааллуқли ишлар бу дунёдаги ишларнинг фақат озгина улуши эканини англаб етган шахснинг дуоси! Бўйсунуш, мадад сўраш фақат Аллоҳнинг Ўзидан бўлиши зарурлигини тушуниб етган шахснинг дуоси!

**«Сен: «Эй барча мулкнинг эгаси Роббим!»**

Аллоҳ таоло Ўзи ягона, У зот ибодатга сазоворликда ҳам ягона ва бутун дунёнинг устидан қоим бўлишлиқда ҳам ягона бўлганлигидан келиб чиқиб, «барча мулкнинг эгаси» бўлишда ҳам ягонадир. Дунё мулкига эгалиқда ҳам Аллоҳ ягонадир, Унинг шериги йўқдир. Шунинг учун ҳам:

**«Хоҳлаган кишинга мулк берурсан ва хоҳлаган кишингдан мулкни тортиб олурсан».**

Агар дунёда Аллоҳдан бошқа бирор кимса бирор мулкка молик бўлса, унинг моликлиги қарзга олган одамнинг моликлигига ўхшайди. Ҳақиқий молик бўлган Аллоҳ таоло унга Ўзи ирода қилган ҳикмат бўйича вақтинчалик, арзимаган мулкни бериб қўйган бўлади. Бинобарин, хоҳлаган пайтида ундан мулкни тортиб олаверади. Мулкни вақтинчалик қарзга олган одам ҳақиқий моликнинг шартига мувофиқ тасарруф қилса, бахт-саодатга эришади. Агар ҳақиқий моликнинг шартига мувофиқ иш тутмаса, ўзидан кўраверсин.

**«Хоҳлаган кишингни азиз қилурсан, хоҳлаган кишингни хор қилурсан.»**

Барча мулкнинг эгаси бўлгандан кейин Ўзи билади-да. Чиқарган ҳукмини суриштирадиган зот йўқ. Нима ҳукмини ирода қилса, ўша ҳукмини чиқаради.

**«Барча яхшилик Сенинг қўлингда.»**

Бу яхшиликларни хоҳлаган кишинга берасан, хоҳлаган кишингга бермайсан.

**«Албатта, Сен ҳар бир нарсага қодирсан.»**

Сенинг қудратингнинг чегараси йўқ. Нимани хоҳласанг, шуни қиласан. Айни чоғда, Сен фақат башарнинг ишини эмас, балки ундан бошқа ишларнинг ҳам тадбирини қиласан. Жумладан:

**«Кечани кундузга киритурсан ва кундузни кечага киритурсан».**

Бу фақат Сенинг қўлингдан келади. Ушбу Қуръоний васфни эшитган, ўқиган одам қойил қолмасдан иложи йўқ. «Кечани кундузга киритурсан...» Кечада ҳамма ёқ қоронғу бўлиб турганда, аста-секин тонг ёришиб бориши билан кеча худди кундузнинг ичига аста-секин, аста-секин кириб бораётганга ўхшайди. Худди шунингдек, кундуз охирлаб қуёш бота бошлаганида ҳам кундуз аста-секин, аста-секин кечанинг ичига кириб кетади. Бу ишни фақат Аллоҳнинг Ўзигина қилади.

**«... ўлиқдан тирикни чиқарурсан ва тириқдан ўликни чиқарурсан.»**

Тафсирчи уламоларимиз оятнинг бу бўлагини: дарахтдан данакни, данакдан дарахтни, товуқдан тухумни, тухумдан товуқни, мўминдан кофирни, кофирдан мўминни чиқариш каби маъноларда тунтирганлар.

Имом Тобарий раҳматуллоҳи алайҳи, жонсиз нутфадан (спермадан) жонли инсон ва ҳайвонларни чиқариш, жонли инсон ва ҳайвонлардан жонсиз нутфани чиқариш, деган фикрни қувватлаганлар.



Лекин умумийроқ ва чуқурроқ тафаккур қилганлар: ҳар бир жонли нарсада ўлимга томон ҳаракат бор, тўғрироғи, жуда секинлик билан бўлса ҳам, ўлиш унга кириб келади, дейишади. Тириклик ҳужайраларидан баъзилари ҳар лаҳзада ўлиб туради. Демак, тирик мавжудотнинг бир томонини ўлим емириб боради. Аксинча, бошқа жойда янги ҳужайралар пайдо бўлади. У ерга ҳаёт секин-секин кириб келади. Буни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким қила олмайди.

**«...ҳамда хоҳлаган кишингга беҳисоб ризқ берурсан.»**

Бу ҳам Сенинг барча мулкнинг ягона эгаси эканлигиндан.

Кўришиб турибдики, бу икки оятда жуда ҳам улкан маънолар ўз аксини топган. Ягона Аллоҳнинг фақат Ўзига хос камолот сифатлари жамланган. Шунинг учун ҳам, ушбу икки оятни кундалик вирд – вазифа сифатида ўқиб юриш тавсия қилинади.

Имом Тобароний ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳнинг дуо қилса қабул бўлишига сабаб бўладиган исми аъзами «Қулиллоҳумма моликал мулки...» оятидир, деганлар», деб айтганлар.

Машҳур ҳадис олимларидан ибн Аби Дунё ривоят қиладиларки, Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга зиммамдаги қарздан шикоят қилган эдим, у киши:

«Эй Муоз, қарзинг узилишини хоҳлайсанми?» – дедилар. Мен:

«Ҳа», – дедим. Шунда у зот:

«Қулиллоҳумма моликал мулки туътил мулка ман ташааъу ва танзиъул мулка мимман ташааъу, туъиззу ман ташааъу ва тузиллу ман ташааъу биядикал хойру. Иннака ала кулли шайъин қодийр». «Роҳманаддуния вал охира ва роҳиймаҳумаа туътий минҳумаа ман ташааъу иқзи аннии дайни», деб ўқи. Агар ер юзи тўла тилло қарз бўлсанг ҳам, узилади, дедилар».

Барча иш Аллоҳнинг қўлида бўлганидан кейин, кофирлар ҳеч нарсага эга бўлмаганидан кейин:

لَا يَتَّخِذِ الْمُؤْمِنُونَ الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِ الْمُؤْمِنِينَ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَلَيْسَ مِنَ اللَّهِ فِي شَيْءٍ إِلَّا أَنْ تَتَّقُوا مِنْهُمْ تُقْلَةً وَيَحْذَرُكُمْ اللَّهُ نَفْسَهُ وَإِلَى اللَّهِ الْمَصِيرُ ﴿٢٨﴾

**28. Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар. Ким буни қилса, бас, унга Аллоҳдан ҳеч нарса йўқ. Магар улардан сақлансангиз, Аллоҳ сизларни Ўз(азоб)идан огоҳ қиладир. Ва қайтиб бориш Аллоҳнинг Ўзигадир.**

Бутун масала аён бўлди. Яратгувчи — ягона Аллоҳнинг Ўзи. Ҳамма иш ягона Аллоҳнинг қўлида. Мулк берувчи ҳам ягона Аллоҳ. Ризқ берувчи ҳам ягона Аллоҳнинг Ўзи. Бутун оламнинг тадбирини қилувчи ҳам ягона Аллоҳнинг Ўзи. Шундай экан, мўмин киши, қалбида заррача иймони бор киши қандай қилиб Аллоҳнинг душманлари бўлмиш кофирларни ўзига дўст тутади? Бу ҳеч мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло ушбу оятда:

**«Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар»,** деб фармон қилмоқда.

**«Ким буни қилса, бас, унга Аллоҳдан ҳеч нарса йўқ»,** дегани — Аллоҳга ҳеч қандай алоқаси йўқ, деганидир. Динда ҳам, ақийдада ҳам, боғланишда ҳам, дўст тутишда ҳам Аллоҳнинг амрига бўйсунмайдиган кофирни дўст тутибдими, ўша кофири билан бўлаверсин.

Исломда бошқа диндагилар билан яхши алоқада бўлишга рухсат бор. Лекин дўст тутиш, ҳамма нарсани кофирга ишониб топшириб қўйиш мумкин эмас.

Демак, кофирлар билан дўст бўлиб, уларга ўзини ишониб топшириб бўлмайди. Фақат бир ҳолатдагина, истисно тариқасида, юзак равишда ўзини кофирга дўст қилиб кўрсатиши мумкин:

**«Магар улардан сақлансангиз».**

Бундай тасарруфни «тақиййа» деб аталади. Тақиййада, ўзини юзакидан дўст қилиб кўрсатиб, жонни, молни ва номусни душманлардан сақлаб қолишга ҳаракат қилинади.

**«Аллоҳ сизларни Ўз(азоб)идан огоҳ қиладир. Ва қайтиб бориш Аллоҳнинг Ўзигадир».**

Аллоҳга тақво қилганлар ва Унинг азобидан огоҳ бўлганлар доимо ютуққа эришадилар. Хусусан, Аллоҳнинг ҳузурига қайтиб борганда нажот топишлари аниқ.

Кейинги оят ушбу огоҳлантиришни яна давом эттириб, Аллоҳ доимо бандани кузатиб туришини таъкидлайди:

قُلْ إِن تَخَفُوا مَا فِي صُدُورِكُمْ أَوْ تُبْدُوهُ يُعَلِّمَهُ اللَّهُ وَيَعْلَمُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٢٩﴾

**29. Сен: «Агар қалбингиздаги нарсани махфий тутсангиз ҳам, ошкор қилсангиз ҳам Аллоҳ биладир. Ва осмонлардагию ердаги нарсаларни ҳам биладир. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир»,** деб айт.

Ояти карима Аллоҳ таоло бандаларининг барча ишларидан очиқ-ойдин хабардор эканлигини шубҳага ҳеч ўрин қўймайдиган даражада баён қилмоқда:

«Агар қалбингиздаги нарсани махфий тутсангиз ҳам, ошкор қилсангиз ҳам Аллоҳ биладир. Ва осмонлардагию ердаги нарсаларни ҳам биладир».

Жумладан, ким махфий равишда кофирларни дўст тутса ҳам, билади. Билганидан сўнг, албатта, унинг жазосини беради. Чунки:

**«Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир».**

Агар баъзи бир ҳикматга биноан, гуноҳкорни бу дунёда жазоламаса ҳам, у дунёда албатта жазолайди.

Мазкур жазолаш:

يَوْمَ تَجِدُ كُلُّ نَفْسٍ مَّا عَمِلَتْ مِنْ خَيْرٍ مُّحْضَرًا وَمَا عَمِلَتْ مِنْ سُوءٍ تَوَدُّ لَوْ أَنَّ بَيْنَهَا  
وَبَيْنَهُ أَمَدًا بَعِيدًا وَيُحَذِّرُكُمُ اللَّهُ نَفْسَهُ وَاللَّهُ رَءُوفٌ بِالْعِبَادِ ﴿٣٠﴾

**30. Ҳар бир жон қилган яхши амалини ҳозир топадиган ва ёмон амалининг узоқ масофада бўлишини истайдиган кунда. Аллоҳ сизларни Ўз(азоб)идан огоҳ қиладир. Аллоҳ бандаларига меҳрибон зотдир.**

Кофирлар ноқулай ҳолатдан қутулишга ҳар қанча ҳаракат қилсалар ҳам қиёмат кунидан қутула олмайдилар.

**«Ҳар бир жон қилган яхши амалини ҳозир топадиган ва ёмон амалининг узоқ масофада бўлишини истайдиган кунда.»**

У кунда ҳар бир жоннинг яхшилигию ёмонлиги охиригача сарҳисоб қилинади. Агар банданинг бу дунёдаги амаллари яхши бўлса, хурсандчиликка, бахтга, саодатга эришади. Ёмон бўлса, қани энди ушбу ёмон амаллар олис-олисларда бўлса эди, менга яқин бўлмаса эди, деб орзу қилади. Лекин энди вақт ўтди. Бундай орзудан фойда йўқ.

**«Аллоҳ сизларни Ўз азобидан огоҳ қиладир. Аллоҳ бандаларига меҳрибон зотдир.»**

Меҳрибонлигидан, уларни қайта-қайта огоҳлантирмоқда. У дунёда азобга дучор бўладиганларга қўшилиб қолмасликка чақирмоқда.

Келаси ояти каримада яна Пайғамбар алайҳиссаломга нидо қилиниб, бандаларнинг нажот йўли баён этилади.

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿٣١﴾

**31. Сен: «Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг. Аллоҳ сизга муҳаббат қиладир ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қиладир», деб айт.**

Аллоҳга муҳаббат, иймон қуруқ гаплар эмас. Одамлар орасида ўзининг иймони борлигини, Аллоҳга муҳаббати борлигини айтиши билан собит бўладиган нарса ҳам эмас. Аллоҳга ҳақиқий муҳаббат, ҳақиқий иймон оғизда айтиладиган гап, виждоний ҳис-туйғу ёки баъзи расм-русумларни адо этишдан иборат иш эмас. Аслида, у, Аллоҳга ва Унинг Расулига тўлиқ бўйсунушдан иборатдир.

**«Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашиш».**

Ким Аллоҳга муҳаббати борлигидан даъво қилса, бу даъвонинг тўғри ёки нотўғрилигига ҳукм Пайғамбар алайҳиссаломга эргашишига қараб чиқарилади. Агар у Пайғамбар алайҳиссаломга тўғри эргашса, даъвоси тўғри. Эргашмаса, тўғри эмас. Пайғамбар алайҳиссаломга вассаломга эргашиш ҳар бир бандага битмас-туганмас бахт-саодат келтиради. Бу нарса оятда қуйидагича баён қилинмоқда:

**«Аллоҳ сизга муҳаббат қиладир ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қиладир».**

Мўмин банда учун Аллоҳнинг муҳаббатидан ҳам яхшироқ бахт-саодат борми! Бунинг устига, унинг гуноҳларини ҳам мағфират қилиб турса!

Ҳа, эй бандалар!

قُلْ أَطِيعُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَإِن تَوَلَّوْا فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْكٰفِرِينَ ﴿٣٢﴾

**32. Аллоҳга ва Расулга итоат қилинг. Бас, агар ортга қайтсангиз, Аллоҳ, албатта, кофирларга муҳаббат қилмас.**

Аллоҳга ва Пайғамбар алайҳиссаломга итоат қилиш ҳар бир мўмин банданинг бурчидир. Ояти каримадан кўриниб турибдики, Аллоҳга ва Пайғамбар алайҳиссаломга итоат қилмай, ортга қайтиш кофирликдир. Ким шу ишни қилса, унга Аллоҳ муҳаббат қилмайди.

Аллоҳ таоло Ўзининг муҳаббати Пайғамбарга эргашишсиз батамом бўлмаслигини баён қилганидан сўнг, кейинги оятларда Пайғамбарларнинг даражалари улуғлигини, уларнинг шарафлари юксаклигини баён қилади.

Аввало, Одам алайҳиссаломдан бошлаб, кейин башариятнинг иккинчи отаси Нух алайҳиссалом ҳақида сўз юритади.

Сўнгра, Оли Иброҳим ҳақида сўз юритиб, уларнинг ичига Мухаммад алайҳиссаломни ҳам қўшади. Чунки, у зот Исмоил алайҳиссаломнинг зурриётларидандирлар.

Охирида Оли Имрон ҳақида сўз юритиб, уларга Ийсо алайҳиссаломни ҳам қўшади. Кейин эса, Марям, Яҳё ва Ийсо алайҳимуссаломларнинг мўъжизакор туғилишлари ҳақида қиссалар келтирилади.

﴿۳۳﴾ ذُرِّيَّةً  
 ﴿۳۴﴾ بَعْضُهُمْ مِنْ بَعْضٍ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ

33. Албатта, Аллоҳ Одамни, Нуҳни, Оли Иброҳимни, Оли Имронни оламлар устидан танлаб олди.

34. Баъзилари баъзиларига зурриётдир. Аллоҳ эшитувчи, билувчи Зотдир.

Ушбу оятлар аввалида Аллоҳ таоло Одам ва Нуҳ алайҳиссаломларнинг ёлғиз ўзларини, Иброҳим ва Имрон алайҳиссаломларни эса, сулоаларини ҳам қўшиб зикр қилди:

**«Албатта, Аллоҳ Одамни, Нуҳни, Оли Иброҳимни, Оли Имронни оламлар устидан танлаб олди».**

Нега? Чунки, Одам ва Нуҳ алайҳиссаломлар ёлғиз ўзлари Пайғамбар бўлганлар. Иброҳим ва Имрон алайҳиссаломлар зурриётларидан бевосита Пайғамбарлар сулоласи тарқалган. Бу, насаб ёки қариндошлик асосидаги Пайғамбарлик сулоласи эмас, балки ақийда асосидаги сулоладир. Бу ҳақиқат Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳга илтижо қилиб, зурриётларидан ҳам Пайғамбар чиқаришини сўраганларида баён қилинган («Бақара» сураси).

Кейинги оят Оли Иброҳим ва Оли Имрон орасида қариндошлик борлигини таъкидлайди:

**«Баъзилари баъзиларига зурриётдир».**

Ушбу умумий баёндан сўнг бевосита Оли Имрон ҳақида ва Биби Марямнинг таваллудлари ҳақида сўз очилади.

إِذْ قَالَتُ امْرَأَتُ عِمْرَانَ رَبِّ إِنِّي نَذَرْتُ لَكَ مَا فِي بَطْنِي مُحَرَّرًا فَتَقَبَّلْ مِنِّي إِنَّكَ أَنْتَ السَّمِيعُ  
 الْعَلِيمُ ﴿۳۵﴾

35. Имроннинг хотини: «Эй Роббим! Албатта, мен қорнимдагини Ўзинга холис назр қилдим. Бас, мендан қабул эт. Албатта, Сенинг Ўзинг эшитувчи, билувчи зотсан», деганини эсла!

Оятни ўқиган ёки эшитган одам ҳазрати Имроннинг хотинлари, Биби Марямнинг оналари нақадар тақводор, художўй, бутун вужуди билан Аллоҳга ёқадиган иш қилишга уринадиган зот эканини дарров англайди. Ҳамда Аллоҳ таоло Имрон аҳлини бекорга одамлар ичидан танлаб, саралаб олмаганининг тагига тушуниб етади. Одатда, ҳомиладор аёл бўлғуси фарзандини, жигарининг бир пар-

часини ўзидан ҳам устун қўяди. Ҳазрати Имроннинг аёли ана шундай азиз жигарпорасини Аллоҳга холис назр қилмоқда:

**«Имроннинг хотини: «Эй Роббим! Албатта, мен қорнимдагини Ўзингга холис назр қилдим...»**

Яъни, холис ният билан, бирорта шартсиз, ўртага ҳеч қандай ҳақ ҳам киритмасдан, ҳамма нарсадан озод бўлган ҳолда назр қилмоқда. Боз устига, яна Аллоҳга илтижони кучайтириб:

**«...бас, мендан қабул эт. Албатта, Сенинг Ўзинг эшитувчи ва билувчи зотсан»,** демоқда. Булар олий даражадаги тақво ва Аллоҳнинг йўлидаги фидокорлик намунаси.

فَلَمَّا وَضَعَتْهَا قَالَتْ رَبِّ إِنِّي وَضَعْتُهَا أُنْثَىٰ وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا وَضَعْتَ وَلَيْسَ الذَّكَرُ كَالْأُنْثَىٰ  
وَإِنِّي سَمَّيْتُهَا مَرِيَمَ وَإِنِّي أُعِيدُهَا بِيكَ وَذُرِّيَّتَهُمَا مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ

**36. Уни (Марямни) туққан чоғида: «Эй Роббим, мен буни қиз туғдим-ку!!» – деди. Ҳолбуки, Аллоҳ у нима туққанини яхши билади. «Ва ўғил қиздек эмас. Ва мен унга «Марям» деб ном қўйдим ва албатта, мен Сендан унга ва унинг зурриётига шайтонир рожим шарридан паноҳ тиларман».**

Ўша вақтларда ибодатхоналарга фақат ўғил болалар назр қилинар эди. Имрон алайҳиссаломнинг хотинлари ҳам ҳомиладорлик вақтларида, ўғил туғсам керак, деган гумон билан аввалдан назр қилган эди. Вақти-соати етиб, кўзи ёриган чоғида қараса, қиз туғибди. Ўз-ўзидан савол пайдо бўлди: назрга атаб қўйилган ҳомила ўғил бўлмади, ўғил туғилганида-ку ҳеч қандай саволга ўрин қолмай, ибодатхонага топширилар эди, энди нима бўлади? Шу масалани билиш мақсадида:

**«Уни (Марямни) туққан чоғида: «Эй Роббим, мен буни қиз туғдим-ку!!» – деди».**

Дарҳақиқат: **«Ҳолбуки, Аллоҳ у нима туққанини яхши билади».** Лекин Имрон алайҳиссаломнинг хотинлари назарида, ибодатхона хизматида қиз бола ўғил болачалик бўла олмайди:

**«Ва ўғил қиздек эмас»,** дейди.

Кейин оналик меҳри жўшиб, гапнинг давомида:

**«Ва мен унга «Марям» деб ном қўйдим. Ва албатта, мен Сендан унга ва унинг зурриётига шайтонир рожим шарридан паноҳ тилайман»,** деб дуо қилади.

Мусаффо оналик қалби шу – доимо ўзини қўйиб бўлса ҳам боласига, зурриёдига камол, тинчлик-омонлик ва яхшилик тилайди.

فَنَقَبَلَهَا رُبُّهَا بِقَبُولٍ حَسَنٍ وَأَنْبَتَهَا نَبَاتًا حَسَنًا وَكَفَّلَهَا زَكْرِيَّا كُلَّمَا دَخَلَ عَلَيْهَا زَكْرِيَّا  
 الْمِحْرَابَ وَجَدَ عِنْدَهَا رِزْقًا قَالَ يَمْرُومُ أَنَّى لَكَ هَذَا قَالَتْ هُوَ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَرْزُقُ مَنْ  
 يَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴿٣٧﴾

**37. Бас, уни Робби жуда яхши қабул қилиб, ниҳоятда гўзал ўстирди ва Закариёни унга кафил қилди. Закариё ҳар қачон унинг олдига, меҳробга кирганида, унинг ҳузурида ризқ кўрди. У: «Эй Марям, сенга бу қаердан», – деди. «Бу, Аллоҳнинг ҳузуридан. Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кишига беҳисоб ризқ берур», – деди.**

Меҳрибон онаизорнинг ихлосига яраша, холисона қилган назрига биноан, дуоларини қабул қилган ҳолда:

**«Бас, уни Робби жуда яхши қабул қилиб, ниҳоятда гўзал ўстирди».**

Яъни, Аллоҳ таоло қиз бола бўлса ҳам Марямни назр сифатида жуда яхши қабул қилиб олди ва у қизни ажойиб бир ҳолда ўстирди. Ва:

**«...Закариёни унга кафил қилди».**

Закариё алайҳиссалом Ҳорун алайҳиссаломнинг зурриётидан эдилар. Яхудийларнинг «Ҳайкал» деб номланган асосий ибодатхонасининг хизматини қилиш шу авлодга насиб қилган эди. Ўша пайтда Закариё алайҳиссалом ҳайкал ибодатхонаси бошлиғи эдилар. Шундай қилиб, Марям алоҳида эътибор остида муборак бўлиб ўса борди. Аллоҳ унга Ўзи иноят кўрсатиб турди.

**«Закариё ҳар қачон унинг олдига, меҳробга кирганида, унинг ҳузурида ризқ кўрди.»**

Закариё алайҳиссалом Марямнинг кафили сифатида, табиийки, унинг озиқ-овқати, ризқидан доимо хабардор бўлиб туриши лозим. Лекин ибодатхона меҳробида ибодат билан машғул бўлиб турган Марямнинг олдига қачон кирса, унинг ҳузурида ризқ турар эди. Бу ризқни ўзи келтирмаганини яхши билган Закариё алайҳиссалом ажабланиб, Марямга:

**«Эй Марям, сенга бу қаердан?» – деди.**

Пайғамбар Закариё алайҳиссаломники таажжубга солибдими, демак, у ризқнинг манбаи, албатта, эътиборга лойиқдир.

Марям эса, бу манбадан хабардор, шунинг учун, бамайлихотир:

**«Бу, Аллоҳнинг ҳузуридан. Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кишига беҳисоб ризқ берур», – деди».**

Бу манзарани кўриб туриб, бефарзанд юрган Закариё алайҳиссаломда фарзандли бўлиш ҳаваси янгидан уйғонди:

هُنَالِكَ دَعَا زَكَرِيَّا رَبَّهُ قَالَ رَبِّ هَبْ لِي مِنْ لَدُنْكَ ذُرِّيَّةً طَيِّبَةً إِنَّكَ سَمِيعُ الدُّعَاءِ ﴿٣٨﴾

**38. Шу чоғда Закариё Роббига дуо қилиб: «Эй Роббим, менга Ўз ҳузуригдан яхши зурриёт бергин. Албатта, Сен дуони эшитувчисан», – деди.**

Закариё алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг дуоларни эшитувчи эканлигига тўла ишонч билан дуо қилди. Шунинг учун ҳам, одатда бепарзанд катта ёшдаги кишиларнинг фарзанд кўриши эҳтимолдан йироқ бўлса-да, Аллоҳ бу дуони қабул этди.

فَنَادَتْهُ الْمَلَائِكَةُ وَهُوَ قَائِمٌ يُصَلِّي فِي الْمِحْرَابِ أَنَّ اللَّهَ يُبَشِّرُكَ بِيحْيَى مُصَدِّقًا بِكَلِمَةٍ مِنَ اللَّهِ وَسَيِّدًا وَحَصُورًا وَنَبِيًّا مِنَ الصَّالِحِينَ ﴿٣٩﴾

**39. Меҳробда намоз ўқиб турганида, фаришталар унга: «Албатта, Аллоҳ сенга Аллоҳдан бўлган калимани тасдиқловчи, бошлиқ, шаҳвати тийилган, солиҳ Пайғамбарлардан бўлган Яҳёнинг башоратини бермоқда», – дедилар.**

Закариё алайҳиссаломнинг чин дилдан қилган дуолари қабул бўлди. Аллоҳнинг фаришталари келиб, у кишига суюнчилик хабарини етказдилар.

Аллоҳ Закариё алайҳиссаломга ўғил фарзанд беришни ирода қилди. Ҳали онаси унга ҳомиладор бўлмасдан, исми ҳам тайин: Яҳё. У фарзанд мўмин-мусулмон фарзанд бўлиши ҳам аниқ; Аллоҳдан бўлган калимани тасдиқловчи. Бўлғуси фарзанднинг сифатларидан яна бири – шаҳвати тийилган, яъни, аёлларга нисбатан бўладиган рағбатни жиловлаб юрувчи.

Шу жойда таъкидлаб ўтиш керакки, Қуръони Карим оятида бу сифат «ҳасурон» лафзи билан келган. Бу сўзни «эркаклиги йўқ» деб ҳам тушунилади. Баъзи яхши тушунмаган одамлар ушбу маънони Яҳё алайҳиссаломга ҳам нисбат берадилар. Бу фикр мутлақо нотўғри эканини улуғ тафсирчиларимиз қайта-қайта таъкидлаганлар. Чунки, эркаклиги йўқ бўлиш катта айб ҳисобланади. Пайғамбарлар эса, айблардан холи зотдирлар. Яҳё алайҳиссаломда бу жисмоний камолот мавжуд бўлган, лекин Аллоҳ таоло у кишига аёл зотига нисбатан бўлган шаҳватни тийиш қобилиятини берган.

Яна, бўлажак Яҳё исмли фарзанд солиҳ Пайғамбарлардан бўлишининг башорати ҳам таъкидланмоқда.



Бу хабар Закариё алайҳиссаломнинг ўзларини ҳам шошириб қўйди. Пайғамбар бўлсалар-да, барибир инсонликка бориб, бу мўъжиза қай тариқа юзага келишини билишга ошиқдилар.

قَالَ رَبِّ أَنِّي يَكُونُ لِي غُلْمٌ وَقَدْ بَلَغَنِي الْكِبَرُ وَأَمْرَاتِي عَاقِرٌ قَالَ كَذَلِكَ اللَّهُ  
يَفْعَلُ مَا يَشَاءُ ﴿٤٠﴾

**40. У: «Эй Роббим, менга қандоқ ўғил бўлсин?! Ўзим улуғ ёшга кирган бўлсам, хотиним туғмас бўлса?!» – деди. У зот: «Шундоқ, Аллоҳ хоҳлаганини қиладир», – деди.**

Закариё алайҳиссаломнинг ажабланишлари ҳам бежиз эмас. Инсонлар билими ва одатига кўра ҳукм қилинса, у кишининг фарзанд кўришлари ҳеч мумкин эмас. Чунки, у кишининг ўзлари жуда кекса ёшдалар. Ривоятларда келишича, ўша пайтда бир юз йигирма ёшга кирган эдилар. Бунинг устига, хотинларининг туғмаслиги ҳам маълум ва машҳур эди. Фарзандсизликка бир эмас, икки сабаб мавжуд. Шу боисдан ҳам, фаришталар суюнчилик хабар келтиришганида:

**«У: «Эй Роббим, менга қандоқ ўғил бўлсин?! Ўзим улуғ ёшга кирган бўлсам, хотиним туғмас бўлса?!» – деди.**

Лекин Аллоҳнинг қатъий жавоби ҳамма нарсани ўз ўрнига туширди. Аллоҳ:

**«Шундоқ, Аллоҳ хоҳлаганини қиладир», – деди».**

Фарзандсизликнинг юқорида зикр этилган сабаблари инсонлар учун мушкул сабаблардир. Лекин бу сабабларни бартараф этиш, ҳатто ўша сабаблар мавжуд бўлиб турган ҳолатда ҳам фарзанд ато этиш Аллоҳга жуда осондир. У хоҳласа, бас, бўлади. Хоҳласа, бир юз йигирма ёшли чол ҳам фарзанд кўради. Аллоҳ хоҳласа, ҳатто туғмас аёлга ҳам фарзанд беради. Хоҳласа, бир юз йигирма ёшли қари чол ва туғмас хотиндан ҳатто Пайғамбар туғилишини жорий қиладир. Бу ишлар Унинг учун ҳеч гап эмас.

Инсон узоқ вақт орзиқиб кутган нарсасининг башорати келса, ўзини йўқотиб қўйгандек, Закариё алайҳиссаломда ҳам инсоний ҳаяжонли ҳолат юз бериб, қайта-қайта савол берардилар:

قَالَ رَبِّ اجْعَلْ لِي آيَةً قَالَ آيَاتُكَ إِلَّا تُكَلِّمُ النَّاسَ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ إِلَّا رَمَزًا وَادَّكُرَ  
رَبِّكَ كَثِيرًا وَسَبِّحْ بِالْعَشِيِّ وَالْإِبْكَرِ ﴿٤١﴾

**41. У:** «Эй Роббим, менга бир белги тайинла», – деди. У зот: «Сенинг белгинг – уч кун одамларга фақат ишора билан гапиришингдир. Роббингни кўп эсла ва эртаю кеч тасбиҳ айт!» – деди.

Закариё алайҳиссалом ўзларининг фарзанд кўришларига иштиёқлари зўрлигидан, кампирлари ҳомиладор бўлган заҳотиёқ билишни хоҳлаб, Аллоҳдан бир белги сўрадилар:

«У: «Эй Роббим, менга бир белги тайинла», – деди».

Аллоҳ таоло шундай белгини берди:

«У зот: «Сенинг белгинг – уч кун одамларга фақат ишора билан гапиришингдир. Роббингни кўп эсла ва эртаю кеч тасбиҳ айт!» – деди».

Ўзлари соғ-саломат турсалар ҳам, Закариё алайҳиссалом уч кун давомида одамларга одатдагидек гапира олмай қолишларини кампирларининг ҳомиладор бўлганлигига аломат қилиб белгиланди. Бу орада одамлар билан фақат имо-ишора орқали муомала қиладилар. Лекин, Аллоҳни зикр қилсалар, тиллари ишлайверади. Бундай улғу неъмат учун Роббинни кўп эслаш ва эртаю кеч тасбиҳ айтиш керак. Шундай бўлди ҳам.

Қари чол ва туғмас кампирдан ўфил фарзанд туғилиши ҳақидаги ушбу ғаройиб қисса тутагандан сўнг, ундан ҳам ғаройиброқ қисса бошланади:

وَإِذْ قَالَتِ الْمَلَأِكَةُ يَمْرِيمُ إِنَّ اللَّهَ اصْطَفَاكِ وَطَهَّرَكِ وَأَصْطَفَاكِ عَلَى نِسَاءِ الْعَالَمِينَ ﴿٤٢﴾ يَمْرِيمُ أَقْنِي لِرَبِّكِ وَأَسْجُدِي وَأَرْكَعِي مَعَ الرَّاكِعِينَ ﴿٤٣﴾

**42. Фаришталарнинг:** «Эй Марям, албатта, Аллоҳ сени танлаб олди, поклади ва оламдаги аёллардан устунлигини ихтиёр қилди.

**43. Эй Марям, Роббингнинг ибодатида бардавом бўл, Унга сажда қил ва рукуъ қилувчилар билан рукуъ қил», деганларини эсла.**

Биби Марям бошидан кечган ҳодисанинг ҳақиқатини Қуръони Карим рўйи-рост ҳикоя қилмоқда. Яъни, Марямни Аллоҳ танлаб олганини, бошқалар каби оддий эмасликларини баён этмоқда. Шу билан бирга, у кишининг, насоролар даъво қилаётганидек, «она худо» ёки «худонинг хотини» ҳам эмасликларини билвосита таъкидламоқда.

«Эй Марям, албатта, Аллоҳ сени танлаб олди, поклади...»

«Поклади» дейишликнинг улкан маъноси бор. Чунки, Биби Марям ҳазрати Йисони туққанларидан кейин у кишига турли нопок туҳматлар бўлади. Ҳозирдан бўлғуси у туҳматлар рад этилмоқда.

**«... ва оламдаги аёллардан устунлигини ихтиёр қилди.»**

Ушбу жумланинг ўзи буюк бир мўъжизадир. Тасаввур қилинг: Исломи дини таълимотлари туша бошлагач, масиҳийлар билан қаттиқ тортишувлар бўлди. «Кимнинг дини афзал?» деган савол кўндаланг турди. Албатта, бундай ҳолда ҳамма ўз динининг афзаллигини изҳор қилишга уринади. Шундай бир пайтда фақат илоҳий каломгина бу жасоратли сўзни айтиши мумкин. Ўзига қарши тарафнинг вакилини «оламдаги аёлларнинг энг яхшиси» дейиш ҳазилакам гап эмас! Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳақиқий Пайғамбар бўлганликлари учунгина бу ҳақиқат ошкора айтилди.

Юқоридаги иккинчи оятда фаришталар Биби Марямни давомли тоат-ибодатда, ҳушуъ-ҳузуъда, сужуд-рукуъда бўлишга чорламоқдалар:

**«Эй Марям, Роббининг ибодатида бардавом бўл, Унга сажда қил ва рукуъ қилувчилар билан рукуъ қил», деганларини эсла».**

Бу нарсалар улкан ишга тайёргарлик эди.

Келаси оят бу қиссаларни келтиришнинг ҳикматларидан бирига ишора қилади. У ҳам бўлса, Муҳаммад алайҳиссаломга келаётган хабарлар ҳақиқий ваҳий эканлигини исбот қилишдир.

ذٰلِكَ مِنْ اَنْبَاءِ الْغَيْبِ نُوحِيهِ اِلَيْكَ وَمَا كُنْتَ لَدَيْهِمْ اِذْ يُلْقُونَ اَقْلَامَهُمْ اَيْهُمْ  
يَكْفُلُ مَرْيَمَ وَمَا كُنْتَ لَدَيْهِمْ اِذْ يَخْتَصِمُونَ ﴿٤٤﴾

**44. Бу ғайб хабарлардан бўлиб, сенга ваҳий қилмоқдамиз. Улар қайсилари Марямнинг кафили бўлишига қаламларини ташлашаётганларида олдиларида эмасдинг ва тортишаётганларида ҳам олдиларида эмасдинг.**

Биби Марямнинг оналарининг исми Ҳинна эди. У киши Марямни туққанларидан кейин, ваъдасига вафо айлаб, янги йўргакланган чақалоқни яҳудийларнинг «Ҳайкал» ибодатхонасига олиб келиб, у ердаги диний ходимларнинг олдига қўйибди ва: «Бу назр қилинган қизни олинглар», дебди. Шунда улар, мен оламан-мен оламан, деб талашиб кетибдилар. Чунки, қизча бошлиқлари ҳазрати Имроннинг қизи эди-да. Албатта, бу ишлар Муҳаммад алайҳиссаломга қоронғу, ғайб ишлар эди. Бу маълумотни фақат Қуръон келтирган хабардан билмоқдалар:

**«Бу ғайб хабарлардан бўлиб, сенга ваҳий қилмоқдамиз».**

Бир нарса устида бир неча киши талашса, яна ҳаммалари у нарсага тенг ҳақдор бўлишса, одатда қуръа ташланади. Марямга ка-

филликни талашганлар ҳам шу каби вазиятга тушиб қолдилар. Шунда улар ўртасида «қаламларини ташлаш» бўлиб ўтди.

**«Улар қайсилари Марямнинг қафили бўлишига қаламларини ташлашаётганларида олдиларида эмасдинг ва тортишаётганларида ҳам олдиларида эмасдинг.»**

Оят «қалам ташлаш»нинг тафсилотини ёритмайди. Ривоятларда келишича, улар қаламларини Урдун дарёсига ташлашган экан. Ҳаманинг қалами оқиб кетиб, Закариё алайҳиссаломнинг қаламлари оқмай туриб қолибди. Шуни аломат фаҳмлаб, Марямни у киши олишларига рози бўлишган экан.

Аҳли китоблар тарихида кечган бу сирли ҳодисаларни очиқлаш билан Муҳаммад алайҳиссалом ҳақ Пайғамбар эканликларини исбот қилинмоқда. Чунки, Аллоҳдан хабар келмаса, у киши бу воқеаларни майда-чуйда ҳолатларигача аниқ билишлари мумкин эмас. Ушбу хабарлар ниҳоятда тўғрилигидан ояти карима тушган ўша вақтдаги аҳли китоблар бунга қарши чурқ эта олмаганлар. Агар ҳақ бўлмаганида, Қуръонни ва Пайғамбарни камситишга имконият ва айб излаб юрган аҳли китоблар буни дарров дўмбира қилган бўлишарди.

Мўъжизаларнинг каттаси энди бошланади:

إِذْ قَالَتِ الْمَلَأِكَةُ يَمْرِيْمُ إِنَّ اللَّهَ يُبَشِّرُكَ بِكَلِمَةٍ مِّنْهُ اسْمُهُ الْمَسِيْحُ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ  
وَجِيهًا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَمِنَ الْمُقَرَّبِينَ ﴿٤٥﴾ وَيُكَلِّمُ النَّاسَ فِي الْمَهْدِ وَكَهْلًا وَمِنَ  
الصَّالِحِينَ ﴿٤٦﴾

**45. Фаришталар:** «Эй Марям, албатта, Аллоҳ сенга Ўзидан бўлган сўзнинг башоратини бермоқда, унинг исми Масийҳ Ийсо ибн Марям, бу дунёю охиратда обрўли ва яқин бандалардандир.

**46. У одамларга бешиқда ҳам, қариган чоғида ҳам гапиради ва солиҳлардандир», деганларини эсла.**

Оятда келган «сўз»дан мурод Ийсо алайҳиссаломдир. «Сўз» арабчада калима дейилади. Ийсо алайҳиссаломнинг бир номлари «Калиматуллоҳ»дир. Чунки, у кишининг дунёга келишига Аллоҳнинг «Бўл» деган сўзи, калимаси сабаб бўлган. Аллоҳ таоло ҳамма нарсага қодир. Одам атонинг жасадини тупроқдан ясади. Одам шаклида ясалган лой ерда ётган эди, Аллоҳ «Тур» деганида, жон кириб, туриб кетди.

Одатда қиз бола ўзидан-ўзи ҳомиладор бўлмайди. Лекин Аллоҳ таоло Марямга унинг ҳомиладор бўлиб, Аллоҳнинг калимаси ту-

файли Масийҳ Ийсо ибн Марям деган фарзанд кўришини фаришталар орқали билдирмоқда.

**«Фаришталар: «Эй Марям, албатта, Аллоҳ сенга Ўзидан бўлган сўзнинг башоратини бермоқда, унинг исми Масийҳ Ийсо ибн Марям...»** – дедилар.

Шу билан бирга, унинг бошқа сифатларини ҳам санаб ўтмоқдалар.

**«бу дунёю охиратда обрўли ва яқин бандалардандир. Одамларга бешиқда ҳам, қариган чоғида ҳам гапиради ва солиҳлардандир»,** – дедилар.

Бутунлай жонсиз, қуриб-қотган лойга бир сўз билан жон киритган Аллоҳ учун тирик жон бўлмиш Марямни бир сўз билан ҳомиладор қилиб қўйиш ҳеч мушкул эмас.

Ёш ва бокира қиз Марям бу башоратни тушунмай қолди. Бу нима сир эканини билиш учун Роббисига муножот қилди:

قَالَتْ رَبِّ أَنَّى يَكُونُ لِي وَلَدٌ وَلَمْ يَمَسِّنِي بَشَرٌ قَالَ كَذَلِكَ اللَّهُ يَخْلُقُ مَا يَشَاءُ إِذَا قَضَىٰ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُن فَيَكُونُ ﴿٥٧﴾

**47. У: «Эй Роббим, менга башар қўл теккизмаган бўлса, қандай қилиб болам бўлади?!» – деди. У зот: «Шундай, Аллоҳ хоҳлаганини қилади. Бир ишни ирода қилса, «Бўл!» дейиши кифоя, бўлаверади»,** – деди.

Биби Марям ота-онадан туғилиб, одамлар ичида ўсган бир қиз. Унинг инсоний тушунчаси бўйича, одатда эркак билан бирга бўлмаган қиз боланинг фарзанд кўриши ақлга тўғри келмайди. Фаришталар эса, унга бир ўғил кўришининг хабарини бериб туришибди. Шунинг учун:

**«У: «Эй Роббим, менга башар қўл теккизмаган бўлса, қандай қилиб болам бўлади?!» – деди».**

Шунда унга қисқа ва тушунарли жавоб келади. Бу жавоб одамларни ўзининг тор ақлий муҳитидан чиқиб Аллоҳга тааллуқли оддий ҳақиқатни англашга ундайди:

**«...Шундай, Аллоҳ хоҳлаганини қилади. Бир ишни ирода қилса, «Бўл!» дейиши кифоя, бўлаверади».**

Жумладан, пок, башар қўли тегмаган қизга ҳам «Туғ!» деса, туғаверади.

Бу қисқа савол-жавобдан кейин Марямга хушxabар олиб келган фаришталар туғилажак боланинг сифатларини айтишда давом этадилар:

وَيُعَلِّمُهُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَالتَّوْرَةَ وَالْإِنْجِيلَ ﴿٤٨﴾

**48. Ва унга китобни, ҳикматни, Таврот ва Инжилни ўргатади.**

Уламоларимиз бу ояти каримадаги «китобни» сўзи «ёзишни» ёки «илоҳий китобни» деган маънолардан бирини англатади, деганлар. Чунки, араб тилида «китоб» моддаси ёзишни англатади. Умуман, китоблар ҳам ёзилган нарса бўлгани учун шу ном билан аталган. Бизнинг фикримизга кўра, мазкур икки маънодан бирини албатта олишимиз шарт эмас. Балки, иккисини ҳам оламиз, иккиси бир-бирини тўлдириб келади. Дарҳақиқат, Ийсо алайҳиссаломга Аллоҳ таоло ҳам ёзишни, ҳам илоҳий китобни берган.

Шу билан бирга, Аллоҳ Марямнинг бўлажак Масийҳ Ийсо ибн Марям деб номланган ўғлига ҳикмат, Таврот ва Инжилни ҳам ўргатиши хабар қилинмоқда.

Ҳикмат кишидаги малака бўлиб, гап ва ишнинг ҳаммасини ўз жойида, камчиликсиз адо этишни билдиради. Айни чоғда, Пайғамбарларнинг суннатларига ҳам ҳикмат дейилади.

Таврот Мусо алайҳиссаломга туширилган илоҳий китобдир. У Ийсо алайҳиссаломга ҳам китоб бўлишини Аллоҳнинг Ўзи айтиб турибди. Таврот Ийсо алайҳиссаломга келган диннинг асосини ташкил этади. Инжил эса, Тавротни тўлдириб келган.

Келаси ояти каримада аввалги оятнинг маъноси бевосита давом этади.

وَرَسُولًا إِلَىٰ بَنِي إِسْرَائِيلَ أَنِّي قَدْ جِئْتُكُمْ بِآيَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ أَنِّي أَخْلَقُ لَكُمْ مِنَ الطَّيْرِ كَهَيْئَةِ الطَّيْرِ فَأَنْفُخُ فِيهِ فَيَكُونُ طَيْرًا بِإِذْنِ اللَّهِ وَأُبْرِئُ الْأَكْمَهَ وَالْأَبْرَصَ وَأُحْيِي الْمَوْتَىٰ بِإِذْنِ اللَّهِ وَأُنَبِّئُكُمْ بِمَا تَأْكُلُونَ وَمَا تَدْخِرُونَ فِي بُيُوتِكُمْ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَةً لِّكُمْ إِن كُنتُمْ مُّؤْمِنِينَ ﴿٤٩﴾

**49. Ва Бани Исроилга Пайғамбар қилади. У: «Албатта, мен сизга Роббингиздан мўъжиза келтирдим, мен сизларга лойдан қушга ўхшаш суврат ясайман, унга пуфласам, Аллоҳнинг изни билан қуш бўлади. Аллоҳ изни билан туғма кўр ва пелларни тузатаман ва ўликни тирилтираман. Сизларга нимани емоқдасизу, нимани уйингизда сақлаясиз—хабарини бераман. Агар мўмин бўлсангиз, албатта, бунда сизга белги бордир», дейди.**

Ояти кариманинг аввалидаги жумладан кўриниб турибдики, Ийсо алайҳиссалом Бани Исроилга Пайғамбар бўлганлар.

**«Ва Бани Исроилга Пайғамбар қилади».**

Бани Исроилнинг аввалги Пайғамбари бўлмиш Мусо алайҳиссаломга келган илоҳий китоб Таврот шунинг учун Ийсо алайҳиссаломга ҳам илоҳий китоб ҳисобланади.

Кейин оятда Ийсо алайҳиссалом Бани Исроил ҳузурига Пайғамбар бўлиб янги келган пайтда айтган гаплари баён қилинади:

**«...албатта, мен сизга Роббингиздан мўъжиза келтирдим».**

Бу мўъжиза у кишининг Пайғамбар эканлигини исботлашга хизмат қилади. Одамлар ҳузурига биров келиб, мени Аллоҳ сизларга Пайғамбар қилиб юборди, деса, одамлар, бу гапингни нима билан исбот қиласан, дейишлари турган гап. Шунинг учун, Аллоҳ таоло ҳар бир Пайғамбарни ўз қавмига юбориш чоғида ўша қавмнинг ҳолига, ижтимоий, ақлий ва бошқа савияларига қараб, мўъжиза ҳам беради.

Пайғамбарга берилган мўъжиза одатдан ташқари бир иш бўлиб, ўша замон кишилари: «Оддий одамнинг қўлидан бу иш келмайди, модомики бу ажойиб ишни бизга кўрсатдим, бу одам ҳақиқий Пайғамбар экан, унга иймон келтирайлик», дейиши керак бўлади.

Мисол учун, Мусо алайҳиссаломни Аллоҳ таоло Пайғамбар қилиб юборган жамиятда сеҳргарлик жуда ҳам ривожланган экан. Сеҳргарлар жамиятда обрўли одамлар бўлиб, турли сеҳрларни кўрсатар эканлар. Мисол учун, арқонни ерга ташласа, одамлар кўзига илон бўлиб кўринар экан. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга мазкур сеҳргарларнинг сеҳридан кучли мўъжизаларни берди. Яъни, қўлларидаги ҳассани ерга ташласалар, катта илон бўлиб, сеҳргарларнинг арқон – илонларини ютиб юборадиган бўлди.

Ушбу оятда Ийсо алайҳиссалом ўзларининг Бани Исроилга Пайғамбар қилиб юборилганларини тасдиқловчи мўъжизаларнинг айримларини олдиндан айтиб ҳам ўтмоқдалар:

**«мен сизларга лойдан қушга ўхшаш суврат ясайман, унга пуфласам, Аллоҳнинг изни билан қуш бўлади. Аллоҳ изни билан туғма кўр ва песларни тузатаман ва ўликни тирилтираман. Сизларга нимани емоқдасизу, нимани уйингизда сақляпсиз-хабарини бераман».**

Ушбу жумлада Ийсо алайҳиссалом ўзларига Аллоҳ таоло томонидан берилган мўъжизалардан тўрттасини зикр қилмоқдалар:

- а) лойдан қуш ясаб, пуфласа, Аллоҳнинг изни билан қуш бўлиши;
- б) Аллоҳнинг изни билан туғма кўрни, песни тузатиш;
- в) ўликни тирилтириш;



г) ўзлари кўрмай-билмай туриб Бани Исроилга улар еган ва уйларида сақланаётган нарсаларни айтиб бериш...

Кўпчилик қадимги тафсирчилар: туғма кўрни, песни Аллоҳнинг изни билан тузатиб, ўликни тирилтириш мўъжизаларини эътиборга олиб бўлса керак, Ийсо алайҳиссалом даврларида тиб илми ривожланган экан, шунинг учун Аллоҳ таоло у кишига ўша вақт табиблари қўлидан келмайдиган ишларни мўъжиза қилиб берган, деганлар.

Аммо, Ийсо алайҳиссаломнинг мўъжизаларини эътибор билан ўрганилса, унда ҳаёт бериш ёки ҳаётни ўрнига қайтариш, соғлиқни жойига келтириш ва ғайбдан хабар беришлар бор. Албатта, бу ишларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг изни билан бўлишлиги қайта-қайта такрорланяпти.

Ийсо алайҳиссаломга Аллоҳ таоло томонидан берилган бу мўъжизаларнинг табиатини ўрганган ва ўша вақтдаги тарихий воқеликни кузатган уламоларимиз: Ийсо алайҳиссалом даврида одамлар моддапараст бўлиб кетган эдилар, деган фикрга келганлар. Улар ҳар бир нарсанинг сабаби топилса бўлди, масала ечилади, деганга ўхшаш фикрлайдиган, руҳоний, ғайбий нарсаларга мутлақо ишонмайдиган бўлиб кетишган экан. Уларнинг бу ҳолатларини муолажа қилиш учун Ийсо алайҳиссаломга мазкур мўъжизалар берилган экан. Шу билан бирга, ҳали ҳомиладор бўлмаган қиз Биби Марямга фаришталар Ийсо тилидан ҳикоя қилиб бераётган бу ҳақиқатлар — Ийсонинг отасиз туғилиши ҳам Аллоҳнинг иши билан ғайритабиий бўлишидан дарак бериб турибди. Аллоҳ таоло баъдаларидан бирига мазкур мўъжизаларни беришга қодир бўлгандан кейин, бир одамни ғайритабиий равишда ярата олмасмиди?!

Кейинги икки оятда ҳам Ийсо алайҳиссалом номларидан айтилаётган сўзлар давом этади:

وَمُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ التَّوْرَةِ وَإِلْحَادًا لَكُمْ بَعْضَ الَّذِي حُرِّمَ عَلَيْكُمْ وَجِئْتُكُمْ بِآيَةٍ مِنْ رَبِّكُمْ فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا  إِنَّ اللَّهَ رَبِّي وَرَبُّكُمْ فَاعْبُدُوهُ هَذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمٌ 

**50. Ва ўзимдан аввалги Тавротни тасдиқловчи бўлиб, сизга ҳаром қилинганнинг баъзисини ҳалол қилиш учун келдим. Сизга Роббингиздан мўъжиза билан келдим. Аллоҳга тақво қилинг ва менга итоат этинг.**



**51. Албатта, Аллоҳ менинг Роббим ва сизнинг Роббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинг. Бу–сироти мустақимдир», дейдир.**

Ушбу ояти кариманинг аввалида Ийсо алайҳиссаломнинг:

«**Ва ўзимдан аввалги Тавротни тасдиқловчи бўлиб...**», деганларидан, яна бир бор у кишининг Бани Исроилга Пайғамбар бўлиб, Мусо алайҳиссалом шариатига амал қилиб келганлари билинмоқда. У киши бор нарсани тўлдириб келганлар:

«**...сизга ҳаром қилинганнинг баъзисини ҳалол қилиш учун келдим**».

Аллоҳ таоло Бани Исроилнинг гуноҳлари учун уларга баъзи нарсаларни ҳаром қилган эди. Ийсо алайҳиссалом ўша ҳаром қилинган нарсаларнинг баъзисини ҳалол қилиб келдилар.

«**Сизга Роббингиздан мўъжиза билан келдим.**»

Яъни, сизларга кўрсатаётган мўъжизаларда менинг ҳеч қандай фазлим йўқ. Ҳаммаси Аллоҳдандир.

«**Аллоҳга тақво қилинг ва менга итоат этинг.**»

Демак, Ийсо алайҳиссаломнинг даъватлари Аллоҳ таолога тақво қилиш ва Унинг Расулига итоат этишдир.

«**Албатта, Аллоҳ менинг Роббим ва сизнинг Роббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинг.**»

Ийсо алайҳиссалом ҳам бандадирлар, асло, кейинчалик масиҳийлар даъво қилганларидек, худо эмас. У зот ҳам худди бошқалар каби бандадирлар. Шунингдек, у киши Пайғамбар бўлиб келган Бани Исроил ҳам Аллоҳнинг бандаларидир. Модомики, Робб ва банда бўлар экан, бу ҳол банданинг Роббга ибодатини тақозо этади. Ушбу айтилганларга тўлиқ амал қилгандагина тўғри йўлда юрилган бўлади. Бахт-саодатга эришилади.

«**Бу сироти мустақимдир.**»

Фаришталарнинг Биби Марямга ўғил кўриши хушxabари ва бўлажак фарзандининг сифатлари, Пайғамбар бўлиши, мўъжизалари, гаплари ҳақида келтирган хабарларидан сўнг, Аллоҳ таоло келаси оятда бевосита Ийсо алайҳиссаломнинг Бани Исроилда кофирликни ҳис қилиб қолганликларидан сўз очади:

﴿ فَلَمَّا أَحَسَّ عِيسَىٰ مِنْهُمُ الْكُفْرَ قَالَ مَنْ أَنْصَارِي إِلَى اللَّهِ قَالَ الْحَوَارِيُّونَ  
نَحْنُ أَنْصَارُ اللَّهِ ءَامَنَّا بِاللَّهِ وَأَشْهَدُ بِأَنَّا مُسْلِمُونَ ﴾

**52. Ийсо улардан кофирликни сезиб қолганда: «Кимлар Аллоҳ йўлида менга ёрдамчи бўлади?!» – деди. Ҳаворийлар: «Биз Ал-**

**лоҳнинг ёрдамчиларимиз, Аллоҳга иймон келтирдик ва бизнинг мусулмонлигимизга гувоҳ бўл», – дедилар.**

Шу ерда, бу сурада Ийсо алайҳиссаломнинг туғилишларидан тортиб, то Бани Исроилдан кофирликни сезиб қолишларигача орада кечган кўп ҳодисалар қолиб кетди. Бунинг тафсилоти бошқа сура-ларда келган. «Оли Имрон» сурасининг умумий сиёғига қараб, ушбу сурада муолажа қилинаётган асосий ғояларни тушунишга ёрдам берадиган жойлари келтирилди. Ийсо алайҳиссалом Бани Исроилга Пайғамбар бўлиб келиб, уларни даъват қилганларидан ва турли мўъжизаларни кўрсатганларидан кейин ҳам Бани Исроил йўлга тушмади.

**«Ийсо улардан кофирликни сезиб қолганда: «Кимлар Аллоҳ йўлида менга ёрдамчи бўлади?!», – деди».**

Кўпчилик бош тортди. Куфрни ихтиёр қилди. Лекин ажаб эмаски, баъзи бир хос кишилар Аллоҳнинг дини йўлида Унинг Пайғамбарига яқиндан ёрдам берсалар?! Ҳар бир даъватнинг, ҳар бир ҳаракатнинг юзага чиқиши учун ўша даъват ва ҳаракат раҳбари атрофида жон фидо кишилар бўлиши шарт. Ийсо алайҳиссалом ҳам ўшандай одамларни топиш мақсадида юқоридаги гапни қилдилар. Бунга жавобан:

**«Ҳаворийлар: «Биз Аллоҳнинг ёрдамчиларимиз, Аллоҳга иймон келтирдик ва бизнинг мусулмонлигимизга гувоҳ бўл», – дедилар».**

«Ҳаворий» дегани ҳолис, яқин, ишончли дўст, деганидир. Ийсо алайҳиссаломнинг ҳам шундай кишилари бор эди. Улар Пайғамбарнинг даъватларига дарҳол, лаббай, деб жавоб бердилар. Улар шу ерда Аллоҳнинг дини йўлида ёрдамчи бўлишга тайёр эканликларини эълон қилишлари билан бирга, Аллоҳга келтирган иймонларини ҳам зикр қилмоқдалар. Чунки, иймон энг асосий нарса ҳисобланади.

Ҳаворийлар яна Ийсо алайҳиссаломдан ўзларининг мусулмонликларига гувоҳ бўлишларини ҳам сўрашмоқда. Яъни, Аллоҳнинг амрига бўйсунганликлари, Аллоҳнинг динига ва Пайғамбарига ёрдам берганликларига гувоҳ бўлишни сўрашмоқда.

Сўнгра, улар Аллоҳга илтижо этиб, дуо қилишмоқда:

رَبَّنَا آمَنَّا بِمَا أَنْزَلْتَ وَاتَّبَعْنَا الرَّسُولَ فَاكْتُبْنَا مَعَ الشَّاهِدِينَ

**53. «Эй Роббимиз! Сен гуширган нарсага иймон келтирдик ва Пайғамбарга эргашдик. Бас, бизни гувоҳлик берувчилар қаторига ёзгин».**

Яъни, биз Сенинг туширган ваҳийингга иймон келтирдик, Пайғамбаринг Ийсо алайҳиссаломга эргашдик. Бас, бизни Ўзингнинг тавҳидингга, Пайғамбарингнинг ҳақлигига ва унинг тўғрилигига гувоҳлик берувчилар қаторига ёзиб қўйгин.

Кейинги оятларда Ийсо алайҳиссалом билан Бани Исроил орасидаги қиссанинг охири зикр қилинади:

وَمَكْرُؤًا وَّمَكْرَ اللَّهِ وَاللَّهُ خَيْرُ الْمَكْرِينِ ﴿٥٤﴾

**54. Макр қилдилар. Аллоҳ ҳам макр қилди. Аллоҳ макр қилувчиларнинг «зўри»дир.**

Маълумки, «макр» ёмон сифатдир, уни Аллоҳ таоло номига нисбатан ишлатиб бўлмайди. Лекин араб тили қоидаларида «мушокала» деган қоида бор. «Мушокала»нинг луғавий маъноси – шаклда ўхшаш бўлишдир. Балобат қоидаси бўйича, маънолари ҳар хил бўлган баъзи бир ишларга нисбатан бир хил сўзларнинг ишлатилишига «мушокала» дейилади. «Макр» сўзи тадбир маъносини ҳам англатади. Бани Исроил макр-ҳийла қилди, Аллоҳ таоло уларнинг макрига қарши тадбир кўрди. Шу ерда «тадбир» сўзи ўрнига мушокала учун, яъни, шаклда Бани Исроилга нисбатан берилган макрга ўхшаши учун Аллоҳ таоло Ўзига нисбатан ҳам «макр» сўзини ишлатмоқда. Бунда яҳудийларнинг макрини масхара қилиш оҳанги ҳам бор.

Бани Исроил Ийсо алайҳиссаломни хочга осишни ва ўлдиришни хоҳлаб, қўлларидан келган макр-ҳийлаларни қилдилар. Аллоҳ эса, у кишини қутқаришни ва Ўзига кўтаришни ирода қилди. Аллоҳнинг тадбири амалга ошди. Маккор яҳудийларнинг ҳийласи ўтмади.

إِذْ قَالَ اللَّهُ يَا عِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ إِنِّي فَتَوَيْتُكَ وَرَافِعُكَ إِلَى وَمَطْهَرُكَ مِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا  
وَجَاعِلُ الَّذِينَ اتَّبَعُوكَ فَوْقَ الَّذِينَ كَفَرُوا إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ ثُمَّ إِلَى مَرْجِعِكُمْ فَأَحْكُمُ  
بَيْنَكُمْ فِيمَا كُنْتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴿٥٥﴾

**55. Аллоҳ: «Эй Ийсо, мен сени вафот қилдирувчи ва Ўзимга кўтарувчиман ҳамда куфр келтирганлардан сени покловчиман ва қиёмат кунигача сенга эргашганларни куфр келтирганлардан устун қўювчиман. Сўнгра, қайтиш жойингиз Ўзимга, бас, ихтилоф қилган нарсаларингиз бўйича орангизда Ўзим ҳукм чиқарурман», деганини эсла!**

Оятдаги «вафот қилдирувчи» деган маънони кўпчилик тафсирчилар «ухлатувчи» деб айтганлар. Шу билан бирга, «вафот» сўзи «ухлаш» маъносида ишлатилишига Қуръони Каримнинг бошқа оятларидан, ҳадисдан ва араб тилидан далиллар келтиришган. Мисол учун, Аллоҳ таоло «Анъом» сурасида: «У сизларни кечаси вафот эттирадиган зот», деган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалоту вассалом уйқудан турганларида: «Бизни ўлдирганидан сўнг тирилтирган Аллоҳга ҳамд бўлсин», дер эканлар. Арабчада «вафот» сўзи бир нарсани тўлиғича олиш маъносини билдиради.

**«Аллоҳ: «Эй Ийсо, мен сени вафот қилдирувчи ва Ўзимга кўтарувчиман», — деди.**

Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби ўта ишончли манбалар асосида Ийсо алайҳиссалом ўлганлари йўқ, Аллоҳ у кишини Ўзига кўтариб олган, қиёмат қоим бўлишидан олдин қайтиб тушадилар, деб эътиқод қилади. Жойи келганда, бу мавзу яна алоҳида ўрганилади ҳам.

Лекин Аллоҳ у зотни қандай қилиб вафот эттирди, қандай қилиб Ўзига кўтарди — Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Бу масала очик бўлиб, бандаларнинг даҳли бўлмаган, муташобих, ғайб масалаларига киради. Бунинг ҳақиқатини топишга амр ҳам бўлгани йўқ.

**«...ҳамда куфр келтирувчилардан сени покловчиман».**

Яъни, уларнинг ёмонликларидан қутқазувчиман. Аллоҳ таолонинг

**«... ва қиёмат кунигача сенга эргашганларни куфр келтирганлардан устун қўювчиман»,** деган ваъдаси ҳақида сўз юритадиган бўлсак, «у кишига эргашувчилар» деганда, Аллоҳдан келган тўғри динга эргашувчилар тушунилади. Ҳозирги вақтгача, биз Ийсонинг динидамиз, деб юрган масиҳийлар у кишига ҳақиқий эргашувчилар эмас. Улар Ийсо алайҳиссаломга келган динни бузиб юборганлар ва уларнинг авлодларидир. Аллоҳнинг ҳузуридаги тўғри дин Исломдир. Демак, мусулмонлар Ийсо алайҳиссаломга ҳақиқий эргашувчилар ҳисобланадилар. Мазкур ваъда ҳам уларга тўғри келади.

**«Сўнгра, қайтиш жойингиз Ўзимга, бас, ихтилоф қилган нарсаларингиз бўйича орангизда Ўзим ҳукм чиқарурман.»**

Қиёмат куни ҳамма Аллоҳнинг ҳузурига қайтиб боради. Бунга шубҳа йўқ. Ҳар ким қилганига яраша жазо ёки мукофот олиши ҳам аниқ.

Бу дунёда ихтилофга тушиб ечилмай қолган масалаларнинг ҳукмини Аллоҳнинг Ўзи чиқаради.

Келаси икки оятда охиратдаги ҳукм кимга нисбатан қандай чиқишининг баёни келади:

فَأَمَّا الَّذِينَ كَفَرُوا فَعَذَّبْنَاهُمْ عَذَابًا شَدِيدًا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَمَا لَهُمْ مِنْ نَاصِرِينَ ﴿٥٦﴾

**56. Бас, куфр келтирганларни бу дунёю у дунёда шиддатли азоб ила азоблайман. Уларга ёрдам берувчилар йўқдир.**

Аллоҳ кофирларни икки дунёда ҳам шиддатли азобга дучор этишни ваъда қилмоқда. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ. Шиддатли азоб қандай бўлишини ҳам Ўзи билади. Бунинг устига, кофирларга Аллоҳнинг азобидан қутулишга ёрдам берувчилар ҳам йўқ.

وَأَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَيُوَفِّيهِمْ أُجُورَهُمْ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ  
الظَّالِمِينَ ﴿٥٧﴾

**57. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилганларнинг ажри-ни тўлиқ беради. Ва Аллоҳ золимларни хуш кўрмас.**

Мўминлар яхши амалларнинг ажрини икки дунёда ҳам тўлиқ оладилар. Яхши амаллари эвазига савоблар, ажрлар ошириб берилса бериладики, асло камайтирилмайди. Аллоҳ золимларни хуш кўрмайди. Шу боисдан, Ўзи ҳам ҳеч қачон зулм қилмайди.

Шу ерга етганда мунозарага яқун ясаб, хулоса чиқарилади. Очиқ-ойдин баёнга ўтилади.

ذَلِكَ نَتْلُوهُ عَلَيْكَ مِنَ الْآيَاتِ وَالذِّكْرِ الْحَكِيمِ ﴿٥٨﴾

**58. Бу, сенга тиловат қилиб бераётган оятларимиз ва ҳаким эслатмадандир.**

Мазкур қиссалар ва йўлланмалар Аллоҳнинг ваҳийидир, уларни Аллоҳнинг Ўзи Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга тиловат қилиб бермоқда. Бу оятлар эса, ҳаким (ҳикматли) эслатмалардир. Бундан кейин ҳеч қандай шак-шубҳа қолмаслиги керак.

Энди Ийсо алайҳиссалом ҳақидаги ҳақиқат хулосаси келтирилади:

إِنَّمَا مَثَلُ عِيسَىٰ عِنْدَ اللَّهِ كَمَثَلِ آدَمَ خَلَقَهُ مِنْ تُرَابٍ ثُمَّ قَالَ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ ﴿٥٩﴾

**59. Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида Ийсонинг мисоли худди Одамнинг мисолига ўхшайдир. Уни тупроқдан яратиб, сўнгра унга «Бўл!» деди, бас, бўладир.**

Инсонлар ўлчови ва кўникмаларига биноан қаралса, Ийсо алайҳиссаломнинг туғилишлари одамни ҳайратга солувчи, ғайритабиий ҳодиса ҳисобланади. Шунинг учун, аҳли китоблар, хусусан, насоро-

лар Ийсо алайҳиссалом ҳақларида, хоссатан, у кишининг туғилишлари ҳақида ихтилофлар қилишган. У киши отасиз дунёга келганлари учун турли-туман афсоналар, бекорчи хаёлларни тўқиганлар.

Ҳолбуки, аҳли китоблар Одам алайҳиссаломнинг тупроқдан яратилганини, Аллоҳнинг пуфлаши оқибатида жон кирганини яхши билишади. Бу ҳақда ҳеч қандай ихтилоф қилишмайди. Йўқ ердан Одам алайҳиссаломни яратган Зот Ийсо алайҳиссаломни тирик юрган Марямдан отасиз ҳолда ярата олмайдими?! Аллоҳнинг ҳар бир нарсага қодир эканлигига ишонган эси бор одам бунга шубҳасиз иқрор бўлади.

Аллоҳ таоло инсоннинг дунёга келишига ота-онани сабаб қилиб қўйган. Ота-онанинг қўшилиши оқибатида инсон дунёга келиши ҳодисаси доимий такрорланаверганидан, одам шу кўриб турган тажрибасига суяниб, сабабчиларни асосчининг ўрнига қўйиб юборади, ота-она бўлмаса, бола бўлмайди, деган ҳукмни чиқаради. Аллоҳ агар хоҳдаса, ота-онасиз ҳам инсонни дунёга келтира олиши мумкинлигини эсдан чиқаради. Бу ҳақиқатни бандаларининг эсига солиб туриш учун Аллоҳ таоло баъзан умумий қоидадан ташқари чиқиб, айрим нодир ишларни қилиб, одамларнинг кўзига кўрсатиб қўйган. Масалан, фарзанд дунёга келишининг асосий сабабчилари ота-она эмас, балки Аллоҳ эканлигини билсинлар учун баъзиларни туғмас ё туғдиrolмас қилиб қўйган. Ота-онанинг қўшилиши бола туғилишининг асосий сабаби бўлса, нима учун бир-бирига қўшилган ҳамма ота-онадан бола туғилавермайди?! Ҳолбуки, Аллоҳ Одам Атони отасиз ва онасиз яратди. Аёлсиз, фақат эркак кишидан ҳам инсон пайдо бўлиши мумкинлигининг исботига Одам Атодан Момо Ҳавони яратди. Эркаксиз, фақат аёлдан ҳам инсон дунёга келиши мумкинлигини эса, Биби Марямдан Ийсонинг туғилиши исботлайди. Ҳа, Аллоҳ ҳар бир ишга қодир зотдир. «Бўл!» деса, бас, хоҳлаган иши бўлади.

الْحَقُّ مِنْ رَبِّكَ فَلَا تَكُنْ مِنَ الْمُمْتَرِينَ ﴿٦٠﴾

**60. Бу ҳақиқат Роббингдандир, бас, шак келтирувчилардан бўлма.**

Яъни, Ийсо ҳақидаги бу ҳақиқат Роббингдандир, бошқа ҳеч кимдан эмас. Аллоҳ таолодан келган нарсага Пайғамбар алайҳиссалом ҳеч қачон шак қилмаган бўлмасалар ҳам, у кишига «**шак келтирувчилардан бўлма**», дейилаётгани таъкид учун, ҳақда собит туришга даъватдир. Чунки, Ислому душманларининг мўминларни йўлдан оздириш учун қилган, қилаётган ва қилажак ишлари маълум эди.

Ийсо алайҳиссалом ҳақларидаги бор ҳақиқат очиқланганидан кейин, Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломга хитоб қилиб, мунозарани, гап талашни тугатишга, кофирларни мубоҳалага чақиришга амр этмоқда:

فَمَنْ حَاجَّكَ فِيهِ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ فَقُلْ تَعَالَوْا نَدْعُ أَبْنَاءَنَا وَأَبْنَاءَكُمْ  
وَنِسَاءَنَا وَنِسَاءَكُمْ وَأَنْفُسَنَا وَأَنْفُسَكُمْ ثُمَّ نَبْتَهِلْ فَنَجْعَلْ لَعْنَتَ اللَّهِ عَلَى  
الْكَاذِبِينَ ﴿٦١﴾

**61. Сенга келган илмдан кейин, ким сен билан у ҳақида тортишса, Сен: «Келинлар, бизнинг болаларимизни ва сизнинг болаларингизни, бизнинг аёлларимизни ва сизнинг аёлларингизни, биз ўзимизни, сиз ўзингизни чақирамиз-да, сўнгра ёлбориб, ёлгончиларга Аллоҳнинг лаънати бўлишини сўраймиз», деб айтгин.**

Ривоятларда келишича, «Оли Имрон» сурасининг аввалидан то саксон нечанчи оятигача Пайғамбаримиз ҳузурларига Нажрон насоролари келиб, дин ҳақида, Марям ва Ийсо ҳақида ва бошқа масалалар хусусида тортишган вақтда нозил бўлган. Улар билан бўлган тортишув бир мақомга етиб, Исломнинг ҳақлиги очиқ-ойдин бўлиб қолганда ҳам, рақиб тараф қайсарлик билан, ўзимники тўғри, деб туриб олган. Шунда Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломга уларни мубоҳалага, яъни, болалар ва аёлларни тўплаб, ўзлари ҳам қўшилиб, икки тараф ҳам: «Шу масалада ким ёлгон гапираётган бўлса, ўшанга Аллоҳнинг лаънати бўлсин», деб дуо қилишга чақиришни буюрди. Пайғамбар алайҳиссалом мазкур насороларни мубоҳалага чақирганларида, улар кўнмадилар. Лекин мансабларини, обрўларини, мол-дунёларини йўқотишдан қўрқиб, Исломни ҳам қабул қилмадилар. Бунга кейинги оятлардаги маъноларда ҳам ишора бор.

إِنَّ هَذَا هُوَ الْقَصَصُ الْحَقُّ وَمَا مِنْ إِلَهٍ إِلَّا اللَّهُ وَإِنَّ اللَّهَ لَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٦٢﴾

**62. Албатта, бу ўзи ҳақ қиссадир. Аллоҳдан ўзга ҳеч бир илоҳ йўқ. Албатта, Аллоҳ, Унинг Ўзи азиз ва ҳаким Зотдир.**

Яъни, Ийсо ҳақида сенга келган қиссалар ҳақдир. Ҳеч қандай шубҳага ўрин йўқ:

«Албатта, бу ўзи ҳақ қиссадир».

Насороларнинг Ийсо ҳам «худо» дейишлари нотўғри:

«Аллоҳдан ўзга ҳеч бир илоҳ йўқ».

Аллоҳнинг Ўзи азиз, ҳаммадан ғолиб, биров Унга қарши чиқа олмайди. У ҳақим – ҳар бир ишни ўз ўрнида, ҳикмат билан қилади.

فَإِنْ تَوَلَّوْا فَإِنَّ اللَّهَ عَلَيْهِ بِالْمُفْسِدِينَ

**63. Агар юз ўгириб кетсалар, бас, албатта, Аллоҳ фасод қилувчиларни билувчидир.**

Аллоҳнинг ибодатга сазовор ягона зот эканлиги ҳақидаги даъватдан юз ўгирганлар фасод қилувчи, бузғунчилар экан. Уларнинг фасоди дунёдаги ҳамма фасодлардан ёмондир. Чунки, улар: Аллоҳдан ўзга ибодатга, итоатга сазовор зотлар бор, дейишади. Бу эса, охири келиб шахсга, ҳодисаларга сифинишга тақалади. Одамлардан баъзилари ҳамма ўзига бўйсунини, унинг айтганини қонун деб қабул қилишини хоҳлайди. Банда бандага бандалик қилиши йўлга қўйилади. Бу эса, дунёда энг ёмон ҳолдир.

Шунинг учун ҳам, келаси оят аҳли китобни Аллоҳдан бошқага ибодат қилмасликка, унга ширк келтирмасликка ва одамлар бир-бирларига сифинмасликларига ўзаро келишиб олишга даъват этмоқда:

قُلْ يَا هَلْ الْكِتَابِ تَعَالَوْا إِلَى كَلِمَةٍ سَوَاءٍ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ أَلَّا نَعْبُدَ إِلَّا اللَّهَ وَلَا نُشْرِكَ بِهِ شَيْئًا وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضًا أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ فَإِنْ تَوَلَّوْا فَقُولُوا اشْهَدُوا بِأَنَّا مُسْلِمُونَ

**64. Сен: «Эй, аҳли китоблар! Бизга ҳам, сизга ҳам баробар сўзга келинг: Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмайлик, Унга ҳеч нарса-ни шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб, баъзимиз баъзимизни Робб қилиб олмайлик», дегин. Бас, агар юз ўгирсалар: «Гувоҳ бўлинглар, биз, албатта, мусулмонлармиз», деб айтинглар.**

Аҳли китоблар, деб яҳудий ва насоролар назарда тутилишини айтдик. Оят уларни ўзаро баробар, адолатли ва инсофли бир сўзга келишиб олишга даъват этмоқда.

«Сен: «Эй, аҳли китоблар! Бизга ҳам, сизга ҳам баробар сўзга келинг: Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмайлик, Унга ҳеч нарса-ни шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб, баъзимиз баъзимизни Робб қилиб олмайлик», дегин».



Бу даъватда фақат мусулмонларнинггина фойдаси кўзланган эмас. Чунки, Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмаслик ҳамма учун зарур, ҳаммага фойда. Бунинг устига, аҳли китоб ҳам шуни даъво қилади.

Шунингдек, Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмаслик ҳам фақат мусулмонларга эмас, ҳаммага керак.

Баъзи бандаларнинг бошқа бандаларга банда бўлиши (яъни, бошқача айтганда, инсоннинг инсонга қул бўлиши), ўзига ўхшаган бандага сиғиниши, унинг иродасига кўра яшаши, унинг хоҳиш-истакларига бўйсунуши инсоннинг инсонлик шаънини оёқости қилади. Бу асло мумкин нарса эмас. Ҳамма — уммат ҳам, Пайғамбар ҳам, Аллоҳнинггина бандасидир.

**«Эй, аҳли китоблар! Бизга ҳам, сизга ҳам баробар сўзга келинг: Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб, баъзимиз баъзимизни Робб қилиб олмайлик», дегин.**

Яъни, агар аҳли китоблар Аллоҳнинг ягона Ўзига ибодат қилишдан, Унга ҳеч нарсани шерик қилмасликдан, Аллоҳдан ўзгага сиғинмасликдан юз ўтгирсалар, унда уларнинг кимлиги маълум бўлади. Сизлар ҳам ўзингизнинг кимлигингизни уларга баралла айтиб қўйинглар:

**«Гувоҳ бўлинглар, биз, албатта, мусулмонлармиз», деб айтинглар».**

Дунёда фақат мусулмонларгина Аллоҳнинг ягона Ўзига ибодат қиладилар!

Дунёда фақат мусулмонларгина Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмайдилар!

Дунёда фақат мусулмонларгина Аллоҳни қўйиб баъзилари баъзиларини робб, илоҳ қилиб олмайдилар!

Ислом бандаларни бандага сиғинишдан Аллоҳга сиғинишга олиб чиққан ягона дин ва тузумдир!

Муҳаммад ибн Исҳоқ қилган ривоятда Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу :

«Нажрон насоролари билан яҳудийларнинг диний олимлари Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассаломнинг ҳузурларида йиғилиб, Иброҳим алайҳиссалом ҳақларида тортишдилар. Яҳудийлар:

«Иброҳим фақат яҳудий бўлган», дейишди. Насоролар:

«Иброҳим фақат насроний бўлган», дейишди. Шунда Аллоҳ таоло:

«Эй, аҳли китоблар, нимага Иброҳим ҳақида талашасизлар...» оятини туширди», дейдилар.

يَأْهَلِ الْكِتَابِ لِمَ تُحَاجُّونَ فِي إِبْرَاهِيمَ وَمَا أُنزِلَتِ التَّوْرَةُ وَالْإِنْجِيلُ إِلَّا  
 مِنْ بَعْدِهِ ؕ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٦٥﴾

**65. Эй, аҳли китоблар, нимага Иброҳим ҳақида талашасизлар. Ҳолбуки, Таврот ҳам, Инжил ҳам ундан кейин тушган-ку! Ақл юритмайсизларми?!**

Нима учун яҳудий ва насоролар Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларида Иброҳим алайҳиссалом ҳақида тортишдилар? Чунки ҳамма – яҳудийлар ҳам, насоролар ҳам, Иброҳим алайҳиссаломга Аллоҳ таоло сенинг зурриётингга Пайғамбарликни бераман, деб ваъда қилганини яхши билишарди. Шунинг учун, ҳаммалари ушбу фазл ўзларига тегишли бўлишига ҳаракат қилишарди. Энг муҳими – Иброҳим алайҳиссаломнинг динидаман, деяётган Муҳаммад алайҳиссаломни ёлғончига чиқаришга уринишарди.

Ушбу мақсадларига эришиш йўлида қизиқиб кетганларидан ҳатто ақллари йўқотар ҳолга тушдилар ва яҳудийликдан бир қанча замонлар аввал яшаб ўтган Иброҳим алайҳиссаломни «яҳудий» деб юбордилар. Ҳолбуки, Таврот у кишидан кейин тушган ва «яҳудий» деган ном ҳам кейин чиққан. Худди шунингдек, насоролар ҳам Инжил тушишидан минглаб йиллар аввал ўтган Иброҳим алайҳиссаломни насроний эди, дейишга ҳақлари йўқ.

Кейинги оятда аҳли китобларнинг даъвоси беҳуда эканини фош этиш давом этади.

هَآأَنْتُمْ هَآؤَلَاءِ حَآجَجْتُمْ فِيمَآ لَكُمْ بِهِ ءَعِلْمٌ فَلِمَ تُحَآجُّونَ فِيمَآ لَيْسَ لَكُمْ بِهِ ءَعِلْمٌ وَآللَّهُ  
 يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٦٦﴾

**66. Ҳой сизлар, ҳалигилар! Ўзингиз билган нарсада-ку талашдингиз, энди нимага ўзингиз билмаган нарсада талашмоқдасиз?! Аллоҳ биладир, сиз эса билмайсиз.**

Пайғамбар алайҳиссалом билан Ийсо ҳақида, шунингдек, Таврот ва Инжилда келган баъзи масалалар ҳақида тортишишган эди. Бу масалаларда уларнинг озми-кўпми илмлари бор эди. Тортишиб, ўз фикрини айтса бўлар эди. Аммо Таврот ва Инжилдан олдин ўтган ҳодисалар, ўзлари билмайдиган нарсалар ҳақида тортишиб нима қилардилар? Фақат, талашди деган гап учунми?

У нарсаларни, хусусан, Иброҳимнинг кимлигини «Аллоҳ биладир, сиз эса билмайсиз!»

Мана, эшитинг:

مَا كَانَ إِبْرَاهِيمَ يَهُودِيًّا وَلَا نَصْرَانِيًّا وَلَكِنْ كَانَ حَنِيفًا مُّسْلِمًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿٦٧﴾

**67. Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам бўлмаган эди. Лекин у ҳақ йўлдан тоймаган мусулмон эди. Ва мушриклардан ҳам бўлмаган эди.**

Ушбу оятда аввал айтилган ҳақиқат яна бир бор таъкидланмоқда:

**«Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам бўлмаган эди. Лекин у ҳақ йўлдан тоймаган мусулмон эди».**

Иброҳим алайҳиссалом яҳудий ҳам, насроний ҳам бўлмаганлар, чунки бу истилоҳлар у кишидан кейин чиққандир. Иброҳим алайҳиссалом бошқа турли миллатларга тоймаган, доимо Ислолда турганлар. Бу дегани, Муҳаммад алайҳиссаломнинг динларида бўлган, яъни у кишига келган ваҳийга амал қилган, дегани эмас, балки бу атамадан Аллоҳ ихтиёр қилган шомил маъно қасд қилинмоқда.

**«Ва мушриклардан ҳам бўлмаган эди».**

Бу ояти каримадан бир қанча хулосалар чиқади:

1. Яҳудий ва насронийлар ҳам мушриклар экан. Дарҳақиқат, улар Узайр Аллоҳнинг ўғли, Масийҳ Аллоҳнинг ўғли, дейишади.
2. Ислол ва ширк, мушриклик бир-бирига зид.
3. Араб мушрикларининг: Иброҳимнинг динида миз, деган даъволари ҳам фирт ёлғон. Шундай бўлгач, Иброҳим алайҳиссаломга яқин бўлишга ҳақлироқ ким ўзи?

إِنَّ أَوْلَى النَّاسِ بِإِبْرَاهِيمَ لَلَّذِينَ اتَّبَعُوهُ وَهَذَا النَّبِيُّ وَالَّذِينَ آمَنُوا وَاللَّهُ وَلِيُّ الْمُؤْمِنِينَ ﴿٦٨﴾

**68. Албатта, одамларнинг Иброҳимга ҳақлироғи унга эргашганлар, мана бу Пайғамбар ва иймон келтирганлардир. Аллоҳ мўминларнинг валийсидир.**

Ҳамма ўзини Иброҳим алайҳиссаломнинг меросхўри, деб даъво қилаверади. Биров, у киши яҳудий бўлган, шунинг учун унга биз ҳақдимиз, деса, бошқаси, у киши насроний бўлган, шунинг учун унга биз ҳақдимиз, дейди. Яна бошқалар ўз билганини айтади. Ҳолбуки, бу масалани Аллоҳнинг Ўзи ҳал қилган:

Аввало,

**«Албатта, одамларнинг Иброҳимга ҳақлироғи унга эргашганлар»**, яъни ўзлари ҳаёт давларида у кишига иймон келтириб, йўлдан юрганлар ва у киши ўтганларидан кейин ҳам эргашганлар.

Кейин, **мана бу Пайғамбар**, яъни, Муҳаммад алайҳиссаломдир. Энг содиқ гувоҳ бўлмиш Аллоҳ таолонинг хабарига биноан, улар икковлари Исломда биргадир.

Яна кейин одамларнинг Иброҳим алайҳиссаломга ҳақлироғи Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга **иймон келтирганлардир**.

«**Аллоҳ мўминларнинг валийсидир**», яъни дўстидир, ёрдамчидир, ҳомийсидир.

Бу нарса одамларни, инсониятни бирлаштирувчи асосий омил ақийда эканлигини билдиради.

Кенгроқ ўйлаб кўриладиган бўлса, одамларни бирлаштирадиган бир неча омиллар бор: жумладан, жинс, қавм, тил, табақа, танасининг ранги ва ҳоказолар. Лекин булар бари тор доиралар бўлиб, инсоннинг ихтиёридан ташқари нарсалардир. Агар одамларнинг бирлашиши жинс асосида бўлса, ҳеч ким ўз жинсини ўзгартира олмайди. Шунингдек, қавм-миллат асосида бўлса, миллатини ҳеч ким ўз хоҳиши бўйича танламаган. Агар бирлашиш тил асосида бўлса, қайси тилда тили чиққан бўлса, кейин уни ўзгартириб, бошқа тил гуруҳидагиларга барибир эл бўлиб кетолмайди.

Шунингдек, табақа ёки тананинг рангини ҳам ўзгартириб бўлмайди.

Ислом ақийдаси асосида яшайдиганлар эса – Аллоҳнинг дўстлари, бир оиланинг аъзолари, уларнинг бирлашишига йиллару асрлар, маконлару ватанлар, миллатлару жинслар, тананинг рангию табақалар тўсиқ бўла олмайди.

Кейинги оят аҳли китобларнинг талашиб-тортишишдан мақсадлари нима эканини баён қилади:

وَدَّتْ طَائِفَةٌ مِّنْ أَهْلِ الْكِتَابِ لَوْ يُضِلُّوكُمْ وَمَا يُضِلُّونَ إِلَّا أَنفُسَهُمْ وَمَا يَشْعُرُونَ ﴿٦٩﴾

**69. Аҳли китоблардан бир тоифалари сизни адаштиришни хоҳларлар. Улар ўзларидан бошқани адаштирамаслар ва лекин сезмаслар.**

Аҳли китобларнинг Ислом умматига қарши қилаётган ҳаракатларининг барчаси бу умматни тўғри йўлдан адаштиришга қаратилган. Улар мусулмонларнинг ўз динларида собит туришларини кўра олмайдилар.

«**Аҳли китоблардан бир тоифалари сизни адаштиришни хоҳларлар**».

Уларнинг бир тоифасининг бирдан-бир мақсади, хоҳиши — мусулмонларни адаштириш.

Ҳолбуки, бу билан улар ўзлари билмаган ҳолда, ўзларини адаштираётган бўладилар.

**«Улар ўзларидан бошқани адаштирмаслар ва лекин сезмаслар».**

Мусулмонлар ўз динларида мустаҳкам турсалар, уларга ҳеч бир душманнинг ҳийла-найранги қор қилмаслигини Аллоҳ таоло ваъда қилган. Аммо аҳли китоблар буни сезмасдан адашадилар.

يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لِمَ تَكْفُرُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَأَنْتُمْ تَشْهَدُونَ ﴿٧٠﴾ يَا أَهْلَ الْكِتَابِ  
لِمَ تَلْبِسُونَ الْحَقَّ بِالْبَاطِلِ وَتَكْفُرُونَ بِالْحَقِّ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٧١﴾

**70. Эй, аҳли китоблар, нимага ўзингиз гувоҳ бўлиб туриб, Аллоҳнинг оятларига куфр келтирасизлар?!**

**71. Эй, аҳли китоблар, нимага ҳақни ботилга аралаштирасизлар ва билиб туриб ҳақни яширасизлар?!**

Аҳли китоблар Ислонинг ҳақлигини биладилар. Бу уларнинг илоҳий китобларида собит бўлган. Илоҳий китобдан хабари йўқлари тажриба, ўрганиш орқали ҳам Ислонинг ҳақлигига иқрор бўлдилар ва бўлмоқдалар. Лекин улар ҳавои нафсларига учиб, куфр келтирадилар. Кўриб-билиб туриб, Ислондек ҳақ нарсани ботилга аралаштирадилар ва шу билан Ислонинг ҳақиқатини беркитмоқчи, йўқотиб юбормоқчи бўладилар. Бу хиёнаткорона ишни яҳудийлар ояти карималар тушаётган вақтдаёқ бошлашган, кейинроқ уларга насоролар ҳам қўшилишган ва ҳозиргача бу бузғунчиликда давом этмоқдалар. Узоқ муддат мобайнида Аллоҳ таолонинг Ўзи сақлагани учун Қуръонга ўз ботилларини қўша олмадилар, лекин бошқа ҳамма нарсага қўшдилар ва қўшмоқдалар.

Улар бу ғараз ила Ислон тарихи, ҳадис, Қуръон тафсири, кишилар сийрати каби илмларга ҳийла-найранг орқали турли ботилларни қўшиб келдилар. Кўпинча сиртдан мусулмон бўлиб оладилар, мусулмонларнинг ишончини қозонадилар, сўнгра ҳақ Ислонга ўз ботилларини қўшадилар. Ҳозирги кунда ҳам турли илмий номлар билан ўша қадим ишларини қилмоқдалар. Аллоҳ таоло меҳрибон, доимо уларнинг бу кирдикорларини фош этиб, ботилларини ажратиб-чиқариб турадиган уламоларни мусулмон умматига бериб туради.

Келаси оятларда аҳли китобларнинг Ислонга, мусулмонларга қарши яна бир макр-ҳийлалари зикр этилади:

وَقَالَتْ طَآئِفَةٌ مِّنْ أَهْلِ الْكِتَابِ ءَامِنُوا بِالَّذِي أُنزِلَ عَلَى الَّذِينَ ءَامَنُوا وَجْهَ النَّهَارِ  
وَأَكْفُرُوا ءَاخِرَهُ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴿٧٢﴾ وَلَا تَتُومِنُوا إِلَّا لِمَن تَبِعَ دِينَكُمْ قُلْ إِنَّ الْهُدَىٰ هُدَىٰ اللَّهِ  
أَن يُؤْتَىٰ أَحَدٌ مِّثْلَ مَا أُوتِيْتُمْ أَوْ يُحَاجُّوكُمْ عِنْدَ رَبِّكُمْ قُلْ إِنَّ الْفَضْلَ بِيَدِ اللَّهِ يُؤْتِيهِ مَن يَشَاءُ  
وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٧٣﴾ يَخْنُصُ بِرَحْمَتِهِ مَن يَشَاءُ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ ﴿٧٤﴾

72. Аҳли китоблардан бир тоифалари: «Иймон келтирганларга тушган нарсага куннинг аввалида иймон келтиринглар ва куннинг охирида куфр келтиринглар, шоядки, қайтсалар.

73. Ва динингизга эргашганлардан бошқаларга ишонманглар, токи бирортага сизга берилганга ўхшаш нарса берилмасин ёки Роббингиз ҳузурида сиз билан ҳужжат талашмасин», дерлар. Сен: «Албатта, ҳақиқий ҳидоят Аллоҳнинг ҳидоятидир», деб айт. Сен: «Албатта фазл Аллоҳнинг қўлида—хоҳлаган кишисига берадир. Аллоҳ кенг қамровли, билувчи Зотдир.

74. Ўз раҳматини хоҳлаган кишисига хос қиладир ва Аллоҳ улуғ фазл эгасидир», деб айт.

Аввал мусулмон бўлганини эълон қилиб туриб, кейин дарров Исломдан қайтганини эълон қилиш — пасткашлик ва ҳийлакорликдир. Шу йўл билан иймони заиф мусулмонларни, ақли паст кишиларни Исломдан чиқармоқчи бўладилар.

Ушбу ояти карималар нозил бўлаётган пайтда янги мусулмонлар асосан саводсиз араблардан бўлган. Улар аҳли китобларга ҳурмат назари билан қараган. Чунки улар Аллоҳдан тушган китоб эгаларидирлар, бу муқаддас китобдан кўп нарсани ўрганганлар, шунинг учун ҳамма ишлари ўша илоҳий китобдан келиб чиққан бўлади, деб ўйлашган. Гапнинг қисқаси, аҳли китоблар илм, маърифат эгалари, ҳар бир ишни чуқур тушуниб бажарадиган одамлар, деган тушунча бўлган. Шундай одамлар куннинг аввалида иймонга келиб, охирида яна куфр келтирсалар, содда мусулмонлар: «бу одам Исломдаги нуқсонни топди шекилли, бўлмаса бундоқ қилмас эди», деган фикрга келиши турган гап. Бу ҳолни яхши билган аҳли китоблардан бир тоифалари бир-бирларига:

**«Иймон келтирганларга тушган нарсага куннинг аввалида иймон келтиринглар ва куннинг охирида куфр келтиринглар, шоядки, қайтсалар»,** дейишади.

Бу билан, шояд, мўминлар ҳам бизга қўшилиб динларидан чиқсалар, демоқчилар.

Бундай усул ҳозир ҳам давом этмоқда. Аллоҳнинг иродаси билан ҳозирги кунда аҳли китоблар илм-фан ривож топган, юқори техник тараққиётга эга бўлган юртларда яшамоқдалар. Улар юксак моддий маданият эгаларидир, илмий унвонлари ҳам болохонадор. Бу соҳада ортда қолган мусулмонлар одатда уларга ҳавас билан, ҳурмат, эҳтиром билан қарашади. Кўплари уларга кўр-кўрона тақлид ҳам қилишади. Бу тақлид ҳаётнинг ҳамма соҳаларида кенг ёйилган. Аҳли китоб саналган яҳудий ва насронийлар ҳақида: улар бир нарсани чуқур тушунмаса, амал қилмайди, деган тушунча кенг тар-қалган. Шу боис, улардан бирортаси Исломга кирса, бутун мусулмон олами қувончдан терисига сиғмай кетади. Улар орасида Исломга холис кириб, ҳидоят топиб кетаётганлари кўп, лекин юқорида баён этилганидек, ҳийла қилиб, Исломга зарар етказиш мақсадида куннинг аввалида иймонга келиб, охирида куфрга қайтаётганлари ҳам йўқ эмас.

Исломга қарши кучларнинг яна бир хавfli тоифаси борки, улар Ислом диёрларида мусулмон ота-онадан туғилган бўлади, исмлари ҳам мусулмонча, ўзларини «мусулмон» деб эълон ҳам қилганлар. Бундай «аскарлар» раҳбар – бошлиқлар, ёзувчилар, олимлар, файласуфлар, журналистлар ва яна бошқа шаклларда учрайдилар. Уларнинг вазифаси ҳам мусулмонларни диндан қайтаришдир.

Аҳли китобларнинг ўзаро насиҳатларидан бири:

**«Ва динингизга эргашганлардан бошқаларга ишонманглар».**

Яъни, уларга ҳеч сир айтманглар, режаларингизни ҳам билдирманглар.

Ҳозирги кунда дунёда кўплаб яҳудий ва насроний ташкилотлар бор. Сойҳунийлар (сионистлар), массонлар, миссионерлар ва булардан ташқари номлари ҳам яшириладиган яна кўплаб ташкилотлар бор. Уларнинг фаолиятлари қаттиқ сир тутилади. Ўзларини шунчалик беркитадиларки, баъзан оила аъзоларидан ҳам яширадилар. Уларнинг барчалари Исломга қарши, мусулмонларни динларидан чиқариш йўлида ҳаракат қиладилар.

Аҳли китобларнинг ўзларидан бошқага ишонмаслик, ҳамма нарсани сир тутишга чақириқларининг сабаби келаси жумлада баён қилингандир:

**«...токи бирортага сизга берилганга ўхшаш нарса берилмасин»,**  
яъни, ҳеч кимга илоҳий китоб ва Пайғамбарлик берилмасин;

**«...ёки Роббингиз ҳузурида сиз билан ҳужжат талашмасин»,**  
дейдилар.

Яъни, агар улар ҳақиқатни билиб олсалар, бизнинг хиёнатимизни ҳам тушуниб қоладилар-да, кейин Аллоҳ ҳузурида биз билан ҳужжат талашадилар.

Демак, уларнинг ҳадиги — бошқалар ҳам фазлга эга бўлиб қолмасин ва буларнинг айблари ҳам фош бўлмасин.

Аҳли китобларнинг бу хиёнаткорона қилмишларига жавоб тариқасида Пайғамбар алайҳиссаломга Аллоҳ таоло:

**«Албатта, ҳақиқий ҳидоят Аллоҳнинг ҳидоятидир», деб айт»,** деб ўргатмоқда.

Демак, мусулмонлар буни яхши тушунишлари керак ва ҳар кимга кўр-кўрона тақлид қилмасликлари, бошқаларнинг гапларига уча-вермасликлари лозим.

Яна, Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломга:

**«Албатта, фазл Аллоҳнинг қўлида, хоҳлаган кишисига берадир. Аллоҳ кенг қамровли, билувчи Зотдир. Хоҳлаган кишисига Ўз раҳматини хос қиладир ва Аллоҳ улуғ фазл эгасидир»,** деб айт», деган йўлланмани ҳам бермоқда.

Демак, аҳли китобнинг хоҳлагани эмас, Аллоҳ таолонинг хоҳлагани бўлади. Аввало, фазл аҳли китобнинг қўлида эмас, балки Аллоҳнинг қўлида. Хоҳлаган кишисига беради. Аҳли китобни хоҳламасдан, аҳли Исломни хоҳлагани учун, уларга охирги илоҳий китобни — Қуръонни ва қиёматгача боқий Исломни берди.

**«Аллоҳ кенг қамровли, билувчи Зот»** бўлганидан бу улкан масъулиятни ҳақни ботилга аралаштирган, омонатга хиёнат қилган, илоҳий китобга амал қилишни тарк этган аҳли китобларга ишонмади, балки бу улкан масъулиятни Муҳаммад алайҳиссалом бошлиқ мусулмонларга ишонди. Ислом умматини хоҳлаб, унга Ўз раҳматини хос қилди. Бу умматга охирги илоҳий китобни, қиёмат кунигача боқий шариатни ва энг афзал Пайғамбарни берди.

Кейинги оятларда Аллоҳ аҳли китобларнинг холини васф қилиб, уларнинг нуқсонларини фош этади:

﴿ وَمِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ مَنْ إِنْ تَأْمَنَهُ بِقِنطَارٍ يُؤَدُّهُ إِيَّاكَ وَمِنْهُمْ مَنْ إِنْ تَأْمَنَهُ بِدِينَارٍ لَّا يُؤَدُّهُ إِيَّاكَ إِلَّا مَا دُمَّتْ عَلَيْهِ قَائِمًا ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا لَيْسَ عَلَيْنَا فِي الْأُمِّيَّتِنَ سَبِيلٌ وَيَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ الْكُذِبَ وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴾

75. Аҳли китоблардан, агар ҳисобсиз молни омонат қўйсанг, уни сенга адо қиладиганлари бор ва бир динорни омонат қўйсанг, устида туриб олмагунингча, сенга адо қилмайдиганлари ҳам бор. Бу уларнинг: омийлар учун бизнинг устимизга йўл йўқ, дейишларидандир. Улар билиб туриб Аллоҳ ҳақида ёлғон сўзларлар.



Қуръони Карим инсоф билан, адолат билан баҳо беради. Қаттиқ тортишув чоғида ҳам баҳо беришда холис туриб, аввал аҳли китоблар ичидаги яхши одамларни зикр қилмоқда:

**«Аҳли китоблардан, агар ҳисобсиз молни омонат қўйсанг, уни сенга адо қиладиганлари бор».**

Яъни, уларнинг орасида омонатга хиёнат қилмайдиган, бировнинг ҳаққини емайдиган кимсалар бор, деяпти. Айни чоғда, бошқачалари ҳам бор:

**«...ва бир динорни омонат қўйсанг, устида туриб олмагунингча, сенга адо қилмайдиганлари ҳам бор».**

Яъни, арзимаган молга ҳам хиёнат қилаверадиганлари ҳам бор. Орқасидан юриб, қайта-қайта талаб қилибгина ҳақни ундириб оласан. Улар ўзларининг бу ишларидан ор ҳам қилишмайди, чунки бу қилмишларини ёқлаб, ўзларича фатво тўқиб қўйганлар:

**«Бу уларнинг: омийлар учун бизнинг устимизга йўл йўқ, дейишларидандир».**

Яҳудийлар ўзларини Аллоҳнинг танлаб олган халқи ҳисоблашади. Бошқалар уларнинг назарида омий ҳисобланади ва уларга эшак бўлиб хизмат қилишлари керак. Улар ҳар бир нарсага алоҳида ўлчов қилиб олишган: яҳудий яҳудийга хиёнат қилиши мумкин эмас, лекин яҳудий омийга, яъни яҳудиймасга хиёнат қилса бўлади. Савоб олади. Уларнинг айтишича, Аллоҳ таоло яҳудийларга уларнинг динида бўлмаган одамларнинг молини ҳалол қилган эмиш. Аслини олганда:

**«Улар билиб туриб, Аллоҳ ҳақида ёлғон сўзларлар».**

Шу мақомда Қуръони Карим ўзининг ахлоқий мезонини эълон қилади:

بَلَىٰ مَنْ أَوْفَىٰ بِعَهْدِهِ ۖ وَآتَىٰ فَإِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُتَّقِينَ ﴿٧٦﴾

**76. Йўқ! Балки ким аҳдига вафо қилса ва тақводор бўлса. Бас, Аллоҳ тақводорларни хуш кўради.**

Йўқ! Гап улар айтгандек эмас. Аллоҳ уларга бундай имтиёз бермаган! Балки аҳдига вафодорларга ва Ўзига тақво қилганларга имтиёз берган. Зеро, Аллоҳ тақводор бандаларни яхши кўради. Бу умумий қоида — қайси жинсга, миллатга, қавмга, халққа қарашли бўлмасин, омонатли ва тақводор бўлса, бўлди — ушбу шарафга эришаверади.

إِنَّ الَّذِينَ يَشْتَرُونَ بِعَهْدِ اللَّهِ وَأَيْمَانِهِمْ ثَمَنًا قَلِيلًا أُولَٰئِكَ لَا خَلَاقَ لَهُمْ فِي الْآخِرَةِ وَلَا

يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يُزَكِّيهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٧٧﴾

**77. Аллоҳнинг аҳдини ва ўз қасамларини арзон баҳога сотадиганлар, албатта, ана ўшаларга охиратда насиба йўқдир, қиёмат куни Аллоҳ уларга гапирмас, назар солмас ва покламас. Уларга аламли азоблар бор.**

Бу ҳам умумий қоида бўлиб, мазкур сифатдаги кишиларга, улар ким бўлишидан қатъи назар, жорий этилади.

Аллоҳга берган аҳдларини ва садоқат учун ичган қасамларини бу дунёнинг матоҳини деб бузганлар, пасткаш одамлар ҳисобландилар. Бу дунёни деб охиратни сотганлари учун уларга охиратда ҳеч қандай насиба қолмайди. Аллоҳнинг раҳматидан заррача ҳам баҳраманд бўла олмайдилар. Қиёмат кунида хору зор бўлиб турганида, Аллоҳдан унга кўнгиш кўтарувчи гап ҳам бўлмайди; раҳмат назарини солмайди. Гуноҳлардан ҳам покламайди. Балки, аламли азоблар билан азоблайди.

وَإِنْ مِنْهُمْ لَفَرِيقًا يَلُونُ السِّنْتَهُمْ بِالْكُتُبِ لِتَحْسَبُوهُ مِنَ الْكِتَابِ وَمَا هُوَ مِنَ الْكِتَابِ وَيَقُولُونَ هُوَ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ وَمَا هُوَ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ وَيَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ الْكُذِبَ وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿٧٨﴾

**78. Улардан бир гуруҳлари борки, сизлар китобдан бўлмаган нарсани китобдан деб ўйлашингиз учун китобни тилларини буриб ўқирлар. Ва: «У Аллоҳнинг ҳузуридан», дерлар. Ҳолбуки, у Аллоҳнинг ҳузуридан эмас. Улар билиб туриб, Аллоҳ ҳақида ёлғон сўзларлар.**

Одатда булар динни ўзига касб қилиб олган одамлар бўлади. Улар илоҳий китоб ва таълимотни дунёвий мақсадларига хизмат қилдиришга уринадилар. Ўзларига фойдаси бўлса, Аллоҳнинг китобини буриб юборишади. Манфаат нуқтаи назаридан тўқиб чиқарган гапларини Аллоҳнинг китобини ўқиётганда қўшиб, тилларини буриб ўқишадики, бошқалар: бу ҳам Аллоҳнинг китобидан экан, деб ўйлашади. Аллоҳнинг китобидан бўлмаган нарсани Аллоҳнинг китобидан, деб айтишади. Билиб туриб ёлғон гапиришади.

مَا كَانَ لِبَشَرٍ أَنْ يُؤْتِيَهُ اللَّهُ الْكِتَابَ وَالْحُكْمَ وَالنُّبُوَّةَ ثُمَّ يَقُولَ لِلنَّاسِ كُونُوا

عِبَادًا لِّيَ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلَكِنْ كُونُوا رَبَّانِيِّنَ بِمَا كُنْتُمْ تُعَلِّمُونَ الْكُتُبَ وَبِمَا كُنْتُمْ  
تَدْرُسُونَ ﴿٧٩﴾

**79. Бир кишига Аллоҳ китобни, ҳукми ва Пайғамбарликни берганидан сўнг, у одамларга: «Аллоҳни қўйиб менга банда бўлинглар», дейиши асло мумкин эмас. Лекин одамларга: «Китобни ўргатганингиз ва ўзингиз ўрганганингиз асосида Роббонийлар бўлинг», дейди.**

Маълумки, насоролар Аллоҳ уларга юборган Пайғамбар Ийсо алайҳиссаломни «худо» деб эътиқод қилганлар ва қиладилар. Уларга «Нимага Ийсони худо дейсизлар?» – дейилса: Ўзи айтган, бизни ибодатини қилишимизга буюрган» – дейишади. Аҳли китоблар билан бўлган тортишувларда бу масала ҳам қўзғалган бўлиши турган гап. Бу мақомда ҳақиқат нимада эканлигини ушбу оят баён қиляпти.

Пайғамбар Аллоҳни энг яхши таниган ва ўзининг бандалигини чуқур тушуниб етган банда бўлади. Акс ҳолда, Пайғамбар бўла олмайди. Бу ҳақиқатни тушуниб етмаган, Аллоҳ таолони танимаган одамдангина «менга ибодат қилинглар», деган гап чиқиши мумкин. Аммо:

**«Бир кишига Аллоҳ китобни, ҳукми ва Пайғамбарликни берганидан сўнг, у одамларга: «Аллоҳни қўйиб менга банда бўлинглар», дейиши асло мумкин эмас».**

Пайғамбар киши одамларни Аллоҳга банда бўлишга чақиришни ўзининг бош вазифаси деб билади. Пайғамбар одамларга:

**«Китобни ўргатганингиз ва ўзингиз ўрганганингиз асосида Роббонийлар бўлинг», дейди».**

«Роббоний» сўзи Роббга нисбат берилган бўлиб, Аллоҳнинг динини маҳкам тутувчи, деган маънони билдиради. Роббоний бўлишга асос уларнинг одамларга китобни ўргатганлари ва ўзлари ҳам ўрганганликларидир. Бу эса, роббонийлик чуқур илм асосида келиб чиқишини билдиради.

Кейинги оятда ҳам Пайғамбарнинг ишлари васф қилинади:

وَلَا يَأْمُرُكُمْ أَنْ تَتَّخِذُوا الْمَلَائِكَةَ وَالنَّبِيِّينَ أَرْبَابًا أَيَأْمُرُكُمْ بِالْكَفْرِ بَعْدَ إِذْ أَنْتُمْ مُسْلِمُونَ ﴿٨٠﴾

**80. У сизларни фаришталар ва Пайғамбарларни Робб қилиб олишингизга буюрмас. У сизни мусулмон бўлганингиздан кейин куфрга буюрармиди?!**

Шунингдек, Пайғамбар ҳеч қачон одамларга фаришталар ва Пайғамбарларни худо қилиб олинглар, деб амр қилмайди:

**«У сизларни фаришталар ва Пайғамбарларни Робб қилиб олишингизга буюрмас».**

Чунки у, Аллоҳ, фаришта ва Пайғамбар орасидаги фарқни энг яхши тушунадиган одамдир. Пайғамбарнинг вазифаси одамларни Аллоҳга иймон келтиришга, фаришталарга иймон келтиришга ва, шунингдек, Пайғамбарларга иймон келтиришга буюришдир. Одамларни мусулмон қилишдир. Асл вазифаси шулардан иборат бўлса-ю:

**«У сизни мусулмон бўлганингиздан кейин куфрга буюрармиди?!»**

Демак, ҳалиги гуруҳнинг даъвоси ёлғон. Улар фақат мусулмонлар орасида шак-шубҳа тарқатиш учун турли гапларни тўқиб чиқарадилар, холос.

Аввалги оятларда аҳли китобларнинг хиёнат қилиб Аллоҳнинг китобини ўзгартирганликлари, китобдан бўлмаган нарсани китобдан, деб айтганлари, Пайғамбарларга ҳам хиёнат қилганликлари айтиб ўтилди. Кейинги оятларда Пайғамбарлар ҳаммалари бир силсила эканликлари, ҳаммаларидан Аллоҳ бир-бирларига иймон келтиришга аҳду паймон олганлиги, ҳамма Пайғамбарларга бирдек иймон келтириш зарурлиги, Ислом Аллоҳ қабул қиладиган ягона дин эканлиги баён этилган.

وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيثَاقَ النَّبِيِّينَ لَمَا آتَيْتُكُمْ مِنْ كِتَابٍ وَحِكْمَةٍ ثُمَّ جَاءَكُمْ رَسُولٌ مُصَدِّقٌ لِمَا مَعَكُمْ لَتُؤْمِنُنَّ بِهِءَ وَلَتَنْصُرُنَّهُ قَالَ أَأَقْرَرْتُمْ وَأَخَذْتُمْ عَلَىٰ ذَٰلِكُمْ إِصْرِي قَالُوا أَقْرَرْنَا قَالَ فَاشْهَدُوا وَأَنَا مَعَكُمْ مِنَ الشَّاهِدِينَ ﴿٨١﴾

**81. Аллоҳ Пайғамбарлардан: «Сизларга китоб ва ҳикмат берганим учун кетингиздан сизлардаги нарсани тасдиқловчи Пайғамбар келганда, албатта унга иймон келтирасиз ва ёрдам бера-сиз, –деб аҳду паймонларини олиб туриб:–Иқрор бўлдингизми? Бу ҳақда ишончли аҳду паймонимни қабул қилдингизми?»** деганини эсла. Улар: **«Иқрор бўлдик», – дейишди. У: «Бас, гувоҳ бўлинглар, мен ҳам гувоҳ бўлувчиларданман», – деди.**

Ушбу ояти каримада ажойиб бир кўриниш васф этилмоқда: ҳамма Пайғамбарлар Аллоҳ таолонинг ҳузурини тўпланишган. Бу улкан йиғилишда Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Пайғамбарларнинг ўзларини гувоҳ қилиб туриб, Ўзи ҳам бу гувоҳликка қўшилиб туриб, улардан

ишончли, таъкидланган аҳду паймон олмоқда. Бу ишончли, таъкидланган аҳду паймон Аллоҳ таоло китоб ва ҳикмат берган ҳар бир Пайғамбар ўзидан кейин унинг Пайғамбарлигини тасдиқлаб келган Пайғамбарга албатта иймон келтириши ва албатта унга ёрдам бериши ҳақидадир. Шу ўринда бир савол туғилади: ўзидан кейин келганга олдин ўтган Пайғамбар қандай қилиб иймон келтириб, қандай ёрдам беради? Жавоб шулки, Аллоҳ китоб ва ҳикмат берган ҳар бир Пайғамбар ўз умматини ўзидан кейин унинг Пайғамбарлигини тасдиқловчи Пайғамбар келса, унга иймон келтириш ва ёрдам бериш руҳида тарбиялайди. Умнатларининг иймон келтиргани унинг иймон келтиргани, умнатларининг ёрдам бергани унинг ёрдам берганидир. Аллоҳ айнан мана шу ишга Пайғамбарларнинг аҳду паймонини олди ва яна таъкидлаш учун:

**«Иқроп бўлдингизми? Бу ҳақда ишончли аҳду паймонимни қабул қилдингизми?»** – деди.

**«Улар: «Иқроп бўлдик», – дейишди».**

Демак, Пайғамбар алайҳиссаломлар ўз умматларини ўзларидан кейин келадиган Пайғамбарга иймон келтириш ва унга ёрдам бериш руҳида тарбиялаб келишган. Уларнинг барчалари бир силсиланинг халқаларидир.

Шу билан бирга, тафсирчи олимларимиз **«сизлардаги нарсани тасдиқловчи Пайғамбар»**дан мурод Муҳаммад алайҳиссаломдир, деганлар. Яъни, ҳар бир Пайғамбар: «Мабодо мендан кейин Муҳаммад алайҳиссалом менинг Пайғамбарлигимни тасдиқлаб келса, албатта, унга иймон келтирасизлар ва ёрдам берасизлар», деб кетганлар. Муфассирларимиз ўзларининг бу фикрларини Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан қилинган ривоятлар билан тасдиқлашади.

Али ибн Аби Толиб ва ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинадики:

«Аллоҳ Пайғамбарлардан ҳар бирини юборишдан олдин албатта ундан: «Агар Аллоҳ Муҳаммад алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юборганда у тирик бўлса, албатта унга иймон келтириш ва ёрдам бериш ҳақида аҳду паймон олди. Ҳамда уни ўз умматидан Муҳаммад алайҳиссалом Пайғамбар этиб юборилганларида тирик бўлсалар, у кишига албатта иймон келтириш ва ёрдам бериш ҳақида аҳду паймон олишга буюрди».

Шубҳасиз, Мусо ва Ийсо алайҳиссаломлар ҳам ўз умматларидан бу ишга аҳду паймон олганлар. Таврот ва Инжилда ҳам бу масала келган. Нима учун яҳудийлар ва насоролар Муҳаммад алайҳиссаломга иймон ҳам келтирмайдилар, ёрдам ҳам қилмайдилар?! Аксинча, куфр келтириб, юз ўгириб кетадилар? Ҳолбуки:

فَمَنْ تَوَلَّى بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ ﴿٨٢﴾

**82. Ким бундан кейин юз ўгириб кетса, бас, ана ўшалар фосиқлардир.**

Ҳа, Муҳаммад алайҳиссаломдан, Ислом динидан фақат фосиқларгина, Аллоҳнинг тоатидан чиққанларгина юз ўгирадилар.

أَفَغَيْرَ دِينِ اللَّهِ يَبْغُونَ وَلَهُ أَسْلَمَ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ طَوْعًا  
وَكَرْهًا وَإِلَيْهِ يُرْجَعُونَ ﴿٨٣﴾

**83. Аллоҳнинг динидан бошқани хоҳлайдиларми?! Ахир хоҳласаю хоҳламаса, осмонлару ердаги барча жонзотлар Аллоҳга бўйсуниб турибди-ку!!! Ҳамда Унга қайтариладилар-ку!!!**

Аллоҳнинг дини битта. Ҳамма Пайғамбарлар шу дин билан келганлар. Бир-бирларини тасдиқлаб, бир-бирларига ёрдам бериб, Аллоҳнинг динига ўз даврларида хизмат қилиб келганлар.

Исломдан юз ўгираётганлар Аллоҳ динидан юз ўгирган бўладилар. Нима улар

«Аллоҳнинг динидан бошқани хоҳлайдиларми?!»

Аммо улар Исломдан юз ўгириб қаёққа борадилар?

**«Ахир хоҳласаю хоҳламаса, осмонлару ердаги барча жонзотлар Аллоҳга бўйсуниб турибди-ку!!! Ҳамда Унга қайтариладилар-ку!!!»**

Осмонлардаги фаришталар, ердаги инсу жинлар Аллоҳга таслим бўлиб турибдику. Мусулмон бутун вужуди билан, чин қалбдан таслим бўлади. Кофир эса, хоҳламаса ҳам Аллоҳнинг султони ва қаҳрига бўйсунди. Энг муҳими, ҳаммалари Аллоҳ таолога ҳеч шубҳасиз қайтариладилар.

Келаси ояти каримада Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга аҳди китобга қуйидаги хитобни қилишни амр этади.

قُلْ ءَأَمِنَّا بِاللَّهِ وَمَا أُنزِلَ عَلَيْنَا وَمَا أُنزِلَ عَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ  
وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطِ وَمَا أُوتِيَ مُوسَىٰ وَعِيسَىٰ وَالنَّبِيُّونَ مِنْ رَبِّهِمْ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ  
أَحَدٍ مِّنْهُمْ وَنَحْنُ لَهُ مُسْلِمُونَ ﴿٨٤﴾

**84. Сен: «Аллоҳга ва бизга туширилган нарсага, Иброҳим, Исmoil, Исҳоқ, Яъқуб ва асботларга туширилган нарсага, Мусо,**

**Ийсо ва бошқа Пайғамбарларга Роббиларидан берилган нарсага иймон келтирдик, улардан бирортасини ажратмаймиз ва биз Унгагина мусулмонмиз!» деб айт!**

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўзининг охириги Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга ўзлари ва умматлари номидан бир қанча ҳақиқатларни ҳаммага эълон қилишни амр этмоқда:

**«Аллоҳга»,**

яъни, Унинг борлигига, камолот сифатларига, исмларига, амалларига, Робб эканлигига ва ибодатга сазоворлигига иймон келтирдик.

**«Бизга туширилган нарсага»,**

яъни, биз мусулмонларга туширилган Қуръонга иймон келтирдик.

**«Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва асботларга туширилган нарсага»,**

яъни, ўзимиздан олдин ўтган мазкур азизларга нозил қилинган саҳифа ва ваҳийларга иймон келтирдик; («Асбот» дегани, Яъқуб алайҳиссаломнинг авлодлари, деганидир.)

**«Мусо, Ийсо ва бошқа Пайғамбарларга Роббиларидан берилган нарсага иймон келтирдик»,**

яъни, Таврот, Инжил ва бошқа барча ваҳийларга иймон келтирдик;

**«Улардан бирортасини ажратмаймиз»,**

яъни, ҳаммаларига бирдек иймон келтирамиз. Яҳудий ва насороларга ўхшаб баъзиларини ажратиб қўймаймиз;

**«ва биз Унгагина мусулмонмиз».**

Иймон келтириш лозим бўлган нарсаларни айтиб бўлиб охирида, биз Аллоҳнинг Ўзигагина бўйинсунамиз, дейиш ўзига хос маъно касб этади. Ислом тил билан айтиладиган сўзгина эмас, дилга ўрнашадиган тасдиқгина эмас, балки Аллоҳнинг кўрсатмасига амал қилиб яшаш эканини билдиради. Шунинг учун:

وَمَنْ يَبْتَغِ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَسِرِينَ ﴿٨٥﴾

**85. Ким Исломдан бошқа динни хоҳласа, бас, ундан бу ҳаргиз қабул қилинмас ва у охиратда зиён кўргувчилардан бўлур.**

Аллоҳнинг ҳузурида мақбул бўлган ягона Ислом динининг охириги ва мукамал кўриниши Муҳаммад алайҳиссаломга юборилган ҳақиқий Ислом динидир. Энди ундан бошқа динни истаб, ўша бошқа динда юрганлардан у динлари ҳаргиз-ҳаргиз қабул қилинмайди. Улар охиратда зиён кўрувчилар бўлади. Аллоҳ уларни ҳидоятга солмайди, балки лаънатлайди.

Зеро:

كَيْفَ يَهْدِي اللَّهُ قَوْمًا كَفَرُوا بَعْدَ إِيمَانِهِمْ وَشَهِدُوا أَنَّ الرَّسُولَ حَقٌّ وَجَاءَهُمُ  
الْبَيِّنَاتُ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴿٨٦﴾

**86. Иймонидан, Пайғамбарнинг ҳақлигига гувоҳлик берганидан ва уларга очиқ баёнотлар келганидан кейин куфр кетган қавмни Аллоҳ қандай қилиб, ҳидоятга солсин. Аллоҳ золим қавмларни ҳидоятга солмас.**

Ҳақиқатан, булар жуда ҳам золим одамлар ҳисобланади. Ахир, уларга Ислом дини ҳақ дин эканлиги тўғрисида очиқ-ойдин оятлар, баёнотлар келган бўлса, ўзлари ҳам Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳақ эканликларига гувоҳлик бериб иймонга келсалар-у, кейин яна куфрга кетсалар, албатта, катта зулм қилган бўладилар-да.

أُولَئِكَ جَزَاءُهُمْ أَن عَصَوْا اللَّهَ وَالْمَلَائِكَةَ وَالنَّاسَ أَجْمَعِينَ ﴿٨٧﴾

**87. Ана ўшаларнинг жазоси, уларга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлишидир.**

Бундай лаънатга қолиш катта бадбахтлик эмасми?! Бу дунё-ю у дунёнинг барча-барчасидан бўладиган лаънатни ўзига қаратиш — жуда ҳам улкан жазо! Дарҳақиқат, Исломга кириш имкони бўлиб туриб, кирмаганлар шундай жазога лойиқдирлар.

Ҳа, уларга, албатта, Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва одамларнинг лаънати бўлур ва улар:

خَالِدِينَ فِيهَا لَا يُخَفَّفُ عَنْهُمْ الْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنظَرُونَ ﴿٨٨﴾

**88. Унда абадий қолурлар. Улардан азоб енгиллатилмас ва уларга назар ҳам солинмас.**

Бундай золимлар дўзахда, лаънатда абадул-абад қоладилар. Доимо қаттиқ азобга олинадилар, улардан азоб енгиллатилмайди. Ҳаттоки, уларга назар ҳам солинмайди.

إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا مِن بَعْدِ ذَلِكَ وَأَصْلَحُوا فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٨٩﴾

**89. Магар шундоқ бўлгандан кейин тавба қилиб, яхши амалларни қилганлар бўлса, бас, Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳимлидир.**



Тавба эшигини очиқ қўйишнинг ўзи Аллоҳнинг бандаларига бўлган улкан раҳматидир. Ожиз инсон билиб-билмай хатога йўл қўйса, кейин ўзига келиб, хатосига афсус қилса, марҳамат, тавба қилсин. Содир этган гуноҳидан қайтсин.

Лекин тавбага фақат оғиз билан гуноҳдан қайтганликни эълон қилиш ёки дилдан ўтказиш кифоя эмас. Балки тавбасининг ҳақиқий эканлиги тавбадан кейин яхши амалларни қилиши билан собит бўлади. Агар шундай қилсалар:

**«...бас, Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳимлидир».**

У ўша банданинг гуноҳларини мағфират қилади ва ўз раҳматига олади.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بَعْدَ إِيمَانِهِمْ ثُمَّ أَزْدَادُوا كُفْرًا لَنْ تَقْبَلَ تَوْبَتُهُمْ وَأُولَٰئِكَ هُمُ  
الضَّالُّونَ ﴿٩٠﴾ إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَمَاتُوا وَهُمْ كُفَّارٌ فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْ أَحَدِهِمْ مِلَّةٌ  
الْأَرْضِ ذَهَبًا وَلَوْ أُفْتَدِيَ بِهِ ۗ أُولَٰئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ وَمَالَهُمْ مِنْ تَصْرِينٍ ﴿٩١﴾

**90.** Албатта, иймонларидан кейин куфр келтириб, сўнгра куфри зиёда бўлганларнинг тавбаси ҳеч-ҳеч қабул қилинмас. Ана ўшалар адашганлардир.

**91.** Албатта, куфр келтириб, кофир ҳолида ўлганларнинг бирортасидан, агар ер юзи тўла олтин фидо қилса ҳам, асло қабул қилинмас. Ана ўшаларга аламли азоб бор. Ва уларга ёрдамчилар йўқ.

Ҳаммаси маълум. Шарҳнинг ҳам ҳожати йўқ. Қилганига яраша ҳар ким жазосини олади.

Худди шу маънода Имом Бухорий, Муслим ва Аҳмадлар Пайғамбар алайҳиссаломдан қуйидаги ҳадиси шарифларни ривоят қилганлар:

«Қиёмат куни дўзах аҳлларидан бирига:

«Агарчи ер юзи тўла нарсанг бўлганда, ўзингни қутқозишга фидо қилармидинг?» дейилади. У:

«Ҳа», — дейди. Шунда Аллоҳ таоло унга:

«Мен сендан ундан кўра озроқ нарса сўраган эдим. Отанг Одамнинг зоҳиридалигингда менга ҳеч нарсани ширк келтирмаслигинга аҳд олган эдим. Сен бўлсанг, ширк келтирдинг», — дейди».

Вақти ўтгандан кейин ҳар қанча сарфланган молдан фойда йўқ. Ундай сарфлашга ҳожат ҳам йўқ. Яхшиси, молни Аллоҳ таоло рози бўладиган йўлда, вақтнинг борида, бу дунёда сарфлаш керак.

لَنْ نَّأُولِيَّ الرَّحْمَةَ حَتَّىٰ تُنْفِقُوا مِمَّا حُبَّبْتُمْ وَمَا يُنْفِقُونَ مِنْ شَيْءٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ ﴿٩٢﴾

**92. Ўзингиз суйган нарсадан нафақа қилмагунингизча, ҳаргиз яхшиликка эриша олмассиз. Нимани нафақа қилганингизни Аллоҳ билувчидир.**

Мусулмонлар бу маънога тўлиқ тушунган замонларида яхшиликка эришиш учун ўзларининг энг яхши, суюкли молларини нафақа қилиб, улуғ даражаларга эришганлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қиладиларки, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу :

«Абу Толҳа Мадийнада ансорийлар ичида энг бой одам эди. Молу мулкининг ичида «Ҳаа» номли қудуқ энг маҳбуби эди. Бу қудуқ масжиднинг тўғрисида эди. Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом у қудуққа бориб, ширин сувидан ичардилар. «Ўзингиз суйган нарсадан нафақа қилмагунингизча, ҳаргиз яхшиликка эриша олмайсиз», ояти нозил бўлганда, Абу Толҳа:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ «Ўзингиз суйган нарсадан нафақа қилмагунингизча, ҳаргиз яхшиликка эриша олмайсиз», демоқда, молу мулким ичида мен учун энг маҳбуби «Ҳаа» қудуғидир. Уни Аллоҳнинг йўлида садақа қилдим. Унинг яхшилигидан ва Аллоҳнинг ҳузуридаги савобидан умидворман. Эй, Аллоҳнинг Расули, шуни сизга бердим, Аллоҳ кўрсатган жойга ишлатинг», – деди. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Яхши, яхши, бу фойда берувчи мулк, бу фойда берувчи мулк. Мен уни қариндошларинг фойдасига ишлатсанг дейман», – дедилар. Абу Толҳа:

«Худди шундай қиламан, эй, Аллоҳнинг Расули», – деди. Сўнгра, Абу Толҳа уни қариндошлари ва амакисининг ўғиллари фойдасига тайин қилди.

Имом Бухорий ривоят қиладиларки, Ҳазрати Умар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, менинг Хайбардаги улушимдан кўра яхшироқ нарсам йўқ. Нима қилишга буюрасиз?» – дедилар. У зоти бобаракот:

«Аслини ушлаб тургинда, тушган фойдани садақа қилиб тур», – дедилар.

Мусулмонлар асрлар давомида Аллоҳнинг розилигини тилаб, яхши кўрган молу мулкларини нафақа қилиб келганлар.

Келаси оятларда яна аҳли китобнинг шубҳаларига жавоблар келади. Ҳамда уларнинг Исломга ва мусулмонларга қарши уюштирган макр-ҳийлалари баён қилинади:

﴿ كُلُّ الطَّعَامِ كَانَ حَلَالًا لِّبَنِي إِسْرَائِيلَ إِلَّا مَا حَرَّمَ إِسْرَائِيلُ عَلَى نَفْسِهِ ۗ مِنْ قَبْلِ أَنْ تُنَزَّلَ التَّوْرَةُ ۗ قُلْ فَأْتُوا بِالتَّوْرَةِ فَاتْلُوهَا ۚ إِن كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴾

**93. Таврот тушишидан олдин Исроил ўзига ҳаром қилгандан бошқа ҳамма таом Бани Исроилга ҳалол эди. «Агар ростгўйлардан бўлсангиз, Тавротни келтириб ўқинглар», деб айт!**

Маълумки, яҳудийлар Муҳаммад алайҳиссаломнинг Пайғамбарликларига таъна тошини отишга доимо ҳозир нозир эдилар. Ҳамиша мусулмонлар орасида фитна қўзиб, уларнинг қалбларида шак-шубҳа уйғотиш учун зиғирча ҳам имкониятдан фойдаланар эдилар. Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломнинг Тавротни тасдиқловчи эканликларини баён қилган оятларини туширгандан кейин яҳудийлар: «Қуръон Тавротни тасдиқловчи бўлса, нимага Таврот Бани Исроилга ҳаром қилган таомларни ҳалол демоқда», деган гап тарқатишди ва бунга мисол қилиб туянинг гўшти ва сутини келтиришди. Бани Исроилга ҳаром қилинган яна бошқа нарсаларни ҳам Аллоҳ мусулмонларга ҳалол қилган эди. Қуръони Карим уларни тарихий ҳақиқат билан юзма-юз қўйиб:

**«Таврот тушишидан олдин Исроил ўзига ҳаром қилгандан бошқа ҳамма таом Бани Исроилга ҳалол эди», демоқда.**

Исроил – Яъқуб алайҳиссаломдирлар. Ривоятларда келишича, Яъқуб алайҳиссалом оғир касал бўлиб ётганларида, агар Аллоҳ шифо берса, энг яхши кўрган таомларини – туянинг гўшти ва сутини емасликни назр қилган эканлар. Аллоҳ бу назрни қабул қилди. Шунингдек, Аллоҳ таоло Бани Исроилдан содир бўлган гуноҳлар туфайли уларга иқоб сувратида баъзи ҳайвонларни ҳамда мол билан қўйнинг чарвисини ҳаром қилган эди. Ҳолбуки, булар Таврот тушишидан олдин Бани Исроилга ҳалол эди.

Қуръони Карим ушбу ҳақиқатни уларнинг эсига солмоқда. Шу билан бирга, Пайғамбар алайҳиссаломга уларга қарата:

**«Агар ростгўйлардан бўлсангиз, Тавротни келтириб ўқинглар», деб айт»,** деб йўл кўрсатмоқда. Агар улар Тавротни келтириб ўқисалар, ўша таомлар фақат ўзларига ҳаром қилингани, бошқаларга ҳаром эмаслиги аён бўлади.

﴿ فَمَنْ أَفْتَرَى عَلَى اللَّهِ الْكَذِبَ مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴾

**94. Шундан кейин ҳам, кимки Аллоҳ ҳақида ёлғон тўқиса, бас, ана ўшалар золимлардир.**

Яъни, ҳамма нарса очиқ-ойдин баён этиб берилганидан кейин ҳам, **«кимки Аллоҳ ҳақида ёлғон тўқиса, бас, ана ўшалар золимлардир».**

Ана ўшалар золим бўлмаса, ким ҳам золим бўлар эди?!

Қибла Каъба томонга бурилгандан сўнг, яҳудийлар турли ифволар қўзиган эдилар. Ўша ифволари ва уларга жавоблар «Бақара» сурасида келган эди. Лекин яҳудийлар ҳақиқатни тушуниб етган бўлсалар ҳам, барибир, яна мусулмонларнинг қалбига фулғула солиш мақсадида: «Нима учун ўн олти, ўн етти ой Байтул Мақдисга қараб намоз ўқиб турган мусулмонлар бирданига Каъбага қараб ўқийдиган бўлиб қолди?» каби гапларни ҳамон қўзиб юрган эдилар. Келаси оятда Аллоҳ таоло уларнинг бу ифволарига яна жавоб қайтаради:

قُلْ صَدَقَ اللَّهُ فَاتَّبِعُوا مِلَّةَ إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿١٥٠﴾

**95. Аллоҳ рост айтди. Иброҳимнинг йўлдан тоймаган миллатига эргашинг. У мушриклардан бўлмаган эди.**

Яъни, қибла ҳақида келган аввалги оятларни Аллоҳ рост айтди. Сиз агар ўзингизни Иброҳимнинг авлоди, меросхўри ҳисобласангиз, гапингиз рост бўлса,

**«Иброҳимнинг йўлдан тоймаган миллатига эргашинг. У мушриклардан бўлмаган эди».**

Аммо, сизлар Иброҳимга меросхўрликни даъво қиласиз-у, лекин ўзларингиз ширк ҳам келтиряпсиз. Бу ишларингиз Иброҳимнинг йўлига тўғри келмайди-ку.

Сўнгра, қибланинг Каъбага ўзгартирилиши сабаби баён қилинади.

إِنَّ أَوَّلَ بَيْتٍ وُضِعَ لِلنَّاسِ لَلَّذِي بِبَكَّةَ مُبَارَكًا وَهُدًى لِّلْعَالَمِينَ ﴿١٥١﴾ فِيهِ آيَاتٌ بَيِّنَاتٌ مِّمَّا مَكَامُ إِبْرَاهِيمَ وَمَنْ دَخَلَهُ كَانَ آمِنًا وَلِلَّهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِينَ ﴿١٥٢﴾

**96. Одамларга муборак, оламларга ҳидоят қилиб қўйилган биринчи уй Баккадаги уйдир.**

**97. Унда очиқ аломатлар ва мақоми Иброҳим бор. Ким унга кирса, тинч бўладир. Одамлардан йўлини топганларига Аллоҳ**

**учун байтни ҳаж қилмоқ бурчдир. Кимки куфр келтирса, Аллоҳ одамлардан беҳожатдир.**

Ушбу икки оятда Аллоҳ таоло Байтуллоҳнинг фазлини, қибла бўлишга энг ҳақли жой шу ер эканини баён қиляпти. Намоз вақтида у томонга юзланишдан ташқари, имкон топганлар уни ҳаж қилиши ҳам фарз бўлганини эълон этипти.

«Бакка» — Маккаи Мукарраманинг исмларидан биридир. «Бакка» сўзининг луғавий маъноси «тақиллатиб урмоқ» бўлиб, Маккада ҳар қандай мағрурнинг ҳам бўйни эгилади, шунинг учун уни «Бакка» деб ҳам аталади.

**«Одамларга муборак, оламларга ҳидоят қилиб қўйилган биринчи уй Баккадаги уйдир».**

«Баккадаги уй» — Байтуллоҳ. Одамларга ибодат учун, бутун оламларнинг ҳидояти учун қурилган биринчи уй Байтуллоҳдир. Ундан аввал бундай уй қурилгани йўқ. Бу уй муборак бўлиб, уни ким ҳаж ёки умра қилса, кўплаб яхшилик ва манфаатлар топади.

«Унда очиқ аломатлар», яъни, Байтуллоҳнинг ўзида бошқалардан устунлигига очиқ-ойдин аломатлар бор.

**«...ва мақоми Иброҳим бор.»**

Уламоларимиз фикрларича, «Мақоми Иброҳим» деб, Иброҳим алайҳиссалом Байтуллоҳни кураётганларида устида турган тошга айтилади. У тошга у зот алайҳиссаломнинг оёқ излари тушиб қолган. Авваллари Каъбаи Муаззамага тегиб турар экан. Кейинроқ ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу, унинг ёнида намоз ўқиётганлар тавоф қилаётганларга ҳалақит бермасин деб, четроққа олдирганлар. Ҳозирги кунда шиша филоф ичига олиниб, ердан маълум миқдор кўтариб қўйилган.

**«Ким унга кирса, тинч бўладир.»**

Бу фазилат дунёдаги ҳеч бир жойда йўқ. Иброҳим алайҳиссалом бу байтни Аллоҳнинг амри ва ўғиллари Исмоилнинг ёрдами билан қурганларидан буён ҳар бир хавф-хатардаги одам учун тинчлик-омонлик маскани бўлиб келмоқда. Ҳатто араблар жоҳилият даврида ҳам бу қоидага амал қилишган. Баъзи бир жиноятчилар Масжидул Ҳаромга кириб олишса, унга тегмаганлар. Арабларда ўч олиш туйғуси жуда юқори бўлишига қарамасдан, отасини ўлдириб Масжидул Ҳаромга кириб олган одамни учратган ўғил ҳам унинг олдидан индамай ўтиб кетаверган.

Имом Бухорий ва имом Муслимлар Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалоту вассалом Маккаи Мукаррамани фатҳ қилган кунларида:

«Албатта, бу юртни Аллоҳ осмонлару ерни яратган кунда ҳаром қилган. У Аллоҳнинг ҳурмати ила қиёмат кунигача ҳаромдир. Мен-

дан олдин ҳеч кимга унда уруш қилиш ҳалол бўлмаган. Менга ҳам кундуз куни, бир оз муддат ҳалол қилинди, холос. У Аллоҳнинг ҳурмати ила қиёмат кунигача ҳаромдир. Тикони юлинмайди. Ов ҳайвонлари ҳуркитилмайди. Тушиб қолган нарсани таниган одамдан бошқа олмайди...» деганлар.

Демак, Ҳарами Шарифда нафақат одамга, балки ҳайвонот ва набобот оламига, ҳеч бир нарсага озор берилмайди.

Олимларимиз ушбу ояти каримадан, жиноят қилган одам қочиб Ҳарами Шарифга кириб олса, унга озор берилмайди, аммо унга жой, таом берилмасдан, муомала қилинмасдан, Ҳарами Шарифдан қайтиб чиқишга мажбур этилади ва чиққандан сўнг ушлаб жазоси берилади, деб ҳукм чиқаришган.

**«Одамлардан йўлини топганларига Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилмоқ бурчдир».**

Ушбу ояти карима ила ҳаж ибодати фарз бўлган. Маънонинг ўзидан билиниб турибдики, ҳаж ибодати ҳаммага ҳам фарз бўлавермайди. Балки «Одамлардан йўлини топганларига» фарз бўлади. Улар кимлар? Улар — соғлиғи яхши, ҳажга бориб-келишга оиласидан оширган маблағи бор, йўлида хавф-хатар йўқ, аёл киши бўлса, маҳрами бор шахслардир. Ушбу шартларни ўзида мужассам этган ҳар бир мусулмонга умрида бир марта ҳаж қилиш фарздир. Улар имкони бўлиб туриб, ҳаж қилмасалар, катта гуноҳ қилган бўладилар. Шунинг учун ҳам, оятнинг охирида:

**«Кимки куфр келтирса, Аллоҳ оламлардан беҳожатдир»,** дейиляпти.

Яъни, кимки имкони бўлиб туриб, ҳаж қилмаса, Аллоҳга бунинг зарари йўқ. Чунки, У — бутун оламларга, жами борлиққа ва умуман, ҳеч кимга ҳожати йўқ. Зот. Бинобарин, ҳаж қилмаганнинг тоатига ҳам беҳожатдир. Бу ерда имкони бўлиб туриб, ҳаж қилмаслик куфрга тенглаштириляпти.

Ҳадиси шарифлардан бирида:

«Ким ҳажга қодир бўлсаю, ҳаж қилмаса, хоҳласа яҳудий бўлиб ўлсин, хоҳласа насроний бўлиб ўлсин», дейилган.

Ҳаж ибодати мусулмонларнинг йиллик умумий йиғилишидир. Улар йилда бир марта ўзларига ҳидоят нури таралган марказда тўпланадилар. Ҳамда кўплаб фойдаларга эга бўладилар.

Кейинги оят яна аҳли китобга хитоб қилади:

قُلْ يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لِمَ تَكْفُرُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَاللَّهُ شَهِيدٌ عَلَىٰ مَا تَعْمَلُونَ ﴿٣٨﴾

**98. Эй, аҳли китоблар, нега Аллоҳнинг оятларига куфр келтирасизлар?! Ҳолбуки, Аллоҳ қилаётганларингизга гувоҳ-ку.**

Аҳли китоблар Аллоҳнинг оятлари бўлган Қуръони Каримга куфр келтирганлари билан Аллоҳ уларнинг бу ишларидан бохабар. Ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайдилар. Вақти келганда, бу куфрлари учун жазоланишларига шубҳа йўқ.

قُلْ يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لِمَ تَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ اللَّهِ مِمَّنْ بَعُوثَهَا عِوَجًا وَأَنْتُمْ  
شُهَدَاءُ وَمَا اللَّهُ بِغَفِيلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿١٤٩﴾

**99. Эй, аҳли китоблар! Нега иймон келтирганларни Аллоҳнинг йўлидан тўсиб, қайтарасиз?! Ўзингиз шоҳид бўлиб туриб, у(йўл)-нинг қинғир бўлишини хоҳлайсиз! Аллоҳ қилаётган ишларингиздан ғофил эмасдир.**

Ўша пайтларда аҳли китоблар мусулмонларни қандай қилиб Аллоҳнинг йўлидан тўсганлигининг баъзи намуналари «Бақара» сура-сида ва ушбу «Оли Имрон» сурасининг аввалида ўтди. Улар ўша вақтлардан бошлаб то ҳозирги кунгача не-не ишлар қилмадилар! Мўминларни Исломдан тўсиш, қайтариш мақсадида ўлдирдилар, азобладилар, алдадилар ва бошқа яна турли услубларни ишга солдилар ҳамда солмоқдалар. Улар одамларни Исломдан бутунлай чиқаришга қодир бўлмасалар ҳам, озгина бўлса-да, чиқаришга ҳаракат қилдилар. Ҳозирги пайтда улар Исломнинг ру-ҳий-маънавий жиҳатларининг амал қилиб туришига розидирлар, аммо инсон ҳаёти-ни, мусулмон кишининг барча тасарруфотини бошқариб боришига мутлақо қаршидирлар.

**«Ўзингиз шоҳид бўлиб туриб, у(йўл)нинг қинғир бўлишини хоҳлайсиз!»**

Дарҳақиқат аҳли китоб – яҳудий ва насоролар ўзларининг муқаддас илоҳий китоблари Таврот ва Инжилдан Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳақ Пайғамбар эканликларига, у кишининг сифатларини ўқиб, шоҳид бўлганлар. Бугунги кунда эса, илмий тадқиқотлар олиб бориб, Ислом Аллоҳнинг тўғри йўли эканлигининг гувоҳи бўлмоқ-далар. Аммо ўзлари гувоҳ – шоҳид бўлиб туриб, Исломнинг қинғир бўлиб бурилишини, Аллоҳ хоҳлаганидек эмас, ўзлари хоҳлаганидек бўлишини истайдилар.

**«Аллоҳ қилаётган ишларингиздан ғофил эмасдир.»**

Ҳаммасини билиб туриб, вақти келганда жазолайди.

Кейинги оятларда мусулмонларга хитоб қилиниб, уларни аҳли китобларнинг макру ҳийлаларидан ҳушёр бўлишга чақирилади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِن تَطِيعُوا فَرِيقًا مِّنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ يَرُدُّوكُم بَعْدَ إِيمَانِكُمْ  
كُفْرِينَ ﴿١٠٠﴾

**100. Эй, иймон келтирганлар! Агар китоб берилганлар тоифасига итоат қилсангиз, иймонингиздан кейин сизни кофирликка қайтарадир.**

Аллоҳ таоло мусулмон умматини барчага йўлбошчи, икки дунё саодатига етакловчи илғор уммат қилди. Аллоҳ таоло бу умматни бандаларни бандага бандалик қилишдан ягона Аллоҳнинг Ўзига бандалик қилишга чақириш учун, ботил, бузилган динлар ва тузумларнинг зулмидан Исломнинг адолатига чақириш учун, дунёнинг торлигидан охиратнинг кенглигига чақириш учун юборди. Шундай сифатларга эга бўлган уммат қандай қилиб йўлдан адашган аҳли китобларга эргашиши мумкин?! Агар аҳли китобларга эргашсалар, улкан бахту саодатдан ажраб, иймондан чиқиб, яна кофирликка қайтадилар.

وَكَيْفَ تَكْفُرُونَ وَأَنْتُمْ تُتْلَىٰ عَلَيْكُمْ آيَاتُ اللَّهِ وَفِيكُمْ رَسُولُهُ وَمَنْ يَعْتَصِم بِاللَّهِ  
فَقَدْ هُدِيَ إِلَىٰ صِرَاطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿١٠١﴾

**101. Аллоҳнинг оятлари сизга тиловат қилиниб турган бўлсаю, Унинг Расули ичингизда бўлсаю, қандай қилиб куфр келтирасиз?! Ким Аллоҳни маҳкам тутса, шубҳасиз, тўғри йўлга ҳидоят топган бўладир.**

Мусулмон умматини Аллоҳ таоло катта бахт-саодатга муяссар қилди: ўша пайтларда уларга Аллоҳнинг оятлари тиловат қилиниб, икки дунё бахти-саодатига эриштирувчи йўлланмалар эшиттириб туриларди. Ораларида Аллоҳнинг Расули Муҳаммад алайҳиссалом юрар, барча керакли нарсаларни баён қилиб берар эдилар. Муҳаммад Мустафо алайҳиссалом вассалом рафиқи аълога кўтарилганларидан кейин ҳам Аллоҳнинг муборак оятлари ҳамон тиловат қилиниб турибди. Иншааллоҳ, қиёмат кунигача тиловат қилинажак. Яна бир бахт шуки, Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннати мутаҳҳаралари сақланиб қолган, бу суннат у кишининг



вазифаларини то қиёматгача адо этади. Шундай улкан саодат ичида туриб куфрга кетиш жуда ҳам улкан гуноҳ, кечириб бўлмас айб ҳисобланади.

**«Ким Аллоҳни маҳкам тутса, шубҳасиз, тўғри йўлга ҳидоят топган бўладир.»**

Аллоҳни маҳкам тутган кам бўлмайди. Чунки Аллоҳ доим ҳаёт, ҳозир у нозир, нуқсонсиз Зотдир. Аллоҳни маҳкам тутиш Аллоҳнинг динини маҳкам тутиш билан бўлади. Ана шундагина инсон тўғри йўл танлаган бўлади. Бошқа ҳеч қандай нарса тўғри йўлни кўрсатиши мумкин эмас. Ақийда масаласида, маънавий йўл тутиш масаласида исломий масдарлардан бошқа томонга бурилиш мутлақо нотўғридир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам бу масалада қаттиқ турганлар.

Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳи Абдуллоҳ ибн Собитдан ривоят қиладилар:

«Умар розияллоҳу анҳу Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Бани Қурайзалик бир яҳудий оғайним менга Тавротдан ажойиб нарсаларни ёзиб берди, сизга кўрсатайми?» — деди. Шунда Расулуллоҳнинг ранглари ўзгариб кетди. Абдуллоҳ ибн Собит Умарга:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзларини кўрясанми?» — деди. Умар:

«Аллоҳни Робб деб, Исломни дин деб, Муҳаммадни Расул деб рози бўлдим», — деди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом ўзларига келдилар-да:

«Аллоҳга қасамки, агар Мусо алайҳиссалом ичингизда бўлса-ю, мени қўйиб унга эргашсангиз, залолатга кетган, адашган бўлар эдингиз. Сизлар умматлар ичида менинг насибамсиз. Мен Пайғамбарлар ичида сизнинг насибангизман», — дедилар.

Ҳофиз Абу Яъло Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалому вассалом:

«Аҳли китобдан ҳеч нарса сўраманглар. Улар адашган одамлардир, сизларни ҳаргиз ҳидоятга сола олмайдилар. Уларга ишонсангиз, ё ботилни тасдиқ қилган бўласиз, ё ҳақни ёлғонга чиқарган бўласиз. Аллоҳга қасамки, Мусо ва Ийсо тирик бўлганларида, менга эргашиларидан бошқа нарса уларга ҳалол бўлмасди», деганлар.

Аҳли китобдан ҳеч нарсани қабул қилмасликни амр қилганидан кейин, келаси оятларда Аллоҳ таоло мусулмон умматига хитоб қилиб, ҳаётида амал қилиши лозим бўлган икки асосий қоидага — иймон ва биродарликка чақиради:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا اتَّقُوا اللّٰهَ حَقَّ تُقَاتِهٖۚ وَلَا تَمُوْنُوْا اِلَّا وَاَنْتُمْ مُّسْلِمُوْنَ ﴿١٠٢﴾

**102. Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга ҳақиқий тақво ила тақво қилинг. Ва фақат мусулмон ҳолингиздагина бу дунёдан ўтинг.**

Машҳур саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ҳақиқий тақвони:

«Аллоҳга итоат этиб, исён этмаслик, уни эслаш ва унутмаслик, унга доимо шукр қилиб, куфр кетмаслик», деб таърифлаганлар. Демак ким Аллоҳ таолонинг:

**«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга ҳақиқий тақво ила тақво қилинг»**, деган амрига амал этишни ирода қилса, юқоридаги ривоятдаги маъноларни ўзида мужассам қилмоғи лозим бўлади.

**«Ва фақат мусулмон ҳолингиздагина бу дунёдан ўтинг.»**

Яъни, Исломни ўлгунигизча маҳкам тутинг.

Демак, икки асоснинг бири — дунёда иймон билан, тақводор бўлиб, Исломга тўлиқ амал қилиб ўтмоқдир. Ушбу асосдан бошқа асосга қурилган ҳар қандай жамиятнинг яхшилигидан умид қилмаса ҳам бўлаверади.

Иккинчи асоси келаси оятда баён этилади:

وَاعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللّٰهِ جَمِيْعًا وَلَا تَفَرَّقُوْا وَاذْكُرُوْا نِعْمَتَ اللّٰهِ عَلَيْكُمْ اِذْ كُنْتُمْ اَعْدَاءً فَاَلْفَ بَيْنٍ قُلُوْبِكُمْ فَاصْبَحْتُمْ بِنِعْمَتِهٖۚ اِخْوَانًا وَكُنْتُمْ عَلٰى شَفَا حُفْرَةٍ مِّنَ النَّارِ فَاَنْقَذَكُمْ مِنْهَا كَذٰلِكَ يُبَيِّنُ اللّٰهُ لَكُمْ ءَايٰتِهٖۚ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُوْنَ ﴿١٠٣﴾

**103. Барчангиз Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутинг ва бўлиб кетманг. Ва Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг: бир вақтлар душман эдингиз, бас, қалбларингизни улфат қилди. Унинг неъматини ила биродар бўлдингиз. Оловли жар ёқасида эдингиз, ундан сизни қутқарди. Шундай қилиб, Аллоҳ сизга Ўз оятларини баён қилади. Шоядки, ҳидоят топсангиз.**

Ояти каримадаги «Аллоҳнинг арқони» деган иборадан Қуръони Карим тушунилади. Жарга қулаш хавфидаги инсон арқонни маҳкам ушласа, қутулиб қолганидек, дўзах тубига қуламасликнинг ҳам бирдан-бир чораси — Қуръони Каримни маҳкам ушлашлиқдир. Шундагина инсон нажот топади. Мусулмон уммати нажот топиши учун барча бир бўлиб Аллоҳнинг каломи Қуръони Каримни маҳкам тутишлари лозимдир.

**«Барчангиз Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутинг.»**

Бу оятнинг ушбу жумлалари мусулмон оламини бирлаштириш шиоридир. Қуръони Карим Аллоҳнинг арқони эканлиги ҳақида жуда ҳам кўп ҳадислар келган.

Имом Тобароний Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Аллоҳнинг китоби – Аллоҳнинг осмондан ергача тортилган арқонидир», деганлар.

**«...ва бўлиниб кетманг.»**

Аввал бирлашишга чақириб туриб, ортидан бўлинмасликка амр келяпти. Шундан ҳам бу ишнинг нақадар муҳим эканини билиб олса бўлади.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом:

«Албатта, Аллоҳ сизларга уч нарсадан рози бўлади ва уч нарсани ёмон кўради: Унинг Ўзига ибодат қилиб, ширк келтирмасликларингиз; барчангиз Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутиб, бўлиниб кетмаслигингиз ва сизга ишбоши бўлган шахсга насиҳатда бўлишингиздан рози бўлади. «Деди-деди» дейиш; кўп савол бериш ва молни зое қилишингизни ёмон кўради», дедилар.

Тафсирчи олимларимиз: «Мусулмонлар иттифоқ бўлсалар, хато қилмасликларининг кафолати берилган», дейдилар.

Минг афсуслар бўлсинки, мусулмонлар ушбу ояти каримага амал қилмаганликлари, Аллоҳнинг арқони бўлмиш Қуръонни барчалари бирлашиб маҳкам тутмаганликлари, кўплаб бўлинишлар, ихтилофлар қилганликлари учун бошларига битмас-туганмас балоофатлар ёғилмоқда. Аллоҳнинг бир оятига амал қилмагани учун шунчалар мусийбатлар бўлса, кўп оятларига амал қилмаганда нима бўлишини ўзимиз билиб олаверайлик.

**«Ва Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг: бир вақтлар душман эдингиз, бас, қалбларингизни улфат қилди. Унинг неъматини ила биродар бўлдингиз. Оловли жар ёқасида эдингиз, ундан сизни қутқарди».**

Тафсирчи олимларимиз ушбу ояти кариманинг нозил бўлиши сабабида қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Яҳудийлардан Шос ибн Қайс исмли одам Авс ва Ҳазраж қабиласига мансуб араблар мажлис қуриб гаплашиб ўтирган жойларидан ўтибди. Жоҳилият вақтида бир-бирига адовати кучли бўлган бу кишиларнинг бундай улфат бўлиб ўтиришлари унинг вашига тегибди ва: «Булар бирлашсалар, биз булар билан ёнма-ён яшай олмай қоламиз», деб, бир яҳудий болани чақирибди: «Арабларнинг ичига

бориб ўтиргин-да, уларга «Буос» номли кунни эслат ва у ҳақидаги шеърлардан ўқиб бер», деб буюрибди. («Буос» кунда Авс ва Ҳазраж қабилалари қаттиқ урушиб, Авс ғолиб чиққан эди.) Ҳалиги яҳудий бола Шоснинг айтганини қилибди. Ўтирганлар тортишиб, аччиқлашиб, урушиб кетишибди. «Қурол!!! Қурол!!!» деб бақиришибди. Бу можаро Пайғамбар алайҳиссалату вассаломга бориб етганда, ҳузурларидаги муҳожирлару ансорийларни олиб, уларнинг олдига борадилар. Уларга: «Мен ичингизда туриб, Аллоҳ сизларни Ислом билан икром қилгандан кейин, жоҳилият ишини кесгандан кейин, орангизга улфатликни солгандан кейин ҳам жоҳилият даъвосини қиласизларми?» дейдилар. Одамлар душманнинг гапига учиб, шайтон йўлига юрганларини англаб етадилар. Қуролни ташлаб, йиғлаб, қучоқлашиб кетадилар. Расулуллоҳ билан бирга итоаткор ҳолда қайтадилар. Шунда ушбу оят нозил бўлади.

Демак, оятдаги хитоб аслида барча Ислом умматига бўлса ҳам, тушаётган пайтда мадийналик Авс ва Ҳазраж қабилаларига қаратилган эди. Шаҳарда бир-бирига душманликда Авс ва Ҳазражга етадигани йўқ эди. Бунинг устига, улар билан бирга яшайдиган яҳудийлар доимо фитна кўзиб, уруш оловини пуфлаб туришарди. Аллоҳ таоло иноятига олиб, бу икки қабилани ҳидоятга бошлаб, қалбларини Ислом нури билан мунаввар қилганидан кейин улфат бўлдилар:

**«Ва Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг: бир вақтлар душман эдингиз, бас, қалбларингизни улфат қилди».**

Ислом Аллоҳнинг берган улуғ неъматини, шу неъмат туфайли душманлар улфат бўлдилар. Бир-бирига қарши нафратга тўлган қалбларни фақат Исломгина улфат қила олади. Фақат Аллоҳнинг арқони бўлган Исломни маҳкам тутибгина ҳамма биродар бўла олади:

**«Унинг неъматини ила биродар бўлдингиз».**

Аллоҳ Ислом неъматини бермаганида бундай холис биродар бўлиш қийин эди. Фақат Ислом туфайли, Аллоҳ учун биродар бўлингандагина ҳақиқий биродарлик қарор топади. Бошқа ҳолда ё молу дунё, ё ирқ-миллат бирлиги, ё мансаб нуқтаи назаридан, ё қабилла тарафқашлиги билан ва ҳоказо шунга ўхшаш ниятлар асосига қурилган бўлади.

**«Оловли жар ёқасида эдингиз, ундан сизни қутқарди.»**

Исломга киришингиздан олдин уруш-жанжал ичида, жоҳилият ҳукмлари остида, умуман, барча соҳада нотўғри йўлда, яъни, оловли жар ёқасида эдингиз. Шундай кетаверганингизда ҳалокатга учрашингиз турган гап эди. Аллоҳ таоло сизни Ўзининг улуғ неъматини бўлмиш Исломга бошлаб, мазкур оловли жарга қулашдан сақлаб қолди.

Келаси оятда иймон ва Аллоҳ йўлидаги биродарлик асосида ташкил топган Ислом жамоасининг вазифаси баён қилинади:

وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ  
وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ

**104. Сизлардан яхшиликка чақирадиган, амри маъруф, наҳъий мункар қиладиган бир уммат бўлсин. Ана ўшалар, ўзлари нажот топгувчилардир.**

Яъни, Аллоҳга ҳақиқий иймон келтирган ва унинг йўлида ҳақиқий биродар бўлган жамоа яхшиликка чақирадиган, амри маъруф, наҳъий мункар қиладиган умматга айлансин. Яхшиликка чақириб турувчи жамоа бўлмаса, дунёда эзгулик қолмайди. Маъруфга, яъни, фазилат, ҳақиқат, яхшилик ва адолатга буюриб, мункардан, яъни разолат, ботиллик, зулм ва ёмонликдан қайтариб турадиган жамоа бўлмаса, ҳеч бир қавм, ҳеч бир уммат нажот топа олмайди.

Амри маъруф, наҳъий мункар ишлари яхши йўлга қўйилган жамиятдагина яхшилик ёмонлик қилишдан осон бўлади. Фазилатга эришиш разолатга кетишдан кўра енгил бўлади. Ҳақиқат ботилдан устун бўлади. Адолат зулмдан устун туради. Аллоҳнинг улўф неъматини Исломга муяссар бўлган бандалар жамоасига — мусулмон умматига Аллоҳ таоло амри маъруф, наҳъий мункарни фарз қилди. Агар бу уммат бошқа фарзлар қатори ушбу фарзни ҳам ўз ўрнида адо қилса, бахт-саодатга эришади. Акс ҳолда, фалокатга учрайди. Бу ҳақиқатни ушбу оятнинг хотимасидан ҳам билиб олса бўлади:

**«Ана ўшалар, ўзлари нажот топгувчилардир».**

Яъни, яхшиликка чақириб амри маъруф, наҳъий мункар қилган умматлар нажот топгувчилардир. Бошқалар эмас.

Бу ҳақиқатни Аллоҳнинг Расули Муҳаммад алайҳиссалом ҳам ўз ҳадисларида баён қилиб қўйганлар.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ алайҳиссалом вассалом:

«Сиздан ким мункарни (ёмон ишни) кўрса, қўли билан ўзгартирсин, агар қудрати етмаса, тили билан ўзгартирсин, агар бунга ҳам қудрати етмаса, дили билан қайтарсин. Аммо буниси иймоннинг заифидир», — дедилар.

Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз:

«Мендан олдинги умматларга юборилган Пайғамбарларнинг ҳар бирининг амрини тутадиган, ишига эргашадиган саҳобалари ва

яқинлари бор эди. Улардан кейин қилмаганини гапирадиган ва амр бўлмаганини қиладиганлар келдилар. Бас, ким ўшаларга қарши қўли билан жиҳод қилса, ўша мўминдир. Ким ўшаларга қарши тили билан жиҳод қилса, ўша мўминдир. Ким ўшаларга қарши дили билан жиҳод қилса, ўша мўминдир. Бундан сўнг седананинг уруғича ҳам иймон қолмайди», – дедилар.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Менинг нафсим қўлида бўлган Зот билан қасамки, албатта амри маъруф қиласизлар, албатта наҳйи мункар қиласизлар. Бўлмаса, Аллоҳ сизга Ўз ҳузуридан иқоб юборади. Сўнгра, дуо қилсангиз, қабул бўлмайди», – дедилар.

Келаси оятда мусулмонларга хитоб қилиб, уларни бўлинмасликка, ихтилофга тушмасликка, ўзларидан аввалги ўтган аҳли китобларга ўхшамасликка яна бир бор чақирилади:

وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ تَفَرَّقُوا وَاخْتَلَفُوا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْبَيِّنَاتُ وَأُولَٰئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١٥٥﴾

**105. Ўзларига очиқ баёнотлар келганидан кейин, бўлиниб, ихтилофга тушганларга ўхшаш бўлманглар, ана ўшаларга улуғ азоб бордир.**

Яъни, «Эй мусулмонлар! Сиз ҳам ўзларига очиқ-ойдин оятлар келганидан кейин бўлиниб, ихтилофга тушган яҳудий ва насороларга ўхшаб бўлиниб, ихтилофга тушманг. Ана ўшаларга ихтилофлари туфайли қиёмат куни улуғ азоб бордир».

يَوْمَ تَبْيَضُّ وُجُوهٌ وَتَسْوَدُّ وُجُوهٌ فَأَمَّا الَّذِينَ اسْوَدَّتْ وُجُوهُهُمْ أَكْفَرْتُمْ بَعْدَ إِيمَانِكُمْ فَذُوقُوا الْعَذَابَ بِمَا كُنْتُمْ تَكْفُرُونَ ﴿١٥٦﴾

**106. Юзлар оқ ва юзлар қора бўладиган кунда юзлари қора бўлганларга: «Иймонингиздан кейин кофир бўлдингизми?! Куфр келтирган бўлганингиз учун азобни татиб кўринг», дейилур.**

Ушбу ояти карима қиёмат кунини ажойиб тарзда васф қилмоқда. Қисқа ва лўнда. Ортиқча бўёқ ҳам, беҳуда сўз ҳам йўқ. Қиёматга кимлар оқ-ёруғ юз билан, кимлар эса, қора юз билан келади. Қора юз билан келганлар ўшанда итоб нидосини эшитадилар. Уларга:

**«Иймонингиздан кейин кофир бўлдингизми?! Куфр келтирган бўлганингиз учун азобни татиб кўринг!» дейилади».**

Бу эса, азоб устига азоб, юзларидаги қоралик устига баттар қоралиқдир.

وَأَمَّا الَّذِينَ أَبْيَضَتْ وُجُوهُهُمْ فَمِنْ رَحْمَةِ اللَّهِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿١٠٧﴾

**107. Юзлари оқ бўлганлар эса, бас, Аллоҳнинг раҳматидадирлар. Улар унда абадий қолурлар.**

Ёруғ юз билан келганлар, албатта, бу дунёда қилган яхши амаллари, иймонлари туфайли беҳисоб ажру мукофотларга сазовор бўладилар. Энг муҳими, улар Аллоҳ таолонинг раҳматида абадий қоладилар.

Кейинги оятда Пайғамбар алайҳиссаломга хитоб қилиниб, у зотга Аллоҳнинг оятлари ўқиладигани баён этилади:

تِلْكَ آيَاتُ اللَّهِ نَتْلُوهَا عَلَيْكَ بِالْحَقِّ وَمَا اللَّهُ يُرِيدُ ظُلْمًا لِّلْعَالَمِينَ ﴿١٠٨﴾

**108. Булар Аллоҳнинг оятларидир. Уларни сенга ҳақ ила тиловат қилмоқдамиз. Аллоҳ одамларга зулмни хоҳламас.**

Яъни, бу оятлар, шубҳасиз, Аллоҳнинг оятларидир. Бошқа нарса эмас. Уларни, эй Муҳаммад, сенга ҳақ ва адолат ила тиловат қилмоқдамиз. Аллоҳ одамларга зулмни хоҳламайди. У Зот, беайб бўлса, ҳеч кимни жазоламайди. Гуноҳкорнинг азобини ошириб юбормайди. Яхшилик қилган банданинг савобини камайтириб ҳам қўймайди.

وَلِلَّهِ مَا فِي السَّمٰوٰتِ وَمَا فِي الْاَرْضِ وَ اِلَى اللَّهِ تُرْجَعُ الْاُمُورُ ﴿١٠٩﴾

**109. Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Ишлар Аллоҳга қайтарилажак.**

Модомики, осмонлару ердаги жамики нарсалар Аллоҳники экан, уларни қандай хоҳласа, шундай тасарруф қилади. Бунинг устига, барча ишлар Аллоҳнинг Ўзига қайтарилади. Демак, бу дунё ва охираатнинг ягона ҳокими Аллоҳнинг Ўзидир.

Кейинги оятлар мусулмон умматига мурожаат этиб, ўзининг қандай уммат эканлигини билишга чақиради. Аҳли китобни ҳам уларга таништиради. Оқибатлари нима бўлишини баён қилади:

كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ  
وَتُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَوْ ءَامَنَ أَهْلُ الْكِتَابِ لَكَانَ خَيْرًا لَهُمْ مِّنْهُمْ الْمُؤْمِنُونَ  
وَأَكْثَرُهُمُ الْفَاسِقُونَ ﴿١١٠﴾

**110. Сиз одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат бўлдингиз. Амри маъруф қиласиз, наҳйи мункар қиласиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз. Агар аҳли китоблар иймон келтирганларида, ўзларига яхши бўлар эди. Улардан мўминлари бор. Кўплари фосиқдирлар.**

Ислом уммати ўзи ҳақида билиб қўйиши зарур бўлган ҳақиқатлардан бири — бу умматнинг одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат эканлигидир.

Умматларнинг сараси Ислом умматидир.

Умматларнинг йўлбошчиси Ислом умматидир.

Умматларнинг пешқадами Ислом умматидир.

Чунки, Аллоҳ таолонинг Ўзи бу умматга хитоб қилиб:

**«Сиз одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат бўлдингиз»,** деб турибди.

Бу ҳақиқатни ҳозир ўзини бу умматга нисбат бераётганлар яхши тушуниб олоқлари лозим. Аждодларимиз худди шу ҳақиқатни тўлиқ тушунган чоғларида бутун дунёга устоз бўлганлар. Дунё халқларининг пешқадами бўлиб, уларни ортларидан эргаштирганлар. Бошқаларга тобе бўлмаганлар. Бошқаларнинг ортидан кўр-кўрона эргашмаганлар. Бошқалар ҳузурида ўзларини хору зор тутмаганлар.

Бу умматнинг одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат бўлишининг сабабларидан бири — амри маъруф қилишдир. Чунки, Аллоҳ таоло:

**«Амри маъруф қиласиз»,** демоқда.

Аввал ишора этилганидек, Ислом уммати дунёда яхшилик байроғини юқори кўтаради. Адолат байроғини юқори кўтаради. Ҳақиқат байроғини юқори кўтаради. Фазилат байроғини юқори кўтаради. Ҳамда бутун инсониятни бу ишларга чақиришни ўзига фарз деб билади.

Бу умматнинг одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат бўлишининг сабабларидан иккинчиси — наҳйи мункар қилишдир. Чунки, Аллоҳ таоло:

**«наҳйи мункар қиласиз»,** демоқда.

Мункар барча ёмонлик, зулм, ботил ва разолатлар, демақдир. Бинобарин, Ислом уммати дунёдаги барча ёмонликка қарши, зулм-



га, ботилга ва разолатга қаршидир. Айни чоғда, бутун инсониятни ёмонликдан, зулмдан, ботилдан ва разолатдан қайтаришни ўзига фарз деб билади.

Ислом умматининг одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат бўлишининг асосий сабаби – Аллоҳга иймон келтиришдир. Чунки, Аллоҳ таоло:

**«ва Аллоҳга иймон келтирасиз»**, демоқда.

Инсониятни тўғри йўлга бошлаб, нотўғри йўлдан қайтаришдек улкан машаққатли ишни амалга оширишга уни Аллоҳга бўлган иймони ундайди. Иймон асосларнинг асосидир. Жумладан, яхшиликка чақириб, амри маъруф ва наҳйи мункар қилишнинг ҳам асоси иймон бўлгандагина мақсадга етишилади. Ана шундагина икки дунёда бахт-саодатга эришилади. Акс ҳолда, нуқсонга дучор бўлинади.

Бу ҳақиқат ушбу оятдан бошқа оятларда ҳам таъкидланган. Шунингдек, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг кўпгина ҳадисларида ҳам ўз аксини топган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилишларича, Пайғамбар алайҳиссалом минбарда турганларида бир киши:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, қандай одам яхши одам?» – деб сўради. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Одамларнинг яхшиси – қорироғи, тақводорроғи, амри маъруф қилувчироғи, наҳйи мункар қилувчироғи ва силаи раҳм қилувчироғи», – дедилар.

Имом Термизий ривоят этган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтадиларки, Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Бани Исроил гуноҳга ботганда, уламолари қайтардилар. Улар қайтмадилар. Кейин эса, уламолар ҳам улар билан бирга ўтириб, еб-ичдилар. Бас, Аллоҳ қалбларини бир-бирига аралаштириб юборди ва Довуд, Сулаймон ва Ийсо ибн Марям тилларида лаънатлади», дедилар-да, ёнбошлаб ётган эдилар, туриб ўтирдилар ва: «Менинг нафсим қўлида бўлган зот билан қасамки, уларни ҳаққа қайтарма-гунингизча, бўлмайди», – дедилар.

Имом Абу Довуд ибн Умайра ал-Киндийдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссаломату вассалом:

«Ер юзида бир гуноҳ содир бўлганда, гувоҳ бўлган одам уни инкор этса, худди кўрмаган одамдек (гуноҳдан холи) бўлади. Ким кўрмаган бўлса-ю, розилик билдирса, гувоҳ бўлган одамдек (гуноҳ-кор) бўлади», – дедилар.

Имом ал-Ҳоким Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Шаҳидларнинг улуғи Ҳамзадир ва золим подшоҳга амри маъруф, наҳйи мункар қилганда ўлдирилган одамдир», деганлар.

Оятнинг давомида сўз яна аҳли китобларга кўчади:

**«Агар аҳли китоблар иймон келтирганларида, ўзларига яхши бўлар эди».**

Бу, аҳли китобларни Исломга киришга тарғиб қилишдир. Бошқа жойларда, улар Исломга кирганларида ажрни икки баробар олишлари мумкинлиги ҳақида ҳам айтилган. Дарҳақиқат, аҳли китоблар иймон келтирганларида, бу дунёю у дунёнинг бахти-саодатига эришган бўлур эдилар. Шу билан бирга, улардан иймонга кирганларининг зикри ҳам келади:

**«Улардан мўминлари бор. Кўплари фосиқдирлар».**

Дарҳақиқат, аҳли китоблардан Исломга кирганлари бўлди. Улар жуда яхши мусулмон бўлдилар. Абдуллоҳ ибн Салом, Асад ибн Убайд, Саълаба ибн Шўъба, Каъб ибн Молик ва бошқалар Пайғамбар алайҳиссалом даврларида иймонга келиб, саҳобийлик бахтига муяссар бўлдилар. Исломга хизмат қилдилар. Кейинги асрларда ҳам бир қанча аҳли китоблар Исломга кириб, яхши мусулмонлар бўлдилар. Айниқса, охирги даврда аҳли китоблардан мусулмон бўлганлар кўпайди. Лекин барибир, умумий олиб қаралганда, оятда зикр қилинганидек, уларнинг кўплари фосиқдирлар.

Ушбу оятлар тушаётган пайтда Мадийнаи Мунавварада яҳудийлар мусулмонлар билан бирга яшар эдилар. Уларнинг иқтисодий ҳолатлари яхши бўлиб, аскарий жиҳатдан ҳам ўзларига яраша кучга эга эдилар. Баъзи мусулмонлар яҳудийлар билан алоқа қилиб туриш жараёнида уларнинг мазкур куч-қудратларини назарда тутишар эди. Келаси оятларда Қуръони Карим уларнинг ҳақиқий башараларини фош этиб, сиртқи кўринишлари кучли бўлиб кўрингани билан, ичлари қалтироқ эканини, Аллоҳ уларга хорлик ва зорлик битганини баён қилади:

لَنْ يَضُرُّكُمْ إِلَّا أذىٌ وَإِنْ يَقْتُلُوكُمْ يُولُوكُمْ أَلَدَّ بَارِئًا لَّا يَنْصُرُونَ ﴿١١١﴾

**111. Улар сизларга озор беришдан ўзга ҳеч қандай зарар етказолмаслар. Агар сизларга қарши уруш қилсалар, ортга қараб қочарлар. Сўнгра, уларга ёрдам берилмас.**

Аҳли китоблар, хусусан, яҳудийлар мусулмонларга тиллари билан озор бериб, хафа қилишдан ўзга ҳеч нарсага ярамайдилар. Майдонга тушиб юзма-юз туриб урушадиган бўлсалар, тезда ортга қараб қочадилар. Мўминларга Аллоҳнинг Ўзи ёрдам бериб, уларнинг устидан ғолиб қилади. Уларга эса, ёрдам берилмайди.

Шунинг учун, уларнинг юзаки куч-қувватидан, иқтисодий устунлигидан қўрқиш керак эмас.

ضُرِبَتْ عَلَيْهِمُ الذَّلِيلَةُ أَيْنَ مَا تُقِفُوا إِلَّا بِحَبْلٍ مِّنَ اللَّهِ وَحَبْلِ مِّنَ النَّاسِ وَبَاءُ وَبِغَضَبٍ مِّنَ اللَّهِ وَضُرِبَتْ عَلَيْهِمُ الْمَسْكَنَةُ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ كَانُوا يَكْفُرُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَيَقْتُلُونَ الْأَنْبِيَاءَ بِغَيْرِ حَقِّ ذَلِكَ بِمَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ ﴿١١٢﴾

**112.** Аллоҳ ипи бўлмаса ёки одамлар ипи бўлмаса, уларга қаерда бўлсалар ҳам, хорлик битилди. Уларга Аллоҳнинг ғазаби лозим бўлди ва мискинлик битилди. Бундай бўлишлиги уларнинг Аллоҳнинг оятларига куфр келтиришлари ва Пайғамбарларни ноҳақдан ўлдиришлари сабабидандир. Бундай бўлишлиги уларнинг осий бўлганлари ва ҳаддан ошганлари сабабидандир.

Маълумки, маънавий маънода ип сўзи ёрдам, мадад ва сабаб каби маъноларни касб этади. Ушбу оят яҳудийларга хос оятдир. Улар қаерда бўлсалар ҳам, барибир хорлик битилганлигининг хабарини бермоқда.

**«Аллоҳ ипи бўлмаса ёки одамлар ипи бўлмаса, уларга қаерда бўлсалар ҳам, хорлик битилди».**

Дарҳақиқат, яҳудийлар тарихига назар солинса, доимо хорлик ва зорликда ўтишган. Доимо қувғин остида яшашган. Узоқ давр мобайнида уларнинг ватани ҳам бўлмаган, қаерда турсалар, жизя тўлаб, хавф остида яшаганлар. Эътиборсиз ишларни қилиб кун кўрганлар. Улар доимо шундай бўлишга маҳкум этилганлар.

Оятда истисно ҳолати ҳам бўлиши таъкидланяпти. У ҳам бўлса, Аллоҳнинг ва одамларнинг мадади билангина улар ўзларига битилган хорлик ҳолатидан чиқадилар. Мазкур истисно ҳолат йигирманчи милодий асрнинг иккинчи ярмида юз берди. Аллоҳнинг иродаси билан, дунёдаги кучли давлат ва жамоатлар барчаси яҳудийларга мадад бериб, уларга йўқ ердан ватан топдилар ва давлат қурдилар. Дунё бўйича уларни ҳимоя қилдилар, ёрдам бердилар. Лекин:

**«Уларга Аллоҳнинг ғазаби лозим бўлди ва мискинлик битилди».**

Яъни, доимо улар Аллоҳнинг ғазабига дучордирлар. Ҳам уларга мискинлик битилди. Ўзлари бой бўлсалар-да, мискин кўринадилар. Бойликларини яширадилар. Чунки уларнинг табиатига мискинлик битилган.

Оятнинг давомида яҳудийларга бундай тақдир битилганлигининг сабаби баён қилинади:

**«Бундай бўлишлиги уларнинг Аллоҳнинг оятларига куфр келтиришлари ва Пайғамбарларни ноҳақдан ўлдиришлари сабабидандир».**

Аллоҳнинг оятларига куфр келтириш – уларни тамоман рад этиш ёки уларга амал қилмасликдир. Уламоларимиз яҳудийларнинг Пайғамбарларни ноҳақдан ўлдиришлари сирасига Аллоҳнинг динига даъват қилувчи шахсларни ўлдиришларини ҳам қўшганлар. Чунки, бошқа оятда ушбу маъно бор.

**«Бундай бўлишлиги уларнинг осий бўлганлари ва ҳаддан ошганликлари сабабидандир.»**

Аллоҳнинг амрига исён қилиш ва ҳаддан ошиб, тажовузкор бўлиш ҳам жуда ёмон сифатлардир. Демак, яҳудийларнинг доимо Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлиб, уларга хорлик ва мискинлик битилишининг асосий сабаблари – улар Аллоҳнинг оятларини инкор этишган ёки уларга амал қилишмаган. Пайғамбарлар ва диний уламоларни ўлдиришган, гуноҳкор бўлишган ва доим ҳаддан ошишгандир.

Бу оятлардан кўзланган мақсад – ибодатдир. Бир қавмга бўлган муносабат бошқасига ҳам бўлиши мумкин. Ҳозирда ўзларини мусулмон фахмлаб юрган қавмларда ҳам ушбу салбий сифатлар жамланган. Уларнинг бошларига тушаётган мусийбатлар бежиз эмаслигини шундан билиб олсак ҳам бўлади. Нима учун мусулмон бўлсак ҳам, ундоқ бўлмаяпти-бундоқ бўлмаяпти, дейишдан олдин ўзимизнинг қанчалик мусулмонлигимизга бир назар солмаймиз.

Қуръони Карим ҳар бир масалада адолат ила ҳукм чиқаради. Келаси оят оз бўлса-да, аҳли китоблар орасида ҳам яхши одамлар борлигини яна бир бор эътироф этмоқда:

﴿لَيْسُوا سَوَاءً مِّنْ أَهْلِ الْكِتَابِ أُمَّةٌ قَائِمَةٌ يَتْلُونَ آيَاتِ اللَّهِ آنَاءَ اللَّيْلِ وَهُمْ يَسْجُدُونَ ﴿١١٣﴾ يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَيُسْرِعُونَ فِي الْخَيْرَاتِ وَأُولَئِكَ مِنَ الصَّالِحِينَ ﴿١١٤﴾ وَمَا يَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ فَلَن يُكْفَرُوهُ وَاللَّهُ عَلِيمٌ بِالْمُتَّقِينَ ﴿١١٥﴾﴾

113. Улар баробар эмаслар. Аҳли китоблардан Аллоҳнинг оятларини сажда қилган ҳолларида кечасида тиловат қиладиган яхши тоифалари ҳам бор.

114. Улар Аллоҳга, охират кунига иймон келтирурлар, амри маъруф ва наҳйи мункар қилурлар ва яхшиликларга шошилурлар. Ана ўшалар аҳли солиҳлардандир.

**115. Яхшилик қилсалар, ҳаргиз инкор этилмаслар. Аллоҳ тақводорларни яхши билувчи Зотдир.**

Яъни, улар яхшилик қилсалар, ҳеч қачон зое кетмайди.

Ушбу оятларда аҳли китоблардан иймонга келган мўминларнинг ажойиб сифатлари зикр қилинмоқда. Улар иймонлилар сафидан муносиб ўрин олиб, иймон тақозоси ила ҳаракат қилиб улкан бахт-саодатга эришдилар.

Келаси оят эса, аксинча, кофирларнинг ҳолини баён қилади.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَنْ تُغْنِي عَنْهُمْ أَمْوَالُهُمْ وَلَا أَوْلَادُهُمْ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا وَأُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿١١٦﴾ مَثَلُ مَا يُنْفِقُونَ فِي هَذِهِ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا كَمَثَلِ رِيحٍ فِيهَا صِرٌّ أَصَابَتْ حَرْثَ قَوْمٍ ظَلَمُوا أَنفُسَهُمْ فَأَهْلَكَتُهُ وَمَا ظَلَمَهُمُ اللَّهُ وَلَٰكِن أَنفُسُهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿١١٧﴾

**116. Албатта, куфр келтирганлардан моллари ҳам, болалари ҳам ҳаргиз Аллоҳ азобидан ҳеч нарсани қайтара олмас. Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадийдирлар.**

**117. Уларнинг бу дунё ҳаётида қиладиган нафақалари мисоли ўзига зулм қилган бир қавмнинг экинини уриб ҳалок қилган совуқ шамолга ўхшайдир. Аллоҳ уларга зулм қилмади. Лекин улар ўзларига зулм қилдилар.**

Одатда, куфр келтирганлар бу дунёдаги моддий имкониятлари туфайли фахрланиб юришади. Кофирликларининг бош сабабларидан бири ҳам – шу. Бу дунёда нима ишлари бўлса, молу дунёни ёки одамларини ишга солиб бажарадилар. Бошларига баъзи мушкул ишлар тушиб қолса ҳам, молларини ва одамларини ишга солиб қутулиб кетадилар. Аввалги оятда Аллоҳнинг азоби келганда кофирларни моллари ҳам, болалари ҳам қутқара олмаслиги таъкидланмоқда:

**«Албатта, куфр келтирганлардан моллари ҳам, болалари ҳам ҳаргиз Аллоҳ азобидан ҳеч нарсани қайтара олмас».**

Улар барча молларини ва болаларини фидо қилсалар ҳам, Аллоҳнинг азобидан қутула олмайдилар.

**«Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадийдирлар.»**

Улар албатта дўзахга тушадилар ва унда абадул абад қоладилар.

Иккинчи оятда кофирларнинг молу дунёлари, агар яхшиликка сарфласалар ҳам, беҳуда эканлиги ажойиб услуб билан очиқланмоқда:

**«Уларнинг бу дунё ҳаётида қиладиган нафақалари мисоли ўзига зулм қилган бир қавмнинг экинини уриб ҳалок қилган совуқ шамолга ўхшайдир».**

Яхши экинзор бор. Кўрган одам хурсанд бўлади. Аммо, экинзорнинг эгаси зулм қилди, гуноҳкор бўлди. Шу сабабдан, совуқ шамол келиб, экинларини совуқ уриб кетди. Экинзор ҳалок бўлди. Ҳеч нарса қолмади.

Кофирларнинг бу дунёда қилган хайр-эҳсонлари ҳам худди шунга ўхшайди. Сиртдан кўрган одамга савобли иш. Яхшиликка пул-мол сарфляпти. Аммо эгасининг иймони йўқ. Бу эса, катта гуноҳ. Иймон бўлмаса, ҳеч қандай хайр-эҳсон қабул бўлмайди. Унга савоб берилмайди. Совуқ шамол экинзорни ҳалок қилганидек, уларнинг кофирлиги ҳам эҳсонларини бефойда қилади.

**«Аллоҳ уларга зулм қилмади. Лекин улар ўзларига зулм қилдилар.»**

Аллоҳ уларнинг экинзорларини ҳалок этиб, эҳсонларини бефойдага чиқариб, уларга зулм қилгани йўқ. Балки уларнинг ўзлари гуноҳ қилиб, кофир бўлиб, ўзларига зулм қилдилар. Ўзлари шуни ихтиёр этдилар.

Юқоридаги оятларда душманларнинг макр-ҳийлалари, мусулмонларга ёмонлик қилиш учун доим тайёр турганлари баён этилган бўлса, келаси оятларда мусулмонларга хитоб қилиниб, ўзларидан бошқа қавмлардан сирдош тутмасликка буюрилади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا بَطَانَةً مِّن دُونِكُمْ لَا يَأْلُونَكُمْ خَبَالًا وَدُّوْا مَا عَنِتُّمْ  
قَدْ بَدَتِ الْبَغْضَاءُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ وَمَا تُخْفِي صُدُورُهُمْ أَكْبَرُ قَدْ بَيَّنَّا لَكُمُ الْآيَاتِ إِن  
كُنْتُمْ تَعْقِلُونَ ﴿١١٨﴾

**118. Эй, иймон келтирганлар! Ўзингиздан бошқадан сирдош тутманг. Улар сизга ёмонлик қилишини қўймас. Машаққатда қолишингизни хоҳлар. Душманликлари оғизларидаги(сўзлари)дан билиниб турибди. Дилларида махфий тургани яна ҳам каттароқ. Агар ақл юритадиган бўлсангиз, Биз сизларга белгиларини баён қилдик.**

Мусулмонлар ўзлари билан бирга яшаётган аҳли китобларга ортиқча ишониб кетиши ҳоллари бор. Бу баъзида шу даражага етадики, улар ўзларидан бўлган мусулмонларни қўйиб, ўша ғайридинларни сирдош тутадилар. Ислом жамоасининг сирларини уларга

айтадилар ёки билишларига йўл очиб берадилар. Бугунги куннинг истилоҳи билан айтганда, котиб қилиб, маслаҳатчи қилиб ёки архив бошқарувчиси қилиб олишади. Бу тўғри эмас. Аллоҳ таолонинг амри:

**«Эй, иймон келтирганлар! Ўзингиздан бошқадан сирдош тутманг».**

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ушбу оятда мусулмонларга мусулмон-масларни сирдош тутмасликка амр қилмоқда. Чунки:

**«Улар сизга ёмонлик қилишини қўймас».**

Мусулмонларга ёмонлик қилиш туйғуси уларнинг қонига сингиб кетган. Мусулмонлар куч-қувватга, имкониятга, мансабга эришганда, уларга яқинлашиб, хизматини қилиб, ишончини қозонишга уринган кофир ва мунофиқлар сирдош бўлиб олиб, ёмонлик етказа бошлашади.

**«Машаққатда қолишингизни хоҳлар.»**

Яъни, кофир ва мунофиқлар мусулмонларнинг доимо оғир машаққатда қолишларини истайдилар. Улар мусулмонларга динда ҳам, дунёда ҳам зарар етказишга тинмай уринадилар.

**«Душманликлари оғизларидаги(сўзлари)дан билиниб турибди.»**

Яъни, улар ўзларини дўст қилиб кўрсатишга ҳаракат қилсалар ҳам, оғизларидан мусулмонларга нисбатан душманлик, ёмон кўришликка далолат бўлувчи сўзлар чиқиб туради.

**«Дилларида махфий тургани яна ҳам каттароқ.»**

Уларнинг тилларига чиқмай, дилларида махфий турган душманликлари яна ҳам каттароқдир. Буни:

**«Агар ақл юритадаган бўлсангиз, биз сизларга белгиларини баён қилдик»**—шундан билиб олаверасиз.

هَآأَنۡتُمۡ أَوْلَآءُ مُحِبُّوۡنَهُمۡ وَلَا يُحِبُّوۡنَكُمۡ وَتُؤۡمِنُونَ بِآلۡكُتُبِ كُۡلِهِۗءَ وَإِذَا لَقَوۡكُمْ قَالُوا ءَامَنَّا  
وَإِذَا خَلَوۡا عَضُّوۡا عَلَیۡكُمُ ٱللَّآئِمَآءَ مِنَ ٱلۡغَیۡطِ قُلۡ مُوتُوا۟ بِغَیۡظِ كُۡلِهِۗءَ إِنَّ ٱللَّهَ عَلِیۡمٌۭ بِذَاتِ  
ٱلصُّدُورِ

**119. Ҳой, сизлар! Уларни яхши кўрасизлар-у, улар сизни яхши кўрмаслар. Сизлар китобнинг ҳаммасига иймон келтирасизлар-у, улар сизларни кўрганда, иймон келтирдик, дерлар, аммо холи қолганларида, сизларга бўлган қаттиқ аччиқларидан бармоқ тишларлар. «Аччиқларинг билан ўлиб кетинглар», деб айт. Албатта, Аллоҳ дилларни эгаллаган нарсаларни билувчидир».**

Ушбу ояти каримада мўминларнинг кофирлар билан бўлган алоқаларидаги хатолар баён қилингандир. Хатонинг каттаси душманнинг ҳақиқий ҳолини билмасликда эканлиги тушунтириляпти:

**«Ҳой, сизлар! Уларни яхши кўрасизлар-у, улар сизни яхши кўрмаслар».**

Мусулмонлар соддаликлари учун ўзларидан бошқалар уларга чиройлироқ муомала қилиб, бир оз мақтаб қўйса, бўлди, муҳаббат қўйверадилар, уларни ўзларига сирдош қилиб олаверадилар. Бу хато ишдир, чунки қарши тараф ҳеч қачон мусулмонларни яхши кўрмайди.

Мусулмонлар Аллоҳдан тушган ҳамма китобларга, жумладан, ўзларига душманлик қилаётганларга тушган китобларга ҳам иймон келтирадилар:

**«Сизлар китобнинг ҳаммасига иймон келтирасизлар».**

Бу хато эмас, балки мусулмонлик бурчидир. Аммо, бошқа тараф мунофиқлик қилади:

**«улар сизларни кўрганда, иймон келтирдик, дерлар, аммо ҳоли қолганларида, сизларга бўлган қаттиқ аччиқларидан бармоқ тишларлар».**

Одатда, бировга нисбатан чексиз адовати бўлса-ю, лекин унга зарар бера олмаса, бармоқ тишланади. Яъни, аҳли китобларнинг мусулмонларга душманликлари чексиздир. Нима қилиб бўлмасин, мусулмонлар бошига машаққатлар солиш ниятида юрадилар. Бундай кимсаларни ҳеч қачон сирдош тутиб бўлмайди. Унақа одамларга ояти карима ўргатганидек муомала қилиш керак:

**«Аччиқларинг билан ўлиб кетинглар», деб айт!»**

Уларга энг муносиб муомала – шу. Улар қанчалик ҳасад қилишмасин, барибир, Аллоҳ мўмин бандаларига неъматларини бераверади, динини мукамал қилаверади.

**«Албатта, Аллоҳ дилларни эгаллаган нарсаларни билувчидир.»**

Кимнинг қалбида иймон бор, кимникида куфр-у, кимникида нифоқ борлигини яхши билади.

إِنْ تَمَسَّكُمْ حَسَنَةٌ تَسُؤْهُمْ وَإِنْ تُصِبْكُمْ سَيِّئَةٌ يَفْرَحُوا بِهَا وَإِنْ تَصْبِرُوا  
وَتَتَّقُوا لَا يَضُرُّكُمْ كَيْدُهُمْ شَيْئًا إِنَّ اللَّهَ بِمَا يَعْمَلُونَ مُحِيطٌ

120. Сизга яхшилик тегса, уларга ёмон бўладир. Сизларга мушайбат етса, улар хурсанд бўларлар. Агар сабр ва тақво қилсангиз, уларнинг макри сизга ҳеч зарар қилмас. Албатта, Аллоҳ қилаётган ишларини ихота қилгувчидир.



Бу оятда ҳам мусулмонмасларнинг адоватини тушунтиришда давом этиляпти. Айтиляптики, таниб олинг:

**«Сизга яхшилик тегса, уларга ёмон бўладир».**

Ва аксинча:

**«Сизларга мусийбат етса, улар хурсанд бўларлар».**

Уларнинг кимлигини яхшилаб таниб олдингизми?

Энди ўзингизга, ишингизга пишиқ-пухта бўлинг. Диннинг буйруқларини сабр ила бажариб борсангиз, ҳаётда учрайдиган қийинчиликларга сабр қилсангиз, тақво қилиб, Аллоҳнинг қайтарган нарсаларидан қайтсангиз, душманларнинг қўллаган тадбирлари, ҳийланайранглари сизга ҳеч зарар етказа олмайди:

**«Агар сабр ва тақво қилсангиз, уларнинг макри сизга ҳеч зарар қилмас».**

Аллоҳ ҳеч нарсани назаридан четда қолдирмайди. Албатта, қилганларига яраша жазоларини беради:

**«Албатта, Аллоҳ қилаётган ишларини ихота қилгувчидир».**

Душманларда мусулмонларга нисбатан қанчалар ёмонликлар борлигини кўрдик. Лекин Ислом мусулмонларни уларга қарши ёмонлик қилишга чорламайди. Фақат сирдош қилиб олмасликка амр қилади. Уларнинг ёмонлигига ёмонлик, хиёнатига хиёнат ва ҳасадгўйлигига ҳасадгўйлик билан жавоб беришни ҳам раво кўрмайди.

Суранинг аввалидан буён келаётган гап-сўз, тортишув, назарий тўқнашувлар тугаб, энди, келаси оятларда жанг майдонидаги амалий тўқнашувга ўтилади. Уҳуд уруши ҳақидаги ояти карималар келади.

Гап Уҳуд уруши ҳақида батафсил кетадиган бўлгач, ушбу оятларнинг тушишига сабаб бўлган ва ундан ибрат олишга чақирилаётган ҳодисаларни қисқача ўрганиб чиқайлик.

Маълумки, мушриклар билан бўлиб ўтган Бадр урушида мусулмонлар оз сонли бўлишларига қарамай, тўла ғалаба қозонган эдилар. Бу уруш худди мўъжизадек бўлган эди. Унда мусулмонлар Қурайш қабиласининг куфрнинг бошида турган аъзоларини ўз қўллари билан ўлдирган эдилар. Бадр урушида раҳбарларидан ажраб қолган Қурайш қабиласига Абу Суфён ибн Ҳарб бошлиқ бўлиб қолди. У одамларини мусулмонлардан ўч олишга чақира бошлади. Бу орада Қурайшнинг бутун бошли бир қарвони мусулмонлар қўлига тушиш арафасида базўр қутулиб қолди. Шунда мушриклар ўша қарвондаги ҳамма молу мулкларини мусулмонларга қарши урушга сарфлашга аҳд қилишди.

Абу Суфён Қурайшдан ва Қурайш билан шартнома тузганлардан ҳамда Аҳбош деган жойда аҳдлашилгани учун «Аҳобийш» номи билан

машҳур бўлган араблардан жами уч минггача одам тўплади. Ҳижратнинг учинчи йили Шаввол ойида мушриклар лашкари йўлга чиқди. Қочиб кетишларнинг олдини олиш ва шижоатлантириб туриш учун хотинларини ҳам ўзлари билан бирга олиб чиқдилар. Мадийнаи Мунавварага қараб юриб келиб, Уҳуд тоғи яқинига тушдилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалату вассалом саҳобалар билан, душманга қарши чиқиш керакми ёки Мадийнадан чиқмай туриш яхшими, масаласида маслаҳат қилдилар. Ўзларининг фикрларича, Мадийнадан чиқмасдан, тўсиқлар ҳосил қилиб туриш, агар душман бостириб кирса, тор кўчаларга кираверишда уруш қилиш, аёллар эса, уйларнинг устидан ёрдам беришлари керак эди. Бу фикрга мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ҳам қўшилди. Лекин Бадр урушида қатнаша олмай қолган кўпчилик саҳобалар, аynиқса ёшлар қарши чиқишни сўраб маҳкам туриб олдилар. Кўпчиликнинг фикри шу бўлиб кўринди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам ўринларидан туриб, Оиша онамизнинг ҳужраларига кириб, совутларини кийиб чиқдилар.

Бу пайт ҳалиги одамлар ҳам шаштларидан тушиб қолган эдилар. Улар, биз Аллоҳнинг Расулини Мадийнадан чиқишга мажбур қилиб-миз-ку, дедилар-да:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, агар Мадийнада қолмоқчи бўлсангиз, қолаверинг», — дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам:

«Пайғамбар совутини кийганидан кейин у билан душман орасида Аллоҳнинг ҳукми чиқмагунча ечмайди», — дедилар.

Шу билан У зот уларга улкан бир дарс бердилар. Маслаҳатнинг вақти ўтди, энди азму қарордан қайтмаслик керак. Аллоҳга таваккал қилиб, олға қадам босиш лозим. Иккиланишга ўрин йўқ.

Бунгача Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам туш кўрган эдилар. Тушларида, қиличларининг лабида бир оз кемтик пайдо бўлибди. Бир сигир сўйилаётган эмиш ва қўлларини бир мустаҳкам қалқонга тикаётган эмишлар. Қиличларидаги кемтикни аҳли байтларидан бировининг ўлими, деб йўйдилар. Сигирни эса, саҳобаларидан бир нечаларининг ўлдирилиши, деб билдилар. Қал-қонни Мадийнаи Мунавварага йўйдилар. У зоти бобаракотга бўладиган ишларнинг ишораси етган эди. Лекин шўро қилиб, ҳукм чиқаргандан кейин, унга амал этиш лозимлигини бошқаларга кўрсатмоқчи бўлдилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом минг нафар саҳоба билан чиқдилар. Абдуллоҳ ибн Умму Мактум розияллоҳу анҳуга Мадийнада қолганларга жамоат намозини ўқиб бериб туришни буюрдилар. Мадийнадан чиқиб, Уҳудга қараб кетаётганларида мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай:

«Менинг гапимни қўйиб, ёш болаларнинг гапини қиляпти», деб аскарларнинг учдан бирини олиб қайтиб кетди. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳунинг оталари Абдуллоҳ ибн Ҳаром розияллоҳу анҳу уларнинг ортидан бориб, қайтаришга уриндилар;

«Келинлар, Аллоҳнинг йўлида уруш қилинлар!» — деб қистадилар. Улар бўлса:

«Сизлар уруш қилишингизни билганимизда, қайтмас эдик», — дейишди. Абдуллоҳ ибн Ҳаром уларни сўкиб орқасига қайтди.

Ансорийлардан бирлари шартнома тузган яҳудийлардан ёрдам сўрашни таклиф этди. Расулуллоҳ алайҳиссалом кўнмадилар. Иймон билан куфр орасида уруш бўлиб турганда, яҳудийлардан ёрдам сўраб бўлармиди?! Йўлда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Ким бизни уларга яқин жойдан бошлаб чиқа олади?» — дедилар. Ансорийлардан бир киши водийнинг бир тарафидан бошлаб, Уҳуд тоғига яқин жойдан олиб чиқди. Уҳуд тоғига орқаларини қилиб жойлашдилар. Пайғамбар алайҳиссалом амр бермагунларича ҳеч ким уруш қилмаслигини тайинладилар. Бу ишлар жума куни кечки пайт бўлди.

Шанба куни эрталабдан Пайғамбар алайҳиссалом етти юз кишини урушга тайёрлай бошладилар. Эликта отлиқ, эликта камончи бор эди. Уларга Абдуллоҳ ибн Жубайр розияллоҳу анҳуни бошлиқ этиб тайинладилар. У кишига ва аскарларига эгаллаб турган жойларидан жилмасликни амр қилдилар. «Агар қушлар келиб аскарни олиб қочаётганини кўрсангиз ҳам, жойингизни тарк этманг», деб таъкидладилар. Улар мусулмонлар аскарининг орқа томонини қўриқлашлари керак эди. Камончиларга мушрикларни мусулмонлар ортидан келтирмай камондан ўққа тутиб туришни топширдилар.

Расулуллоҳ алайҳиссаломату вассалом иккита совутда чиқдилар. Байроқни Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳуга бердилар. Бир қанотга Зубайр ибн Авомни, иккинчи қанотга Мунзир ибн Амрни бошлиқ қилдилар. Шу пайт ёш болалар: «Биз ҳам урушда қатнашамиз», деб келиб қолдилар. Улардан Усомату ибн Зайд, Баро ибн Озиб, Зайд ибн Арқам, Зайд ибн Собит каби кичкиналарини, ҳали урушга ёшлиқ қиласизлар, деб қайтардилар. Самура ибн Жундаб ва Рофеъ ибн Худайж каби каттароқларини қабул қилдилар. Уларнинг ёши ўн бешда эди.

Қурайшликлар ҳам урушга тайёрлана бошлашди. Уларнинг сони уч мингта бўлиб, отлиқлари икки юзта эди. Улар ўнг қанотга Холид ибн Валидни ва чап қанотга Икрима ибн Аби Жаҳлни қўйдилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломату вассалом ўз қиличларини Абу Дужона Саммон ибн Ҳориса розияллоҳу анҳуга бердилар. У киши

шижоатли қаҳрамон одам бўлиб, урушда ўзини кўрсатишга ҳаракат қилар эди.

Мушриклардан биринчи бўлиб Абу Омир Фосиқ майдонга чиқди. Унинг лақаби «Роҳиб» эди. Расулуллоҳ алайҳиссалому вассалом уни «Фосиқ» деб номлаган эдилар. Жоҳилият пайтида Авс қабила-сининг бошлиғи эди. Ислом келганда ёқтирмади ва Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи вассаломга очиқ душманлик қилди; Мадийнадан чиқиб кетди. Қурайшликларнинг ҳузурига бориб, уларни Расулуллоҳ алайҳиссаломга қарши урушга ундай бошлади. «Агар мени қавмим кўрса, менга итоат қилади, мен тарафга ўтиб кетади», деб айтди. Ана шу одам биринчи бўлиб мусулмонларга қарши майдонга чиқиб, ўз қавмига нидо қилди, ўзини танитди.

Қавми эса унга: «Аллоҳ сени кўзимизга кўрсатмасин, эй фосиқ», — дедилар. Фосиқ шунда: «Мендан кейин қавмимга ёмонлик етибди», — деди. Шундан сўнг қаттиқ жанг бошланиб кетди.

Мусулмонлар шиддатли жанг қилдилар. Айниқса, Абу Дужона Ансорий, Толҳа ибн Убайдуллоҳ, Ҳамза ибн Абдул Муттолиб, Али ибн Аби Толиб, Назр ибн Анас, Саъд ибн Робеълар катта жасорат кўрсатдилар. Куннинг биринчи ярмида мусулмонлар кофирларга ғолиб келишди. Мушрикларнинг бошлиқларидан етмиш киши қатл этилди. Улар енгилиб, ортга қараб қоча бошладилар. Қочиб-қочиб аёллари турган жойгача бордилар. Аёллар ҳам қочишга тайёрланиб, кийимларини йиғиштира бошладилар. Мушрикларнинг енгилиб қочаётганини кўрган камончилар Пайғамбар алайҳиссалом қимирламай туришни тайинлаб қўйган жойларини ташлаб кетдилар. Улар бир-бирларига: «Қаранглар, ўлжа, ўлжа!» деб қичқиришди. Амирлари Пайғамбар алайҳиссаломнинг шартларини эсларига солса ҳам, кўнмадилар. Мушриклар батамом енгилиб бўлди, деб гумон қилиб, ўлжа йиғишга киришиб кетдилар ва Уҳуд томонни очиқ қолдирдилар.

Шу пайт Холид ибн Валид фурсатни ғанимат билиб, мушрикларнинг отлиқларини худди ўша ерга бошлади. У ердан ўтиб мусулмонларнинг орқа томонларидан бостириб кирди. Холид ибн Валид бошлиқ отлиқлар мусулмонлар устига бостириб келганини кўрган, қочиб кетаётган мушриклар ҳам ўзларини ўнглаб, яна уруш майдонига юзландилар. Натижада, мусулмонлар қуршовда қолдилар.

Ҳамма нарса тескарисига айланиб, мусулмонлар енгила бошладилар. Уларнинг сафида саросима бошланди. Қўрқув ҳукм суриб, тартибсизлик бошланди. Бундай бўлишини ҳеч ким кутмаган эди.

Мусулмонлар ичида шаҳидлар кўпайди. Мушриклар Пайғамбаримиз алайҳиссалом томонга ҳужум бошладилар. У зот оз сонли кишилар ҳимоясида эдилар. Уларнинг ҳам кўпи ўз Пайғамбарлари-

нинг ҳимоясида мардонавор жанг қилиб, шаҳид бўлдилар. Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассаломнинг муборак юзларига жароҳат етди, пастки жағларидаги бир тишлари синди. Бошлари ёрилди.

Мушриклар у кишини тошбўрон қилишди. У зот Абу Омир Фосиқ мусулмонларни алдаш учун қазиб, устини ёпиб қўйган чуқурлардан бирига тушиб кетдилар. Бошларига кийган дубулғанинг иккита ҳалқаси ёноқларига кирди.

Мусулмонлар саросимага тушиб турган шундай нозик пайтда кимдир: «Маҳаммад қатл этилди!» деб қичқирди. Бу катта ва қаттиқ зарба бўлиб, мусулмонларнинг қолган куч-қувватларига ҳам футур етказди. Улар урушни йиғиштириб, енгилиб, ортларига қоча бошладилар.

Ҳамма енгилса ҳам, Анас ибн Назр розияллоҳу анҳу енгилмади. Қўлидаги қуролини ташлаб, бир гуруҳ муҳожир ва ансорийлар билан бирга турган Умар ибн Хаттоб ва Толҳа ибн Убайдуллоҳларнинг олдиларига борди ва:

«Нима қилиб ўтирибсизлар?!» – деди. Улар:

«Расулуллоҳ алайҳиссолату вассалом қатл этилибдилар», – дейишди. Анас ибн Назр розияллоҳу анҳу :

«У кишидан кейин дунёда яшаб нима қиласизлар! Туринглар! Расулуллоҳ алайҳиссалом ўлган нарса йўлида сизлар ҳам ўлинглар!!!» – деди. Сўнгра, мушриклар томон юриб кетди. Йўлда Саъд ибн Муъозни кўриб:

«Эй Саъд! Мен Уҳуд томонидан жаннатнинг ҳидини сезяпман», деди-да, урушга кириб, мисли кўрилмаган мардлик ила жанг қилиб, шаҳид бўлди. Унинг танасидан кейинчалик етмишдан ортиқ жароҳат топдилар. Жасаднинг кимлигини ҳеч ким танимади. Фақат сингилиси бош бармоғидан таниб қолди.

Шу пайт Расулуллоҳ алайҳиссолату вассалом мусулмонлар томон юриб кела бошладилар. Дубулға кийган Пайғамбар алайҳиссаломни биринчи бўлиб Каъб ибн Молик таниб қолди ва баланд овоз билан:

«Эй мусулмонлар! Суюнчилик! Ана-ана, Расулуллоҳ!!!» деб қичқирди. Расулуллоҳ алайҳиссалом унга, жим, деб ишора қилдилар. Мусулмонлар у кишининг атрофида тўпландилар. Биргалашиб, тоғ томонга кўтарилдилар. Абу Бакр, Умар, Ҳорис ибн ас-Сумма ва бошқалар шу тўпда эдилар. Тоққа кўтарилиб келаётиб, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам Убай ибн Халаф Авад лақабли отини миниб кетаётганини кўриб қолдилар. У мазкур отини Маккада махсус боқар ва шунинг устида туриб Муҳаммадни ўлдираман, дер эди. Расулуллоҳ алайҳиссалом бу гапни эшитганларида: «Балки, иншааллоҳ,



«Уларнинг изидан бор. Нима қилишаётганига назар сол. Нима қилмоқчи эканларини бил. Агар отларни четга қўйиб, туяларни минсалар, Маккага кетишади. Агар отни миниб, туяларни ҳайдаб олсалар, Мадийнага юришади. Менинг нафсим қўлида бўлган Зот билан қасамки, агар Мадийнага боришса, мен ҳам бориб уларни ўша ерда йўқ қиламан!» — дедилар.

Ҳазрати Али бориб қарасалар, отларни четга қўйиб, туяларни миниб, Маккага қараб юрдилар. Аммо, бир жойга етганларида бир-бирларини маломат қила бошлашди. Баъзилари:

«Ҳеч нарса қилганингиз йўқ, уларга бир оз мусийбат етказдингиз, холос. Уларни шундай қолдириб келяпсиз, ичларида бошлиқлари бор. Ҳали сизга қарши одам тўплашади. Орқага қайтиб, уларни охиригача йўқ қилиб тугатиш керак», дейишди. Бу хабар Пайғамбаримиз алайҳиссаломга етиб бориши билан одамларни тўплаб, душманга қарши чиқишга ундадилар: «Биз билан урушда қатнашганлардан бошқалар чиқмасин», — дедилар. Мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай:

«Мен ҳам борай», деган эди,

«Йўқ!» — дедилар. Мусулмонлар чарчаган, ярадор бўлган ва қўрққан бўлишларига қарамай, эшитдик ва итоат қиламиз, деб тўпланиб чиқдилар. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, мен сиз қатнашган ҳамма урушларда қатнашишни ният қилган эдим. Отам, қизларга қараб тур, деб қолдириб кетган эди. Изн беринг, сиз билан борай», — деди. Унга изн бердилар. Расулуллоҳ мусулмонлар билан юра-юра Ҳамроул Асад деган жойга етдилар. Бу ерда Маъбад ибн Аби Маъбад Расулуллоҳнинг ҳузурларига келди. Унга Абу Суфённинг олдига бориб, уни қўрқитишни буюрдилар. У Равоҳа деган жойда Абу Суфёнга етиб борди. У Маъбаднинг мусулмон бўлганини билмас эди.

Абу Суфён: «Ортингда нима гап бор, эй Маъбад?» — деди.

Маъбад: «Муҳаммад ва унинг саҳобалари сизларга қарши мисли кўрилмаган кўп одам тўпландилар. Аввал чиқмаганлари ҳам пушаймон бўлиб чиқдилар», — деди.

Абу Суфён: «Нима маслаҳат берасан?» — деди.

Маъбад: «Менимча, анави тепаликлар ортидан аскар чиқиб қолмасдан бурун жўнаб қолганинг маъқул», — деди.

Абу Суфён: «Аллоҳга қасамки, тўпланиб бир ҳужум қилиб, уларни таг-томири билан йўқ қилиб юбормоқчи эдик», — деди. Маъбад: «Менинг сенга насиҳатим — ундоқ қилма», — деди.

Мушриклар Маккага қайтиб кетдилар. Йўлда Абу Суфён Мадийнага кетаётган бир одамни учратди. Унга Абу Суфён:

«Муҳаммадга гапимни етказиб қўясанми? Маккага қайтганинг-да уловинг кўтарганча майиз бераман», — деди. У:

«Ҳа», — деди. Абу Суфён:

«Муҳаммадга айтиб қўй: биз уни ва шерикларини таг-томири билан йўқ қилиб юбориш учун одам тўплаб қўйдик», — деди. Унинг бу гапи мусулмонларга етганда:

«Аллоҳ бизга етарли ҳомий, у қандай ҳам яхши вакил», — дейишди. Ҳалиги хабар уларни чўчитмади. Уч кун кутдилар. Мушриклар Макка сари узоқлаб кетганларига ишонч ҳосил қилгач, Мадийнага қайтдилар.

Уҳуд урушида мусулмонлар мисли кўрилмаган жасорат ва фидокорлик намуналарини кўрсатдилар.

Камончилар ўз жойларини тарк этиб, кофирлар мусулмонларни ўраб олиб, Муҳаммад қатл этилди, деган овоза тарқаб, ҳамма тумтарақай бўлган пайтда Пайғамбаримиз алайҳиссалом душман ичида ёлғиз қолдилар. Шу пайт Умму Аммона Насиба бинти Каъб ал-Мозания исми саҳобия аёл Расули акрам алайҳиссаломни вассаломни ҳимоя қилиб, душман билан қаттиқ жанг қилди. Пайғамбаримиз алайҳиссаломга яқинлашиб қолган мушрик Умар ибн Қумаага бир неча марта қилич урди. Аммо у иккита совут кийиб олган экан, ўтмади ва Умму Аммонанинг сийнасига қилич солиб, қаттиқ ярадор қилди.

Сўнгра, Абу Дужона розияллоҳу анҳу келиб, Расули акрам алайҳиссаломни вассаломни ўз танаси билан тўсиб турди. Ўқ келиб унга тегар, у бўлса, қимирлаб ҳам қўймас эди. Пайғамбар алайҳиссаломни жонфидалик билан ҳимоя қилар эди.

Уҳуд урушининг иштирокчиларидан ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ шундай ҳикоя қиладилар:

«Уҳуд уруши куни Расулуллоҳ одамлардан ажраб ёлғиз қолганларида, мен биринчилардан бўлиб, у киши томон юрдим. Қарасам, бир одам у кишининг олдиларида ҳимоя қилиб уруш қилмоқда. «Толҳа бўлса эди. Отам ҳам, онам ҳам унга фидо бўлсин! Толҳа бўлса эди. Отам ҳам, онам ҳам унга фидо бўлсин!» деб бориб турсам, орқамдан Абу Убайда худди қушдек учиб келиб қолди. Биргалашиб етиб борсак, Расулуллоҳнинг олдиларида Толҳа йиқилиб ётган экан. Расули акрам алайҳиссаломни вассалом: «Биродарингизга қаранг, у ҳақлидир», — дедилар. Шу пайт Пайғамбар алайҳиссаломнинг ёноқларига бир нарса келиб тегиб, дубулғанинг ҳалқасини киритиб юборди. Уни Пайғамбар алайҳиссаломдан чиқариб олиш учун борган эдим, Абу Убайда:

«Аллоҳ хайрингни берсин, Абу Бакр, менга қўйиб бер», — деди ва оғзи билан у кирган нарсани чиқара бошлади. Пайғамбар алайҳисса-



ломга озор бермаслик учун тиши билан чиқаришга ҳаракат қилди ва чиқариб олди. Абу Убайданинг олд тиши тушди. Сўнгра, мен кейингисини олишга уринган эдим, Абу Убайда яна:

«Абу Бакр, Аллоҳ хайрингни берсин, менга қўйиб бер», – деди. Яна тиши билан чиқариб олди. Абу Убайданинг яна бир тиши тушди. Кейин Расулulloҳ алайҳиссалом:

«Биродарингизга қаранглар, у ҳақлидир», – дедилар. Биз Толҳанинг жароҳатларига қарай бошладик. Унга ўндан ортиқ ўқ, қилич, найза теккан экан. Шу пайт Али каррамаллоҳу важҳаҳу Пайғамбар алайҳиссаломнинг яраларини ювгани сув топиб келди. У қуйиб турди, Фотимаи Заҳро розияллоҳу анҳо ювди. Қоннинг тўхтамаётганини кўрган Фотима бўйрадан бир бўлак олиб, куйдириб, ярага босди, қон тўхтади.

Бундан аввалроқ Абу Саид ал-Худрийнинг отаси Молик Расулulloҳнинг яраларини сўриб тозалаган эди. Унга ҳазрати Пайғамбар алайҳиссалом, тупур, девдилар, ҳеч-ҳеч тупурмайман, деб йўлида равона бўлди. Шунда Расули акрам алайҳиссалому вассалом:

«Ким аҳли жаннат одамни кўрмоқчи бўлса, анавинга қарасин», – дедилар.

Ўша куни Расулulloҳ алайҳиссалому вассаломни ҳимоя қилиб, етти киши шаҳид бўлди. Мусийбат енгиллашганда, Пайғамбар алайҳиссалом қаттиқ чарчаган эдилар. Тоққа чиқиб кетаётганларида, мушриклар ортларидан қувиб келишарди. Бир тошга чиқа олмай қолдилар. Саҳобалардан бири тош тагига ўтириб турди, у киши чиқиб олдилар. Намоз вақти бўлувди, ўтириб намозга ўтдилар».

Жубайр ибн Мутъамнинг қули Ваҳший ҳикоя қилади:

«Жубайр менга: «Муҳаммаднинг амакиси Ҳамзани ўлдирсанг, озодсан», – деди. Одамлар билан урушга чиқдим. Ҳабашистонлик бўлганим учун найза отишни яхши билар эдим. Отган найзам нишонга камданкам тегмай қолар эди. Уруш бошланиб, одамлар жангга кирганда, Ҳамзани пойлаб юриб, ахтариб топдим. Ҳамза паҳлавон туядек одамларни қилич билан шиларди. Унинг олдида ҳеч нарса туриш бера олмас эди. Мен уни ўлдиришга тайёрланиб, пойлаб, дарахт ва тошлар ортига беркиниб, унга яқинлаша бордим. Мендан олдин унга Сибоб ибн Абдул Уззо яқинлашган эди. Ҳамза уни кўриши билан уриб, бошини учуриб юборди. Мен найзамни силтаб-силкитиб, мўлжални аниқ олганимдан сўнг унга қараб отдим. Найза қорнидан кириб, оёғининг орасидан чиқди. Менга қараб интилган эди, кучи етмай йиқилди. Шу ҳолда ташлаб кетдим, аста жони чиқди. Сўнгра, келиб найзамни чиқариб олиб, аскар жойига қайтдим. Бориб ўтирдим. Менга бошқа ишнинг ҳожати йўқ эди. Уни озод бўлиш учун ўлдирдим».

Кейин Абу Суфённинг хотини Ҳинд бинти Утба келиб Ҳамзанинг қорнини ёриб, жигарини олиб, чайнади, чайнаб бўлмаганидан, туфлаб ташлади.

Урушдан кейин Пайғамбаримиз алайҳиссалом Ҳамзанинг жасади устида туриб, қаттиқ таъсирландилар ва: «Сенинг мусийбатингдек мусийбатга учрамасам керак», — дедилар.

Пайғамбар алайҳиссалату вассалом Уҳудда шаҳид бўлганларни жон таслим этган ерларида дафн этишга амр қилдилар. «Мақбараларга олиб борилмасинлар», — дедилар. Жарчилар бу амрни ҳамма ерга етказдилар. Мақбараларга олиб кетилган шаҳидларни ҳам қайтариб келдилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассалом ўзлари бошида туриб икки-уч кишини бир қабрга қўйдилар. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳамро ва Амр ибн Жумайҳларни ўзаро муҳаббатлари эътиборидан бир қабрга дафн этдилар. Пайғамбар алайҳиссалату вассалом: «Бу дунёда бир-бирларини яхши кўрган бу икки кишини бир қабрга қўйинлар», — дедилар.

Уҳуд уруши ҳақидаги баъзи қисқа маълумот шулардан иборат. Энди ўша ҳодиса ҳақидаги оятларни ўрганамиз.

Оятларнинг вазифаси воқеани тартиби ила ҳикоя этиш эмас. Балки қалбга, ақлга нидо қилиб, у орқали ваъз, насиҳат, йўлланма, ибрат ва тушунча беришдир.

وَإِذْ غَدَوْتَ مِنْ أَهْلِكَ تُبَوِّئُ الْمُؤْمِنِينَ مَقْعِدَ لِلْقِتَالِ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ

**121. Аҳлингдан эрталаб чиқиб, мўминларни уруш жойларига турғизганингни эсла! Аллоҳ эшитувчи ва билувчи Зотдир.**

Бу ояти карима Уҳуд жангининг бошланиш вақтидаги ҳолатни сўзлар билан жонлантиради. Шўро мажлисидан кейин кириб Оиша онамизнинг ҳужраларидан совутларини кийиб, жанг майдонига ўз одамларини бошлаб келган Пайғамбар алайҳиссалату вассалом аскарбошиларга хос тадбиркорлик ва жиддият билан мусулмонларни уруш жойларига қўймоқдалар. Байроқни Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳуга топширдилар. Сўнг, камончиларни чақириб, уларга Абдуллоҳ ибн Жубайрни амир этиб тайинладилар. Уларга туришлари лозим бўлган жойни алоҳида эътибор билан кўрсатдилар. Нима бўлганда ҳам, жойларини тарк этмасликни тайинладилар. Ўнг қанот одамларини ажратиб, уларни ҳам амирлари ила белгиланган жойларига туришни буюрдилар. Сўнгра, чап қанот, ҳар бир жангчига, ҳар бир жойга алоҳида эътибор бердилар. Бу ҳолатлар ҳамманинг ёдида, айниқса, жанг иштирокчилари яхши эслайдилар.

**«Аллоҳ эшитувчи ва билувчи Зотдир».**

Демак, Уҳуд воқеасида нима гап бўлган бўлса, ҳаммасини эшитган, ҳамма ишни кўрган. Шўро пайтида ёшлар нима деди, мунофиқлар нима қилди, хуллас, Аллоҳ доимо бирга, ҳар бир сўзни эшитиб, ҳар бир ишни билиб турган.

إِذْ هَمَّتْ طَّائِفَتَانِ مِنْكُمْ أَنْ تَفْشَلَا وَاللَّهُ وَلِيَهُمَا وَعَلَى اللَّهِ فَيْتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ ﴿١٢٢﴾

**122. Сизлардан икки тоифа қўрқиб заифлашмоқчи бўлганини эсла! Аллоҳ уларнинг валийсидир. Мўминлар фақат Аллоҳнинг Ўзига таваккал қилсинлар.**

Бу ояти карима Хазраж қабиласига мансуб Бани Салама уруғи ва Авс қабиласига мансуб Бани Ҳориса уруғи ҳақида тушган. Улар мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул хафа бўлиб: «Менинг айтганимни қилмай, ёш болаларнинг айтганини қилди», деб жангчиларнинг учдан бирини олиб Уҳуд йўлидан қайтганида, унинг фитнасига учишларига сал қолган эди. Бу эса, мусулмонлар сафининг янада заифлашишига, руҳий ва маънавий тушқунлик келтиришга сабаб бўлиши мумкин эди. Ҳали уруш бошланмай туриб, бундай ишларнинг бўлиши жуда ҳам ноқулай вазиятни вужудга келтирар эди. Лекин бу тоифаларни Аллоҳ таолонинг Ўзи сақлаб қолди, иноятига олди:

**«Аллоҳ уларнинг валийсидир».**

Шу туфайли Бани Салама ва Бани Ҳориса уруғлари ҳам муваффақиятсизликка учрамай, Аллоҳ валийлик қилгани учун мусулмонлар сафидан чиқмай, жанг майдони томон кетдилар. Аллоҳ таоло эшитувчи ва билувчи Зот эканлигидан бу икки тоифанинг кўнглидан ўтган заифликни ҳам билди. Уларни ўз вақтида тўғри йўлга солди. Мана энди Қуръони Каримда ўша ҳолатнинг хабарини бермоқда:

**«Мўминлар фақат Аллоҳнинг Ўзига таваккал қилсинлар».**

Мўминлар доимо — иккиланганларида ҳам, заифлашганларида ҳам, қийин ҳолга тушиб қолганларида ҳам, фақат Аллоҳнинг Ўзига таваккал қилсинлар. Шунда нажот топадилар. Бу ҳам мусулмонлар учун катта ҳаётий қоидадир.

Уҳуд урушида мусулмонлар катта зарбага учрадилар. Аммо бундан аввал бўлиб ўтган Бадр урушида осонгина ғалаба қозонган эдилар. Бунинг сабаби нимада?

Бу икки ҳолатни бир-бирига солиштириш, ғалаба ва мағлубиятнинг сабабларини тушуниб етишга ёрдам бўлиши учун келаси оятларда қисқагина қилиб, Бадр уруши ҳам эсга олинади:

وَلَقَدْ نَصَرَكُمُ اللَّهُ بِبَدْرٍ وَأَنْتُمْ أَذِلَّةٌ فَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿١٢٣﴾

**123. Батаҳқиқ, Бадра оз бўлсаларингиз ҳам, Аллоҳ сизларга нусрат берди. Бас, Аллоҳга тақво қилинг, шоядки, шукр қилсангиз.**

Бадр урушида мушрикларнинг сони минг киши атрофида эди. Темир совутлар кийишган, қуроллари олий даражада, безалган отларни минишган, бой-зодагон араблардан иборат эдилар.

Мусулмонлар эса бор йўғи уч юз ўн уч киши бўлиб, иккита от ва етмишта туя бор эди. Қолганлар пиёда эдилар. Қуроллари ҳам шунга яраша эди.

Бадр уруши иккинчи ҳижрий санада, ўн еттинчи рамазон, жума куни бўлиб ўтган. Бу урушда мусулмонлар сонлари ва қуроллари оз бўлишига, ҳамма томондан душман уларга ёмон кўз тикиб турган бўлишига қарамай, Аллоҳнинг нусрати билан ғолиб келдилар. Аллоҳ уларнинг ихлослари, мустаҳкам иймонлари, садоқатлари, тақволари, фақат Ўзидангина ёрдам кутганлари туфайли ва бошқа сабабларга кўра, ғолиб қилди.

Доимо шундоқ бўлади.

Ярмук урушида мусулмон жангчилар ўз халифалари Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан мадад юборишни сўрадилар. Умари Одил уларга: «Мендан мадад юборишни сўраб ёзган мактубингизни олдим. Мен сизларни азиз ва нусрат берувчи, жангчиларни сақловчи Зот бўлган Аллоҳдан мадад сўрашга чақираман. Муҳаммад алайҳиссалом ҳам Бадр урушида сиздан қувватлари оз бўлса-да, нусрат топганлар», деб жавоб ёздилар. Жавобни олган жангчилар уруш қилиб, душманга ғолиб келдилар.

**«Бас, Аллоҳга тақво қилинг, шоядки, шукр қилсангиз».**

Шоядки, тақво қилишингиз ҳар бир ҳолатда Аллоҳдан ўзга ёрдамчи, нусрат берувчи зот йўқлигини тушуниб етишингизга, барча қувват ва султон унинг қўлида эканини билиб, унга доимо шукр қилишингизга сабаб бўлар.

إِذْ تَقُولُ لِلْمُؤْمِنِينَ أَلَنْ يَكْفِيَكُمْ أَنْ يُمَدَّكُمْ رَبُّكُمْ بِثَلَاثَةِ آفٍ مِنَ الْمَلَائِكَةِ مُنَزَلِينَ ﴿١٢٤﴾

**124. Мўминларга: «Сизга Роббингиз туширилган уч минг фаришталар ила мадад бермоғи кифоя қилмасми?!» деганингни эсла!**

Аслида, Бадрга мусулмонлар мушрикларнинг савдо карвонини кўзлаб чиқишган эди. Жанг қилиш ниятлари йўқ эди, тайёр ҳам эмас эдилар. Бирданига уларнинг қаршисидан катта кучга эга душ-

ман чиқиб қолди. Шунда уларнинг қалбларини тинчитиш, ўзларини шижоатлантириш учун Аллоҳнинг амри билан Пайғамбар алайҳиссалом мазкур гапларни айтган эдилар.

Келаси оят Пайғамбар алайҳиссаломнинг Бадрда саҳобаларга айтган гапларининг давоми бўлиб, аввалги оятдаги ваъда қилинган мададнинг берилиши учун зарур бўлган шартларни зикр қилади:

بَلَىٰ إِن تَصْبِرُوا وَتَتَّقُوا وَيَأْتُوكُم مِّن فَوْرِهِمْ هَذَا يُمْدِدْكُمْ رَبُّكُمْ بِخَمْسَةِ آلَافٍ مِّنَ الْمَلَائِكَةِ مُسَوِّمِينَ ﴿١٢٥﴾

**125. «Ҳа (кифоя қиладир)! Агар сабр ва тақво қилсангиз, улар шу пайт келиб қолсалар ҳам, Роббингиз сизга белгили беш минг фаришта ила мадад берадир».**

Демак, сабр ва тақво Аллоҳдан келадиган мададга қўйилган асосий шарт экан. Агар мусулмонларда сабр-тоқат ва тақво бўлса, мушриклар ҳозир, шу пайт уларнинг устиларига бостириб келиб қолсалар ҳам, Аллоҳ уларга белгиси, аломати бор беш мингта фариштани юбориб, мадад беради. Ҳазрати Али ибн Аби Толиб каррамаллоҳу важҳаҳудан ривоят қилинишича, Бадр куни фаришталарнинг белгиси оқ жун кийим ва отларининг пешонасидаги оқлик бўлган экан.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Бадр куни фаришталарнинг белгиси оқ салла бўлиб, пешини орқаларига тушириб олишган экан.

وَمَا جَعَلَهُ اللَّهُ إِلَّا بُشْرَىٰ لَكُمْ وَلِنَطْمِئِنَّ قُلُوبُكُم بِهِ ۗ وَمَا النَّصْرُ إِلَّا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَكِيمِ ﴿١٢٦﴾

**126. Аллоҳ буни фақат сизга суюнчилик ва қалбингиз таскин топиши учунгина қилди. Аслида, нусрат азиз ва ҳаким Аллоҳнинг ҳузуридандир.**

Аллоҳ таоло ҳамма нарсага қодир Зот. Хоҳласа, Бадр урушида мўмин бандаларига фаришталарсиз ҳам, бевосита ёрдам бера оларди. «Бўл!» деса, тамом, бўлар эди. Жуда лозим кўрса, биргина фаришта Аллоҳнинг изни ила ҳар нарса қилиши мумкин эди. Нимага энди уч минг дона, сўнгра беш минг дона фаришта зарур бўлиб қолди? Бунинг сабаби ушбу оятда баён қилинмоқда:

**«Аллоҳ буни фақат сизга суюнчилик бўлиши ва қалбингиз таскин топиши учунгина қилди».**

Яъни, фаришталарни белгили қилиб осмондан мусулмонларга ёрдам бериш учун тушириши суюнчилик бўлиши учун, уларни кўриб, бизга Роббимиз тарафидан нусрат келибди, деб севинишингиз учундир. Душман сонининг кўплигини, жангга тайёргарлигининг ортиқлигини кўриб кўнглингизга тушган ғулғулани кўтариш, ўрнига сокинликни солиш учун туширдик, дейилмоқда. Саҳобалар ҳар қандай жиҳатда юқори даражага эришган бўлсалар ҳам, одам насландирлар. Улар ҳам бошқа инсонлар қатори ўз тасаввурлари, ҳис-туйғулари доирасидаги сувратда ёрдамга муҳтожлар. Демак, одамлар кўрсинлар ва ҳис этсинлар учун, уларга яхшироқ етиб борсин деб, ўзларига мос муомала қилинган, холос.

**«Аслида, нусрат азиз ва ҳақим Аллоҳнинг ҳузуридандир».**

Нусратнинг ҳақиқий масдари Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Ундан бошқа ёрдам берувчи йўқ. Фаришталар эса, унинг лашкарларидан бир лашкардир, холос. У азиз – ғолиб, ҳеч бир зот иродасини қайтара олмайдиган сифатга эга. У ҳақим – ҳар бир ишни ҳикмат билан қилиш сифатига эга.

Кейинги оятда мўминларга нусрат беришнинг ҳикмати баён этилади:

لِيَقْطَعَ طَرَفًا مِّنَ الدِّينِ كَفَرُوا أَوْ يَكْتُمُوا فِيْهِمْ فَيَنْقَلِبُوْا خَآئِبِيْنَ ﴿١٧٧﴾

**127. Куфр келтирганларнинг бир тарафини кесиш учун ёки хорлаш учун, токи, ноумид бўлиб қайтсинлар.**

Яъни, юқорида айтилган тадбирни кофирларнинг бир тарафини кесиб ташлаш, ҳалок этиш, ҳалок бўлмаганларини хору зорликка солиш учун қўлланди. Токи, мусулмонларни таг-томири билан қириб ташлаш ниятида келган маккалик кофирлар ниятларига етмай, ноумид бўлиб қайтсинлар.

Шундай ҳам бўлди. Бадр ғазотида мушрикларнинг бошлиқларидан етмиштаси ҳалок бўлди. Бу уларнинг бир тарафидан катта кесилиш эди. Шунингдек, уларнинг катталаридан етмиштаси асирга тушди, хору зор бўлди. Қолганлари эса, шармандаларча, келган жойига қайтди.

لَيْسَ لَكَ مِنَ الْاٰمْرِ شَيْءٌ اَوْ يَتُوْبَ عَلَيْهِمْ اَوْ يَعْذِبَهُمْ فَاِنَّهُمْ ظٰلِمُوْنَ ﴿١٧٨﴾

**128. Бу сенинг ишинг эмас! У зот ёки уларнинг тавбасини қабул қилар, ёки азоблар. Бас, улар золимлардир.**

Яъни, зикр қилинаётган тадбир сенинг ишинг эмас, ёлғиз Аллоҳнинг ишидир. Кофирларнинг бир тарафини кесиш, хор қилиш билан бирга, хоҳласа, улар тавба қилсалар, тавбаларини қабул этиши ёки қабул этмасдан азоблаши ҳам мумкин. Чунки улар золимдирлар. Шунга лойиқдирлар.

Бадр ғазоти ҳақидаги бу эслатма ҳамма нарса Аллоҳники эканлигини ва у хоҳлаганини қилишига шубҳа йўқлигини таъкидлаш билан ниҳоясига етади:

وَلِلَّهِ مَا فِي السَّمٰوٰتِ وَمَا فِي الْاَرْضِ يَغْفِرُ لِمَن يَشَاءُ وَيُعَذِّبُ مَن يَشَاءُ وَاللَّهُ غَفُوْرٌ رَّحِيْمٌ

**129. Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Хоҳлаган кишини мағфират қиладир ва хоҳлаган кишини азоблайдир. Аллоҳ гуноҳни мағфират қилувчи ва раҳимли Зотдир.**

Яъни, борлиқдаги барча нарса Аллоҳга мулкдир. Ҳамма аҳли дунё унга бандадир:

**«Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир».**

Шундай бўлгач, хоҳиш-ихтиёр ҳам Ундадир:

**«Хоҳлаган кишини мағфират қиладир ва хоҳлаган кишини азоблайдир».**

Аллоҳ таоло неки қилса, саволга тугилмайди. Нимани хоҳласа, шуни қилади. Мағфират қилишни истаса, фазли билан мағфират қилади. Азоблашни истаса, адли билан азоблайди:

**«Аллоҳ гуноҳни мағфират қилувчи ва раҳимли Зотдир».**

Бандалар учун тавба эшиги очиқ. Тавба қилганни Аллоҳ мағфират этади. Парвардигори оламнинг раҳмати ғазабидан устун. Доимо бандаларига раҳимлидир.

Уҳуд урушига доир оятларнинг орасида, яъни, бевосита жанг майдонидаги кураш ҳақида сўз юритишдан олдин нафс майдонидаги кураш ҳақида сўз кетади. Одамлар ўз ҳавои нафсларига, шаҳватларига қарши жангга даъват қилинадилар. Албатта, зоҳирий (ташқи) душманни енгиш учун аввало ботиний (ички) душманни енгиб олиш зарурдир.

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا لَا تَأْكُلُوْا رِبْوٰٓا۟ الضَّعٰفٰٓا مُضْعَفَةً وَّاتَّقُوْا اللّٰهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُوْنَ

**130. Эй, иймон келтирганлар! Рибони бир неча баробар қилиб еманг. Аллоҳга тақво қилинг, шоядки, нажот топсангиз.**

Рибо ҳақида «Бақара» сураси тафсирида батафсил сўз кетган. Бу оят:

**«Эй, иймон келтирганлар! Рибони бир неча баробар қилиб еманг»**, дея жоҳилият вақтидаги бир ёмон ҳолатни алоҳида эслатмоқда.

Ҳофиз ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилишларича, берилган қарзнинг муддати тугаб қолганда қарз берувчи қарздорга: «Ёки қарзингни тўла ёки рибони кўпайтир», дер экан. Тўласа, тўлади, бўлмаса, қарз муддатини чўзиш эвазига рибонинг миқдорини ҳам кўпайтирар экан. Ҳар йили шундай бўлавергандан кейин рибо бир неча баробарга кўпайиб кетаркан. Ушбу ояти каримада ўша ҳолат муолажа қилинмоқда.

Нафси бузуқ баъзи кимсалар бу оятни ушлаб олиб, Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: «Рибони бир неча баробар қилиб еманг», деган, демак, бир неча баробар оширмай, маълум фоиз еса бўлаверади, деган даъволарни ҳам қилишади. Бу жоҳилликдир, Аллоҳ ҳаром этган нарсани ўзига ҳалол қилиб олиш йўлидаги ғаразли ҳаракатдир. Ҳолбуки, ояти карима воқелиқдан келиб чиқиб, жоҳилият даврининг энг ёмон одатларидан бирини аста-секинлик билан муолажа этмоқда. Қолаверса, рибо ҳақида Қуръони Каримда фақат битта шу оятгина бор эмас, ахир. Рибонинг ҳаромлигини баён қилувчи асосий оятлар «Бақара» сурасида келган. Унда: «Рибонинг сарқитини ҳам тарк қилинг», дейилган.

Гуноҳни, жумладан рибохўрликни ҳамма ҳам осонгина тарк қилавермайди. Бунинг учун, аввало, Аллоҳ таолога тақво қилиш лозим:

**«Аллоҳга тақво қилинг, шоядки, нажот топсангиз».**

Албатта, Аллоҳга тақво қилган ва бу дунёю у дунёда нажот топишдан умидвор бўлган одамлар рибохўрлик қилмайдилар.

وَاتَّقُوا النَّارَ الَّتِي أُعِدَّتْ لِلْكَافِرِينَ ﴿١٣٠﴾

**131. Ва кофирлар учун тайёрлаб қўйилган оловдан қўрқинг.**

Кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзах оловидан қўрқадиган одам ҳам рибохўрлик қилмайди. Имом Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи: «Бу оят Қуръони Каримдаги энг хавфли оятдир, чунки Аллоҳ мўмин бандаларга, агар улар Аллоҳ ҳаром қилган нарсадан четламасалар, кофир бандалар учун тайёрланган дўзах ўтини ваъда қилмоқда», дер эканлар.



Имом Насафий раҳматуллоҳи алайҳи ҳам шу маъноларда:

«Иймони бўлса, гуноҳ зарар қилмайди ва асло дўзахда азобланмайди, деган муржиъа мазҳабининг гапи мутлақо ноўрин эканлигига кучли далил бордир», деганлар. Бу фикр эгалари ҳозир айниқса кўпайган, ҳатто кўпчиликлари шаҳодат калималарини айта олмайдилар, аммо исми мусулмонча бўлганидан, жаннатнинг тўри меники, деб юрадилар.

﴿١٣٢﴾ وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ

**132. Аллоҳга ва Расулига итоат этинг. Шоядки, раҳм қилинсангиз.**

Яъни, Аллоҳга ва Унинг Расулига ҳамма нарсада итоат этинг. Шоядки, ушбу итоатингиз раҳмат қилинишингизга сабаб бўлса. Жумладан, рибо масаласида ҳам Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат этиш керак.

Рибохўрликдан қайтарилиб, дўзах азобидан қўрқитилиб, тақвога чақирилгандан сўнг, келаси оятларда мағфиратга шошилиш ва жаннатга ошиқишга даъват келади:

﴿١٣٣﴾ وَسَارِعُوا إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا السَّمَاوَاتُ وَالْأَرْضُ أُعِدَّتْ لِلْمُتَّقِينَ

**133. Роббингиздан бўлган мағфиратга ва кенглиги осмонлару ерча бўлган, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннатга шошилинг.**

Демак, Аллоҳ таолонинг мағфирати ва кенглиги осмонлару ерча бўлган жаннати тақводорлар учун экан.

Келаси оятда мазкур мағфират ва жаннатнинг ҳақдорлари бўлган тақводорларнинг сифатлари зикр қилинади:

﴿١٣٤﴾ الَّذِينَ يَنْفِقُونَ فِي السَّرَّاءِ وَالضَّرَّاءِ وَالْكُظُمِينَ الْغَيْظِ وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ

**134. Улар енгилликда ҳам, оғирликда ҳам нафақа қиладиганлар, ғазабини ютадиганлар ва одамларни авф қиладиганлардир. Аллоҳ яхшилик қилувчиларни ёқтирадир.**

Аллоҳдан бўлган мағфиратга ва кенглиги осмонлару ерчалик бўлган жаннатга сазовор бўлган тақводорларнинг сифатларидан бири:

**«...енгиликда ҳам, оғирликда ҳам нафақа қиладиганлар».**

Яъни, улар яхшилик қилишда собитқадам одамлардир. Ҳаётлари энгиллашиб, ҳамма нарсалари сероб бўлиб кетса ҳам, ҳовлиқиб, ҳаддиларидан ошиб, фисқ-фасодга берилиб кетмайдилар. Балки, ўзларини босиб, хайр-эҳсон, нафақа қилишда бардавом бўладилар. Шунингдек, бошларига оғир кунлар тушса ҳам, сиқилиб, ўзларини ноқулай сезиб, бахиллик йўлига ўтиб олмайдилар. Балки нафақа қилишда бардавом бўладилар. Уларнинг тақволари доимо эҳсонга чорлаб туради. Бахиллик ва қизғанчиқликдан қайтаради.

Тақводорларнинг сифатларидан яна бири:

**«...ғазабини ютганлар...»**

Ғазабини ютиш энг қийин ишлардан ҳисобланади. Ғазаб инсонда турли муносабатлар ила қўзғалиб туради, уни жиловлаб олиш ҳар кишининг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин бу оғир ишни тақводор киши эплаши мумкин. Яъни, қалбида тақводорлик мавжуд бўлган инсонгина ғазабдан ғолиб чиқа олади.

Ислонда ғазабни ютиш улуғ ахлоқлардан ҳисобланади. Қуръони Карим оятларидан ташқари бу олий сифатнинг мақтови Пайғамбаримизнинг ҳадисларида, салафи солиҳларимизнинг ишлари ва сўзларида ўз аксини топган.

Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилган ҳадисда келишича, бир киши Пайғамбар алайҳиссалату вассаломга:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, менга насиҳат қилинг», — деди. У зоти бобаракот:

«Ғазаб қилма», — дедилар. Сўраган одам кейинчалик эътироф этиб, бундай дейди:

«Расуллуллоҳ алайҳиссалом шу гапни айтганларида, ўйлаб кўрсам, ғазаб ҳамма ёмонликни ўзида жамлаган экан».

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассалом:

«Ким (жазо беришга) қодир бўлиб туриб, ғазабини ютса, қиёмат куни Аллоҳ уни халойиқ олдида чақириб туриб, ҳурлардан хоҳлаганини танлаб олишга имкон беради», деганлар.

Мазкур тақводорларнинг яна бир сифатлари:

**«...ва одамларни афв қиладиганлардир».**

Бу сифат ғазабни ютиш сифатини тўлдириб келади. Чунки, ишнинг чиройли ҳол бўлиши учун ғазабни ютиб қўйишнинг ўзи кифоя эмас. Олийжаноблик кўрсатиб ғазабини ютган одам бу

олийжаноблигини тугал қилайин деса, айбдорни афв қила олиши, кечира билиши ҳам керак.

Имом Ҳоқим ривоят қилган ҳадисда: «Кимки унинг учун жаннатда бинолар қурилишини ва даражалари кўтарилишини хоҳласа, зулм қилганни авф этсин, бермаганга берсин ва орани узганга силаи раҳм қилсин», дейилади.

Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳи Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалату вас-салом:

«Қиёмат куни бир жарчи: «Одамларни афв қилганлар қани! Роббингиз ҳузурига ажрингизни олгани келинг», деб чақиради. Афв қилган ҳар бир мусулмон жаннатга киришга ҳақлидир», деганлар.

**«Аллоҳ яхшилик қилувчиларни ёқтирадир.»**

Юқорида зикр қилинган сифатнинг соҳиблари яхшилик қилувчи саналадилар. Демак, уларни Аллоҳ яхши кўрар экан.

Кейинги ояти каримада мазкур тақводорлар сифатларининг зикри яна давом этади:

وَالَّذِينَ إِذَا فَعَلُوا فَحِشَةً أَوْ ظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ ذَكَرُوا اللَّهَ فَاسْتَغْفَرُوا لِذُنُوبِهِمْ  
وَمَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ إِلَّا اللَّهُ وَلَمْ يُصِرُّوْا عَلَىٰ مَا فَعَلُوا وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿١٣٥﴾

**135. Ва улар фоҳиша иш ёки ўзларига зулм қилган чоғларида Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишни сўрарлар, гуноҳларини Аллоҳдан ўзга ким ҳам мағфират қиларди? Ва улар билиб туриб, қилган гуноҳларида бардавом бўлмаслар.**

Маълумки, тақводорлик мўминларнинг олий даражаси ҳисобланади. Ҳозир ўрганаётганимиз ояти каримамизда тақводорларга улкан даражалар ваъда қилинмаётир. Лекин ушбу оятда фоҳиша иш ёки ўзига зулм қилган одамлар ҳам тақводорлар сафидан ўрин олиши мумкинлиги айтилмоқда. Бу нимага далолат қилади? Бу, Ислом динининг бағри кенглигига далолат қилади. Бу, Исломда инсоннинг табиатини ниҳоятда чуқур билиб ўзига яраша муомала қилинишидан далолат беради. Инсон, нима бўлганда ҳам, инсондир. Ҳаёти давомида турли қийинчиликларга, ифво ва чалғитишларга учрайди. Баъзи вақтларда заифлиги тутиб, ҳавои нафсининг сўзига кириб қўяди. Бундай пайтда дарҳол ўзига келиб, ояти каримада зикр этилаётгандек,

**«Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишини сўрарлар».**

Хўш, буларга қандай муносабатда бўлиш керак? Сен фалон ишни қилиб қўйдинг, бўлди, энди умидингни узавер, дейиладими? Йўқ!

Ислом тавба эшигини кенг очиб қўйган. Бандалик, ожизлик тутиб баъзи гуноҳларни қилган бўлса ҳам, тақводорлар сафига қўшилиш имкони бор. Фақат, бир шарт бор, у ҳам бўлса:

**«Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишни сўрарлар» ва «...билиб туриб, қилган гуноҳларида бардавом бўлмаслар».**

Ана шундагина тақводорлар сафига қўшилиш имкониятидан маҳрум бўлмайдилар. Аммо, тавба қилмасалар ва билиб туриб гуноҳларида яна давом этаверсалар, бу имконият уларга ҳеч қачон берилмайди.

Демак, бир марта, билмасдан ёки заифлик тутиб, гуноҳ қилиб қўйган одам дарров тавба қилса ва гуноҳдан тўхтаса, шундагина тавбаси қабул экан. Бу қоида мағфират бобидаги барча оят ва ҳадисларга тегишлидир. Баъзи нафси бузуқ одамлар ўйлаганидек, оғзида тавба қилдим деб қўйиб, қайта-қайта гуноҳ қилаверадиганлар бу ҳукмга кирмайдилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассалом:

«Гуноҳ қилган ҳар бир мусулмон яхшилаб таҳорат қилиб, икки рақъат намоз ўқиб, сўнгра истиғфор айтса, албатта, Аллоҳ уни кечиради», деганлар.

Келаси оятда мазкур тақводорлик сифатига эга бўлганларнинг мукофотлари зикр қилинади:

أُولَئِكَ جَزَاءُهُمْ مَغْفِرَةٌ مِّن رَّبِّهِمْ وَجَنَّاتٌ تَجْرِي مِن تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَنِعْمَ أَجْرُ الْعَمَلِينَ ﴿١٦٦﴾

**136. Ана ўшаларнинг мукофотлари – Роббиларидан бўлган мағфират ва остидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар бўлиб, улар унда абадий қолурлар. Амал қилувчиларнинг ажри қандай ҳам яхши!**

Бандаларнинг тақводорлиги, оғир ва енгил пайтларда баб-баробар нафақа қилишлари, ғазабни ютишлари, одамларга нисбатан кечиримли бўлишлари, гуноҳ қилсалар ёки ўзларига зулм этсалар, дарров ўнглаиб мағфират сўрашлари, гуноҳда давом этмасликлари – ушбу сифатларнинг мукофоти Аллоҳнинг мағфиратидир. Бунинг устига, қиёмат кунида:

**«Остидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар бўлиб, улар унда абадий қолурлар».**

Ояти карима сўнгида келган:

**«Амал қилувчиларнинг ажри қандай ҳам яхши!»**, деган жумладан билиниб турибдики, мазкур олиймақом мукофотларга сазо-

вор бўлган кишилар амал – иш қилганлардир. Қуруқ гап ёки рамзий ишлар билан кифояланиб қолмаганлардир.

Келаси оят Уҳуд ғазотининг тафсилотидан олдинги муқаддима ҳисобланади:

قَدْ خَلَّتْ مِنْ قَبْلِكُمْ سُنَنٌ فَمَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَانظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُكْذِبِينَ ﴿١٣٧﴾

**137. Сиздан олдин суннатлар қолган. Бас, ер юзида юриб ёлғонга чиқарувчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинглар.**

Такрор бўлавериб, доимий одатга айланиб қолган ишларга ҳам араб тилида «суннат» дейилади. Бу оятда Ислом умматидан олдинги умматлар даврида суннатга айланиб қолган ишлар борлигига ишора этиляпти. Яъни, сиздан олдин ўтган умматлардан айрим суннатлар қолган. Лекин у суннатлар қандай суннатлардир? Буни келаси жумладан билиб оламиз:

**«...Бас, ер юзида юриб ёлғонга чиқарувчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинглар».**

Инсоният ўз тарихи давомида кўплаб Пайғамбарларни ва турфа умматларни кўрган. Ҳар бир Пайғамбар келганида, унга иймон келтирганлар билан бирга, уни ва унга келган ваҳийни ёлғонга чиқарувчилар ҳам бўлган. Иймон келтирганлар барчаси нажот топиб, бахт-саодатга эришганлар, Пайғамбарларни ёлғонга чиқарувчилар эса, истисносиз ҳаммасининг оқибати ёмонлик билан тутаган. Бу дунёю у дунёлари хароб бўлган. Мўминлар доим ғолиб чиқиб, кофирлар мағлуб бўлганлар. Айни шу нарса олдин ўтганлардан қолган суннатдир. Яъни, Уҳуд урушида мағлуб бўлдик, деб руҳий азият чекаётган мусулмонларга дейилмоқдаки, хафа бўлманглар, барибир оқибатда сизлар ғолиб чиқасизлар. Қурайш мушрикларининг бир жангда қўли балан қелганидан тушкунликка тушманглар, барибир улар узоққа бора олмайдилар. Улар Пай-ғамбарни, Қуръонни, Аллоҳнинг динини ёлғонга чиқаряптилар, барибир нажот топмайдилар. Кўнглингиз хотиржам бўлсин:

**«... ер юзида юриб ёлғонга чиқарувчиларнинг оқибати қандоқ бўлганига назар солинглар...»**

هَذَا بَيَانٌ لِلنَّاسِ وَهُدًى وَمَوْعِظَةٌ لِّلْمُتَّقِينَ ﴿١٣٨﴾

**138. Бу, одамлар учун баён ва тақводорлар учун ҳидоят ва мавъизадир.**

Яъни, бу Қуръон ҳамма учун баёнотдир. Қуръони Карим ўтмишни ҳозир, ҳозирни келажак билан боғлаб турувчи, ҳамма нарсани баён қилувчидир. Шу билан бирга, **«тақводорлар учун ҳидоят ва мавъизадир»**.

Қуръони Карим ҳамма одамларга баёнот бўлиб келаверади, аммо ундан фойда олиш тақводорларгагина насиб этади. Мўминлар ва тақводорларгина ундан ҳидоят топадилар ва мавъиза – ибрат оладилар. Маълумки, иймон билан тақво бир-бирига боғлиқ нарсалардир.

Ушбу умумий баёндан кейин келгуси оятда мусулмонлар дадил ва собитқадам бўлишга чақириладилар:

وَلَا تَهِنُوا وَلَا تَحْزَنُوا وَأَنْتُمْ الْأَعْلَوْنَ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿١٣٩﴾

**139. Бўшашманглар! Хафа бўлманглар! Сизлар, агар мўмин бўлсаларингиз, устунсизлар.**

Эй мусулмонлар! Ҳеч бўшашманглар, заифлашманглар, сизга етган мусийбатларга, бошингизга тушган оғирликларга хафа бўлманглар:

**«Сизлар, агар мўмин бўлсаларингиз, устунсизлар».**

Чунки ақийдаларингиз устун, пок, олий. Ягона Аллоҳга ишонасизлар ва Унга бандалик қиласизлар. Улар эса, турли-туман бутсанамларга, урф-одатларга, ўзларига ўхшаган одамларга эътиқод этадилар ва уларнинг розилигини топиш илинжида ибодат қиладилар. Сизларнинг ҳаёт йўлланмангиз Аллоҳ таолонинг ҳузуридан дир. Улар эса, ўзлари тузиб олган ёки ўзларига ўхшаган одамлардан олинган «йўлланма»га амал қиладилар. Сизлар Аллоҳнинг ер юзидаги халифаларисиз. Улар ҳаётининг мазмуни еб-ичишдан иборат бўлган ҳайвон мисолидирлар. Сизлар дунёда ҳаммани ҳидоятга даъват қилувчиларсиз. Улар зулматга, заллатга чақирувчилардир. Сизлар икки дунё саодатига эгасиз. Улар икки дунё бадбахтлигига эгадирлар.

Агар сизлар ҳақиқий иймонли бўлсангиз, доимо устунсиз. Агар сиз ҳақиқий мўмин бўлсангиз, бўшашманг ва хафа бўлманг.

Тарих давомида мусулмонлар ҳақиқий иймонли бўлган чоғларида ва бу ҳақиқатни ўзлари тушуниб етган даврларида доимо устун бўлганлар. Агарчи ҳарбий жиҳатдан, куч-қувват бобида мағлубиятга учраб турган бўлсалар ҳам.

Ислом олами бошига мусийбатлар кўп тушган. Масалан, мўғуллар Ислом оламининг кўп қисмини босиб олиб, узоқ муддат ўз ҳукмларини ўтказдилар. Мусулмонлар ҳарбий жиҳатдан мағлуб бўлган-

ларига қарамай, голиб мўғулларга нисбатан ўзларини устун ҳис қилардилар. Ўзларини ҳақиқий мўминлар, деб билиб, мўғулларни кофир-мушрик, ҳеч нарсага арзимайдиган бир паст халқ деб тушунишар эди. Ақийда, ахлоқ, одоб, инсоний муомалалар, ибодат ва бошқа кўпгина масалаларда ўзларида илоҳий кўрсатмалар борлиги ила фахрланишар ва душманларига юқоридан қарашар эди. Айни чоғда, ўзларидан ўтган баъзи камчиликлар учун бошларига мусийбат етганини, мўғуллардан шу боис мағлуб бўлганликларини тушуниб, ўша камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилганлар. Бунга юз йиллаб вақт керак бўлган. Охири мусулмонлар мўғулларни енгиб, ўз ҳукмларини қайта тикладилар. Голиб халқ дунё тарихида биринчи бор мағлуб халқнинг динига кирди.

Худди шунга ўхшаш ҳодиса салбчилар устида ҳам бўлди. Оврупалик масихий босқинчилар катта куч билан Ислом оламининг қалбини босиб олдилар. Улар ер юзида битта ҳам мусулмон қўймасликни ўзларининг мақсади қилиб олган эдилар. Ҳарбий жиҳатдан голиб чиққан тараф сифатида юз йиллар давомида мазкур мақсадларини амалга ошириш учун қаттиқ тиришдилар.

Мусулмонлар эса, уларга юқоридан қарар эдилар. Ўзларини устун сезардилар. Уларга залолатга кетган кофирлар, иймондан бебаҳра бечоралар, деб қарардилар. Оқибатда, мусулмонлар ўз ҳукмларини қайта тикладилар ва аксинча, босқинчиларнинг кўплари Исломни қабул қилиб, мусулмон бўлдилар.

Ҳозирги кун мусулмонлари айнан ушбу ҳис-туйғуга, ҳақиқий мўминликни ва шу туфайли бошқалардан устун эканликларини тушуниб етишга муҳтождирлар.

Эй мусулмонлар! Агар ҳақиқий мўмин бўлсангиз, бўшашманг, хафа бўлманг, дунёнинг иши ўзи шундай:

إِنْ يَمَسَّكُمْ قَرْحٌ فَقَدْ مَسَّ الْقَوْمَ قَرْحٌ مِّثْلَهُ وَتِلْكَ الْأَيَّامُ نُدَاوِلُهَا بَيْنَ  
النَّاسِ وَلِيَعْلَمَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا وَيَتَّخِذَ مِنْكُمْ شُهَدَاءَ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الظَّالِمِينَ ﴿١٤٠﴾

**140.** Агар сизга жароҳат етган бўлса, у қавмга ҳам шунга ўхшаш жароҳат етган. Бундай кунларни одамлар орасида айлантириб турамиз. Токи, Аллоҳ иймон келтирганларни билиши учун ва улардан шаҳидларни чиқариб олиши учун. Ва Аллоҳ золимларни севмас.

Ушбу ояти каримада бўшашмасликка ва хафа бўлмасликка бўлган даъватнинг ҳикматлари баён қилинмоқда:

**«Агар сизга жароҳат етган бўлса, у қавмга ҳам шунга ўхшаш жароҳат етган».**

Агар сизга Уҳуд уруши ниҳоясида жароҳат, қатл, заифлик етган бўлса, у душман қавмга ҳам шунга ўхшаш жароҳат, қатл, заифлик етган. Эсингиздами, Бадр урушида улар шармандаларча мағлуб бўлган эдилар. Улардан қанчалари ўлди, қанчалари асир тушди ва қанчалари қочиб кетди. Ёки узоққа бориб ўтирмай, Уҳуд жангининг ўзини олиб кўринг. Аввал бошда мушрикларнинг ишонган кишиларидан етмиштаси ҳалок бўлди. Улар қоча бошлади. Сизлар эса, орқаларидан қилич уриб боравердингиз. Мушриклар тумтарақай бўлиб кетишди, ҳатто байроқларини ҳам ташлаб қочишди. Фақат, бир аёл киши келиб, байроқларини кўтаргандагина, унинг атрофида тўпланишди.

Камончилар Пайғамбар алайҳиссаломнинг амрларига хилоф қилдилар. Аллоҳ учун бўлаётган жиҳодда дунёни, ўлжа олиш қасдини аралаштирдилар. Оқибатда, иш тескарисига айланди. Камончилар бўш қолдирган жойдан мушрикларнинг отлиқлари бостириб кириб, мусулмонлар қуршовда қолдилар. У ёғи ўзингизга маълум. Ҳа, бу дунёдаги ишлар шунақа: одамларнинг ниятига ва амалига қараб бораверади. Қолаверса, Аллоҳ таолонинг яна бир суннатига, одатига айланиб қолганки:

**«Бундай кунларни одамлар орасида айлантириб турамиз».**

Яъни, бир ундай, бир бундай бўлиб туради. Агар иш бир хилда тураверса, дунёнинг қизиғи қолмайди. Доимо мусулмонлар ғолиб келаверса, ҳамма ўзини мусулмон, деб эълон қилиб юборади. Оқибатда, ҳамма аралашиб кетиб, ким ҳақиқий мўмин-мусулмон, ким юзаки эканини одамлар била олмай қоладилар. Балки, ҳақиқийлари четда қолиб, юзакилар аравани қуруқ олиб қочадилар. Бизнинг бу ишимизда эса, кишиларнинг ҳақиқати очилади. Сараси саракка, пучаги пучакка ажрайди. Бинобарин,

**«Токи, Аллоҳ иймон келтирганларни билиши учун ва улардан шаҳидларни чиқариб олиши учун»**

кунлар одамлар орасида айлантириб турилади. Ана шунда ким ҳақиқий мўмин, ким мунофиқ эканлиги аён бўлади.

Оятда **«Аллоҳ иймон келтирганларни билиши учун»**, дейилмоқда. Ҳолбуки, Аллоҳ ҳаммасини азалдан билади. Ҳаттоки қалбидаги махфий нарсаларни ҳам билади. Бу оятдаги маъно ўша илмдаги нарсанинг юзага чиқиши, воқеъликда содир бўлиши ҳақида кетмоқда. Аллоҳ ўз илмидаги нарсага биноан эмас, балки бандалар томонидан воқеъликда содир этилган амалларга биноан ҳисоб-китоб қилади. Бу эса, кунларнинг одамлар орасида айланиб туриши туфайли юзага чиқади.



**«...ва улардан шаҳидларни чиқариб олиш учун.»**

Дунё ишларининг турли бўлиб, алмашиб туришининг ҳикматларидан бири шаҳидларни чиқариб олишдир. Яъни, сараланганлар орасидан яна ҳам сарасини ажратиб олишдир. Қийинчилик, оғир ҳолатларда мўминлар мунофиқлардан ажраб чиқадилар. Шу билан бирга, мўминлар ичида янада олиймақомлари – шаҳидлари ҳам ажраб чиқадилар. («Шаҳид»ларнинг иккинчи маъноси гувоҳлардир.)

وَلِيْمَحِّصَ اللّٰهُ الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا وَيَمْحَقَ الْكٰفِرِيْنَ

**141. Токи, Аллоҳ мўминларни поклаши ва кофирларни ҳалок қилиши учун.**

Биз «поклаш» деб таржима қилган сўз Қуръони Карим матнида «тамҳийс» моддасидан олинган феъл шаклида келган. Бу сўз «кераксиз нарсаларни чиқариб ташлаб, ўзи ажраб қолган нарсани яна қайтадан поклаш» маъносини билдиради. Бу жараён инсон қалбида, унинг ич-ичида содир бўлади. Инсон виждонига боғлиқ жараёндир. Бу жараён инсоннинг шахсиятидаги очилмай қолган нуқсонларни таг-тути билан очиб ташлайдиган жараёндир. Бир ишга янгидан киришиб, маълум бир даражага етган инсон ўзини ихлосли, қобилиятли, шижоатли, мақсадга етиш учун йўлда дуч келадиган барча қийинчиликларни енгишга тайёрдек сезади. Аммо, бошига мусийбат тушганда, воқеалар уни муаммолар билан юзма-юз қилганда, ҳали унча пишиб етмаганлиги, қаттиқ зарбаларни сабр билан қабул қилишга тайёр эмаслиги аён бўлади. Бу эса, унинг ўзига яхши. Вақтинчалик мағлубиятдан керакли хулоса чиқариб, камчиликларни бартараф этиб, ўзи уринаётган олий мақсад даражасидаги зарбаларга дош бера оладиган савияга эришиш учун ҳаракат қилади.

Аллоҳ таоло Ислом умматини бутун башариятга етакчи бўлиши учун тарбиялаб бораётган эди. Бадр урушида мусулмонларни ниятларига яраша мукофотлади. Улар ғалаба нашидасини сурдилар. Сўнгра, уларда ғалаба учун мўминлик кифоя, деган фикр пайдо бўлиб, Уҳудга мушрикларнинг келганларини эшитганларида, ғалаба чўнтакларида тургандек жангга ошиқдилар. Ҳаттоки ўз раҳбарлари Муҳаммад алайҳиссаломнинг фикрларига ҳам қарши чиқиб, у кишини ўзлари хоҳламаган ҳолда Ҳужраи Саодатдан совут кийиб чиқишга мажбур этдилар. Ғалабага бўлган бу нотўғри ишонч туфайли камончилар Пайғамбар алайҳиссаломнинг фармонларини буздилар. Оқибатда, кутилмаган ҳол содир бўлди. Уҳуд уруши мусулмон умматига катта дарс, келажакда бутун оламни яхши йўлга етак-

лаш учун тайёрланиш жараёнида бир поклаш босқичи бўлди. Ўзлари ҳали тушуниб етмаган камчилик ва заифликларини кашф этишларига ёрдам берди. Бу эса, кони фойда эди.

**«...ва кофирларни ҳалок қилиш учун.»**

Кофирлар вақтинчалик ғалабадан ғурурга кетиб, куфрларида янада зиёда бўладилар. Уларнинг бу вақтинчалик ғалабаси мусулмонларга дарс эканини, мусулмонларни яна ҳам сайқаллайдиган бир ҳол эканини тушуниб етмайдилар. Оқибатда, уларнинг ҳалокати яқинлашади.

Ўн тўртинчи ҳижрий асрнинг охири ва ўн бешинчи асрнинг бошларида мусулмонлар учун илгари ҳам неча марта такрорлангани каби, покланиш даври бўлмоқда. Бу даврда кофир ва мунофиқлар кўпайиб, ҳақиқий мўминлар ажраб чиқмоқдалар. Аллоҳ таоло ушбу оятларда баён қилган ва яна бошқа фақат Ўзи биладиган ҳикматларга кўра, кунларнинг айланишини мусулмонларнинг зиддига қилиб қўйди. Кўпларнинг кўзига кофир ва мунофиқлар ҳамма нарсада устун бўлиб кўринмоқда. Беш кунлик дунёнинг матоҳига учганлар уларга қўшилиб кетмоқдалар. Ҳақиқий мусулмонлар ажраб қолиб, уларга имтиҳон устига имтиҳон, синов устига синов келмоқда. Саҳиҳ ҳадисларда келишича, қиёматгача албатта бутун дунё мусулмон бўлади. Эҳтимол, ўша улўф мақомга мусулмонларни тайёрлаш учун поклаш жараёни кечаётгандир.

أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تُدْخَلُوا الْجَنَّةَ وَلَمَّا يَعْلَمِ اللَّهُ الَّذِينَ جَاهَدُوا مِنْكُمْ وَيَعْلَمُ الصَّابِرِينَ ﴿١٤٢﴾

**142. Ёки Аллоҳ сизлардан жиҳод қилганларни билмасдан ва сабрлиларни билмасдан туриб, жаннатга кираверамиз, деб ҳисоблайсизми?!**

Аллоҳ таоло ушбу оятда мусулмонларнинг ғалаба ва мағлубият, мукофот ва жазо ҳақидаги тасаввурларини тўғриламақда. Олий мақсадларга, жаннатга эришиш осон эмаслигини баён қилмоқда. Ҳа, албатта, бу йўл қийинчилик ва машаққатларга тўла. Мақсадга эришиш учун жиҳод қилиш, ўзидаги ҳамма имкониятларни охиригача ишга солиш керак. Демак, жиҳоднинг ўзи кифоя қилмайди. Балки, сабр ҳам лозим. Сабр ғалабага эришгандан сўнг ўз бурчини адо этиш вақтида ҳам зарур. Шунинг учун, ҳеч бўшашмаслик ва хафа бўлмаслик керак. Ҳақ йўлини билгандан кейин, қанчалик қийин бўлмасин, унда собит қадамлар билан бориш лозим. Баъзи кишиларнинг ўлими, ҳатто раҳбарларнинг ўлими ҳам сизни бу йўлдан қайтармасин.

وَلَقَدْ كُنْتُمْ تَمَنَّوْنَ الْمَوْتَ مِنْ قَبْلِ أَنْ تَلْقَوْهُ فَقَدْ رَأَيْتُمُوهُ وَأَنْتُمْ نَنْظُرُونَ ﴿١٤٣﴾

**143. Дучор бўлмасингиздан олдин ўлимни орзу қилган эдингиз. Энди уни кўриб, назар солиб турибсиз.**

Бу хитоб Уҳуд уруши чоғидаги ва ундан олдинги ҳолатни мусулмонларнинг ёдига солиш учундир. Маълумки, Бадр урушида кўпчилик қатнаша олмай қолган эди. Бадрдаги ғалаба, унда шаҳид бўлганларга ваъда қилинган олий даражаларни билгандан сўнг, яна ғазот бўлса эди, биз ҳам савобга эришар эдик, шаҳид бўлсак, ушбу олий даражаларга эришар эдик, деган орзу кўпчиликнинг хаёлини қамраб олган эди. Шунинг учун ҳам, кўплар, айниқса ёшлар шўро мажлисида, Пайғамбар алайҳиссаломнинг фикрларига ҳам кўнмай, Уҳудга чиқамиз, деб туриб олишди. Аввалда айтиб ўтилганидек, ҳатто майда болалар ҳам эргашиди. Шунда ўн беш ёшдан кичикларини қайтариб юборишга тўғри келди. Бу ҳолат ҳам мусулмонлар орасида жиҳодга қизиқиш қанчалик зўр эканини кўрсатди.

Амр ибн ал-Жамуҳ розияллоҳу анҳу қаттиқ оқсоқ бўлиб, у кишининг тўрт нафар ўғиллари Пайғамбар алайҳиссалом билан ғазотларда иштирок этишар эди. Одамлар Уҳудга жўнашаётганда, Амр ибн ал-Жамуҳ розияллоҳу анҳу ҳам отландилар. Ўғиллари у кишига:

«Аллоҳ сизга жиҳодга чиқмасликка рухсат берган, ўтираверинг, биз ўзимиз кифоя қиламиз», — дейишди. У киши Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига бориб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, манави ўғилларим мени сиз билан бирга жиҳодга чиқишдан ман қилишмоқда. Аллоҳга қасамки, мен шаҳид бўлишни ва мана шу чўлоқ оёғим билан жаннатни босишни орзу қиламан», — деди. Расулуллоҳ алайҳиссаломату вассалом у кишига:

«Аллоҳ сенга рухсат берган эди-ку, — дедилар-да, ўғилларига: — Сизлар қўйиб берсаларингиз бўлмайдими? Шояд, Аллоҳ бунга ҳам шаҳидликни насиб этса», — дедилар. У одам жиҳодга чиқиб, Уҳудда шаҳид бўлдилар. Кўпчилик ўз ниятида содиқ эканлигига шубҳа йўқ. Лекин, ҳали айтиб ўтилганидек, ҳамма ҳам ўзининг фидокорлик даражасини аниқ била олмайди. Бунинг устига, покланиш жараёнида, яъни, мусийбат етганда, оғирлик бошга тушганда, ҳамма Аллоҳнинг йўлида шаҳид бўлиш орзуида Уҳудга чиққан эди. Аммо, ўлимга дуч келиб, шерикларининг ўлаётганини кўриб, қўрқиб қочиб қолдилар. Ҳаттоки раҳбарлари Муҳаммад алайҳиссаломни ҳам ташлаб қочдилар. Уруш тугагандан кейин тушган бу оят уларга катта дарс эди.

Келаси оятда Уҳуд урушидаги яна бир ҳодиса ёдга олиниб, мусулмонларга яна бир катта сабоқ берилади:

وَمَا مُحَمَّدٌ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِهِ الرُّسُلُ أَفَإَيْنَ مَاتَ أَوْ قُتِلَ انْقَلَبْتُمْ عَلَىٰ  
 أَعْقَابِكُمْ وَمَنْ يَنْقَلِبْ عَلَىٰ عَقْبَيْهِ فَلَن يَضُرَّ اللَّهَ شَيْئًا وَسَيَجْزِي اللَّهُ الشَّاكِرِينَ ﴿١٤٤﴾

**144. Муҳаммад ҳам бир Пайғамбар, холос. Ундан аввал ҳам Пайғамбарлар ўтган. Агар у ўлса ёки қатл қилинса, орқангизга қайтасизми?! Кимки орқасига қайтса, Аллоҳга ҳеч зарар келтира олмас. Ва Аллоҳ шукр қилувчиларни мукофотлар.**

Уҳуд жангида камончилар ўз жойларини тарк этгач, мусулмонларнинг мушриклар қуршовига учраган қисми жуда оғир ҳолатга тушиб қолдилар. Шу пайт мушриклардан Ибн Қумайъа исмли одам зарб билан Пайғамбар алайҳиссаломнинг бошларини ёрди ва мушриклар ҳузурига бориб: «Муҳаммадни ўлдирдим!!!» деб қичқирди. Жанг майдонида «Муҳаммад ўлибди, Расулуллоҳ ўлибди», деган гап яшин тезлигида тарқалди. Бу хабарни эшитган мусулмонларда бўшашиш ва заифлик пайдо бўлди. Улар тумтарақай бўлиб, дуч келган томонга қоча бошладилар. Фақат, Расулуллоҳ алайҳиссалом вассаломнинг оз сонли кишилар билан собит туришларигина катта фалокатнинг олдини олди. «Расулуллоҳ ўлди», деган хабар мусулмонларни ҳаддан ташқари умидсизлантириб юборди. Ҳаттоки Умар ибн Хаттоб ва Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳумо каби улкан саҳобийлар ҳам бу машъум хабардан кейин умидсиз бўлиб, бир гуруҳ муҳожир ва ансорийлар билан биргаликда жангни тўхтатиб, ўтириб қолишди. Ушбу оят мусулмонларнинг бу тасаввурлари нотўғри эканини баён қилиб, уларга ибратли дарс бермоқда:

**«Муҳаммад ҳам бир Пайғамбар, холос».**

Яъни, сизларга йўлбошчи бўлиб юрган Муҳаммад алайҳиссалом ҳам бошқа Пайғамбарлар каби бир Пайғамбардир, холос.

**«Ундан аввал ҳам Пайғамбарлар ўтган.»**

У ўша ўтган Пайғамбарлар силсиласидан бир ҳалқадир. Аллоҳ Ўз динини бандаларига етказиш учун уларнинг ичидан Одам Атодан буён ҳар замон ва ҳар қавмнинг хусусиятларига қараб Пайғамбарлар танлаб, уларга ваҳий юбориб турган. Инсоният тарихи давомида кўплаб Пайғамбарлар келиб кетганлар.

**«Агар у ўлса ёки қатл қилинса, орқангизга қайтасизми?!»**

Муҳаммаднинг ўлими сизларни Аллоҳнинг динидан қайтаради-ми?! Сиз эътиқод қилаётган дин Муҳаммаднинг дини эмас-ку! Бал-

ки Аллоҳнинг дини-ку! Аллоҳнинг динига хизмат қилиш учун қанчадан-қанча Пайғамбарлар келиб кетганлар. Ислом дини бир кишининг ҳаётига боғлиқ эмас. Балки у қиёмат қўпгунча қоладиган диндир. Агар бир кишининг, ҳатто Муҳаммад алайҳиссалом каби улкан ва комил инсоннинг ҳаётига боғлиқ бўладиган бўлса, унинг абадийлиги қолмас эди. Демак, унинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитганингиздан сўнг тушқунликка тушиб, қочиб қолишингиз нотўғридир:

**«Кимки орқасига қайтса, Аллоҳга ҳеч зарар келтира олмас».**

Ҳаммангиз қайтиб кетсангиз ҳам, Аллоҳга ҳеч зарар етмайди. Балки, ким орқага қайтса, ўшанинг ўзи зарар тортади. Ислом дини Аллоҳ таоло томонидан бандаларга берилган улкан неъматдир. Кимки бу неъматга ҳидоят топса, икки дунёнинг бахтига муяссар бўлади.

**«Ва Аллоҳ шукр қилувчиларни мукофотлар.»**

Кимки Исломнинг улуғ неъмат эканини тушуниб етса, шукр қилса, яъни, Исломни ўзига ҳаёт йўли қилиб олиб, Аллоҳга бу неъмат учун ҳамду сано айтса, Аллоҳ таоло унга мукофот беради.

Уҳуд ғазотида бўлиб ўтган бу ҳодиса ва унинг баёни бўлиб тушган ушбу оят орқали Аллоҳ таоло мусулмонларни Пайғамбар алайҳиссаломнинг шахсларига ортиқча ёпишишдан қайтариб, асосий манбага қарашга одатлантиришни хоҳлаган. Мусулмонлар тўғридан-тўғри Аллоҳнинг Ўзига мурожаат қилишни ўргансинлар. Улар Аллоҳнинг олдида ўзларининг масъул эканликларини сезсинлар.

Шу билан бирга, бу ҳодиса ва оят Пайғамбар алайҳиссаломнинг вафотларига тайёргарлик, мусулмонлар бошига бир куни шундай мусийбат тушганда довдираб қолмасликлари учун дарс эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. У киши вафот этганларида, ҳеч кимнинг ишонгиси келмади. Ҳатто Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу қиличларини чиқариб: «Ким Муҳаммад ўлди деса, бошини узаман», деб ҳовлида айланиб юрдилар. Фақат Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу бу ҳақиқатни тушуниб етдилар. Бу вақтда у киши шаҳардан ташқарига чиққан эдилар. Хабарни эшитиб, тезлаб келдилар. Ҳужраи Саодатга кириб, Пайғамбар алайҳиссаломни ўлдирдилар-да:

«Тириклигингизда ҳам пок эдингиз, ўликлигингизда ҳам пок сиз», — дедилар. Сўнгра, ташқарига чиқиб, баланд овоз билан: «Эй одамлар! Ким Муҳаммадга сиғинаётган бўлса, Муҳаммад вафот этди. Аммо ким Аллоҳга сиғинаётган бўлса, Аллоҳ тирик ва ўлмайди», — дедилар ва ушбу ояти каримани тиловат қилдилар. Ана ўшандагина мусулмонлар ўзларига келиб, ҳушёр тортдилар.

Кейинги оятда одамлар қўрқаётган ўлим фақат Аллоҳнинг изни билан бўлишининг баёни келади:

وَمَا كَانَ لِنَفْسٍ أَنْ تَمُوتَ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ كَتَبْنَا مُوَجَلًّا وَمَنْ يُرِدْ ثَوَابَ الدُّنْيَا  
نُؤْتِهِ مِنْهَا وَمَنْ يُرِدْ ثَوَابَ الْآخِرَةِ نُؤْتِهِ مِنْهَا وَسَنَجْزِي الشَّاكِرِينَ ﴿١٤٥﴾

**145. Ҳеч бир жон Аллоҳнинг изнисиз ўлмас. Бу ёзилган ажалдир. Ким бу дунёнинг савобини хоҳласа, унга ўшандан берурмиз. Ким охиратнинг савобини хоҳласа, унга ўшандан берурмиз. Ва шуқр қилувчиларни муқофотлармиз.**

Сизлар ўлимдан қўрқиб, урушни ташлаб қочиб юрибсизлар. Ҳолбуки, Аллоҳнинг изнисиз бирорга одам ўлмайди. Қачонки Аллоҳ жон олувчи фариштага изн бергандагина, унинг жонини олади:

**«Бу ёзилган ажалдир».**

Маълум ва белгиланган муддатдир. Ўлим ундан аввал ҳам, кейин ҳам келмайди. Балки, айнан белгиланган вақтда келади. Шунинг учун, қўрқмасдан душман билан урушаверишингиз керак эди. Қўрқоқлик ажални чўзиб юбормайди. Шижоат ҳам умрни камайтириб қўймайди.

Шундай бўлгандан кейин, ҳамма охират учун нима тайёрлаб қўйганига қарасин. Қилган амалига қараб самарасини теради.

**«Ким бу дунёнинг савобини хоҳласа, унга ўшандан берурмиз».**

Ким бу беш кунлик дунёнинг дардида юрган бўлса, иймон йўлини тарк қилиб, ҳайвон каби бу дунё матоҳларидан фойдаланишни ўзининг олий мақсади қилиб олган бўлса, унга ўша хоҳлаган нарсаси берилади.

Лекин белгиланган ажалидан ортиқ яшай олмайди. Охиратига ҳеч нарса қолмайди.

**«Ким охиратнинг савобини хоҳласа, унга ўшандан берурмиз.»**

Кимки олий уфқларга интилса, бу беш кунлик дунёнинг тор доираси билан чегараланиб қолмай, охиратнинг чексиз ҳаётига ҳам интилса, иймон йўлини ўзига йўл тутиб, ҳақиқий инсон бўлиб ҳаёт кечирса, ушбу ҳаёти давомида, охират савобига эришишни ўзининг олий мақсади қилиб олган бўлса, унга ўша хоҳлаган нарсаси берилади. Лекин у ҳам ажали етганда ўлади.

**«Ва шуқр қилувчиларни муқофотлармиз.»**

Инсон зотини улуғлаган Аллоҳга шуқр қилиб, ҳайвонлик даражасидан инсонлик даражасига кўтарилиб, иймон йўлини тутганларга Аллоҳнинг муносиб муқофотлари бўлади.

Сўнгра, аввалги ўтган умматлар шунга ўхшаш ҳолатга тушиб қолганларида ўзларини қандай тутганлари мисол қилиб келтирилади:

وَكَايْنٍ مِّن نَّبِيٍّ قَاتَلَ مَعَهُ رَبِّيُونَ كَثِيرٌ فَمَا وَهَنُوا لِمَا أَصَابَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَمَا  
 ضَعُفُوا وَمَا اسْتَكَانُوا وَاللَّهُ يُحِبُّ الصَّابِرِينَ ﴿١٤٦﴾

**146. Қанчадан қанча Пайғамбарлар билан бирга кўплаб роббонийлар жанг қилганлар. Улар Аллоҳ йўлида етган мусийбатдан бўшашмаганлар, заифлашмаганлар ва бўйсунмаганлар. Аллоҳ сабрлиларни севадир.**

Аллоҳнинг динини ҳимоя қилиб жанг қилаётганлар фақат сизлар эмас. Балки, сизлардан аввал ўтган умматлар орасида ҳам ўз Пайғамбарлари билан бирга кофирларга қарши жанг қилган роббонийлар кўп бўлган. «Роббоний» сўзи «Робб»га нисбат бўлиб, Роббил Олабийнга астойдил берилган, фақат Аллоҳ учун яшаётган инсон маъносини англатади. Тафсирчи уламоларимиз бу сўзни сабри, тақводор, аброр уламолар, деб тушунтиришган.

**«Улар Аллоҳ йўлида етган мусийбатдан бўшашмаганлар, заифлашмаганлар ва бўйсунмаганлар».**

Ўз Пайғамбарлари билан биргаликда кофирларга қарши жанг қилган роббонийларга ҳам сизга етган каби мусийбатлар етган, лекин улар бўшашмаганлар, заифлашмаганлар ва бўйинсуниб, таслим ҳам бўлмаганлар.

Улар Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишни ўзларига шараф билганлар ва бу олий мақсад йўлида учраган тўсиқларни мардлик билан енгганлар. Бало-офатларга сабр қилганлар.

**«Аллоҳ сабрлиларни севадир.»**

Аллоҳ йўлида қилаётган жиҳодларида қийинчиликларга, бало-офатларга сабр қилган бандаларини Аллоҳ севади. Сиз ҳам бўшашмай, заифлашмай, бўйин эгмай, сабр ила курашни давом эттиринг.

وَمَا كَانَ قَوْلَهُمْ إِلَّا أَن قَالُوا رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَإِسْرَافَنَا فِي أَمْرِنَا وَثَبِّتْ أَقْدَامَنَا  
 وَأَنْصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ ﴿١٤٧﴾

**147. Улар: «Эй Роббимиз! Бизнинг гуноҳларимиз ва ишимиздаги исрофимизни Ўзинг кечиргин, собитқадам қилгин ва кофир қавмлар устидан бизга нусрат бергин», деган гапдан ўзга гапни айтмаганлар.**

Мазкур роббонийлар жуда ҳам одобли, ҳақиқатан ўзларини Аллоҳнинг йўлига тиккан кишилар эканлиги уларнинг ушбу мақоми-

дан ҳам билиниб турибди. Улар ўзлари роббонийлик даражасига эришган, Аллоҳнинг йўлида Пайғамбарлари билан бирга жанг қилиб, мусийбатга учраган бўлишларига қарамай:

**«Эй Роббимиз! Бизнинг гуноҳларимиз ва ишимиздаги исрофимизни Ўзинг кечиргин...»** дейишмоқда.

Бу ҳол уларнинг ўта камтар инсон эканликларини ҳам кўрсатади. Шу билан бирга, Аллоҳнинг йўлидаги жиҳодлари чоғида етган мусийбат сабабларини ўзларининг гуноҳларидан ва ишларидаги камчиликлардан қидирганларини кўрсатади.

Улар илтижо этар эканлар:

**«...собитқадам қилгин ва кофир қавмлар устидан бизга нусрат бергин», деган гапдан ўзга гапни айтмаганлар».**

Шубҳасиз, юксак одоб намунасидир бу: ўзлари роббоний бўлишларига, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилиб турганларига қарамай, ўзлари учун ҳеч нарса сўрамаётирлар. Бу дунёнинг савобини сўрамаяптилар. Ҳатто охиратнинг савобини ҳам сўрамаяптилар. Балки, Аллоҳ таолодан шу қилаётган ишларида собитқадам қилишни, бардавом этишни сўрамоқдалар. Улар сўраган яна бир нарса — нусрат. У ҳам ўзлари учун эмас, балки кофир қавмлардан устун бўлиш учун, иймон куфрдан устун бўлиши учундир.

Натижада, Аллоҳ таоло уларга сўраганларидан ортиғини берди:

فَعَانَهُمُ اللَّهُ ثَوَابَ الدُّنْيَا وَحَسَنَ ثَوَابِ الْآخِرَةِ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ

**148. Бас, Аллоҳ уларга бу дунё савобини ва охиратнинг гўзал савобини берди. Аллоҳ гўзал амал қилувчиларни севадир.**

Аллоҳ таоло ҳамма нарсани билиб, кўриб турувчи Зот. Мазкур роббоний бандаларнинг амаллари ва юксак одоблари учун бу дунёнинг нарсаларидан дунё толиблари орзу қилганларидан ҳам яхшироғини берди. Охират нарсаларидан эса, охират толиблари орзу қилганидан ҳам яхшироғини берди. Ҳамда уларни **«чиройли амал қилувчилар»** унвони ила атади.

Ғалаба ва мағлубият, ҳаёт ва ўлим, баъзи кишиларнинг, жумладан, раҳбарларнинг ўлими ва диний ҳаракатга унинг таъсири ҳақидаги нотўғри тушунча ва тасавурларни тўғрилаш учун туширилган оятлар шу билан ниҳоясига етди.

Кейинги оятларда яна Уҳуд урушига, жанг майдонига қайтилади. Бўлиб ўтган ҳодисалардан ваъз-насихат ва ибрат олишга тарғиб бўлади. Кофир ва мунофиқларнинг душманликларидан эҳтиёт бўлишга қизиқтирилади:



يَتَّيِّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِن تَطِيعُوا الَّذِينَ كَفَرُوا يَرُدُّوكُمْ عَلَىٰ  
 أَعْقَابِكُمْ فَتَنْقَلِبُوا خَاسِرِينَ ﴿١٤٩﴾

**149. Эй, иймон келтирганлар! Агар куфр келтирганларга итоат қилсангиз, орқангизга қайтарурлар. Бас, зиён кўргувчиларга айланиб қолурсиз.**

Маълумки, мусулмонлар Уҳуд ғазотида қисман мағлубиятга учрадилар. Бу иш Мадийнаи Мунавварада улар билан бирга яшаб турган кофир ва мунофиқларга иғво учун катта баҳона бўлди. Бадр ғазотидаги ғалабадан сўнг, ҳамма мусулмонларга ҳавас билан қараб, улар билан ҳисоб-китоб қиладиган бўлиб қолган эди. Аммо, Уҳуддан кейин барча иш тескарисига айланди. Кофир ва мунофиқлар мусулмонларга паст назар билан қарайдиган, уларга насиҳат қиладиган ва ўзларича «тўғри йўл» кўрсатадиган бўлиб қолдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, мунофиқлар мусулмонларга:

«Агар у ҳақиқий Пайғамбар бўлганида, бу мусийбат етмас эди. Ҳали ҳам бўлса, қайтинглар», дейишган.

Шундан кўришиб турибдики, кофир ва мунофиқлар Уҳуд жангида етган мусийбатдан мусулмонларни Аллоҳнинг динидан қайтариш учун фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Шу боис ҳам, Аллоҳ таоло ушбу оятда мўмин бандаларига хитоб қилиб, кофирларнинг гапига кирмасликка чақирмоқда:

**«Эй, иймон келтирганлар! Агар куфр келтирганларга итоат қилсангиз, орқангизга қайтарурлар».**

Яъни, уларнинг гапига кирсангиз, иймон ва Исломдан сизни яна куфр ва ширкка қайтарадилар.

**«Бас, зиён кўргувчиларга айланиб қолурсиз».**

Иймондан айрилишдан ҳам катта зиён борми? Исломни тарк этиб, жоҳилиятга қайтишдан ҳам катта зиён борми?! Хўш, кофирларнинг гапига кириб, улар томон қайтишдан мақсад нима — турмушда улардан ёрдам ва ҳимоя сўрашми?

بَلِ اللَّهِ مَوْلَانِكُمْ وَهُوَ خَيْرُ النَّاصِرِينَ ﴿١٥٠﴾

**150. Йўқ! Аллоҳ хўжангиздир. Ва У ёрдам берувчиларнинг яхшисидир!**

Йўқ, улар сизга ёрдам ҳам бера олмайди, ҳомий ҳам бўла олмайди. Балки, Аллоҳ таоло сизнинг хўжангиз ва валийингиздир. Ҳақиқий ёрдам берувчиларнинг яхшиси ҳам ёлғиз У Зотдир.

Кейинги оятда мўминлар қалбига таскин берувчи сўзлар келади:

سُنِّقِي فِي قُلُوبِ الَّذِينَ كَفَرُوا الرُّعْبَ بِمَا أَشْرَكُوا بِاللَّهِ مَا لَمْ يُنَزَّلْ  
بِهِ سُلْطَانًا وَمَأْوَاهُمُ النَّارُ وَبِئْسَ مَثْوَى الظَّالِمِينَ ﴿١٥١﴾

**151. Тезда куфр келтирганларнинг қалбига, Аллоҳга ҳужжатсиз нарсани ширк келтирганлари учун, қўрқувни солурмиз. Уларнинг қароргоҳи дўзахдир. Золимларнинг жойи қандай ҳам ёмон!**

Агар мўминлар ҳақиқий иймон эгалари бўлсалар, улар ҳар қачон кофирлар билан тўқнашганларида, Аллоҳ таоло кофирлар қалбига қўрқувни солиб қўяди. Чунки, кофирлар ҳужжатсиз, қувватсиз, имконсиз нарсаларга таянадилар. Бут, санам, шахс, тузум ёки фолбинларни ўзларига ақийда қилиб олганлар. Асоси пуч бўлгандан кейин, дарровда оёғи қалтираб қолиши турган гап. Фақат мўминлар иймонларида содиқ қолиб, ўзларидаги ҳақда маҳкам турадилар, бас, Аллоҳ ваъдасига вафо қилиб, кофирлар қалбига қўрқувни солади ва улар мағлуб бўлади. Бу иш кофирларга бу дунёда куфрлари сабабидан етадиган азоблардан биридир. У дунёда эса:

**«Уларнинг қароргоҳи дўзахдир».**

Аллоҳга ҳужжатсиз нарсани ширк келтирганлари учун бу жазога муносибдирлар.

**«Золимларнинг жойи қандай ҳам ёмон!»**

Улар ширк келтиришлик билан жуда ҳам катта зулм қиладилар. Бундай катта ва ёмон зулм қилганлар, албатта, энг ёмон жойга лойиқдирлар.

Имом ал-Воҳидий «Асбобун Нузул» китобида ривоят қилишларида, Расулуллоҳ алайҳиссалату вассалом ва саҳобалар Уҳудда мусийбатга учраб, Мадийнаи Мунавварага қайтганларида баъзи саҳобалар:

«Бу мусийбат бизга қаердан етди, Аллоҳ бизга нусратни ваъда қилган эди-ку?» дейишганида, қуйидаги оят нозил бўлган экан:

وَلَقَدْ صَدَقَكُمُ اللَّهُ وَعْدَهُ إِذْ تَحُسُّونَهُمْ بِإِذْنِهِ ۗ هَلْ يَخْتَفُونَ إِذَا  
فُشِلْتُمْ وَتَنَزَعْتُمْ فِي الْأَمْرِ وَعَصَيْتُمْ مِّنْ بَعْدِ مَا أَرَاكُمْ مَا تُحِبُّونَ ۗ

مِنْكُمْ مَّنْ يُرِيدُ الدُّنْيَا وَمِنْكُمْ مَّنْ يُرِيدُ الْآخِرَةَ ثُمَّ صَرَفَكُمْ عَنْهُمْ  
لِيَبْتَلِيَكُمْ وَلَقَدْ عَفَا عَنْكُمْ وَاللَّهُ ذُو فَضْلٍ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ ﴿١٥٢﴾

**152. Батаҳқиқ, Аллоҳ ваъдаси устидан чиқди. Сиз Унинг изни билан уларни қира бошладингиз. Токи заифлашиб, амр ҳақида ихтилоф қилиб ва сиз суйган нарсани кўрсатганидан сўнг, исён қилгунингизча. Орангизда дунёни хоҳлайдиган кимсалар бор ва орангизда охиратни хоҳлайдиган кимсалар бор. Сўнгра, сизларни имтиҳон қилиш учун улардан бурди. Батаҳқиқ, сизни афв этди. Аллоҳ мўминларга фазл эгаси бўлган Зотдир.**

Пайғамбар алайҳиссалом жанг бошланишидан олдин мусулмонларга: «Агар сабр қилсаларингиз, нусрат сизлар билан», деб айтган эдилар. Бу, Аллоҳ таолонинг Ўз Пайғамбари тилидан берган ваъдаси эди. Уҳуд жанги бошлангач, аввал бошда:

**«Батаҳқиқ, Аллоҳ ваъдаси устидан чиқди. Сиз Унинг изни билан уларни қира бошладингиз».**

Мушриклар ичида қатл этилганлар кўпайиб кетди. Улар саросимага тушиб, тумтарақай қоча бошладилар. Орқа-олдиларига қарамай, ҳамма нарсани ташлаб қочишарди, ҳар ким ўзи билан ўзи бўлиб қолди. Ҳаттоки, байроқлари ҳам қўлдан тушди. Бир аёл кескин келиб байроқни кўтармагунча, ҳеч ким унга қарамади. Бу ҳол:

**«Токи заифлашиб, амр ҳақида ихтилоф қилиб ва сиз суйган нарсани кўрсатганидан сўнг исён қилгунингизча»** давом этди.

Камончилар мушриклардан қолган ўлжаларни кўриб, нафслари заифлашиб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг: «Жойингизни асло тарк этманг!», деган амри ҳақида ихтилоф қила бошладилар. Баъзилари: «Мушриклар енгилиб бўлди. Бу ерда нима қилиб турибмиз?! Келинглар, биз ҳам жанг майдонига кириб, бошқалар қатори ўлжадан олайлик», — дедилар. Камончиларнинг амири Абдуллоҳ ибн Жубайр бошлиқ ўнтача нафари эса: «Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг амрига хилоф қилманглар!» — дедилар. Ва ниҳоят, улар суйган нарсани, яъни, ғалаба ва нусратни Аллоҳ уларга кўрсатгандан сўнг, исён қилдилар, жойларини тарк этиб, ўлжа йиғишга киришиб кетдилар.

Шу пайт Халид ибн Валид бошлиқ отлиқ мушриклар улар ташлаб кетган жойдан бостириб келдилар ва мусулмонлар қуршовда қолдилар. Мулоҳаза қилиш лозимки, аслида сустлашган, ихтилоф ва исён қилганлар камончилардир. Улар озчилик бўлсалар ҳам, қилган ишлари ҳаммага нисбат берилмоқда. Демак, бир гуруҳ одамлардан

содир бўлган ноқулайлик ҳаммага таъсир этар экан. Шунинг учун, ҳамма бирдек тарбия қилинган бўлиши керак.

Кейинги жумлада мазкур исённинг келиб чиқиш сабаби баён қилинмоқда:

**«Орангизда дунёни хоҳлайдиган кимсалар бор ва орангизда охиратни хоҳлайдиган кимсалар бор».**

«Дунёни хоҳлайдиган кимсалар» – жойларини тарк этиб, ўлжа йиғишга киришиб кетган камончилар.

«Охиратни хоҳлайдиган кимсалар» – жойларида сабот билан туриб жанг қилганлар.

Умумий маъно шуки: Аллоҳ таоло сиз ўзингиз сушлашиб, ихтилоф қилиб, исён қилгунингизча ваъдасининг устидан чиқиб турди, кейин эса, У саналган сабабларга кўра:

**«Сўнгра, сизларни имтиҳон қилиш учун улардан бурди».**

Яъни, сиздан ёрдамни олди, улардан устун келишингизни тўхтатди. Бу ишни сизни имтиҳон қилиш, синаш учун қилди. «Сизларни улардан бурди», яъни, урушиб турган мусулмонлар бурилиб қоча бошладилар.

Уҳуд жангида ғолиб келиб турган мусулмонлар бирдан мағлубиятга учрашлари исён, сусткашлик ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг амрларига хилоф қилиш оқибатида юзага келди. Ҳолбуки, Бадр ғазотида мусулмонлар сонлари, қуроллари оз бўлса ҳам ғолиб келган эдилар. Бу эса, ўз навбатида, Аллоҳнинг мўминларга нусрат беришга ваъдаси мўминларнинг Аллоҳнинг амрига тўлиқ амал қилишларига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

**«Батаҳқиқ, сизни афв этди.»**

Бас, Аллоҳ таоло сизнинг сусткашлигингизни, заифлигингизни ва исённингизни афв этди.

**«Аллоҳ мўминларга фазл эгаси бўлган Зотдир.»**

Уларнинг гуноҳларини кечиши ҳам У Зотнинг фазлидандир.

﴿ إِذْ تَصَعَّدُونَ وَلَا تَكُونُ عَلَى أَحَدٍ وَالرَّسُولُ يَدْعُوكُمْ فِي آخِرَتِكُمْ فَأَثَبَكُمْ غَمًّا بِغَمِّ لِكَيْلَا تَحْزَنُوا عَلَى مَا فَاتَكُمْ وَلَا مَا أَصَابَكُمْ وَاللَّهُ خَيْرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴾

153. Пайғамбар ортингиздан чақириб турса ҳам ҳеч кимга қарамай тирқираб қочганингизни эсланг. Ўтган нарсага ва етган мусийбатга хафа бўлмаслигингиз учун сизга ғам устига ғам берди. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардор Зотдир.

Қуршовда қолган мусулмонлар ҳеч кимга қарамай, ҳатто Пайғамбар алайҳиссаломга ҳам қарамай қоча бошладилар. Ўша пайтда уларнинг орқасидан Пайғамбар алайҳиссалом: «Аллоҳнинг бандалари мен томонга, Аллоҳнинг бандалари мен томонга!!! Мен Аллоҳнинг Расулиман!!! Ким қайта ҳужум қилса, унга жаннат бор!!!» деб қичқиради эдилар.

**«Ўтган нарсага ва етган мусийбатга хафа бўлмаслигингиз учун сизга ғам устига ғам берди.»**

Аллоҳ таоло Уҳуд урушида сизга ғам устига ғам берди. Аввало жароҳат етди; кўпчилик қатл бўлди; мушриклардан мағлуб бўлдилар; ўлжадан қуруқ қолдилар; ғалабани қўлдан чиқардилар ва энг улкан ғам — Расулulloҳни офир ҳолда ташлаб қочишлари ва у зотнинг бошлари ёрилиб, тишлари синиб, ёноқларига темир ҳалқаларнинг кириши бўлди. Мана шу охирги ғам ҳамма ўтган нарсаларни ва етган мусийбатларни унутдириб юборди.

**«Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.»**

Ундан ҳеч нарса махфий қолмайди. Демак, доимо Унга тоат қилинг. Унга исендан доимо ҳазар қилинг.

Аллоҳ мўмин бандаларига доимо меҳрибондир. Шунинг учун ҳам, улардан беодоблик, исён содир бўлса ҳам:

ثُمَّ أَنْزَلَ عَلَيْكُم مِّن بَعْدِ الْغَمِّ أَمَنَةً نُّعَاسًا يَغْشَى طَآئِفَةً مِّنكُمْ وَطَآئِفَةٌ قَدْ أَهَمَّتْهُمْ أَنفُسُهُمْ يَظُنُّونَ بِاللَّهِ غَيْرَ الْحَقِّ ظَنَّ الْجَاهِلِيَّةِ يَقُولُونَ هَل لَّنَا مِنَ الْأَمْرِ مِن شَيْءٍ قُلْ إِنَّ الْأَمْرَ كُلَّهُ لِلَّهِ يُخَفُونَ فِي أَنفُسِهِمْ مَا لَا يُبْدُونَ لَكَ يَقُولُونَ لَوْ كَانَ لَنَا مِنَ الْأَمْرِ شَيْءٌ مَّا قُتِلْنَا هَاهُنَا قُلْ لَوْ كُنْتُمْ فِي بُيُوتِكُمْ لَبَرَزَ الَّذِينَ كُتِبَ عَلَيْهِمُ الْقَتْلُ إِلَىٰ مَضَاجِعِهِمْ وَلِيَبْتَلِيَ اللَّهُ مَا فِي صُدُورِكُمْ وَلِيُمَحَّصَ مَا فِي قُلُوبِكُمْ وَاللَّهُ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ ﴿١٥٤﴾

154. Сўнгра, ғамдан кейин сиздан бир тоифангизни қамраб олган мудроқни омонлик қилиб туширди. Бошқа тоифа эса, ўзи билан овора бўлиб, Аллоҳ ҳақида ноҳақ, жоҳилият гумонини қилиб: «Бизнинг қўлимизда нима иш бор эди», дейишди. Сен: «Ишнинг барчаси Аллоҳдандир», деб айт! Сенга ошкор қилмаган нарсаларини ичларида махфий тутарлар. Улар: «Агар қўлимизда бир иш бўлганида, бу ерда қатл қилинмас эдик», дерлар. Сен:

**«Агар уйларингизда бўлсангиз ҳам, қатл бўлиш тақдирида ёзилганлар ўз ўлим жойларига чиқар эдилар. Бу, Аллоҳ кўксингиздаги нарсани синаши ва қалбингиздагини яхшилаб поклаши учундир. Аллоҳ кўксингиздаги нарсани билувчи Зотдир», деб айт.**

Бу ояти каримада мўминларга етган мағлубият, ғам устига ғамдан кейин Аллоҳнинг лутфи билан ҳукм сурган омонлик ҳолати баён қилинмоқда:

**«Сўнгра, ғамдан кейин сиздан бир тоифангизни қамраб олган мудроқни омонлик қилиб туширди».**

Уҳудда жанг қизиби, мусулмонлар енгилари бошлаган бир пайтда Аллоҳ таоло Ўз раҳмати ила собитқадам, чин мусулмон бандаларига бир мудроқни омонлик қилиб берди. Мудроқ мусулмонлар орасидаги фидокор тоифани қамраб олди. Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи Анас розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳу : «Уҳуд куни сафда турганимизда бизни мудроқ қамраб олди. Қиличим қўлимдан тушиб кета бошлади, қайтариб олдим. Яна тушса, яна қайтариб олар эдим», — дейдилар. «Бошимни кўтариб қарасам, — дейдилар бошқа бир ривоятда, — ҳаммамнинг боши кўксига эгилиб турибди».

Ҳақиқатан, мудроқ худди мўъжизадек нарса. Чарчаб, ҳеч қандай ҳаракатга ярамай қолган одам ҳам бир оз мудраб олса, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетаверади. Мусулмонлар Уҳуд урушида енгилари қоча бошлаганларида, Аллоҳ таоло уларга мудроқни омонлик қилиб юбориб, катта фалокатдан, бутунлай тор-мор бўлишдан сақлаб қолди. Бир оз мудраб, сўнг ўзига келган мусулмонлар Пайғамбар алайҳиссалом атрофларида тўпланишди ва тоғнинг баландроқ, қулайроқ жойига чиқиб жойлашишди. Буни кўрган мушриклар охиригача ҳужум қилишга юраклари дов бермай, ортга қайтдилар. Мўминлардан бир тоифаси бу иш билан овора бўлиб турган бир пайтда:

**«Бошқа тоифа эса, ўзи билан овора бўлиб, Аллоҳ ҳақида ноҳақ, жоҳилият гумонини қилиб: «Бизнинг қўлимизда нима иш бор эди», дейишди».**

Бу тоифа — иймони заиф тоифа, қалбида фидокорлик туйғуси ўрнашмаган тоифа. Шу боисдан, Аллоҳ учун овора бўлмайди, дину диёнат учун овора бўлмайди, Пайғамбар учун овора бўлмайди, мусулмонлар учун овора бўлмайди. Фақат ўзлари учун овора бўлади. Фақат ўзларини ўйлайди.

Улар Аллоҳ таоло ҳақида ҳам ноҳақ гумонга борадилар. Жоҳилият аҳлининг гумонини қиладилар. «Худонинг иши ҳам қизиқ, шундай қилиб ўлиб кетаверамизми?» дейишади. Шу билан бирга, улар:

**«Бизнинг қўлимизда нима иш бор эди»,** дейишади.

Яъни, биз беихтиёрмиз, жангнинг маслаҳатини биз қилмаганмиз, каби ва яна бошқа шунга ўхшаш гапларни айтадилар. Оят дарров бу гапнинг нотўғри эканлигини баён қилади, Пайғамбар алайҳиссаломга:

**«Ишнинг барчаси Аллоҳдандир», деб айт!»** дейди.

Яъни, ишлар ҳеч кимнинг қўлида эмас, балки фақат Аллоҳнинг қўлидадир. Ҳатто Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳам қўлида эмас. Чунки юқорида ўтган 128-оятда у зотга хитобан: «Бу сенинг ишинг эмас», дейилган эди. Баъдаларнинг иши ўз вазифаларини бажариш, бурчларини адо этиш. У ёғи Аллоҳнинг қўлида, нимани хоҳласа, шуни қилади.

**«Сенга ошкор қилмаган нарсаларни ичларида махфий тутадилар».**

Уларнинг ичлари фисқу фасодга, васваса ва ҳадиксирашларга тўла. Буни ошкора айтаётганлари билан ҳолатлари ўзгариб қолмайди. Одатда, улар бунақа вазиятларда: «Бу ерга (ёки ишга) бизни мажбур қилиб олиб келишди, раҳбарлар адашишди, у қилишди, бу қилишди. Агар бизга қўйиб берилганида, ундай қилар эдик, бундай қилар эдик», дейишади.

**«Улар: «Агар қўлимизда бир иш бўлганида, бу ерда қатл қилинмас эдик», дерлар».**

Бошларига зарба етганда иймони заифлар, мунофиқлар доимо шундай қиладилар. Бошлиқларга осилиб, ҳамма айбни уларга тўнкаб одамларни улардан айнитишга ўтадилар. Баъзи қатл бўлганлар ҳақида ҳам: «Агар бизнинг ихтиёримиз билан иш бўлганида, бундай бўлмас эди», – дейдилар.

Қуръони Карим уларнинг бу нотўғри васвасаларини ҳам тўғри-лаб, ўлим ва ҳаёт ортидаги, синовлар замиридаги ҳикматларни баён қилади.

**«Агар уйларингизда бўлсангиз ҳам, қатл бўлиши тақдирида ёзилганлар ўз ўлим жойларига чиқар эдилар».**

Тақдирдан тадбир билан қочиб бўладими? Ўлим овора бўлиб истаб юрмайди. Ажали етган ўз қадами билан юриб ўлимни топиб келади. Бу, Аллоҳнинг тақдир қилган ишидир. Бунинг ортидан ҳикмати ҳам бор.

**«Бу, Аллоҳ кўксингиздаги нарсани синаши ва қалбингиздагини яхшилаб поклаши учундир».**

Бало-офатлар, одатда, қалбадаги бор нарсанинг намоён бўлишига сабаб бўлади. Бу бир синовдир. Асл маъдан ўтга солиб тобланганидек, асл мўминлар ҳам қийинчиликлар, машаққатлар ёрдамида тоб-

ланадилар. Натижада, баъзан ўзи ҳам билмаган камчиликлари юзага чиқиб, мўмин уларни бартараф этишга интилади, покланади. Шунинг учун, ҳақиқий мўминлар Аллоҳдан келган имтиҳон ва синовларни, улар қанчалик қийин бўлмасин, хурсандчилик билан кутиб оладилар.

«Аллоҳ кўксингиздаги нарсани билувчи Зотдир».

Одамлардан сир сақлаб, махфий тутиб юрган нарсаларингизни ҳам Аллоҳ яхши билади.

إِنَّ الَّذِينَ تَوَلَّوْا مِنْكُمْ يَوْمَ الْتَقَى الْجَمْعَانِ إِنَّمَا اسْتَزَلَّهُمُ الشَّيْطَانُ بِبَعْضِ مَا كَسَبُوا وَلَقَدْ عَفَا اللَّهُ عَنْهُمْ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ حَلِيمٌ ﴿١٥٥﴾

**155. Икки тўп тўқнашган куни сизлардан юз ўгириб қочганларни баъзи қилган ишлари туфайли шайтон йўлдан урди, холос. Батаҳқиқ, Аллоҳ уларни афв қилди. Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир.**

«Икки тўп тўқнашган куни» — Уҳуд уруши кечган кундир. Одамда озгина ишончсизлик бўлса, қалбига васваса тушади. Гуноҳ қилади. Оқибатда, шайтон уни йўлдан оздиради. Уҳуд урушида ҳам шундай бўлди. Баъзи мусулмонларни шайтон йўлдан урди. Улар қўрқоқлик қилиб, ортга қараб қочдилар. Лекин Аллоҳ таоло мағфиратли Зот — уларни афв қилди. Гуноҳларини кечди.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ كَفَرُوا وَقَالُوا لِإِخْوَانِهِمْ إِذَا ضَرَبُوا فِي الْأَرْضِ أَوْ كَانُوا غُزًى لَوْ كَانُوا عِنْدَ نَا مَامَاتُوا أَوْ مَاقَتَلُوا لِيَجْعَلَ اللَّهُ ذَلِكُ حَسْرَةً فِي قُلُوبِهِمْ وَاللَّهُ يَخْتَارُ وَيُؤْتِي مَا يَشَاءُ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿١٥٦﴾

**156. Эй, иймон келтирганлар! Куфр келтирганларга ва ер юзида юрган ва ғозий бўлган биродарлари ҳақида, агар бизнинг ҳузуримизда бўлганларида ўлмас эдилар ва қатл қилинмас эдилар, дейдиганларга ўхшаманг. Буни Аллоҳ қалбларида ҳасрат қилиши учун айтурлар. Аллоҳ тирилтирур ва ўлдирур. Аллоҳ қилган амалларингизни кўрувчи Зотдир.**

Ёдларингизда бўлса, мусулмонлар Уҳудга, мушрикларга қарши жангга отланганларида, Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул бошлиқ мунофиқлар ортга қайтишган эди. Жанг тугаб, ҳамма нарса аён бўлга-



нида, одатдагидек, мунофиқлар ифво тарқатишни бошлашган. Жумладан: «Биз ўз вақтида қайтиб қолган эканмиз, мана, соғ-саломат қолдик. Агар қайтмаганимизда, эҳтимол, биз ҳам ўлиб кетар эдикми? Мана, фалончилар гапимизга кирмай урушга боришган эди, ўлиб кетишди. Агар бизга қўшилиб ортларига қайтганларида, ўлмас эдилар ва қатл қилинмас эдилар», дейишади.

Ушбу ояти каримада ҳақиқий мўминларни ана шуларга ўхшамасликка даъват қилиняпти.

**«Эй, иймон келтирганлар! Куфр келтирганларга ва ер юзида юрган ва ғозий бўлган биродарлари ҳақида, агар бизнинг ҳузури-мизда бўлганларида ўлмас эдилар ва қатл қилинмас эдилар, дейдиганларга ўхшаманг».**

Бу билан улар ўлганнинг қариндошлари қалбида ҳасрат туйғуларини қўзитишга ҳаракат қилишади:

**«Буни Аллоҳ қалбларида ҳасрат қилиши учун айтурлар».**

«Ҳасрат»нинг маъноси — бирор севимли кишининг ўтиши муносабати ила надомат чекишдир. Яқинларимизнинг ризқ талабида ёки Аллоҳ йўлида ғазотга чиқишлари уларнинг ўлимларига сабаб бўлди, деб эътиқод қилишлари ҳасратни қўзғайди. Бу эса, мутлақо нотўғри эътиқоддир. Чунки аслида:

**«Аллоҳ тирилтирур ва ўлдирур».**

Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким ҳеч кимга ҳаёт бера олмайди ёки ҳаётдан кетказа олмайди. Агар Аллоҳ бирор кимсанинг тириклигини ирода қилса, у кимса душман ичида жанг қилган тақдирда ҳам ҳеч нарса бўлмасдан тирик ва соғ-саломат қолаверади. Аллоҳдан ажал келмаса, пашша ҳам ўлмайди. Аксинча, ўлимдан ҳам қочиб қутулиб бўлмайди. Ажал етганида, инсон қаерда бўлса ҳам ўлаверади.

**«Аллоҳ қилган амалларингизни кўрувчи Зотдир».**

У Зот ким Аллоҳ йўлида жиҳод қилмоқда, ким жиҳоддан қочиб, мунофиқлик қилиб, мусулмонлар ичида висир-висир гаплар тарқатмоқда — ҳаммасини кўриб турувчи Зотдир. Охиратда буларнинг ҳаммасининг ҳисоб-китоби бор, мукофоти ёки жазоси бор.

وَلَيْن قُتِلْتُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَوْ مُتُّم لَمَغْفِرَةٍ مِّنَ اللَّهِ وَرَحْمَةً خَيْرٌ مِّمَّا يَجْمَعُونَ

وَلَيْن قُتِلْتُمْ أَوْ مُتُّم لَّيْلَى اللَّهِ تُحْشَرُونَ ﴿١٥٧﴾

**157. Гарчи Аллоҳ йўлида қатл қилинсангиз ҳам ёки ўлсангиз ҳам, Аллоҳдан бўладиган мағфират ва раҳмат улар жамлайдиган нарсадан яхшидир.**

**158. Гарчи ўлсангиз ҳам ёки қатл қилинсангиз ҳам, албатта, Аллоҳ ҳузурида йиғилурсиз.**

Кофир ва мунофиқлар ўлимдан бунча қўрқадилар? Ўлимдан қутулиб қолиб, бу дунёнинг матоҳини йиғмоқчидирлар. Улар ўлимга чап бериб, мол-дунё, бойлик, мансаб ва бошқа нарсаларни йиғдиларми? Бунинг нимаси яхши? Ҳолбуки, Аллоҳнинг йўлида қатл этилиш ёки ўлиш катта бахту саодат-ку! Чунки, бундай ўлим топганларга бўладиган Аллоҳнинг мағфирати ва раҳмати кофир ва мунофиқлар тўплайдиган ҳамма нарсадан яхшироқдир!

Қолаверса, ҳамма — жиҳодга чиқиб ғазотда шаҳид бўлганлар ҳам, урушдан қочиб уйда ўтирганлар ҳам оқибатда Аллоҳнинг ҳузурида йиғиладилар!

Ҳамманинг борадиган жойи бир. Демак, фарқ эътиқодга, амалга қараб бўлади. Шунинг учун ҳам, кофир ва мунофиқларнинг қилган ишлари ва «агар бизнинг ҳузуримизда бўлганларида, ўлмас эдилар ва қатл қилинмас эдилар», дейишлари мутлақо нотўғри. Эй, аҳли иймонлар, сизлар уларга ҳеч-ҳеч ўхшаманглар!

Келаси оятларда Пайғамбар алайҳиссалату вассаломнинг шахслари ва пайғамбарликлари ҳақида, бу нарсаларнинг мусулмонларга хайри-баракаси ҳақида, ундан мусулмонлар ўз ҳаётларида қандай фойдаланишлари лозимлиги хусусида сўз кетади. Буларнинг ҳаммаси Уҳуд уруши мавзуи доирасида бўлади.

فِيمَا رَحِمَهُ مِنَ اللَّهِ لِنْتَ لَهُمْ وَلَوْ كُنْتَ فَظًا غَلِيظَ الْقَلْبِ لَانفَضُّوا مِنْ حَوْلِكَ فَاعْفُ عَنْهُمْ وَاسْتَغْفِرْ لَهُمْ وَشَاوِرْهُمْ فِي الْأَمْرِ فَإِذَا عَزَمْتَ فَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُتَوَكِّلِينَ ﴿١٥٨﴾

**159. Аллоҳнинг раҳмати ила уларга мулойим бўлдинг. Агар қўпол, қалби қаттиқ бўлганингда, атрофингдан тарқаб кетар эдилар. Бас, уларни афв эт. Уларга истиғфор айт ва улар билан ишларда машварат қил. Азму қарор қилганингдан сўнг Аллоҳга таваккал қил. Албатта, Аллоҳ таваккал қилувчиларни севадир.**

Маълумки, Уҳуд ғазотида мусулмонлар аскарининг учдан бири йўлдан орқасига қайтиб кетди. Бундан аввал Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг гапларига кирмай, Мадийнада қолмасдан, Уҳудга чиқишга мажбур қилишган эди. Сўнгра, камончилар Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг амрларини бузишди, ғаниматни кўриб, нафсларининг сўзига киришди. Пайғамбар алайҳиссалом ўлди, деган ёлғон

хабар тарқалганда эса, суствлашиб, ҳеч кимга қарамай, мушрик душманлар ичида Пайғамбар алайҳиссаломни ёлғиз ташлаб қочиб қолишди. Натижада, у кишига қаттиқ жароҳатлар етди.

Бу ишлар Пайғамбар алайҳиссаломнинг қалбларида уларга нисбатан бирор асорат қолдирган бўлиши мумкин. Шу боис, ушбу ояти карима у зоти бобаракотнинг кўнгилларини кўтаряпти. Айни чоғда, мусулмонларга ҳам бу зот уларга Аллоҳ томонидан берилган улўф неъмат эканлигини баён қиляпти.

**«Аллоҳнинг раҳмати ила уларга мулоийм бўлдинг. Агар қўпол, қалби қаттиқ бўлганигда, атрофингдан тарқаб кетар эдилар.»**

Демак, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўмин-мусулмонларга мулоийм бўлишлари ўзлари учун ҳам, умматлари учун ҳам Аллоҳнинг раҳмати экан. Мулоийм, ширин сўз бўлиш катта бахт ҳисобланади. Чунки, одамлар бир оғиз бўлса ҳам, яхши сўзнинг гадоси. Киши яхши сўз эшитган жойига, мулоийм муомала кўрган шахсига меҳр қўяди. Ўша ерда, ўша шахс атрофида тўпланади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг сифатлари бу жиҳатдан энг олий эди. У зоти бобаракотнинг энг жозибаторлик кучлари ҳам шунда эди. Агар у киши қўпол ва қалби қаттиқ бўлганларида, атрофларида ҳеч ким қолмай, тарқаб кетар эди. Лекин шундай Пайғамбарни, йўлбошчини Уҳуд ғазоти куни ёлғиз ташлаб қочишлари қизиқ бўлди. Майли, ҳалимлик, муло-иймлик ва қалби кенглик ҳеч қачон зарар бермаган.

**«Бас, уларни афв эт. Уларга истиғфор айт».**

Аллоҳ таоло ушбу амр ила Пайғамбар алайҳиссаломни қалби кенгликда, мулоиймликда – кишиларни атрофларида жамловчи олий сифатларда бардавом бўлишга чақириб, айблар ўтган бўлса ҳам, мусулмонларни афв этишга буюрмоқда. Ҳамда менга истиғфор айтиб, уларнинг гуноҳларини ўтишимни сўра, демоқда.

**«...ва улар билан ишларда машварат қил.»**

Яъни, Уҳуд урушидан олдинги шўронинг гапига амал қилиб, ноқулай ҳолатда қолганлигинг тўсиқ бўлмасин, бундан кейинги ишларда ҳам улар билан маслаҳат – машварат қилиб иш олиб бор.

Ушбу оят ҳукм юритишда, Ислом нуқтаи назаридан, шўронинг – кўпчиликнинг фикрини олиш, унга амал қилишга асос бўлган оятлардан бири ҳисобланади.

**«Азму қарор қилганингдан сўнг Аллоҳга таваккал қил.»**

Шўро мажлисида бир қарорга келиндими, ўша фикрга амал қилишга келишилди, демак, энди азму қарорни маҳкам қилиб, қарорни ҳаётга татбиқ этишга ўтиш керак. Қарор қабул этилгач, шўронинг вазифаси тугайди. Энди ишни амалга оширишда Аллоҳ

таолога таваккал қилиш керак. Бу қоидага Пайғамбаримиз алайҳис-солату вассалом Уҳуд ғазотида айнан риоя этдилар. Аввало, ўз фикрларига зид бўлса ҳам, шўродаги кўпчиликнинг маслаҳатига кўндилар. Кўниб, шунга азму қарор қилганларидан сўнг, ҳалиги кўпчилик ўз фикридан қайтсалар ҳам, Пайғамбар алайҳиссалом қайтмадилар. Аллоҳга таваккал қилдилар. Ишнинг оқибати яхши бўлмаслиги маълум эди, аммо шўронинг қарорига қандай муносабатда бўлиш лозимлиги тўғрисида дарс бериш учун шундай қилдилар.

**«Албатта, Аллоҳ таваккал қилувчиларни севадир.»**

Аллоҳга таваккал қилишлик улуғ сифат. Аммо, таваккал, Аллоҳ ирода қилганидек, тўғри ҳолда бўлиши керак. Баъзи кишилар таваккални нотўғри тасаввур этадилар. Ўйламай, чора-тадбир кўрмай, сабабларини ахтармай, кўр-кўрона ҳаракатни «таваккал» деб тушунувчилар кўп. Бу мутлақо нотўғри тушунчадир. Масалан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаламнинг Уҳуд урушида қилган таваккаларини олиб кўрайлик. Мушриклар аскар тортиб Уҳудга етиб келганларини эшитишлари билан тезда мусулмонларни йиғиб, шўро мажлиси ўтказдилар. Шўро қабул этган қарорга ўзлари биринчи бўлиб амал қилиб, Ҳужраи Саодатга кириб, устма-уст иккита совут кийиб чиқдилар. Эътибор беринг-а: Аллоҳга таваккал қилувчиларнинг энг улуғи, биринчиси бўлган Муҳаммад алайҳиссалату вассалом урушга кетаётганлари эътиборидан бир эмас, иккита совут кийиб чиқдилар! Одамларни жиҳодга қаттиқ тарғиб қилдилар. Манзилга тезроқ, осонроқ ва тинчроқ элтувчи йўлни биладиган одамни топиб, унга йўл бошлашни топширдилар. Етиб боргандан кейин ҳам, душманнинг ҳолини, куч-қувватини яхшилаб ҳисоб-китоб қилдилар. Сўнгра, ўз жангчилари билан бирма-бир танишиб, ҳаммани жой-жойига қўйдилар. Ўнг қанот ва чап қанотларда кимлар бўлишини белгилаб, уларга амир тайинладилар. Орқанинг ҳимоясига Абдуллоҳ ибн Жубайр розияллоҳу анҳу бошчилигидаги камончиларни қўйдилар. Хулласи калом, урушга зарур бўлган чора-тадбирларни керагидан ҳам ортиқроқ кўриб қўйдиларки, ҳатто ҳозирги замон ҳарбий мутахассислари ҳам бу ишлардан ҳайратда ёқа ушламоқдалар. Аммо, Аллоҳга таваккал бу ишлардан айри эмас, балки барчасини боғлаб турган бир ипдир, барчасини ҳаракатга келтирган бир кучдир. Ҳар бир ишда, чора-тадбирда Аллоҳни вакил деб эътиқод қилдилар. Агар қалбда вакиллик маъносида, нусрат кутиш маъносида сал бўлса-да Аллоҳдан бошқа томонга мойиллик сезилса, уни Аллоҳга таваккал деб бўлмайди. Афсуски, кўпчилик таваккални дангасаликка, чора кўрмай кутиб ётса ҳам иш ўзи бўлаверади, деган тушунчаларга айлантириб олишган.

Кейинги оят Аллоҳга таваккал қилишнинг ҳақиқатини баён этишда давом этади:

إِن يَنْصُرْكُمُ اللَّهُ فَلَا غَالِبَ لَكُمْ وَإِن يَخْذُلْكُمْ فَمَن ذَا الَّذِي يَنْصُرْكُمْ مِّنْ بَعْدِهِ  
وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ ﴿١٦٠﴾

**160. Агар сизга Аллоҳ нусрат берса, сиздан ғолиб келувчи йўқ. Агар сизни ташлаб қўйса, Ундан ўзга ким ҳам ёрдам берар эди. Мўминлар фақат Аллоҳгагина таваккал қилсинлар.**

Исломий тасаввур бўйича, ҳамма нарса Аллоҳнинг иродаси ва белгилаган тақдири билан бўлади. Бу тақдир эса, ер юзидан инсоннинг фаолияти орқали юзага чиқади. Аллоҳ таоло ҳар бир ишни ўз сабаби билан яратган. Сабаб вужудга келса, натижага эришилади. Бу ҳол ҳадеб такрорланаверганидан, одамлар натижага эришиш учун асосий омил унинг сабабини вужудга келтириш, деб ўйлайдиган бўлиб қолганлар. Лекин ўзларининг ҳам, сабабларнинг ҳам холиқи Аллоҳ таоло эканини эсдан чиқариб қўйганлар. Аслида эса, ҳамма нарса Аллоҳнинг иродаси ва хоҳиши билан бўлади. Ушбу оятда бу ҳақиқат уруш, жанг мисолида баён қилинмоқда:

**«Агар сизга Аллоҳ нусрат берса, сиздан ғолиб келувчи йўқ».**

Урушда ғалаба қозонишнинг асосий омили – Аллоҳнинг нусратидир. Урушда ғолиб чиқиш учун зарур чораларни кўрган тараф «Биз чорани кўриб қўйдик, албатта, ғолиб бўламиз» деган ғурурга кетиб қолмаслиги керак. Биздан талаб қилинган чораларни кўриб қўйдик, энди Аллоҳга таваккал қилиб урушамиз ва Аллоҳ нусрат берса, ғолиб келамиз, деган эътиқодда бўлиши керак.

**«Агар сизни ташлаб қўйса, Ундан ўзга ким ҳам ёрдам берар эди.»**

Бундай бўлишидан Аллоҳ Ўзи сақласин.

**«Мўминлар фақат Аллоҳгагина таваккал қилсинлар.»**

Ана ўшандагина улар Аллоҳдан ўзга бировдан бирон нарса умид қилиш дардидан халос бўладилар.

Кейинги оятда Пайғамбарлик ахлоқлари ҳақидаги зикрга қайтилади:

وَمَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَنْ يَغُلَّ وَمَنْ يَغْلُلْ يَأْتِ بِمَا غَلَّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ثُمَّ تُوَفَّى كُلُّ نَفْسٍ مَّا  
كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿١٦١﴾

**161. Пайғамбарга хиёнат ҳеч тўғри келмас. Кимки хиёнат қилса, қиёмат куни хиёнат қилиб олган нарсаси билан келади. Сўнгра, ҳар бир жон касбига яраша тўлиқ оладир. Уларга зулм қилинмас.**

Ояти каримада «хиёнат» деб таржима қилган сўзимиз «ғулл», «ғалул» сўзларидан олинган феъл сифатида келган. Бу эса, урушда тушган ўлжадан махфий равишда, беркитиб олишни билдиради.

Биринчи марта мусулмонлар Бадр урушида ўлжа олдилар. Ўша ўлжа ҳақида мунофиқлар ифво тарқатишди. Бу ифволар орасида шундай ёлғон хабар ҳам бор эдики, у бўхтонга кўра, гўё Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўлжаларни ғалул сифатида, яъни, махфий равишда, беркитиб олганмишлар. Жумладан, Бадр урушида тушган ўлжадан бир тўп олтин йўқолганида ҳам Пайғамбар алайҳиссаломни айблашди, у кишидан гумон қилишди. Уҳуд урушида эса, камончиларнинг жойларини ташлаб кетишларига ўлжа дарди сабаб бўлган эди. Улар «Ҳозир олиб қолмасак, кейин Пайғамбар алайҳиссалом бизга бермай қўядилар», деб ўйлашган эди. Ушбу оятда мазкур туҳматомуз шубҳа-гумонлар жуда кескинлик ила рад этилмоқда. Нафақат Муҳаммад алайҳиссалом, балки умуман барча Пайғамбарларга хиёнат буткул ёт ҳислат экани очиқ айтилмоқда:

**«Пайғамбарга хиёнат ҳеч тўғри келмас».**

Демак, ҳеч бир Пайғамбарни хиёнаткорликда айблаб бўлмайдди, бунга асос йўқ. Чунки, хиёнат Пайғамбарлик мақомига ва ахлоқига мутлақо зиддир. Умуман, Пайғамбарлардан бошқалар ҳам ўлжа молдан яширинча олишга ҳақлари йўқ.

**«Кимки хиёнат қилса, қиёмат куни хиёнат қилиб олган нарсаси билан келади.»**

Албатта, азоб-уқубат учун келади. Бу ҳолни Пайғамбаримиз алайҳиссаломат у вассалом ҳадисларидан бирида қуйидагича тасвирлайдилар.

Имом Бухорий, Муслим ва Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳимлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, Пайғамбаримиз алайҳиссалом бир куни ғалулни зикр қилдилар, уни катта гуноҳ деб тушунтирдилар ва сўнгра шундай дедилар:

«Сизлардан бирортангизни қиёмат куни ҳузуримга елкасида бўкириб турган туя билан келганини кўрмайин; «Эй, Аллоҳнинг Расули, менга ёрдам беринг», деса, «Сенга Аллоҳдан келган азобдан ҳеч нарсани қайтара олмайман, сенга етказган эдим-ку!» демайин. Сизлардан бирортангизни қиёмат куни ҳузуримга елкасида кишнаб турган отни кўтариб келганини кўрмайин; «Эй, Аллоҳнинг Расули, менга ёрдам беринг», деса, «Сенга Аллоҳдан келган азобдан ҳеч нарсани қайтара олмайман, сенга етказган эдим-ку!» демайин. Сизлардан бирортангиз қиёмат куни ҳузуримга елкасида тилла, кумуш кўтариб

келганини кўрмайин; «Эй, Аллоҳнинг Расули, менга ёрдам беринг», деса, «Сенга Аллоҳдан келган азобдан ҳеч нарсани қайтара олмайман, сенга Аллоҳнинг амрини етказган эдим-ку!» демайин».

**«Сўнгра, ҳар бир жон касбига яраша тўлиқ оладир. Уларга зулм қилинмас».**

Яъни, ҳар бир инсонга бу дунёда қилганига яраша – оширмай ва камайтирмай, адолат билан, зулм қилмасдан, мукофот ёки жазоси берилади.

Ушбу ояти каримадаги маънони тасдиқловчи кўплаб ҳадиси шарифлар ҳам келган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи қилган ривоятда Пайғамбар алайҳиссалом «Аллоҳнинг ҳузуридаги энг катта ғалуллардан бири – бир қарич ердир. Ери ёки ҳовлиси қўшни бўлган бир одам иккинчисининг еридан агар ўзига қўшиб олса, қиёмат куни етти қават ердан бўйнига ўралган ҳолда келади», дедилар.

Имом Бухорий, Муслим ва Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳимлар Абу Ҳумайд ас-Соъидийдан ривоят қиладилар:

«Пайғамбар алайҳиссалом вассалом Азд қабиласидан бўлмиш Ибн Лутобийя исми кишини закот, садақаларни йиғишга тайин қилдилар. У қайтиб келганда, «Манави сизларга, манави менга ҳадя қилинди», – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарга чиқиб:

«Бизнинг омилимизга нима бўлдики, манави сизларга, манави менга ҳадя қилинди, дейди?! Отасининг ва онасининг уйида кутиб ўтирса, унга ҳадя қилинармиди ёки йўқми?! Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зот билан қасамки, сиздан кимки шунга ўхшаш нарса олса, албатта, қиёмат куни бўйнига осилиб келмай қолмайди. Туя бўлса, бўкириб келади. Сигир бўлса, бўкириб келади. Қўй бўлса, маъраб келади. – Сўнгра, қўлларини баланд кўтарган эдилар, қўлтиқлари кўринди. – Эй бор Худоё!!! Етказдимми?!» – деб уч марта айтдилар.

Имом Термизий Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени Яманга ишга жўнатдилар. Бир қадар юрганимдан сўнг орқамдан одам юбордилар, қайтиб келдим. У зот: «Нима учун орқангдан одам юборганимни биласанми? Менинг изнимсиз ҳеч нарсани олмайсан. Чунки, бу ғалулдир. «Кимки хиёнат қилса, қиёмат куни хиёнат қилиб олган нарсаси билан келади», – дедилар».

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ:

«Эй одамлар, кимни бир ишга тайин қилсаг-у, у биздан бир игна ёки ундан каттароқ нарсани беркитса, шу ҳам ғулул ҳисобланади, қиёмат куни у билан келади», – дедилар. Ансорийлардан бир қари

одам (Мужоҳид розияллоҳу анҳунинг айтишларича, у киши Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳу эканлар) ўрнидан туриб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, мендан ишингизни қабул қилиб олинг», — деди.

У зот: «Нима учун?» — деб сўрадилар.

У: «Шундай-шундай деяётганингизни эшитдим», — деди.

У зот: «Мен бу гапни ҳозир яна айтаман, кимни бир ишга қўйсақ, озниям, кўпниям олиб келсин. Унга нима берилса, олади. Берилмаса, қолади», — дедилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Хайбар ғазоти куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир тўп саҳобалари шаҳидларнинг қаторида бир кишининг номини айтиб:

«Фалончи ҳам шаҳид бўлди», — дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ, мен уни дўзахда ўлжадан яшириб олган чопонини кийиб юрганини кўрдим», — дедилар. Сўнгра, менга: «Бор, одамлар ичида «Жаннатга мўминлардан бошқалар кирмайди, деб жар чақир», дедилар. Мен чиқиб, жаннатга мўминлардан бошқалар кирмайди», деб жар чақирдим», дедилар.

Имом Абу Довуд Сижистоний Самура ибн Жундаб розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одатлари — ўлжа тушганда Билолга амр қилар эдилар. У одамларни чақирар эди. Ҳамма олган ўлжасини олиб келар, кейин тақсимлардилар. Бир куни бир киши тушдан кейин бир жун жиловни олиб келди ва:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, мана бу қўлга тушган ўлжалардан эди», — деди.

У зот: «Билолнинг уч марта нидо қилганини эшитдингми?!» — дедилар.

У: «Ҳа», — деди.

У зот: «Нимага келмадинг?» — деб сўрадилар. У одам узр айтди.

У зот: «Йўқ, мен уни сендан зинҳор қабул қилмайман, қиёмат куни шу билан келасан», — дедилар».

Ушбу оят ва ҳадислар мусулмонларни дунёда энг пок ва хиёнат қилмайдиган кишилар қилиб тарбиялади. Ислом уммати ичидан бир дона игнага ҳам хиёнат қилмайдиган, хиёнатни ўзига катта ор деб ҳисоблайдиган кишилар тарбияланиб чиқдилар. Шунингдек, улар дунёдаги энг қимматбаҳо нарсалар қўлларига тушганда, ҳеч ким кўрмаса ҳам, Аллоҳдан кўрққанларидан, у нарсани келтириб, амир-



ларига топширар эдилар. Бу қуруқ гап эмас. Балки, бу – тарих шоҳид бўлган, катта-кичик, дўсту душман гувоҳ бўлган ҳақиқатдир.

Ибн Жарир Тобарий ўз тарихларида келтирадиларки, мусулмонлар Мадоин шаҳрини фатҳ қилганларида, ўлжаларни йиғдилар. Бир киши ўзининг ҳақини олиб келиб, ўлжа йиғувчига топширди. Ўлжа йиғувчи ҳам, у билан бирга турганлар ҳам ҳайрон қолиб:

«Биздаги жами нарсани жамласа, бунга тенг келмайди, ҳатто яқин ҳам йўламайди», – дедилар. Ҳалиги кишидан:

«Бундан ўзингга ҳам олдингми?» – деб сўрадилар. У киши:

«Аллоҳга қасамки, Аллоҳдан қўрқмаганимда, буни сизларга олиб келмас эдим», – деди. Бу одамда катта хислат борлигини билдилар ва ундан:

«Сен кимсан?» – деб сўрадилар. У:

«Йўқ, Аллоҳга қасамки, айтмайман, мақтайсизлар; бошқаларга ҳам айтмайман, қарз қилиб қўядилар», – деди (яъни, мақтовлари билан). «Лекин мен Аллоҳга ҳамд айтаман ва Унинг савобидан розиман», – деди. Унинг орқасидан одам юборишди. Бирга юрган шерикларидан сўрашса, у Омир ибн Абду Қайс экан.

Қодисия уруши тамом бўлганидан сўнг ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ҳузурларига ўлжаларни олиб келдилар. Ўлжалар ичида Кисронинг тожи ва айвони ҳам бўлиб, уларнинг баҳоси йўқ эди. Ҳазрати Умар буни кўргач мужоҳидларга ҳаваслари келиб: «Буни амирларига олиб келган қавм омонатли кишилардир», – дедилар.

Омонатли, Аллоҳ таолонинг розилигини кўзлаган кишиларнинг сифатидан кейин, энди келадиган оятда улар билан Аллоҳ таолонинг ғазабига дучор бўлганлар тенг бўлмаслиги баён этилмоқда.

أَفَمَنْ أَتَّبَعَ رِضْوَانُ اللَّهِ كَمَنْ بَاءَ بِسَخَطٍ مِّنَ اللَّهِ وَمَأْوَهُ جَهَنَّمُ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ ﴿١٦٢﴾

**162. Аллоҳнинг розилигини излаган одам Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган ва борар жойи жаҳаннам бўлган одамга ўхшармиди! Ва у қандай ҳам ёмон жой!**

Ўлжани яшириб хиёнат қилишдек ёмон одатни қоралаган оятдан кейин келган бу ояти карима Аллоҳнинг розилигини истаган одам билан унинг ғазабига дучор бўлган одамнинг ҳеч қачон баробар бўлмасликларини таъкидламоқда. Ушбу таъкидлашни Қуръони Карим ажойиб услуб ила баён қилмоқда, савол тариқасида ўртага ташламоқда:

**«Аллоҳнинг розилигини излаган одам Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган ва борар жойи жаҳаннам бўлган одамга ўхшармиди?!»**

Ушбу Қуръоний саволга бўладиган жавоб битта. Бошқа жавоб бўлиши мумкин эмас. Албатта, Аллоҳнинг розилигини излаган одам Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган ва борар жойи жаҳаннам бўлган одамга ўхшамайди. Аллоҳнинг розилигини излаган одамнинг борар жойи жаннати наъиймдир. Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлганнинг борар жойи эса, ояти каримада айтилганидек, жаҳаннамдир.

**«Ва у қандай ҳам ёмон жой!»**

Ҳа,

هُمْ دَرَجَاتٌ عِنْدَ اللَّهِ وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِمَا يَعْمَلُونَ ﴿١٦٣﴾

**163. Уларнинг Аллоҳнинг ҳузуридаги даражалари турлича. Аллоҳ қилаётган амалларини кўриб турувчи Зотдир.**

Яъни, Аллоҳнинг розилигини излаганларга жаннат, ҳурмат-эҳтиром ва улуғ савоблар бўлади. Аллоҳнинг ғазабига дучорларга эса, дўзах, хорлик ва аламли азоблар бўлади.

**«Аллоҳ қилаётган амалларини кўриб турувчи зотдир».**

Бандаларининг қилаётган ишлари ундан махфий қолмайди. Ҳаммасини кўриб-билиб туради. Ҳамда қилганларига яраша мукофот ёки жазоларини беради.

Кейинги оятда Муҳаммад алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юбориш мўминлар учун катта неъмат эканлигининг зикри келади:

لَقَدْ مَنَّ اللَّهُ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ إِذْ بَعَثَ فِيهِمْ رَسُولًا مِّنْ أَنفُسِهِمْ يَتْلُوا عَلَيْهِمْ ءَايَاتِهِ  
وَيُزَكِّيهِمْ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَإِن كَانُوا مِن قَبْلُ لَفِي ضَلَالٍ  
مُّبِينٍ ﴿١٦٤﴾

**164. Батаҳқиқ, Аллоҳ мўминларга ўзларидан Пайғамбар юбориб, неъмат берди. У уларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб берадир, уларни поклайдир, китоб ва ҳикматни ўргатур. Гарчи олдин очиқ-ойдин адашувда бўлсалар ҳам.**

Аллоҳнинг инсонга берадиган неъматлари беҳисоб, лекин у неъматлар ичида энг улуғ неъмат, бандалар учун ўзларидан Пайғамбар юборишдир.

**«Батаҳқиқ, Аллоҳ мўминларга ўзларидан Пайғамбар юбориб, неъмат берди».**

Аллоҳ таоло бирор қавмга Пайғамбар юборишни ирода қилган-

лиги, ушбу қавмга бахт-саодатни, икки дунёнинг яхшилигини хоҳлаганининг белгисидир. Чунки, бу Пайғамбар уларга иймон, Ислом, ҳидоятни, Аллоҳнинг розилигини топиш йўллари олиб келади.

**«У уларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб берадир.»**

Пайғамбарнинг бош вазифаси — бандаларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб беришдир. Яъни, уларга Аллоҳнинг сўзларини етказишдир. Аллоҳнинг сўзини эшитишга сазовор бўлган қавм қандай ҳам бахтли қавм бўлади. Чунки, Аллоҳнинг сўзлари уларга келиши катта бахт, унга амал қилиб икки дунё бахт-саодатига эришиш яна ҳам катта бахтдир.

Маълумки, бу ояти карима Уҳуд ғазотидаги мағлубият, алам, хавф ва бошқа мусийбатларнинг баёнидан кейин келмоқда. Ўша уруш қатнашчиларига бу улуғ неъматнинг қадрига етмаганликлари эслатилмоқда. Шу билан бирга, бўлиб ўтган ишлар учун унча хафа бўлмаслик лозимлиги, Аллоҳнинг неъматини ҳануз улар билан эканлиги эслатилмоқда. Бу эса, Ислом жамияти аъзоларини яхшилаб тарбия қилишдир.

Аллоҳ берган мазкур улуғ неъматнинг фойдаларидан бири:

**«...уларни поклайдир».**

Бу умумий маънодаги гапдир. Демак, Аллоҳ улуғ неъмат ўлароқ Пайғамбар қилиб юборган Муҳаммад алайҳиссалом ўз умматларини умумий равишда, ҳамма соҳада ҳамма нопок нарсалардан поклайдилар.

Ислом келишидан олдин бутун дунёда кишилар нопок ақийда ботқоғига ботган эдилар. Баъзилари бут ва санамларга чўқинсалар, бошқалари ой, қуёш ва юдуз каби махлуқотларни «худо» деб эътиқод қилар эдилар. Учинчи бирлари ҳайвонларга сиғинишарди. Ҳозиргача молпараст бўлиб келаётганлар ҳам бор. Бу соҳада пасткашлик, ифлослик шу даражага етиб борган эдики, масалан, Ҳиндистонда баъзи гуруҳларда эркак ва аёлларнинг жинсий аъзоларига чўқинишарди. Хулласи калом, ақийда бобида бутун олам бузилган эди. Бу ҳақда алоҳида китоблар ҳам ёзилган. Нафақат ақийда бобида, балки ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ҳам нопоклик, ифлослик урчиган эди.

Одатда, бу ҳақда гап кетганида, уламоларимиз Ҳабашистон подшоҳи Нажошийга муҳожир Жаъфар ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳунинг айтган оташин сўзларини келтирадилар. У бундай деган эди:

«Эй подшоҳ! Жоҳилият аҳли бўлган бир қавм эдик. Санамларга ибодат қилар эдик. Ўлимтикларни ер эдик. Фаҳш ишларни қилар эдик. Қариндошлик алоқаларини узардик. Қўшничиликка риоя этмасдик. Кучлигимиз кучсизимизни ер эдик. Аллоҳ бизга ўзимиз-

дан Пайғамбар юбормагунча шундай ҳолда бўлдик. Биз у Пайғамбарнинг насабини, ростгўйлигини, омонатлилигини, поклигини билардик. У бизни ягона Аллоҳга эътиқод ва ибодат қилишга чақирди. Ўзимиз ва ота-боболаримиз ибодат қилиб юрган тош ва бутларни тарк қилишга чорлади. Рост гапиришга, омонатли бўлишга, силаи раҳм қилишга, яхши қўшничилик қилишга, ҳаром нарсаларни, қон тўкишни тарк этишга даъват этди. Фоҳиша ишлардан, ёлғончиликдан, етимларнинг молини ейишдан, покиза аёлларни ёмонотлиқ қилишдан қайтарди. Аллоҳнинг ягона ўзига ибодат этишга, намоз ўқишга, ширк келтирмасликка, закот беришга ва рўза тутишга буюрди».

Демак, Муҳаммад алайҳиссалом Ислом ақийдаси ила келиб, бу нопокликлардан инсониятни покладилар.

Жоҳилият даврининг ижтимоий ҳаётдаги бузғунчиликларини, нопокликларини эслашга одам ҳатто уялади. Дунё бўйича табақачилик, қулчилик, одамни эзиш ҳукм сурар эди. Аёл кишини одам ўрнида кўрмасдилар. Оврупада аёлни шайтоннинг малайи деб ҳисоблашарди. Ҳатто махсус бир катта мажлис ўтказиб, «Аёл одамми ёки одам эмасми?» деган саволга жавоб излашган. Охири, аёл — эркакка хизмат қилиш учун яратилган махлуқ, деган хулосага келишган. Аёлни кўриш, шайтонни кўришдек гуноҳ ҳисобланиб, унга яқин ҳам йўламай қўйишган. Натижада, маълум муддат Оврупада одам кўпаймай қолган.

Ҳиндистонда бундан ҳам баттар ҳол ҳукм сурган. Фақат бир мисолни эслаб ўтиш кифоя: улар эри ўлган хотинни тирик ҳолида эрига қўшиб куйдиришган. Араблар қиз фарзанд кўришса, олиб бориб тириклайин кўмишган. Аёл кишини ўлган эридан қолган мерос, мол-мулки қаторида тақсимлаб олишган. Ва ҳоказо.

Фоҳиша базми оддий ҳолат ҳисобланган. Пок никоҳ билан ўтганлар нодир ҳисобланган. Фоҳиша, зино, иложи бўлса, фаҳрга сабаб бўлган. Бу соҳада ҳайвонлардан ҳам паст даражага тушиб кетганлар. Бу ҳолни тасаввур этиш учун тарихий ҳужжатларга мурожаат қиладиган бўлсак,

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи Оиша онамиздан ривоят қиладиларки:

«Жоҳилият даврида никоҳ тўрт хил бўлар эди. Ҳозирги никоҳларга ўхшаш никоҳ. Биров бориб иккинчисидан қизини қўл остидаги кишисининг никоҳига розилик сўраб, маҳрини бериб никоҳлаб олар эди.

Яна бир хилини «истибзоъ» никоҳи дер эдилар. Унда эркак ҳайздан покланган ўз хотинига: «Фалончи билан бирга бўлиб, ҳомила

орттиришга ҳаракат қил», дер эди. Ўзи эса, яқинлашмай турар эди. Хотин мазкур эркак билан бўлиб, ҳомиласи аниқ бўлгандан сўнг яқинлашар эди. Буни наслнинг яхшилигидан фойдаланиш, деб ўйлашар эди.

Яна бир бошқа никоҳда эса, ўн кишидан оз одам бир хотинга эрлик қилишар эди. Аёл ҳомиладор бўлиб туғса, бир неча кун ўтгач, эркакларга одам юбориб чақиртирар эди. Бош тортиб келмай қўйишга бирортасининг ҳаққи йўқ эди. Ҳаммалари тўпланганларида аёл: «Нима иш қилганингизни ўзларингиз яхши биласиз. Мана, мен туғдим. Бу сенинг боланг, эй фалончи, дер эди. Ўзи хоҳлаган эркакнинг номини айтар эди. Шу билан бола унинг боласига айланар эди. Бош тортишга эркакнинг ҳаққи йўқ эди.

Тўртинчиси – кўп эркаклар бир аёлга кириб-чиқиб юраверар эдилар. Хотин ҳам ким келса, қайтармас эди. Булар фоҳишалар эдилар. Белги бўлиши учун эшикларига байроқ тикиб қўйишар эди. Ким хоҳласа, кираверарди. Агар ҳомиладор бўлиб қолиб, туғса, эркакларни тўплаб, бирортасига, сенинг боланг, деб айтиларди-да, у бош торта олмас эди».

Муҳаммад алайҳиссалом Пайғамбар бўлиб келганларидан сўнг уларни бу нопокликлардан ҳам покладилар.

Савдо-сотикда ҳийла, тарозидан уриб қолиш, бировнинг ҳаққини ейиш одатдаги ҳолат эди. Молиявий алоқалар рибохўрлик – судхўрлик асосида бўларди. Гапнинг қисқаси, олам жаҳолат ботқоғига ботган, агар илоҳий иноят билан покланмаса, ҳалок бўлишга яқинлашиб қолган эди.

Ислом келишидан олдин, дунё қандай ночор аҳволда эканини машҳур аллома Абул Ҳасан ан-Надавий ҳазратлари ўзларининг «Олам мусулмонларнинг тушкунликлари туфайли нимани йўқотди?» деб номланган китобларида жуда яхшилаб васф қилганлар.

#### **«...китоб ва ҳикматни ўргатур.»**

Ушбу оятлар тушаётган пайтда мусулмонларнинг аксари ўқиш ва ёзишни билмас, саводсиз эди. Муҳаммад алайҳиссалом Пайғамбар бўлиб келганларидан сўнг уларга китобни – Қуръонни ва ҳикматни – суннатни ўргатдилар. Тезда мусулмонлар бутун дунёга устоз бўлиб, китобни, ўқиш-ёзишни ўргатишди. Ҳикматни ўргатишди.

#### **«Гарчи олдин очиқ-ойдин адашувда бўлсалар ҳам.»**

Инсон ҳаётига зарур барча соҳаларда улар очиқ-ойдин адашувда эдилар. Улар ақийда, эътиқод, тасаввур ва ҳаётий тушунчаларда, турли алоқаларда, урф-одатларда, иқтисодда, ахлоқда, ижтимоий муносабатларда ва яна бошқа соҳаларда очиқ-ойдин адашувда эди-

лар. Аллоҳ таоло уларга Муҳаммад алайҳиссалату вассаломни ўзларидан Пайғамбар қилиб юбориб, уларни бу адашувдан қутқариб, тўғри йўлга солди. Улар ўзлари топган ҳидоят йўлига тезда бутун оламни даъват қилишга ўтдилар.

Кейинги оятларда яна Уҳуд урушида бўлиб ўтган ҳодисалар муолажа қилинади. Мусулмонларнинг бу ҳодисалар ҳақидаги нотўғри тасаввурлари тўғриланади:

أَوَلَمَّا أَصَبْتِكُمْ مُمْصِيَةً قَدْ أَصَبْتُمْ مِثْلَهَا قُلْتُمْ أَنِّي هَذَا قُلْ هُوَ مِنْ عِنْدِ أَنْفُسِكُمْ  
 إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿١١٥﴾

**165. Сен: «Сизга мусийбат етган пайтда, ҳолбуки, ўзингиз ҳам икки бараварини етказган эдингиз, бу қаердан, дейсизми?! Бу ўзингизнинг ҳузурингиздан!» деб айт. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир.**

Мусулмонлар ўзларига Уҳуд урушида мусийбат етганидан даҳшатга тушдилар. Мусулмон бўла туриб, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қила туриб, нима сабабдан бундай мусийбатга учрадилар? Ахир, улардан етмиш киши шаҳид бўлди-я?! Қанчалари яраландилар. Қанча дард-алам етди. Лекин мағлубият, мусийбат алаmidан бир нарсани унутиб қўйдиларки, ўзлари ҳам душманга икки баробар кўп мусийбат етказган эдилар.

**«ҳолбуки, ўзингиз ҳам икки бараварини етказган эдингиз...»**

Бадр урушида Қурайшнинг етмиш нафар бошлиқларини ўлдирган эдилар-ку. Уҳудда ҳам яна етмиштасини ўлдирдилар. Аммо, ҳозир буни унутиб қўйиб,

**«Бу қаердан?» дейсизми?»**

Бу ҳайронлик саволига жавобан Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссалату вассаломга ўргатиб:

**«Бу ўзингизнинг ҳузурингиздан, деб айт!»**—дейди.

Яъни, ўзингиз сусткашлик қилдингиз, заифлашдингиз, ўзингиз Аллоҳнинг шартини буздингиз, ўзингиз Пайғамбарнинг амрига хилоф қилдингиз, энди келиб, «Бу қаердан?» дейсизми?! Билиб қўйинг, бу мусийбатни ўзингиз ўзингизга чақириб олдингиз.

**«Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир.»**

Нимани хоҳласа, шуни қилади. Жумладан, ўзи ирода қилган ҳикмат юзасидан мўмин бандаларига ҳам мусийбат етказиши мумкин.

Мазкур ҳикматнинг баъзи жиҳатини келаси оятлар баён қилади:

وَمَا أَصَابَكُمْ يَوْمَ التَّقِي الْجَمْعَانِ فَبِإِذْنِ اللَّهِ وَلِيَعْلَمَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿١٦٦﴾ وَلِيَعْلَمَ الَّذِينَ نَافَقُوا  
 وَقِيلَ لَهُمْ تَعَالَوْا قَاتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَوْ ادْفَعُوا قَالُوا لَوْ نَعْلَمُ قِتَالًا لَا تَبْعَنَكُمُ هُمْ  
 لِلْكَفْرِ يَوْمَئِذٍ أَقْرَبُ مِنْهُمْ لِلْإِيمَانِ يَقُولُونَ بِأَفْوَاهِهِمْ مَا لَيْسَ فِي قُلُوبِهِمْ وَاللَّهُ أَعْلَمُ  
 بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٦٧﴾

166. Икки жамоа тўқнашган куни сизга мусийбат Аллоҳнинг изни билан ва мўминларни билиш учун.

167. Ва мунофиқлик қилаётганларни билиш учун етди. Ва уларга: «Келинлар, Аллоҳнинг йўлида уруш қилинлар ёки мудофаа қилинлар», дейилди. Улар «Агар жанг бўлишини аниқ билсак, сизга эргашардик», – дедилар. Улар ўша кунда иймондан кўра куфрга яқинроқ эдилар. Тиллари билан дилларида йўқ нарсани айтурлар. Аллоҳ беркитаётган нарсаларини яхши билувчи Зотдир.

Аллоҳнинг изнисиз ҳеч нарса бўлмайди. Шунингдек, Уҳуд уруши куни мусулмонларга етган мусийбат ҳам Аллоҳнинг изни билан бўлган.

«Икки жамоа тўқнашган куни сизга мусийбат Аллоҳнинг изни билан» етди.

Мусулмонлар ғалабага олиб боровчи шартларни бузишган эди, Аллоҳ уларга мусийбат етишини ирода қилди. Шу билан бирга, етган у мусийбатлар беҳикмат эмасди. Жумладан, мусулмонларга Уҳуд жангида мусийбат етишининг ҳикматларидан бири:

«Мўминларни билиш учун»дир. Яъни, ким ҳақиқий мўмин эканлиги шундай оғир ҳолатларда билинади.

Шунингдек,

«мунофиқлик қилаётганларни билиш учун»дир.

Дарҳақиқат, Уҳуд уруши куни мунофиқлар очиқ-ойдин билиниб қолдилар. Нифоқнинг боши бўлмиш Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул аскарнинг учдан бирини йўлдан қайтариб олиб кетди.

«Уларга: «Келинлар, Аллоҳнинг йўлида уруш қилинлар ёки мудофаа қилинлар», дейилди.»

Яъни, мунофиқларга: «Сизлар ҳам мусулмонман деяпсизлар, мана, душман бостириб келди. Ҳар бир мусулмонга жиҳод фарз бўлди. Келинлар, сизлар ҳам Аллоҳнинг йўлида уруш қилинлар. Агар Аллоҳнинг йўлида уруш қилишни хоҳламасаларингиз, ҳеч бўлмаса, ўзларингизни мудофаа қилинлар», дейилди. Аммо, уларнинг мунофиқликлари ошкора бўлди:

**«Улар: «Агар жанг бўлишини аниқ билсак, сизга эргашардик», – дедилар».**

Мунофиқлар шу ерда ҳам мунофиқликларини намоён этдилар. Ўзлари ичларида урушдан қўрқиб қочаётган бўлсалар ҳам, буни ошкора қилмай, «Бизнинг сафга қўшилмаслигимиз урушдан қўрқаётганимиздан эмас, балки жанг бўлмайди, деб ўйлаётганимиздандир. Агар жанг бўлишини аниқ билганимизда, сизлар билан бирга жанг қилар эдик», – дейишди.

**«Улар ўша кунда иймондан кўра куфрга яқинроқ эдилар.»**

Мунофиқлар гоҳ иймонга, гоҳ куфрга яқинлашиб турадилар. Тарозининг палласи иймон тарафга босиб қолса, иймонга яқинлашадилар. Куфр тарафга оғса, улар ҳам куфрга яқинлашадилар. Воқеа бўлиб ўтган куни мунофиқлар ўзларининг ушбу тутган мавқифлари билан иймондан кўра куфрга яқинликларини исбот қилдилар.

**«Тиллари билан дилларида йўқ нарсани айтурлар.»**

Улар ўзларича: шундай қилиб ишимизни битириб юраверамиз, дилимиздагини ким билиб ўтирибди, деб ўйлайдилар.

Аслида эса:

**«Аллоҳ беркитаётган нарсаларини яхши билувчи Зотдир.»**

Уларнинг нифоқини – тиллари сўзлаётган нарса аслида дилларида йўқ эканини яхши билади.

Сўнгра, мунофиқларнинг кирдикорларини фош қилишда яна давом этилади:

الَّذِينَ قَالُوا لِلْإِخْوَانِهِمْ وَقَعَدُوا وَالْوَأْطَاعُونَ مَا قَتَلُوا قُلًّا فَادْرَأْهُ وَعَنْ أَنْفُسِكُمُ الْمَوْتَ  
 إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿١٦٨﴾

**168. Улар ўз биродарларига ва (урушга чиқмай) ўтирганларга: «Агар бизга итоат қилганларида қатл қилинмас эдилар», – дейишди. Сен: «Агар гапингиз рост бўлса, ўзингиздан ўлимни қайтариб кўринг-чи», деб айт.**

Мунофиқлар урушга бормай қолиб, мусулмонлар кучига қаттиқ зарба берганлари етмагандай, энди фитна-фасод ҳам ёя бошладилар. Аслини олганда, улар Ислом аскарига улкан зарба берган эдилар. Ҳамма бир тан-бир жон бўлиб, шижоат билан душман қаршисига чиқиб бораётган бир пайтда, бирдан уч юз чамаси аскарнинг ортага қайтиб қолиши бошқаларнинг ҳам даммини кесди, қалбларига гулғула солди. Айниқса, Абдуллоҳ ибн Убай обрўли одам эди. Ўз қавмининг



раиси эди. Ҳали бу оятлар тушмаган, унинг мунофиқлиги ҳеч кимга ошкор бўлмаган эди. Бу омилларнинг ҳаммаси мусулмон кучларининг заифлашишига сабаб бўлди. Мунофиқлар эса, бу хиёнат билан кифояланиб қолмай, кейин ҳам фитналарини давом эттирдилар. Урушга бориб жанг қилганларни маломат қилишга ўтдилар:

**«Улар ўз биродарларига ва (урушга чиқмай) ўтирганларга: «Агар бизга итоат қилганларида қатл қилинмас эдилар», – дейишди».**

Яъни, мунофиқлар бошқа мунофиқ биродарларига ва урушга чиқмай уйда ўтирганларга ўзларини ҳақ кўрсатиб, айбни жанг қилганларга афдара бошладилар. Уларнинг фикрича, Пайғамбар алайҳиссаломнинг амрларига итоат қилганлари хатолик бўлган. Агар мунофиқларга итоат қилганларида тўғри бўлар эмиш. Бу даъво тагида ҳамма нарса Аллоҳнинг иродаси билан бўлишини инкор этиш ётади. Улар ажал ҳақ эканини ҳам инкор қилаётган эдилар. Шу боисдан ҳам, Аллоҳ таоло келаси жумла ила Пайғамбар алайҳиссаломга нима дейиш лозимлигини ўргатмоқда:

**«Агар гапингиз рост бўлса, ўзингиздан ўлимни қайтариб кўринг-чи», деб айт».**

Агар сиз жуда доно ва тадбиркор бўлсангиз, ўзингиздан ўлимни қайтариб, ўлмай қолинг-чи?! Ажал келганда, қачон бўлса ҳам, қаерда бўлса ҳам, олиб кетади. Жангда қатнашган ҳам ўлади, қатнашмаган ҳам. Мўмин ҳам ўлади, кофиру мунофиқ ҳам. Соғ ҳам, касал ҳам бир куни ўлади. Ўлмайдиган ким бор? Бинобарин, бекорга фитна тарқатиб овора бўлманглар!

Келаси оятларда Аллоҳ таоло мўмин бандаларининг кўнглини кўтаради, кофир ва мунофиқларнинг ифволари таъсиридан асраб, шаҳидлар ва тирик қолганлар ўз ҳузурида катта мақом-мартабаларга эришишларини айтиб ўтади.

وَلَا تَحْسَبَنَّ الَّذِينَ قُتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَمْوَاتًا بَلْ أَحْيَاءُ عِنْدَ رَبِّهِمْ يُرْزَقُونَ ﴿١٦٩﴾ فَرِحِينَ  
بِمَاءِ آتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ ۗ وَيَسْتَبْشِرُونَ بِالَّذِينَ لَمْ يَلْحَقُوا بِهِمْ مِنْ خَلْفِهِمْ أَلَّا خَوْفٌ  
عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿١٧٠﴾ ﴿١٧٠﴾ يَسْتَبْشِرُونَ بِنِعْمَةِ اللَّهِ وَفَضْلِهِ وَأَنَّ اللَّهَ لَا يُضِيعُ  
أَجْرَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿١٧١﴾

169. Аллоҳнинг йўлида қатл бўлганларни ўликлар деб ҳисобламанглар. Балки, улар – тирик, Роббилари ҳузурида ризқланмоқдалар.

**170. Улар Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсалардан хурсандлар ва ҳали ортларидан ўзларига қўшилмаган биродарларига, уларга хавф йўқлигининг ҳамда хафа ҳам бўлмасликларининг хушхабарини бермоқдалар.**

**171. Улар Аллоҳдан бўлган неъмат ва фазлнинг ҳамда, албатта, Аллоҳ мўминларнинг ажрини зое қилмаслигининг хушхабарини бермоқдалар.**

Ушбу оятлар Аллоҳ йўлида жиҳод қилиб қурбон бўлган бандалар мақомларининг баёнидир. Уларни «ўликлар» деб ҳисобламасликка амр, улар тирик эканликлари ва Роббилари ҳузурида ризқланаётганларининг хабаридир:

**«Аллоҳнинг йўлида қатл бўлганларни ўликлар деб ҳисобланманглар. Балки, улар—тирик, Роббилари ҳузурида ризқланмоқдалар».**

Демак, шаҳидлар ҳақидаги тасаввур шундай бўлиши керак. Кейинги оятнинг гувоҳлигига кўра:

**«Улар Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсалардан хурсандлар».**

Айни чоғда, бу ахёр бандалар фақат ўзларини ўйламайдилар, балки ортларида қолган биродарларининг ҳам ўзлари эришган улў даражага эришишларини орзу қиладилар. Шунинг учун, уларга Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилган бандаларга бериладиган мақомнинг хушхабарини берадилар. Чунки, шаҳидлар ҳам тирикдирлар, биродарларидан узилиб қолмаганлар.

**«...ва ҳали ортларидан ўзларига қўшилмаган биродарларига»,** яъни Аллоҳнинг йўлида жиҳодни давом эттираётган, ҳали шаҳид бўлиб уларга келиб қўшилмаган биродарларига:

**«уларга хавф йўқлигининг ҳамда хафа ҳам бўлмасликларининг хушхабарини бермоқдалар».**

Бунда Аллоҳнинг йўлида янада ғайрат қилишга ундов, қизиқтириш, тарғиб бор. Худди шу маъно кейинги оятда ҳам ривожини топади:

**«Аллоҳдан бўлган неъмат ва фазлнинг ҳамда, албатта, Аллоҳ мўминларнинг ажрини зое қилмаслигининг хушхабарини бермоқдалар».**

«Аллоҳдан бўлган неъмат» деганда, уларга тоат-ибодатларига яраша тақдим қилинган нарсалар тушунилади. «Фазл» эса, Аллоҳ таоло Ўз томонидан ортиқча қилиб берган нарсалардир.

**«...ҳамда, албатта, Аллоҳ мўминларнинг ажрини зое қилмаслигининг хушхабарини бермоқдалар.»**

Яъни, ортиқча бераверади, лекин асло қилган амалларини камайтирмайди.

Ушбу хабарларни ифодалаган маъноларни тушуниш учун ҳадиси шарифларга, ушбу мавзуга алоқадор баёнларга мурожаат қилсак, янада яхшироқ бўлади.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссолату вассалом бундай деганлар:

«Биродарларингиз Уҳудда нишонга олинганларида, Аллоҳ уларнинг руҳини яшил қушлар ичига жойлади. Улар Жаннатнинг анҳорларига борадилар, унинг меваларидан ейдилар. Аршнинг соясида тилло қандилларга борадилар. Ўзларининг яхши таомлари, ичимликлари ва ётиб-туришларини билганларидан сўнг: «Қани энди, биродарларимиз ҳам Аллоҳ таоло бизга берган нарсаларни билса эдилар, жиҳодда сусаймас эдилар ва урушдан чўчимас эдилар», — дейишди. Шунда Аллоҳ таоло: «Буни сизнинг номингиздан ўзим етказаман, — деди-да: «Аллоҳнинг йўлида қатл бўлганларни ўликлар деб ҳисобламанглар. Балки, улар — тирик, Роббилари ҳузурда ризқланмоқдалар. Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсалардан хурсандлар ва ҳали ортларидан ўзларига қўшилмаган биродарларига, уларга хавф йўқлигининг ҳамда хафа ҳам бўлмасликларининг хушхабарини бермоқдалар», оятларини туширди.

Имом Муслим қилган ривоятда Масруқ айтадиларки:

«Биз Абдуллоҳдан «Аллоҳнинг йўлида қатл бўлганларни ўликлар деб ҳисобламанглар. Балки, улар — тирик, Роббилари ҳузурда ризқланмоқдалар», ояти ҳақида сўраган эдик, у киши, биз ҳам бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраганимизда, у зот бундай тушунтирдилар:

«Уларнинг руҳлари яшил қушнинг ичида бўлади. Уларнинг Аршга осилган қандиллари бўлади. Жаннатнинг хоҳлаган жойига борадилар. Сўнгра, ҳалиги қандилларга қайтиб келадилар. Роббилари уларга қараб туриб: «Яна бирор нарса хоҳлайсизларми», — дейди. Улар: «Биз жаннатнинг хоҳлаган жойига бораётган бўлсак, яна нима хоҳлар эдик», — дейишади. Шу нарса уч бор такрорланади, аммо савол давом этаверишини кўрганларидан сўнг: «Эй Роббимиз, токи сенинг йўлингда яна қайта қатл бўлишимиз учун, руҳимизни жасадларимизга қайтаришингни сўраймиз», — дейдилар».

Исломда шаҳидлик мақоми шу тариқа тушунтирилгани учун ҳам, бу ҳис мусулмонлар қалбига қаттиқ ўрнашди. Жиҳодга кишилар шаҳид бўлиш орзуида чиқадиган бўлдилар. Воқеъликда ҳам тарих саҳифаларида олтин ҳарфлар билан ёзилиб қолган фидокорлик, ўлимдан кўрқмаслик ва шаҳидлик намуналарини кўрсатдилар.

Эндиги оятларда мўминларнинг хусусиятлари, сифатлари ва Аллоҳ таолога боғланишларининг баёни келади:

الَّذِينَ اسْتَجَابُوا لِرَبِّهِمْ وَالرَّسُولِ مِنْ بَعْدِ مَا أَصَابَهُمُ الْقَرْحُ لِلَّذِينَ أَحْسَنُوا مِنْهُمْ  
وَاتَّقُوا أَجْرٌ عَظِيمٌ

**172. Улар жароҳат етгандан кейин ҳам Аллоҳ ва Пайғамбар чақиривига жавоб берадиганлардир. Улардан яхшилик ва тақво қилганларига улуг ажрлар бордир.**

Демак, Аллоҳ ажрини зое қилмайдиган мўминларнинг мақтовга арзигулик сифатларидан яна бири:

**«Улар жароҳат етгандан кейин ҳам Аллоҳ ва Пайғамбар чақиривига жавоб берадиганлардир».**

Яъни, улар ўзларига жароҳат етиб, чарчаб, ярадор бўлиб, қийналиб туришларига қарамасдан, Аллоҳ йўлида яна жиҳодга даъват этилса, малол олмай, лаббай, деб яна қайтадан чиқаверадилар.

Бу ҳодиса Уҳуд урушининг эртасига содир бўлган. Уҳуд уруши тамом бўлгач, мушриклар ўз юртларига қайтиб кетаётиб, Ҳамроул Асад деган жойда дам олишди. Урушда мусулмонларни тамом енга олмаганларидан афсус чекиб, орқаларига қайтиб, уларни батамом йўқ қилиб ташлашга қарор қилишди. Бу хабар Пайғамбар алайҳиссалоту вассаломга етганда, мусулмонларни душманнинг ортидан боришга, уларга куч-қувват ва шону шавкатни кўрсатишга чақирдилар. Бу чақирикча мусулмонлар, лаббай, деб жавоб бердилар. Ҳатто биринчи кунда чиқмаган кишилар ҳам бормоқчи бўлдилар. Расулуллоҳ алайҳиссалоту вассалом уларга рухсат бермадилар. Фақат биринчи куни чиққанларнинг боришини айтдилар. Мусулмонлар кечаги оғир мусийбат, чарчоқ ва олган жароҳатларига қарамай, чин дилдан жангга отланганлари ушбу оятда зикр қилиниб, илоҳий китоб Қуръони Карим саҳифаларига ёзилиб, қиёматгача ибодатларда ўқиладиган бўлиб қолди. Дарҳақиқат, шу иш таҳсинга ва ҳавасга сазовор ишдир.

**«Улардан яхшилик ва тақво қилганларига улуг ажрлар бордир.»**

Муҳаммад ибн Исҳоқ Уҳуд урушида иштирок этган Бани Ашҳам қабиласидан бўлган бир биродаридан ривоят қиладиларки, у бундай ҳикоя қилган:

«Мен ва акам Расулуллоҳ алайҳиссалом билан бирга Уҳуд урушида қатнашдик. Икковимиз ҳам ярадор бўлдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаломнинг жарчилари одамларни душман ортидан чиқишга чақирганда, бир-биримизга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалом иштирокларидаги ғазот бизсиз ўтадимиз?» — дедик. Ҳолбуки, мингани уловимиз ҳам йўқ эди. Оғир-оғир яраларимиз

бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга чиқдик. Менинг жароҳатим енгилроқ эди. Шеригим чарчаб қолса, кўтариб олар эдим. Шундай қилиб, мусулмонлар билан бирга бордик.»

Юқоридаги оят шу каби кишилар ҳақида тушган.

Мушрикларнинг қалбига Аллоҳ таоло қўрқинчни солиб, улар юртиларига қайтиб кетдилар. Мусулмонлар Ҳамроул Асадда уч кун тургандан кейин хурсанд ҳолда Мадийнаи Мунавварага қайтдилар.

Уҳуд урушидан кейин мусулмонлар жуда ҳам ноқулай аҳволга тушиб қолган эдилар. Аввало, Бадр урушидан кейинги ҳарбий ҳайбатлари йўқолди. Мушрикларнинг Мадийнаи Мунавварага қайта ҳужум қилиш хавфи кучайди. Шунингдек, бошқа араб қабилалари, мунофиқлар ва яҳудийлар ҳам уларга нисбатан журъат қиладиган бўлиб қолди. Мусулмонлар руҳий тушқунликка тушдилар.

Расулуллоҳнинг мусулмонлар билан мушриклар ортидан Ҳамроул Асадга чиқишлари, у ерда уч кун туришлари, Абу Суфён бошлиқ мушриклар буни эшитиб, худди қочгандек Маккага қайтиб кетишлари Уҳуддан кейин пайдо бўлган ноқулайликларнинг барчасини кетказди.

Келаси ояти каримада мазкур мўминларнинг васфи давом этади.

الَّذِينَ قَالَ لَهُمُ النَّاسُ إِنَّ النَّاسَ قَدْ جَمَعُوا لَكُمْ فَاخْشَوْهُمْ فَزَادَهُمْ إِيمَانًا وَقَالُوا  
حَسْبُنَا اللَّهُ وَنِعْمَ الْوَكِيلُ ﴿١٧٣﴾

**173. Уларга кишилар: «Албатта, одамлар сизга қарши куч тўпладилар, улардан қўрқинглар», деганда, иймонлари зиёда бўлди ва: «Бизга Аллоҳнинг Ўзи етарли ва У қандай ҳам яхши вакил»,— дедилар.**

Яъни, ўша мўминларга баъзи кишилар келиб, қурайшликларнинг уларга қарши кўп куч тўплаганларини айтиб, улардан қўрқинглар, деганида, мўминлар қўрқиш ўрнига, иймонлари зиёда бўлди. Шу билан бирга,

**«Бизга Аллоҳнинг Ўзи етарли ва У қандай ҳам яхши вакил»,— дедилар».**

Ушбу оятдаги: «Ҳасбуна Аллоҳу ва неъмал вакийл» жумласини ҳар бир инсон бошига оғир ҳолат келганда айтиши тавсия қилинади.

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки:

«Ҳасбуна Аллоҳу ва неъмал вакийл»ни Иброҳим алаҳиссалом ўтга ташланганда айтганлар, Муҳаммад алайҳиссалом: «Уларга ки-

шилар: «Албатта, одамлар сизга қарши куч тўладилар, улардан қўрқинглар», деганда, иймонлари зиёда бўлди ва: «Бизга Аллоҳнинг ўзи етарли ва У қандай ҳам яхши вакил», дедилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқа муҳаддислар ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларидан бирига:

«Бошингга оғир иш тушганда, «Ҳасбияллоҳу ва неъмал вакийл» дегин», деганлар.

Энди, Аллоҳга таваккал қилиш ва ўзини ихлос ила тутишнинг натижаси зикр этилади:

فَأَنْقَلِبُوا بِنِعْمَةٍ مِّنَ اللَّهِ وَفَضْلٍ لَّمْ يَمَسَّ لَهُمْ سُوءٌ وَأَتَّبَعُوا رِضْوَانَ اللَّهِ وَاللَّهُ ذُو فَضْلٍ عَظِيمٍ ﴿١٧٤﴾

**174. Бас, Аллоҳнинг неъматини ва фазлини ила уларга ёмонлик етмасдан қайтдилар ва Аллоҳнинг розилигига эришдилар. Аллоҳ улуғ фазл эгасидир.**

Улар Аллоҳга таваккал қилиб, Уни ўзларига кофий вакил билиб чиққан эдилар. Бас, бу урушдан зиён кўрмасдан, Аллоҳнинг неъматини, фазли ва розилигига сазовор бўлган ҳолда қайтдилар. Улуғ фазл эгаси бўлган Аллоҳ Ўз йўлида жиҳод қилган бандаларига фазлидан албатта беради.

Кейин қўрқинч ва қўрқоқликнинг сабаби фош этилади:

إِنَّمَا ذَلِكُمُ الشَّيْطَانُ يُخَوِّفُ أَوْلِيَاءَهُ، فَلَا تَخَافُوهُمْ وَخَافُوا إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿١٧٥﴾

**175. Албатта, бундай бўлишингиз шайтондандир, у ўз яқинларидан қўрқитур. Бас, агар мўмин бўлсангиз, улардан қўрқманглар, мендан қўрқинглар.**

Яъни, одамлар сизга қарши куч тўладилар, улардан қўрқинглар, деган хабардан қўрқинчга тушсангиз, бу ҳолингиз шайтондандир. У сизларни ўз яқинларидан қўрқитади. Шайтон ўзига эргашганлар сизнинг кўзингизга кучли бўлиб кўринишини истайди. Худди улардан фойда ёки зарар етадигандек, улардан қўрқингизни хоҳлайди. Агар ҳақиқий мўмин бўлсангиз, улардан қўрқманглар, уларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Улар фойда ҳам, зарар ҳам етказмайдилар. Мендан қўрқинглар, дейди Аллоҳ таоло. Чунки ҳақиқий фойда ва зарар етказувчи фақат Ўзидир.

Кейин Пайғамбар алайҳиссалому вассаломга хитоб қилиб, кофирларнинг ўзларини тутишидан хафа бўлмасликка, кўнгилларини чўктирмасликка даъват қилади:

وَلَا يَحْزُنكَ الَّذِينَ يُسِرُّونَ فِي الْكُفْرِ إِنَّهُمْ لَن يَضُرُّوا اللَّهَ شَيْئًا يُرِيدُ اللَّهُ أَلَّا يَجْعَلَ لَهُمْ حِزْبًا فِي الْآخِرَةِ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿٧٦﴾

**176. Куфрга ошиқаётганлар сени хафа қилмасин. Албатта, улар ҳаргиз Аллоҳга бирор зарар етказа олмаслар. Аллоҳ уларга охиратда насиба қилмасликни хоҳлайдир. Уларга улкан азоб бордир.**

Инсоннинг иши қизиқ; кўра-била туриб яхшини қўйиб ёмонга интилади, иймонни тарк этиб куфрга ошиқади. Кофирларнинг куфрга ошиқаётганини кўрган ҳар бир мўминнинг қалби ҳасратга тўлади. Кишиларнинг ўзларини ҳалокатга ураётганларини кўриб, хафа бўлади. Кофирларнинг ёмонликларини, мусулмонларга бераётган азобларини кўриб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг қалблари ҳам қаттиқ изтиробга тушар эди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломга ва у киши орқали барча мўминларга таскин бериб:

**«Куфрга ошиқаётганлар сени хафа қилмасин. Албатта, улар ҳаргиз Аллоҳга бирор зарар етказа олмаслар»,** демоқда.

Аллоҳ таоло кофирларнинг Исломга ва мусулмонларга қарши олиб бораётган ишларини ўзига қарши олиб борилаётган иш, деб баҳоламоқда. Бечора, ожиз банд бўлмиш кофирлар ҳар қанча уринмасинлар, Аллоҳ таолога ҳеч бир зарар етказа олмайдилар. Улар Аллоҳнинг динига қанчалик қаршилиқ қилмасинлар, мусулмонларга зарар етказишга қанчалик уринмасинлар, барибир, қўлларидан ҳеч бир иш келмайди.

Ундоқ бўлса, нима учун Аллоҳ уларни тек қўйиб қўймоқда? Нима учун улар хоҳлаганларини қилишмоқда? Ҳатто баъзан ғолиб келиб, қўллари баланд ҳам бўлмоқда?! Бунинг ҳикмати шулки:

**«Аллоҳ уларга охиратда насиба қилмасликни хоҳлайдир».**

Барча насибаларини шу дунёда олиб қолишларини хоҳлайди. Барча ризқларини беш кунлик дунёда тугатиб, барча азоб-уқубатларга ҳақдор бўлишларини хоҳлайди. Зеро, охиратда

**«Уларга улкан азоб бордир».**

Бу дунёда, энг асосийси, у дунёда, албатта, улкан азобга дучор бўладилар. Шунинг учун ҳам, кофир ва мунофиқларнинг куфрга ошиқаётганларидан Пайғамбар алайҳиссалом ва мўминларнинг хо-

тирлари паришон бўлмасин, хафа бўлмасдан, қалблари тинч бўла-  
версин.

إِنَّ الَّذِينَ اشْتَرُوا الْكُفْرَ بِالْإِيمَانِ لَنْ يَضُرُّوا اللَّهَ شَيْئًا وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١٧٧﴾

**177. Албатта, куфрни иймонга сотиб олганлар Аллоҳга ҳаргиз бирор зарар етказа олмаслар. Уларга аламли азоб бордир.**

Мазкур кофир ва мунофиқлар иймонга жуда ҳам яқин эдилар. Иймонга чорловчи далил ва ҳужжатлар ҳар қадамларида учраб турган эди. Лекин улар иймонни сотиб, куфрни олдилар. Билиб туриб, шундай қилдилар. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ уларни ўз ҳолларига қўйиб берди. Бу дунёда нима насибалари бўлса, олиб қолсин, охи-ратга ҳеч қандай насибалари қолмасин, деб ирода қилди. Лекин улар қанча уринмасинлар, Аллоҳга ва Унинг динига ҳеч қандай зарар етказа олмайдилар. Охирада эса:

«Уларга аламли азоб бордир».

Улар бу дунёда мўминларга азоб беришлари, алам етказишлари мумкин. Лекин у дунёда ўзларига беқиёс аламли азоблар бўлиши аниқдир.

وَلَا يَحْسَبَنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا أَنْ مَنَّمِلِي لَهُمْ خَيْرٌ لِّأَنفُسِهِمْ إِنَّمَانَّمِلِي لَهُمْ لِيَزِدَادُوا إِثْمًا  
وَلَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴿١٧٨﴾

**178. Куфр келтирганлар уларни тек қўйганимизни ўзлари учун яхши деб ҳисобламасинлар. Биз уларни фақат гуноҳлари кўпайиши учунгина тек қўямиз. Уларга хорловчи азоб бордир.**

Баъзан ҳаётда шоҳид бўляпмизки, Аллоҳга куфр келтириб, Исломга ва мусулмонларга зарар етказаётган кишилар ноз-неъмат ичида. Нимани хоҳласалар, шуни қилиб юрибдилар. Боз устига, ҳар гуноҳ қилганларида, мартабалари яна бир бор ортяпти. Мўминлардан баъзилари бу ишдан ҳайрон. Кофирлар эса, яна ғурурга кетмоқдалар. «Агар мен Аллоҳга ёқмайдиган иш қилаётган бўлсам, мени тек қўярмиди», деб бошқаларни ўзларининг тўғри йўлда эканлигига ишонтирмоқчи бўладилар. Ушбу оят кофир ва мунофиқларнинг шундай фикрларини кескин рад этмоқда. Чучварани хом санаб:

«Куфр келтирганлар уларни тек қўйганимизни ўзлари учун яхши деб ҳисобламасинлар».

Агар хоҳласа, Аллоҳ уларни ғафлат уйқусидан уйғотиб, тўғри



йўлга солиб қўйиши ҳам мумкин эди. Лекин Аллоҳ кофир ва мунофиқларга яхшиликни ирода қилмагани учун уларни тек қўйди.

**«Биз уларни фақат гуноҳлари кўпайиши учунгина тек қўямиз».**

Демак, кофир ва мунофиқларнинг бу дунёда қилаётган гуноҳларига қарамай тек қўйилишининг асосий ва бирдан-бир сабаби — гуноҳлари баттар кўпайиб, охиратда ҳақиқий азобга сазовор бўлишлари учундир.

Шунинг учун ҳам, охиратда:

**«Уларга хорловчи азоб бордир».**

Бу дунёда гердайиб юрганлари билан у дунёда хору зор бўладилар.

Шундан билиб олсак бўладики, бу дунёда бандага етадиган мушайбатлар, азоб-уқубатлар ёки қийинчиликлар Аллоҳнинг марҳамати, тавбага, ўзини ўнглаб олишга йўл очилишидир. Аллоҳнинг суйган бандаларига етадиган қийинчиликлар беҳикмат бўлмайди. Эҳтимол, бундай ҳолатларнинг яна кўп ҳикматлари бордир, биз билмаймиз, улар фақат Аллоҳнинг Ўзига маълум.

مَا كَانَ اللَّهُ لِيَذَرَ الْمُؤْمِنِينَ عَلَىٰ مَا أَنْتُمْ عَلَيْهِ حَتَّىٰ يَمِيزَ الْخَبِيثَ مِنَ الطَّيِّبِ وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُطْلِعَكُمْ عَلَى الْغَيْبِ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَجْتَبِي مِن رُّسُلِهِ مَن يَشَاءُ فَتَأْمَنُوا بِاللَّهِ وَرُسُلِهِ ۗ وَإِن تُؤْمِنُوا وَتَتَّقُوا فَلَكُمْ أَجْرٌ عَظِيمٌ

**179. Аллоҳ мўминларни покидан нопокини ажратмасдан, сиз турган ҳолда, қўйиб қўймас. Аллоҳ сизларни ғайбдан хабардор қилиб қўймас. Лекин Аллоҳ Ўз Пайғамбарларидан кимни хоҳласа, танлаб оладир. Бас, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига иймон келтиринглар. Агар иймон келтирсангиз ва тақво қилсангиз, сизларга улуғ ажр бордир.**

Ушбу оятда Аллоҳ таоло мўминларни мунофиқларга аралаш бўлиб юраверишларига қўйиб қўймаслигини, балки ҳақиқий мўминни мунофиқдан ажратиб олишни айтмоқда.

Одатда, бундай пайтларда синов, имтиҳон усули ишга солинади. Уҳуд уруши ҳам ана шундай: покни нопоқдан, ҳақиқий мўминни мунофиқдан ажратиб олиш учун синов, имтиҳон бўлди.

**«Аллоҳ мўминларни покидан нопокини ажратмасдан, сиз турган ҳолда, қўйиб қўймас».**

Яъни, Аллоҳ мўминларни мунофиқлар билан аралаш ҳолда қўйиб қўймайди. Балки, албатта, покидан нопокини, мўминдан мунофиқини ажратади. Мунофиқларнинг иймон ортидан яшириниб, ўзини

мусулмон қилиб кўрсатиб, шу билан бирга, Исломга зарар келтириб юришларига йўл қўймайди. Аллоҳ Ислом умматини ер юзида улўф вазифани адо этиш учун чиқарган. Ушбу вазифани бажаришга эса, поклик, чаққонлик, сафларда жипслик зарур. Мунофиқлар шундай вазиятнинг вужудга келишига тўсиқ бўладилар. Шунинг учун ҳам, уларни синов ор-қали мўминлар сафидан чиқариб турилади. Ҳақиқий тиллани занглардан тозалаш учун оловда тобланади. Худди шунингдек, ҳақиқий мўминни мунофиқдан ажратиш учун ҳам қийинчиликларда тобланади.

**«Аллоҳ сизларни ғайбдан хабардор қилиб қўймас».**

Яъни, Аллоҳ сизларга ғайбни билдирмайди, жумладан, одамлар қалбида нима борлигини ҳам била олмайсизлар. Шу боисдан, ким ҳақиқий мўмин, ким мунофиқ эканини ҳам била олмайсизлар.

Унақада мунофиқни қандай билса бўлади?

**«Лекин Аллоҳ Ўз Пайғамбарларидан кимни хоҳласа, танлаб оладир».**

Демак, покни нопокдан ажратиш Пайғамбар юбориш орқали бўлади. Ўша Пайғамбарга иймон келтириш ёки келтирмаслик орқали, унга итоат қилиш ёки қилмаслик орқали, унга мунофиқона ёки самимий муомалада бўлиш туфайли оқ оққа, қора қорага ажрайди. Пайғамбар бошлаган ҳақиқат йўлидаги қийинчиликларга қарамай қадамида собит бўлганлар ҳақиқий мўмин ҳисобланадилар. Синовларга чидамай ортга қайтганлар мунофиқлардир. Шундай экан:

**«Бас, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига иймон келтиринглар. Агар иймон келтирсангиз ва тақво қилсангиз, сизларга улўф ажр бордир».**

Ҳа, фақат ҳақиқий иймонгина бундай ажрга эриштиради. Бошқа ҳеч қандай йўл билан мазкур ажрни қозониб бўлмайди.

وَلَا يَحْسَبَنَّ الَّذِينَ يَبْخُلُونَ بِمَا آتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ ۗ هُوَ خَيْرٌ لَّهُمْ بَلْ هُوَ شَرٌّ لَّهُمْ  
سَيُطَوَّقُونَ مَا بَخَلُوا بِهِ ۗ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ۗ وَلِلَّهِ مِيرَاثُ السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِ ۗ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ  
خَبِيرٌ

180. Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсага бахиллик қилганлар, буни ўзларига яхшилик деб ҳисобламасинлар. Аксинча, бу уларга ёмонликдир. Қиёмат куни бахиллик қилган нарсалари ила бўйинлари ўралур. Осмонлару ернинг мероси Аллоҳгадир. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.

Ислом дини таълимоти бўйича, инсоннинг қўлидаги мол унга Аллоҳ Ўз фазлидан берган омонатдир. Шунинг учун, у мазкур молни унинг ҳақиқий эгаси – Аллоҳнинг розилиги йўлида сарфлаши керак. Аммо, бахиллик қилиб, молни сарфламай тўпласа, ўзининг кўзига яхши бўлиб кўрингани билан, аслида яхшилик бўлмайди. Ким бахиллик билан тўплаган молини яхшилик деб ҳисобласа, нотўғри ўйлаган бўлади.

**«Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсага бахиллик қилганлар, бунинг ўзларига яхшилик деб ҳисобламасинлар. Аксинча, бу уларга ёмонликдир».**

Бандачилик. Сиртдан қараганда, бахиллик гўё молни муҳофаза қилади. Тарқалиб, йўқ бўлиб кетишидан асрайди. Лекин бу мол беш кунлик дунёда тўпланади, Ўлиб кетса, қолади. Қолганда ҳам, бахиллик ила тўплангани учун бало-офат бўлиб қолади.

**«Қиёмат куни бахиллик қилган нарсалари ила бўйинлари ўралур».**

Бу ўралиш қандай бўлишини ҳадиси шарифдан билиб олишимиз мумкин.

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Аллоҳ кимга мол берса-ю, у закотини бермаса, қиёмат куни мол унга икки холли улкан илон бўлиб кўринади ва бўйнига ўралади. Сўнгра, икки чеккасидан тишлаб туриб, мен молингман, мен сен тўплаган хазинангман, дейди», – дедилар. Кейин: «Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсага бахиллик қилганлар бунинг ўзларича яхшилик деб ҳисобламасинлар», оятини охиригача ўқидилар.

Ибн Жарир раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилган бошқа бир ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир киши ўз қариндошига келиб, Аллоҳ унга берган фазлдан беришни сўраса, у бахиллик қилиб бермаса, албатта, жаҳаннамдан катта илон чиқиб тили билан ялаб-ялаб бўйнига ўралур», деганлар.

Ҳа, инсон қанча яшамасин, қанча мол тўпламасин, барибир, бир куни келиб ўлади ва молу мулкини тарк этади.

**«Осмонлару ернинг мероси Аллоҳгадир».**

Ҳамма-ҳаммаси Аллоҳга қолади. Ҳеч бир инсон дунёга устун бўлмайди.

**«Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир».**

Кимнинг бахил, кимнинг бахил эмаслигини жуда ҳам яхши билиб туради. Шу ерда Уҳуд уруши ҳақидаги оятлар ниҳоясига етади. Кейинги оятларда Аллоҳ таоло яҳудийларнинг Исломга ва мусулмонларга қарши олиб борадиган фаолиятлари, макр-ҳийлалари ҳақида сўз юритади.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

«Бир куни Абу Бакр Сиддиқ яҳудийлар тўпланадиган Мидрос номли жойга кирдилар. Бир гуруҳ яҳудийлар ўзларининг уламоларидан, диний раҳнамоларидан бири бўлган Финҳос ибн Азуро исмли одам атрофида тўпланиб ўтиришган экан.

Абу Бакр Финҳосга: «Эй, сен! Аллоҳдан қўрқ! Мусулмон бўл! Аллоҳга қасамки, албатта, сен Муҳаммаднинг Аллоҳ ҳузуридан келган Пайғамбар эканини биласан, у сизларга Аллоҳнинг ҳузуридан ҳақ ила келди. Уни ўзингиздаги Таврот ва Инжилда ёзилганини топасиз», дедилар.

Шунда Финҳос: «Эй Абу Бакр! Аллоҳга қасамки, Аллоҳга бизнинг ҳожатимиз йўқ. Балки, Унинг бизга ҳожати бор. У бизга тазарруъ қилганидек, биз Унга тазарруъ қилмаймиз. Биз Ундан беҳожатмиз. Агар У бой бўлганида, сизнинг соҳибингиз айтганидек, биздан қарз сўрамасди. Сизни рибодан қайтарадию, бизга беради. Агар бой бўлганида, бизга рибони бермас эди», — деди.

Абу Бакр қаттиқ ғазабга келдилар ва Финҳоснинг юзига шиддат ила тарсаки тушириб:

«Эй, Аллоҳнинг душмани! Агар биз билан сизларнинг орангизда аҳднома бўлмаганида, Аллоҳга қасамки, бўйнингга қилич билан солардим», — дедилар.

Финҳос Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб арз қилди:

«Эй Муҳаммад! Дўстинг мени нима қилганини кўр!» Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Абу Бакр, нимага бундай қилдинг?» — дедилар. Абу Бакр:

«Эй, Аллоҳнинг Расули! Бу Аллоҳнинг душмани катта гап айтди. У Аллоҳни камбағал, ўзларини бой ҳисобламоқда», — дедилар. Финҳос буни инкор этди. Шунда Аллоҳ таоло: «Батаҳқиқ, Аллоҳ: «Албатта, Аллоҳ камбағал ва биз боймиз», деганларнинг гапини эшитди...» деб бошланадиган қуйидаги оятини туширди:

لَقَدْ سَمِعَ اللَّهُ قَوْلَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ فَقِيرٌ وَنَحْنُ أَغْنِيَاءُ سَنَكْتُبُ مَا قَالُوا  
وَقَتْلَهُمُ الْأَنْبِيَاءَ بِغَيْرِ حَقٍّ وَنَقُولُ ذُوقُوا عَذَابَ الْحَرِيقِ ﴿١٨١﴾

**181. Батаҳқиқ, Аллоҳ:** «Албатта, Аллоҳ камбағал ва биз боймиз», деганларнинг гапини эшитди. Айтганларини ва Пайғамбарларни ноҳақ ўлдирганларни ёзиб қўямиз ва: «Куйдирувчи азобни татиб кўринг!» деймиз.

Яҳудийлар доимо Аллоҳ таоло тўғрисида ёмон тасаввурда, ноҳақ ақийдада бўлганлар. Улар мўътабар ҳисоблайдиган китобларида ҳам бу нарса ўз аксини топган. Бўлмаса, Аллоҳ камбағал, биз боймиз, дейишармиди? Аллоҳ уларнинг бу беодоб гапларини эшитмайди, деб ўйлашади. Аммо улар нотўғри ўйлашади.

Аллоҳ, яҳудийлар тасаввур қилаётганидек, ожиз эмас. У ҳамма нарсани эшитиб, билиб турувчи Зот. Яҳудийлар бу гаплари учун ҳали жавоб берадилар. Аллоҳ айтадики:

**«Айтганларини ва Пайғамбарларни ноҳақ ўлдирганларини ёзиб қўямиз ва «Куйдирувчи азобни татиб кўринг!» деймиз».**

Демак, яҳудийларнинг гуноҳи ҳозир айтаётган беодобона гапларидангина иборат эмас. Аввал ҳам роса гуноҳларни ишлаган, ҳатто Пайғамбарларни ўлдиришгача бориб етишган. Бани Исроил ўз тарихида кўплаб Пайғамбарларни ноҳақ ўлдирди. Ийсо алаҳиссаломни ўлдиришга ҳаракат қилди. Муҳаммад алайҳиссалом том тагида ўтирганларида, устларидан тош ташлаб ўлдирмоқчи бўлди. Аллоҳ таоло буларни ҳам ёзиб қўяди.

Қиёмат куни фаришталар Аллоҳнинг номидан уларга:  
**«Куйдирувчи азобни татиб кўринг!»** дейдилар.

ذٰلِكَ بِمَا قَدَّمْتُمْ اَيْدِيكُمْ وَاَنَّ اللّٰهَ لَيْسَ بِظَلّٰمٍ لِّلْعٰبِدِ

**182. Бундоқ бўлишлиги сизнинг ўз қўлингиз ила қилганингиз туфайлидир. Албатта, Аллоҳ бандаларига зулм қилувчи эмас.**

Уларга куйдирувчи азоб бекорга юборилмайди. Ўзларининг қилганларига яраша жазо сифатида юбориладир. Ҳеч кимга, ҳеч қандай зулм қилинмайди. Аллоҳ адолатли Зот, у ҳеч қачон зулм қилмайди. Яҳудий ва кофирлар тотадиган азоб ўзларининг гуноҳлари сабабидандир. Аллоҳнинг адолати яхшиликка савобни, ёмонликка азобни тақозо этади.

Имом Фаҳриддин Розийнинг «Тафсирул кабир» китобида келтирилишича, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтадиларки:

«Яҳудийлардан бир тўпи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келдилар. Уларнинг ичида Молик ибн ас-Сайф, Каъб ибн Ашраф ва Финҳос ибн Азролар ҳам бор эди. Улар:

«Эй Муҳаммад, сен Аллоҳнинг Пайғамбари эканлигини ва Аллоҳ таоло сенга китобни туширганини даъво қилмоқдасан. Ҳолбуки, Аллоҳ Тавротда биздан ўтда куядиган қурбонлик келтирмаган Пайғамбарга ишонмасликка аҳд олган. Агар ўшани келтирсанг, сенга ишонамиз», дедилар. Шунда Аллоҳ қуйидаги оятни туширди:

الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ عٰهَدَ اِلَيْنَا اَلَّا نُوْمِنَ لِرَسُوْلِ حَتّٰى يَأْتِيَنَا بِقُرْبٰنٍ  
تَاْكُلُهٗ النَّارُ فُلَقَدْ جَآءَكُم مِّن رَّسُوْلٍ مِّن قِبَلِ الْبَيِّنٰتِ وَاَلَّذِي قُلْتُمْ فَلِمَ قَتَلْتُمُوهُمْ  
اِنْ كُنْتُمْ صٰدِقِيْنَ ﴿١٨٣﴾

183. «Албатта, Аллоҳ биздан ўтда куядиган қурбонлик келтирмаган Пайғамбарга ишонмаслигимизга аҳд олган», дейдиганларга: «Мендан олдин ҳам сизларга Пайғамбарлар очиқ-ойдин баёнотлар ва сиз айтган нарса билан келганлар. Агар ростгўй бўлсаларингиз, нимага уларни ўлдирдингиз?» деб айт.

Яъни, улар ҳозир Пайғамбар алайҳиссаломдан мўъжиза келтиришни сўрашяпти. Аввалги Пайғамбарларнинг ҳақиқий Пайғамбар эканликларини исботловчи мўъжизаларидан бири уларнинг қурбонликка атаган нарсаларини осмондан ўт тушиб куйдириб кетиши эди. Агар ўша мўъжизани келтирсалар, у кишига иймон келтиришга ваъда қилмоқдалар. Лекин Қуръони Карим уларни ўзларининг бошидан ўтган воқелик билан юзма-юз қўймоқда. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб этиб, уларга:

«Мендан олдин ҳам сизларга Пайғамбарлар очиқ-ойдин баёнотлар ва сиз айтган нарса билан келганлар. Агар ростгўй бўлсаларингиз, нимага уларни ўлдирдингиз?» деб айт», дейди.

Шу билан У зот яҳудийларнинг гаплари ёлғон эканини фош қилади.

Кейинги оятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб этиб, яҳудийлардан кўраётган озорлардан хафа бўлмасликка чақиради:

فَاِنْ كَذَّبُوْكَ فَقَدْ كَذَّبَ رُسُلٌ مِّن قَبْلِكَ جَآءُو بِالْبَيِّنٰتِ وَالزُّبُرِ وَالْكِتٰبِ  
الْمُنِيْرِ ﴿١٨٤﴾

184. Агар сени ёлғончи қилсалар, сендан олдин очиқ-ойдин баёнотлар, ҳикматли китоблар ва нурли китоблар билан келган Пайғамбарларни ҳам ёлғончи қилганлар.

Бу оят Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга тасалли оятидир. Яҳудийларнинг Пайғамбарлигинга ишонмай, сени ёлғончи қилишларига хафа бўлма. Уларнинг одати ўзи шунақа. Аллоҳ томонидан келган бошқа Пайғамбарларга ҳам доимо шунақа муносабат-

да бўлганлар. У Пайғамбарлар очиқ-ойдин баёнотлар, оятлар, мўъжизалар билан ҳамда ҳикматли, ваъз-насихатли китоб-лар, нурли, ҳидоятли китоблар билан келган бўлишларига қарамай, уларни ҳам ёлғончига чиқарганлар.

Кейинги оятларда мўминлар жамоасига мурожаат қилинади, уларни олиймақом сифатлар билан сифатланишга, яхшилик йўлидаги қийинчиликлар ва тўсиқларга тайёр туришга, сабр-тоқатли, тақволи бўлишга даъват этилади:

كُلُّ نَفْسٍ ذَائِقَةُ الْمَوْتِ وَإِنَّمَا تُوَفَّوْنَ أَجُورَكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَمَنْ زُحِرَ  
عَنِ النَّارِ وَأُدْخِلَ الْجَنَّةَ فَقَدْ فَازَ وَمَا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا إِلَّا لَمْتَعٌ مُّغْرُورٍ

**185. Ҳар бир жон ўлимни тотгувчидир. Қиёмат куни ажрларингизни тўлиғича олурсиз. Ким дўзахдан узоқлаштирилса ва жаннатга киритилса, шубҳасиз, ютибди. Бу дунё ҳаёти ғурур матоҳидан ўзга нарса эмас.**

Ушбу ояти каримада улкан ҳаётий ҳақиқат ўз ифодасини топгандир:

**«Ҳар бир жон ўлимни тотгувчидир».**

Яъни, ҳамма ўлади. Бу ҳаёт бир куни бориб охирига етади. Қари ҳам ўлади, ёш ҳам ўлади. Яхши ҳам ўлади, ёмон ҳам ўлади. Тақводор ҳам ўлади, бетавфиқ ҳам ўлади. Жиходга чиқиб жангга кирган ҳам ўлади, кўрқиб панага беркинган ҳам ўлади. Иймон, ақийда йўлида ўзини фидо қилган ҳам ўлади, ўзини хор тутиб, бандаларга банда бўлганлар ҳам ўлади. Гапнинг қисқаси, ҳамма ўлади. Ҳеч ким бу дунёга устун бўлмайди. Ҳар бир инсон ўлим косасидаги шаробни тотиб кўради. Бу борада ҳамма баробар, тенг. Аммо, фарқ бошқа томонда, бу фарқни қуйидаги жумла билдиради:

**«Қиёмат куни ажрларингизни тўлиғича олурсиз».**

У кунда заррача яхшилик ҳам, заррача ёмонлик ҳам ҳисоб-китоб қилинади. Ҳар бир инсонга қилганига яраша мукофот ёки жазо тўлиғича берилади. Ана ўшанда ҳақиқий ютуққа эришган киму мағлубиятга учраган ким экани маълум бўлади.

**«Ким дўзахдан узоқлаштирилса ва жаннатга киритилса, шубҳасиз, ютибди».**

Аксинча, ким дўзахга киритилса ва жаннатдан узоқлаштирилса, шубҳасиз, ютқазибди.

**«Бу дунё ҳаёти ғурур матоҳидан ўзга нарса эмас».**

Бу дунё алдамчи дунё. Ўзига қизиққанларни ва ошиқ бўлганларни алдайди ва ғурурга кетказади. Аммо, ҳақиқий матоҳ ҳар қанча

саъйу ҳаракатга лойиқ нарсадир. Чунки у дўзахдан узоқлаштирилиб, жаннатга киритилишга боис бўлади. Қачонки инсон қалбида ушбу ҳақиқат жо бўлса, қалбдан дунё ҳирси кўтарилади.

Энди мўминларга дуч келадиган бало-офатлар ва имтиҳонлар ҳақида сўз очилади:

﴿ تَبَلُّوْا فِيْ اَمْوَالِكُمْ وَاَنْفُسِكُمْ وَاَلْتَمَعْنَ مِنْ الَّذِيْنَ اُوْتُوْا  
 الْكِتٰبَ مِنْ قَبْلِكُمْ وَمِنْ الَّذِيْنَ اَشْرَكُوْا اَذَى كَثِيْرًا وَاِنْ تَصْبِرُوْا وَتَتَّقُوْا  
 فَاِنَّ ذٰلِكَ مِنْ عَزْمِ الْاُمُوْرِ ﴾

**186. Албатта, молу жонда синовга учрайсиз. Албатта, сиздан олдин китоб берилганлардан ва ширк келтирганлардан кўплаб озор эшитасиз. Агар сабр қилсангиз ва тақво қилсангиз, албатта, бу салмоқли ишлардандир.**

Барча ақийда ва даъватларда, албатта, бало-офат ва синовлар бўлиши шартдир. Душманлардан озор эшитиш ва жафо кўриш ҳам бор нарса. Бундай пайтларда сабр-тоқатли, чидамли бўлиш ва Аллоҳ таолога тақво қилиш зарурдир. Чунки бу йўл олий мақсад йўлидир. Жаннат йўлидир. Жаннат йўли доимо тиканлар билан ўралган бўлади. Дўзах эса, шаҳвоний ишлар, лаззатлар билан ўралган бўлади.

Қийинчиликсиз эришилган нарсанинг қиймати бўлмайди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло эзгулик йўлида, Ўзининг йўлида курашга отланган бандаларни синовдан ўтказиб, тоблаб, чиниқтириб туради. Ана шундагина яхшилик даъватчилари мустаҳкам иродага эга бўладилар. Даъватнинг барча оғирликларини кўтарадилар.

Иймонга, Исломга, эзгуликка даъват қилувчилар, шу йўлда ҳаракат қилувчиларга молу мулкларида ҳам синов келади. Уларнинг молу мулкларини золимлар тортиб олиши ёки йўқ қилишга уриниши мумкин. Душман кофир бўлгандан кейин ҳеч нарсадан тап тортмайди.

Шунингдек, иймон йўлида курашувчиларнинг жонига ҳам душманлар қасд қиладилар. Уларни азоблашлари, қийнашлари ва ҳатто ўлдиришлари ҳам мумкин. Бу ҳолат аввалда ҳам бўлган, ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Ҳақиқат йўлининг курашчилари душманлардан кўплаб озорлар эшитадилар. Уларни ҳар замон ва ҳар маконда турли айблар билан айблашади. Турли ёмон сифатлар билан сифатлашади. Бу бўлиши муқаррар ишлардир. Ахир, Аллоҳ таоло Ўз Қуръонида айтиб қўйган нарса муқаррар бўлмаса, нима муқаррар бўлар эди! Аммо, булар-



нинг бари ҳақиқат учун курашувчиларга, иймон байроғини юксак кўтаришга интиланларга яхшилиқдир.

Энг камида, кураш учун оладиган савоблари кўп бўлади.

Фақат, жону молга бало етганда, душманлардан озор кўрганда:

**«Агар сабр қилсангиз ва тақво қилсангиз, албатта, бу салмоқли ишлардандир».**

Ана шундагина кўзлаган мақсадга эришилади. Ҳаммаси яхшилик билан тугайди. Зеро, иймон ила куфр курашида доимо иймон тараф ғолиб келган. Чунки бу тараф Аллоҳнинг тарафи. Унинг Ўзи нусрат беради.

Кейинги оят аҳли китобларнинг аҳдни бузишларини, омонатга хиёнат қилишларини фош этади:

وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيثَاقَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ لَتُبَيِّنُنَّهُ لِلنَّاسِ وَلَا تَكْتُمُونَهُ فَنَبَذُوهُ  
وَرَاءَ ظُهُورِهِمْ وَأَشْرَوْا بِهِ مِمَّا قَلِيلًا مِمَّا كَانُوا يَكْسِبُونَ

**187. Аллоҳ китоб берилганлардан, уни одамларга албатта баён қилурсиз ва беркитмасиз, деб аҳд олганини эсла. Бас, уни ортларига қаратиб отдилар ва арзон нархга сотдилар. Сотиб олган нарсалари қандай ҳам ёмон!**

Ояти каримада аҳли китобларнинг, хусусан, яҳудийларнинг аҳдни бузиб, хиёнат қилишлари ўзига хос услуб ила баён этиляпти.

**«Аллоҳ китоб берилганлардан, уни одамларга албатта, баён қилурсиз ва беркитмасиз, деб аҳд олганини эсла».**

Аслида, Аллоҳ уларга китоб бераётган пайтда, бу китобни одамларга албатта баён қиласиз ва беркитмайсиз, деб аҳд олган эди. Жумладан, улар келишининг хабари ўз китобларида берилган Муҳаммад алайҳиссаломнинг васфлари ва у киши ҳақидаги маълумотларни беркитмасдан, одамларга баён қилишлари керак эди.

**«Бас, уни ортларига қаратиб отдилар ва арзон нархга сотдилар».**

Яъни аҳли китоблар аҳдни ортларига қараб отдилар ва ўша аҳднинг ўрнига бу дунёнинг арзимас матоҳини олдилар.

**«Сотиб олган нарсалари қандай ҳам ёмон!»**

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи Абдуллоҳ ибн Аббос розиаллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам яҳудийлардан бир нарса ҳақида сўраганларида, у кишидан мазкур нарсани беркитишди ва бошқа нарсанинг хабарини беришди. У зотнинг ҳузурларидан

худди сўраган нарсаларининг хабарини бергандек бўлиб чиқишди. Шу билан бирга, бунинг учун мақтовталаб бўлишди. Пайғамбар сўраган нарсани беркитганларидан ўзларича хурсанд бўлишди». Шунда қуйидаги ояти карима нозил бўлди:

لَا تَحْسَبَنَّ الَّذِينَ يَفْرَحُونَ بِمَا أَتَوْا وَيُحِبُّونَ أَنْ يُحْمَدُوا بِمَا لَمْ يَفْعَلُوا فَلَا تَحْسَبَنَّهُمْ بِمَفَازَةٍ مِنَ الْعَذَابِ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١٨٨﴾

**188. Қилганларига хурсанд бўлиб, қилмаганларига мақталишни суядиганларни азобдан нажотда деб ҳисоблама. Уларга аламли азоб бор!**

Бу ояти каримада Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб қилинмоқда. Яҳудийлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам сўраган нарсани беркитиб, ўрнига бошқа нарсани айтиб, қилмишларига хурсанд бўлиб, қилмаган ишлари учун эса, мақталишни истаб юрганлари билан, улар азобдан қочиб қутула олмайдилар. Улар албатта аламли азобларга учрайдилар.

Бу хабарда Пайғамбар алайҳиссаломга ва мусулмонларга таскин оҳанглари бор. Албатта, ояти карима юқорида ўтган Уҳуд қиссасига тегишли эмас. Унинг тушишига сабаб хос бўлса ҳам, амали умумий бўлиб, шунга ўхшаш барча ишларга тааллуқлидир.

وَلِلَّهِ مُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿١٨٩﴾

**189. Осмонлару ернинг мулки Аллоҳникидир. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.**

Шундай бўлганидан кейин, ким ҳам унинг азобидан қочиб қутула олар экан!

Сураи кариманинг охиридаги оятларда, яна Аллоҳнинг ягоналигига, қудратига, яратувчилигига далиллар келтирилади. Кишиларни осмонлару ерларга – Аллоҳнинг мулкига тадаббур ва тафаккур билан назар солишга чақирилади.

إِنِّي فِي خَلْقِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَأَخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ لَأَيُّتٌ لِأُولِي الْأَلْبَابِ ﴿١٩٠﴾

**190. Албатта, осмонлару ернинг яратилишида ва кеча-кундузнинг алмашинишида ақл эгалари учун белгилар бор.**

Осмонга назар солиб, ақлини ишлатган одам, ерга назар солиб, ақлини ишлатган одам, кечаю кундузнинг алмашишига назар солиб, ақлини ишлатган одам, албатта, Аллоҳнинг ягоналигига, қудратига, яратувчилигига қойил қолмасдан иложи йўқ.

Осмонлару ердаги ажойиб мутаносиблик бутун дунё тортилиш қонуни ила шундай бўлиб турганини илм-фан айтади. Лекин ўша қонунни ким ижод қилди?!

Осмонлару ердаги ҳамма нарсалар азалий эмас, балки кейин пайдо бўлганлигини ҳам ақл ишлатган одам дарров тушуниб етади. Демак, уларни пайдо қилувчи Зот бор. У – Аллоҳ таолодир.

Кечаю кундузнинг алмашиб туриши ернинг қуёш ва ўз ўқи атрофида айланиб туришидандир. Лекин уни яратган ва қуёшни ҳам ўз ўқи атрофида айланадиган қилиб қўйган ким? Албатта, Аллоҳ таоло жалла жалалухудир.

Бу ҳақиқатларни тушуниб етиш учун ақл эгаси бўлиш билан бирга, қуйидаги оятларда келадиган сифатларга ҳам эга бўлиш керак:

الَّذِينَ يَذْكُرُونَ اللَّهَ قِيَمًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِهِمْ وَيَتَفَكَّرُونَ فِي خَلْقِ السَّمَوَاتِ  
وَالْأَرْضِ رَبَّنَا مَا خَلَقْتَ هَذَا بَطْلًا سُبْحَانَكَ فَقِنَا عَذَابَ النَّارِ ﴿١١١﴾ رَبَّنَا إِنَّكَ مَن تَدْخُلِ  
النَّارَ فَقَدْ أَخْرَجْتَهُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِن أَنْصَارٍ ﴿١١٢﴾ رَبَّنَا إِنَّنَا سَمِعْنَا مُنَادِيًا يُبَادِي لِلْإِيمَانِ  
أَن آءَامِنُوا بِرَبِّكُمْ فَآءَامَنَّا رَبَّنَا فَاغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَكَفِّرْ عَنَّا سَيِّئَاتِنَا وَتَوَقَّنَا مَعَ الْأَبْرَارِ  
﴿١١٣﴾ رَبَّنَا وَآءَانِنَا مَا وَعَدْتَنَا عَلَىٰ رُسُلِكَ وَلَا تُخْزِنَا يَوْمَ الْقِيَمَةِ إِنَّكَ لَا تُخْلِفُ الْمِيعَادَ ﴿١١٤﴾

191. Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларида эслайдиган, осмонлару ернинг яратилишини тафаккур қиладиганлар: «Роббимиз, буни бекорга яратганинг йўқ, Ўзинг поксан, бизни ўт азобидан сақлагин.

192. Роббимиз, албатта, Сен кимни дўзахга киритсанг, батаҳқиқ, уни шарманда қилибсан. Ва золимларга ёрдам берувчилар йўқ.

193. Роббимиз, биз нидо қилувчининг «Роббингизга иймон келтиринг!» деб нидо қилаётганини эшитдик ва иймон келтирдик. Роббимиз, бизнинг гуноҳларимизни кечиргин ва ёмонликларимизни ўчиргин ҳамда яхшилар билан бирга ўлдиргин.

194. Роббимиз, бизга Пайғамбарларингга ваъда қилган нарсаларингни бергин ва бизни қиёмат куни шарманда қилмагин. Албатта, Сен ваъдага хилоф қилмассан», дерлар.

Ушбу ояти карималардан кўриниб турибдики, Аллоҳнинг биру борлиги ҳамда чексиз қудрати ва бошқа комил сифатларини тўла англаб етиш учун ибодат ва тафаккур лозим экан. Бири бўлиб иккинчиси бўлмаса ҳам, иш битмас экан. Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларда эслаш даражаси улуғ даража бўлиб, инсон ибодатда олий мақомга эришгандагина ушбу даражага кўтарилади.

**«Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларида эслайдиган, осмонлару ернинг яратилишини тафаккур қиладиганлар...»**

Шундай даражада тафаккур қилган одам қалби соф ҳолга келади ва дуо қилса, ижобат бўладиган мақомга етади.

**«Роббимиз, буни бекорга яратганинг йўқ...»**

Ибодат қилиб, осмонлару ернинг яратилиши ҳақида фикр юритган одам, албатта, Аллоҳ таоло бу нарсаларни бекорга яратмаганини тушуниб етади ва уни **«Ўзинг поксан»**, деб тасбиҳ айтиб ёдга олади. Ушбу борлиқнинг яратилиши, ундаги нарсаларнинг ҳақиқатини тушуниб етиш буларни қилишда тадбиркорлик, ҳикмат ва мақсад борлигини англаб етишга олиб боради. Шундай бўлса, бу дунёда яшаётган кишилар учун адолат ҳам зарурлигини тушуниб етади. Демак, одамлар қилган ишларнинг ҳисоб-китоби ҳам бўлади. Бу иш бу дунёда эмас, у дунёда амалга оширилади. Шу боисдан, охират умидида дуо қилиш бошланади:

**«...бизни ўт азобидан сақлагин».**

Дўзахда куйишдан ҳамма ҳам кўрқади. Хусусан, ибодатли, иймонли, тафаккурли кишилар бу ҳақиқатни тўлиқ ҳис этадилар. Шунинг учун ҳам:

**«Роббимиз, албатта, Сен кимни дўзахга киритсанг, батаҳқиқ, уни шарманда қилурсан»**, дейдилар.

Демак, дўзахда шарманда бўлишдан кўрққанлари учун Аллоҳдан ёрдам сўрашади.

**«Ва золимларга ёрдам берувчилар йўқ.»**

Фақат золимларгина дўзахга сазовордирлар.

**«Роббимиз, биз нидо қилувчининг Роббингизга иймон келтиринг!»** деб нидо қилаётганини эшитдик ва иймон келтирдик.»

«Нидо қилувчи»дан мурод — Муҳаммад алайҳиссаломдирлар. Ақли ва қалби очиқлар у кишининг даъватларини эшитишлари билан дарров иймонга келганлар.

Ақли ва қалби очиқ кишилар иймонга киришлари билан, энг аввало, ўз Пайғамбарлари ҳақида ўйлай бошлайдилар. Гуноҳлари ва ёмонликларидан қутулиш ҳақида қайғурадилар ва уларни кечишини сўраб Аллоҳга тазарруъ қиладилар:

**«Роббимиз, бизнинг гуноҳларимизни кечиргин ва ёмонликларимизни ўчиргин ҳамда яхшилар билан бирга ўлдиргин».**

Дуонинг охирида Аллоҳдан умидворлик ва Унинг ваъдага хилоф қилмаслигига ишонч таъкидланади:

**«Роббимиз, бизга Пайғамбарларингга ваъда қилган нарсаларингни бергин».**

Аллоҳ, Ўз Пайғамбарлари тили билан мўмин бандаларга савоб, нусрат, жаннат ва бошқа нарсаларни ваъда қилган эди.

**«...ва бизни қиёмат куни шарманда қилмагин.»**

Яъни, кофирларни қиёмат куни халойиқнинг олдида шарманда қилганингдек, бизни ҳам шарманда қилмагин.

**«Албатта, Сен ваъдага хилоф қилмассан.»**

Бунга ишончимиз комил.

Кейинги оятларда мазкур дуо қабул бўлгани ҳақида сўз кетади:

فَأَسْتَجَابَ لَهُمْ رَبُّهُمْ أَنِّي لَا أُضِيعُ عَمَلَ عَمَلٍ مِّنْكُمْ مِّنْ ذَكَرٍ أَوْ أَنْتِ بَعْضُكُمْ مِّنْ  
بَعْضٍ فَأَلَّذِينَ هَا جَرُوا وَأُخْرِجُوا مِنْ دِيَارِهِمْ وَأُوذُوا فِي سَبِيلِي وَقَاتَلُوا وَقُتِلُوا أَلَّا يَكْفُرُوا  
عَنْهُمْ سِعَاتِهِمْ وَلَا يُدْخِلَهُمْ جَنَّتِ بَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ ثَوَابًا مِّنْ عِنْدِ اللَّهِ وَاللَّهُ  
عِنْدَهُ حَسَنُ الثَّوَابِ ﴿١٩٥﴾

**195. Роббилари уларнинг (дуоларини) ижобат қилиб: «Мен сизлардан эркагу аёл амал қилувчининг амалини зое қилмасман. Баъзингиз баъзингиздансиз. Ҳижрат қилганлар, диёрларидан чиқарилганлар, Менинг йўлимда азият чекканлар, жанг қилганлар ва қатл бўлганларнинг ёмонликларини ўчирурман ҳамда уларни албатта остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритурман, бу – Аллоҳнинг ҳузуридан савобдир. Ва Аллоҳ – ҳузурида гўзал савоб бор зотдир», деди.**

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло тафаккурингизни, хаёлингизни, ниятингизни ёки гапу сўзингизни зое қилмайман, дегани йўқ. Балки, амалингизни зое қилмайман, демоқда.

Демак, Аллоҳнинг ўлчовида энг эътиборга сазовор нарса амалдир. Яхшилик йўлида қилинган амал, Ислом дини назарида, ибодат даражасига кўтарилади. Амал қилувчи иймонли бўлса бўлди. Унинг кимлигидан қатъи назар, амали зое бўлмайди. Чунки Аллоҳ таоло:

**«Мен сизлардан эркагу аёл амал қилувчининг амалини зое қилмасман», демоқда.**

Чунки, эркак ҳам, аёл ҳам Аллоҳнинг бандаси. Аслари бир. Эр-каксиз аёл бўлмайди. Аёлсиз эркак бўлмайди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло:

**«...Баъзингиз баъзингиздансиз»,** демоқда.

Кейинги жумлаларда зое қилинмайдиган амалларнинг батафсил баёни келади:

**«Ҳижрат қилганлар...»**

Яъни, дину диёнат йўлида, иймону ақийда йўлида ўз ватанини ташлаб чиқишга мажбур бўлганлар.

**«...диёрларидан чиқарилганлар...»**

Яъни, ўзлари хоҳлаб чиқмасалар ҳам, душман мажбур қилиб диёрларидан қувилган зотлар.

**«...Менинг йўлимда азият чекканлар...»**

Яъни, Аллоҳнинг йўлида, дину диёнат йўлида азият чекиб, машаққат тортганлар.

**«...жанг қилганлар ва қатл бўлганлар...»**

Яъни, Аллоҳнинг йўлида урушларда қатнашганлар ва уларнинг ичидан шаҳид бўлганлар.

Ушбу тоифаларга Аллоҳ таоло:

**«...ёмонликларини ўчираман ҳамда уларни албатта остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритаман»,** деб ваъда бермоқда.

Шу билан бирга, бу нарсалар қаердан эканлигининг ҳам баёни келмоқда:

**«...бу–Аллоҳнинг ҳузуридан савобдир. Ва Аллоҳ – ҳузурида гўзал савоб бор зотдир».**

Кейинги оятларда қийинчилик пайтида воқелиқда содир бўлиши мумкин бўлган ҳолат муолажа қилинади:

لَا يَغْرَتُكَ تَقَلُّبُ الَّذِينَ كَفَرُوا فِي الْبِلَادِ ﴿١٩٦﴾ مَتَّعٌ قَلِيلٌ ثُمَّ مَا لَهُمْ جَهَنَّمَ وَبِئْسَ  
الْمِهَادُ ﴿١٩٧﴾

**196. Куфр келтирганларнинг юрт кезишлари сени алдаб қўйма-син.**

**197. Бу озгина матоҳдир. Сўнгра, ўринлари жаҳаннамдир. У қандай ҳам ёмон ётоқ!**

Бу дунёнинг қизиқ ишларидан бири шуки, мўминлар, аброрлар азоб-уқубатга дучор бўлиб, юртларидан ҳижрат қилиб чиқиб ёки ҳайдаб чиқарилиб ёки қамоқларга ташланиб, Аллоҳнинг йўлида ази-

ятлар чекиб турган бир пайтда, кофирлар кибру ҳаво, дабдабаю тантана билан юрт кезадилар. Ҳаммага ўзларини кўз-кўз қиладилар.

Бу ҳолат мўминларни хафа қилиб, нимага бундай бўлади, деган саволни кўнглига солиб, адаштириб, алдаб қўйиши мумкин. Ушбу оят ана шунақа алдовга берилиб қолмасликни мўминларга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам орқали тайинламоқда. Кейин эса, бу юрт кезишлар вақтинчалик эканини тушунтириб:

«**Бу озгина матоҳдир**», демоқда. Эҳтимол, улар бу дунёдан шундай керилиб, фахр қилган ҳолларида ўтиб кетарлар. Лекин барибир, у дунёда:

«**Сўнгра, ўринлари жаҳаннамдир. У қандай ҳам ёмон ётоқ!**»

Бунинг қаршисида тақводор, аброрларнинг жойи ҳам бордир:

لَكِنَّ الَّذِينَ اتَّقَوْا رَبَّهُمْ لَهُمْ جَنَّاتٌ تَجْرَى مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا نُزُلًا مِّنْ عِنْدِ اللَّهِ وَمَا عِنْدَ اللَّهِ خَيْرٌ لِلْأَبْرَارِ ﴿١٩٨﴾

**198. Лекин Роббиларига тақво қилганлар учун остидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар бўлиб, унда абадий қолурлар. Бу Аллоҳдан зиёфатдир. Аллоҳ ҳузуридаги нарса аброрлар учун яхшидир.**

Кофирларга озгина матоҳ — бу дунёнинг вақтинчалик ҳаёти, мўминларга эса, шунча нарса — жаннатлар, абадий қолишлик, Аллоҳнинг ҳузуридан зиёфат. Фақат, мўминлар яхши амаллари ила шунга сазовор бўлсалар, бўлди.

Шу ўринда Аллоҳ таоло яна бир бор аҳли китоблар ҳақида сўз юритиб, улар ҳақида қўшимча маълумот беради:

وَإِنَّ مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ لَمَنْ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْكُمْ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْهِمْ خَشِعِينَ لِلَّهِ لَا يَشْتَرُونَ بِعَايَتِ اللَّهِ ثَمَنًا قَلِيلًا أُولَٰئِكَ لَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ إِنَّ اللَّهَ سَرِيعُ الْحِسَابِ ﴿١٩٩﴾

**199. Албатта, аҳли китоблардан Аллоҳга, сизларга туширилган нарсага, уларга туширилган нарсага иймон келтирадиганлари, Аллоҳга ўзини хор тутиб бўйин эгадиганлари, Аллоҳнинг оятларини арзон баҳога сотмайдиганлари бордир. Ана ўшаларга Роббилари ҳузурида ажр бордир. Албатта, Аллоҳ тезҳисоб зотдир.**

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос ва Имом Ҳасанлардан қилинган ривоятларда келишича, бу ояти карима Ҳабашистон подшоҳи Нажоший ҳақида тушган экан. Нажоший вафот этганда Жаброил алайҳиссалом унинг вафоти ҳақидаги хабарни Пайғамбаримиз алайҳиссаломга келтирганида, у киши саҳобаларга: «Туринглар, биродарингиз Нажошийга намоз ўқинглар», деб ғойибона жаноза намози ўқиганлар. Шунда баъзи одамлар ўзаро: «Ҳабашистоннинг кофирларидан бирига намоз ўқиймизми?» деганда, Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилган экан.

**«Албатта, аҳли китоблардан Аллоҳга, сизларга туширилган нарсага, уларга туширилган нарсага иймон келтирадиганлари» бордир.**

Нажоший розияллоҳу анҳу худди шундоқ кишилардан эдилар. У киши насроний динида эдилар. У динни иложи борича маҳкам тутар эдилар. Шунинг учун ҳам, мусулмонларга мушрикларнинг тазйиқи ҳаддан ошиб кетганда, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Уларга Ҳабашистонга ҳижрат қилинганлар, у ерда адолатли подшоҳ бор, дедилар. Нажоший ўз юртига ҳижрат қилиб келган мусулмонларга эҳтиром кўрсатди. Қурайш мушриклари мусулмонларни тутиб беришни талаб қилиб Нажошийга одам юборганларида у адолат билан иш кўрди. Икки томонни бирдек эшитиб, мусулмонлар фойдасига ҳукм чиқарди. У мусулмонлардан олган маълумотлари асосида иймонга келди. Қуръон тиловатини эшитиб йиғлади.

**«Аллоҳга ўзини хор тутиб бўйин эгадиганлари, Аллоҳнинг оятларини арзон баҳога сотмайдиганлари бордир».**

У киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг номларидан совчилик ҳам қилди. Нажоший розияллоҳу анҳу бу хизматлари учун юксак баҳоларга сазовор бўлди. Унинг ҳақида ояти карима нозил бўлиши, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг унга ғойиб жанозаси ўқишлари шулар жумласидандир. Аммо ундоқ кишиларнинг асосий мукофоти охиратда бўлиши турган гап.

**«Ана ўшаларга Роббилари ҳузурида ажр бордир. Албатта, Аллоҳ тезҳисоб зотдир».**

Сўнгра, мўминларга нидо келади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا صَبِرُوا وَصَابِرُوا وَرَابِطُوا وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

**200. Эй, иймон келтирганлар! Сабр қилинг. Сабр ила ғолиб келинг. Курашга бел бонлаб туринг. Аллоҳга тақво қилинг. Шоядки, ютуққа эришсангиз.**



Сабр — даъватнинг машаққати йўлидаги зоди роҳиладир. Ниятга сабрсиз етиб бўлмайди. Чунки, бу даъват йўлида турли хавфу хатарлар, бало-офатлар, синовлар ва азоб-уқубатлар тўлиб ётибди.

Сабр ила ғолиб келиш муҳим нарса, чунки қарши тараф ҳам ўзига яраша сабрлидир. Демак, икки томоннинг сабрлари курашида мўминларнинг сабри ғолиб келиши керак. Буни шаръий истилоҳда «мусобара» дейилади.

Биз «курашга бел боғлаб туринг» деб таржима қилган ибора эса, «муробата» дейилиб, ибодат жойида ёки мусулмонларни душмандан ҳимоя қилиш жойида бардавом бўлиш маъносини беради.

Имом Бухорий ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом, «бир кун муробата қилиш дунё ва ундаги нарсалардан яхшироқдир», деганлар.

Бошқа бир ҳадисда: «Икки кўзга (дўзахда) ўт тегмайди: Аллоҳдан қўрқиб йиғлаган кўзга ва Аллоҳнинг йўлида қўриқчилик қилган кўзга», деганлар.

Абд ибн Ҳумайд, Ибн Аби Ҳотим ва Ибн Ҳиббонлар Ато раҳматуллоҳи алайҳидан ривоят қиладиларки, у киши:

«Мен, Абдуллоҳ ибн Умар ва Убайд ибн Умайрлар мўминларнинг онаси Оиша розияллоҳу анҳонинг олдиларига кирсак, у киши тўсиқларининг ичида ўтирган эканлар. У кишига салом берган эдик:

«Булар кимлар?» деб сўрадилар. Биз:

«Бу Абдуллоҳ ибн Умар ва Убайд ибн Умайр», дедик. У киши:

«Эй Убайд ибн Умайр, бизни зиёрат қилишингдан нима тўсасди?» дедилар. У:

«Тез-тез зиёрат қилиб тур, муҳаббат зиёда бўлади, деганларидек-а?» деди. У киши:

«Биз сенинг зиёратингни ва келиб туришингни хоҳлаймиз», дедилар. Абдуллоҳ ибн Умар:

«Бизга Расулуллоҳ алайҳиссаломдан кўрган энг ажойиб нарсани айтиб беринг», деди. У киши йиғладилар. Сўнгра:

«Ҳамма ишлари ажойиб эди, — дедилар. — Менинг навбатим кунларидан бирида келиб, мен билан бирга ўринга кириб ётдилар. Бир муддат ўтгандан сўнг: «Эй Оиша, менга изн бер, Парвардигоримга ибодат қилай», дедилар. Туриб, сув идишга бориб, оз сув ишлатиб таҳорат қилдилар. Сўнгра, туриб қироат қилдилар, йиғладилар. Мен кўз ёшларининг ёноқларидан оқаётганини кўрдим. Сўнгра, ўтириб, Аллоҳга ҳамду сано айтдилар, йиғладилар. Мен кўз ёшларининг кўксиларига оқиб тушаётганини кўрдим. Кейин ўнг ёнбошларига ёнбошлаб, қўлларини юзларига тирадилар, йиғладилар. Мен кўз ёшларининг ерга оқиб тушаётганини кўрдим. Билол туриб у кишини намозга чақирди:

«Намозга, эй Аллоҳнинг Расули», деди. У кишининг йиғлаётганларини кўриб: «Эй, Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ сизнинг аввалгию кейинги гуноҳларингизни кечган бўлса ҳам, йиғлаяпсизми?» деди. У киши:

«Эй Билол! Шукр қилувчи банда бўлмайинми?! Мен йиғламай, ким йиғласин! Ҳолбуки, бу кеча менга: «Албатта, осмонлару ернинг яратилишида ва кечаю кундузнинг алмашиниб туришида...» ояти нозил бўлди. Ким шу оятни ўқиса-ю, улар ҳақида тафаккур қилмаса, ҳолига вой бўлсин», дедилар.



## НИСО СУРАСИ

*Мағийнада нозил бўлган. 176 оятдан иборат*

Уламоларнинг таъкидлашларича, «Нисо» сўзининг борлиги ва умуман хотинлар тўғрисида кўп ҳукмлар келгани учун бу сура шу ном билан аталган. Зотан «Нисо» сўзининг маъноси «хотинлар» демакдир. Бу сура ҳажм жиҳатидан Қуръони Каримда иккинчи ўринда туради.

«Нисо» сурасининг нозил бўлиши ҳам узоқ давом этган. Биринчи оятлари учинчи ҳижрий санада — Уҳуд жангидан кейин тушган бўлса, охириги оятлари саккизинчи ҳижрий санада тушгандир. Албатта, авваллари таъкидлаб айтилганидек, орада бошқа сураларнинг оятлари ҳам тушиб турган.

«Нисо» сурасида жоҳилият жамиятининг разолатларидан покланиб, янги исломий жамият қуришга бўлган интилиш ўз аксини топган. Жумладан, етимларнинг ҳақларига риоя қилиш, кичик ёшдаги болалар, заиф кишилар ва аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, бу сурада аёллардан жабр ва зулмни кўтариб, уларга ҳақиқий инсоний муносабатда бўлиш йўлга қўйилган. Оилани мустаҳкамлаш, қариндош-уруғчиликни жойига қўйишга катта эътибор берилган.

Жоҳилият пайтида одатдаги ҳол бўлган ишлар: бировларнинг молини ботил йўл билан ейиш, порахўрлик, омонатга хиёнат, кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол этиш, ноҳақ одам ўлдириш каби разолатлар муолажа қилинади. Уларнинг ўрнини исломий фазилатлар эгаллаши лозимлиги уқдирилади.

Сурада жамиятни фаҳш, зулм ва фитнадан сақлаш ҳақида ҳам сўз кетади. Мерос масаласи ҳам кенг баён қилинади. Заифларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, адолат ўрнатиш йўлида жон ва мол билан жиҳод қилишга тарғиб қилинади. Шу аснода халқаро алоқалар ҳақида ҳам сўз юритилади.

Жиҳод пайтида, урушда намозни қандай адо этишининг ҳукми ҳам шу сурада келган. Доимо оғир пайтда панд берадиган мунофиқлар ҳақидаги масалалар ҳам уруш ҳақидаги оятлар ичида муолажа

этилади. Яҳудийларнинг мусулмонлар жамоасига қарши олиб борган ишлари ҳақида баҳс юритилади. Улар мунофиқ ва мушриклар билан бирикиб олиб, Исломга, мусулмонларга қарши турли фитналар уюштирар эдилар. Жумладан, уларнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбарликларига шубҳа етказиш учун қилган уринишлари фош этилади.

Шунингдек, бу сураи каримада диннинг маъноси, иймоннинг чегараси, Исломнинг шарти ва уларга тааллуқли масалалар атрофлича ёритилади. Ҳар бир жамиятнинг асосий унсури бўлмиш ахлоқ ҳақида алоҳида таъкидли баёнотлар келади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ وَالْأَرْحَامَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا

**1. Эй одамлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан унинг жуфтини яратиб, икковларидан кўплаб эркагу аёллар таратган Роббингиздан қўрқинглар! Номини ишлатиб бир-бирингиздан сўровда бўладиганингиз Аллоҳдан ва қариндошлик(алоқалари)-дан қўрқинг. Албатта, Аллоҳ устингиздан рақобат этувчи Зотдир.**

«Эй одамлар!» дея барча инсониятга хитоб ўлароқ бошланган бу ояти каримада бир нечта улкан ҳақиқатлар ўз аксини топган. Аввало, бу ояти карима одамларга уларнинг одам — инсон эканликларини, уларни Аллоҳ таоло яратганини эслатади. Инсон ўзининг инсон эканини эслаб туриши жуда ҳам фойдалидир. Чунки, кўпгина разолатлар худди шу нуқтани — инсон ўзининг кимлигини эсидан чиқариб қўйганидан келиб чиқади. Агар инсон доимо ўзининг кучсиз, иродасиз бир нарса бўлганини, фақат Роббининг инояти билан шу ҳолатга етганини, яна ўша Робб ҳузурига қайтиб боришини эсласа, ундан қўрқиб турса, ҳеч қачон ҳеч бир разолатга қўл урмагай.

Шунингдек, бу оятда одамларни яратган Холиқ бир бўлиши билан бирга, инсонларнинг асли ҳам бир жон бўлганлиги баён этил-япти:

**«Сизни бир жондан яратган».**

Демак, ҳозирги дунёда турли-туман бўлиб яшаётган, бир-бирлари билан ирқий, миллий, диний урушлар қилаётган, мен яхши, сен ёмон, деб жанжаллашаётган, кишиларни тана рангига, қабила-сига, миллати ёки ирқига қараб ажратаётган одамларнинг асли бирдир. Уларни бир Аллоҳ бир жондан яратган. Агар одам ушбу ҳақиқатни, яъни, ўзининг бир Аллоҳ бир жондан яратганлигини тўлиқ тушуниб, доимо ёдда тутганида эди, ҳозирги кундаги кўплаб фалокатлар, разолатлар вужудга келмаган бўлур эди. Кишилар бир-бирларига меҳрибон бўлар эдилар, ёрдам қўлини чўзар эдилар.

Имом Муслим Жарир ибн Аблуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда айтиладики, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳузурларига Музар қабиласидан оч-яланғоч бир гуруҳ кишилар келган вақтда — пешин намозидан кейин у зот солаллоҳу алайҳи васаллам хутба қилиб ваъз сўзладилар. Ўз сўзларида, жумладан:

«Эй одамлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан унинг жуфтини яратиб, икковларидан кўплаб эркагу аёлларни таратган Роббингиздан қўрқинглар!» оятини ўқидилар. Сўнгра, одамларни садақа қилишга чақирдилар. Шунда кимдир диноридан, кимдир дирҳамидан, кимдир буғдойидан ва яна кимдир хурмосидан садақа қилди.

Ушбу оятдаги улкан ҳақиқатлардан бири

**«...ва ундан унинг жуфтини яратиб»** жумласида ўз аксини топгандир. Яъни, у жондан унинг жуфтини, яъни, хотинини яратган маъноси келиб чиқади. Бу эса, ўз навбатида, аёл киши ҳақидаги барча нотўғри фикр ва тушунчаларни чиппакка чиқариб, ҳуқуқда ва дунё ҳаётидан баҳрамандликда у ҳам эркаклар билан тенг туришини, у ҳам бир жондан яралганини англатади.

Инсоният Ислом дини келгунга қадар аёл киши ҳақида катта хато тасаввурда ва аҳмоқона муносабатларда эди. Аввалги суранинг тафсирида бирмунча айтиб ўтганимиздек, хусусан, Фарб халқлари орасида аёл киши ҳақида бўхтон назариялар тўқилган эди. Яъни, аёл киши шайтоннинг малайи бўлиб, эркак кишини йўлдан оздириш учун яратилган, деган фикр ҳукм сурган. Шунинг учун, улар аёл кишини кўришни ҳам истамас, ундан шайтондан қочгандай қочар, аёл кишига кўзлари тушиб қолса, тавба қилишга шошилар эдилар. Шу даврда Оврупада одам кўпаймай қолгани ҳаммага маълум. Энг ачинарлиси, ҳозирда аёлларнинг ҳомийсилигини ва уларнинг озодлигининг гарови эканини даъво қилаётган Оврупада бир вақтлар аёл ўзи аслида ким эканлигини «аниқлаш» учун махсус анжуман ҳам ўтказилган. Бу йиғин аёлни «эркак хизматида яратилган махлуқ», деб қарор чиқарган. Ислом дини бу тахлит бидъат ва хуро-

фотларнинг барчасини барбод этиб, аёлнинг тенг ҳуқуқли инсон эканини, уни ҳам Аллоҳ яратганини, эркакка жуфт қилганини, икковларидан кўплаб эркагу аёлларнинг таратилишини эълон қилган.

**«...ва икковларидан»,** яъни, ўша «бир жон» бўлмиш Одам ва унинг жуфти Ҳаводан

**«кўплаб эркагу аёлларни таратган»**лик ҳам муҳим бир ҳақиқатдир. Аллоҳ таоло агар хоҳласа, бирданига хилма-хил, сон-саноксиз эркагу аёлларни яратишга ҳам қодир эди. Аммо у бундай қилишни хоҳламади. Ер юзидаги турфа инсонларнинг қариндошлик алоқалари, оила ришталари ила ўзаро боғлиқ бўлишларини ирода қилди. Исломда оилани мустаҳкамлашга катта эътибор берилишининг сирини ҳам шунда. Ояти кариманинг бир жумласини биз,

**«Номини ишлатиб бир-бирингиздан сўровда бўладиганингиз— Аллоҳдан ва қариндошлик (алоқалари)дан қўрқинг»,** деб таржима қилдик. Бу жумладаги маънони тўлиқроқ англатиш учун баъзи ёрдамчи ифодаларни ҳам қўшишимизга тўғри келди. Аслида эса, асосий матнда бу жумла жуда қисқадир, сўзма-сўз таржима қилинса, «Ўзаро сўрашадиганингиз Аллоҳга ва қариндошликка тақво қилинг», маъноси чиқади.

Одатда, кишилар ўзаро меҳр ва лутфга эришмоқчи, ўзларига нисбатан мойиллик уйғотмоқчи бўлсалар, орага Аллоҳни ва қариндошликни қўшадилар. Аллоҳнинг номи ила одамлар орасида аҳдно-малар тузилади, ваъдага вафо қилиш сўралади ва ҳатто қасам ҳам ичилади. Шунингдек, икки томон орасида қариндошлик ришталари бўлса, уларни ҳам орага солинади. Аллоҳга тақво қилиш, яъни, ундан қўрқиш тушунчаси маълум ва машҳур тушунчадир. Кўпгина оят ва ҳадисларда, таълимотларда қайта-қайта зикр қилинган. Аммо, қариндошлик риштасига тақво қилмоқ (ундан қўрқиш) ўзига хос бир таъбир бўлиб, бу нарса муқаддас алоқаларни улуғлаш, ҳақ-ҳуқуқларини адо этиш, уларни муҳофаза қилиш, узмаслик нақадар зарурлигини таъкидлайди.

Оятнинг аввалидаёқ тақвога — яратган Холиқдан ва қариндошлик ҳаққига зулм қилишдан қўрқишга даъват этилган бўлса, оятнинг охирида бу чақириқлар беҳуда эмаслиги, балки ҳаммасининг ҳисоб-китоби бўлиши таъкидланади:

**«Албатта, Аллоҳ устингиздан кузатувчи Зотдир».**

Инсонларни яратган, улар ўртасида қариндош-уруғлик ришталарини пайдо қилган, ҳар бир нарсани билувчи ва кўрувчи зотнинг Ўзи кузатиб туриши нақадар таъсирчан, нақадар масъулиятли ҳолдир.

Шу кузатишни ҳис этиш, тақво қилиш мақомларидан баъзиларининг баёни келгуси оятларда келади:

وَأَتُوا الْيَتَامَىٰ أَمْوَالَهُمْ وَلَا تَتَبَدَّلُوا الْخَيْرَ بِالْطَّيِّبِ وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَهُمْ إِلَىٰ أَمْوَالِكُمْ إِنَّهُ كَانَ  
 حُوبًا كَبِيرًا

**2. Ва етимларга ўз молларини беринг. Нопокни покка алмаштирманг. Уларнинг молларини ўзингизнинг молларингизга қўшиб еманг. Зеро, бу катта гуноҳ бўлур.**

Ушбу оятдаги хитоб умуман мусулмонлар оммасига, хусусан етимларнинг кафилларига қаратилгандир. Балоғатга етмаган ёш болалар отаси ўлиб қолса, етим бўладилар. Уларни ота томонидан ёки улар бўлмаса, бошқа томондан бўлган қариндошлар ёхуд умуман бошқа бирорта мусулмон ўз кафолатига олади. Етимга кафил бўлган киши унинг барча ишларига, шу жумладан, молу мулкига ҳам раҳбарлик қилади. Етим бола ёш бўлиб, молу мулкни тўғри тасарруф қилишга салоҳияти етмагани учун, кафил унинг мол-мулкни муҳофаза этишга масъул бўлади. Бола балоғатга етиши билан етимлиги тугайди. Энди у ўз ҳолича тасарруф қилишга ўтади. Вояга етган инсон сифатида ўз мол-мулкни тасарруф қилиш имконига эга бўлади. Шунинг учун ҳам, оятдаги:

«**Ва етимларга ўз молларини беринг**», деган жумлани «вояга етганларида» деган қўшимча ила англатиш керак бўлади. Жоҳилиятда, яъни исломий низомдан бошқа тузумларда етимларнинг ҳаққига эътибор берилмайди, бу ҳақ доимо поймол қилинади, етим ҳаққига хиёнат авж олгандир. Исломда эса, уларнинг ҳақлари тўла муҳофаза қилинган.

«**Нопокни покка алмаштирманг**» жумласида бировнинг молини ўз молига алмаштирмаслик, хусусан, етимларнинг молини ўз молига аралаштириб-алмаштирмаслик тушунилиши лозим. Бу ҳол турлича кўринишларда бўлиши мумкин. Биз мол деганда фақат пулни тушуниб қолганмиз. Чунки узоқ давом этган худосиз тузум бошқа мулкка эгаликни ман қилган эди. Юқоридаги жумлани «уларнинг яхши молларини ўзингизнинг сифатсиз молингизга алмаштириб қўйманг» деб тушунса бўлади. Мисол учун, етимнинг яхши уйи, ери, чорваси, улуши ва бошқа мулклари бўлиши мумкин. Кафил етимнинг ўша яхши, сифатли молларини ўзиники қилиб, ўрнига ўзининг сифатсиз молини берса, нопокни покка алмаштирган ҳисобланади. Яъни, кафил ўзига нопок бўлган молни олиб, ўрнига ўзининг ҳалол-пок молини берган — алмаштирган бўлади.

«**Уларнинг молини ўзингизнинг молингизга қўшиб еманг**».

Бу иборада ҳам етимларнинг ҳимояси яққол кўриниб турибди.

Кафиллар: «Мен шу етимга кафилман, унга қараяпман, тарбия қиляпман», деган маънодаги даъволар билан ўзларига топширилган етимнинг молларини ҳам ўз молларига қўшиб еб юбориш одати бор эди. Бу эса, етимга нисбатан катта зулмдир. Ояти карима етимнинг молини ейишни ман этипти. Бу ишни катта гуноҳ деб эълон қиляпти:

**«Зеро, бу катта гуноҳ бўлур».**

وَإِنْ خِفْتُمْ أَلَّا تُقْسِطُوا فِي الْيَنْهَىٰ فَإِنَّكُمْ حُومًا طَابَ لَكُمْ مِنَ النِّسَاءِ مَثْنَىٰ وَثُلَاثَ وَرُبْعَ فَإِنْ خِفْتُمْ أَلَّا تَعْدِلُوا فَوَاحِدَةً أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ ذَلِكَ آذَنُكَ أَلَّا تَعُولُوا ﴿٦٠﴾

**3. Агар етимларга адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, ўзингизга ёққан аёллардан иккитами, учтами, тўрттами никоҳлаб олинг. Агар адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, биттани (олинг) ёки қўлингизда мулк бўлганлар билан (кифояланинг). Мана шу жабр қилмаслигингизга яқинроқдир.**

Бу ояти кариманинг маъноларини тўғри тушуниш, ундан келиб чиқадиган ҳукмларни ўз ўрнида англаш учун бир қанча қўшимча маълумотларга эҳтиёж тушади. Сиртдан қараганда, етимларга адолат қила олмасликдан қўрққан кишига иккита, учта ёки тўртта хотин олишни тавсия қилиш ғалати туюлади. Бу сирни англашда бизга имом Бухорий Ибн Шиҳобдан қилган ривоят ёрдам беради: «Менга Урвату ибн Зубайр хабар бердики, у Оиша онамиздан,

**«Агар етимларга адолат қила олмасликдан қўрқсангиз»** ояти ҳақида сўраган экан, у киши розияллоҳу анҳо: «Эй жиян! Бир етим қиз кафилининг қарамоғида бўлади. Қиз унинг молига шерик бўлади. Қизнинг моли ҳам, жамоли ҳам уни ўзига тортади-да, унинг маҳрида адолатли бўлмай, унга уйланмоқчи бўлади. Унга бошқалар берадиган маҳрни бермоқчи бўлади. Бас, адолатли бўлмасалар, уларга уйланишдан қайтарилдилар, бошқа аёлларга уйланишга амр қилиндилар», деб жавоб қилибдилар. Демак, оятдаги «етимлар»дан мурод етим қизлар экан. Етим қизларга уларни ўз кафолатига – ҳимоясига олган киши уйланмоқчи бўлса-ю, аммо бу ишда адолатсизликка йўл қўйишдан қўрқса, ўша етим қизларга уйланишни қўйсинда, бошқа ўзига ёққан, никоҳи ҳалол бўлган аёллардан хоҳишига қараб иккитами, учтами, тўрттами уйлансин. Агар хотинлар орасида адолат ўрната олмасликдан қўрқса, биттага уйлансин ёки чўри тутиш билан кифоялансин.

Етим қизларга адолатсизлик фақат мол-мулк борасида эмас, чунки оятда адолат мол-мулк билан бирга қайд қилинмасдан, мутлоқ зикр



этилгандир. Шунинг учун, ҳар қанақа адолатсизликнинг юз беришидан сақланиш керак. Жумладан, эркак бу қизга фақат моли учун уйланганда, ўзига нисбатан кўнгли бўлмаслиги мумкин. Ёки орадаги ёшда катта фарқ бўлиш натижасида оилавий ҳаётнинг ҳақиқий маъноси қиз ҳаётида ўз ифодасини умуман топмаслиги мумкин. Ва ҳоказо... булар ҳам адолатсизликдир.

Ояти каримадаги

**«... ўзингизга ёққан аёллардан иккитами, учтами, тўрттами никоҳлаб олинг»**, жумласидан Исломи дини рухсат берган кўпхотинлик ҳукми олинган. Бу оятнинг ўзини одамлар билмаса ҳам, унинг ҳукмини дўст-душман яхши билади. Чунки улар Исломига душманлик қилиш йўлида гўё шу нуқтада қулай имкон топганлар. Агар дин душманларининг бу масаладаги шовқин-суронларига эътибор бериладиган бўлса, худди Исломи фақат шу масаладан иборатга ўхшаб кўринади. Исломдан сўз очилиши билан шунга ёпишиб олишади. Гўёки Исломи шариати мусулмон эркакларга тўрттадан хотин олишни фарз қилгандек фикр юритишади. Бу ҳолат асрлар давомида Исломига қарши душманлар томонидан олиб борилган тарғиботларнинг самарасидир. Ҳатто баъзи ўзини мусулмон ҳисоблаб юрганлар ҳам бу тарғибот таъсирига тушиб қолганлар. Улар умуман ҳеч бир нарса билан, жумладан, ушбу ояти карима билан ҳам танишмай туриб, душманларнинг гапларини тўғридайдок такрорлайверадилар. Ҳеч бўлмаса, бу оятни ўқиганларида эди, унинг иккинчи ярмида

**«Агар адолат қила олмаслиқдан қўрқсангиз, биттани (олинг)»** жумласини кўрардилар.

Бу масалага муфассалроқ тўхталмасак бўлмайди.

Исломининг кўпхотинликка рухсатига қарши шов-шув кўтарилганлар, асосан, ғарбликлардир. Улар қадимдан Исломига нисбатан адоватда бўлишлари билан бирга, айна бу масалага алоҳида урғу берадилар.

Аввало, уларнинг табиати шуни тақозо этади, чунки улар мижозли совуқ кишилар бўлиб, кўпинча битта хотин билан яшашга ҳам қийналиб қоладилар. Аммо Исломи бутун дунёга юборилган дин эканлига эътибор бермайдилар. Дунёдаги барча халқларнинг дини ўлароқ, Исломи совуқ мижозли шимолликларга ҳам, иссиқ мижозли жанубликларга ҳам мос ҳукмларни жорий қилгандир. Жумладан, оила масаласида ҳам. Лекин бунда имкони йўқларни, биттадан ортиқ хотинга эҳтиёжи бўлмаганларни кўпхотинликка мажбур қилинмайди. Ҳам жинсий қувват, ҳам маблағ жиҳатидан имкони бор кишиларга, улар ҳаром йўлга юриб кетмасликлари учун, зарурат юзаси-

дан кўпхотинли бўлишга рухсат берилади. Бу – масаланинг бир ҳикмати.

Иккинчидан, ҳозирги кунимизгача аҳолини рўйхатга олиш натижаларига назар солсак, ҳамиша аёллар эркакларга нисбатан сезиларли даражада кўп бўлганини кўрамиз. Ёш гўдаклар ичида ҳам ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан ўлим кўп. Йўл ҳодисалари, турли турмуш ҳодисалари ва қолаверса, урушларда асосан эркаклар ўлади. Демак, жамиятимизда аёллар эркаклардан кўп бўлади. Агар бир эркак бир хотинга уйланса, ортиб қолган аёллар нима қиладилар? Улар ҳам инсон, Аллоҳ берган жинсий майл бор, оилали, эрли, фарзандли бўлишни хоҳлайдилар. Аммо иложи йўқ. Эркаклар ҳаммаси банд. Хўш, бундай ҳолда мазкур аёллар ўз муаммоларини қандай ҳал этадилар? Бунинг фаразий уч йўли бор:

Биринчиси – ҳаром йўлга юриш. Жинсий эҳтиёжини қондириш нуқтаи назаридан зино қилади; насл қолдириш эҳтиёжи нуқтаи назаридан ҳароми бола орттиради.

Иккинчиси – бировнинг оиласини бузиб, хотинидан ажратиб, болаларини тирик етим қилиб, тегиб олиш.

Учинчиси эса – ҳалол-пок, рози-ризолик йўли билан иккинчи хотин бўлиш.

Албатта, ўзини қадрлаган, ҳалол-пок бўлишни хоҳлаган аёл аввалги икки йўлни кескин рад этади ва учинчи йўлни – исломий йўлни танлайди. Инсоният тарихи давомида бу офир масалани Исломчалик инсоний бир йўсинда ҳал этган бошқа ечим борми?!

Учинчидан, инсон ҳаётида турли ҳолатлар бўлиб туради. Жумладан, соғлиқ масаласида ҳам. Дейлик, бир муддат оилавий ҳаёт кечириб, фарзандлар топиб, сўнгра аёл киши касал бўлиб қолди. Натижада у эрига аёллик вазифасини тўлиқ адо эта олмайди. Эркак эса, ҳали жисмонан бақувват. Нима қилиш керак? Бу ҳолни муолажа қилишнинг ҳам уч йўли бор:

Биринчи йўл – эр бошқа аёллар билан зино қилиб, ҳаром йўлга кириб кетиши керак. Бу ечимнинг турган-битгани зарар. Аввало ўзига: виждон изтиробида, иккиюзлама ҳаёт кечиришга мажбур. Сўнгра оиласига, фарзандларига: улар ҳам изтиробда, оиланинг парчаланиб кетиш хавфи туғилади. Сўнгра жамиятга: зинокор ҳамиша жамият ахлоқини бузиб туради. Ва ҳоказо.

Иккинчи йўл – умид билан бир ёстиққа бош қўйган аёлни – болаларининг онасини ташлаб, бошқага уйланиб кетиш. Бунда, табиийки, нормал ҳаёт бузилади, фарзандлар тарбиясига футур етади.

Учинчи йўл – касал ҳолдаги аёли билан бирга, болалари билан бирга қолиб, уларнинг розилиги ва ҳалол-пок йўл билан бошқа

аёлга уйланиш. Албатта, ўзини қадрлаган, ҳалол-пок ҳаёт кечирини хоҳлаган киши аввалги икки йўлни кескин рад этади ва учинчи – Исломиё йўлни танлайди. Чунки, энг тўғриси ҳам шудир.

Тўртинчидан, иймонли эру хотин оила қуриб, ўн ё ундан ортиқ йил биргалиқда ҳаёт кечирдилар, аммо фарзанд кўрмадилар. Ва фараз қилайликки, табиблар аёл кишида она бўлиш имкони йўқлигини аниқладилар. Бу хил муаммонинг ечими қандай бўлади? Шунча йил бирга яшаган, иссиқ-совуқни биргалиқда ўтказган аёлни ҳайдаш керакми? У бошқа эрга теккани билан барибир фарзанд кўрмаса? Ёки эркак ҳам фарзандсиз ўтиши керакми? Бу муаммони тўғри ҳал қилишнинг йўли – Ислом ҳукмидир. Аввалги аёлни ўзи билан олиб қолиб, розилик ва ҳалол-поклик йўли билан яна битта аёлга уйланиб, бахтли ҳаёт кечириб, фарзандли бўлиш. Аввалги бефарзанд аёли ҳам эрининг болаларига меҳр қўйиб, тарбияларида иштирок этиб, бахтга шерик бўлгани ҳоллари тажрибада кўп синалгандир.

Кўпхотинлиликка рухсатнинг ҳикматлари булар билан тугамайди, яна кўп ҳикматларни келтириш мумкин. Аммо бунга ўхшаш фикрларни айтиш худди айбдорни ҳимоя қилишга ўхшаб кетади. Ислом эса, айб-нуқсонни йўқ, ҳеч қандай ҳимояга муҳтож ҳам эмас. У Аллоҳнинг дини, уни ҳимоя қилишни Аллоҳ таолонинг Ўзи зиммасига олган.

Аммо, ўйлаб кўрайлик, кўпхотинлиликни Ислом урфга киритганми? Яъни, кўпхотинлилик ҳодисаси фақат Исломдами?

Тарихга назар соладиган бўлсак, Исломдан олдин кўпхотинлилик ҳамма жамиятларда бўлган ва авж олган. Бошқа динларнинг тарих китобларида мингта хотини бўлган кишилар ҳақида хабарлар бор. Бу масала хусусида муфассал баҳс этган илмий асарларда кераклигича ҳужжат ва далиллар келтирилган. Биз эса, фақат ушбу оятлар нозил бўлган Арабистон ярим оролидаги ҳолатга бир назар солайлик.

Имом Бухорий ривоят қилишларича, Ғайлон ибн Салама Сақафий мусулмон бўлиш арафасида ўнта хотини бор эди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом унга:

«Улардан тўрттасини танлаб ол», дедилар.

Имом Абу Довуд ривоят қилишларича, Умайра ал-Асадий:

«Мусулмон бўлганимда саккизта хотиним бор эди. Буни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилган эдим, у зот менга: «Улардан тўрттасини танлаб ол», дедилар», деб айтган.

Демак, Исломдан аввал ҳам кўпхотинлилик нафақат мавжуд бўлган, балки авж олган бўлиб, маълум бир сон билан чегараланма-

ган ҳам. Кимда ўнта хотин бўлса, кимда саккизта, йигирмата ёки ундан кўп бўлиши мумкин бўлган. Узоққа бориб ўтирмайлик; Ислоннинг душмани бўлган ва диёримизда динга катта талафот етказган Чингизхон мингта хотин олган, дейди тарих. Хуллас, Ислон инсон ҳаётига кириб қолган бу ҳайвоний ҳолатларни бартараф этиб, юқорида саналган ва яна саналмаган кўп ҳикматлар юзасидан хотинлар сонини тўрттагача чегаралаган. Аммо бу асло амр эмас, балки рухсатдир. Рухсат бўлганда ҳам, адолатли бўлиш шарти билан рухсатдир! Оятнинг ўзида ҳам:

**«Агар адолат қила олмаслиқдан кўрқсангиз, биттани»**, дейилган.

Мазкур адолат, яъни, эр томонидан хотинлари орасида ўрнатилиши лозим бўлган адолат муомалада, нафақада, ҳаётини ишларида ва ҳатто бирга ётишда ҳам бўлмоғи шарт. Ушбу оят ва кўпгина ҳадиси шарифлардан келиб чиқиб, уламоларимиз бу масалани фикр китобларимизда майда-чуйдасигача батафсил баён қилиб беришган. Ҳозир ҳам мусулмонмас жамоаларда кўпхотинлилик мавжуд. Африкага сафар қилган баъзи боҳислар бир қабила бошлиғидан «Нечта хотинингиз бор?» деб сўраганида, у ҳисоблаб-ҳисоблаб, охири, нечталигини била олмаслигини айтган. Ислон душманлари бу ҳақиқатларни билиб-билмаганга, кўриб-кўрмаганга оладилар. Чунки улар кўпхотинлиликка эмас, Ислонга душмандирлар. Кўпхотинлиликни ман қилган ўз жамиятларидаги зино, фоҳиша ва бошқа муаммоларни ҳам билмаганга оладилар. Фарблик аёлларнинг кўпхотинлиликка рухсат беришни талаб қилиб ҳаракат қилаётганларини ҳам билмасликка оладилар.

Бу ояти каримада кўплаб душманлар томонидан Ислонга туҳмат тоши отилишига боис бўлган яна бир масала бор. Бу нарса

**«ёки қўлингизда мулк бўлган билан (кифояланинг)»**, деган жумлага алоқадордир. Бу ерда гап қулдорлик ҳақида, хусусан, хотин кишини қул (чўри) тутиш ҳақида кетмоқда. Қулчилик ҳақида аввал ҳам тўхталган эдик. Хулоса шуки, қулчилик ҳам худди кўпхотинлиликка ўхшаб, Ислондан аввал авж олган ва кенг тарқалган ҳодисалардандир. Ислон биринчи бўлиб қулчиликка қарши курашни бошлади. Қул озод қилишни ибодат даражасига кўтарди. Инсонларни қул қилишни эса катта гуноҳ ҳисоблади. Бу масалада батафсил баҳс юритган китобларга мурожаат қилсак, Ислон қулчиликнинг ҳамма эшикларини беркитганини кўраимиз. Лекин воқеликни ҳисобга олиб, фақат бир эшикни — урушда асир тушганларнинг эшигини очиб қўйган. Демак, бу оятда хотинлар орасида адолат ўрната олмаслиқдан кўрққан кишиларга чўри тутишни тавсия қилишда ҳам ўша воқелик ҳисобга олинган. Чўри тутишга берилган рухсат ҳам Ислон

душманлари томонидан маҳкам тутиб олиниб, аксил ташвиқотларига байроқ қилиб юрилади. Натижада, дунёда Ислом олами деганда, беҳабарларнинг кўз олдига фақат кўпхотинлилик ва чўри аёллар келадиган бўлиб қолган.

Аммо, бу масалага воқелик нуқтаи назаридан қаралгандагина, унинг моҳиятини тўла тушуниш мумкин.

Ўша даврларда тез-тез урушлар бўлиб турар эди. Табиийки, уруш бор жойда ўлим бор, асир тушиш бор. Душман томон мусулмонлардан асирга тушган эркакларни қул, аёлларни чўри қилар эди. Ўз-ўзидан, мусулмонлар ҳам шунга яраша муомала қилишга мажбур эдилар. Аввало, имкони борича асирларга яхши муомалада бўлишга, уларни озод қилишга тарғиб қилинарди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларига бағишланган китобларни ўқиганимизда, бунга кўплаб мисолларни топамиз. Қул ёки чўри тутишга тўғри келиб қолганда эса, ўзига яраша ҳукмларга амал қилиш лозим бўлар эди. Асирга тушган муслима аёлларга нисбатан кофир ва мушриклар ваҳшиёна муносабатда бўлишларига қарамай, мусулмонлар ўз қўлларига тушган асира аёлларга шариат кўрсатмалари асосида гўзал муносабатда бўлар эдилар. Уларни озод қилиб юборишга тарғиб ҳақида гапириб ўтдик. Энди, мабодо, тутиб қолишга қарор қилинса, нима бўлишини ўрганайлик.

Дейлик, бир аёл асирга тушди. Бир уйда яшамоқда. Ой ўтади, йил ўтади. Лекин у ҳам аёл, инсон, жони бор, нафси бор. Ёмон йўлга кириб, Ислом жамиятидаги эркакларни йўлдан уриб яшасинми? Ёки ўзига эга бўлган одам билан ҳалол-пок, шаръий алоқада бўлсинми? Бу эса, ўша аёлнинг келажакда ҳур бўлишига йўл очади. Агар хоҳаси унга уйланса, унинг инсонийлик кароматини қайта кўтарган бўлади. Бундай ҳолатларда кўпроқ ҳур эр ўзининг чўри хотинини озод қилади. Аммо озод қилмай, чўри ҳолида олиб юрса ҳам, туғиши билан аёл умму валад ҳисобланади. Шариат бўйича, уни сотиш мумкин бўлмай қолади. Ҳамда хоҳаси вафот этган куни у аёл озод ҳисобланади.

Ушбу ҳолатни ғайримуслимларнинг қўлига тушиб қолган аёлларнинг ҳоли билан солиштириб кўринг-а, нима фарқ борлигини кўрасиз.

Исломнинг илк давридаги ҳолни қўятуринг, бутунги кунимиздаги — тараққиёт, маданият ва инсон ҳуқуқлари даъвосини қилаётган милодий йигирма биринчи асрнинг аввалги йилларидаги ҳолатга солиштиринг. Асира аёлларни нималар қилишмаяпти. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб тинимсиз зўрлашдан тортиб, уларни фоҳиша фильмлар қилиб, бозорда сотишгача боришяпти. Инсонлик маъноларини оёқ ости

қилишяпти. Бу даҳшатли ишлар чўри тутишга рухсат бергани учун Исломга туҳмат тошини отаётган Оврупанинг қоқ марказида содир этиляпти.

Ояти карима ниҳоясида

**«Мана шу жабр қилмаслигингизга яқинроқдир»**, дейилган. «Мана шу»ндан мурод — етим қизларга адолат қила олмасликдан қўрққанда, уларга уйланмаслик ва улардан бошқа аёлларга уйланиш, хотинлар орасида адолат ўрната олмасликдан қўрққанда, биттага уйланиш ёки чўрилар билан кифояланишдир. Шундай қилинса, ҳеч кимга жабр, зулм бўлмайди ҳисоб.

وَأَتُوا النِّسَاءَ صِدْقَتِهِنَّ نِحْلَةً فَإِنْ طِبَّنَ لَكُمْ عَنْ شَيْءٍ مِّنْهُ فَكُلُوهُ هَيْئًا مَّرِيًّا

**4. Аёлларга маҳрларини кўнгилдан чиқариб беринг. Агар улар ундан бирор нарсани чин кўнгилдан тутсалар, бас, уни енглар. Ош бўлсин, офият бўлсин.**

Бу оятда ҳам жоҳилий тузумлар томонидан аёлларга нисбатан жорий қилинган яна бир зулм бекор қилинмоқда.

Исломдан аввал турмушга чиқадиган хотин-қизларнинг маҳрини уларнинг валийлари олишар эди. Аёлларни бу ишга гўё алоқаси йўқдек билишарди. Қизнинг отаси, ака-укаси ёки бошқа яқин қариндошлари куёв томон билан савдони пишириб, маҳрни олиб, ўзлари тасарруф қилишарди. Таъбир жоиз бўлса, худди бирор сигирни сотгандек муносабатда бўлишарди. Ислом бу номаъқул олди-бердини ҳаром қилди. Оила қуришни икки жоннинг бир-бирига рағбати ила, ўз хоҳишлари билан юзага келадиган муқаддас боғланишга айлантирди. Маҳрни эса, келинга берилиши фарз бўлган ҳақга айлантирди.

**«Аёлларга маҳрларини кўнгилдан чиқариб беринг».**

Берилганда ҳам куёв томонидан чин қалбдан чиқариб берилиши талаб этилди. Шундай қилиб, маҳр келиннинг шахсий мулки бўладиган бўлди. Бу ҳол келинларни ҳурматлаш, тақдирлаш ва эркалашнинг муҳим бир кўринишидир. Келин ўзига фарз сифатида берилган маҳрнинг тўлақонли эгасидир. Нима қилса, ўзи билади. Жумладан, унинг ҳаммасини ёки бир қисмини куёвга қайтариб бериши ҳам мумкин.

**«Агар улар ундан бирор нарсани чин кўнгилдан тутсалар, бас, уни енглар. Ош бўлсин, офият бўлсин».**

Чин кўнгилдан қайтариб берилган маҳрни куёв бемалол қабул қилиб олса бўлади. Шу тариқа Ислом аёлларга ҳақ-ҳуқуқларини

тўла олишда яна бир катта ҳукми жорий қилди. Аёл кишининг обрў-эътиборини орттирди.

Келаси оят яна етимлар ва уларнинг моллари масаласига қайтади:

وَلَا تُؤْتُوا السُّفَهَاءَ أَمْوَالَكُمُ الَّتِي جَعَلَ اللَّهُ لَكُمْ قِيَمًا وَارْزُقُوهُمْ فِيهَا وَاكْسُوهُمْ وَقُولُوا لَهُمْ قَوْلًا مَعْرُوفًا ﴿٩﴾

**5. Аллоҳ (ҳаётингизни) турғизиш (воситаси) қилган молларингизни эси пастларга берманг. Уларни ўша моллардан ризқлантинг, кийинтиринг ва уларга яхши сўзлар айтинг.**

«Эси пастлар» — мол-мулкни яхши тасарруф қила олмайдиган етимлар. Аммо, уламолар бу ҳукми умумлаштириб, молу мулкни яхши тасарруф қила олмайдиган ҳар бир кишини эси пастларга қўшганлар.

Биз «эси паст» деб таржима қилаётган ибора арабчада «сафиҳ» дейилади. Кўплиги «суфаҳаа» бўлади. Аслида бу ибора енгиллик маъносини англатади. Шундан келиб чиқиб, эси пастларни «мол-мулк тасарруфига енгилтакларча муносабатда бўлувчилар» дейишимиз мумкин. Оятда зикр қилинаётган мол, аслида, ўша эси пастларнинг мулки. Отасидан етим қолганларнинг ҳаққи. Аммо, улар мол тасарруфида эси паст бўлганликлари, ундан оқилона фойдалана олмасликлари боисидан, етимларни оталиққа олган шахсларга молни уларга бермаслик амр қилинмоқда.

**«Аллоҳ (ҳаётингизни) турғизиш (воситаси) қилган молларингизни эси пастларга берманг».**

Бу амрнинг баёнида «молларини» демасдан, «молларингизни» деб хитоб қилинишида ҳам катта ҳикмат бор. Қуръони Карим эси пастларнинг шахсий-хусусий молларига ҳам жамоатнинг моли деб қарамоқда. Демак, мусулмонлар қўлидаги мол-мулк айни вақтда мусулмон жамоасининг ҳам мол-мулки ҳисобланади. Ўша мол бекордан-бекорга совурилмаслиги учун жамоат ҳам жавобгардир. Чунки, мол-мулк ҳам якка шахсларнинг, ҳам жамоаларнинг ҳаётида улкан қийматга эга. Шунинг учун ҳам, уни Аллоҳ таоло ояти қари-мада «Аллоҳ (ҳаётингизни) турғизиш (воситаси) қилган», деб таърифлаяпти. Ҳа, бу дунёда мол-мулкка Ислому шундай назар билан қарайди. Мусулмонлардан ҳар бири қўлидаги молнинг муҳофазасини жамоа аъзоларига топширади. Агар эси пастларга топшириб қўйса, ўзимнинг молимни сарф қиляпман-ку, деб жамоатни ҳам кўпгина яхшиликлардан маҳрум қилиши мумкин.

Ушбу ояти каримага амал қилиб, уламоларимиз «ҳажр» деб аталган қоидани ишлаб чиққанлар. Бу сўз луғавий жиҳатдан «қотириш» маъносини англатади. Амалда эса, эси пастларга, яъни, молни яхши тасарруф қилишни билмайдиганларга ўз ҳолича молу мулк ишлаштишни ман этишдир.

Ҳажр турли ҳолларда жорий қилинади. Мисол учун, етимнинг ёши кичик бўлса, унга ҳажр жорий қилинади. Чунки кичкина болалар ўзига меросга қолган молларни мустақил тасарруф қила олмайдилар, ҳаётни билмаслик оқибатида молни нотўғри сарф қилиб, ундан ажралиб қолиши мумкин. Шунинг учун, унинг моли ўзини оталиққа олган шахсга топширилади. Оталиққа олган киши эса, бу молни омонат билан сақлаб, етим вояга етганда — «эси пастлик»дан чиққанда, ўзига қайтариб беради.

Шунингдек, мажнунлик туфайли ҳам ҳажр қилинади. Ўз-ўзидан маълум, мажнун одам мол-мулкани зое қилади. Унинг моли ҳам омонат сифатида унга яқин кишилардан бирига топширилади. Аллоҳ шифо бериб, тузалиб қолса, яна ўзига қайтарилади. Молни ҳажр қилишнинг сабабларидан яна бири — ноўрин сарфлашдир. Ақлида ва динида нуқсонли бор кишилар молни ноўрин сарфлайдиган бўлсалар, уларнинг моли ҳам ҳажр қилинади. Чунки булар ўзларининг «эси паст»ликлари билан нафақат ўз шахсларига, балки мусулмон жамоасига ҳам катта зарар келтирадилар. Айниқса, ҳозирги кунимизда эси пастлар жуда ҳам кўпайган. Ислом оламидаги иқтисодий қийинчиликларнинг келиб чиқишига ҳам ўшалар сабаб бўлмоқдалар. Шариатга амал қилмаслик қанчалик ёмон эканини шундан ҳам билиб олса бўлади.

Шариатимизда касодга учраганларнинг молини ҳажр қилиш ҳам бор. Бир одам бир қанча шахслардан қарз олган, уни қайтариб бермаяпти. Иложи йўқ. Қарз берувчилар қозига арз қилсалар, молини ҳажр қилади. Яъни, молини ўзича сарфлашни унга ман қилиб қўяди. Унинг ҳисобига тушган молни қарз берганларга бўлиб бериб туришни жорий қилади.

Ўз-ўзидан маълумки, ҳажр туфайли молларини олиб қўйиш мол эгаларига қаттиқ ботади. Бу ҳолни эътиборга олиб, оятнинг иккинчи ярмида:

**«Уларни ўша моллардан ризқлантиринг, кийинтиринг ва уларга яхши сўзлар айтинг»**, дейилмоқда.

Бунга биноан, «эси пастларга» уларнинг ҳажр қилинган молларидан еб-ичиш ва кийинишга, яъни, кундалик ҳаётга сарфлаб турилади. Уларга яхши сўзлар айтилади, яъни, тушунтириш олиб борилади. Ҳажр унга зулм эмас, кони фойда экани баён қилинади.



وَابْتَلُوا الْيَتَامَىٰ حَتَّىٰ إِذَا بَلَغُوا النِّكَاحَ فَإِنْ آنَسْتُمْ مِنْهُمْ رُشْدًا فَادْفَعُوا إِلَيْهِمْ أَمْوَالَهُمْ وَلَا تَأْكُلُوهَا إِسْرَافًا وَبِدَارًا أَن يَكْبُرُوا وَمَن كَانَ غَنِيًّا فَلْيَسْتَعْفِفْ وَمَن كَانَ فَقِيرًا فَلْيَأْكُلْ بِالْمَعْرُوفِ فَإِذَا دَفَعْتُمْ إِلَيْهِمْ أَمْوَالَهُمْ فَأَشْهَدُوا عَلَيْهِمْ وَكَفَىٰ بِاللَّهِ حَسِيبًا ﴿٦﴾

**6. Етимларни то никоҳ(ёши)га етгунларича синаб туринглар.** Агар уларнинг эси-ҳуши жойида эканини билсангиз, уларга ўз молларини топширинг. У молларни исроф ила ва эгаларининг катта бўлиб қолишидан қўрқиб шошилиб еманг. Бой бўлганлар иффатли бўлсинлар. Ким камбақал бўлса, тўғрилиқ билан есин. Уларга ўз молларини топшираётганингизда гувоҳлар келтиринг. Ҳисобчиликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур.

Бу ояти қарима етим балоғатга етиб, эс-ҳушини таниганда, дарҳол унга молини топшириш зарурлигини, уларнинг молини исроф қилмаслик, оталиққа олганлар томонидан, бу балоғатга етса, молини қайтариб беришим керак бўлади, деб шошилиб еб қўймаслик, агар оталиққа олган одам бой бўлса, етимнинг моли масаласида иффатли бўлиш зарурлиги, камбақал бўлса, маълум чегарада ейишига рухсат борлиги ва етимга молини топшираётганда гувоҳлар олдида топшириш каби фикҳий амалларни баён қилмоқда.

**«Етимларни то никоҳ(ёши)га етгунларича синаб туринглар».**

Демак, оталиққа олган одам етим бола балоғат ёшига яқинлашганда уларни синаб, текшириб ва ҳолатларини синчиклаб кузатиб туриши лозим. Ёш болаларнинг никоҳ – балоғат ёшига етганини билишнинг шариатда баён қилинган аломатлари бор. Қиз болалар ҳайз кўрсалар, балоғатга етган саналадилар. Ўқил болаларнинг балоғатга етганининг асосий белгиси эҳтилом бўлишидир. Яъни, уй-қусида булғанишидир. Инсон балоғатга етиши билан тўла масъулиятли – мукаллаф бўлади, яъни, шариат таклифларини амалга ошириши лозим бўлган шахсга айланади. Шу кундан эътиборан ўзи содир қилган ишларга ўзи жавобгар бўлади. Шу билан бирга, катта одамларга берилган ҳуқуқлардан фойдаланишга, жумладан, ўз молини ўзи сарфлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Аммо, оталиққа олганлар етим болада балоғатга етганлик аломати пайдо бўлиши билан дарров унга молни топшириб қўймадилар. Балки, унда молни тўғри тасарруф қилиш қобилияти борми, эси-ҳуши жойидами – синаб кўришлари лозим. Буни билиб олиш унча қийин эмас. Бу борада ҳар бир жамоанинг ўзига яраша тажрибаси, аломат-белгилари бор. Қачонки етим бола балоғатга етиши билан

унда молу мулк тасарруфида эс-ҳуш, қобилият борлиги англаб етилса, дарҳол унга моли топширилади. Бу нарса оятдаги:

**«Агар уларнинг эси-ҳуши жойида эканини билсангиз, уларга ўз молларини топширинг»,** деган жумлада баён қилинган.

Етимни оталиққа олган шахс унинг молини ҳам вақтинча олиб туради. Баъзи кишилар «Мен етимни оталиққа олганимдан кейин молини нима қилсам, ўзим биламан» деб ёки «Бу балоғатга етса, молини қайтариб беришим керак экан, ундан кўра у балоғатга етгунча тезроқ молини еб қўяй» дейиши мумкин. Аллоҳ таоло бу оятда шундай тасарруфларни қайтариб:

**«У молларни исроф ила ва эгаларининг катта бўлиб қолишидан қўрқиб, шошилиб еманг»,** демоқда.

Демак, етимни оталиққа олганлар учун асосий ҳукм етимларнинг молидан емаслик. Аммо оталиққа олувчиларнинг ҳоли ҳам ҳар хил бўлади – баъзилари бой, ўзига тўқ, бошқалари камбағал, муҳтож. Буни эътиборга олиб, оятда бойга алоҳида, камбағалга алоҳида ҳукм баён қилинган:

**«Бой бўлганлар ифбатли бўлсинлар. Ким камбағал бўлса, тўғрилиқ билан есин!»**

Бой одам ўзига етарли моли бўлгани, ҳожати тушмагани учун ифбат қилиб, ўзини шубҳали нарсадан узоқ тутгани маъқул. Етимларни оталиққа олгани, уларнинг мол-мулкани сақлагани, парваришлагани учун ажру савобини олади. Агар оталиққа олувчи шахс камбағал бўлса-чи? Унда, парваришдаги етимнинг молидан яхшилик – тўғрилиқ билан фойдаланишига рухсат бор. Бу нарса унга хизмати учун ҳақ ўрнида ўтади. Буни қуйидаги ривоят ҳам тасдиқлайди.

Имом Абу Довуд ва имом Насайлар қилган ривоятда айтилишича, бир киши Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳузурларига келиб:

«Қарамоғимда бир етим бор. Унинг моли бор, меники йўқ. Унинг молидан есам бўладими?» деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Исроф қилмасдан, тўғрилиқ билан егин», дедилар.

Имом Молик ривоят қилишларича, бир саҳройи араб Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг оддиларига келиб:

«Қарамоғимда етимлар бор. Уларнинг туялари бор, менинг эса биттагина туям бор, холос. Мен ўз туямнинг сутидан камбағалларга бериб тураман. Етимларнинг туялари сутидан менга нима ҳалол бўлади?» деб сўради. Абдуллоҳ ибн Аббос:

«Агар йўқолганда топиб келсанг, қўтирига қарасанг, ҳавзини тузатиб турсанг ва уларни боқаётган бўлсанг, наслига зарар кел-

тирмай сутидан ич. Аммо уларни соғиб олишингдан қайтараман», дедилар.

Шу таълимотлардан келиб чиқиб, оталиққа олган одам етимнинг молидан муҳтож бўлганда ҳожатини қоплагунча еса бўлади, дейилади.

Оятнинг сўнгида яна бир нозик, зарурий ҳукм баён этилган:

**«Уларга ўз молларини топшираётганингизда гувоҳлар келтиринг».**

Мол одди-бердиси жуда ҳам нозик иш. Унда бировнинг ҳақиға хиёнат бўлиши эҳтимоли кучли. Шунинг учун ҳам, Исломда бундай ишларни ҳужжат-далил билан, адолатли гувоҳлар иштирокида амалга ошириш таъкидланади. Шундай қилинса, бировнинг ҳақиға хиёнат эҳтимоли йўқолади, бирор келишмовчилик чиқса ҳам, гувоҳлар ҳақиқатни (адолатни) ўрнатишда ёрдам берадилар.

Оятнинг сўнгида

**«Ҳисобчиликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур»** жумласининг келиши эса, бу ишларда доимо Аллоҳдан қўрқиб туриш лозимлигини уқтиради.

Келаси оятда яна аёллар ва ёш болаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси ҳақидаги ҳукмлар келтирилади:

لِّلرِّجَالِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ  
وَالْأَقْرَبُونَ مِمَّا قَلَّ مِنْهُ أَوْ كَثُرَ نَصِيبًا مَّفْرُوضًا ﴿٧﴾

**7. Ота-оналар ва қариндошлар қолдирган нарсада эркакларнинг насибаси бор. Ота-оналар ва қариндошлар қолдирган нарсада аёлларнинг насибаси бор. У оз бўлсин, кўп бўлсин—фарз қилинган насибадир.**

Исломдан олдинги тузумларда, жумладан, Арабистон ярим оролидаги жоҳилий тузумда ёш болалар ва аёллар мерос олиш ҳаққидан маҳрум эдилар. Жоҳилий араблар ҳукми бўйича, меросга фақат силоҳ олиб, душманга қарши уруша оладиган, яъни, вояга етган эр кишилар ҳақли эди, холос. Қолганлар, жумладан, ёш болалар ва аёллар бунга лойиқ эмасди. Ислом меросни эркак бўлсин, аёл бўлсин, катта бўлсин, кичик бўлсин, қариндошлик ҳаққи, деб эълон қилди. Улар меросни қариндошлик мартабаларига қараб, шариат ҳукми бўйича, кимга қанча кўрсатилган бўлса, ўшанчадан бўлиб олишади. Бу ҳол оилани ва қариндош-уруғчилик ришталарини мустаҳкамлашнинг бир йўлидир. Чунки қариндошлар, Ислом ҳукмига кўра, бир-бирларига қийин ҳолатларда ҳам ёрдам беришга мажбурлар.

Мисол учун, бир одам бошқасини хато билан, билмасдан ўлдириб қўйса, хун тўлайди. Ўзининг моли хунга етмаса, ота тарафдан бўлган қариндошлардан ҳам олинади. Шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар ҳам бор. Шу эътибордан қариндошлар мерос олиши айни адолатдир. Фарзандлар эса, ўша ота ёки она сабабидан дунёга келганлар. Уларни боқиш, тарбия қилиш ота-онанинг бурчидир. Мабодо, улар вафот этсалар, болалари мерос олиши зарурийдир. Ушбу оятда эркаклар билан бир қаторда аёллар ҳам ота-оналар ва қариндошлар қолдирган меросдан насибадор эканликлари таъкидланмоқда.

**«Ота-оналар ва қариндошлар қолдирган нарсада эркакларнинг насибаси бор. Ота-оналар ва қариндошлар қолдирган нарсада аёлларнинг насибаси бор».**

Бу, Исломнинг аёлларга бундан ўн тўрт аср илгари берган катта ҳуқуқидир. Бунда аёл кишининг ҳам эркак киши каби инсон эканлигини англатувчи улкан маъно бор.

Ибн Мурдавайҳи Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилишича, Умму Каҳҳа исмли саҳобия аёл Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, менинг саккизта қизим бор, оталари ўлиб қолди. Уларнинг ҳеч нарсаси йўқ. Оталарининг қариндошлари меросни қизларимга беришмаяпти», деганида, Аллоҳ таоло юқоридаги ояти каримани туширган экан. Мана шу ҳадиснинг ўзи ҳам бу ҳукм қанчалик адолатли эканини кўрсатиб турибди.

**«У оз бўлсин, кўп бўлсин—фарз қилинган насибадир».**

Яъни, меросга озгина нарса қолибди, ҳеч нарсага арзимамайди, фалончи олиб қўяверсин, дейилмайди. Озми, кўпми, барибир, Аллоҳ таълим берганидек бўлиш керак. Бу, Аллоҳ таоло фарз қилган нарсадир.

وَإِذَا حَضَرَ الْقِسْمَةَ أُولُو الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينُ فَأَرْزُقُوهُمْ مِنْهُ وَقُولُوا لَهُمْ قَوْلًا مَعْرُوفًا ﴿٨﴾

**8. Агар тақсимлашга қариндошлар, етимлар ва мискинлар ҳозир бўлсалар, уларни у(мерос)дан ризқлантиринглар ҳамда уларга яхши гаплар айтинглар.**

«Тақсимлаш» — меросни бўлиш учун ҳақдорлар йиғилган мажлисдир. Демак, мерос тақсимлаш мажлисида ҳақдорлардан бошқа қариндошлар ҳам, шунингдек, етимлар, камбағал-мискинлар ҳам ҳозир бўлишлари мумкин.

**«Агар тақсимлашга қариндошлар, етимлар ва мискинлар ҳозир бўлсалар, уларни у(мерос)дан ризқлантиринглар...»**

Ҳақдорлар меросдан насибаларини олишса-ю, қолганларга ҳеч нарса тегмай қолса, ўқсишлари, кўнгиллари синиши эҳтимоли бор. Шундай ноқулай ҳолатни ўртадан кўтариш учун, оятнинг ҳукмига кўра, меросхўрлар бирор нарсани ажратиб, ҳалиги кишиларга бериб, уларни ҳам севинтиришлари лозим. Айтиш чоғда, уларга ширин муомалада бўлиб, яхши сўзлар айтиш буюрилмоқда.

**«...ҳамда уларга яхши гаплар айтинглар».**

Бу ҳам қариндошлик ва инсоний алоқалар риштасини мустаҳкамлашнинг бир йўлидир.

وَلْيَخْشَ الَّذِينَ لَوْ تَرَكَوْا مِنْ خَلْفِهِمْ ذُرِّيَّةً ضِعَفًا خَافُوا عَلَيْهِمْ فَلْيَتَّقُوا اللَّهَ  
وَلْيَقُولُوا قَوْلًا سَدِيدًا ﴿٦١﴾

**9. Ўзлари заифҳол зурриётларини ортдан қолдиришдан қандай қўрқсалар, (бошқалар ҳақида ҳам) шундай қўрқсинлар. Бас, Аллоҳдан қўрқсинлар ва тўғри сўз айтсинлар.**

Бу ояти каримани тафсирчи уламоларимиз икки хил таъвийл қилганлар. Иккови ҳам тўғри. Иккови ҳам бир-бирини тўлдириб, ояти кариманинг маъносини янада ойдинлаштиради.

Биринчи таъвийлга биноан, отаси ўлиб етим қолган болаларни оталиққа олган одам ўша етим болаларнинг ўрнига ўз болаларини қўйиб тасаввур қилсин.

**«Ўзлари заифҳол зурриётларини ортдан қолдиришдан қандай қўрқсалар, (бошқалар ҳақида ҳам) шундай қўрқсинлар».**

Гўё унинг ўзи вафот этиб, ортида заифҳол болалари қолганини ўйлаганда қандай қўрқса, қўлидаги етим болаларга ҳам шундай назар билан қарасин, деган маъно чиқади. Бунда етимларни оталиққа олган кишида оталик меҳрини қўзиш билан етимларга бўлган раҳим-шафқатини зиёда қилинмоқда. Шу билан бир вақтда,

**«Бас, Аллоҳдан қўрқсинлар ва тўғри сўз айтсинлар»**, деб Аллоҳ таолога тақво қилишга ҳам чорланмоқда.

Иккинчи таъвийлга биноан, оятдаги амр ўлим тўшагида ётиб васият қилаётган одам олдида гувоҳ сифатидами ёки бошқа бир сабабданми ҳозир бўлган кишига қаратилган. Агар васият қилувчи меросхўрларга зарар етказадиган васият қилса, мисол учун, «Ҳамма молимни фалон нарсага сарфланглар», деса, ёнида турган одам васият қилувчининг ортидан қолаётган болаларини худди ўз болала-

ридек тасаввур қилсин-да, унга насиҳат қилиб, меросхўрларга зарар келтирадиган васиятдан воз кечишга ундасин.

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз алайҳиссалом касал ётган Саъд ибн Аби Ваққос розияллоҳу анҳуни кўргани кирдилар. Саъд ибн Аби Ваққос розияллоҳу анҳу:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, мен молдор одамман. Битта қизимдан бошқа меросхўрим йўқ. Молимнинг учдан иккисини садақа қилсам, майлими?» деди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ», дедилар. Саъд розияллоҳу анҳу:

«Ярмини-чи?» деди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ», дедилар. Саъд розияллоҳу анҳу:

«Учдан бирини-чи?» деб сўради. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Учдан бири майли. Учдан бири ҳам кўп», дедилар. Сўнгра эса: «Меросхўрларингни бой қолдиришинг уларнинг камбағал бўлиб, одамлардан тилаб юришларидан яхшидир», дедилар.

Ушбу ҳадиси шарифга амал қилиб, шариатда ўлим олдида қилинган васият учдан бирдан бошқасига таъсир қилмаслиги ҳукми жорий этилган. Яъни, бир одам молининг учдан бирдан кўпини бирор ишга, ҳатто хайрли ижобий ишга сарфлашни васият қилган бўлса ҳам, унинг васияти фақат молнинг учдан бирига ўтади, холос.

إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ آلِيَتِمَىٰ ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا  
وَسَيَصْلُونَ سَعِيرًا ﴿١٠﴾

**10. Албатта, етимларнинг молини зулм ила еганлар қоринларида оловни еган бўлурлар. Ва, шубҳасиз, дўзахга кирурлар.**

Ояти кариманинг услуби ғоятда таъсирчанлиги кўриниб турибди. Аввало, ким етимларнинг молларини зулм ила еса, қиёматда қоринларидаги у нарса оловга айланади.

**«Албатта, етимларнинг молини зулм ила еганлар қоринларида оловни еган бўлурлар».**

Сўнгра, шу ҳолда – қоринларидаги олов алангалаган ҳолда дўзахга кирадилар.

**«Ва, шубҳасиз, дўзахга кирурлар».**

Дўзах алангаси ҳам авж олиб туради. Демак, етим молини ноҳақ еган одам ичию ташидан ўт азобига гирифтор қилинади. Нақадар даҳшатли ҳол! Нақадар аламли!

Бу ояти каримада келган маънони таъкидловчи, шарҳловчи кўпгина ҳадиси шарифлар бор.

Имом Бухорий Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда У зот: «Ҳалок этувчи етти нарсадан четда бўлинглар», дедилар.

«Улар нималар, эй, Аллоҳнинг Расули?» деб сўралди. У зот:

«Аллоҳга ширк келтириш, сеҳргарлик, Аллоҳ ман қилган жонни ўлдириш, рибохўрлик, етимнинг молини ейиш, уруш куни қочиш, мўмина покиза аёлларни зинода тухмат қилиш», деб жавоб бердилар.

Машҳур тафсирчилардан ас-Суддий:

«Қиёмат куни етимнинг молини еган одам оғзидан, қулоқларидан, бурнидан ва кўзларидан олов чиқиб турган ҳолда тирилтирилади. Ҳар бир кўрган одам унинг етим молини еганлигини билиб олади», деганлар.

Ибн Мурдавайҳи Абу Барзодан ривоят қилган ҳадисда У зот:

«Қиёмат куни бир қавмлар оғизларидан олов пуркалиб турган ҳолда тирилтириладилар», дедилар. Одамлар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, улар кимлар?» деб сўрашди. У зот:

«Аллоҳ таоло: «Албатта, етимларнинг молини зулм ила еганлар қоринларида оловни еган бўладилар», деганини билмайсанми?» дедилар.

Имом ибн Можа Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Икки заифнинг — аёлнинг ва етимнинг молидан узоқ бўлишингизни васият қиламан», деганлар.

Албатта, бу таълимотлар мусулмонларга ўз таъсирини ўтказган. Уларни қаттиқ ларзага солган. Улар умуман етимларнинг молига яқин келишдан ҳам қўрқиб қолишган.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу бу ҳақда қуйидагиларни айтган:

«Албатта, етимларнинг молини зулм ила еганлар...» ояти нозил бўлганида, етимларни ўз оталиғига олганлар бориб, ўз таомини уларнинг таомидан, ичимлигини ичимлигидан ажратиб қўйди. Ортиб қолган таомлар ҳам то етим ўзи егунча ёки айниб қолгунча турадиган бўлди. Етимларни оталиққа олганларга машаққат туғилди. Бу ҳолни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга айтилган эди, Аллоҳ таоло «Сендан етимлар ҳақида сўрайдилар...» оятини нозил қилди».

Келаси оятларда эса, мерос ҳақидаги масалалар давом этади:

يُوصِيكُمُ اللَّهُ فِي أَوْلَادِكُمْ لِلذَّكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنثِيَّاتِ فَإِنَّ كُنَّ نِسَاءً فَوْقَ

أَثْنَتَيْنِ فَلَهُنَّ ثُلُثَا مَا تَرَكَ وَإِنْ كَانَتْ وَاحِدَةً فَلَهَا النِّصْفُ وَلَا بَوِيهَ لِكُلِّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا  
 السُّدُسُ مِمَّا تَرَكَ إِنْ كَانَ لَهُ وَلَدٌ فَإِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُ وَلَدٌ وَوَرِثَهُ آبَاؤُهُ فَلِأُمَّهِ الثُّلُثُ إِنْ كَانَ  
 لَهُ إِخْوَةٌ فَلِأُمَّهِ السُّدُسُ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةِ يُوصَىٰ بِهَا أَوْ دَيْنٍ ؕ آبَاؤُكُمْ وَأَبْنَاؤُكُمْ لَا  
 تَدْرُونَ أَيُّهُمْ أَقْرَبُ لَكُمْ نَفَعًا فَرِيضَةٌ مِنَ اللَّهِ إِنْ اللَّهُ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿١١﴾

11. Аллоҳ сизга фарзандларингиз ҳақида васият этиб, бир ўғилга икки қиз насибасича беришни амр этади. Агар улар икки-тадан кўп (аёл) бўлсалар, уларга у (ота) қолдирганнинг учдан иккиси. Агар қиз битта бўлса, унга ярми. Агар у (маййит)нинг боласи бўлса, у тарк қилган нарсадан ота-онасининг ҳар бирига олтидан бир. Агар унинг боласи бўлмаса ва ота-онаси меросхўр бўлса, онасига учдан бир. Агар унинг ака-укалари бўлса, онасига олтидан бир. У қилган васият ёки қарзини адо этгандан сўнг. Оталарингиз ва болаларингиздан қайси бирлари сизга манфаатлироқ эканини билмассизлар. Бу, Аллоҳ жорий қилган фарздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва ҳикматли Зотдир.

Ал-Авфий Ибн Аббосдан қуйидагиларни ривоят қилади:

«Аллоҳ таоло ўғил-қизларга ва ота-оналарга мерос бобида фарз қилган ҳукмлар ҳақида оятлар туширганда, баъзи одамларга ёқмади. Улар «хотинга тўртдан бир ёки саккиздан бир, қизга ярим... кичкина болага ҳам бериладими? Ахир, улардан бирортаси ҳам урушда қатнашмайдилар-ку! Ўлжа ҳам олмайдилар-ку! Бу гап тўғрисида индамай турунлар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёдларидан чиқиб қолса, ажаб эмас ёки у кишига айтамиз, бунини ўзгартирадилар», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули! Қиз болага отасининг меросидан ярми бериладими? Ахир, у ота миниб, душманга қарши урушмайди-ку! Қўлидан ҳеч нарса келмайдиган гўдакка ҳам мерос бериладими?» дейишди. Улар жоҳилият вақтида душманга қарши уруш қилганларгагина мерос беришар, катта ёшлардан бошлаб беришар эди. Уларнинг бу тутимларига жавобан Аллоҳ таоло:

«Аллоҳ сизга фарзандларингиз ҳақида васият этиб, бир ўғилга икки қиз насибасича беришни амр қилади», деб бошланувчи ояти каримани нозил қилди.

Ушбу ривоятдан кўриниб турибдики, молу мулк борасида ўрғаниб қолинган одатни тарк этиш қийин. Мерос ҳақидаги аввал туш-



ган ҳукмлар нафақат Исломга кирмаган шахсларга, балки баъзи мусулмонларга ҳам унчалик ёқмаган. хатто буни ўзгартиришни талаб қилмоқчи ҳам бўлишган. Уларнинг фикрича, бунақада баъзилар тайёрига айёр бўлиб, мўмайгина мол эгаси бўлиб қолишади. Шуниси уларга маъқул келмаган.

Минг афсуслар бўлсинки, йигирма биринчи аср жоҳилиятида мусулмонликни даъво қилиб юрганларнинг ичида ҳам худди шу фикрдагилар кўп. Уларга айтиладиган гап шулки, аввало, меросхўр мерос қолдирувчининг узвий давомчисидир. Қолаверса, фаразан, мерос қолдирувчи ҳаёт пайтида муҳтож ҳолга тушиб қолса, айнан шу меросхўрлар унга кафил бўлар эдилар. Яна қолаверса, мерос қолдирувчилар меросхўрларга фақат молу дунёнигина мерос қолдирмайдилар, балки табиатларини, истеъдодларини, биологик хусусиятларини ва ҳаттоки гўзаллик ва хунукликларини ҳам мерос қолдирадилар. Шубҳасиз, бу мерослар меросхўрнинг ҳаётига катта таъсир ўтказади. Шундай бўлгач, ундан қолаётган меросга ана шу фарзандлар ва яқин қариндошлар ҳақли бўлмай, бошқа ким ҳақли бўлсин?! Бу ишда Аллоҳ таолонинг айтганини қилингандагина адолат бўлади. Бошқача йўл ҳалокатга элтади. Бунга кечаги ва бугунги кунимиздан истаганча мисол топса бўлади. Бошқа масалалар каби меросда ҳам исломий ҳукм юритилмаётгани учун қанчадан-қанча оилалар мерос таллашиб барбод бўляпти, қариндошлар юз кўрмас бўлиб кетишяпти. Бу жуда катта ижтимоий масаладир. Токи бу адолатли ҳал этилмас экан, жамиятда хотиржамлик бўлмайди. Шу боисдан ҳам, Ислом шариати меросни тўғри тақсим қилишга катта аҳамият беради. Бунга боғлиқ ишни ва илми «фароиз» деб аталади. Ушбу ояти карима ва кейинги оят ҳамда ушбу суранинг охирида келадиган оятлар бу мавзудаги ҳадислар билан бирга фароиз илми асосини ташкил этади.

Мусулмонликда фароиз илмининг аҳамияти катта. Имом Абу Довуд ва Ибн Можалар Абдуллоҳ ибн Амрдан қилган ривоятда айтилади:

«Илм учтадир. Улардан бошқаси фазлдир. Муҳкам оят, қоим суннат ва адолатли фароиз».

Имом Ибн Можа Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Фароизни ўрганишлар ва уни одамларга ўргатинлар. У илмининг ярмидир. У нутилади. У менинг умматимдан биринчи суғуриб олинадиган нарсадир», деганлар.

Қуръон илмлари бўйича мутахассис олимлар оятларнинг нозил бўлиш сабаблари ҳақидаги баҳсларида «Бир оятнинг нозил

бўлишига бир неча сабаб бўлиши мумкин», дейдилар. Бир неча сабаб билан нозил бўлган ўшандай оятлардан бири биз ўрганаётган ушбу ояти каримадир. Унинг нозил бўлиш сабабларидан бирини юқорида зикр этдик. Яна иккита сабаби бор, улар билан қуйида танишамиз:

Имом Бухорий Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда, у киши:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Абу Бакр розияллоҳу анҳу икковлари мени кўргани Бани Салама қабиласига пиёда келдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзимни билмай ётганимни кўриб, сув сўраб таҳорат қилибдилар, ўша сувдан менга сочганларида ўзимга келдим ва: «Эй, Аллоҳнинг Расули, молимни нима қилишимни амр қиласиз?» дедим. Шунда «Аллоҳ сизга фарзандларингиз ҳақида васият этиб, бир ўғилга икки қиз насибасича беришни амр этади...» оятини туширди», дейдилар.

Имом Термизий Жобир розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Саъд ибн Робеънинг хотини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, анави иккови Саъд ибн Робеънинг қизлари. Оталари сиз билан Уҳуд жангида қатнашиб, шаҳид бўлди. Амакилари эримдан қолган молларни олволиб, қизларимга ҳеч нарса бермаяпти. Агар моли бўлмаса, буларга ҳеч ким уйланмайди», деди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу ҳақда Аллоҳ Ўзи ҳукм чиқаради», дедилар. Бир оздан сўнг Мерос ояти нозил бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амакиларига одам юбордилар ва: «Саъднинг икки қизига учдан иккисини бер, оналарига саккиздан бирини бер, қолгани сенга», дедилар.

Келтирилган ривоятлардан кўриниб турибдики, вазият ноқулай бўлиб, Аллоҳ таолонинг Ўзи очиқ-ойдин баёнот билан аралашинини тақозо қилиб қолган эди. Шунинг учун ҳам, ҳар бир меросхўрнинг ҳаққини аниқ кўрсатиб оят туширди.

**«Аллоҳ сизга фарзандларингиз ҳақида васият қилиб, бир ўғилга икки қиз насибасича беришни амр этади».**

Бизда васият сўзини ўлаётган одам айтган гап маъносида тушуниб келинади. Аслида эса, бу сўз кенг маъноли бўлиб, насиҳат, қарор ва таъкидланган тавсия каби маъноларни ҳам англатади. Ушбу оятда ҳам «Аллоҳ... васият қилиб», деб келмоқда.

Бу оятда жоҳилиятнинг ҳукми ботил қилиниб, қизларга мерос бермаслик одати бекор этилиб, адолат қарор топтирилмоқда, қизларга ҳам меросдан ҳақлари кўрсатилмоқда. Бу ҳукмга ўша пайтда

Ислом душманлари тугул, ҳатто баъзи мусулмонлар ҳам қарши чиқишганини ва уларга бериладиган жавобни сал олдин зикр қилиб ўтдик.

Душманлик, мутаассиблик ёмон нарса экан. Таажжубланарли ҳолга қарангки, аввалда: «Нега қўлидан от миниш, уруш қилиш келмайдиган қиз болаларга ҳам мерос берилади? Бу адолатсиз ҳукм!» деб дод-вой солган Ислом душманлари (ҳатто баъзи ўзини мусулмон деб юрганлар ҳам) ҳозирга келиб: «Бу қандай адолатсизлик?! Қиз бола одам эмасми?! Нима учун унга ўғил болага бериладиган миқдорнинг ярми берилади?!» дейишмоқда. Уларнинг бу ноҳақ эътирозлари Исломга душман бўлганлари учун ва ўзларининг жоҳилий тасаввурларидандир. Агар улар Ислом динида аёл кишига берилган эътибордан заррача хабардор бўлганларида, мазкур гапни айтишдан уялар эдилар. Агар уларда уятнинг ўзи бўлса!

Исломда аёл киши дунёга келганидан то умрининг охиригача моддий жиҳатдан таъминлангандир. У қиз бўлса, моддий таъминотига отаси жавобгар. Сингил бўлса, ака-укаси, хотин бўлса, эри, она бўлса, ўғли масъул. Яъни, хотин киши ўзи касб қилиб молу мулк топишга эҳтиёжи ҳам, шаръий бурчи ҳам йўқ. Бинобарин, меросга оладиган молни ўз эҳтиёжидан ортиқча нарса сифатида қабул қилиб олади. Бунинг аксича, эркак киши доимо моддий масъулият остида юради. Ўғил сифатида ота-онасининг, ота сифатида фарзандларининг, ака ёки ука сифатида опа-сингиллари ва ака-укаларининг, эр сифатида хотинининг моддий таъминотига жавобгар ҳисобланади. Уйланаётганда ҳам келинга маҳр беради, тўй ва рўзғор анжомларини тайёрлайди. Бошқача қилиб айтганда, у қанча мол топса ҳам, ўрни бор. Шулар эътиборга олинса, икки қиз насибасича миқдорда меросга эга бўлиши айни адолат ҳисобланади!

**«Агар улар иккитадан кўп (аёл) бўлсалар, уларга у (ота) қолдирганининг учдан иккиси».**

Яъни, ўлган одамнинг ўғли бўлмаса, иккитадан ортиқ қиз фарзандлари бўлса, улар мероснинг учдан иккисини бўлиб олишади. Уламолар «Ўғил фарзанд бўлмай, фақат иккита қиз бўлса ҳам, учдан икки қисм меросни олишларига шу оят далилдир» дейишади. Бу фикрни қувватловчи бошқа далиллар ҳам бор. Ушбу суранинг охиридаги оятда иккита сингилга мероснинг учдан иккиси тегиши очиқ айтилган. Иккита сингилга берилган бу улуш иккита қизга берилиши аълороқ, Юқорида келтирилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Робеънинг икки қизига учдан иккени беришга амр қилдилар. Демак, оятдаги ушбу жумланинг маъноси: «Агар икки ва ундан ортиқ аёллар бўлса», деб тушунилади.

**«Агар қиз битта бўлса, унга ярми».**

Қолгани бошқа қариндошларга шариат ҳукми асосида бўлиб берилади.

**«Агар у(маййит)нинг боласи бўлса, ота-онасининг ҳар бирига олтидан бир».**

Мерос қолдирувчининг ортидан ўғилми, қизми, биттами, кўпми бола қолса ва, айни чоғда, ота-онаси ҳам тирик бўлишса, ота-онанинг ҳар бири олтидан бир қисм меросга ҳақли бўлади. Қолган меросни фарзандлар шариат ҳукми асосида бўлиб оладилар. Агар фарзанд фақат битта ўғил бўлса, қолганининг ҳаммасини олади. Лекин битта қиз бўлса, ярмини олади. Ортиб қолган олтидан бирни ҳам яқин эркак қариндошлик эътибори ила отага берилади.

**«Агар унинг боласи бўлмаса ва ота-онаси меросхўр бўлсалар, онасига учдан бир».**

Учдан иккиси отасига. Бу ҳол ота-онадан ўзга меросхўр йўқ, яъни, ўлганнинг ортидан фарзанд ҳам, эр ҳам ёки хотин ҳам қолмаган ҳолдир.

**«Агар унинг ака-укалари бўлса, онасига олтидан бир».**

Бу ҳолда, ўлган кишининг ортидан ота-онасию ака-укаси қолган бўлади. Унда, ака-укалар ўзлари мерос олмасалар ҳам, оналарининг улуши учдан бир улушдан олтидан бирга камайишига сабаб бўладилар. Ота бор жойда ака-укалар мерос ололмайдилар. Агар фақат битта ака ёки ука қолса, онанинг улушини камайтира олмайди. У ҳолда она учдан бирини олади. Ўлганнинг биродарлари оналарининг улушини қисқартиришлари ҳикматида уламолар: «Оталари уларга нафақа беради, уларни уйлантиради, шунинг учун оналаридан улуш қисқартирилиб, оталарига қўшилган», дейдилар.

Мазкур мерос тақсимлашлардан аввал қилиниши лозим бўлган муҳим иш бор. Ана ўша иш адо этилгандан сўнггина, бу тақсимлашларга имкон бўлади. Мазкур ишни оятнинг қуйидаги жумлалари баён этаётир:

**«У қилган васиятни ёки қарзини адо этгандан сўнг».**

Оятда қарз васиятдан кейин зикр қилинган бўлса ҳам, амалда ундан олдинга қўйилади. Оятнинг маъносига чуқур назар солган уламолар бу ҳақиқатни англаганлар. Аввал ўтган ва кейин келган уламоларнинг ҳаммалари қарз васиятдан устун туришини таъкидлаганлар.

Имом Термизий қилган ривоятда ҳазрати Али розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қарзни васиятдан олдин қўйганларини айтганлар. Бу тушунарли. Чунки, қарз бошқа бандаларнинг ҳаққидир. Аллоҳ таоло ҳам Ўз ҳаққини кечади-ю, банданинг

ҳаққини кечишда ихтиёрни ўзига қўяди. Ислом динида қарз қаттиқ олинади. Чунки, бусиз ҳаётдаги муомалаларда ишонч қолмайди. Одамлар орасида хотиржамлик йўқолади. Шунинг учун ҳам, қарздор ўлганидан кейин ҳам қарзнинг масъулиятдан қутула олмайди. Шу боисдан, вафот этган шахс-нинг жанозасини ўқишдан олдин унинг қарзи борми-йўқлиги ҳақида сўралади.

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинадики, бир одам:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, мен Аллоҳнинг йўлида қатл бўлсам, гуноҳларим ювиладими?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар сен сабр ила, савоб умидида, қочмасдан, олға интилиб туриб қатл этилсанг, ювилади», дедилар. Сўнгра:

«Нима дединг?» деб қайта сўрадилар. Ҳалиги одам айтганларини такрорлади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа, ювилади, фақат қарзнинг бўлмаса. Менга бунинг хабарини Жаброил айтди», дедилар.

Яна Қатода розияллоҳу анҳудан қилинган бошқа бир ривоятда айтилишича:

«Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳузурларига жаноза намозини ўқиш учун бир кишининг ўлигини олиб келдилар. У зот:

«Биродарларингизнинг жанозасини ўзингиз ўқийверинглар, унинг қарзи бор экан», дедилар. Шунда мен (яъни, Қатода розияллоҳу анҳу):

«Эй, Аллоҳнинг Расули, унинг қарзи менинг бўйнимга», дедим. У киши соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Вафоси биланми?» деб сўрадилар. Мен:

«Вафоси билан», дедим. Ана шундан сўнг унинг намозини ўқидилар»,

Демак, бир одам вафот этса, ундан қолган меросдан, аввало, қарзи чиқариб берилади. Қарздан ортиб қолганини васиятига бинноан ишлатилади ва меросхўрларга бўлинади.

Васиятга эътибор бериш мерос қолдирувчининг иродасини, ўлимидан олдинги истагини ҳурматлаш маъносидадир. Аммо унинг васияти ўзи қолдираётган мероснинг учдан бир қисмидан ортиққа ўтмайди. Мисол учун, бир одам: «Ўлганимдан кейин ҳамма молимни Аллоҳнинг йўлида садақа қилиб юборинглар ёки масжид қуринглар», деса, мазкур ишларга мероснинг учдан бири сарфланади, холос.

**«Оталарингиз ва болаларингиздан қайси бирлари сизга манфаатлироқ эканини билмассизлар».**

Инсон кўпинча инсонгарчилигига бориб, турли ҳолатларда мулоҳазалари турлича бўлади. Айниқса, бемор бўлган чоғда ёки ўлаёт-

ганда яқинларига кўпроқ яхшилик қилгиси келади. Баъзан оталик меҳри устун келиб, болаларини кўпроқ ўйлаб, уларни бошқалардан юқори қўяди. Жумладан, мерос ҳам фақат уларга бўлса эди, деб уларни бу масалада ота-онасидан баланд қўйиб юборади. Бошқа бирлари эса, одоб-ахлоқ, урф-одат ҳиссидан келиб чиқиб, ота-онасини юқори қўймоқчи бўлади.

Ушбу жумла бу нозик ҳолатнинг муолажасини қилмоқда. Мерос масаласида бунақа мулоҳазаларга бориб хижолат чекиб юрилмасин, хотиржам бўлинсин, деб даъват қилинмоқда. Ота-она ёки болалардан қай бирлари манфаатлироқ эканини одам барибир идрок эта олмайди. Қолаверса, мерос масаласи —

**«Бу, Аллоҳ жорий қилган фарзидир».**

Унга инсоннинг ҳеч алоқаси йўқ. Ҳеч ким меросни ўзича бўла олмайди. Уни Аллоҳ таолонинг Ўзи бўлиб қўйган. Кимга қанча бериш У зотнинг Ўзининг иши. Шунинг учун ҳам, мерос қолдирувчининг турли андишаларга боришига ҳожат йўқ.

**«Албатта, Аллоҳ билувчи ва ҳикматли Зотдир».**

Жумладан, меросни қандай тақсим қилишни ҳам яхши билади. Унинг тақсими эса, албатта, ҳикматлидир.

Келгуси оятда мерос тақсимлаш ҳукмининг баёни давом этади:

﴿ وَلَكُمْ نِصْفُ مَا تَرَكَ أَزْوَاجُكُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُنَّ وَوَلَدٌ فَإِنْ كَانَ لَهُنَّ وَوَلَدٌ فَلَكُمْ الرُّبْعُ مِمَّا تَرَكَنَّ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوَصِّينَ بِهَا أَوْ دَيْنٍ ۗ وَلَهُنَّ الرُّبْعُ مِمَّا تَرَكَتُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَكُمْ وَوَلَدٌ فَإِنْ كَانَ لَكُمْ وَوَلَدٌ فَلَهُنَّ الثُّمُنُ مِمَّا تَرَكَتُمْ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ تُوصُونَ بِهَا أَوْ دَيْنٍ وَإِنْ كَانَ رَجُلٌ يُورَثُ كَلِيلَةً أَوْ امْرَأَةً وَلَهُ أَخٌ أَوْ أُخْتٌ فَلِكُلِّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا السُّدُسُ فَإِنْ كَانُوا أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ فَهُمْ شُرَكَاءُ فِي الثُّلُثِ ۗ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصَىٰ بِهَا أَوْ دَيْنٍ غَيْرِ مُضَارٍّ وَصِيَّةً مِنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَلِيمٌ ﴾

12. Сизларга хотинларингиз қолдирган нарсанинг—агар уларнинг боласи бўлмаса—ярми тегади. Агар уларнинг боласи бўлса, сизга улар қолдирган нарсанинг чораги тегади. Улар қилган ва сийятни ёки қарзларини адо этгандан сўнг. Уларга сиз қолдирган нарсанинг—агар болангиз бўлмаса—чораги тегади. Агар болангиз

бўлса, уларга сиз қолдирган нарсанинг саккиздан бири тегади. Сиз қилган васиятни ёки қарзингизни адо этгандан сўнг. Агар бир эркак ёки аёл калола ҳолида мерос қолдирса, унинг биродари ёки синглиси бўлса, улардан ҳар бирига олтидан бир тегур. Агар улар бундан кўп бўлсалар, учдан бирига шерикдирлар. За-  
рар қилмайдиган васиятни ёки қарзни адо этгандан сўнг. Булар Аллоҳнинг васиятидир. Ва Аллоҳ билувчи ҳамда ҳалийм Зотдир.

Ушбу ояти каримадаги мерос тақсими инсон ақлини лол қолдирадиган даражада аниқлик билан келган. Буни Исломда мерос масаласини ўрганган ажнабий олимлар ҳам алоҳида таъкидлаганлар.

**«Сизларга хотинларингиз қолдирган нарсанинг—агар уларнинг боласи бўлмаса—ярми тегади. Агар уларнинг боласи бўлса, сизга улар қолдирган нарсанинг чораги тегади. Улар қилган васиятни ёки қарзларини адо этгандан сўнг».**

Бефарзанд хотин ўлиб, ортидан эри қолса, мероснинг ярмини олади. Аммо, у хотиннинг ўғлими, қизими—нечта бўлса ҳам—шунингдек, аввалги эридан ҳам, боласи бўлса, эрга мероснинг чораги тегади. Албатта, аввалги оятда келганидек, бу мерос ҳам вафот этган хотин қилган васиятни ёки олган қарзини адо этгандан сўнг тақсимланади.

**«Уларга сиз қолдирган нарсанинг—агар болангиз бўлмаса—чораги тегади. Агар болангиз бўлса, уларга сиз қолдирган нарсанинг саккиздан бири тегади. Сиз қилган васиятни ёки қарзингизни адо этгандан сўнг».**

Агар бефарзанд эр ўлиб, ортидан хотини қолса, мероснинг чорагини олади. Аммо, ўлган эрнинг ўғилми, қизми, ўзми-ўғайми, яъни, бошқа хотиниданми, кўпми, озми фарзанди бўлса, хотинга мероснинг саккиздан бири тегади. Бу ҳам васиятни ёки олинган қарзни адо этгандан кейин бўладиган тақсим. Меросхўр хотин битта бўлса, мазкур чорак ёки саккиздан бир улушни ўзи олади. Агар вафот этганнинг хотини иккита, учта ёки тўртта бўлсалар, ўша чорак ёки саккиздан бирда шерик бўладилар.

Ояти каримадаги:

**«Агар бир эркак ёки аёл калола ҳолида мерос қолдирса»**, жумласини, хусусан, «калола» сўзини бир оз шарҳлашга тўғри келади. Бу ҳақда уламоларимиз ҳам анча баҳс юритганлар. Бизнинг тилимизда «калола» сўзининг маъносини айнан ифода этадиган ибора йўқ. Шунингдек, араб тилида ҳам бу сўзнинг муродифи йўқ. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳудан одамлар «калола» ҳақида сўрашганида: «У тўғрисида ўз фикримни айтаман, тўғри бўлса, Аллоҳдан, хато бўлса, мендан ва шайтондан, яъни, Аллоҳнинг ва Унинг Расули-

нинг бунга алоқалари йўқ. Калола — зурриёди ва аждоди йўқ одамдир», дедилар. Яъни, ўлган пайтида бола-чақаси, набира-чеваралари ҳам, ота-онаси, бобо-момоси ҳам йўқ бўлган одам, демакдир.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ҳам ўз халифалик вақтларида: «Абу Бакрнинг фикрига хилоф қилишдан уяламан», деганлар. Тўрт мазҳаб соҳиблари ҳам, аввал ўтган, кейин келган уламолар ҳам шу фикрга қўшилганлар.

**«Агар бир эркак ёки аёл калола ҳолида мерос қолдирса, унинг биродари ёки синглиси бўлса, улардан ҳар бирига олтидан бир тегур. Агар улар бундан кўп бўлсалар, учдан бирига шерикдилар».**

Бу жумлада она бир ака-ука ва опа-сингиллар ҳақида сўз кетмоқда.

Демак, оятнинг ҳукмига кўра, «калола» ҳолида вафот этган одамнинг ортидан она бир биродари (акаси ёки укаси) ва синглиси қолса, уларнинг ҳар бирига мероснинг олтидан бири тегади. Агар она бир биродар ва сингиллар бундан кўп бўлсалар, мероснинг учдан бирида шерик бўладилар. Эркак-аёл тенг насиба олишади. Бунда ҳам ўша калола ҳолида мерос қолдирган эркак ёки аёлнинг қилган васияти ва олган қарзи адо этилганидан сўнг тақсимланади. Васият эса, зарар қилмайдиган бўлиши керак. Бу ҳукм мерос бобидаги ҳамма васиятларга тегишлидир. Чунки, Аллоҳ оятда:

**«Зарар қилмайдиган васиятни ёки қарзни адо этгандан сўнг»**, демоқда.

Зарар қилмайдиган васият дегани нимани билдиради? Унинг адолатли, меросхўрлардан бирортасига зарар келтирмайдиган бўлишини билдиради. Мисол учун, баъзи меросхўрларни меросдан маҳрум қилмаслик ёки меросдан ҳақини камайтирмаслик керак. Умуман, Аллоҳ таоло кўрсатган миқдорларни ўзгартирмаслиги лозим. Ким ўз хоҳишича тақсимлайдиган бўлса, Аллоҳнинг ҳукмига, шариатга қарши чиққан бўлади.

Ибн Аби Ҳотим Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Зарарли васият қилиш гуноҳи кабиралардандир», деганлар.

Бу оятнинг охирида ҳам аввалги оятга ўхшаш қаттиқ таъкидлар келади:

**«Булар Аллоҳнинг васиятидир».**

Яъни, меросни юқорида айтилгандек тақсимлаш, ишларда ҳалол-поқ бўлиш Аллоҳнинг васиятидир. Бошқаники эмас. Ҳаводан олгани йўқ. Бир гуруҳ одам тўпланиб олиб, маслаҳатлашиб қарор қилганлари ҳам йўқ.



**«Ва Аллоҳ билувчи ва ҳалийм Зотдир».**

Ким нима билан машғул, ким меросни тўғри тақсим қилмоқдаю ким нотўғри тақсим қилмоқда – билиб туради.

Мусулмон инсон ўзининг ҳар бир иши, ҳаракати ва фаолияти Аллоҳнинг шариатига мувофиқ бўлишига уринмоқи лозим. Шу жумладан, мерос масаласида ҳам. Ҳар бир иш Аллоҳнинг ҳукми билан бўлиши асосий исломий таълимот бўлганидан, Қуръони Каримда бу маъно қайта-қайта таъкидланади. Келаси икки оятда ҳам худди шу ғоя олдинга сурилади:

تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ وَمَنْ يُطِيعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ يُدْخِلْهُ جَنَّاتٍ تَجْرِي  
 مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿١٦﴾ وَمَنْ  
 يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَتَعَدَّ حُدُودَهُ يُدْخِلْهُ نَارًا خَالِدًا فِيهَا وَلَهُ عَذَابٌ  
 مُهِينٌ ﴿١٧﴾

**13. Ана ўшалар Аллоҳнинг чегараларидир. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат этса, У Зот уни остидан анҳорлар оқиб турган жаннатга абадий қолиш учун киритадир. Бу эса, улкан ютуқдир.**

**14. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига исён қилса ва Унинг чегарасидан тажовуз қилса, У Зот уни абадий қолиш учун дўзахга киритадир. Ва унга хорловчи азоб бордир.**

Демак, бу дунёда фақат Аллоҳга ва Унинг Расулигагина итоат қилиб яшаш лозим. Бу итоат шариатга амал қилиш билан бўлади. Аллоҳга бўйсуниб, у кўрсатган дастурга амал қилиб яшаш иймонда, Исломда, диндорликда яшаш демақдир. Аллоҳнинг итоатидан чиқиб, бошқага итоат қилиш, Унинг дастурини қўйиб, бошқанинг дастурига амал қилиш ширк, куфр ва жаҳаннамдир.

**«Ана ўшалар Аллоҳнинг чегараларидир».**

Яъни, юқорида зикр қилинган нарсалар Аллоҳ таолонинг чи-зиб қўйган чегараларидир. Бу жумлада Аллоҳ таолонинг шариати ҳукмлари Унинг «чегаралари» деб аталмоқда. Бундан мусулмон инсон учун Аллоҳ таоло чизган чегарада юриш лозимлиги келиб чиқади. Ана ўша чегарада юрган одам турли хавф-хатарлардан омон бўлади.

**«Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат этса, У Зот уни остидан анҳорлар оқиб турган жаннатга абадий қолиш учун киритадир».**

Мазкур чегарада юриш Аллоҳ таолога ва Унинг Расулига итоат қилиш билан бўлади. Аллоҳ таолога итоат Қуръони Каримга ва Унинг Расулига итоат эса, у зот алайҳиссаломнинг суннатларига амал этиш билан бўлади. Аллоҳ таолонинг чегарасида юриш, Аллоҳ таолога ва Унинг Расулига итоат қилишдан, фақатгина, чегарада юриб, итоат этган банда фойда кўради. Аллоҳ таоло уни қиёматда жаннатга киритади.

**«Бу эса, улкан ютуқдир».**

Энди, Аллоҳ таолонинг мазкур чегарасида юрмаган, Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилмаганлар нима бўлади, деган савол пайдо бўлиши мумкин. У саволнинг жавоби қуйидагича:

**«Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига исён қилса ва Унинг чегарасидан тажовуз қилса, У Зот уни абадий қолиш учун дўзахга киритадир. Ва унга хорловчи азоб бордир».**

Демак, у дунёда ҳар кимга бу дунёдаги амалига қараб муомала қилинади. Бу дунёда Аллоҳ таолонинг ва Унинг Расулининг итоатини қилмай, уларга осийлик қилиб, Аллоҳ таолонинг чегарасидан чиққанлар у дунёда абадий қолиш учун дўзахга киритиладилар. Иш фақат дўзахга киритиш билан тамом бўлмайди. У ерда мазкур осийга хорловчи азоблар ҳам бўлади.

Қуйида келадиган оятларда Аллоҳ таоло исломий жамиятни жоҳилият нопокликларидан поклашни, жумладан, фоҳиша ишлардан тозалашни давом эттиради:

وَالَّتِي يَأْتِيكُ الْفَاحِشَةَ مِنْ نِسَائِكُمْ فَاسْتَشْهِدُوا عَلَيْهِنَّ أَرْبَعَةً مِّنْكُمْ  
فَإِنْ شَهِدُوا فَأَمْسِكُوهُنَّ فِي الْبُيُوتِ حَتَّىٰ يَتَوَقَّهِنَّ الْمَوْتُ أَوْ يَجْعَلَ اللَّهُ لَهُنَّ  
سَبِيلًا ﴿١٥﴾

**15. Аёлларингиздан фоҳиша (зино) қилганларига ўзларингиздан тўртта гувоҳ келтиринг. Агар гувоҳлик берсалар, уларни то ўлим етгунча ёки Аллоҳ бир йўл кўрсатгунча уйларида тутиб туринг.**

Исломдан аввал бошқа разолатлар қатори фоҳишабозлик ҳам кенг тарқалган эди. Зинокорлик айб эмас, фахр ҳисобланар эди. Жоҳилият аҳли ўзларига баҳона топиб, зинога турли йўллар очган эдилар. Аллоҳ таоло жамиятнинг бу дардига ҳам ўзига хос даво қўллади. Аввал – бошда бу борада биз ўрганаётган ушбу оятни туширди. Мусулмонларни бу разолатдан узоқлашишга ва ким мазкур ишга қўл урса, унга нисбатан керакли чоралар кўришни амр қилди.

**«Аёлларингиздан фоҳиша (зино) қилганларга ўзларингиздан тўртта гувоҳ келтиринг».**

Демак, мусулмон аёлларнинг зино қилган-қилмаганларини аниқлаш учун мусулмон эркаклардан тўртта гувоҳ керак. Зино катта айб экани ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳам, бировни бу фоҳиша ишда айблашда ҳушёр бўлиш лозим. Муслима аёлларни зинода айблашга мусулмонмасларнинг гувоҳлиги ўтмайди. Чунки, улар мусулмонларга душманлик руҳи таъсири остидалар, уларнинг обрўсини тўкиш мақсадида ёлғон гувоҳлик беришлари мумкин. Муслима аёллар эса, умуман, зино каби гуноҳ ишлар бор жойга яқин йўламайдилар, шунинг учун гувоҳлик беришларининг имкони ҳам кам. Бошқа ишларда икки кишининг гувоҳлиги қабул қилинса ҳам, зинода тўрт кишининг шарт қилиниши бу иш нозик ва аҳамиятли эканини кўрсатиб турибди.

**«Агар гувоҳлик берсалар, уларни то ўлим етгунча ёки Аллоҳ бир йўл кўрсатгунча уйларда тутиб туринг».**

Кўриниб турибдики, зинодан жамиятни тозалаш учун кўрилган чоралардан бири – зинокор аёлни уйга қамаб, жамиятдан ажратишдир. Чунки, улар мусулмонлар ичида бемалол юрсалар, жамиятни булғайдилар, фоҳиша ишларини давом эттирадилар. Шунинг учун, зинокорлиги собит бўлган аёлни то ўлгунча уйга қамаб, чиқармаслик ҳукми жорий қилинган.

Ояти каримадаги «ёки Аллоҳ бир йўл кўрсатгунча» деган иборадан, зинокор аёлни уйга қамаш ҳукми вақтинчалик ҳукм эканлиги кўриниб турибди. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло «Нур» сурасида зинокорларнинг охириги ҳукмини туширган. «Нур» сурасидаги мазкур оятлар нозил бўлганда, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мендан қабул қилиб олинглар! Мендан қабул қилиб олинглар! Аллоҳ уларга йўл кўрсатди: рўзғор кўрмаган рўзғор кўрмаган билан зино қилса, юз дарра урилади ва бир йил сургун, рўзғор кўрган рўзғор кўрган билан зино қилса, юз дарра урилади ва тошбўрон қилинади», дедилар.

وَالَّذَانِ يَأْتِيَنِهَا مِنْكُمْ فَأَذُوهُمَا فَإِنْ تَابَا وَأَصْلَحَا فَأَعْرَضْنَا عَنْهُمَا إِنَّ اللَّهَ كَانَ تَوَّابًا رَحِيمًا

**16. Сизлардан ўша(фоҳиша) ишни қилган икки эркакка озор беринглар. Агар икковлари тавба қилсалар ва тузалсалар, уларни тек қўйинг. Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи ва раҳимли Зотдир.**

Бу оятдаги фоҳиша ишдан кўзда тутилган нарса баччабозлик-дир. Бу разолат ҳам ўша вақтларда кенг тарқалган жиноятлардан бўлган. Ислом мусулмон жамиятни мазкур ярамасликдан тозалаш учун ҳам жиддий чоралар кўрган.

**«Сизлардан ўша(фоҳиша) ишни қилган икки эркакка озор беринглар».**

«Озор беринглар» дегани — сўкиш, айблаш, қўлга тушган нарсалар билан уриш, деганидир ва булар вақтинчалик чора ҳисобланган. Ишончли ҳадис китобларининг соҳиблари Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Кимнинг Лут қавми амалини қилаётганини кўрсангиз, қилувчини ҳам, қилинувчини ҳам ўлдилинг», деганлар. Аммо ушбу оятда кўрсатилган вақтинчалик чора бўйича озор бергандан сўнг:

**«Агар икковлари тавба қилсалар ва тузалсалар, уларни тек қўйинг».**

Яъни, ортиқча сўкиб, айблаб юрманг. Чунки:

**«Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи ва раҳимли Зотдир».**

Бу икковининг ҳам тавбаларини қабул этиб, раҳим қилган бўлса, ажаб эмас. Ҳа, Ислом хато қилиб гуноҳга қўл урган, кейин эса тавба қилганларга нисбатан бағрикенглик қилади. Аввало, уларнинг ёмон йўлдан қайтиб, ўзларини ўнглаб олишлари учун барча чораларни қўллайди. Ушбу маъно келаси оятларда ҳам баён қилинади:

إِنَّمَا التَّوْبَةُ عَلَى اللَّهِ لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ السُّوءَ بِجَهَالَةٍ ثُمَّ يَتُوبُونَ مِنْ قَرِيبٍ  
فَأُولَٰئِكَ يَتُوبُ اللَّهُ عَلَيْهِمْ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا

**17. Жаҳолат-ла ёмонлик қилиб қўйиб, сўнгра тезда тавба қиладиганларнинг тавбаси Аллоҳнинг зиммасидадир. Аллоҳ ана ўшаларнинг тавбасини қабул қиладир. Ва Аллоҳ билувчи ва ҳикматли Зотдир.**

Уламоларимиз жаҳолатнинг бу ердаги маъносини ҳидоят йўлидан адашиш, деб таърифлаганлар. Шунга биноан, йўлдан адашиб, гуноҳ ишларни қилиб юрганлар «Биз қиладиганимизни қилиб бўлдик, энди кеч бўлди, тавба қилиб қаерга борар эдик» деган фикрга бормасликлари керак. Улар хатоларини қанчалик тез тушунсалар, қанчалик тезроқ тавба қилсалар, ўзларига шунчалик яхши бўлади. Агар улар дарров тавба қилсалар, уларнинг тавбасини қабул этишни Аллоҳ таоло ўз зиммасига олган.

**«Жаҳолат-ла ёмонлик қилиб қўйиб, сўнгра тезда тавба қиладиганларнинг тавбаси Аллоҳнинг зиммасидадир».**

Бу эса, инсонга Аллоҳ таоло томонидан ўзини ўнглаб олиши учун, тўғри йўлга тушиб, янги ҳаёт бошлаши учун берилган катта имкониятдир. Бу қулай фурсатдан фойдаланмаганлар ўзларига ёмонлик қиладилар. Чунки:

وَلَيْسَتِ التَّوْبَةُ لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ السَّيِّئَاتِ حَتَّىٰ إِذَا حَضَرَ أَحَدَهُمُ الْمَوْتُ قَالَ إِنِّي تُبْتُ إِلَيْنَ وَلَا الَّذِينَ يَمُوتُونَ وَهُمْ كُفَّارٌ أُولَٰئِكَ أَعْتَدْنَا لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿١٨﴾

**18. Ёмонликларни қилиб юриб, бирларига ўлим етганда, энди тавба қилдим, деганларга ва кофир ҳолларида ўлганларга тавба йўқ. Ана ўшаларга аламли азобларни тайёрлаб қўйганмиз.**

Кофир ҳолида ўлганларнинг иши ўз-ўзидан маълум: улар тўппа-тўғри дўзахга равона бўладилар. Уларнинг тавбалари ботил ва ҳеч қачон қабул бўлмайди. Аммо мўмин бўлиб туриб, мўминликка тўғри келмайдиган иш қилганлар-чи? Уларга иймонлари ҳурматидан ўзини ўнглаб олиш имкони берилган эди. Тавба эшиги очилган эди. Улар гуноҳлардан тавба қилишлари, яъни, қайтишлари лозим эди. Арабчада «тавба» сўзи «қайтиш» маъносини англатади. Гуноҳдан қайтиб, савобга юриш керак эди. Аммо вақтида бу ишни қилмади. Энди ўлим кўзига кўриниб қолганда, тавба қилдим, деганидан нима фойда?

Тавба ҳақидаги бу оятлар ҳам суранинг аввалидан бошлаб муолажа қилиб келинаётган мусулмон жамоасини жоҳилият асоратларидан поклаш руҳига жуда мосдир. Чунки, тавба жоҳилият амалларини тарк этиб, ҳақиқий исломий ҳолатга ўтиш учун очилган катта эшиқдир.

Келажак оятларда мусулмонлар жамоасини аёлларга нисбатан мавжуд бўлган баъзи жоҳилий зулмлардан халос қилиш ҳақида сўз юритилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا يَحِلُّ لَكُمْ أَنْ تَرِثُوا النِّسَاءَ كَرِهًا وَلَا تَعْضُلُوهُنَّ لِتَذَهَبُوا بِبَعْضِ مَا آتَيْتُمُوهُنَّ إِلَّا أَنْ يَأْتِيَنَّ بِفَحِشَةٍ مُّبِينَةٍ وَعَاشِرُوهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ فَإِنْ كَرِهْتُمُوهُنَّ فَعَسَىٰ أَنْ تَكْرَهُنَّ أَشْيَاءً وَيَجْعَلَ اللَّهُ فِيهِ خَيْرًا كَثِيرًا ﴿١٩﴾

**19. Эй, иймон келтирганлар! Сизларга аёлларни зулм-ла меросга олиш ҳалол эмас. Очиқ фоҳиша иш қилмасалар, берган нарсаларингизнинг баъзисини олиш учун уларни зўрлик-ла ушлаб турманг ва улар ила яхшиликда яшанг. Агар уларни ёқтирма-сангиз, шоядки, Аллоҳ сиз ёқтирмаган нарсада кўпгина яхшиликларни қилса.**

Ушбу оят Исломдан олдинги даврда аёл кишига зулм ва жабр шаклида жорий қилинган баъзи одатларни ботил этмоқда. Жумладан, жоҳилий арабларнинг одати бўйича, эркак киши вафот этса, унинг хотини ҳам бошқа молу мулки қатори қариндошларига мерос бўлиб қолар эди. У бечора аёлни зўрлик-ла меросга олишар эди. Хоҳласа, биронтаси унга маҳр бермай уйланар ёки бош-қа бировга эрга бериб, маҳрини ўзлари олишар ёки умуман у шўрликни эрга беришмас, ўзлари ҳам уйланишмас, беҳуда ушлаб туришар эди. Ушбу оятда Аллоҳ таоло мўмин-мусулмон бандаларига хитоб қилиб, бундай ишлар ярамаслигини баён қилмоқда. Ва аёлларга нисбатан бўлган зулм ва жабр-ситамни кўтармоқда.

**«Эй, иймон келтирганлар! Сизларга аёлларни зулм-ла меросга олиш ҳалол эмас. Очиқ фоҳиша иш қилмасалар, берган нарсаларингизнинг баъзисини олиш учун уларни зўрлик-ла ушлаб турманг...».**

Биз «уларни зўрлик-ла ушлаб турманг» деб таржима қилган маъно Қуръоний таъбирда «азл» дейилади. «Азл»нинг бу оятдаги маъноси ҳақида уламолар қуйидаги фикрларни айтганлар: Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Азл» – қаҳр демақдир. Яъни, эр киши хотинини ёқтирмай қолса ва унга берган маҳрини қайтариб олишни хоҳласа, унга қаҳр этиб, зулм ўтказиб, охири чидаёлмай, маҳрини қайтариб бериб бўлса ҳам, ўзидан ажрашга мажбур қилишга уринади», дейдилар.

Абдурроҳман ибн Зайднинг айтишларича:

«Қурайшийларнинг тушунчасида «азл» қуйидагича бўлган: Бир одам обрўли аёлга уйланади. Кейин, тўғри келмай ажрашади. Лекин ўзининг изнисиз у аёл бошқа эрга тегмаслигини шарт қилади. Агар у аёлга совчи келиб, хотин совчи берган молдан бериб уни рози қилса, эрга тегишга изн берар, бўлмаса, ушлаб тураверар эди».

Машҳур тафсирчи Ибн Касир бунинг тафсирида:

«Яъни, аёлларга берган маҳрингизни қайтариб берсин учун, уларга турмушда зўрлик ўтказманг, дегани», дейдилар. Мазкур фикрларнинг ҳаммаси бир-бирини тўлдиради. Шу билан бирга, бу ривоятлар Ислом ҳукмлари бўлмаса, аёлларга қанчалик зулм бўлишини кўрсатиб турибди. Ислом таълимотлари, жумладан, ушбу ояти карима мазкур

зулм ва жабрларни ман қилиш билан бирга эркакларга хотинлари ёқмай қолган тақдирда ҳам, улар ила яхшиликча яшашни буюради:

**«...ва улар ила яхшиликда яшанг. Агар уларни ёқтирмасангиз, шоядки, Аллоҳ сиз ёқтирмаган нарсада кўпгина яхшиликларни қилса».**

Ислом таълимотларига биноан, эр-хотин орасидаги алоқа муҳаббат, севги, раҳим-шафқат ва унсу улфатлик алоқаси бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам, орага тушган баъзи ноқулай ҳолат туфайли дарҳол бир-бирига зулм қилишга ўтиш керак эмас. Ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу хотинига муҳаббати йўқ бўлиб қолгани учун уни талоқ қилмоқчи бўлган одамга: «Шўринг қурсин! Оилалар муҳаббат учун қурилмаганми?! Риоя қани?! Масъулият қани?!» деганлар.

Аллома Ибн Касир:

«Уларга ширинсуханлик қилинг, яхши муомалада бўлинг, иложи борича кўринишингизни гўзал қилинг», деган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларнинг яхшиларингиз — аҳли аёлга яхши бўлганларингиздир. Мен аҳлига яхшиларингизман», деганлар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўзлари аёлларига гўзал муомалали бўлиб, доимо хурсанд, уларни эркалаган, лутф кўрсатган, нафақаларини кўпайтирган ҳолда яшаганлар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам аёллари билан ҳазиллашиб кулишар эдилар. Ҳатто Оиша онамизнинг кўнгиллари учун у киши билан югуришда мусобақа ҳам қилганлар.

Муҳаддисларимиз бу ҳақида Оиша онамизнинг ўзларидан қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Семирмасимдан аввал Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан югуришда мусобақа қилиб ўзиб кетдим. Семирганимдан кейин яна югуришган эдик, у киши ўзиб кетдилар-да:

«Буниси билан аввалгиси биру бир бўлди» дедилар». Бунга ўхшаш ривоятлар кўп.

Инсон ожиз, эртага нима бўлишини билмайди. Шунинг учун ҳам, ёқмай қолди, деб хотинига ёмонлик қилишга, уни талоқ қилишга шошилмаслик керак. Чунки:

**«Шоядки, Аллоҳ сиз ёқтирмаган нарсада кўпгина яхшиликларни қилса».**

Шоядки, бир муддат ёқмай қолган аёлга кейинчалик меҳр тушиб қолса ёки ундан ажойиб фарзандлар туғилса!

Келаси ояти каримада жоҳилийларнинг ажрашиш пайтида аёлга зулм қилиб, унга берган маҳрларини зўрлик-ла қайтариб олишлари танқид қилинади.

وَإِنْ أَرَدْتُمْ اسْتِبْدَالَ زَوْجٍ مَّكَاتٍ زَوْجٍ وَءَاتَيْتُمْ إِحْدَهُنَّ قِنطَارًا فَلَا تَأْخُذُوا مِنْهُ شَيْئًا أَتَأْخُذُونَ بِبُهْتَانٍ أَتَمَامُ مِيقَاتِنَا ﴿٦٠﴾ وَكَيْفَ تَأْخُذُونَهِ وَقَدْ أَفْضَى بَعْضُكُمْ إِلَى بَعْضٍ وَأَخَذْتُمْ مِنْكُمْ مِيثَاقًا غَلِيظًا ﴿٦١﴾

**20. Ва агар хотин ўрнига бошқа хотин олмоқчи бўлсангиз ва уларнинг бирига ҳаддан зиёд маҳр берган бўлсангиз ҳам, ундан ҳеч нарсани қайтариб олманг. Уни бўҳтон ва катта гуноҳ ҳолида олаверасизми?**

**21. Ва қандай ҳам олурсиз?! Ахир, бир-бирингизга қовушдингиз ва улар сиздан мустаҳкам аҳду паймон олганлар-ку?!**

Уйланаётган пайтда аёлга берган маҳрини қайтариб олиш учун аёлларга турли зулм ва жабру ситам ўтказиш жоҳилий арабларнинг одати эканини аввалги оятлар баён этган эди. Ушбу оятларда Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларга қайтадан хитоб қилиб, мазкур ишнинг ғоятда нотўғри эканлигини баён қилмоқда.

Аввалги оятларнинг кўрсатмаларига амалан, қийин бўлса-да, сабр этиб, чидаб, яхшиликда яшашга уриниб, тузалиб кетишидан умидвор бўлиб қилинган ҳаракатлар барибир фойда бермасаю, ажралишдан ўзга чора қолмаса:

**«Ва агар хотин ўрнига бошқа хотин олмоқчи бўлсангиз ва уларнинг бирига ҳаддан зиёд маҳр берган бўлсангиз ҳам, ундан ҳеч нарсани қайтариб олманг!»**

Биз «ҳаддан зиёд» деб таржима қилган маъно ояти каримада «қинтарон» деган лафз билан ифодаланган. Араблар бу сўзни кўп миқдордаги молга нисбатан ишлатадилар.

Баъзилар худди шу ояти каримани далил қилиб, маҳрига ҳар қанча кўп мол берса бўлади, дейдилар.

Уламоларимиз бу мавзуда сўз кетганда ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг машҳур қиссаларини эслатадилар. Ҳофиз Абу Яъло Шаъбийдан, у киши Масруқдан ривоят қиладилар:

«Халифалик даврида Умар ибн Хаттоб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбарларига чиқиб:

«Эй одамлар! Аёлларнинг маҳрини жуда ошириб юбордингиз-ку! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишининг саҳобалари тўрт юз дирҳамдан оширмас эдилар. Ундан ҳам оз бўлар эди. Агар маҳрни зиёда қилиш Аллоҳга тақво ёки карамли иш бўлганида, улардан ўтиб кета олмас эдингиз. Ҳеч кимнинг бир аёлнинг маҳрини тўрт юз дирҳамдан ортиқ қилганини билмайин!» деди-



да, минбардан тушди. Қурайшлик бир аёл унинг йўлига кўндаланг чиқди-да:

«Эй мўминларнинг амири, одамларни аёлларнинг маҳрини тўрт юз дирҳамдан ортиқ қилишдан қайтардингми?» деди. Умар:

«Ҳа», деди. Аёл:

«Аллоҳ Қуръонда туширган ҳукмини эшитмаганмидинг?!» деди. Умар:

«У қандай ҳукм экан?» деб сўради. Шунда аёл:

«Аллоҳнинг «...ва уларнинг бирига ҳаддан зиёд маҳр берган бўлсангиз ҳам...» деган оятини эшитмаганмисан?!» деди. Умар:

«Парвардигор, Ўзинг кечир! Одамлар Умардан кўра фақихроқ-дирлар», деди-да, қайтиб бориб яна минбарга чиқиб:

«Эй одамлар, мен сизларга аёлларнинг маҳрини тўрт юз дирҳамдан ортиқ қилмасликка амр қилган эдим. Энди ким ўз молидан қанча хоҳласа, бераверсин. Умар хато қилди. Аёл киши тўғри айтди», деди».

Аммо, уйланаётган вақтида озми-кўпми маҳрини бериб қўйиб, ажрашаётганда уни қайтариб олишга уриниш мусулмон инсонга ҳеч тўғри келмайдиган иш. Ушбу оятда бу ишни очиқ ман этиш билан бирга ҳикмати ҳам баён қилиниб, эркаклар виждонида нозик ҳиссиётларни қўзқатилмоқда. Қуръоний таъбирга эътибор беринг-а, қандай ҳам ҳассос, қандай ҳам таъсирли!

**«Ва қандай ҳам олурсиз?! Ахир, бир-бирингизга қовушдингиз ва улар сиздан мустаҳкам аҳду паймон олганлар-ку?!»**

Никоҳ туфайли эру хотин нафақат жисман, балки руҳан ҳам қўшилади. Уларнинг ҳис туйғулари, орзу-умидлари, виждонлари, сир-асрорлари, дарду ғамлари, бахту саодатлари – барча-барча нарса қўшилади, қовушади. Исломда никоҳ ва оила Аллоҳнинг исми ила, Пайғамбарнинг суннатлари ила қуриладиган муқаддас робита ва ошёндр. Ана ўша қудусият ҳурмати, бирга ўтказган ҳаёт ҳурмати, қувушиб кетган нарсалар ҳурмати, ажрашганда ҳам яхшилик билан ажралмоқ керак. Бир вақтлар рози бўлиб берган маҳрни ўзи билан бир ёстиққа бош қўйиб яшаган аёлдан қайтариб олишга уриниш мусулмон одамга, қолаверса, эркак зотига ҳеч ярашмайди.

Ояти каримадаги, «...улар сиздан мустаҳкам аҳду паймон олганлар-ку?!» жумласидаги «аҳду паймон»нинг маъноси ҳақида Суфён ас-Саврий: «Яхшилик ила тутиб туриш ёки яхшилик билан ажрашиш ҳақидаги аҳд», деганлар.

Робеъ ибн Анас эса: «Бу, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг:

«Сиз уларни Аллоҳнинг омонати ила олдингиз ва фаржларини Аллоҳнинг калимаси ила ўзингизга ҳалол этдингиз», деган ҳадисларидан иборатдир», деган.

Никоҳнинг муқаддас алоқа эканини яна бир бор таъкидлаб, аёлларнинг устидан зулмни ва инсоният устидан орни олиб ташлаш учун қуйидаги ояти каримада ўғай онага уйланиш ҳаром экани эълон қилинмоқда:

وَلَا تَنْكِحُوا مَا نَكَحَ آبَاؤُكُمْ مِنَ النِّسَاءِ إِلَّا مَا قَدْ سَلَفَ إِنَّهُ كَانَ  
فَحِشَةً وَمَقْتًا وَسَاءَ سَبِيلًا

**22. Оталарингиз ўз никоҳларига олган аёлларни сиз ўз никоҳингизга олманг! Аввал ўтган бўлса, майли. Бу иш, албатта, фоҳиша, ғазабнок иш ва қандай ҳам ёмон йўлдир!**

Жоҳилият даврида ўғай онага уйланиш одати бор эди. Бу кўпинча «азл»га — аёлларни зулм ила беҳуда тутиб туришга ҳам сабаб бўлар эди. Чунки, аксар пайтда боланинг катта бўлиб вояга етишини, сўнгра отасининг хотинига — ўғай онасига уйланишини кутишга тўғри келар эди. Агар ўғай отаси ўлган пайтда вояга етган бўлса, ўғай онаси унга мерос тариқасида хотин бўлиб қолар эди. Аллоҳ таоло ушбу ояти каримани нозил қилиб, бу ишни ҳаром этди.

**«Оталарингиз ўз никоҳларига олган аёлларни сиз ўз никоҳингизга олманг! Аввал ўтган бўлса, майли».**

Яъни, ушбу ояти карима нозил бўлгандан кейин отанинг никоҳида бўлган аёлга ўғай никоҳланиши тамоман ҳаром этилди. Ояти карима нозил бўлишидан олдин, жоҳилият одати бўйича бу иш содир этилган бўлса, кечиради. Аллоҳ таоло мусулмонларга ўз оталари уйланган аёлга уйланишни шу йўл ила ҳаром этди. Ҳаром этганда ҳам, отанинг никоҳида бўлган аёлларга ўғайнинг уйланиши мумкин эмаслигини эълон қилиб қўйиш билан кифояланмай, бу ишнинг ғазабнок эканини ҳам айтди, Аллоҳнинг ғазабини чиқарадиган иш нақадар ёмон йўл, деб таърифлади.

**«Бу иш, албатта, фоҳиша, ғазабнок иш ва қандай ҳам ёмон йўлдир!»**

Ҳақиқатан ҳам, бу иш инсонгарчиликка-да тўғри келмайди. Чунки, ота билан муқаддас алоқада бўлган аёл ўғайга она ҳисобланади. Отасининг ҳурмати бор, ахир! Иккинчидан, одатда эр ўз хотинининг биринчи эрини ёмон кўради. Агар ўғай отасининг хотинига уйланса, марҳум отасига муносабати қандай бўлади? Оятнинг бу ишни

фоят катта разолат деб таърифлашининг боиси ҳам — шу. Бу ишни қилган одамга нисбатан кўриладиган чора ҳам ниҳоятда қаттиқ — ким шундай разолатга ботса, диндан қайтган ҳисобланади. Ўзини ўлдирилади, молу мулки мусулмонларнинг байтул молига қўшилади.

Имом Аҳмад ва «Сунан» деб номланган тўрт машҳур китоб соҳиблари Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан, у киши ўз тоғалари Абу Бурдадан ривоят қилишларича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини отасидан кейин ўтай онасига уйланган бир одамга юбориб, уни ўлдириб, молини олиб келишга амр қилганлар.

Имом Аҳмад ривоят қиладилар:

«ал-Баро ибн Озиб айтадики: «Олдимдан амаким (Ҳорис ибн Умайр) Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам берган байроқни кўтариб ўтиб қолди. Унга:

«Ҳа, амаки, Пайғамбар алайҳиссалом сизни қаёққа юбордилар?» деб сўрадим. У киши:

«Отасининг хотинига уйланган кишига юбордилар. Унинг калласини олишга амр қилдилар», деди».

Кўришиб турибдики, Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан келган ривоят икки хил бўлиб, бири тоғалари Абу Бурдадан, иккинчиси амакилари Ҳорис ибн Умайрдан экан.

Кейинги оятларда оилани ва у орқали жамиятни жоҳилият асоратларидан поклаш давом этади. Никоҳи ҳаром бўлган аёлларнинг баёни бевосита келади:

حُرِّمَتْ عَلَيْكُمْ أُمَّهَاتُكُمْ وَبَنَاتُكُمْ وَأَخَوَاتُكُمْ وَعَمَّاتُكُمْ وَخَالَاتُكُمْ  
وَبَنَاتُ الْأَخِ وَبَنَاتُ الْأُخْتِ وَأُمَّهَاتُكُمْ وَاللَّاتِي أَرْضَعْنَكُمْ وَأَخَوَاتُكُمْ مِّنَ  
الرَّضَاعَةِ وَأُمَّهَاتُ نِسَائِكُمْ وَرَبِّبَاتُكُمْ اللَّاتِي فِي حُجُورِكُمْ مِّن  
نِّسَائِكُمُ اللَّاتِي دَخَلْتُمْ بِهِنَّ فَإِن لَّمْ تَكُونُوا دَخَلْتُمْ بِهِنَّ فَلَا جُنَاحَ  
عَلَيْكُمْ وَحَلَائِلُ أَبْنَائِكُمُ الَّذِينَ مِّنْ أَصْلَابِكُمْ وَأَن تَجْمَعُوا بَيْنَ  
الْأَخْتَيْنِ إِلَّا مَا قَدْ سَلَفَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٦٦﴾

23. Сизларга оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмизган оналарингиз, эмиқдош опа-сингилларингиз, хотинларингизнинг оналари, ўзингиз қовушган

**хотинларингизнинг қарамонингиздаги қизлари ҳаром қилинди. Агар у(хотин)лар билан қовушмаган бўлсангиз, (қизларига уйланишингизда) гуноҳ йўқ. Ва пуштингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинлари, опа-сингилни қўшиб олмонингиз ҳаром қилинди. Магар аввал ўтган бўлса, майли. Албатта, Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳимли Зотдир.**

Аввалда никоҳ муқаддас алоқа экани айтиб ўтилди. Албатта, бу алоқани тўғри ҳолда ўрнатиш керак. Бунинг учун эса, уйланишчи бўлган инсон ўзига мос жуфт танламоқи зарур. Танлаш жараёнида эътибор бериш фарз бўлган шарт – хотинликка танланаётган аёлнинг никоҳи танловчи эркакка ҳалол бўлиши керак. Исломи шариати мусулмон эркакларга айрим тоифа аёлларга уйланишни ҳаром қилган. Мазкур тоифалар ушбу оятда, бундан олдинги ва кейинги оятларда ва Пайғамбаримиз соллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида баён қилинган. Бу борадаги илоҳий таълимот ва амрлар шулардан иборат бўлади. Исломдан бошқа дин ва тузумларда ҳам ушбу масалада ўз таълимотлари ва ҳукмлари бор. Уларнинг баъзилари Иломники билан тўғри келса, кўплари нотўғридир. Баъзи тузумларда Аллоҳ ҳаром қилган тоифадаги аёлларнинг никоҳини ҳалол қилишган. Ҳатто онасига уйланишга ҳам руҳсат берилган. Бошқа бир тузумларда эса, қабиласи бошқа, танасининг ранги бошқа, табақаси бошқа ёки шунга ўхшаш бошқа шартлар ила аёлларнинг никоҳи ҳаром қилинган. Исломи эса, улкан ҳикматларни эътиборга олиб, насаб алоқаси, эмишлик алоқаси ва қудачилик алоқаси туфайли маълум тоифа аёлларнинг никоҳини маълум тоифа эркакларга ҳаром қилган. Буни бир-бир ўрганиб чиқайлик:

Насаб алоқаси туфайли никоҳи ҳаром бўлган аёллар:

**«Сизларга оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари»,** ҳаром қилинди.

1. Никоҳи ҳаром қилинган аёллар тоифаси ояти каримада **«оналар»**дан бошланган.

Бу нарса насаб жиҳатидан асл бўлганларнинг никоҳи ҳаромлигига ишоратдир. Онага, ота-онанинг оналарига эркакнинг никоҳи ҳаромдир. Буни шарҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Ўз онасига эрлик қилиш нафақат инсонга, балки ваҳший ҳайвонлар табиатига ҳам зиддир. Ахир, у онасининг бир парчаси ҳисобланади. Бунинг устига, насаб жиҳатидан яқин бўлган кишиларнинг никоҳи икки томон соғлиқи учун ҳам зарар экани ҳаммага маълум. Улардан бўлган фарзандлар нимжон, касалманд ва ногирон бўлиб туғилиши аниқланди.

2. Кейинги тоифа **«қизларингиз»**дир.

Бунга кишининг ўзидан тарқаган зурриётлари, жумладан, набира қизлари ва улардан кейинги табақалар ҳам киради. Ўзига жигаргўша бўлмиш қизининг эри бўлишни раво кўриш учун инсон инсонликдан чиқиши керак! Бу иш инсоний табиатга мутлақо зид бўлгани учун ҳам Ислом шариатида ҳаром қилингандир.

3. **«Опа-сингилларингиз».**

Туғишган бўлса ҳам, ота бир, она бошқа ёки она бир, ота бошқа бўлса ҳам, опа-сингилларнинг никоҳлари ҳаромдир. Аввало, буларнинг аслари бир — бир қондан, бир қориндан пайдо бўлиб, бир хил сутдан катта бўлганлар. Инсонийлик табиатининг ўзи уларнинг эру хотин бўлишини кўтармайди. Уларнинг никоҳларидан келадиган табиий зарарлардан ташқари, ижтимоий зарарлари ҳам кўп. Агар мазкур шахслар орасида никоҳ жоиз бўлса, улар бир оила аъзолари сифатида бирга яшаш ва инсоний алоқаларда бўлиш имконига эга бўлмай қоладилар. Чунки, никоҳи жоиз эркак-аёл бир жойда туриши, ёлғиз қолиши кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Хотин эрини унинг опа-сингилларидан ҳам қизғанадиган бўлиб қолади. Бу мулоҳаза бошқа тоифаларга ҳам жорийдир.

4. **«Аммаларингиз ва холаларингиз».**

Булар билан ҳам насаб алоқалари бўлиб, бу одамлар ҳам юқорида зикр қилинган тоифаларга ўхшашдир. Амма-холалар, одатда, онанинг ўрнига ўтадиган, ота ва она тарафнинг вакиллари ҳисобланади. Улар билан никоҳда бўлиш соғлиқ, ахлоқ-одоб ва қариндошлик жиҳатларидан катта зарарлар келтиради.

5. **«Ака-укаларингизнинг қизлари ва опа-сингилларингизнинг қизлари».**

Булар ҳам насаб томонидан алоқадор бўлиб, аввалги зикр қилинган ва яна Аллоҳнинг Ўзи биладиган бошқа ҳикматлар учун никоҳлари ҳаром қилинган.

Эмизиш туфайли никоҳи ҳаром бўлган аёллар:

**«...эмизган оналарингиз, эмиқдош опа-сингилларингиз»** никоҳи ҳаром қилинди.

6. Бу жумлада эмиш орқали никоҳи ҳаром бўлган аёллар зикр қилинмоқда. Ояти каримада фақат икки тоифа — эмиш туфайли аслга айланган, яъни она бўлганлар ва уларнинг шохобчалари бўлмиш эмиқдош опа-сингилларгина зикр қилинмоқда. Пайғамбаримиз алайҳиссалом эса, бу борада: «Насаб жиҳатидан (никоҳи) ҳаром бўлганлар эмиш жиҳатидан ҳам ҳаром бўладилар», деганлар. Яъни насаб жиҳатидан қайси тоифадаги аёлларнинг никоҳи ҳаром бўлса, эмиш туфайли ҳам ўша тоифаларнинг никоҳи ҳаром бўлади. Бундай ҳукм-

лар остига кирадиган эмиш шуки, икки ёшдан кичик бўлган гўдакнинг онасидан бошқа, сутли аёлни тўйиб эмишидир. Ана ўшанда у аёл боланинг онасига, эри эса отасига, болалари ака-укаси ва опа-сингилларига айланадилар. Шунингдек, бошқа қариндошлар ҳам эмган болага хеш бўладилар. Бу ҳукмнинг ҳикмати тўлалигича Аллоҳнинг Ўзига маълум. Аммо баъзи ҳикматлари ушбу ояти карима нозил бўлганидан бир неча асрлар ўтиб маълум бўлди. Гўдакнинг суяги ва эти она сутидан шаклланар экан. Бир онанинг сутини эмиб катта бўлган инсонларнинг физиологик хусусиятлари бир хил шакллангани туфайли улар орасида никоҳ алоқаси бўлса, ўзларига ҳам, улардан бўлган болаларга ҳам катта зарар бўлади. Буни мусулмонлардан бошқалар энди-энди тушуниб келмоқдалар.

Қудачилик асосида никоҳи ҳаром қилинган аёллар:

**«...хотинларингизнинг оналари, ўзингиз қовушган хотинларингизнинг қарамоғингиздаги қизлари ҳаром қилинди. Агар у(хотин)лар билан қовушмаган бўлсангиз, (қизларига уйланишингизда) гуноҳ йўқ. Ва пуштингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинлари, опа-сингилни қўшиб олмоғингиз ҳаром қилинди. Магар аввал ўтган бўлса, майли. Албатта, Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳимли Зотдир».**

**7. «Хотинларингизнинг оналари».**

Қайноналар ва катта қайноналарга (қайнота тарафдан бўлса ҳам, қайнона тарафдан бўлса ҳам) уйланиш куёв учун ҳаром. Булар қудачилик алоқалари туфайли никоҳи ҳаром бўлган аёллар тоифасига кирадилар. Қайнона ҳам она, унга уйланиш ҳеч мумкин эмас. Қизи билан бўлган оилавий ҳаётнинг ҳурмати бор. Сўнгра, агар қайнонага уйланиш мумкин бўлса, қизи эрини ундан қизганиб, она-боланинг орасидаги алоқалар ҳам бузилиши табиий.

**8. «Ўзингиз қовушган хотинларингизнинг қарамоғингиздаги қизлари».**

Шариат ҳукми бўйича, эркак ва аёл рози бўлиб, ақду никоҳ ўтиши билан эру хотинга айланадилар. Бирга эр-хотинлик қилиб яшасалар, арабча «духул бўлди», дейилади. Аммо ақду никоҳдан сўнг бирга яшамасдан турган ҳоллари ҳам бўлиши мумкин. Бу икки ҳолатнинг ўзига хос ҳукмлари бор. Ушбу ҳолатларни биз таржимада «қовушган» ёки «қовушмаган» деб зикр қилдик. Ана ўша ҳолатларга тегишли ҳукмлардан бири никоҳи ҳаром бўлган аёллар масаласида ҳам келмоқда. Яъни, бир одам аёл киши билан ақду никоҳни ўтказган бўлса-ю, «духул» қилган, яъни, қовушган ҳам бўлса, ўша хотиннинг аввалги эридан бўлган қизи бу эркакка ҳаром бўлади. Ояти каримада «қарамоғингиздаги қизлари» дейилиши ғолибо одатни

эътиборга олиб айтилган. Аслида, ўғай қиз ўғай отасининг қарамоғида бўлмаса ҳам, унга никоҳи ҳаром бўлаверади. Бу ҳукмнинг ҳикмати ҳам аниқ кўриниб турибди. Агар эркак кишига ўғай қизига уйланишга рухсат берилса, у қизнинг ўз онаси билан муносабатлари қийинлашади. Қолаверса, ўғай қиз ҳам қиз ўрнида. Аммо юқоридаги шартга кўра, ақду никоҳи бўлган-у, ҳали духул бўлмаган аёл билан ажрашса, унинг қизига уйланса бўлади.

**9. «Ва пуштингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинлари».**

Яъни, келинлар. Бу ерда «пуштингиздан бўлган ўғилларингиз» деб қайд қилиш билан бирга, тутинган ўғиллар бу ҳукмга кирмаслиги аён бўлмоқда. Келинларга уйланишни ман қилишда ахлоқий, инсоний эътиборлар билан бирга, худди юқоридаги ҳолатларга ўхшаб, қариндошлик алоқаларини эҳтиётлаш ҳикмати ҳам бор.

Мазкур тоифаларнинг никоҳи абадий ҳаромдир.

**10. «Опа-сингилни қўшиб олмоғингиз ҳаром қилинди».**

Яъни, бир киши ўз никоҳида турган хотинининг опа-синглисига уйланиши мумкин эмас. Бундай никоҳнинг ҳаромлиги вақтинчадир. Агар никоҳида турган опа ёки сингил ила никоҳ алоқаси узилса, у ҳолда унинг опаси ё синглисига уйланса бўлаверади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аёл билан унинг аммасини ёки холасини қўшиб хотин қилмоқликни ман қилганлар. Бундай никоҳлар қариндош хотинлар орасидаги муносабатларни бузади, шу учун ҳаром қилинган.

Оятнинг охирида:

**«Магар аввал ўтган бўлса, майли»,** дейилмоқда.

Яъни, Исломнинг ушбу ҳукми тушгунча бунга ўхшаш никоҳлар бўлган бўлса, кечиради. Чунки, ҳукм жорий қилинмасдан олдин эски урф-одатга биноан қилинган, деб ҳисобланади.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Заҳҳок ибн Феруздан, у киши отасидан қилган ривоятда: «Мусулмон бўлганимда икки хотиним бирибирига опа-сингил эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан бирини талоқ қилишимни буюрдилар», дейди.

﴿ وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ النِّسَاءِ إِلَّا مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ كَتَبَ اللَّهُ عَلَيْكُمْ وَأُحِلَّ لَكُمْ مَا وَرَاءَ ذَلِكَ أَنْ تَبْتَغُوا بِأَمْوَالِكُمْ مُحْصِنِينَ غَيْرَ مُسْلِفِينَ ۚ فَمَا اسْتَمْتَعْتُمْ بِهِ مِنْهُنَّ فَآتُوهُنَّ أُجُورَهُنَّ فَرِيضَةً وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِيمَا تَرْضَيْتُمْ بِهِ مِنْ بَعْدِ الْفَرِيضَةِ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿٢٤﴾

**24. Қўлингизга мулк бўлиб тушганлардан бошқа эрли аёллар ҳам** (ҳаром қилинди). Бу сизларга Аллоҳнинг ёзганидир. Ана ўшалардан бошқаларни поклик ва зино аралаштирмаган ҳолда молларингиз ила талаб қилмоғингиз ҳалол қилинди. Улардан ҳузурланишингиз сабабидан маҳрларини беринг. Бу фарздир. Фарз маҳрдан кейин ўзаро розилик ила келишганингиз гуноҳ эмас. Албатта, Аллоҳ билувчи ва ҳикматли Зотдир.

Бу ояти кариманинг аввалида никоҳи ҳаром қилинган аёлларнинг зикри давом этмоқда. Уларнинг охириги тоифаси ўлароқ эрли аёллар келтирилди.

**«Қўлингизга мулк бўлиб тушганлардан бошқа эрли аёллар ҳам** (ҳаром қилинди)».

Демак, эри бор аёлга уйланиш ҳаром. Эри ўлиб ёки эридан ажрашиб идда ўтирган аёллар ҳам идда муддати орасида эрлик аёллар қаторига киради. Буларнинг никоҳи ҳам вақтинча ҳаромдир.

Оятда эрли аёллардан «қўлингизга мулк бўлиб тушганлар» истисно қилинмоқда. Яъни, урушда душман томондан мусулмонлар қўлига тушган аёллар, эрлари бўлса ҳам, ҳайз кўрганларидан кейин, уларга молик бўлган мусулмонларга ҳалол бўлаверади.

Сўнгра оятда:

**«Бу сизларга Аллоҳнинг ёзганидир»,** дейилади.

Яъни, мазкур ҳукмлар Аллоҳнинг амридир. Бошқа бировники эмас. Шунинг учун ҳам, унга амал қилиш барчанинг бурчи. Бурчни адо этмаганлар жазога лойиқдир.

Никоҳи ҳаром қилинган аёлларни бирма-бир санаб ўтилгандан сўнг, никоҳи ҳалолларнинг умумий баёни келган:

**«Ана ўшалардан бошқаларни поклик ва зино аралаштирмаган ҳолда молларингиз ила талаб қилмоғингиз ҳалол қилинди».**

Бу жумладаги, «молларингиз ила талаб қилмоғингиз», дегани маҳрини бериб уйланмоғингиз маъносини англатади. Демак, никоҳи ҳалол бўлган аёлларга уйланаётган вақтида ҳар бир киши амал қилиши лозим бўлган бир неча шарт бор экан. Оятда улардан поклик, зино аралаштирмаслик ва маҳр бериш шартлари таъкидланмоқда. Кейинги жумлада эса, маҳр беришнинг баъзи сабаби зикр қилинмоқда:

**«Улардан ҳузурланганингиз сабабидан маҳрларини беринг».**

Маҳр келин турмуш қуришга рози бўлганини, хотин бўлиб бир ёстиққа бош қўяётганини тақдирлаш сифатида берилади.

**«Бу фарздир».**

Яъни, келинга куёв томонидан маҳр берилиши фарздир. Бусиз никоҳ, никоҳ бўлмайди.



«Фарз маҳрдан кейин ўзаро розилик ила келишганингиз гуноҳ эмас».

«Фарз маҳр» дегани никоҳ ақди пайтида икки томон келишган маълум миқдор маҳрдир. Демак, аввал бир миқдор маҳрга келишилган бўлса-ю, кейин баъзи ўзгаришлар пайдо бўлиб, яна келишилган ҳолда маҳрнинг миқдори ўзгартирилса, гуноҳ бўлмайди. Аммо албатта маҳрни бериш керак. Хиёнат қилмаслик лозим. Агар зикр этилган ҳукмларга итоат этмайдиганлар бўлса, билиб қўйсинлар:

**«Албатта, Аллоҳ билувчи ва ҳикматли зотдир».**

Ўша вақтларда ҳамма ҳам мазкур ва бошқа шартларни ўрнига қўйиш имконига эга бўлмаган. Айниқса, маҳр топиш масаласи қийин бўлган. Қуйидаги оятда ана шундай ҳолга тушганларнинг вазияти муолажа қилинади:

وَمَنْ لَّمْ يَسْتَطِعْ مِنْكُمْ طَوْلًا أَنْ يَنْكِحَ الْمُحْصَنَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ فَمِنْ مَّا  
 مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ مِّنْ فَنِيَاتِكُمُ الْمُؤْمِنَاتِ وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِإِيمَانِكُمْ بَعْضُكُم مِّنْ بَعْضٍ  
 فَانكِحُوهُنَّ بِإِذْنِ أَهْلِهِنَّ وَءَاتُوهُنَّ أَجُورَهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ مُحْصَنَاتٍ غَيْرٍ مُّسَفِحَاتٍ  
 وَلَا مُتَّخِذَاتٍ أَخْدَانٍ فَإِذَا أَحْصَيْنَ فَإِنْ أَتَيْنَ بِفَحِشَةٍ فَعَلَيْهِنَّ نِصْفُ مَا عَلَى  
 الْمُحْصَنَاتِ مِنَ الْعَذَابِ ذَلِكَ لِمَنْ خَشِيَ الْعَنَتَ مِنْكُمْ وَأَنْ تَصْبِرُوا خَيْرٌ لَّكُمْ  
 وَاللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ

25. Сизлардан ким ҳур мўминаларни никоҳига олишга имкон топмаса, қўлингизда мулк бўлган мўмина қизларингиздан (уйлансин). Аллоҳ иймонингизни билувчи Зотдир. Ҳаммаларингиз бирсиз. Уларни никоҳингизга аҳлларининг изни ила олинг. Ва яхшилик билан маҳрларини беринг. Улар покиза, зинокор эмас ва ўйнаш тутмаган бўлсинлар. Эрга текканларидан сўнг фоҳиша иш қилсалар, уларга ҳур аёлларга бериладиган азобнинг ярми бериладир. Бу бузилишдан қўрққанлар учундир. Сабр қилмоғингиз сиз учун яхшидир. Аллоҳ мағфиратли ва раҳимлидир.

Имкони бор одам ҳур аёлга уйлангани яхши, бунинг ҳар томонлама афзалликлари бор. Аммо, бунинг имконини топа олмаса, чўриларга уйлансин. Чўри аёллар билан бўладиган алоқаси ҳалол-пок никоҳ алоқаси бўлсин.

**«Сизлардан ким ҳур мўминаларни никоҳига олишга имкон топмаса, қўлингизда мулк бўлган мўмина қизларингиздан (уйлансин)».**

Қуръони Карим «мўмина қизларингиздан» деган иборани «чўриларингиздан», деган иборанинг ўрнига ишлатган. Бу билан уларнинг шаъни кўтарилмоқда, улар ҳам Ислом назарида бошқалардан фарқ қилмасликлари таъкидланмоқда. Худди шу олий маънони яна ҳам мустаҳкамлаш учун оят давомида:

**«Аллоҳ иймонларингизни билувчи Зотдир. Ҳаммангиз бирсиз»,** дейилмоқда.

Демак, инсон турли ўлчовлар, жумладан, ҳур ёки қуллиги билан эмас, иймони билан қимматлидир. Келгуси жумла ҳам чўриларга нисбатан одобли ва юксак руҳдаги эътиборни давом эттириб:

**«Уларни никоҳингизга аҳллариининг изни ила олинг»,** дейди.

Эгалари, хожалари, хўжайинлари каби сўзларнинг ўрнига «аҳллариининг» дейилиши катта маънони англатади. Шу билан бирга, аёлларнинг чўри бўлгани маҳрни бекор қилишга ёки маҳрини хўжайинига беришга олиб келмайди. Чўри аёлга маҳр бериш ҳам фарз. Бу иш муҳимлигидан оятда:

**«Ва яхшилик билан маҳрларини беринг»,** дейилмоқда.

Жўнгина, маҳрларини беринг, деб қўймасдан, «яхшилик билан»-нинг қўшиб айтилиши ҳам ҳикматлидир. Чўри келиннинг чўрилигини юзига солмасдан, камситмасдан, яхшилик билан маҳрини беринг, деган маънони англатади.

Ислом дини таълимотлари чўрилар ҳаром йўлдан юрмасликларини, балки ҳалол-пок бўлиб, никоҳ йўлидан боришларини таъкидлайди:

**«Улар покиза, зинокор эмас ва ўйнаш тутмаган бўлсинлар».**

Бундай ҳолатни фақат Ислом таълимотларидагина кўриш мумкин. Чўриларнинг покиза бўлишига, зино қилмасликларига ва ўйнаш тутмасликларига ким бунчалик эътибор берган! Чўриларнинг шаънини шунчалик кўтариш билан бирга, уларнинг елкасига масъулият ҳам юкланади:

**«Эрга текканларидан сўнг фоҳиша иш қилсалар, уларга ҳур аёлларга бериладиган азобнинг ярми бериладир».**

Маълумки, эрли ҳур аёлнинг зиноси исботланса, ўлгунча тошбўрон қилинади. Оила қурмаган ҳур аёл зино қилса, юз дарра урилади. Ушбу оятда, ҳур аёлларга бериладиган азобнинг ярми ҳақида сўз кетмоқда. Очиқ кўриниб турибдики, бу ерда назарда тутилган азоб дарра уришдир. Демак, эрли чўрининг зиноси собит бўлса, унга элик дарра урилади. Уларнинг чўрилиқ ҳолатидан келиб чиқиб шундай ҳукм жорий қилинган. Албатта, улар ҳур аёллар каби

қулайликларга эга эмаслар. Турмуш жараёнида турли ҳолатларни бошдан ўтказишлари мумкин. Шулар эътиборидан уларга нисбатан тошбўрон жазоси бекор қилинган ва дарра уриш юзтадан эликтага туширилган. Бу ҳол Ислоннинг инсонпарварлигининг бир кўринишидир. Бошқа тузумларда киборларга жазо бекор қилиниб, бечораларга кучайтирилиши ҳаммага маълум.

Оятнинг давомида:

**«Бу бузилишдан қўрққанлар учундир»**, дейилади. Яъни, бу иш — ҳур аёлларга уйланиш имконини топа олмаганларнинг чўриларга уйланиши хотинсизликка чидай олмай бузилиб, зино йўлига кириб кетишдан қўрққанлар учундир.

**«Аллоҳ мағфиратли ва раҳимлидир»**.

Кейинги оятларда юқорида зикр этилган ҳукмлар ва таълимотлар нима учун жорий қилинганининг баёни келади:

يُرِيدُ اللَّهُ لِيُبَيِّنَ لَكُمْ وَيَهْدِيَكُمْ سُنْنَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ وَيَتُوبَ عَلَيْكُمْ  
وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ

**26. Аллоҳ сизларга баён қилиб беришни, сизни олдингиларнинг йўлига ҳидоят қилишни ва тавбаларингизни қабул этишни хоҳлайдир. Аллоҳ билувчи ва ҳикматли Зотдир.**

Оятда, баён қилиб беришни хоҳлайди, дейилганда, нимани баён қилиб бериш эканлиги қайд этилмаган. Бу Қуръоний услуб катта маъноларни ўз ичига олади. Ўқувчи ўзи аввалги оятларнинг маъноларидан чиқариб олаверади. Демак, Аллоҳ таолонинг хоҳлагани бандаларига баён қилишдир, улардан яшириш ё тушунмайдиган қилиш ва топишмоққа айлантириш эмас. Аллоҳ таолонинг мусулмонларни Ўз баёнига муносиб кишилар деб топиши, уларга баённи юбориши ҳам улкан эътибордир.

**«Сизни олдингиларнинг йўлига ҳидоят қилишни...»** хоҳлайди.

Мусулмонлардан олдинги ўтган қавмлар ҳам мусулмон бўлганлар. Уларнинг йўлини ҳам Аллоҳнинг Ўзи кўрсатиб берган. Шунинг учун ҳам, бу йўлнинг асли мустаҳкам. Барча иймонлилар босиб ўтган ва босиб ўтажак йўл. Аллоҳ таоло ўта ишончли ва илоҳий йўлни охирги умматга — Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматларига баён қилиб, уларни ўша йўлга ҳидоят этишни хоҳлайди.

**«Ва тавбаларингизни қабул этишни хоҳлайдир»**.

Демак, Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсани баён қилиб беришдан, ўтган азизларнинг йўлига ҳидоят қилишдан мақсади — адашганлар

тавба қилиши ва уларнинг тавбасини қабул этиб, раҳим кўрсатиб, йўлни осонлаштиришдир.

**«Аллоҳ билувчи ва ҳикматли Зотдир».**

У зот ҳамма нарсани билувчи бўлганидан ҳам унинг баёнлари ва кўрсатган йўллари илмийдир. Ҳар бир нарсани аввалидан охиригача яхши билиб, оқибатини ҳам яхши билиб туриб кўрсатмалар беради. Бу илм чексиз ва азалийдир.

Аллоҳ таоло ҳикматли Зот бўлганидан кўрсатмаларининг ҳаммаси ҳикматга асослангандир.

Ҳа,

وَاللَّهُ يُرِيدُ أَنْ يَتُوبَ عَلَيْكُمْ وَيُرِيدُ الَّذِينَ يَتَّبِعُونَ الشَّهَوَاتِ أَنْ تَمِيلُوا  
مِيلًا عَظِيمًا

**27. Аллоҳ сизнинг тавбангизни қабул қилишни хоҳлайдир. Шаҳватларга эргашадиганлар эса, улкан оғишга мойил бўлишингизни хоҳлайдир.**

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло ер юзида ўз шариатини, дастурини жорий этишдан кўзлаган мақсадини англатмоқда. Шу билан бирга, ўз ҳойи-ҳаваси ва шаҳватига эргашган кишиларнинг — одамларни Аллоҳнинг кўрсатмасини қўйиб, ўзларининг кўрсатмаларига юришга чақираётганларнинг ниятларидан огоҳ этмоқда.

Аллоҳ йўл кўрсатиш, баён қилиб бериш, ҳидоятга бошлаш билан бандаларнинг тавбасини қабул қилишни, нотўғри йўлдан қайтариб, тўғри йўлга солишни хоҳлайди. «Шаҳватларга эргашадиганлар» эса, одамларни Аллоҳнинг йўлидан бутунлай адаштиришни хоҳлайдилар. Улар Ислом тузумидан, илоҳий тузумдан бошқа тузумларга чорловчилардир. Улар одамларни нима қилиб бўлса ҳам, Ислом йўлига юритмасликка чиранадилар. Улар таклиф қилаётган йўл ўзлари ўйлаб чиқарган йўлдир. Йўл ўйлаб чиқарувчилар кўп бўлганидан, ҳар бири ҳам ўз ҳойи-ҳаваси ва шаҳватига биноан йўл тузади, шунинг учун ояти карима уларни «шаҳватларига эргашадиганлар», деб кўпликда зикр этмоқда.

Ушбу суранинг аввалида зикр қилиниб келинаётган масалаларда ҳам худди шундай: Аллоҳ таоло оилавий ишларда, мерос масаласида, зинодан покланиш, жамиятни бу ишдан тўғри йўлга солишда — барча ишларда бандаларнинг тавбасини қабул қилишни хоҳлайди. Уларни тўғри, пок йўлга солишни хоҳлайди.

Шаҳватларига эргашувчилар эса, ҳаром-хариш йўлни, зинони,

адашувни, нопокликни хоҳлайдилар. Уларнинг бу ишлари одамларни улкан оғишга мойил қилиб тарбиялайди. Ҳақиқатан ҳам, Аллоҳ кўрсатган йўл қолиб, шаҳватига, ҳой-ҳавасига берилган банданинг йўлига юриш улкан оғишдир.

يُرِيدُ اللَّهُ أَنْ يُخَفِّفَ عَنْكُمْ وَخُلِقَ الْإِنْسَانُ ضَعِيفًا ﴿٢٨﴾

### 28. Аллоҳ сиздан енгиллатмоқни хоҳлайдир. Ва инсон заиф яратилгандир.

Аллоҳ инсонни Ўзи яратган. У зот Ўз бандасининг хусусиятларини яхши билади. Шунинг учун ҳам, фақат Аллоҳ таолонинг кўрсатмаларигина инсонга тўғри келиши мумкин. Ушбу оятда Аллоҳ таоло инсоннинг заиф яратилганини таъкидламоқда. Яратувчининг Ўзи, заиф яратилган, деб тургандан кейин, шу заиф инсонга йўл кўрсатишда Аллоҳ таоло оғирликни хоҳлармиди? Йўқ, У зот енгилликни хоҳлайди.

Ислом шариати, умуман, енгиллик устига бино қилингандир. Бу ҳақда кўплаб оят ва ҳадислар бор. Ҳаммаси ўз ўрнида баён қилинади. «Нисо» сурасининг бошидан муолажа қилиб келинаётган масалалар, хусусан, эркак ва аёл, оила, никоҳ масаласига келсак, ушбу оятда бу масалаларда ҳам Аллоҳ Ўз бандаларига енгилликни исташи таъкидланмоқда. Зоҳирий қаралганда, диний кўрсатмаларни бажариш қийин, шаҳватга эргашганларнинг йўлларида юриш осонга ўхшайди. Исломда ҳамма нарса ман қилинган-у, фақат биргина йўлга рухсат берилганга ўхшайди. Номаҳрамга қарама, у билан ёлғиз қолма, уйланмоқчи бўлсанг, олдин аҳлининг розилигини ол, маҳр бер, гувоҳ келтир... ва ҳоказолар. Ҳаммаси қайдлаш ва қийинчиликдан иборат бўлиб туюлади. Шаҳватга эргашганлар эса, ёшлигинда ўйнаб қол, гуноҳ нима қилади, дейишади. Бу эса, содда ва осон кўринади, ҳақиқатда эса, ундай эмас. Натижага қараганимизда, бу нарса яққол кўзга ташланади. Дунё тарихини кузатсак, оила масаласида енгил қараган, жинсий шаҳватга берилган халқлар, давлатлар ва маданиятлар инқирозга учраган. Қадимий буюк империяларнинг шармандаларча қулашининг асосий омилларидан бири шу бўлган.

Бизнинг асримизга келиб Фарбада, ўзларининг таъбири билан айтганда, жинсий инқилоб бўлди. Жинс борасида олимлар етилиб чиқди. Улар: жинсий хуррият бўлмагунча, инсон тўлиқ хур бўла олмайди. Агар жинсий майллар жиловланса, инсонда руҳий тугун пайдо бўлиб, унда қўрқоқлик ва бошқа салбий сифатлар келиб чиқишига сабаб бўлади, каби ғояларни тарқатишди. Оқибатда, жин-

сий инқилоб авжга чиқди. Натижасини — ҳар хил бало-офатлар бухронини ҳозир ўзлари кўриб-татиб туришибди. Ахлоқий бузуқлик, оиланинг ва жамиятнинг парчаланиши, ҳаётга қизиқишнинг йўқолишидан ташқари, сон-сановига етиб бўлмайдиган муаммолар пайдо бўлди. Жинсий инқилоб оқибатида тараққий этган ғарб давлатларининг туб аҳолиси даҳшатли суръатда камайиб бормоқда. Кўз кўриб қулоқ эшитмаган таносил касалликлари келиб чиқди, ҳар йили сонсиз-сановсиз одамлар шу касалликлардан ўлмоқда. Насл бузилиб, одамлари заифҳол ва касалманд бўлиб бормоқда. Турли ақлий ва руҳий касалликлар урчиди. Охири келиб, касалликларга қарши инсондаги табиий монеликнинг йўқолиши (СПИД) касаллиги чиқди. Бу касаллик, ҳақли равишда, XX аср вабоси, деб номланди. Унинг давоси йўқ. Бу дардга чалиниш зинонинг сабабидан. У билан касалланган одам тез муддатда ўлади. Ҳамма даҳшатда. Бу дардга чалинмасликнинг йўлини ахтармоқдалар. Бу йўлда ҳисобсиз маблағлар сарфланмоқда. Мазкур вабога чалинмасликнинг турли чоралари тақлиф этилмоқда. Қонунлар чиқарилмоқда, идоралар очилмоқда. Лекин, шаҳватга эргашганликлари учун битта энг осон, энг ишончли йўл — Аллоҳнинг йўлига қайтишни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаяпти. Ақалли ушбу касалнинг бевосита сабабчиси бўлмиш зинони ман этувчи қонун чиқаришни ҳеч ким ўйлаб кўрмаяпти ҳам. Чунки шаҳватга эргашганлар шаҳватга қарши чиқа олмайдилар. Улар шаҳватга банда бўлганлари учун унга эргашгандирлар. Зоҳирий енгил кўринган ишга ўзларини уриб, оғирликдан бошлари чиқмай юрибди, энди. Зоҳирий оғир кўринган бўлса ҳам, Аллоҳ кўрсатган йўлга юрган бандалар бошида мазкур оғирлик ва машаққатларнинг бирортаси ҳам йўқ. Улар мутлоқ енгилликда, фаровон турмуш кечирмоқдалар.

Юқоридаги оятларда оила ва никоҳ масалаларига тааллуқли маълум ҳукмлар баён қилиниб бўлганидан сўнг, жамият аъзолари орасидаги молиявий муносабатларга тегишли масалаларни баён қилишга ўтилади. Жумладан, аёлларнинг молу мулк ва касбга қандай ҳақ-ҳуқуқлари борлиги ва бошқа масалалар ёритилади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا لَا تَأْكُلُوْا اَمْوَالِكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ اِلَّا اَنْ  
تَكُوْنَ تِجَارَةً عَنْ تَرَاضٍ مِّنْكُمْ وَلَا نَقْتُلُوْا اَنْفُسَكُمْ اِنَّ اللّٰهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيْمًا ﴿٢٩﴾

**29. Эй, иймон келтирганлар! Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Магар ўзаро розилик ила тижорат**

**бўлса, майли. Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Албатта, Аллоҳ сизларга раҳимлидир.**

Бировнинг молини ботил йўл билан ейишга рибо, қимор, пора-хўрлик, алдамчилик, нархни сунъий равишда кўтариш, ўғрилиқ, қиморбозлик, товламачилик ва бошқалар киради.

**«Эй, иймон келтирганлар! Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг».**

Ояти каримада ботил йўл билан бировнинг молини ейишдан

**«Магар ўзаро розилик ила бўлган тижорат бўлса, майли»**, деб истисно қилинмоқда. Албатта, ҳалол ризқ топишнинг йўли фақат тижорат эмас. Аммо бу мақомда тижоратнинг зикр қилинишига сабаб – ботил йўл билан мол ейишнинг баъзи турларида тижоратга ўхшашлик бор. Мисол учун, Арабистон ярим оролида рибохўрлик авж олган эди. Аллоҳ таоло бу ишни ҳаром қилганида, мушриклар, рибо ҳам тижоратга ўхшаш, деган даъвони илгари сурдилар. Шунга ўхшаш тушунмовчиликлар ёки ноўрин даъволарнинг бўлмаслиги учун, ўзаро розилик билан бўлган тижорат истисно қилинмоқда. Чунки, тижорат – ҳалол меҳнат. Тожир меҳнат қилиб, молу пулини ишга солиб, ишлаб чиқарувчи ва харидор орасида восита бўлади. Бу вазифани бажариш учун орада анчагина хизматларни адо этади. Унинг келажақда фойда кўриш-кўрмаслиги, фойданинг оз ёки кўп бўлиши гумон бўлади. У касод бўлиш, синиб, молсиз-пулсиз қолиш эҳтимолларини ҳам бўйнига олиб, бу ишга қўл уради. Энг муҳим омиллардан бири – тижорат икки тарафнинг розилиги билан бўлади. Харидор рози бўлмаса, олиш-олмасликда ҳур, бошқа томонга кетаверади.

Оятнинг давомида Аллоҳ таоло мўмин бандаларига хитоб қилиб:

**«Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг!»** демоқда.

Сиртдан қараган одам, бир-бирининг молини ботил йўл билан ейиш ва ўзини ўзи ўлдириш орасида нима алоқа бор, дейиши мумкин. Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрилса, ҳаётий тажрибага назар солинса, ҳақиқатда бу икки нарса ўртасида бевосита алоқа борлиги кўрилади. Бир-бирининг молини ботил йўл билан ейиш одати бор жамиятлар ўзини ўзи ҳалокатга олиб боражанини ва бораётганини кўрамиз. Умуман, Аллоҳнинг айтганидан чиқиш, унга маъсият қилиш ҳалокатга элтиши аниқ эканлигида шубҳа йўқ. Жумладан, мазкур ботил йўл билан мол емоқ ҳам катта маъсият сифатида ҳалокатга сабаб бўлади. Бу ишни қилганлар ўзини ўзи ўлдирган бўлади.

**«Албатта, Аллоҳ сизларга раҳимлидир».**

У, сиз мўмин-мусулмонларга раҳим қилгани учун ҳам, ҳалокатга олиб борувчи ишлардан, жумладан, бир-бирингизнинг молингизни

ботил йўл билан ейишдан қайтармоқда. Сизни нажотга сабаб бўлувчи ишларга буюрмоқда. Бу ҳол Аллоҳнинг раҳматидир. Агар у раҳим қилиб, тўғри йўлни кўрсатиб бермаганида, нотўғрисида қайтармаганида, катта машаққатда қолган бўлар эдингиз.

وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ عُدْوَانًا وَظُلْمًا فَسَوْفَ نُصَلِّيهِ نَارًا وَكَانَ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ  
يَسِيرًا ﴿٣٠﴾

**30. Ким ўшани тажовузкорлик ва зулм ила қилса, албатта, уни дўзахга киритурамиз. Бу эса, Аллоҳга осондир.**

Оятдаги «ўшани» сўзи бир-бирининг молини ботил йўл ила еб, ўзини ўзи ҳалокатга дучор қилишга ишорадир. Демак, ким мазкур ишни тажовузкорлик (яъни, ҳаромлигини билиб туриб) ва зулм ила (яъни, қилишдан тап тортмай) қилса, охиратда дўзахга киритилади. Одатда, ботил йўл билан мол ейдиганлар бу дунё-даги ҳукуматлар тайин қилган жазолардан қутулиб кетишади. Шунинг учун ҳам, уларнинг зеҳнида, иложини топса, ҳамма нарсадан қутулса бўлади, деган фикр ўрнашиб қолган бўлади. Ўша фикрни кўтариш учун охирида «Бу эса, Аллоҳга осондир», дейилмоқда. Яъни, ботил йўл билан мол еганларни дўзахга киритиш Аллоҳ учун осондир. Ҳеч ким қочиб, ҳийла қилиб қутула олмайди.

Аммо, бу билан, энди иш тамом бўлибди, иложи йўқ экан, деб ноумид бўлишга ўрин йўқ. Аллоҳ таоло қудрати чексиз, азоби катта бўлиши билан бирга, марҳамати ҳам кенг, раҳим-шафқати чексиз Зотдир. Агар бандалар ўзларини ўнгласалар, уларнинг гуноҳларини ўтиши муқаррар. Буни келаси оятда баён этади:

إِنْ تَجْتَنِبُوا كَبَائِرَ مَا تُنْهَوْنَ عَنْهُ نَكْفُرْ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَنُدْخِلْكُمْ  
مُدْخَلًا كَرِيمًا ﴿٣١﴾

**31. Агар қайтарилган нарсаларнинг катталаридан четда бўлсангиз, гуноҳларингизни кечирурмиз ва сизни яхши жойга киритамиз.**

Бу ояти кариманинг маъноси, катта гуноҳлардан четда бўлсангиз, кичик гуноҳларингизни кечириб, охиратда сизни жаннатга киритамиз, деганидир.

Шаръий истилоҳда катта гуноҳларни «кабира» дейилади. Ана шу кабира гуноҳлар қайси гуноҳлар эканлиги ҳақида кўплаб ҳадиси



шарифлар бор. Бу ҳадислар турли муносабатларда келгани учун, мақомига қараб айтилган. Ушбу масалада уламоларимиз ҳам анчагина баҳслар юритишган. Улардан баъзилари, гуноҳи кабира — уни қилган одамга Қуръон ёки ҳадисда дўзахга кириш тайин қилинган гуноҳлардир, дейдилар.

Иккинчилари, шариатда ҳадни жорий этишни тақозо қилган гуноҳлар гуноҳи кабирадир, дейдилар. Бошқа бирлари эса, Аллоҳ таоло ман қилган ҳар бир иш гуноҳи кабирадир, деганлар. Ўтган уламолардан баъзилари гуноҳи кабиралар ҳақида алоҳида китоб ҳам қилганлар. Мисол учун, Абу Абдуллоҳ аз-Заҳабий гуноҳи кабиралар ҳақидаги ўз китобларида етмишга яқин гуноҳни келтирганлар.

Аллома Ибн Касир тафсирларида уламолар гуноҳи кабира сифатида зикр қилган гуноҳлардан баъзиларини келтирганлар: ноҳақ одам ўлдириш, зино, баччабозлик, ароқ ичиш, ўғрилиқ, босқинчилик, бировни зинода айблаш, ёлғон гувоҳлик бериш, рибохўрлик, ёлғон қасам ичиш, қариндошлиқ алоқаларини узиш, ота-онага оқ бўлиш, жиҳоддан қочиш, етимнинг молини ейиш, ўлчов ва тарозида хиёнат қилиш, намозни вақтидан олдин ўқиш, намозни узрсиз вақтидан кейин ўқиш, пора олиш, эркак ва аёллар ўртасида қўшмачилик қилиш, закотни ман этиш, амри маъруф ва наҳйи мункарга қодир бўлиб туриб қилмаслик, Қуръон таълимотини унутиб юбориш, ҳайвонни ўтда куйдириш, эри яқинликни истаганида аёл кишининг сабабсиз рози бўлмаслиги, Аллоҳнинг раҳматидан ноумидлик, Аллоҳнинг макридан бепарволик, аҳли илм ва ҳофизини Қуръонларга ёмонлик қилиш ва бошқалар.

Бундан кўриниб турибдики, аҳли салаф уламоларимиз мазкур гуноҳларни санашда ўзлари яшаб турган воқелик таъсирида ҳам бўлганлар ёки баъзи бир гуноҳларни гуноҳи кабирадан ҳам катта гуноҳ ҳисоблаганлар. Мисол учун, намозни олайлик. Ҳозиргина зикр қилинган рўйхатда, намозни вақтидан олдин ёки кейин ўқиш гуноҳи кабира — кечирилмас гуноҳ, дейилган. Аммо намозни бутунлай ўқимай қўйиш ҳақида гап йўқ. Бунинг, аввал айтганимиздек, икки сабаби бор. Биринчиси — ўша пайт мусулмонлари, жумладан, уламолари ҳам намоз ўқимаган одамнинг мусулмонликни даъво қилишини тасаввурларига ҳам келтира олмаганлар. Иккинчидан эса, намоз ўқимасликни гуноҳи кабира эмас, балки куфрга, диндан чиқишга элтадиган улкан гуноҳ ҳисоблаганлар. Худди шу фикрни рўза тутмаслик, имкони бўлиб туриб ҳаж қилмаслик, Исломга, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга, Қуръонга тил теккизиш каби бугун авж олган кўпгина каттадан-катта гуноҳлар ҳақида ҳам айтса бўлади.

Шунинг учун, Қуръони Каримда ҳам, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида ҳам гуноҳи кабираларни чегаралаб қўйилмаган. Чунки, гуноҳи кабиралар вақтга, шароитга, жамиятга қараб хилма-хил бўлиб туради. Мусулмон одам, исломий жамият, Аллоҳдан заррача бўлса ҳам қўрқувчи, қиёматдан умидвор шахс гуноҳи кабирани ажратиб олиши қийин эмас. Энг муҳими — ушбу оятда келган умумий қонидани унутмасликдир. Банда ўзини гуноҳи кабирадан четга олса, қолган хато ва айбларни Аллоҳнинг Ўзи мағфират қилади.

Молу мулк, унинг жамоатчилик орасидаги ўрни ҳақида сўз кетаётган бир пайтда, бу ишда эркак ва аёллар ўртасида бўладиган муомала ҳамда чора-тадбирлар ҳақида қуйидагилар айтилади:

وَلَا تَنَّمَوْا مَا فَضَّلَ اللَّهُ بِهِ بَعْضَكُمْ عَلَى بَعْضٍ لِّلرِّجَالِ نَصِيبٌ مِّمَّا  
 اكْتَسَبُوا وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ مِّمَّا كَسَبْنَ وَسَأَلُوا اللَّهَ مِنْ فَضْلِهِ ۗ إِنَّ اللَّهَ كَانَ  
 بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمًا ﴿٣٢﴾

**32. Аллоҳ баъзингизни баъзингиздан афзал этган нарсаларни (ҳасад ила) орзу этманг. Эркакларга ўз касбидан насиба бор. Аёлларга ўз касбидан насиба бор. Аллоҳдан фазлини сўранг. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи Зотдир.**

Ояти каримада афзаллик ва фазл нимадан иборат эканлиги очиқ айтилмай, умумий ҳолда қолдирилган. Буни Қуръоний усулга кўра, ҳар ким ўз фикри, идрокига яраша тушуниб олаверади. Фазл сиҳат-саломатликда, мансабда, молу пулда, хотиржамликда, ҳилмда, обрў-эътиборда бўлиши мумкин. Инсон кўп жиҳатдан ўзидан афзал шахсни кўриб, унга ҳасад қилса, нима учун фалончига бўладию, менга бўлмайди, деяверса, жамиятда ўзаро адоват, бир-бирини кўра олмаслик каби ижтимоий дардлар авж олади, охири бориб, ундай жамият ҳам, унинг аъзолари ҳам ҳалокатга учрайди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло мусулмонларни бу офир гуноҳдан қайтариб:

**«Аллоҳ баъзингизни баъзингиздан афзал этган нарсаларни (ҳасад ила) орзу этманг»,** демоқда.

Шунингдек, баъзи эркак-аёл орасида ҳам ҳасад бўлиши мумкин. Масалан, аёлларнинг эркакларга нисбатан ҳасадлари. Буни ушбу ояти кариманинг нозил бўлиш сабаблари ҳақидаги ривоятлардан ҳам тушуниб олса бўлади.

Имом Аҳмад Мужоҳиддан қилган ривоятда: «Умму Салама:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, эркаклар ғазотга қатнашадилар, биз эса, ғазот қилмаймиз, мерос ҳам бизга ярим ҳисса берилади?» деди. Шунда Аллоҳ таоло: «Аллоҳ баъзингизни баъзингиздан афзал этган нарсаларни (ҳасад ила) орзу этманг» оятини туширди», дейилади. Абдураззоқ Муаммардан қилган ривоятда: «Бу оят аёлларнинг «биз ҳам эркак бўлганимизда, улар жиҳод қилганидек жиҳод қилар эдик», деганларида нозил бўлган», дейилади.

Шунинг учун ҳам, ояти каримада:

**«Эркакларга ўз касбидан насиба бор, аёлларга ўз касбидан насиба бор»,** дейилмоқда.

Яъни, ҳар ким ўз ҳолатига яраша касб қилади ва ҳар ким ўз касбига яраша топади, фақат, касбини кўпроқ қилиш керак. Бировларга берилган неъматларга ҳасад ўрнига ҳам ҳаракат қилиш лозим. Ҳаракат сендан, баракат Аллоҳдан. Демак, банда ҳаракат қилар экан, Аллоҳдан баракат ҳам сўраши керак:

**«Аллоҳдан фазлини сўранг».**

Шуниси фойда. Чунки Аллоҳ таоло сўраган бандасини ноумид қўймайди.

Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Аллоҳдан фазлини сўранг, зеро, Аллоҳ сўралишни хуш кўради. Ибодатнинг афзали кушойишни кутишдир», деганлар. Ихлос билан фазли улуғ Аллоҳнинг Ўзидан фазл сўраш банданинг иши, фазлдан бериш эса, Аллоҳнинг иши. У Зотнинг Ўзи билиб беради:

**«Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи Зотдир».**

Кимга нимани ва қанча беришни ҳам яхши билади. Кимга молу дунё, кимга илм, кимгадир мансаб ва ҳоказолар беради. Шунингдек, эркакни эркак, аёлни аёл қилиб яратган Зот уларни нимага буюришни ҳам яхши билади. Модомики, эркакларга жиҳодни фарз қилган экан, уларни жиҳодга мос ва яроқли этиб яратганидандир. Бунда аёлни камситиш маъноси асло йўқ, балки улуғлаш маъноси бор. Аввало, Аллоҳ таоло аёлни аёл қилиб яратган, унинг нимага муносиб ва нимага яроқли эканини яхши билади. Иккинчидан, у хотин кишига жиҳодни фарз қилмаса-да, ман ҳам қилгани йўқ. Зарурат туғилиб қолса, аёл ҳам жиҳодга чиқса бўлаверади. Тарихда бунга мисоллар жуда ҳам кўп.

Қолаверса, эркак кишидек, жиҳодга қурол кўтариб чиқмаса ҳам, эркак кишини туғиб, тарбия қилиб, ўстирган ҳам шу аёл. Уни қўлига қурол оладиган ҳолга келтиришда ҳам шу аёлнинг хизмати катта. Аллоҳ таоло аёлни шундай ишга мослаб яратган. Бу ишни эркаклар ҳеч қачон удалай билмайдилар. Эркаклар жиҳодда ўлиб кетсалар,

аёллар янги эркакларни туғиб, яна тарбиялайверадилар. Аммо, аёл жиҳодда қатнашиб ўлса, болани ким туғади? Шу боисдан ҳам, бола туғишдаги тўлғоқ қийинчиликлари жиҳодга тенглаштирилди, унга жиҳоднинг савоби ваъда қилинди.

Мерос масаласида ҳам — шу. Аёлларга эркакларга берилган улушнинг арми тегиши улар қадрининг пастлигидан эмас. Буни аввалги оятлар тафсирида ҳам айтиб ўтилди. Балки, бу тақсим адолатнинг айни ўзидир. Эркак киши кўплаб мол сарфлашига тўғри келади. Жумладан, аёлга уйланиш вақтида унга маҳр беради, оила сарф-ҳаражати бўйнига олади. Шунингдек, аёлни ва болаларни боқиш, кийинтириш ҳамда бошқа сарфлар ҳам эркак зиммасида. Аёлларга эса, ҳеч қандай таклиф йўқ, ҳатто ўзига сарфлаш ҳам таклиф қилинмаган. Бундан ташқари, эркак киши бошқа қариндошларига нафақа бериши керак, лозим бўлса, хун тўлаш, етказилган тан жароҳатининг эвазини тўлаш, бева-бечораларга ёрдам бериш каби вазифалар ҳам эркакка юклатилган. Аёл киши буларнинг барчасидан озод қилинган. Ҳолбуки, шу каби даъволар билан жоҳилиятда аёл кишига ҳеч қандай мерос берилмас, аксинча, унинг ўзи мерос тариқасида олинар эди. Аммо, Ислом аёлнинг шаънини кўтариб, ўзига яраша мерос ҳаққини тайин қилди.

Демак, Аллоҳ баъзи шахсларни бошқалардан афзал қилиб қўйса, унга ҳасад қилмаслик керак, балки фазлни Яратувчининг Ўзидан сўраш лозим.

Кейинги оятда мерос ҳақидаги баъзи бир масалалар баён қилинган:

وَلِكُلِّ جَعَلْنَا مَوْلَىٰ مِمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ ۚ وَالَّذِينَ عَقَدَتْ  
 أَيْمَانُكُمْ فَأَوْهَمُوا فِئْتِهِمْ ۗ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدًا ﴿٣٣﴾

**33. Ота-она ва қариндошлар қолдирган нарсага ҳар бир киши учун меросхўрлар қилдик. Қасамингиз ила боғланганларга насибасини беринг. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага шоҳиддир.**

Яъни, ҳар бир одамнинг қариндошлари меросхўри бўлади. У ота-онаси ва қариндошларидан мерос олганидек, ундан ҳам болалари ва қариндошлари мерос олади.

**«Ота-она ва қариндошлар қолдирган нарсага ҳар бир киши учун меросхўрлар қилдик».**

Шундай қилиб, мол авлоддан авлодга ўтиб туради. Ояти каримадаги:

«Қасамингиз ила боғланганларга насибасини беринг», деган жумлада меросга тааллуқли, қариндош бўлмаган шахсларга ишора қилинмоқда. Исломнинг дастлабки босқичида шундай шахслар бўлган. Бундай боғланишни араб тилида «муволот» дейилади. Буни биз «дўстлашиш» деб таржима қилсак, бир оз асл маънога яқинлашиши мумкин. Мазкур муволотдан бири озод қилиш муволотидир. Яъни, бир қулни озод қилган киши аҳдлашиб, унга меросхўр бўлиши мумкин. Аммо, бунинг икки шарт бор. Бири – озод бўлган қулнинг ўз меросхўри бўлмаслиги керак. Иккинчидан, озод қилган киши қул тириклик даврида жиноят қилса, хун тўлашни бўйнига олиши керак.

Мазкур муволотларнинг яна бири мавлолик муволотидир. Бунда меросхўри йўқ арабмас киши аҳдлашиб, араб одам билан дўст бўлади. У ўз дўстининг оила аъзосига айланади. Бунга биноан, дўст жиноят содир қилганда хун тўлайди. Ўлса, меросни олади.

Учинчи муволот – дўстлик муволотидир. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам Мадийнаи Мунавварага ҳижрат қилиб келганларида муҳожирлар ва ансорийларни бир-бирлари билан дўст қилганлар. Ушбу дўстлик асосида бир-бирларидан мерос оладиган ҳам бўлганлар.

Бунинг устига, жоҳилият одатига кўра, кишилар бир-бирлари билан: «Мен ўлсам, меросимни оласан, сен ўлсанг, меросингни оламан», деб аҳдлашиб олиш ҳам бор эди.

Мерос ҳақида тушган якуний оятлар эса, мероснинг фақат қариндошларга бўлишини амр этди. Ўз-ўзидан, «Аввалдан мерос ҳақида қилган аҳдноларимиз, ҳатто қасам ичиб қўйган келишувларимиз нима бўлди?» деган савол пайдо бўлган. Бунга жавобан бу оятда:

**«Қасамингиз ила боғланганларга насибасини беринг»,** дейилмоқда.

Яъни, оят тушишидан олдинги аҳдларингизга амал қилинг, уларга меросдан беринг, бу борада янги аҳд қилманг. Агар бу ишда кўрсатмани бажармайдиган бўлсангиз, ўзингизга қиласиз, чунки

**«Аллоҳ ҳар бир нарсага шоҳиддир».**

Келаси оятларда оилани тартибга солиш, ҳар кимга ўз хусусиятига қараб иш белгилаш, вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилиш йўллари ҳақида сўз кетади:

الرِّجَالُ قَوَّامُونَ عَلَى النِّسَاءِ بِمَا فَضَّلَ اللَّهُ بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ وَبِمَا أَنْفَقُوا مِنْ أَمْوَالِهِمْ فَأَلْصَقَتْ قَلْبُنَّ حَافِظَاتٌ لِلْغَيْبِ بِمَا حَفِظَ اللَّهُ وَاللَّي تَخَافُونَ

نُشَوْرُهُمْ فَعِظُوهُمْ وَأَهْجُرُوهُمْ فِي الْمَضَاجِعِ وَأَضْرِبُوهُمْ إِنْ أَطَعْتُمْ  
فَلَا تَبْغُوا عَلَيْهِمْ سَبِيلًا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا كَبِيرًا ﴿٣٤﴾

34. Аллоҳ баъзиларини баъзиларидан устун қилгани ва молларидан сарфлаганлари учун эркаклар аёлларга раҳбардирлар. Солиҳа аёллар – итоаткор ва Аллоҳнинг ҳифзи-ҳимояси бўйича ғойиб(эр)ларининг муҳофазасини қилувчилардир. Бош кўтаришларидан хавф қилинган аёлларга ваъз-насиҳат қилинг, ётоқларида ҳижрон қилинг ва уринг. Агар итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманг. Албатта, Аллоҳ юксак мақомли буюк Зотдир.

Ҳар бир жамиятга раҳбар лозим. Раҳбари бўлмаган жамиятда тартиб-интизом, тинчлик-омонлик ва хайр-барақа бўлмайди. Ислом таълимотлари бўйича, оила энг муҳим жамият бўлиб, катта жамиятнинг асосий гишти ҳисобланади. Гиштлири пишиқ иморат мустаҳкам бўлганидек, оилалари аҳил-мустаҳкам бўлган жамият ҳам бақувват бўлади. Шундай муҳим муассаса бўлган оиланинг раҳбари бўлмаслиги мумкин эмас. Нима учун Исломда оила раҳбарлиги эркакка берилади? Бу саволга ушбу ояти каримада шундай жавоб берилади:

**«Аллоҳ баъзиларини баъзиларидан устун қилгани ва молларидан сарфлаганлари учун эркаклар аёлларга раҳбардирлар».**

Демак, оила раҳбарлиги бобида Аллоҳ эркакни аёлдан афзал қилиб яратибди. Дарҳақиқат, эркак киши ўзининг жисмоний тузилиши, ички ва ташқи қиёфаси, асабий, руҳий-нафсоний ва бошқа жиҳатларидан оила раҳбари бўлишга мос яратилган. Бунинг устига, оилани қуриш ва уни тутиб туриш, бу йўлдаги барча сарф-ҳаражатлар ҳам эркак киши зиммасида. У катта меҳнат эвазига топилган молу мулкининг беҳуда кетмаслиги лозимлигини ўйлайди, оилани мустаҳкам ҳолда тутиб туришнинг чора-тадбирларини кўришга мажбур бўлади.

Аллоҳ таоло ҳеч бир ишни беҳикмат қилмайди. Жумладан, эркак киши оила раҳбари бўлса ва у ўз раҳбарлигини шариатда кўрсатилгандек адо этса, бундай оилалар бахт-саодатга соҳиб бўлмоқда. Бу кўрсатмага юрмаган оилалар эса, бахтсизликка учрамоқда, шундайлардан ташкил топган жамиятлар ҳам бахтсизликка дучор бўлмоқда. Бу ерда гапни чўзиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Аммо, мусулмон жамиятларда ҳам баъзан бу умумий қоида бузилганини кўрамиз. Эркак раҳбар бўлган оилада ҳам ноқулайликлар юзага келиб туради. Агар шундай бўлаётган бўлса, одамларнинг,

хусусан, ўзини мусулмон ҳисоблаётганларнинг айби биландир. Афсуски, кўплар ояти каримада кўзда тутилган раҳбарликни қаҳр, жабр ва зулм ўтказишнинг имкони деб тушунадилар. Аслида, бу раҳбарлик масъулиятдир. Масъулият бўлганида ҳам, улкан масъулиятдир. Ушбу масъулиятга биноан, эркак киши оиланинг, жумладан, аёлнинг ҳомийлигини, боқувчилигини, муҳофазасини адо этмоғи лозим.

**«Солиҳа аёллар – итоаткор ва Аллоҳнинг ҳифзи-ҳимояси бўйича ғойиб(эр)ларининг муҳофазасини қилувчилардир».**

Яъни, мўмина, солиҳа аёлларнинг табиатида эрига итоаткорлик бордир. Биз «итоаткорлик» деб таржима қилаётган сўз ояти каримада «қонитатун» лафзи ила келган. Бу сўз ўз иродаси, рағбати ва муҳаббати ила итоат қилиш маъносини англатади. Демак, мўмина, солиҳа аёлларнинг эрларига итоати ўз масъулиятини тушунган ҳолдан келиб чиққан бўлади. Қўрққанидан, мажбурлашдан ёки бошқа бирор боисдан эмас. Бу итоат ўзини тушунган, ҳаётдаги ўрнини, вазифаси ва масъулиятини ҳис этган гўзал инсоннинг итоатидир.

Мўмина, солиҳа аёлларнинг табиатларидан яна бири – улар:

**«Аллоҳнинг ҳифзи-ҳимояси бўйича ғойиб(эр)ларининг муҳофазасини қилувчилардир».**

Яъни, эрлари ёнларида турган пайтлардагина эмас, улар бирор сабаб билан оиладан узоқда бўлган чоғларида ҳам уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, обрў-эътиборларини муҳофаза қиладилар. Муҳофаза қилишлари ҳавои нафсга мувофиқ ёки ўз фикрларича, ёхуд эрларининг талабига биноан бўлмайди. Балки, бу борада ягона ҳакам, белгилаб берувчи олий томон – Аллоҳ таоло бор. Шунинг учун ҳам, оятда «Аллоҳнинг ҳифзи-ҳимояси бўйича», дейилмоқда. Аллоҳнинг ҳифз қилишга буюрган нарсаларини муҳофаза қиладилар.

Имом ибн Жарир Тобарий ва Ибн Аби Ҳотимлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Аёлларнинг яхшиси – назар солсанг, хурсанд қиладиган, амр қилсанг, итоат этадиган ва ғойиб бўлсанг, сени ўз нафсида ва молингда муҳофаза қиладиганидир», деганлар.

Имом Аҳмад Абдурроҳман ибн Авф розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Агар аёл киши беш вақт намозини ўқиса, бир ой рўзасини тутса, фаржини сақласа ва эрига итоат қилса, унга: «Жаннатнинг қайси эшигидан хоҳласанг, киравер», дейилади», деганлар.

Лекин беш қўл ҳам баробар эмас, баъзи аёллар солиҳалик мақомига лойиқ бўла олмайдилар. Ҳаддиларида турмай, эрларига қарши

бош кўтариб, беодоблик, итоатсизлик кўрсатадилар. Шундай ҳолларда нима қилиш керак? Уларга ҳолатларига қараб муомала қилинади. Итоатсизлик аломатлари кўриниб, эрни беҳурмат қила бошлаганида, унга ваъз-насиҳат қилинади. Ваъз-насиҳат самара бериб, муносабатлар изга тушиб кетса, айни мурод. Агар фойда бермаса, хотиннинг итоатсизлиги, исёни давом этаверса, бошқа чора кўрилади.

Иккинчи босқич чора — ҳижрон, бирга ётмаслик, гаплашмасликдир. Албатта, ҳижрон ваъз-насиҳатдан кўра анча таъсирлидир. Чунки, бу масалада аёллар жуда ҳассос бўладилар. Эрларининг уларга эътиборсизлиги, гаплашмай қўйгани кўзларини каттароқ очишга мажбур этади. Ҳали инсофларини йўқотмаган бўлсалар, ўзларига келишларига, хатоларини тузатишларига сабаб бўлади. Аммо, бу чора ҳам таъсир қилмаса, аёл буткул инсофини ютиб, итоатсизликда, исёнда давом этаверса, бу унинг яхшилик билан йўлга кирмаслигининг аломати. Энди унга нисбатан янада таъсирчанроқ чора — ўзини билмаганларга қилинадиган муомала қўл-ланилади.

Яъни, урилади.

**«Бош кўтаришларидан хавф қилинган аёлларга ваъз-насиҳат қилинг, ётоқларида ҳижрон қилинг ва уринг».**

Аммо, уриш деганда, қаттиқ калтаклаш, аъзоларини синдириш ёки бошқа жароҳатлар етказиш тушунилмасин. Ўтган аҳди солиҳ уламоларнинг бирларидан ушбу ояти каримада изн берилган уришнинг маъноси сўралганида, мисвок ёки бирор бармоғи билан туртиш, деган эканлар.

Ҳадис китобларида ривоят қилинишича, Муовия ибн Ҳайра ал-Қушайрий розияллоҳу анҳу:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, хотинларимизнинг биздаги ҳақлари нима?» деб сўраганида, Пайғамбар алайҳиссалом:

«Агар таом есанг, унга ҳам едирасан, кийим кийсанг, унга ҳам кийдирасан, юзига урма, ёмон сўкма, ташқарида ҳижрон қилма», деганлар.

Бошқа бир ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳнинг чўриларини урманглар!» деганлар.

Бунга ўхшаш ҳадислар кўп. Кўриниб турибдики, ояти каримадаги уришга берилган изн фақат сиёсат учун, ўзини билмаган аёлларга таъсир ўтказиш учундир.

Аёл киши табиатан аччиғи тез чиқадиган, таъсирчан, шошқалоқ бўлади. Сал нарса баҳонасида эрига нисбатан итоатсизлик ва беодоблик қилиб қўйиши мумкин. Аммо, кейин ўзига келиб, итоатга қайтса, уларга қарши чора кўришга зарурат қолмайди. Юқорида саналган чора-тадбирларни ҳам қўллаш шарт бўлмайди.



**«Агар итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманг».**

Бу нарса оилани мустаҳкамлашга омил бўладиган ишдир. Чунки, бир-бирига нисбатан кечиримли бўлиш доимо яхшилик омилидир. Агар ким бу кўрсатмаларга юрмаса, ўзидан кўрсин. Чунки:

**«Албатта, Аллоҳ юксак мақомли ва буюк Зотдир».**

Мазкур чораларни қўллаш билан оилавий муаммолар батамом ҳал бўлиб қолмайди. Баъзида булар ҳам наф бермаслиги мумкин. Ундай ҳолатда нима қилиш кераклигини кейинги оят баён қилади:

وَإِنْ خِفْتُمْ شِقَاقَ بَيْنِهِمَا فَأَبْعَثُوا حَكَمًا مِّنْ أَهْلِهِ وَحَكَمًا مِّنْ أَهْلِهَا إِنْ يُرِيدَا إِصْلَاحًا يُوَفِّقِ اللَّهُ بَيْنَهُمَا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا خَبِيرًا ﴿٣٥﴾

**35. Агар икковларининг оралари бузилишидан қўрқсангиз, эрнинг аҳлидан бир ҳакам ва хотиннинг аҳлидан бир ҳакам ажратинг. Агар улар ислоҳни ирода қилсалар, Аллоҳ эр-хотиннинг орасини мувофиқлаштирур. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор Зотдир.**

Бу ояти каримада келишмовчилик ҳам эр, ҳам хотин томонидан чиққан пайтида кўриладиган чора ҳақида гап кетмоқда. Бу ҳолатда оиланинг сирини ташқарига чиқармасдан ҳал этишнинг иложи қолмаган бўлади. Энди, бошқалар аралашиб бўлса ҳам, оилани сақлаб қолишга уринилади.

**«Агар икковларининг оралари бузилишидан қўрқсангиз, эрнинг аҳлидан бир ҳакам ва хотиннинг аҳлидан бир ҳакам ажратинг».**

Эр ўзи рози бўлган қариндошини, хотин ҳам ўзи рози бўлган бир қариндошини ҳакамликка тайин қиладилар. Розилик кейинчалик ҳакамлар чиқарган ҳукмга ҳам рози бўлишлари учун керак бўлади. Албатта, ҳакамлар ақлли, тажрибали, турмушнинг пасту баландидан хабардор кишилар бўлиши лозим. Табиийки, икковлари ҳам Аллоҳдан қўрққан ҳолда адолатли ҳукм чиқаришга ҳаракат қилишлари керак. Ҳакамларнинг асосий вазифаси эру хотин орасини ислоҳ қилишдир. Шунинг учун ҳам, ояти каримада

**«Агар улар ислоҳни ирода қилсалар, Аллоҳ эр-хотиннинг орасини мувофиқлаштирур»**, деб ҳакамларга ислоҳчилик нисбати берилмоқда. Худди шу тушунчадан келиб чиқиб, баъзи уламолар: «Ҳакамларга фақат яраштириш — ислоҳ ҳуқуқи берилган», дейдилар. Бошқалари эса, ҳолатни ўргангач, ислоҳ қилишнинг иложи йўқлигига амин бўлишса, эру хотинни ажратиб қўйсалар ҳам ҳақлари

бор, шунингдек, уларга тегишли жазо чораларини, молу мулкка оид масалаларни ҳам ҳал қилишади, дейдилар.

Ҳазрати Усмон ибн Аффон Зиннурайни вақтларида худди шу ояти каримага амал қилиб иш юритилганлиги тафсир китобларимизда нақл қилинади:

Ақийл ибн Аби Толиб Фотима бинти Утба ибн Робиъага уйланган эди. Аёл:

«Сен менга сабр қилсанг, мен сенга нафақа бераман», деган эди. Эри кўчадан келса,

«Утба ибн Робиъа ва Шайба ибн Робиъалар қаерда?» деб сўради. Бир куни эри:

«Дўзахга кирсанг, сенинг чап томонингда бўладилар», деб жавоб қилди. Хотин кийимларини кийиб, халифа — ҳазрати Усмон ҳузурига бориб, бўлган воқеани айтди. Ҳазрати Усмон кулдиларда, Абдуллоҳ ибн Аббос билан Муовия ибн Абу Суфёнларни чақириб, ҳакам этиб тайинладилар ва уларга: «Агар яраштиришни истасангиз, яраштинг, ажратишни истасангиз, ажратинглар», дедилар.

Албатта, ҳакамлар ўзларининг инсоний чекланган илмлари ва имконлари доирасида ҳукм чиқарадилар. Қолгани эса, ҳар бир нарсани ўзининг чексиз илми ила билувчи ва ҳар бир ишдан хабардор Аллоҳ таолонинг ўзига ҳавола.

**«Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор Зотдир».**

Келаси оятларда суранинг умумий мазмунига мавзу қилиб олинган масаланинг муолажаси давом этади. Оилани ва Ислом жамиятини мустаҳкамлаш, мазкур ғайриисломий иллатлардан поклаш, йўлдаги тўсиқлар ва душманларнинг душманлигини енгиб ўтиш лозимлиги ҳақларида сўз кетади:

﴿وَأَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَبِذِي الْقُرْبَىٰ  
وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَالْجَارِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَالْجَارِ الْجُنُبِ وَالصَّاحِبِ بِالْجَنبِ  
وَأَبْنِ السَّبِيلِ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَن كَانَ مُخْتَالًا فَخُورًا﴾

**36. Ва Аллоҳга ибодат қилинглр ва Унга ҳеч нарсани ширк келтирманглр. Ота-онага, қариндошларга, етимларга, мискинларга, яқин қўшниларга, ён қўшниларга, ёнбошдаги соҳибларга, кўчада қолганларга ва қўлингизда мулк бўлганларга яхшилик қилинглр. Албатта, Аллоҳ ўзини юқори тутувчи ва одамлар устидан фахр қилувчиларни хуш кўрмас.**

Мулоҳаза қилсак, ушбу ояти карима «Ва» боғловчиси билан бошланмоқда. Демак, бу оятдаги маънолар юқорида ўтган маъноларга, бу оятдаги амру фармонлар юқорида ўтган амру фармонларга боғланмоқда. Бинобарин, юқоридаги амру фармонларга амал қилинглари:

**«Ва Аллоҳга ибодат қилинглари ва Унга ҳеч нарсани ширк келтирманглари».**

Бу боғлиқлик Исломда ибодат бошқа-ю, шахсий-оилавий-ижтимоий ҳаёт бошқа эмаслигини яна бир бор кўрсатади. Булар ҳаммаси бирикиб, умумий исломий ҳаётни ташкил этади. Исломда дин ва дунё ажрамаган. Инсон масжидга кирганида мусулмон бўлиб туриб, уйига кирганида бошқаларнинг йўригини тутмайди. Ўлигини мусулмонча кўмиб, байрамини христианча ўтказмайди. Боласига мусулмонча ном бериб, унга вайримусулмонча тарбия бермайди.

Оилавий-ижтимоий масалалар, мол-мулк ҳақида, бировларга яхшилиқ қилиш ҳақида баҳс этувчи оят ва жумлалар ичида ибодат ва ширк келтирмаслик ҳақидаги ушбу жумланинг келиши бежиз эмас. Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилиш, унга ҳеч нарсани ширк келтирмаслик — тавҳиддир. Бандалар учун Аллоҳнинг тавҳиди асосий ақийдадир. Тавҳид ҳар бир инсондан талаб этилади. У — Аллоҳнинг бандаларидаги ҳаққидир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳуға: «Аллоҳнинг бандалардаги ҳаққи нима эканини биласанми?» дедилар. У киши: «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчироқдирлар», деди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Унга ибодат қилмоқлари ва ҳеч нарсани ширк келтирмасликлари», дедилар. Сўнгра: «Агар бандалари буни бажарсалар, бандаларнинг Аллоҳдаги ҳақлари нима эканини биласанми? Уларни азобламаслиги», дедилар.

Оятда тавҳидга амр этилганидан сўнг, бир неча тоифа кишиларга яхшилиқ қилишга буюриляпти.

**«Ота-онага, қариндошларга, етимларга, мискинларга, яқин қўшниларга, ён қўшниларга, ёнбошдаги соҳибларга, кўчада қолганларга ва қўлингизда мулк бўлганларга яхшилиқ қилинглари».**

Биринчиси — ота-оналардир.

Исломда ота-оналарга яхшилиқ қилиш катта иш, эътиборга молик амал эканлиги ҳаммага маълум. Ҳар бир инсоннинг дунёга келишига сабаб бўлган бу улуғ зотларнинг ўз фарзандларидаги ҳақлари, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчлари ҳақида Қуръони Каримда ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида келган таълимотлардек олий мақом таълимотлар инсоният тарихида ҳеч бир дин, тузум ёки фалсафада кўрилмаган!

Дунёда мусулмонларчалик ота-онасини ҳурмат қиладиган халқ-миллат ҳам бўлмаган! Ушбу оятда ҳам Аллоҳ таоло мусулмонларга Ўзининг тавҳидидан сўнг бевосита ота-онага яхшилик қилишга буюрмоқда.

Иккинчиси – қариндошлар.

Одатда, қариндошлар ота-онанинг яқин кишилари бўладилар, яхшилик қилиниши лозим бўлганлар қаторида бевосита ота-онадан сўнг келишлари шундан. Албатта, қариндошларга яхшилик қилишга ёлғиз ушбу оятгина амр этмаган. Бу ҳақда кўплаб оят ва ҳадислар бор. Ўша ҳадиси шарифлардан бирини келтирсак, имом Насайи ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Мискинга берилган садақа садақадир. Қариндошга берилган садақа эса, ҳам садақа, ҳам силаи раҳмдир», деганлар.

Учинчиси – етимлар.

Ҳар бир жамиятда етимлар мавжуд ва улар алоҳида эътиборни талаб этадилар. Чунки улар боқувчиларини ва тарбиячиларини йўқотган, кичик ёшдаги, ёрдамга муҳтож инсонлардир. Аллоҳ таоло ҳам уларга яхшилик қилиш, меҳр-шафқат кўрсатишга амр этиб, Ўзининг етимпарварлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, бошқа кўпгина оятларда, жумладан, ушбу «Нисо» сурасининг аввалидаги оятларда ҳам бу масалага алоҳида эътибор қилинган. Етимпарварликнинг афзаллиги ҳақида кўплаб ҳадиси шарифлар ҳам келган.

Тўртинчиси – мискинлар.

Жамият иқтисодий жиҳатдан бир текис эмас. Унда турли сабабларга кўра ноқулай ҳолга тушиб қолган кишилар ҳам бўлиши табиий ҳол. Ҳар қайси жамият мискинлик ҳолига тушиб қолган ўша аъзоларига турлича муносабатда бўлади. Исломи жамиятида мискинларга яхшилик қилишни, уларнинг ноқулай иқтисодий ҳолатдан чиқиб олишларига ёрдам беришни бой, ўзига тўқ аъзоларига вазифа қилиб юклатилган. Бу ҳақда ҳам кўплаб оят ва ҳадислар келган, уларни ўз ўрнида ўрганамиз, иншааллоҳ.

Бешинчиси – яқин қўшни.

Олтинчиси – ён қўшни.

Тафсирчи уламоларимиз ояти каримада зикр қилинган «яқин қўшни»ни қариндош қўшни, яъни яқинлиги бор қўшни, деб; «ён қўшни» эса, оддий, яқинлиги йўқ қўшни, деб тушунтирганлар. Қўшника яхшилик қилиш ҳақидаги исломий таълимотлар ҳам дунёда мисли йўқ таълимотдир. Кези келганда, шу жойда бир неча ҳадиси шарифларни зикр этайлик.

Имом Аҳмад Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Жаброил менга қўшни ҳақида шу қадар кўп тавсия берардики, уни меросга ҳам шерик эмасмикин, деб ўйлаб қолдим», дейдилар.

Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Аллоҳнинг ҳузурида дўстларнинг яхшиси ўз дўстига яхшилик қилганидир. Аллоҳнинг ҳузурида қўшнилари яхшиси ўз қўшнисига яхшилик қилганидир», деганлар.

Абу Бақр ал-Баззор Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом қуйидагиларни айтадилар:

«Қўшнилари уч хил бўладилар. Битта ҳаққи бор қўшни. У ҳаққи энг оз қўшнидир. Иккита ҳаққи бор қўшни. Учта ҳаққи бор қўшни. Буниси энг кўп ҳаққи бор қўшнидир. Энди, битта ҳаққи бор қўшника келсак, у мушрик қўшнидир. Унинг қўшнилик ҳаққи бор, холос. Иккита ҳаққи бор қўшни эса, мусулмон қўшнидир. Унинг ҳам мусулмонлик ҳаққи, ҳам қўшнилик ҳаққи бор. Учта ҳаққи бор қўшни эса, мусулмон, қариндош қўшнидир. Унинг мусулмонлик, қариндошлик ва қўшнилик ҳақлари бордир».

Маълумки, қўшнилари яхшилик қилиш жамиятдаги инсоний алоқаларни мустаҳкамлашга, жамиятни кучли-қудратли қилишга хизмат этади.

Еттинчиси — ёнбошдаги соҳиблар.

Тафсирчиларимизнинг кўплари «ёнбошдаги соҳиблар»дан мурад сафардаги ҳамроҳ ва ишдаги шерикдир, деганлар. Демак, мусулмон инсон ўзининг ҳамроҳи ва бир ишдаги касбдоши билан ҳам яхши муносабатда бўлиши, унга қўлидан келган яхшилигини — хайру эҳсонини қилиши лозим.

Саккизинчиси — кўчада қолганлар.

Буларни арабчада ибн Сабийл — кўча ў0178ли, дейилади. Булар, кўпроқ, ватандан айрилиб, сўнгра оғир иқтисодий ҳолатга тушиб қолган кишилар бўладилар. Ислоҳда бу тоифа кишиларга ҳам яхшилик қилиш буюрилган. Ҳатто закотга ҳақдор саккиз тоифадан биттаси худди шу кўчада қолганлардир. Агар уларнинг ўз ватанларида молу пуллари кўп бўлса ҳам, воқеликни ҳисобга олиб, уларнинг оғир ҳолда турганликлари эътиборидан закот берилаверади. Бу оятда закотдан ташқари ҳам уларга яхшилик қилиш мусулмонларнинг бурчи эканлиги таъкидланмоқда.

Тўққизинчиси — «Қўлингизда мулк бўлганлар», яъни қуллар.

Қулларга Ислоҳ таълимоти қанчалик яхшилик қилгани ҳақида кўп гапириб ўтилди. Бу ерда ҳам юқорида зикр этилган бошқа тоифалар қаторида уларга яхшилик қилиш яна бир бор эслатилмоқда.

Қулга қилинадиган энг катта яхшилик уни озод этишдир. Ёки унинг озод бўлишига ёрдам беришдир. Қўлида қули бор одамлар ҳам уларга яхши муносабатда бўлишлари шарт. Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Таоми, кийими ва қудрати етмайдиган ишга буюрмаслик қулларнинг ҳаққидир», деганлар. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Улар биродарларингиздир. Қулларингиздир. Аллоҳ уларни қўл остингизга берган. Кимнинг биродари қўл остида бўлса, ўзи еган таомдан егизсин, ўзи кийган кийимдан кийгизсин. Уларни қийин ишга буюрманг. Агар қийин ишга буюрсангиз, ўзингиз ёрдам беринг», деганлар.

Мазкур тўққиз тоифага яхшилик қилган одам оиласи ва жамиятидаги яхшиликка муҳтож ҳамма тоифаларга эҳсон қилган бўлади. Бу эса, ҳам оилани, ҳам жамиятни мустаҳкамлайди. Жамият аъзолари орасидаги ўзаро алоқаларни яхшилайдди. Яхшиликка ҳар бир оила, ҳар бир жамият доимо муҳтождир. Уларга яхшилик қилувчилар Аллоҳнинг амрига бўйинсунган мўмин-мусулмон, камтар кишилардир. Уларга яхшилик қилмаганлар эса, мутакаббир, сохта ғурур эгаларидир. Бундайларни Аллоҳ таоло хуш кўрмайди:

**«Албатта, Аллоҳ ўзини юқори тутувчи ва одамлар устидан фахр қилувчиларни хуш кўрмас».**

Ояти каримада биз «ўзини юқори тутувчи» деб таржима қилган маъно «мухтол»; «одам устидан фахр қилувчи», деб таржима қилган маъно «фахур» лафзлари билан келган. Луғат илми уламолари «мухтол»ни мутакаббир, ўзига бино қўйган, деб таърифлайдилар. «Фахур»ни эса, Аллоҳ берган неъмат ила одамларга фахрланади, аммо Аллоҳга шукр қилмайди, деб сифатлаганлар.

Аллоҳ таоло эса, уларни келгуси оятларда қуйидагича сифатлайди:

الَّذِينَ يَبْخُلُونَ وَيَأْمُرُونَ النَّاسَ بِالْبُخْلِ وَيَكْتُمُونَ مَا آتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ وَأَعْتَدْنَا لِلْكَافِرِينَ عَذَابًا مُهِينًا ﴿٣٧﴾

**37. Улар бахиллик қиладиган, одамларни бахилликка буюрадиган ва Аллоҳ уларга Ўз фазлидан берган нарсаларни беркитадиганлардир. Ва кофирларга хорловчи азобни тайёрлаганмиз.**

Яъни, Аллоҳ бахилларни, бахилликка буюрадиганларни ва Аллоҳ уларга Ўз фазлидан берган нарсаларни беркитадиганларни хуш кўрмайди. Бахил одам ўз қўлидаги неъматни ўзи яратгани йўқ, балки бу неъматни унга Аллоҳ берган. Аммо бу инсон шу нарсани

ўзига ўхшаган, аммо ҳозирда оғир аҳволга тушиб қолган бошқа бир инсонга беришдан қизғанади. Бахиллик жамият аъзолари ичида бир-бирини кўра олмасликка, турли фитналар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам, Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Бахилликдан сақланинглар. Чунки у сиздан олдингиларни ҳалок қилгандир. У алоқаларни узишга буюрди, уздилар. Фужурга буюрди, фужур қилдилар», деганлар.

Мазкур номаъқул инсонлар ўзлари бахиллик қилганлари етмаганидек, бошқаларни ҳам бахилликка буюрадилар. Шу билан бирга, Аллоҳ таоло томонидан берилган неъматларни беркитадилар. Одамларга кўрсатишдан қочадилар. Одамлар билиб қолмасин деб, ўзлари ҳам емай, ичмай, киймай кун кечирадилар.

Қолбуки, Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадисларида:

«Агар Аллоҳ бир бандага неъмат берса, унинг асари ўша бандада зоҳир бўлишини яхши кўради», деганлар.

Ояти кариманинг охирида:

**«Ва кофирларга хорловчи азобларни тайёрлаганмиз»**, дейилишидан, бу оятлар кимлар ҳақида экани яна ҳам равшан бўлади. Баъзи ривоятларда келишича, бу оятлар яҳудийлар ва мунофиқлар ҳақида нозил бўлгандир. Аллоҳ таоло келгуси оятларда уларнинг васфини давом эттиради:

وَالَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ رِثَاءَ النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ  
وَمَنْ يَكُنِ الشَّيْطَانُ لَهُ قَرِينًا فَسَاءَ قَرِينًا

**38. Улар молларини кишилар кўриши учун сарфларлар. Ҳамда Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирмаслар. Кимнинг яқини шайтон бўлса, у қандай ҳам ёмон яқин!**

Яна Аллоҳ хуш кўрмайдиган мутакаббир ва фахур кимсаларнинг баъзи сифатлари зикр қилинмоқда. Улар аслида бахил бўлиб, молни яхшиликка сарфлашдан қочадилар. Аммо, бордию сарфласалар ҳам, ояти каримада келганидек, кишилар кўрсин учун, риёкорлик учун сарфлайдилар.

**«Улар молларини кишилар кўриши учун сарфларлар».**

Демак, мумсик, бахил бўлиш ҳам Аллоҳ таолога ёқмайди. Риёкорона нафақа бериш ҳам Аллоҳ таолога ёқмайди. Чунки, риёкорнинг мол сарфлашдан кўзлаган мақсадлари одамлар кўрсин ва

эшитсин, гап қилсин, мақтасин, дейишдир. Аллоҳ учун, Унинг розилиги учун эмас.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ривоят қилинган бир ҳадисда қуйидагилар айтилади:

«Дўзахда энг аввал куядиганлар учтадир: риёкор олим, риёкор қозий, риёкорона нафақа қилувчи. Мол эгаси: «Сен нафақа қилишни хуш кўрган ҳеч бир нарсани қўймай ҳаммасига нафақа қилдим», дейди. Аллоҳ эса: «Бекор айтибсан, сени сахий дейишларини истаган эдинг, бу гап айтилди ҳам», дейди.

Яъни, нафақа қилишдан кўзлаган мақсадинга ҳаётини дунёда эришгансан, дейилади. Улар шундай номаъқулчиликларни қилишади.

**«Ҳамда Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирмаслар».**

Бунинг асосий сабаби эса, шайтоннинг гапига кириб, унинг йўлига юришларидир.

**«Кимнинг яқини шайтон бўлса, у қандай ҳам ёмон яқин».**

Шайтонга яқин бўлиб, уни дўст тутгандан кейин, албатта, у ўз «дўсти»ни ёмон йўлга, куфрга, риёкорликка, бахилликка ва бошқа разолатларга бошлайди. Демак, улар ўзларига ўзлари ёмонликни раво кўрибдилар.

وَمَا ذَا عَلَيْهِمْ لَوْ ءَامَنُوا بِاللّٰهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَاَنْفَقُوا مِمَّا رَزَقَهُمُ اللّٰهُ وَكَانَ اللّٰهُ بِهِمْ

عَلِيمًا

**39. Агар Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирсалар, Аллоҳ уларга ризқ қилиб берган нарсадан нафақа қилсалар, уларга нима зарар бўладир? Аллоҳ уларни яхши билувчи Зотдир!**

Умуман, иймон йўлига, дин йўлига юрган одам нима зарар кўради? Аллоҳга иймон келтирган одам нима зарар кўради? Қиёмат кунига — охиратга ишонган одам нима зарар кўради? Худонинг йўлида хайру эҳсон қилганлар нима зарар кўради? Ҳа,

**«Агар Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирсалар, Аллоҳ уларга ризқ қилиб берган нарсадан нафақа қилсалар, уларга нима зарар бўладир?»**

Ушбу саволларга чин кўнгилдан жавоб излаган киши албатта иймонга киради. Чунки, ақли бор одам учун ҳамма нарса равшан кўриниб турибди. Бунинг устига, оятда келганидек:

**«Аллоҳ уларни яхши билувчи Зотдир».**

Яна, қуйидаги оятларда васфи келадиган ҳолатнинг бўлиши ҳам муқаррардир:



إِنَّ اللَّهَ لَا يَظْلِمُ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ وَإِنْ تَكَ حَسَنَةً يُّضَعِفْهَا وَيُؤْتِ مِنْ لَدُنْهُ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿٤٠﴾

**40. Албатта, Аллоҳ заррача ҳам зулм қилмас. Агар яхшилик бўлса, бир неча бор кўпайтирур ва Ўз ҳузуридан улуғ ажр берур.**

Яъни, инсоннинг бу дунёда қилган ишлари ҳисоб-китобсиз қолмайди. Аллоҳ мутлақ адолат ила ҳукм қилади. Ҳаммага қилган амалига, ишига яраша беради. Ҳеч кимга заррача зулм этмайди.

**«Албатта, Аллоҳ заррача ҳам зулм қилмас».**

Аммо, банда:

**«агар яхшилик қилган бўлса, бир неча бор кўпайтирур».**

Қуйидаги ривоятда бу оятнинг маъноси яна ҳам равшанлашади.

Ибн Аби Ҳотим қилган ривоятда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтдилар:

«Қиёмат куни эркак бўлсин, аёл бўлсин, бандани олиб келинадида, аввалгию кейинги барча халойиқнинг олдида бир жарчи: «Манави фалончи фистончи ўғли. Кимнинг унда ҳақи бўлса, келиб олсин», деб жар чақиради. Аёл: отамда, онамда, акамда, эримда ҳақим бўлса эди, деб орзу қилади, — деб туриб «У кунда улар орасида насаблар ҳам йўқ ва бир-бирларидан сўраша олмайдилар ҳам» оятини ўқидилар ва сўзларида давом этдилар: «Аллоҳ Ўз ҳаққидан хоҳлаганини кечади. Одамларнинг ҳаққидан ҳеч нарсани кечмайди. Кейин одамларга тўғриланади.

«Одамларга ҳақларини беринглар», дейди. У:

«Эй Роббим, дунё тугади-ку, қандай қилиб уларнинг ҳақларини бераман?» дейди. Аллоҳ:

«Яхши амалларидан олиб, ҳар бир ҳақ эгасига кўрган зулмига яраша беринглар», дейди. Агар банда Аллоҳга дўст бўлса, заррача яхшилиги ортиб қолса ҳам, уни Аллоҳ бир неча бор кўпайтириб, ўшанинг савобидан жаннатга киритади. Сўнгра, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу:

«Албатта, Аллоҳ заррача ҳам зулм қилмайди. Агар яхшилик бўлса, бир неча бор кўпайтирур», оятини ўқидилар ва сўзларида давом этдилар:

«Агар банда бадбахт бўлса, фаришта:

«Эй Роббим, бунинг яхшиликлари тамом бўлди ва кўп даъвогарлари бор», дейди. Аллоҳ:

«Талабгорларнинг ёмонликларидан олиб, бунинг ёмонликларига қўшинглар. Сўнгра, унга дўзахдан жой беринглар», дейди.

Аммо бахтлиларнинг яхшиликларини кўпайтириш билан кифояланиб қолинмайди. Бунинг устига энг катта мукофот ҳам берилади. Аллоҳ уларга:

«Ўз ҳузуридан улкан ажр берур».  
Бу улкан ажрдан мурод жаннатдир.

فَكَيْفَ إِذَا جِئْنَا مِنْ كُلِّ أُمَّةٍ بِشَهِيدٍ وَجِئْنَا بِكَ عَلَى هَٰئِهِمْ شَٰهِدًا ﴿٤١﴾

#### 41. Ҳар бир умматдан бир гувоҳ келтириб, сени уларнинг ҳаммасига гувоҳ этиб келтирган чоғимизда ҳол қандоқ бўлур?!

Бу оятда қиёмат кунининг васфи келмоқда. Қиёмат кўпганида, ҳар бир умматга ўз Пайғамбари гувоҳ этиб олиб келинади. Анбиёлар эса, умматлари Аллоҳнинг амрига юрганлари ва юрмаганлари ҳақида адолатли гувоҳлик берадилар. Муҳаммад алайҳиссалом аввалдан охиргача ҳамма умматларга гувоҳлик берадилар. Ана ўшанда у кишига иймон келтирмаганлар, мутакаббир, фахур ва бахилларнинг, одамларни ҳам бахилликка буюрган ва Аллоҳ Ўз фазлидан берган неъматларни беркитганларнинг ҳоли нима бўлади? Улар ўзлари инкор этган Холиқнинг ҳузурида турибдилар, ўзлари рад қилган Пайғамбар энди уларга гувоҳлик бериши, улар ҳақидаги бор ҳақиқатни Олий Қози ҳузурида айтиши керак. Энди бу кофирлар, мунофиқларнинг ҳоли не кечади? Қиёмат қоим бўлди. Ҳақиқат юзага чиқди. Уларнинг ҳоли ниҳоятда оғир бўлади:

يَوْمَئِذٍ يَوَدُّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَعَصَوُا الرَّسُولَ لَوْ تُسَوَّىٰ بِهِمُ الْأَرْضُ وَلَا يَكْتُمُونَ اللَّهَ حَدِيثًا ﴿٤٢﴾

#### 42. Ўша кунда куфр келтирганлар ва Расулга исён қилганлар ерга қоришиб кетишни истарлар ва Аллоҳдан ҳеч гапни яшира олмаслар.

Яъни, гуноҳкор-кофирлар қиёмат кунининг даҳшатини кўрганларида, ундаги азоб-уқубат, шармандалик ва хору зорликларни билганларидан сўнг: «Қани энди ер ёрилсаю бизни ютиб, яна текислашиб қолсак», деб орзу қиладилар. Бошларига тушажак қаттиқ ҳолни англаб етгач, инсон бўлганларига пушаймон еб, тупроққа қоришиб кетишни афзал кўрадилар.

«...ва Аллоҳдан ҳеч гапни яшира олмаслар».

Ҳамма қилган гуноҳларини эътироф қиладилар.

Ўтган оятлар мажмуаси Аллоҳга ибодат қилишга амр ва унга ширк келтиришдан қайтариш билан бошланган эди. Эндиги оятда ибодатларнинг етакчиси бўлган намоз ва ундан олдин қилинадиган таҳорат ҳақида сўз кетади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَقْرَبُوا الصَّلَاةَ وَأَنْتُمْ سُكَرَىٰ حَتَّىٰ تَعْلَمُوا مَا تَقُولُونَ وَلَا  
 جُنُبًا إِلَّا عَابِرِي سَبِيلٍ حَتَّىٰ تَغْتَسِلُوا وَإِن كُنْتُمْ مَّرْضَىٰ أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ أَوْ جَاءَ أَحَدٌ مِّنْكُمْ  
 مِنَ الْغَائِطِ أَوْ لَمَسْتُمُ النِّسَاءَ فَلَمْ تَجِدُوا مَاءً فَتَيَمَّمُوا صَعِيدًا طَيِّبًا فَامْسَحُوا  
 بِرُءُوسِكُمْ وَأَيْدِيكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَفُورًا غَفُورًا ﴿٤٣﴾

**43. Эй, иймон келтирганлар! Маст ҳолингизда—то айтаётган гапингизни биладиган бўлмагунигизча—намозга яқинлашманг ва жунуб ҳолингизда ҳам то гусл қилмагунигизча. Магар йўлдан ўтувчи бўлса, майли. Агар бемор ёки сафарда бўлсангиз ёки сиздан бирингиз таҳоратхонадан келса ёхуд аёлларга яқинлашган бўлсангиз-у, сув топа олмасангиз, покиза тупроқ-ла таяммум қилинг. Бас, юзингизга ва қўлларингизга масҳ тортинг. Албатта, Аллоҳ афв ва мағфират қилувчи Зотдир.**

Бу ояти каримада кўпгина ҳукмлар баён этилгандир. Шу билан бирга, ароқни ҳаром қилиш йўлида татбиқ қилинган чоранинг яна бир босқичи ҳам шу ояти каримадан жой олгандир.

«Нисо» сурасида мусулмонлар жамиятини жоҳилият урф-одатлари ва ҳукмларидан тозалаш жараёни акс этган, деб айтдик. Жоҳилият даврида кенг авж олган разолатлардан бири ароқхўрлик эди. Кишилар ароқсиз ҳаётни тасаввур қила олмас эди. Шоирлар уни ўз шеърларида мадҳ этар эдилар. Кишилар ўзаро фахрланадиган ишлардан бири ароқхўрлик эди. Яъни, бу иллат кенг тарқалган ва чуқур илдиз отган эди.

Қуръони Карим бу дардни даволашда ўзига хос усул қўлади. Аста-секин, даражама-даража йўл тутди.

Авалло, «Наҳл» сурасида келган: «Хурмо ва узум меваларидан маст қилувчи ҳамда яхши ризқ олурсизлар» деган оятни нозил қилди. Бу оятда ароқнинг яхши нарса эмаслигига ишора бор, холос. Яъни, Аллоҳ таоло маст қилувчи ичимликни яхши ризққа қарши қўймоқда. Ароқ яхши ризқ бўлмаганидан кейин, демак, ёмон ризқ бўлади-да. Худди шу ишоранинг ўзи баъзи бир ҳассос инсонларнинг ароқдан узоқлашишига сабаб бўлган. Айни пайтда мусулмонларнинг кўпчилики оммаси унинг ёмон нарса эканини тушунганлар. Бирмунча вақт ўтгандан сўнг одамлар Пайғамбар алайҳиссаломдан ароқ ва қимор ҳақида сўраганларида, Аллоҳ таоло «Бақара» сурасидаги: «Сендан ароқ ва қимор ҳақида сўрайдилар. Уларда катта гуноҳ ва одамларга манфаат бордир. Гуноҳлари нафидан каттадир», деб

айтгин», деган оятни нозил қилган. Бу оят аввалгисини қўллаб-қувватлади. Одамларнинг Пайғамбар алайҳиссаломдан ароқ ҳақида сўрашлари ҳам бежиз эмас эди. Чунки, исломий жамиятда ноўрин, гуноҳ ишларни идрок этиш ҳисси кишиларда кучайиб бораётган эди. Бу оят нозил бўлгандан кейин мусулмонларда ароққа нисбатан нафрат ҳисси яна ҳам кучайди. Кўпчилик ичишни ташлади. Лекин бу, ароқни тамомила ҳаром этиш, дегани эмас эди.

Имом Термизий ва Ибн Аби Ҳотимлар Али ибн Аби Толиб карамаллоҳу ваҳҳаҳудан ривоят қилган ҳадисда, у киши қуйидагиларни айтадилар:

«Абдурроҳман ибн Авф таом қилиб бизни меҳмонга чақирди. Ароқ ҳам қуйиб берди. Бизга ароқ ўз таъсирини кўрсатди. Намоз вақти бўлиб қолувди, фалончини олдинга – имомликка ўтказдилар. У «Эй кофирлар! Сиз ибодат қиладиганга мен ибодат қилмайман ва сиз ибодат қиладиганга биз ибодат қиламиз», деб ўқиб юборди. Шунда Аллоҳ:

**«Эй, иймон келтирганлар! Маст ҳолингизда – то айтаётган гапингизни биладиган бўлмагунингизча – намозга яқинлашманг...»** деган оятини нозил қилди. Бу мусулмонларга қаттиқ таъсир қилди. Чунки, намоз энг зўр ибодат, уларнинг кўз қорачиғи ҳисобланар эди.

Иккинчидан, кофирлар билан тикма-тик тортишиб турган ғоялари улар ибодат қилган нарсага ибодат қилмаслик эди. Намозда туриб оят маъносини тесқари қилиб, «сиз ибодат қилганга биз ибодат қиламиз», деб юборилиши катта мусийбат эди. Ушбу оят тушгандан сўнг, ароқ ичиш имкони яна ҳам камайди. Чунки беш вақт намознинг орасида маст бўлмай туриш осон эмас эди. Кейинроқ ароқни бутунлай ҳаром қилувчи оят нозил бўлди.

Шу тариқа Ислом тўрттагина оят билан асрлар бўйи тузалмас дард бўлиб келаётган ижтимоий иллатни муолажа қилди. Ҳозиргача ҳеч ким бу ишни уддалай олмаяпти. Албатта, ҳозир биз ўрганаётган оятдаги ҳукм вақтинчалик ҳисобланган. Чунки кейин тушган оят ароқни буткул, бир томчисини ҳам ҳаром қилган.

**«ва жунуб ҳолингизда ҳам то ғусл қилмагунингизча».**

Бунга биноан, эркак бўлсин, аёл бўлсин, жунуб шахслар намоз ўқий олмайдилар. Ушбу ҳукм нифос ва ҳайздаги аёлларга ҳам жорийдир. Улар нифос ва ҳайздан покланиб, ғусл қилиб, кейин намоз ўқийдилар.

Ояти каримадаги:

**«Магар йўлдан ўтувчи бўлса, майли»** жумласининг маъноси ҳақида уламолар бир қанча баҳслар юритганлар. Баъзилар бунинг

маъноси — сафардаги одам жунуб бўлиб қолса-ю, ғусл қилишга сув ва имконият топа олмаса, жунуб бўйича таяммум билан намоз ўқий-веради, деганлар. Бошқалари эса, бундан мақсад масжидга жунуб ҳолида яқин келмаслик. Магар йўл сифатида масжиддан юриб ўтса, майли, деганидир, деб таъвийл қилганлар. Ушбу ояти карима нозил бўлган пайтларида айрим ансорий саҳобаларнинг ҳужра эшиклари масжидга қараган эди. Яъни, хонасидан чиқиши билан масжидга қадам қўйишар экан. Баъзи ҳолатларда хонада сув бўлмаса-ю, жунуб бўлиб қолсалар, сув олишга бориш учун масжиддан ўтишга мажбур бўлар эканлар. Ана ўшаларни «йўлдан ўтувчи» дейилмоқда. Пайғамбаримиз алайҳиссалом умрларининг охирларига келиб: «Абу Бакрнинг дарчасидан бошқа масжид томондан очилган дарчаларни беркитинглар», деганларини имом Бухорий ривоят қилганлар. Ҳазрати Абу Бакр кейинчалик халифа бўлишларини, масжидга кўп чиқишлари зарурлигини кўзда тутиб шундай деган эканлар.

Ушбу ўрганган жумламиздан таҳоратсиз намоз ўқиб бўлмаслигини англаб олдик. Жунуб бўлган одам ғусл қилмагунча намозга яқин келмаслиги керак экан. Мабодо, ғусл қилгани сув топа олмаса ёки сувни истеъмол қилиш имконини топа олмаса, нима бўлади, деган савол пайдо бўлади. Бу ва шунга ўхшаш саволларга оятнинг кейинги жумласида жавоб келади.

**«Агар бемор ёки сафарда бўлсангиз ёки сиздан бирингиз таҳоратхонадан келса ёхуд аёлларга яқинлашган бўлсангиз-у, сув топа олмасангиз, покиза тупроқ-ла таяммум қилинг».**

Ушбу жумладаги «таҳоратхонадан келса» ибораси таҳорат синишга, «аёлларга яқинлашган бўлсангиз» эса, жинсий алоқа туфайли жунуб бўлишга ишоратдир. Лекин таҳорат ва ғуслга сув топилмаса, тоза тупроқ-ла таяммум қилинади. Шунингдек, сув тегиши билан касаллиги кучайиб кетадиган беморларга ҳам таяммумга рухсат этилган. Уламолар беморликнинг таяммумни жоиз қиладиган даражасини бундай белгилашган: агар сув ишлатса, бирор аъзоси ишдан чиқадиган ёки айбдор бўлиб қоладиган ёки тузалиши орқага суриладиган бўлса, беморларга таяммум жоиз. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, таяммум таҳоратнинг ҳам, ғуслнинг ҳам ўрнини босиши мумкин. Яъни, таҳорати йўқ одам таҳоратни ният қилиб таяммум қилса, таҳорат ўрнига ўтади. Жунуб одам ғуслни ният қилиб таяммум қилса, ғусл ўрнига ўтади.

Имом Аҳмад Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар билан бирга намоз ўқимамай четда турган бир кишини кўриб:

«Эй Фалончи, одамлар билан намоз ўқишингга нима монелик қилди? Муслмон эмасмисан?!» деб сўрадилар. У киши:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, албатта, муслмонман. Аммо менга жунублик етган эди. Сув йўқ», деди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Тупроқни ишлат. У сенга кифоя қилади», дедилар.

Биз «аёлларга яқинлик қилган бўлсангиз», деб таржима қилган ибора оятда «Ломастумун-ниса» деб келган. Араб тилида «ломаса» сўзи ушлаш маъносида ҳам ва жинсий яқинлик қилиш маъносида ҳам ишлатилади. Шунинг учун, уламолар бу калима маъносида ва ундан келиб чиқадиган ҳукмларда анчагина баҳс этганлар. «Ломаса» ушлаш маъносини англатади, дегувчилар, эркак кишининг бадани, жумладан, қўли ҳам ўзига никоҳи ҳалол бўлган аёлга тегса, таҳорати кетади, деб ҳисоблайдилар. «Ломаса»нинг маъносини жинсий яқинлик, дейдиган уламолар эса, жумладан, ҳанафий мазҳаби уламолари, аёл кишига қўли ёки баданининг бирор жойи теккан билан таҳорати кетмайди, деб ҳукм қиладилар. Оятда «тоза тупроқ» деб сифатланган жинсга, ҳанафий маҳзаби бўйича, тупроқ, қум, турли қоришма ва бошқа нарсалар киради. Ўша нарсалар билан таяммум қилса бўлади.

«Таяммум» сўзи луғатда «қасд қилмоқ» маъносини англатади. Таяммумни қандай қилишни ушбу оятнинг кейинги жумласи баён қилган:

**«Бас, юзингизга ва қўлларингизга масҳ тортинг!»**

Таяммум қилмоқчи бўлган одам икки кафтини тупроқ жинсига уриб, аввал юзига суртади. Яна бир уриб туриб, икки қўлининг чиқаноқларигача суртади.

Таяммумни шариатга киритиш асосан намоз учун бўлмоқда. Намоз энг улкан ибодат. Банда ўз Роббига муножот қилишдан — намоз ўқишдан аввал покланиб таҳорат қилади. Аммо покланиш учун сув топилмай ёки сув ишлатиш имкони бўлмай қолса ҳам, намозни тарк этишга руҳсат йўқ, таяммум қилиб бўлса-да, ўқиш зарур. Бу, бир томондан, Ислом динининг одамларга енгиллик йўлини танлаганини кўрсатса, иккинчи томондан, намознинг аҳамиятини яна бир бор кўрсатади. Таяммумнинг бу шаклда шариатга киритилишининг ҳақиқий ҳикмати, бошқа аҳкомлар каби, Аллоҳнинг Ўзи билади. Шу билан бирга, баъзи уламолар фикрлари етганича ҳикматни идрок этишга ҳаракат қилганлар.

Таҳорат Аллоҳ таоло билан бўладиган мулоқотга руҳий тайёрланиш вазифасини ҳам ўтайди. Бу тайёргарлик рамзи сифатида бирор амал қилиш керак эди. Таяммум таҳорат ва ғусл ўрнига ўша амал вазифасини ўтайди.

Иккинчидан, таҳорат ёки ғулга имкон бўлмаган ҳолларда намоз ўқишдан тўхтаган одам намозни тарк этишга одатланиб қолади. Таяммум ҳукми эса, кишининг намозини муҳофаза қилади. Шулар ҳисобга олинса, таяммумнинг Ислом шариатига киритилиши Аллоҳнинг мусулмонларга кўрсатган улкан меҳрибонлиги ва фазли эканини тушуниб етилади.

Имом Муслим Ҳузайфату ибн Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом қуйидагиларни айтдилар:

«Уч нарсадан одамлар устидан фазилатли бўлдик: сафларимиз фаришталарнинг сафларидек қилинди; ернинг барчаси бизга масжид қилинди; агар сув топмасак, тупроқ бизга покловчи қилинди».

Ислом жамиятини барпо этиш ҳаракатига жоҳилона қаршилиқ фақат мушрик араблардагина содир бўлмади. Балки аҳли китоб бўлмиш насоро ва яҳудийлар ҳам, улар жорий қилган жоҳилий урф-одатлар, динни бузадиган ҳаракатлар ва жаҳолатлар ҳам кўп тўсқинлик қилган.

Келаси оятларда соф исломий жамият қуриш йўлидаги ана шундай ишлар муолажа қилинади:

أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ أُوتُوا نَصِيبًا مِّنَ الْكِتَابِ يَشْتَرُونَ الضَّلَالََةَ وَيُرِيدُونَ أَن تَضِلُّوا السَّبِيلَ ﴿٤٤﴾

#### 44. Китобдан насиба берилганларнинг залолатни сотиб олишларини ва сиз йўлдан адашишингизни иташларини кўрмайсизми?

Бу ерда «Китобдан насиба берилганлар» деб яҳудийлар назарда тутилган. Аллоҳ таоло уларга Мусо алайҳиссалом орқали Таврот китобини бериб, ҳидоятга бошлаган эди. Аммо улар бу ҳидоятни тарк этиб, залолатга юрдилар. Яъни, ҳидоят ўрнига залолатни — адашувни сотиб олдилар. Бу жуда ҳам ажабланарли иш. Аммо яҳудийлар бу билан кифояланиб қолмайдилар. Балки Исломнинг ҳақ эканини билиб туриб, мусулмонларнинг ҳидоятда эканликларини англаб туриб, уларни йўлдан адаштиришни хоҳлайдилар. Бу эса, янада ажабланарли ишдир.

وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِأَعْدَائِكُمْ وَكَفَى بِاللَّهِ وَلِيًّا وَكَفَى بِاللَّهِ نَصِيرًا ﴿٤٥﴾

#### 45. Аллоҳ сизнинг душманларингизни билувчи Зотдир. Валийликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур. Нусрат берувчиликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур.

Аллоҳ таоло мусулмон бандаларига хабар бериб, душманларингизнинг ким эканлигини биламан, демоқда. Шу билан бирга, душман қанчалик кучли ва маккор бўлмасин, қўрқишга ҳожат йўқлигига ишоратан:

**«Валийликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур. Нусрат берувчиликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур»,** демоқда.

Демак, мусулмон бандалар доимо Аллоҳга валий — дўст бўлишга ҳаракат қилмоқлари лозим. Доимо фақат Аллоҳнинг Ўзидангина нусрат кутишлари лозим.

مَنْ الَّذِينَ هَادُوا يُحَرِّفُونَ الْكَلِمَ عَنْ مَوَاضِعِهِ، وَيَقُولُونَ سَمِعْنَا وَعَصَيْنَا وَأَسْمَعُ  
غَيْرَ مُسْمِعٍ وَرَاعِنَا لِيَّأْ بِلْسِنَتِهِمْ وَطَعْنَا فِي الدِّينِ وَلَوْ أَنَّهُمْ قَالُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا وَأَسْمَعُ  
وَأَنْظُرْنَا لَكَانَ خَيْرًا لَّهُمْ وَأَقْوَمَ وَلَٰكِن لَّعَنَهُمُ اللَّهُ بِكُفْرِهِمْ فَلَا يُؤْمِنُونَ إِلَّا قَلِيلًا

**46. Яҳудий бўлганлардан калималарни ўз жойидан бузиб-ўзгартирувчилар бор.** Улар тилларини буриб ва динга таъна етказиб: «Эшитдик ва исён қилдик, эшит, эшитмай қолгур ва «Роина» дерлар. Агар улар, эшитдик, ва итоат қилдик, эшит ва бизга назар сол, деганларида, албатта, ўзларига яхши ва тўғри бўлар эди. Лекин Аллоҳ уларни куфрлари сабабли лаънатлади. Бас, озгиналаридан бошқалари иймон келтирмаслар.

Яҳудийлар аввалдан макр ва ҳийла билан машҳурлар. Ислом дини ер юзиде тарқала бошлаб, мусулмонлар жамоаси пайдо бўла бошлагандан эътиборан улар ўз макру ҳийлаларини бу ёш жамятга қарши қаратганлар.

Бу борадаги разилликлари шу даражага етдики, ҳатто Аллоҳ уларга ҳидоят манбаи қилиб берган Тавротни ҳам бузиб кўрсатдилар.

**«Яҳудий бўлганлардан калималарни ўз жойидан бузиб-ўзгартирувчилар бор».**

Зотан, манфаатлари йўлида Аллоҳнинг каломини бузиб кўрсатиш уларнинг эски одатидир. Бу ишда улар ҳаммадан ўтиб кетишган.

Яҳудийлар Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг чин Пайғамбар эканликларини бошқалардан кўра яхшироқ билиб туриб, у кишига нисбатан ҳеч ким қилмаган беодобликларни, ҳурматсизликларни қиладилар. Ушбу оятда ана ўша беодоблик ва ҳурматсизликларидан намуна ҳам келтирилади:

**«Улар тилларини буриб ва динга таъна етказиб: «Эшитдик ва исён қилдик, эшит, эшитмай қолгур ва «Роина» дерлар».**



Яъни, яҳудийлар разилона сўз ўйини қилишади. Сиртдан чиройли, одобли сўзларни айтгандек кўринишади, аммо аслида тилларини буриб, ўша сўзларнинг иккинчи – ёмон маъносини ифодалашади. Бу қилиқлари билан Пайғамбар алайҳиссаломга, динга таъна етказмоқчи бўлишади. Мисол учун, Пайғамбаримиз алайҳиссалом бир гапни айтсалар, мўмин-мусулмонлар, эшитдик ва итоат қилдик, дер эдилар. Яҳудийлар эса, эшитдик ва исён қилдик, дейишади. Сиртдан қараганда, худди мўминларга ўхшаб жавоб берганга ўхшашади. Аслида эса, у кишини масхара қилмоқчи ва динга таъна етказмоқчи бўладилар.

Шунингдек, мўмин-мусулмонлар Пайғамбаримизнинг эътиборларини ўзлари сўзлайдиган сўзга тортмоқчи бўлсалар, «Исмаъ қойра мусмаъин» дер эдилар. Бу одоб ва эҳтиром маъносидаги мурожаат бўлиб, «эшит, эшитишга амр қила олмаймиз-у...» деган мақсадни ифода қилар эди. Яҳудийлар эса, ўша «исмаъ қойра мусмаъин» деяётганга ўхшаб туриб, ундан «эшит, эшитмай қолгур» (яъни, «кар бўлгур») маъносини чиқаришар эди.

Мўмин-мусулмонлар ўзларига Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак назарлари тушиб туришини истаб, ул зотнинг риояларидан четда қолмаслик орзусида у зотга «Роина» (бизни риоятингизга олинг), дер эдилар. Бошқача қилиб айтганда, биз ҳам назарингиздан четда қолмайлик, деганга ўхшаш одобли, яхшилик умидидаги гап эди. Яҳудийлар буни ҳам бузиб талаффуз этиб, «руъунот» (енгил-таклик) маъносида ишлатдилар. Бу каби қитмирликлар яҳудийларнинг ўзларига хос разил одатларидан эканлиги баъзи ҳадиси шарифлардан ҳам маълум. Жумладан, улар Пайғамбар алайҳиссаломни ва мусулмонларни кўрсалар, гўё салом бераётган бўлиб, худди «ас-Салому алайкум»га ўхшатиб, аммо аслида, «ас-Сому алайкум» (сизга ўлим бўлсин) дер эдилар. Бу даражадаги пасткашлик аҳли китобликни даъво қилувчилар учун муносиб эмас эди. Аллоҳ Пайғамбар юбориб, у орқали илоҳий китоб туширган қавм бундай разилликка бормаслиги керак эди.

**«Агар улар, эшитдик ва итоат қилдик, эшит ва бизга назар сол, деганларида, албатта, ўзларига яхши ва тўғри бўлар эди».**

Лекин афсуски, бундай қилмадилар. Улар ўзларига лойиқ бўлмаган ишларни қилдилар. Оқибатда, куфрлари сабабли Аллоҳнинг лаънатига учрадилар.

**«Бас, озгиналаридан бошқалари иймон келтирмаслар».**

Дарҳақиқат, ўн беш асрлик узун Ислом тарихида мусулмон бўлган яҳудийлар жуда ҳам оз. Аллоҳ таолонинг сўзи доимо ростдир!

Кейинги оятларда аҳли китобларни Қуръонга иймон келтириш-

га даъват қилинади ва Аллоҳнинг мағфирати кенг бўлиб, ширқдан бошқа гуноҳларни кечирishi баён қилинади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ ءَامِنُوا بِمَا نَزَّلْنَا مُصَدِّقًا لِّمَا مَعَكُمْ مِّن قَبْلٍ أَن نَّطْمِسَ  
 وُجُوهًا فَنَرُدَّهَا عَلَىٰ أَدْبَارِهَا أَوْ نَلْعَنَهُمْ كَمَا لَعَنَّا أَصْحَابَ السَّبْتِ ؕ وَكَانَ أَمْرُ اللَّهِ مَفْعُولًا ﴿٤٧﴾

**47. Эй, китоб берилганлар! Юзларни бузиб, орқаларига бурмасимиздан ёхуд уларни шанба одамларини лаънатлаганимиздек лаънатламасимиздан олдин, сизлардаги нарсани тасдиқловчи бўлиб келган нарсага иймон келтиринг. Аллоҳнинг иши амалга ошгусидир.**

Бу оятда яҳудийларга, агар улар Қуръони Каримга иймон келтирмасалар, қаттиқ таҳдид борлиги баён қилинмоқда. Бу таҳдидларнинг бири — юзларидаги инсонлик аломатлари бўлмиш кўз, бурун, оғиз каби аъзолар бузиб ташланиб, орқа томонига буриб ташлашдир. Шунда одамлик ҳолидан чиққан бу махлуқ орқага юрадиган бўлади. Иккинчи таҳдид ҳам биринчисидан қолишмайди. Бунда Аллоҳ таоло уларни худди шанба одамларини лаънатлагандек лаънатлашни ваъда қилмоқда. Шанба одамлари ҳам яҳудийлар бўлиб, уларнинг қиссаларини аввалги оятлар тафсирида келтирганмиз. Уларнинг шариати бўйича, шанба куни ишлаш, жумладан, балиқ овлаш ман қилинган эди. Аммо улар шумлик қилиб, бу илоҳий амрни ҳам буздилар. Алоҳида ҳовузлар қазиб, шанба куни балиқларни қамаб олиб, бошқа кунлари тутишди. Шунда Аллоҳнинг қазаби келиб, уларни маймун ва тўнғизга айлантирди. Бу оятда Аллоҳ таоло уларни ўша ўтган аждодларига келган азоб билан қўрқитмоқда.

**«Эй китоб берилганлар! Юзларни бузиб, орқаларига бурмасимиздан ёхуд уларни шанба одамларини лаънатлаганимиздек лаънатламасимиздан олдин, сизлардаги нарсани тасдиқловчи бўлиб келган нарсага иймон келтиринг».**

Худди шу оят Каъбул Аҳбор исмли улуғ тобеъиннинг Исломга келишига сабаб бўлган. У киши яҳудийларнинг катта олимларидан эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида иймонга келмаган эди.

Имом Ибн Аби Ҳотимнинг ривоят қилишларича, Каъбул Аҳборнинг Абу Муслим ал-Хомлий исмли устозлари бўлиб, у киши Каъбни Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг даврларида иймон келтирмагани учун доимо маломат қилар ва унга одам юбориб: «Кўриб келчи, ўзгармай турибдимикан?» дер эди. Каъбул Аҳбор ўзлари шун-

дай ҳикоя қиладилар: «Улов миниб Мадийнага келаётсам, бир қори Қуръон тиловат қиладиган экан: «Эй, китоб берилганлар! Юзларни бузиб, орқаларига бурмасимиздан ёхуд уларни шанба одамларини лаънатлаганимиздек лаънатламасимиздан олдин сизлардаги нарсани тасдиқловчи бўлиб келган нарсага иймон келтиринг», оятини ўқиб қолди. Шошилиб, бузилиб кетмадимикин, деб юзимни ушлаб кўрдим-да, сув топиб ғул қилиб, мусулмон бўлдим», дейдилар.

Ибн Жарир ривоят қилган хабарда Каъбул Аҳборнинг Исломга кириши ҳазрати Умари Одилнинг халифалик даврларида бўлгани айтилган.

Ояти кариманинг сўнгида таҳдидни яна ҳам таъкидлаб:

**«Аллоҳнинг иши амалга ошгусидир»,** дейилмоқда.

Яъни, Аллоҳ бир ишни айтса, албатта, амалга ошади. Ошмай қолмайди. Жумладан, ушбу оятда айтилган иш ҳам.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ  
أَفْتَرَىٰ إِثْمًا عَظِيمًا ﴿٤٨﴾

**48. Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Ундан бошқа гуноҳни, кимни хоҳласа, кечирадир. Ким Аллоҳга ширк келтирса, шубҳасиз, катта гуноҳни тўқибдир.**

Ширк келтириш катта гуноҳ эканлиги бошқа оятларда ҳам қайта-қайта таъкидланган. Аммо бу оятда ширк ягона кечирилмас гуноҳ эканлиги билдирилмоқда.

**«Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас».**

Аслида, ширк — яратувчиликда, ибодат ва тарбиякунандаликда Аллоҳдан бошқани Унга шерик деб билишдир. Ким ширкка мансуб ақийдани ўзига муносиб кўрса ёки амалини қилса, мушрик ҳисобланади. Жумладан, аҳли китоб бўлмиш яҳудий ва насоролар ҳам бир томондан мушрик ҳисобланадилар. Уларнинг мушриклик аломатлари кўп бўлиб, энг кўзга кўрингани, масалан, яҳудийларнинг «Узайр Аллоҳнинг ўғли», деб эътиқод қилишларидир. Насороларнинг «Ийсо Аллоҳнинг ўғли», деб билишлари ҳам шулардан бошқа нарса эмас. Ширкнинг ҳар бир кўриниши катта зулмдир. Зулм бўлганда ҳам, Аллоҳга, яратган Зотга, ризқ берган Зотга нисбатан зулмдир. Кимки ширк келтирса, ўзи билан Аллоҳ ўртасидаги алоқани узган бўлади. У энди Аллоҳнинг мағфиратига лойиқ бўлмай қолади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло ширк келтирганларнинг гуноҳини ҳеч қачон кечирмайди. Аммо иймон билан ўтганларнинг — ширк кел-

тирмаганларнинг бошқа гуноҳлари бўлса, хоҳлаган одамани мағфират қилаверади.

**«Ундан бошқа гуноҳни, кимни хоҳласа, кечиради. Ким Аллоҳга ширк келтирса, шубҳасиз, катта гуноҳни тўқибдир».**

Имом Ибн Аби Ҳотим Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳга ширк келтирмай вафот этган ҳар бир жон мағфиратга сазовордир. Аллоҳ хоҳласа, уни азоблайди, хоҳласа кечиради. Албатта, Аллоҳ ўзига ширк келтирилишини кечирмайди. Ундан бошқа гуноҳни, кимни хоҳласа, кечиради», деганлар.

Кейинги оятларда яҳудийларнинг асл башаралари яна ҳам очиб ташланиб, мусулмонлар жамоасига улар яқиндан таништирилади:

أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ يَزُكُّونَ أَنفُسَهُمْ بَلِ اللَّهُ يُرَكِّي مَن يَشَاءُ وَلَا يَظْلَمُونَ فَتِيلًا ﴿٤٩﴾

**49. Ўзларини пок қилиб кўрсатаётганларни кўрмайсанми?! Йўқ! Аллоҳ кимни хоҳласа, шуни поклайдир. Ва қилча зулм қилинмаслар.**

Яҳудийлар ўзларини ўзлари поклаб кўрсатишади. Жуда ҳам баланддан келишади. Ўзларини Аллоҳнинг болалари ва маҳбублари ҳисоблаб: «Бизга дўзах ўти тегмайди, тегса ҳам, саноқли кунлар тегади, холос; яҳудий бўлиб туғилмаганлар ҳидоятга сазовор эмас, биз Аллоҳнинг танлаб олган халқимиз», дейдилар. Бошқа халқлар — уларнинг назарида — яҳудийларнинг эшаги ҳисобланади. Яҳудий наслидан бўлмаганлар уларнинг динига кириши мумкин эмас. Уларнинг ўзларини бунчалик юқори тутишларига омил бўлган нарса бир вақтлар Аллоҳ томонидан уларга берилган фазлдир. Ҳақиқатан ҳам. Аллоҳ уларни ўз замонасидаги бош-қа халқлардан кўра фазллик қилди. Лекин улар Аллоҳ кўрсатган йўлдан бошқа йўлга юрдилар. Ер юзида ноҳақликлар қилдилар. Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳалол, ҳалол қилган нарсаларни ҳаром, дедилар. Рибохўрлик ва бошқа жиноятларга қўл урдилар. Шу билан бирга, яна: «Биз Аллоҳнинг танланган бандаларимиз, умиз-бумиз», деб ўзларини поклаб кўрсатадилар ва фахрланадилар.

**«Ўзларини пок қилиб кўрсатаётганларни кўрмайсанми?!»**

Аслида эса, кимни поклаш Аллоҳ таолонинг Ўзининг ишидир. У зот кимни хоҳласа, шуни поклайди. Поклаш учун адолатни ўлчов қилиб олган. Инсонларни иймонига, қилган амалига қараб поклайди. Бу ишда бирор бандага қилча ҳам зулм қилмайди.

**«Йўқ! Аллоҳ кимни хоҳласа, шуни поклайдир. Ва қилча зулм қилинмаслар».**

Ҳозирги кунда асли мусулмон эканлигини фахр билан эслаб, ота-боболарининг ўқиган намозию бошқа ибодатлари билан жаннатга киришни даъво қилиб юрганлар ҳам бу улкан ҳақиқатни ўйлаб кўрсалар, яхши бўлар эди.

أَنْظُرْ كَيْفَ يَفْتَرُونَ عَلَى اللَّهِ الْكَذِبَ وَكَفَى بِهِ إِثْمًا مُّبِينًا ﴿٥٠﴾

**50. Уларнинг Аллоҳга ёлғон тўқишини кўрмайсанми?! Шунинг ўзи ҳам очиқ-ойдин гуноҳликка етарлидир.**

Аллоҳнинг йўлидан юрмай туриб, ўзини пок деб даъво қилиш, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқишдир. Аслида, банда, ким бўлишидан қатъи назар, Аллоҳ кўрсатган йўлдан юрмоғи лозим. Поклаш ҳам Аллоҳнинг ишидир.

**«Шунинг ўзи ҳам очиқ-ойдин гуноҳликка етарлидир».**

Демак, бошқа гуноҳларни қўя турганда ҳам, Аллоҳнинг йўлига юрмасдан, ўзини пок ҳис қилишнинг ўзиёқ очиқ-ойдин гуноҳ, икки дунё бадбахтлигига дучор этишга етарлидир. Бу ҳақиқатни ҳар бир инсон англаб етмоғи лозим.

أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ أُوتُوا نَصِيبًا مِّنَ الْكِتَابِ يُؤْمِنُونَ بِالْجِبْتِ وَالطَّاغُوتِ وَيَقُولُونَ لِلَّذِينَ كَفَرُوا هَتُّؤُلَاءِ أَهْدَىٰ مِنَ الَّذِينَ ءَامَنُوا سَبِيلًا ﴿٥١﴾

**51. Китобдан насибадор бўлганларнинг, ботилга ва тоғутга иймон келтиришларини ва куфр келтирганларни (кўрсатиб): «Анавилар, иймон келтирганлардан кўра ҳидоятлироқ йўлдалар», дейишларини кўрмайсанми?!**

Бу ояти каримада яҳудийлар энди

**«Китобдан насибадор бўлганлар»,** деб тавсифланмоқда.

Биз «ботил» деб таржима қилган сўз оятда «жибт» деб келган. Араб тилида жибт — бут, санам, фолбин ва сеҳргарга ўхшаш нарсаларга ишлатилади. «Тоғут» эса — Аллоҳнинг шариатидан бошқа шариат ва Аллоҳнинг шариатига асосланмаган ҳукмдир.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло яҳудийларни жибт ва тоғутга иймон келтирганлар, деб васф қилмоқда.

Ҳолбуки, яҳудийлар аҳли китоб ўлароқ, бошқалардан аввалроқ Аллоҳга, Қуръонга, Исломга, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васал-

ламга иймон келтирмоқлари керак эди. Бунинг ўрнига, улар ботилга — буту санамга, коҳину сеҳргарларга иймон келтирдилар.

Тоғутнинг (шайтоннинг) ва ўзларининг ахборларининг (диний олимларининг) жорий этган шариатига, ҳукмига амал қилишга ўтдилар. Бу ҳам етмаганидек, ўзларини зўр фаҳмлаб: Биз Аллоҳнинг болаларимиз, маҳбубларимиз ва танлаб олган халқимиз, деб ноўрин даъво ҳам қиладилар. Ҳудди шу бемаъни даъво туфайли улар бошқа халқлар устидан ҳукм чиқаришга ҳам ўзларини салоҳиятли деб билдилар ва:

**«Куфр келтирганларни (кўрсатиб): «Анавилар, иймон келтирганлардан кўра ҳидоятлироқ йўлдалар»,** дейишгача бориб етдилар.

Яъни, кофирлар мусулмонлардан кўра тўғри йўлда эмишлар?!

Бу жумланинг маъноси яна ҳам тушунарлироқ бўлиши учун тарихий ҳодисаларга, ояти карима нозил бўлган вақтдаги воқеаларга мурожаат қилайлик.

Имом Ибн Аби Ҳотим Икрима розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Ҳайй ибн Ахтоб ва Каъб ибн Ашраф каби яҳудийлар Макка аҳли ҳузурига келдилар. Маккаликлар уларга:

«Сизлар аҳли китоб, аҳли илмсизлар. Бизга ўзимизнинг ҳақимизда ва Муҳаммад ҳақида хабар беринглар», дейишди. Яҳудийлар:

«Сизлар нима қиласизлар? Муҳаммад нима қилади?» деб сўрадилар.

«Биз силаи раҳм қиламиз, туя сўйиб гўшт тарқатамиз, сув берганга сут берамиз, қул озод қиламиз, ҳожиларга сув тутамиз. Муҳаммад эса, силаи раҳмни кесди, Фифор қабиласидаги ҳожилар молининг ўғрилари унга эргашдилар. Биз яхшими, уми?» — дейишди. Яҳудийлар:

«Сизлар яхши ва йўлингиз ҳидоятли», деб жавоб қилдилар.

Шунда Аллоҳ таоло: «Китобдан насибадор бўлганларнинг... кўрмайсанми?!» оятини туширди.

Яҳудийларнинг бу ишлари доимий равишда давом этди ва этмоқда. Аммо ҳақиқат улар айтганча эмас. Ҳақиқат улар айтганининг тескарисидир. Иймон келтирганларни икки дунёда бахтиёр қилишни ўз кафолатига олган Аллоҳ яҳудийларга бўлган муносабатини қуйидагича изҳор қилади:

أُولَٰئِكَ الَّذِينَ لَعَنَهُمُ اللَّهُ وَمَنْ يَلْعَنِ اللَّهُ فَلَنْ تَجِدَ لَهُ نَصِيرًا

**52. Ана ўшаларни Аллоҳ лаънатлагандир. Кимни Аллоҳ лаънатласа, унга ҳеч нусратчи тополмассан.**

Китобдан насибадор бўла туриб, жибт ва тоғутга иймон келтирган, кофирларни мусулмонлардан афзал кўрган яҳудийларни Аллоҳ таоло лаънатлади. Ўз раҳматидан узоқ қилди. Аллоҳнинг лаънатига учраган шахсга эса, ҳеч ким ёрдамчи бўла олмас. Демак, улар икки дунёда чорасиз қолдилар. Оятнинг «яҳудийлар» деб тайин қилмасдан, «ана ўшаларни» деб ифодалаш, яъни жибт ва тоғутга иймон келтирувчиларга ишора қилиниши, мазкур ҳукмнинг умумий эканлигига далилдир. Демак, Аллоҳнинг Қуръонидан насибадор бўла туриб, турли буту санам, фолбину сеҳргарга ва улар каби бошқа жибтларга ишонган, Аллоҳнинг шариатини, ҳукмини қўйиб, бошқа шариат, дастур ва ҳукмларни қабул қилганлар ҳам ушбу оят ҳукми остига киради.

أَمْ هُمْ نَصِيبٌ مِّنَ الْمَلِكِ إِذَآ لَا يُؤْتُونَ النَّاسَ نَقِيرًا ﴿٥٣﴾

**53. Ёки улар мулкдан насибадорлар-у, шундай тақдирда ундан одамларга зифирча ҳам бермасларми?!**

Аввалги ва ушбу оятлардаги васфлардан маълум бўляптики, яҳудийлар ўзларини худди Аллоҳнинг мулкига шерикдек, ўша мулкдан насибадордек тутаётирлар. Хўш, нега улар ўзларини бундай тутадилар?!

أَمْ يَحْسُدُونَ النَّاسَ عَلَىٰ مَاءِ أَنَّهُمْ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ ۗ فَقَدْ ءَاتَيْنَا آلَ إِبْرَاهِيمَ الْكِتَابَ  
وَالْحِكْمَةَ وَءَاتَيْنَاهُمْ مُلْكًا عَظِيمًا ﴿٥٤﴾

**54. Ёки Аллоҳ одамларга Ўз фазлидан берган нарсаларга ҳасад қилмоқдаларми? Батаҳқиқ, Иброҳим оиласига китобни, ҳикматни ва улўф мулкни берганмиз-ку?!**

Ажабо, Аллоҳ таоло Ўз фазлидан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мусулмонларга берган фазлга яҳудийлар нега бунчалик ҳасад қиладилар?! Аллоҳ Муҳаммад алайҳиссаломга Пайғамбарликни, Қуръонни берган бўлса, мусулмонларга Пайғамбар юбориб, китоб тушириб, янги динни бериб, янги жамият тузиш имконини берган бўлса, Иброҳим оиласидан бўлмиш яҳудийларга ҳам Ўз китоби Тавротни туширган-ку! Ҳикмат эгаси бўлмиш турли Пайғамбарларни юборган-ку ва улар асрлар бўйи улўф давлатни бошқарганлар-ку? Энди улардан эмас, бошқа тоифадан Пайғамбар чиқса, унга китоб туширилса ва исломий жамият қуриш топширилса, нега бунга ҳасад

қиладилар?! Агар ҳеч нарсага эга бўлмай, бошқага етган неъматга ҳасад қилинса ҳам, тушунса бўларди. Аммо ўзи бошидан-оёғигача неъматга кўмилиб туриб, бошқаларга берилган неъматга ҳасад қилиш табиати аслида бузуқ одамларнинг иши, холос. Бу жуда ҳам ёмон, бу ҳаммаёқни расво қиладиган ҳасаддир. Шу ҳасад туфайли:

فَمِنْهُمْ مَّنْ ءَامَنَ بِهِءِ وَمِنْهُمْ مَّنْ صَدَّ عَنْهُ وَكُفِيَٰ بِجَهَنَّمَ سَعِيرًا

**55. Бас, уларнинг ичида у(Муҳаммад)га иймон келтирганлар ҳам бор, ундан юз ўгириб куфр келтирганлар ҳам бор. Жаҳаннам куйдириш азобига кифоя қилур.**

Ҳасадларини демаганда, яҳудийларнинг ҳаммалари биринчи бўлиб Муҳаммад алайҳиссаломга иймон келтиришлари лозим эди. Чунки, улар бу кишининг Пайғамбар бўлишларини яхши билишарди. Арабларга бу зотнинг Пайғамбарлик аломатларини олдиндан айтган ҳам эдилар. Натижада, араблар Пайғамбар алайҳиссаломни кўришлари билан иймон келтирдилар. Ҳасад дардига чалинган яҳудийлардан эса, жуда озлари иймон келтирдилар, кўплари куфрга ботиб, у зотга душман бўлдилар. Шу қилмишлари учун ҳам уларга:

**«Жаҳаннам куйдириш азобига кифоя қилур».**

Кейинги оятда улар жаҳаннамга тушганларидан сўнг нималарга дучор бўлишлари васф қилинади:

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِنَا سَوْفَ نُصَلِّيهِمْ نَارًا كَمَا نَصَلَّيْتُمْ جُلُودَهُمْ بَدَلْتَهُمْ جُلُودًا  
غَيْرَهَا لِيَذُوقُوا الْعَذَابَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَزِيزًا حَكِيمًا

**56. Оятларимизга куфр келтирганларни, албатта, дўзахга киритармиз. Қачонки, терилари етиб пишганда, азобни тортишлари учун бошқа тери алмаштирармиз. Албатта, Аллоҳ азиз ва ҳаким Зотдир.**

Куфрнинг охири яхшилика олиб бормаслиги аниқ. Куфр келтирганлар бу дунёда турли бало-офатларга дучор бўлиб ўтишлари собит бўлган, инкор этилмас ҳақиқатдир. Куфр келтирганларнинг охиратда нима бўлишларини ушбу ояти карима васф этмоқда.

**«Оятларимизга куфр келтирганларни, албатта, дўзахга киритармиз».**

Аллоҳнинг оятига куфр келтирганлар жаҳаннамга кириш билан чегараланиб қолмайдилар.



**«Қачонки, терилари етиб пишганда, азобни тортишлари учун бошқа тери алмаштирармиз».**

Уларга азобни тортиш учун терилари ҳар гал етиб пишганда, бошқа янги терилар алмаштирилади ва азоб янгидан бошланади. Бу ҳолат абадул абад давом этади.

**«Албатта, Аллоҳ азиз ва ҳақим Зотдир».**

Шунинг учун ҳам, куфр келтирганларга мазкур азобни раво кўргандир.

Уламолар ушбу даҳшатли ҳолатни тушунтириш учун бир қанча ривоятлар келтирганлар.

Ибн Аби Ҳотим Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда шундай дейилади:

«Бир одам ҳазрати Умар ҳузурларида мазкур оятни ўқиган эди у киши: «Бу оятни менга яна қайтариб ўқиб бер», дедилар. У одам қайта ўқиди. Шунда Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу:

«Бу оятнинг тафсирини мен биламан, бир соатда териси етмиш марта алмаштирилади», дедилар. Ҳазрати Умар:

«Худди шуни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман», дедилар. Демак, ўт-олов кучли бўлганидан, уларни бир зумда куйдириб жизғанақ қилиб ташлайди ва яна янгидан азоб чекишлари учун тезда терилари янгиланади. Аммо, у терилари бу дунёдаги териларига ўхшаш бўлмайди, Аллоҳ таоло дўзахийларнинг азобини янада кучайтириш учун териларини ҳам бошқача қилиб қўйган бўлади.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Дўзах аҳлининг жисмлари дўзахда катталаштирилади. Ҳатто қулоқ учларидан бўйинларигача бўлган масофа етти юз йиллик йўлчалик бўлади. Териларининг қалинлиги етти чиқаноқчалик бўлади. Тишлари эса, Уҳуд тоғича бўлади», деганлар. Энди мана шундай бадан ва терининг соатига етмиш марта куйиб-битиби алмашишини тасаввур қилиб олаверинг! Аллоҳ Ўзи асрасин.

Ҳар бир нарсанинг қадри зиддига солиштириганда бўртиб билинади. Шу боис, жаҳаннамда кофирлар тортадиган азоблар васфи кетидан келаси оятда жаннатийларнинг ҳоли тасвирланади:

وَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ سَنُدْخِلُهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا لَهُمْ فِيهَا أَزْوَاجٌ مُطَهَّرَةٌ وَهُمْ فِيهَا ظِلِيلًا

**57. Иймон келтирган ва солиҳ амалларни қилганларни, албатта, остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритармиз. Унда абадий, боқий қолурлар. Унда уларга покиза жуфтлар бор. Ва уларни қуюқ сояларга киритармиз.**

Ушбу оятда зикр этилган саодатманд кишилар мазкур улуғ неъматга Аллоҳнинг фазили ила, иймонлари ва солиҳ амаллари туфайли эришадилар.

**«Иймон келтирган ва солиҳ амалларни қилганларни, албатта, остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритармиз».**

Ҳақиқий иймон ўз эгасини яхши амалга – Аллоҳнинг айтганида юришга бошлаши зарур. Шунинг учун, жаннат неъматларига эриштирувчи иймон ҳақида сўз кетганда, Қуръони Каримда унинг ортидан солиҳ амал ҳам зикр этилади. Бундай бахтли кишилар ҳам жаннатга шунчаки кирмайдилар, балки уларга жаннатда турли-туман ноз-неъматлар ва ҳузур-ҳаловатлар ато этилади. Боз устига, ундай жаннатда улар абадий қоладилар.

**«Унда абадий, боқий қолурлар».**

Яъни, жаннат ва унинг неъматлари вақтинчалик эмас, бардавом, абадийдир. Ҳамда жаннат аҳлларига моддий ва маънавий ифлосликлардан покланган жуфтлар берилади.

**«Унда уларга покиза жуфтлар бор».**

Улар доимо қуюқ соя жойларда бўладилар. Ҳеч қачон офтобдан озор топмайдилар.

**«Ва уларни қуюқ сояларга киритармиз».**

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жаннатда бир дарахт бор, унинг соясини улов минган одам минг йилда кесиб ўтади. Бу – абадийлик дарахтидир», деганлар.

Юқоридаги оятларда жоҳилият ва ширк асоратидан қутулиш, мушрик ва кофирларнинг васфи, уларнинг душманликларидан эҳтиёт бўлиш лозимлиги тўғрисида гап кетган эди. Энди келаси оятларда мусулмонларнинг ўзлари нималар қилиши кераклиги ҳақида сўз боради. Бу эса, мақсаддаги исломий жамиятни қуришда энг муҳим омидир.

﴿إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تُؤَدُّوا الْأَمَانَاتِ إِلَىٰ أَهْلِهَا وَإِذَا حَكَمْتُمْ بَيْنَ النَّاسِ أَنْ تَحْكُمُوا بِالْعَدْلِ إِنَّ اللَّهَ نِعِمَّا يَعِظُكُمْ بِهِ إِنَّ اللَّهَ كَانَ سَمِيعًا بَصِيرًا﴾

**58. Албатта, Аллоҳ сизларга омонатларни ўз аҳлига эриштиришни ва агар одамлар орасида ҳукм қилсангиз, адолат ила ҳукм**

**қилишни амр қилур. Аллоҳ сизларга қандай ҳам яхши ваъз қилур!  
Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчи Зотдир.**

Мусулмонлар жамоасига Аллоҳ таоло амр этган муҳим ишлардан бири – омонатларни ўз аҳлига эриштиришдир.

**«Албатта, Аллоҳ сизларга омонатларни ўз аҳлига эриштиришни...»** амр этур.

Бизнинг давримизда, ўтмишда зўр мусулмонлар бўлган ҳалқимизнинг ҳозирги ҳолатида ҳамма ўлчовлар, ҳамма тушунчалар бузилиб кетган. Шу жумладан, омонатлар ҳақидаги тушунча ҳам бузилган. Одамлар омонат деганда қимматбаҳо нарсани бошқа бировнинг ҳузурига сақлаб бериш учун қўйишнигина тушунадилар. Аслида, омонатнинг турлари кўпдир. Жумладан, уламоларимиз: «Аллоҳнинг бандага юклаган омонатлари бор: намоз, рўза, закот, каффорот ва назрлар ҳам омонатдир» дейдилар. Шунингдек, бандаларнинг бандалардаги турли ҳақлари ҳам омонат ҳисобланади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан бирида:

«Биров сенга бир калима айтиб, сўнгра атрофга қараб қўйса, билгинки, шу сўз омонатдир», деганлар.

Демак, омонат кенг тушунилиши лозим бўлган атамадир. Энг буюк омонат эса, иймон омонатидир. Бу омонат инсондан бошқа махлуқотларга қасдсиз, иродасиз, ҳаракат ва йўланмасиз берилгандир. Улар хоҳласалар-хоҳламасалар, иймонлидирлар. Фақат инсонгина, ақлга ва ҳур иродага эга бўлгани учун, ўз иродаси, ҳаракати, қасди ва уриниши билан мўмин бўла олади. Худди мана шу асл омонатдан бошқа омонатлар туғилади. Иймон омонатини адо қилганларгина Аллоҳнинг барча омонатларини ҳамда бандалар орасидаги омонатларни ҳалол адо эта оладилар. Барча омонатларни ўз эгаларига эриштирганларгина иймони ҳақиқий кишилар ҳисобланадилар. Мўминлар ушбу иймон ила жаҳон халқлари ичида танилганлар. Омонатга хиёнат қилишлик мунофиқликнинг уч аломатидан биридир. Мусулмон инсон барча омонатларга, жумладан, одамлар ила ўзаро муомаладаги, моддий масалалардаги омонатларга, катта-кичikka насиҳат қилиш омонатига, ёш авлодни тўғри тарбиялаш омонатига ва бошқа омонатларга риоя этади, хиёнат қилмайди. Аллоҳ кўрсатмасин, агар хиёнат содир бўлса, катта хатога йўл қўйилган бўлади. Хиёнатчи ҳатто шаҳид бўлган тақдирда ҳам, гуноҳи кечирилмасдир!

Имом Ибн Аби Ҳотим Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтадилар:

«Шаҳидлик омонатдан бошқа ҳамма гуноҳларни ювиб юборади. Қиёмат куни, агар Аллоҳнинг йўлида қатл этилган бўлса ҳам, одамни келтириб, омонатни адо қил, дейилади. У эса: «Қандай қилиб уни адо этаман, ахир дунё тугади-ку!» дейди. Шунда унга омонат жаҳаннамнинг қаъридан кўринади. У тушиб елкасига кўтариб чиқади. Энди чиқай деганда, елкасидан омонат тушиб кетади. У ҳам омонатнинг изидан тушади. Шу ҳолат абадий равишда давом этади», деганлар.

Аллоҳ таоло мусулмонларга юклаётган иккинчи буюк вазифа — одамлар орасида адолат ила ҳукм юритишдир.

**«...ва агар одамлар орасида ҳукм қилсангиз, адолат ила ҳукм қилишни амр қилур».**

Зайд ибн Аслам розияллоҳу анҳу: «Бу оят ҳокимлар тўғрисида нозил бўлгандир», деганлар.

Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Модомики, ҳоким жабр қилмаса, Аллоҳ у биландир. Агар жабр қилса, ўзини ўзига вакил қилиб қўяди», деганлар.

Бошқа бир ҳадисда:

«Бир соатлик адолатли ҳукм қирқ йиллик ибодатга тенгдир», дейилган.

Албатта, бу гапдан, ким бир соат адолат қилиб қўйса, қирқ йил ибодат қилмай юраверса ҳам бўлаверар экан, деган маъно чиқмайди. Бу ердаги ибодатдан мурод нафл ибодатдир.

Эътибор билан мулоҳаза қиладиган бўлсак, ояти каримада:

**«Агар одамлар орасида ҳукм қилсангиз»** дейилмоқда.

Ҳа, айнан «одамлар» орасида, мусулмонлар орасидагина ёки бошқа бирор махсус тоифа орасида эмас. Ким бўлишидан қатъи-назар, барча одамлар орасида адолатли ҳукм юритиш мусулмонларнинг бурчидир. Воқелиқда ҳам мусулмонлардан бошқа ҳеч ким, ҳеч қайси тузум ёки жамият бу ишни уддалай олмаган. Исломнинг ҳукм ҳақидаги назариясига биноан, ҳукмнинг ва давлатнинг бардавом бўлмоқи учун асосий шарт — адолатдир. Иймон асосий шарт эмас. Уламоларимиз, иймонли ва адолатсиз ҳукм узоқ давом этмайди, аммо, ҳукм адолатли бўлса, бардавом бўлади; ҳам иймонсиз, ҳам адолатсиз ҳукм эса, доимо вақтинчалик ҳукм бўлади, деб алоҳида қайд этганлар.

Бир оятнинг ўзида икки буюк асосга — ҳам омонатга, ҳам адолатга иршод қилишлик катта марҳаматдир. Шунинг учун, оятнинг давомида:

**«Аллоҳ сизларга қандай ҳам яхши ваъз қилур!»** дейилмоқда.

Бизнинг бурчимиз эса, Аллоҳ таолонинг ваъзини жон қулоғимиз ила тинглаб, унга амал қилишдир. Чунки Аллоҳ биз бандаларининг бу амрга қандай амал қилаётганимизни эшитиб, кўриб турибди.

**«Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчи зотдир».**

Эшитиш ва кўриш эса, охиратдаги ҳисоб-китоб учундир. Албатта, Аллоҳ Ўзига хос эшитиш хусусияти билан ҳамма нарсани эшитади ва ўзига хос кўриш хусусияти билан ҳамма нарсани кўради. Ҳеч бир нарса Унинг эшитиш ва кўриш қудратидан четда қолмайди.

Эндиги оятда омонатни тўғри адо этишнинг ва одамлар орасида адолатли ҳукм юритишнинг йўллари кўрсатилади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا اطِيعُوْا اللّٰهَ وَاَطِيعُوْا الرَّسُوْلَ وَاُوْلِيَ الْاَمْرِ مِنْكُمْ فَاِنْ نَنْزَعْنٰمْ فِىْ شَيْءٍ فَرُدُّوْهُ اِلَى اللّٰهِ وَالرَّسُوْلِ اِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُوْنَ بِاللّٰهِ وَالْيَوْمِ الْاٰخِرِ ذٰلِكَ خَيْرٌ وَّاَحْسَنُ تَاْوِيْلًا

**59. Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга итоат қилинг, Пайғамбарга ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг. Бирор нарса ҳақида тортишиб қолсангиз, агар Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган бўлсангиз, уни Аллоҳга ва Пайғамбарга қайтаринг. Ана шундай қилиш хайрли ва оқибати яхшидир.**

Демак, мазкур омонатларни адо этишда, одамлар орасида адолат ила ҳукм юритишда ва бошқа ишларда, аввало Аллоҳ таолога итоат этиш керак, сўнгра Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга, ундан кейин мусулмонларнинг ўзларидан бўлган ишбошиларга итоат қилиш лозим. Агар бирор нарсада ихтилоф туғилиб, тортишув чиқса, Аллоҳ таолонинг ва Пайғамбарнинг ҳукмларига қайтариш лозим. Мезон — шу. Ўлчов — шу. Агар бу қоидага риоя этилмаса, ҳамманинг ўзича ҳал қилишига қўйиб қўйилса, тартиб-интизом қолмайди, аксинча, одамнинг ақлий қобилияти турлича бўлганидан, ихтилофлар чиқади. Ҳозиргига ўхшаб, кучлилар кучсизларни, чорасини топганлар чорасизларни ўз йўлига юритишга ҳаракат қила бошлайдилар.

Мусулмонлар бундай кўнгилсиз муаммолардан холидирлар. Улар қандай қилсак, ҳақиқатга эришамиз, қандай қилсак, омонатларни ўз эгасига эриштирамиз, қандай қилсак, одамлар орасида адолат ила ҳукм юритамиз, деган саволлар устида бош қотириб ўтирмайдилар. Чунки бу борада йўл-йўриқ берилган ва у ўзгармасдир. Аллоҳ таоло бу масалаларни Ўзи ҳал қилиб берган. Мусулмонлар Аллоҳнинг кўрсатмаларига амал қилсалар, бўлди. Бир ишга қўл уришдан олдин шу иш ҳақида шариати исломиянинг ҳукми нима эканини билишга киришадилар. Ҳукмни, аввало, Қуръони Каримдан излайдилар. Агар у ишнинг ҳукми Қуръонда мавжуд бўлса, унга амал қиладилар. Чунки, аввало:

**«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга итоат қилинг»**, дейилгандир. Аллоҳга итоат қилиш Унинг охирги илоҳий китоби Қуръони Каримга амал қилиш билан бўлади. Фараз қилайлик, бўлғуси ишнинг ҳукми Қуръони Каримда зикр қилинмаган бўлса, унда Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг суннатларига мурожаат этилади. Изланган ҳукм у ердан топилса, унга амал қилинади. Чунки ояти каримада иккинчи манба сифатида Пайғамбарга итоат қилишга амр этилгандир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлик вақтларида бевосита у зотнинг ўзларига итоат қилинган, ҳозир эса суннатларига амал қилиш у кишининг ўзларига итоат қилиш билан баробар ҳисобланади.

**«...Пайғамбарга...»** итоат қилинг. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда асосий ҳукмларни баён этган ва умумий ҳукм чиқариш қоидаларига ўшаларни асос қилган. Пайғамбаримизнинг суннатларида эса, Қуръондаги умумий ҳукмлар батафсил баён қилинган ҳамда баъзи зикр этилмаганлари айтилган.

Замон, шароит ўзгариши билан ўзгариб турадиган ҳолатларнинг ҳукмлари эса, мусулмон жамоаси ижтиҳод қилиб ечиши учун қолдирилган. Бунинг ҳикматлари кўп. Аввало, бу ҳолат мусулмонларни доимо изланувчан, ҳаракатчан бўлишга ундайди. Иккинчидан, шариасти исломиянинг ҳар замон, ҳар маконга салоҳияти борлигини таъминлайди. Агар Қуръонда ҳам, суннатда ҳам зикри келмаган масала кўндаланг бўлиб қолса, бу масаланинг ечилиши мусулмонларнинг ишбошиларига ҳавола қилинади. Ижтиҳод мақомига етган ишбошилар мазкур масалани Қуръон ва суннат қоидалари асосида ҳал этадилар. Мусулмон умматининг эътироф этган муждаҳидлари бирликда ҳал этган ечим – қарор фикҳда «ижмоъ» деб номланади. Бунга амал қилиш ҳар бир мусулмон учун вожибдир. Чунки ушбу оятда:

**«...Пайғамбарга ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг»**, деган амр бор. Аллоҳнинг амрига бўйсунуш эса, фарзи айндир. Аммо ишбошиларга бўйсунушда бир неча шартлар бор. Аввало, оятда «ўзингиздан бўлган» дейиляпти. Кўпчилик «ишбоши» деганда ҳокимнигина тушунади. Бу хато. Аслида, оятда ҳамма ишбоши назарда тутилган. Фикҳ илми уламоларимиз бу оятдаги «ишбоши»ларни шундай тушунтирганлар: фикҳда ижтиҳод даражасига етган уламоларнинг жамланиб, бирор масала бўйича иттифоқ бўлиб қарор қилишлари ишбошилиқдир. Албатта, ҳокимлар ҳам ишбоши ҳисобланади. Аммо ҳоким билан ҳокимнинг фарқи бор. Амрига итоат қилиш вожиб бўлган ҳоким, аввало, мусулмон бўлиши, яъни, ис-

ломга эътиқоди, амали бўлиши, Ислом шариати ила ҳукм қилаётган ҳоким бўлиши керак. Қуръондаги «ўзларингиздан бўлган» деган қайд шу шартларни ифода қилади. Қолаверса, Қуръон тушаётган пайтларда, Пайғамбаримиз алайҳиссалом замонларида ва кейинги исломий даврларда асли мусулмон бўлган оилада дунёга келиб, ўзи Исломдан беҳабарлар бўлмас эди. Бўлса ҳам, ундайлар мусулмон ҳисобланмасди. Иккинчидан, ишбошининг чиқарган ҳукми Қуръон ва суннатга мувофиқ бўлиши керак. Гуноҳ иш бўлса, ҳеч кимга итоат қилиб бўлмайди. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг машҳур ҳадисларида: «Холиққа маъсият бўладиган ишларда махлуққа итоат қилинмайди», дейилган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда:

«Аллоҳга осийлик бўладиган ишда итоат йўқдир», дейилган.

Ояти каримада:

**«Бирор нарса ҳақида тортишиб қолсангиз, агар Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлсангиз, уни Аллоҳга ва Пайғамбарга қайтаринг»**, деган жумла шариатда ҳукм чиқариш учун Қуръон, суннат ва ижмоъдан кейинги тўртинчи масдарга — қиёсга асос бўлган. Демак, мусулмонлар ҳаётида янги бир масала пайдо бўлди. Айнан шу муаммо Қуръонда ҳам, суннатда ҳам зикр қилинмаган, аммо шунга ўхшаш бошқа бир масала бор. Уламолар ана ўша ўхшаш масала билан янги пайдо бўлган масалани таққослаб бир ҳукм чиқарадилар. Бунинг номи «қиёс» бўлади. Оятда мусулмонлар ўртасида тортишувга сабаб бўлган нарсани Аллоҳга (яъни, Қуръонга) ва Пайғамбарга (яъни, у кишининг суннатларига) қайтаришни, «агар Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлсангиз», жумласи билан бирга қайд қилинмоқда. Демак, қилажак ишни шариатга мувофиқ адо этиш Аллоҳга ва охират кунига бўлган иймоннинг аломати экан. Демак, ҳукм манбаини Қуръон ва суннатдан эмас, бошқа нарсдан ахтарадиганлар ўзларининг ким эканликларини бир ўйлаб қўйсинлар.

Ҳақиқий мусулмонлар ҳар бир ишларини ушбу оятда зикр қилинган қоида асосида Аллоҳга, Унинг Пайғамбарига, ўзларидан бўлган ишбошиларга итоат қилган ҳолда олиб борадилар. Баъзи ишларда фикрлари турли чиқиб қолса, у ишни Аллоҳга ва Пайғамбарга қайтариб, ўхшаш масалалардаги ҳукмларга солиштириб — қиёслаб оладилар.

**«Ана ўшандай қилиш хайрли ва оқибати яхшидир».**

Кейинги оятда мўмин-мусулмонликни даъво қилиб туриб, мўминларга кўрсатилган йўлга юрмайдиганларнинг ҳоли баён қилинади:

أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ يَرْعُمُونَ أَنَّهُمْ ءَامَنُوا بِمَا نُزِّلَ إِلَيْكَ وَمَا أُنزِلَ مِنْ قَبْلِكَ  
يُرِيدُونَ أَنْ يُتَحَاكَمُوا إِلَى الطَّاغُوتِ وَقَدْ أُمِرُوا أَنْ يَكْفُرُوا بِهِ ۗ وَيُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ  
يُضِلَّهُمْ ضَلَالًا بَعِيدًا ﴿٦٠﴾

**60. Сенга нозил бўлган нарсага ва сендан олдин нозил бўлган нарсага иймон келтирганларини даъво қилаётганларни кўрмайсанми?! Тоғутдан ҳукм сўраб боришни истарлар. Ҳолбуки, унга куфр келтиришга буюрилганлар. Шайтон эса, уларни йўлдан бутунлай адаштиришни истайдир.**

Ўзлари мусулмонликни даъво қилиб туриб, Аллоҳнинг ҳукмига юрмай, бошқанинг ҳукмига юришни хоҳлайдиган одамлар «мунофиқ» деб аталадилар. Мунофиқлар Пайғамбаримизга нозил қилинган Қуръони Каримга ҳам, Пайғамбаримиздан олдин нозил бўлган илоҳий китобларга ҳам иймон келтирганликларини даъво қиладилар.

**«Сенга нозил бўлган нарсага ва сендан олдин нозил бўлган нарсага иймон келтирганларини даъво қилаётганларни кўрмайсанми?!»**

Гоҳида бу даъволарида ҳаммадан олдинга ўтиб, ҳақиқий мўминларни четга сурмоқчи ҳам бўладилар. Аммо иймоннинг асосий шартига — ҳар бир нарсада Аллоҳнинг ҳукмини сўраш ва унга амал қилишга келганда, тамоман тескари иш тутадилар.

Яъни:

**«Тоғутдан ҳукм сўраб боришни истарлар».**

Аввал ҳам айтилганидек, тоғут — Аллоҳнинг изнисиз бўлган ҳукмдир. Мунофиқлар ҳам Аллоҳнинг ҳукмини истамайдилар, шунинг учун ҳам, тоғутдан ҳукм сўраб борадилар. Нима бўлса бўлсин, Аллоҳнинг ҳукми бўлмаса, бас. Ҳар қандай тоғутнинг ҳукмини истайверадилар. Бу ишни билмасдан, кўр-кўрона қилмайдилар, балки уларга баён келган. Ахир, улар:

**«Ҳолбуки, унга куфр келтиришга буюрилганлар».**

Яъни, улар тоғутга куфрга келтиришга буюрилганлар. Демак, улар билиб туриб қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам, уларнинг иймон ҳақидаги даъволари ботил. Улар, аслида, шайтоннинг йўлига кирганлар.

**«Шайтон эса, уларни йўлдан бутунлай адаштиришни истайдир».**



وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ تَعَالَوْا إِلَىٰ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَإِلَىٰ الرَّسُولِ رَأَيْتَ الْمُنَافِقِينَ  
يَصُدُّونَ عَنْكَ صُدُودًا

**61. Агар уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага ва Пайғамбар ҳузурига келинлар», дейилса, мунофиқлар сендан тамоман юз ўгирганларини кўурсан.**

Одатда, инсон ўзи иймон келтирган нарса йўлида, ақийдаси, эътиқоди йўлида ҳар нарсага, ҳатто жонини фидо қилишга ҳам тайёр туради. Аммо, мунофиқларни қарангки, «Ўзинг иймон келтирган Зотнинг кўрсатмаси ила яшагин, ҳаётингдаги амалларингнинг унинг ҳукмига мос қилгин», деб Аллоҳ туширган Қуръонга ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига чақирилсалар, юз ўгирадилар, келмайдилар.

Табиийки, Аллоҳнинг айтганини қилмагандан кейин, Унинг йўлидан юрмагандан кейин, Аллоҳнинг ҳукмини истамай, тоғутнинг ҳукмини истагандан кейин мушкулотлар, мусийбатлар келиб чиқади.

فَكَيْفَ إِذَا أَصَابَتْهُمُ مُصِيبَةٌ بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيهِمْ ثُمَّ جَاءُوكَ يَحْلِفُونَ  
بِاللَّهِ إِنْ أَرَدْنَا إِلَّا إِحْسَانًا وَتَوْفِيقًا

**62. Энди, қилган нарсалари туфайли уларга мусийбат етгандан сўнг, сенга келиб, Аллоҳ ила қасам ичиб: «Биз фақат яхшилик ва тавфиқни хоҳлаган эдик», дейишлари қандай бўлди?**

Демак, уларнинг бошига мусийбат етса, бунга ўзлари айбдор, чунки улар Аллоҳнинг йўлидан юрмадилар, ҳукми ҳам Аллоҳдан эмас, бошқадан истадилар. Аммо мунофиқлар барибир мунофиқликларини қиладилар: бошларига мусийбат етса, дарҳол банда эканликларини эслаб қоладилар. Аммо шунда ҳам, қилмишимга яраша тортмоқдаман, демайдилар. Худди тил учида иймон калимасини айтиб қўйиб, мўминликни даъво қилиб юрганларидек, бошларига мусийбат етганда ҳам, ўзларини айбдан олиб қочадилар, нимага энди бизга мусийбат етар экан, деган даъвони қиладилар. Аллоҳнинг амрини қўйиб, тоғутнинг ҳукмини истаганларини ҳаспўшлагга ўтадилар. Одатларича, гапларини кучли чиқариш мақсадида:

«Аллоҳ ила қасам ичиб: «Биз фақат яхшилик ва тавфиқни хоҳлаган эдик», дейдилар.

Гапни қаранг, Аллоҳнинг йўлига юрмай, шайтоннинг йўлига юриш яхшилик эмиш, Аллоҳнинг ҳукмини қилмай, тоғутнинг ҳукмига бўйсунуш тавфиқ эмиш. Мунофиқлик шундай ёмон нарса: иймон даъвосида бўлади-ю, аммо ўзи куфрнинг ишини қилади. Аллоҳнинг айтганига эмас, шайтоннинг айтганига юради. Боз устига, яхши иш қилмоқдаман, деган даъвода ҳам бўлади.

Ушбу ояти карима нозил бўлган пайтлари бунақа мунофиқлар жуда ҳам оз бўлган. Аммо ҳозир-чи? Ҳозир қай томонга қарасанг, бунга ўхшашлар тўлиб ётибди. Иймоннинг ва мусулмонликнинг даъвосини қиладилар, аммо Исломга амал этишни ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Ҳар бир ишда Аллоҳнинг ҳукмини исташ у ёқда турсин, ўзига фарзи айн қилинган ибодатларни ҳам бажармайдилар. Аллоҳнинг ҳукмини юритиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ояти кариманинг мўъжизалигини қарангки, бугунги мунофиқлар ҳам қадимги мунофиқлар каби, бошига мусийбат етганда айб-ни ўзларидан қочиб, Исломга, мусулмонларга ағдармоқчи бўладилар. Бу билан улар ўз айбларини яширишга уринадилар. Лекин яширишнинг иложи бормикан?

أُولَٰئِكَ الَّذِينَ يَعْلَمُ اللَّهُ مَا فِي قُلُوبِهِمْ فَأَعْرِضْ عَنْهُمْ وَعِظْهُمْ وَقُلْ لَهُمْ  
فِي أَنفُسِهِمْ قَوْلًا بَلِيغًا ﴿٦٣﴾

**63. Ана ўшаларнинг қалбларидагини Аллоҳ биладир. Бас, уларнинг қилганидан юз ўгир! Уларга ваъз қил! Ёлғиз ўзларига етказиб сўзла!**

Мунофиқликнинг асл сабаби – Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсани, жумладан, қалблардаги сир тутилган нарсаларни ҳам билиб туришидан ғофиликдир. Мунофиқ ўзича иймон ва Исломга тегишли гапларни гапириб, баъзи амалларни ҳам бажариб, одамларга ўзини мўмин-мусулмон қилиб кўрсатишга уринади. Улар, аслида, иймонсизлардир, одамларни алдаганлари билан Аллоҳ уларнинг қалбларидаги нарсаларини билиб туришини унутадилар.

Ояти карима тушаётган даврдаги ҳолатларни ҳисобга олиб, Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарини яна ҳам кечиримли бўлишга чақиради ва:

**«Бас, уларнинг қилганларидан юз ўгир!»** дейди.

Яъни, қалбларида тутган нифоқлари учун уларни итоб қилма, дейди.

**«Уларга ваъз қил»,** ажаб эмас, бу сафар уларга ваъзу насиҳат фойда қилиб қолса. Эҳтимол, тавба қилиб йўлга тушарлар.

**«Ёлғиз ўзларига етказиб сўзла!»**

Одамларнинг ҳузурида сўзланса, саркашликлари тутиб, ор-номус қилиб, ўз айтганларида туриб олишлари мумкин. Ёлғиз ўзларига етказиб сўзланса, таъсир қилса, ажаб эмас.

Ваъз-насиҳат фойда қилиб қолса, яхши, аммо билиб қўйиш керакки, одатда Пайғамбарларни фақат ваъз-насиҳат қилиш учун юборилмайди. Бу ҳақиқатни Аллоҳ таоло келаси оятда баён қилади.

وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ رَّسُولٍ إِلَّا لِيُطَاعَ بِإِذْنِ اللَّهِ وَلَوْ أَنَّهُمْ إِذْ ظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ جَاءُوكَ فَاسْتَغْفَرُوا اللَّهَ وَأَسْتَغْفَرَ لَهُمُ الرَّسُولُ لَوَجَدُوا اللَّهَ تَوَّابًا  
رَّحِيمًا

**64. Қайси бир Пайғамбарни юборган бўлсак, Аллоҳнинг изни ила фақат итоат қилиниши учун юборганмиз. Агар улар ўзларига ўзлари зулм қилган чоғларида ҳузурингга келиб, Аллоҳга истиффор айтганларида ва Пайғамбар ҳам улар учун истиффор айтганида эди, албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул этувчи ва раҳимли Зот эканини топган бўлур эдилар.**

Ушбу ояти каримада ҳар замонда, айниқса, ҳозирги замонда англаб етиш жуда зарур бўлган улкан бир ҳақиқатнинг баёни келмоқда. Кўплар Пайғамбар алайҳиссаломларни одамларни фақат одоб-ахлоққа, тўғрилиққа даъват қилувчи воизлар ва насиҳатгўйлар, деб ўйлайди. Жумладан, охирги Пайғамбар бўлмиш ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломни ҳам. Ва одоб-ахлоқ ҳақидаги, маънавий қадриятлар ҳақидаги оят ва ҳадисларни ўқиб-ўрганиб олиб, бу нарсалардан хабардор эканликларини бошқаларга айтиб юришни ўзларига фахр деб биладилар. Аслида, Аллоҳнинг Пайғамбарни юборишдан мақсади бошқадир.

**«Қайси бир Пайғамбарни юборган бўлсак, Аллоҳнинг изни ила фақат итоат қилиниши учун юборганмиз».**

Демак, Пайғамбар унинг ваъзининг тингланиши, насиҳатининг англаниши, ҳадисининг ўқилиши учунгина эмас, балки амрларига итоат қилиниши учун юборилади. Пайғамбарлик ваъзхонлик ва насиҳатгўйлик эмас, балки инсон ҳаётини тамомила ўз ичига олган мукамал ҳаёт тарзи, воқелиқдаги ҳаётни бошқарувчи тузумдир. Бу ишларни юзага чиқариш учун эса, ҳукмдорлик керак. Ўз навбатида, ҳукмдорлик итоатни талаб этади. Демак, ҳар гал Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарларини юборар экан, одамларнинг у зотларга итоат

қилишларини истаган. Юқорида ўтган оятлардаги Аллоҳга итоат, Пайғамбарга итоат, ишбошиларга итоат, ўзаро ихтилофли масалаларни Аллоҳга ва Пайғамбарга қайтариш каби амрлар ҳам худди шу маънодадир.

Аммо мунофиқлар бу ҳақиқатни англаб етмайдилар, англашни истамайдилар. Улар турли сўз ўйинлари қилиб, Аллоҳнинг ҳукмини эмас, тоғутнинг ҳукмини талаб этадилар. Шу қилмишлари туфайли бошларига мусийбат тушгудек бўлса, биз фақат яхшилиқни ва тавфиқни хоҳлаган эдик, деб яна мунофиқлик қиладилар. Бу ҳол яхши эмаслиги аввалги оятда айтиб ўтилди. Ҳолбуки:

**«Агар улар ўзларига ўзлари зулм қилган чоғларида ҳузурингга келиб истиғфор айтганларида ва Пайғамбар ҳам улар учун истиғфор айтганида эди».**

Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб, ундан бошқанинг ҳукмига — тоғутнинг ҳукмига юришни ояти карима «ўзига ўзи зулм қилиш» деб атамоқда. Инсон, айниқса, мўмин-мусулмон ўзига ўзи зулм қилиб қўйишдан сақланиши керак. Лекин инсон боласи заиф, баъзида заифлиги туфайли шундай хатога йўл қўйиши мумкин. Ана ўшандай ҳолда ўзининг хатосини англаган заҳоти тавбага шошилиши керак бўлади.

Оят тушган пайтдаги хатокорлар ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, ўзларини оқлаш, ёлғондан беҳуда узрларни айтиш ўрнига, у зотнинг ҳузурларида Аллоҳга истиғфор айтганларида — гуноҳларини кечиришни сўраганларида, Пайғамбар алайҳиссаломга илтимос қилганларида, у киши ҳам уларнинг гуноҳларини кечиришни Аллоҳдан сўраганларида, улар:

**«Албатта, Аллоҳ тавбаларини қабул этувчи ва раҳимли Зот эканини топган бўлур эдилар».**

Аллоҳ ҳақиқатан ҳам тавбаларни қабул этгувчилигидан сўзда иймон даъвосини қилиб, амалда тоғутнинг ҳукмини ахтариб, шайтоннинг йўлидан юрганларни ҳам дарҳол азобга гирифтор қилмаяпти; кечиримли бўлиб, яна уларга ўзларини ўнглаб олишларига имкон яратиб, тавба эшигини очиб қўйяпти. У Зот ҳақиқатан ҳам раҳимли бўлганидан гуноҳкор мунофиқларнинг айбини кечиб, уларга раҳим-шафқат кўрсатмоқчи.

Кимнинг ҳукмига бўйсуниб кераклиги ҳақидаги оятлар силсиласининг сўнгида Аллоҳ таоло қатъий услубда қасам ичиб, мўминман, деган одам ҳар бир ишида Пайғамбар алайҳиссаломни ҳакам қилмагунча, у кишининг ҳукмига чин дилдан рози бўлиб, кўнглида ҳеч қандай филли-ғаш қолмагунча, ҳақиқий мўмин бўла олмаслигини таъкидлайди.

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي  
 أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا ﴿٦٥﴾

**65. Йўқ, Роббингга қасамки, сени ўз ораларида чиққан келишмовчиликларга ҳакам қилмагунларича, кейин, чиқарган ҳукмингга дилларида танглик топмасдан, бутунлай таслим бўлмагунларича, зинҳор мўмин бўла олмаслар!**

Демак, иймоннинг, мўминликнинг бир шарти — ҳар бир нарсада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни, яъни, Ислом динини ҳакам қилиб олиш зарурлигидир.

**«Йўқ, Роббингга қасамки, сени ўз ораларида чиққан келишмовчиликларга ҳакам қилмагунларича», зинҳор мўмин бўла олмайдилар.**

Мўмин-мусулмонман деган одам, мўмин-мусулмонмиз деган жамият ўзининг ҳар бир ишини Исломнинг ҳукми ила олиб бориши керак. Шу билан бирга, ушбу ҳукмга ҳам ичидан тўла рози, ҳам сиртидан бутунлай таслим бўлиши керак.

Бу нарса ояти каримада қаттиқ тайинлаб айтилмоқда. Аллоҳ таоло аввал «Йўқ!» деб ҳамма эҳтимолларни рад этиб олиб, сўнгра «Роббингга қасамки» деб Ўз Зоти олийси ила қасам ичиб туриб, **сени ўз ораларида чиққан келишмовчиликларга ҳакам қилмагунларича»,** зинҳор мўмин бўла олмайдилар, демоқда. Эътибор бериш лозимки, ояти каримада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни мўминлар орасида чиққан барча нарсаларга ҳакам этишлик зарурлиги таъкидланмоқда. Намозда, рўзада ёки ибодатда ёҳуд диний ишларда дейилгани йўқ. Демак, мусулмон инсон ўз ҳаётининг барча соҳасида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни, яъни, Исломни ҳакам этиб олиши лозим.

**«...кейин, чиқарган ҳукмингга дилларида танглик топмасдан, бутунлай таслим бўлмагунларича, зинҳор мўмин бўла олмайдилар!»**

Бу ҳақиқатни Аллоҳ таоло қасам билан таъкидлаб айтмоқда.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўз ҳадисларидан бирида:

«Менинг жоним қудрат қўлида бўлган Зот билан қасамки, ҳавои нафси мен келтирган нарсага тобеъ бўлмагунча, бирорта одам мўмин бўла олмайди», деганлар.

Шундан келиб чиқиб, Пайғамбаримиз алайҳиссалом вафот этганларидан кейин баъзи қабилалар «Биз закотни Муҳаммадга берар

эдик, энди бермаймиз», деганларида, ҳазрати Абу Бакр уларни муртад (диндан чиққан) деб эълон қилдилар ва уларга қарши жиҳод бошладилар. Иймоннинг ҳақиқий шарти — бу, Исломнинг ҳақиқий чегараси — бу. Афсуски, одамлар бошқа шартлар устида тортишиб, бу шартларни ҳаёлларига ҳам келтирмай юрибдилар.

Кейинги оятда кишиларга Аллоҳ томонидан таклиф қилинаётган тузум, юритилиши лозим бўлган ҳукмлар, берилаётган кўрсатмалар осон эканлиги, уларда оғир, бажарилиши мушкул бўлган ишлар йўқлиги баён қилинади:

وَلَوْ أَنَّا كُنْنَا عَلَيْهِمْ أَنِ اقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ أَوْ أُخْرِجُوا مِنْ دِينِكُمْ مَا فَعَلُوهُ إِلَّا قَلِيلٌ  
 مِنْهُمْ وَلَوْ أَنَّهُمْ فَعَلُوا مَا يُوعَظُونَ بِهِ لَكَانَ خَيْرًا لَهُمْ وَأَشَدَّ تَثْبِيتًا ﴿٦٦﴾ وَإِذْ آتَيْنَاهُمْ مِنْ  
 لَدُنَّا أَجْرًا عَظِيمًا ﴿٦٧﴾ وَلَهَدَيْنَاهُمْ صِرَاطًا مُسْتَقِيمًا ﴿٦٨﴾

**66. Агар Биз уларга, ўзларингизни ўлдиринг ёки ўзингизни диёрларингиздан чиқаринг, деб фарз қилганимизда, озгиналаридан бошқаси буни қилмас эдилар. Улар ўзларига ваъз қилинган нарсаларни қилганларида эди, ўзларига яхши ва саботлари мустаҳкам бўлар эди.**

**67. У ҳолда, Биз ҳам уларга Ўз ҳузуримиздан улуғ ажр берган бўлу эдик.**

**68. Ва уларни тўғри йўлга ҳидоят қилур эдик.**

Доим таъкидланганидек, Ислом дини ҳамма одамлар, ҳамма замонлар ва ҳамма маконлар учун Аллоҳ томонидан уларни икки дунё бахт-саодатига эриштириш мақсадида юборилгандир. Шунинг учун ҳам, Исломнинг ҳукмлари ҳаммабоқдир. Унда инсоннинг тоқати кўтара олмайдиган бирон-бир таклиф йўқ. Инсоннинг тоқати ҳам, ҳавои нафси ҳам эътиборга олинган. Унинг бутунлай йўлдан чиқиб кетмаслиги назарда тутилган. Инсонга ҳаддан ташқа-ри оғир фарзларни юкланганида эди, буни ҳамма ҳам кўтара олмас эди. Аллоҳ таоло буни қуйидаги мисол билан англатади:

**«Агар Биз уларга, ўзларингизни ўлдиринг ёки ўзингизни диёрларингиздан чиқаринг, деб фарз қилганимизда, озгиналаридан бошқаси буни қилмас эдилар».**

Дарҳақиқат, Аллоҳ бандаларини шундай бир ишга буюрганида нима қила олар эдик? Зотан, У Зот ҳар қандай ишни амр этишга ҳақлидир. Чунки, еру кўкнинг, барча мавжудоту махлуқотларнинг яратувчиси ва ҳақиқий молики Удир. У зот истаганича тасарруф

қилади, истаган юмушига буюради. Шунда жуда озгина инсонлар бу амрни адо этишлари ҳам мумкин. Аммо аксар инсонлар буни кўтара олмас эдилар ва, бунинг устига, ҳавои нафсининг кетидан юриб кетиши эҳтимоли кучли бўларди. Шунинг учун, Ислом воқе-ликдан келиб чиқиб, ўз ҳукмларини кўпчиликни эътиборга олган ҳолда жорий қилади. Бинобарин, одамлар ўзларини ҳар тарафга урмасдан:

**«Ўзларига ваъз қилинган нарсаларни қилганларида эди...»**

Исломда кўрсатилган йўлланмаларни қўллаганларида эди, Аллоҳнинг буюрганини бажариб, қайтарганидан қайтганларида эди, ўзларини яратган Зотнинг кўрсатган йўлидан юрганларида эди:

**«Ўзларига яхши ва саботлари мустаҳкам бўлар эди».**

Чунки, яратган Парвардигор уларга фақат яхшиликни раво кўради. Ҳеч қачон бандаларига ёмонликни соғинмайди. Бандалар унинг айтганларини қилганларида, ҳам ўзларига яхши бўлар, ҳам иймонлари собит, мустаҳкам бўлар эди. Одамлар Аллоҳнинг буйруқларига жавобан Исломга тўлиқ амал қилганларида эди, Аллоҳ таоло уларга улуғ ажрни — жаннатни берган бўлур эди. Уларни ҳидоятга бошлаган, тўғри йўлга солган бўлур эди.

وَمَنْ يُطِيعِ اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَأُولَٰئِكَ مَعَ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِنَ النَّبِيِّينَ وَالصِّدِّيقِينَ  
وَالشُّهَدَاءِ وَالصَّالِحِينَ وَحَسُنَ أُولَٰئِكَ رَفِيقًا ﴿٦٩﴾ ذَلِكَ الْفَضْلُ مِنَ اللَّهِ وَكَفَى  
بِاللَّهِ عَلِيمًا

**69. Ким Аллоҳга ва Расулга итоат қилса, бас, ана ўшалар Аллоҳ неъмат берган набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан биргадирлар. Ва уларнинг рафиқлари қандай ҳам яхши!**

**70. Бу—Аллоҳдан бўлган фазлдир ва билгувчиликда Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур.**

Ушбу оятни ўқиган ҳар бир киши қалбида Аллоҳга ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш истаги туғилиши ва кучайиши турган гап. Чунки ўзини билган, эси бор ҳар бир одам учун набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва омма мусулмонлар ичидан етишиб чиққан солиҳлар (яхши ишлари ила машҳур бўлган кишилар) билан бирга бўлишдан ортиқ бахт йўқ! Бу бирлик, албатта, жаннатда бўлади. Жаннатдаги мақомларда эса, мазкур бахтиёр тоифаларнинг мақоми энг юксак мақомлардир. Бу дунёда баъзи бир солиҳлар билан бир марта кўришиб қўйган, бирорта мажлисда бир-

га бўлган кишилар умр бўйи ёдлаб, фахрланиб юрадилар. Бу оятда зикр қилинаётган биргалик эса, у дунёда, бир эмас, барча набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва аҳли солиҳлар билан абадий бўлади. Бундай бир тенгсиз бахтни яхшироқ тасаввур қилиш учун, Пайғамбарларнинг охиргиси бўлмиш Муҳаммад алайҳиссалом билан бирга бўлишга инсоният тарихидаги энг бахтли авлод — саҳобалар авлоди қандай аҳамият берганини ўрганиб чиқайлик.

Ибн Жарир Саид ибн Жубайрдан ривоят қиладилар:

«Ансорийлардан бир одам Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳузурларига хафа ҳолида келди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Эй фалончи, сенга нима бўлди? Ҳафа кўринасан?» дедилар. У одам:

«Эй, Аллоҳнинг Пайғамбари, бир нарсани ўйлаб хафа бўлдим», деди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«У нима эди?» деб сўрадилар. У киши:

«Биз эртаю кеч юзингизга назар соламиз, сиз билан бирга ўтирамиз. Эртага Пайғамбарлар ҳузурига равона бўлсангиз, сизга етиша олмай қоламиз», деди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор нарса демай, жим қолдилар. Бир оздан сўнг Жаброил: «Ким Аллоҳга ва Расулга итоат этса, бас, ана ўшалар Аллоҳ неъмат берган набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан биргадирлар» оятини олиб келди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳалиги кишининг ортидан одам юбориб башорат бердилар.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Рабаъ ибн Каъб ал-Асламий қуйидагиларни айтадилар:

«Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларида тунаб қолган эдим. У кишига керакли нарсаларни, таҳоратларига сувни тутдим. У зот менга:

«Сўра», дедилар. Мен:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, жаннатда сизнинг рафиқингиз бўлишни сўрайман», дедим. У зот:

«Бундан бошқани эмасми?» дедилар. Мен:

«Фақат шуни», дедим. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бу ишда менга сен ўзинг кўп сажда қилиш ила ёрдам бер», дедилар».

Бу дунёда Пайғамбар алайҳиссалом суҳбатларининг ҳаловатини тотган саҳобаларнинг у зот билан охиратда ҳам ҳамсуҳбат бўлишга зўр ва мислсиз иштиёқлари бор эди. Ҳар бир мўмин-мусулмон бундай мақомга эришишни хоҳласа, ҳозир биз ўрганаётган оятга амал қилиб, Аллоҳга ва Расулга сўзсиз итоат этмоғи лозим. Ана



ўшанда улар яхши рафиқларга соҳиб бўладилар. Бу нарса Аллоҳнинг уларга берган фазли, марҳамати бўлур.

Суранинг аввалидан буён исломий жамият қуришда қилиниши лозим бўлган турли чоралар ҳақида сўз кетди. Жумладан, жоҳилиятнинг ботил ҳукм ва одатларидан халос бўлиш, душман жамиятлардан ўзини ҳимоя қилиш, ҳар бир ишда илоҳий кўрсатмаларни ўзига ҳакам қилиб олиш, Аллоҳга ва Пайғамбарига итоатда бўлиш кабилар.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اخذُوا حِذْرَكُمْ فَانفِرُوا ثَبَاتٍ أَوْ انفِرُوا جَمِيعًا ﴿٧١﴾

**71. Эй, иймон келтирганлар! Ўзингизни ҳушёр тутинг ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб қўзғалинг ёки тўп ҳолингизда қўзғалинг!**

Бу ояти карима яна мўминларнинг мўминлик ҳис туйғуларини қўзғатувчи сеҳрли нидо —

«**Эй, иймон келтирганлар!**» нидоси билан бошланмоқда. Вазият жиддий — қаршида, ён-атрофда душман пайт пойлаб турибди. Буни ҳеч қачон унутманг ва:

«**Ўзингизни ҳушёр тутинг.**»

Ҳушёрлик мўминларга жуда ҳам зарур. Чунки атрофда душман кўп. Аввал ҳам таъкидлаганимиздек, кофирларнинг бир хусусиятлари борки, улар ўзаро бир-бирлари билан урушсалар ҳам, мусулмонларга қарши бирлашиб душманлик қиладилар. Шунинг учун, мусулмонлар доимо ҳушёр туришлари шарт. Вақт-соати келиб, мабодо қўзғалиш керак бўлиб қолса, Аллоҳнинг амрига биноан ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб, ёки тўп ҳолларида қўзғаладилар.

Ушбу оятдаги амрлар кўрсатадики, Аллоҳ таоло Қуръони Каримда мўмин-мусулмонларни фақат намоз, рўза ёки ахлоқ ва одобга буюрибгина қолмай, бошқа нарсаларга, жумладан, урушни қандай олиб боришга ҳам ўргатади. Бу ҳақиқат, собит ҳақиқатдир. Аммо уруш учун қўзғалиш амри келганида, ҳамма ҳам бараварига қўзғалавермаслигини келаси оят баён қилади:

وَإِنَّ مِنْكُمْ لَمَنْ لَيُبَطِّئَنَّ فَإِنْ أَصَابَكُمْ مُصِيبَةٌ قَالَ قَدْ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيَّ إِذْ لَمْ أَكُنْ مَعَهُمْ

شَهِيدًا ﴿٧٢﴾

**72. Албатта, ичингизда ортда қоладиганлар ҳам бор. Агар сизга мусийбат етса, у: «Аллоҳ Ўзи менга неъмат берди, яхшиямки, улар билан бирга ҳозир бўлмаганим», дейди.**

Яъни, душманга қарши сафарбарлик эълон қилинганда қўзғалмай ортда қоладиганлар ҳам бўладикки, улар мунофиқлардир. Мабо-до, урушда мусулмонлар енгилиб, уларга мусийбат етса, ҳалиги ортда қолган мунофиқ:

**«Аллоҳ Ўзи менга неъмат берди, яхшиямки, улар билан бирга ҳозир бўлмаганим», дейди.**

Яъни, «Худонинг менга яхшилиги бўлиб, яхшиямки, улар билан бирга урушга чиқмаганим, агар чиқсам, менга ҳам уларга етган мусийбат етар эди», дейди. Мантиқни қаранг: Аллоҳнинг йўлидаги жиҳодга чиқмай қолишдек хиёнатни, қўрқоқликни ва бадбахтликни Аллоҳнинг неъматидан сифатида баҳоломоқдалар. Мунофиққа ба-рибир, ўзини ҳар мақомга мослаб, ҳар қандай сафсатани баҳона қилаверади.

وَلَيْنَ أَصْبَابِكُمْ فَضْلٌ مِّنَ اللَّهِ لِيَقُولَنَّ كَأَن لَّمْ تَكُنْ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُ مَوَدَّةٌ يَلَيْتَنِي  
كُنْتُ مَعَهُمْ فَأَفُوزَ فَوْزًا عَظِيمًا ﴿٧٣﴾

**73. Агар сизга Аллоҳдан фазл етса, худди сиз билан унинг орасида дўстлик бўлмагандек, «Қани энди, мен ҳам улар билан бўлганимда, улуф зафар қозонар эдим», дейди.**

Табиийки, урушда кимдир қалаба қозонади, кимдир мағлубиятга учрайди. Душманга қарши сафарбарлик эълон қилинганда, жиҳодга чиққан мусулмонлар зафар қучсалар, қўрқоқлик қилиб сафарбарликдан ортда қолган мунофиқлар энди ўзларини бошқача тутадилар. Улар ҳам мўминликни даъво қилиб юрадилар, лекин мўминларнинг ғалабасини кўрганларида, ўзларини худди бошқа тоифадек ҳис этадилар. Бу ҳолни Қуръони Карим:

**«Худди сиз билан унинг орасида дўстлик бўлмагандек»,** деб васф қилмоқда. Яъни, худди улар сизнинг динингизда бўлмагандек, деганидир. Ҳа, мунофиқ ҳасрат билан:

**«Қани энди, мен ҳам улар билан бирга бўлганимда, улуф зафар қозонар эдим», дейди».**

Гапнинг қисқаси, жиҳоддан қочган мунофиқ агар мусулмонлар жангда енгилсалар, хурсанд бўлади, ғолиб келсалар, ҳасад қилади.

﴿ فَيُقْتَلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ الَّذِينَ يَشْرُونَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا بِالْآخِرَةِ وَمَنْ يُقْتَلْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَيُغْلَبْ فَسَوْفَ نُؤْتِيهِ أَجْرًا عَظِيمًا ﴾ ﴿٧٤﴾

**74. Охират учун бу дунё ҳаётини сотадиганлар Аллоҳнинг йўлида жанг қилсинлар. Ким Аллоҳнинг йўлида жанг қилиб ўлдирилса ёки ғолиб келса, Биз унга, албатта, улуғ ажрни берурмиз.**

Мусулмон одам доимо Аллоҳдан тинчлик-омонликни сўраб яшайди. Аммо зарурат туғилиб, жиҳодга сафарбарлик эълон қилинса, иккиланмай урушга қўзғалади. Чунки у, аввало, Аллоҳ йўлида жанг қилади, бошқа бировнинг ёки нарсанинг йўлида эмас. Қолаверса, мўмин киши бу дунёни деб эмас, охиратни деб яшайди. У охират саодати йўлида бу дунёни сотишга доим тайёр. Энг муҳими — Аллоҳнинг йўлида жиҳодга чиққан киши учун икки яхшилиқдан бири бўлади, учинчиси йўқ. Ёки ғалаба, ёки шаҳидлигу жаннат. Агар мунофиқлар бу ҳақиқатларни англаб етсалар, ўз қилмишлари нақадар пасткашлик ва ўзлари учун нақадар зарар эканини билар эдилар.

Келаси оятда мусулмонларга хитоб қилиниб жиҳодга тарғиб қилинади.

وَمَا لَكُمْ لَا تُقَاتِلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ الرِّجَالِ وَالنِّسَاءِ وَالْوِلْدَانِ الَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا أَخْرِجْنَا مِنْ هَذِهِ الْقَرْيَةِ الظَّالِمِ أَهْلُهَا وَأَجْعَلْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ نَصِيرًا ﴿٧٥﴾

**75. Нима учун Аллоҳнинг йўлида ва: «Эй Роббимиз, бизни аҳли золим шаҳардан чиқаргин, бизга Ўз томонингдан дўст ато қилгин ва Ўз томонингдан нусратчи ато қилгин», деяётган заиф-ҳол эркагу аёл ва болалар йўлида жанг қилмайсизлар?!**

Аллоҳнинг йўлида жанг қилишга ҳам чиқмай бўладими?!

Заифҳол эркакларни озод қилиш йўлидаги жангга чиқмай бўладими?! Заифҳол аёлларни озод қилиш йўлидаги жангга чиқмай бўладими?! Заифҳол болаларни озод қилиш йўлидаги жангга чиқмай бўладими?! Хусусан, мазкур заифҳол эркагу аёллар ва болалар аҳолиси золим бўлган шаҳарда тутқун бўлсалар. Дину диёнатлари учун азоб-уқубатга дучор қилинаётган бўлсалар.

Мусулмонлар фақат шундай олий мақсад йўлида жанг қиладилар. Уларга бошқача урушнинг кераги йўқ. Умуман, келинг, келаси оятдан ким нима учун, кимнинг йўлида жанг қилишини билиб олайлик:

الَّذِينَ آمَنُوا يُقَاتِلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالَّذِينَ كَفَرُوا يُقَاتِلُونَ فِي سَبِيلِ الطَّاغُوتِ فَقَاتِلُوا أَوْلِيَاءَ الشَّيْطَانِ إِنَّ كَيْدَ الشَّيْطَانِ كَانَ ضَعِيفًا ﴿٧٦﴾

**76. Иймон келтирганлар Аллоҳнинг йўлида жанг қилурлар. Куфр келтирганлар тоғутнинг йўлида жанг қилурлар. Бас, шайтоннинг дўстларига қарши жанг қилинг. Албатта, шайтоннинг ҳийласи заифдир.**

Ҳа, мўмин-мусулмонлар Аллоҳнинг йўлида, Аллоҳнинг дини йўлида, Аллоҳнинг шариати йўлида, Аллоҳнинг ҳукми бутун дунёда ёйилиши йўлида, ер юзида илоҳий адолат ҳукм суриши йўлида жанг қиладилар.

Бошқалар эса, ким бўлишларидан қатъиназар, тоғутнинг йўлида – Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа ҳукм йўлида, шайтон йўлида жанг қиладилар. Аллоҳ таолонинг ҳукмига юрмаган ҳар бир гуруҳнинг ўзига хос тоғути бўлади. Чунки, Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа ҳукм, Аллоҳнинг дастуридан бошқа дастур ҳаммаси тоғутдир. Тоғутлар турли номлар билан номланади. Ҳаммаси ўзини ўз бандаларига чиройли қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Лекин ҳаммаси ҳам барибир тоғут, ҳаммаси ҳам барибир Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа ҳукмдир. Мўминлар эса, шайтоннинг дўстларига қарши жанг қилишга буюрилганлар. Лекин жанг қилиш ҳаммага ҳам ёқавермайди. Бу ҳақиқатни келаси оят баён қилади:

أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ قِيلَ لَهُمْ كُفُّوا أَيْدِيَكُمْ وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ فَلَمَّا كُنِبَ عَلَيْهِمُ  
الْفِتْنَالِ إِذِ افْتُرِقُ مِنْهُمْ يَخْشَوْنَ النَّاسَ كَخَشْيَةِ اللَّهِ أَوْ أَشَدَّ خَشْيَةً وَقَالُوا رَبَّنَا لِمَ كُنِبَتْ عَلَيْنَا  
الْفِتْنَالِ لَوْلَا آخِرُنَا إِلَىٰ أَجَلٍ قَرِيبٍ قُلْ مَنَعَ الدُّنْيَا قَلِيلٌ وَالْآخِرَةُ خَيْرٌ لِّمَنِ اتَّقَىٰ وَلَا يُظْلَمُونَ  
فَتِيلًا

**77. Қўлингизни тийинг, намоз ўқиб, закот беринг, деб айтилган кимсаларни кўрмайсанми?! Уларга уруш фарз қилинганда, бирдан, бир гуруҳлари одамлардан худди Аллоҳдан қўрққандек ёки ундан ҳам қаттиқроқ қўрқишмоқда. Ва: «Эй Роббимиз, бизга урушни нега фарз қилдинг, бир оз ортга суриб турсанг бўлмасмиди?!» демоқдалар. Дунёнинг матоҳи оз, охират эса, тақво қилганларга яхшидир. Ва қилчалик зулм қилинмассизлар», деб айт.**

Уламоларимизнинг фикрларича, бу ояти карима Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳижратларидан кейин жиҳод фарз бўлиши билан ҳосил бўлган муаммоларни муолажа қилиш учун туширилгандир. Маккаи Мукаррамада баъзи мусулмонлар кофир-мушрикларнинг азоби авжига чиққан пайтида қаттиқ қийналган эдилар.

Лекин у пайт уларга жанг қилишга рухсат берилмаган эди. Балки сабр қилиш, урушмай туриш, намоз ўқиб, закот бериш топширилган эди. Қийноқда қолган мусулмонлар эса, бутун вужудлари билан урушга изн берилишини орзу қилишар, бу изнни зорланиб сўрашар эди. Шунингдек, Мадийнаи Мунавварада баъзи мунофиқлар ҳам бу ишга қўшилган бўлишлари мумкинлигини айрим уламолар айтиб ўтишган. Гапнинг хулосаси, бир гуруҳ одамлар кофирларга қарши жанг қилишга рухсат бўлишини жуда ҳам хоҳлаган эди.

Уларнинг талаби ҳаддан ошганда, бир оз тинчлантириш учун уларга:

**«Қўлингизни тийинг, намоз ўқиб, закот беринг, деб айтилган»,** эди.

Чунки ўша вақт жиҳодга изн бериш учун муносиб вақт эмас эди. Мадийнаи Мунавварага ҳижрат қилингандан сўнг ҳам, мушриклар мусулмонларни тинч қўймадилар. Уларни таг-томирлари билан қуритиб юбориш пайига тушиб қолдилар. Ана шундагина Аллоҳ таоло мусулмонларга кофирларга қарши уруш қилишга изн берди. Шунда ғалати ҳолатга дучор бўлинди. Урушнинг фарз қилинишини зорланиб сўраганлардан баъзилари урушдан қўрқдилар ва:

**«Уларга уруш фарз қилинганда, бирдан, бир гуруҳлари одамлардан худди Аллоҳдан қўрққандек ёки ундан ҳам қаттиқроқ қўрқишмоқда. Ва: «Эй Роббимиз, бизга урушни нега фарз қилдинг, бир оз ортга суриб турсанг бўлмасмиди?!» демоқдалар».**

Одамларнинг қийинчиликка муносабатлари турлича бўлади. Баъзилар ҳар қандай машаққатга чидаб, сабр қиладилар. Бошқалар чидаёлмай, мақсаддан қайтишлари ҳам мумкин. Учинчи бир тоифа эса, мақсаддан қайтмасдан кескин бирор чора кўришни, яъни, борини бор, йўғини йўқ қилиб қўяқолишни афзал кўрадилар.

Эҳтимол, Маккаи Мукаррамада мушрикларнинг қийноқлари остида қаттиқ эзилган мусулмонлардан баъзилари худди шу учинчи йўлни тутмоқчи бўлишгандир. Аммо, Мадийнаи Мунавварага ҳижрат қилганларидан сўнг, бу ерда қарор топиб, тинчланиб, юқоридagi ғайратлари сўниб қолган бўлса керак. Ҳаётга қизиқишлари ортиб, уруш улар учун хавfli кўриниб қолгандир. Нима бўлганда ҳам, уларнинг бу ишлари нотўғри. Аллоҳдан амр келгандан кейин бажарилиши шарт, муноқаша қилинмайди. Мусулмон одамга бу дунёнинг унчалик қизиғи йўқ. Асосийси — у дунё бахтига эришиш. Аллоҳнинг амрига бўйсунуш ва жиҳодга рағбат билан бориш ўша асосий мақсадга эришишнинг ҳақиқий омилидир. Ҳамма охиратни ўйлаши керак, охиратда қилганига яраша олинади. Бу маънони ўша урушдан қўрққанларга тушунтиришни Аллоҳ таоло Пайғамбари алайҳиссаломга топширмоқда:

**«Дунёнинг матоҳи оз, охират эса, тақво қилганларга яхшидир. Ва қилчалик зулм қилинмассизлар», деб айт».**

Урушдан қўрққанлар дунёнинг матоҳига қизиққанларидан жиҳоднинг фарз қилинганлигини хуш кўрмаган бўлсалар, шуни библиб қўйсинларки, бу дунёнинг матоҳи жуда ҳам оз. Ўша оз матоҳни деб охиратдан бенасиб бўлиш керак эмас. Охиратга эришиш учун эса, тақводор бўлиш керак. Тақводорлик Аллоҳнинг амрига тўла бўйсуниб, жиҳодга чиқишни тақозо этади. У дунёда ҳеч кимга заррача зулм қилинмайди.

Кейинги оятда бу насиҳат давом этади:

أَيْنَمَا تَكُونُوا يَدْرِكْكُمْ الْمَوْتُ وَلَوْ كُنْتُمْ فِي بُرُوجٍ مُّشِيدَةٍ وَإِنْ تُصِبْهُمْ حَسَنَةٌ يَقُولُوا هَذِهِ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ وَإِنْ تُصِبْهُمْ سَيِّئَةٌ يَقُولُوا هَذِهِ مِنْ عِنْدِكَ قُلْ كُلٌّ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ فَمَالِ هَتُولَاءِ الْقَوْمِ لَا يَكَادُونَ يَفْقَهُونَ حَدِيثًا

**78. Қаерда бўлсангиз ҳам, ҳаттоки мустаҳкам қалъаларда бўлсангиз ҳам, ўлим сизни топадир. Агар уларга яхшилик етса, бу Аллоҳдан, дерлар. Ёмонлик етганда эса, бу сендан, дерлар. «Ҳаммаси Аллоҳдан», деб айт! Анави қавмларга нима бўлдики, гапни тушунмай демаслар?!**

Жиҳодга чиқишни хоҳламаслик асосан ўлимдан қўрқиш туфайли бўлади. Лекин ўлим фақат жиҳод майдонидагина етадимми?! Бошқа жойларда ўлим йўқми? Жиҳодга чиққан ўлади-ю, чиқмаган тирик қолаверадими? Йўқ, ажали етмаган қирқ йил қиронда юрганда, қилча зиён кўрмайди. Ажали етганда эса, ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди. Ояти каримада ушбу ҳақиқат қуйидагича тушунтириляпти:

**«Қаерда бўлсангиз ҳам, ҳаттоки мустаҳкам қалъаларда бўлсангиз ҳам, ўлим сизни топади».**

Сиртдан қараганда, уруш майдонида ўлим бор-у, мустаҳкам қалъада йўқ. Шу ерда мазкур, Маккада жиҳод фарз бўлишини сўраган, жиҳод фарз бўлгандан кейин эса, ундан қўрққан муҳожирлар ҳақидаги сўзлар тугайди. Бундан буёқда мусулмонлар орасига кириб қолган баъзи бир тоифалар ҳақида сўз кетади. Бу тоифадаги одамларда қазои қадар тушунчаси нотўғри бўлган. Улар Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан шумланишган, яъни, бу оёқи ёқмайдиган одам экан, деган хаёлга боришган эди. Шу билан бирга, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг раҳбарликларига футур етказишга уринганлар. Шундай тоифадагиларнинг ҳоли оятда қуйидагича васф қилинади:

**«Агар уларга яхшилик етса, бу Аллоҳдан, дерлар. Ёмонлик етганда эса, бу сендан, дерлар».**

Бу гаплардан уларнинг ҳақиқатан ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан шумланишлари кўриниб турибди. Чунки улар у зотга фақат ёмонликни нисбат бермоқдалар, яхшиликни эмас. Бу уларнинг ботил фикр ва тасаввурларидир. Улар буни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга очиқ-ойдин айтмоқдалар. Аллоҳ таоло эса, бу ҳақдаги ҳақиқий тўғри фикрни уларга тушунтиришни Пайғамбаримизга топшириб:

**«Ҳаммаси Аллоҳдан», деб айт!»** демоқда.

Улкан ҳақиқат мана шудир. Албатта, ҳамма нарса Аллоҳдан — яхшилик ҳам Аллоҳдан, ёмонлик ҳам. У борлиқдаги ягона иш юритувчи. Борлиқда нима содир бўлса, Унинг Ўзидан. Ҳаракат ва уриниш инсондан, унинг амалга ошиши эса, Аллоҳдандир. Инсон яхшиликка ҳаракат қилади, режа тузади, уринади, турли воситаларни ишга солади, аммо ўша яхшиликнинг вужудга келиши Аллоҳнинг иродаси ила бўлади. Чунки, бир нарсани бор ёки йўқ қилишга Аллоҳнинг қудратидан ўзга қудрат йўқ.

Шунингдек, инсон ёмонликка ҳам ҳаракат қилади, режа тузади, уринади, турли воситаларни ишга солади, аммо ўша ёмонликнинг вужудга келиши Аллоҳнинг иродаси ила бўлади. Чунки, ўша ёмонликни юзага чиқаришга Аллоҳнинг қудратидан ўзга қудрат йўқ. Буни ҳамма тушуниши керак. Аммо:

**«Анави қавмларга нима бўлдики, гапни тушунай демаслар?!»**

Кейинги оятда худди шунга ўхшаш масала тамоман бошқа томондан муолажа қилинади. Аввалги оятда яхшилик ёки ёмонликда бошқа одам омил бўлиш-бўлмаслиги муҳокама этилган бўлса, бу оятда ҳар кимнинг қилгани ўзига нисбатан қандай баҳоланиши билдирилади:

مَا أَصَابَكَ مِنْ حَسَنَةٍ فَمِنَ اللَّهِ وَمَا أَصَابَكَ مِنْ سَيِّئَةٍ فَمِنَ نَفْسِكَ وَأَرْسَلْنَاكَ لِلنَّاسِ رَسُولًا  
وَكَفَى بِاللَّهِ شَهِيدًا

**79. Сенга етган яхшилик Аллоҳдандир. Ва сенга етган ёмонлик ўзингдандир. Биз сени одамларга Пайғамбар қилиб юбордик. Шоҳидликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур.**

Бу оятда яна бир ҳақиқатнинг баёни келмоқда. У ҳам бўлса, инсоннинг бу дунёда қиладиган ишларидан ҳосил бўладиган маҳсулнинг нисбати. Бу маҳсул ҳам бу дунёга, ҳам у дунёга тегишлидир.

Аллоҳ таоло бандаларига икки дунё саодатига эришиш йўлини кўрсатиб, қилиниши лозим бўлган ишларни баён этиб, қилинмаслиги лозим бўлган ишларни ҳам кўрсатиб қўйган. Инсон Аллоҳ кўрсатган ўша йўлдан юрса, яхшиликни қилиб, ёмонликдан қайтса, Аллоҳ таоло уни қўллаб-қувватлайди ва зафарга эриштиради.

Бу ҳолда инсон Аллоҳ кўрсатган йўлдан юрди, Унинг шариатига амал қилди, Унинг мадади ила фаолият кўрсатди, У кўрсатган яхшиликни қилди ва ёмонликдан четланди. Натижада яхшиликка эришди. Албатта, бу яхшилик Аллоҳдандир.

Аммо, инсон Аллоҳнинг йўлидан юрмаса, У берган ақлни тўғриликча ишлатмаса, Унинг шариатига амал қилмаса, буюрган яхшилигини бажармаса, қайтарган ёмонликдан қайтмаса, ўзидан кўрсин — оқибат албатта ёмон бўлади. Бу ёмонликка унинг ўзи сабабчидир.

Сўнгра, оятда Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳақиқий вазифалари баён қилинади. Ҳамма иш Аллоҳга қайтишини англатади:

**«Биз сени одамларга Пайғамбар қилиб юбордик. Шоҳидликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур».**

Сенинг вазифанг Пайғамбарлик — элчилик қилиш. Одамларга яхшилик ёки ёмонлик етказиш эмас. Ҳаммасига Аллоҳнинг Ўзи шоҳид. Шоҳидликка эса, Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур.

Сўнг, мусулмонлар сафида пайдо бўлган ноқулай ҳолат муолажа қилинади:

مَنْ يُطِيعِ الرَّسُولَ فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ وَمَنْ تَوَلَّىٰ فَمَا أَرْسَلْنَاكَ عَلَيْهِمْ حَفِيظًا

**80. Ким Пайғамбарга итоат қилса, Аллоҳга итоат қилган бўлур. Ким юз ўгирса, Биз сени уларга қўриқчи қилиб юборганимиз йўқ.**

Пайғамбар Аллоҳнинг элчиси, у бандаларга Аллоҳнинг амрини етказиши. Ўзидан бир нарсани қўшмайди. Шунинг учун, кишилар Пайғамбарга итоат қилишлари зарур. Уларнинг Пайғамбарларга итоат қилганлари Аллоҳга итоат қилганларидир. Ким итоат қилмай юз ўгириб кетса, кетаверсин, Пайғамбар уларга қўриқчи қилиб юборилмаган. Пайғамбарнинг вазифаси Аллоҳнинг амрларини етказиб, элчилик қилишдир, холос.

وَيَقُولُونَ طَاعَةٌ فَإِذَا بَرَزُوا مِنْ عِنْدِكَ بَيَّتَ طَائِفَةٌ مِّنْهُمْ غَيْرَ الَّذِي تَقُولُ وَاللَّهُ يَكْتُبُ مَا يُبَيِّتُونَ فَأَعْرِضْ عَنْهُمْ وَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ وَكَفَىٰ بِاللَّهِ وَكِيلًا



**81. Улар, итоат, дерлар. Ҳузурингдан чиққач эса, бир тоифалари айтганингдан бошқага хуфёна тил бириктирарлар. Аллоҳ хуфёна тил бириктирган нарсаларини ёзиб қўядир. Бас, улардан юз ўғир ва Аллоҳга таваккал қил. Вакилликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур.**

Ояти карима «Улар» деб айтаётган кишилар — мунофиқлардир. Улар Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларида турганларида у киши Қуръон оятларини ўқиб берсалар, Аллоҳнинг амрларини етказсалар, ўзлари баъзи фармонлар берсалар, қисқа қилиб «итоат», дейишади.

**«Улар, итоат, дерлар».**

Тортишиб ўтирмайдилар, муҳокама қилмайдилар. Балки, ўзларини худди ҳамма нарсани сўзсиз бажаришга тайёрдек кўрсатиб, қисқача «итоат» дейдилар. «Итоат»дан бошқа ният йўқ, деб кўрсатмоқчи бўладилар. Аслида эса, мақсадлари бошқа, шунинг учун ҳам, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларидан чиқишганидан сўнг «итоат»ни унутиб, бошқача иш тутишади.

**«Ҳузурингдан чиққач эса, бир тоифалари айтганидан бошқага хуфёна тил бириктирарлар».**

Бу ҳол жуда хатарли бўлиб, мусулмонлар сафини ичкаридан заифлаштиради. Бу ҳар қандай ташқи душмандан кўра хавфлироқ. Аммо Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ва мухлис мусулмонларнинг кўнгилларини тинчлантириб:

**«Аллоҳ хуфёна тил бириктирган нарсаларини ёзиб қўядир»**, дейди.

Демак, Ўзи билиб уларнинг жазосини беради. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мусулмонларга эса, қуйидагиларни амр қилади:

**«Бас, улардан юз ўғир ва Аллоҳга таваккал қил. Вакилликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур».**

Ўша вақтда мунофиқларнинг сиртқи ҳолларига қараб ҳукм қилинар эди. Кўнгилларида нима борлигидан баҳс этилмасди. Шунинг учун ҳам, уларнинг ишларига эътибор бермай, Аллоҳга таваккал қилиб иш юритаверишга буюрилмоқдалар. Аллоҳнинг Ўзи вакилликка кифоядир.

Келаси оятда нотўғри йўлга кирган мазкур тоифалар тўғри йўлни топиш учун нималар қилишлари лозимлигининг баёни келади:

أَفَلَا يَتَذَكَّرُونَ الْقُرْآنَ وَلَوْ كَانَ مِنْ عِنْدِ غَيْرِ اللَّهِ لَوَجَدُوا فِيهِ اخْتِلافًا كَثِيرًا ﴿٥٨﴾

**82. Қуръонни тадаббур этиб кўрмайдиларми?! Агар у Аллоҳдан бошқанинг ҳузуридан бўлганда, ундан кўп ихтилофлар топар эдилар.**

Қуръонни тадаббур қилиш, яъни, уни чуқурроқ англашга интилиш жуда зарур ишдир. Исломни билмоқчи бўлган одам, ҳақиқатни англамоқчи бўлган шахс бевосита Қуръони Каримга мурожаат қилмоғи керак. Қуръонга мурожаат этиб, уни тадаббур қилиб кўрган одам ҳақиқатни англаб етади. У илоҳий китобдир, унинг илоҳийлигини тадаббур қилган одам буни дарҳол англайди. Чунки Қуръонни жиддий ўрганишга киришган одам унда ҳеч қандай зиддият йўқлигини пайқайди.

**«Агар у Аллоҳдан бошқанинг ҳузуридан бўлганда, ундан кўп ихтилофлар топар эдилар».**

Албатта, инсон ақли етганича ўрганади. Ҳеч ким: «Мен Қуръонни охиригача фаҳм этдим, бундан бошқа тушунча бўлиши мумкин эмас», дея олмайди.

Қуръон илоҳий мўъжиза, инсон эса, унинг қаршисида ожиздир. Ўша ожиз инсон ўзининг ожизона ақли ила кўпгина Қуръоний ҳақиқатларни кашф этади. Бу эса, унинг ҳидоятига сабаб бўлади.

Тажрибада собит бўлишича, баъзи инсонларнинг ҳидоят йўлига тушишига биргина оятни тадаббур қилиш ҳам кифоя қилмоқда.

Қуръони Карим келаси оятида мусулмонлар ичидаги яна бир тоифанинг ҳолини баён этади:

وَإِذَا جَاءَهُمْ أَمْرٌ مِّنَ الْأَمْنِ أَوْ الْخَوْفِ أَذَاعُوا بِهِ ۗ وَلَوْ رَدُّوهُ إِلَى الرَّسُولِ وَإِلَىٰ أُولِي الْأَمْرِ مِنْهُمْ لَعَلِمَهُ الَّذِينَ يَسْتَنْبِطُونَهُ مِنْهُمْ ۗ وَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ لَاتَّبَعْتُمُ الشَّيْطَانَ إِلَّا قَلِيلًا

**83. Қачонки уларга эминлик ёки ҳақ тўғрисида бир иш-хабар етса, уни таратурлар. Агар уни Пайғамбарга ва ўзларидан бўлган ишбошиларга ҳавола қилганларида эди, улардан иш негизини биладиганлари уни англаб етар эдилар. Аллоҳнинг фазли ва марҳамати бўлмаганда, озгинангиздан бошқангиз шайтонга эргашиб кетар эдингиз.**

Ушбу ояти каримада васф этилаётган ҳолат ҳам ҳар бир жамиятни ичидан заифлаштирадиган ишдир. Хусусан, мусулмонларнинг ичига ғулғула солиш, уларнинг орасида ихтилоф чиқариш, уларнинг сафини бузиш ва заифлаштириш учун душманлар томонидан қўллаб келинаётган услубдир. Душманларнинг бу услубни қўллашларига бош сабаб ва имконият мусулмонлардаги мавжуд камчиликдир. Чунки улар:

**«Қачонки уларга эминлик ёки ҳақ тўғрисида бир иш-хабар етса, уни таратурлар».**

Баъзи кишилар бирор хабарни эшитишлари билан ҳамма ёққа тарқатишга шошиладилар. Бундан мусулмонларга фойда борми, зарар борми – ўйлаб ўтирмайдилар. Мазкур хабарни тарқатиш мусулмонлар учун яхшими ёки тарқатмаслик яхшими – ўйлаб кўрмайдилар. Оқибатда, душманлар «совуқ уруш» (қуролсиз уруш) деб номланган қабоҳатни ишга солиб, турли-туман ёлғонларни тўқиб чиқарадилар. Мусулмонлар ичида ғулғула, келишмовчилик тарқатадилар. Рухий, маънавий қувватларини синдирадилар. Агар мусулмонлар ўз динларига амал қилсалар, бундай лақмалик, нодонлик қилмас эдилар. Эшитган гапларини дарҳол ёймас эдилар. Чунки, Ислом ҳукми бўйича, эшитган гапини тарқатавериш мумкин эмас.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз:

«Кишининг ёлғончилигига ҳар эшитган нарсасини гапиравериши кифоя қилади», деганлар.

Бошқа бир ҳадисда эса:

«Биров ўзи ёлғон деб ўйлаган гапни гапирса, у икки ёлғончининг биридир», деганлар.

Ҳар бир мусулмон гапнинг ҳақиқатини аниқлашда ҳазрати Умари Одил розияллоҳу анҳудан ўрнак олиши лозим. У кишига «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз хотинларини талоқ қилибдилар», деган хабар етиб борганда, ишонмасдан, бу хабарнинг ҳақиқатини билиш учун уларидан чиқиб жўнадилар. Масжидга келсалар, одамлар худди шу гапни гаплашиб ўтиришибди. Бунга ҳам ишонмадилар. Сабрлари чидамай, изн сўраб Пайғамбаримизнинг ҳузурларига кирдилар-да:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, хотинларингизни талоқ қилдингизми?» деб сўрадилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ!» дедилар. Ҳазрати Умар масжид эшигига чиқдилар-да, баланд овоз билан:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хотинларини талоқ қилмадилар!!!» деб бақирдилар.

Ислом душманлари, мунофиқлар Ислом жамиятига зарар етказиш, мусулмонлар ичига ғулғула солиш учун энг нозик томондан ҳужум бошлашган эди. Мусулмонларнинг йўлбошчиси Пайғамбарнинг оиласи ҳақида бўлмағур гап тарқатишган эди. Бунинг фаҳмига етмаган одамлар эса, бу нохуш хабарни ҳар ёнга тарата бошладилар. Ҳазрати Умардек буюк қалб эгаси бу хавфни идрок этдилар ва ҳақиқатни юзага чиқаришга ҳаракат қилдилар.

Мусулмонлар бирор муҳим хабарни эшитсалар, дарҳол атрофга тарқатишга ҳаракат қилмасдан, бошқача иш тутишлари лозим. Яъни, **«Агар уни Пайғамбарга ва ўзларидан бўлган ишбошиларга ҳавола қилганларида эди, улардан иш негизини биладиганлари уни англаб етар эдилар».**

Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам тирикликларида, у зот бор жойларида, ҳалигига ўхшаш хабарларни у кишининг ўзларидан сўрашгани маъқул. Шунда, у зот нима қилиш кераклигини англатар эдилар.

Бошқа ҳолатларда эса, ўзларидан бўлган ишбошиларга ҳавола қилишлари лозим. Албатта, ишбошилар бунга нисбатан чора қўлайдилар. Чунки, уларнинг ичида турли соҳанинг мутахассислари, ҳар бир ишнинг асл негизига етиб бориш, ҳақиқатни аниқлаш имконига эга кимсалар бор. Ана ўшалар мазкур хабарнинг ҳам негизига етадилар, ҳам тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқадилар. Натижада, беҳуда миш-мишлар тарқаб, мусулмонлар ичида турли туншумовчиликлар пайдо бўлмайди. Уларнинг ичларида ихтилофлар чиқмайди. Сафлари бузилмайди ва жамиятлари заифлашмайди.

Бу ишларни кўрсатиб бергани, тўғри йўлга йўллагани ва иш услубини кўрсатгани мусулмонларга Аллоҳнинг фазли ва марҳаматидир. Шундай қилмаганда иш чатоқ бўлар эди:

**«Аллоҳнинг фазли ва марҳамати бўлмаганда, озгинангиздан бошқангиз шайтонга эргшиб кетар эдингиз».**

Энди тайёргарлик тугади. Одамлар жангга чиқишдан ортда қолмайдиган қилиб тайёрландилар. Сафлар мустаҳкам қилинди. Ичларидан заифлик тарқалишининг ҳам олди олинди. Энди бошласа бўлаверади. Аллоҳ таоло Ўзининг маҳбуб Пайғамбарига қуйидаги хитобни қилади:

فَقَنْلِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ لَا تُكَلِّفُ إِلَّا نَفْسَكَ وَحَرِّضَ الْمُؤْمِنِينَ عَسَى اللَّهُ أَنْ يَكُفَّ بَأْسَ  
الَّذِينَ كَفَرُوا وَاللَّهُ أَشَدُّ بَأْسًا وَأَشَدُّ تَنْكِيلًا

**84. Аллоҳнинг йўлида жанг қил! Ўзингдан бошқадан масъул қилинмассан. Мўминларни қизиқтир. Шоядки, Аллоҳ куфр келтирганларнинг шиддатини даф қилса. Аллоҳ шиддати қаттиқ ва азоби ортиқ Зотдир.**

Ифода услубига эътибор беринг. Аллоҳ таоло жанг қилиш ҳақида Пайғамбар алайҳиссаломнинг ёлғиз ўзларига амр қилмоқда. Бу нарса нимадан далолат?

Юқоридаги оятлардан маълум бўлганидек, мўминлар орасида журъатсизлик, ғулғула ва урушдан қўрқиш ҳоллари пайдо бўлганидан ва авж олганидан далолатдир. Шунинг учун ҳам, гўё мусулмонларнинг ҳамиятини қўзғатиш ва уларга ўзликларини англантиш ниятида:

**«Аллоҳнинг йўлида жанг қил! Ўзингдан бошқадан масъул қилинмасан!»** дейилмоқда.

Демак, фақат ўзинг ҳақингда савол қилинасан. Бошқалар ўзларига жавоб беради. Лекин, айти чоғда мўминларни Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишга қизиқтириш — тарғиб этиш ҳам лозим. Жиҳоднинг аҳамиятини тушунтириш, мўминларни жиҳодга даъват этиш ҳам бир нави жиҳод ҳисобланади. Аллоҳнинг йўлида жиҳоднинг узун силсиласи жиҳодга тарғиб қилишнинг улуғ аҳамиятли иш эканлигини доимо кўрсатиб келган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мужоҳидларнинг Имоми бўлишлари билан бирга, жиҳодга тарғиб қилувчиларнинг ҳам Имоми эдилар. У зоти бобаракот кофирлар билан бўлган биринчи қуроли тўқнашувдан — Бадр жангидан олдин мусулмонларнинг сафларини тўғрилаб туриб: «Кенглиги осмонлару ерчаллик жаннат томон турунлар!» деб тарғиб қилган эдилар.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирса, намоз ўқиб, рўза тутиб, закот берса, уни жаннатга киритиш Аллоҳга ҳақ бўлади. Гар ҳижрат қилса ҳам ёки туғилган ерида ўтирса ҳам», дедилар. Одамлар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, одамларга бу башоратни етказайликми?» дедилар. У зот:

«Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилувчиларга жаннатда юзта даража тайёрланган. Ҳар икки даражанинг ораси осмон билан ерга тенг келади. Агар Аллоҳдан сўрайдиган бўлсангиз, Фирдавс жаннатини сўранг. У жаннатнинг ўртасидир. У жаннатнинг олийсидир. Унинг устида Роҳманнинг Арши бор. Ундан жаннатнинг анҳорлари отилиб чиқади», дедилар.

Бунга ўхшаш тарғиблар жуда ҳам кўп. Ўз самарасини доимо бериб келган.

Ишбошининг маҳкам туриши ва ғалабанинг катта омили сифатида мўминларни жиҳодга тарғиб қилиши — бу ишлар душман тарафнинг қувватини ҳам кесар эди. Бу нарса қуйидаги жумлада баён қилинмоқда. Яъни, сенинг қаттиқ туришинг ва мўминларни жиҳодга қизиқтиришинг туфайли:

**«Шоядки, Аллоҳ куфр келтирганларнинг шиддатини даф қилса».**

Аслини олганда эса:

**«Аллоҳ шиддати қаттиқ ва азоби ортиқ Зотдир».**

У зот Ўз шиддати ила кофирларни бу дунёда мағлубиятга учратади. Охиратда эса, улкан азобига дучор қилади.

مَنْ يَشْفَعْ شَفَعَةً حَسَنَةً يَكُنْ لَهُ نَصِيبٌ مِّنْهَا وَمَنْ يَشْفَعْ شَفَعَةً سَيِّئَةً يَكُنْ لَهُ كِفْلٌ مِّنْهَا وَكَانَ اللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ مُّقِيمًا

**85. Ким яхши шафоат қилса, ундан ўз насибаси бўлур. Ким ёмон шафоат қилса, ундан ўз насибаси бўлур. Аллоҳ ҳар бир нарсанинг баҳосини берувчи Зотдир.**

Араб тилида «шафоат» сўзи бизда танилган маънодан кўра кенг-роқ маънода ишлатилади. Бировни бошқалар олдида оқлаш учун қилинган саъй-ҳаракат ва гап-сўз ҳам шафоат ҳисобланади. Инчунин, қоралаш учун қилингани ҳам. Шунингдек, бир ишнинг яхшилигини тушунтириш учун тарғиб қилиш, унга қизиқтириш яхши шафоат, ўша ишни ёмон деб тушунтириш эса, ёмон шафоат ҳисобланади.

Юқоридаги оятларда гап жиҳод ҳақида кетаётган бўлса ҳам бу оятнинг ҳукми умумий бўлгани учун умумий тарзда жиҳодга боғламай зикр қилинди. Шу билан бирга, яхши шафоатга яна ҳам қизиқтириш, ёмон шафоатдан яна ҳам қайтариш мақсадида **«Аллоҳ ҳар бир нарсанинг баҳосини берувчи Зотдир»**, деб ҳар бир каттаю кичик, яхшию ёмон шафоат ўз баҳосини Аллоҳ томонидан олишини эслатиб қўйди.

Шафоатдан кейин жамиятдаги алоқаларни юргазиб турувчи, жамият аъзоларининг савиясини билдириб турувчи омил — саломлашиш ҳақида сўз очилади:

وَإِذَا حِينُكُمْ بِنَحِيَةٍ فَحَيُّوا بِأَحْسَنَ مِنْهَا أَوْ رُدُّوهَا ۗ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ حَسِيبًا

**86. Қачонки сизга бир саломлашиш ила салом берилса, сиз ундан кўра яхшироқ алик олинг ёки худди ўзидек жавоб беринг. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсанинг ҳисобини олувчи Зотдир.**

Ҳар бир қавмнинг, ҳар бир халқнинг, ҳар бир миллатнинг ўзига хос саломлашиш услуби бор. Саломлашиш услуби ва иборалари

ҳамда одатлари ўша халқнинг қандай халқ эканлигидан дарак бериб туради. Исломдаги саломлашиш энг гўзал ва энг маъноли саломлашишдир. Исломда танигангаю танимаганга салом бериш суннатдир. Саломга алик олиш эса, вожибдир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«Қайси амал энг яхши амалдир?» деб сўралганда, у зот:

«Таниган ва танимаган одамингга таом ва салом бермоғинг», деб жавоб берганлар.

Ушбу ояти каримада саломлашишнинг аҳамиятли нарса экани таъкидланиб, берилган саломга ундан кўра яхшироқ ёки ўзига баробар жавоб беришга амр этилмоқда. Бу амрга қандай амал қилишни Пайғамбаримизнинг суннатларидан ўрганамиз.

Ибн Жарир қилган ривоятда Салмон ал-Форсий розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтганлар:

«Бир одам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб:

«ас-Салому алайка, йа Расулуллоҳ», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у одамга:

«Ва алайкас-Салому ва роҳматуллоҳи», дедилар. Кейин бошқа бир одам келиб:

«ас-Салому алайка, йа Расулаллоҳи ва роҳматуллоҳи», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Ва алайкас-Салому ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу», дедилар. Сўнгра, яна бошқа бир одам келиб:

«ас-Салому алайка, йа Расулаллоҳи ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Ва алайкас-Салому ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу», дедилар. Шунда у одам:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, отам ҳам, онам ҳам сизга қурбон бўлсин, ҳузурингизга фалончи фалончилар келиб салом бердилар. Сиз уларга мендан кўра яхшироқ жавоб бердингиз?» деб сўради. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сен менга ҳеч нарсани қўймадинг. Аллоҳ: «Қачонки сизга бир саломлашиш ила салом берилса, сиз ундан кўра яхшироқ алик олинг ёки ўзидек жавоб беринг», деган. Сенга ўзидек жавоб бердик, дедилар».

Салом беришнинг фазли ҳақида кўплаб ҳадиси шарифлар мавжуд.

Асрдош уламоларимиздан баъзилари жиҳодга даъват қилувчи, жангга ундовчи оятлар орасида салом (тинчлик) масаласи келишидан Исломнинг асосий қоидаси тинчлик эканлигини англаса бўлади,

Ислом — тинчлик динидир, Исломда уруш қилинса-да, тинчлик учун қилинади, дейишган.

Бундан кейин келадиган оятлар мажмуасида Ислом тасаввурининг асосий қоидаси — тавҳиднинг бошқалар билан бўладиган муомалаларда қандай қўлланиши кераклиги ҳақида сўз кетади.

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ لِيَجْمَعَ كُفْرًا إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ لَا رَيْبَ فِيهِ وَمَنْ أَصْدَقُ مِنَ اللَّهِ حَدِيثًا

**87. Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. У сизларни қоим бўлишида ҳеч шубҳа йўқ қиёмат куни албатта жамлайдир. Ким Аллоҳдан кўра ростгўйроқ?!**

Яъни, ягона Аллоҳнинг Ўзигина бандаларининг ибодатига лойиқ Зотдир. Авваллари айтиб ўтилганидек, ибодат деганда намоз, рўза, ҳаж ёки зикр каби амалларнигина тушуниш керак эмас. Балки, Аллоҳни рози қиладиган ҳамма иш ибодатдир. Демак, дунёда дастурига, кўрсатмасига ва йўлланмаларига амал қилишга сазовор зот Аллоҳдир. Худди мана шу тушунча асосида бошқа тушунчалар ҳам келиб чиқади. Ким Аллоҳни ибодатга сазовор ягона Зот, деб эътиқод қилса ва ҳаёти давомида фақат Аллоҳнинг айтганини қилиб яшаса, унинг кўрсатмасидан чиқмаса, тавҳидга амал қилган бўлади. Ҳамда қиёмат куни мукофотини олади. Ким бунга амал қилмаса, жазосини олади. Бунга шубҳа йўқ. Чунки,

**«У сизларни қоим бўлишида ҳеч шубҳа йўқ қиёмат куни албатта жамлайдир».**

Бу гап чин ҳақиқат. Чунки бу гап Аллоҳдан келмоқда.

**«Ким Аллоҳдан кўра ростгўйроқ?!»**

Ҳеч ким.

Кейинги оятда мазкур асосий қоидадан келиб чиқиб, бошқалар билан, хусусан, мунофиқлар билан қандай муомала қилиш зарурлиги баён қилинади:

﴿فَمَا لَكُمْ فِي الْمُنَافِقِينَ فِئَتَيْنِ وَاللَّهُ أَرْكَسَهُم بِمَا كَسَبُوا أْتَرِيدُونَ أَنْ تَهْتَدُوا مِنْ أَضَلِّ أَلْفًا وَ مِنْ يَضِلُّ اللَّهُ فَلَئِنْ تَجَدَّلْتُمْ فِي سَبِيلِهِ﴾

**88. Сизга нима бўлдики, мунофиқлар ҳақида иккига бўлинасизлар?! Ҳолбуки, Аллоҳ уларни расво қилиб қўйди-ку. Аллоҳ адаштирган кимсаларни ҳидоят қилмоқчи бўласизларми?! Аллоҳ кимни адаштирган бўлса, унга йўл топа олмассан.**



Имом Аҳмад ибн Ҳанбал қилган ривоятда Зайд ибн Собит рози-яллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд жангига чиққанларида, у киши билан чиққанлардан баъзилари орқага қайтиб кетдилар. Саҳобалар ўша орқага қайтганларга бўлган муносабатда иккига бўлиндилар. Бирлари уларни ўлдирамиз, дейишса, бошқалари, йўқ, улар мўминлар, уларни ўлдирмаймиз, дейишди. Шунда Аллоҳ таоло:

**«Сизга нима бўлдики, мунофиқлар ҳақида иккига бўлинасизлар?!»** оятини нозил қилди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, бу оят покловчидир. Босқон темирнинг зангини кетказганидек, зангларни кетказди», дедилар.

Ушбу ояти каримада ўша ҳодисадан кейин вужудга келган ҳолат муолажа қилинмоқда. Аллоҳ таоло ҳассослик ила мўминларнинг бу ҳолларини инкор этиб, ғалат санаб, уларни итоб қилади:

**«Сизга нима бўлдики, мунофиқлар ҳақида иккига бўлинасизлар?!»**

Ихтилоф қилиб, бир гуруҳингиз уларга қарши бўлиб, иккинчи гуруҳингиз уларнинг ёнини оласизлар. Бу ишингиз нотўғри. Улар ҳақида ихтилоф қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

**«Ҳолбуки, Аллоҳ уларни расво қилиб қўйди-ку».**

Рост-да, уларнинг жиҳоддан қайтиб кетишларидан ҳам ортиқроқ расволик борми?! Аллоҳнинг йўлида, Унинг дини йўлида жиҳод қилишдан қайтмоқдан ҳам ортиқроқ расволик борми?! Демак, Аллоҳ таоло уларнинг жиҳоддан қайтишини юзага чиқариш билан расво қилиб қўйди. Энди сизнинг улар масаласида иккига бўлинишларингиз қизиқ, бекорчи иш. Ёки:

**«Аллоҳ адаштирган кимсаларни ҳидоят қилмоқчи бўласизларми?!»**

Йўқ, бу иш қўлларингиздан келмайди, беҳуда уринасизлар. Чунки:

**«Аллоҳ кимни адаштирган бўлса, унга йўл топа олмассан».**

Кейинги оят мазкур мунофиқларнинг кимлигини яна ҳам очиқроқ баён қилади:

وَدُّوا لَوْ تَكْفُرُونَ كَمَا كَفَرُوا فَتَكُونُونَ سَوَاءً فَلَا نَتَّخِذُ مِنْهُمْ أَوْلِيَاءَ حَتَّىٰ يُهَاجَرُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَإِن تَوَلَّوْا فَخُذُوهُمْ وَأَقْتُلُوهُمْ حَيْثُ وَجَدْتُمُوهُمْ وَلَا نَتَّخِذُ مِنْهُمْ وَّالِيًّا وَلَا نَصِيرًا

**89. Улар сиз ҳам худди ўзларидек кофир бўлиб, уларга тенглашингизни хоҳларлар. Токи Аллоҳ йўлида ҳижрат қилмагунларича, улардан дўст тутманг. Агар юз ўгириб кетсалар, бас, уларни тутинг ва қаерда топсангиз, ўлдиринг. Улардан дўст ҳам, ёрдамчи ҳам тутманг.**

Мунофиқлар фақат ўзларидаги расволик билан кифояланиб қолмайдилар. Энг хатарлиси — мусулмонларни ҳам йўлдан урмоқчи бўладилар.

**«Улар сиз ҳам худди ўзларидек кофир бўлиб, уларга тенглашингизни хоҳларлар».**

Бу оят хабар бераётганидек, мунофиқлар мусулмонларнинг сўзларини англаётган, намоз, рўза сингари баъзи зоҳирий амалларни қилаётган бўлсалар ҳам, Аллоҳ уларни кофир деб атамоқда. Чунки уларнинг диллари бузуқ. Дилларидаги бузуқликни қанчалик яширсалар ҳам, вақти келиб, Уҳуд жангида бўлганидек, ҳақиқат юзага чиқади. Мунофиқлар мусулмонларнинг ҳам ўзлари каби кофир бўлишларини хоҳайдилар. Шунинг учун, уларга нисбатан қаттиқ туриш керак.

**«Токи Аллоҳ йўлида ҳижрат қилмагунларича, улардан дўст тутманг».**

Исломда дўстлик Аллоҳ учун бўлади. Қариндошлик, иш шериклиги, фирқавий ва бошқа мақсадларда эмас. Дину диёнат учун аҳлини, ватанини, мансабини ва бошқа мақсадларини тарк этмаган одамни дўст тутиб бўлмас. Қачонки, ким ақийда масаласини, иймон — Ислом масаласини ҳамма нарсадан устун қўяр экан, уни дўст тутса бўлади. Агар шундай қилмасалар, уларнинг гапларию ишларининг эътибори йўқ.

**«Агар юз ўгириб кетсалар, бас, уларни тутинг ва қаерда топсангиз, ўлдиринг. Улардан дўст ҳам, ёрдамчи ҳам тутманг».**

Уламоларимиз, бу ҳукм муайян бир қавмга нисбатан туширилган, чунки Мадийнадаги мунофиқлар асирга олинмаган ва ўлдирилмаганлар, дейишади.

Келгуси оятда юқоридаги ҳукмдан мустасно қилинадиган тоифалар ҳақида сўз кетади:

إِلَّا الَّذِينَ يَصِلُونَ إِلَى قَوْمٍ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُمْ مِيثَاقٌ أَوْ جَاءُوكُمْ حَصِرَتْ صُدُورُهُمْ أَنْ يُقَاتِلُوكُمْ أَوْ يُقَاتِلُوا قَوْمَهُمْ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَسَلَّطَهُمْ عَلَيْكُمْ فَلَقَاتِلُوكُمْ فَإِنْ اعْتَرَفْتُمْ فَلَمْ يُقَاتِلُوكُمْ وَالْقَوَا إِلَيْكُمْ السَّلَامُ فَمَا جَعَلَ اللَّهُ لَكُمْ عَلَيْهِمْ سَبِيلًا ﴿٩٠﴾

**90. Магар сиз билан орасида аҳднома бор қавмга етиб борсалар ёки сизлар билан ҳам, ўз қавмлари билан ҳам урушиш кўнгилларига сиғмасдан ҳузурингизга келсалар, майли. Аллоҳ хоҳлаганида, уларни сиздан устун қилиб қўярди ва улар сизларга қарши уруш қилардилар. Агар сиздан четлансалар ва сиз билан урушмасдан, тинчликни таклиф қилсалар, Аллоҳ сизларга уларнинг зиддига йўл бермас.**

Аввалги оятда бир тоифа мунофиқлар агар Аллоҳ йўлида ҳижрат қилишдан юз ўгириб кетсалар, уларни асир олиш ва уларга қарши уруш қилишга амр бўлган эди. Бу оятда эса, ўша мунофиқ тоифадан баъзилари бориб мусулмонлар билан аҳднома тузган бирор қавмдан ҳимоя топса, уларни истисно тариқасида асир олмаслик ва ўлдирмасликка ҳукм қилинмоқда.

**«Магар сиз билан орасида аҳднома бор қавмга етиб борсалар ёки сизлар билан ҳам, ўз қавмлари билан ҳам урушиш кўнгилларига сиғмасдан ҳузурингизга келсалар, майли».**

Ушбу истиснога яна бир тоифа қўшилмоқда. Улар мусулмонларга қўшилиб, ўз қавмларига қарши уруш қилиш ҳам кўнгилларига сиғмаган, қавмларига қўшилиб, мусулмонларга қарши уруш қилиш ҳам кўнгилларига сиғмай бетараф туришни хоҳлаганлардир. Уларни ҳам асирга олиш ёки ўлдириш мумкин эмас. Чунки уларнинг бетараф туришларининг ўзи мусулмонлар учун яхшилиқдир. Бу яхшилиқни тақдирлаб, уларга тегмаслик керак. Аслида эса, иш тамоман бошқача бўлиши ҳам мумкин эди.

**«Аллоҳ хоҳлаганида, уларни сиздан устун қилиб қўяр эди ва улар сизларга қарши уруш қилар эдилар».**

Яхшилиқнинг озгина имкони бўлса ҳам, унга юриш керак. Шу боис, мусулмонларга қуйидаги амр қилинмоқда:

**«Агар сиздан четлансалар ва сиз билан урушмасдан, тинчликни таклиф қилсалар, Аллоҳ сизларга уларнинг зиддига йўл бермас».**

Тинчлик тарафдорлари билан урушиш мусулмонларга ҳеч тўғри келмайди. Аммо, ўзини билмаган баъзи мунофиқ тоифалар борки, уларга алоҳида муносабат бўлади:

سَتَجِدُونَءَآخَرِينَ يُرِيدُونَ أَن يَأْمَنُوكُمْ وَيَأْمَنُوا قَوْمَهُمْ كُلٌّ مَّارَدٌ وَإِلَى الْفِتْنَةِ أُرْكَبُوا  
فِيهَا فَإِن لَّمْ يَعْزِلُوكُمْ وَيَلْقُوا إِلَيْكُمُ السَّلَامَ وَيَكْفُوا أَيَدِيَهُمْ فَخُذُوهُمْ وَأَقْبِلُوهُمْ  
حَيْثُ ثَقَّفْتُمُوهُمْ وَأُولَئِكَ جَعَلْنَا لَكُمْ عَلَيْهِمْ سُلْطَانًا مُّبِينًا ﴿٩١﴾

91. Сиздан ҳам, ўз қавмларидан ҳам омонда бўлишни хоҳлайдиган, фитнага қайтарилган чоқларида унга шўнғийдиган бошқа бировларни ҳам кўрасизлар. Агар сиздан четланмасалар, сизга тинчликни таклиф қилмасалар ва қўлларини тиймасалар, бас, уларни тутинг ва қаерда топсангиз, ўлдилинг. Ана ўшандайлар устидан сизга очиқ ҳақ бердик.

Ибн Жарир Мужоҳиддан ривоят қилишича, бу ояти карима маккалик бир қавм ҳақида нозил бўлган. Улар Пайғамбар алай-ҳиссаломнинг ҳузурларига келиб, риё учун мусулмонликларини билдиришарди. Сўнгра, қурайшликлар олдига бориб, улар билан бирга бутларига ибодат қилишар эди. Шу йўл билан икки томондан ҳам омон қолмоқчи бўлишар эди.

«Сиздан ҳам, ўз қавмларидан ҳам омонда бўлишни хоҳлайдиган, фитнага қайтарилган чоқларида унга шўнғийдиган бошқа бировларни ҳам кўрасизлар».

Демак, уларга ишониб бўлмайди. Мадомики, улар мусулмонларга ёмонлик қилишдан четланмасалар, тинчликни таклиф қилмасалар ва улардан қўлларини тиймасалар, уларни асир олиш, топган жойда ўлдириш керак. Бунга Аллоҳнинг Ўзи рухсат бермоқда.

«Агар сиздан четланмасалар, сизга тинчликни таклиф қилмасалар ва қўлларини тиймасалар, бас, уларни тутинг ва қаерда топсангиз, ўлдилинг. Ана ўшандайлар устидан сизга очиқ ҳақ бердик».

Буларнинг ҳаммаси мусулмонларнинг мунофиқлар билан бўладиган муносабатлари ҳақидаги ҳукмлардир. Аммо мусулмонларнинг ўзаро алоқалари қандай бўлиши керак? Бу саволга қуйидаги оятда жавоб берилади:

وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ أَنْ يَقْتُلَ مُؤْمِنًا إِلَّا خَطَأً وَمَنْ قَتَلَ مُؤْمِنًا خَطَأً فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةٍ وَدِيَةٌ مُسَلَّمَةٌ إِلَىٰ أَهْلِهِ ۖ إِلَّا أَنْ يَصَدَّقُوا فَإِنْ كَانَتْ مِنْ قَوْمٍ عَدُوٍّ لَكُمْ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةٍ وَإِنْ كَانَ مِنْ قَوْمٍ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُم مِّيثَاقٌ فَدِيَةٌ مُسَلَّمَةٌ إِلَىٰ أَهْلِهِ ۖ وَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةٍ فَمَنْ لَمْ يَجِدْ فَصِيَامُ شَهْرَيْنِ مُتَابِعَيْنِ تَوْبَةً مِّنَ اللَّهِ ۗ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿١٢﴾

**92. Мўмин мўминни ўлдирмас. Магар билмасдан қилиши мумкин. Кимки мўминни билмасдан ўлдириб қўйса, бас, унга мўмин қулни озод қилиш ва (ўлганнинг) аҳли кечирмасалар, хун бериш вожиб бўлур. Агар у сизга душман қавмдан бўлиб, ўзи мўмин бўлса, мўмин қулни озод қилиш вожиб бўлур. Агар у сиз билан орасида аҳдномаси бор қавмдан бўлса, аҳлига бериладиган хун ва мўмин қулни озод қилиш вожиб бўлур. Ким топмаса, Аллоҳга тавба учун кетма-кет икки ой рўза тутиш вожиб бўлур. Аллоҳ билувчи ва ҳикматли Зотдир.**

Мўмин инсон ўзининг мўмин биродарига нисбатан доимо яхши муносабатда бўлиши лозим. Бу унинг мўминлик вазифаси. Шунинг учун ҳам, ушбу оятда:

«**Мўмин мўминни ўлдирмас**», деб бу ҳол, яъни мўминнинг мўмин томонидан ўлдирилиши эҳтимолдан узоқ ҳисобланмоқда. Лекин бандачилик туфайли хато содир бўлиб, беихтиёр шундай кўнгилсиз ҳодиса юзага келиши мумкин. Уламолар хато қилиб, билмасдан ўлдиришни бир неча хилга бўлишган. Бирор ҳайвон ёки қушни овлаш ниятида отилган ўқ бехосдан мўминга тегиб ўлдириши. Кофирларнинг ичида, уларнинг кийимида юрган мўминни билмай ўлдириб қўйиш... кабилар. Оятда мўмин мўминни билмай ўлдиришининг уч хил суврати ва уларнинг жазоси тилга олинган:

1. Мусулмон жамиятида яшаб турган мўминни бошқа бир мўмин билмасдан ўлдириб қўйиши. Бу ҳолда қотил бир мўмин қулни озод қилади. Модомики, у мўминлар жамиятидан бир тирик жоннинг камайишига сабаб бўлдими, бунинг жазосига бошқа бир мўминни тўлақонли ҳурликка чиқарсин. Бунга қўшимча равишда ўлдирилган шахснинг аҳлига унинг хунини берсин. Бу уларнинг дард-аламини енгиллатади. Ўлган шахс келтириши мумкин бўлган моддий фойдаларнинг эвази бўлади.

Имом Аҳмад ва бошқа муҳаддислар қилган ривоятда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билмасдан ўлдирилган одамнинг хунига йигирмата Бинти Мухоз, йигирмата Бани Мухоз, йигирмата Бинти Лабун, йигирмата Жазуаъ, йигирмата Ҳиққа туялар беришга ҳукм чиқардилар». Хунни қотилнинг ота тараф қариндошлари тўлайдилар.

Агар ўлдирилган шахснинг қариндошлари кечириб юборсалар, ўзларининг иши. Бу яхшилик ҳисобланади ва марғуб бир ишдир.

«**Кимки мўминни билмасдан ўлдириб қўйса, бас, унга мўмин қулни озод қилиш ва (ўлганнинг) аҳли кечирмасалар, хун бериш вожиб бўлур**».

2. Ўлдирилган шахс ўзи душман қавмидан, аммо-лекин мўмин бўлса, бу ҳолда қотилга бир мўмин қулни озод қилиш вожиб бўлади. Биринчи сувратда айтилганидек, бир мўмин жоннинг камайишига сабаб бўлгани учун Ислоом жамиятига янги тўлақонлик мўминни қўшиши зарур. Бироқ бу ҳолатда хун бериш вожиб бўлмайди. Чунки, агар хун тўланадиган бўлса, душман қавмга берилади. Улар эса, бу молни мусулмоннинг зиддига ишлатадилар.

**«Агар у сизга душман қавмдан бўлиб, ўзи мўмин бўлса, мўмин қулни озод қилиш вожиб бўлур».**

3. Ўлдирилган шахснинг ўзи мўмин, қавми эса, мўмин эмас, аммо уларнинг мусулмонлар билан тузилган тинчлик аҳднолари бор. Бу ҳолда қотилга бир мўмин қулни озод қилиш ва марҳумнинг аҳлига хун тўлаш вожиб бўлади. Иккинчи сувратдагидан фарқ шундаки, марҳумнинг аҳли мусулмонлар билан тинчлик аҳдномаси тузган. Бунда мусулмонларга қарши уруш хавфи бўлмайди, шунинг учун уларга марҳумнинг хуни берилаверади.

**«Агар у сиз билан орасида аҳдномаси бор қавмдан бўлса, аҳлига бериладиган хун ва мўмин қулни озод қилиш вожиб бўлур».**

Баъзи ҳолларда қотил қул озод қилишга имкон топа олмаслиги мумкин. Бу ҳолда унга бошқа жазо белгиланади. У узлуксиз икки ой рўза тутади. Фақат беморлик, ҳайз кўриш ёки нифос сабабидан рўза орасини узса бўлади. Бошқа ҳолда бирон кун тутмаса, яна янгидан икки ой рўза тутишни бошлайди.

**«Ким топмаса, Аллоҳга тавба учун кетма-кет икки ой рўза тутиши вожиб бўлур. Аллоҳ билувчи ва ҳикматли Зотдир».**

Мазкур жазоларнинг ҳаммаси мўмин одамни хато қилиб, билмасдан ўлдириб қўйган шахсга белгилангандир. Энди эса, мўмин одамдан содир бўлиши тасаввурга сиғмайдиган, иймонга зид ҳисобланган иш бўлиб қолса, яъни, бир мўмин иккинчи мўминни қасддан ўлдирса, нима қилинади, деган саволга жавоб келади:

وَمَنْ يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُتَعَمِّدًا فَجَزَاؤُهُ جَهَنَّمُ خَالِدًا فِيهَا وَغَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَلَعَنَهُ وَأَعَدَّ لَهُ عَذَابًا عَظِيمًا ﴿٩٣﴾

**93. Ким бир мўминни қасддан ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамдир. Унда абадий қолур. Унга Аллоҳнинг ғазаби ва лаънати ёғилур. Ва Аллоҳ унга улкан азобни тайёрлагандир.**

Мўмин кишини қасддан ўлдириш шунчалик катта жиноят ва гуноҳки, уни қул озод қилиш билан ҳам, хун тўлаш билан ҳам ювиб бўлмайди.

Мўмин мўминни қасддан ўлдириши бир беайб жонга қўшиб, иймондек улуғ неъмат туфайли вужудга келган ақийда қардошлигини ҳам ўлдиришдир. Шунинг учун ҳам, қисқагина бир оятда бу жиноятчига бошқа ҳеч кимга тайин қилинмаган олий жазолар — жаҳаннамда абадий қолиш, Аллоҳнинг ғазабига ва лаънатига дучор бўлиш ва У Зот тайёрлаб қўйган улкан азоб ваъда қилинмоқда.

Шунинг ўзиёқ бу иш қанчалик катта жиноят эканлигини билдиради.

Мўмин кишини қасддан ўлдириш мислсиз улкан гуноҳ эканлиги ҳақида бошқа оят ва ҳадислар ҳам кўп.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадисларидан бирида:

«Бир мусулмоннинг ўлдирилиши Аллоҳнинг ҳузурида дунёнинг заволидан ҳам оғирроқдир», деганлар.

Бошқа бир ҳадисда эса:

«Осмонлару ернинг аҳллари тўпланиб бир мусулмонни ўлдирсалар, Аллоҳ уларнинг ҳаммасини дўзахга солади», дейилган.

Учинчи бир ҳадисда:

«Ким бир мусулмонни ўлдиришга бир оғиз сўз билан бўлса ҳам ёрдам берса, қиёмат куни пешонасига «Аллоҳнинг раҳматидан ноумид», деган ёзув ила ёзилган ҳолда келади», дейилган.

Мазкур жазолар қасддан мўмин одамни ўлдирганнинг охиратдаги жазосидир. Аммо, бошқа оят ва ҳадислардан келиб чиқиб, унга бу дунёда ҳам маълум жазолар белгиланган. Аввало, қотил устидан ўлдирилган шахснинг валиюл амрлари ҳукмга эга бўладилар. Улар хоҳласалар, қотилдан қасос олиш мақсадида уни ўлдиришни талаб қиладилар, хоҳласалар, кечиб юборадилар ёки хоҳласалар кучайтирилган хун оладилар. Кучайтирилган хун эса, ўттизта Ҳиққа, ўттизта Жазуъа ва қирқта Халуфа туялардан иборат.

Келаси оятда кишиларни билмасдан ўлдириб қўйишнинг олдини олиш учун ва ҳамма нарса, жумладан, жиҳод ҳам фақат Аллоҳ учун бўлишини англатиш учун нималар қилиш лозимлиги баён этилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا ضَرَبْتُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَتَبَيَّنُوا وَلَا تَقُولُوا لِمَنْ أَلْقَىٰ  
إِلَيْكُمْ السَّلَامَ لَسْتَ مُؤْمِنًا تَبَتَّغُونَ عَرَضَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا فَعِنْدَ اللَّهِ  
مَغَانِمٌ كَثِيرَةٌ كَذَلِكَ كُنْتُمْ مِن قَبْلُ فَمَنْ أَتَىٰ اللَّهَ عَلَىٰكُمْ فَتَبَيَّنُوا  
إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا ﴿٩٤﴾

**94. Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳнинг йўлида жиҳодга чиқсангиз, аниқлаб олинглар ва сизга салом берган кимсага, мўмин эмассан, деманглар. Бу дунё ҳаётининг ўткинчи ўлжасини истайсизлар, Аллоҳнинг ҳузурида эса, кўплаб ўлжалар бор. Авваллари сиз ҳам шундай эдингиз, Аллоҳ сизга неъмат берди. Бас, аниқлаб олинг. Албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир.**

Ушбу ояти кариманинг нозил бўлиш сабаби ҳақида Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади: «Бану Салим қабиласидан бир одам бир гуруҳ саҳобанинг олдидан қўйларини боқиб ўтиб қолди ва уларга салом берди. Саҳобалар: «Биздан қўрққанидан салом берди, бўлмаса, бермас эди», дедилар-да, уни ўлдириб, қўйларини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига ҳайдаб бордилар. Шунда Аллоҳ таоло:

**«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳнинг йўлида жиҳодга чиқадиган бўлсангиз, аниқлаб олинглар...»** оятини нозил қилди.

Демак, ояти каримада Аллоҳ таоло шошма-шошарлик билан бировнинг мўмин ёки мўмин эмаслиги ҳақида ҳукм чиқариб иш кўришни қораламоқда.

Мусулмонлар ҳеч қачон бу дунё матоҳини ҳисобга олиб иш кўрмасликлари лозим. Шу билан бирга, яхши аниқламай туриб ҳам иш қилмасликлари керак. Қўй ҳайдаб ўтган одам уларга салом бердими, демак, бу билан у, мен ҳам мусулмонман, деди. Уни, сен мусулмон эмассан, деб ўлдириб, қўйини олиш мусулмоннинг иши эмас. Уларнинг бу ишлари бу дунёнинг ўткинчи ўлжаси учун одам ўлдиришдир.

**«Бу дунё ҳаётининг ўткинчи ўлжасини истайсизлар, Аллоҳнинг ҳузурида эса, кўплаб ўлжалар бор».**

Ҳолбуки, жиҳодга чиққан одам Аллоҳ учун чиқади. Аллоҳнинг ҳузурида эса, ўлжалар жуда кўп. Аллоҳ таоло бу номаъқул ишни қилган мусулмонларга ўзларининг яқин ўтмишини эслатиб:

**«Авваллари сиз ҳам шундай эдингиз, Аллоҳ сизга неъмат берди»**, демоқда.

Яъни, Аллоҳ сизга иймон ва Ислом неъматини бермасдан аввалги ҳолингизни эсланг? Қандай эдингиз?! Шошқалоқ, аниқламай иш қилар ва бу дунёнинг ўткинчи матоҳи учун ҳеч нарсадан қайтмас эдингиз. Энди бу иш сизга тўғри келмайди.

Бу жумлага иккинчи бир маъно берса ҳам бўлади, яъни: Аллоҳ сизга тинчлик-омонлик неъматини бермасдан олдин сиз ҳам ўша ўлдирилган одамга ўхшаб иймонингизни яшириб юрар эдингиз. Ўша ҳолатингизни унутманг.



**«Бас, аниқлаб олинг. Албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир».**

Жиҳод ҳақидаги таълимотлардан яна бирини кўрдик. Келаси оятларда жиҳодга чиққанлар билан чиқмаганлар орасидаги фарқларнинг баёни келади:

لَا يَسْتَوِي الْقَاعِدُونَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ غَيْرُ أُولِي الضَّرَرِ وَالْمُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ بِأَمْوَالِهِمْ  
وَأَنْفُسِهِمْ فَضَّلَ اللَّهُ الْمُجَاهِدِينَ بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ عَلَى الْقَاعِدِينَ دَرَجَةً وَكُلًّا وَعَدَ اللَّهُ الْحُسْنَى  
وَفَضَّلَ اللَّهُ الْمُجَاهِدِينَ عَلَى الْقَاعِدِينَ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿٩٥﴾ دَرَجَاتٍ مِنْهُ وَمَغْفِرَةً وَرَحْمَةً وَكَانَ اللَّهُ  
غَفُورًا رَحِيمًا ﴿٩٦﴾

**95. Мўминлардан бешикаст бўла туриб ўтириб қолганлари билан Аллоҳнинг йўлида моллари ва жонлари ила жиҳод қилувчилари баробар бўлмаслар. Аллоҳ моллари ва жонлари билан жиҳод қилувчиларнинг даражасини ўтириб қолувчилардан афзал қилди. Аллоҳ ҳаммага яхшиликни ваъда қилган. Аллоҳ мужоҳидларни ўтириб қолувчилардан улуғ ажр ила афзал қилган.**

**96. Ўзидан бўлган даражалар ила, мағфират ва раҳмат ила (афзал қилган). Ва Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳимли Зотдир.**

Ушбу оятда жиҳод қилувчи мўмин ила жиҳодга чиқмай уйда ўтириб қолган мўмин орасидаги фарқ баён қилинмоқда. Бу борада Аллоҳнинг йўлида моллари ва жонлари билан жиҳод қилувчиларга жиҳоддан узрсиз қолганлар ҳеч қачон тенг бўла олмасликлари таъкидланмоқда.

**«Мўминлардан бешикаст бўла туриб ўтириб қолганлари билан Аллоҳнинг йўлида моллари ва жонлари ила жиҳод қилувчилари баробар бўлмаслар».**

Узри борларнинг эса, ҳукмлари бошқа: улар шикаст етгани ёки жисмоний камчиликлари, камбағалликлари туфайли чиқа олмаслар, узридирлар.

Имом Бухорий ҳазрати Анас розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мадийнада бир қавмлар борки, сиз маълум масофа йўл юрсангиз ёки бирор водийни кесиб ўтсангиз, албатта, улар ҳам сиз билан биргадир», дейдилар. Одамлар:

«Улар Мадийнада қолсалар ҳам-а, эй, Аллоҳнинг Расули?» деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа, уларни узр тутиб қолди», дедилар.

Оятнинг кейинги жумласида мужоҳидлар билан узрсиз ўтириб қолганларнинг ораларидаги фарқ қандай бўлиши айтилади:

**«Аллоҳ моллари ва жонлари билан жиҳод қилувчиларнинг даражасини ўтириб қолувчилардан афзал қилди».**

Ўша афзал қилинган даражани англаш учун Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадисларига мурожаат қиламиз.

Имом Бухорий ва имом Муслим Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жаннатда Аллоҳ тайёрлаган юзта даража бор. Икки даражанинг ораси осмон билан ерча келади», деганлар.

Аъмаш раҳматуллоҳи алайҳи Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким камондан бир ўқ отса, унга ажри бир даража миқдорида берилади», дедилар. Шунда бир одам:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, даража нимадир?» деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Даража сенинг онангининг остонаси эмас. Ҳар икки даража орасида масофа юз йиллик йўл», дедилар.

Орадаги фарқни баён қилиб бўлингандан сўнг, ҳаммага ҳам Аллоҳ яхшиликни ваъда қилганлиги эслатилади:

**«Аллоҳ ҳаммага яхшиликни ваъда қилган».**

Кўпчилик уламоларнинг таъкидлашларича, «яхшилик» дан му-род жаннатдир. Нима бўлганда ҳам, иймоннинг ўз вазни бор. Иймон тақозоси бўйича қилинган амаллар ҳақли равишда иймонлилар орасидаги даражаларнинг турлича бўлишига сабаб бўлади.

Бу оятда зикр этилган «жиҳоддан ўтириб қолганлар» мунофиқлар эмас. Улар ҳам мусулмондирлар, лекин амал соҳасининг жиҳод бобида камчиликка йўл қўйдилар. Шунинг учун, улар мусулмонлар сафидан чиқмайдилар, аммо даражалари жуда ҳам пастлайди. Бу ютқизиқнинг ҳажми қуйидаги жумладан сўнг яна ҳам яхшироқ аниқ бўлади:

**«Аллоҳ мужоҳидларни ўтириб қолувчилардан улуғ ажр ила... ўзидан бўлган даражалар ила, мағфират ва раҳмат ила (афзал қилган)».**

Мужоҳидларнинг афзалликлари бир неча тарафдан экан. Аввало, уларга улуғ ажр берилади. Сўнгра, Аллоҳ таолодан бўлган даражалар. Бу жуда ҳам катта мукофот. Кейин, Аллоҳ мужоҳидларнинг барча хато ва гуноҳларини ҳам мағфират қилади, кечади. Ҳамда

уларни Ўз раҳматига сазовор этади.

Оятнинг охирида Аллоҳнинг сифатларини эслатиш билан бу ишлар унга жуда ҳам осон эканлиги яна бир бор таъкидланмоқда.

**«Ва Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳимли Зотдир».**

إِنَّ الَّذِينَ تَوَفَّيْتَهُمُ الْمَلَائِكَةُ ظَالِمِي أَنْفُسِهِمْ قَالُوا فِيمَ كُنْتُمْ قَالُوا كُنَّا مُسْتَضْعَفِينَ فِي الْأَرْضِ  
 قَالُوا أَلَمْ تَكُنْ أَرْضَ اللَّهِ وَسِعَةً فَهَاجِرُوا فِيهَا فَأُولَئِكَ مَا وَلَّهُمْ جَهَنَّمَ وَسَاءَتْ مَصِيرًا ﴿٩٧﴾

**97. Ўзига зулм қилувчи ҳолида жони олинаётганларга фаришталар: «Нима қилаётган эдинглар?» дерлар. Улар: «Ер юзида бечора эдик», дерлар. «Аллоҳнинг ери кенг эди-ку, ҳижрат қилсангиз бўлмасмиди?!» дерлар. Ана ўшаларнинг жойи жаҳаннамдир. У қандай ҳам ёмон жой!**

Ушбу ояти каримада

**«Ўзига зулм қилувчи ҳолида жони олинаётганлар»**, деб васф қилинган кишилар маълум бир тоифадир. Улар ўзлари бўлмаса-да, молу мулкларини асраб қолиш учун ва бошқа манфаатларини кўзлаб, ҳижратнинг қийинчиликларидан қочиб, кофирлар ичида қолиб кетган кишилардир. Уларни Аллоҳ таоло «ўзига зулм қилувчилар» деб сифатламоқда.

Бу ҳақда Ибн Аби Ҳотим Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидагича ривоят қиладилар:

«Исломни қабул қилган баъзи маккаликлар бор эди, улар мусулмонликларини яшириб юрар эдилар. Мушриклар уларни ўзлари билан Бадр урушига олиб чиқдилар. Баъзилари урушда ўлди. Шунда мусулмонлар: «Улар бизнинг биродарларимиз, мусулмон эдилар, урушга мажбуран олиб чиқилдилар, уларга истиғфор айтиб, гуноҳларининг кечирилишини сўрайлик», дедилар. Шунда Аллоҳ «Ўзларига зулм қилувчи ҳолида жони олинаётганларга...» оятини нозил қилди.

Оятнинг нозил бўлиш сабаби маълум одамларга хос бўлса ҳам, унинг ҳукми умумийдир. Ким мусулмон бўлатуриб, диний амалларини қилишга имкони йўқ кофир-мушрик жамиятдан ҳижрат қилиб чиқмасдан, улар билан яшаб қолса, ўзининг жонига зулм қилган бўлади. Ҳамда:

**«Ўзига зулм қилувчи ҳолида жони олинаётганларга фаришталар: «нима қилаётган эдинглар?» дерлар.**

Албатта, улар ўзларининг жонларини олаётган фаришталар уларга бундай саволни беришларини аввалдан кутган бўладилар. Чунки,

қилган ишларининг нотўғрилигини ўзлари ҳам сезардилар. Ўзларининг ожизона фикрлари ила тайёрлаган жавоблари:

«**Ер юзида бечора эдик**», дейишдир. Аслида, улар бечора эмас эдилар. Уларнинг чоралари бор эди. Фаришталар: «Аллоҳнинг ери кенг эди-ку, ҳижрат қилсангиз бўлмасмиди?» дейдилар.

Дарҳақиқат, уларга ўхшаган бошқалар Аллоҳнинг йўлида ҳижрат қилдилар, машаққат тортдилар, манфаатларидан, молу мулкларидан кечдилар ва ватанларидан айридилар. Улар эса, буни қилишмади. Шунинг учун ҳам:

«**Ана ўшаларнинг жойи жаҳаннамдадир. У қандай ҳам ёмон жой!**»

Келаси оятда ҳақиқий бечораларга бу ҳукм жорий бўлмаслиги ва уларнинг ким эканлиги баён қилинади:

إِلَّا الْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ الرِّجَالِ وَالنِّسَاءِ وَالْوِلْدَانَ لَا يَسْتَطِيعُونَ حِيلَةً وَلَا يَهْتَدُونَ سَبِيلًا  
فَأُولَٰئِكَ عَسَى اللَّهُ أَنْ يَعْفُو عَنْهُمْ وَكَانَ اللَّهُ عَفُوًّا غَفُورًا ﴿٩٨﴾

**98. Фақат эркаклар, аёллар ва болалардан иборат, ҳийлага қодир бўлмаган, йўлни топа олмаган бечораларгина бундан мустасно.**

**99. Ана ўшалар, шоядки, Аллоҳ уларни афв этса. Зотан, Аллоҳ афв этувчи ва мағфират қилувчи Зотдир.**

Демак, дини ва иймони хавф-хатарда қолган ҳар бир мусулмон дунёвий манфаатларидан кўз юмиб, дину диёнатини сақлаш мақсадида тинч-омон жойга ҳижрат қилмоқи фарздир. Бу ҳижрат фақат заифҳол чоллар, кампирлар, аёллар ва болаларга фарз бўлмайди.

«**Фақат эркаклар, аёллар ва болалардан иборат, ҳийлага қодир бўлмаган, йўлни топа олмаган бечораларгина бундан мустасно**».

Уларнинг бечоралигини эътиборга олиб, ҳукм енгиллаштирилган. Уларни умидворлик ришталари ила боғланади.

«**Ана ўшалар, шоядки, Аллоҳ уларни афв этса. Зотан, Аллоҳ афв этувчи ва мағфират қилувчи Зотдир**».

Яна ҳижрат масаласи давом этади. Келаси оятда Аллоҳнинг йўлидаги ҳижратнинг фазли ҳақида сўз кетади:

﴿ وَمَنْ يُهَاجِرْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ يَجِدْ فِي الْأَرْضِ مُرَافًا كَثِيرًا وَسَعَةً وَمَنْ يَخْرُجْ مِنْ بَيْتِهِ مُهَاجِرًا إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ ثُمَّ يُدْرِكْهُ الْمَوْتُ فَقَدْ وَقَعَ أَجْرُهُ عَلَى اللَّهِ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا ﴿٩٩﴾ ﴾

**100. Ким Аллоҳнинг йўлида ҳижрат қилса, ер юзида кўпгина паноҳгоҳлар ва кенгчилик топадир. Ким уйдан Аллоҳ ва Расулга ҳижрат қилиб чиқса-ю, сўнгра унга ўлим етса, албатта, унинг ажри Аллоҳ зиммасига тушадир. Ва Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳимли Зотдир.**

Ушбу оятда ҳижрат қилишга тарғиб – қизиқтириш бор. Бу улғушга кишиларни маънавий жиҳатдан тайёрлаш, кўнгилларига келиши мумкин бўлган баъзи хаёлларни кўтариш бор. Ҳижрат – дину диёнатни деб, ватанни тарк этишдир. Кишилар ўзларича, ватандан узоқда бўлган шахс хавф-хатарда қолади, ризқурўзи қийилади, деган фикрда бўладилар. Демак, улар тинчлик-омонлик ва ризқ-рўзни яшаш жойга боғлиқ деб тушунадилар. Бу эса, мусулмонликка ҳеч тўғри келмайдиган нотўғри фикрдир. Ана шу нотўғри фикрни кишилар хаёлидан кўтариш учун бу оятда:

**«Ким Аллоҳнинг йўлида ҳижрат қилса, ер юзида кўпгина паноҳгоҳлар ва кенглик топадир»,** дейилмоқда.

Аллоҳ таоло ҳеч қачон Ўзининг йўлида ҳижрат қилган бандасини чорасиз ҳолда ташлаб қўймайди. Унга хавф-хатарлардан асрайдиган паноҳгоҳлар ато қилади ва ризқини кенг қилиб қўяди. Кўпгина кишилар ҳижратдан кейин олий даражаларга, кенг ризқ-ларга эришгани тажрибадан маълум. Одамларни ҳижратдан тўсиб турадиган нарсалардан бири ўлимдан қўрқибдир. Аслида эса, аввал ўтган оятларда таъкидланганидек, ўлим жой танламайди. Вақти-соати етганда, муҳожир ҳам, муқим ҳам ўлаверади. Аммо, у ўлим билан бу ўлимнинг фарқи бор. Муҳожирликда ўлишнинг бахтига нима етсин!

**«Ким уйдан Аллоҳ ва Расулга ҳижрат қилиб чиқса-ю, сўнгра унга ўлим етса, албатта, унинг ажри Аллоҳ зиммасига тушадир. Ва Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳимли Зотдир».**

Бундан ортиқ яна нима керак? Соф ният билан йўлга чиқса бўлди. Муҳожирлар сафидан ўрин олади. Мабодо, йўлда ажали етиб ўлиб қолса, муҳожир сифатида ўлади. Шунинг учун, фақат Аллоҳнинг йўлида ва Пайғамбарнинг йўлида ҳижратни ният қилиб чиқиш керак.

Имом Бухорий ва имом Муслимлар ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Ишлар ниятга боғлиқдир. Ҳар бир одамга ният қилгани берилади. Кимнинг ҳижратдан нияти Аллоҳга ва Унинг Расулига бўлса, унинг ҳижрати Аллоҳга ва Расулига бўлади. Кимнинг ҳижратдан нияти дунё учун бўлса, унга эришади ёки аёл учун бўлса, унга уйланади. Нима учун ҳижрат қилса, ўшанга етишади», деганлар.

Юқоридаги оятларда жиҳод ва ҳижрат зикр қилинди. Одатда бу икки иш ҳам сафарга боғлиқ бўлади. Табиийки, сафар шароити муқимлик шароитидан бошқачадир. Хўш, бундай ҳолда ибодатлар қандай адо этилади. Қуйидаги оятда сафарда намозни қандай адо этиш ҳақида сўз кетади:

وَإِذَا ضَرَبْتُمْ فِي الْأَرْضِ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَقْصُرُوا مِنَ الصَّلَاةِ إِنَّ خِفْتُمْ أَنْ يُفْتِنَكُمْ  
الَّذِينَ كَفَرُوا إِنَّ الْكَافِرِينَ كَانُوا أَعْدَاءً مُّبِينِينَ ﴿٢٠٠﴾

**101. Ер юзида жавлон урганингизда, куфр келтирганлар сизга фитна қилишидан хавф қилсангиз, намозни қаср қилиб адо этмоғингизда гуноҳ йўқдир. Албатта, кофирлар сизга очиқ душмандирлар.**

Албатта, ҳар бир сафарда, хусусан, жиҳод ва ҳижрат сафарида турли қийинчиликлар билан бирга, хавфу хатар ҳам бўлади. Айни чоғда, сафардаги одам оддий ҳолатдагидан кўра Аллоҳ таолога боғлиқ бўлишга кўпроқ муҳтожлик сезади. Айниқса, жиҳодга ва ҳижратга чиққан одам ҳаммадан кўра Аллоҳ таоло билан доимий боғланишга эҳтиёжлидир. Шу нарсалар эътиборидан намоз сафарда батамом бекор қилинмаган, лекин қисқартирилгандир. Мусофир одам тўрт рақъатли намозни қисқартириб, икки рақъатдан ўқийди.

Сафарда намозни қаср қилиб ўқиш ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўпгина ҳадиси шарифлар ривоят қилинган бўлиб, улардан бир нечтасини эслатиб ўтамыз.

Яъло ибн Умайя розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен Умар ибн Хаттобга: «Ер юзида жавлон урганингизда, куфр келтирганлар сизга фитна қилишидан хавф қилсангиз, намозни қаср қилиб адо этмоғингизда гуноҳ йўқдир», батаҳқиқ одамлар эмин бўлдилар?» дедим. У:

«Мен ҳам, сен ажабланган нарсдан ажабланиб, у ҳақида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрадим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бу — Аллоҳ сизга қилган бир садақадир. Бас, Унинг садақасини қабул қилинглар», дедилар», деб жавоб берди».

Бу ҳадиси шарифдан сафарда намозни қаср қилиб ўқиш Аллоҳнинг мўмин-мусулмонларга кўрсатган фазли-карами, худди садақадек, қўшимча ёрдам сифатида жорий қилинган шаръий ҳукм эканлигини, шунингдек, бу садақани қабул қилиш лозимлигини билиб оламиз.

Имом Бухорий ривоят қилишларича, Ибн Умар ва Ибн Аббос розияллоҳу анҳумолар тўрт барид — ўн олти фарсах масофадаги сафарда намозни қаср қилиб ўқир эдилар.

«Барид» масофа бирлиги бўлиб, тўрт фарсахга тенгдир. Бир фарсах эса 5544 метрдир. Тўрт фарсах 22176 метр бўлади. Тўрт барид — ўн олти фарсах эса 88704 метр бўлади.

Юқоридаги ривоятда намозни қаср ўқиш лозим бўлган сафар масофаси баён қилиняпти. Бунга кўра, 88 км. 704 метр масофага сафар қилган одам намозни қаср ўқимоғи лозим бўлади. Ҳанафий мазҳаби ўлчовига кўра, 96 км. сафар масофаси ҳисобланади.

Ушбу ва яна баъзи бир ҳадисларда намозни қаср қилиб ўқишга сабаб бўлувчи сафарни белгилашда масофа ўлчов қилиб олингани кўриниб турибди. Шу билан бирга, намозни қаср ўқишга оид барча ояти карималар ва ҳадиси шарифларни атрофлича ўрганиб чиққан уламоларимиз «Бу масалада сафар масофасини эмас, сафар муддатини ўлчов қилиб олиш керак», дейдилар. Агар мўътабар фикҳ китобларимизга мурожаат этсак, ўта дақиқ баҳсларнинг шоҳиди бўламиз. Жумладан, Ҳанафий мазҳаби уламолари намозни қаср қилиб ўқиши лозим бўлган мусофирни қуйидагича таърифлайдилар:

«Мусофир — одатда «сафар» деб аталадиган йўлчиликка отланиб, ўртача юриш ила уч кунлик йўл юришни ният қилиб, ўз турар жойидан ажраб чиққан кишидир».

Ушбу сафарда кундузи йўл юриб, кечаси дам олиш эътиборга олинган. Фолибо, ўша пайтларда мазкур муддатда тўрт барид масофа йўл юрилган бўлса керак.

Шунинг учун, ҳамаср уламоларимиз ҳам намозни қаср ўқишни лозим этадиган сафар борасида икки хил фатво берадилар. Масофани эътиборга олганлар 88 км. ёки 96 кмга сафар қилган одам намозни қаср ўқийди, дейдилар.

Муддати сафарни эътиборга олган уламоларимиз эса, бу масалада батафсилроқ сўз юритадилар. Уларнинг фикрларича, бугунги кунимизда 88 ёки 96 кмлик сафар намозни қаср ўқиш лозим бўлган сафар шартларини ўзида мужассам этмай қолди. Балки, оз муддатда, ҳеч қандай сафар машаққатсиз, ундан узоқ сафарларга бориб келиш ҳам осон бўлиб қолди. Шунинг учун, сафар масаласида масофани эмас, муддатни эътиборга олсак, яхши бўлади. Бир одам, одатда, сафарга чиқадиган шахсга ўхшаб, ният қилиб, сафар анжомларини олиб, аҳли аёли билан хайрлашиб, тунашга уйига қайтиб кела олмайдиган масофага сафарга чиқса, намозни қаср ўқиса бўлади. Ана шу сафар, ўтган мужтаҳидларимизнинг таърифларига мос сафардир, дейдилар.

Яна битта ҳадиси шарифни ўргансак, намозни қаср ўқишга оид бир неча ҳукмларни ўрганиб оламиз.

Имом Бухорий, имом Муслим ва бошқа муҳаддисларимиз ривоят қилганлар:

«Анас розияллоҳу анҳу: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Мадийнадан Маккага бордик. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадийнага қайтгунимизча икки рақъатдан намоз ўқиган эдилар», деганлар. Шунда эшитувчилардан бири, «Маккада қанча муддат турган эдинглар?» деб сўраган. У киши, ўн кун турган эдик, деб жавоб берганлар».

Уламоларимиз ушбу ривоятдан намозни қаср ўқиш масаласида бир неча ҳукмларни чиқариб олганлар:

1. Мусофир ўз ватанидан чиққандан бошлаб, то уйига қайтиб келгунча намозни қаср ўқишлиги.

2. Мусофир борган жойида ўн кун турса ҳам намозни қаср ўқийвериши.

3. Мусофир ўзи яшаб турган жойидан аслий ватанига борса ҳам намозни қаср ўқишлиги. Чунки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва муҳожир саҳобалар асл ватанлари Маккага сафар ила борганларида қаср ўқиганлар.

4. Қаср намози икки рақъат бўлиши.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, мусофир бир жойда ўн беш кун ва ундан ортиқ туришни ният қилса, намозни тўлиқ, ўн беш кундан оз туришни ният қилган бўлса, қаср қилиб ўқийди.

Ҳанафий мазҳаби уламолари бу ҳукмни улуғ саҳобийлар – Ибн Аббос ва Ибн Умар розияллоҳу анҳумолардан қилинган қуйидаги ривоятдан олганлар: «Мусофир ўлароқ бир юртга кирсанг ва бу юртда ўн беш кун туришни ният қилсанг, намозни тўлиқ ўқи! Агар бу ердан қачон сафарга чиқишингни билмасанг, намозни қаср ўқи!»

Мусофир ўз яшаш жойининг чегарасидан айрилганидан намозни қаср ўқишни бошлайди.

Намозни қаср ўқишга оид бошқа саволларга фикҳ китобларимиздан жавоб топиш мумкин.

Энди уруш ҳолатида, яъни, душман билан юзма-юз турганда, унинг бостириб келиш хавфи бор пайтда намоз қандай ўқилиши ҳақидаги оят келади:

وَإِذَا كُنْتَ فِيهِمْ فَأَقَمْتَ لَهُمُ الصَّلَاةَ فَلَنْتَقِمَنَّ طَائِفَةٌ مِّنْهُمْ مَّعَكَ وَلْيَأْخُذُوا  
أَسْلِحَتَهُمْ فَإِذَا سَجَدُوا فَلْيَكُونُوا مِن وَّرَائِكُمْ وَلَتَأْتِ طَائِفَةٌ أُخْرَىٰ لَمْ



يُصَلُّوا فَلْيَصِلُوا مَعَكُمْ وَلْيَأْخُذُوا حِذْرَهُمْ وَأَسْلِحَتَهُمْ وَدَّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْ تَغْفُلُونَ  
عَنْ أَسْلِحَتِكُمْ وَأَمْتِعَتِكُمْ فَيَمِيلُونَ عَلَيْكُمْ مَيْلَةً وَاحِدَةً وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِنْ كَانَ  
بِكُمْ أَذَى مِّنْ مَّطَرٍ أَوْ كُنْتُمْ مَّرْضَىٰ أَنْ تَضَعُوا أَسْلِحَتَكُمْ وَخُذُوا حِذْرَكُمْ إِنَّ اللَّهَ  
أَعَدَّ لِلْكَافِرِينَ عَذَابًا مُّهِينًا ﴿١٠٢﴾

102. Улар ичида бўлсанг-у, намоз адо қилмоқчи бўлсанг, улардан бир тоифаси сен билан турсин ва силоҳларини ўзлари билан олсинлар. Сажда қилганларидан кейин орқангизга ўтсинлар. Намоз ўқимаган бошқа тоифа келиб, сен билан намоз ўқисин. Эҳтиёт бўлиб, силоҳларини ўзлари билан олсинлар. Куфр келтирганлар силоҳларингиз ва матоҳларингиздан юфил бўлсангиз, устингиздан бирдан ҳамла қилишни истарлар. Ёмғирдан озор етса ёки бемор бўлсангиз, силоҳларингизни қўймоғингизда гуноҳ йўқдир. Ҳушёр бўлинглар! Албатта, Аллоҳ кофирларга хорловчи азоб тайёрлагандир.

Ушбу ояти карима билан танишганда, намозга нақадар катта эътибор борлиги дарҳол англаб етилади. Ўйлаб кўринг-а: уруш бўлиб турса, ҳар бир инсоннинг ҳаёти қил устида турса-да, яна намоз ўқишга амр бўлса! Аввал айтилганидек, инсон бундай нозик пайтда Роббига яна ҳам эҳтиёжи кучайган бўлади.

Уруш пайтида ўқиладиган намоз «Хавф намози» деб аталади. Хавф намози ҳолатларга қараб бир неча хил бўлади. Ушбу оятда намуна тариқасида бир хили кўрсатиб ўтилган. Унда Аллоҳ таоло Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб уруш вазиятида сен саҳобалар билан бирга бўлсанг-у, намоз ўқимоқчи бўлсанг, улардан бир тоифа ортингда иқтидо қилиб турсинлар дейди.

**«Улар ичида бўлсанг-у, намоз адо қилмоқчи бўлсанг, улардан бир тоифаси сен билан турсин ва силоҳларини ўзлари билан олсинлар».**

Демак, жиҳодга чиққан мужоҳидлар бу ҳолда иккига бўлинишади. Бир тоифалари имом билан намоз ўқийди, иккинчи тоифа намоз ўқимай, қўриқчилик қилиб туради.

**«Сажда қилганларидан кейин орқангизга ўтсинлар. Намоз ўқимаган бошқа тоифа келиб, сен билан намоз ўқисин».**

Чунки, имом биринчи тоифа билан биринчи рақъатни ўқиб бўлгандан сўнг, улар туриб орқага қўриқчиликка ўтадилар. Қўриқчилик қилиб турган иккинчи тоифа келиб имом билан иккинчи рақъатни ўқийди.

Оятда шу жойгача зикр этилган. Намознинг давоми Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг суннатларида келган. Иккинчи рақъат тамом бўлиши билан имом салом беради. Чунки у икки рақъатни тамом ўқиди. Кейин биринчи тоифа келиб, иккинчи рақъатни ҳар ким ўзи ўқиб, салом беради. Иккинчи рақъатни имом билан ўқиган ва яна қоровулликка ўтган иккинчи тоифа биринчи тоифадан кейин қолган бир рақъат намозини якка-якка ўқиб, салом беради.

Бундай намозни адо этиш давомида мусулмонлар ҳушёр бўлишлари ва силоҳларини ўзлари билан бирга тутишлари қайта-қайта тайинланмоқда. Кофирларнинг ёмонликларидан беҳабар қолманглар, деб огоҳлантирилмоқда.

**«Эҳтиёт бўлиб, силоҳларини ўзлари билан олсинлар. Куфр келтирганлар силоҳларингиз ва матоҳларингиздан ғофил бўлсангиз, устингиздан бирдан ҳамла қилишни истарлар».**

Бу кофирларнинг доимий орзусидир. Шунинг учун ҳам, мўминлар ҳам ишга ҳушёр бўлмоғи лозим.

Ушбу амрдан мақсад мусулмонларга қийинчилик пайдо қилиш, уларга оғирлик туқдириш эмас.

**«Ёмғирдан озор етса ёки бемор бўлсангиз, силоҳларингизни қўймоғингизда гуноҳ йўқдир. Ҳушёр бўлинглар!»**

Табиийки, ёмғир ёқиб турганда, силоҳли ҳолда намоз ўқиш машаққат. Фойда ҳам йўқ. Бу ҳолатда силоҳни бир четга қўйиб, ҳушёрликни ошириб ўқилса, кифоя. Мўминлар ҳушёр бўлиб, яхши жиҳод қилсалар, бўлди.

**«Албатта, Аллоҳ кофирларга хорловчи азоб тайёрлагандир».**

Аммо, намозни ўқиб бўлиб, ибодат тугади, бу ёғи нима бўлса, бўлар, деб бўлмайди. Балки, мусулмон одам доимо, хусусан, жиҳод ҳолатидек ҳассос вақтларда Аллоҳни эслаб турмоғи лозим:

فَإِذَا قَضَيْتُمُ الصَّلَاةَ فَادْكُرُوا اللَّهَ قِيَمًا وَقَعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِكُمْ فَإِذَا  
أَطْمَأْنَنْتُمْ فَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مَّوْقُوتًا ﴿١٠٣﴾

**103. Намозни адо этганингиздан сўнг, Аллоҳни турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолингизда эсланг. Хотиржам бўлганингизда намозни тўлиқ адо этинг. Албатта, намоз мўминларга вақтида фарз қилингандир.**

Ҳар вақтда ҳам, ҳар намоздан кейин ҳам Аллоҳни зикр этиш тарғиб қилинади. Аммо бу ояти каримада бу иш айниқса хавф намозидан кейин зарур экани таъкидланмоқда.

**«Намозни адо этганингиздан сўнг, Аллоҳни турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолингизда эсланг».**

Ўтирганда ҳам, турганда ҳам, ёнбошлаганда ҳам, яъни, ҳамма ҳолатларда Аллоҳ таолони зикр қилиб, Ундан душман билан бўладиган жангда ғалаба – нусрат сўралади.

Уруш тугаб, хавф-хатар кетиб:

**«Хотиржам бўлганингизда намозни тўлиқ адо этинг».**

Чунки хавф намозини ўқишнинг ҳожати қолмади.

Кейинги оятда ҳар қандай қийинчиликларга ҳам қарамай жиҳодда бардавом бўлишга тарғиб этилади:

وَلَا تَهِنُوا فِي ابْتِغَاءِ الْقَوْمِ إِنْ تَكُونُوا تَأْمُونًا فَإِنَّهُمْ يَأْلَمُونَ كَمَا تَأْلَمُونَ  
وَتَرْجُونَ مِنَ اللَّهِ مَا لَا يَرْجُونَ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿١٠٤﴾

**104. У қавмни қувишда бўш келманг. Агар алам чекаётган бўлсангиз, улар ҳам сиз алам чекаётганингиздек алам чекмоқдалар. Сиз эса, Аллоҳдан улар умид қилмаган нарсани умид қилмоқдасиз. Аллоҳ билувчи ва ҳикматли Зотдир.**

Кофирлар билан бўлган мужодалада ҳеч бўш келмаслик керак. Тўғри, бу иш осон иш эмас. Жуда катта машаққатли иш. Мўминлар бу ишда кўплаб дарду аламлар чекадилар, қийналадилар. Лекин, аслини олиб қараганда, худди шу машаққат ва қийналиш уларнинг душманларида ҳам бор.

**«У қавмни қувишда бўш келманг. Агар алам чекаётган бўлсангиз, улар ҳам сиз алам чекаётганингиздек алам чекмоқдалар».**

Улар ўзларининг ботил йўллари учун шунчалик қийинчиликларни кўтармоқдалар. Машаққатлар тортмоқдалар. Ҳолбуки, уларнинг Худодан умидлари йўқ.

**«Сиз эса, Аллоҳдан улар умид қилмаган нарсани умид қилмоқдасиз. Аллоҳ билувчи ва ҳикматли Зотдир».**

Бас, шундай экан, Худодан умидвор бўлган, у томондан ваъда қилинган нусрат ёки жаннатни орзу қилаётган мўминлар машаққат – аламларга нима учун чидаёлмасликлари керак!

Келгуси оятлар мажмуаси уруш ҳолидаги қавмнинг баъзи аъзолари билан бўладиган муомалани баён қилади:

إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِتَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ بِمَا أَرَبَكَ اللَّهُ وَلَا تَكُنْ  
لِلْخَائِنِينَ خَصِيمًا ﴿١٠٥﴾

**105. Албатта, Биз сенга китобни ҳақ ила одамлар орасида сенга Аллоҳ кўрсатганича ҳукм қилишинг учун туширдик. Сен хоинларнинг ёнини олувчи бўлма!**

Бу ва бундан кейинги оятларнинг нозил бўлишига Мадийнаи Мунавварада бўлиб ўтган машҳур воқеа сабаб бўлган. Бу воқеа қиссасини ҳадис уламолари турли кишилардан ривоят қилганлар.

Қиссанинг хулосаси шулки, Қатода ибн Нўъмон ва унинг амакиси Рифоъа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан баъзи бир ғазотда қатнашадилар. Қайтиб келганларидан сўнг, Рифоъанинг совути ўғирлангани маълум бўлади. Совутнинг эгаси ўғрилиқда Бани Убайрақ номли оиладан шубҳа қилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб: «Тўъма ибн Убайрақ совутни ўғирлади», деб хабар беради. Тўъма ибн Убайрақ ансорийлардан — аҳли Мадийнадан эди.

Воқеанинг бундай тус олаётганини кўрган ўғри совутни олиб бориб, беайб Зайд ибн ас-Самин исмли яҳудийнинг уйига ташлаб қўяди. Шу билан бирга, ўз қариндошларига, совутни кимникига олиб бориб ташлаганини хабар қилади.

Тўъма ибн Убайрақнинг қариндошлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, бизнинг қариндошимиз беайб. Совутни фалончи ўғирлаган. Биз буни аниқлаб билдик. Бизнинг қариндошимизни одамлар олдида оқланг. Унинг ёнини олинг. Аллоҳ уни сиз билан ҳимоя қилмаса, ҳалок бўлади», дейишди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам совут яҳудийнинг уйдан топилганини билганларидан сўнг, одамларнинг олдида Ибн Убайрақни оқладилар. Унинг қариндошлари бундан аввал Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Қатода ибн Нўъмон билан амакиси Рифоъа бизнинг оиламизга қасддан туҳмат қилишди. Биз аҳли Исломи ва аҳли солиҳимиз, бизни ўғрилиқда айблашмоқда. Ҳолбуки, уларнинг далили ва ҳужжатлари йўқ», дейишган эди. Олдиларига келган Қатодага Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Исломи ва аҳли солиҳликда бўлган оилани ҳеч қандай ҳужжат ва далилсиз ўғрилиқда айблайсанми?» дедилар. Қатода бу ҳақда Расулуллоҳга гапирмасам бўлар экан, деб афсусланиб қайтиб кетди. Унинг олдида амакиси Рифоъа келиб:

«Ҳа, жиян, нима қилдинг», деб сўради. Қатода бўлган воқеани, Расулуллоҳнинг сўзларини айтиб берди. Рифоъа:

«Аллоҳ ёрдам берсин», деди. Кўп ўтмасдан Аллоҳ таоло:

**«Албатта, Биз сенга китобни ҳақ ила одамлар орасида Аллоҳ кўрсатганича ҳукм қилишинг учун туширдик»,** деб бошланувчи

оятларни нозил қилди. Ушбу оятлар тушгандан сўнг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам совутни келтириб, Рифоъага бердилар. У катта ёшдаги одам эди. Жияни Қатода, унинг мусулмонлиги заиф, деган фикрда эди. Қатода совутни олиб келганда, Рифоъа унга:

«Эй жияним, буни Аллоҳнинг йўлига атадим», деди. Шундагина Қатода амакисининг ҳақиқий мусулмон эканини англаб етган экан. Уламоларимиз, ушбу оят Қуръоннинг ҳақиқий илоҳий китоб эканига яна бир ёрқин далилдир, бу оят улкан мўъжизадир, дейдилар. Бу ҳақиқатдир. Келинг, бир ўйлашиб кўрайлик.

Макка мушрикларининг азоб-уқубатларидан қочиб, ҳижрат қилиб келган муҳожир мусулмонлар, Мадийнанинг ерли мусулмонлари — ансорийлар билан бирга янги жамият қуришга эндигина киришган давр. Аммо, Макка мушриклари тинч турмай мусулмонларни ер юзидан бутунлай йўқ қилиб юборишга енг шимариб ишга киришдилар. Уруш кетидан уруш қила бошладилар. Мадийнада яшаб турган яҳудийлар бу ишда уларга ҳар томонлама ёрдам беришар эди. Балки, уларни мусулмонларга қарши қўзғовчилар ҳам яҳудийлар эди. Бу ҳам етмагандек, улар мунофиқликдек жирканч ишни ҳам қўзидилар, унга асос солдилар ва Ислом жамиятини ичидан емиришга ҳаракат бошладилар. Қолаверса, яҳудийлар очиқданочиқ душманлик ҳаракатига ўтдилар. Уларнинг душманлик ҳаракатлари Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳаётларига суиқасд қилишгача бориб етди. Қисқа қилиб айтганда, мусулмонлар тўрт атрофдан ўт ичида қолган эдилар. Юқорида ўрганган оятларимиздаги жиҳодга, маҳкам ва ҳушёр туришга ва яна бошқа ишларга тарғиботлар ҳам худди шу қалтис ҳолатдан келиб чиқиб жорий қилингандир. Шундай нозик бир шароитда яҳудийлардан бирининг уйдан мусулмоннинг ўғирланган совути топилди. Бу ҳол яҳудийлардан ўч олишнинг энг қулай пайти эди. Иккинчидан, яҳудийларга бу ишда ансорийлар рақиб эдилар. Яъни, айб яҳудийга қўйилмаса, мадийналик обрўли бир мусулмон оилага тушар эди. Учинчидан, айб ансорийларга тушса, яҳудийлар уларга: «Сизлар Маккадан келган муҳожир мусулмонларни қабул қилиб, уй-жой бердингиз, ёрдам қилдингиз, энди эса, улар сизларни ўғрига чиқаришмоқчи», деб ифво қилишлари турган гап эди. Ҳар қандай тузум бундай ҳолда айбни яҳудийга қўяди. Ҳатто Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам зоҳирий далилларга қараб, ўғрини оқлаган ҳам эдилар. Аммо Ислом — Аллоҳнинг дини. Қуръон — Аллоҳнинг китоби. Шунинг учун ҳам, унинг ҳукми мутлоқ адолат бўлади. Унинг ҳукмида ҳатто кофир-яҳудийга ҳам ноҳақлик бўлмайди. Айбдор, ким бўлишидан қатъиназар, мўмин-мусулмон, диндор ва аҳли солиҳ бўлса

ҳам, жазосини олади. Фақат Аллоҳ таологина кўпчилик олдида ҳукм чиқариб қўйган Ўз Пайғамбарига хитоб қилиб:

**«Албатта, Биз сенга китобни ҳақ ила одамлар орасида Аллоҳ кўрсатганича ҳукм қилишинг учун туширдик. Сен хоинларнинг ёнини олувчи бўлма!»** дейиши мумкин.

Демак, ўғирланган совут ҳақидаги Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқарган ҳукми Аллоҳ, адолатли эмас, деб баҳоломоқда. Ўз оилаларининг обрўсини сақлаб қолиш ниятида айбни яҳудий шахсга ағдарган, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб ёлғон гапирган Бани Убайрақни «хоинлар» деб атамоқда.

Келгуси оятларда Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарини итоб қилишни давом эттиради:

وَأَسْتَغْفِرُ اللَّهَ إِنْ كَانَ غَفُورًا رَحِيمًا ﴿١٠٦﴾

**106. Аллоҳга истиғфор айт! Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир.**

Яъни: «Эй Пайғамбар! Аллоҳга истиғфор айт! Тўъма ибн Убайрақ ва унинг қариндошлари ёнини олиб, Қатодани итоб қилганинг учун истиғфор айт. Аллоҳ, албатта, мағфират қилур, чунки у раҳимли Зотдир».

وَلَا تُجَادِلْ عَنِ الَّذِينَ يَخْتَانُونَ أَنفُسَهُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَن كَانَ خَوَّانًا أَثِيمًا ﴿١٠٧﴾

**107. Ўз жонларига хиёнат қиладиганларни мудофаа қилма. Албатта, Аллоҳ хиёнатчи ва гуноҳкор бўлган кимсани хуш кўрмас.**

Аллоҳ таоло Тўъма ибн Убайрақ ва унинг қариндошларини «ўз жонларига хиёнат қилганлар», деб васф қилмоқда. Аслида, улар яҳудий шахсга хиёнат қилган, ўғрилик айбини унга ағдарган эдилар. Лекин бу ишнинг ёмонлиги уларга қайтиши эътиборидан, улар ўзларига хиёнат қилган ҳисобланадилар. Шунинг учун ҳам, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уларни ҳимоя – мудофаа қилишлари ноўрин, деб топилмоқда. Мазкур номаъқул ишни қилганлар гуноҳкор ва хиёнатчи, деб аталмоқда. Ўғрилик қилиш – гуноҳкорлик, айбни ноҳақдан бировга ағдариш эса, хиёнатдир.

يَسْتَخْفُونَ مِنَ النَّاسِ وَلَا يَسْتَخْفُونَ مِنَ اللَّهِ وَهُوَ مَعَهُمْ إِذْ يُبَيِّنُ مَا لَا يَرْضَى مِنَ الْقَوْلِ وَكَانَ اللَّهُ بِمَا يَعْمَلُونَ مُحِيطًا ﴿١٠٨﴾

**108. Одамлардан яширарлар ва Аллоҳдан яшира олмаслар. Ҳолбуки, У Ўзи рози бўлмайдиган гапни хуфёна келишаётганларида ҳам улар ила биргадир. Ва Аллоҳ улар қилаётган амалларни ихота қилувчи Зотдир.**

Яъни, мазкур кишилар қилаётган ишларини ўзларича:

**«Одамлардан яширарлар ва Аллоҳдан яшира олмаслар».**

Улар қариндошларидан бирининг ўғрилигини, одамлар билиб қолмасин деб, яширишга уринадилар. Ўғирланган нарсани беайб яҳудийнинг уйига олиб бориб қўйиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга бировнинг устидан шикоят қиладилар. Бу ишларни, айбни одамлардан яшириш учун қиладилар. Аммо ҳақиқатни Аллоҳдан яшира олмасликлари ҳеч хаёлларига келмайди. У ҳар бир нарсани кўриб-билиб туришини унутганлар:

**«Ҳолбуки, У Ўзи рози бўлмайдиган гапни хуфёна келишаётганларида ҳам улар ила биргадир».**

Бирга турган қодир Зотдан бирор нарсани яшириб бўладими?! Аллоҳ дунёдаги каттаю кичик ҳар бир нарсани билиб турувчи Зотдир. Ушбу ҳақиқат оятнинг охирида ҳам таъкидланади:

**«Ва Аллоҳ улар қилаётган амалларни ихота қилувчи Зотдир».**

Шундай экан, ундан бирор нарсани яширишга уриниб нима қиладилар!

هَاتُّنْتُمْ هَتُّوْلَاءَ جَدَلْتُمْ عَنْهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا فَمَنْ يُجَادِلُ اللَّهَ عَنْهُمْ يَوْمَ  
الْقِيَامَةِ أَم مَّنْ يَكُونُ عَلَيْهِمْ وَكِيْلًا

**109. Ҳой, сизлар! Бу ҳаёти дунёда уларнинг ёнини олдингиз. Қиёмат кунида Аллоҳ олдида уларнинг ёнини ким оладир ёки ким уларга вакил бўладир?!**

Аллоҳнинг хиёнатчиларнинг ёнини олганларга қаратилган итоби яна давом этмоқда.

**«Ҳой, сизлар! Бу ҳаёти дунёда уларнинг ёнини олдингиз».**

Бу дунёда тарафкашлик руҳи ғолиб келиб, у гуноҳ ва хиёнат қилганларнинг ёнини олмоқдасизлар. Улар бу дунёда қутулиб кетишлари мумкин, аммо у дунёда нима бўлади?

**«Қиёмат кунида Аллоҳ олдида уларнинг ёнини ким оладир ёки ким уларга вакил бўладир?!»**

Қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурида ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Ҳеч ким бировнинг ёнини ололмайди. Ҳамма ўзи билан овора бўлади. Ана ўша пайтда уларнинг ёнини ким олади?

Бўлиб ўтган ҳодисага кераклигича муносабат билдирилгандан сўнг, бундай ҳолларда амал қилиш лозим бўлган умумий қоида зикр этилади:

وَمَنْ يَعْمَلْ سُوءًا أَوْ يَظْلِمْ نَفْسَهُ ثُمَّ يَسْتَغْفِرِ اللَّهَ يَجِدِ اللَّهَ غَفُورًا رَحِيمًا ﴿١١٠﴾

**110. Ким ёмонлик қилса ёки ўзига зулм этса, сўнгра Аллоҳга истиғфор айтса, Аллоҳни мағфиратли ва раҳимли Зот топадир.**

Ушбу оятда Аллоҳ субҳонаҳу таоло тавба қилган бандаларга Ўзининг марҳамат қилган фазлу карами ва бағри кенглигидан хабар бермоқда.

Бу ояти карима ҳақида ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтганлар:

«Аллоҳ ўз бандаларига карами, авфи, ҳилми, раҳматининг кенглиги ва мағфиратининг беқиёслиги ҳақида хабар бермоқда. Ким кичикми-каттами гуноҳ қилса-ю, сўнгра Аллоҳга истиғфор айтса, Аллоҳни мағфиратли ва раҳимли Зот топади. Гарчи гуноҳлари осмонлару ердан, тоғлардан катта бўлса ҳам».

Ибн Жарир Абдуллоҳдан қуйидагиларни ривоят қилади: Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу:

«Бани Исроилдан бир киши гуноҳ қилса, эрталаб ўша гуноҳнинг нима билан ювилиши эшигига ёзилиб қолар эди. Кийимига сийдик тегса, ўша жойни қайчи билан қийиб ташлар эди», дедилар. Бир киши:

«Аллоҳ таоло Бани Исроилга хўп яхшилиқни ато қилган эканда», деди. Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу:

«Сизга берган нарсаси уларга берганидан яхшидир. Сувни сиз учун покизаловчи қилиб қўйибди. Аллоҳ таоло: «Ким ёмонлик қилса ёки ўзига зулм этса, сўнгра Аллоҳга истиғфор айтса, Аллоҳни мағфиратли ва раҳимли Зот топади», деб қўйибди», дедилар.

Демак, Аллоҳ таоло томонидан берилган бу улкан фазлга муносиб бўлиш лозим. Мусулмон шахс билиб-билмай бирор ёмонлик содир этиб қўйса, дарҳол истиғфорга, тавбага шошилиши лозим.

وَمَنْ يَكْسِبْ إِثْمًا فَإِنَّمَا يَكْسِبُهُ عَلَى نَفْسِهِ ۗ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿١١١﴾

**111. Ким гуноҳ қилса, уни фақатгина ўз зарарига қиладир. Ва Аллоҳ билувчи ва ҳикматли Зотдир.**

Бировнинг гуноҳи учун бошқа биров жавобгар бўлмайди. Ҳар ким ўз қилмиши учун жавобгар бўлади. Аллоҳ ҳамма нарсани билиб



туради, жумладан, гуноҳкорларнинг гуноҳларини ҳам билиб туради. Ўша билишга биноан гуноҳкорни жазолаши У зотнинг ҳар бир нарсани ҳикмат билан қилишлигидандир.

وَمَنْ يَكْسِبْ خَطِيئَةً أَوْ إِثْمًا يَرْمِهِ بِرِيءٍ فَقَدْ أَحْتَمَلَ بُهْتَانًا وَإِثْمًا مُّبِينًا ﴿١١٢﴾

**112. Ким хато ёки гуноҳ қилса-ю, сўнгра уни беайбга ағдарса, шубҳасиз, бўҳтон ва очиқ гуноҳни ўз бўйнига олибдир.**

Яъни, ким Тўъма ибн Убайраққа ўхшаб гуноҳ қилса-ю, айбни бошқа одамга ағдарса, ўзи қилган бўҳтонни ва очиқ гуноҳни ўз бўйнига олибди.

Ниҳоят, Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарини ноқулай ҳолатдан чиқариб, фазлу карам кўрсатганини эслатади:

وَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكَ وَرَحْمَتُهُ لَهَمَّتْ طَائِفَةٌ مِّنْهُمْ أَنْ يُضِلُّوكَ وَمَا يُضِلُّونَ إِلَّا أَنْفُسَهُمْ وَمَا يَضُرُّونَكَ مِنْ شَيْءٍ وَأَنْزَلَ اللَّهُ عَلَيْكَ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَعَلَّمَكَ مَا لَمْ تَكُن تَعْلَمُ وَكَانَ فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكَ عَظِيمًا ﴿١١٣﴾

**113. Агар сенга Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаганида, улардан бир тоифаси сени адаштиришга уринган эдилар. Улар фақат ўзларини адаштирадилар, холос. Сенга ҳеч зарар етказа олмаслар. Аллоҳ сенга китобни ва ҳикматни туширди ҳамда билмаган нарсангни билдирди. Ва сенга Аллоҳнинг фазли улув бўлди.**

Яъни, Аллоҳ таоло Ўз фазли ва марҳамати ила оятлар тушириб, ҳақиқатни баён қилмаганида, Тўъма ибн Убайрақнинг қавми уни одамлар олдида оқлашни талаб қилиб, айбни яҳудий шахсга ағдариб, Пайғамбарни адаштиришга уриниб қолган эдилар.

**«Агар сенга Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаганида, улардан бир тоифаси сени адаштиришга уринган эдилар».**

Аммо бу ишлари билан улар ўзларини адаштирадилар, холос. Улар ҳар қанча уринсалар ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга зарар етказа олмайдилар.

**«Улар фақат ўзларини адаштирадилар, холос. Сенга ҳеч зарар етказа олмаслар».**

Аллоҳ доимо Ўз Пайғамбарини сақлайди. Мазкур ҳодисада ноқулайликдан сақлаб қолгани ҳам ўзига хос фазлу карамдир. Лекин асосий фазли ва ҳақиқий марҳамати:

**«Аллоҳ сенга китобни ва ҳикматни туширди ҳамда билмаган нарсангни билдирди. Ва сенга Аллоҳнинг фазли улуғ бўлди».**

Тўма ибн Убайрақ ҳодисаси, унинг қавмининг сирли маслаҳатлари ҳақидаги ва унга тегишли гапларни муолажа қилиб бўлгандан сўнг, Аллоҳ таоло қуйидаги оятларда умумий қилиб махфий суҳбатларни билиб туришини, уларнинг қайсиниси фойдалигию қайсиниси бефойда эканини, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хилоф қилишнинг оқибати нима билан тугашини баён қилади:

﴿لَا خَيْرَ فِي كَثِيرٍ مِّن نَّجْوَاهُمْ إِلَّا مَنْ أَمَرَ بِصَدَقَةٍ أَوْ مَعْرُوفٍ أَوْ إِصْلَاحٍ  
بَيْنَ النَّاسِ وَمَن يَفْعَلْ ذَلِكَ ابْتِغَاءَ مَرْضَاتِ اللَّهِ فَسَوْفَ نُؤْتِيهِ أَجْرًا عَظِيمًا﴾

**114. Уларнинг кўпгина махфий суҳбатларида яхшилик йўқ, магар ким садақага, яхшиликка ва одамлар орасида ислоҳга амр қилсагина, яхшилик бор. Ким ўша ишни Аллоҳнинг розилиги учун қилса, албатта, унга улуғ ажр берурмиз.**

Ушбу ояти каримада биз «махфий суҳбат» деб таржима қилганимиз сўз арабчада «нажво» бўлиб келган. Унда бир тоифа одам мусулмонлар жамоасидан четда, раҳбарларига билдирмасдан, яширин ҳолда бирор ножўя маслаҳатни қиладилар. Худди шу ҳолат Тўма ибн Убайрақ ҳодисасида ҳам бўлган эди. Ўфрилик содир бўлгандан сўнг, Тўманинг қариндошлари йиғилиб, махфий суҳбат қуришган ва совутни яҳудий Зайд ибн ас-Саминнинг уйига олиб бориб қўйишган ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бориб: «Совутни биз эмас, фалончи ўғирлаган эди, аммо Қатода бизга туҳмат қияпти», деб шикоят этишган эди. Бу оятда ҳукм умумийлаштирилиб, баъзи бир истисно қилинган ҳолатлардан бошқа ҳолларда махфий суҳбатлардан яхшилик чиқмаслиги баён қилинмоқда.

**«Уларнинг кўпгина махфий суҳбатларида яхшилик йўқ, магар ким садақага, яхшиликка ва одамлар орасида ислоҳга амр қилсагина, яхшилик бор».**

Аслида, ёмонлик бўлмаса, махфийликка ҳожат ҳам йўқ. Яхшилик иш доимо очиқчасига қилинади. Баъзи бир ҳолатларда садақага, яхшиликка ва одамлар орасида ислоҳга амр этиш соҳасида махфий суҳбатлар бўлса, унда яхшилик бўлади. Шу каби ишларни Аллоҳнинг розилиги учун қилганлар улуғ ажрларга эришадилар.

**«Ким ўша ишни Аллоҳнинг розилиги учун қилса, албатта, унга улуғ ажр берурмиз».**

Ислом жамияти очик жамиятдир. Унинг аъзолари бир-бирлари билан биродардирлар. Уларнинг бир-биридан яширадиган сирлари йўқ. Очикчасига гапираверадилар. Агар махфий суҳбатларга изн берилса, бошқа жамиятларга ўхшаб ҳаммаёқни висир-висир, пичир-пичир босиб кетади. Одамлар орасида ишончсизлик, бир-биридан гап яшириш, бир-биридан шубҳаланиш ва бир-бирига қарши махфий режалар тузиш кўпайиб кетади. Лекин махфийликка лойиқ ишлар, албатта, махфий қилинади. Мисол учун, жамиятнинг умумий тинчлиги – бехатарлигини таъминлаш йўлида фақат раҳбарлар, махсус масъуллар билиши лозим бўлган ишлар махфий қолади. Шунингдек, бир хайри-эҳсон қилувчи одам бошқа бири билан шу хайрли иш ҳақида, риёкорликдан қочиш мақсадида, махфий суҳбат қилса, майли. Шунингдек, риёкорликдан қочиш мақсадида, бирор яхшилик ишни қилиш учун ҳам махфий суҳбатда келишилса, бўлади. Кўпинча, уришиб қолганларни яраштиришда ҳам шу услуб қўл келади. Тарафлар ўз айбларининг ошкора бўлишини истамасликлари мумкин, бу ишда ҳатто ёлгон гапиришга ҳам изн берилган.

Ибн Мурдавайҳи Умму Ҳабиба розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одам боласининг ҳамма гапи унинг зараригадир, фойдасига эмас. Магар Аллоҳнинг зикри бўлса, яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш бўлса, фойдасигадир», деганлар.

Бошқа бир ҳадисда эса:

«Одамларнинг орасини ислоҳ қилувчи ёлгончи эмас, яхшиликни етказди ёки яхшиликни айтади», дейилган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизга намоз ва садақадан ҳам афзал даража ҳақида хабар берайми?» деганларида, одамлар:

«Ҳа, эй, Аллоҳнинг Расули», дедилар. У зот:

«Одамларнинг орасини ислоҳ қилиш», дедилар.

وَمَنْ يُشَاقِقِ الرَّسُولَ مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَّ لَهُ الْهُدَىٰ وَيَتَّبِعْ غَيْرَ سَبِيلِ الْمُؤْمِنِينَ نُوَلِّهِ مَا تَوَلَّىٰ وَنُصَلِّهِ ۗ جَهَنَّمَ وَسَاءَتْ مَصِيرًا ﴿١١٥﴾

**115. Ким ўзига ҳидоят равшан бўлгандан кейин Пайғамбарга хилоф қилса ва мўминларнинг йўлидан бошқа йўлга юрса, кетган томонга қўйиб қўямиз ва жаҳаннамга киритамиз. У қандоқ ҳам ёмон жой!**

Бу ояти каримада Тўъма ибн Убайрақнинг қариндошларидан Башир ибн Убайраққа ишора қилинмоқда. У Бани Убайрақни фош қилувчи оятлар нозил бўлганидан сўнг муртад бўлиб (диндан чиқиб), мушрикларга қўшилиб кетган эди. Гарчи ишора маълум бир шахсга бўлса ҳам, ҳукм умумийдир. Ким Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга хилоф қилса, у кишининг йўлидан бошқа йўлга юрса, кофир, мушрик ва муртад бўлади. Ким мўминларнинг йўлидан бошқа йўлни танласа, ўша йўлидан юраверсин, Аллоҳ уни кетган томонига юргазиб қўяверади. Аммо, охири олиб бориб жаҳаннамга киритади. Жаҳаннам қандай жойлигини эса, ҳамма билади.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ  
فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا ﴿١١٦﴾

**116. Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Ундан бошқани, кимни хоҳласа, кечирур. Ким Аллоҳга ширк келтирса, шубҳасиз, қаттиқ адашган бўлур.**

Ушбу ояти каримага ўхшаш оят суранинг аввалида келган эди. Ўша жойда маъно ва олинадиган фойдаларга батафсил тўхтаганмиз.

Келаси оятда араб жоҳилияти томонидан Аллоҳга қандай тарзда ширк келтирилиши васф қилинади:

إِنْ يَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ إِلَّا إِنْتَاوْا إِنْ يَدْعُونَ إِلَّا شَيْطَانًا مَرِيدًا ﴿١١٧﴾

**117. Улар Ундан бошқа фақат аёл санамларга ибодат қилурлар ва фақат бебош шайтонга ибодат қилурлар.**

Яъни, араб мушриклари Аллоҳдан бошқа фақат аёл санамларга ибодат қиладилар. Жоҳилий арабларнинг бузуқ эътиқодлари бўйича, фаришталар Аллоҳнинг қизлари ҳисобланар эди. Улар, шунинг учун ҳам, бутларини аёл киши шаклида яшар ва уларга аёлларнинг исмини беришар эди. Лот, Манот ва Уззо каби исмлар ҳам аёлларнинг исмларидир. Сўнгра, катта худонинг қизларига сиғинсак, улар бизни ўз оталарига яқинлаштиради, деб ўйлар эдилар. Улар, Аллоҳнинг йўлидан чиқишлари билан, бебош шайтонга ибодат қилардилар.

لَعَنَهُ اللَّهُ وَقَالَ لَا تَخْذَنْ مِنْ عِبَادِكِ نَصِيبًا مَفْرُوضًا ﴿١١٨﴾

118. Аллоҳ уни лаънатлади. У эса: «Қасамки, бандаларингдан маълум насибани оламан.

وَلَا ضَلَّوهُمْ وَلَا مَنِينَهُمْ وَلَا مَرْتَهُمْ فَلْيُبْتِئَنَّ إِذَا تَأْتَى الْغُفْرَانُ وَلَا مَرْتَهُمْ  
فَلْيَغْيِرْ خَلْقَ اللَّهِ وَمَنْ يَتَّخِذِ الشَّيْطَانَ وَلِيًّا مِنْ دُونِ اللَّهِ فَقَدْ خَسِرَ  
خُسْرَانًا مُبِينًا

119. Уларни адаштираман, хом хаёлларига соламан, уларга амр қилсам, чорваларнинг қулоқларини кесарлар ва уларга амр қилсам, Аллоҳнинг яратганини ўзгартирарлар», деди. Кимки Аллоҳни қўйиб шайтонни дўст тутса, батаҳқиқ, очиқ-ойдин зиёнга учрайдир.

Яъни, Аллоҳ шайтонни лаънатлади, Ўз раҳматидан қувди. Шайтон эса, қувилаётган пайтда:

«Қасамки, бандаларингдан маълум насибани оламан», деди. Мени шуларнинг сабабидан лаънатлаяпсан, мен булардан маълум миқдорни ўз йўлимга чиқариб, куфр ва исёнга чорлайман, деди.

Бу ҳақда Имом Муслим ўз «Саҳиҳ»ларида қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Аллоҳ таоло қиёмат куни Одамга:

«Дўзах ҳаққини юбор», дейди. Одам:

«Дўзах ҳаққи нима?»деб сўрайди. Аллоҳ:

«Ҳар мингтадан тўққиз юз тўқсон тўққизи», дейди.

Демак, бандалар ичида шайтонга тегадиган маълум насиба, яъни, дўзахийлар бор. Улар бу дунёда унга эргашганлардир.

Сўнг шайтон ўз гапида давом этиб: «Уларни адаштираман, хом хаёлларга соламан», дейди.

Яъни, бандаларингни тўғри йўлдан – Сенинг йўлингдан адаштираман ва уларни хом хаёлларга соламан – умримиз узун бўлади, маза қилиб юрамиз, қайта тирилиш ҳам, ҳисоб-китоб ҳам, қиёмат ҳам йўқ, деб юраверадиган қилиб қўяман, дейди.

«...уларга амр қилсам, чорваларнинг қулоқларини кесарлар».

Яъни, шайтон ўзига эргашган бандаларни қабих ишларга, бемаза одатларга ўргатади. Шундай ишлардан бири – айрим номаъқул ақийдаларга ишониб чорва ҳайвонларининг қулоқларини кесиб – тилиб қўйишдир. Арабларда баъзи ҳайвонларни гўё Аллоҳга атаб, қулоқларини тешиб ёки тилиб қўйилар ва у ҳайвонларни миниб ёки гўштини еб бўлмас эди. Оятдан маълум бўляптики, бу ҳам но-

тўғри иш экан, буни қилган одам шайтоннинг йўлига юрган бўлар экан.

**«...ва уларга амр қилсам, Аллоҳнинг яратганини ўзгартирарлар», деди».**

«Аллоҳнинг яратганини ўзгартириш» ҳайвонларни ва одамларни бичиш, куйдириш ёки бошқа йўллар билан инсон баданига турли аломатларни солишдир. Бундай ишларни қилганлар ҳам шайтоннинг йўлига юрган бўлади.

**«Ким Аллоҳни қўйиб шайтонни дўст тутса, батаҳқиқ, очиқ-ойдин зиёнга учрайдир».**

Демак, инсон учун икки ихтиёр бор, учинчиси йўқ. Ёки Аллоҳни дўст тутиши керак, ёки шайтонни. Бахтли-саодатли бўлай, зиёнга учрамай, деганлар Аллоҳ таолони дўст тутадилар, Унинг йўлига юрадилар. Шайтонни дўст тутганлар эса, очиқ-ойдин зиёнга учрашлари ҳақ. Чунки шайтон:

يَعِدُهُمْ وَيُمَنِّيهِمْ وَمَا يَعِدُهُمُ الشَّيْطَانُ إِلَّا غُرُورًا

**120. У уларга ваъда берур ва хом хаёлларга солур. Шайтон уларга ғурурдан бошқа нарсани ваъда қилмас.**

Яъни, шайтон уларга ёлғон ваъдалар беради ва сизлар нажотга эришасизлар, ҳамма яхшилик сизга бўлади, деб хом хаёлларга солади. Аслида эса, у ўзига эргашганларга ғурур, бекорчи саробдан бошқани ваъда қилмаган бўлади. Шайтон ўзига эргашган бандаларнинг ёмон ишларини ўзларига зийнатлаб кўрсатади. Ундай одамнинг гуноҳ ишлари ҳам ўзига чиройли кўринади, ноҳақ иши ҳақ бўлиб туюлади. Натижада, ўзи гуноҳ қилса ҳам, бахт-саодатдан умид қилади. Бу эса, ғурурдан бошқа нарса эмас. Бундай одамларнинг оқибати, албатта, яхши бўлмайди.

أُولَٰئِكَ مَا أَوْلَىٰ لَهُمْ جَهَنَّمُ وَلَا يَجِدُونَ عَنْهَا مَحِيصًا

**121. Ана ўшаларнинг жойлари жаҳаннамдир. Ва ундан қутулиш йўлини топа олмаслар.**

Шайтоннинг йўлига юрганларнинг, уни дўст тутганларнинг у дунёда жойлари жаҳаннамда бўлади. Ўша ерда абадий қоладилар. Жаҳаннамдан қутулиш йўлини ҳеч қачон топа олмайдилар.

Шайтоннинг дўстлари бундай ачинарли ҳолда бўлиб турган бир пайтда:

وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ سَنُدْخِلُهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا  
الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا وَعَدَّ اللَّهُ حَقًّا وَمَنْ أَصْدَقُ مِنَ اللَّهِ قِيلًا ﴿١٢٢﴾

**122. Иймон келтириб, яхши амалларни қилганларни остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритурмиз. Унда абадий – бардавом қолурлар. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Аллоҳдан ростгўйроқ зот борми?**

Баъданинг жаннатга кириши учун иймон ва яхши амаллар бўлиши шарт. Иймонсиз ҳолда қилинган яхши амалларнинг фойдаси бўлмайди.

**«Иймон келтириб, яхши амалларни қилганларни остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритурмиз».**

Иймони бўлиб туриб яхши амалларни қилган баъдалар фақат жаннатга кириш билан кифояланиб қолмайдилар. Балки, жаннатда абадий – бардавом қоладилар.

**«Унда абадий – бардавом қолурлар».**

Бу эса, шайтоннинг дўстлари дўзахда абадий – бардавом қолишларининг муқобилигадир.

Ундан кейин оятда:

**«Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир»**, дейилмоқда. Бу, шайтоннинг ғурур – саробдан бошқа нарсани ваъда қила олмаслигининг муқобилигадир. Бу гапларда ҳеч шубҳа йўқ. Чунки бу гапларни Аллоҳ таолонинг ўзи гапирмоқда.

**«Аллоҳдан ростгўйроқ зот борми?»**

Келгуси оятларда савоб ва гуноҳ масаласи, жаннат ва дўзах масаласи кимнингдир ўзига берган ваъдаси ёки кимнингдир хом хаёлига боғлиқ эмас, балки Аллоҳ томонидан жорий қилинган мустаҳкам қоидага боғлиқ экани баён қилинади:

لَيْسَ بِأَمَانِيكُمْ وَلَا أَمَانِي أَهْلِ الْكِتَابِ مَنْ يَعْمَلْ سُوءًا يُجْزِيهِ، وَلَا يَجِدْ  
لَهُ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا ﴿١٢٣﴾

**123. Сизларнинг хом хаёлингизча ҳам эмас, аҳли китобларнинг хом хаёлича ҳам эмас. Ким ёмонлик қилса, унинг жазосини тортадир. Ва ўзига Аллоҳдан ўзга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам топа олмас.**

Аҳли китобларнинг, яъни, яҳудий ва насороларнинг хом хаёллари ҳаммага маълум, бошқа оятларда ҳам келган. Улар: «Биз Аллоҳ-

нинг болаларимиз ва маҳбубларимиз», дер эдилар. Яъни, биз дўзахга тушган тақдирда ҳам, саноқли кунларгина тушамиз, деган эътиқодда эдилар. Яҳудийлар эса: «Биз Аллоҳнинг танлаб олган бандаларимиз» деб ҳам ғурурланадилар.

Ояти каримада илк жумланинг:

**«Сизларнинг хом хаёлларингизча ҳам эмас, аҳли китобларнинг хом хаёлича ҳам эмас»,** деб келишидан шуни англаса бўладики, баъзи мусулмонлар ҳам: «Биз бошқалардан кўра Аллоҳга яқинроқмиз», деб ҳисоблаб, фақат мусулмон бўлганлигимизнинг ўзи (амал қилмасак ҳам) бизни олий даражали қилиб қўяди, деган хаёлга борган бўлсалар керак. Аллоҳ таоло бундай хом хаёллар – кимнинг хом хаёли бўлишидан қатъиназар – бекорчи эканлигини баён қилмоқда. Ким ёмонлик қилса, қайси динга, қайси халққа, қайси оилага, қайси насабга қарашли бўлишидан қатъиназар, умумий қоида асосида ўз жазосини олади. Яъни:

**«Ким ёмонлик қилса, унинг жазосини тортадир. Ва ўзига Аллоҳдан ўзга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам топа олмас.**

Яхши амаллар бўйича қилинадиган муомала қуйидагича:

وَمَنْ يَعْمَلْ مِنَ الصَّالِحَاتِ مِنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأُولَٰئِكَ يَدْخُلُونَ  
الْجَنَّةَ وَلَا يُظْلَمُونَ نَقِيرًا ﴿١٢٤﴾

**124. Эркакми, аёлми – ким мўмин бўлган ҳолда яхшиликлар қилса, ана ўшалар жаннатга кирурлар ва уларга қилча ҳам зулм қилинмас.**

Яхши амалларнинг мукофотини беришда эркагу аёлга баробар иймон шарт қилиниб қўйилади. Иймон бўлмаса, бўлмайди. Иймони бўлиб туриб, яхши амалларни қилган ҳар бир эркагу аёл, ким бўлишларидан қатъиназар, жаннатга кирадилар. Уларга бу дунёда қилган амалларининг мукофотини қилча ҳам қолдирилмай берилади.

وَمَنْ أَحْسَنُ دِينًا مِّمَّنْ أَسْلَمَ وَجْهَهُ لِلَّهِ وَهُوَ مُحْسِنٌ وَاتَّبَعَ مَلَّةَ إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا  
وَاتَّخَذَ اللَّهُ إِبْرَاهِيمَ خَلِيلًا ﴿١٢٥﴾

**125. Яхшилик қилувчи бўлган ҳолида юзини Аллоҳга таслим қилган ва Иброҳимнинг тўғри динига эргашган кимсанинг динидан ҳам яхшироқ дин борми? Ва Аллоҳ Иброҳимни дўст тутган эди.**



Ушбу оятдаги савол бир нарсани билиш учун берилаётган савол эмас. Балки, бор нарсани иқрор қилиш учун айтилаётган тасдиқ саволидир.

«Юзини Аллоҳга таслим қилиш» — мусулмон бўлишдир.

«Иброҳимнинг тўғри динига эргашиш» ҳам мусулмонликдир. «Аллоҳга юзини таслим қилиш» ибораси ҳар бир ишни иймон билан, Парвардигори Оламга ихлос қилган ҳолда бажаришга айтилади. Қилган яхши амалнинг қабул бўлишига иймон қанчалик шарт бўлса, ихлос ҳам (яъни, ишни Аллоҳнинг розилиги учун ихлос билан адо этиш) шунчалик шартдир.

Иброҳим алайҳиссаломнинг миллати — дини Ислом эди. Аллоҳ таоло бошқа оятларда ҳам бу ҳақиқатни баён этган. Демак, оятда Исломдан ўзга ҳақиқий дин йўқ, дейилмоқда ва бу динга одамларни янада қизиқтириш учун Иброҳимни Аллоҳ таоло Ўзига дўст тутгани таъкидланмоқда.

وَلِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ مُّحِيطًا ﴿١٢٦﴾

**126. Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳга хосдир ва Аллоҳ ҳар бир нарсани ихота қилган Зотдир.**

Яъни, дунёдаги барча нарсалар Аллоҳнинг мулки, қули ва махлуқларидир, У зот уларни хоҳлаганича тасарруф қилади. У ҳар бир нарсани ихота қилиб — қамраб олгандир. Ундан ҳеч нарса маҳфий қолмайди. Жумладан, бандаларнинг қилган амаллари ҳам.

Суранинг аввалида аёллар, етимлар, заифҳол кишилар ва болалар ҳақида тушган оятларда муолажа қилинган турли масалалар янги шаклланиб келаётган исломий жамиятда ҳар хил саволларнинг юзага чиқишига сабаб бўлган эди. Ўша саволларга жавоб тариқасида ҳам сура бошида қўзғатилган масалаларга тўлдириш бўлиб қуйидаги мажмуа оятлар нозил қилинди:

وَيَسْتَفْتُونَكَ فِي النِّسَاءِ قُلِ اللَّهُ يُفْتِيكُمْ فِيهِنَّ وَمَا يُتْلَىٰ عَلَيْكُمْ فِي الْكِتَابِ فِي يَتِمَىٰ النِّسَاءِ الَّتِي لَا تُوْتُونَهُنَّ مَا كُتِبَ لَهُنَّ وَتَرْغَبُونَ أَنْ تَنْكِحُوهُنَّ وَالْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ الْوُلْدَانِ وَأَنْ تَقُومُوا لِلْيَتَامَىٰ بِالْقِسْطِ وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ كَانَ بِهِ عَلِيمًا ﴿١٢٧﴾

**127. Сендан аёллар ҳақида фатво сўрарлар. «Аллоҳ сизга улар ҳақида ва китобда тиловат қилинадиган, сиз уларга тайин қилинган нарсани бермай никоҳига рағбат қилганингиз аёллар ҳақида, заифҳол болалар ҳақида ва етимларга адолат қилмоғингиз ҳақида фатво берадир», деб айт. Аллоҳ қилган ҳар бир яхшилигингизни билувчи Зотдир.**

Аслида, одамлар Пайғамбар алайҳиссаломдан аёллар ҳақида фатво сўраган эдилар.

**«Сендан аёллар ҳақида фатво сўрарлар».**

Аллоҳ таоло эса, бунга қўшиб яна бир неча масалалар ҳақида ҳам фатво беришини айтмоқда. «Аллоҳ сизга улар ҳақида ва китобда тиловат қилинадиган, сиз уларга тайин қилинган нарсани бермай никоҳига рағбат қилганингиз аёллар ҳақида, заифҳол болалар ҳақида ва етимларга адолат қилмоғингиз ҳақида фатво берадир», деб айт».

«Китобда тиловат қилинадиган, сиз уларга тайин қилинган нарсани бермай никоҳига рағбат қилганингиз аёллар кимлар?»

Бу аёллар кимлиги хусусида Али ибн Абу Толҳа ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидаги ривоятни келтирадилар: «Жоҳилият даврида бир киши ўз қарамоғида қолган етим қизнинг устига кийимини ташлаб қўйса, у қизга ҳеч қачон ҳеч ким уйлана олмас эди. Агар қиз гўзал бўлса, қарамоғига олган одам ўзи унга уйланар ва унинг молу мулкига ҳам эга бўлар эди. Агар қиз хунук бўлса, ўлгунча эрга тега олмас эди. Ўлгандан сўнг эса, валиюл амр унинг меросини олар эди.

Ислом бундай ярамас одатни ҳаром қилди. Араб тилида «рағбат» сўзи, бирга келадиган боғловчи ҳарфларнинг ҳолатига қараб, ўзаро қарама-қарши икки хил маъно беради. Агар «рағбат» сўзи «фи» ҳарфи билан келса, «қизиқиш» маъносини англатади, «Ан» ҳарфи билан келганда эса, «совиш», «хоҳламаслик», маъноларини англатади. Ушбу оятда мазкур икки ҳарфлардан бири ҳам келмаган. Чунки умумий маънода, мазкур икки хил маъно ҳам бор. Яъни, ҳолатга қараб, етим қизни ўз қарамоғига олган одам, агар у чиройли бўлса, никоҳлаб олишга қизиқиши ҳам мумкин, ёки, агар у хунук бўлса, унинг никоҳига қизиқмаслиги ҳам мумкин. Демак, оят икки хил маънони ҳам кўтарадиган бўлиб келган. Бу Қуръоннинг мўжизаларидан ҳисобланади.

Оятда заифҳол болалар ҳақида фатво берилиб, уларга нисбатан ҳам адолатли бўлишга чақирилмоқда. Жоҳилият даврида заифҳол болаларга ҳам аёлларга зулм қилингандек зулм қилинар эди. Уларни кичкина, қилич кўтариб урушга чиқишга қодир эмас, деб меросдан ҳақ бермас эдилар. Аллоҳ таоло бу ишни ҳам ман этди. Уларга

нисбатан адолатли бўлишни жорий қилди. Шунингдек, етимларга нисбатан бўладиган зулмларни ҳам бекор қилиб, адолат ўрнатди. Оятнинг охирида эса,

«Аллоҳ қилган ҳар бир яхшилигингизни билувчи Зотдир», дейиш билан ҳамиша яхшилик қилишга чорланади.

وَإِنَّ أُمَّرَأَةً خَافَتْ مِنْ بَعْلِهَا نُشُوزًا أَوْ إِعْرَاضًا فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا أَنْ يُصْلِحَا بَيْنَهُمَا  
صُلْحًا وَالصُّلْحُ خَيْرٌ وَأُحْضِرَتِ الْأَنْفُسُ الشُّحَّ وَإِنْ تُحْسِنُوا وَتَتَّقُوا فَإِنَّ اللَّهَ  
كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا

**128. Агар аёл киши ўз эридан нафрат ва юз ўгириш содир бўлишидан қўрқса, икковлари ўзаро сулҳга келишишларида гуноҳ йўқ. Сулҳ яхшидир. Нафслар қизғанишга ҳозирдир. Агар яхшилик ва тақво қилсангиз, албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардор Зотдир.**

Суранинг бошидаги оятларда агар оилада аёл киши томонидан эрига нафрат—бош кўтариш ҳолати юзага келганда нима қилиш кераклиги муолажа қилинган эди. Бу оятда эса, унинг акси муолажа қилинмоқда. Оилавий ҳаётда, турли сабабларга кўра, эрда хотинига нисбатан нафрат пайдо бўлиши мумкин. Натижада, эр хотинидан ажралмоқчи ёки ундан юз ўгириб, талоқ ҳам қилмай, муомала ҳам қилмай ташлаб қўймоқчи. Хотин эридан ажрашни хоҳламаса, ярашишга уринади.

«Агар аёл киши ўз эридан нафрат ва юз ўгириш содир бўлишидан қўрқса, икковлари ўзаро сулҳга келишишларида гуноҳ йўқ».

У ўз эрининг нафратига ёки юз ўгиришига сабаб бўлган ишларни бартараф этиш билан уни рози қилиб, ажралмай қолишга тиришади.

Мисол учун, ҳатто ўз қонуний ҳаққи бўлмиш маҳрининг ҳаммасидан ёки бир қисмидан воз кечиб юбориши мумкин. Нафақа бермасанг ҳам, майли ёки озроқ нафақа берсанг ҳам, талоқ қилмасанг бўлди, дейиши мумкин. Шунга ўхшаш, ҳолатга қараб, турли таклиф ва муросалар билан сулҳ тузиб, ажралмай қолишда гуноҳ йўқ экан. Шунинг учун ҳам, оятнинг давомида:

«Сулҳ яхшидир», дейилмоқда.

Ислонда турли усулларни қўллаб оилани сақлаб қолишга ҳаракат қилинади. Ушбу чоралар ҳам мазкур рағбатдан келиб чиққан. Оятнинг давомида:

**«Нафслар қизғанишга ҳозирдир»,** дейилмоқда.

Яъни, инсон нафсида қизғаниш табиати бор. Молу мулкни қизғанади. Чиройли нарсаларни қизғанади. Мансаб ёки яхши ҳолатларни қизғанади. Ана шу табиий ҳолни эътиборга олганда, шояд, хотин томондан таклиф қилинган молу мулк ва баъзи қулайликлар эрдаги қизғаниш табиатини қўзғаб, ажралмай қолишга рози бўлса. Лекин инсоний алоқалар фақат молу мулк ёки баъзи манфаатлар асосидагина қурилмайди. Балки, яхшилик, савоб ишлар қилиш ва бошқа ҳолатлар ҳам кўп. Исломда шунга кўпроқ тарғиб қилинади:

**«Агар яхшилик ва тақво қилсангиз, албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардор Зотдир».**

Жумладан, хотинидан нафратланиб, уни талоқ қилмоқчи бўлган ёки юз ўтириб, тек ташлаб қўймоқчи бўлган эркак ўша хотиннинг ажрашиш истаги йўқлигини билгач, унга яхшилик қилиб, тақво юзасидан ўзи билан олиб қолса, яхши бўлади. Аллоҳ унга ажр ва савоб беради.

وَلَنْ تَسْتَطِيعُوا أَنْ تَعْدِلُوا بَيْنَ النِّسَاءِ وَلَوْ حَرَصْتُمْ فَلَا تَمِيلُوا كُلَّ الْمِيلِ فَتَدْرُوهَا كَالْمُعَلَّقَةِ وَإِنْ تُصْلِحُوا وَتَتَّقُوا فَإِنَّ اللَّهَ كَانَ غَفُورًا رَحِيمًا ﴿١٢٩﴾

**129. Агар роса ҳаракат қилсангиз ҳам, хотинлар ўртасида адолатли бўла олмассизлар. Бир йўла мойил бўлиб кетиб,** (баъзисини) муаллаққа ўхшатиб қўйманг. **Агар ислоҳ ва тақво қилсангиз, албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир.**

Ушбу ояти каримада зикр этилаётган «Хотинлар ўртасида адолат» кўп хотинли эрнинг хотинларига нисбатан қалбидаги муҳаббат борасидадир. Яъни, қанча уринсангиз ҳам, ҳаракат қилиб тиришсангиз ҳам, қалбингиздаги мойилликда ҳамма хотинларингизга нисбатан бир хил бўла олмайсиз, дейилмоқда.

**«Агар роса ҳаракат қилсангиз ҳам, хотинлар ўртасида адолатли бўла олмассизлар».**

Чунки бу нарса, яъни аёл кишига бўлган муҳаббат режа билан, ўлчов билан бўладиган нарса эмас. Бу борада қалб эгасига қулоқ солмайди, унинг амрига итоат этмайди. Ҳар қандай эр хотинлари орасида зоҳирий ишларда тўлиқ адолат қила олади, аммо қалбидан бўладиган муҳаббатга келганда, узрли.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқа муҳаддислар Абдуллоҳ ибн Зайддан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Оиша онамиз ҳикоя қилишларича: «Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи васаллам хотинлари орасида тақсимни адолат билан қилар эдилар. Сўнгра: «Эй бор Худоё! Бу ўзим эга бўлган нарсадаги тақсим. Сен Ўзинг эга бўлиб, мен эга бўлмаган нарсада мени маломат қилмагин», дер эдилар».

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг кўнгил майллари Оиша онамизга нисбатан алоҳида бўлганлиги маълум ва машҳурдир. Ислонда кўп хотинли киши ўз иродасига боғлиқ ишларда хотинлари ўртасида тўлиқ адолат қилишга амр қилинган. Уй-жой ва нафақа масаласида, муомала, бирга ётиш, эру хотинлик ҳуқуқларини адо этиш ва бошқа шунга ўхшаш масалаларда тўлиқ адолат лозим. Аммо инсон иродасига боғлиқ бўлмаган масала — муҳаббат масаласига келсак, унда ҳар қанча уринса ҳам, адолат бўлмаслиги оятнинг ўзида айтиб турилибди. Лекин, узрли эканмиз, деб ҳаддан ошириб юбориш ҳам мумкин эмас:

**«Бир йўла мойил бўлиб кетиб, (баъзисини) муаллаққа ўхшатиб қўйманг».**

Яъни, кўнглингизда муҳаббати ўрнашган баъзи хотинингизга бир йўла мойил бўлиб кетиб, хотинларингизнинг баъзисини муаллақ аёлга ўхшатиб қўйманг. «Муаллақ аёл» деб хотин бўлиб хотин эмас, боши очик бўлиб, боши очик эмас, аросат бир ҳолда қолган аёлга айтилади. Эри сафарга кетиб, ғойиб бўлди. Эрим бор, деса, ўлигининг ҳам, тиригининг ҳам хабари йўқ. Эрим йўқ, деса, бор эди, талоқ ҳам қилмаган эди. Бундай муаллақлик азоб, шунинг учун ояти карима эрни бу масалада адолатли бўлишга чорламоқда. Кўп хотинли эр яхши кўрган хотини билан доимо бирга бўлиб, бошқасини тарк этса, шариатга ҳеч тўғри келмайди.

**«Агар ислоҳ ва тақво қилсангиз, албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир».**

Эр-хотинлик ишларида ҳам доимо ислоҳни кўзда тутиб, тақво билан иш юритиш лозим. Инсон ўзининг барча имкониятларини ишга солиб, оиласини бузмасликка, сақлаб қолишга ҳаракат қилиши керак.

Аммо баъзи вақтларда бундай ишлар ҳам наф бермай қолиши мумкин. Унда:

وَإِنْ يَنْفَرَا يَغْنِ اللَّهُ كُلاً مِّنْ سَعَتِهِ ۗ وَكَانَ اللَّهُ وَاسِعًا حَكِيمًا ﴿١٣٠﴾

**130. Агар ажрашсалар, Аллоҳ Ўз фазлидан ҳар бирини беҳожат қилур. Аллоҳ фазли кенг ва ҳикматли Зотдир.**

Ҳамма чоралар кўрилди. Аммо фойдаси бўлмади. Бирга яшашнинг иложи бўлмади. У вақтда начора, майли, ажралишсин. Эҳтимол, икковлари ҳам бундан кейин яхши бир ҳолатга эришарлар. Аллоҳ таоло ҳам шундан умидвор қилмоқда:

**«Агар ажрашсалар, Аллоҳ Ўз фазлидан ҳар бирини беҳожат қилур. Аллоҳ фазли кенг ва ҳикматли Зотдир».**

Унинг фазли кенг. Унинг фазли ҳамма бандаларига етиб, яна ортиб қолади.

Яна, У – ҳикматли Зот. Ушбу эру хотин масаласида ҳам нима ҳикматлар борлигини Ўзи билади.

Оилавий масалаларни, эру хотин орасидаги муомалаларни муолажа қилиб бўлгандан сўнг, мазкур масалаларни муолажа қилаётган Зот бутун дунёни бошқариб, унинг ҳамма масалаларини ҳам муолажа қилиб турганлигини англатувчи оятлар келади. Демак, дунёдаги каттаю кичик ҳамма масала ушбу дунёнинг яратувчиси Аллоҳнинг хоҳишига ва кўрсатмасига мос бўлиши шарт.

وَلِلَّهِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ ۗ وَلَقَدْ وَصَّيْنَا الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ مِنْ قَبْلِكُمْ وَإِيَّاكُمْ أَنْ اتَّقُوا اللَّهَ ۚ وَإِنْ تَكْفُرُوا فَإِنَّ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ ۗ وَكَانَ اللَّهُ غَنِيًّا حَمِيدًا ﴿١٣١﴾

**131. Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Батаҳқиқ, Биз сиздан олдин китоб берилганларга ҳам, сизга ҳам: «Аллоҳга тақво қилинглр», деб васият қилдик. Агар куфр келтирсангиз, албатта, осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Ва Аллоҳ беҳожат ва мақталган Зотдир.**

Бу оятда бошқа кўпгина оятларда такрорланадиган улкан ҳақиқат яна бир бор таъкидланмоқда. Осмонлару ердаги нарсалар, яъни бутун дунё – борлиқ Аллоҳники. У ҳаммасининг молики – эгаси. Ҳар бир молик ўз мулкининг ягона ҳоқими бўлади. Ўзи эга бўлган нарсаларда ўзи билиб ҳукм юритади.

**«Батаҳқиқ, Биз сиздан олдин китоб берилганларга ҳам, сизга ҳам: «Аллоҳга тақво қилинглр», деб васият қилдик».**

Демак, кимга илоҳий китоб юборилган бўлса, ҳаммасига бир хил амр бўлган. Аллоҳ яратган бандалар Аллоҳнинг мулкида – дунёда Аллоҳга тақво қилиб яшамоқлари лозим. Борлиқнинг ягона молики ва ҳоқими Аллоҳнинг амри – шу! Бандалар бу амрга биноан яшасалар, яхши бўлади.

**«Агар куфр келтирсангиз, албатта, осмонлару ердаги нарса-лар Аллоҳникидир».**

Демак, бандаларнинг куфр келтириши билан Аллоҳнинг мулки камайиб ёки зарарланиб қолмайди.

Агар бу ишдан бирор зарар келса, бандаларнинг ўзига келади. Бандаларнинг ўзлари куфр келтирганларининг жазосини тортадилар.

Аллоҳ уларга эмас, улар Аллоҳга ҳожатманддирлар. Улар куфр келтириб, Аллоҳга ношукрлик қилсалар, Аллоҳни бошқалари мақтайверади.

**«Ва Аллоҳ беҳожат ва мақталган Зотдир».**

Агар хоҳласа, ҳамма нарсага қодир Аллоҳ бошқача чора кўриши ҳам мумкин:

وَلِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَكَفَى بِاللَّهِ وَكِيلًا ﴿١٣٢﴾ إِنَّ يَشَاءُ يَدُ هَبِكُمْ أَيُّهَا  
النَّاسُ وَيَأْتِ بِتَاخِرِينَ ﴿١٣٣﴾ وَكَانَ اللَّهُ عَلَىٰ ذَٰلِكَ قَدِيرًا ﴿١٣٤﴾

**132. Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Вакил бўлишга Аллоҳ кифоядир.**

**133. Агар у Зот хоҳласа, эй одамлар, сизларни кетказиб, бошқаларни келтирур. Ва Аллоҳ бунга қодир бўлган Зотдир.**

Куфр келтирганларнинг куфри фақат ўзларига зарар эканлиги, бундан Аллоҳга зарар етмаслиги яна бир бор эслатилмоқда.

**«Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Вакил бўлишга Аллоҳ кифоядир».**

Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳнинг мулки бўлса, Аллоҳ уларнинг ягона султони — ҳокими бўлса, оламдаги ҳар бир нарсага ўзи вакил бўлса-ю, қандай қилиб баъзи одамларнинг куфри унга зарар етказди.

Йўқ, ундай эмас!

**«Агар хоҳласа, эй одамлар, сизларни кетказиб, бошқаларни келтирур. Ва Аллоҳ бунга қодир бўлган Зотдир».**

Ҳа, агар Аллоҳ хоҳласа, бир зумда ҳамма одамларни бу дунёдан йўқ қилиб, уларнинг ўрнига ўзига иймон келтирадиган, айтганидан чиқмай юрадиган бошқа бир одамларни келтириб олади. Аллоҳ бу ишга ва бундан ҳам катталарига қодирдир.

Куфр ва гуноҳкорликни ихтиёр этганлар, асосан, бу дунё ҳаёти ва унинг лаззатларига кўпроқ эришишни кўзлаганларидан шу ишни қиладилар.

Лекин бу мақсадга улар танлаган йўлдан бошқа йўл билан эришиш, бунинг устига, бошқа олий мақомларга ҳам эришиш мумкин эди:

مَنْ كَانَ يُرِيدُ ثَوَابَ الدُّنْيَا فَعِنْدَ اللَّهِ ثَوَابُ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَكَانَ اللَّهُ سَمِيعًا بَصِيرًا ﴿١٣٤﴾

**134. Ким бу дунё савобини истаса, билсинки, Аллоҳнинг ҳузурида ҳам бу дунёнинг, ҳам у дунёнинг савоби бордир. Ва Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчи Зотдир.**

Исломга бўйсунмаётган ва унга юрмаётганларнинг қанчалик бефаҳм эканликлари ушбу оятдан кўриниб турибди. Инсон олдида икки хил ихтиёр турибди: куфр йўлидан юрсанг, бу дунёга эришишнинг мумкин, Ислом йўлига юрсанг, ҳам бу дунёнинг, ҳам охиратнинг саодатига албатта эришасан, дейилмоқда.

Кофир эса, биринчи йўлни ихтиёр қилмоқда. Аммо хоҳлаши бошқа, хоҳишига эришиши бошқа. Эҳтимол, бу дунё савобига ҳам эриша олмас. Буни тажриба ҳам кўрсатади.

Аммо, Ислом йўлига юрганлар ҳам бу дунёнинг, ҳам охиратнинг савобига эришишлари муқаррар, чунки буни Аллоҳ ваъда қилгандир.

**«Ким бу дунё савобини истаса, билсинки, Аллоҳнинг ҳузурида ҳам бу дунёнинг, ҳам у дунёнинг савоби бордир».**

Фақат, мусулмон бўлган одам ўз вазифасини бажарса бўлди. Ана шунда у икки дунёнинг савобига, бахту саодатига эришади.

**«Ва Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчи Зотдир».**

У зот ким нима деяётганини эшитиб, ким нима қилаётганини кўриб туради. Охиратда ана шунга биноан ҳисоб-китоб қилади.

Оила масаласидаги, аёллар билан муомалада адолатли бўлиш ҳақидаги, бу ишларда Аллоҳнинг кўрсатмасига амал қилиш зарурлиги хусусидаги йўл-йўриқлар тамом бўлганидан сўнг, энди бутун жамият билан бўладиган масалаларга ўтилади. Ҳамма ишларда адолатли бўлиш, ҳамма ишларда Аллоҳнинг ҳукмини юритиш ҳақида сўз кетади. Бу эса, ўз навбатида, ҳукмнинг катта-кичиги бўлмаслигини, ҳаммаси Аллоҳники эканлигини яна бир бор кўрсатади.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُونُوا قَوَّامِينَ بِالْقِسْطِ شُهَدَاءَ لِلَّهِ وَلَوْ عَلَىٰ أَنفُسِكُمْ أَوِ الْوَالِدِينَ وَالْأَقْرَبِينَ إِن يَكُنْ غَنِيًّا أَوْ فَقِيرًا فَاللَّهُ أَوْلَىٰ بِهِمَا فَلَا تَتَّبِعُوا الْهَوَىَٰ أَن تَعْدِلُوا وَإِن تَلَوْا أَوْ تَعْرَضُوا فَإِنَّ اللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا ﴿١٣٥﴾﴾



**135. Эй, иймон келтирганлар! Адолат ила туринг ҳамда агар ўзингиз, ота-онангиз ва қариндошларингиз зиддига бўлса ҳам, Аллоҳ учун тўғри гувоҳлик берувчи бўлинг. Агар у бой бўлса ҳам, камбағал бўлса ҳам, Аллоҳ унга яқинроқдир. Ҳавои нафсга эргашиб, адолатсизлик қилманг. Агар тилингизни бурсангиз ёки юз ўгириб кетсангиз, албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир.**

Ушбу оятдаги амрлар ғоятда муҳим, мусулмонлар бу масалаларга жиддий қарашлари лозим. Шу боисдан, Аллоҳ таоло мусулмон бандаларига:

**«Эй, иймон келтирганлар!»** деб мурожаат қилмоқда. Диққатни жалб этмоқда. Бу тарз нидонинг ҳикматларини аввалда бир неча бор айтиб ўтдик. Хуллас, бу нидодан кейин келаётган амрлардан бири – адолат ила туришдир. Яъни, ҳамма ишда, ҳамма жойда, ҳамма масалада адолат ила туришдир. Адолат ила туришни тақозо этадиган ишлардан бири – гувоҳлик беришдир.

Гувоҳлик жуда ҳам нозик ва масъулиятли ишдир. Чунки, гувоҳлик бериш йўли билан далил-ҳужжат етишмай турган ишлар ҳал бўлади. Бир оғиз гувоҳлик сўзи билан бировга ўлим ҳукми чиқиши ёки бекор қилиниши мумкин. Биров қамалиб кетиши ёки қутулиб қолиши мумкин. Шунингдек, биров катта мол-мулкка эга бўлиши ёки ўзининг мол-мулкдан ажраб қолиши мумкин. Хулоса қилиб айтганда, гувоҳлик кўпгина ҳассос масалаларга даҳддордир. Шунинг учун ҳам, Исломда гувоҳлик адолат ила бўлишига катта эътибор берилади. Биз ўрганаётган ушбу ояти каримада ҳам худди шу масала муолажа қилинмоқда:

**«Адолат ила туринг ҳамда агар ўзингиз, ота-онангиз ва қариндошларингиз зиддига бўлса ҳам, Аллоҳ учун тўғри гувоҳлик берувчи бўлинг».**

Демак, гувоҳлик Аллоҳ учун бўлиши керак. Бошқа нарса учун эмас. Бирор шахс учун эмас, қабила учун эмас, ҳизб ёки халқ учун эмас. Фақат Аллоҳ учун бўлиши керак. Ана шундагина адолатли гувоҳлик бўлади. Албатта, одамнинг ўзига қарши гувоҳлик бериши, ота-онаси ёки қариндош-уруғига қарши гувоҳлик бериши осон эмас. Бу иш гапиришга осон, холос. Лекин илоҳий таълимот шуни ирода қилади. Ана шундагина ҳақиқий адолат юзага чиқиши мумкин. Гувоҳлик беришда насаб омилини ҳисобга олиш мумкин бўлмаганидек, гувоҳлик берилаётган шахсинг, яъни, айбланувчининг ижтимоий ҳолати ҳам эътиборга олинмайди:

**«Агар у бой бўлса ҳам, камбағал бўлса ҳам, Аллоҳ унга яқинроқдир».**

Яъни, унга сиздан кўра Аллоҳ яқинроқдир. У нима қилишни ўзи яхши билади. Сиз унинг бойлиги ёки камбағаллигига қараб гувоҳлик бериб, исломий таълимотларни бузманг. Бу бечора камбағал экан, деб раҳим қилиб, унинг фойдасига гувоҳлик берманг. Ёки яланг оёқ, камбағалнинг қўлидан нима келар эди, деб унинг зарарига ҳам гувоҳликни бурманг. Гувоҳлик беришингиз Аллоҳ учун тўғри бўлсин.

Шунингдек, бу бой экан, кейин менга ҳар нарса қилиш қўлидан келади, деб қўрқиб, ёки, бой экан, бунга бало ҳам урмайди, деб нотўғри гувоҳлик берманг. Тўғри гувоҳлик беринг. Гувоҳлик беришда:

**«Ҳавои нафсга эргашиб, адолатсизлик қилманг».**

Ҳавои нафс ўзини севишга, ота-она ва қариндошларга ён бошишга ундаши мумкин. Нафс бойга хушомад қилишга ёки камбағалга меҳр кўрсатишга ва шунга ўхшаш нотўғри ишларга бошлаши мумкин. Ҳавои нафсга берилиб:

**«Агар тилингизни бурсангиз ёки юз ўгириб кетсангиз, албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир».**

У Зот ўзи билиб, адолат-ла жазоингизни беради. Тилингизни буриб, нотўғри гувоҳлик беришингиз мумкин эмас. Шунингдек, масъулиятдан қочиб, гувоҳлик беришдан юз ўгиришингиз ҳам мумкин эмас.

Ислонда гувоҳликни беркитиш ёки уни адо этишдан қочиш ҳам катта гуноҳ ҳисобланади. Аллоҳ таоло бошқа бир оятда гувоҳликни беркитган одам қалби гуноҳкор одам эканлигини таъкидлаган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадисларидан бирида:

«Гувоҳларнинг энг яхшиси сўралмасдан гувоҳлик бергувчисидир», деганлар.

Аллоҳ таоло мусулмон бандаларига яна ниҳо қилади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا ءَامِنُوْا بِاللّٰهِ وَرَسُوْلِهِۦ ۗ وَالْكِتٰبِ الَّذِيۡ نَزَّلَ عَلٰى رَسُوْلِهِۦ ۗ  
وَالْكِتٰبِ الَّذِيۡ اُنزِلَ مِنْ قَبْلُ ۗ وَمَنْ يَّكْفُرْ بِاللّٰهِ وَمَلٰٓئِكَتِهٖۙ وَكُتُبِهٖۙ وَرُسُلِهٖۙ وَالْيَوْمِ  
الْآخِرِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلٰلًاۢ بَعِيْدًا ﴿١٣٦﴾

**136. Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга, Унинг Расулига, У Ўз Расулига туширган китобга ва бундан олдин туширган китобга иймон келтиринг. Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобла-**

**рига, Пайғамбарларига ва охират кунига куфр келтирса, батаҳқиқ, қаттиқ адашган бўлади.**

Ажаб, оятда иймон келтирганларни яна иймон келтиришга амр қилинмоқда. Бу ҳол, сиртдан қараганда, бир оз ғалатига ўхшайди. Аммо, аслини олганда, иймон масаласи ниҳоятда нозикдир. Инсон доимо бу масаланинг такрор-такрор эслатиб турилишига муҳтождир. Қолаверса, бу ояти каримада иймоннинг асосий унсурлари — мўмин инсонлар нималарга иймон келтириши лозимлиги баён қилинмоқда.

**«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга, Унинг Расулига, У Ўз Расулига туширган китобга ва бундан олдин туширган китобга иймон келтиринг».**

Мусулмон одам Аллоҳга, Унинг Расули Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирмоғи лозим. Бу иймон уни ўзини яратган холиқи, доим тарбияқунандалик қилиб турувчи Робби билан боғлайди. Бу иймон уни ўз Робби томонидан юборилган ва уни ҳидоятга бошлайдиган йўлбошчи бўлмиш Пайғамбар ва унинг Пайғамбарлиги билан боғлаб туради. Бу иймон уни ўз Робби томонидан ўз Пайғамбарига туширилган илоҳий дастур — Қуръони Карим билан боғлаб туради. Бу иймон уни Қуръондан олдин келган илоҳий китоблар билан боғлаб туради. Иймоннинг асосий унсурларидан яна иккитаси оятнинг иккинчи ярмида, манфий ҳолдаги зикрда, яъни кофирларнинг ҳоли васф қилинганда келган:

**«Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига ва охират кунига куфр келтирса, батаҳқиқ, қаттиқ адашган бўлади».**

Демак, фаришталарга ва охират кунига иймон келтирмаслиқнинг ҳам, бошқа асосий унсурларга куфр келтириш каби, оқибати ёмон бўлади. Уламолар: бу икки унсурларнинг айнан шу жойда зикр қилиниши, булар кофирга таҳдид солувчи, уларни қўрқитувчи нарсалар бўлгани учундир, дейишади. Иймоннинг мазкур асосий унсурларига ва ёки улардан бирортасига ишонмаслиқдан (куфр келтиришдан) кўра қаттиқроқ адашишлик йўқдир.

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا ثُمَّ كَفَرُوا ثُمَّ آمَنُوا ثُمَّ كَفَرُوا ثُمَّ أزدَادُوا كُفْرًا لَمْ يَكُنِ اللَّهُ لِيَغْفِرَ لَهُمْ وَلَا لِيَهْدِيَهُمْ سَبِيلًا ﴿١٢٧﴾

**137. Албатта, иймон келтирганларидан кейин куфр келтирганлар, сўнгра иймон келтириб яна куфрга кетган ва куфрида**

**зиёда бўлганларни Аллоҳ мағфират қилмас ва тўғри йўлга ҳидоят этмас.**

Иймон билан куфр орасида бориб-келиб, бориб-келиб, охири куфрда зиёда бўлаётганлар – мунофиқлардир. Агар инсон кофир бўлиб юриб, кейин иймонга келса, унинг иймони кофирлигини ювиб кетади. Иймонга келгандан кейинги даврдан бошлаб ҳисоб-китоби бошланади. Чунки, у кофирлик вақтида зулматда бўлган. Зулматдаги одамдан бирор нарсени кўришни сўраб бўлмайди. Аммо, бир марта иймонга келиб, яна куфрга қайтиш эса, қоронғуликдан ёруғликка чиқиб, яна ўз ихтиёри ила қоронғуликка қайтишдан иборатдир. Агар бу номаъқул иш бир неча бор такрорланса, албатта, ундай одам мағфиратга асло лойиқ эмасдир. Уларнинг ҳидоят қилинмагани ҳам айни адолатдир.

بَشِّرِ الْمُنَافِقِينَ بِأَنَّ لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿١٢٨﴾ الَّذِينَ يَتَّخِذُونَ الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِ  
 الْمُؤْمِنِينَ أَلْبَسُوا لَهُمُ الْعِزَّةَ فَإِنَّ الْعِزَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًا ﴿١٢٩﴾

**138. Мунофиқларга уларга албатта аламли азоб бўлишининг башоратини бер.**

**139. Улар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутадиганлардир. Уларнинг олдида иззат, куч-қудрат излайдиларми? Албатта, иззат, куч-қудратнинг барчаси Аллоҳнинг ҳузуридадир.**

Кофир ҳолида ўлиб кетган мунофиқларга охиратда албатта аламли дўзах азоблари бўлади. Ушбу ояти каримада «Башоратини бер», дейишлик ҳам уларнинг ҳолига вой бўлишига ишорадир.

**«Мунофиқларга уларга албатта аламли азоб бўлишининг башоратини бер».**

Мунофиқларнинг аломатлари кўп. Биттаси ушбу оятда эсга олинмоқда:

**«Улар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутадиганлардир».**

Мунофиқлар, одатда, ўзларини мусулмон қилиб кўрсатишга уринадилар. Аммо, ичларидаги дард – куфрлик уларни бошқа томонга етаклайди. Улар мусулмонларга дўст бўлиш ўрнига, кофирларга дўст бўладилар. Кофирлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантиришга ҳаракат қилишларининг боиси – кофирлар уларнинг кўзига кучли-қувватли бўлиб кўринади. «Мабодо, ўзаро уруш-жанжал ва тортишувда мусулмонлар ғолиб келиб қолса, мен ҳам мусулмон эдим, деб туравераман, ҳеч гап бўлмайди. Аммо, кофирлар ғолиб келса, нима қиламан? Улар кучли кўринадилар. Шунинг учун, уларни дўст тутатиш керак», деган қарорга келади.

**«Уларнинг олдида иззат, куч-қудрат излайдиларми?»**

Ҳа, мунофиқлар уларнинг ҳузурида иззат, куч-қудрат излайдилар. Мунофиқликлари туфайли ҳақиқий куч-қувват қаерда эканини англаб етмайдилар. Бўлмаса, кофир қавмлар ҳузуридан излашармиди уни? Оятда ҳақиқий куч-қувват, иззат Аллоҳнинг ҳузурида эканлиги таъкидланмоқда.

**«Албатта, иззат, куч-қудратнинг барчаси Аллоҳнинг ҳузуридадир».**

Юқоридаги оятда мунофиқларнинг ҳоли баён қилинган бўлса, келаси оятда мунофиқликнинг биринчи поғонаси – Аллоҳнинг оятларига куфр келтириладиган ва уларни истехзо қилинадиган жойларда ўтирмаслик ҳақида баёнот келади:

الَّذِينَ يَتَّبِعُونَ بِكُمْ فَإِنْ كَانَ لَكُمْ فِتْحٌ مِّنَ اللَّهِ قَالُوا أَلَمْ نَكُنْ مَعَكُمْ وَإِنْ كَانَ  
لِلْكَافِرِينَ نَصِيبٌ قَالُوا أَلَمْ نَسْتَحْوِذْ عَلَيْكُمْ وَنَمْنَعَكُم مِّنَ الْمُؤْمِنِينَ فَآلَهُ يَحْكُمُ بَيْنَكُمْ  
يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا ﴿١٤٠﴾

**140. Батаҳқиқ, сизларга китобда: «Аллоҳнинг оятларига куфр келтирилган ва уларни истехзо қилинган чоғда, бошқа гапга ўтмагунларича, улар билан ўтирманглар», деб туширди. Агар ўтирсангиз, сиз ҳам уларга ўхшашсиз. Албатта, Аллоҳ мунофиқ ва кофирларнинг ҳаммасини жаҳаннамда жамловчидир.**

Аллоҳ таоло китобда, яъни Қуръони Каримда мўминларга Аллоҳнинг оятлари ҳақида куфр ва истехзо гаплар бўлаётган мажлисда ўтирмасликка амр қилган эди. Бу амр Маккаи Мукаррамада ноzil бўлган «Анъом» сурасида келган. Чунки, мўмин кишининг бу каби мажлисларда жим ўтириши мунофиқликнинг бошланишидир. Ҳар бир мўмин: Аллоҳ, Ислом, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Қуръон каби мўътабар тушунчалар ҳақида ёмон, ахлоқсиз гап-сўзларни эшитган чоғида қарши чиқмоққа, ҳаттоки тўғриламаққа бурчлидир. Кимки бундай ҳолларда жим ўтирса, мунофиқлик йўлига қадам қўйган бўлади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло Ўзининг оятларига куфр келтириладиган, уларни истехзо қилинадиган мажлисда ўтирганларни мунофиқларга тенглаштирмоқда. Бу эса, жуда хатарлидир. Мунофиқлик ва кофирлик бу дунёда Исломга, иймонга биргаликда қарши бўлганлари учун ҳам, у дунёда:

**«Албатта, Аллоҳ мунофиқ ва кофирларни жаҳаннамда жамловчидир».**

Кейинги оятда мунофиқларнинг башаралари очиб ташланади:

وَقَدْ نَزَّلَ عَلَيْكُمْ فِي الْكُتُبِ أَنْ إِذَا سَمِعْتُمْ آيَاتِ اللَّهِ يُكْفَرُ بِهَا وَيُسْتَهْزَأُ بِهَا فَلَا تَقْعُدُوا مَعَهُمْ حَتَّى يَخُوضُوا فِي حَدِيثٍ غَيْرِهِ إِذْ أَنْتُمْ إِذَا مَثَلَهُمْ إِنَّ اللَّهَ جَامِعُ الْمُنَافِقِينَ وَالْكَافِرِينَ فِي جَهَنَّمَ جَمِيعًا ﴿١٤١﴾

**141. Улар сизларни кузатиб турурлар. Сизларга Аллоҳ томонидан фатҳ бўлса: «Сизлар билан бирга эмасмидик?!» дерлар. Агар кофирларга насиба бўлса: «Сизларга устун келиб, мўминлардан ҳимоя қилмадикми?» дерлар. Аллоҳ қиёмат куни улар орасида ҳукм қилур. Аллоҳ ҳаргиз кофирларга мўминлар устидан йўл бермас.**

Мунофиқлар ҳар доим мунофиқлигини қилади. Иймон масаласидаки иккиёқдамалик қилгандан кейин, бошқа масалаларда бундан баттар бўлади. Улар доимо иймон ва куфр, мўминлар ва кофирлар орасида тарозининг палласи қаёққа оғишини кузатиб турадилар. Бу ҳол ушбу оятда ажойиб услуб ила васф қилинмоқда:

**«Улар сизларни кузатиб турурлар. Сизларга Аллоҳ томонидан фатҳ бўлса: «сизлар билан бирга эмасмидик?!» дерлар».**

Яъни, кофирлар билан мужодалада сизларга Аллоҳ томонидан фатҳ — зафар бўлса, мунофиқлар дарҳол: «Сизлар билан бирга эмасмидик?!» дейдилар. Биз ҳам мусулмон эдик-ку, биз ҳам сиз билан бир динда эдик-ку, дейдилар. Чунки, мусулмонлар ғолиб келдилар. Мунофиқ фақат ўзи яшаб турган онини ўйлайди. Ўша онда ғалаба ким томонда бўлса, ўша томонга ўтади. Шунинг учун ҳам:

**«Агар кофирларга насиба бўлса: «Сизларга устун келиб, мўминлардан ҳимоя қилмадикми?» дерлар».**

Яъни, мўминлар билан кофирлар орасидаги урушда зафар кофирларга насиб қилса, мунофиқлар шу заҳоти улар томонга ўтадилар. Кофирларга ўзларини яқин кўрсатиш учун бор имконларини ишга соладилар. «Мўминларга қўшилиб сизлардан устун келиб турган эдик. Аммо биз уларнинг ичини бузиб, сизларни мўминлардан ҳимоя қилдик. Оқибатда, ғалаба сизларга насиб этди. Бунда бизнинг улушимиз катта», деган маънодаги гапларни айтадилар. Улар ўзларича бу ишлари билан фахрланадилар. Усталик, уддабуролик қилганлари оқибатида муваффақиятга эришганликларини таъкидлайдилар. Майли, ўзларича мақтаниб юраверсинлар.

**«Аллоҳ қиёмат куни улар орасида ҳукм қилур».**

У кунда ҳийла-найранг ва устомонлик ўтмайди. Пойлаб туриб, тарозининг палласига қараб оғишлар бўлмайди. У кунда одамлар кўнглида нималар кечганини ҳам билувчи одили мутлақ Ҳокимнинг ёлғиз Ўзи ҳукм қилади. Ҳамма билиб қўйсинки:

**«Аллоҳ ҳаргиз кофирларга мўминлар устидан йўл бермас».**

Мунофиқларнинг васфи келаси ояти каримада ҳам давом этади:

إِنَّ الْمُنَافِقِينَ يُخَادِعُونَ اللَّهَ وَهُوَ خَدِعُهُمْ وَإِذَا قَامُوا إِلَى الصَّلَاةِ قَامُوا كَسَالَى  
يُرَاءُونَ النَّاسَ وَلَا يَذْكُرُونَ اللَّهَ إِلَّا قَلِيلًا

**142. Албатта, мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўлурлар. Ҳолбуки, Аллоҳ уларни «алдовчи»дир. Агар намозга турсалар, дангасалик билан, хўжақўрсинга турурлар ва Аллоҳни камдан-кам зикр қилурлар.**

Ушбу васфлардан мунофиқликнинг нақадар пасткашлик, жоҳиллик ва ёмонлик эканлигини тушуниб олса бўлади. Улар сиртдан ўзларини мусулмон қилиб кўрсатиш билан қалбларидаги куфрни берки-тиб, ҳеч ким билмайди, деб эътиқод қиладилар. Улар ўзларининг аввалги оятдагига ўхшаш тасарруфлари ила, одамларни алдадик, дея хурсанд бўладилар. Уларнинг одамлар орасида кўрсатаётган бундай ўйинлари Аллоҳга муносабатларида ҳам айни шаклдадир.

**«Албатта, мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўлурлар».**

Лекин жоҳилликлари туфайли, Аллоҳни алдаб бўлмаслигини унутадилар. Улар ақлсизликлари туфайли, Аллоҳ нафақат уларнинг ишларидан, балки қалбларидаги сирларидан ҳам хабардор бўлиб туришини билмайдилар. Ўша жоҳиллик, ақлсизлик ва асосан, қалбларидаги мараз туфайли ҳар бир гап-сўз ва ишларида Аллоҳни алдамоқчи бўладилар.

**«Ҳолбуки, Аллоҳ уларни «алдов»чидир».**

Уламоларимиз: Аллоҳга «алдовчи» сифатини нисбат бериб бўлмайди, деб таъкидлаганлар. Бу ибора мажоз маъносида ишлатилади. Аллоҳнинг «алдаши» мунофиқларни улар қанчалик нифоқ, гуноҳ ва гумроҳлик қилсалар ҳам, тек қўйиб қўйишидадир. Улар Аллоҳни алдаяпмиз, деб гуноҳларида давом этган чоғларида ҳам жазо юбормасдан, ишларига ривож бериб қўяди. Чунки, кўпинча инсон ўзига бу дунёда етадиган қийинчиликлар, мусийбатлар ва ҳодисалардан ҳам хулоса чиқариб, тўғри йўлга тушиб олиши мумкин. Аллоҳ таоло мунофиқларга ушбу эслатма бўлувчи омиларни ҳам раво кўрмайди. Оқибатда, улар Аллоҳни алдамоқчи бўлиб, ўзларини алдайдилар.

Мунофиқларнинг энг катта аломатларидан яна бири ояти кариманинг кейинги жумласида келади:

**«Агар намозга турсалар, дангасалик билан хўжақўрсинга турурлар ва Аллоҳни камдан-кам зикр қилурлар».**

Қуруқ гап бўлса, мунофиқларга тенг келиш қийин, улар иймон ва Исломни даъво қилиб, ҳаммаёқни гапга тўлдириб ташлайдилар. Чунки гапириш осон. Аммо гапнинг рост ёки ёлғонлигини тасдиқловчи нарсага — амалга келганда чувлари чиқади. Дарҳақиқат, амалга қараб инсонларнинг ҳақиқий қиёфаси намоён бўлади. Баҳо ҳам амалга қараб қўйилади. Охиратдаги жазо ёки мукофот ҳам амалга қараб белгиланади. Оқни оққа, қорани қорага ажратувчи ана шундай ишлардан бири намоздир. Намоз Ислом динининг устунидир. Ким уни барпо қилса, динни ҳам барпо қилади. Ким намозни барпо қилмаса, динни ҳам барпо қилмайди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларидан бирида «Биз билан биздан бошқаларнинг орасидаги фарқ — намоздир», деганлар.

Аммо, юқоридаги жумладан намоз билан намознинг орасида ҳам фарқ борлигини билиб олмоқдамиз. Мунофиқ одам намозга дангасалик билан туради. Ижирғаниб, ночорлик ила намоз ўқишга ўтади. Бу унинг иймони йўқлиги, иймон ҳақидаги гаплари юзаки эканининг аломатидир. Агар иймони ҳақиқий бўлганида, намозга шавқу завқ билан турган бўлар эди. Чунки, намоз мўмин киши учун меърождир. Унинг Роббига муножотидир. Намоз пайтида у ўз Парвардигори билан юзма-юз туради. Агар дуо қилса, қабул бўлади. Гунноҳи бўлса, афв этилади. Бундай улкан мақомга фақат мунофиқгина дангасалик билан туради. Ўзига қолса, турмас ҳам эди-ку, аммо у хўжақўрсинга туради. Одамлардан уялганидан туради. Шунинг учун ҳам, одамлар кам турадиган бомдод ва хуфтон намозларига ушбу оятлар тушган даврдаги мунофиқлар кам чиқар эканлар. Ҳозирги мунофиқлар эса, умуман ўқимай қўяверадилар.

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Мунофиқлар учун энг оғир намоз хуфтон намози билан бомдод намозидир. Агар бу икки намозда нима фазл борлигини билганларида, эмаклаб бўлса ҳам келар эдилар. Бир одамга амр қилиб намозга одамларни тўплаб, иккинчисига уларга имом бўлиб намоз ўқиб туришни буюрсам-да, кейин баъзи одамлар билан ўтин олиб чиқиб, намозга ҳозир бўлмаганларнинг уйларига ўт қўйиб юборсам», деганлар.

Ҳофиз Абу Яъло Абдуллоҳдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:



«Ким одамлар кўриб турганда намозни яхшилаб ўқиб, холи қолганда ёмон ўқиса, бу ҳол ўз Роббини ерга урганидир», деганлар. Мунофиқлар намозни дангасаларча ва хўжакўрсинга ўқишлари билан бирга, унда Аллоҳни камдан-кам эслайдилар. Яъни, улар намозларида ихлос, хушуъ ва хузуъ қилмайдилар. Нима деяётганларини англамайдилар. Кўнгиллари ҳар ёқда бўлиб ўқийдилар.

Имом Молик ҳазрати Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Мана бу мунофиқнинг намози, мана бу мунофиқнинг намози, мана бу мунофиқнинг намози — қуёшга қараб ўтиради-да, у шайтоннинг икки шохи орасига кирганда, тўрт марта қуш ерни чўқигандек сажда қилиб олади. Унда Аллоҳни камдан-кам зикр қилади», деганлар.

Бу ҳадиси шарифда аср намози ҳақида сўз кетмоқда. Маълумки, қуёш ботиш пайтида шайтоннинг икки шохи орасидан ботади, деган ҳадислар бор. Демак, ушбу ҳадисда зикри келган шахс намозни вақтида ўқимай, дангасалик қилиб ўтиради. Сўнгра, қуёш ботаётган пайтда шошилиб, тез-тез, йиқилиб-туриб олади.

Мунофиқларнинг васфи яна давом этади:

مُذَبِّدِينَ بَيْنَ بَيْنِ ذَلِكَ لَا إِلَى هَوَاءٍ وَلَا إِلَى هَوَاءٍ وَمَنْ يُضِلِلِ اللَّهُ فَلَنْ تَجِدَ لَهُ سَبِيلًا

**143. Улар орада сарсондирлар. На анавиларга қўшила оладирлар ва на манавиларга қўшила оладирлар. Аллоҳ кимни йўлдан адаштира, ҳаргиз унга йўл топа олмассан.**

Мунофиқнинг қатъий қарори йўқ. Субути ҳам йўқ. Сиртида иймонли, мўминлар билан бирга. Ичида кофир бўлгани учун кофирларга талпинади. Усти бошқа, ичи бошқа бўлганидан, икки орада сарсон қолади. Мўминларни кўрганда, уларни эслаганда, иймондан, Исломдан лоф уриб гапирди, лекин ичида, кофирлар нима дер экан, деб туради. Кофирларга борганда, мен мўминларни алдаш учун уларга иймондан, Исломдан гапирдим, аслида сизлар биланман, дейди-ю, ичида, мўминлар билиб қолса, нима дейишар экан, деб туради. Ҳолбуки, мўминлар ҳам, кофирлар ҳам мунофиқнинг кимлигини яхши биладилар. Ундан нафрат қиладилар, уни пасткаш, ярамас, деб биладилар. Мунофиқ эса, икки йўл орасида сарсон бўлиб юраверади.

Буюк тафсирчиларимиздан Ибн Жарир Тобарий ушбу ояти карима тафсирида Қатода розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қилган:

«Улар мухлис мўмин ҳам эмаслар, очик кофир ҳам эмаслар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бизга мўмин, мунофиқ ва кофир ҳақида қуйидаги ўхшатишни қилар эдилар: «Улар худди бир дарёни кесиб ўтмоқчи бўлган уч кишига ўхшайдилар. Мўмин сувга тушиб нариги

қирғоққа ўтиб олади. Ундан кейин мунофиқ тушади. У мўмин турган жойга етай деганда, орқасидан кофир, менга томон кел, сенга раҳмим келяпти, бир ёмонлик етмасин, деб чақиради. Мўмин эса, мен томонга кел, мен томонда у бор-бу бор, деб санашга тушади. Мунофиқ икки орада сарсон бўлиб, бориб-келиб турганда, катта сув келиб уни оқизиб кетади. Мунофиқ ўлгунча шак-шубҳада ўтади», деганлар».

Кейинги оятда мўминларга хитоб қилиниб, уларга мунофиқ қилган ишни қилмаслик, кофирларни дўст тутмаслик амр қилинади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّخِذُوا الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِ الْمُؤْمِنِينَ أَلَا تَرِيدُونَ أَن  
تَجْعَلُوا لِلَّهِ عَلَيْكُمْ سُلْطَانًا مُبِينًا ﴿١٤٤﴾

**144. Эй, иймон келтирганлар! Мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутманг. Аллоҳнинг ҳузурида ўз зиддингизга очиқ ҳужжат қилишни хоҳлайсизми?!**

Мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутиш мунофиқларнинг иши экани ўтган оятларда айтиб ўтилган эди. Бу оятда мўминлар ўша ишдан қайтарилмоқдалар. Мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутганда, иймон ва Ислом учун ҳадсиз-ҳисобсиз зарарлар келтирилади. Бу катта гуноҳдир. Шунинг учун ҳам, оятнинг иккинчи қисмида:

**«Аллоҳнинг ҳузурида ўз зиддингизга очиқ ҳужжат қилишни хоҳлайсизми?!»** дейилгандир.

Мўминни қўйиб, кофирни дўст тутиш ҳам бир нави ҳужжат-дирки, охирада бу ҳужжат уларнинг зарарларига ишлайди ва Аллоҳ уларни шу ҳужжат асосида азоблайди.

إِنَّ النَّافِقِينَ فِي الدَّرَكِ الْأَسْفَلِ مِنَ النَّارِ وَلَنْ تَجِدَهُمْ نَصِيرًا ﴿١٤٥﴾

**145. Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг остки қаватидадилар ва ҳаргиз уларга бир ёрдамчини топа олмасан.**

Ислом дини учун мунофиқлар кофирлардан ҳам зарарли ва хавфлидирлар. Шунинг учун, охирада ҳам улар кофирлардан-да кўра қаттиқроқ азобга дучор бўладилар. Дўзахнинг энг қаърига – энг остки қаватига ташланадилар. Бу жойни оятда «ад-Даркул асфал» дейилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда: «ад-Даркул асфал» бир эшикли уйлар бўлиб, унга мунофиқларни киритиб, устиларидан эшикларини қулфлаб қўйиб, остидан ҳам, устидан ҳам олов ёқилади, дейилган. Мунофиқлар ана шундай қаттиқ азобга дучор қилинадилар:

«...ва ҳаргиз уларга бир ёрдамчини топа олмассан».

Қайсилари бу ҳолдан қутулиши мумкинлиги келаси оятда баён қилинади:

إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا وَأَصْلَحُوا وَاعْتَصَمُوا بِاللَّهِ وَأَخْلَصُوا دِينَهُمْ لِلَّهِ فَأُولَٰئِكَ مَعَ  
 الْمُؤْمِنِينَ وَسَوْفَ يُؤْتِي اللَّهُ الْمُؤْمِنِينَ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿١٤٦﴾

**146. Магар тавба қилиб, солиҳ амаллар қилган, Аллоҳни маҳкам ушлаган ва Аллоҳ учун динга ихлос қўйганлар—ана ўшалар мўминлар ила биргадирлар. Аллоҳ, албатта, мўминларга улуғ ажр берур.**

Эътибор берилса, бошқа ҳолатларда «тавба қилиб, солиҳ амаллар қилганлар» дейиш билан кифояланилар эди. Яъни, бошқа барча гуноҳкорларнинг мағфират қилинишларига ушбу икки нарса — тавба ва амали солиҳ кифоя дейиларди. Аммо мунофиқлар билан бўлган муомалада бу икки муҳим шарт билан бирга «Аллоҳни маҳкам ушлаш ва Аллоҳ учун динга ихлос қўйиш»ни ҳам шарт қилиб қўйилмоқда.

**«Магар тавба қилиб, солиҳ амаллар қилган, Аллоҳни маҳкам ушлаган ва Аллоҳ учун динга ихлос қўйганлар—ана ўшалар мўминлар ила биргадирлар».**

Чунки, мунофиқлар, аввал айтилганидек, кофирлардан ҳам ёмондирлар. Уларнинг нафслари шунчалик бузуқки, шу қадар тутуриқсизки, ҳаммага кифоя бўлган тавба ва амали солиҳ буларга кифоя қилмайди. Буларнинг тузалиши учун бошқаларга қараганда икки ҳисса кўпроқ илож керак: Аллоҳни, унинг амрини, китобини маҳкам тутиш ва динга Аллоҳ учун ихлос қўйиш ҳам шартдир. Ана шу шартларнинг барчасига риоя этганларидагина мунофиқлар орасидан тавба қилганлари мўминлар билан бирга бўла оладилар, мўминлар сафига қўшиладилар.

Имом Ибн Аби Ҳотим Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Динингга ихлос қилгин, сенга озгина амал ҳам кифоя қилур», деганлар.

Оят охирида мўминликнинг фазилати эслатилмоқда:

**«Аллоҳ, албатта, мўминларга улуғ ажр берур».**

مَا يَفْعَلُ اللَّهُ بِعَذَابِكُمْ إِن شَكَرْتُمْ وَءَامَنْتُمْ وَكَانَ اللَّهُ شَاكِرًا عَلِيمًا ﴿١٤٧﴾

**147. Агар шукр қилсангиз ва иймон келтирсангиз, Аллоҳ сизни азоблаб нима қиладир?! Аллоҳ шукр қилувчи ва билувчи Зотдир.**

Аллоҳ, таоло ношукр ва кофир бандаларни нима учун азоблайди?

Уларни азоблашдан бир фойда топадими? Ёки уларни азоблашдан лаззат оладими? Албатта, Аллоҳ ношукр ва иймонсизларни азоблашдан ҳеч фойда топмайди ва уларни азоблашдан лаззат ҳам олмайди.

**«Агар шукр қилсангиз ва иймон келтирсангиз, Аллоҳ сизни азоблаб нима қиладир?!»**

Бу азобнинг асосий сабаби, банданинг шукр қилмагани ва иймон келтирмаганидир. Ношукр ва иймонсиз кимса бу дунёда азобланса, қилган хатоси эвазига, тўғри йўлга қайтсин, деб қилинади. Уни охи-ратда азоблаш эса, ношукрлиги ва кофирлигининг жазосидир. Аслида,

**«Аллоҳ шукр қилувчи ва билувчи Зотдир».**

Яъни, шукр қилган бандаларидан рози бўлади ва уларга улуф ажрларни беради.

Келгуси оятларда янги исломий жамиятнинг — илоҳий дастур асо-сида яшайдиган жамиятнинг тарбияси давом этади. Кишиларнинг қалбларини ва жамиятни турли нопокликлардан тозалашга алоҳида эътибор берилади:

﴿لَا يُحِبُّ اللَّهُ الْجَهْرَ بِالسُّوْءِ مِنَ الْقَوْلِ إِلَّا مَنْ ظَلَمَ وَكَانَ اللَّهُ سَمِيعًا عَلِيمًا﴾

**148. Аллоҳ ёмон гапни ошкор қилишни хуш кўрмас. Магар мазлумдан бўлса, майли. Аллоҳ эшитувчи ва билувчи Зотдир.**

Қалбида тақвosi, виждонида ҳассослик бўлмаган одам ҳар қан-дай ёмон сўзни осонгина ошкора қилади, атрофга ёяди. Ёмон сўзнинг тарқалиши кишиларни ва жамиятларни разолат ботқоғига боти-рувчи ҳолдир. Ёмон гап-сўзларнинг тарқалиши кишилар ўртасида-ги ўзарo ишончни йўқотади. Жамиятда ёмонлик голиб бўлгандек қилиб кўрсатади. Одамлар қалбида ишончсизлик ва умидсизлик руҳини тарқатади. Ёмон гапни ошкор қилиш икки одамнинг бир-бирини сўкишидан, ёмонлашидан ва ғийбат-бўхтон қилишидан бошланади. Сўнгра, аста-секин катталашиб, жамиятни ҳалокат жари ёқасига олиб келади. Шунинг учун ҳам, Ислом жамиятида ёмон сўзни ошкор қилиш қатъиян таъқиқланади.

**«Аллоҳ ёмон гапни ошкор қилишни хуш кўрмас».**

Фақат бир тоифага — мазлумга рухсат. Шунда ҳам, мазлум инсон ўз устидаги зулмни кўтариши учунгина изн берилади.

**«Магар мазлумдан бўлса, майли».**

Чунки, Ислом жамиятида ҳар қандай зулм мутлақ қораланади. Золимга қарши туришда мазлумнинг ёни олинади. Жумладан, зо-лимнинг зулмидан жамиятни хабардор этиш учун мазлумгина ёмон гапни ошкор қилиши мумкин. Ислом динида кишилар ҳақида ёмон гап-сўз тарқатмасликка катта эътибор берилади. Одамларнинг об-

рўйи доимо ҳимоя қилинади. Аммо, мусулмонларга зулм қилган одам бу ҳимояга сазовор бўла олмайди.

Аввалги мусулмонлар жамиятда ёмон гапни ошкор қилмасликка қанчалик эътибор берганларини тушунтириш учун бир ривоят келтирайлик.

Мужоҳид раҳматуллоҳи алайҳининг таърифлашларича, ёмон сўзни ошкор қилиш – «Бир одам меҳмонга борса-ю, мезбон уни яхши зиёфат қилмаса, у ердан чиқиб, фалончи менинг ҳурматимни жойига қўймади, яхши зиёфат қилмади, деб гапиришдир».

Мусулмонлар мазкур таълимотларга амал қилганларидан дунёдаги халқлар ичида шахсий ва ижтимоий ахлоқларда олий мақомларга эришдилар. Ҳамма халқлардан ўтиб кетдилар.

إِنْ بُدُوْا خَيْرًا أَوْ تُخَفُّوْهُ أَوْ تَعْفُوْا عَنْ سُوْءٍ فَإِنَّ اللّٰهَ كَانَ عَفُوًّا قَدِيْرًا ﴿١٤٩﴾

**149. Агар яхшиликни ошкора ёки махфий қилсангиз ёки ёмонликни афв этсангиз, албатта, Аллоҳ афвли ва қодир Зотдир.**

Мўмин киши ёмонлик қилиши, ҳатто ёмон сўзларни тарқатиши асло мумкин эмас. Шу билан бирга, яхшиликни ошкора ва махфий қилиши ва ёмонликни афв этиши марғуб ишдир. Мусулмон одам доимо яхшилик қилиши лозим, ёмонликни эса, афв этади. Ана шундагина, жамиятда яхшилик ҳукм суради. Кишиларнинг ёмонликларини афв этиш ҳам яхши иш. Афв туфайли жамиятда ёмонлик йўқолиб, яхшилик кўпаяди. Уқубат етказишга қодир бўлиб туриб, афв этиш нақадар олийжаноб иш эканлигини оятнинг охиригидан жумласидан ҳам билиб олсак бўлади:

**«Албатта, Аллоҳ афвли ва қодир Зотдир».**

Энди келадиган оятларда, ўрнак бўлиши учун, ўтган умматлардан ёмон гапни ошкор қилганлари ҳақида сўз кетади:

إِنَّ الَّذِينَ يَكْفُرُونَ بِاللّٰهِ وَرُسُلِهِۦ وَيُرِيدُونَ أَنْ يُفَرِّقُوا بَيْنَ اللّٰهِ وَرُسُلِهِۦ وَيَقُولُوا نُؤْمِنُ بِبَعْضٍ وَنَكْفُرُ بِبَعْضٍ وَيُرِيدُونَ أَنْ يَتَّخِذُوا بَيْنَ ذَٰلِكَ سَبِيْلًا ﴿١٥٠﴾ أُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ حَقًّا وَأَعْتَدْنَا لِلْكَافِرِينَ عَذَابًا مُّهِينًا ﴿١٥١﴾

**150. Албатта, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига куфр келтирадиганлар ва Аллоҳ ила Пайғамбарлари орасида айримчиликни ирода қиладиганлар ҳамда баъзиларига иймон ва баъзиларига куфр келтирамиз, деб ана ўшандай ора йўлни тутишни хоҳлайдиганлар.**

**151. Ана ўшалар, ҳақиқий кофирлардир. Ва кофирларга хорловчи азобни тайёрлаб қўйганмиз.**

Ушбу икки ояти каримада васфи келган кофирлар – насоро ва яҳудийлардир. Бу икки диндаги кишилар жуда ҳам кўп ёмон сўзлар айтганлар. Уларнинг майда-чуйда гапларини эслатиб ўтишнинг ҳожати йўқ. Аллоҳ ва Пайғамбарлар ҳақида тарқатган ёмон гапларини эслашнинг ўзи кифоя.

**«Албатта, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига куфр келтирадиганлар...»**

Бу борада ҳам ҳаммасини эмас, Пайғамбарлар орасида айримчилик қилишларининг ўзиниёқ мисол қилиб олса бўлади.

**«...ва Аллоҳ ила Пайғамбарлари орасида айримчиликни ирода қиладиганлар ҳамда баъзиларига иймон ва баъзиларига куфр келтирамиз, деб ана ўшандай ора йўлни тутишни хоҳлайдиганлар...»**

Улар, Пайғамбарларнинг баъзиларига иймон келтирамиз, баъзиларига куфр келтирамиз, дейдилар. Яҳудийлар, ҳамма Пайғамбарларга иймон келтирамиз-у, аммо Ийсо билан Муҳаммадга куфр келтирамиз, дейдилар. Насоролар эса, ҳамма Пайғамбарларга иймон келтирамиз-у, аммо Муҳаммадга куфр келтирамиз, дейдилар.

Ҳолбуки, иймон бўлинмас ҳақиқатдир. Баъзисини олиб, баъзисини итқитилмайди. Бундай ора йўлни тутганлар кофир ҳисобландилар. Кофир бўлганда ҳам:

**«Ана ўшалар, ҳақиқий кофирлардир».**

Албатта, уларнинг бу қилмишлари эътиборсиз қолдирилмайди. Аллоҳ таоло бу ҳақда:

**«Ва кофирларга хорловчи азобни тайёрлаб қўйганмиз»,** дейди.

Кейинги оятда мазкур кофирларнинг зидди бўлмиш мусулмонлар қавмининг васфи келади:

وَالَّذِينَ آمَنُوا بِاللَّهِ وَرُسُلِهِۦٓ وَلَمْ يُفَرِّقُوا بَيْنَ أَحَدٍ مِّنْهُمْ أُولَٰئِكَ سَوْفَ يُؤْتِيهِمُ  
أُجُورَهُمْ ۗ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿١٥٢﴾

**152. Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига иймон келтирганларга ва уларнинг бирортасини ҳам айирмаганларга – ана ўшаларга ажрларини албатта берурмиз. Ва Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир.**

Бу ояти каримада васф этилаётган саодатманд кишилар – мусулмонлардир. Улар Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига бирдек иймон келтирадилар. Улардан бирортасини айириб қўймайдилар.

**«Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига иймон келтирганларга ва уларнинг бирортасини ҳам айирмаганларга—ана ўшаларга ажрларини албатта берурмиз».**

Ислом динида бирорта Пайғамбарни инкор қилган инсонда му- сулмонлик қолмаслиги ҳақида ҳукм бор. Шунингдек, ҳамма само- вий динларга ишониш ва уларни ҳурматлаш, самовий китобларга ишониш ва уларни эҳтиром қилиш мусулмон учун иймоннинг аж- ралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ уларга ажрларини ал- батта беришни ваъда қилмоқда.

**«Ва Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир».**

У зот Ўзига ва Пайғамбарларига иймон келтирганларни мағфи- рат қилади ва охирада уларни ўз раҳмати ила жаннатга киритади.

Ислом тасаввури бўйича, Пайғамбарларга иймон ва куфр қан- дай бўлиши баён қилиб бўлингандан сўнг, келгуси оятларда бу ма- салада яҳудийлар ўзларини қандай тутишларининг баёни келади:

يَسْأَلُكَ أَهْلُ الْكِتَابِ أَنْ تُنزِلَ عَلَيْهِمْ كِتَابًا مِّنَ السَّمَاءِ فَقَدْ سَأَلُوا مُوسَىٰ أَكْبَرَ  
مِنَ ذَلِكَ فَقَالُوا أَرْنَا اللَّهَ جَهْرَةً فَأَخَذَتْهُمُ الصَّعِقَةُ بِظُلْمِهِمْ ثُمَّ اتَّخَذُوا الْعِجْلَ مِن  
بَعْدِ مَا جَاءَتْهُمْ الْبَيِّنَاتُ فَعَفَوْنَا عَن ذَلِكَ وَآتَيْنَا مُوسَىٰ سُلْطَانًا مُّبِينًا

153. Аҳли китоблар сендан уларга осмондан китоб тушириб беришингни сўрарлар. Мусодан бундан ҳам катта нарсани сўра- ганлар – «Бизга Аллоҳни ошқора кўрсат», деганлар. Бас, зулмла- ри туфайли уларни чақмоқ урди. Сўнгра, уларга очиқ-ойдин баё- нотлар келганидан кейин бузоқни худо қилиб олдилар. Бас, Биз буни ҳам афв қилдик ва Мусога очиқ-ойдин султон бердик.

Яҳудийлар Пайғамбарларга нисбатан душманликлари, беодоб- ликлари билан машҳурдилар. Улар баъзи Пайғамбарларни ўлдир- ган бўлсалар, бошқаларига бўҳтон ва тухматлар қилганлар. Ўша эски гумроҳликларини Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга ҳам қилганлар. Ушбу ояти каримада оламларнинг сарвари Муҳам- мад алайҳиссаломга нисбатан уларнинг биргина қилмишлари эсга олинмоқда:

**«Аҳли китоблар сендан уларга осмондан китоб тушириб бери- шингни сўрарлар».**

Ҳолбуки, ўша пайтда Пайғамбаримиз алайҳиссаломга осмондан Қуръони Карим оятлари тушиб турган эди. Аммо, аҳли китоб бўлмиш яҳудийлар у кишидан ёзилган ва жилдланган китоб тушириб бе- ришни сўрадилар.

Ибн Журайж розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, ўша китобда фалончига, пистончига, деб ёзилган бўлиб, «Ҳақиқатан ҳам, Муҳаммадни сизга Пайғамбар қилиб юбордик», деган гап ҳам бўлиши керак экан. Бу эса, саркашлик, куфр ва масхарадан бошқа нарса эмас эди. Аммо, яҳудийларнинг бу қилиқларидан ажабланмаслик керак. Уларнинг тарихига назар солинса, бундан баттар ишларни ҳам қилганликларига гувоҳ бўламиз. Улар ўзларига Аллоҳ томонидан Пайғамбар қилиб юборилган

**«Мусодан бундан ҳам катта нарсани сўраганлар–«Бизга Аллоҳни ошкора кўрсат», деганлар».**

Демак, яҳудийлар тарих давомида Пайғамбарларга нисбатан доимо беодоб бўлганлар. Куфр ва саркашлик ила улардан турли нарсаларни, одатда, моддий-ашёвий нарсаларни талаб қилганлар. Мусо алайҳиссаломнинг Пайғамбарликларига далил сифатида етарлидан ҳам ортиқроқ мўъжизалари бўлишига қарамай, у кишидан яна ҳам моддийроқ ва ҳис қиладиганроқ далилни – Аллоҳни ошкора кўрсатишни талаб қилганлар. Бундай талаб яҳудийларнинг ўтакетган моддапараст эканлигидан дарак беради. Аллоҳ таоло уларни қилмишларига яраша жазолади.

**«Бас, зулмлари туфайли уларни чақмоқ урди».**

Яъни, ҳаддиларидан ошганликлари, тугёнга кетганликлари, саркашлик қилганликлари учун Аллоҳнинг азобига дучор бўлдилар. Уларни чақмоқ урди. Аллоҳ уларни афв қилди ва ҳидоятга солиш учун турли баёнотлар ва белгилар берди. Мисрда Мусо алайҳиссалом уларга турли мўъжизаларни кўрсатдилар. Аллоҳ уларни қутқариб, душманларини денгизга фарқ қилди. Аммо яҳудийлар барибир ўнганмадилар.

**«Сўнгра, уларга очиқ-ойдин баёнотлар келганидан кейин, бузоқни худо қилиб олдилар».**

Бу ачинарли ва гумроҳона иш Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таоло билан роз айтишгани, муножот қилгани кетганларида бўлди. Мисрдан қочиб чиқаётиб, ҳийла йўли билан мисрлик аёллардан олган тиллалардан Самурий исмли бири уларга олтин бузоқ шаклини қуйиб берди. Яҳудийлар эса, ўша олтин бузоқ ҳайкалини ўзларига худо қилиб олдилар ва унга ибодат қилдилар. Аммо, Аллоҳ таоло уларга яна меҳр кўрсатди:

**«Бас, Биз буни ҳам афв қилдик ва Мусога очиқ-ойдин султон бердик».**

Аллоҳ Мусо алайҳиссаломга берган султон – шариатдир. Аллоҳнинг шариати – султондир.

Аммо, яҳудийлар доимо яҳудийликларига борадилар. Уларга қаҳр ва ғазаб кўрсатилмагунча, фойда чиқмайди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло уларга мана бундай муомала қилди:



وَرَفَعْنَا فَوْقَهُمُ الطُّورَ بِمِيثَاقِهِمْ وَقُلْنَا لَهُمُ ادْخُلُوا الْبَابَ سُجَّدًا وَقُلْنَا لَهُمْ لَا تَعْدُوا فِي السَّبْتِ وَأَخَذْنَا مِنْهُمْ مِيثَاقًا غَلِيظًا ﴿١٥٥﴾

**154. Ва аҳдномаларига мувофиқ, устиларига Турни кўтардик ва уларга: «Эшиқдан эгилиб киришлар» ҳамда «Шанба куни ҳаддингиздан ошманг», дедик. Ва улардан мустаҳкам аҳднома олдик.**

Яҳудийлар Мусо алайҳиссаломга Аллоҳ томонидан берилган султонга – шариатга юрмадилар. Улар Аллоҳга, шариатга юрмаганлари ҳолда, нима қилсанг розимиз, деб аҳд берган эдилар. Худди ўша аҳдномаларига мувофиқ, Аллоҳ таоло уларни қўрқитиш учун тепаларига Тур тоғини олиб келиб қўйди.

**«Ва аҳдномаларига мувофиқ, устиларига Турни кўтардик...»**

Яҳудийлар ночор ҳолда қолдилар. Агар тавба қилмасалар, Аллоҳнинг айтганига кирмасалар, устиларидаги тоғ уларни босиб тушиши аниқ эди. Шундай ҳолда турганларида:

**«...ва уларга: «Эшиқдан эгилиб киришлар» ҳамда «Шанба куни ҳаддингиздан ошманг», дедик».**

Яъни, Аллоҳ таоло уларга Байтул Мақдиснинг эшигидан тавозуъ билан, эгилиб киришни ва шанба куни ҳаддан ошмасликни – дам олишни, балиқ овламасликни амр қилди. Ҳамда бу борада уларнинг мустаҳкам ваъдаларини олди:

**«Ва улардан мустаҳкам аҳднома олдик».**

Аммо яҳудийлар яна яҳудийликларини қилдилар. Ўзларини хавфдан холи сезишлари билан дарҳол аҳдномани буздилар. Байтул Мақдисга тавозуъ билан эгилиб эмас, кетлари билан сурилиб кирдилар ва шанба куни балиқ овлашга ҳийла ўйлаб чиқардилар. Бас, ушбу қилган гуноҳлари ва бошқа (келаси оятларда зикр қилинадиган) айблари учун Аллоҳ таоло уларни лаънатлади.

فِيمَا نَقَضُوا مِيثَاقَهُمْ وَكُفِّرُوا بَعْدَ مَا عَاهَدُوا اللَّهَ فِي مَا كَانُوا يَعْلَمُونَ ﴿١٥٦﴾ وَقُلْنَا لَهُمْ ادْخُلُوا الْبَابَ سُجَّدًا وَقُلْنَا لَهُمْ لَا تَعْدُوا فِي السَّبْتِ وَأَخَذْنَا مِنْهُمْ مِيثَاقًا غَلِيظًا ﴿١٥٧﴾

**155. Аҳдномаларини бузганлари, Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлари, Пайғамбарларни ноҳақдан ўлдирганлари, «қалбларимиз берк» деганлари учун. Йўқ! Балки, куфрлари сабабли Аллоҳ қалбларига муҳр босган, озгиналаридан бошқаси иймон келтирмаслар.**

**156. Ва куфрлари, Марямга қарши улкан бўҳтон айтганлари учун.**

**157. «Биз Аллоҳнинг Расули Масийҳ Ийсо ибн Марямни ўлдирдик», деганлари учун (уларни лаънатладик). Ҳолбуки, уни ўлдирмадилар ҳам, осмадилар ҳам, лекин уларга шундай туюлди. У ҳақида ихтилофга тушганлар унинг ўлимидан шак-шубҳададилар. У тўғрисида уларнинг билимлари йўқ, магар гумонга эргаشارлар. Уни ўлдирмаганлари аниқдир.**

Ушбу оятларда яҳудийларнинг Аллоҳнинг лаънатига учрашларига сабаб бўлган баъзи қилмишлари зикр этиляпти.

Ўша қилмишлардан биринчиси:

**«Аҳдномаларини бузганлари».**

Яҳудийлар аҳдномаларини қандай бузганларини ўтган оятда ҳам яққол кўрдик, ўргандик ва англаб етдик.

Иккинчиси:

**«Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганликлари».**

«Оят» деганда белги ва мўъжиза маънолари ҳам тушунилади. Аллоҳ таоло яҳудийларга иймонга келишлари ва тўғри йўлга тушишлари учун кўплаб оятлар – белги ва мўъжизалар кўрсатди. Бош-қа сура ва оятларда уларнинг зикри келган. Аммо, яҳудийлар мазкур мўъжизаларнинг барчасига куфр келтирдилар, уларни инкор этдилар.

Учинчиси:

**«Пайғамбарларни ноҳақдан ўлдирганлари».**

Бу ҳам маълум ва машҳурдир. Қуръонда ўрни билан бу масала ҳам керагича ёритилган. Мисол учун, яҳудийлар Закариё ва Яҳё алайҳиссаломларни ноҳақдан ўлдирганларини эслаш кифоя қилади.

Тўртинчиси:

**«қалбларимиз берк», деганлари».**

Бу гапни улар Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг даъватларига жавобан айтганлар. Уларни Исломга чақирганларида, масхара қилиб: «Бизнинг қалбларимиз берк, сенинг даъватинг кирмайди», деганлар. Бу билан улар, биз сенинг гапингга қулоқ ҳам солмаймиз, демоқчи бўлганлар.

Во ажабо, ҳақиқатда ҳам уларнинг қалблари берк ҳолда, унга ҳеч нарса кирмайдиган қилиб яратилганми?!

**«Йўқ! Балки, куфрлари сабабли Аллоҳ қалбларига муҳр босган, озгиналаридан бошқаси иймон келтирмаслар».**

Яъни, аслида уларнинг қалблари ҳам бошқаларники каби яратилган, улар айтгандек, берк қилиб яратилган эмас. Аммо куфрлари сабабли Аллоҳ уларнинг қалбларини муҳрлаб, қаттиқ, бетаъсир ва берк қилиб қўйган. Шунинг учун ҳам, улардан жуда ҳам оз одамлар мусулмонликни қабул қиладилар.

Бешинчиси:

**«Ва куфрлари, Марямга қарши улкан бўҳтон айтганлари...»**

Олтинчиси:

**«Аллоҳнинг Расули Масийҳ Ийсо ибн Марямни биз ўлдирдик», деганлари...»**

Аслида, яҳудийлар Ийсо алайҳиссаломни Пайғамбар деб тан олмаганлар. Бу ердаги «Аллоҳнинг Расули» дейишлари истехзо ва масхара учундир. Улар Ийсо алайҳиссаломни ўлдирганликларини даъво қиладилар. Лекин бу қуруқ даъво, холос. Ҳақиқатни эса, Қуръони Карим баён қилади:

**«Ҳолбуки, уни ўлдирмадилар ҳам, осмадилар ҳам, лекин уларга шундай туюлди».**

Ийсо алайҳиссаломга яҳудийлар суиқасд қилганларининг қиссаси маълум ва машҳур. Бу қиссани буюк тафсирчилардан Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳи қуйидагича ривоят қиладилар:

«Аллоҳ таоло Ийсо ибн Марямни очиқ-ойдин аломатлар ва ҳидоят ила Пайғамбар қилиб юборганида, яҳудийлар у зотга берилган Пайғамбарлик ва мўъжизаларга ҳасад қилдилар. У киши кўр бўлиб тутилганларни ва пеларни даволар, ўликни Аллоҳнинг изни ила тирилтирар, лойдан қушнинг шаклини ясаб, унга пуфласалар, Аллоҳнинг изни ила қуш бўлиб учиб кетар эди. Шунга ўхшаш кўпгина мўъжизалар билан у кишини Аллоҳ қўллаб-қувватлаган эди. Яҳудийлар эса, у кишини ёлғончига чиқардилар, хилоф қилдилар ва имкони борича, у зотга озор беришга ўтдилар. Ҳаттоки, Аллоҳнинг Пайғамбари Ийсо алайҳиссалом улар бор жойда турмайдиган бўлдилар. Кўпинча оналари билан бирга саёҳатда юришга мажбур бўлдилар. Яҳудийлар бу билан кифояланиб қолмадилар, у зотни ўша даврдаги Дамашқнинг подшоҳига чақдилар. Подшоҳ юлдузларга сиғинадиган мушриклар тоифасидан эди. Унинг миллатига «юнон» деб ном берилган эди. Яҳудийлар унга: «Байтул Мақдисда бир одам чиқиб, кишиларни фитнага солмоқда, адаштирмоқда ва фуқароларни подшоҳга қарши қўймоқда», деб хабар етказдилар. Бундан подшоҳнинг ғазаби чиқди. Байтул Мақдисдаги ноибига мазкур одамдан эҳтиёт бўлиш, уни осиб, бошига тикон қўйиб, унинг шарридан одамларни сақлаш фармонини берди. Мактуб Байтул Мақдиснинг волийсига етиб келганида, у фармонни бажаришга отланди. Бир тоифа яҳудийлар билан Ийсо алайҳиссалом турган жойга борди. У киши ўзларига

яқин кишилар билан бирга эдилар. Уларнинг сони ўн икки-ўн уч ёки ўн еттита эди.

Бу воқеа жума кунидан шанбага ўтар кечаси содир бўлди. Яҳудийлар уларни қамалга олдилар. Ёки улар босиб киришади, ёки ўзлари уларнинг олдига чиқишлари керак — бундан бошқа илож қолмаганини англаб етган Ийсо алайҳиссалом шерикларига: «Кимингизга менинг тусим ўтса, ўша одам жаннатда мен билан бирга бўлади», дедилар.

Бу ишга бир ёш йигит тайёрлигини билдирди. Уни хиёл ёш санадилар, юқоридаги гапни иккинчи, учинчи бор такрорладилар. Ҳар сафар фақат ҳалиги йигит ўз тайёрлигини билдирди. Ийсо алайҳиссалом: «Сен ўшасан!» дедилар. Аллоҳ таоло у йигитни Ийсо алайҳиссалом тусига киритди.

Томнинг шифтидан бир туйнук очилди. Ийсо алайҳиссаломни мудроқ олди. Шу ҳолда осмонга кўтарилдилар. У зот кўтарилганларидан кейин, шериклари ташқарига чиқдилар. Яҳудийлар қоронғуда ҳалиги йигитни Ийсо деб ўйлаб, ушлаб, осдилар ва бошига тикон қўйдилар».

Аммо ишга бу билан нуқта қўйилгани йўқ. Асосий ихтилофлар айнан ушбу воқеадан сўнг бошланди. Таъкидланганидек, ҳодиса кечанинг қоронғусида, тўс-тўполоннинг ичида бўлиб ўтди. Кўп нарсалар ноаниқ қолди. Шунинг учун:

**«Унинг ҳақида ихтилоф қилганлар унинг ўлиmidан шак-шубҳададирлар».**

Аввало, ҳодисада иштирок этганларнинг ўзлари ихтилофга тушдилар. «Агар ўлдирилган Ийсо бўлса, бирга юрган одам қани? Агар ўлдирилган бирга юрган одам бўлса, Ийсо қани?» дедилар бир-бирларига. Лекин, барибир, ўликни осиб қўйиб, биз Ийсони ўлдирдик деб, мақтаниб юришаверди. Насоролар бўлса, баъзилари бу гапга ишонди, баъзилари «Ийсо ўлгандан кейин кўмилди. Аммо уч кундан кейин яна тирилди», дейишди. Лекин ҳаммаларининг гапи ҳам асоссиз гаплардир. Бу нарса оятнинг сўнгида яна бир бор таъкидланади:

**«У тўғрисида уларнинг билимлари йўқ, магар гумонга эргашадилар. Уни ўлдирмаганлари аниқ».**

Хўш, ўлдирмаганлари аниқ бўлса, унга нима бўлган, деган саволга келаси оятда жавоб келади:

بَل رَفَعَهُ اللَّهُ إِلَيْهِ وَكَانَ اللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا

**158. Балки, уни Аллоҳ Ўзига кўтарди. Аллоҳ азиз ва ҳакийм бўлган Зотдир.**

Мўмин-мусулмонларнинг Ийсо алайҳиссалом ҳақларидаги ақийда-

лари ушбу ва бошқа оятлардан ҳамда саҳиҳ ҳадиси шарифлардан олинган. Унда ҳеч қандай ноаниқлик, шубҳа ёки гумон йўқ. Ҳаммаси аниқ,

وَإِنَّ مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ إِلَّا لِيُؤْمِنُوا بِهِ ۖ قَبْلَ مَوْتِهِ ۗ وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ يَكُونُ عَلَيْهِمْ شَهِيدًا ﴿١٥٩﴾

**159. Ҳеч бир аҳли китоб йўқки, унга ўлимидан олдин иймон келтирмаса. Қиёмат куни эса, у уларнинг зиддига гувоҳ бўлур.**

Уламоларимиз бу ояти кариманинг маъносида икки хил фикр айтганлар. Бунга оятдаги «ўлимидан олдин» ибораси сабаб бўлган. Баъзилари, бу ерда Ийсонинг ўлими назарда тутилган, десалар, баъзилари, аҳли китобнинг ўлими назарда тутилган дейдилар.

Биринчи тоифа: «Ийсо алайҳиссалом қиёмат яқинлашганда тушганларида, аҳли китоблардан ҳеч ким қолмай, у киши ўлишларидан олдин у зотга иймон келтиради», дейди.

Иккинчи тоифа олимларнинг тафсирларига кўра эса, ҳар бир аҳли китоб ўз ўлимидан олдин, албатта, Ийсо алайҳиссаломга иймон келтиради.

**«Ҳеч бир аҳли китоб йўқки, унга ўлимидан олдин иймон келтирмаса».**

Яъни, ҳар бир яҳудий ҳам ўз ўлимидан олдин, албатта, Ийсо алайҳиссаломга иймон келтиради. Аммо, бу, фойда бермайдиган иймон бўлади. Шунинг учун ҳам,

**«Қиёмат куни эса, у уларнинг зиддига гувоҳ бўлур».**

Яъни, Ийсо алайҳиссалом қиёмат куни уларнинг зиддига гувоҳлик берадилар.

فِي ظُلْمٍ مِّنَ الَّذِينَ هَادُوا حَرَّمْنَا عَلَيْهِمْ طَيِّبَاتٍ أُحِلَّتْ لَهُمْ وَبِصَدِّهِمْ عَنِ سَبِيلِ اللَّهِ كَثِيرًا ﴿١٦٠﴾ وَأَخَذَهُمُ الرِّبَا وَقَدْ نُهُوا عَنْهُ وَأَكْلِهِمْ أَمْوَالِ النَّاسِ بِالْبَاطِلِ ۗ وَأَعْتَدْنَا لِلْكَافِرِينَ مِنْهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿١٦١﴾

**160. Яҳудий бўлганларга, уларнинг зулми, Аллоҳнинг йўлидан кўп тўсганлари учун, ўзларига ҳалол қилинган нарсани ҳаром қилдик.**

**161. Ва қайтарилган бўлсалар ҳам, рибо олганликлари ва одамларнинг молларини ботил йўл билан еганлари учун. Ва уларнинг кофирлари учун аламли азобни тайёрлаб қўйдик.**

Ушбу икки оятда яҳудийларнинг аввал зикр қилинган гумроҳликларига яна зулм, Аллоҳнинг йўлидан кўп тўсиш, рибохўрлик ва одамларнинг молларини ботил йўл билан ейишлари ҳам қўшилмоқ-

да. Ана шу мункар ишлари туфайли, Аллоҳ таоло яҳудийларга аввал ҳалол бўлган нарсаларни ҳам ҳаром қилди.

**«Яҳудий бўлганларнинг зулмлари, Аллоҳнинг йўлидан кўп тўсишлари, ўзлари қайтарилган бўлсалар ҳам, рибо олганликлари ва одамларнинг молларини ботил йўл билан еганлари туфайли уларга ўзлари учун ҳалол қилинган нарсани ҳаром қилдик».**

Таврот тушишидан аввал Исроил ўзига ўзи ҳаром қилган нарсадан бошқа ҳамма нарса яҳудийлар учун ҳалол эди. Кейин нималар ҳаром қилингани ҳақида аввалги сураларда келди. «Анъом» сурасида яна ба-тафсил келади. Бу дунёдаги чоралар билан кифояланмай охиратда:

**«Ва уларнинг кофирлари учун аламли азобни тайёрлаб қўйдик».**

Ҳа, кофирларнинг ҳоли шу.

Лекин мўминларнинг ҳоли тамоман бошқача бўлади.

لَكِنَّ الرّٰسِخُوْنَ فِي الْعِلْمِ مِنْهُمْ وَالْمُؤْمِنُونَ يُؤْمِنُونَ بِمَا نُزِلَ إِلَيْكَ وَمَا أُنزِلَ مِنْ قَبْلِكَ  
وَالْمُقِيمِينَ الصَّلَاةَ وَالْمُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَالْمُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ أُولَٰئِكَ سَنُؤْتِيهِمْ  
أَجْرًا عَظِيمًا ﴿١٦٢﴾

162. Лекин, улардан илмда мустаҳкам бўлганлари ва мўминлари, сенга нозил бўлган нарсага ва сендан олдин нозил бўлган нарсага иймон келтирурлар. Хусусан, намозни қоим қилувчилар, закот берувчилар, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирувчилар ҳам. Ана ўшаларга албатта улуғ ажр берурмиз.

Илмда мустаҳкам бўлганларнинг иймон келтиришларининг таъкидланишида алоҳида аҳамият бордир. Ҳақиқий ва мустаҳкам илм эгалари ҳамиша иймонли бўладилар. Уларнинг илмлари шунга чорлайди. Илмсиз ва чаласавод кимсалар иймондан қочадилар, гарчи улар илм даъвосини қилсалар ҳам. Илм билан иймон бирга бўлганда эса, катта яхшиликларга сабаб бўлади. Ана ўшалар Аллоҳнинг инояти ила намоз ўқувчи, закот берувчи, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирувчи мусулмонлар сафига қўшиладилар ҳамда Аллоҳ томонидан ҳаммалари учун тайёрлаб қўйилган улуғ ажрга эга бўладилар.

﴿ إِنَّا أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ كَمَا أَوْحَيْنَا إِلَى نُوحٍ وَالنَّبِيِّنَ مِنْ بَعْدِهِ وَأَوْحَيْنَا إِلَى إِبْرَاهِيمَ  
وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطِ وَعِيسَى وَأَيُّوبَ وَيُوسُفَ وَهَارُونَ  
وَسُلَيْمَانَ وَأَيُّهَا دَاوُدَ ذُرِّيًّا وَأُوْحَيْنَا إِلَيْكَ وَإِلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ ﴾

**163. Биз сенга худди Нух ва ундан кейинги Пайғамбарларга ваҳий юборганимиздек ваҳий юбордик. Биз Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Асбот, Ийсо, Айюб, Юнус, Ҳорун ва Сулаймонларга ваҳий юбордик. Довудга эса Забурни бердик.**

Демак, ҳамма Пайғамбарларга ваҳий юбораётган, уларни бандалар ичидан танлаб олаётган Зот битта. Мазкур Пайғамбарларга ваҳий юборган ўша Зот Муҳаммад алайҳиссаломга ҳам ваҳий юборгандир. Мазкур кишиларни Пайғамбар қилиб танлаб олган ўша Зот Муҳаммад алайҳиссаломни ҳам Пайғамбар қилиб танлаб олгандир. Довуд алайҳиссаломга Забурни берган бўлса, Муҳаммад алайҳиссаломга Қуръонни бергандир.

وَرُسُلًا قَدْ قَصَصْنَاهُمْ عَلَيْكَ مِنْ قَبْلُ وَرُسُلًا لَمْ نَقْصُصْهُمْ عَلَيْكَ وَكَلَّمَ اللَّهُ مُوسَى تَكْلِيمًا ﴿١٦٤﴾

**164. Ва Биз сенга бундан олдин қиссаларини айтиб берган ва қиссаларини айтиб бермаган Пайғамбарларни юбордик. Ва Аллоҳ Мусо ила ўзига хос гаплашди.**

Қуръони Каримда номлари зикр қилинган Пайғамбарлар қуйидагилар: Одам, Идрис, Нух, Худ, Солиҳ, Иброҳим, Лут, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Айюб, Шуайб, Мусо, Ҳорун, Юнус, Довуд, Сулаймон, Илёс, Ал-Ясаъ, Закариё, Яҳё, Зул-Кифл, Ийсо ва Муҳаммад алайҳиссаломлардир.

Қуръони Каримда номлари зикр қилинмаган Пайғамбарлар ҳақидаги энг ишончли маълумот Ибн Мурдавайҳи Абу Зарр ал-Ғифорий розиаллоҳу анҳудан қилган ривоятда келган, у киши айтадиларки:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Пайғамбарлар қанча?» деб сўрадим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир юз йигирма тўрт мингта», дедилар.

«Эй, Аллоҳнинг Расули, улардан қанчаси Расуллар?» дедим. У зот:

«Уч юз ўн учтаси, кўпчилик» дедилар.

Оятнинг охирида Мусо алайҳиссаломга кўрсатилган улкан шафаф зикр қилинади:

**«Ва Аллоҳ Мусо ила ўзига хос гаплашди».**

Шунинг учун ҳам, у киши «Калимуллоҳ», деб аталадилар.

رُسُلًا مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ لِئَلَّا يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَى اللَّهِ حُجَّةٌ بَعْدَ الرُّسُلِ وَكَانَ اللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا ﴿١٦٥﴾

**165. Башорат берувчи ва огоҳлантирувчи Пайғамбарларни Аллоҳ ҳузурида одамларга Пайғамбарлардан сўнг ҳужжат бўлмаслиги учун юбордик. Ва Аллоҳ азиз ва ҳакийм бўлган Зотдир.**

Аллоҳ таоло одам боласига оқни қорадан ва яхшини ёмондан ажратиши учун ақлни берган. Ўзи берган ўша ақл туфайли одамларга, нима учун ақлингни ишлатиб мени танимадинг, ибодатимни қилмадинг, деса, ҳаққи бор. Аммо, Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон Зот, шунинг учун ҳам, уларга осон бўлсин деб, бандаларга жаннат башоратини берувчи ва дўзахдан огоҳлантирувчи Пайғамбарларни юборди.

**«Башорат берувчи ва огоҳлантирувчи Пайғамбарларни Аллоҳ ҳузурида одамларга Пайғамбарлардан сўнг ҳужжат бўлмаслиги учун юбордик».**

Пайғамбарлар юборилганидан кейин одамларда ҳеч қандай узр қолмайди. Пайғамбар юборганинда, унга эргашиб, сенга иймон келтирар эдик, ибодатингни қилар эдик, деб ҳеч ким ҳужжат келтира олмайди.

**«Ва Аллоҳ азиз ва ҳаким бўлган Зотдир».**

Ҳа, Аллоҳ, дарҳақиқат, ҳар бир ишга қодир ва ҳакийм Зотдир. У зот ҳар бир ишни қилишга қодирдир. У зот ҳар бир ишни ҳикмат ила қиладир.

Кейинги оятларда Аллоҳ таоло Ўзининг охирги Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга тасалли бериб, аҳли китобларнинг инкорларига аҳамият бермасликка чақиради. Аллоҳ юборган бошқа Пайғамбарларга ишонишиб, сенга ишонишмаса, ишонишмасин:

لَكِنِ اللَّهُ يَشْهَدُ بِمَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ أَنْزَلَهُ بِعِلْمِهِ وَالْمَلَكُ يَشْهَدُونَ وَكَفَى  
بِاللَّهِ شَهِيدًا

**166. Лекин Аллоҳ сенга нозил қилган нарсаси ила гувоҳлик берадир. Уни Ўз илми ила нозил қилди. Фаришталар ҳам гувоҳлик берурлар. Гувоҳликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур.**

Аллоҳнинг Ўзи гувоҳлик бериб турган жойда аҳли китоб бўлмиш кофирларнинг гапига йўл бўлсин. Аллоҳ Ўзи сенга илоҳий китоб нозил қилганига Ўзи гувоҳ бўлиб турибди-ку! Бундан ортиқ яна нима керак! Фаришталар ҳам гувоҳлик бериб тургандан кейин кофирлар ким бўлибдилар!

Аллоҳнинг гувоҳлиги ва фаришталарнинг гувоҳлигига қарши турган кофирларга нималар бўлиши энди баён қилинади:



إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَصَدُّوا عَن سَبِيلِ اللَّهِ قَدْ ضَلُّوا ضَلَالًا بَعِيدًا ﴿١٦٧﴾

**167. Куфр келтирган ва Аллоҳнинг йўлидан тўсганлар, ба- таҳқиқ, қаттиқ адашгандирлар.**

Яъни, ўзлари куфр келтириб, ҳақ йўлга эргашмайдилар, бу- нинг устига, бошқаларни ҳам Аллоҳнинг йўлидан тўсиб, ўзларига ўхшатиб, куфр йўлига юргазадилар. Албатта, ундай тоифалар дунё- да энг қаттиқ адашган кимсалардир.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَظَلَمُوا لَمْ يَكُنِ اللَّهُ لِيَعْفِرْ لَهُمْ وَلَا لِيَهْدِيَهُمْ طَرِيقًا إِلَّا طَرِيقَ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا وَكَانَ ذَٰلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرًا ﴿١٦٨﴾

**168. Албатта, куфр келтирганлар ва зулм қилганларни Аллоҳ зинҳор мағфират қилмас ва йўлга ҳидоят ҳам қилмас.**

**169. Магар жаҳаннам йўлига (ҳидоят қилур) ва унда абадий қолурлар. Бу, Аллоҳ учун осондир.**

Аслида, кофир бўлишлик энг катта зулмдир. Юқоридаги оятда «куфр келтирган ва одамларни Аллоҳнинг йўлидан тўсганлар» деб сифат- ланган кимсалар бу оятда «куфр келтирганлар ва зулм қилганлар» деб васф қилинмоқда. Ўзлари ҳақни инкор қилганлари етмагандай, ўзга- ларни ҳам ҳақдан тўсишлари, дарҳақиқат, зулм устига зулмдир.

**«Албатта, куфр келтирганлар ва зулм қилганларни Аллоҳ зинҳор мағфират қилмас ва йўлига ҳидоят ҳам қилмас».**

Албатта, Аллоҳ таоло ундай кишиларнинг гуноҳларини мағфи- рат ҳам, ўзларини ҳидоят ҳам қилмайди-да.

**«Магар жаҳаннам йўлига (ҳидоят қилади)».**

Ҳа, агар Аллоҳ таоло уларни «ҳидоят» қилса ҳам, фақат бир йўлга — жаҳаннам йўлига «ҳидоят» қилади. Улар фақат шунга лойиқдирлар.

Улар ўзлари кирган жаҳаннамда ҳеч чиқмасдан абадий қолишга лойиқдирлар.

**«...ва унда абадий қолурлар. Бу, Аллоҳ учун осондир».**

Мазкур баёноتلардан кейин жами одамларга умумий нидо ўрни келди:

يَأَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ الرَّسُولُ بِالْحَقِّ مِن رَّبِّكُمْ فَآمِنُوا خَيْرًا لَّكُمْ وَإِن تَكْفُرُوا فَإِنَّ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿١٧٠﴾

**170. Эй одамлар! Батаҳқиқ, сизларга Роббингиздан ҳақ ила Пайғамбар келди. Бас, иймон келтиринг, ўзингизга яхши бўладир. Агар куфр келтирсангиз, Албатта осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Ва Аллоҳ билувчи ва ҳикматли Зотдир.**

Пайғамбарлик ҳақида, хусусан, охирги Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида насоролар ўзларича нима десалар, деяверсинлар. Яхудийлар нима десалар, деяверсинлар. Аммо сизлар, эй одамлар — дунёдаги барча одамлар, ҳамма-ҳаммангиз Роббингиздан ҳақ ила келган Муҳаммад алайҳиссаломга иймон келтиринглар.

**«Эй одамлар! Батаҳқиқ, сизларга Роббингиздан ҳақ ила Пайғамбар келди. Бас, иймон келтиринг, ўзингизга яхши бўладир».**

Бу Пайғамбар сизларга икки дунёнинг саодатини таъмин этувчи мукамал ва охирги динни келтирди. Агар унга иймон келтирсангиз, у келтирган динга амал қилсангиз, ўзингизга яхши бўлади, эй одамлар! Агар ўзингизга яхшилиқни истасангиз, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтиринг.

**«Агар куфр келтирсангиз, Албатта осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Ва Аллоҳ билувчи ва ҳикматли Зотдир».**

Агар унга куфр келтирадиган бўлсангиз, ўзингизга зарар қиласиз. Аллоҳга ҳеч нарса бўлмас. Албатта, осмонлару ердаги ҳамма нарсалар унинг мулкидир. У ўз мулкида истаган тасарруфини қилур.

Келаси оятларда аҳли китобларнинг хато ақийдалари тузатилади:

يَأْهَلِ الْكِتَابِ لَا تَغْلُوا فِي دِينِكُمْ وَلَا تَقُولُوا عَلَى اللَّهِ إِلَّا الْحَقَّ إِنَّمَا الْمَسِيحُ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ رَسُولُ اللَّهِ وَكَلِمَتُهُ أَلْقَاهَا إِلَى مَرْيَمَ وَرُوحٌ مِنْهُ فَتَأْمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَلَا تَقُولُوا ثَلَاثَةٌ أَنْتَهُمْ خَيْرٌ لَكُمْ إِنَّمَا اللَّهُ إِلَهُ وَاحِدٌ سُبْحَانَهُ أَنْ يَكُونَ لَهُ وَلَدٌ لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَكَفَى بِاللَّهِ وَكِيلًا ﴿١٧١﴾

**171. Эй, аҳли китоблар! Динингизда ҳаддан ошманг ва Аллоҳ ҳақида ҳақдан бошқани айтманг. Албатта, Масийҳ Ийсо ибн Марям Аллоҳнинг Пайғамбари, Марямга илқо қилган калимаси ва Ундан бўлган руҳдир. Бас, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига иймон келтиринг. Уни учта деманг. Тўхтанг, ўзингизга яхши бўлади. Албатта, Аллоҳ ягона илоҳдир, ўзга эмас. У Ўзининг боласи бўлишидан пок бўлди. Осмонлардаги нарсалар ва ердаги нарсалар Уникидир. Вакилликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур.**

Ислом дини инсониятнинг ақийдасини тўғри йўлга солишга келган. Бу ўринда ушбу оят насороларнинг ақийдасини тўғриламақда.

Маълумки, насроний дини янгилиги вақтида ақийда тўғри бўлган. Лекин, замон ўтиши билан, бу ақийда аста-секин бузила борган. Милодий олтинчи асрга келиб, Рим императорларининг тазйиқи остида насроний ақийдаси тамоман бузилиб бўлган эди. Насоролар ўз динларида ҳаддан ошиб кетдилар. Аллоҳнинг бандаси ва Пайғамбари Ийсо алайҳиссаломни «Аллоҳнинг ўғли» дедилар. Сўнгра, Аллоҳ, уч асрдан — ота, ўғил ва муқаддас руҳдан иборатдир, деб даъво қилдилар. Шунингдек, Биби Марямни ҳам илоҳлик даражасига кўтардилар. Худонинг табиати ҳақида битмас-туганмас ихтилофларга тушдилар. Охири келиб, ўзлари ҳам тушуниб етмайдиган ақийдавий машмашаларга гирифтор бўлдилар. Уларнинг ушбу ва шунга ўхшаш кўплаб ишлари динда ғулувга кетиш — ҳаддан ошиш эди. Аллоҳ таоло бу ояти каримада аҳли китоблардан бўлмиш насороларга хитоб қилиб:

**«Эй, аҳли китоблар! Динингизда ҳаддан ошманг ва Аллоҳ ҳақида ҳақдан бошқани айтманг»,** демоқда.

Аллоҳ ҳақидаги ҳақ эса, Ислом ақийдасида келгандир. Насоролар худо ёки ўғил худо ёки худонинг уч асидан бири, деб эътиқод қилдиган Ийсо алайҳиссалом ҳақидаги энг тўғри ақийда қуйидагичадир:

**«Албатта, Масийҳ Ийсо ибн Марям Аллоҳнинг Пайғамбари, Марямга илқо қилган калимаси ва Ундан бўлган руҳдир».**

Демак, Ийсо Аллоҳ эмас, балки Аллоҳнинг Пайғамбаридир. Ҳа, у зот Иброҳим, Мусо, Муҳаммад ва бошқа Пайғамбарларга ўхшаш Пайғамбардир.

Шу билан бирга, Ийсо алайҳиссалом Аллоҳнинг «Марямга илқо қилган калимаси» ҳамдир. Яъни, у зот бошқаларга ўхшаб оналари қорнида нутфадан пайдо бўлмаган, балки Аллоҳнинг «Бўл!» деган калимаси ила пайдо бўлган.

Ийсо алайҳиссалом Ундан, яъни Аллоҳдан бўлган руҳ ҳамдир. Бу «руҳ»дан мурод пуфлашдир. Чунки, Аллоҳнинг амри ила Жаброил фаришта Биби Марямнинг ёқаларидан пуфлагандан сўнг Биби Марям онамиз Ийсо алайҳиссаломга ҳомиладор бўлганлар. Аллоҳ Одам алайҳиссаломни лойдан ясаб бўлгандан сўнг унга пуфлаганда жон кирган эди. Ўшани ҳам «руҳ» дейилгандир. Ҳақиқатан шундай бўлгач:

**«Бас, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига иймон келтиринг».**

Яъни, ягона Аллоҳга иймон келтиринг. Аллоҳнинг Пайғамбарларига, жумладан, Ийсо Пайғамбарга ва охирги Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломга иймон келтиринг.

**«Уни учта деманг! Тўхтанг, ўзингизга яхши бўлади».**

Яъни: эй насоролар, Аллоҳ, учта — ота, ўғил ва муқаддас руҳ деманг. Бундай нотўғри эътиқод ва гап-сўзлардан тўхтанг, ўзингизга яхши бўлади.

**«Албатта, Аллоҳ ягона илоҳдан ўзга эмас».**

Аллоҳ ҳақидаги ҳақиқий ақийда шулдир. Ҳам борлиқдаги ҳақиқат, ҳам инсон ақли Аллоҳнинг ягоналигига шоҳиддир. Бу ҳақиқатни инкор қилиб, «Аллоҳ учтадир» дейиш гумроҳликдир.

**«У Ўзининг боласи бўлишидан пок бўлди».**

Бола туғиш ёки туғилиш насли сақлаб қолувчи омилдир. Маълум муддат яшаб, сўнгра ўладиган махлуқларнинг насаби туғиш ила сақланиб қолади. Ҳамиша боқий Зот – Аллоҳга бу васф ҳеч тўғри келмайди. Унинг фарзандга нима ҳожати бор?! Ҳолбуки:

**«Осмонлардаги нарсалар ва ердаги нарсалар Униқидир».**

Бундай Зотга банда бўлиш қандай яхши. Ким ўзининг Аллоҳнинг бандаси эканлигини тан олса, унга:

**«Вакилликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур».**

لَنْ يَسْتَنْكِفَ الْمَسِيحُ أَنْ يَكُونَ عَبْدًا لِلَّهِ وَلَا الْمَلَائِكَةُ الْمُقَرَّبُونَ وَمَنْ  
يَسْتَنْكِفَ عَنْ عِبَادَتِهِ وَيَسْتَكْبِرْ فَسَيَحْشُرُهُمْ إِلَيْهِ جَمِيعًا ﴿١٧﴾

**172. Масийҳ ҳам, муқарраб фаришталар ҳам Аллоҳга банда бўлишдан зинҳор бош тортмаслар. Ким Унинг ибодатидан бош тортса ва мутакаббирлик қилса, уларнинг ҳаммасини Ўзига тўплар.**

Бу оятдан улкан бир ҳақиқат англаб олинади. Аввалги оятларда ягона Аллоҳга иймон келтириш – эътиқод қилиш лозимлиги ҳақида сўз кетган эди. Ушбу ояти каримада эса, дунёдаги ҳамма-ҳамма, ҳатто насоролар худо деб эътиқод қилаётган Ийсо ҳам, Аллоҳга яқин (муқарраб) фаришталар ҳам Аллоҳга ибодат қилишдан бош тортмасликлари таъкидланмоқда.

**«Масийҳ ҳам, муқарраб фаришталар ҳам Аллоҳга банда бўлишдан зинҳор бош тортмаслар».**

Демак, ҳамма ягона Аллоҳга эътиқод қилиши керак, ҳамма ягона Аллоҳга ибодат қилиши керак. Бу эса, ёлғиз эътиқоднинг ўзи кифоя қилмаслигини кўрсатади. Мен эътиқодли одамман, деб қўйиб, ибодатсиз юриш ёки Аллоҳдан бошқага ибодат қилиш, бошқанинг айтганини қилиш мутлақо мумкин эмас.

Баъзи ўзини билмаганлар Аллоҳнинг ибодатидан бош тортсалар, ўзларига қийин бўлади.

**«Ким Унинг ибодатидан бош тортса ва мутакаббирлик қилса, уларнинг ҳаммасини Ўзига тўплар».**

Бу тўплаш Қиёмат куни бўлади. Аллоҳ ўшанда уларни қилмишларига яраша жазолайди.

فَأَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَيُوَفِّيهِمْ أُجُورَهُمْ وَيَزِيدُهُم مِّن فَضْلِهِ  
 وَأَمَّا الَّذِينَ اسْتَنكَفُوا وَاسْتَكْبَرُوا فَيُعَذِّبُهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا وَلَا يَجِدُونَ لَهُم مِّن  
 دُونِ اللَّهِ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا ﴿١٧٣﴾

**173. Иймон келтириб, яхши амалларни қилганларни эса, ажрларини тўлиқ қилиб берур ва Ўз фазлидан зиёда ҳам қилур. Аммо, ор қилиб кибрга кетганларни аламли азоб билан азоблар ва улар ўзлари учун Аллоҳдан ўзга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам топмаслар.**

Яъни, юқоридаги оятда зикр қилинган ўша маҳшарда — одамларни қиёмат куни бир ерга тўплаганда, мўминларга Аллоҳ таоло ажру савобларини тўлиқ қилиб беради. Балки, унинг устига қўшимча мукофотларни ҳам ато қилади.

**«Иймон келтириб яхши амалларни қилганларни эса, ажрларини тўлиқ қилиб берур ва Ўз фазлидан зиёда ҳам қилур».**

Шу билан бир вақтда, кибру ҳаво ила иймондан ор қилиб кофир бўлганларга аламли азоблар беради. Ана ўшанда ул кофирлар ўзларига ҳеч бир ёрдамчи топа олмай қоладилар.

**«Аммо, ор қилиб кибрга кетганларни аламли азоб билан азоблар ва улар ўзлари учун Аллоҳдан ўзга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам топмаслар».**

Шунинг учун ҳам, бу дунёда иймон келтириб, яхши амаллар қилиб юрмоқ, кибрга кетмаслик зарурдир.

Сўнгра, яна ҳамма одамларга умумий хитоб қилинади.

يَأْتِيهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَ كُفْرًا مِنْ رَبِّكُمْ وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكُمْ نُورًا مُّبِينًا ﴿١٧٤﴾

**174. Эй одамлар! Сизга Роббингиздан бурҳон келди ва сизга аниқ нурни нозил қилдик.**

Бу бурҳон Қуръони Каримдир. Ушбу бурҳон Аллоҳнинг ягоналиги бурҳонидир. Ушбу бурҳон Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳақликлари бурҳонидир. Ушбу бурҳон Ислом икки дунё саодатига элтувчи дин эканлигининг бурҳонидир. Аллоҳ Ўз бандаларига раҳим этиб, уларга икки дунё бахтига эришиш дастури қилиб нозил этган бу Қуръон аниқ нурдир.

فَأَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا بِاللَّهِ وَاعْتَصَمُوا بِهِ فَسَيُدْخِلُهُمْ فِي رَحْمَةٍ مِّنْهُ وَفَضْلٍ

وَيَهْدِيهِمْ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمًا ﴿١٧٥﴾

**175. Аллоҳга иймон келтирган ва Уни маҳкам тутганларни, шубҳасиз, Ўзидан бўлган раҳматга ва фазлга киритур ва уларни унга–тўғри йўлга ҳидоят қилур.**

Аллоҳни маҳкам тутиш – Унинг амрини, динини, Қуръонини тутиш, демақдир. Бу эса, ҳақиқий иймоннинг самарасидир. Иймон ҳақиқий бўлгандагина, унинг эгаси ўз Роббини танийди ва ўзининг бандалигини тан олади. Ана ўшандай одамгина Аллоҳни маҳкам тутади. Аллоҳга иймон келтириш ҳамда Уни маҳкам тутиш эса, ўз навбатида, инсоннинг Аллоҳ таоло томонидан раҳмат ва фазлга киритилишига сабаб бўлади.

**«Аллоҳга иймон келтирган ва Уни маҳкам тутганларни, шубҳасиз, Ўзидан бўлган раҳматга ва фазлга киритур...»**

Бу дунёда улар Аллоҳ таолонинг раҳмати ва фазлига киритилдилар. Фақат иймонга асосланган ҳаётгина раҳмат ва фазли бўлиши мумкин.

Иймонсиз ҳаёт бунинг аксидир.

**«...ва уларни унга–тўғри йўлга ҳидоят қилур».**

Иймон келтириб, Аллоҳни маҳкам тутган одамлар охиратда тўғри йўлдан Аллоҳ томон шаҳдам одимлаб борадилар.

Сураинг охирида яна унинг аввалида келган мерос масаласи, хусусан, калола мероси ҳақида сўз кетади.

يَسْتَفْتُونَكَ قُلِ اللَّهُ يُفْتِيكُمْ فِي الْكَلَالَةِ إِنَّ أُمَّرَأَةً أَلَيْسَ لَهَا وَلَدٌ وَلَهُ أُخْتٌ فَلَهَا نِصْفُ مَا تَرَكَ وَهُوَ يَرِثُهَا إِنْ لَمْ يَكُنْ لَهَا وَلَدٌ فَإِنْ كَانَتْ أَثْنَتَيْنِ فَلَهُمَا الشُّلْثَانِ مِمَّا تَرَكَ وَإِنْ كَانُوا إِخْوَةً رِجَالًا وَنِسَاءً فَلِلَّذَكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنثِيَيْنِ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ أَنْ تَضِلُّوا وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿١٧٦﴾

**176. Сендан фатво сўрарлар. «Аллоҳ сизга калола ҳақида фатво берур», деб айт. Агар бир одам ўлса-ю, унинг боласи бўлмаса, сингласи бўлса, унга марҳумдан қолганнинг ярми берилур. Агар сингилнинг боласи бўлмаса, у ҳамма меросни олур. Агар сингил иккита бўлса, улар марҳумдан қолганнинг учдан иккисини олурлар. Агар (меросхўрлар) эркак-аёл биродарлар бўлсалар, бир эркак икки аёл ҳиссаси асосида олурлар. Адашмаслигингиз учун Аллоҳ баён қилмоқда. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи Зотдир.**

«Калола» нима эканлиги хусусида ушбу «Нисо» сураси аввалида баҳс қилганмиз.

**«Агар бир одам ўлса-ю, унинг боласи бўлмаса, синглиси бўлса, унга марҳумдан қолганнинг ярми берилур».**

Калола ҳолда бир эркак ўлиб, мерос қолдирса-ю, унинг боласи бўлмай, синглиси бўлса, ўша сингил ака ёки укасидан қолган мероснинг ярмини олади.

**«Агар сингилнинг боласи бўлмаса, у ҳамма меросни олур.**

Агар аёл киши калола ҳолда ўлиб, мерос қолдирса-ю, боласи бўлмаса, ака ёки укасигина бўлса, у синглисидан қолган мероснинг ҳаммасини олади.

**«Агар сингил иккита бўлса, улар марҳумдан қолганнинг учдан иккисини олурлар».**

Агар эр киши калола ҳолда ўлса-ю, ортида икки синглиси қолса, улар мероснинг учдан иккисини бўлиб оладилар.

**«Агар (меросхўрлар) эркак-аёл биродарлар бўлсалар, бир эркак икки аёл ҳиссаси асосида олурлар».**

Агар бир эркак калола ҳолда ўлса, ортида ака-ука, опа-сингиллари қолса, улар бир эркакка икки аёл ҳиссаси қоидаси асосида меросни бўлиб оладилар. Ушбу ҳолда она бир биродарлар, опа-сингиллар истисно қилинадилар. Суранинг аввалида келган оятда айтилганидек, агар калола ҳолида вафот этган одамнинг ортидан фақат она бир ака-ука ва опа-сингиллари қолсалар, меросни эркак-аёл тенг ҳисса ила бўлиб оладилар.

**«Адашмаслигингиз учун Аллоҳ баён қилмоқда. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи Зотдир».**

Буларни, бандалар адашиб қолмасин деб, Аллоҳнинг Ўзи баён қилиб бермоқда.

*Аллоҳ таолонинг ёрдами ва риояти  
ила биринчи жуз тамом бўлди.*

*Иккинчи жуз  
«МОИДА» сурасидан бошланур.*

**МУҲДАРИЖА**

Иккинчи нашр муқаддимаси . . . . .	3
«Фотиҳа» сураси. . . . .	4
«Бақара» сураси. . . . .	11
«Оли Имрон» сураси. . . . .	306
«Нисо» сураси. . . . .	475



ШАЙХ  
МУҲАММАД СОДИҚ  
МУҲАММАД ЮСУФ

Шафсири  
Ҳилол

ТУЗАТИЛГАН ВА ҚЎШИМЧА ҚИЛИНГАН

**ИККИНЧИ НАШР**

**1 ЖУЗ**

Тошкент — 2008

Муҳаррир *Шаҳобиддин Одилов*  
Мусаввир *Мунаввар Турсунбой ўғли*  
Техник муҳаррир *Мансур Абдулқодир*  
Ношир *Исмоил Муҳаммад Содиқ*